



АЛИШЕР НАВОИЙ

ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ


*Мир Алишер Навоий таваллудининг
575 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади*

81.2(УЗ-4)
Н-14

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ

Иккинчи жилд

Т - Х



“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016



Уисон калбининг кувончу кийгусини, эзгулик ва хаёт
мазмунини Навоийдек тирак ифода этган шоир шахон
адабиётни тарихида калдан-кал топилади. Она тилига
мухаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигики англиш
туйгуси ҳам бизниг охгу шуурилик, юрагиликга аввало
Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебахо ме-
росдан халкиликни, айниқса, ёшлариликни канчалик кўп
бахраманд этдик, миллий маданиятлиликни юксалти-
ришда, жамиятлиликда эзгу инсоний фазилатлари калом
топтирилишда шунчалик кудратли маорифий курилган эга
булади.

Ислом КАРИМОВ

УЎК 821.512.133(038)

КБК 81.2(Ў3-4)

Н – 14

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

А. Қаюмов, С. Ғаниева, А. Мансур, М. Имомназаров, М. Муҳиддинов, А. Турсунов,
С. Ҳасанов, Ҳ. Қудратуллаев, В. Раҳмонов, Н. Жумахўжа, С. Олим, А. Эркинов,
Н. Жабборов, И. Мирзо, О. Юнусов, О. Ғуломов, А. Аҳмедов.

ИЖОДИЙ ГУРУҲ:

С. Ғаниева, А. Эркинов, О. Давлатов, Э. Очилов, К. Муллахўжаева, Д. Юсупова,
З. Мамадалиева, И. Исмоилов, А. Маликов, Л. Жўрасва.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Ш. Сирожиддинов,
филология фанлари доктори, профессор

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Б. Тўхлиев,
филология фанлари доктори, профессор
Р. Зоҳидов,
филология фанлари номзоди, доцент

Н – 14 “Алишер Навоий: қомусий луғат” / Масъул муҳаррир: Ш.Сирожиддинов. – Т.:
“Sharq”, 2016. – 480 б.

ISBN 978-9943-26-463-2

УЎК 821.512.133(038)
КБК 81.2(Ў3 – 4)

“Алишер Навоий: қомусий луғат” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети Илмий кенгашининг 2015 йил 25 ноябрь 4-сонли мажлисида нашрга тавсия
этилган.

ISBN 978-9943-26-463-2

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2016.



ТААЛЛУҚ (ар.) – боғлиқлик, боғланиш-лик. Моддий дунё ва дунёвий машгулотларга боғланиб қолиш, нафсга қарамлик ҳолати. Солиқнинг сайр ва сулукдаги тў-сиқларидан бири.

Фақр йўлинда оғирроқ

юк зрур вобасталик,

Эй кўнгул, тарки тааллуқ

айлабон ул сори бор.

(“Бадоеъ ул-васат”, 145-ғазал)

ТАБ – иситма; одам ва иссиқ қон-ли ҳайвонлар организмни кўзгатувчи омиллар (хусусан, микроблар)га нисба-тан ҳимояланиш усулларидан бири. Тана ҳароратининг кўтарилиши кўпгина касал-ликларда кузатилади. Т.нинг инфекция ва ноинфекцион (Т.и мараз ва Т.и ʻараз) турлари фарқ қилади. Иситмалаш б-н ўта-диган ҳамма касалликлар қадимда Т.га боғлиқ ҳолда талқин қилинган.

Кеча куйдурди фалакни

шўғлаи тоби табим,

Кундуз ул ойға

ета олғайму “ё Раб-ё раб”им?

(“Наводируш-шабоб”, 414-ғазал)

ТАБАРХУН – қизил новдали дарахт. Айрим лўғатларда келтирилишича, Т. – қизил новдали тол дарахтидирким, унинг эгма шохларидан шотирлар ўзларига таёқ йўниб олганлар (“Фарҳанги Жаҳонгирий”, “Бурхони қотғъ”). Танаси қизил рангдаги чилонжийда дарахтини ҳам Т. деб аташ-ган (“Фарҳанги Рашидий”, “Анжуманоро”, “Фарҳанги Онандроғ”). “Фарҳанги Наз-зом”да берилишича, қизил толнинг шира-

си қизил рангда бўлганлиги сабабли Т. деб аталган. Шеърятда қизил ранг, қонли ёш маъносида ҳам келади.

Тушуб туфроққа Шопури жигархун,

Килиб қон ёши мужгонин табархун.

(“Фарҳод ва Ширин”, 51-боб)

“ТАБАҚОТ УС-СЎФИЯ” (“Сўфийлар табақалари”) – Абу Абдураҳмон Сулла-мийнинг тасаввуфга оид тазкираси. Асар муқаддима, беш боб (табақа) ҳамда ори-фа аёллар зикрига бағишланган илова-дан иборат. Муқаддимада муаллиф тас-нинг моҳияти, валийлик, каромат, важд, илҳом, ворида, туш каби тушунчаларнинг ирфоний талқинини бериб, ҳар бир фикри-ни Қуръон ва ҳадис воситасида асослашга ҳаракат қилган. Валийлар пайғамбарлар илмининг меросхўрлари эканлигига ургу бериб, уларнинг ҳаёт тарзи, эътиқоди ва эзгу амаллари имон аҳлига ибрат мактаби бўлиши сабабли, ушбу тазкирани ёзишга аҳд қилганини қайд қилиб ўтади. Шунинг-дек, бундай асарлар ҳақиқий авлиёларни сохта шайхлардан ажратиш учун қўллан-ма бўлиши мумкинлигини ҳам муқаддима қисмида таъкидлаган. Сулламий ҳар бир боб – табақада 20 машҳур шайхнинг ҳаёт йўли, устозлари, маслаги ҳақида маълумот бериб, кароматлари ва ҳикматларидан на-муналар келтирган. “Т.” тас. тарихида би-ринчи тазкира ҳисобланиб, кейинчалик бу анъанани Имом Ёфийий, Абу Нуайм, Аб-дуллоҳ Ансорий, Фаридиддин Аттор, Абду-раҳмон Жомий ва Алишер Навоий давом эттиришди.



ТАВАККУЛ (ар. – бировга ўз ваколатини ишониб топширмак) – тасавуфий-ирфоний тушунча. Барча сабаблардан дилни узиш ва сабабларнинг сабабини яратувчи Ҳақ таолога юзланиш ва ҳар бир ишнинг ҳал бўлишини ундан тилашдир. Т. сўфийлар наздида муқаррабларнинг мақомларидан бўлиб, бу юксак руҳий мартаба имоннинг самараси ўлароқ баҳоланади. Зунун Мисрий Т.ни хослар илми деб баҳолайди. Хожа Абдуллоҳ Ансорий тажридсиз Т.ни дуруст эмас, деб ҳисоблайди. Тариқат аҳлидан Иброҳим бин Ситанбаҳ Хиравий, Ҳамза бин Абдуллоҳ Алавий, Фатҳ бин Али Мавсий, Аҳмад бин Ваҳаб каби авлиёлар Т.га алоҳида аҳамият берганлар. “Насойим ул-муҳаббат”да Абу Яъқуб Мазкурыйга бағишланган бобда Т. ҳақида қуйидаги таърифлар келтирилган: “*Андин сўрдиларким, таваккул недур? Деди: ихтиёр тарки. Саҳл б. Абдуллоҳ Тустарийдин сўрдилар, деди: тадбир тарки. Бишр Ҳофийдин сўрдилар, деди: ризо. Абу Ҳафс Ҳаддоддин сўрдилар, деди: мусаббихни кўрмак, Фатҳ Мавсийдин сўрдилар, деди: сабабдин малол. Шаҳққ Балхийдин сўрдилар, деди: ажзда фарқи дийдор. Шиблийдин сўрдилар, деди: кўнгул дийдориди барча элни унутмок*”.

ТАВЗИЪ (ар. – тарқатиш, тақсимлаш, улашиш) – байтда бир хил товушларни бир неча марта такрорлашга асосланган бадиий санъат. Бунда шоир ўз фикрини ифодалаш учун бир хил товушга эга бўлган сўзлардан фойдаланади. Т.нинг юзага чиқиши учун аксарият ҳолларда ундош товушларнинг такрорланиши талаб қилинади, лекин баъзан товушдошлик чўзиқ унлилар такроридан ҳам вужудга келиши мумкин.

Алишер Навоий ўз ижодида Т. санъатидан унумли фойдаланган. Шоир шеърятда товушдошлик баъзан бир мисра доирасида, баъзан байт доирасида вужудга келтирилган. Масалан, қуйидаги байтда “к” товуши бир байт доирасида 6 марта марта такрорланган:

*Кеча келгумдур дебон
ул сарви гулру келмади,
Кузларимга кеча тонг
откунча уйқу келмади.
(“Бадоеъ ул-васат”, 608-ғазал)*

Навоий шеърятда бошдан-оёқ ушбу санъат асосида ёзилган ғазаллар ҳам учрайди. Масалан, қуйидаги матлаъли ғазалда “ж” товуши уюштирилиб, Т.санъати ҳосил қилинганлигини кузатиш мумкин:

*Ҳар лабинг улганни тиргузмакда,
жоно, жон эрур.
Бу жиҳатдин бир-бириси
бирла жоножон эрур.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 168-ғазал)*

ТАВИЛ (ар. узун) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб ад-тида, қисман форс-тожик ва туркий шеърятда қўлланилган. Араб арузидаги нисбатан узун баҳрлардан бўлганлиги учун шундай аталган. Шунингдек, унинг руқилари бир байтда саккиз мартадан кам бўлмаслигини назарда тутиб, шундай ном берилган деган карашлар ҳам бор. Т. баҳри махсус аслий руқига эга эмас. Унинг солим руқлари *фаувлун (V – –)*, *мафойлун (V – – –)*, *фаувлун (V – –)*, *мафойлун (V – – –)* бўлиб, шеърятда Т.нинг фақат *мусамман* руқли вазнларидан фойдаланилган. “Ҳазойин ул-маоний” куллиётида Т.нинг фақат бир вазни истифода этилган бўлиб, Алишер Навоийнинг 3 ғазали ушбу ўлчов асосида яратилган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да Т.нинг бир вазини келтириб ўтади.

Тавили мусаммани солим (руқлари ва тақтиғи: *фаувлун мафойлун фаувлун мафойлун, V – – / V – – – / V – – / V – – –*) – туркий шеърятда илк марта Алишер Навоий томонидан ишлатилган вазн номи. “Ҳазойин ул-маоний” куллиётидан унинг мазкур вазнда яратилган уч ғазали ўрин олган.

*Юзунгдек қамар йўқтур,
қадингдек шажар йўқтур,
Шажар булса ҳам анда,
лабингдек самар йўқтур.
(“Наводир уш-шабоб”, 166-ғазал)*

“Мезон ул-авзон”да мазкур вазн учун мисол тариқасида икки байт келтирилган.

*Десам оразу зулфунг ул ўтдур,
тутундур бу,
Дер, ондин санга куймак,
бу бирдур қаро қайғу.*

ТАВОЗУЪ (ар.) — хоксорлик, тавозели бўлмоқ, Ахлоқ илмида ўзини камтар тутиб, ҳеч кимни обрў ва эътибор юзасидан ўзидан кам деб билмаслик тушунилади. Ирфон аҳли Т.ни Ҳақ таоло наздида нафси бандалик мақомида тутмоқ ва халқ б-н муомала қилганда инсоф бермоқ, деб тушунишган. Нафси Ҳақ таоло олдида бандалик мақомида тутмоқ деб, дастлаб шариати исломия ва суннати саниянинг амру наҳйига мувофиқ иш тутмоқ (мубтадийлар даражаси), сўнг башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар б-н безанмоқ (мутаваасситлар даражаси), охирида Мутлақ вужудга фоний бўлиш орқали Зот тажаллийсини қабул этмоқ (восиллар даражаси) ҳисобланади. Халқ олдида Т.да бўлишлик қабули ҳақ (бировни ўзидан қайсидир жиҳати б-н устун эканлигини эътироф этиш ва шунга яраша амал қилиш), риояти ҳуқуқ (бировнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол этмаслик, балки бошқалар манфаатини ўзининг манфаатидан устун қўйиш), тарки тараффуъ ва таваққуъ (бошқалар унинг яхши жиҳатларини инобатга олиш-олмасликларига бефарқ бўлмоқ ва ўзгалардан ўзининг фазилатларини эътироф этишларидан умид узмоқ) каби тушунчалар орқали талқин қилинади. Т.нинг ҳақиқати — тақабурлик ва заифликнинг ўртасида мутаносибликни сақламоқдир. Кибрга берилиш қанчалик зарарли бўлса, оёқости бўлиб кетишга йўл бериш, инсонийлик шаъни поймол этилишга йўл бериш ҳам шунчалик хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Т. иззатга олиб келади. Кимки Т. хазинаси соҳиби бўлса, ундай киши ҳамиша ички фароғатда яшайди ва халқ назарида маҳбуб бўлади.

Навоий Т.ни энг гўзал инсоний хислатлардан бири сифатида асарларида баланд пардаларда қуйлаган. Жумладан, қитъаларининг бирида Т.ни комил инсон бўлишининг биринчи шарт сифатида талқин қилади:

*Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур,
Агар даъб этса они аҳли давлат...
Ҳаким инсони комил дебдур они,
Ки бўлғай зотида бу неча хислат.*

ТАВР (ар. — бирор нарса атрофида айла-ниш, тарз, йўсин, услуб) — ўзга бир шоир

шеъридаги услуб ва мазмунга риоя қилиб, шеърий асар яратиш. *Татаббуъдан* фарқли равишда Т.да вазн, қофия ва радиф мезон қилиб олинмайди, балки ўзга шоир қўллаган услубда янгича талқиндаги тимсоллар ва бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш талаб қилинади. Бу ўзига хос ижодий таъсирланиш ва адабий мусобақа йўсинида бўлиб, салафлар ёки замондошларнинг шеърларидаги услуб асосида мазмуннинг ўзгачалигига эришиш ва унинг янгича жилоларини кашф этишга қаратилган бўлади.

Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” асарида Т. асосида яратилган қўшлаб ғазаллар мавжуд бўлиб, улар Амир Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий каби шоирларнинг шеърларидан ижодий таъсирланиб яратилган. Мас.,

*Аз май тулӯъ кард чу дар соғар офтоб,
Акси ту офтоби дигар шуд дар офтоб.*

(“Девони Фоний”, 52-ғазал)

(Мазмуни: Қадаҳда майдан қуёш кўринганидан сўнг сенинг аксинг майга тушиб, қуёш ичида қуёшдек порлаб кўринди). — ғазали Ҳофиз Шерозий таврида ёзилган. Ҳофиз Шерозий девонида “офтоб” радифли ғазал йўқ, Фоний — Навоий Ҳофизнинг қўйидаги ғазалидаги мазмун, оҳанг, образлар тизимидан фойдаланиб, янги ғазал яратишга эришган:

Чу офтоби май аз машриқи

пиёла барояд,

Зи боғи орази соқий ҳазор лола барояд.

(Мазмуни: Пиёла Шарқидан май қуёши чиққанидан сўнг, соқий чеҳраси боғида минглаб лолалар очилади.)

Баъзан шоир бир ғазалнинг ўзида икки ижодкордан ижодий таъсирланганлигини, яъни бир ғазал ҳам татаббуъ, ҳам Т. асосида яратилганлигини кузатиш мумкин. “Девони Фоний” да бундай ғазалларга қуйидагича сарлавҳалар қўйилган: Татаббуъи Мир дар таври Хожа (Хожа Ҳофиз Шерозий услубида Амир Хусрав Деҳлавийга жавоб), Татаббуъи Шайх дар Т. Махдум (Абдурахмон Жомий услубида Шайх Саъдийга жавоб) ва ҳ.к.

Мас., қуйидаги ғазалда Ҳофизнинг Т.ида Жомийга татаббуъ қилинган:

Биё, ки пири муғон

дар сабў шароб андохт,

Ҳавои муғбача дилҳо

дар изтироб андохт.

(“Девони Фониӣ”, 148-ғазал)

(Мазмуни: Келки, муғлар пири кўзага шароб солди, муғбачанинг ишқи кўнгилларга изтироб солди).

Жомийнинг ғазали аслида Ҳофизнинг ғазалига назира йўсинида ёзилган бўлиб, қуйидаги байт б-н бошланади:

Биё, ки шоҳиди бўстон

зи рух ниқоб андохт,

Насим дар сари зулфи

бунафша тоб андохт.

(“Фотиҳат уш-шабоб”, 257-ғазал)

(Мазмуни: Келгил, бўстон гўзали юзидан ниқобни олиб ташлади; Насим гунафша зулфи учига гажак ташлади. Ҳофизнинг ғазали қуйидаги матлаъ б-н бошланиб, Фониӣ-Навоийнинг ғазалига вазн ва радиф, образлар тизими ва умумий руҳияси б-н муштараклик касб этган:

Хаме, ки абрўи шўхи

ту дар камон андохт,

Ба қасди они мани зори

нотавон андохт.

(Ҳофизи Шерозий. “Девон”, 46-бет)

(Мазмуни: Сенинг қайрилма қошинг камондек эгилиб, менга қараши зор ва нотавон жоним қасдида қилинганди).

ТАВҲИД I (ар. яккахудолик) – яккахудолик ҳақидаги таълимот. Аллоҳнинг бирлигига ишониш, Уни ягона деб билиш, Аллоҳнинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, феълларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилиш. Т. уч қиёмдан иборат: сифатлар Т.и, роббилик Т.и, илоҳийлик Т.и. Олимлар назарида Т. эътиқодга тааллуқли бўлса, сўфийлар учун у мақсад, мушоҳада, маърифат ҳисобланади. Биринчиси – билиш ва тасдиқ қилишга асосланса, иккинчиси – идрокдан завқ олишга суянади. Диний ад-тда Т. – Т.и имоний, Т.и илмий, Т.и ҳолий, Т.и илоҳий каби турларга ажратилади. Ислоҳ динида Т. алоҳида илм сифатида кенг ўрганилган. Ўрта асрларда ушбу масалага бағишланган кўплаб диний-фалсафий асарлар яратилган бўлиб, уларнинг мазмуни асосан инсон

эътиқодини мустаҳкамлаш, дунёқарашида мавжуд шубҳа-гумонларни бартараф этиш, одамларнинг маъ-ий жиҳатдан қудратли бўлишига қаратилган.

Ё Раб, ул барг насиб этки,

Навоий топқай

Боғи тавҳид гулу

булбулдек баргу наво.

(“Бадоеъ ул-васат”, 3-ғазал)

ТАВҲИД II – “Лисон ут-тайр” достонидаги қушлар Симурига етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг бешинчиси. Бу водийда солиқ Яратганнинг улуг ва ягоналигини, ундан бошқа борлиқнинг ҳеч эканлигини ҳис этиб боради.

Имом Ғаззолий таърифига кўра, “*Тавҳид шундай шарафли мақомдирки, таванкул, ризо, Аллоҳга таслимият ҳоллари айни шу мартабанинг меваларидир*”. Абдуллоҳ Ансорийнинг айтишича, “тавҳид – бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдир.”

Т.нинг даражалари қуйидагилардир:

Т.и. сифот – ҳар қандай сифатни Худодан деб англаш ва уни муқаммаллаштириш;

Т.и. зот – борликдаги ҳамма нарсани фақат Аллоҳ вужудининг натижаси деб билиш”.

Навоий Т. водийсини таърифлар экан, *тафрид* ва *тажрид* терминларини қўллаб, Т. учун бу икки хусусият зарур деб ҳисоблайди.

Ушбу водий таърифида Аттор ҳечликка, яъни инсон вужудининг ҳеч бўлишига эътибор қаратган бўлса, Навоий диққатни Аллоҳ б-н бўладиган васл натижасида инсоннинг бу улуг бирликка сингишига қаратади.

Ушбу водийга бағишланган ҳикоятда Навоий Мансур Ҳалложни эслайди. Ҳикоятда тасвирланишича, Ҳаллож “пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) меърож кечаси нега фақат ислом умматининг гуноҳини сўради, барча гуноҳкорларнинг гуноҳини тилаганида нима бўларди?” деган фикрда юраркан. Иттифоқо, бир куни Расулуллоҳ унинг тушига кириб, “Меърож кечаси менда менликдан нишон ҳам йўқ эди”, дейди.

Навоий бу ҳикоят б-н тавҳид водийсида “Аналҳақ” деб нидо этган Ҳалложнинг аслида ҳали комилликка етмагани – меърож кечаси пайғамбардан ўзликни талаб қилаётгани, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)ни унинг тушига кирганлиги мотиви эса уни асл тавҳидни ҳали англаб етмаганлигини намоён этади. Зеро, Нақшбандийликда Ҳаллож мартабаси ҳурмат қилинади, би-роқ энг баланд мартаба, деб тан олинмайди.

*Водийи Тавҳид ондин сўнгра бил,
Фард ўлуб тажрид ондин сўнгра бил.
Чун бу водий сори сайринг қўйди гом,
Фарду яқтолиғ санга бўлди мақом.
(“Лисон ут-тайр”)*

ТАДБИХ (ар. – зийнатлаш, сайқал бе-риш) – истиора ва ташбеҳлар воситасида бир фикрни ифодалаш орқали бошқа фикр-ни назарда тутишдан иборат бадиий санъат. Мас., “Лайли ва Мажнун”дан олинган куйидаги байтда шоир хатоларим туфайли мушким кофур (оқ) бўлди демоқда:

*Мушкун бу хатода бўлди кофур,
Кофур ила мушкун бўлди бенур.*

Аслида эса шоир бу ерда хатолари дастидан қоп-қора сочлари оппоқ бўлганига ишора қилмоқда.

ТАДРИЖ (ар. – даражама-даража, аста-секин) – шеърни бошидан-охиригача бир мавзу, бир образ асосига қуришдан иборат лафзий санъат. Лекин матндаги маъно узвийлигини таъминлаши жиҳатидан у маълум маънода ўзида бадиий санъат юкини ҳам ташияди. Бунда ғазал бир мавзуга бағишланиб, байтма-байт ривожлантириб борилади ёки бир образ асосига қурилиб, унинг хусусиятлари бирма-бир очиб берилади. Шу тариқа, Т. ғазалдаги маъно узвийлиги ва фикр яхлитлигини сақлашга хизмат қилади. Қолбуки, одатдаги ғазалларда байтлар аро мазмун боғлиқлиги сезилмас даражада бўлади, баъзида эса мутлақо бўлмайди.

Навоий ижодида Т. санъати асосида яратилган қатор ғазаллар мавжуд – улар гоҳ бир мавзу ифодаси, бир муаммо талқини, бир образ таҳлилига бағишланган. Малика Хадичабегимнинг шоирга беҳи юборгани муносабати б-н ёзган ғазали шу-

лар жумласидандир. Унда шоир беҳи ва ошиқ аҳволи ўртасида ўхшашликлар топиб, бутун ғазални шу қиёс асосида шакл-лантиради:

*Беҳи рангидек ўлмиш дарди
ҳажрингдин манга сиймо,
Димоғим ичра ҳар бир
тухми янглиғ донани савдо.*

*Мазаллат туфроғи сориғ юзумда
бордур андоқким,
Беҳида гард ўлтурсон
масаллик тук бўлур пайдо.*

*Оқартиб ишқ бошимни,
ниҳон бўлди сариғ чехрам,
Момуғ ичра беҳини чирмаган
янглиғ киши амдо.*

*Юзумда тиғи ҳажринг захми
ҳар сори эзур беважҳ,
Беҳини тиғ илан чун
қатъ қилмоқ расм эмас қатъо.*

*Юзум туфроқдадур
ҳар дам қуруғон жисм ранжидин,
Беҳига сарниғунлик
шохи зағфидин бўлур едё.*

*Бу гулшан ичра беҳбуд
истаган доим беҳи янглиғ,
Кийиб пашмина,
тоатқа қадин ҳам асрамоқ авло.*

*Навоий гар қуёш норанжидин
беҳрак кўрар, тонг йўқ,
Беҳиким лутф қилмиш
махди улё исмат уд-дунё.*

(“Бадоеъ ул-васат”, 28-ғазал)

Биринчи байтда ҳижрон дардидан беҳидай ранги саргайгани ва кўнглида беҳи уруғидек нам тугуни борлиги; иккинчи байтда худди беҳининг юзидаги гард каби ўзининг ҳам юзига хорлик губори кўнганлиги; учинчи байтда беҳини пахтага ўраб асрагандай ишқ оқартирган боши сариқ чехрасини яширганлиги; тўртинчи байтда беҳини ҳеч қачон пичоқ б-н кесмасликлари жиҳатидан ошиқ юзига тиғ уриб, жароҳат етказишнинг асоссизлиги, бешинчи байтда мевасини кўтаролмай беҳи ерга бош қўйгани каби ошиқнинг ҳам заиф жисми туфайли ҳамаша боши тупроқдалиги, олтинчи

байтда бу дунёда беҳи каби яхшилик истаган киши тукли терига ўраниб – жундан тикилган хирқа кийиб, тоат учун қадини ҳам қилиши афзаллиги, еттинчи байтда эса, ниҳоят, Алишер Навоийнинг маҳди улё исмат ул-дувё, яъни Хадичабегим лутф этган беҳини қуёшдан ҳам афзал кўриши хусусида сўз боради.

ТАЖАРРУД (ар.) – тасаввуф ва ирфоннинг асосий тушунчаларидан бири. Т. – дунёвий боғлиқликлардан покланиш ва шу орқали Мутлақ Ҳақиқат сирларини мушоҳада этиш. Инсон зоҳир олами боғлиқликларидан қанча қутулса, ботини ҳам шунчалик сафоланиб, ёмон хислатлардан покланаверади. (яна қар: *Тажрид*).

Чилаб бу дайрдин

*Исога невчун ҳамнафас бўлмай,
Бихамдиллаҳ, тажарруд бирла
ҳимматдин қанотим бор.
("Ғаройиб ус-сиғар", 133-ғазал)*

ТАЖДИДИ МАТЛАЪ – қасида ва йирик ғазалларнинг ўртасида ҳар икки сатри қофиядош бўлган янги байт келтиришга асосланган шеърий санъат. Бундай байтлар айрим ад-тшunosлик манбаларда “байти мусарраъ” ҳам деб юритилган. Т.м. ҳодисаси одатда йирик қасидаларда учрайди. Янги матлаъ олдинги матлаъ б-н қофиядош бўлиши шарт бўлиб, айрим ҳолатларда олдинги матлаънинг қофиясини таъминлаган сўз такрор қўлланилиши мумкин. Т.м. усулини Навоий “Ҳилолия” қасидасида муваффақиятли қўллаган.

ТАЖНИС (ар. – жинсдош, ҳамжине) – байтда шаклан бир хил ёки бир-бирига яқин сўзларни қўллашга асосланган шеърий санъат. Асосан назмда, баъзан насрда ҳам истифода этилади. Илми бадеъга доир манбаларда Т.нинг бир неча турлари фарқланади. Хусусан, Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балоға” (11-аср) асарида Т.нинг 4 тури (Т.и мутлақ, Т.и мураккаб, Т.и зойид, Т.и мураддад), Рашидиддин Вагвотнинг “Ҳадоийк ус-сехр” (12-аср), Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” (1218–1233) ва Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-ба-

лоға” (1436–37) асарларида 7 тури (Т.и том, Т.и ноқис, Т.и зойид, Т.и мукаррар, Т.и мураккаб, Т.и мутарраф, Т.и хат) келтириб ўтилган.

Т. ҳақдаги нисбатан кенгроқ маълумот Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” (15-аср) асарида берилган бўлиб, муаллиф дастлаб Т.ни икки қатта гуруҳга бўлади:

1) *лафзий Т.* Бу гуруҳга Т.нинг қуйидаги 5 тури киритилган: Т.и том (тасриҳ), Т.и ноқис, Т.и музаййал, Т.и музорий, Т.и лоҳиқ.

2) *ғайри лафзий Т.* Бу гуруҳга Т.и хаттий, Т.и мушавваш, Т.и бил-ишора каби турлари киритилган.

Туркий ад-т, хусусан, Алишер Навоий ижодида Т.нинг асосан қуйидаги турлари кенг қўлланилган:

1. **Т.и том ёки мутлақ Т.** – тўлиқ шаклдошликка (ҳарфлар таркиби жиҳатидан) асосланган Т.

*Саҳнида юз гул чиқриб бир йиғоч,
Ҳар гулининг атри бориб бир йиғоч.*

("Ҳайрат ул-аброр", 58-боб)

2. **Т.и зойид (ортирилган Т.)** – шаклан яқин сўзларнинг бирида бир-икки ҳарфнинг ортиқча бўлишига асосланган Т

*Топиб ул нуктадин озор йиғлаб,
Ўзин туфроққа солди зор йиғлаб.*

("Фарҳод ва Ширин", 18-боб)

3. **Т.и музорий** – шаклан яқин сўзларнинг бир-биридан бир ёки икки ундош товуш б-н фарқланиши натижасида вужудга келувчи Т.

*Шаҳ оллинда ҳамиша ҳозир ўлсам,
Бу иш кайфиятидин назир ўлсам.*

("Фарҳод ва Ширин", 18-боб)

4. **Т.и хат** – араб ёзувидаги сўзларнинг фақат нуқталар орқали фарқланишига асосланган Т.

*Барча хубларнинг қаду рухсору
хатту холи бор,*

Лек улким бизни беҳол айлар

ўзга холи бор.

("Ғаройиб ус-сиғар", 176-ғазал)

5. **Т.и мукаррар** – шаклан бир-бирига яқин икки сўзнинг мисра охирида ёнма-ён келишига асосланган Т.

Ишқ эрур андоқ мураббийким,

қилур етказ асар,

Булбул ўлғай, очса

юз бир сарви гулрухсор сор.

(“Бадоеъ ул-васат”, 158-ғазал)

6. Т.и мураккаб – шаклдош сўзларнинг бири яхлит бир сўздан, иккинчиси икки сўздан иборат бўлиши орқали вужудга келадиган Т.:

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,

Қўймади бир зарра бағримни бутун.

Тунга бориб бизни беҳол айладинг,

Не балолги ер эмиш, ё раб, бу тун.

(“Бадоеъ ул-васат”, 6-туюқ)

Т. санъати мумтоз шеър шакли ҳисобланмиш туюқ жанридаги асарларда кенг қўлланилади.

ТАЖОҲУЛ УЛ-ОРИФ (ар. билиб билмасликка олиш) – бир нарса ҳақида билиб туриб, савол бериш, ўзни билмасликка олишга асосланган, бадиий санъатлардан бири. Манбаларда “суку-маълум масоқа ғайриҳ” (маълум сўзни номаълум ўрнида қўллаш) номи б-н ҳам келади. Атоуллоҳ *Хусайний* ушбу санъатга “сўзлагучи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзни билмагандек кўрсатур” деб таъриф беради. Т.о.да лирик қаҳрамон ўзининг муддаосини риторик саволлар орқали баён этади. Айни пайтда тасдиқ маъносини билдирадиган бундай саволлар муддаонинг янада таъсирчан, янада равшан ифода этилишига хизмат қилади. Навоий асарларида бу санъат жуда кенг қўлланилган.

Юзунг майдин ўлдиму гул-гул ва ё

Сочар чарх гулбаргу насрин санго?

(“Фавойид ул-кибар”, 17-ғазал)

Шунингдек, Навоийнинг “Қоши ёсинму дейн...” ғазали бошдан-оёқ шу санъат асосига қурилган.

ТАЖРИД (ар.) – тариқатдаги мақомлардан бири. Зоҳир оламида дунёнинг барча боғлиқликларидан қутулмоқ ва ботинда бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик. Т.нинг камоли – инсоннинг қалби жамийки ҳол ва мақомлардан холи бўлмоғи ва ҳолга ҳам эътимод қилмасликдир. Дунёвий машғулотлардан қутулмоқлик ва унинг эвазига

бирор нарса умидвор бўлишлик – бу ҳали дунёдан қутулмоқлик эмас. Ҳақиқий Т. – дунёнинг ҳеч нарсага арзимаслигини қалбдан англаш ва шунинг учун ундан онгли равишда воз кечиш, ҳидоят – бу қилинган тоат-ибодат ёки таркидунёчиликнинг эвази эмас, балки Ҳақнинг инояти эканлигини тушуниш.

Абдураззоқ Кошониёнинг фикрича, Т.нинг уч даражаси бор: 1) касб қилинган билимлардан воз кечиш ва Аллоҳнинг илмидан бохабар бўлиш. 2) илмдан Т. – илоҳий сифатларга боғлиқ бўлган илмдан воз кечиш ва жазба мақомига етишиш; 3) Т.дан Т. – жазба камолга етганидан сўнг Т.дан ҳам, мужаррадликдан ҳам покланиш.

Дурри ваҳдат топмағай

ҳаргиз фано гирдобидин,

Соликеким ўзни гарқи

бахри тажрид этмағай.

(“Наводир уш-шабоб”, 630-ғазал)

ТАЗАРВ (ф.) – қирғовул. Патлари турли рангда, ёқимли овозли, чиройли қуш номи. Одатда сарв пойида юрганлиги сабабли сарвнинг ошиғи ҳам дейдилар (“Фарҳанги Рашидий”). Мозандарон ва Астаробод ўрмонларида кўп учрайди. Ваъзи ривоятларга кўра, Т.нинг асосий озиги олов бўлиб, шу сабабдан, ошиқлик маъносидан ҳам қўлланилган.

Нутқи тўғти, жилваси товусу

рафтори тазарв,

Ҳусн гулзориди йўқтур

бир анга монанда қуш.

(“Фавойид ул-кибар”, 247-ғазал)

“Лисон ут-тайр” дostonида Т. ташқи чиройига ружу қўйган енгилтак ёхуд руҳиятнинг енгил-елпиликларга мойилги мисолида гавдалантирилган:

Ёна арз этти Тазарви гулузор:

– “К-эй ҳидоят шевасида номдор.

Мен қушидурменки қалмиш ҳусну зеб,

Гулшан ичра сурагимни дилфиреб”.

ТАЗАРИЙ, Абулхусайн – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Унинг тариқати ҳалол касб воситасида кун кечириш ва руҳий тарбия берувчи суҳбатларда қатнашишга асосланган. Наво-

ий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

“ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ” (“Валийлар тазкираси”) – Фаридуддин Атторнинг асари. Асарда 96 та тас. шайҳининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”ни ёзиш жараёнида “Т.” асаридан қўшимча манба сифатида фойдаланган. “Лисон ул-тайр”даги Аттор мадҳидаги бобда “Т.”га юксак баҳо берган ва уни Хизр чашмасига қиёслаган. “Ҳайрат ул-аброр”нинг котиблар ҳақидаги 12-мақолатида “Т.”ни китобат қилиш шарафли иш эканлигини таъкидлаган:

*Гаҳ битиса “Тазкиратул-авлиё”,
Гаҳ рақам этса “Қисасул-анбиё”.*

“ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁИ ТУРКИЙ” – Алишер Навоийга нисбат бериладиган асар. “Тарихи Рашидий”нинг муаллифи Навоий асарларини санаганида “Т.”ни ҳам ёзгани ҳақида маълумот беради. Муаллиф бу ўринда “Насойим ул-муҳаббат” асарини назарда тутган.

“ТАЗКИРАТ УН-НУФУС” (“Кишилар ёди”) – Мавлоно Дарवेशали Табибнинг асари. Алишер Навоий номига атаб ёзилган. Бу ҳақда Хондамирнинг *“Мақорим ул-ахлоқ”* асарида маълумот берилган.

“ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО” – Давлатшоҳ Самарқандийнинг асари. Муқаддима, етти қисм ва хотимадан иборат. Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари баён қилиниб, Лабид, Мутанаббий, Маъаррий каби 10 га яқин араб шоири ҳақида маълумот берилади. Шоирлар қайси ҳукмрон сулола даврида яшаб ўтганига қараб табақаларга ажратилган. Асарнинг 7-қисмида эса 10-15-асрларда Урта Осиё, Эрон ва Ироқда ижод қилган юздан ортиқ қалам аҳлининг ҳаёти ва ижоди ёритилади. Хотимада муаллиф ўзига замондош бўлган Жомий, Навоий, Хожа Афзал, Шайхим Суҳайлий, Абдуллоҳ Марварид ва Осафий каби 6 забардаст суз санъаткори ҳақида фикр юритади. Тазкирада қатор тарихий воқеалар ва ижтимоий ҳаёт манзаралари ҳам ўз ифодасини топган.

Айни жиҳатдан, у нафақат адабий, балки тарихий аҳамият ҳам касб этади.

Навоийга бағишлаб ёзилган ушбу асарда муаллиф уни ёшлигидан икки тил эгаси бўлиб, туркий шеърда соҳиби фан, форсийда соҳиби фазл даражасига кўтарилганини айтади. “Лайли ва Мажнун” дostonи хусусида фикр юритиб, ундаги фасоҳатга юксак баҳо беради. “Тухфат ул-афкор” қасидасида улуг шоир кўрсатган маҳоратни мадҳ этади. Туркий девони султонлар, аслзодалар мажлиси безағи эканлиги ҳақида хабар беради. Асарларининг довуғи кўплаб Шарқ мамлакатларига тарқалгани ҳақида гапирди, унинг илму ад-тга, истеъдод соҳибларига ҳомийлиги тўғрисида фикр юритади. Асар сўнгида Алишер Навоийга бағишланган қасидасини келтиради. Унда, жумладан, “Муҳаммад алайҳиссалом қадами шарофатидан Мадина азиз бўлгани каби Ҳирот ҳам Алишер Навоий туфайли оламнинг фазилатли жойига айланди”, деб лутф этади:

*Он чунон, к-аз мақдами
саййид шуда Ясриб азиз,
Гашт дор ул-фазли
олам аз вуҷуди ӯ Ҳири.*

ТАЗКИЯ – руҳий тарбия ва амалий ҳикматга оид ахлоқий тушунча. Ички оламни розолат ва ёмон хислатлардан поклаш амали. “Насойим ул-муҳаббат”да Низомиддин Хомуш ва Қози Раис нафс Т.сида намуна бўлганликлари ҳақида маълумот берилган. (қар. *Нафс*).

ТАЗМИН (ар. – бир нарсани иккинчи нарса орасига қўймоқ) – шеърда ўзга бир шоир шеъридан бир мисра ёки бир байт кiritиш санъати. Илми бадеъга доир деярли барча манбаларда ушбу санъат ҳақида маълумотлар келтирилади. Т. санъатининг номи дастлаб Умар Родуёнийнинг *“Таржумон ул-балоға”* асарида (11-аср) учрайди. Муаллиф Т.ни икки нуқтаи назардан талқин қилади: 1) аввалги байтнинг мазмунини кейинги байтда келтиришга асосланган санъат; 2) шеърда ўзга шоир байти ва ушбу байт муаллифини келтиришга асосланган санъат. Родуёнийдан кейинги форсий манбаларда асосан иккинчи талқинга диққат қаратилади. Ҳусайн Воиз

Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор фи сано-еъ ул-ашъор” асарида Т. санъати икки гу-руҳга ажратилади: 1) *Т.и мусарраҳ* – мисра ёки байти келтириладиган муаллиф номи кўрсатилган Т. 2) *Т.и мубҳам* – муаллиф номи келтирилмаган Т. Шунингдек, Кошифий Т.нинг *тахмис* ва *тасдис* турлари ҳақида ҳам маълумот келтиради.

Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” (1251–1252) асарида Т. санъати шоирнинг ўз фикрига далил сифатида бош-қа бир асардан барчага маълум байтни кел-тириши б-н боғлиқлигига эътибор қарати-лади ва Т. сифатида келтириладиган байт шоирнинг бошқа асаридан олинган ўз ижод маҳсули бўлиши ҳам мумкинлиги таъкид-ланади.

Алишер Навоий ижодида Т. санъатининг истифода этилиши айнан “Меъёр ул-ашъор” муаллифи келтирган мезонларга мос келади. Шоирнинг “Ҳазойин ул-мао-ний” куллиётидаги айрим ғазалларида бо-шқа ғазаллардаги мисралар айнан келти-рилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, “Ғаройиб ус-сиғар”дан 479-рақам остида ўрин олган ва

*Не тирикмен, не ўлук,
не соғ, не бемормен,
Айта олмонким, фироқингдин
не янглиғ зормен*

матлаъси б-н бошланадиган ғазалнинг биринчи мисраси “Наводир уш-шабоб”даги 471-ғазалнинг 5-байтига тазмин сифатида киритилган:

*Жон талошурмен не дардим
билгурур, не сихҳатим,
Не ўлукмен, не тирик,
не соғ, не бемормен.*

Шунингдек, Навоий шеърлятида Т.нинг *тахмис* ва *тасдис* турлари ҳам қўлланил-ган (қар.: *Тахмис; Тасдис*)

ТАЗОД (ар. – зид қўйиш, қаршилан-тириш) – маъно жиҳатдан ўзаро зид, қара-ма-қарши бўлган сўзларни қўллашга асо-сланган санъат. Назм ва насрда кенг қўл-ланилади. Илми бадеъга доир манбаларда Т. санъати турли номлар б-н юритилган. Хусусан, ушбу санъат Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балоға” (11-аср), Тож ал-Ҳа-лавийнинг “Дақойиқ уш-шеър” (14-аср),

Шарафиддин Ромийнинг “Ҳақойиқ ул-ҳа-дойиқ” (14-аср) асарларида *мутаозод*, Ра-шидиддин Ватвотнинг “Ҳақойиқ ус-сехр” (12-аср), Шайх Аҳмад Гарозийнинг “Фунун ул-балоға” (1436–37), Ҳусайн Воиз Коши-фийнинг “Бадоеъ ул-афкор” (15-аср) асар-ларида *ал-мутаозод*, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-муъжам” (1218–1233), Ҳамидиддин Нажотийнинг “Рисолаи ферузий” (14-аср) асарларида *мутобақа*, Шамс Фахрий Ис-фаҳонийнинг “Меъёри жамолий” (1344–1345) асарида эса *ал-иттиозод* истилоҳлари б-н келтирилган.

Т. ҳақдаги нисбатан кенгрок маълумот Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-сано-еъ” асарида берилган бўлиб, муаллиф ўз асарининг лафзю маънавий (муштарак) санъатларга ажратилган қисмида *мута-бақа* атамаси остида ушбу санъатга тўхта-либ ўтади ва Т. санъатининг *тибоқ*, *тат-биқ*, *тазод* ва *такофу* деб ҳам юритили-шини таъкидлайди. Рисолада ушбу атамаларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳ берилиб, уларнинг луғавий маъноси келтирилади. Шунингдек, рисолада Атоуллоҳ Ҳусайний бир мисрада барча сўзларнинг ўзаро қара-ма-қарши маънода келганлиги б-н боғлиқ мисолни келтириб, уни Алишер Навоийдан эшитганлигини айтиб ўтади: “Ҳазрати ху-довандгор (Алишер Навоий)дин эшиттим-ким, Хожа Салмон бир мисра айтиптиур, анинг биринчи ярминда уч нимани зикр эшиттур ва иккинчи ярминда ул уч ни-манинг муқобили бўлган яна уч нимани зикр қилиптиур ва ул мисрада ушул олти мутақобил нимадин ўзга ҳеч лафз йўқтур. Анинг иккинчи мисраин ушул тариқада айтмаптиур. Ул мисра будур:

Хушёр дарун рафтун бурун омад маст”.
(Маъмуни: *Хушёр ичкарига кирдию, маст ташқарига чиқди.*) Ушбу мисрада уч жуфт зид маъноли сўзларнинг қўлланил-ганлигини кўрамаиз: *хушёр* – *маст*, *дарун* (ичкарига) – *берун* (*ташқарига*), *рафт* (*кирди*) – *омад* (*чиқди*).

Алишер Навоий ижодида ҳам Т. санъати юксак маҳорат б-н қўлланилган бўлиб, шоир ғазалларида ушбу санъатнинг ишла-тилишида икки хусусият кўзга ташланади. Баъзи ўринларда Навоий ғазалнинг бир ёки бир неча байтидагина Т. усулидан фойда-

ланса, шоирнинг айрим ғазаллари бошдан-охиригача ушбу санъат асосига қурилган. Мас., қуйидаги ғазал матлаъсида биринчи мисра фақат зид маъноли сўзлардан ташкил топган:

*Не тирикмен, не ўлук,
не соғ, не бемормен,*

*Айта олмонким,
фиروقингдин не янглиғ зормен.
("Ғаройиб ус-сиғар", 479-ғазал)*

Навоийнинг "Ҳар гадоким..." деб бошланувчи ғазали эса бошдан охир ушбу санъат асосида яратилганлигини кузатиш мумкин:

*Ҳар гадоким, бўрғейи
фақр эрур қисват анга,
Салтанат зарбафтидин
ҳожат эмас хилъат анга.
("Ғаройиб ус-сиғар", 8-ғазал)*

ТАЙНОТИЙ, Абулхайр Ҳаммод Ҳабаший (ваф. тахм. 341 ҳ.қ./952 м.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мисрнинг Тайнот шаҳрида туғилган. Сават тўқиш б-н шуғулланган. Абу Абдуллоҳ Жалло, Жунайд Бағдодий, Абубакр Шиблий, Абулхусайн Сирвоний Сағир, Абу Сулаймон Хаввос Мағрибий б-н ҳамсухбат бўлган. Абулхусайн Қарофий ва Ҳамза бин Абдуллоҳ Алавийнинг устози. Ансорий ўз таъкирасида уни ўнта энг йирик шайх қаторида санаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ТАКРИР (ар. – қайтариқ) – сўз такрорига асосланган лафзий санъат. Бунда шоир бир сўз ёки иборани икки ёки уч марта такрорлаш орқали муайян фикрга урғу беради, ҳис-туйғулари, ҳаяжонини кучайтириб ифодалайди. Сўз ёки ибора кетма-кет ҳам, байт ёки шеърнинг турли ўринларида ҳам такрорланиши мумкин. Мас.:

*Итмен мен, улусқа ормен мен,
Бошдин-оёғи фиғормен мен.*

Бу ерда ўз аҳволини кескин таъкидлаб кўрсатиш учун Т.дан фойдаланилган.

Қуйидаги байтда эса Т. ҳаракатнинг доимий давом этиб туришига ишора қилиш мақсадида қўлланган:

*Ўйнай-ўйнай ултурур
бир-бир улусни кузлари,
Шўҳ қотилларни
жонлар қасдиға ўйнатма кўп.*

ТАЛАБ – 1) излаш, қидириш, сўраш.
*Бало даштидаги оворалар
сонин талаб қилдинг,
Бу янглиғ хонумонидин
жалоларға не сон анда.
("Наводир уш-шабоб", 25-ғазал)*

2) Лисон ут-тайр" дostonидаги қушлар Симурига етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг биринчиси. Талаб водийсидаги тоатнинг оддий ибодатдан фарқи шундаки, унда солиқнинг ибодатидан мақсад дунёвий орзу-ҳаваслар ёки жаннат, ундаги кавсар ва ҳурлар тамаси эмас, балки фақат Яратганнинг Ўзи бўлмоғи керак.

Бу водийдаги толибнинг кўзига Худога бўлган Т.нинг кучлигидан олдига келган ва йўлиққан фил, пашшадай, арслон ва йўлбарс, чўлоқ чумолидай кўринади. Аждаҳо дуч келгудай бўлса, ундан ҳаёлига кўрқув эмас, балки маъ-ий хазина орзуси келади.

А.Абдуқодиров "Лисон ут-тайр"даги водийларни Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун" дostonлари б-н қиёслаб, Т. водийсини "Фарҳод ва Ширин" дostonидаги Фарҳоднинг гамгинлик ҳолати ҳамда хазинадаги кўзгунинг сирини билиш учун Юнон мулкига бориши, ҳаким Суҳайло раҳнамолигида аждаҳо – нафс, Аҳраман дев – салтанат ҳою ҳавасини енгиб, кўзгуда нақшланган сўзни ўқишга муваффақ бўлиши б-н муштарак ҳолат касб этади, деган хулосага келади.

Дostonда водий моҳиятини очиб бериш учун шаҳзода ва унинг ошиқлари ҳақидаги ҳикоят келтирилган. Унга кўра, қадимда бир қудратли подшоҳнинг Юсуфдек гўзал ўғли бўлиб, бутун олам аҳли унга ошику шайдо экан. Бир куни у саҳрода айланиб юриб, минглаб ошиқи зорлар унинг ишқидан изтироб чекаётганлигини кўради. Улар орасида икки девона шаҳзода диққатини тортади. Мулозимлар уларни ушлаб қаср томон олиб келадилар. Шўҳ улардан бирини зиндонга ташлаб, иккинчисини ўзига итбоқар қилиб тайинлайди. Шунда улардан бири иккинчисидан бу азоб-укубат ичида ҳоли қандай эканлигини сўрагани-

да у бу ҳолат машаққат эмас, балки ошқик учун роҳат эканлигини айтади. Иккинчиси ҳам бу сўзларни тасдиқ этиб, ошқик ўз маъшуқи васлига талабгор экан, бу азоблар унга фақат мамнунлик бахш этишини баён қилади. Бу сўзларни пана жойдан эшитиб турган шаҳзода бениҳоя хурсанд бўлиб, уларни ўзининг яқин маҳрамларига айлантиради. Ҳикоятдан Т. водийсига қадам қўйган солиқ ошқикдан келадиган жами синовларга, машаққат ва уқубатларга тайёр туриши, маъшуқ васли йўлидаги қийинчиликларни бахту саодат деб қабул қилиши керак, деган хулоса келиб чиқади. Зеро, бу водийдан максад Яратганнинг васлидир.

*Чун Талаб водийсига қўйсанг қадам,
Оллингга ҳар дам келур юз минг алам.
Ҳар дам анда юз маломат юзланур,
Ҳар нафас минг сазб ҳолат юзланур.*

ТАЛВИН (ар. – бўямоқ, ранг бермоқ) – тасаввуфий истилоҳ; солиқнинг бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгариши. Абу Саид Харроз Т.га ҳақиқат аломати ва Қодир Аллоҳ Қудратининг банда қалбида зоҳир бўлиши, деб таъриф беради. Рўзбеҳон Бақдий Т.ни суқр аҳлининг ҳоли, деб ҳисоблайди. Қушайрий камолот йўлида бўлган ҳар қандай солиқ Т. соҳибидир, дейди ва Юсуф қиссасидаги мисрлик аёлларнинг ҳолини мисол қилиб келтиради. Мисрлик аёллар Юсуф жамолига масту мустағрақ бўлган ҳолларида қўллари кесадилар, аммо кесилган қўлга эмас, балки Юсуфга назар соладилар. Т. кучайиб бориб, охирида тамкинга айланади.

Кошоний солиқнинг қалби кашф ва ҳижоб ўртасидаги иккиланиш ҳолатини Т. деб таърифлаган. Нафс сифатларидан қутулиб, қалб сифатлари б-н сифатланмагунча, Т. соҳиб бўлиш имконсиздир. Т. сайр илаллоҳ босқичига оиддир. Т. ҳолида қалбда қабз ва баст, хавф ва риждо, ҳузн ва сурур каби ҳоллар ҳар лаҳзада ўрин алмашади.

*Ваҳ, не ҳол ўлғайки,
келгач ул бути зебо манга,
Ўзга қилғай ҳол ҳар дам
ул қади разно манга.
("Фавойид ул-кибар", 11-ғазал)*

ТАЛМИҲ (ар. – назар ташлаш, чакмоқ чақиши) – назм ёки насрда машҳур тари-

хий воқеалар, афсоналар, қиссалар, шеър, масал ёхуд мақолларга ишора қилишга асосланган бадиий санъат. Бунда кўпроқ Қуръони Карим сураларида акс эттирилган афсона ва ҳикоялар қаҳрамонлари – пайгамбарлар, фаришталар номлари; адабий асар қаҳрамонлари номлари, жой номлари назарда тутилади. Т. санъатининг номи дастлаб Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" асарида (13-аср) учрайди. Бунда Т. "оз сўз б-н кўп маънони ифодаловчи" санъат сифатида келтирилади. У ҳақдаги нисбатан кенгрок маълумот Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ" асарида берилган бўлиб, муаллиф "қаломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолга ишорат этмак" Т. эканлигини айтади ва фикрларининг далили сифатида Юсуф қиссасига (Яъқубнинг исмини эслаш орқали), Ҳофиз ғазалига ва машҳур мақолга ишора қилинган 3 байт келтиради.

Т. санъати ижодкорга бир ишора воситасида кўзда тутилган фикрни батафсил тарзда ифодалаш имконини беради. Шу жиҳатдан манбаларда Т.нинг *ийжоз, иқтибос, ирсоли масал* санъатларига яқин туриши таъкидланади. Т.даги ишора тарихий воқеа, афсона, қисса ёки бадиий асар номи, улар б-н боғлиқ бирор сўзни тилга олиш орқали очиқ ёки яширин тарзда амалга оширилиши мумкин. Шу маънода Т.нинг шартли равишда очиқ ва яширин турлари фарқланади. Алишер Навоий асарларида Т.нинг ҳар икки тури қўлланилган. Мас.:

Ишқ аро расволиғим

элга берур Мажнунни ёд,

Ўйлаким айлар ани

кўрган мени маҳзунни ёд.

("Наводир уш-шабоб", 124-ғазал)

байтида "Мажнун" исмига ишора қилиш орқали машҳур Лайли ва Мажнун қиссаси ёдга олиняпти ва бунда Т.нинг очиқ тарзда намоён бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Куп малохат бобида

Шириндин айтур Кужкан,

Сабзширинимча ул бор эрди

эркинму малиҳ.

("Наводир уш-шабоб", 103-ғазал)

Юқоридаги байтда эса Т.нинг ҳар икки тури қўлланилган. "Ширин" исмининг келтирилиши очиқ Т.га мисол бўлса, "Кўжкан" сўзи "тоғ қазувчи" маъносини билдиргани

учун Фарҳод назарда тутилаётганлигини англаш кийин эмас.

ТАЛҲА бин Муҳаммад Саббоҳ Нилий (ваф. 915) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абу Усмон Ҳирий*нинг шогирди. Абу Усмон Мағрибий б-н ҳамсухбат бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ТАМАСТОНИЙ, Абубакр – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шиблий Бағдодий ва Иброҳим Даббогдан тас. сирларини ўрганган. Она юрти – Форс ўлкасида унинг сўзини қабул этувчи қавм топилмайди. Тас. шайхларининг маслаҳати б-н Хуросонга ўтиб, Нишопурда муқим бўлади. Сукр наз-ясининг тарғиботчиларидан бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ТАМКИН (ар. – жойламоқ, мустаҳкам этмоқ; вазминлик, виқор) – ахлоқий фазилатлардан бири; инсоннинг юксак маънавияти, виқор ва улугворлигини билдирувчи тушунча. Тас. тилида валийлик мақомининг сўнггиси, сайр филлоҳнинг ибтидосини билдиради. “Шарҳи манозил ус-соирин”да берилишича, Т. – талвиннинг камолга етганидан кейин зоҳир бўладиган мақомдир. Талвин – илоҳий сифатлар мушоҳадасидан ҳосил бўлса, Т. – Зот тажаллийсининг ҳосиласидир. Талвин дил ботиний сифатлар б-н зийнатланганда ҳосил бўлади, Т. эса дил Руҳ сифати б-н сифатланганида истиқомат топади. Т. мақоми пайдо бўлгач, ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. Т.нинг уч даражаси бор: биринчи даража мурид Т.и бўлиб, унда сихҳати қасд (Аллоҳга таважжуҳ қилмоқ, ундан ўзгага назар солмаслик), ламъи шуҳуд (илоҳий жазба), вусъати тариқ (шак-шубҳадан холи ва мушоҳада нури-ла мунаввар тўғри йўл) эътиборга олинади. Иккинчи даража солиқлар Т.и бўлиб, сихҳати инқитоъ (Аллоҳдан ўзга барча нарсалардан алоқани буткул узиш), барқи кашф (илм мартабасидан кашф мар-

табасига кўтарилиш), сафои ҳол (билмоқдан англамоқ, моҳиятга етмоқ босқичига юксалиш) бу даражанинг аломатларидир. Учинчи даража орифлар Т.и бўлиб, *жамъ ва ҳузур* мақомига етишмоқдир.

*Соқиб, тут қадаҳи султоний,
Ичида роҳи анинг райҳоний...
Тут ангаким, иши бўлди тамкин,
Оти султон, ўзи дарвишойн.*

(“Соқийнома”, 19-боб)

ТАМСИЛ (ар. – мисол келтириш, далил-лаш) – шеър байтининг биринчи мисрасида ифодаланган фикрга далил сифатида иккинчи мисрада ҳаётий бир ҳодисани мисол қилиб келтиришга асосланган бадий санъат. Бунда биринчи мисрадаги фикр б-н келтирилган мисол ўртасидаги муносабат, яъни мантиқий алоқа купинча қиёсий йўналишда бўлади. Т.санъати моҳиятига кўра *ирсоли масал* санъатига ўхшаб кетса-да, фикрнинг, мақсаднинг исботи учун ҳаётий далиллар келтириши б-н ундан фарқланади, чунки *ирсоли масал*да машҳур мақол, ҳадис ёки ҳикмат далил сифатида келтирилади.

Т. ҳақидаги дастлабки маълумот Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” (1218–1233) асарида келтирилган бўлиб, муаллиф Т.ни истиоранинг бир тури сифатида санаб ўтади. Вундай қараш илми бадеъга доир бошқа манбалар: Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ ул-афкор” ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” (15- аср) асарларида ҳам такрорланган.

Алишер Навоий ижодида Т. санъатининг истифода этилиши муҳим аҳамият касб этади. Шоир лирикасида ушбу санъатнинг қўлланилишида жанрлараро табақаланиш мавжудлигини кузатиш мумкин. Хусусан, поэтик далиллаш ғазал жанрида, асосан, бир байт доирасида кўринса, қитъа ва рубойида бир шеър доирасида, таржийбандда эса ҳар бир банд доирасида намоён бўлади, лекин такрорланувчи мақтаъ-байт туфайли бандлар бир-бири б-н боғланиб келади. Натижада мақтаъдаги мазмунни далиллаш мусалсал, яъни босқичли ҳолат касб этади (Ё.Исҳоқов). Мас., қуйидаги мисолда далиллаш усули ғазалдаги байт доирасида намоён бўлмоқда:

Заҳим ичра қолди пайкониң,
не янглиғ буткай ул.

Чунки қўймас ёраға
ёпушқали марҳамни су.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 511-ғазал)

Қуйидаги рубойида эса Т.санъати яхлит бир шеър доирасида қўлланилган.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафиқу меҳрибон

бўлмас эмиш.

Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 55-рубой)

Навоий қитъаларида Т. санъати муҳим аҳамият касб этади, чунки бу жанрда ижтимоий-тарбиявий мазмун, панд-насиҳат руҳи етакчилик қилади ва шу сабабли ҳар бир муҳим фикр ва хулоса ҳаётий ҳодисалар б-н далилланади. Масалан, қуйидаги қитъада биринчи байтда шоир айтмоқчи бўлган фикр-хулоса баён қилинган бўлса, кейинги байтларда унинг далил-исботи келтирилган:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ

Пок хотунлар аёғининг изи,

Лут углин кўрки солди тийралик

Динга нафс илгида таъби оғизи.

Даҳр аро ёқти сиёдат машғалин,

Покравлиқтин расулуллоҳ кизи.

(“Наводир уш-шабоб”, 9-қитъа)

ТАМУҒ – дўзах, жаҳаннам; ягона Аллоҳга куфр келтирган ҳамда дин талабларини бажармай, гуноҳи кабиралари сабабли Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган бандалар охиратда жазоланадиган жой. Дўзах борлигига имон келтириш имонли бўлишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Инсонлар Қуръони каримнинг қатор оятлари ва ҳадиси шарифларда дўзахнинг азоблари ва даҳшатли қийноқларидан огоҳлантирилган.

Имом Ғаззолий “Кимиёи саодат” китобида жисмоний дўзах ва руҳоний дўзах ҳақида фикр юритиб, руҳоний дўзахнинг олови уч хил бўлишини қайд қилади. Биринчиси, дунёвий шаҳватлар ва истаклар фироқидаги талпиниш олови; иккинчиси, ёмонликлар ва ёвузликлар хижолатидан аланга олган олов; учинчиси, аҳадият ҳазратининг жамоли мушоҳадасидан маҳрум қолиш ва умидсизлик олови. Бу уч олов кўнгил ва

руҳда аланга олади, жисмга оид эмасдир. Руҳоний дўзах олови жисмоний дўзах қийноқларидан ҳам шиддатлироқ бўлади.

Навоий шеъриятида Т.сўзи образ даражасига кўтарилган бўлиб, кўпинча Ғаззолий талқинидаги руҳоний дўзах азоблари маъносида қўлланилади:

Дўзах аҳлига тамуғ шуъласи

бўлғай дами Исо,

Кўрсалар шони ғамим дуди

аро шуълаи фурқат.

(“Ғавоийд ул-кибар”, 76-ғазал)

ТАНОСУБ (ар. – мос, мутаносиб, даҳлдор) – байтда маъно жиҳатдан бир-бирига алоқадор ва ўзаро мутаносиб сўзларни қўллашга асосланган бадий санъат. Илми бадеъга доир мумтоз манбаларда *муроот ун-назир* (баъзан тавфиқ, ийтилоф ва талфиқ) номи б-н келади. Т. санъати ҳақидаги дастлабки маълумот Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балога” (11-аср) асарида келтирилган: “Агар шеър айтувчи маъно жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, хусусан, “ойу қуёш, дарёю кема” каби сўзларни қўлласса, уни муроот ун-назир деб атайдилар”.

Т. ҳақдаги нисбатан кенгроқ маълумот Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида берилган бўлиб, муаллиф ушбу санъатга шундай таъриф беради: “Ани таносуб, тавфиқ, ийтилоф ва талфиқ ҳам дерлар, Ул андоғдурким, каломда анга муносиб ҳодиса ва нималарни жамъ қилурлар...” Шунингдек, асарда Т. санъатининг даражалари ва номланиши б-н боғлиқ муҳим маълумотлар ҳам келтириб ўтилган.

Алишер Навоий ижодида Т.санъати кенг истифода этилган бўлиб, бу санъатнинг шоир лирикасида қўлланилиш ҳолатини қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Байт таркибида бир гуруҳга мансуб ва маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бир неча сўзларни келтириш орқали Т. санъатини қўллаш. Мас.:

Васл шони қуймаган парвона

шояд қолмағай,

Бу шафақгун хуллаким

шамъи шабистонимдадур.

(“Бадоеъ ул-васат, 194-ғазал”)

2. Байт таркибида икки маъно гуруҳига оид сўзларни келтириб, ҳар икки гуруҳ

орасидаги сўзларни бир-бирига қиёслаш ёки қарши қўйиш орқали Т. санъатини кўллаш. Мас.:

*Хаттининг васфин ёзармен
кирпику холи била,*

*Хат ёзарда чун заруратдур
қалам бирла мидод.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 120-ғазал)

3. Бир шеър, хусусан, ғазални тўлаллиги-ча Т. санъати асосида яратиш:

*Кема оғзи демаким,
ишқингда кўксум чокидур,*

*Баҳр мавжи йўқки,
ашким селининг кўлокидур.*

*Суда эрмас меҳр акси,
балки дарё жониға*

*Солған ўтлар хаста
жоним оқи оташнокидур.*

*Хас эмас гирдоб ароким
бошинга эврулгали*

*Су уза саргашта ошиқ
жисмининг хошокидур.*

*Ваҳки, ул киштида дарёкаш,
манга худ йўқ ҳаёт*

*Эл дегандинким,
фалоннинг кофири бебокидур.*

*Ул болиғ тутқанда солиб
шасту анинг рашкидин,*

*Судин айрилған балиғ
янглиғ кўнгул топокидур.*

*Кўрма фақр аҳли сиршики
баҳрида ҳар ён ҳубоб*

*Ким, фано кавкаблари,
балким бало афлокидур.*

*Эй Навоий, кема тийри
кўксум ичра ҳажр ўқи.*

Кема оғзи гўйиё ишқинда кўксум чокидур.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 134-ғазал)

ТАНСИҚ УЛ-СИФОТ (ар. — сифатлар силсиласи) — нарса-тушунча, воқеа-ҳодисани бир неча сифат б-н таърифлаш ёки танқид қилишга асосланган бадиий санъат. Бунда шоир таъриф ёки танқид килар экан, мавзу объектига хос сифат-хусусиятларни кетма-кет жамлаб келтиради. Бу б-н тасвирланмишни ё ўта муболага ва ташбеҳ б-н таърифлайди ё кескин танқид қилиб, унинг ижобий ёки салбий қиёфасини яратади. Мисра, байт, бир неча байтлар, баъзан бутун бошли шеър ҳам ушбу санъат асосида яратилиши мумкин. Ташбеҳ ва муболага б-н ўзаро боғланган бу санъат во-

ситасида муаллиф тасвир объектини, унинг муайян жиҳатини кенг ва чуқур очишга муваффақ бўлади. Албатта, бундай сифатлар бир-бирини тақозо қилиб, бир-бирига боғлиқ бўлиб, тасвир объектини ёки унинг муайян томонини кенгроқ тавсифлаш, бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Т.с. “ҳар бир асарнинг жанр хусусиятлари ва муаллифнинг индивидуал услуби тақозоси б-н хилма-хил кўринишларда ва турли даражада намоён бўлади” (Ё. Исоқов).

Мумтоз шеърятда, хусусан, Алишер Навоий ижодида маъшуқа таъриф-тавсифида Т.с. санъатидан кенг фойдаланилган. Навоий маҳбубани таърифлар экан, унинг ҳар жиҳатдан гўзаллигини таъкидлаш учун барча аъзоларини васф этади:

*Эй орази насрин, сочи сунбул,
қадди шамшод.*

(Яъни юзи насриндай оппоқ, сочи сунбулдай ҳалқа-ҳалқа, қадди шамшоддай мавзун.)

Шоирнинг маҳорати шундаки, ташбеҳ учун фақат дарахт ва гиёҳларни танлайди.

Қуйидаги байт эса маъшуканинг ҳусну латофати, жисмию кўринишини мадҳ этади:

*Ноз этки, сарву гулда,
бал инсу жинда йўқтур,*

*Бу ҳусну бу малоҳат,
бу шаклу бу шамойил.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 382-ғазал)

Салбий қаҳрамонлар тасвирида эса унга хос ёмон хусусиятлар, иллатлар жамлаб кўрсатилади.

ТАНУР (ар.) — тандир. Нуҳ пайғамбар (а) замонидаги буюк тўфонга ишора: “... *Сув аввал Нуҳ (а.с.) тануридин қайнаб чиқти. Алқисса, олти ойғача ҳол бу эрди, то тамоми оламни сув тутти*”. (“Тарихи анбиё ва ҳукамо”).

*То ўюлди ханжари ҳижрон
била гирён кўзум,*

*Ул танур ўлдики,
зоҳир айлади тўфон кўзум.*

(“Фавоийд ул-кибар”, 433-ғазал)

ТАНБЕҲ / ТАНБИҲ — 1) огоҳлантириш, бирор ноҳуя хатти-ҳаракатнинг олдини олиш учун айтилган сўз:

*Шаҳға бу сўздин доғи танбиҳ ўлуб,
Қилди ғани ул киши узрин қўлуб.*

(“Ҳайрат ул-аброр”, 59-боб)

2) “Маҳбуб ул-қулуб”нинг учинчи фаслида турли ахлоқий мавзуларни ёритувчи кичик фаслларнинг номланиши. Жами 137 Т.дан иборат ушбу қисмда турли ахлоқий мавзулар ёритилган (яна қар.: “*Маҳбуб ул-қулуб*”).

ТАНЛАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттиз иккинчиси. Бу феъл асли *таны* феълнинг бирор белгисига кўра ажрат маъносидан такрор маъносини ифодаловчи –ла қўшимчаси б-н ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: *таны + ла / таныла / танла*. Мазкур феъл Навоий асарларида ҳам айни маъносини сақлаган: *сайлаб олмоқ, кўп нарсанинг ичидан бирини ёқтириб олмоқ*.

*Олам аҳлидинким ул
ойни Навоий танлади,
Билмадиким ишқидин
овораи олам бўлур.*
(“*Наводир уш-шабоб*”, 170-ғазал)

ТАНЧИҚАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик тўққизинчиси. Мазкур феъл манбаларда *хайрон қолдирмоқ, хайратга солмоқ, бузулмоқ* тарзида изоҳланса-да, Навоий ижодида учрамайди.

ТАНЧИҚОЛМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтмишинчиси. Навоий асарлари тилига оид манбаларда ушбу феъл *хайрон қолмоқ, хайратга тушмоқ, пора-пора, майда-майда қилмоқ* тарзида изоҳланса ҳам, Навоий асарларида айни шаклдаги феъл қўлланмаган.

ТАРДИД (ар.) – 1) тараддуд, иккиланиш, бир қарорга кела олмаслик:

*Англа аввал сўзни нуқтаи тавҳид,
Ваҳдат аҳлида йўқ мунга тардид*
(“*Сабъаи сайёр*”, 5-боб).

2) бадеъ илмининг истилоҳларидан бири. Т. – муштарак санъатларнинг бир тури бўлиб, бир сўзни турли ибораларда бир неча

марта қўллаш воситасида ҳосил бўладиган маъноларни ифода этишлик усулидир. Навоийнинг қуйидаги байтида “уйқу” сўзи уйқу, туш ва ўлим маъноларини ифодалаш учун уч марта қўлланилган:

*Кўзда бир уйқуни кўрсам,
уйқуда кўрсам сени
То ажал уйқуси ушбу давлати бедор бас.*
(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 236-ғазал)

ТАРДОМАН – этаги хўл, шилта. Кўзнинг сифати. Асосан кўчма маънода айбдор, гуноҳкор маъносида қўлланилади. Навоий ийҳом санъати ёрдамида Т. сўзининг ҳам луғавий, ҳам мажозий маъноларини ифода этган:

*Дам-бадам қонимға тонуглуқ
берур кўз, эй кўнгул,
Билмон ул тардомани
юзи қарони найлайин?*
(“*Наводир уш-шабоб*”, 490-ғазал)

ТАРДУ АКС (ар. – тескари қилиб такрорлаш) – байт таркибидаги икки сўз ёки бирикмани аввал муайян бир тартибда келтириб, сўнг уларнинг ўрнини алмаштириб такрорлаш санъати. Мумтоз поэтикага доир манбаларда “акс”, “табдил” номлари б-н ҳам келади. Т.а. ҳақидаги дастлабки маълумот Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балога” (11-аср) асарида келтирилган бўлиб, рисолада мазкур санъат “акс” номи б-н келтирилган:

Т.а. санъати такрорнинг қайси ўринда келишига қараб икки турга бўлинади:

1) **комил (тугалланган) акс** – Т.а.нинг байт доирасида содир бўлиши, бунда байтнинг биринчи мисрасидаги икки сўз ёки бирикма иккинчи мисрада ўрин алмашиниб такрорланади. Мас.:

*Қаро кўзум, келу мардумлиғ
эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум
киби ватан қилғил*
(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 371-ғазал)

2) **махраж (тугалланмаган) акс** – Т.а.нинг мисра доирасида ҳосил қилиниши, бунда бир мисрадаги икки сўз шу мисранинг ўзида ўрин алмашиниб такрорланади: *Ки, Ҳақ тақдиридиндур олам ичра,
Ёмону яхшининг яхши ёмони.*
(“*Наводир уш-шабоб*”, таржиъбанд)

Т.а. санъати мазмун нуқтаи назаридан ҳам икки турга бўлинади:

1) мутаҳодий акс. Бундай Т.а.да икки сўз ёки иборанинг тартибини ўзгартириб такрорлаш оқибатида янги маъно ҳосил қилинмайди.

Ҳар не ул бузди, бу барин тузди.

Бу барин тузди, ҳар не ул бузди.

(“Сабаъи сайёр”, 11-боб)

2) мажро акс. Бунда икки сўз ёки бирикманинг ўрив алмашилиб такрорланиши натижасида янги маъно ҳосил қилинади:

Не бўлди дардима, эй бевафо,

даво қилсанг,

Вафога ваъда қилиб,

ваъдага вафо қилсанг.

(“Бадоеъ ул-васат”, 357-ғазал)

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да “инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона” бўлган Мирзобекнинг бир матлаъсини келтириб, унда Т.а. санъати қўлланилганлигини айтиб ўтади:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,

Ким жонга қаро бало бўлубтур.

ТАРЖИЪБАНД (ар.-ф. такрорлаб боғлаш) – мумтоз адабиётдаги йирик ҳажмли бандли шеър шаклларида бири. Т. бир неча банддан иборат бўлиб, ҳар бир банд “таржиъхона” деб аталади ва ғазал сингари (а-а, б-а, в-а...) тарзида қофияланади. Бандлар охирида ўзаро қофияланувчи байт айнан такрорланиб, барча таржиъхоналарни ўзаро боғлаб туради ва *восила* байт деб аталади. Т.лар одатда ҳар бири 8–11 байтдан иборат бир неча банддан ташкил топади.

Мумтоз ад-тшуносликда Т. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари (1436/37)да келтирилган. Муаллиф Т.ни таржиънинг бешта туридан бири сифатида санаб ўтади ва унга қуйидагича таъриф беради: “Таржиъ ул бўлурким, шеъре айтурлар, банд-банд барчаси бир баҳрда, ҳар банднинг ози беш байт бўлур ва кўпи тўққуз байт ва ҳар бирининг охиринда бир ўзга байтни такрор қилурлар. Ул байтни таржиъ дерлар... Ва таржиъ беш қисм бўлур. Аввалги қисми ул бўлурким, ҳар банднинг қофияси ўзга тарика бўлур. Ва ҳар бандким тамом бўлса,

охиринда бир байтни такрор қилурлар...” Мумтоз шеърятда таржиънинг айнан шу навъи кенгрок қўлланилган.

Туркий ад-тда Т.нинг илк намуналари Ҳофиз Хоразмий ижодида учрайди. Унинг девонига 3 та Т. киритилган.

Алишер Навоий ижодида ҳам Т. жанри алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг “Ҳазойин ул-маоний” қўллиятида 4 та Т. бўлиб, ҳар бир девонга биттадан жойлаштирилган. Уларнинг умумий ҳажми 369 байт.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган Т. “Кетур соқий, ул майки субҳи аласт” мисраси 6-н бошланиб, ҳажман 10 банд (ҳар бандда 10 байт), 100 байтни ўз ичига олади. Т. тасаввуфий-фалсафий мавзуда. Унда ўзлигини ва шу орқали Аллоҳни излаётган, дунё тартиботини, ундаги сиру синоатларни англашга интилаётган солиқнинг руҳияти акс эттирилган. Т.даги восила байт қуйидагича:

Харобот аро кирдим ошuftаҳол,

Май истарга илгимда синган сафол.

“Ҳазойин ул-маоний” қўллиятидан ўрин олган иккинчи Т. “Жаҳон қасригадур су узра бунёд” мисраси 6-н бошланиб, ҳажман 8 банд (бандлар 11–12 байтли), 103 байтни ўз ичига олади. Т. “Наводир уш-шабоб”дан ўрин олган. Ушбу Т. ҳам тасаввуфий-фалсафий мавзуда бўлиб, унда буюк мутафаккирнинг жаҳон – борлик ҳақидаги фикрлари, дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткиччилиги 6-н боғлиқ қарашлари акс этган. Т.даги барча бандлар “жаҳон” сўзи 6-н бошланади ва шу орқали шоир китобхон диққатини ўзи айтмоқчи бўлган асосий фикрга қайта-қайта жалб қилади. Т.даги восила байтда ҳам ушбу сўз такрорланади:

Вақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,

Жаҳон раъноси йўқким мосиваллоҳ.

“Бадоеъ ул-васат” девонига киритилган Т. ишқий мавзуда бўлиб, “Эй кирпикчи нешу кўзи хунхор” мисраси 6-н бошланади. Ҳажман 7 банд (ҳар бир банд 8 байт), 56 байтдан иборат. Т.да бир пайтлар ёри 6-н ҳамнафас, улфат бўлган, эндиликда ғаддор тақдирнинг зулми 6-н севгилисидан айрилган ошиқнинг руҳий кечинмалари баён қилинади. Навоийшуносликда ушбу Т. “Севгинома” деб аталган (А.Қаюмов). Восила байт:

*Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис...*

“Ҳазойин ул-маоний”даги сўнги Т. “То харобот аромен дурдошом” мисраси б-н бошланади. Ҳажман 10 банд (ҳар бандда 11 байт), 110 байтдан иборат бўлиб, “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган. Т. илоҳий ишқ мавзусида бўлиб, унинг лирик қаҳрамони ўз табиати ва ишқдаги мартабасига кўра “Лисон ут-тайр” дostonидаги Шайх Санъон тимсолини ёдга солади (қар.: *Шайх Санъон*). Т.даги восила байт қуйидагича:

*Яна муғ дайрига кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!*

ТАРИҚАТ (ар. – йўл) – илоҳий маърифатни эгаллашга бел болаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Т.ни таснининг амалий қисми, деб ҳам таърифлайдилар. Т. ва унинг мақомлари биринчи марта Зуннун Мисрий томонидан баён этилган.

Тас.га оид манбаларда Т. асосан шарият, ҳақиқат, маърифат тушунчалари б-н бирга таҳлил қилинган. Ҳужвирий “Қашф ул-маҳжуб”да Т. ва шариятнинг муносабатлари ҳақида ёзади: “Муҳаммад бин Фазл ал-Балхий айтади: Илмлар учта бўлади: Илм миналлоҳ (Аллоҳдан келган илм), Илм маъаллоҳ (Аллоҳ б-н бирга бўлиш илми) ва Илм биллоҳ (Аллоҳни билиш илми)... Аллоҳ таолодан келган илм – шарият илмидир, бандалар бу амр ва тақлифларга бўйсуниллари шарт. Илм маъаллоҳ (Аллоҳ б-н бирга бўлиш илми) бу Т. мақомоти ва авлиёлар даражаларини баён этадиган илмидир. Демак, шариятсиз маърифатни эгаллаш имконсиздир.” Шайх Аҳмад Жомий “Унс ут-тоибийн ва сиротуллоҳил-мубийн” (“Тавба қилганларнинг муниси ва Аллоҳга етказувчи тўғри йўл”) асарида шариятни дарахтга, Т.ни эса шу дарахт мевасига ўхшатади. Дарахт парваришладан мурод мева бўлганидек, шарият амрларини бажо келтиришдан мақсад, Т. орқали ҳосил бўладиган ахлоқ поклиги, руҳий хотиржамлик, басират кўзининг очилиши каби маъ-ий саодатга етишмоқдир.

Навий Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърин мактубида Т.га киришнинг иккита йўлини кўрсатган: биринчи йўли жазба –

илоҳий иноят туфайли Ҳақ муҳаббатининг ўти кўнглида аланга олиб, бирор восита ва раҳнамосиз камолотнинг олий босқичларига етмоқдир. Бу – пайғамбарлар ҳамда мажзуб дарвешларнинг йўли. Иккинчи йўл – тариқат мақомларини эсон-омон босиб ўтган, қалби Илоҳ маърифатига лиммо-лим ориф инсон (пир, шайх)га мурид тушиш, унинг иродасига иродани мувофиқлаштириб, комилликка эришмоқ.

Пир ва мурид муомаласида уч нарсага алоҳида аҳамият берилган: биринчиси – суҳбат талқини, иккинчиси – хирқа кийгишиш, учинчиси – зикр талқини.

Т.да мақомот ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин тутаети. Абу Наср Саррож Т.нинг қуйидаги мақомларини қайд этган: 1) Тавба; 2) Вараъ; 3) Зухд; 4) Фақр; 5) Сабр; 6) Хавф; 7) Рижо; 8) Таваккул; 9) Ризо. Айрим тадқиқотчилар тилга олинган мақомлар ёнига яна қаноат, сидқ, итминон, шукрни ҳам қўшганлар.

“Насойим ул-муҳаббат”нинг кириш қисмида Т. аҳлининг амаллари, феъллари, риёзат ва муомалатларидан тавба, луқма ҳалоллиги, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шарият риояси ва тариқат одоби, хоксорлик, ҳалимлик, ризо, саховат, сабр, жавонмардлик, сидқ, риёзат ва кароматнинг Т. аҳлининг асосий хислатларидан бўлиши таъкидланган. Т.га кирган киши энг аввало қатъий парҳез, кам ейиш, кам ухлаш, кам гапириш, барча номаъқул ва номақбул ишлардан сақланиш, пок тийнат, пок бадан ва пок аъмол учун курашиши лозим. Сўнгра шу асосда руҳни чиниқтириш, маҳрумликларга кўниш ва кўникиш, чилла ўтиришлар, сурункали зикр орқали Аллоҳнинг муборак исмларини қалбга нақшлаш, хотира ва ҳофизани кучайтириш ва шу тариқа имонни янада мустаҳкамлаш, жамийки мавжудот ва ҳодисотда Аллоҳнинг жамоли ва кудратини кўриш, идрок этиш ва қалбан иқроп бўлиш, таниш. Шу тариқа маърифатга йўл очилади ва солиқнинг аҳволи руҳияси ўзгариб боради. Т.га талабгор одам дунё лаззатлари, ҳирсу ҳаваслардан воз кечиш, жисму жонини руҳий қийноқлар гирдобига солиши, бутун иродаси, фикру зикрини Аллоҳ ёдига йўналтириши лозим. Пир тур-

ли воситалар б-н муридни тарбиялаб, унинг ички оламини бойитиш, ҳам зоҳирий, ҳам сўфиёна илмларни ўргатиш баробарида ҳис ва руҳини чархлаб, позиклаштириб боради.

“ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУҚАМО” (“Пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи”, 1485–1498) – Алишер Навоийнинг дин тарихига доир асари, насрий йўлда ёзилган. Ислом дини манбаларига асосланган бўлиб, пайғамбарлар – расул ва набийлар ҳамда ҳақим зотлар – алломалар тарихига бағишланган, шу маънода асарни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: 1) анбиё – пайғамбарлар тарихи, 2) ҳуқамо – ҳақим зотлар тарихи. Алишер Навоийгача мусулмон Шарқда анбиёлар туғрисида турли ривоят ва қиссалар мавжуд бўлган. “Тарихи Табарий”, “Тарихи Ванокатий” каби асарларда тарихий воқеалар, баъзи подшоҳларнинг юришлари дин тарихига оид маълумотлар б-н бирга берилса, “Қисасул анбиё”лар, хусусан Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида айнан пайғамбарлар тарихи келтирилади. Навоий ушбу мавзунини давом эттириб, ўзигача яратилган асарларни тизимлаштиради, набийлар биографиясини сулодалар бўйича келтиради. Асарда Одам Ато (а.с.)дан тортиб Жарих Роҳибгача бўлган 60 дан ортиқ набий ва набийлар авлодлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Дастлаб Одам Ато (а.) қиссаси ҳикоя қилинади. Унда Одамнинг яратилиши, Иблиснинг Олий даргоҳдан қувилиши, сўнг Одам ва Момо Ҳаввонинг ер юзига туширилиши ҳақидаги ҳикоялар келтирилади.

Навоий пайғамбарларни анъанага бинван икки гуруҳга бўлади: расул ва набийлар. Расулларга Аллоҳ китоб ва саҳифалар нозил қилган бўлиб, улар “мурсагин” номи б-н аталади. Набийлар эса фақат ваҳий олган пайғамбарлар бўлиб, уларга китоб нозил қилинмаган (туширилмаган).

Алишер Навоий пайғамбарлар ҳақида сўзлаб, уларнинг яшаган даврларига тўхталади, аниқ йилларни келтиради (Мас., Маҳойил бинни Қинон 865 й. яшаган). Шунингдек, пайғамбарларнинг аҳли аёли, фарзандлари, касбу кори ҳақида маълумот берилади. Пайғамбарзодаларнинг ҳаммасига

ҳам пайғамбарлик мақоми берилмаган, уларнинг баъзиларигагина Аллоҳдан ваҳий тушган. Масалан, Одам Атонинг невараси Ануш, унинг ўғли Қинон қабилар бу шарафга ноил бўла олмаганлар. Шу тариқа муаллиф олтмишдан ортиқ пайғамбар ва пайғамбар авлодларининг ҳаёти, таржимаи ҳолини батафсил ёритади.

Зикр этилганлар сирасида Қуръонда номи тилга олинган барча пайғамбарлар, Луқмони Ҳақим, Зулқарнайн каби ваҳий тушган ё тушмагани ихтилофли бўлган валий зотларни ҳам кўришимиз мумкин. Асарда бир замонда бир неча пайғамбарлар яшагани ҳам айтилади. Масалан, Исҳоқ (а.) вафот этган йили Юсуф (а.)нинг Миср ҳокими бўлгани ва ҳ.к. Шунингдек, Қуръонда тилга олинган “Асқоби қаҳф” қиссаси ҳам асардан ўрин олган.

Пайғамбарлар қиссаси ҳажман ўзаро фарқланади. Баъзи пайғамбарлар, масалан, Хизр (а.) ҳақида қисқа маълумот б-н чекланилса, Юсуф (а.), Иброҳим (а.), Мусо (а.) ва Исо (а.)ларнинг ҳаётига доир жуда кўп воқеалар баён қилинади. Алишер Навоий Юсуф (а.) ҳақидаги қиссани баён қилишга киришаркан, Фирдавсий Тусий ва Абдураҳмон Жомий ҳам мазкур мавзуда дoston ёзганларини айтиб, ўзининг ҳам туркий тилда маснавий ёзиш нияти борлигини билдириб ўтади.

Пайғамбарлар ҳақида келтирилган маълумотларнинг бош манбаси Қуръони карим бўлиб, муаллиф ўз фикрларини асослаш учун муайян оятларни ҳавола қилиб боради. Асарда Навоий пайғамбарларнинг иймони, сабри ва юксак фазилатларини алоҳида тасвирлайди. Мас., Айюб (а.)нинг бошига тушган ташвиш ва балолар ҳам уни Аллоҳга ибодат қилишдан тўсмаганини айтган, бу б-н севги ва дўстликнинг собит бўлиши ҳақидаги ғояларини баён қилади.

Асарда ҳар бир пайғамбар қиссасидан сўнг муайян шеърий парчалар келтирилади. Шоир уларни “маснавий”, “рубойй”, “байт”, баъзан эса “шеър” ёки “назм” номлари остида бериб боради. Мазкур шеърий парчаларда қиссаси ҳикоя қилинган пайғамбар номи тилга олинади ва фалсафий хулосалар чиқарилади.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарининг иккинчи қисми ҳақимлар тарихига бағишланган бўлиб, умумий асарнинг тахминан тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ҳақимлар тарихи анбиёларниқига нисбатан қисқа бўлиб, умумий маълумотлар б-н чекланган. Алишер Навоий Лукмони ҳақим, Фишоғур: (Пифагор), Жомосб, Букрот (Гиппократ), Вукротис, Суқрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотилис (Арасту), Балинос, Жолинус (Гален), Батлимус (Птолемей) каби юнон файласуфлари ва Содик, Бузургмеҳр каби форс ҳақимларининг, жами ўн уч нафар олимнинг тарихини қисқача ёритади. Ҳақимларнинг умумий тавсифини бергандан сўнг уларнинг ҳикматли сўзларидан келтиради. Ҳар бир тавсифдан кейин яқун сифатида шоир ўша файласуф томонидан айtilган иборанинг мазмунини ифодаловчи бир байт шеърни илова тарзида бериб боради. Мас.:

“Жомосб ҳақим Гуштосбнинг қардошидур ва Лукмоннинг шоирди эрди. Нужум илмида ғариб аҳкоми бор. Уз замонидин сўнгра уч минг йгача келур ишларни ҳукм қилибдур. Ва анинг сўзларидиндурким, каримнинг ёмонроқ хислати уз илмининг тарки ва лашминг яхшироқ хислати ўз илмининг тарки. Ва анинг мадфани Форс вилоятидадур.

Шеър:

*Кишига бўлса кўкка чикмоқ фан,
Не асиғ, кўрса оқибат мадфан.*

Алишер Навоийнинг “Т.” асари дин тарихига бағишланган муҳим маълумотларни ўз ичига олган манба бўлиш б-н бирга илмий насрнинг ёрқин намунаси бўлиб, муаллиф асарда дин тарихи ҳамда юнон фал.си билимдони сифатида намоян бўлади.

Асар юзасидан ад-тшунослардан В.Валихўжаев ва Т.Ғофуржонова илмий изланишлар олиб борган.

Ас.: Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000, 16-ж; Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 8-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

“ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ” (“Араб бўлмаган шоҳлар тарихи”, 1488) – Алишер

Навоийнинг тарихий мавзудаги асари, насрий йўлда ёзилган. Асарда Эрон ва Турон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар тарихи баён қилинади. Анъанага мувофиқ тарих Одам Ато (а.) даврига боғлиқ равишда талкин қилинади. Алишер Навоий “Т.”да Абдулхайр Насириддин Абдуллоҳ бин Умарнинг “*Низом умтавориқ*”, Банокатийнинг “*Жоме умтавориқ*” ва “*Девон ун-насаб*”, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолийнинг “*Насихат улмулук*”, пешдодийлар подшоҳи Ҳушангга нисбат берилувчи “*Жовидони хирад*”, Бу Али Мискавайҳнинг “*Одоб ул-араб ва ал-фурус*”, Ҳамдуллоҳ Муставфий Қазвинийнинг “*Тарихи гузида*”, Шарафиддин Али Яздийга нисбат берилувчи “*Мунтахаб*” каби манбалардан фойдаланади ва кўплаб маълумотларни шу асарлардан олганлигини айтиб ўтади. Рисолада Табарийнинг “*Тарихи Табарий*” ва Абулқосим Фирдавсийнинг “*Шоҳнома*” асарларига кўпроқ мурожаат қилинади. Навоий Искандар ҳақидаги қиссада ҳамсанавислар Хусрав Деҳлавий, Низомий Ганжавийларнинг қарашларини ҳам келтириб ўтади.

Алишер Навоий пешдодийлар сулоласига мансуб 11, каёнийлар сулоласидан 9, ашконий сулоласидан 15, сосонийлар сулоласидан 28, жами тўрт сулоладан 63 ҳукмдорнинг номлари, уларнинг таржимаи ҳоли, ҳаёти ва юритган сиёсатига доир маълумотларни тақдим этади. Ўша давр тарихнавислари сингари ўз асари таркибида турли афсона ва ривоятларни беришга, уни адабийлаштириб, қизиқарли қилишга ҳам алоҳида аҳамият қаратади. Шундан келиб чиқиб, деярли ҳар бир подшоҳ қиссасидан кейин анъанага мувофиқ “шеър” номи остида қисса мазмунига уйғун байтлар илова қилади. Бундан ташқари, тўрт сулола ҳукмдорлари ҳақидаги қиссаларнинг сўнгида ҳам умумий яқунловчи маснавийлар мавжуд.

Алишер Навоий мазкур асарида тарихга оид кўплаб жуда қизиқарли ва аҳамиятли маълумотларни беради. Балх, Бобил, Нишопур, Марв, Самарқанд ва яна ўнлаб шаҳарларни бунёд қилган шоҳлар, Наврўз байрамининг келиб чиқиши, рўзанинг пай-

до бўлиши, бутпарастликнинг сабаблари ҳақидаги воқеалар шулар жумласидандир.

Навоий шоҳлар ҳақида сўзлар экан, адолатли султонларни олқишлайди, уларнинг хайрли тақдирини мамнуният б-н ҳикоя қилади. Масалан, пешдодийлар сулоласининг вакили Хушангни “хирадманд ва одил ва олим подшоҳ эрди” деб таърифлар экан, унинг биринчилардан бўлиб мамлакатни илм ва қонун б-н бошқаришга урингани, “Жовидони хирад” номли асар битгани, тошдан темир чиқаргани, ёғочдан уйларга эшик ясагани, ариқлар чиқариб, юртни обод қилгани, шаҳарлар барпо қилгани ва доим ибодатда бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Навоий асарда баъзи подшоҳларнинг аянчли кечмишига ибрат назари б-н боқишга ундайди. Мас., Жамшид ҳақидаги ҳикояда шоҳ Жамшид дастлаб адолатли ҳукмдор бўлганлигини, кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширганлигини, 40 минордан иборат бинолар битгач, катта базм уюштириб, ўша кун “Наврӯз” деб атала бошлаганлиги ҳақида маълумот бериб, кейинчалик Жамшиднинг ўз қудратига ишониб, кибру ҳавога берилганлигини ва одамлардан ўзига сизғинишни талаб қилганлигини, оқибатда аянчли ўлим топганлигини айтиб ўтади.

Алишер Навоий Нўширавони Одил ҳақида маълумот берар экан, унинг сосонийлар сулоласига мансуб ўн тўққизинчи ҳукмдор эканлигини, отасининг исми Қубод бўлганлигини айтиб, Нўширавоннинг адолатига алоҳида урғу беради ва бир қатор машҳур ҳикоятларни илова қилади. Ҳикоятлардан бирида айтилишича, Нўширавон даврида бир киши боғ сотиб олади. Бу боғдан хазина топиб олгач, боғ сотган кишининг олдига бориб, олтинларни унга бермоқчи бўлади. Боғни сотган одам: “Боғга қўшиб, ерни ва ундаги ҳамма нарсани сенга сотганман, олтинлар сенга тегишли”, деб жавоб беради. Уларнинг бу “можароси” Нўширавоннинг қулоғига ҳам етиб боради ва у икки кишини чақириб, куда бўлишни ва хазинани барпо этилажак янги оилага беришни маслаҳат беради. Бу ҳикоятда ҳукмдор адолатли бўлса, халқда ҳам инсофу иймон бўлади, деган фалсафий хулоса мавжуд.

Алишер Навоий Искандар ҳақида тухталар экан, унинг тарихи ихтилоfli эканлигини айтади ва гарчи у каёнийлар сулоласи вакили сифатида келтирилса-да, бу борада ҳам турли тахминлар мавжуд, деб таъкидлайди. Шоир Искандар ва унинг туғилиши, насл-насаби тўғрисида фикр юрита туриб, Хусрав Деҳлавийнинг “Ойнайи Искандарий” ва Низомий Ганжавий “Искандарномаси”даги маълумотларни ўзининг “Сади Искандарий”сида келтирган маълумотлари б-н қиёслайди. Ўртадаги фарқларни айтиб ўтади. Самарқанд, Ҳирот, Марв ва Исфаҳонни Искандар бунёд қилгани б-н боғлиқ маълумотларни ҳам келтириб ўтади.

Навоий номларини келтирган 63 ҳукмдор ичида уч аёл подшоҳ исми ҳам тилга олинган бўлиб, улардан бири каёнийларнинг олтинчи ҳукмдори Хумой ёки Хумондур. У каёнийлар ҳукмдори Баҳманнинг аёли булиб, шоҳ вафот этганда ҳомиладор эди. Баҳман жон бериш пайтида тожини аёлининг қорнига қўяди ва оламдан ўтгач, арқони давлат Хумойни подшоҳ қилиб кўтаради. Хумой ўғил фарзанд кўргач, салтанатга меҳри зўрлиги ёки ўғлининг хавфсизлигини ўйлаб, уни сандиққа солиб дарёга оқизади ва сандиққа ўғлининг подшоҳзода эканини англатувчи ёқутларни ҳам солади. Тақдир тақозоси б-н ўғли улғайиб, онасини топади. Хумой унга давлат бошқарувини топширади.

Алишер Навоий тилга олган кейинги икки аёл подшоҳ сосонийларнинг 27- ва 28-ҳукмдорлари Турондухт ва Озармдухтдир. Шоир уларнинг тахтга чиқиши ва ҳукмдорлик даври б-н боғлиқ қизиқарли фактларни келтиради. Бу икки аёл подшоҳ опа-сингил бўлиб, 23-подшоҳ Хусрав Парвизнинг қизлари эди.

Алишер Навоий “Т.” асари орқали тарих билимдони қиёфасида намён бўлади. Асардаги юзлаб географик номлар, кўплаб шахсларнинг исми-шарифи ҳамда воқеаларнинг келтирилиши муаллифнинг кучли хотирасидан ҳам дарак беради.

Асарнинг хотимаси маснавий тарзида бўлиб, 50 байтдан иборат. Унда Навоий бевосита Шоҳ Ғозий – Султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилади. Унинг адо-

лати ва саховатини, инсон сифатидаги юксак ҳулқини мадҳ қилади. Шоҳни ягона жавҳарга қиёслайди ва шунинг учун ҳам унга “Назм ул-жавоҳир” асарини бағишлаб ёзганини айтади. Ва айнан Ҳусайн Бойқаро тарихини битиш нияти борлигини билдиради:

*Вале азми эмди будурким Худой
Агар бўлса умрумга муҳлатфизои.
Чекиб турфа тарихингга хомани,
Қилиб нукстага тез ҳангомани.*

Алишер Навоийнинг “Т.” асари шоирнинг тарихчи олим сифатидаги яна бир муҳим қиррасини очиш б-н биргаликда Шарқ халқларининг тарихидан кенгрок хабардор бўлиш имкониятини беради.

Асар юзасидан А.Ҳайитметов, Л.Халилов, Р.Комилов, И.Низомиддинов каби олимлар илмий изланишлар олиб борган.

Ас.: Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000, 16-ж; Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 8-ж.

Ад.: Узбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

Дисс.: Халилов Л. Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарининг текстологик тадқиқоти: ф.ф.н. Т., 1975.

“ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ” АСАРИ ҚҮЛЁЗМАЛАРИ. Бу асарнинг танқидий матнини филология фанлари номзоди Латиф Халилов 1975 йили ҳимоя қилган номзодлик дис.ясида эълон қилган. Олим куйидаги қулёзмаларга суянган:

1. Парижда сақланаётган куллиёт таркибидаги нусха. Куллиёт Франция Миллий кутубхонасида Suppl. turc. 316–317 рақамлари остида сақланади, ҳажми икки жилддан иборат. Уни каттот Али Ҳижроний 1526–27 й. Ҳиротда кўчирган. Маакур қулёзма асар танқидий матнини тайёрлашда таянч манба ўрнида қулланилган.

2. В.Зоҳидов шахсий кутубхонасида сақланаётган куллиёт таркибидаги нусха. У куллиётнинг 506–525 бетларидан ўрин олган. Ҳажми 20 бет.

3. Тошкентда сақланаётган 1850 й. кўчирилган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 185). Ҳажми – 57 варак.

4. Санкт-Петербург шаҳри нусхаси (Рос-

сия Миллий кутубхонаси, инв. рақами – Dorn 558) Навоий асарлари мажмуаси таркибида бўлиб, уни 1001–1004/1593–96 й.да Назарали Фоизий кўчирган.

5. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқоқи-Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланаётган Навоий куллиёти таркибидаги “Тарихи мулуки Ажам” асари. Бу куллиёт 1495–1500 й. Ҳиротда кўчирилган. Котиби – Дарвеш Муҳаммад Тоқий.

“ТАРИХИ БАНОКАТИЙ” – тарихий манба. Асл номи “Равзат ул-албоб фи таворих вал-ансоб” (“Воқеалар ва шахслар ҳақида мағзли сўзлар боғи”) бўлиб, муаллифи Абу Сулаймон Фахриддин Али ибн Абулфазл Довуд ибн Муҳаммад (ваф. 1339) нинг таҳаллуси Банокатий бўлганлиги сабабли, “Т.” номи б-н шуҳрат топган. Банокатий муғул хонининг топшириғи б-н ушбу асарни 1317-й.да ёзиб тугатган. “Т.” Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ут-таворих” асари асосида ёзилиб, унда Одам Атодан муаллиф давригача бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар ривоят ва тарихлар асосида ёритилган.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам”ни ёзишда “Т.”дан асосий манба сифатида фойдаланган.

ТАРСУСИЙ, Абубакр Али бин Аҳмад бин Муҳаммад Тарсусий (ваф. 974–975 й.) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Маккада кўп йиллар сурункали ибодат б-н машғул бўлганидан “Товус ул-Ҳарамайн” деб улуғланган. *Абулҳусайн Моликий*нинг шоғирди. Иброҳим Шайбоний Кирмоншоҳий, Шайх Абулҳусайн Сирвоний, Абдурахмон Сулламей, Абулҳасан Бишр Сижзий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Самоъ мажлисларига кўп азамият берган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ТАРКИББАНД (ар.-ф. бириктириб боғлаш) – мумтоз ад-тдаги йирик ҳажмли бандли шеър шаклларида бири. Т. таркиби, кофияланиш тизими ва ҳажмига кўра таржиббандга яқин туради (қар.: *таржиб-банд*). Фақат ундан фарқли ўларок, Т.да

ҳар банднинг мақтаъси ўзаро қофияланувчи ва бир-бирини такрорламайдиган мустақил байтлардан иборат бўлади.

Мумтоз ад-тшуносликда Т. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога” асари (1436/37)да келтирилган. Муаллиф Т.ни таржиъ турларидан бири сифатида санаб ўтади ва унга қуйидагича таъриф беради: *“Ва бешинчи қисми улким, ҳар банднинг қофияси бир тариқа бўлур ва таржиъ байтлари тақи ҳар бири алоҳида қофия бирла келур ва мукаррар қилмаслар. Ва бу қисмда марсия ва мадҳ айтурлар”*.

Ушбу таърифдан маълум бўладики, Т. даставвал, асосан, марсия ва мадҳия мавзуларида битилган.

Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидан ўрин олган Т.и ҳам марсия йўналишида бўлиб, устози ва дўсти Саййид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишланган. Т. 7 банд, 56 байтдан иборат. Т. ўзига хос композицион қурилишга эга. Асар олам, фалакнинг жафокорлиги (1–2-бандлар), Саййид Ҳасан Ардашернинг оламдан ўтиш хабари (3-банд), унинг тавсифи (4-банд), устоз руҳи б-н мулоқот (5-банд), шоирнинг ўз мақсади, эътиқоди тасвири ва тақдир тақозоси б-н боғлиқ фикрлар (6-банд) ва умумий хулоса (дунёнинг бевафолиги ва дўстларга насиҳат)дан иборат.

Т.да шоирнинг азиз инсонидан айрилиши туфайли вужудга келган қалб оғриқлари, дардли ҳиссиётлари, аламу изтироблари баён қилинади. Масалан, Т.нинг 6-бандида шоир устози вафот этган вақтда Ҳиротдан узоқда бўлганлиги, у б-н видолаша олмаганлигидан чексиз изтироб чекади:

Манга зулм ўлди

фалакдинки чу бўлдунг бемор,

Керак эрдик мен улсам

бошинг узра ғамхор.

Шарбатинг эзсам эди шираи

жоним қўшубон,

Ичурурга қлибон жаҳд

неким мумкин бор...

“Девони Фовий” таркибида ҳам бир Т. мавжуд бўлиб, шоирнинг устози ва пири Абдурахмон Жомий вафоти муносабати б-н яратилган ва шеърга “Марсияи ҳазрати Махдум” деб ном қўйилган. Навоий устози вафотига бир йил тўлганда

унинг қабри устига катта мақбара қурдириб, маросим уюштиради ва ушбу воқеа муносабати б-н марсия ёзади. Маросимда мазкур марсияни ўша даврнинг машҳур олимларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий ўқиб беради. Бу ҳақда Абулвосеъ Низомийнинг “Мақомоти Мавлавий Жомий” асарида маълумот келтирилади. Ушбу Т.-марсия 7 бандли бўлиб, ҳар бир банд 10 байтни ўзи ичига олади (жами 140 мисра). Т. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг хотимасига ҳам киритилган бўлиб, қуйидаги байт б-н бошланади:

Ҳар дам аз анжумани

чарх жафое дигар аст,

Ҳар як аз анжуми у доғи

балое дигар аст.

(Мазмуни:

Ҳар дам осмон анжуманидан янги бир жафо келади,

Унинг ҳар бир юлдузи янги бир балонинг доғидир).

ТАРОЗУ (ф.) – 1) оғирлик ўлчаш асбоби, тарози:

Жамоли нуруни чеккан тарозу ою қуёш,

Магар бу бирида нур эрди,

ул бирисида тош.

(“Наводир уш-шабоб”, 242-газал)

2) осмондаги 12 буржнинг 7-чиси, Мезон буржи. Қуёш бу буржда макон тутган кундан бошлаб, куз бошланади ва тунлар узайиб, кунлар қисқариб боради. 21–22-сентябрда тун ва кун тенг бўлгани сабабли ушбу буржни Т. ёки Мезон деб аташган.

Жонсанж улуб изидин Тарозу,

Ақраб топиб анда нуш дору

(“Лайли ва Мажнун”, 4-боб).

ТАРСИЪ (ар. – гавҳарни ипга тизиш) – байтнинг биринчи мисрасидаги барча сўзларнинг иккинчи мисрадаги сўзлар б-н ўзаро тенг, вазидош ва қофиядош бўлишига асосланган бадий санъат. Т. санъати ҳақидаги дастлабки маълумот Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балога” (11-аср) асарида келтирилган бўлиб, муаллиф Т.ни “баланд даражада ва шариф мартабада” деб таъкидлайди.

Айнан шу асардан бошлаб илми бадеъа доир барча форсий рисолалар Т. санъати

таърифи б-н ибтидо топганлигини кўриш мумкин.

Т. санъати газал ёки қасида жанрида қўлланганда асосан матлаъда юзага келади, чунки ушбу жанрларнинг қофияланиш тизими шуни тақозо этади.

Алишер Навоий асарларида Т. санъати назарий ҳаётдан асосланган бўлиб, Навоий ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Салмон Соважийнинг маснуъ қасидасини таърифлаш муносабати б-н ушбу санъатга таъриф беради ва Салмон Соважий қасидасидаги нуқсонни ҳам кўрсатиб ўтади: “...тарсиъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаъи ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким,

б а й т:

*Сафои сафвати рӯят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати кӯят*

бибехт мушки татор”.

Бу ўринда Навоий Салмон Соважийнинг қасида матлаъида қўллаган Т. санъатида бир сўзда (оби – мушки) тахаллуф қилганини, яъни қофия қойдасидан четга чиққанини кўрсатиб ўтади.

“Мажолис ун-нафоис”да эса Дарвеш Мансур бир маснуъ қасида битганлиги ва унинг матлаъсида Т. санъати қўлланилганлиги ҳақида маълумот берилади:

*Бас давидам дар ҳавои васли ёр,
Кас надидам ошнои асли кор.*

Шунингдек, Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да ушбу санъат борасидаги ўз маҳоратини ҳам намойиш этади: “Бу матлаъга татаббуъ қилгон қуп суханварлар ва назмгустарлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу фақирнинг матлаи будурки,

б а й т:

*Чунон вазид ба бўстон
насими фасли баҳор,
К-аз он расид ба ёрон
шамими васли нигор.*

Басорат аҳли мулоҳаза қилсалар билурларки, бу матлаъ тарсиъга воқеъ бўлур, айбдин муарро ва мурассаъга келур, эгтироздин мубарродур”.

Алишер Навоийнинг Т. санъати асосида ёзилган ушбу байти Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-санойиъ” асарида ҳам Т. б-н боғлиқ ўринда келтириб ўтилган.

Алишер Навоийнинг Т. санъатидаги бадий маҳорати яна шунда намоён бўладики, Навоийга қадар араб, форс ва туркий шеърятда ҳеч бир ижодкор рубоий жанрини бошдан-оёқ ушбу санъат асосида яратмаган эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай маълумот беради:

“Бу навъ шеърнинг таъкид ва муболага-си учун яна бир рубоий ҳам дебменки, то Халил бинни Аҳмад рубоий қойдасин вазъ қилибдур, тарсиъ санъатида рубоий ай-тилгон эшитилмайдур, балки йўқтур ва ул будурким,

р у б о и й:

*Эй руи ту кавкаби жаҳон орое,
В-эй буи ту ашҳаби равон осое,
Бе мӯи ту, ё раб, чунон фарсое,
Гисуи ту чун шаби фиғон афзое”*

(“Муҳокамат ул-луғатайн”)

Т. санъати Навоий “Хамса”си таркибидаги дostonларда ҳам кенг қўлланилган.

*Дардини нажотим эт, Илоҳи,
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳи!*

(“Лайли ва Мажнун”, 20-боб)

ТАРСО – насроний, христиан динига эътиқод қилувчи. Баъзи манбаларда зардуштийлик динига эътиқод қилувчиларни ҳам Т. дейишган. Ирфон тилида нафси амморанинг ёмон хислатларидан қутулиб, яхши хислатлар б-н сифатланган руҳият кишисига нисбатан қўлланилади. Лоҳижийнинг фикрича, Т. – тажрид ва тафрид мақомига эришган зотларга нисбатан айтилади, чунки, тажридниги олий намунаси Исо алайҳиссаломдир. Т. – имони тақлидийдан қутулган кишига нисбатан ҳам қўлланилади. Ироқийга кўра, Т. – раббоний жозоба ва солиқ қалбига ғайбдан ҳосил бўлажак файз тимсолидир. “Лисон ут-тайр”да Шайх Санъон ва Т. кизининг ишқ киссаси гўзал бир тарзда баён этилган. Шунингдек, Навоийнинг лирик асарларида ҳам Т. образи гўзаллик, тавҳид ва тажрид тимсоли сифатида келтирилган.

Бу фано дайрида зоҳир булди

анфоси Масих

Ким, ичиб тутти манга

ул дилбари тарсо кадаҳ,

(“Бадоеъ ул-васат”, 105-ғазал)

ТАРГИБ (ар. – интизом, ташкил этиш) – тасвир яхлитлигини таъминлаш мақсадида воқеа ҳолатини тадрижий такомилда, узвий бирин-кетинликда ифодалашга асосланган бадиий санъат. Бунда фикр ва ташбеҳ бир силсилани ташкил этиб, шеърга алоҳида равонлик, таъсирчанлик ва жанр-жанрлик бағишлайди. Мас.:

*Эрур мақсад – йироқ, водий – узун,
тун – тийра, йўл – бўртқоқ,
Бу йўлда салб этиб
узлук юкин, ўзни сабукбор эт
("Ғаройиб ус-сиғар", 78-ғазал)*

Байт тас-ий мазмунда бўлиб, тариқат йўлига кирган солиқ учун мақсаднинг йироқлиги, у кирган водийнинг бепоеънлиги, туннинг зулматю йўлнинг паст-баландлиги ҳақида маълумот берилиб, бу йўлни босиб ўтиш учун ўзлик юкидан қутулиб, ўзини енгиллатиши зарурлиги айtilмоқда.

ТАРҲОН (ўзб.) – чигатой улуси таркибидаги туркий элатнинг номи. Мўғуллар даврида алоҳида имтиёзга эга бўлган аёнларни ҳам Т. дейишган. "Тарихи жаҳонкушоий"да келтирилишича, Т. унвонига сазовор бўлган киши урушда қўлга киритган ўлжани бир ўзи тасарруф қилиб, солиқ ва бошқа тўловлардан озод қилинган. Шунингдек, Т. истаган пайтда ҳукмдор қабулига кириш ҳуқуқига эга бўлган. Ўрта асрларда бирор ҳарбий саркардага соврин сифатида берилувчи солиқ ва б. мажбурий тўловлардан озод бўлган мулкни ҳам Т. дейишган.

*Навоий севди бир лўлини
кездиқ рубъи масқунда,
Агар арлот, агар барлос,
агар тархон, агар сулдуз.
("Наводир уш-шабоб", 203-ғазал)*

ТАСАВВУФ – исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, руҳий тарбия орқали маънавий камолот сари етакловчи таълимот; сўфийлик оқими. Т. дунёдан кўнгиш узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, зеҳну заковат, ақду фаросатда тенгсиз, аммо файласуфларга ўхшаб, фақат ақлий билимларгагина сўянмайдиган, шарият илмини мукамаллаштирайдиган, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган, бутун умрини маъ-ий оламини бойитишга

сарфлайдиган руҳ кишиларининг илоҳийлик ва инсонийлик оламини англаш йўлидир. Уларни аҳлulloҳ, аҳли ҳол, орифлар, аҳли ботин, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар б-н тилга оладилар. Аммо бу тоифага нисбатан кўпроқ "сўфий" номи қўлланилган, чунки ушбу сўзнинг маъноси анча кенг бўлиб, бошқа тушунча ва атамаларни ҳам ўз ичига олади. Т., "сўфий" ёки "мутасаввиф" сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Т.ҳақидаги манбаларда бу сўзнинг ўзаги "сафват" ("сафоли, соф бўлмоқ"), "аҳл ас-суффа" (саодат асрида Мадинадаги суффага йиғилувчи зоҳид кишилар), "суфух" (бирор нарсанинг хулосаси), юқонча "софия" (муҳаббат) деб ҳам талқин қилинади. Аксар тадқиқотчилар фикрига кўра, Т.сўзи арабча "суф" (дағал жун, жундан тўқилган мато)дан олинган, негаки бу тоифа жундан тўқилган хирка кийиб юришни одат қилган. Т. бирданига юзага келган ҳаракат эмас, у узок тадрижий тарихга эга. Олимлар Т. тарихини дастлаб икки даврга ажратадилар: биринчиси – зоҳидлик даври, иккинчиси – орифлик ва ошиқлик даври. Зоҳидлик даврида сўфийлар тақво ва парҳезкорликни бош мақсад деб билган бўлсалар, кейинги давр Т. аҳли тафаккурий-шуурий ривожланиш – яъни дунёни ва Илоҳни билиш ва у ҳақида маърифат ҳосил қилишни асосий мақсад ҳисоблаганлар. 9-асрдан бошлаб, Т.нинг моҳияти, тарихи ва назарий асослари ҳақида бир қанча китоблар ёзилди, Т.гояларини тарғиб этувчи улкан шеърят вужудга келди. Т.га оид назарий китоб ва қўлланмалардан Абу Наср Саррожнинг "*Китоб ал-лумағ*", Абу Исҳоқ Калободийнинг "*Ат-Таъарруф лимазҳаб ит-тасаввуф*", Мустамий Бухорийнинг "*Шарҳ ат-Таъарруф лимазҳаб ит-тасаввуф*", Абу Толиб Маккийнинг "*Қут ул-қулуб*", Ҳужвирийнинг "*Кашф ул-маҳжуб*", Абдуллоҳ Ансорийнинг "*Манозил ус-соирин*", Фаридиддин Атторнинг "*Тазкират ул-авлиё*", Жомийнинг "*Нафаҳот ул-унс*" номли асарларини кўрсатиш мумкин. Булардан ташқари, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Маҳмуд Шабустарий асарларига ёзилган шарҳлар ҳам Т. атама ва истилоҳларини англашда муҳим рол ўй-

наган. Т. Шарк фикрий тараққиётидаги кўп асрлик тажрибани қамраб олиб, уни ривожлантирди, дин ва фал., ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, илоҳий илмлар б-н дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада Т. Шарк кишинининг тафаккур тарзи ва ахлоқ меъёрларини белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди.

Т.нинг Шарқда кенг тарқалишига боис, унинг араб, форс ва туркий тилларда буюк бир шеърятни вужудга келтирганидир. 8–9-асрларда Робиа Адавия, Зуннун Мисрий, Мансур Ҳаллож сингари улуғ сўфийлар ижоди б-н бошланган сўфиёна ашъор кейинги асрларда улкан бир адабиётга айланди, алоҳида рамълар, услуб ва усуллар шаклланди. Т.шайхлари ўз мавъиза ва маърифий суҳбатларида мураккаб руҳий кечинмаларни тушунтириш ва муридларга таъсир ўтказиш учун баъзан ўзлари сўфиёна гояларга мос асарлар ижод қилганлар, аксар ҳолда эса халқ орасида юрган ижод намуналари ва машҳур шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб, сўфиёна гоялар руҳида талқин ва тафсир қилиб, эшитувчини ҳаяжонга солганлар. Шу б-н бирга Т.нинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги, Ҳақ ва ҳақиқат, нажиб инсоний хислатлар, маъий камолот касб этиш ҳақидаги гоялари шеърят гояларига айланди. Т. ад-ти намояндалари анъанавий жанр ва мавзуларни ривожлантириб, уларга янги руҳ бағишладилар. Кўп шоирлар, жумладан, Навоий асарларида дунёвийлик б-н илоҳийлик, яъни ирфон ўзаро уйғунликда зухур этади. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават парда ичида яширинган. Масалан, маҳбуб деганда Худони, Пайғамбарни, Пирни ва севган кишини англаш, соқий деганда ҳам айни шу тўрт тушунчани эътиборга олиш, лаб деганда пирнинг сўзини, илоҳий файзни, қош деганда илоҳий олам б-н моддий олам чегарасини, кўз деганда комил инсоннинг ўзини назарда тутиш мавжуд.

Алишер Навоийнинг фикрича, шоирда дарвешлик хислати бўлмаса, унинг истеъдоди улуғ мақсадга хизмат қилолмайди, ҳар бир зиёли зоҳирий илмлар б-н бирга ботиний илми ҳам эгаллаши лозим,

бу унинг фазлу камолини оширади, гўзал ахлоқ соҳиби бўлишига кўмаклашади. Буни у Паҳлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан Ардашер, Мавлоно Муқимий, Хожа Юсуф Бурҳон каби замондошлари мисолида кўрсатиб ўтган. Чунончи, Хожа Юсуф Бурҳон “фақр ва фано тариқида сулук қилур эрди. Жамийки аҳли туруқнинг соҳибтариқи эрди ва мусиқий илмини ҳам яхши билур эрди, кўпроқ ўз шеърига мусиқий боғлар эрди.” Ўз замонасида фақру фанода тенгсиз бўлган Саййид Ҳасан Ардашер ҳақида Навоий “Т.да таъби хуб эрди”, деб ёзади.

Навоийнинг ўзи расман Т.нинг бирор тариқатида сулук қилмаган бўлса-да, Т. ад-тида тариқат йўли б-н покланаётган ва тинмай комиллик сари тараққий этаётган Инсон асосий объект сифатида олингани унга доимий илҳом бағишлаган. У даврларнинг алмашиниши, шохларнинг ўзгариши, сиёсату раёсатлар эътиқоди ва хулқиға заррача салбий таъсир ўтказолмайдиган дарвешлар, фоний дунёнинг ғаму ташвишидан устун турадиган кароматли инсонларни ҳамisha эъзозлаб, ўзи ҳам хулқ ва атворда улардек бўлишга бир умр интиланган. Т.тарихига бағишланган “Насойим ул-муҳаббат”да Абу Усмон Мағрибий, Рувайм, Абу Жаъфар Ҳаддод, Абу Исҳоқ Козируний, Абусаид Абулхайр, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий каби 20та шайхнинг Т.ҳақидаги таърифларини келтиради. Бу таърифларни ўқиган киши Навоийнинг ҳаёт маслағи ва ишонч-эътиқоди б-н тўла-тўқис мос бўлганлиғига ишонч ҳосил қилади.

“...Абулқасим Жунайд бин Муҳаммад Бағдодий дебдур: Тасавуф хулқидир. Кимки сандан хулқда устун бўлса, тасавуфда устундир.

(“Насойим ул-муҳаббат”, 368-фасл)

ТАСБИҒ– қайтаришга асосланган шеърӣ санъатлардан бири. Ташоих ул-атроф деб ҳам юритилади. Бу санъатда аввалги мисра охиридаги сўз ёки жумла кейинги мисра бошида айнан такрорланади, бошқача айтганда биринчи мисрани тугатган сўз ёки жумла кейинги мисрани бошлаб беради. Илми бадеъга доир манбаларда ушбу санъатга доир маълумотлар деярли келтирилмаган. Фақат Сайид Муҳаммадризо

Дойи Жаводнинг “Зебоиҳои сухан ё илми бадеъ дар забони форсий” асарида бу санъат *ташобех ул-атроф* номи б-н берилиб, унинг шоир ёки ёзувчи ёзган жумладаги охиригى сўзни ёки мисра охиридаги кофияни кейинги жумла ёки мисра бошида айнан келтиришга асосланиши айтилади.

Т. санъати Алишер Навоий ижодида кенг қўлланилган бўлиб, унинг шоир шеърятда қўлланилиш ҳолатини куйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Т. санъатининг бир байт таркибида истифода этилиши. Мас.:

Фурқатингдин заъфарон узра
тукармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин

эрур парголалар.
(“Фаройиб ус-сигар”, 152-газал)

2. Бир шеър, хусусан, газални тўлалигича Т. санъати асосида яратилш. Мас.,

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур
султони йўқ.

Мулкким султони йўқ.
жисмедурурким, жони йўқ

— деб бошланувчи газали бошдан охиригача шу санъат асосида ёзилади.

(“Фаройиб ус-сигар”, 310-газал)

Алишер Навоийнинг “Хамса” асарида ҳам Т. санъати кенг истифода этилган:

Сочибон барги гул қадам то фарқ,
Фарқдин то қадам гул ичра фарқ.
(“Сабъаи сайёр”, 23-боб)

ТАСДИР (ар. – қайтиш) – қайтаришга асосланган шеърый санъатлардан бири. *Радд ус-садр ил-ал ажуз* деб ҳам аталади. Бу санъатда байтнинг бошида келган сўз байтнинг охирида ҳам такрорланади, бошқача айтганда байт қайси сўз б-н бошланган бўлса, шу сўз б-н якунланади.

Шарқ мумтоз поэтикасида байтнинг боши *садр*, охири *ажуз* ёки *зарб*, иккинчи мисранинг боши *ибтидо* ва ҳар икки мисранинг ўртаси *ҳашв* дейилади. Буни куйидаги чизмада кўриш мумкин:

Садр _____ / _____ *ҳашв* _____ / _____ *аруз*
Ибтидо _____ / _____ *ҳашв* _____ / _____ *ажуз* (*зарб*)

Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу санъатга *садрнинг ажуз*да такрорланишига асосланган санъат сифатида қараш мумкин.

Илми бадеъга доир манбаларда Т. санъати *радд ул-ажуз мин ас-садр* санъатининг биринчи тури сифатида келтирилади. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида ушбу санъатга шундай таъриф берилган: *“Бу анингтект бўлурким, байтнинг юфиясини садрда радд қилурлар. Бу олти навъ бўлур. Аввалги навъи... анингтект булурким, ул лафзеким, байтнинг охириндадур, они бетағйири сураат ва маъно, байтнинг аввалинда келтирурлар...”* Илми бадеъга доир форсий манбаларда ҳам Т. санъатига берилган таъриф моҳиятан бир-биридан фарқланмайди.

Алишер Навоий ижодида Т. санъати кенг истифода этилган бўлиб, унинг қўлланилишини икки ҳолатда кўриш мумкин:

1. Байт таркибида такрорланаётган сўзлар бир хил маъноли бўлади:

Ут агар имса жаҳондин,
оҳим ўлса, ғам эмас,

Еткуруай бир дамда
юз аввалги ўт миқдори ўт.
(“Фаройиб ус-сигар”, 85-газал)

2. Такрорланаётган сўзлар ўзаро омонимик муносабат, яъни тажнис асосига қурилган бўлади. Мас.:

Ёшим торин узаттингким, сенинг ҳам
Узалгай айш ила, ё Рабки, ёшинг.
(“Фаройиб ус-сигар”, 340-газал)

Бунда байтнинг биринчи мисрасида “ёш” сўзи кўз ёш маъносида, иккинчи мисрада эса инсон умри маъносида келмоқда.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асарида ҳам Т. санъати кенг истифода этилган:

Эври олинда пил ўйлаки мўр,
Ҳар туки сойи пил чоғлиқ эвр.
(“Сабъаи сайёр”, 22-боб)

ТАСНИМ (ар.) – жаннатдаги булоқнинг номи. Баъзи ривоятларга кўра, Аршининг остидан, айрим тафсирларга кўра, Адн жаннатида оқадиган булоқ, Т.нинг суви энг тотли бўлиб, ундан Аллоҳнинг муқарраблари ва яқинлари баҳраманд бўладилар (“Му-таффифун”, 28-оят). Ибн Аббоснинг талқинига кўра, Т. – жаннатдаги шароб бўлиб, у муқарраб бандаларга соф ҳолатда, бошқа солиҳ бандаларга сув қўшилган ҳолда берилади. Ишорат аҳлининг талқинига кўра, Т. ҳолис шарбат бўлиб, Аллоҳнинг муқарраб бандалари қурб бисоти ва унс мажлисида,

айш бўстонида, Мустафо (с.а.в.) мушоҳада чоғида ризо жомидан симирадилар.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да берилишича, Одам Сафийллоҳни яратилдан олдин Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг тийнати Т. суви б-н қорилган:

“Бир овуч туфроқ ер юзидин олиб, Ҳақ таолонинг амри била бихиштга келтуруб, Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)нинг тийнати тасмин суви била юғуруб, борча малойишқа арз қилдиларким, мақсуди олам ва Одам офаринишидин мунунг хилқатидурким, охир уз-замон пайғамбари бўлғусидур”. (“Тарихи анбиё ва ҳукамо”)

ТАСФИЯ (ар.) – соф, пок айламоқ, сайқал бермоқ, жило бермоқ. Сўфийлар таъбирида кўнгил кўзгусини зикр ва тафаккур, сулук ва риёват б-н ғайр нақшидан покламоқ ва тажаллий маконига айлантирмоқдир. Инсон кўнгилида фақат ўзига оид нарсаларни мушоҳада этса, бундай Т.дан унга ҳеч фойда етмас, чунки бунда худбинлик ва такаббур авж олади. Ўзлик бандидан қутулишга сабаб бўладиган Т. тариқат аҳлининг асосий мақсадидир.

ТАТАББУЪ (ар. – бирор нарсанинг изидан бориш; кузатиш) – ўзга бир шоир шеъридан таъсирланиб, ундаги вазн, қофия ва радифни сақлаган ҳолда асар яратиш. *Назира, ухшатма ва жавоб* деб ҳам айтилади. Т. Мусулмон Шарқи ад-тида адабий алоқа ва ўзаро таъсирнинг кенг тарқалган шаклларидан бўлиб, салафлар ёки замондош шоирлар б-н муайян тарзда ўзаро ижодий мусобақага киришиш б-н боғлиқ анъана ҳисобланган. Бунда мусобақалашаётган шоир бирор асарга жавоб битар экан, унга ижодий ёндашиши, танланган мавзу, вазн ва қофия доирасида янги фикр айта олиш имкониятига эга бўлиши талаб қилинган.

Т. шеъриятнинг исталган жанри ёки шакли асосида: фарддан дostonгача ёзилиши мумкин. Мумтоз шеъриятимизда, хусусан, Алишер Навоий ижодида Т., асосан, ғазал, қасида ва дoston шаклида битилган. Навоийнинг лирик Т.лари “Девони Фоний” таркибидан ўрин олган бўлиб, улар улуг шоирнинг ўз салафлари ва устозларига юксак эҳтироми маҳсулидир. Девонда-

ги ғазалларнинг 300 дан ортиғи айнан Т. асосида яратилган. Навоий Т.лари Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Салмон Соважий, Камол Хўждан-дий, Ҳасан Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Аҳмад Ҳожибек Вафой каби кўплаб шоирлар ғазалларига боғланган. Девондаги энг кўп Т. Ҳофиз Шерозий ғазалларига боғланган (200 дан ортиқ). Ҳофизнинг

Агар он турки Шерози

ба даст орад дили моро,

Ба холи ҳиндуяш бахшам

Самарқанду Бухороро

(Мазмуни: Агар ўшал Шерознинг турки кўнглимизни овласа, қора холи учун Самарқанду Бухорони ҳады айлаймиш.)

— деб бошланувчи ғазалига Навоий қуйидагича Т. битган:

Гар он турки Хитойи нуш

созад жоми саҳборо,

Нахуст орад сўи мо

турктози қатлу яғморо.

(Мазмуни: Агар у уйғур гўзали май жомини ичса, аввал бизнинг устимизга от суриб, ўлдириб, талон-торож қилади.)

“Девони Фоний”да қасида шаклида битилган Т.лар ҳам мавжуд бўлиб, улар “Ситтаи зарурия” (Олти зарурат) қасидалар мажмуаси таркибига киради. Мажмуадаги “*Тухфат ул-афкор*” (Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийга жавоб), “*Қут ул-қулуб*” (Авҳадиддин Анварийга жавоб), “*Минҳож ун-нажот*” (Авҳадиддин Анварий ва Ҳоқоний Шервонийга жавоб), “*Насим ул-хулд*” (Ҳоқоний Шервоний, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийга жавоб) қасидалари Т. асосида яратилган.

Алишер Навоийнинг эпик шеърияти ҳам Т. асосида яратилган бўлиб, унинг “Лисон ут-тайр” дostonи Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” дostonига, “Хамса” таркибидаги дostonлар эса Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий ва б.ларнинг дostonларига Т. тарзида вужудга келган.

ТАТОР, Тотор – татар халқи; туркий қабилалардан бири. Шарқий томондан Хитой, ғарбдан Уйғур вилояти, шимолдан Қирғизистон, жанубдан Тибет ва Тункат б-н чегарадош бўлган чўлнинг номи. “Бурҳони

котеъ"да берилишча, Т. – Шаркий Туркистондаги мушклари ва гўзал аёллари б-н машхур бир вилоятдир. Бу вилоятдаги туркларни тоторлар деб аташади.

Хаттидин бўлди хижил

сунбул била мушки татор,

Қоматиға сарв ила

шамшоддин юз қатла ор,

Фаррух эрмас орази

наврўзидек ийду баҳор,

Зулфиға кадру барот

ўшар вале юз фарқи бор,

Сўз анинг ёниндаги

хуришиди маҳтобиндадур.

(“Бадоеъ ул-васат”, 1-мухаммас)

ТАФРЕЪ (ар. – тармокланиш, шоклаш) – бадий нуткни муболага ва ташбеҳ воситасида гўзал ва таъсирчан ифодалаш усулларида бири. Бунда шоир ҳаётий бирор ҳодиса ё ҳолатни тасвирлай туриб, уни узи-га ўхшаш, лекин алоқаси бўлмаган ҳодиса ё ҳолат б-н қиёслайди ва бунга ишонтирмакчи бўлади. Айни жиҳатдан у ҳусни таълилга ўхшаб кетади. Бу санъатда муаллиф ўз фикрини аслида ёлгон бўлса-да, лекин гўзал далил б-н асослашга ҳаракат қилади. Ёлгонлигини билиб турса-да, ўқувчининг унга ишонгиси келади, чунки бу ёлгон тасвир манбаининг ҳақиқий кўринишидан бир неча баробар чиройли ва жозибали бўлади. Т.да шоир ўз талқинини ҳар қанча тўғри деб туриб олмасин, ўқувчи бундай бўлишига ишонмайди, фақат фавқулодда муболагали тасвирдан ҳайратга тушиб, уни бадийят намунаси ўлароқ қабул қилади. Бу муболаганинг гулув турига ўхшаб кетади. Муболагадан маҳорат б-н фойдаланган Алишер Навоий ижодида Т.нинг ҳам кўплаб бетакрор намуналарини кўришимиз мумкин. Мас., у ёзади:

Ўртаниб жисмим,

бало даштида саргардон кезар,

Шуъладин таркиб топқон

бўйла ким кўрмиш қуюн?

(Мазмуни: Вало даштида менинг ўртаниб ёнган жисмим саргардон кезади – бошдан-оёқ шуъладан таркиб топган бундай қуюнни кўрган киши борми?).

Ўз-ўзидан, бундай бўлишига биров ишонмайди. Лекин муболагали ташбеҳнинг фавқулодда оҳорли ва гўзаллиги ки-

шини тонг қолдиради ва беихтиёр шоирнинг бекиёс маҳоратига қойил қоласиз.

Чарх ёғдурса кавокибни,

сиришкимча эмас,

Қайда дарё била тенг

бўлгани бордир шудрун?

(Мазмуни: Агарда фалак юлдузларини ерга ёғдурса, менинг тўқилган кўз ёшларимча бўлолмайди. Шудринг сира дарё б-н тенг бўлганми?).

Бундай маҳобатли тасвирлар шоир тахайюлининг нақадар чексизлигини кўрсатади. Бекиёс ҳаёлот маҳсуллари бўлган бундай бадий юксак ташбеҳу муболага-лар ўзининг тенгсиз эстетик таъсири б-н ўқувчида сўзнинг бемисл қудратига ҳайрат уйғотади. Бадий сўзнинг оддий сўздан нечоғлик баланд туришини кўрсатади.

ТАФРИД (ар.) – ёлғизланиш, одамлардан чекиниш, ўзни узлатга олиш. Тас-ий маънода бу дунё ҳою ҳавасларига берилганлардан узоқлашиб, вужудни инкор қилиш ҳамда Аллоҳга қўшилишдир.

Бу маркабу бу сафар

кимсага мўжасар эмас,

Ки, ҳосил айламагай

олам аҳлидин тафрид.

(“Фавоийд ул-кибар”)

ТАФРИҚА (ар.) – ажралиш, паритшон бўлиш, жудолик. (яна қар.: *Жамъ ва тафриқа*): *Ақлу ҳавос эрур адам,*

жону қўнгулга йўқ вужуд,

Тафриқа тушкали

мену ул бути нозанин аро.

(Наводир уш-шабоб, 21-ғазал)

ТАХАЙЮЛ (ар.) – бирор нарсанинг образини ҳаёлда тасаввур этмоқ, руҳий фаолиятнинг бир тури. Т. маъ-ий ҳодиса бўлиб, тафаккур, таваҳҳум каби билиш жараёнларидан бири ҳисобланади. У инсоннинг руҳий фаолиятида, муайян даражага эга бўлган муаммоли вазият вужудга келишида ҳамда унинг ҳал қилинишида иштирок этади. Т. муайян ҳиссий тимсолларга ёки борлиқнинг аниқ андозаларига суянади. Т. учун замон ва макон борасида чегара йўқ. Амалий фаолият бошланмасдан туриб, унинг маҳсулини олдиндан тасаввур этиш ва уларни тимсоллар орқали бошқалар зеҳ-

нида пайдо қилиш Т.нинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Т. сўз, вазн ва қофия қаторида шеърнинг асосий унсурларидан биридир. Ҳоз. ад-шуносликда Т. ўрнига, асосан, образлиқ атамаси қўлланилади.

*Назм дури истарига хос ўлуб,
Баҳри тахайюл аро ғаввос ўлуб.*

(Ҳайрат ул-аброр)

ТАХМИР (ар.) – қоримок, хамирга ачитқи солмоқ. Т. сўзи “Одамнинг тийнатиғи қирқ кеча-кундуз Ўз қўлим б-н қоридим” мазмунидаги қудсий ҳадисга ишора бўлиб, маст қилмоқ, шароб ичирмоқ маъноларида ҳам қўлланилади. Урта асрларда кимёвий реакцияни тушунтиришда Т. сўзини қўллашган.

*Магар су оби ҳаёт эрди, ел Масиҳ дами,
Чу тийнатингни қазо*

илги айлади тахмир.

(Наводир уш-шабоб, 141-ғазал)

ТАХТИ ЖАМШИД – Шероз ва Истахр шаҳарлари ўртасида жойлашган меъморий ёдгорлик. Аҳамонийлар сулоласининг намояндаси Доро I мил.ав. 520 й. Т.Ж.ни бунёд этган. Македониялик Александрнинг буйруғи б-н мил.ав. 331 й. бузиб ташланган. Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида Т.Ж. Пешдодийлар сулоласининг вакили Жамшид томонидан бунёд этилган, деган маълумотни келтиради. Т.Ж. Навоий замонида “Чиҳил манор” номи б-н машҳур бўлган.

“Ва анда улук биное солдиким, холо осори ва нишонлари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол курунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани чиҳил минор дерлар.” (“Тарихи мулуки Ажам”)

ТАШБИҲ (ар. – ўхшатиш) – икки нарса ёки тушунчани улар ўртасидаги ҳақиқий ёки мажозий муносабатларга кўра ўхшатиш санъати. Т. санъати тасвирланаётган шахс, буюм ёки тушунчани аниқроқ ва ёрқинроқ очиб беришга хизмат қилади. Т. санъатига илми бадеъга доир барча манбаларда кенг ўрин ажратилган. Ушбу манбаларда Т.га берилган таърифлар бир-бирига асосан мос келгани ҳолда унинг турлари

борасида тафовутлар учрайди. Мас. Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балоға” асарида Т.нинг 5 та тури (Т. и мукано, Т.и маршрут, Т.и маржуъ анху, Т.и маъкус, Т.и муздаваж), Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоийқ ус-сеҳр” асарида Т.нинг 7 тури (Т.и мутлақ, Т.и акс, Т.и киноят, Т.и маршрут, Т.и измор, Т.и тасвит, Т.и тафзил), Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида 7 та тури (Т.и сариҳ, Т.и киноят, Т.и маршрут, Т.и маъкус, Т.и музмар, Т.и тасвит, Т.и тафзил), Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” номли туркий рисоласида Т.нинг 7 тури (Т.и муаллақ-маршрут, Т.и киноят, Т.и тасвия, Т.и акс, Т.и танқис, Т.и тафзеъ, Т.и измор) ва ҳ.к. келтирилган.

Т.санъати қуйидаги тўрт унсур асосига қурилади:

1. Мушаббаҳ (ўхшамаш) – тасвирда фикр қаратилаётган (ўхшатилаётган) нарса ёки тушунча;

2. Мушаббаҳун биҳ (ўхшатишмиш) – тасвирда қиёсланаётган нарса ёки тушунча;

3. Важҳи шабах (ўхшатиш сабаби) – нимага кўра ўхшатишнинг юзага чиққанлиги;

4. Одоти ташбиҳ (ўхшатиш воситаси) – ўхшатиш белгиси.

Масалан, “ёрим гўзалликда Ширин кабидир” деб тасвирланганда, “ёрим” – мушаббаҳ, “Ширин” – мушаббаҳун биҳ, “гўзалликда” – важҳи шабах, “кабидир” – одоти ташбиҳ.

Ушбу унсурларнинг барчаси иштирок этган ўхшатиш Т.и муфассал деб аталади. Агар улардан важҳи шабах тушириб қолдирилса, бундай ўхшатиш Т.и мужмал ва агар одоти ташбиҳ ҳам қатнашмаса, бундай ўхшатиш Т.и муқайяд деб аталади. Т.и муқайяд Т.и муфассалга қараганда ўхшатиш белгисининг кучлилиги б-н ажралиб туради. Мас.:

Эй насими субҳ, аҳволим

дилоромимга айт,

Зулфи сунбул,

юзи гул сарви гуландомимга айт.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 84-ғазал)

мисраларида Алишер Навоий “ёримнинг зулфи сунбулга ўхшаш” ёки “ёримнинг юзи гул кабидир” жумлалари ўрнига “зулфи сунбул”, “юзи гул” тарзидаги аниқ ва қисқа ўхшатишларни қўллар экан, бунда ёр гўзаллиги ёрқинроқ намоён бўлади.

Алишер Навоий ижодида Т.нинг қуйидаги турлари қўлланилган:

1. Т.и сариқ ёки мутлақ (аниқ ўхшатиш) – бир нарсанинг иккинчи бир нарсага одоти ташбиҳ (ўхшатиш воситалари) ёрдамида ўхшатилишига асосланган Т.

Навоий, шамъдек йиғлаб,
куюб ҳолимни шарҳ айлай,
Ул ой базмида бир тун
рост ошиқларга бор ўлғач.

(“Фаройиб ус-сиғар”, 97-ғазал)

2. Т.и машрут (шартли ўхшатиш) – бир нарсанинг иккинчи нарсага муайян шарт б-н ўхшатилишига асосланган Т. Навоий ғазалидаги қуйидаги байтлар шу санъат асосида яратилган:

Оғиз ичра тилингдек гунчада
гул барги тар бўлғай,
Вале бу шарт илаким,
барги гул ичра шакар бўлғай.

Қадинга сарви рағно ўхшағай,
лек ул замонким сарв
Хиромон бўлғай гул бергай,
ул гулдин самар бўлғай.

Юзунг даврига ой даврини
ташбиҳ эткамен, вакте
Ки, анда хол ила хат
фитнаи даври қамар бўлғай.

Кўзунга ўхшағай нарғис,
агар қиймоч ўлуб оқи,
Мудаввар асфари ичра,
қоралигдин асар бўлғай.

Хатинга кадр шоми ўхшағай
бу шарт бирланким,
Тажалли нуридин
ул шом аросинда саҳар бўлғай.

Чу минсанг ашҳабинг ул дам,
кўёш бўлғай санга монанд
Ки, берса кўкбўзин жавлон
жаҳон зеру забар бўлғай.

Манга ишқингда Мажнун бирла
Фарҳод ўхшағай ул чоғ
Ки, бу бўлғай жаҳон расвоси,
ул мундин батар бўлғай.
(“Наводир уш-шабоб”, 613-ғазал)

3. Т.и акс (аксланувчи ўхшатиш) – бу хил Т.да аввал бир нарсага иккинчи бир

наrsa ўхшатилади, сўнг бунинг акси амалга оширилади, яъни иккинчи нарса биринчи нарсага ўхшатилади. Натижада мушаббаҳ мушаббаҳун биҳга, мушаббаҳун биҳ эса мушаббаҳга айланади.

Су кўзгусини боғ аро айларда шитоб,
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.
Дай қилди бу симобни андоқ кўзгу
Ким кўзгу анинг юшида бўлғай сиймоб.
(“Фаройиб ус-сиғар”, 14-рубойи)

4. Т.и тасвия (тенглаштирилган ўхшатиш) – бу хил Т.да шоир ўзидаги бирор нарсани тасвирланаётган шахсдаги бирор нарсага ўхшатади, сўнг уларни бошқа бирор белги б-н қиёслайди.

Менинг фироқиму анинг
висоли тун била тонг,
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли
тун била тонг.

(“Бадоеъ ул-васат”, 363-ғазал)

5. Т.и музмар ёки измор (яширин ўхшатиш) – бунда шоир бир қарашда ўхшатишни мақсад қилмагандек туюлади, аслида эса унинг асл нияти ўхшатиш бўлади.

Юзинда хаймудур ё манглайдин
қатра, ваҳ, кўргил
Ки, гулдинму оқар шабнам,
кўёшдинму томар ахтар?!
(“Бадоеъ ул-васат”, 161-ғазал)

6. Т.и тафзил ёки маржуъ (чекиниш йўли б-н ўхшатиш) – бу хил Т.да шоир аввал бир нарсани иккинчи бир нарсага ўхшатади-ю, кейин ундан воз кечиб, ўхшатишни ўхшатишмишдан устун қўяди. Бунда Т. ружуъ санъати б-н қоришиқ ҳолда қўлланилади.

Зийнат аро раъзаи ризвондур ул,
Равзани қўй, мулки Хуросондур ул.
(“Хайрат ул-аброр”)

7. Т.и киноя (киноя йўли б-н ўхшатиш) – Т.унсурларидан фақат мушаббаҳун биҳ (ўхшатишмиш) иштирок этувчи ўхшатиш тури. Қўп ҳолларда Т.и киноя истиора санъатига ўхшаб кетади.

Лаълинг олса чоклик
бемор кўнглумни не тонг
Эй малоҳат нахли,
чунким хастасиз бўлмас рутаб.
(“Фаройиб ус-сиғар”, 45-ғазал)

8. Т.и мусалсал (кетма-кет ўхшатиш) ёки Т.и жамъ – бир нарса кетма-кет бир неча нарсага ўхшатишга асосланган Т. Бун-

да мушаббах битта, мушаббахун биҳ бир нечта бўлади.

*Заврақ ичра ул қуёш
сайр айламак Жайхун аро,
Ахтари сағде ҳилол ичра
кезар гардун аро.*

*Англамон Жайхунда ул
ой кема бирла сайр этар
Ё ҳилолу меҳр аксин
эл кўрар Жайхун аро.
(Ғаройиб ус-сиғар, 20-ғазал)*

ТАШНА – чанқоқ. Тас. ва ахлоқда та-возуъ (хоксорлик)нинг асосларидан бири. Бундай хоксорлик талаби толиб (ошиқ) ё матлуб (маъшук) томонидан содир бўлиши мумкин. Шунингдек, шавқнинг ҳаддан ошиши ва илоҳий дийдорга кўп рағбат кўрсатиш, маърифатпарварлик маъносида ҳам қўлланилади. Навоий асарларида Т., ташналаб, лабташна шаклларида қўлланилган.

*Белингу зулфунг хаёлин
шарҳ этармен мў-бамў,
Ташнадурмен лағлинг
то бордуруп жонимда су.
(Ғаройиб ус-сиғар, 512-ғазал)*

ТАШХИС (ар. – жонлантириш, шахслантириш) – ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар ва жонсиз нарсаларга инсоннинг хусусиятларини кўчириш санъати. Бу ҳолат тасодифий бўлмай, тасвир объекти бўлмиш ҳайвон, ўсимлик ёки жонсиз предметнинг муайян белгиси б-н инсон хусусияти ёки феъл-атвори ўртасидаги рамзий ўхшашликка асосланади. Т. санъати илми бадеъга доир манбаларда алоҳида ном б-н келтирилмайди, балки *истиоранинг*, баъзан *мажознинг* бир тури сифатида келтирилади.

Алишер Навоий асарларида Т. санъати кўпроқ табиат лирикаси б-н боғлиқ ҳолатда намён бўлади.

*Уйғотур субҳи баҳор элни
фиғон бирла саҳоб
Ким, сабуҳий чоғидур –
маст бўлунг, эй асҳоб.*

*Барқ бир дам чоқилиб ишнагач уқ
тийра бўлур,
Яъни ушмундин олинг
умр чароғига ҳисоб.*

*Ёғин аҳволингга йиғларки,
кўз оч уйқудин*

*Ким, эрур сели мамарри
бу кўҳан дайри хароб...
(Ғаройиб ул-кибар, 41-ғазал)*

Навоий ижодида инсонга хос хусусиятлар фақат ҳайвонлар, қушлар ёки аниқ нарсаларга эмас, манҳумий тушунчаларга ҳам кўчирилади. Масалан,
*Мунграйиб андоқ синуқ
кўнғлум бузулурким, сипеҳр
Булғажаб ҳолимга юз минг
кўз била ҳайрон булур.
(Ғаройиб ус-сиғар, 162-ғазал)*

Т. санъати “Хамса” таркибидаги дostonларда ҳам кенг қўлланилган:

*Булуб бу мотамидин дашт ғамнок –
Ки, водидин яқсин айлабон чок.
(“Фарҳод ва Ширин”)*

*Сунбул қилибон қаро узорин
Очиб қаро зулфи мушкборин.
(“Лайли ва Мажнун”)*

ТАЪРИЗ (ар. – ишорали сўз айтиш, киноя б-н сўзлаш) – мақтаб туриб фош қилишга асосланган бадиий санъат. Бунда шоир гўёки бировни мақтаётгандай бўлса-да, аслида унинг кирдикорларини фош қилади, киноя ва кесатиш орқали қаҳрамонининг асл қиёфасини очиб ташлайди. Атоуллоҳ Ҳусайний таъбири б-н айтганда, “таъриз лафзнинг кўрсатиши, анинг истеъмолига кўра эмас, балки анинг ишорасига ва ибора тузилишига кўра бўлури билдирур”.

Алишер Навоий ижодида Т. санъатининг гўзал ва ранг-баранг кўринишларига дуч келамиз. Бу санъат, айниқса, dostonларида кўп учрайди. Мас., Фарҳод Шириннинг узини кўрмай, ваъдасини олмай, бор-йўғи таърифини эшитиб, ғойибона ошиқ бўлган Эрон шоҳи Хисрав Парвезнинг Ширинга зўрлик б-н эришмоқчи бўлиб, унинг мамлакатига бостириб киргани, шунда ҳам ҳалол йўл б-н ғалаба қозонолмагач, макр-ҳийла б-н тузоғига туширганини айтиб, мана бундай сўзлар б-н “олқишлайди”:

*Адолат ушбу бўлғай, лавҳашаллоҳ!
Шижоат мунча бўлғай, боракаллоҳ!
Вайтдаги “адолат” ва “шижоат” сўзлари тескари – адолат – зулм, шижоат – ожизлик маъносида қўлланилаяпти.*

Ёки “Лисон ут-тайр”даги бир ҳикоят шундай бошланади:

*Бор эди бир паҳлавони зўргар,
Беҳунарлиғ фаннида соҳибҳунар.*

Бу ерда “соҳибҳунар” тескари – қўлидан иш келмайдиган маъносида қўлланаёпти.

ТАЪРИХ (ар. ўтмиш) – муайян воқеа-ҳодиса ёки инсон ҳаёти б-н боғлиқ бирор санани араб алифбосидаги ҳарфлар воситаси, яъни *абжад* усули асосида кўрсатиш. Шеършунослик илмида Т. га алоҳида шеърий жанр сифатида ҳам, бадиий санъат сифатида ҳам қараш мавжуд. Бу иккала ёндашув ҳам муайян асосга эга. Агар Т. усули катта ҳажмдаги асарлар – достонлар, манзумалар таркибида ва кўпинча асарларнинг охирида келса, бу алоҳида жанр бўлмасдан, бадиий санъат ҳисобланади. Девонлар ичида алоҳида мустақил шеър шакли сифатида келтирилган Т.ларни жанр сифатида талқин қилиш мумкин. Мустақил жанр сифатидаги Т.лар ҳажм жиҳатидан ҳам, мисраларнинг қофияланиши жиҳатидан ҳам қатъий бир қоидага эга эмас. Улар турли шеърий шакл – фард, рубоий, китъа ва тўртлик шаклида яратилиши мумкин.

Шарқ мумтоз ад-тида Т. жанрининг илк намуналари 11-асрларга бориб тақалади. Дастлабки Т. намуналари муайян ҳодиса ёки воқеа санаси содда усулда, яъни йилни оддий тарзда келтириш орқали, абжад ҳисоби қўлланмасдан яратилган. Бунда келтирилган ҳижрий йил ҳисоби “*моддаи таърих*” деб аталган. Кейинчалик ижодкорлар моддаи Т.ни абжад ҳисоби асосида беришни маъқул кўришган ва бундай Т. моддаси “*моддаи таърихи лафзий*” деб атала бошланган.

Т.лар мавзусига кўра кишилар таваллуди ёки вафотига, муайян бинонинг қурилишига, тахтга чиқиш, фатҳ ёки бирор воқеа-ҳодиса содир бўлган санага бағишлаб яратилиши мумкин.

Алишер Навоий ижодида Т. бадиий санъат сифатида ҳам, алоҳида шеърий жанр сифатида ҳам қўлланилган. Мае., “Хамса” таркибидаги достонлар, хусусан, “Хайрат ул-аброр” достони таркибида асарнинг ёзилиш санаси б-н боғлиқ

ўринда Т. бадиий санъат сифатида истифода этилган:

*Нуктаи таърихики, аҳсан эди,
Секизу секиз юзу сексан эди.*

Бунда “моддаи Т.” аниқ сана (888) б-н кўрсатилган бўлиб, “Хайрат ул-аброр” достонининг ёзилиш санаси ҳижрий 888, милодий 1488 й. эканлигини англатади.

Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” таркибига кирувчи 16 Т. алоҳида жанр бўлиб, улар қитъа, рубоий ва тўртликлар шаклида яратилган. Ушбу Т.лар, асосан, кишилар вафотига оид (мутаваффиёт) йўналишида бўлиб, Абдурахмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан Ардашер, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Султон Маҳмуд, Мавлоно Тўтғий каби шахсларнинг вафот санасига бағишланган. Масалан, Абдурахмон Жомий вафотига бағишланган таърихда “Худо биёмурзад” жумласи “моддаи Т.и лафзий” сифатида келтирилади:

*Сарви чамани ҳаёт Абдурахмон,
Кў рафт аз ин дайри фано сўи жинон.
Таърихи чунин воқеаи ғуссарасон,
Гар мехонӣ: “Худо биёмурзад” хон.*

(Мазмуни:

Ҳаёт чаманининг сарви – Абдурахмон, бу фоний дунёдан (руҳи) жаннатга кетди. Ғам-ғусса етказувчи шундай воқеаларнинг таъриhini ўқиганинда: “Худо биёмурзад” – деб ўқи).

Мазкур Т.даги “Худо биёмурзад” жумласидаги ҳарфлар абжад ҳисобига кўра белги-ланганда ҳижрий 989, милодий 1492 й. келиб чиқади. Ушбу Т. рубоий шаклида ёзилган.

Навоийнинг вафоти ҳақида ҳам кўп Т.лар битилган. Жумладан, Мир Мунший лақабли Мавлоно Сайид Раҳматулло Навоийнинг вафотига оид 62 та Т. топган.

ТАҚСИР (ар. – айбу қусур кўрсатиш) – касри нафс изҳорига асосланган бадиий санъат. Бу фахриянинг акси бўлиб, фахрияда шоир ўзининг истеъдод кучи, асарларининг бадиий юксаклиги ва халқ орасидаги шуҳратидан ифтихор қилиб, кўтаринки руҳдаги муболағадор мисралар битса, тақсирда камтарлик билан ўзини паст олади, ерга уради, илмсиз, уқувсиз, истеъдодсиз, хор, ҳақир, телба, девона, бечора қилиб кўрсатади. Ўзини ҳаммадан кам деб би-

лиш, ниҳоят даражадаги камтарлик, андиша, хоксорлик аслида Шарқ кишисига хос бўлиб, тақсир, касри нафс каби бадиий санъат ва услубий усуллар унинг адабиётдаги ифодасидир.

Навоий ижодида ҳам касри нафсининг олий намуналарини учратамиз. Хусусан, ҳамд ва наът ғазалларида бу ҳол буртиб кўринади.

*Навоий қайси тил бирла сенинг
ҳамдинг баён қилсун,*

*Тикан жаннат гули васфин
қилурда гунг эрур гўё.*

(“Бадоеъ ул бидоя”, 2-ғазал)

ТАҲАВВУР (ар.) – ахлоқий тушунча. Ҳаддан ташқари ўз кучига ишониб, ботирлик қилиш, ақл мезонларига мос келмайдиган шижоат. Ахлоқ илмида бундай ҳолат инсонийликдан Мосуво қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Т.га берилишни рад этганлар.

*Қаҳринг йўқ этар халқниким
турғали бўлмас,*

*Сарсар йўлида пашша гуруҳига таҳаввур.
(Фаройиб ус-сиғар, 132-ғазал)*

ТАҲАЙЮР (ар.) – ҳайратланиш, саргардонлик. Солиқнинг тавҳид денгизи ва ишқ водийсида саргардонлиги. Тафаккурнинг самараси Т.дир. Солиқнинг аҳадият уммонига шўнгиб, илоҳий жамол ва жалолга маъв бўлиши. Вужуд дарёсида ҳар нимагаки назар солса, Унинг Қудрати нуридан мунаввар эканлигини мушоҳада этиш ва ақлнинг бунинг моҳиятини англашга ожиз қолиши (яна қар: *Ҳайрат*):

*Эй зотинга ҳар неча қилиб
ақл тафаккур,*

*Ул фикрга бўлмай самаре
ғайри таҳайюр.*

(Фаройиб ус-сиғар, 132-ғазал)

ТАҲАТТУК (ар.) – ҳаёсизлик, расвогарчилик, бировни таҳқирлаш.

*Ва лекин шори мадоро бўлуб,
Таҳаттук йўқ андоқки Доро бўлуб
(“Садди Искандарий”)*

ТАҲЗИР (ар.) – қўрқитмоқ, огоҳлантирмоқ; “Махлуқ мулозаматидин танфиру ғайри Ҳақ мулозаматидин таҳзир”

(Фаройиб ус-сиғар, 9-қитъанинг сарлавҳаси)

ТЕВРАМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ тўртинчиси. Мазкур феъл *санчмоқ, қадамоқ ботмоқ, тешмоқ* каби маъноларни ифодалаган.

*Тилиб бағримни ишқинг
тийғи ҳажринг гунаға тевраб,
Ғамим базми учун кўнглум
ўти ичра кабоб айлар.*

(Ҳазойин ул-маоний, IIа-176)

Бу сўз қадимги туркий тилда *ҳаракат қил, қимирла* маъносини аниқлаган *тебра* феълнинг 14–15- асрларда фонетик ўзгаришга учраган (б ундошининг в ундошига ўтган) шакли бўлиши керак. Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган *тебра* феъли асли *теб* тақлид сўзининг *-(и)р* қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан *-а* қўшимчаси б-н ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: *теб + ир / тебир // тебир + а / тебира // тебра*.

ТЕМУРЧИ АТО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Қўли б-н темирга шакл бериш қаромати соҳиби бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ТЕРГАМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ учинчиси. *Текширмоқ, назорат қилмоқ; ўз эркига қўймай, ҳар қадамини, юриш-туришини назоратга олмоқ, кузатмоқ, суриштирмоқ; тергамоқ, бирор ишни қилишга монғлик қилмоқ* мазмунидаги бу сўз Навоий асарларида айнан шундай маъноларда қўлланган.

*Халойиқ ҳар не қилса тергамак йўқ,
Не қилганни ёмон қилдинг демак йўқ.
(“Фарҳод ва Ширин”)*

ТЕРМИЗИЙ, ал-Ҳақим Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир (тахм. 750/760 – Термиз – тахм. 869) – “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тасаввуф шайхи. Ҳақимия тариқатининг асосчиси. Қуныя – Абу Абдуллоҳ. Ёшлиқ йилларида ўз юртида таниқли олимлардан таълим олган. Абу Бакр Варроқ Термизийнинг гувоҳлик беришича, Хизр (а.)нинг суҳбатдоши бўлган.

Т. қаламига 400 дан ортиқ асар мансуб, улардан 60 га яқини бизгача етиб келган. Т.нинг бизгача етиб келган муҳим асарларидан бири “Хатм ул-авлиё” бўлиб, унда Т.нинг валийлик ҳақидаги қарашлари кенг баён қилинади. Валийликнинг ҳаққонийлиги, унинг нубувват (пайғамбарлик) б-н боғлиқ бўлган жиҳатлари асарнинг бош мавзуси ҳисобланади. Асар муқаддима ва 29 фаслдан иборат бўлиб, унда кўтарилган масалалар мурид ва шайх ўртасидаги савол-жавоб тарзида баён қилинади. Асарда илк марта валийликнинг моҳияти, валийларнинг даражаси, табақаланиши ҳақида Қуръон, ҳадис ҳамда тасаввуфнинг муътабар манбаларига суянган ҳолда тизимли тарзда фикр юритилган. «Хатм ул-авлиё» баъзи фақиҳ ва ҳукмдорларнинг кескин эътирозига ҳам сабаб бўлиб, оқибатда Т. она шаҳри Термиздан чиқиб кетиб, бир қанча муддат Балхда яшашга мажбур бўлган.

Т. юз йилдан ортиқ умр кўриб, ўз она юртида дафн этилган. Унинг мақбараси асрлар давомида эътиқодли кишиларнинг табаррук зиёратгоҳига айланган. “Насойим ул-муҳаббат”да берилишича, Т. Абу Туроб Нахшабий, Аҳмад Хизравайх, Ибн Жалло каби шайхлар б-н суҳбатдош бўлган. Ҳадис илмида ўз замонасининг мумтозларидан ҳисобланган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам увайсийлик тариқасида унинг руҳидан кўп тарбиятлар кўрган. Унс, исор, зотий ва феълий сифатлар ўртасидаги тафовут ҳақидаги фикрлари кўп тасавуфий манбаларда келтирилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да “Нафаҳот ул-унс”даги ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан келтиради.

ТЕРМИЗИЙ, Абубақр Варроқ Муҳаммад бин Умар Ҳаким Термизий – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасавуф шайхи. Буюк муҳаддис Имом Абу Исо Термизийнинг тоғаси. Аҳмад Хизравайх ва Абулқосим Ҳаким Самарқандий б-н ҳам-суҳбат бўлган. *Бақр Сугдий, Солиҳ бин Мактум, Ҳошим Сугдий, Хожа Муҳаммад Ҳамидларнинг* устози. Инжил, Таврот ва Забурни ҳам мукамал билган. Шеърий девони ҳам бор. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ТИЛМИЗАИ САРИЙ САҚАТИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Исми номаълум. Сарий Сақатийнинг шогирди. Сарий Сақатий ва Жунайд Бардодий каромат соҳиби эканлигини эътироф этишган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ТИРОЗ, ТАРОЗ – Тяньшан тоғ тизмасининг шимол томонидаги ҳамда шу ном б-н машҳур бўлган қадимий шаҳар. Шимолий Қирғизистонда, Талас дарёси бўйида, ҳоз. Талас ш.и яқинида жойлашган. Буюк Ипак йўлидаги асосий савдо марказларидан ҳисобланган. Мумтоз ад-тда гўзал аёллари б-н шўҳрат топган ш. сифатида қаламга олинган.

Кофургун либос аро ул сарвиноз экинму?

Ё шони ҳажр дафъига

шамъи Тироз экинму?

(Наводир уш-шабоб, 512-ғазал)

ТОВУС – қуш номи. Мумтоз ад-тда маъшуканинг гўзаллиги ва қадам ташлаш рамзи (товус хироми) сифатида талқин қилинган.

Найлаб ул товус пайкарни

тилай кулбамғаким,

Чугз қунмас, дам-бадам

емрулгудек вайрона деб.

(“Бадоеъ ул-васат”)

“Лисон ут-тайр”да Т. зебу зийнатга бино қўйган киши ёки ўз илми ва амали б-н кибрланиш рамзи сифатида тасвирланади.

Сунгра Товус этти узрин ибтидо,

Деди: – “К-эй, сен барчамизга муқтадо.

Мен қушемен қасру гулшан зийнати,

Нақшу рангим аҳли олам хайрати.

(“Лисон ут-тайр”)

ТОВУҚ – “Лисон ут-тайр”даги қуш образи. Султонмурод Олим “Навоий ва Нақшбанд” рисоласида бу образнинг қуйидагича талқинини ҳавола қилади: “Ризқ топишда Товуқ бошқа қушлардан қолишмайди. Фойда келтириш жиҳатидан Товуқ кўп қушлардан устун. Меҳнаткаш, йўқ жойдан йўндириб, ризқ топади. Тер тўкиб, дон излайди”.

Достонда Т. шахвоний хирс тимсоли сифатида гавдалантирилган. Шунинг учун

муаллиф унинг бу хусусиятига эркакка хос
фазилат эмас деб, қаттиқ танбеҳ беради.

*Товуғ этти бўйла узрин ошкор:
“К-эй туюр ичра раиси тождор.*

*Виз иковга тож рўзи қилди ҳақ,
Лек ҳар бирга бир иш қилди насақ,
 (“Лисон ут-тайр”)*

ТОЖ — шоҳларнинг бош кийими,
ҳукмдорлик ва улугликни намоён этувчи
кулоҳ. Тас. аҳлининг ўн икки чокли кулоҳи
ҳам Т.га ўхшатилади. Бундай Т.ни кийган
одам бахиллик, адоват, ғазаб, кек сақлаш,
худбинлик, бировдан иллат қидириш, та-
каббурлик, шаҳватпарастлик, золимлик,
баднафслик, роҳат-фароғатга муккасидан
кетиш, мунофиқлик каби 12 та ёмон хис-
латдан покланган, шуларнинг муқобили
бўлган саховат, кечиримлик, ҳалимлик,
гина сақламаслик, фидойилик, бировларга
нисбатан яхши гумонда бўлиш, хоксорлик,
покдомонлик, раҳмдиллик, тақво, риёзат,
тўғрилиқ каби 12та гўзал хислат б-н зий-
натланиши лозим бўлган. Навоий “Фарҳод
ва Ширин” достонида устози Жомийнинг
бошидаги кулоҳни ана шундай сифатлар-
нинг таъзоҳури сифатида таърифлаган:

*Бошиким тарк тожидин баруманд,
Бўлуб тожиға гардун тугмамонанд.*

ТОЖИДДИН АҲМАД ШИЖАНИЙ —
“Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган
тас. шайх, Навоийнинг замондоши. Бохарз
яқинидаги Шижан қишлоғида туғилган.
Дастлаб Зайниддин Хавофий силсиласида,
Саъдиддин Кошғарий б-н учрашганидан
сўнг зикри жаҳрийга нисбатан зикри ха-
фийни муносиб кўриб, нақшбандийлик та-
риқатига кирган. Ўз даврининг кўп шайх-
лари сўхбатидан баҳраманд бўлган. Бохар-
да дафн этилган. “Насойим ул-муҳаббат”га
ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томо-
нидан қўшилган.

ТОЖИДДИН ЯЗДИЙ (15-аср) — тему-
рийлар давридаги тарихчи олим. “Жомий
ут-тавориҳи Ҳасаний” асарининг муалли-
фи. Унинг асарида Одам Атодан то 1451
й.гача бўлган воқеалар қамраб олинган.
Т.Я. дастлаб Бойсунгур Мирзо саройида

хизмат қилиб, унинг ҳомийлигида тари-
хий асар ёзишга киришади. Муаллиф кито-
би сўнгида қайд қилганидек, ҳижрий 855
й.дан ёзила бошланган ушбу тарихий асар
ҳижрий 858 й. (1454 м.)да Султон Абулқо-
сим Бобур даврида тугалланган. Т.Я.нинг
бу асари темурийлар даври тарихини ўрга-
нишда муҳим манба ҳисобланади.

ТОҶИКЛАР — Марказий Осиёдаги қа-
димий ўтроқ халқлардан бири. Т.нинг эт-
ник жиҳатдан шаклланишида Марказий
Осиёда яшовчи сугдийлар, бақтрияликлар,
тохарлар, кўчманчи сак ва скифлар каби
этник гуруҳ ва қабилалар катта таъсир
кўрсатган. 9–10-асрларда Т. халқ сифати-
да шаклланиб, форс-тожик адабий тили-
нинг меъёр ва мезонлари ишлаб чиқилди.
Бухорода форс-тожик тилида яратилган
илк илмий, диний-фалсафий ва адабий-ба-
дий асарлар кейинчалик бу тилнинг аср-
лар давомида Марказий Осиёдаги халқлар
учун илм-фан ва адабиёт тили бўлишига
замин яратди. Т.ва ўзбек халқларининг
яшаш шароити, урф-одағлари, дунёқара-
ши ва тафаккур тарзи бир-бирига жуда
яқин. Айниқса, икки буюк зот — Абду-
рахмон Жомий б-н Алишер Навоийнинг
дўстлиги ва ҳамкорлиги Т. ҳамда ўзбек
адабий ва маданий алоқалари тарихида-
ги ёрқин саҳифадир. Навоий форс-тожик
тилида ижод қилган Низомий Ганжавий,
Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий,
Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомийни
ижод бобида ўзига устоз деб билиб, улар
яратган гўзал адабий аънаналарни ижодий
ўзлаштирган ҳолда туркий адабиётга жо-
рий этган. Хуросонда, хусусан Ҳирот ада-
бий муҳитида яшаб, ижод қилган мингга
яқин тожикзабон олим ва ижодкорлар бе-
восита Навоийнинг ҳиммати ва мурувва-
тидан баҳраманд бўлганлар. Эллик минг
байтдан ортиқроқ шеърларни хотирасида
сақлаган Навоийнинг ўзи ҳам бу тилда
баракали ижод қилиб, лирик асарлардан
иборат “Девони Фоний” ҳамда муаммо ил-
мига бағишланган “Муфрадот” асарини ёз-
ган. Навоий — Фоний томонидан илк марта
қўлланилган “нигори турку тожик” тимсо-
ли форс-тожик бадий тафаккури хазина-
сида энг ноёб топилмалардан ҳисобланади.

*Нигори турку тожикам кунад
сад хона вайрона,
Бад-он мижгони тожиконаву
чашмони туркона.
("Девони Фоний", 495-ғазал)*

ТОЙОВОДИЙ. Шайх Зайниддин Абу-бакр (ваф. 1437 й., Тойобод) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Амир Темурнинг пирларидан бири. Дунёвий билимларни Шайх Низомиддин Хиравийдан ўрганган. Аҳмади Жомийнинг увайсий муриди ҳисобланган. Бобо Маҳмуд Тусий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо суҳбатига мушарраф бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ТОЛЕЪИЙ I (15-аср) – форсигўй шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий Т.ни Бойсунгур Мирзонинг модиҳи, таъби қизиқчиликка мойиллигини айтади ва Али ибн Мусо ар-Ризо мадҳида ёзган қасидасидан матлаъ келтиради:

*Хишти ин меҳри зарандуде ки,
бар сақфи самост,
Баҳри фарши равзаи*

Султон Али Мусо Ризост

(Мазмуни: Осмон шифтидаги бу олтинсувоқ қуёшнинг гишти Султон Али Мусо Ризо макбарасига тўшама (ётқизиш) учундир).

ТОЛЕЪИЙ II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг камардўзлик (белбоғ тикиш) б-н шуғулланиши ҳақида маълумот бериб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

*Ёрам зи ғамза тиру
зи абру камон кашид.*

Аз рўи хуб ҳар чи расад метавон кашид.

(Мазмуни: Ёрим ноз-карашмаси б-н ўқ, қоши б-н камон торти, гўзал чехрасида неки бўлса торта берди.)

ТОЛИБ – изланувчи, талабгор, талаб йулига қадам қўйган киши. Т. асосан уч тоифага бўлинади: дунё Т.и (омма), охират Т.и

(зоҳидлар ва обидлар) ва Ҳақ Т.и (суфийлар). Т.нинг интилиши мақсадига қараб шаклланади. Зотан, кишининг илм-ҳунар ўрганиши, саъй-ҳаракати ва ишларининг оқибати ҳам ниятига қараб баҳоланади. Навоий ўз асарларида Ҳақ Т.лари маслагини турли ранг ва оҳангда ифодалаган:

*Толиби содиқ топилмас,
йўқса ким қўйди қадам
Йўлгаким, аввалқадам
маъшуқа ўтру келмади.
("Бадоеъ ул-васат", 608-ғазал)*

ТОЛИБ ЖОЖАРМИЙ (14–15-асрлар) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида зикр этилган. Навоий унинг Шерозда ўсиб улғайгани, қабри Ҳофиз Шерозийнинг оёқ томонида экани, қабри устига ўзи битган рубоий ёзилгани ва бу рубоийни ёд олганлигини айтади:

*Дар кучаи ошики ба паймони дуруст,
Меғуфт ба ман аҳли диле рўзи нахуст,
Толиб маталаб кесе ки*

ў ғайри ту жуст,

Ту толиби ў бошки, ў толиби тушт.

(Мазмуни: Ошиқлик кўчасида аҳди-паймони мустаҳкам бўлган бир аҳли дил (дилбар, дилдор) менга айтган эди: Сендан бошқани қидирган кишини талабгорликка ундама, сен шундай кишига талабгор бўлгилки, у ҳам сенга талабгор бўлсин).

ТОМОТ – тасаввуфга оид тушунча. Т.нинг луғавий маъноси аниқ эмас. “Бурҳони қотеъ”, “Ғиёс ул-луғот”, “Фарҳанги Онандроҷ”да Т. сафсата, асоссиа даъво, беҳуда сўз маъносида шарҳланган. “Фарҳанги Рашидий” муаллифи Т.га арабча “томма” (мусибат, бало, қиёмат)нинг ўзгартирилган шакли деб изоҳ берган. Тас.да Т. дейилганда айрим суфийларнинг важд ва ҳол чоғида нотўғри иддао қилиши, тариқатдаги мақомидан гурурданиши, оммага ўзини билдириш учун тўқима ҳадис ва ҳикоятлар айтиши тушунилади.

“Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Аҳмад Наср умрида бир марта Т.га йўл бергани учун авлиёлар Маккадан қувгани, тавбасига бир йил Румда чўчка боқиб, кечалари тонггача намоз ўқигани ҳақида маълумот берилган.

*Зухд ила жонимга еттим,
эй кўнгул, гар дайр аро
Бартараф қилмоқ тиларсен
тавбаю томот, кел.
(Фавоид ул-кибар, 390-ғазал)*

ТОМШИМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтмиш тўққизинчиси. Навоийнинг таъкидлашича, форсий тилда ифодалаш мумкин бўлмаган томшимоқ феъли туркий тилда *маза, таъм билмоқ; тамшанмоқ* каби маъно нозикликларини ифодалайди.

*“...ва томшимоқки, ғоят завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу ғариб маъни адосида туркчада бу матлаъ бордурки Соқай чу ичиб, манга тутар қуш: Томший-томший ани қилай нўш.”
(“Муҳокамат ул-луғатайн”)*

ТОНГ ҚУШИ – Навоий лирикасидаги образлардан бири. Тонг тезда отиши ва ўрнини бир зумда куннинг бошқа қисми – чошғоғга бўшатиб бериши сабабли қушга қиёсланган.

*Тонг қуши чун берди паёми сабух,
Нўш тайин бир-икки жоми сабух.
(“Ҳайрат ул-аброр”)*

ТОРИҚМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн учинчиси. Ушбу феъл Навоий асарларида *зерикмоқ, сиқилмоқ* сингари маъноларда қўлланган, лекин баъзи манбаларда бу феълнинг *ўлмоқ, жони узилмоқ* маъноларини ифодалаш ҳам таъкидланган.

*Навоий этса фиғон,
хублар, торикмангким,
Не қолғусидир ўзи,
не фиғони зори анинг.*

ТОРОЖ – 1) таламоқ, талаб кетмоқ;

“Ва душманлар Сакина тобутидин неча пайғамбарзода ва маликзода била торож ва асир элттилар”.

(Тарихи анбиё ва ҳукамо)

2) зоҳир ва ботин оламида ошиқнинг ихтиёри ўзидан кетиши, маъшуқа ишқи ва иродатига буткул таслим бўлиши:

*Не қилсанг эмди қил
кўнглумгаким, торожи ишқингдин
Шижебу илму ақлу
зуҳду тақводин фароғ ўлмиш.
(“Наводир ун-ниҳоя”, 324-ғазал)*

ТОҲИР АБҲАРИЙ, Абубакр Абдуллоҳ бин Тоҳир бин Ҳорис Тоий (ваф. 944) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шиблий Вағдодий, Юсуф бин Ҳусайн Розий, Музаффар Кирмоншоҳий, Муҳаллаб бин Аҳмад бин Марзуқ, Абубакр Фарроъ, Абулҳусайн Насрободий, Абулаббос Бардаъий суҳбатига мушарраф бўлган. Суҳбат орқали тарбия бериш, илм ва тақводда беназир шайхлардан саналади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ТОҲИР МАҚДИСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Улуг Шом машойихларидан. Зуннун Мисрий, Жунайд Вағдодий, Шиблий, Яҳё Жалло, Али бин Бундор Сўфий Сайрафий, Абулҳасан Сўфий Фушанжий ва Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий суҳбатидан бахраманд булган. Шиблий ва Жунайд уни “Ҳибр уш-Шом” (Шомнинг аллома-си) деб улуғлаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ТУБИ, Тубо (ар.) – жаннатдаги дарахт номи. Шайх Шаҳобиддин Сухравардийнинг айтишича, Т. бутун жаннатга соя соладиган азим бир дарахт бўлиб, унда дунёдаги жамийки дарахтлар меваси ва ўсимликлар намунаси мавжуддир. Симуру Т. дарахтида ин қуради, ҳар тонгда қанот ёзганда унинг қаноти сояси баракотидан дарахтлар мева тугади. Ибн Аббос Т.нинг битта шохи соясидан чиқиш учун бир олик етмиш йил кечаю кундуз юриши керак бўлади, дейди. Т.нинг илдизи Ризвон жаннатида бўлиб, Тасним булоғидан сув ичади, деган қарашлар ҳам бор. Айнулқуззот Ҳамадонийнинг айтишича, Т., Сидрат ул-мунтаҳо ва Зайтуна дарахларининг асли битта бўлиб, турли номлар б-н

Мухоммад Муҳоммад аз-Замизда Т. ёрнинг гў-
шанининг фикрича, тас.
... вақт фарогати

*Назаян қаддинг тириклик
гулшанининг нахлидур,
Сарву туби сендек улмоқнинг
не имкон қомати?
("Бадоеъ ул-васат", 640-ғазал)*

ТУЗМАҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” аса­рида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсонинчиси. *Чидамок, сабр қилмоқ* маъносини ифодаловчи мазкур шаклдош феъл Навоий асарларида турли хил маъно нозикликларини ифодалашга хизмат қилган. Ушбу сўзнинг беш хил қўлланиш ўрни мавжуд:

1) тузатмоқ, тўғриламоқ:
*Сен уз хулқунгни тузгил бўлма
эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди
ҳаргиз бўлмади фарзанд.
("Фаройиб ус-сиғар", 115-ғазал)*

2) бино қилмоқ, яратмоқ:
*Тузмагай эрди қазо бу
жисми вайронимни кош,
Чунки тузди, солмагай эрди
анга жонимни кош.
("Фаройиб ус-сиғар", 268-ғазал)*

3) идора қилмоқ, бошқармоқ, тартибга солмоқ:
*Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мул-
кин адл ва дод била тузди.
("Тарихи мулуки Ажам")*

4) чизмоқ:
*Доирани жуз бу сифат тузмайин,
Силсилани бир-биридин узмайин.
("Ҳайрат ул-аброр", 2-боб)*

5) ёрдамчи феъл вазифасида:
базм туз – мажлис, базм қурмоқ:
*Ҳар қачон ул қилиб нишотқа азм,
Тузса гулфом қасри сахнида базм.
("Сабъаи сайёр", 23-боб)*

наво туз – куй созламоқ, чалмоқ:
*Эй муғанний, бир навои
дилқушо тузгилки, чанг
Риштаи нағманга боғлабтур
саросар кўнглини.
("Фавойид ул-кибар", 610-ғазал)*

ТУР, Тури Сино – Байт ул-муқаддас яқинидаги тоғ номи. Диний манбаларга қўра, Мусо (а.) шу тоғ устида Аллоҳ б-н сўзлашган ва Аллоҳнинг тажаллийсини кўрган. Т. сўзи Қуръони қаримда икки жойда – “Тур” сурасининг 1-оят­и ва “Тийн” сурасининг 2-оят­ида келтирилган. Ҳадисга қўра, Т.тоғи дунёдаги тоғлар ичида энг муқаддаси ҳисобланади.

*Ишқ эти Тури тажаллийға
чу солди партав,
Хаски мул бўлди,
бурунрок йўқ эди ғайри хирад.
("Фавойид ул-кибар", 121-ғазал)*

ТУРКИСТОН – Марказий Осиёнинг урта аср тарихий-географик адабиётларда учрайдиган номи. Бу атама дастлаб араб тарихчилари ва географлари асарларида учраб (8-10-асрлар), Мовароуннаҳр ва Турон номларидан фарқли равишда нафақат географик, балки этно-географик тушунчани англатган. Шу ном б-н қоз. Жанубий Қозогистон вилоятида шаҳар ҳам мавжуд бўлиб, гузал кизлари б-н шухрат топган. “Пири Т.” деганда, Хожа Аҳмад Яссавий назарда тутилган.

*... Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон мул-
кининг шайх ул-машойихидур
("Насойим ул-муҳаббат", 611-фасл)*

ТУРКТОЗ – от қўйиб, тўсатдан ҳужум қилиб талон-торож қилиш усули. Ушбу ҳарбий тактик усулни, асосан, туркий халқлар ҳарбий ҳаракатлар чоғида қўллаган. Т.дан асосий мақсад ганим қалбига гулгула солиш, шаҳар, қишлоқларга қўққисдан ҳамла қилиш, душман кучларини пароканда қилиш, асир олиш, турли шаклдаги ўлжани қўлга киритиш ва ҳ.к. ҳисобланган. Т. аксарият ҳолларда энгил қуролланган, миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган суворий гуруҳлар томонидан амалга оширилган.

Навоий шеър­иятида бу ҳарбий атама баддий образ даражасига кўтарилган бўлиб, ишқ ҳужумидан ошиқ кунглининг хароб бўлиши, Ёрнинг ошиққа шафқатсизларча муносабатини янада ёрқинроқ ва жонлироқ тасвирлаш учун қўлланилган. Ирфоний маънода ишқ истилосидан мажзуб ошиқ-

нинг башарий ва нафсоний хислатлардан буткул озод бўлиб, кўнгил вайронасидан илоҳий маърифат хазинасини топиш жараёни тушунилган.

Гар Навоий кўнгли мулки

бўлса вайрон, айб эмас.

Турктози ишқ ул

кишварни яғмо айламиш.

(“Фавоийд ул-кибар”, 243-ғазал)

ТУРМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида алоҳида таъкидланган юзта феълнинг олтмиш саккизинчиси. Мазкур феъл “Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”да қуйидагича изоҳланган:

1) тухтамок:

Эй Навоий, гўйиё келгусидур ёрким,

Утрусига кўз ёшинг турмай

бўлди равон.

(“Наводир уш-шабоб”, 444-ғазал)

2) бир ерда сокин бўлмоқ, истиқомат қилмоқ:

Оғзи ҳаёли ўйлаки йўқлуғ сори чекар,

Турмоқ бўлурму кимсага

мулки адамгача.

(“Бадоеъ ул-васат”, 570-ғазал)

3) бор, мавжуд:

Бордурур меҳроб турғач бутқа

қилгандек сужуд,

Сажда қилсам қиблага

то қошларинг қоршуда бор.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 197-ғазал)

4) тик турмоқ:

Дарду ғам турмиш ясовулдек

кўнгул чоки аро.

Кўймамоққа, келса ҳушу

сабр хайли ичкари.

(“Бадоеъ ул-васат”, 597-ғазал)

Аммо бошқа манбаларда бу сўзнинг қатқат қилмоқ, қатламоқ, ўрамоқ каби маъноларни ҳам англатиши айтилган.

ТУРУҒБАДИЙ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Муҳаммад бин Ҳусайн (ваф. 961) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Машҳад яқинидаги Турғубад қишлоғида туғилган. Абу Усмон Ҳирий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан

ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан кiritган.

ТУРШЕЗ, Туршиз – Хуросондаги шаҳар номи. Маркази – Султония. Шарқдан Машҳад, жанубдан Турбати Ҳайдария, шимолдан Табас, ғарбдан Сабзавор шаҳри б-н чегарадош. Тарихий манбаларга кўра, Гуштосп Зардушт б-н биринчи марта шу шаҳарда мулоқот қилган, Зардушт жаннатдан келтирган Сарви Кишмар дарахтини шу шаҳар дарвозаси олдида эккан. Т. ўрта асрларда ҳам маданий марказлардан бири бўлган.

ТУС – 1) Хуросон минтақасининг шимолий шаркида жойлашган қадимий шаҳар. Мил. ав. 4-асрда Форс империясининг марказий шаҳарларидан бўлган. Эроншаҳрийнинг фикрига кўра, Т.га Эрон подшоҳи Навзарнинг ўғли паҳлавон Тус асос солган. Т. икки марта – Македониялик Искандар (мил.ав. 330-й.) ва мўғуллар (1220-й.) томонидан вайрон этилган бўлиб, кўп ўтмай яна ўз ўрнида қайта тикланган. 15-асрга келиб, Т. аста-секин ўз мавқеини йўқота борган. Натижада Т.дан 20 км. узоқликда жойлашган Машҳад шаҳри минтақанинг иқтисодий ва стратегик марказига айланган. Т. шаҳридан Абулқосим Фирдавсий, Хожа Насириддин Тусий, имом Ғаззолий каби дунёга машҳур шоир ва олимлар етишиб чиққан.

Навоий китъаларидан бирида Т. шаҳридаги валиюллоҳлар мазорини зиёрат қилгани, бу мазорлар гарчи вайронага айланган бўлса ҳам, хароба остидаги хазина эканини қуйидагича баён этган:

Авлиёуллаҳ мазори Тус вайрони аро

Кўптурур, йўқ бок агар тавфида

кўрса кимса ранж,

Мунчаким вайрона кездим

ганж бир ҳам йўқ эди,

Буйла вайрон ким кўруптур анда

мадфун мунча ганж

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 46-қитъа)

2) Каёнйлар давридаги эронлик паҳлавон. Подшоҳ Навзарнинг ўғли. Эроншаҳрий Т. узоқ йиллар Эрон лашкарига бош бўлганлиги ҳақида маълумот беради. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да келтирилиши-

ча, Сиёвушнинг қасосини олиш учун қилган юришида Кайхусрав аввал Т.ни ўзига лашкарбоши этиб тайинлайди. Т.нинг айби б-н Кайхусравнинг ўғай акаси Фуруд ҳалок бўлади. Кайхусрав Т.га ғазаб қилиб, уни лавозимидан бўшатади. Т.нинг кейинги тақдири маълум эмас.

ТУСИЙ (14–15-асрлар) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий унга “масалғуй ва газалғуй” деб таъриф беради, шеъри у қадар етук эмаслигини айтади. Т. узоқ умр кўрган – юз ёшга кирган. Ироқда вафот этган. “Мажолис ун-нафоис”да унинг икки матлаъси келтирилган бўлиб, бири қуйидагичадир:

Зиҳи нўши лаби лаълат

ҳаёти жовидони ман,

Ба дандон мегази лабро

чи мехоҳи зи жони ман.

(Мазмуни: Эвоҳ! Лаъл лабингнинг ширинлиги менинг абадий ҳаётимдир, бу лабни тишлаб, менинг жонимдан нима истайсан?)

ТУШАЛМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик еттинчиси. *Солинмоқ, ёзилмоқ* маъносини англатувчи, аксарият ҳолларда *тушмоқ* шаклида қўлланувчи феълнинг мажҳул нисбатдаги шакли. Қад. туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли туш сўзидан – а қўшимчаси б-н ясалган дейилади, лекин *туш* сўзи қандай маънони англатгани аниқ айтилмайди. Бу сўз *ёйиқ* каби маънони англатган сифат бўлса керак. Бу сўз *тушмоқ, йиқилмоқ* каби кўчма маъноларда ҳам қўлланган.

Ва вужуди роҳравлар аёғига тушалур.

(“Маҳбуб ул-қулуб”)

ТУЮҚ (турк. – туймоқ, ҳис қилмоқ) – тўрт мисрадан иборат мустақил шеър шакли. Асосан туркий халқлар шеърлятида қўлланилган. Т. кўн ҳолларда *рубойи* сингари қофияланади, лекин баъзан б-а, в-а тарзида ҳам қофияланиши мумкин. Рубойидан фаркли ўларок Т.да қофиянинг ўрнида асосан *тажнис* (шаклдош сўзлар) қўллани-

лади. Т. ўзига хос махсус вазнда – рамали мусаддаси маҳзурф ёки мақсур (руқнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун ёки фоилон, - V- -/ - V - - / - V - ёки - V -*) вазнда ёзилади.

Т.нинг вужудга келиши халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Форс-тожик шеърлятида *тажнис* ва *ийҳом* санъати истифода этилган бўлса-да, лекин Т. алоҳида жанр сифатида шаклланмаган, шу сабабли ушбу жанр ҳақида форс-тожик ад-тшунослигида маълумот учрамайди.

Туркий ад-тшуносликда Т. ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога” асари (1436/37)да келтирилган. Муаллиф Т.ни *рубойининг* бир тури сифатида санаб ўтади: “*Ва рубойининг бир навъи тақи бўлур. Они мужаннас дерлар. Анингтеқ бўлурким, рубойининг қофиясинда тажнис риоят қилурлар... Ва бу турк шоирларининг ихтироидур. Муни турклар туюқ дерлар*”.

Туркий ад-тдаги дастлабки Т. Лутфий девонида учрайди, лекин Н.Маллаевнинг ёзишича, Т.нинг илк намуналари Бурҳониддин Сивосий томонидан яратилган.

Ад-тшуносликда Т.нинг қуйидаги турлари фарқланади:

- 1) уч мисраси тажнисли қофияланган Т.
- 2) тўрт мисраси тажнисли қофияланган Т.
- 3) икки мисраси тажнисли қофияланган Т.
- 4) радифи тажнис бўлган Т.
- 5) тажниссиз Т.

Туркий ад-тда Т.нинг кўпроқ биринчи тури кенг тарқалган.

Алишер Навоий ижодида Т. жанри алоҳида ўринга эга. Навоий “Мезон ул-авзон” асарида ушбу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: “...*Вириси “туюғ” дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, мундоқким (туюғ):*

Ё раб, ул шахду шакар ё лабмудур?

Ё магар шахду шакар ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон

Жонима пайваста новак отқоли.

Ғамза ўған қошига ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон”

Бу ўринда Алишер Навоий Т.нинг уч жиҳатига: икки байтли бўлиши, тажнисга асосланиши ва махсус вазнда – рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф)да ёзилишига диққат қараташти.

Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” кулиётида жами 13 туюқ мавжуд бўлиб, 11 таси *аа ба*, 2 таси *ба ва* тарзида қофияланган ва барчасида тажнисга риоя қилинган. Мас.:

*Тиғи ишқинг ёрасидур бутмаган,
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган.
Ҳажр сахросидур оҳим ўтидин,
Анда гул ёҳуд гиёҳе бутмаган.*

(*Бадоеъ ул-васат*, 8-туюқ)

Ушбу туюқда тажнисли қофия орқали қуйидаги маънолар ифодаланмоқда:

Биринчи мисрада “Ишқинг тийғидан пайдо бўлган яра ҳали битмаган”, иккинчи мисрада “бу дардни ҳар кимга айтиб тугатиб бўлмаган”, тўртинчи мисрада “у ерда бирор гиёҳ ёки гул униб-ўсмаган”.

Алишер Навоийнинг барча Т.лари “Бадоеъ ул-васат” девонига киритилган.

ТУҒРО – 1) ўрта асрларда ҳукмдорнинг исми ва лақабининг бош ҳарфидан таркиб топган гулҳат. Т. асосан расмий ёзишмалар ва фармонлар тепасида нақшланганлиги сабабли, мажозда шоҳ фармони маъносига ҳам тушунилади:

*Шоҳ бўлди ишқ ичинда
соҳибасорим менинг,
Ишқ маншурида туғродур
бу шаҳқорим менинг
("Ғаройиб ус-сиғар", 345-ғазал)*

*"Яна улким, бир нишонингизни келтурдилар,
туғросида Мирзо отини битмай-дурсиз"*

(*"Муншаот"*, 56-мақтуб)

ТУҲФА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Сарий Сақатийнинг замондоши. Қўшиқчи канизак бўлган. Жазба этиб, ишқ жунунига мубтало бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

“ТУҲФАТ УЛ-АФКОР” (“Фикрлар туҳфаси”) – “Ситтаи зарурия” қасидалар туркумига кирувчи учинчи қасида. Ҳаж-

ман 99 байтдан иборат. Мазмунига кўра фалсафий қасида ҳисобланади. Шоирнинг “Ситтаи зарурия” дебوحасидаги ишоралари ва қасида матнидаги таърихдан маъқур қасиданинг барча қасидалардан олдин, яъни 1476 й.да ёзилганлиги маълум бўлади. Қасиданинг яратилиш тарихи ҳақида “*Ҳамсат ул-мутаҳаййирин*”да батафсил маълумот келтирилган (қар.: “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”). “Т.” *Хусрав Дехлавийнинг* “Дарёи аброр” ва *Абдурахмон Жомийнинг* “Лужжат ул-асрор” қасидаларига жавобан ёзилган бўлиб, дарвешликнинг олий рутбаси – фақр тавсифига бағишланган. Бунда фақр мақоми комилликнинг олий намунаси сифатида мансабдор шахслар, хусусан шоҳлар ахлоқига қарама-қарши қўйилади. Қасида қуйидаги байт б-н бошланади:

*Оташин лағле, ки тожи
хусравонро зевар аст,
Аҳгаре баҳри хаёли хом
пухтан дар сар аст.*

(Мазмуни: Подшоҳлар тожидаги кипкизил лаъл – бошда хом хаёл пиширувчи (етилтирувчи) бир чўғдир). Қасида икки катта бўлимни ўз ичига олади, бу бўлимларни шартли равишда яна бир неча кичик қисмларга ажратиш мумкин. Дастлабки кичик қисмда шоҳлар ва салтанатга таъриф берилиб, шоирнинг уларга нисбатан салбий муносабати акс эттирилган (1-5-байтлар). Бу фақат шоҳу султонларнинг адолатсизликлари, халққа халқу ситам етказишларини акс эттириш эмас, балки масалага сўфиёна ёндашув ҳам эди. Навоийнинг фикрича, шоҳликнинг ўзи шоҳни занжирбанд этади, зеро, салтанат дабдабани, зеб-зийнатни, олтин-кумуш тўплашни талаб қилади. Бусиз шоҳликнинг қиймати йўқ. Иккинчи томондан, дабдаба ва бойлик – ўткинчи, фоний. Сўфий эса фоний дунёнинг эмас, балки боқий оламнинг ошиғи. Кейинги қисмда Навоий шоҳлардан кейин келадиган мансабдорлар – вазир, садр, фақиҳ, қози, шайх, воизу муллоларнинг порахўрлигию таъмагирликларини санаб ўтади (6-13-байтлар). Навбатдаги қисмдан бошлаб дарвиш ва тариқат аҳлининг ахлоқи тавсиф берилиб, уларнинг фазилатлари мансаб ва мансабдор шахсларга қарама-қарши қў-

йилади, фақр маъ-ий етукликнинг олий намунаси, деган фикр илгари сурилади (14–38-байтлар).

Қасиданинг иккинчи бўлиmidан бошлаб яна жамятидаги иллатларга диққат қаратилади, бироқ энди умумий танқидий муносабат ўрнини бир-бирига зид хислатлар (одил ва золим, ростлик ва ёлгончилик каби) қиёси эгаллайди. Шоирнинг ёзишича, одил шоҳ маънавияти дарвиш маънавиятидан сув ичган одамдир, золим эса бундан мутлақ бебахра. Шунинг учун одил подшонинг иши деҳқон каби юртини обод қилиш бўлса, золимнинг фаолияти қобон каби экинзорни вайрон қилишдир. Ёлгончи ҳокимлар, эл молига кўз тиккан фирибгар амалдорлар мол-дунё йиғиш б-н овора, оддий деҳқон ёки косиб ўз ҳунари б-н ризқ топади, уларнинг қўли қабарса-да, қалби тинчдир. Бу б-н Навоий меҳнат аҳли б-н фақр аҳли ранжу заҳмати ва ахлоқи орасида яқинлик борлигига ишора қилади (39–60-байтлар).

Навоийнинг таъкидлашича, фақр аҳли учун фано мулкидан бақо оламигача бир қадам йўл, шоҳлар ҳам бундай одамларга хизмат қилиши, уларни қадрлаши лозим. Валиюллоҳ даражасига кўтарилган фақир инсон ўз қадр-қиммати, салоҳият – нуфузи б-н шоҳдан устундир, яъни маъ-ят салтанатдан баланд, бу иккиси орасида доимий кураш боради, салтанат аҳли ҳар қанча интилгани б-н фақр аҳли даражасига етолмайди (61–71-байтлар). Навоий Ҳақ сари олиб борадиган йўллардан энг яқини фақр йўли эканлигини айтarkan, бу йўл Пайғамбаримиз (с.а.в.) йўллари эканлигини таъкидлайди ва бу йўлнинг изчил давомчиси сифатида Абдурахмон Жомийни кўрсатади. Шу тариқа, қасидада ўн байтда Жомийнинг салоҳиятига юксак баҳо берилиб, унинг илму адаб ва фазлу камолотда ягоналиги айтилади. (74–83-байтлар). Навоий қасида сўнгида яна шоҳу дарвиш мавзуига қайтиб, айнан Жомий маъ-ят салтанатининг подшоҳи эканлигига ишора қилади, зеро қасидадан мақсад Абдурахмон Жомий сийратини таърифлаш эди. Навоий “Т.”нинг охирида қасиданинг ҳажмига ишора қилар экан, сўз ўйини воситасида унинг байтлари сони (99-байт) Аллоҳнинг гўзал исмларига

ҳамоҳанг эканлигини айтади. Қасида бадий жиҳатдан юксак савияда ёзилган бўлиб, унда икки жиҳат алоҳида кўзга ташланади: 1) ҳар бир байт тамсил санъати асосида ёзилган; 2) қасидада кўплаб сўз ўйинлари, жумладан, муаммо, китобат санъатидан фойдаланилган. “Т.” салафлар қасидалари сингари *рамали мусаммани мақсур* (руқнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилон - V - - / - V - - / - V - - / - V -*) вазнида ёзилган.

“ТУҲФАТ УС-САЛОТИН” (“Султонларнинг туҳфаси”) – Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамилнинг Навоий шеърларидан айрим байтларни олиб тузган тўплами. Ушбу мажмуани Ҳирот шаҳрида 1508–1509 йили котиб Муҳаммад ибн Ҳасан Жумъон Ансорий кўчирган. П.Шамсиен маълумотига кўра, Абдулжамил сайланма асарлар ёки терма девонлар тузишга қараганда анча мураккаб вазифани бажарган: Навоий ғазалларини кўчириб, улардаги шоҳбайтларни танлаб олиб, тўплам тузган. “Т.”даги байтларнинг умумий сони 408 та бўлиб, шоҳбайтлар 45 мавзуга кўра гуруҳлаштириб чиқилган. Ана шу 45 мавзудан айримларига мисоллар келтириш мумкин: таваккул; тас.; ишқ ҳирқати; маҳбуб таърифида; фақру фанода; ер шикоятда... Мас., учинчи туҳфада тавҳидга оид мисоллар каторида қуйидаги байт келтирилган:

Толиби содиқ топилмас,

йуксаким қўйди қадам,

Йўлғаким аввал қадам

маъшуқа ўтру келмади.

Ёки бўлмаса қирқ бешинчи туҳфа “замо-на душворлигидан бода қутқорур маънида” деб аталиб, унда:

Май халос этти рибёи

порсолиғдин мени,

Шукрим, кут қарди зуҳду

худнамолиғдин мени, –

деб бошланувчи ғазалдан уч байт келтирилади. Мазкур тўплам Навоий муҳити китобхонининг шоир шеърини талқин қилиши нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятли бўлиб, ундан Навоий шеърини талқин ва таҳлилларида фойдаланиш мумкин.

“Т.”нинг ягона бир нусхаси Лондонда-

ги Британия музейида сақланмоқда. “Т.” Суййима Ғаниева томонидан таъдир ва нашр этилган (Т., 2007).

ТЎТИ – қуш номи. Мумтоз ад-тда ширинсўзлик тимсоли бўлиб келади. Унга ёрнинг ширин каломи муқояса қилинади. “Лисон ут-тайр”да Т. кўп қийинчилик кўрмагани учун “*бургутлар пашшадек бўладиган йўл*”да қийналиб қолишини айтади. Ушбу тимсол б-н Навоий зоҳирий орзу-ҳавасларга ўч, худбин кимсаларни ёки ўз-ўзига бино қўйиш хусусиятини акс эттиради.

*Тўти аввал узрин оғоз айлади,
Бўйла ажз ойинини соз айлади.
Ким: – “Қушедурмен маконим гармсёр,
Қинд ақсосида қилгон сайри тайр.*

(“Лисон ут-тайр”)

Ушбу образ Навоий лирикасида ҳам фаол қўлланилган:

*Сарвдек хазро либосинг бирла,
эй нозук ниҳол,
Тўтиесен жилвагар,
шақкар санга ширин мақол.
(“Наводир уш-шабоб”)*

ТЎРА – 1) туркий қабилалар орасида қонун тусини олган урф-одат, қарор, ҳукм. Навоий асарларида “Т. ойини” шаклида келиб, туркийлар орасида урфга айланган ижтимоий одоблар ва муносабатлар маъноларини ифодалашга хизмат қилган:

*Ғам ғизоси орасинда қани турқона аёғ,
Тўра ойини била томса тўқуз,
оқса ўтуз.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 218-ғазал)*

2) ортига яшириниш мумкин бўлган катталиқда ясалган қалқон. Қалъани эгаллаш пайтида аскарлар Т.дан душман ўқларидан ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланишган.

*Муғ эшикин тўрадек ёп
юзунгаким, гардун,
Қўёш синони чекиб таврида
савош қурунур.
(“Ғавоийд ул-кибар”, 189-ғазал)*

ТЎРОНДУХТ – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний малика. “Тарихи мулуки Ажам”да келтирилишича, охираммон пайгамбари вафоти йили (милодий 632 й.) ҳокимият тепасига келган. Унинг замонида нисбий барқарорлик вужудга келган. Шаҳриродни қатл этган Масруҳ Хуросонийни вазирлик даражасига кўтарган. Т. атиги 1 йилу тўрт ой ҳукмронлик қилган. Т. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот берилган.

*Чу Тўрон сарир узра топти сукун,
Анга ҳам вафо қилмади чархи дун.
Ул этти вафо, чарх қилди ситам,
Анга йўқки ёлғуз яна бирга ҳам.*



УВАЙС ҚАРАНИЙ, Увайс бин Омир бин Жазаъ бин Молик Қараний (ваф. 658, Ирок) – тасаввуфнинг илк намояндаларидан. Бани Омир қавмининг Бани Қаран уруғидан эканлиги ёки Яманининг Қаран деган жойидан бўлганлиги сабаб Қараний нисбасини олгани ҳақида икки хил фараз бор. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни кўрмасдан имон келтирган. У.Қ. Уҳуд жангида (625) ислом пайғамбари (с.а.в.)нинг иккита тишлари синганини эшитиб, пайғамбарга нисбатан бўлган юксак ихлос-эҳтиром ва издошлик юзасидан дастлаб иккита тишини, сўнг шубҳага ўрин қолмаслик учун барча тишларини сугуриб олган. У.Қ. қари онаси қаровсиз қолмаслиги учун Мадинага бормаган, шу сабабдан, ислом тарихи манбаларида уни саҳоба эмас, балки тобеин деб аташган. Тас-ий манбаларда У.Қ. васфида айтилган ҳадислар мавжуд. Унга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом ва У.Қ. бир-бирларини гарчи кўрмаган бўлсалар-да, бир-бирларининг аҳволидан бохабар бўлишган. У.Қ.га пайғамбар хирқаси васият қилинган. Бу хирқани Умар ибн Хаттоб (р.а.) ва Али ибн Абу Толиб (р.а.) У.Қ.га етказишган. Онасининг вафотидан кейин У.Қ. Мадинага келади ва Али бин Абу Толиб (р.а.)нинг яқин кишисига айланади. Хорижийларга қарчи Сиффин жангида ҳалок бўлади.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да “Нафахот ул-унс”дан фарқли ўлароқ, авлиёлар зикрини У.Қ. ҳақидаги фаслдан бошлайди. Шунингдек, олдин ўтган шайхлар руҳиятидан файз топган, бирор пирга қўл бермасдан туриб, маъ-ий камо-

лотнинг юксак чўққисини эгаллаган тарикат аҳли “увайсий” деб аталиши ҳақида маълумот берган.

УДИЙ, АЛИ КАМОЛ (15-аср) – форстожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва созанда. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг аччиқ тилли киши эканлиги, лекин яхши асарлари борлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Кокулатро ки, ба гирди

сари ў жон гардад.

Ба сари худ мағузораи ки

парешон гардад.

(Маъмуни: Унинг боши атрофида жон бўлиб қолган кокилингни ўз бошингга қуймагилки, паришон бўлади).

УЗАЙР – пайғамбарлар авлодидан бўлган солиҳ банда. Бухтунаср замонида яшаган. “Таврот”ни ёддан билган. Илоҳий ирода туфайли вафот этиб, юз йилдан сўнг қайта тирилган. Дуоси баракотидан кўр бўлиб қолган канизагининг кўзи тузалади. Яҳудийлар У.ни “Худонинг ўғли” деб эътиқод қилган. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да У. ҳақида маълумот берилган.

УЗЛАТ – руҳий тарбия жараёнида ёлғизликда яшашни ихтиёр этмоқ. Тас. да мужоҳада руқнларидан бири. Имонни асраш ҳамда хилватда мукаммал ибодат қилиш учун солиқ пирининг кўрсатмасига мувофиқ жамиятдан чекиниб, ташки бешта сезги туфайли ҳосил бўладиган ҳижоблар – Мутлақ Ҳақиқат йулидаги

тўсиқларни баргараф этиб, басират кўзи очилади. Ибодатга фориг бўлиб, Аллоҳ талонинг муножоти ила унсу улфат топиш, кўпчилиқка аралашганда йўлиқиладиган гийбат, риё, ёмон хулқларнинг юқиши каби гуноҳлардан халос бўлиш, фитна ва хусуматлардан омон қолиш, одамларнинг ёмонлигидан қутулиш, тамаънинг орадан кўтарилиши, нодон ва жоҳил кимсаларнинг суҳбатидан қутулиш У.нинг фойдали жиҳатларидир. Шу б-н бир қаторда У.нинг зарарлари ҳам бор. Улар – таълим олиш ва илм ўргатишдан бебаҳра қолиш, одамларга манфаат етказиш, одоб ўрганиш ва ўргатиш, унсу улфат, савоб олиш, тавозуъдан бебаҳра қолиш каби маъ-ий хатарлардан иборат. Ушбу фойда ва зарарлар ҳамда мурид ҳоли эътиборга олиниб, У.нинг ҳукми ҳам ҳар хил бўлиши табиий.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (р.а.)га У.га чекинишга нисбатан халқни тўғри йўлга ҳидоят қилиш мақбулроқ йўл кўринган. Абулфазл Ҳасан Хатлий олтмиш йил, Хожа Маҳмуд Фаранҳодий 14 йил У.га чекинган ҳолатда касби камол қилишган. Муридга хилват ва У. орқали тарбия бериш Садриддин Раввосий мансуб тариқат асосини ташкил этган.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг тўртинчи мақолатида муридларини У.га мажбурлаб буюрган шайхларни қаттиқ танқид қилади. Унинг ақидасига кўра, муридни У.га маъ-ий оламининг аҳволи ва лаёқатига қараб ҳукм қилмоқ керак.

Бирин этиб зўр ила хилватнишин,

Бирин этиб куч била узлатгузин.

УЗОР – юз, ёноқлари қизилликка мойил гўзал чеҳра. Тас. тилида ориф қалбдаги музлақ Зотнинг тажаллийси тушунилади.

Зулфи зуннориға чирманган

узорин очти ёр,

Зулмати куфр ичра элга

нури имондур даво.

(“Бадоеъ ул-васат”, 33-газал)

УЛОИ ШОШИЙ (15-аср) – шоир, мударис. Асли тошкентлик бўлиб, Самарқандда, Улуғбек мадрасасида дарс берган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да “донишманд киши

бўлиб, хуштабълигини ҳамма эътироф этар, Самарқанд аҳли муаммода уни Мавлоно Шарофиддин Али Яздийга тенг тутар эдилар”, деб ёзади.

Мадраса зинасидан йиқилиб, оёғи синганда Навоий ҳам шогирдларига қўшилиб уни кўргани борган ва ўша ернинг ўзида “Уло” номига муаммо ёзиб, тақдим этган:

Дур бод аз ту дарди захмати по,

Душманатро бало насибу ано.

(Мазмуни: “Сендан оёқ оғриғи дарди узоқ бўлсин, душманингда бало ва машаққат насиб бўлсин”).

Навоий чиқиб кетганидан кейин кимлигини сураб-суриштирган У.Ш. унинг номига ҳам муаммо ёзиб, шогирдидан бериб юборади:

Чашми ту маро диду

манаш сер надидам,

Чун сер бубинам, зи ту ин аст умедам.

(Мазмуни: Сени кўзинг мени кўрди-ю мен уни тўйиб кўролмадим, сендан умидим уни бир бор тўйиб кўриш).

УЛУЛАЗМ – диний истилоҳ. Пайғамбарлик даражаларидан бири. У.га Жаброил (а.), илҳом ёки туш орқали ваҳий нозил бўлади. У.нинг асосий шарт – осмондан унга илоҳий китоб нозил бўлади ҳамда янги шариятга асос солади. У.нинг шартлари тўғрисида Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да қисқача тўхталиб ўтган.

“Улулазм улдурким, бовужуди бу ики шарт анга китоби осмоний келмиш бўлғай ва бошқа шариати бўлғай.”

(“Тарихи анбиё ва ҳукамо”)

УЛУҒБЕК, **Муҳаммад Тарағай** (1394.22.03, Султония – 1449.27.10, Самарқанд) – буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби. Амир Темурнинг невараси, Шохрух Мирзонинг тўнғич ўгли. Онаси – Гавҳаршодбегим. У.га отасининг исмини (Муҳаммад Тарағай) қўйган Амир Темур невараси тарбиясига алоҳида аҳамият бериб, никоҳ тўйида (1404) Тошкент, Сайрам, Янги (ҳоз. Тароз), Ашпара ва Мўғулистонни то Хитой ҳудудигача суюрол қилиб беради ва Хитой юришида ўзи б-н олиб кетади. Амир Темур вафотидан сўнг Халил Султон Самарқанд тахтини

эгаллагач, У. Мовароуннахрдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Шоҳрух Мирзо 1410 й. Мовароуннахрни ўз тасарруфига киритади ва уни идора қилишни У.га топшириб, Амир Темури васиятини қайта тиклаган. У. ўз ҳукмронлиги даврининг дастлабки босқичида иккита йирик ҳарбий юриш қилган, аммо иккала юриш ҳам муваффақиятсизликка учрагани сабабли, кейинги даврларда отаси Шоҳрух паноҳид асосан бунёдкорлик ҳамда илмий-ижодий фаолиятга эътибор қаратган. Шоҳрух вафотидан сўнг (1447, 12 март) Хуросонда бобоси ҳузурда хизмат қилиб юрган У.нинг тўнғич ўғли Абдулатиф Мирзо валиаҳд сифатида тахтни эгаллайди. Аммо Бойсунгур Мирзонинг ўғли Аълоуддавла Абдулатифга қарши исён кўтариб (1447 й., апрел ойи), уни Ихтиёрдин қалъасига қамаб қўяди. Улугбек ўғлини банддан халос қилиш учун Хуросонга қўшин тортади ва Аълоуддавла б-н тинчлик битими тузади. Бу сулҳга мувофиқ, Хуросоннинг Мурғоб дарёсигача бўлган шимолий қисми Улугбек ихтиёрига ўтади. Хуросоннинг марказий қисми Аълоуддавлянинг ўзида қолади, ғарбий қисми эса тахт учун қурашаётган унинг акаси Абулқосим Бобурга берилади.

Улугбек 1448 й. асирликдан озод бўлиб, Самарқандга келган Абдулатиф Мирзо б-н бирга Аълоуддавлага қарши юриш қилади. Ҳирот яқинида ота-ўғил ғалаба қозонади ва Хуросон ҳам Улугбек тасарруфига ўтади. Ғалабага Абдулатиф Мирзонинг шахсий шижоати туфайли эришилган бўлса-да, лекин У. фатҳномани кичик ўғли Абдулазиз номидан эълон қилади.

Темурийлар давлатининг маркази Ҳиротдан Самарқандга кўчирилганидан норози беклар Абдулатиф б-н иттифоқ тузиб, У.га қарши исён кўтардилар. У. Самарқандда Абдулазизни қолдириб, Абдулатифга қарши юриш қилади. Шу вақтда Абулхайрхон Туркистон ва Мовароуннахрнинг шимолий қисмларига бостириб киради (1448). Самарқандда эса Абдулазиз Мирзога қарши исён кўтарилади. Улугбек Самарқанддаги вазиятни барқарорлаштириш б-н шуғулланаётганда, Абдулатиф Мирзо қўшин тўплаб отасига қарши юради. Самарқанд яқинидаги Дамашқ

қишлоғи ёнидаги жангда Абдулатиф Мирзонинг қўли баланд келади. Кўп ўтмай, салтанатдан воз кечиб, ҳаж сафарига йўл олган У. Абдулатиф Мирзонинг буйруғи б-н қатл этилади.

У. даврида Мовароуннахр дунёнинг илм-фан маркази сифатида шуҳрат қозонади. Бухоро (1417), Самарқанд (1420) ва Ғиждувонда (1433) У. мадрасалар қуради, Вибихоним масжиди, Амир Темури мақбараси, Шоҳизинда ва Регистон мажмуалари қурилиши поёнига етказилади. Мадрасаларда диний фанлар б-н бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилади, айниқса, математика ва астрономия каби аниқ фанларга алоҳида аҳамият берилади. У. асос солган ва ўзи бевосита раҳбарлик қилган академияда Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қўшчи каби 200 дан зиёд олимлар фаолият олиб борган. Самарқандда қурган икки мадрасасида дарс бериш б-н бир қаторда математика (“Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”), тарих (“Тўрт улус тарихи”) ҳамда астрономия (“Зижи жадиди Қурагоний”) буйича йирик илмий асарлар ёзган.

Навоний Самарқандда бўлган пайтида У. мадрасасида, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий каби олимлар ҳузурда таълим олган. “Мажолис ун-нафоис”да У. даврида ижод қилган шоирлар, жумладан, Мавлоно Муҳаммад Олим (У.нинг мусоҳиби ва ҳамсабақи), Мавлоно Бадахший (У. замонидаги фасоҳатли шоир), Муҳаммад Солиҳ (У. саройидаги беклардан бири) каби сўз усталарини таърифлашда У. б-н бўлган муносабатларини ҳам қайд қилиб ўтади. Ушбу асарнинг 7-мажлисида У.га “доншманд подшоҳ” деб таъриф бериб, Қуръони Каримни етти қироат б-н тўлиқ ёд олгани, астрономия ва математика каби фанларда етук аллома бўлгани б-н бирга шеър ҳам ёзиб туришини қониқиш б-н қайд қилиб, ижодидан намуна сифатида форсий бир байт келтиради. “Муншаот”даги 56-мақтубида У.нинг Абдулатифга бўлган муносабатини адолатсиз, деб баҳолайди. “Фарҳод ва Ширин” достонининг 53-бобида У.нинг ҳақиқий ворислари – ноқобил фарзандлари эмас, балки “Зижи жадиди Қурагоний”

каби илмий кашфиётлари эканлигини таъкидлайди:

*Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анигадек.*

*Анинг абнои жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.*

*Валек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи оллинда бўлди осмон наст.*

*Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.*

*Вилиб бу навъ илми осмоний
Ки, андин ёзди “Зижи Кўрагоний”.*

УЛФАТ – икки кишининг ўртасида бири-бирига нисбатан чин кўнгилдан унсият ва яқинлик пайдо бўлиши. У. эътиқоди ва дунёқараши яқин кишилар орасида пайдо бўлиб, гўзал инсоний фазилатлар сирасига киради. “Шарҳи татаруруф”да келтирилишича, одамлар танасидаги жон ҳали бу дунёга тушмасидан олдин руҳлар оламида гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаган. Одамларнинг орасидаги яқинлик ва У. ўшандан келиб чиққан. Қачонки икки нотаниш одам бири-бири б-н учрашса, уларнинг руҳи азалият оламида қандай муносабатда бўлганлигидан хабар топади ва шу асосда У. ёки зиддият пайдо бўлади.

*Агар оқил эсанг, узгил жаҳон
аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар
юз йил вафо қилсанг.
 (“Наводир уш-шабоб”)*

УМАР АТО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Кешлиғ атонинг укаси. Хожа Аҳмад Ясавийнинг муриди. Хитойда ясавийлик тариқатининг ёйилишида катта ҳисса қўшган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

УМАР ибн **Хаттоб** (тахм. 585 – 644, Мадина) – “хулафои рошидин” (“тўғри йўлдан борган халифалар”) ёхуд “чорёрлар” деб аталувчи дастлабки тўрт халифанинг тўртинчиси (хук. 634–644). Исломни тахм.

616 й. қабул қилган. Муҳаммад (с.а.в.)нинг яқин сафдошларидан бири, қайноталари (Ҳафса (р. а.)нинг отаси). Абу Бакрнинг халифа бўлиб сайланишининг ташаббускори, унинг яқин маслаҳатгўйи бўлган. Абу Бакр (р.а.) ўлимидан аввал У. (р.а.)ни ўз ўрнига тавсия этган ва жамоат У. (р.а.)га қасамёд қилган. У. (р.а.)нинг ўн йиллик халифалик даврида ислом Ироқ, Сурия, Миср, Ливия, Эроннинг ғарбига тарқалган. Араб-мусулмон давлатчилигининг маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий-сиёсий асослари мустаҳкамланиб, мусулмонлар жамоаси тез орада руҳонийлар идора этадиган давлатга айланган. Бу ҳол У. (р.а.) халифа унвонига биринчи бўлиб қўшимча амир ал-мўминин (мўминлар ҳукмдори) унвонини қабул қилишида ҳам ифодаланган. У янги мусулмон йил ҳисоби – ҳижрий йил тақвимини жорий этган (рабиъул-аввал ойининг 16 куни – мил. 637 й. апр.). Басра волийси Муғййра ибн Шуъбанинг кули, насроний Абу Луълуъ 59 ёшли У. (р.а.)га ханжар санчиб яралаган ва шу куни кечқурун У. (р.а.) вафот этган. Ўлими олдидан ўз ўрнига янги халифа сайлаш учун Муҳаммад (с.а.в.)нинг олти нафар энг кекса сафдошларидан иборат шўро тузган ва шу кенгашлардан бирида Усмон (р. а.) халифа этиб сайланган. Васиятига кўра, Ойша онамининг ҳужраларига, Расули Акрам ва Абу Бакр Сиддиқ ёнларига дафн этилган.

Ислом тарихида У. (р.а.) тақводор, адолатли, ҳақни ноҳақдан ажрата билиш каби фазилатларга эга бўлгани учун, “Одил”, “Форук” сифатлари б-н ҳам шарафланади. Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг 8–9-бобларида У. (р.а.)нинг адолати, ҳақиқатпарварлиги, фотиҳлиги, қонун устуворлиги учун ўғлини ҳам маҳкамага тортганлигини тавсифлайди. Келтирилган ҳикоятда Эрон фатҳида қўлга киритилган беҳисоб ўлжаларнинг барчасини давлат хазинасига топширтирганини ибрат сифатида айтиб ўтади:

*Улки пайғамбарга ҳамдам эрди ул.
Шуб ҳасиз Форук ағзам эрди ул.*

*Ҳақни ботилдин бировким қилди фарқ,
Адли бирла равшан этти ғарбу шарқ.
 (“Лисон ут-тайр”, 8-боб)*

УММИ АЛИ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Аҳмад бин Хиз-

кидлаган юзта феълнинг саккизинчиси. Мазкур феъл манбаларда уманмак тарзида

Умумий аёл. Валии Валининг ва Абду

Ҳафс Ҳаддод суҳбатида бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

УММИ МУҲАММАД I – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийнинг онаси. Угли Ҳаж йўлида ундан каромат зоҳир бўлганини кўриб, она зоти нақадар буюк эканлигини англаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

УММИ МУҲАММАД II – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Шайх Абдулқодир Гилонийнинг аммаси. Дуоси мустажоб бўлган зотлардан. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

УММИ ҲАССОН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Куфа шаҳрида яшаган. Суфён Саврий унинг зиёратига бориб турган ва ундан ҳикоятлар айтган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

УММИЙ – гўдаклигидаёқ отасидан етим қолиб, онасининг қўлида тарбия топган киши. Маж. маънода хат-саводсиз кишига нисбатан қўлланилади. Ислоом пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)нинг сифатларидан бири: У (расул) гарчи хат ёзишни ўрганмаган бўлса-да, Аллоҳга ва Унинг калималари (илоҳий китоблари)га ишонадиган пайғамбардир. “Унга эргашингиз, токи ҳидоят топгайсиз!” (Аъроф, 158-оят) :

*Чу раҳми икинчиға кўйди қадам
Аторидға синди давоғу қалам.
Кўриб уммийи илмлар маҳзани
Равон касби илм этмак ўлди фани.*

(“Сабъаи сайёр”)

УМОНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъ-

қилган ва исомоқ, орзу қилмоқ маъноларини билдириши қайд этилган. Шунингдек, манбаларда бу сўзга яқин умунмак, умунур, умунмақ шаклларидаги феъл учрайди: умундум – умидландим. Бу феълнинг масдари “Девону луготит турк”да умунмақ деб кўрсатилган, ҳозирги замон ўзбек тилида умидланмоқ тарзида ишлагилади. Умуинмак – таъма этмоқ, умид қилмоқ, кутмоқ.

УНС (ар. – дўстлашиш) – ахлоқий-ирфоний тушунча. Ахлоқда икки кишининг ўртасида кўниқиш малакасининг ҳосил бўлиши, бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиш ва талпинмоқни билдиради. Тас.да У. ҳолнинг мартабаларидан бири бўлиб, Худонинг шафқати ва марҳаматига одатланиш, Маҳбуб Камолининг мутолаасидан руҳий-маъий лаззатланиш демакдир. Унинг асосий аломатларидан бири – Ҳақиқий Маҳбубдан ўзга нарса ва кимсалардан узоқланишидир (Суллабий). Унсиятдан кейинги жудолик оғир имтиҳондир. Шиблийнинг ақидасига кўра, ҳақиқий У. – ўз ҳолидан беҳабарлик ва Мутлақ Камол (Худо) ёди б-н машғул бўлмоқ ва барча ишларни унга тошширмоқдир. Унинг ёркин кўриниши – Иброҳим(а.)нинг ўтга солинаётган чоғда ҳам фақат Ҳақ таоло ёдига машғул бўлгани ва унга талпинганидир.

Ҳужвирий У.ни солиқ қалбида жамолий сифатларнинг тажаллий этиш ҳоли, деб таърифлайди. Бу ҳолда солиқнинг қалби илоҳий сифатлар нуридан чароғон ва мунаввар бўлиб, тараб, сурур ва шодликка тўлади. У. муридларнинг даражаси бўлиб, баст ҳолидан юксакроқ ва латифроқдир.

Кошоний У. аҳлининг куйидаги аломатларини санаб ўтган : биринчиси, солиқ унсият соҳиби бўлмиш Маҳбубдан ўзга барча нарсалар, ҳатто ўз нафсига ҳам зътибор қаратмасин. Иккинчи белги, У.га сабаб бўлган Аллоҳ зикрига одатланиб қолсин ва унинг қалбида тафаккур ва тилида тазаккурдан бошқа ҳеч нарса ўрин тополмасин. Учинчи аломат, қалб ва руҳни Маҳбуб б-н сўзлашаётгандек тўғри қилсин. Абу Саид Харрознинг “У. руҳларнинг қурб мажлис-

ларида Маҳбуб б-н сўзлашишдир”, дейиши руҳ унсиятига оиддир. Робиа Адавия эса қалб унсияти ҳақида шундай дейди:

Сени ўз қалбимда – Сен б-н

*сўзлашадиган маконда жой бердим,
Жисмимни мен б-н ҳамсухбат бўлишга
тақдим этдим.*

*Менинг жисмим менга мунис бўлмоқчи
бўлган кишиникидир.*

Қалбимдаги ҳабиб менинг анисим эрур.

Навоий девонидида “У.” радифи б-н ёзилган учта (“Бадоеъ ул-васат”–234, 235, “Фавойид ул-кибар”, 234) ғазал бор. Шунингдек, “У.” негизидида қурилган “анис” ва “мунис” кўп ўринда У.нинг истилоҳий маъноларига ишора қилади.

Эй Навоий, гар муродинг

давлати боқий эрур,

Унс тутмоқ бартарарф қил

олами фоний била.

(“Фавойид ул-кибар”, 534-ғазал)

УНСУРИЙ Абулқосим Ҳасан бинни Аҳмад (970/80, Балх – 1039/40, Ғазна) – форс-тожик шоири. Ўз даврининг илмий-маданий марказларидан бири бўлган она шаҳрида таҳсил олиб, барча фанларда камолот касб этади. Аввал Султон Маҳмуднинг укаси Наср Сабуктегин даргоҳида хизмат қилади. Унинг вафотидан сўнг Ғазнага келиб, Маҳмуд Ғазнавий саройига йўл топади. Зукко таъби, ҳозиржавоблиги, гўзал қасидалари б-н Султон эътирофига, “малик уш-шуаро” мақомига сазовор бўлади. Султоннинг барча уруш-юришлари, базму мажлисларида бирга бўлади. Унинг инъом-аҳсонлари туфайли Ғазнанинг энг бадавлат одамларидан бирига айланади. Форс-тожик илму адаб ақли орасида шундай гап юради: “Икки шоир икки ҳукмдор даврида шухратга эришди: Рўдакий – сомонийлар салтанатида, Унсурий – ғазнавийлар саройида”.

У. Шарқ шеъриятининг деярли барча жанрларида қалам тебратган. Давлатшоҳ унинг девонини 30 минг байт атрофида деб маълумот беради. Унинг бизгача етиб келган лирик мероси 70 қасида, 76 рубоий ва маснавий парчаларидан иборат. У, хусусан, қасидачиликни юксак мақомга кўтарган. Жумладан, Е.Э.Бертельс унинг 162

байтдан иборат қасидасини таҳлил қилар экан, унда Султон Маҳмуднинг 998 й.дан 1014 й.гача олиб борган жанглари тадрижан тасвирлангани, у шоир таржимаи ҳоли ва ғазнавийлар салтанатида тутган мавқеини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратади.

У. “Вомиқ ва Узро”, “Сурхбут ва Хингбут”, “Шодбахр ва Айн ул-ҳаёт” каби ошиқона дostonлар ёзган. Бу уч дoston ҳам Маҳмуд Ғазнавийга бағишлангани учун “Хизонаи Яминуддавла” (“Маҳмуд хазинаси”) номи б-н шухрат қозонган. Абу Райҳон Беруний уларни араб тилига таржима қилган.

Алишер Навоий У. ижоди хусусида бирор-бир фикр билдирмаган бўлса ҳам, унинг номини бир неча марта забардаст сўз санъаткорлари қаторида ҳурмат б-н тилга олади. Жумладан, “Ҳамса”ни тугатиши муносабати б-н кўрган тушида Шарқнинг буюк шоирлари даврасида Унсурий ҳам бор бўлган:

*Чу Саъдий, Фирдавсий, Унсурий,
Саноий, Хоқоний Анварий.*

Жомий “Баҳористон”да унга ўз даври шоирларининг сардори деб таъриф беради. Бинобарин, Алишер Навоий ҳам уни устозларидан бири сифатида билган.

УРМАВИЙ, АБУЛҲУСАЙН – “Насоим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Озарбайжоннинг Урму шаҳрида туғилган. Абулҳусайн Ҳусрий, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Абу Абдуллоҳ Рудборий б-н замондош бўлган. Навоий “Насоим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

УСМОН ибн Аффон (тахм. 577, Тоиф – 656, Мадина) – “хулафои рошидин” («тўғри йўлдан борган халифалар») ёхуд “чорёрлар” деб аталувчи дастлабки тўрт халифанинг тўртинчиси (ҳук. 644–656.). Илк мусулмонлардан ва Пайғамбар (с.а.в.) нинг куёви.

У. (р.а.) исломга қадар Қурайш қабиласининг улуғларидан ва энг бойларидан бўлган. У. (р.а.) Абу Бақр Сиддиқнинг даввати б-н биринчилардан бўлиб ислом-

ни қабул қилган. У. (р.а.) мусулмон бўлганидан сўнг Расулulloҳ (с.а.в.)нинг энг яқин кишиларидан бирига айланган. У. (р.а.) ислом равнақи учун жуда кўп мол сарфлаган. Жумладан, Мадинада 12 минг дирҳамга Румо қудуғини сотиб олиб, мусулмонларга ҳадя қилгани, Табуқ жангида аскарларнинг тайёргарлиги учун 950 туя, 50 от ва 1000 диноҳ бергани, набавий масжидни кенгайтириш учун атрофдаги ҳовлиларни сотиб олгани ривоят қилинади.

Расулulloҳ (с.а.в.) У. (р.а.)ни қаттиқ яхши кўрганлар. У. (р.а.) дастлаб Пайғамбар (а.с.)нинг қизи Руқияга уйланган (тахм. 610), у вафот этгач, Расулulloҳ (с.а.в.) иккинчи қизи Умму Кулсумни ҳам У. (р.а.) га никоҳлаб берганлар (623), шунинг учун “Зуннурайн” («Икки нурли») деган ном олган.

Мусулмонларга илк бор Ҳабашистонга ҳижрат қилиш буюрилгач, У. (р.а.) аёли Руқия б-н биринчи бўлиб йўлга чиққан, Мадинага ҳам ҳижрат қилган. У. (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)нинг энг ишончли саҳобийларидан бўлган. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) халифалиги даврида У. (р.а.) унга энг яқин маслаҳатчи бўлган. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ўзидан сўнг Умар ибн Хаттоб (р.а.)ни халифаликка тавсия қилишни ҳам айнан У. (р.а.) б-н маслаҳатлашган. Шунингдек, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг сўнгги васиятини ҳам У. (р.а.) ёзган.

Умар ибн Хаттоб (р.а.) халифалигида ҳам У. (р.а.) энг яқин маслаҳатчи бўлган ва уни “Радиф” («Иядош») деб аташган. Умар (р.а.) халифалиги даврида илк девоннинг тузилиши, рисолат тарихининг ёзилиши ҳам У. (р.а.)нинг ташаббуси б-н бўлган.

У. (р.а.) 644-й. халифа бўлиб сайланган. Унинг халифалиги даврида Қуръони Карим илк бор китоб ҳолига келтирилган, набавий масжид кенгайтирилган, Искандария, Арманистон, Кавказ, Хуросон, Кармана, Сейистон, Шимолий Африка ва Кипр жанги яқунланган, илк мусулмон флоти ташкил этилган. У кишидан 146 ҳадис ривоят қилинган.

Умрининг охириги йилларида зодагонлар ўртасида норозилик кучайиб, У. (р.а.) Қуръон ўқиб турган чоғида душманлари

томонидан ўлдирилган. Унинг қони Қуръон саҳифаларига сачраган. Ушбу Қуръон муқаддас ёдгорлик сифатида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланади.

“Лисон ут-тайр” дostonининг 9–10-боблари У. (р.а.) васфида бўлиб, унда шоир ислом тарихининг буюк шахсларидан бўлмиш бу зотнинг ҳаё ва имони, муруват ва саховати, Қуръони Каримни тўплаб, яхлит китоб ҳолига келтириш йўлидаги хизматларини алоҳида таъкидлаб, ҳикоят орқали У.нинг Расулulloҳ олдидаги ҳурмат ва эътиборини кўрсатиб ўтган.

УСТУРЛОБ/СУТУРЛОБ – Қуёш ва юлдузларнинг жойлашуви ва ҳаракат траекториясини ўлчайдиган махсус асбоб; астролябия:

Ул қуёштин айру сариг

чеҳрам устурлобдек,

Кўргузур тирноғ ила беҳад

рақам, бисёр хат.

(“Бадоеъ ул-васат”, 282-ғазал)

“Садди Искандарий”да келтирилишича, Искандар ғояси асосида Афлотун ва Арасту бошчилигидаги икки юз олим рух ва мис қоришмасидан осмон жисмлари ҳаракатини ўлчайдиган У. яратиб, Чин хоқони ва донишмандларини хайратда қолдирган эканлар:

Ул ўлди сутурлоби махфисамо,

Бу бир бўлди миръоти гетинамо.

(“Садди Искандарий”, 56-боб)

УСТОД МАРДОН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Турбати Ҳайдария (Эрон) яқинидаги Сияжон қишлоғида туғилган. Узок йиллар Хожа Муҳаммад бин Абу Аҳмад Чистийнинг муриди бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

УСТОД МУҲАММАД УБАҲИЙ (15–16-асрлар) – хуросонлик форсийнавис шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг пичоқчилик санъати б-н шугулланиши, “фаҳми ёмон эмас”лиги ҳақида

маълумот бериб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Насими хулду умри

Хизр мебахшад агар дони,

Ҳавои дашти Гозургоҳу

оби ҷўи Султони.

(Маъмуни: Гозургоҳ далаларининг ҳаво-си ва Султоний ариғининг суви, агар билсанг, жаннат шабадаси ва Хиэр умрини бахш этади).

УСТОД ҚУЛМУҲАММАД УДИЙ (15-аср) – шабиргонлик созанда, бастакор ва шоир. Уд, гижжак, қўбиз каби мусиқий асбобларни чалишда бевазир бўлган. Айниқса, уд асбобини яхши чалгани учун Устоз Қулмуҳаммад Удий номи б-н донг таратган. Самаркандда ҳам узоқ муддат яшаганлиги, таҳсил олганлиги ва ижод қилгани ҳақида маълумотлар учрайди. “Ушшоқ”, “Наво”, “Ҳусайний” каби мақом йўлларида пешрав, қавл, кор, амал ва нақшлар яратган. “Пешрави Удий”, “Савти Нурий”, “Амали Удий”, “Савти Удий” номли таснифлари Хуросон ва Мовароуннаҳрда машҳур бўлган. Бу санъаткор Ҳирот маданий марказининг ҳам йирик арбобларидан бўлган. Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”да ёзишча, Маждиддин Муҳаммад Навоий шарафига зиёфат уюштирганда Устод Қулмуҳаммад ҳам қатнашган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида У.Қ.У.нинг созандалик санъатига юқори баҳо беради, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Устод Қулмуҳаммадни кичиклигидаёқ мусиқий билимларни пухта эгаллаши учун Мавлоно Алишоҳ деган давр алломасига тавсия қилганлигини қайд этади. “Мажолис ун-нафоис”да унинг “Нур” исмига битилган муаммоси келтирилган.

УТБА ҒУЛОМ – “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тасаввуф намоён-даси. Ҳасан Басрийнинг шогирди. Зуннун Мисрий, Муҳаммад Саммок, Робиа Адавия суҳбатидан баҳраманд бўлган. Тасаввуф манбаларида У.нинг тавбаси ва тақводорлиги ҳақида ҳикоятлар келтирилган. Навоий ушбу ориф ҳақидаги фаслни “Тазкират ул-авлиё” асосида ёзиб, “Насойим ул-муҳаббат”га киритган. “Насойим ул-муҳаббат”нинг нашрларида

У.Ғ.нинг номи “Атаба бин Ғулом” тарзида берилган.

УФАЙРАИ ОБИДА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган басралик орифа аёл. Муъозаи Адавия суҳбатига бўлган. Ҳақ таоло қаҳри қўрқувидан кўп кўзёш тўккани сабабли кўр бўлиб қолган экан. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

УШАРМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг учинчиси. *Қисқартирмоқ, парчаламоқ, бузмоқ, олдинга сурмоқ, мажбур этмоқ* маъносига ишлатилган мазкур сўзнинг манбаларда *ушулди* (бурдаланди, уваланди; *ушулук* ва *ушулмақ* шакллари ҳам мавжуд) ҳамда *ушшатти* (ушатди, бурдалатди; ол этмак *ушшатти* – у нонни ушатди) шакллари, *ушал* ва *ушат* кўринишлари учрайди. *Ушал* қадимги туркий тилда *кичик бўлакларга ажра* маъносини англатган *уе*-феълнинг *такрор* маъносини ифодаловчи *-ша* қўшимчасини олган шаклидан ўзлик маъносини ифодаловчи *-л* қўшимчаси б-н ҳосил қилинган; кейинроқ *в* ундоши талаффуз қилинмай қўйган: *ув + ша / увша + л / увшал // ушал*. *Ушат* сўзи ҳам қадимги туркий тилда *кичик бўлакларга ажра* маъносини англатган *уе*-феълнинг *такрор* маъносини ифодаловчи *-ша* қўшимчасини олган шаклидан *-т* орттирма нисбат маъносини ифодаловчи қўшимчаси б-н ҳосил қилинган; кейинроқ *в* ундоши талаффуз қилинмай қўйган: *ув + ша / увша + т / ушшат // ушат*.

УШНОНИЙ, Абубакр – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Доривор гиёҳлар савдоси б-н шуғуллангани учун “Ушноний” нисбасини олган. Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийнинг гувоҳлик беришча, қавволдан икки байт эшитиб, важд ҳолига тушган ва кўп ўтмай вафот этган.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

“ФАВОЙИД УЛ-КИБАР” (“Кексалик фойдалари”) – “Хазойин ул-маоний” лирик куллиёти таркибига кирувчи сўнгги девон. Куллиётга ёзилган дебочада девоннинг номланиши ҳақида шундай фикрлар келтирилади: “...тўртунчи девонниким, умрнинг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсуз оқ урмоқу жон тошшурмоқдурким, анда сабт бўлубтур, “Фавойид ул-кибар” лақаб берилди”. Шоирнинг ўзи таъкидлаётганидек, бу девон асосан шоирнинг кексалик давридаги ҳолати ва кайфиятини ифодаловчи шеърларидан ташкил топганлиги сабабли унга “Ф.” деб ном берилган. Навоий “...қирқ бешдин олтимиш яқиниғачаким таъйин қилса бўлғайким, бу фусулнинг қишидурким, қишининг ҳам қад била адам йўлига кириб, замон аҳли била хайрбод қилишидур, анинг дусида “Фавойид ул-кибар” била ниҳоятқа еткурдум”, деб ёзади. Дебочадаги маълумотга кўра, “Ф.”га қирқ бешдан олтимиш ёшгача бўлган даврда битилган шеърлар киритилган. Девонларга шеърлар таксимланишининг нисбий эканлиги инобатга олинса, “Ф.”га шоир ҳаётининг ёшлик ва ўрта ёш давларида яратилган шеърлар ҳам кирганлиги маълум бўлади.

Девонга “Хазойин ул-маоний”да истифода этилган лирик турнинг ўн олти жанридан тўққиз жанрига мансуб 793 шеър киритилган. Улар 650 ғазал, 1 мустаозод, 2 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржиъбанд, 1 соқийнома, 50 қитъа ва 86 фарддан иборат.

Навоийнинг барча девонларида бўлгани каби “Ф.” девонидаги шеърларнинг асосий

қисмини ғазаллар ташкил этади. Шоир бу девонини ҳам куллиётдаги бошқа девонлари сингари Шарқда мавжуд анъанага мувофиқ ҳамд 6-н бошлайди, наътлар 6-н давом эттиради. Ҳамд ғазаллар тавҳид ва муножот мазмунини ўзида мужассамлаштира, наътларда Расулulloҳ васфи ва меърож ҳодисаси бадий жиҳатдан талқин этилган.

Девонда ҳамд ва муножот йўлида битилган ўнга яқин ғазал (1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 40-, 280- ва 6.) мавжуд. Наът ғазалларнинг адади ҳам шу атрофда (6-, 7-, 92-, 107-, 293-, 338-, 575-, 650). Мазкур ғазалларда, асосан, шоирнинг диний-тасаввуфий қарашлари ўз ифодасини топган.

“Ф.” девони “*Эй, етти манзар тарҳига меъмори сунъунгдин бино, Маснуълар фоний, вале маслуи сониздин фано*” матлаъли ғазал 6-н бошланади. Ғазал шоирнинг илк лирикаси маҳсули бўлиб, 1465 й.гача яратилган шеърлари сирасига киради. Аллоҳ таолонинг қудрати ва жалолияти мадҳига бағишланган мазкур ғазал ёш Навоийнинг илоҳиётга доир қарашлари нақадар юксак ва теран бўлганлигини кўрсатади. Ғазалнинг матлаъсида Аллоҳ таолонинг яратувчилик сифати ҳақида сўз борар экан, *иштиқоқ* санъати воситасида (сунъ – маснуъ – соний, фоний – фано) ушбу яратувчиликка бадий тус берилади. Кейинги байтларда қиёмат куни Одам болаларининг “ўзимизга зулм қилдик” дея афсус чекишлари, инсон зоти Аллоҳнинг қудрати ва азаматини ҳеч қачон тўлиқ била олмаслиги ҳақида сўз боради. Тавҳид маъмуни 6-н бошланган ғазал муножот йўсинида интиҳо тонади: шоир Яратгандан ўз гуноҳларини

афв этишини сўрайди, бу дунёда уни фироқ ва ишқ ўтида ўртагани ҳолда яна дўзахда ҳам куйдирмаслигини тилаб ёлворади: *Бордур Навоий бекасе, ишқ ичра андоқсим хасе, Чун ўртадинг ани, басе, куйдурма дўзахда яно.*

Ғазал *мусажжаъ* шаклида бўлиб, ундаги ҳар байтнинг тўрт булакка бўлиниб, ички қофиялар ҳосил қилиши ғазалда истифода этилган *ражаз* баҳри б-н уйғунликда тантанавор ритмик оҳанг ҳосил қилган. Деярли ҳар бир байтда муайян бадиий санъатнинг етакчилиги қилиши (*иштиқоқ, иқтибос, таносуб, тазод, такрир, ташхис*, санъатлари) ғазалнинг бадиий таъсирчанлигини оширган.

Девондан ўрин олган наът ғазалларда Пайғамбаримиз (с.а.в) васфи ва меърож ҳодисаси бадиий жиҳатдан талқин этилган. Ушбу ғазалларни бирлаштириб турувчи асосий жиҳат Расулуллоҳга бўлган оташин муҳаббат, ул Зотнинг ҳаёлию зикри б-н яшамоқ шукронасидир: *“Тилимда зикрингу кўнглумдадур ҳаёлинг, шукр Ки, бори сенсиз эмас суҳбатим халоу мало”* (7-ғазал). Ҳар бир ғазалда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бирор хислатларига алоҳида урғу берилади ва уларнинг барчаси умумлаштирилганда Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) “макорим ул-ахлоқ” – мукаррам хулқлар соҳиби сифатидаги сийратлари намоён бўлади. Навоий қолган пайғамбарларнинг ул Зотга уммат бўлишни орзу қилишларини алоҳида фахр б-н эътироф этади: *“Санга уммат ўлмағни истаб русул, Вале биз сарафроз ўлуб ҳолиё”* (6-ғазал). Ғазалларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – улардаги ифода услубининг бетакрорлигидир: шоир ҳар бир ғазалга алоҳида ёндашиб, аввалги ғазалда қўллаган ташбеҳ ёки истиорани қолган ғазалларда такрорламайди.

“Ф.” девонидан ўрин олган ғазаллар ҳам аввалги девонларда бўлгани каби ошиқона, орифона, риндона каби турларга бўлинади. Лекин аввалгилардан фарқли ўлароқ, бу девонда ижтимоий руҳ етакчи бўлган ғазаллар кўпчиликни ташкил этади. Мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган шоир ўзининг узоқ кузатиш ва мушоҳадалар натижасида ҳосил бўлган хулосаларини, давр

аҳли ҳақидаги аччиқ мулоҳазаларини ғазалларида юксак эҳтирос б-н ифодалайди: *Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам, Қилмағасен, эй кўнгул, фикри муҳол ўзгача* (548-ғазал).

Шоирнинг бошдан-охир ишқий мавзу етакчилиги қилган ғазаллари охирида ҳам лирик чекиниш сифатида замон ва замондошларга муносабат ифода этилган байтлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Бундай байтларда шоирнинг тасвир объекти умумлашган маънога эга сўз ва иборалар орқали ифодаланган, шоир “ёр” сўзи орқали умуман халқ, замона аҳли, фалак, давронни назарда тутати: *Олам аҳлида чу йўқ ёрни, меҳр ўлғай иши, Сен қиёс айлаки, не бўлғуси ағёрға иш* (254-ғазал)

Шоирнинг шоҳбайт даражасига кўтарилган *“Навоий, чорадин кўп дема сўзким, Гаминга чорасизлиг чора бўлмиш”* (268-ғазал), *“Жаҳон макрин биравким билди, бермас Жаҳон мулкига бир дамлиг фароғин”* (453-ғазал), *“Демаким, оламни хасча кўрмамишсен муътабар, Айт филвоқатки, онча эътибори борму?”* (514-ғазал) каби байтлари ҳам “Ф.” даги ғазаллар таркибидан ўрин олган.

“Ф.” девонида муайян бир воқеанинг поэтик тасвирига бағишланган сюжетли ғазаллар ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири *“Ўтган кеча мен эрдиму ул сиймтан эрди, Гулшан тўрида масканимиз бир чаман эрди”* матлаъси б-н бошланади (604-ғазал). Ун бир байтдан иборат ушбу ғазалда ошиқнинг ёр б-н висол онлари тасвирланган. Унда воқеа баёни бирламчи аҳамият касб этиб, ҳиссий кечинмалар тасвири орқа планга ўтган. Лирик қаҳрамон кечинмалари, унинг руҳий ҳолати сюжет жараёнида воқеалар ривожига тарзида бирин-кетин очила боради. Ғазал хулосаси мақтаъда сюжетнинг яқунловчи унсур сифатида юзага чиқади: *“Ҳажр эжди Навоийни гар ўлтурса, не армон, Мунчаки, мурод анга бу важҳи ҳасан эрди”*. Ушбу ғазал шоир замондошларининг диққатини ҳам ўзига тортган ва улар ижодиётига кучли таъсир кўрсатган. Хусусан, Бобур ўзининг арузга бағишланган рисоласида “боштин-аёқ бу ғазалда бир ҳикоят манзум” бўлганлигини айтади ва “Туно кун бирла..” деб бошланув-

чи газалини мазкур газал таъсирида яратганлигини таъкидлайди.

“Ф.” даги шеърлар аруз тизимининг 11 баҳрида яратилган. Улар орасида туркий шеърятда кенг қўлланилган баҳрлар 6-н бирга ниҳоятда кам истифода этилган, номатбуъ баҳрлар ҳам бор. Навоий томонидан туркий шеърятга олиб кирилган *мутадорик* баҳрининг фақат *чўзиқ* ҳижоладан иборат Мутадорик мусаммани мақтуъ вазида ёзилган *“Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни, Кўнглум итмиш, топқил уни”* (638-газал), ун олти рукли мутақориби мақбузи аслам вазида яратилган *“Не пок Мажнунки, бир парий чехра пок ҳуснига зор бўлғай, Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса, не ихтиёр бўлғай”* (634-газал) газалларининг ушбу девондан ўрин олиши “Ф.” даги шеърларнинг оҳанг жиҳатидан ранг-баранглигини таъминлаган. Шунингдек, туркий шеърятда илк марта Алишер Навоий томонидан қўлланилган *мунсариҳи мусаммани матвийи манхур* вазининг девондаги *“Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавастур, Лабларидинким ҳусули мумкин эмастур”* матлаъли газалда қўлланилиши “Ф.” нинг ўзига ҳослигини кўрсатувчи омиллардандир (198-газал).

Девондан ўрин олган сўнги 650-газал бевосита “Хазоийн ул-маоний” куллиётидаги газалларга яқун ясайди. Навоий “тўрт дафтар”, яъни девонларни яқунлаётганига ишора қилар экан, *ўз сўзини айнан Расулulloҳ мадҳи 6-н тугалламоқчи эканлигини* алоҳида таъкидлайди: *Сенинг мадойиҳи наътингда, ё Расулulloҳ, Тамом бўлди Навоий такаллуми поки.*

“Ф.” девонига газалдан кейин *муस्ताзод* жанри киритилган бўлиб, куллиётдаги бошқа муस्ताзодлар сингари 7 байтдан иборат. Муस्ताзод шоирнинг кексалик даврига мансуб бўлиб, фалсафий-тасаввуфий мавзуда. Унда илоҳий шаробдан махмур ринднинг поэтик образи чизилган. Ринд пири харобот мажлисини қўмсаб, майхонага йўл олади ва у ерда ўзи каби “сабуҳ аҳли” 6-н май ичиб, “бир жом била” маст бўлиб, “муроди-га” етади. Бошқача айтганда, ишқ йўлига кирган ошиқ учун энг мақбул жой Илоҳ муҳаббати, ирфоний суҳбатлардан дил ором топадиган комил инсон ҳузури. Фақат шу жой унга таскин беради, ўз паноҳига

олади, шу сабабли муस्ताзоднинг лирик қаҳрамони “дайри фано” (пир маскани)ни кузлаб, йўлга тушади:

*Бордим бу саҳар дайри фано сари
уруб гом, махмури шабона,
Тортар эди ҳар лаҳза сабуҳ
аҳли ичиб жом, ноқуси муғона.*

Муस्ताзод байтларида қўлланган *ружуъ* санъати жанрга хос ўйноқи ритм 6-н ҳамоҳанглик касб этиб, шеърнинг поэтик таъсирчанлигини оширган.

Девондан икки мухаммас ўрин олган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам яратилиш хусусиятига кўра тахмис ҳисобланади. Девондаги биринчи тахмис *“Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни беҳамто йигит”* мисраси 6-н бошланиб, 9 банддан иборат. Тахмис учун асос бўлган газал “Ғаройиб ус-сигар” девонидан 80-рақам остида ўрин олган. *“Кўргузуб юз, кўнглума юз минг жафому қилмадинг”* деб бошланувчи иккинчи тахмис эса 6 банддан иборат бўлиб, унга асос бўлган газал дастлаб “Бадоеъ ул-бидоя” (405-газал), кейинчалик “Бадоеъ ул-васат” (356-газал)дан жой олган. Газал *“Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг, Дуди бирла хонумонимни қарому қилмадинг”* деган матлаъ 6-н бошланади. Одатда, газалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони газал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, газалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин. Айнан шу ҳолат юқоридаги тахмисда ҳам кузатилади. Тахмисга асос бўлган газал ҳар иккала девонда ҳажман 7 байтдан иборат. Аммо тахмис боғланганда унинг *“Дема, эй кўзим, не қилдим, гар сени кўр истасам, Бир боқиб, юз минг балоға мубталому қилмадинг?”* байти қисқартирилиб, мухаммас 6 банд ҳолига келтирилган. Бу ҳолатни қофия талаби 6-н боғлиқ ҳолда изоҳлаш мумкин. Айнан шу қисқартириш газалнинг 3-байтидаги “зулм” сўзининг тахмис таркибида “жабр” сўзи 6-н алмаштирилишига олиб келган. Чунки 4-байт ташлаб юборилгач, газалнинг “зулм” сўзи 6-н яқунланувчи 5-байти тахмис таркибига 4-банд сифатида киритилган. Натижада ушбу сўзининг икки банд таркибида кетма-кет келиши услу-

бий ғализликни юзага келтирган ва Навоий учинчи банддаги “зулм” сўзини “жавр” б-н алмаштирган. Бу қолатлар Навоийнинг сўз, хусусан, шеърга юксак талабчанлик б-н ёндашганлигини кўрсатади. Навоийнинг ушбу мухаммасларига хос хусусият – шоир уларда тахмисга асос бўлган ғазалда айтилган фикрни тадрижий ривожлантиради, мавзуни кенгайтиради, образларни бойитади, бир ғазал доирасида айтиб улгурмаган фикрларини кенг кўламда салмоқли тарзда ифодалашга муваффақ бўлади.

Девондан ўрин олган ягона – етти банддан иборат “Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Қорун устина” деб бошланувчи мусаддас Лутфий ғазалига тасдис тарзида яратилган. Унда Лутфийнинг ёр гўзаллиги таърифланган ғазалидаги мавзу кенгайтирилиб, янги тимсоллар б-н бойитилган (ганжи Қорун, Чин суратгари, газоли Чин, кема,); *талмиҳ, нидо, таносуб, ийҳом* санъатлари воситасида ошиқнинг ишқ йўлидаги ранжу машаққатлари бадийий йўсинда ифодалаб берилган.

“Ф.”даги шеърлар Алишер Навоийнинг жанрлардан фойдаланиш имкониятлари юксаклигини намён қилади. Жумладан, девонда шоир ўзигача туркий шеъриятда жуда кам қўлланилган *мусамман* шеър шаклига ҳам мурожаат қилган. Ҳажман 7 банд – жами 56 мисрадан иборат ушбу мусамман мурадфаб (радибли) бўлиб, унда “эй кўнгул” жумласи радиф бўлиб келган. Мусамман ишқий мавзуда: ошиқнинг ёр озоридан шикоят қилиб, кўнгилга мурожаати тарзида яратилган. Ёрнинг сафарга йўл олиб, ошиқни ҳижрон дардига ошно қилганлиги хабари б-н бошланган мусамман кейинги бандларда фироқ изтироблари, ошиқ қолининг афгорлиги баёни б-н давом этади. Дастлабки уч бандда ўз ҳолатининг нотавонлиги учун кўнгулни айбдор қилган шоир кейинги бандларда хасталиги туфайли ёр б-н сафардош бўлолмаётганлигини афсус б-н баён этади, яна кўнгулга мурожаат қилиб, ёрга “рафиқу ҳамқадам” бўлмоқликни, фурсат ториб, унга “Навоий дардин изҳор” этмоқликни ўтинади. Ҳар банд мақтаъсида “эй кўнгул” мурожаатининг такрорланиши шоир руҳий ҳолатининг ифодаси б-н ҳамоҳанглик касб этган.

Девонга “Ҳазойин ул-маоний”даги тўртта таржиъбанднинг бири киритилган. Таржиъбанд “То харобот аромен дурдошом” мисраси б-н бошланиб, ҳажман 10 банд (ҳар бир банд 11 байтли), 110 байтни ўз ичига олади. Унда аруз тизимининг рамали мусаддаси махбуни мақтаъи мусаббағ (фоилотун фаилотун фаълон, – V – – / VV – – / – –) вази қўлланилган. Ушбу таржиъбанд тасаввуфий-фалсафий мазмунда бўлиб, куллиётга киритилган таржиъбандларнинг хотимасидай янграйди. Таржиъбандда “дайр томи уза бир бути сарв” ни кўргач, “Шайх Санъон киби дин тарки қилиб, зуҳду тақводин истифдор” қилган, тас-ий тил б-н айтганда, ҳол даражасига етишган ошиқнинг руҳий кечинмалари баён қилинган. Таржиъбанддаги “бут” – ошиқнинг асосий маглаби, яъни маъшуқ тимсолидир, дайр эса – бутхона, оташпарастлар ибодатгоҳи бўлиб, ориф кишилар мажлисини англатади. Кўнгил дайрини бут хаёли б-н безаш – пир суҳбатини кўмсаш демак. Дин тарки қилиб, зуҳду тақводан воз кечиш ҳам рамзий моҳиятга эга бўлиб, Илоҳга етиш учун барча дунёвийликдан, жумладан, дунёвий илмлардан холи бўлиш, ақлдан ва ақлий нарсалардан қутулиш, ўзлигини унутишга ишорадир (Н.Комилов). Шеърнинг лирик қаҳрамони ўз табиати ва ишқдаги мартабасига кўра “Лисон ут-тайр” дostonидаги *Шайх Санъон* тимсолини едга солади. Таржиъбанддаги восила байт куйидагича:

Яна муғ дайрига кирдим сармаст,

Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

“Ф.”дан “Ҳазойин ул-маоний”да ягона бўлган соқийнома ҳам ўрин олган бўлиб, ҳажман 458 байтдан иборат. Унда аруз тизимининг *рамали мусаддаси солими махбуни мақтаъ эки маҳзуф* (рукнлари *ва тақтиғи: фоилотун фаилотун фаълун эки фаилун – V – – / V V – – / – –* эки VV –) вази қўлланилган. Соқийнома Навоий “Мажолис ун-нафоис”ни тартиб берганидан кейин яратилган, буни шоирнинг “*Ўзгасин қилмадим андин мазкур, Ки “Мажолис”да эрурлар мастур*” деган байтидан ҳам билиб олиш мумкин. Соқийнома турли ҳажмдаги 32 банддан иборат бўлиб, унинг ҳар бир банди муайян шахс ёки мавзуга қаратилган. Бандлар Ҳусайн

Бойқаро, унинг ўғиллари, жиаянлари ва набираларига, Навоийнинг яқин кишилари, дўстлари, шоирлар ва баъзи замондошларига бағишланган. Соқийнома асарда номлари тилга олинган шахслар фаолияти б-н боғлиқ маълумотларнинг ҳаққонийлиги, жанр доирасида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг акс этганлиги, буюк шоирнинг бевосита ўз ҳаёти ва замонага доир айрим қайдларининг келтирилганлиги б-н алоҳида аҳамият касб этади (яна қаранг: “Соқийнома”).

Девонга “Ҳазойин ул-маоний” куллиётидаги 210 қитъадан 50 таси киритилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 112 байт. Навоий қитъалари ҳам девондаги бошқа жанрлар, хусусан, ғазал сингари муайян туркумда тартибланган. Унда дастлаб “Ҳақ таоло” хусусидаги ҳамд-қитъа берилса, ундан сўнг анъанага кўра Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бағишланган наът-қитъа келади. Қитъаларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳат уларнинг аксарияти ҳасби ҳол характериға эға бўлиб, уларда буюк мутафаккир ўз руҳий ҳолати, феъли-сажияси, ижодига доир баъзи масалалар ҳақида мулоҳаза юритади. “Ф.”даги қитъалар шоирнинг мазкур жанрдаги шеърларига яқун ясайди. Девондаги сўнги қитъа буюк мутафаккирнинг Яратган олдидаги таслимиятидек янграйди:

Қазодин улча манга

келди, зикри хожат эмас,

Вилур чу шиддати ҳолимни

қозиюл-хожот”.

“Ф.” девони фард жанри б-н интиҳо топади. Навоийнинг туркий тилда яратилган ушбу жанрдаги барча шеърлари мазкур девондан ўрин олган. Уларнинг сони 86 та. Девондаги фардларнинг 82 таси қофияли, тўрттаси (82-, 83-, 84- ва 86-фардлар) эса қофиясиздир. Шоирнинг илк расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя”га 53 та фард киритилган бўлиб, улардан 49 таси “Ф.” таркибидан ўрин олган, қолган тўрт фард эса кейинчалик шоирнинг баъзи ғазал ва қитъалари учун асос бўлган. Навоий фардлари шоирнинг ҳаётий тажрибалари маҳсули бўлмиш чуқур мушоҳадалари ва мантикий хулосаларини ўзида акс эттириш б-н бирга, шоир шеърий даҳосининг айрим қирралари

ри ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Қуйидаги фардда шоирнинг давр ва олам аҳли ҳақидаги фалсафий қарашлари ўз ифодасини топган:

Истасангким, кўрмагайсен

бевафолиғ, эй рафиқ,

Қилма олам аҳли бирла

ошнолиғ, эй рафиқ

(26-фард)

“Ф.”дан ўрин олган аксарият фардлар шоирнинг ғазал ва қитъаларидаги ижтимоий мавзуга доир қарашларини янада тўлдиришга хизмат қилиши б-н алоҳида аҳамият касб этади (яна қар.: фард).

“Ф.” девони Алишер Навоийнинг девон тузишдаги маҳоратини кўрсатувчи муҳим манба бўлиш б-н бирга мумтоз туркий шеърятдаги девончиликнинг гўзал намунаси эканлиги б-н ҳам алоҳида аҳамиятга эға.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙСИЙ (15-аср, Самарқанд) – олим, мударрис. Абуллайсийлар сулоласи Самарқанднинг қадимий зиёли хонадонларидан бири бўлиб, уларнинг Шарқда кенг танилиши 10-асрда фақиҳ Абуллайс бин Муҳаммад бин Иброҳим Самарқандийдан бошланган. Унинг “Танбех ул-ғофилин” (“Ғофилларга танбех”), “Ҳазинаҳои фикҳ” (“Фикҳ хазиналари”), “Саҳойиф ул-ҳаёт” (“Ҳаёт саҳифалари”) каби ахлоқ ва ҳуқуқ масалаларига бағишланган асарлари ўз давридаёқ катта шухрат қозонган эди. Ф.А. сулола анъанасини темурийлар даврида шараф б-н давом эттиради. Уни фикҳдаги макомини машҳур фақиҳ, ҳанафия мазаҳаби асосчиси Абу Ҳанифа б-н қиёслаб, “Абу Ҳанифаи соний”, деб атаганлар, араб тилини чуқур ўлаштирганлиги учун таниқли араб тилшуноси Ибн Ҳожибга тенглаштирганлар. Билим доирасининг кенг ва чуқурлиги жиҳатидан уни ҳатто “иккинчи ибн Сино” деб атаганлар. Ф.А.нинг бой кутубхонаси бўлиб, шухрати ён-атрофга кенг ёйилган эди.

Навоий Самарқандга келганида ана шу донишманд алломанинг хонақоҳидан ҳужра олиб, унинг ҳузурда икки йил фал., тарих, астрономия, математика, географияга оид фанларни қунт б-н ўрганади.

Хондамирнинг маълумот беришича,

Ф.А. Алишернинг зеҳни ўткирлигини доим мактаб, уни бошқа талабаларга ибрат қилиб кўрсатар ва бошқалардан ортиқ кўрар эди. Навоийнинг ўзи ҳам “Мажолис ун-нафоис”да “анча илтифотлари бор эдиким, “фарзанд” дер эрдилар”, деб ёзади.

Ф.А.нинг мадрасасида ўша даврда Юсуф Андижоний, Юсуф Сафойи, Ҳаримий Қаландар, Муҳаммад Бадахший, Вақоий каби истеъдодли кишилар ҳам таҳсил олган ва Навоий улар б-н яқин муносабатда бўлган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да улар ҳақида маълумот берган.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ф.А.нинг шеър ва муаммога майли борлигини айтиб, унинг бир байти ва муаммосини келтириб ўтади:

Қади чун сарви ту жон

аст маро, балки равон,

Сўям, эй сарв, равон шав,

ки фидо созам жон.

(Мазмуни: Сарв каби қаднинг мен учун жон, балки ҳаётдир, эй сарв, мен сари тез кел, сенга жонимни фидо қилай).

Ф.А. Самарқандда вафот этиб, ўз хонақоҳида ота-боболари хилхонасида дафн қилинган.

ФАНО (ар. – йўқ бўлиш, тугалиш, ўлиш) – тасаввуфий-ирфоний тushунча. **Ф.** – инсон ўзлиги ва бандалиги мақомини Ҳақ таоло баробарида йўқ деб билмоқ, барча майл-истак ва таманноларидан воз кечиб, бутун олам ва оламдагилар Худонинг олдида ҳеч нарса эмаслигини теран англамоқ, башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар б-н ботин оламини безамоқ демакдир. **Ф.** истилоҳ сифатида биринчи марта Зуннун Мисрийнинг муриди Абу Саид Харроз томонидан қўлланилган. У “Ал-Лумаз” китобида **Ф.**га шундай таъриф беради: “**Ф.** – бандалик ишларидан буткул узилмоқ ва бақо – илоҳий мушоҳадада боқий қолмоқ эрур...Баъзи кишилар муҳаққиқларнинг **Ф.** тўғрисидаги сўзларидан иштибоҳга тушиб, башарийят **Ф.**си емак-ичмакни тарк этмоқдан ҳосил бўлади, негаки жисм кучсизланганида башарий сифатлар ундан кетади ва инсон илоҳий сифатлар б-н сифатланади, деб ўйлайдилар. Бу гумроҳлар башарийлик ва башарий ахлоқ ўртасида

тафовутни билмадилар. Оқ рангдан оқлик ва қора рангдан қоралик сифати кетмаганидек, башарий табиат инсондан кетмас. Ҳақиқат нурунинг қудрати сабабидан тадил ва ўзгаришга дуч келадиган нарса башарий ахлоқдир”.

Мустамлий Бухорий “Шарҳи ат-Таъаруф” китобида **Ф.**и ҳол – халққа нисбатан унсият ҳисси ҳам, бегоналик туйғуси ҳам бўлмаслик, ўзига нисбатан бўлаётган яхши-ёмон ишларга бефарқ бўлиш ҳамда одамларга фақат эзгулик улашишда собитқадам бўлиш; **Ф.**и хилоф – зоҳирда ҳам, ботинда ҳам бошига тушган синов ва неъматларга нисбатан норозилик ёки ношукурлик туйғусининг буткул йўқолиши ҳамда адаб ва эҳтиром туйғусининг устувор бўлиши; **Ф.**и мосиваллоҳ – кўнгил кўзида Аллоҳ нури ва жамолидан ўзга бошқа бирор нарса жилва этмаслиги, Ҳақ таолонинг Биру Борлигига иқрор бўлган ҳолда барча ният ва амалларни шунга мувофиқ тўғрилаш ҳақида фикр юритиб, жумладан шундай ёзади: “Кимки **Ф.** филлоҳ мақомига етса, Ҳақ таоло бандасига юклаган вазифалар сақланиб қолади. Бу сўзнинг маъноси шуки, тўғри **Ф.** Ҳақ таоло мушоҳадасида фоний бўлмоқдир. Аммо Шайтон ва нафснинг макрлари кўндир, балким бу **Ф.** Шайтон васваси ва алдамчи туйғуларнинг оқибати бўлиб, халқ уни **Ф.** филлоҳ деб ўйлашлари мумкин. **Ф.** халқдан Ҳаққа бўлади, Ҳақдан халққа **Ф.** йўли йўқдир. Халқдан Ҳаққа **Ф.** бўлишнинг нишони шуки, солиқ халқдан ва ўзидан **Ф.** бўлганидан кейин ҳам барча ибодатлар ва шариат одобларини бекам-кўст бажо келтиради. Адабсизларга Азал ва Абад Подшоҳи даргоҳига йўл йўқдир. Гумроҳларгина Подшоҳ ҳузурида одобсизлик қиладилар”.

“Рисолаи Қушайрия” муаллифи инсон табиатида ёмон хислатларнинг йўқ бўлишини **Ф.** ва уларнинг ўрнига гўзал хулқларнинг қарор топишини бақо, деб таърифлайди. Иззуддин Кошоний **Ф.**ни сайр илаллоҳнинг ниҳояси, деб билган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд “Ал-қосибу ҳабибуллоҳ” (Қосиб – Аллоҳнинг дўстидир) деган ҳадисни шарҳлаганида бу ҳадисда қосиб – фоний демакдир, инсон **Ф.**ни касб этганидагина Ҳақ таолонинг севимли бан-

дасига айланиши мумкин, деган ғояни илгарди суради.

“Лисон ут-тайр”да еттинчи водий Факру Ф. водийсининг адоси, деб номланиб, унда Навоий Ф.ни тушунтириш учун денгиз ва унинг тўлқинлари мотивига мурожаат қилади. Оламдаги янгиликлар, пайдо бўлишлар ва йўқ бўлиб кетишлар денгизнинг мавжланишига ўхшайди. Оламдаги мавжудлик ўз моҳиятига кўра тўлқиннинг умри ва кўриниши каби қисқа ва ранг-баранг. Тўлқин – олам, яъни Ф. тимсоли, денгиз – Аллоҳ, яъни бақонинг тимсоли. Оламнинг борлиги – аслида мавҳум ва бақосиз бўлиб, Ҳақ таолонинг вужудидан ўзга барча мавжуд фанийдир. Шу сабабдан, боқийликка етишмоқ учун фаний мутлақ бўлиш керак. “Лисон ут-тайр” достони ҳамда форсий асарларни ижод қилишда Навоий ўзига “Фаний” тахаллусини танлагани ҳам ушбу тушунча шоирнинг асосий маслагига уйғун эканлигини англатади:

Дединг, фано недурур,

мухтасар дейин ўлмак

Ки, шарҳини тиласанг,

юз рисола бўлғусидур.

(“Бадоеъ ул-васат”, 195-ғазал)

ФАНОИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. “Ҳамса”нинг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр”ни 1529–30 й. китобат қилган. Айни қўлёзма Боку шаҳрида жойлашган Оз ФА қўлёзмалар институтида Б 5078-рақами остида сақланади. Ҳажми 146 варақдан иборат.

ФАРД (ар.) – яққа, ёлғиз, ягона. Бир байтдангина иборат энг кичик мустақил шеър шакли, *a-a* ёки *a-b* тарзида қофияланади. Ф. бир байтдан ташкил топган бўлса-да, унда шоирнинг ахлоқий-таълимий фикрлари, фалсафий қарашлари қаламга олиниб, ихчам поэтик хулоса ифодаланади. Шу маънода Ф.лар кўпинча афоризм харақтерига эга бўлади.

Туркий ад-тшуносликда Ф. ҳақидаги илк назарий қарашлар Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (1436–37) асирида келтирилган бўлиб, муаллиф Ф.нинг икки мисрадан иборат мустақил шеър эканлигини таъкидлагани ҳолда унинг фақат

a-b тарзида қофияланишини айтиб ўтади. Ф.лар баъзан катта ҳажмли асарлар таркибида келиб, шу асарлар мазмунига мос ҳолда фалсафий-ахлоқий ғояларни ифодалаш ёки асарлар сўнгида келиб, хулоса ясаш, “қиссадан ҳисса чиқариш” вазифасини бажариши ҳам мумкин. Туркий ад-тдаги илк Ф. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асири (1353–1354) сўнгида келтирилган бўлиб, хулоса ясаш вазифасини бажарган.

Ф. жанрининг ривожланишида Алишер Навоий ижодининг алоҳида ўрни бор. Шоирнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллийетида 86 та, “Маҳбуб ул-қулуб” асирида 60 дан ортиқ ва бошқа насрий асарлари таркибида яна ўнлаб Ф.лар мавжуд. “Ҳазойин ул-маоний”даги 86 та Ф.дан 82 таси қофияли, тўрттаси (82-, 83-, 84- ва 86-Ф.лар) эса қофиясиздир. Ф.ларнинг барчаси “Фавоийд ул-кибар” девонига киритилган бўлиб, муайян маънода “Ҳазойин ул-маоний” куллийетини яқунловчи хулосавий жанр вазифасини ўтаган.

Алишер Навоий Ф.лари ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий масалаларга бағишланган бўлиб, бадиий жиҳатдан юксак шеър намуналаридир. Уларда ийҳом, хусни таълил, тамсил, ирсоли масал, ташбеҳ каби санъатлар моҳирлик б-н қўлланилган. Масалан, қуйидаги Ф.да “дам урмоқ” жумласи воситасида икки маъно: *нафас чиқармоқ* ва *гапирмоқ* маънолари англашиляпти ва бу орқали ийҳом санъати вужудга келтирилган:

Киши айбинг деса дам урмағилким,

ул эрур кўзгу,

Чу кўзгу тийра бўлди,

ўзга айбинг зоҳир айларму?

(“Фавоийд ул-кибар”, 29-фард)

Шунингдек, мазкур Ф.га “Мусулмон мусулмонга кўзгудир” деган ҳадис мазмуни ҳам усталик б-н сингдирилган.

Алишер Навоий Ф.ларидаги қўлаб ахлоқий-таълимий фикрлар халқ орасида шухрат топиб, ҳикматли сўзлар қаторидан ўрин олган, аксарияти халқ мақолларига айланиб кетган:

Ҳақ йўлида ким санга

бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг

ҳақин юз ганж ила.

(Маҳбуб ул-қулуб)

ФАРИДИДДИН АТТОР, Абуҳомид Мухаммад ибн Абубакр Иброҳим Нишопурий (1145, Нишопур – 1221) – шоир, носир ва ориф. Отаси Абубакр ибн Иброҳим аттор ва табиб бўлиб, касби ўглига ҳам мерос бўлиб ўтган. Шоирнинг Аттор номи б-н халқ ичида машҳур бўлиши ва уни адабий тахаллус қилиб олиши шу б-н боғлиқ.

Ёшлигидан илм олишга қизиққан Мухаммад адабий, диний, ҳикмату калом, нужум, тиб ва доришунослик фанларини чуқур ўзлаштириб, ўз даврининг пешқадам кишиларидан бирига айланади. У сўфийлик муҳити ва тас. аҳли орасида яшаганидан бу таълимот унга кучли таъсир кўрсатган. Воқеан, отаси Иброҳим машҳур авлиё Кутбиддин Ҳайдарнинг муриди эди. Унинг ўзи ҳам йирик шайх ва авлиё бўлган. Ф.А. шайхлар шайхи Мажиддин Бағдодий қўлидан дарвешлик хирқасини кийган. Бу ҳақда “Насойим ул-муҳаббат”да ўқиймиз: *“Алар Шайх Маждуддин Бағдодий муридидурлар ва “Тазкират ул-авлиё” китобиким, аларнинг муаннифотидиндур. Анинг дебочасида ўзларининг Шайх Маждуддинга иродатларин зоҳир қилибдурлар”*.

Эронлик машҳур ад-тшунос Саид Нафисий ҳам уни кубравия тариқатининг давомчиси бўлган, деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, Ф.А. тариқат сулукида Шайх Рукниддиннинг муриди саналади. Аслида у увайсий бўлиб, машҳур сўфий Мансур Ҳалложнинг руҳидан тарбия тонган. Алишер Навоий Жалолиддин Румий тилидан бу ҳақда *“Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва унинг мураббийси бўлибдир”*, деб ёзади. Айни пайтда, Ф.А. Жалолиддин Румийнинг келажagini башорат қилиб, унга ўзининг “Асрорнома” китобини ҳадя этган. Румийнинг: “Аттор руҳ эди-ю, Санойи унинг икки кўзи. Виз Санойи ва Аттор изидан келдик”, деган иқрори бежиз эмас. Алишер Навоийнинг ҳам Ф.А.га ихлос-эътиқоди баланд бўлиб, беш ёшида “Мантиқ ут-тайр”ни ёд олгани, бир умр унинг ижодидан таъсирланиб, ҳаётининг сўнгида унга “таржума расми била” жавоб айтгани – “Лисон ут-тайр”ни яратгани маълум. Бу дostonда Алишер На-

воий Ф.А.ни – Қақнус, ўзини – Қақнус боласига ўхшатган эди.

Ф.А. жуда сермахсул шоир бўлиб, унинг 40 дан 190 тагача асар ёзгани нақл қилинади. У Қуръони Карим суралари миқдорича, яъни 114 та асар яратган деган маълумотлар ҳам мавжуд. Улар орасида “Мантиқ ут-тайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Мусибатнома”, “Жавҳар уз-зот”, “Хусравнома”, “Булбулнома”, “Панднома”, “Уштурнома”, “Маъжар ул-ажойиб” дostonлари машҳур. Яна “Ҳайдарнома”, “Шарҳ ул-қалб”, “Гумгумнома”, “Жавоҳирнома”, “Меърожнома”, “Ҳалложнома”, “Вуслатнома”, “Лисон ул-ғайб”, “Бесарнома”, “Синома” маснавийлари борлиги ҳам манбаларда келтирилади, лекин уларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзиларидан муаллифнинг ўзи воз кечган бўлса, баъзилари бошқа муаллифларга нисбат берилди. “Мухторнома” 3000 рубойдан иборат бўлиб, 50 фаслга бўлинган, лекин кейинчалик уларнинг бир қисмидан ўша давр қарашларига тўғри келмагани сабабли муаллифнинг ўзи воз кечган, деган фикрлар бор. Асарнинг Теҳронда нашр этилган нусхаси 2279 рубойни ўз ичига олади. 100 дан зиёд қасида, мингдан зиёд газалу китъадан иборат салмоқли девони ҳам бизгача тўлиқ етиб келмаган. Яна “Футувватномаи манзум” номли асари бўлгани ва унда футувват қоидалари назмий талқин қилинганлиги айтилади. Навоий унинг назмий меросини 120 минг, Давлатпoх Самарқандий 250 минг байтга яқин деб айтади. Лекин ҳозиргача маълум бўлган асарларининг умумий ҳажми 50 минг байт атрофида. Насрда эса фақат “Тазкират ул-авлиё” асари яратилган бўлиб, унда 96 та шайху авлиё ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Навоий “Лисон ут-тайр”нинг Ф.А. таърифига бағишланган 13-фаслида бу асарларнинг мавзу-моҳиятини қисқа мисраларда кўрсатиб ўтади. Айтайлик, “Илоҳийнома” – илоҳий сирлар шарҳи бўлса, “Мусибатнома”да шоир “нафсқа юз мусибат аён” айлайди, “Уштурнома”да шоҳлар бошига тож бўлгулик маъно дурларини тизади, газалларида ваҳдат асрорини бадиий талқин қилади, “Мухторнома”да маъно олами хусусида алоҳида-алоҳида маълум-

мот беради, “Тазкират ул-авлиё” орқали юзга яқин авлиёга қайта ҳаёт бағишлаган. Шоирнинг фикрича, асарларнинг барчаси бир тарафу “Мантиқ ут-тайр” бир тараф:

*Ондаким, дарж этти қушлардин мақол,
Ўзга тилдир, ўзга сўздур, ўзга ҳол.*

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”да Ф.А.ни ўзига устоз санаб, дostonнинг боши ва охиридаги фаслни унга бағишлабгина қолмай, “Насойим ул-муҳаббат” таъкирасида ҳам у ҳақда анча кенг маълумот беради. Бундан ташқари, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-лугатайн”, “Хамсаат ул-муҳаййирин”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарларида ҳам у ёки бу муносабат б-н Ф.А.га билвосита тўхталиб ўтади.

“Маҳбуб ул-қулуб”да қалам аҳлини илоҳий ишқни улуғлаган, илоҳий ва мажозий ишқни омухта ҳолда тараннум этган ва мажозий ишқни куйлаган шоирлар сифатида уч тоифага ажратиб, Ф.А.ни биринчи тоифага киритади. Бу тоифанинг шеърятдан мақсади илоҳий сирларнинг назмий талқини – маъно хазинасидан маърифат гавҳарини териб, ўқувчилар файз олиши учун назм риштасига теришдан иборат.

ФАРИДУН, Афридун – Пешдодийлар сулоласининг асосчиси, адолат тимсолларидан бири. “Тарихи мулуки Ажам”да Ф.га бағишланган алоҳида боб мавжуд. Унда келтирилишича, Жамшид авлодидан бўлмиш Отибиннинг ўғли Ф. Заҳқоққа қарши кўзғалган Кова бошчилигидаги исёнга раҳбарлик қилади. Нужум, тиб ва афсунгарлик илмлари ҳамда Меҳржон байрамига асос солган. Уч ўғли – Салм, Тур ва Эражга мамлакатини бўлиб берганидан сўнг ораларида адоват пайдо бўлиб, Рум ва Турон ҳукмдорлари Салм б-н Тур ўз укалари Эражни ўлдиришади. Йиллар ўтиб, Ф.нинг набираси Манучеҳр ўз амакиларидан отасининг қасосини олади. Шу тариқа, беш юз йил адолат б-н ҳукмронлик қилган Ф. уч ўғлини тупроққа топширади ва ҳасрат б-н бу дунёдан ўтади.

*Не Фаридундин асар чун қолди,
не Жамшиддин,*

*Ҳашматинг Жамшиду
Афридунга ҳамбар булди, тут.
 (“Наводир уш-шабоб”, 69-ғазал)*

ФАРИДУН ҲУСАЙН МИРЗО (1479, Ҳирот – 1508, Қалот) – теурий шаҳзода. Ҳусайн Бойқаронинг ўзбек беклари хонадонидан бўлган Минглибий Оғача бегим деган хотинидан туғилган саккизинчи ўғли. Минглибий уч ўғил (Абутуроб Мирзо (1472), Муҳаммад Ҳусайн Мирзо (1476), Ф.Х.М. ва икки қиз (Байрам Султон бегим, Фотима Султон бегим)нинг онаси эди. Ф.Х.М. 1503 й. Астарободни бошқариб турган акаси Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ҳузурига боради. Акаси орадан кўп ўтмай қора безгақдан 27 ёшида вафот этиб, ўрнига у ўтиради.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да уни Фаридун фазилатлик ва Ҳусайн насаблик, зотида улуглик ва виқор намоён, “хулқи адаб ва ҳурмат шиорлиқ, ёй кучида ягона ва ўқ отарда замона аҳлига нишона. Тоат ва тақвога мойил, зикр ва тиловатка машғул йигитдур хўб таъби ва мулоийм зеҳни бор”, деб таърифлаб, бир форсий, бир туркий матлаъсини мисол тариқасида келтиради:

*Гарчи дар кди ту помоли
жафо гардидаам,*

*Ба Худо, гар сари мје
зи вафо гардидаам.*

(Мазмуни: Гарчи сенинг кўйингда жафо мени эзиб юборган бўлса ҳам, Худо ҳаққи, вафо йўлидан қилча четга чиққанам йўқ).

*Эй сабо, еткур манга
сарай равонимдин хабар,*

*Раҳм этиб, бергил манга
оромижонимдин хабар.*

“Мажолис ун-нафоис”ни форс тилига таржима қилган Фаҳрий Ҳиротий Алишер Навоий маълумотларига қўшимча қилиб, “ниҳоятда хуштабъ ва дарвешийрат йигит эди. Агар Султон Ҳусайн Бойқаронинг барча авлоди гўзал ахлоқли, ибратли атворли ва фаалу камол б-н ораста, шеър ва муаммода ўткир бўлсалар, бу уларнинг нешқадами ва энг ёқимлиси эди. Айтиш мумкинки, у ҳар соҳада фазилатли эди”, деб ёзади. У Алишер Навоий келтирган мисолларга яна шаҳзоданинг уч форсий матлаъсини илова қилади.

Бобур Ф.Х.М. жуда довурак бўлиб, ёйни кучли тортиши ва ўқни яхши отишига қарамай, бирор-бир жангда ғалаба нашъасини суриш унга муяссар бўлмагани ҳақида хабар беради. Сом Мирзо Сафавий ҳам унинг

ҳарбий салоҳияти ва шижоатини юксак баҳолайди. “Отаси вафотидан сўнг иқболи рўзгор золи панжасига дош бера олмади”. Жумладан, Дудар работида Шайбонийхоннинг илғори бўлган Темур Султон ва Убайд Султон б-н яхши жанг қилган бўлса ҳам, лекин мағлуб бўлган. Домгонда Муҳаммад Замон мирзо б-н бирга Шайбонийга асир тушади, лекин у шаҳзодаларнинг риюятини қилиб, қўйиб юборади. Кейинчалик Шоҳ Муҳаммад девона Қалотни қамал қилганида ҳалок бўлади.

ФАРРОЪ, Абубакр Муҳаммад бин Аҳмад бин Ҳамдун Фарроъ (ваф. 980) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Пўстин тикиш б-н шуғуллангани учун “Фарроъ” нисбаси б-н машҳур бўлган. Шайх Аму, Абу Али Сақафий, Абдуллоҳ Манозил, Абубакр Шиблий Бағдодий, Абу Тоҳир Абҳарий, Муртаъиш суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ФАРРУХ – 1) муборак; гўзал, бахтиёр, улуг:

*Ишида кўруб фаррух анжомини,
Олуи салтанат амридин комини.*

(“Садди Искандарий”)

Навоий асарларида Ф негизиде ясалган куйидаги сўзларни учратиш мумкин:

Ф.бахт – бахтиёр, қутлуг, бахтли; фадийдор – очик юзли, чеҳраси ёқимли, бахтли, бахтиёр; Ф.жамол – гўзал, соҳибжамол; Ф.ниҳод – сийрати гўзал, аслзода; Ф.пай – қадами қутлуг; Ф.фол – хуштоле, қутлуг, бахтиёр; Ф.ойин – бахт келтирувчи, бахтиёр қилувчи ва ҳ.к.

2) “Сабъаи сайёр” достонидаги биринчи ҳикоят қаҳрамони. Ҳиндистон шаҳзодаси. Илму ҳунарли, тожу тахтдан нафратландиган олийжаноб бу шаҳзоданинг кўнглига ишқ ўти тушгач, севгилсини излаб, йўлга тушади. Йўлда бир қанча қийинчиликларни кўриб, бир харобада хору зор ҳолда ётганда олийҳиммат *хожа Ахий*га учраб қолади. Ўзи билмаган ҳолда Ахийнинг хотинига уйлангач, ҳақиқатни қиздан билган Фаррух у б-н ака-сингил тутинади. Ахий

каби муҳтож ва бечораларга марҳамат кўрсатишни одат қилган Фаррух бир куни тасодифан Ахийни шундай хору зор аҳволда учратиб қолади ҳамда саройига олиб келиб, беқийс меҳрибончиликлар кўрсатгач, ўз хотинини унга никоҳлаб беради. Ахийнинг олийжаноблиги Фаррухнинг ҳам улуг инсон бўлиб шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

*Оти Фаррух жамоли фархунда,
Хулқи олам элин қилиб банда.*

(“Сабъаи сайёр”)

ФАРФИНЮС, ФИСОҒУРС (мил.ав. 571–497) – Пифагорнинг Шарқдаги номи. “Лисон ут-тайр”да Фисоғурс деб аталган.

П. ва унинг тарафдорлари илм-фан, айниқса, математика ва астрономия фанлари тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Ривоятларга кўра, Ф. ўрмон яқинидан ўтиб кетаётганда қақнус қуши сайраётганини эшитган. Бу унинг мусиқа куйлари ва асбобларини кашф этишига сабаб бўлган.

“Лисон ут-тайр”да Қақнуснинг нолисида таъсирланиб, арғанун (орган) асбобини кашф этган донишманд сифатида талқин этилади.

*Қилди Фисоғурс ул ердин гузар,
Унлари келди кўлоғига магар.*

(“Лисон ут-тайр”)

Ф. “Тарихи анбиъ ва ҳукамо”да ҳам мусиқа илмининг асосчиси сифатида тасвирланади. “Садди Искандарий”да Искандар ёнидаги мусоҳиб донишмандлар қаторида саналади.

ФАРҒОНИЙ, Абу Жаъфар Муҳаммад бин Абдуллоҳ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фарғонада туғилиб, Нишопурда яшаган. Бағдодда Жунайд б-н ҳамсуҳбат бўлган. Абу Усмон Ҳирийнинг муриди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ФАРҲОД – “Фарход ва Ширин” достонининг бош қаҳрамони, “Хусрав ва Ширин” туркумидаги достонларда етакчи образ, Шириннинг ошиғи, Хусравнинг рақиби.

Тош йўнувчи ҳунарманд, Навоий талқинида Чин мамлакатининг шаҳзодаси.

Ф. образи Навоийгача мураккаб бадиий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Митра, Ардвисура каби маъбудлар қатори Ф. ҳам ер ости дунёсининг қадимги худоси, қурувчи ва тоштарошлар ҳомийси сифатида танилган эди. Энг қадимги инсоннинг табиат кучларига қарши кураши, ер б-н боғлиқ бўлган меҳнатни енгиллаштириш йўлидаги интилишларининг марказида турган мифологик Ф. кейинчалик ривоят ва афсоналарга кўчган. Инсон маданиятининг муҳим белгиларидан бири – меҳнат б-н боғланган Ф. култи Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон, Туркияда ҳам тарқалган эди. Ўзбекистонда Бекобод райони ёнида жойлашган Ф. тоғи, қадимги Хоразмда 12-асрда бунёд этилган Девқалъа, Қошғардаги Ф. қурган Минг уй ва бошқа иншоотлар бевосита Ф. култи б-н боғланади. (С.Эркинов)

Ф. номи биринчи бор 10-аср манбаларида, жумладан, “Тарихи Табарий”да тилга олинган. Бу маълумотларга кўра, Ф. Ширинни севиб қолган, шунинг учун тоғни кесиб, муъжизалар ва мураккаб ишларни бунёд этган. Бу, шубҳасиз, Хусрав ва Ширин тарихи ва воқеасига кўшилиб, аъъанавий сюжетни ривожлантирди ва ўзига хос муҳаббат учбурчагини яратди.

Ф. Низомийга қадар Абулҳасан Али бинни Оғочий, Сузани Сарақандий, Фаррухий, Қатрон Табризий ва Хоқоний каби шоирларнинг асарларида тилга олинган.

Ф.ни тарихий шахс деб тасдиқловчи ёки рад этувчи ҳужжатлар мавжуд эмас. Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да Хусрав Парвезга тўхталар экан, Ф. ҳақида ҳам маълумот беради: “Бири улким, агарчи Шириндек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақиби бор эрди... Ва ани билиб Хусрав рашқдин макр била Фарҳод қатлига боис бўлдиким, андин машҳурроқдурким, битмак ҳожат бўлғай”.

Ф.ни биринчи бор бадиий ад-тга Низомий Ганжавий мукаммал эпик образ сифатида олиб кириб, “Хусрав ва Ширин”нинг асосий образларидан бирига айлантирди. Шундан бошлаб Ф. ҳамсачиликнинг аъъанавий образи бўлиб қолди, унинг тўғрисида кўпдан-кўп асарлар, жумладан, дostonлар

мавжудга келди. Низомий Ганжавийнинг Ф.и Чинлик ҳунарманд йигит. У Хусравнинг маъшуқаси Ширинга ариқ қазиб беришга ёлланади ва ошиқ бўлиб қолади. Буни билиб қолган Хусрав рашқ қилиб, уни ўлдирмоқчи бўлади. Хусрав вазири Бузrug Уммиднинг маслаҳатига биноан Ф.га агар Бесутун тоғни кесиб, йўл очса, Шириндан воз кечишини айтиб, алдайди ва ҳийла б-н халок қилади.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” дostonида эса Ф. ўз ихтиёри б-н ҳунар танлаган ва шу туфайли отаси б-н келишолмаган Чин шаҳзодаси сифатида тасвирланади. Дostonда Ф. Хусравга бир пайтлар ошиқ бўлган, лекин ундан вафо кўрмаган Ширинни тасодифан кўриб қолиб, унинг илтимоси б-н Бесутун тоғни кесиб, сув чиқаради. Бу қолни кўрган ва Фарҳоднинг Ширинга нисбатан бўлган ишқига содиқлигини билган Хусрав уни ҳийла йўли б-н ўлдирди.

Навоийда Ф. образи мавжуд афсонавий ва мифологик ҳамда тасаввуфона рамзий гоёлар б-н уйғунлашган ҳолда янада мукаммаллашган. У беҳад паҳлавон бўлишига қарамай, кўнгли нозик, табиатан ишққа мойил, ошиқлар ҳақидаги афсоналарни эшитса кўз ёшини тўхтата олмайдиган шахс. Гарчи шаҳзода бўлса-да, шоҳликка рағбати йўқ, отаси қурдирган тўрт қаср ва шоҳ ҳазинасидаги олтину зарларга эътиборсиз. Илму ҳунар, одобу ахлоқда тенги йўқ. Меъморчилик ва наққошлик, ҳатто тош йўнишдек “қора” ишни ҳам ўрганишдан ор қилмайди. Отасининг ҳазинасида кўриб қолган Искандарнинг тилсим кўзгуси сирини очиб учун юнон элига бориб, жонини хатарга қўйиб, дев, аждаҳо, темир пайқар ва ҳ.к.ларни енгади. Сулаймон узуги, Қорун ҳазинаси, Жамшид жоми каби ғаройиботлар ҳам унинг ҳиммати олдида ҳечдир. Буларнинг ҳаммаси унинг идеал қаҳрамон, халқ орузидаги образ эканлигидан далолат беради. Адабиётшуносликда Навоий бу образ воситасида ўша давр темурийзодаларига сабоқ бермоқчи, Ф. каби бўлишга даъват қилмоқчи, деган қарашлар ҳам бор.

Ф.нинг инсонийлиги унинг Хусрав б-н бўлган мунозарасида яққол намоён бўлади. Унинг муҳаббатдан воз кечиш ҳақи-

даги таклифига кескин рад жавобини берган Ф. мансаб-мартаба аҳли бундай ишқдан маҳрум эканлигини айтиб, Хусравга киноя қилади. Ҳз қатли ва ӯлимини ҳам “ишқида мақсудимга еткум”, деб хурсандчилик б-н кутиб олади. Бу унинг ишқда камолотга етган ошиқ эканлигини яққол намоён қилади.

Достондаги саргузаштларни янгича йўсинда таҳлил қилган Н.Комилов “Тасаввуф” китобида Навоий Фарҳод воситасида мажзуби солиқ (пир таълими ва риёзатлар чекиш орқали жазбага етишган толиб) тимсолини гавдалантиришни мақсад қилган, деган фикрни билдиради. Олимнинг фикрича, Фарҳоднинг аждаҳо ва девни енгиши – солиқнинг нафс, мансаб ва мартаба – бу дунё ҳою ҳавасларини маҳв этиши, ўтқинчи дунёдан юз ўгириб, риёзат босқичларидан юксалишини билдирса, Суқрот ҳаким б-н юзма-юз учрашуви солиқнинг пир сўхбатига муяссар ва мушарраф бўлгани, Ширинга бўлган муҳаббати эса ҳақиқий ишқ – Аллоҳга етишиш сари интилиши, саъй-ҳаракатларини англатади.

Хуруфи маъжзин беш қисм қўйди,

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди.

Фироқу рашку ҳажру оҳила дард,

Бирар харф ибтидодин айлабон фард.

(“Фарҳод ва Ширин”)

Навоий лирикасида ҳам Ф. образига кўп мурожаат қилинган бўлиб, Шириннинг ошиғи, Хусравнинг рақиби, бало ва меҳнат (машаққат) соҳиби, Бесутун, бало тоғи, хижрон тепаси каби сифат ва ўхшатишлар б-н бирга тасвирланади.

Каломингни агар Ширин

лабида қилмадинг музмар

Недин бас лағл улур Фарҳоднинг

қон ёшидин хоро.

(“Фаройиб ус-суғар”)

“ФАРҲОД ВА ШИРИН” – Алишер Навоий “Хамса”си таркибига кирувчи иккинчи достон. 1484 й.да ёзилган. 54 боб, 5782 байтдан иборат. Хамсачиликдаги анъанавий мавзу ва образлар заминиде вужудга келган мазкур достонининг номини Навоий ўз салафлари асарларидан бир оз ўзгартириб – “Фарҳод ва Ширин” деб номлайди, аввалги достонларда иккинчи да-

ражали тимсол тарзида талқин қилинган Фарҳодни бош қаҳрамон қилиб олади. Достон қаҳрамонлари, улар б-н боғлиқ ҳолда кечган бадийй воқелик тарихий-адабий илдизга эга. Навоий салафлари достонларида асосий қаҳрамон сифатида талқин этилган, Навоий асарларига янги мавзу ва ғоя ифодаси учун кириб келган Хусрав, Ширин образлари муайян тарихий илдизга эга. Сосонийлар сулоласига мансуб Хусрав Парвез 590 й. тахтга чиқиб, 628 й. ўз ўғли Шеруя томонидан қатл этилган.

Хусрав ва Шириннинг тарихий шахслар эканлиги, уларнинг муҳаббати ҳақидаги маълумотлар Эрон, Византия, Сурия тарихий хроникаларида, Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг тарихий асарида сақланиб қолган. Тарихий манбалар, афсона ва ривоятлар ёзма адабиётда Хусрав ва Ширин ҳақидаги асарларнинг вужудга келишига замин бўлди.

Бадийй адабиётда Хусрав ва Ширин мавзуси биринчи бўлиб Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достониде ўз ифодасини топди. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” мавзусига бағишланган алоҳида достони б-н мазкур мавзу, ундаги образлар хамсачилик анъанасидан мустақкам ўрин олди. Низомийнинг мазкур достони 1340 й.да Қутб Хоразмий томонидан туркий тилга таржима қилинган.

Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асаридаги фикрлари шоирнинг Хусрав ҳақида салафларидан ҳам кўпроқ маълумотларга эга эканлигидан далолат беради. “Фарҳод ва Ширин”нинг кириш бобларидан бириде “...Топилди онча сўзким комим эрди...”, деб ёзган шоир ўз достони қаҳрамонларининг тарихий-адабий илдизларига ишора қилган эди.

Навоий достони бош қаҳрамони Фарҳод образининг илдизлари халқ оғзаки ижоди-га бориб туташади. Ҳз асарининг манбаларини халқ оғзаки ижодидан олган Фирдавсий “Шоҳнома”сида Фарҳод паҳлавон (Афросиёбнинг жанговар сипоҳсолори) сифатида тилга олинган. Бу образ Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достониде эпик планда талқин этила бошлади. Низомийнинг достонидеги Фарҳод халқ орасидан чиққан тошйўнар уста. У оқил ва инсон-

парвар, ғоят саводли ва паҳлавон. Фарҳод гарчи дoston сюжети ривожид асосий рол ўйнамаса-да, муаллифнинг етакчи ғоясини тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Хусрав Деҳлавийнинг “Шири ва Хусрав” дostonида эса Фарҳод олийнасаб шаҳзода, тақдирга тан берувчи бахтсиз ошиқ сифатида тасвирланади. Фарҳод образи биринчи марта озарбайжон адабиёти тарихида Низомий анъаналарини давом эттирган, форс тилида ижод қилган Ориф Ардабилиининг (14-аср) “Фарҳоднома” асарида биринчи планга чиққан. Алишер Навоий “Ф.” дostonи муқаддимасида Низомий, Деҳлавий ва Ашраф номларини эслаб, номи маълум бўлмаган шоир – “*номағлум роқим*”нинг асари борлиги ҳақида ҳам маълумот беради. Адабиётшуносликда бу шахс Ориф Ардабий, асар эса унинг “Фарҳоднома” дostonи деб тахмин қилинади.

Алишер Навоий “Муҳокаमत ул-луғатайи” асарида “Ф.”ни Хусрав Деҳлавийнинг “Шири ва Хусрав” дostonидан таъсирланиб ёзганини таъкидлайди: “Яна чун “Фарҳод ва Шири” шабистониға хаёлим юз тутубтур. Мир Хусрав дами “Шири ва Хусрав” ўтидин чароғимни ёрутубтур” (Шоирнинг ўз асари ҳақидаги мазкур маълумоти бир қадар нисбий эканлигини таъкидлаш зарур).

Севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик дostonи сифатида баҳоланиб келган бу дostonда Навоий ўзининг комил инсон ҳақидаги фикр-қарашларини, бу масаланинг фалсафий-ижтимоий мазмун-моҳиятини бадиий талқин этган.

Навоийнинг “Ф.” дostonи мусулмон Шарқи адабиётидаги анъанага хос муқаддима б-н бошланади. Дoston муқаддимаси 11 бобдан иборат бўлиб, дастлабки боб анъанавий ҳамд – Аллоҳнинг мадҳи б-н ибтидо топади. Дostonда иккита ҳамд мавжуд. Дастлабки ҳамдда Навоий яратувчининг қудратини таърифлаб, унинг иродаси б-н қаламга олмоқчи бўлган ғоявий нияти ҳақида сўз юритар экан, биринчи мисрани арабча калима б-н бошлайди: “*Биҳамдик фатҳ абвоб ул-маоний, Насиб эт кўнғлума фатҳ ўлмак они*”. Яъни:

Маънолар эшикларининг очилиши сенинг мақтовинг б-н ва кўнғлумга уларни забт этишни насиб қил.

Кейинги байтларда Навоий маънолар хазинаси қулфига қўлининг қалит бўлишини, шу восита б-н барча умидларига етишни тилайди, ана шу маънолар хазинасидан олам аҳлини баҳраманд қилишни умид қилади.

Иккинчи ҳамдда шоир ёзишга киришайтгани “Ф.” дostonининг умумий талқини, ундаги қаҳрамонларнинг мухтасар тавсифини беради, “дард боғи” б-н алоқадор барча ҳаяжон ва изтироблари ҳақида ёзади. Навоий ушбу бобнинг сарлавҳасида “шавқ дostonи” ифодасини қўллайдики, буни аввало, Яратган ва унинг оламига боғлаб тушуниш керак бўлса, иккинчи томондан, яратилажак дostonга нисбатан қўллаш ҳам ўринлидир. “Дард боғи” деган таъриф эса яратилган дунёга ҳам, ошиқ инсон қалбига ҳам, ва албатта, мазкур дoston мазмунига ҳам мувофиқ келади. “Ф.” дostonи мажоз ва ҳақиқатни, рамзийлик ва ҳаётийликни санъаткорлик б-н қўшиб олиб борадиган дoston эканлиги шу илк боблардан бошлаб намоён бўла бошлайди. Холик ҳамди берилган бобларда, одатда, қазо ва қадар, фонийлик ва боқийлик масалалари, тириклик ва дунё кайҳоний андозаларда тасвирланади. Ушбу бобларда Навоий битаётган дostonи қаҳрамонларини ташбеҳу тимсолларга айлантиради. Қазони Фарҳодга, гардунни Фарҳод тақдирига алоқадор Бесутун тоғига, ақлни Чин хоқонининг вазири Мулқорога ва (ҳикматни) Суқротга, тунни Хусрав Парвезнинг оти Шабдезга, қадарни Фарҳоднинг дўсти Шопурга, ажални отасини ўлдирган Парвезнинг ўғли Шеруяга, замонни Парвезнинг созандаси Нигисога ўхшатгани ҳолда “Шири”, “тилисм” сўзлари, Бесутун, Хусрав ва унинг хонандаси Ворбад номларини тилга олиб, муқаддимани дostonнинг мундарижасига уйғунлаштиради (А.Рустамов). Шу б-н бирга бу ўхшатишлар замирида шоир дoston мундарижасида қаҳрамон ва тимсоллар фаолияти қайси кўламда кечиши, улар дostonда қандай роль ўйнаши б-н ҳам китобхонни таништиради.

Муножот (3-боб)да Алишер Навоий ин-

соннинг йўқликдаги ҳолати, дунёга келиши, гўдаклиги, ҳаёти тўғрисида баён қилади. “Лавҳ ул-маҳфуз” (кишиларнинг яхши ва ёмон амаллари, тақдири азалдан битиб қўйилган тахта) ҳақида фикр юритар экан, инсон азалий қисмат ижрочиси эканлиги б-н боғлиқ масалалар тўғрисида сўз юритади. Достоннинг туртинчи боби Муҳаммад (с.а.в) мадҳига бағишланган. Боб пайғамбарнинг муборак чеҳралари тавсифи б-н бошланиб, у зотнинг ўқиш ва ёзиш б-н шуғулланмаганлиги бетакрор бадий санъатлар воситасида баён қилиб берилади. Хусусан, қалам пайғамбар унга майл кўрсатмаганидан, яъни уни қўлида тутмаганлигидан кейин ёқасини чок қилиб, кўз ёшларини тўкиб, афғон қилганлиги, унинг қўлини ўпайин деб қанча оғзини очмасин, орзуси амалга ошмаганлиги *хусни таълим* санъати асосида келтирилганлигини кўрамир:

*“Неча чоки гирибон қилди хома,
Тўқуб ашқини афғон қилди хома.
Очиб оғзин қилай деб дастбўси,
Муяссар бўлмайн бу орзуси”.*

Бобда “инсонлар пайғамбар белгилаб берган шарият қоидалари асосида яшасаларгина, ҳақиқий саодатга эришадилар” деган ғоя илгари сурилади.

5-боб меърож туни таърифига бағишланган бўлиб, унда Пайғамбар (с.а.в)нинг Бурқ оти ёрдамида Аллоҳ ҳузурига йўл олиши тасвири берилади. Бунда расуллоҳнинг 12 бурж ва 7 сайёрани ошиб ўтиб, Ломакonga кўтарилганликлари, “қоба қавсайн” (икки ёй оралиғи) даражасида Аллоҳга яқинлашгани ва фоний бўлганликлари ҳақидаги фикрлар баён қилинади.

Алишер Навоий достоннинг наът қисмида акс эттирган Расулудлоҳ (с.а.в.) га хос фазилатларни кейинроқ достоннинг асосий қисмида Фарҳод образига кўчирган. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) муборак чеҳраларини тасвир қилган Навоий Фарҳод ва Ширин образлари портретини ҳам ана шу ифодага яқин тарзда тасвирлаган. Айнан “Фарҳод ва Ширин” достонида Расуллоҳнинг (с.а.в.) махсус таълим олмасдан туриб илоҳий ҳикмат б-н ўта чуқур илмга эга бўлганликларининг таъкидланиши бежиз бўлмай, Фарҳоддаги олимлик ва орифлик илоҳий лутф б-н амалга ошга-

нига ишорадир. Меърож воқеси ҳақидаги бобда эса “Чин” сўзининг келтирилиши ва шу сўз б-н боғлиқ бадий санъатларга мурожаат қилиниши наътлар бошқа муқаддима боблари каби достоннинг асл мазмунини очишга хизмат қилганлигини кўрсатади.

Достоннинг 6-боби қалам таърифи ҳамда улуғ салафлар Низомий ва Деҳлавийлар мадҳини ўз ичига олади. Шоир “Хамса”нинг ҳар бир достонида берилган сўз таърифидаги бобини “Фарҳод ва Ширин”да қалам васфига алмаштиради. Моҳиятан, қалам васфида ҳам сўз таърифи берилади. Навоий дастлаб қаламга таъриф берар экан, уни Хусрав Парвезнинг тез учар қора оти Шабдезга, қаламни тутувчи бармоқларни шу от устидаги чавандозга, бармоқ бўғинларини чавандознинг белбоғига, тирноқларни эса унинг юзига ўхшатади. Салафлар таърифидаги байтларда эса Низомийни хазинадорга, унинг маъноларга тўла асарларини хазиналарга ўхшатиб таърифлайди. Хусрав Деҳлавийни у яшаган Ҳиндистон б-н боғлиқ ҳолда ҳинду, тўти, булбул, қаққус, мушк ҳидли булугга ўхшатади. “Хамса” ёзиш анъанасини кураш майдонига ўхшатиб, ўзининг бугунги кунда ниҳоятда машҳур бўлган байтларини ёзади:

*“Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ,
Тутайким қилди ўз чангини ранжа,
Неким урди анинг чангига панжа.
Керак шер оллида ҳам шеру жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги”.*

Айнан шу бобдан бошлаб 2-3 байтли соқийномалар бериб борилади. Соқийномаларда шоир кейинги бобда қаламга олинадиган воқеа ёки масалаларга ишора қилинади.

7-боб “ҳазрати шайх ул-исломий мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий” мадҳидадир. Алишер Навоий Низомий ва Деҳлавийни иккита филга ўхшатгани ҳолда, Жомийни юз филга ўхшатади. Сўз ўйини воситасида уни 11–12-асрларда яшаган машҳур сўфий Зиндапили Жомийга қиёслайди, “фано тимсоли”, “жаҳони бегарон” (чексиз жаҳон), “олами кубро” (улуғ олам) деб атайди. Боб Жомий қўлидан бир жом ичиш умиди б-н якунланади.

Навбатдаги боб дostonнинг ёзилиш сабаби ҳақида. Бу бобда шоир дostonни яратиш орзуси пайдо бўлгач, бепоён дурру гавҳарлар денгизига чўмганлигини, яъни кўп мутолаа қилганлигини, тинмай ўйлаганлигини айтади. Дostonни ёзишга ундаган сабаблардан бири ўзининг муҳаббаги, бу ишқнинг алам ва изтироблари эканлигини айтиб, у туфайли ўзига етишган азобу укубатларни баён қилади. Шунда унга ғойибдан нидо келиб, ҳотиф (ғойибдан оқ фотиҳа берувчи) уни янги бир асарни ёзишга илҳомлантирганини, кейин Жомийнинг олдига борганида у ҳам шоирни дуо қилиб, бу ишда унга оқ йўл тилаганини ёзади.

9-боб асар режасини тузиб олгани, турли афсоналар, тарихий манбаларни кўриб чиққани, шу мавзуда ёзилган дostonларда йўл кўйилган хатоларни тузатиб, ўз гоёларини қай тарзда ифода этмокни ният қилгани баёнидадир. Бунда Навоий ёзилажак асари янги бўлиши лозимлигини, аввал шу мавзуда яратилган дostonларни такрорламаслик кераклигини таъкидлайди. Дostonнинг кейинги боблари Султон Хусайн Бойқаро ва шахзода Бадиуззамон таърифига бағишланган. Навоий Хусайн Бойқарони султонлар ичида Шоҳ Ғозий, ғазот майдо-нида Али ибн Абу Толиб, шариат ривожидан пайгамбар сингаридир деб улуғлайди ва уни адолатли, саховатли ҳукмдор сифатида мадҳ қилади. Бадиуззамон Баҳодир мадҳига бағишланган бобда шахзодани “Бадиу-д-дахру Дорои замон” деб атаб, унинг исмини китобот (ҳарф) санъати асосида шарҳлаб ўтади. Шахзоданинг исми 10 ҳарфдан иборат бўлиб, Навоий унинг ҳар бир ҳарфига алоҳида маъно юклайди:

“б” – “бе” эҳсонда бирлик, ягоналикнинг далилидир, “д” – “дол” давлатдан нишона бўлиб, дину диёнат ундан иқбол топади. “и” – “йо” ҳарфи йумн (бахт, омад) дан дарак бериб, унинг қадами б-н замона тинчийди. Тўртинчи ҳарф “ғ” – “айн” бўлиб, адолатдан олингандир. “а” – “алиф” ҳарфи ўз шакли б-н унинг тўғрилиги, ростгўйлигини билдиради. “л” – “лом” ҳарфи лутфдан воқиф этиб, латофат гулшанидан баҳраманд этади. “з” – “зе” ҳарфи абжад ҳисобига кўра 7 рақамини англатади, бу Аллоҳ унга 7 иклимни насиб айлашига

ишорадир. “м” – “мим” ҳарфи миллат кироми, мусулмонлик низоми ундан эканлигини англатади. “и” – “алиф” ҳарфи Аллоҳ унинг ёри эканлигига далолат бўлса, сўнги ҳарф “н” – “нуи” – “Наср (мадад) Аллоҳдандир” деган маънони билдиради.

Дostonнинг асосий қисми 12-бобдан бошланади. Воқеалар Чин хоқонининг фарзандсизлиги ва унинг изтироблари тасвири б-н ибтидо топади. Ниҳоят унинг илтижолари қабул бўлиб, Тангри унга бир ўғил инъом этади. Шоирнинг мақсади “ишқ дарди”ни куйлаш эканлиги муқаддималардаёқ аён бўлган эди. Бу руҳ, оҳанг асар воқеалари б-н боғлиқ ўринларда ҳам таъкидланади. Хоқон фарзанд кўргач, унга Фарҳод исмини беради. Навоий гўдакнинг туғилишидан тортиб улғайишигача бўлган ҳар бир жараёни алоҳида тасвирлайди, ҳатто гўдакка кўйилган исмга ҳам алоҳида маъно юклайди. “Фарҳод” сўзининг маъноси нурли сиймо, бахти ўзига йўлбошчи демак. Шоир эса бу номнинг араб ёзувидаги ҳарфларига рамзий маъно бериб, уларни *фироқ, рашк, ҳажр, оҳ ва дард* деб талқин этади. Бу б-н Навоий ўз қаҳрамонининг ҳаёт йўлини, у чекадиган изтиробларни, унинг илоҳий ишқ дардига мубтало бўлиб туғилганига ишора қилади. Шу боис Фарҳод улғайгани сайин дарди ҳам ортади, бу ноаён дарддан халос этиш истагида бўлган отаси уни дунёвий ишлар – бойлик, тож-тахт б-н овутмоқчи бўлади. Лекин булардан ҳеч бирининг Фарҳодга қизиги йўқ эди. Албатта, Фарҳод илм олиш, ҳунар ўрганиш борасида тиниб-тинчимайди. Айниқса, тўрт фаслга монанд тўрт қасрнинг қурилиши жараёнида Фарҳод Моний, Боний ва Қорандан расм чизишни, бинокорликни ва тош кесиш – кўҳканликни ўрганади. Кейинчалик тақдиридаги муҳим воқеаларга сабаб бўлган Фарҳоднинг тош кесиш маҳорати унинг йигитлигида олган илму ҳунарларига ҳам алоқадор.

Дostonнинг рамзий-мажозий мазмун касб этганлиги деярли ҳар бир эпизодда кўринади. Фарҳоднинг туғилиши, унга исм берилиши, улғайиши, ҳунар ўрганиши, жумладан, тўрт фаслга монанд қасрлар инсон умрига қисс. Ҳар бир нарсадан тез зери-

кадиган Фарҳод мана шу қасрлар қурилишида фаол иштирок этади. Чунки у ҳунар ўрганмоқда. Агар бу тўрт фасл инсон умри, тириклик деб, қасрлар ҳаёт йўлининг мазмуни деб идрок этилса, Фарҳод бу ҳаётни ўрганиши учун оз бўлса-да машаққат чекди, бироқ унинг моҳиятини англаб етгач, бундан ҳам кўнгли совиди. Шоир Фарҳод тимсолида бу ўткинчи дунё мазмун-моҳиятини англаган, бироқ ҳали ўзи истаётган нарса нима эканлигини охиригача тушуниб етолмаётган солиқнинг изтиробларини кўрсатиб беради. Фарҳоддаги ҳазинликнинг тарқаммаганини кўрган хоқон унга тахтни тақлиф қилади ва шу б-н ўглининг дардига даво топмоқчи бўлади. Аслида эса Фарҳоддаги бу ҳолат заминий, дунёвий бўлмай, илоҳий ишқнинг нишониси эди. Шу ўринда Навоий илоҳий ишқ дардида ёнган инсон б-н бундай саодатдан маҳрум, фоний дунё кишилари орасидаги фарқни кўрсатиб беради. Фарҳод одоб ва назокат б-н отасининг тахтни эгаллаш ҳақидаги тақлифини салтанат ишларини ўрганиш, тажриба ортиришга ижозат сўраш орқали ортга суради. Шунинг ҳам таъкидлаш муҳимики, Навоий мана шу эпизодни олиб кириб, аввало, ўз қаҳрамонининг дунё ҳою-ҳавасларидан осон воз кеча оладиган маърифат йўлидаги инсон эканлигини тушунтирмоқчи бўлса, иккинчи томондан, ўзи яшаётган даврда ўз отаси, оға-иниси б-н тож-тахт, мулк талашаётган шаҳзодаларга насиҳат қилгандек ҳам бўлади. Фарҳод аста-секин хоқон хазинасидаги бойликлар б-н таниша бошлайди. Натижада яширин нарда ортидаги хонада сақланаётган сирли сандиқ ва ундаги тилсимли кўзгуни кўриб қолади. Фарҳод ушбу кўзгунинг сеҳрини очолмай, Юнонистон сафарига, Суқрот ҳузурига отланади.

Фарҳодни тарбиялаб вояга етказган, ҳунарлар ўргатган устозлари асосан дунё илмларини ўргатган эдилар. Шу боис у қанча илм, ҳунар ўрганмасин, қалбида кечаётган изтиробларни охиригача англай олмайди, чунки унинг изтироблари дунёвий ташвишлардан анча устун турарди. Демак, унга пир-раҳнамо керак эди.

Фарҳоднинг Юнонистон сафарига бориши, бу йўлдаги барча ҳаракатлари зоҳирий мазмунда қизиқарли бир эртақдек. Бироқ

Навоий эртақ айтиш учун ушбу дostonни битаётгани йўқ. Шоир дoston муқаддима-сида бежиз:

*Бу рангин сафҳа, балким ишқ боғи,
Аён ҳар лоласида ишқ доғи,*

– деб ёзмаган эди.

Дostonда Фарҳоднинг Юнонистонга сафари воқеалари тасвирида рамзийлик янада кучаяди. Шоир Юнонистон сафари воситасида Фарҳоднинг сулуқдаги йўлини, Юнон донишмандлари ясаган, Искандардан қолган “ҳикмат кўзгуси”нинг тилсимини очишни фақат Суқрот ўргатиши мумкинлигини ишоралар б-н баён этади. Суқрот б-н учрашишга аҳд қилиб йўлга чиққан Фарҳод дастлаб Суҳайло б-н учрашади. Суҳайло Суқрот даражасида эмас, у кўзгунинг сеҳрини очишга қурбон, лекин Суқротга етишиш йўли, душманларини енгиш сирларидан хабардор. Н.Комиловнинг ёзишича, Суҳайло – Фарҳоднинг тариқат йўлидаги биринчи пири. Демак, Фарҳод тариқат йўлида бир неча пирнинг тарбиясини олган солиқ тимсоли ҳамдир. Суҳайлонинг кўрсатмалари ёрдамида Фарҳод аждарни, Аҳриман девни енгади – Жамшид жомини қўлга киритади. Бу ўринда аждар – нафсининг тимсоли. Фарҳод уни енгишда Суҳайло берган самандар ёғидан фойдаланади. Танасига самандар ёғини суртиб жангга кирган Фарҳод аждар нафасидан пуркалаётган ўтда ёнмайди. Мумтоз ад-тда кўп қўлланиладиган, муҳим тимсоллардан бўлган самандар, аслида, ишқнинг тимсоли. Бу жонивор олов ичида яшайди, деб тасаввур қилинади. Ишқнинг оташи нафсининг оловидан баланд келади – Фарҳод аждарни енгади. Дев – салтанат тимсоли. Дoston қаҳрамони Фарҳод – шаҳзода. Отаси тахтни тақлиф этганда, Фарҳод бу тақлифни рад этган эди. Навоий дostonининг қаҳрамони – шаҳзода Фарҳод салафлари дostonидаги Фарҳоддан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Унинг шаҳзода сифатида танлаб олиниши, бир жиҳатдан, салтанат мерос-хўри бўла туриб, ундан воз кечишга қурби (қудрати) етганлигида. Ҳақ йўлида нафс ва дунёвийлик б-н курашаётган Фарҳод агар шаҳзода бўлмаганида дев – салтанат б-н курашиши шарт эмас эди. Фарҳодда нафс юкидан ташқари, салтанат юкидан ҳам қу-

Фарҳод қўлга киритган *Жамшид* жами гардишида Сукрот кўрсатувчи бўлиб борадиган йўлни кўрсатувчи бўлиб бор. *Жамшид* жомини қўлга киритган Фарҳод сулуқда янги мартабага кўтарилади. Бироқ Сукротга етишиши учун яна кўп синовлардан ўтиши, қийинчиликларни бошидан ўтказиши лозим. Мас., худди халқ дostonларида учрайдиган мотивлардан бири – баландликда жойлашган ваҳимали тор сўқмоқдан ҳеч қаёққа қарамай, тез юриб ўн бир минг қадамни босиб ўтиши керак. Озгина чалғиса, ҳалокатга йўлиқади. Бундай шартнинг қўйилиши – Фарҳод руҳиятидаги ўзгаришларнинг, кечаётган қийинчиликларнинг ифодаси, агар Фарҳод чалғиса, тўғри йўлдан чекиниши мумкин. Ун бир минг қадамни босиб ўтиш (шарти) солиқнинг ўз диққатини бир нарсага – асосий мақсадга, Ҳақиқатга қаратишига ишора. Эртакнамо воқеалар замирида шоир ирфоний ҳақиқатни – Ҳаққа етиш йўлларини тушунтиради. Фарҳодга бу тилсимотлар оламини енгиб, Сукрот ҳузурига етишишда Хизр раҳнамолик қилади. Бу воқелик ичида Хизр Суҳайлодан кейинги иккинчи пир сифатида намоён бўлади. Уни Фарҳодга ғайбдан келган мадад, деб изоҳлашлари ҳам шу б-н боғлиқ.

Сукрот баланд маҳобатли тоғдаги горда маскан тутган эди. Унга яқинлашган Фарҳоднинг шер ва темир пайкарга дуч келиши – янги синовлардан ўтишдир. Шер – ғазаб тимсоли бўлса, темир пайкар – темир одам – риё-ёлғон тимсоли, айни вақтда у дунё мўъжизалари тимсоли, деб ҳам баҳоланади, зеро, дунёнинг ўзи ҳам мажоз. Унга маҳлиё бўлган одам Ҳаққа етишолмайди. Демак, аждар, Аҳриман дев, турли даррандалар, илон-чаёнларга тўла қирлар, шер, темир пайкарга қарши Фарҳоднинг кураши – нафсга, давлат ва бойлик ҳирс-қавасига, риё ва ёлғонга қарши кураш эди. Бу курашдан сўнг Фарҳоднинг кўнгли дунёбандилик ғуборидан (дунё ишқидан) покланади. Унинг кўнглида ўз-ўзини англаш жараёни бошланади. Достонда Сукрот – камолот чўққисини эгаллаган комил инсон, лекин руҳи бутун дунёни кезиб чиқади, *Жамшид* жомини, Искандар кўзгуси унинг кўнгли кўзгуси олдида хира. “Махзани роз” – сирлар

ҳазинаси бўлган кўнгли ҳамма нарсадан огоҳ, хабардор. Фарҳод ҳузурига кирганида, Сукрот унга: Сенинг келишингни минг йилдан буён зор бўлиб кутаман, вақтим оз қолган, сенга бир неча сўз айтишим керак, кейин бақо сари кетаман, деб айтади. Аввало, Сукротнинг минг йилдан бери Фарҳодни кутаётганлигига эътибор қаратиш лозим. Фарҳодни мана шундай узоқ йиллар давомида Суҳайло ҳам кутган эди. Сукрот ҳам, Суҳайло ҳам Фарҳодга маъий пир. Уларнинг умри ҳам рамзий маънога эга. “*Муни билки, жаҳон фонийдур асру, /Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру*”, дейди Сукрот. Чиндан, дунё – ўткинчи. Агар Искандарнинг давлатига, Нухнинг умрига эгалик қилсанг ҳам бир куни у поёнига етади, дейди Сукрот тилидан шоир. Достоннинг бутун мазмун-моҳияти Сукротнинг Фарҳодга айтган ҳикматомуз сўзлари орқали идрок этилса, шоирнинг ижодий нияти тўғри англашилади. (Фарҳоднинг қисмати – тақдири ҳам Сукрот орқали ойдинлашиб боради). Фарҳоднинг ишқи ҳақиқий ишққа даҳлдор эканлиги ойдинлашади. Сукрот унга ҳақиқий маҳбуб ҳақида сўзлайди, агар ҳақиқий ёр васлига умид боғласанг, абадий бахт топасан, деган сўзлари ўзликдан воз кечиш (нафсдан воз кечиш) ва ўзлик (ўзини англаш) нафс ва ўзлик айни пайтда ҳам бир хил мазмундаги, ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалардек ифода топмоқда:

*“Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,
Яна бир топмоқ бўлди Они,
Киши ўзлукни қўймай они топмас,
Тенгиз кесмай дури яктони топмас”.*

Ҳаққа етишиш йўли икки қадам масофадек гап, лекин бу икки қадамни босиб ўтиш учун минг йиллик машаққат сарфланиши керак. Бу икки қадамнинг бири ўзликдан воз кечиш, иккинчиси ўзликни топиш, яъни ўзликдан воз кечмай туриб, чин илоҳий ўзликни топиш мумкин эмас. Инсон ўзликдан кутулмай, Илоҳга етолмас экан, демак, уни тезлаштирувчи чора – восита керак.

Алишер Навоийнинг бу ўринда мажозий ишқ ва ҳақиқий ишқ ҳақидаги фикрлари Навоий ижодида ишқни тўғри талқин қилишга кўмак беради. Шоир мажозий ишқни тонг нурига, ҳақиқий ишқни қуёшга

ўшатиш б-н “мажоз – ҳақиқат йўлидаги кўприк эканлигига”, Яратганга муҳаббат у зот яратган хилкатларга муҳаббат орқали ойдинлашишига ишора қилади. Зеро, тонгнинг нури кувш тарафга назар ташлашга ундайди. Демак, Фарҳоднинг олдида турган ишқ дастлаб мажозий ишқ сифатида намоён бўлади. Бироқ мажозий ишқ учун “мазҳар” керак. Мазҳар – Ҳақ жамоли зуқур этган инсондир. Фарҳод учун мазҳар – Ширин эди.

Фарҳод шу тариқа Сукрот ҳузурига барар йўлда тариқат мақомларини босиб ўтади, пири комил суҳбатидан баҳраманд бўлиб, илоҳий ишқнинг моҳиятини англай бошлайди. Чин мамлакатига қайтиб бориб, кўзгуда энди нафақат Ширинни, балки ўзини ва ўзи келгусида бошдан кечириши керак бўлган воқеаларни кўра бошлайди.

Фарҳоднинг кейинги фаолияти бевосита Арманистон б-н боғлиқ. Кўзгуда Ширинни кўрган Фарҳоднинг ҳаёти яна балоларда, синовларда ўтаверади. Аввал кеманинг ҳалокатга учраши, унинг ёлғиз бир тахта устида қолиб, денгизда оқим бўйлаб сузиши, эронлик савдогарлар томонидан қутқарилиши, қароқчиларга қарши жанг, Арман ўлкасига етиб олиши, сув қазиётган одамларнинг жонига оро бўлиб кириши – тоғ кесиби, сув чиқариш машаққатлари – буларнинг барчаси рамзий маънода мажозий ишқ йўлида чеккан руҳоний изтироблар, азоб-машаққатлар. Бу воқеаларни жонли, рангин бўёқларда тасвирлаган шоир Фарҳоднинг дарду изтироблари, ишқ ҳасратларини кучли драматизм б-н тақдим этади. Достоннинг ҳаким Сукрот б-н боғлиқ ўринларида тас-ий мазмун-моҳиятнинг кучайиб кетганлигини кўриш мумкин эди. Умуман олганда, бу услуб асарнинг бошидан-охиригача кузатилади. Шу боис асарни зоҳирий ва ботиний маъноларда тушуниш, идрок этиш мумкин. Зоҳирий мазмуннинг ўзига асосланиб идрок этилганда ҳам достоннинг маърифий қиммати юқори эканлигини кузатиш мумкин. Мас., Фарҳоднинг кўҳканлиги Низомий достонидида асосан Бесутун тоғидан Хусрав аскарларига йўл очиш орқали кўрсатилса, Навоий достонидида сувдан қийналган халққа ариқ қазиши воқеаси гарчи ўта муболағавий тарзда бе-

рилган бўлса-да, муайян жиҳатлари ҳаётий асосга эга. Навоий яшаган даврда Ҳиротнинг ўзида ҳам сув танқислиги муаммоси мавжуд эди. “Вақфия” асаридаги ариқлар, ҳовузлар қазилганлиги ҳақидаги маълумотлар бунга мисол. Фарҳоддек шахзоданинг халққа берган кўмагини бадиий тасвирлаган шоирнинг ижтимоий (шахзодаларга панд маъносидида) мақсадлари бор эди. Хос ва авом китобхонга бирдек қизиқ бўлган бу достондан ҳар хил даражадаги китобхон ўз имконият ва иқтидори даражасида таъсирланиши мумкин. Асарнинг яна бир номи “Меҳнатнома”ни кўпчилик Фарҳоднинг Арманиядаги меҳнати б-н боғлаб тушунтиришга интилади. Бу бир қарашда тўғридек. Бироқ Навоийнинг ўзи достон бошида “Меҳнатнома”ни қўллаганида, Фарҳод бошидан кечирган қийинчиликлар ва машаққатларни назарда тутган эди.

Достондаги ҳар бир тимсол юксак маҳорат б-н ишланган бўлиб, Навоий ҳар бир образга, ҳар бир деталга муайян бадиий ижтимоий “вазифа” юклаганлигини кўриш мумкин. Достонда илоҳий ишқдан бебаҳра, фоний дунё кишиларидан бири – Эрон шохи Хусравдир. У Шириннинг гўзаллигини эшитиб, гўёки унга “ошиқ” бўлади, унга уйланиш баҳоваси б-н Арманистонни эгалламоқчи бўлади. Муаллиф Хусрав ва Фарҳоднинг мунозарасини тасвирлар экан, икки хил ишқ – авом ишқи ва илоҳий ишқ ўртасидида тафовутни кўрсатиб беради. Жами 25 байтдан иборат бу мунозарада деярли ҳар бир байтда муайян бадиий санъатнинг етакчилик қилишини кузатиш мумкин. Хусрав савол-жавобда ҳам, жисмоний ҳаракатларда ҳам Фарҳодни энга олмайди, чунки дунёвий куч илоҳий кудратни енгиши мумкин эмас. Шунда у маккорлик йўлига ўтади: ёсуман кампир воситасида Фарҳоднинг ўлимига эришади. Навоий тилидан Фарҳоднинг ўлими муносабати б-н айтилган: “*Вужудин ғр таб ул сўзу гудози, Ҳақиқатқа бадал булди мажози*” деган иқрорини Аллоҳ жамолига етишган ишқ аҳли ҳақидаги маъ-ий хулоса дейиш мумкин.

Банданинг Аллоҳга бўлган талпиниши, бу йўлда унга учрайдиган синов ва имтиҳонлар, руҳоний юксалиш босқичлари, мазкур босқичларнинг осон эмаслиги б-н

боғлиқ фалсафий қарашларни ўзида акс эттирган дoston ўларoқ “Фарҳод ва Ширин”да инсон қалби ва онгида, руҳида кечадиган туйгулар, эврилишлар турли мураккабликлари б-н бор бўйича тасвирланган. Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати, адиб сифатидаги истеъдоди дostonдаги ҳар бир деталь ва ҳолатнинг батафсил, ҳар томонлама чуқур поэтик ҳиссиётга эга шаклда ёритилганида яққол кўринади. Хусусан, Фарҳоднинг ҳунармандлар б-н биргаликда қурилиш ишларида қатнашгани, тошўнарлик сирларини ўрганиши, Арман ўлкасида одамларга ёрдам бериш учун шайланиши, умуман, дostonнинг барча сахналарида реал ифодаларда намоён бўлади.

Дoston поэтикасидаги муҳим жиҳатларидан бири, ундаги драматизм, юқори даражадаги пафосдир. Алишер Навоий Фарҳод образига алоҳида ёндашгани унинг ҳиссиётларини ёритишда янада кўпроқ сезилади. Шоир Фарҳоднинг ўлими олдида чеккан изтиробларини (49-боб) баён қилиш орқали асарнинг асл моҳиятини маълум қилган, бу нуқтадаги драматизм, фожиавийлик ўзига хос лиризмга уйғунлашиб кетган. Айнан шу ўринда Фарҳоднинг ўлими юз беради. Бобнинг аввалида Фарҳод ўз ҳолини баён қилади, ишқ йўлида чеккан изтиробларини айтиб фалак – тақдир б-н суҳбатга киришади, сўнг унга бир қанча вақтдан буён ҳамроҳ ва мунис бўлиб қолган парранда, ҳайвонларга видосини айтади, бошидан ўтган воқеаларни қисқача сўзлаб беради, тонг шамолига мурожаат қилиб, ота-онасига ўзи ҳақида хабар беришини илтимос қилади. Мазкур монологда Фарҳод Хусравдан озор чеккани ҳақида ҳам тўхталади. Хусрав ўз қилмишлари учун жазосини олишини сўрайди. Ўз ҳолатини шу тариқа баён қилгач, ишқ унинг бутун жону жисмини куйдиради ҳамда Фарҳод дунёдан кўз юмади: *“Қилиб жонони отин тилга таълим, Тутуб жонон отин, жон этти таслим”*. Мазкур ўринда Фарҳоднинг “жонон отини тутуб” жон бериши асар юзясини аниқроқ тушунишга ёрдам берадиган нуқта бўлиб, бу тас.даги солиқнинг ўлими Ҳақ зикри ила кечишини билдиради.

Дostonнинг 52-бобида қаламга олинган

воқеалар асар мазмунини янада кенгроқ очиб берадиган лавҳа ҳисобланади. Унда шоир Ширин ўлган куни қирқ нафар аҳли тариқат бир хил туш кўрганини маълум қилган. Тушларида жаннат намоён бўлган ва жаннатда осмон қадар улкан қасрда Фарҳод ва Ширин тахт узра ўтирган эканлар. Уларнинг атрофида эса ота-оналари ва барча яқинлари ҳам бўлиб, бу ошиқ ва маъшукнинг шарофати туфайли амалга ошган эди. Жаннат фариштаси Фарҳоднинг ишқ йўлида дунё тахти ва султонлигидан воз кечгани учун унга шундай улкан мартаба насиб қилгани ҳақида хабар қилади.

Мазкур тушни қирқ нафар валий зот кўргач, бўлиб ўтган воқеа бутун оламга маълум қилинади. Фарҳоднинг бошқа яқинлари – Шошур ва Баҳром Арман ўлкасига келадилар, Фарҳод ва Ширин ўлимида айбдор бўлганларни жазолайдилар. Бу ишларни тугатгач, Фарҳод ва Ширин қабри устида мужовир бўлиб қоладилар.

Дoston хотимаси икки боб (53-54)дан иборат бўлиб, 53-боб Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўгли шаҳзода Абулфаворис Шоҳғариб Мирзо мадҳи ва унга бағишланган бир неча насихатни ўз ичига олади. Навоий Шоҳ Ғариб Мирзога камолотга эришиш йўллари ҳақида гапирар экан, шаҳзодага Искандар Зулқарнайн, Мирзо Улуғбек каби ҳукмдорларни ибрат қилиб кўрсатади. Энг муҳим илмлар сифатида фикр, ҳадис ва тафсирини эгаллаш зарурлигини уқтиради, шунингдек, тиббиёт ва ҳикмат илмини ҳам ўрганишни тавсия этади. Якуний бобда Навоий Фарҳод тимсолини ўз замонасидаги барча шаҳзодаларга ибрат ҳамда ўрнак қилиб кўрсатади. Шунингдек, шоирнинг салафлар, халафлар ва ўа ижоди ҳақидаги фохрия тарзидаги муносабати ҳам мазкур бобда акс этган. Хусусан, Низомий ўз қалами б-н Ганжа, Бардаъ ва Румни забт этган, Ҳиндистон эса Хусрав Деҳлавийнинг қалами измида, Араб ва Ажамда Жомий қалами ҳукмрон, Алишер Навоий эса ўзининг фикрича, Хито(Уйғуристон)дан то Хуросонгача бўлган ҳудудларни, шунингдек, Шероз ва Табризни ўз қалами измига бўйсундирган. Шоир шу ўринда ўз асарларининг туркона эканли-

гини, турк ва туркманлар унинг ёзганларига “кўнгил берганлари”дан фахрланади. Аммо бобнинг сўнгги қисмларида шоир бу фахр ва гурур учун тавба қилади, сўзлари унинг амал китобидаги қора доғ эканини айтади, Аллоҳ олдида ўзининг беҳад улкан гуноҳкорлигини эътироф қилган ҳолда ўтган айбу хатолардан пушаймон бўлиш ва тавба қилиш б-н покланишини ҳис қилади.

Достон поэтикаси ўзига хос бўлиб, Навоий услуби, маҳорат б-н қўлланган бадиий санъатлар, уларнинг мазмун б-н уйғунлиги асар муваффақиятини таъминлаган омилардандир.

Асарнинг ҳар бир боби ўзига хос тугал шаклга эга бўлиб, бир ёки икки байтдан иборат муайян “муқаддима” ва “хотима”дан иборат. Достон хронотопи мукамал тарзда ишланган ҳамда воқеалар тоғ, ўрмон, қаср, саҳро, денгиз каби турли жойларда ва куннинг турли қисмларида – тонг, туш, оқшом, тунда рўй беради. Алишер Навоий баён қилинаётган воқеликни хронотоп б-н боғлиқ тарзда ифодалар экан, қаҳрамонлар туйғулари ва ҳаракатини *ташбеҳ*, *ташхис*, *муболаға*, *хусни таълил*, *ружуб* сингари бадиий санъатларни фаол қўллаш орқали ёритиб беради.

“Фарҳод ва Ширин” ишқий саргузашт достонлар учун мўлжалланган *ҳазожи мусаддаси маъзүф* ваэни (руқнлари ва тактиви: мафойилун мафойилун фаувлун V- - - V- - - V- -) да ёзилган.

“Ф.” достони юзасидан А. Қайумов, С.Эркинов, Н.Қомилов, А. Каримов, Ф. Набиев, Б.Эралиев каби олимлар илмий изланишлар олиб борган.

Ас.: Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1991, 8-ж; Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 6-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.; Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. Т., 1971; Қомилов Н. Тасаввуф. Т., 2009; Б.Эрали. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. Т., 2015.

Дисс.: Каримов А. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари: ф.ф.н. Т., 1973; Эркинов С. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ши-

рин” достони ва уни қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари: ф.ф.д. Т., 1974; Набиев Ф.Ш. Алишер Навоий ижодида табиат тасвири ва қаҳрамонларнинг руҳий олами (“Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонлари асосида): ф.ф.н. Т., 1990.

“ФАРҲОД ВА ШИРИН” ҚҮЛЁЗМАЛАРИ. “Фарҳод ва Ширин”нинг алоҳида кўчирилган қўлёзмалари кам учрайди. У асосан “Хамса”даги бошқа достонлар б-н бирга кўчирилган.

Унинг илмий-танқидий матнини Порсо Шамсиев тузган ва 1963 й. эски ўзбек ёзувида нашр қилган (Шамсиев П. Алишер Навоий. Хамса: “Фарҳод ва Ширин”. Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент, 1963). Уни тузишда олим куйидаги беш қўлёзмага суянган:

1. Абдулжамил Котиб кўчирган қўлёзма нусха (Тошкент, ТошДШИ ШҚМ, инв. рақами – 5018). Мазкур нухани котиб 1485 й. Ҳиротда кўчирган. Навоий “Хамса”ни 1485 й. ёзиб тугаллаганлигини ҳисобга олсак, бу қўлёзма Навоий назорати остида кўчирилган ва “Хамса”нинг биринчи қўлёзмаси саналади.

2. Султонали Машҳадий 898/1492–93 й. кўчирган қўлёзма нусха. Санкт-Петербургда сақланади (РМК, инв. рақами – Дорн 560). Қўлёзма расоми – Мавлоно Ёрий, саҳҳоф – Султонали Марвий.

3. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 7554).

4. Санкт-Петербургда сақланаётган Навоий асарлари мажмуаси таркибидаги нусха (РМК, инв. рақами – 55). 904/1498–99 й. кўчирилган.

5. Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзма нусха. “Хамса”даги “Садди Искандарий”дан бошқа тўрт достонни жамлаган (РМК, инв. рақами – 559).

ФАСИХ РУМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Жўги Мирзо хизматида бўлгани, Мирзонинг саройидаги қаср ва бинолар Ф.Р.нинг шеърлари б-н безатилгани ҳақида маълумот бе-

ради. Ф.Р. Салмон Соважийнинг маснуж қасидасига татаббуъ битган. “Мажолис ун-нафоис”да унинг Низомийнинг “Махзан ул-асрор”ига жавобан ёзган қуйидаги байти келтирилган:

*Хар нафасе к-аз ту касе бишнавад,
Бешак аз у ҳамнафасе бишнавад.*

(Мазмуни: Сендан кимдир эшитган ҳар бир нафас (сўз)ни, шаксиз, ундан ўзга ҳам эшитади).

ФАТҲ БИН АЛИ МАВСИЛИЙ, Фатҳ бин Али бин Муҳаммад бин Фатҳ бин Саъид Мавсилиий (ваф. 835) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мавсил шаҳридан. Бишри Ҳофийнинг сафдоши. Тажрид мақомини эгаллаган сўфий. Қурбон ҳайити куни каромат кўрсатиб, вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ФАТҲ БИН ШАХРАФ (ваф. 887) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Наср. Имом Аҳмад Ханбал суҳбатидан баҳраманд бўлган. У Ф.Ш.га Хуросон заминининг беназир орифи, деб юксак баҳо берган. Жанозасида 100 мингдан зиёд одам қатнашган.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан келтирган.

ФАХРИДДИН ИРОҚИЙ, Шайх Фахриддин Иброҳим ибн Бузургмехр ибн Абдулғаффор Жаволиқий Ҳамадоний (1213, Ҳамадон – 1289, Дамашқ) – тасаввуф олими, шоир. Ёшлигидан Қуръони Каримни ёд олган ва бутун шаҳар аҳли унга мухлис бўлган. Ўн етти ёшидан Ҳамадон мадрасаларида дарс бера бошлаган. Кейин тас. йўлини танлаган ва қаландарларга қушилиб, Мултонга борган. Шайх Ваҳоуддин Закариёга мурид тушиб, унинг қўлидан хирқа кийган. Шайх унга ўз қизини никоҳлаб бериб, ўрнига халифа этиб тайинлайди. Макка зиёратига бориб, Бағдодда Шаҳобиддин Суҳравардий суҳбатидан баҳраманд бўлади. Кейин Румга бориб, Садриддин Қунавий хизматига киради ва

шу ерда “Ламаъот” (“Шуълалар”) номли машҳур асарини ёзади. “Ламаъот” – Шайх Аҳмад Газзолийнинг “Ас-савонеҳ фи маоний ул-ишқ” (“Ишқ маънолари ва воқеалари”) ҳамда шайх Мухйиддин ибн Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” (“Ҳикматлар гавҳари”) асари таъсирида ёзилган бўлиб, 28 ламъага бўлинган. Уларнинг ҳар бирида ишқ жараёни ва ошиқ ҳолатининг муайян кўриниши акс этган бўлиб, ишқ йўлида ошиқ босиб ўтадиган мақомлар баёнидан иборат. Асарнинг тили оғир, услуби мураккаб, рамаларга бой бўлгани учун унга кўплаб шарҳлар ёзилган. Улар орасида энг мукаммали Абдурахмон Жомийнинг 1481 й. Алишер Навоий илтимоси б-н ёзилган “Ашиъат ул-ламаъот” (“Ёрқин шуълалар”) шарҳи ҳисобланади.

Умрининг охирида аввал Миср, кейин Шомга бориб, Дамашқда муқим яшаб қолади. Мултондан ўгли Кабириддин келиб, унинг хизматида бўлади. Шайх Мухйиддин Арабий қабри ёнига дафн қилинган.

Бизгача 5872 байт қасида, газал ва рубоидан иборат девони етиб келган. Бундан ташқари, Ҳаким Санойининг “Ҳадиқат ул-ҳақиқа” маснавийси йўлида 1062 байтли “Ушшоқнома” (“Ошиқнома”) манзумасини ёзган. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Ф.И. ва унинг “Ламаъот” асарини қайд қилиб ўтади. Шунингдек, “Насойим ул-муҳаббат” асарига “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу ориф шоир ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ФАХРИДДИН РОЗИЙ, Абу Абдуллох Муҳаммад бин Умар бин Ҳусайн бин Ҳасан бин Али Табаристоний Розий (1148, Рай – 1209, Ҳирот) – фақих, муфассир ва муҳаддис. Калом илмида ўз даврининг етук олимларидан бўлган. Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад даврида катта нуфузга эга бўлган. Жалолиддин Румийнинг отаси Ваҳоуддин б-н ихтилофга борган. Фандаги барча хулосаларга шубҳа назари б-н қараб, қайта текшириб чиққани учун “Шаккоклар имоми” лақаби б-н машҳур бўлган. Мантиқ илмида ибн Синога илоҳийлик қилган, аммо фалсафий муаммоларда Сино ва унинг тарафдорларини қаттиқ танқид қилган. Бидъатчи ва зарарли оқимларга қарши

алоҳида китоб ёзган. Ф.Р.нинг “Муҳсалул афкори мутақаддимин ва мутааххирин” (“Ўтмиш ва замондош олимларнинг фикрларининг ҳулосаси”), “Ниҳоят ул-эъжоз” (“Эъжознинг охири”), “Шарҳи қудлиёти Қонуни Сино”, “Китоб ул-арбаъин” (“Чилла ўтириш китоби”) каби 20 дан ортиқ асари маълум. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх б-н боғлиқ боғни айнан киритган.

ФАХРИЯ (ар. – мақтаниш) – шоирнинг истеъдод даражаси, қалами қудрати, асарларининг бадиий юксаклиги ҳамда эришган муваффақиятлари ва шон-шухратидан фахрланиб битган шеър у байтлари. Ф. деярли барча Шарқ шоирлари ижодида учрайди. Шеърятда муайян мақомга эришган шоир ўзининг сўз санъатидаги мавқе-мартабаси, эришган муваффақиятлари, юксак маҳорати ва асарларининг доврўғидан сўз очиши табиий.

Ф. кўпинча ўзи учун у ёки бу соҳада, яъни маълум бир жанрда (ғазал, қасида, достон ва ҳ.к.) намуна бўлган, устод номи б-н боғлиқ ҳолда яратилади. Ушбу усул воситасида кўпинча у ёки бу ижодкорнинг йўли қайси устоз б-н кўпроқ боғланганлигини ҳам идрок этиш мумкин.

“Баъзи қолларда фахрияда шоир ижодининг камолот даражасию аҳамиятини кўрсатиш мақсадида ўзи б-н бошқа шоирлар орасида қиёс ўтказади” (З.Мамажонов).

Алишер Навоий ижодида Ф.нинг рангбаранг шаклдаги кўплаб намуналари мавжуд. У ўз Ф.ларида гоҳ устозларини улўлаб, ўзининг уларга муносиб шогирдлигидан сўз очса, гоҳ фавқуллода истеъдод соҳиби эканлигини қомил ишонч б-н таъкидлайди, гоҳ шеърларининг мавзулари, жанрлари, вазнлари ҳақида маълумот берса, гоҳ асарларининг бадиият сирларига эътибор қаратади, гоҳ адабий муваффақиятларию бадиий кашфиётлари б-н фахрланса, гоҳ асарларининг шухратидан ифтихор туйғуларини изҳор қилади.

Энг муҳими, Алишер Навоий Ф.лари шунчаки ўзидан фахрланиш бўлмай, шоирнинг бадиий оламига кириш йўлидаги ўзига хос очқичлардир. Чунки уларда у ўзининг истеъдоди, салоҳияти, маҳорат қирраларини очибгина қолмай, асарларининг жанрий

таркиби, мавзу кўлами ва образлар олами, бадиий юксаклиги, салмоғи ва аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритади. Айни жиҳатда, уни ўз ижодининг илк тадқиқотчиси дейиш мумкин.

“Лисон уг-тайр” достонида:

Турк назмида чу мен тортиб алам,

Айладим ул мамлакатни якқалам

деган шоир ғазалларида ҳам кўплаб байтларида ўзига муносиб баҳони ўзи бериб кетган. Мас., улардан бирида: “Шарбат қанча ширин бўлса, кишининг ичини шунча куйдиргани каби, Эй Навоий, ширин шеърларинг ҳам эл кўнглини шунчалик ўртади” дейди:

Навоий, ўртади ширин

ҳадисинг эл кўнглин,

Начуски, куйдурур ични,

чу шарбат улди чучук

(“Бадоеъ ул-васат”, 331-ғазал)

Алишер Навоийнинг қатор Ф.лари гоийибдан келган овоз (ҳотиф, суруш) ёки буюк салафлари ва устозлари (Низомий, Жомий) номидан келтирилади. Мас.:

Дедим: назм аҳлининг сархайли

ким булғай, деди хотиф:

Навоий бўлган улким,

сен тилайдурсен агар, бўлғай.

Бу ерда Хотиф Алишер Навоийнинг назм аҳлининг пешвоси, шоирларнинг устоди бўлишини башорат қилади.

“Ҳамса” ниҳоясида эса Низомий тилидан Навоийнинг ғазал ва маснавийда беқиёс муваффақиятларга эришиб, шуаро пешқадамига айланганини таъкидланади:

Силеҳр айлаб эл ичра нодир сени,

Жаҳон назми таврида қодир сени.

Ғазал таврида чунки қилдинг хиром,

Сўз аҳлига сўз дерни қилдинг ҳаром.

Тутиб эрди назминг жаҳон кишварин,

Жаҳон кишварин йўқки, жон кишварин.

Бу дам маснавийғаким айлаб шитоб,

Туқа бошладинг хомадин дурри ноб.

Ажаб иш бу ишда санга берди даст –

Ки, эл назмига берди назминг шикаст.

ФАҚР (ар.) – лугавий маънода эҳтиёж ва камбағалликдир. Истилоҳ сифатида барча ҳолатларда Худога муҳтожликни англаш ва ўзидан ўзгасига эҳтиёжсиз бўлмоқ маъносини англатади. Имом Ғаззолий

Ф. тушунчасининг умумий ва хос маънолари ҳақида ёзади: “Билгилки, фақир деб, ўзининг ихтиёрида ва қўлида бўлмаган нарсага муҳтож бўлган кишига нисбатан айтилади. Инсоннинг энг аввало, ўзининг мавжудлигига, сўнг ҳаётига, ундан кейин емак-ичмак, кийим-кечак ва шунга ўхшаш нарсаларга эҳтиёжи борким, буларнинг барчасига ўз ихтиёри б-н тасарруф эта олмас. Ғаний деб, бирор нарсага ўзидан бошқа вужудга эҳтиёж сезмайдиган зотга нисбатан айтиладиким, бутун оламда Ҳақ таоло жалла жалолоҳудан ўзга ҳеч ким бу қудрат ва сифатга соҳиб эмас. Вужуд оламида инсу жиндан тортиб, фаришталар, парий ва жинлар олами – барчанинг боқийлиги ва мавжудлиги Ҳақ таолога боғлиқдир ва барча мавжудот Ҳақ таолога муҳтождирлар. Демак, ҳақиқат юзасидан барча мавжудот фақирдирлар.

Аммо тас. аҳли Ф. сўзини ўзини шу сифат б-н таниган ва Ф. сифати унга голиб бўлган кишиларга нисбат беришади”.

Абу Наср Саррож Ф.ни сулукдаги мақомлардан бири сифатида таърифлаб, уч гуруҳга таснифлаган. Биринчи гуруҳ – қўлида мол-дунёси бўлмаган, Аллоҳдан ҳам, бошқалардан ҳам на зоҳир ва на ботинда ҳеч нарса талаб қилмайдиган ва агар мабодо уларга кимдир инъом этса, инъомни ҳам рад этадиган кишилар бўлиб, бу – муқарраблар мақомида ҳосил бўлади.

Иккинчи тоифа – фақир бўла туриб, бировга арзи эҳтиёж этмайдиган, агар кимдир уларга инъом этса, инъомини рад этмасдан оладиган ва яхши ишларга сарфлайдиган кишилар бўлиб, бундай мақомга сиддиқлар эришадилар.

Учинчи тоифа – мол-дунё тўпламасдан яшайдиган кишилар бўлиб, агар бирор нарсага эҳтиёж сезсалар, тариқат аҳлига хайрихоҳ биродарларидан ўз эҳтиёжларига яраша сўрайдиганлардир. Булар Ф. йўлидаги содиқлардир.

Навий асарларида Ф. сўзи ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маънода қўлланилган бўлиб, ирфоний мазмундаги газалларида Ф. аҳлининг ҳиммати ва уларнинг Ҳақ ва халқ олдидаги иззати баланд пардаларда куйланган.

*Фақр аҳлига подшо муҳтож,
Ўилаким шоҳга гадо муҳтож.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 100-газал)

ФИЗЗА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Шайх Абуррабиъ Молақий унинг зиёратига бориб, қароматини мушоҳада қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни қискартириб киритган.

ФИРДАВСИЙ, Абулқосим (934, Тус – 1030) – форс-тожик шоири ва мутафаккири. Тус ш. яқинидаги Бож қишлоғида камбағаллашиб қолган заминдор оиласида туғилган. Бошланғич таълимни қишлоғидаги мактабда олиб, кейинги таҳсилни Тус ва Нишопур ш.ларидидаги мадрасаларда давом эттирган. Замонасининг барча асосий илмларини эгаллагани, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўргангани ва қомусий олим даражасига етишгани учун “ҳаким”-деб улуғланган.

Ф.нинг ёшлик йиллари сомонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда Эрон ва Турон халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маъ-ий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берган. Қадимий афсона ва ривоятлар, буюк шоҳлар ва баҳодирлар ҳақидаги қисса ва жангномалар тўпланган. Сомоний ҳукмдорлар ўша давр шоири Абу Мансур Дақиқидан тўплаган улкан маълумотни шеърга солишни буюради. Лекин шоир эндигина минг байт ижод қилганида қули томонидан ўлдирилади ва бу вазифа Ф.га топширилади. У Мансур бинни Муҳаммаднинг моддий қўллаб-қувватлаши б-н “Шоҳнома”ни давом эттиради. Ф. Эрон ва Турон халқларининг қарийб тўрт минг йиллик тарихини юксак маҳорат б-н бадиий талқин қилган 60 минг байтдан иборат “Шоҳнома” устида 35 йил меҳнат қилади. Тадқиқотчилар асарни уч қисмга бўладилар: биринчи бўлимда шоир энг қадимий афсона ва ривоятларни қайта ишлаб, назм ипига терган бўлса, иккинчи бўлимда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги қисса ва жангномаларга янги ҳаёт бахш этади, учинчи бўлимда тарихий шоҳлар ҳаётини қаламга олади. “Шоҳнома” энг қад. давр-

лардан бошланиб, сосонийлар шоҳи Язгирд III даврида арабларнинг Эронга босгириб кириши б-н якунланади. “Шоҳнома” ҳажми, мавзу кўлами, образлар олами, қаҳрамонларнинг кўп ва хилма-хиллиги, ғоявий мотивлар ва кўтарилган масалалар жиҳатидан жаҳон ад-тидаги энг катта эпик асардир. Юздан ортиқ катта-кичик дostonлардан ташкил топган бу асарда мингдан зиёд турли даражадаги персонажлар иштирок этади.

Асарда шоирнинг ўз халқига бўлган бекиёс меҳру муҳаббати, айни пайтда, босқинчиларга қарши чексиз қаҳру ғазаби яққол кўзга ташланиб туради. “Шоҳнома”даги Рустам, Сухроб, Сиёвуш, Бижан, Золи Зар, Судоба, Гударз, Гев, Тус, Ҳожир, Гурдофарид, Ҳумой, Манижа сингари қаҳрамонлар ер юзид адолат тантанаси учун курашадилар. “Зол ва Судоба”, “Бижан ва Манижа” дostonларида чинакам байналмилаллик ғоялари илгари сурилган. “Исфандиёр”, “Шағод”, “Ун икки муҳораба” дostonларида мамлакатнинг яхлитлигига раҳна солувчи, уруш оловини ёқувчи зolim ва фитначи шоҳу саркардалар кескин қораланади. Айни пайтда, Рустам ва Тахмина, Зол ва Рудоба, Бижан ва Манижа ўртасидаги соф ва самимий севги ҳассос мисраларда тараннум этилади. Лирик чекинишларда шоир тирикликнинг азалий ва абадий муаммолари б-н боғлиқ фикр-мулоҳазаларини ҳам юксак маҳорат б-н баён этганки, уларнинг кўпи ҳикмат каби жаранглаб, халқ мақол-маталларига айланиб кетган.

Сомонийлар салтанати кучга тўлган даврдан ёзила бошланган, шоирнинг ярим умри баҳшида этилган “Шоҳнома” ниҳоясига етганда, бу қудратли давлат парчалашиб, Қорахонийлар ва Ҳазнавийлар ўртасида бўлинган эди. Шунинг учун шоир асар муқаддимасига Ҳазнавийлар ҳукмдори шоҳ Маҳмудни мадҳ этувчи бағишлов илова қилади. Лекин у мутаассиб уламо ва ҳасадгўй шоирлар қутқуси б-н асарни муносиб баҳоламайди: қарийб 120 минг мисрадан иборат “Шоҳнома” бор-йўғи 20 минг кумуш тангала раво кўрилади. Бундан қаттиқ ранжиган Ф. ушбу маблағни ҳаммом ходими, шарбатдор ва уни келтирган мулозимга бўлиб бериб, Ҳазнадан чикиб кетади.

Умрининг охирида қишлоғига қайтган шоирни руҳонийлар шиалиқда айблаб, мусулмонлар қабристонига кўмишга рухсат бермайдилар. Унинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилади. Темурий шаҳзодалардан Бойсунғур Мирзо буйруғига биноан “Шоҳнома”нинг 40 дан ортиқ нусхалари ўзаро қиёсланиб, шу асосда мукамал матни яратилади. Фанда “Шоҳнома”нинг Бойсунғур нусхаси номи б-н машҳур бу матн асарнинг ишончли нусхаларидан бири ҳисобланади. “Шоҳнома”нинг танқидий матнлари ичид а энг муътабари эса, Е.Э. Бертельс ва А. Нўшин таҳрири остида собиқ Иттифоқ ФА Шарқшунослик институти жамоаси томонидан тайёрланган 9 жилддигидир.

Алишер Навоий Ф. ва унинг “Шоҳнома” асаридан яхши хабардор бўлган. У ўзининг кўплаб асарларида Ф. номини ҳурмат б-н тилга олади, уни “малик ул-калом Фирдавсий Тусий” деб улуғлайди, асарларида “Шоҳнома”нинг машҳур қаҳрамонлари номларини келтиради. Навоий Самарқанддан устози Сайид Ҳасанга йўллаган шеърини мактуби – маснавийсида ўзида кучли ижодий қувват сезаётганини айтиб, Ф. ўттиз йилда ёзган асарга ўхшаш асарни ўттиз ойда ёза олиши мумкинлигини таъкидлайди. Ушбу маснавийда Ф. маснавий майдонининг паҳлавони деб таърифланса, “Муҳокамат ул-луғатайн”да “маснавийда устоиди фан” деб эътироф этилади, “Мажолис ун-нафоис”нинг Абдуллоҳ Ҳотиғийга бағишланган бобида “малик ул-калом” сифати б-н тилга олади. Навоий “Ҳамса” хотимасида кўрган тушини тасвирлар экан, Ф.ни буюк сўз усталари қаторида зикр этади:

Чу Сағдийо Фирдавсийо Унсурий,

Саноио Хоҷонио Анварий.

Тааддудда муҳтожи таҳсил эрур,

Вале бўлса тафсил, татвил эрур.

Шунингдек, “Тарихи мулуки Аҷам” асарини яратишда кўплаб тарихий асарлар қаторида Фирдавсий “Шоҳнома”сидан ҳам кенг фойдаланган.

ФИРОҚ – айрилиқ. Ошиқнинг ўз ёридан айрилганини англатадиган тушунча. Азиз Насафий “Комил инсон китоби”да Ф.ни ма-

жозий ишқнинг иккинчи мартабасига оид деб билиб, шундай ёзади: “Ишқ бир ўтдирки, ошиқ вужудига тушар; бу ўтнинг макони кўнгилдир. Кўнгилга бу ўт назар йўлидан келар ва кўнгилда ватан тутар... Бу ўтнинг шуъласи барча аъзоларга етиб, тадрижий равишда ошиқнинг ичини куйдириб, покиза ва соф этади. Ошиқнинг кўнгли шундай нозик ва латиф бўладики, нозиклигидан маъшукнинг дийдорига чидай олмайди. Маъшукнинг тажаллийсидан фано бўлиш хавфи туғилар. Мусо алайҳиссалом Ҳақ таолонинг дийдорини истаганда бу мақомда эди. Шунинг учун, Ҳақ таоло Мен сенга Ўзимни кўрсатмайман, демади, балки буюрдиким: Лан тароний, яъни мени кўролмайсан.

Бу мақомда ошиқ Ф.ни висолдан афзал билади. Ф.дан кўпроқ роҳат ва осойишталик топади”.

Фироқ дардиға дерсен,

даво не бўлғай экин?

Бу дардға ҳам ўзунг де,

даво не бўлғусидур?

(“Фаройиб ус-сигар”, 142-газал)

ФИРУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Унинг даврида етти йил қаҳатчилик рўй беради. Ф. халқни солиқ ва хирождан озод қилади. Ундан кейинги етти йилда фаровонлик бўлиб, қурғоқчилик йилларидаги зарарлар буткул қопланади. Ф. эфталитлар (Ҳайтолийлар) ҳукмдори Хушнавозга қарши юриш қилганида йўлда қазилган қудуққа тушиб ҳалок бўлади. Унинг даврида Райда Фирузосор, Журжонда Равшанфируз, Ҳиндистонда Ром Фируз, Озарбайжонда Шод Фируз, Форсда Ком Фируз ҳамда янги Исфаҳон ш.лари вужудга келган. Ф. 26 йил ҳукмдорлик қилган. Ф. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот мавжуд.

Чу Фируз бин Яздижирд ўлди шох,

Анга муфтахир эрди хайлу сипоҳ,

Анга доғи гардун жафо айлади,

Ажал чоҳиға мубтало айлади.

ФИРЪАВН – Қадимги Миср ҳукмдорларининг умумий номи. Мусо (а.) давридаги Ф. номи Куръони Каримда 68 марта тил-

га олинади. Тарихий манбаларда айтилишича, бунда Миср Ф.ларининг 19-сулоласи намояндаси Рамсес II (мил.ав. 1298–1232) назарда тутилган. “Тарихи Табарий” муаллифи Мусо (а.) давридаги Ф.нинг асл исми-ни Валид ибн Мусъаб, деб атайди.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да иккита Ф. ҳақида сўз боради. Биринчиси – Юсуф (а.)нинг умри охирида Малик Райённинг ўрнига подшоҳ бўлган Қобус исмли бедин подшоҳ. Иккинчиси, Мусо (а.) даврида ҳукмронлик қилган Валид ибн Мусъаб исмли Ф. Бу Ф. дастлаб ҳаммани бутпарастлик динига тарғиб қилади. Тахтда узок муддат ўтирганидан кейин ўзини Худо дейишдан ҳам тоймайди. Ф. Миср қибтийларини дахлсиз қавм деб, Бани Исроилга кўп зулм қилди. Ф. бир кеча Шом томондан ўт чиқиб, Миср ва мисрликларни буткул ёндириб юборганини туш кўради. Қоҳинлар бу тушни Бани Исроилдан бир киши чиқиб, унинг давлатига завоҳ етказади, деб таъбир қилади. Ф. беш йил Бани Исроилдан туғилган барча чақалоқни қатл этишга буюради. Уша йиллар Бани Исроил қавми орасида вабо тарқалиб, кўп кишилар ҳаётига зомин бўлади. Келажакда қулсиз қолиб кетишдан қўрққан Ф. энди чақалоқларни ҳар икки йилда қатл этиш ҳақида фармон чиқаради. Худонинг инояти б-н Мусо (а.) ана шундай даврда туғилади ва Мусо (а.)ни Ф.нинг ўзи тарбия қилади. Мусо (а.) бир қибтийни уриб ўлдирганидан кейин Ф. уни қатл этмоқчи бўлганида Мадянга қочиб кетади ва пайғамбарлик рутбасига мушарраф бўлганидан кейин Мисрга яна қайтиб келиб, Ф.ни имонга даъват қилади. Ф. унинг даъватини қабул этмай, мўъжиза талаб қилади, сеҳргарларини қарши қўяди. Ф.нинг сеҳргарлари гарчи Мусо (а.) мўъжизаси – аждаҳога айланадиган ҳассаси олдида ожиз қолса-да, имон келтирмайди ва Бани Исроилга янада кўпроқ зулм қила бошлайди. Мусонинг дуоси туғайли Мисрга қаҳатчилик, тўфон, чигиртка, вабо каби саккиз хил бало-ю офат ёғилади. Ф. укаси Ҳомонга баланд минора қуришни буюради. Баландлиги 5000 метрдан ортиқ миноранинг устига чиқиб, Худо б-н урушмоқчи бўлган Ф. осмонда ҳеч кимни кўрмайди, хижолат

бўлиб, қайтиб тушади. Тушган заҳоти у курдирган минора ер б-н яксон бўлади.

Ф. Мусога қарши қўшин тортади, аммо илоҳий мўъжиза туфайли Нил дарёсида муҳаррам ойининг 10-кунида ўзи ҳам, қўшини ҳам чўкиб ҳалокатга учрайди.

Тас. шеъриятида Ф. нафси аммора, тақабурлик, манманлик, худобеҳабарлик тимсолига айланган. Ф. сўзидан ясалган “тафаръун” ҳам ана шундай маъноларни англатади.

Рухга шева Калимулло

ишин қилмоқ фош,

Нафс фиръавнлик

асбобини айлаб марбут.

(“Фавоид ул-кибар”, 280-ғазал)

ФОЛИЗВОН БУХОРИЙ, Абубакр – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Шайх Аму 981 й. уни зиёрат қилиш учун Ҳиротдан Бухорога боради. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ФОНИЙ – 1) йўқолгувчи, йўқ бўлгувчи, вақтинчалик.

Буни билким, жаҳон фонийдур асру,

Ҳақиқат аҳли зиндонийдий асру.

(“Фарҳод ва Ширин”)

2) фано даражасига етган киши. Тас. даги энг баланд мартаба соҳиби.

Иктифо қилма буларга,

истар эрсанг лаҳзае,

Нукта сурмак бир ҳарифи

фонийи озода топ.

(“Наводир уш-шабоб”)

3. Навоийнинг форсий девони ва “Лисон ут-тайр” асарида қўллаган таҳаллуси.

Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достониде Ф. таҳаллусини қўллаганининг сабаби фано мартабасига эришишни ният қилгани, комил салафлари (Фаридиддин Аттор – “Қофи фано Анқоси”, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби ориф-авлиёлар) ва замондошлари (Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад кабилар)га ҳавас ва интилиш, алаалоқибат, ўзини бу (мақом)га муносиб деб англаш туйғулари мужассам этилган-

лигидадир. Турк ад-тшуноси М. Жонполат ҳам “ўз қушлари б-н фано водийсида сайр этган шоир қаётда ҳам шу водийга етган эди” деган фикрни билдиради.

*Мунда фоний бўлмай иш бўлмас тамом,
Фоний ондин топти назмим ихтимом.*

(“Лисон ут-тайр”)

ФОРИС БИН ИСО БАҒДОДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абулқосим. Мансур Ҳалложнинг издошларидан. Ҳалложнинг қатлидан сўнг Самарқандга кетиб, Имом Абу Мансур Мотуридий, Шайх Абулқосим Ҳаким Самарқандий б-н ҳамкор, ҳаммаслак ва яқин дўст тутинади. Имом Мотуридий, Абубакр бин Исҳоқ Калободий, Абдураҳмон Суллайий ва имом Қўшайрий ўз асарларида Ф.Б.дан кўп нақл ва ривоят келтирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ФОРОБИЙ, Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуг Тархон Форобий (873, Фороб – 950, Дамашқ) – қомусий олим, адиб, мутафаккир. Бошланғич маълумотни она шаҳрида олиб, таҳсилни Ташкент, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида давом эттиради. Вилимини янада чуқурлаштириш мақсадида Бағдодда Абу Башар Матто ибн Юнус ал-Кунноийдан юнон тили ва фал.сини, Юҳанно ибн Ҳийлондан эса тиббиёт ва мантиқ илмини ўрганади. Баъзи тарихий манбаларда Ф. 70 дан ортиқ тилни билганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ф.нинг 160 дан ортиқ асар ёзгани маълум, лекин уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган. Алломанинг, айниқса, “Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши”, “Донолик асослари”, “Мантиқ илмига кириш”, “Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида”, “Масалалар моҳияти”, “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари”, “Таълиқот”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Аристотель “Метафизика” китобининг мақсади тўғрисида”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар” асарлари машҳур. “Мусиқа ҳақида катта китоб”и 11-асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган. Айтишларига қараганда, “Қонун” деган мусиқа асбобини ҳам ихтиро қилган.

У Платон, Аристотель, Евклид, Птоломей, Порфирий каби юнон олимлари асарлари-га шарҳлар ёзган, уларни янги ғоялар б-н бойитиб, ривожлантирган. Ўрта асрларда мукаммал ҳисобланган илмлар таснифини яратган.

Ф. асарлари асосан назарий характерда бўлиб, ўз даври табиий, аниқ ва ижтимоий фанларни билиш, тушунтириш ва ривожлантиришга катта аҳамият қаратган. Шом мадрасаларида талабаларга сабоқ берган. Баъзи маълумотларга кўра, бир Дамашкнинг ўзида ўн мингга яқин талаба Ф.дан таълим олган.

Ф. Дамашқда вафот этган ва “Боб асағир” қабристонига дафн этилган.

Ф. тил ва ад-т масалалари б-н ҳам мунтазам шугулланиб, “Шеър ва қофиялар ҳақида сўз” (“Калом фиш шеър вал-қавофий”), “Риторика ҳақида китоб” (“Китоб фил-хитоба”), “Шеър китоби” (“Китоб аш-шеър”), “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида” (“Мақола фи қавонийн синоат аш-шуаро”), “Луғатлар ҳақида китоб” (“Китоб фил-луғат”), “Хаттотлик ҳақида китоб” (“Китоб фи санъат ал-китобат”) каби асарлар ёзган. Улар ичидан “Шеър китоби” ҳамда “Шоирлар санъатлари қонунлари ҳақида”ги рисо-ласини таниқли шарҳшунос А.Ирисов ара-бчадан таржима қилиб, шарҳу изоҳлар б-н нашр эттирган.

Ф. фақат носиктабъ ад-тшунос бўлиб қолмай, ўзи ҳам бадиий ижод б-н шугул-ланган. Жумладан, тарихий-адабий ман-баларда унинг теран фалсафий рубоийлар ёзгани таъкидланади. Ундан бизгача 2 та рубоий етиб келган.

Навоий фарзанд ўрнида тарбиялаган Шоҳқули гижжакчига ёзган мактубида уни “муаллими соний Абу Наср Форобий” деб атаб, мусиқа билимдонларидан бири сифа-тида қайд этади. Шунингдек, мусиқа ил-мининг асосчиси Пифагордан муаллими ав-вал Аристотель давригача, муаллими соний Абу Наср Форобийдан Хожа Абдулқодир асригача бўлган бирор подшоҳлик даврида ҳеч ким бу фан аҳлига мен сенга берган-чалик эътибор ва тарбия бермаган эди деб, йўлдан озган шогирдидан гина қилади.

Н.Комиловнинг ёзишича, Ф.нинг “Фо-зил одамлар шаҳри” асаридаги идеал жа-

мият ҳақидаги қарашлари 15-асрга келиб қайта жонланган. Бу қарашларнинг таъ-сирини Навоийнинг “Садди Искандарий” асарида ҳам сезиш мумкин. Навоий Афло-тун, Арасту ва Ф. орзу қилган довишманд подшоҳ ҳақидаги истак ва талабни Искан-дар сиймосида мужассам этади.

ФОТИМА БАРДАЪИЯ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Эроннинг Ардабилида яшаган. Шатҳиёт сўзловчи орифа бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ФОТИМА БИНТИ АБУБАКР КАТТО-НИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Самнун Муҳибб маж-лисида муҳаббат ҳақида сўз очилганда важд ҳолига тушиб, жон берган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ФОТИМА БИНТИ МУСАННО – “Насо-йим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Ибн Арабий “Футуҳот ул-Маккия” асарида унинг хизматида бўлгани ва кар-омат соҳиби экани ҳақида ёзган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ФОТИМА НИСОБУРИЯ (ваф. 838) – “На-сойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Зуннун Мисрий ва Боязид Бистомий суҳбатига мушарраф бўлган. Асосан Макка-да яшаган. Тафсир илмини чуқур ўрганган. Умра зиёратига бораётганида вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

“ФОТИХАТ УШ-ШАВОВ” – Абдурахмон Жомийнинг 65 ёшигача ёзган лирик асар-лари мажмуидан иборат девони. “Ҳабиб ус-сияр”да қайд қилинишича, Жомий бу девонни 1463 й. Султон Абусаид даврида тузиб, 1468 й. ва 1475 й.да жиддий таҳрир қилган. Сўнгги таҳрир 884 х.қ./1479 й.да амалга оширилган. Буни Жомийнинг ўзи

девои муқаддимида “садаф” таърихи (884 ҳ.қ./1479 м.) воситасида айтган. Бундан ташқари, муқаддимада Навоийнинг тақлифи б-н девонга “Ф.” деб ном қўйганини ҳам алоҳида қайд этади. Навоий “Ф.” девонини “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомий асарлари рўйхатида киритган.

“ФУКУК” – Садриддин Қунавийнинг араб тилида ёзган асари. Тўлиқ номи “Ал-фукук фий мустанадоти ҳикам ил-Фусус” (“Фусус ул-ҳикам”даги маъно дурдоналарини очиш китоби). Муаллиф Ибн Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” рисоласидаги фикрларга мухтасар шарҳ ёзган. Ф. ўзидан кейин фалсафий шарҳлар ёзилишига катта таъсир ўтказган. Навоий ушбу асар номини “Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Садриддин Қунавий ҳақидаги бобда тилга олади ҳамда бир ғазалидаги вафо ҳақидаги қарашларини янада ёрқинроқ ифода этиш учун “Ф.”га мурожаат қилади:

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур,

Агар “Фусус” дурур, гар

“Нусус”у ўқса “Фукук”

(“Фавоийд ул-кибар”, 322-ғазал)

“ФУСУЛИ АРБАА” (“Тўрт фасл”) – Алишер Навоийнинг форсий тилда яратилган қасидалар туркуми. “Девони Фоний” таркибига киритилган. Тўрт қасидадан иборат бўлиб, йилнинг тўрт фаслига бағишлаб ёзилган ва фаслларга мос ҳолда “Саратон”, “Хазон”, “Баҳор” ва “Дай” деб сарлавҳаланган. Шарҳ мумтоз қасиданавислигидаги анъанага кўра табиат тасвири акс этган қасидалар васфия йўналишида бўлиб, улар кўпроқ баҳор ва ундаги манзаралар тасвирига бағишлаб ёзилган ва “баҳория” деб аталган. Алишер Навоий эса тўрт фаслнинг ҳар бирига алоҳида қасида бағишлаб, уларни “Ф.”деган умумий ном б-н атайти ва “*Муҳокамат ул-луғатайн*”да уларнинг мавзусини алоҳида эслаб ўтади: “...тўрт қасидаки, “Фусули арбаа”га мавсумдур ва андин тўрт фасл: ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва юбусат кайфияти маълум, хомам рақам қилибдурки, тўрт фасл хосияти асаридек рубъи маскунга ёйилибдур”. Ушбу қасидаларнинг ҳар бири мустақил асар бўлиш б-н бирга моҳият ва услуб эътибори б-н

ўхшаш бўлиб, тўрт қисмдан ташкил топган яхлит бир асарни эслатади. Тўртинчи қасидада “Фоний” тахаллуси қўлланилганлиги ушбу фикрга асос бўлади. “Ф.” буюк мутафаккирнинг бадий тафаккури, шоирлик салоҳиятини яна бир бор намоён қилувчи юксак ижод намунасиدير. Қасидаларда йил фаслларига хос гўзал манзаранинг бетакрор тасвири б-н бир қаторда замона султони Хусайн Бойқаро мадҳи ҳам қаламга олинади, шохнинг адолати, саховати, жанглардаги матонати, олийжаноб фазилатларига таҳсин айтилади. Навоий ҳар бир фаслнинг ўзига хос манзараси, жозибаси ва рутубатини Хусайн Бойқаро сиймосига уйғун ҳолда тавсифлайди, йил фасларида содир бўладиган ўзгаришларни шохнинг фазилатлари ва табиатини очиб беришга хизмат қилдиради, ўқувчининг эътиборини табиат ва инсон орасидаги ўхшашлик ва боғлиқликка жалб қилади. Қасидаларда реалистик деталлар, ранглар тасвири юксак эмоционаллик ва муболага б-н қўшилиб кетган. “Ф.”даги ҳар бир қасида учун фаслга хос ритмик оҳангга эга вазнлар танланган бўлиб, улар муаллифнинг гоёвий-эстетик концепцияси ва бадий ниятини очиб беришга хизмат қилган.

“ФУСУС УЛ-ҲИКАМ” (“Ҳикматлар жавоҳири”) – Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг асари. 1257 й.да ёзилган. Араб тилида ёзилган ушбу асар муқаддима, 27 боб ва кичик хотима қисмидан иборат. Муаллиф ушбу асарда ваҳдат ул-вужуд наз-ясини Қуръони Каримда номи келтирилган пайгамбарлар ҳаёти б-н боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. “Ф.”га кейинги асарларда 120 дан ортиқ шарҳ ёзилган.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Абдурахмон Жомий бу китобни ҳақиқат асрорини англашда жуда муҳим ва мўътабар китобларидан деб билган. Хожа Муҳаммад Порсо ақидаси буйича, ким “Ф.”ни ўқиса, шариати муҳаммадияда янада собит бўлади. Шунингдек, “Насойим ул-муҳаббат”да Садриддин Қунавий, Мир Сайид Али Ҳамадоний, Хожа Муҳаммад Порсо, Муайядиддин Жандий, Камолиддин Абдураззоқ Коший, Абдурахмон Жомий

каби алломалар “Ф.”га шарҳ ёзганликлари ҳақида ҳам маълумот мавжуд.

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур.

Агар “Фусус” дурур, гар “Нусус”у

йўқса “Фукун”.

(“Фавоийд ул-кибар”, 322-ғазал)

“ФУТУҲОТ” – Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг асари. Тулиқ номи – “Ал-Футуҳот ал-Маккия” (“Маккадаги купо-йишлар”). Муаллиф ушбу китоб таълифини 1220 й. Макка ш.да бошлаб, 1223 й. Дамашқда ёзиб тугаллаган. Ибн ал-Арабий ушбу асарида ваҳдат ул-вужуд наз-ясидаги тажаллий, аъёни собита, ҳазароти ҳамс, зот ва сифот, валийлик ва нубувват, олами хаёл ва олами сувар каби тушунчаларга изоҳ берган. “Ф.” тас. тарихи учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Рувайм, Шайх Рузбеҳон Бақлий, Муҳаммад Авоний ибн ул-Қоид, Абуссуъуд ибн Шабл, Шайх Абу Мадян Мағрибий, Абулаббос бин Ариф Санҳожий Андалусий, Абу Исҳок бин Зариф, Шайх Мусо Садроний, Шайх Авҳадиддин Ҳомид Кирмоний, Фотима бинти Мусаннога бағишланган фаслларда “Ф.”дан иқтибослар келтирилган.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирили-пича, Хожа Муҳаммад Порсо “Фусус ул-ҳикам”ни жонга, “Ф.”ни эса кўнгилга қиёслаган. Хожа Абдулазиз Жомий кўпинча “Ф.” мутолааси б-н машғул бўлиб, Аттот ғазалларини шу китобга таянган ҳолда шарҳлаган экан. “Ҳайрат ул-аброр”даги котиблар зикридаги мақолатда “Ф.”ни китобат қилишни энг муҳим ва савобли амаллардан, деб таърифлаган.

Қилса “Футуҳот”ни гоҳи савод,

Топса футуҳотидин эл юз кушод.

(“Ҳайрат ул-аброр”, 12-мақолат)

ФУШАНЖИЙ, Абулҳасан Сўфий Али бин Аҳмад бин Саҳл (ваф. 959) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган та-саввуф шайхи. Ҳирот яқинидаги Пўшанг (ҳоз. Гуриён)да туғилиб, Нишопур шаҳри-да яшаган. Абу Усмон Ҳирий, Абулаббос ибн Ато, Журайрий, Тоҳир Мақдисий ва Абу Амр Димишқий суҳбатига муяссар бўлган. Абубакр Шиблий б-н тас. илми юзасидан мунозара қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”-дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.



ХАББОЗ БАҒДОДИЙ, Абубақр – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Касби новвойчилик бўлгани учун “Хаббоз” фахрий лақаби б-н машҳур бўлган. Жунайд Бағдодий, Сарий Сақатий б-н учрашган. Абу Муҳаммад Журайрийнинг устозларидан бири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХАВВОС МАҒРИБИЙ, Абу Сулаймон – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абулхайр Тайнотий*нинг муриди. Дамашқда вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХАВОТИР (ар. – хотирлаш, эслаш) – кўнгилни турли йўлга бошлайдиган хос ҳолатлар, муваққат кайфиятлар. Кўнгилда гўя, истак, ният шаклида пайдо бўладиган вақтинчалик ҳолат. Х.ни тўрт гуруҳга бўлиб таснифлаш мумкин: 1) ҳаққоний Х.; 2) малакий Х.; 3) нафсоний Х.; 4) шайтоний Х. Ҳаққоний Х. – Ҳақ таолонинг ўз муқарраб бандалари кўнгилга ғайб олами асроридан бевосита соладиган илҳом. Малакий Х. – инсонни яхши амаллар, тақво, тоат-ибодатга тарғиб этувчи ҳамда гуноҳлардан қайтарувчи фикрлар, тавба-тазарру. Нафсоний Х. – жисмоний истак-хоҳиш ва майлларнинг кўчайиши, нафснинг ҳою ҳавасларга муккасидан кетиши. Шайтоний Х. – макруҳ ва манъ этилган ишлар васвасаси. Кўнгил фақат фано ҳолидагина ҳаққоний, малакий ва нафсоний Х.лардан холи бўлади. Шайто-

ний Х.дан эса фақат бардавом зикр воситасида қутулиш мумкин. Х.нинг турларини ажратиш ва шунга қараб муомала қилиш учун солиқ кўнгил кўзгусини тақво ва зуҳд б-н сайқалламоғи, жиловантирмоғи лозим. Агар ким бу мақомга эриша олмаса, Х.га энг аввало шариат мезонлари, ақл меъёрлари ва пир кўрсатмаларига мувофиқ муносабатда бўлиш тавсия қилинган.

Ҳоз. ўзбек адабий тилида Х. – бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақида ташвишланиш, ҳадиксираш маъносига қўлланилади.

Хотирни жамъ истар эсанг

аввал хавотир дафъин эт,

Кимда хавотир бўлмаса

осудахотир бўлғуси.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 624-ғазал)

ХАВФ – бирор хатарли ҳодиса ёки воқеа содир бўлиши эҳтимоллиги, хатар. Абу Наср Саррож Х.ни тариқатнинг олтинчи мақоми сифатида қайд қилган. Қошоний сайру сулук давомида Х. икки хил бўлади, дейди: уқубат Х.и ва макр Х.и. Уқубат Х.и – барча имонли кишиларга хос ҳолат саналиб, ваъд тасдиқи (бу дунё ва Қиёмат кунидаги азоблардан огоҳлантириш) ҳамда ҳар қандай гуноҳга жазо муқаррарлигини англашдан ҳосил бўлади. Уқубат Х.и кўп жиҳатдан нафсга ҳам боғлиқ. Макр Х.и эса ҳақиқий орифларга хос: илоҳий муҳаббат туфайли пайдо бўлади. Орифлар лутф ва иноят зуҳур этган чоғда ҳам пинҳон турган қаҳр ва ғазабдан кўрқиб турадилар. Макр Х.и икки нарсадан пайдо бўлади: илоҳий муҳаббат ва илоҳий макр мулоҳазаси. Макр Х.ига гирифтор одамда икки

белги мавжуд; биринчиси, у Аллоҳ газаби ва қажридан қаттиқ қўрқади. Иккинчиси, Аллоҳдан ўзга қеч қимдан қўрқмайди.

Насириддин Тусий Х.ни бўлажак хатарлар олдидаги ҳадиксираш тўйғуси сифатида таърифлаб, асоссиз Х.сирашни руҳий хасталик аломати; ўз нуқсонларини билиш ва ишининг оқибатидан қўрқишдан ҳосил бўладиган Х. эса, яхши амаллар қилиш ҳамда маъ-лий қомилликка етишиш учун ҳаракат қилишга ундайдиган соғлом туйғудир, дейди. Ансорий Х. ва илм – бир-бирига боғлиқ тушунчалар, билмасдан қўрқиш – таассуб аҳлининг йўли, билиб туриб қўрқмаслик – динсизлар йўли, билиб қўрқиш – имонли кишиларнинг йўлидир, дейди.

Билки, эминсен рибий зухд

ужби хавфидин,

Эйки, дайр ичра фано

майхонасидур маъмининг.

(“Наводир уш-шабоб”, 341-ғазал)

ХАДИЧАБЕГИМ – Султон Ҳусайн Бойқаронинг севиқли аёли. Дастлаб Султон Абусаид Мирзонинг хотини булиб, ундан Оқбегим исмли қиз кўрган. Султон Абусаид Ироқдаги урушда Оққуюнлар сулоласининг вакили Узун Ҳасанга асир тушиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг қўли б-н қатл этилгач (1469.), Х. Ҳиротга, Султон Ҳусайн Бойқаро даргоҳига келиб, унинг ҳарамида гунчачи (ҳарамдаги қанизаклар ва маликаларга сарой расм-русуми ва одобларини ўргатувчи ходима) сифатида хизмат қилади. Шунда Ҳусайн Бойқаро унга ошиқ булиб қолиб, никоҳига олади. Х. ва Султон Ҳусайн Бойқаро никоҳидан икки ўғил – Музаффар Мирзо ва Шохгариб Мирзо дунёга келади. Гунчачиликдан маликалик мартабасига етишган Х. кейинчалик давлат ишларига ҳам фаол аралашиб, айниқса, Маждиддин Муҳаммад ва Низомулмулк б-н тил бириктирган ҳолда турли сиёсий ишго ва фитналар уюштиради: Низомулмулк б-н тил бириктириб, шаҳзода Мўмин Мирзонинг ўлимига сабабчи бўлади, Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин ҳақиқий валиаҳд – Вадјуазомон б-н бир қаторда Музаффар Мирзони ҳам тахтнинг соҳиби, деб эълон қилинишига эришади. Шайбонийхон Ҳи-

ротни ағаллаш учун қилган юришида (1507 й., 21 май) Ошиқ Муҳаммад Арғун ва яна бир неча содоқатли беклар Х. раҳ-барлигида Ихтиёриддин қалъасида икки ҳафтага яқин уруш олиб борадилар. Мағ-лубиятга учраган Х.ни Шайбонийхон Шох Мансур бахшига топшириб, унинг қўли б-н турли кийноқларга солган.

Навоийнинг Х. б-н муносабатлари анча мураккаб ва зиддиятли бўлса ҳамки, узокни кўзлаган ва саройнинг муҳитини яхши билган шоир шеърлари ва дostonларида уни мадҳ этиб, “Ҳадичаи кубро”, “Сорай узмо”, “Билқиси соний” деб сифатлаган. Аммо бу мақтовлар тарбиявий характерга ҳам эга бўлиб, Навоий ҳақиқий маликалар қандай сифатларга эга бўлишлари кераклигини назиклик б-н уқтириб ўтган (қар.: *Ибҳом*). Жумладан, “Сабъаи сайёр”нинг Х. таъри-фига бағишланган 10-бобида фалакни гун-чага киёслаб, Х.нинг ўтмишига ишора қилган бўлса, бобнинг охирида салтанат тизгини аслида унинг қўлида эканлигини киноя б-н қуйидагича ифодалайди:

Чун азалдин шаҳи жаҳон сизсиз,

Бўлмасун бир нафас жаҳон сизсиз.

ХАЗРАЖ БИН АЛИ АБУТОЛИБ – “На-сойим ул-муҳаббат”да тилга олинган та-саввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Хафиф Ше-розийнинг устози. Бағдоддан Шерозга кел-ганидан сўнг тез орада шуҳрат қозонади, айрим масалалардаги қарашлари инкор ва эътирозга учрайди. Аввал Нисо, сўнг Ис-фаҳон шаҳрига кетиб, Абу Али Ворижий қуриб берган қулбада кун кечиради. На-воий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХАЁЛИЙ БУХОРИЙ (ваф. 1441) – форс-тожик шоири. Ҳаёти ва ижоди ҳақи-да маълумотлар деярли сақланиб қолма-ган. Бухоро мадрасасида таҳсил олиб, бир муддат Ҳирот ва Ҳўжандда ҳам яшаган. Шунинг учун баъзи тазкираларда у Хаёлий Ҳиротий ёки Хаёлий Ҳўжандий деб ҳам тилга олинади. Давлатшоҳ Самарқандий у ҳақдаги фаслини “зикри мақбул ул-аброр Мавлоно Хаёлий Бухорий” (“Яхши киши-ларнинг сеvimлиси Мавлоно Хаёлий Бу-

хорий зикри”) деб бошлаб, “истеъдодли ва хуштабъ киши эрмиш, сўзлари дарвешона, раво ва покзадир. Девони Мовароуннахр, Бадахшон ва Туркистонда кўп машҳурдир”, дейди ҳамда ижодидан намуна сифатида “мерасад” (“етади”) радифли беш байтли ғазалини келтиради.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида унинг Хожа Исмаил Бухорийнинг шогирди, “хушхулқ ва хуш тавр йигит” эканлигини айтиб, икки байтини мисол тариқасида келтиради:

*Эй тири ғаматро дили ушшоқ нишона,
Халқе ба ту машғул,*

ту ғоиб зи миёна.

(Мазмуни: Эй ишқинг ўқиға опшиқлар дили нишон, халқ сен б-н машғулу сен эса ўртада йўқсан.

ХАЙР НАССОЖ, Муҳаммад бин Исмоил (ваф. 934) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бағдод ва Тикрит шаҳарларининг ўртасида жойлашган Сомарра ш.да туғилган. Бағдод ш.да яшаган. *Сарий Сақатий*нинг муриди. Жунайд Бағдодийнинг яқин дўсти. Ибн Ато, Абулхусайн Нурий ва Журайрийнинг устози. Шиблий Бағдодий ва Иброҳим Хаввос унинг мажлисида тавба мақомига қадам қўйган. Жабр Хулдий ва Абулхусайн Моликий суҳбатига мушарраф бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ХАЙРОН, Абу Али Ҳасан бин Солих бин Хайрон (ваф. 931) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шофеийлик мазҳабидаги йирик фақиҳ. Аббосий халифа Муқтадир биллох (908–932 й.) даврида унга қозилик мансабини тақлиф этишганида, рад этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ” (“Маънолар хазинаси”) – Алишер Навоийнинг туркий тилдаги девонлари мажмуи, лирик куллиёт. 1491(92) – 1498 й.лар оралиғида тузилган бўлиб, тўрт девонни ўз ичига олади.

Халқ орасида “Чор девон” (“Тўрт девон”) номи б-н ҳам шуҳрат қозонган. Куллиётга шоирнинг аввалги икки девони – “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”га кирган шеърлари, шунингдек, кейинги йилларда яратилган ва турли сабабларга кўра аввалги девонларга кирмай қолган турли жанрлардаги шеърлари киритилган. 15-аср лирикасининг буюк қомуси деб баҳоланган “Х.” улуғ шоирнинг деярли бутун ҳаёти давомида яратган ва лирик турнинг 16 жанрига мансуб бўлган шеърларини ўз ичига олади. У фақат мазмун-мундарижаси б-н эмас, балки тузилиши ва номланиши жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

“Х.” девон тузиш тарихидаги ноёб ҳодиса. У Навоий лирик меросини акс эттирувчи кўзгугина эмас, балки ўзбек мумтоз шеъриятининг барча фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Шарқ мумтоз лирикасининг юксак намунаси бўлган қомусдир.

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Баҳористон” асарида Навоийнинг ноёб истеъдоди, ҳар икки тилда – форсий ва туркийда шеър ёзишини айтиб, туркий тилда ёзишга майли бандлигини таъкидлар экан, “у тилда, яъни туркийда, ҳеч ким ундан кўп ва ундан яхши шеър айта олмаган ва назм дурларини соча олмаган”, дейди. Жомий бу баҳоси б-н Навоийнинг туркий тилдаги шеъриятни юксак чўққига олиб чиққанини эътироф этади.

Алишер Навоийгача ва унинг замонида яшаб, бир неча девон яратган шоирлар, хусусан, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг ўз девонларини умумий ном остида бирлаштириб алоҳида номлагани тажрибада кузатилмайди. Навоий ўзининг тўрт девонини “Х.” номи остида бирлаштирди.

Шоир куллиёт учун махсус дебоча ҳам ёзган. “Ғаройиб ус-сигар” девонининг бошланиш қисмидан ўрин олган бу дебоча мукамал композицион қурилишга эга. Дебочада дастлаб Холиқ ҳамди, Расулulloҳ наъти келади. Шоир ўз аҳволи, аъмоли баёнини бевосита ҳукмдорга боғлаб туриб, энг самарали усулни қўллайди: ҳам анъанавий тарзда Султон соҳибкирон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этади, ҳам Ҳусайн Бойқа-

хорий зикри”) деб бошлаб, “истеъдодли ва хуштабъ киши эрмиш, сўзлари дарвешона, раvon ва покизадир. Девони Мовароуннаҳр, Бадахшон ва Туркистонда кўп машҳурдир”, дейди ҳамда ижодидан намуна сифатида “мерасад” (“етади”) радифли беш байтли газалини келтиради.

Навойий “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида унинг Хожа Исмаил Бухорийнинг шогирди, “хушхулқ ва хуш тавр йигит” эканлигини айтиб, икки байтини мисол тариқасида келтиради:

*Эй тири ғаматро дили ушшоқ нишонан,
Халқе ба ту машғул,*

ту ғоиб зи миёна.

(Мазмуни: Эй ишқинг ўқига ошиқлар дили нишон, халқ сен б-н машғулу сен эса ўртада йўқсан.

ХАЙР НАССОЖ, Муҳаммад бин Исмоил (ваф. 934) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бағдод ва Тикрит шаҳарларининг ўртасида жойлашган Сомарра ш.да туғилган. Бағдод ш.да яшаган. *Сарий Сақатий*нинг муриди. Жунайид Бағдодийнинг яқин дўсти. Ибн Ато, Абулхусайн Нурий ва Журайрийнинг устози. Шиблий Бағдодий ва Иброҳим Хаввос унинг мажлисида тавба мақомига қадам қўйган. Жаъфар Хулдий ва Абулхусайн Моликий суҳбатига мушарраф бўлган. Навойий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ХАЙРОН, Абу Али Ҳасан бин Солих бин Хайрон (ваф. 931) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шофеийлик мазаҳидаги йирик фақиҳ. Аббосий халифа Муқтадир биллоҳ (908–932 й.) даврида унга қозилик мансабини тақлиф этишганида, рад этган. Навойий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ” (“Маънолар ҳазинаси”) – Алишер Навойийнинг туркий тилдаги девонлари мажмуи, лирик куллиёт. 1491(92) – 1498 й.лар оралигида тузилган бўлиб, тўрт девонни ўз ичига олади.

Халқ орасида “Чор девон” (“Тўрт девон”) номи б-н ҳам шуҳрат қозонган. Куллиётга шoirнинг аввалги икки девони – “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”га кирган шеърлари, шунингдек, кейинги йилларда яратилган ва турли сабабларга кўра аввалги девонларга кирмай қолган турли жанрлардаги шеърлари киритилган. 15-аср лирикасининг буюк қомуси деб баҳоланган “Х.” улуг шoirнинг деярли бутун ҳаёти давомида яратган ва лирик турнинг 16 жанрига мансуб бўлган шеърларини ўз ичига олади. У фақат мазмун-мундарижаси б-н эмас, балки тузилиши ва номланиши жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

“Х.” девон тузиш тарихидаги ноёб ҳодиса. У Навойий лирик меросини акс эттирувчи кўзгугина эмас, балки ўзбек мумтоз шеърятининг барча фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Шарқ мумтоз лирикасининг юксак намунаси бўлган қомусдир.

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Баҳористон” асарида Навойийнинг ноёб истеъдоди, ҳар икки тилда – форсий ва туркийда шеър ёзишини айтиб, туркий тилда ёзишга майли баландлигини таъкидлар экан, “у тилда, яъни туркийда, ҳеч ким ундан кўп ва ундан яхши шеър айта олмаган ва назм дурларини соча олмаган”, дейди. Жомий бу баҳоси б-н Навойийнинг туркий тилдаги шеърятни юксак чўққига олиб чиққанини эътироф этади.

Алишер Навоййгача ва унинг замонида яшаб, бир неча девон яратган шoirлар, хусусан, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг ўз девонларини умумий ном остида бирлаштириб алоҳида номлагани тажрибада кузатилмайди. Навойий ўзининг тўрт девонини “Х.” номи остида бирлаштирди.

Шoir куллиёт учун махсус дебоча ҳам ёзган. “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг бошланиш қисмидан ўрин олган бу дебоча мукамал композицион қурилишга эга. Дебочада дастлаб Холиқ ҳамди, Расулulloҳ наъти келади. Шoir ўз аҳволи, аъмоли баёнини бевосита ҳукмдорга боғлаб туриб, энг самарали усулни қўллайди: ҳам анъанавий тарзда Султон соҳибқирон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этади, ҳам Ҳусайн Бойқа-

ронинг ушбу девонларни тузиш борасидаги амри ва даъватини биён қилади. Дебочада Навоий лирик асарларининг ёзалиши б-н боғлиқ жиҳатларни тўғри мушоҳада қилишга имкон берадиган маълумотлар жуда кўп. Унда “Х.”нинг мазмун-мундарижаси, таркибидаги девонлар, уларнинг яратилиш тарихи, шоир адабий-эстетик қарашларига оид масалалар ҳамда шоирнинг ҳасби ҳоли б-н танишиш мумкин. Шунингдек, дебочада шоир муайян фикрини умумлаштириш, хулосалаш учун рубоийдан унумли фойдаланади. Дебочанинг ўзида 30 та рубоий келтирилган, жумладан, Холиқ ҳамди, Расулulloҳ наъти, Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳи, шоирнинг ўз шарҳи ҳоли, девони тавсифига алоқадор фикрлари ушбу жанрнинг талабларидан келиб чиқиб ифода топган. Рубоийларда фалсафий-ахлоқий мазмун устувор.

Навоий “*Хамсат ул-мутаҳаййирин*”, “*Муҳокамат ул-луғатайн*”, “*Мезон ул-авзон*” каби асарларида ҳам “Х.”нинг яратилиши б-н боғлиқ маълумотларни келтиради.

Ўз девонларининг яратилишида Абдурахмон Жомий таъсирини ёдга олар экан, Навоий Жомий ҳузурига борганида унга Хусрав Дехлавий девонларини эслатиб, ҳеч ким унингдек бир неча девон тартиблаганини эшитмаганлигини айтади. (Мир Хусравнинг бу девонлари Маликшоҳ Алп Арслонга бағишланганлиги, бироқ уларнинг вужудлари (қаерда эканлиги) номаълумлигини дебочада ҳам эслайди.) Навоий Жомийнинг шеърлари кўплигини ҳисобга олиб, унга ҳар бир девонини муносиб ном б-н аташни таклиф қилади ва икки кун утиб, Жомий ўз девонлари феҳристи (китоб мундарижаси, муқаддимаси)ни тайёрлаб, ҳар бирини муносиб – алоҳида ном б-н атаганини ҳамда бу ишнинг боиси Алишер Навоий эканлигини куллийтларида девонларининг бошланишидаги феҳристда ҳамд ва наътдан сўнг батафсил баён қилган (қар.: *Абдурахмон Жомий*). Инчунин, Навоийнинг девонлари мажмуаси – “Х.”нинг вужудга келишида ҳам Жомийнинг алоҳида ўрни бор. Навоий Жомий ҳузурда бўлганида, Жомий унга ҳам туркийда битган шеърларининг адади кўпайиб кетганлиги-

ни, ҳар бирини саралаб, алоҳида ном б-н аташни маслаҳат беради. Навоий бу амрни бажаришни вожиб деб билиб, “Х.” таркибидаги девонларини Абдурахмон Жомий каби инсон умрининг муайян даврларига боғлаб номлайди, шу йилларгача туркий тилда ёзган лирик асарларини тўрт девонга тақсимлайди ва бу тўрт девоннинг номланиши ҳақида дебочада шундай ёзади: “...Аввалги девонниким, туфултай баҳори гунчасининг ғариб чечаклари била ораста бўлиб эрди, “Ғаройиб ус-сигар” дейилди. Иккинчи девонниким, йигитлику ошуфталиғ ва шабобу олуфталиғ ёзи ва даштида юзланган подир вакоъ била пийроста бўлиб эрди, “Наводир уш-шабоб” аталди. Ва учунчи девонниким, васат ул-ҳаёт майконасида ишқ била шавқ паймонасидин юзланган бадеъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди, “Бадоеъ ул-васат” от қюлди. Ва тўртунчи девонниким, умрнинг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсуз оҳ урмоқ ва жон топшурмоқдурким, онда сабт бўллубтур, “Фавойид ул-кибар” лақаб берилди”. Навоий бу девонларининг катта-ю кичикнинг, улуғу навқирон ёшдагиларнинг кўнгилларига ёқишига умид қилади.

Навоийнинг ўзи дебочада таъкидлашича, биринчи девон – “Ғаройиб ус-сигар”га етти-саккиз ёшдан йигирма ёшгача – инсон умрининг навбахориди (бахор фаслида) битилган шеърлари киритилган. Иккинчи девон – “Наводир уш-шабоб”га йигирма ёшдан ўттиз беш ёшгача бўлган йигитлик даврида ёзилган лирик шеърлари жамланган. Учунчи девон – “Бадоеъ ул-васат” ўттиз беш ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган давр, яъни умрнинг куз фаслида битган шеърларидан тартибланган. Тўртинчи девон – “Фавойид ул-кибар” умрнинг қишида – қирқ беш ёшдан олтинчи ёш яқинигача (девон тузилгунга қадар) бўлган давр мобайнида битилган шеърлардан ташкил топган. Дебочадаги “*Сарф эттим анга умр баҳорин дағи...*” деб бошланадиган рубоийда шоир бу девонлар инсон умрининг тўрт фаслига уйғун эканлигини таъкидлайди.

“Х.” ўзининг барқарор поэтик структу-

расига эга. Бутун куллиётга тегишли деб-оча дастлабки девон – “Ғаройибус-сигар”дан жой олган. Девонлардан лирик турнинг ўн олтита жанрига мансуб шеърлар ўрин олган. Жумладан, ғазал (2600 та); мустазод (4 та); мухаммас (10 та); мусаддас (5та); мусамман (1 та); таржиъбанд (4 та); таркиббанд (1 та); маснавий (1 та); қасида

(1 та); соқийнома (1 та); қитъа (210 та); рубой (133 та); муаммо (52 та); чистон (10 та); туюқ (13 та); фард (86 та); жами – 3132 та шеър мавжуд. Улар 22450,5 байт, қарийб 45 минг мисрани ташкил этади. Мазкур жанрларнинг куллиётдаги тартиби ва ўзаро нисбатини Ҳ.Сулаймонов тузган қуйидаги жадалда кўриш мумкин:

Т/р	Навоий фойдаланган лирик жанрлар	“Ғаройиб усигар” девонида	“Наводир уш-шабоб” девонида	“Бадоеъ ул-васат” девонида	“Фавоид ул-қибар” девонида	Жами тўрт девонда
1	Ғазал	650 та (4975 байт)	650 та (4998 байт)	650 та (5001 байт)	650 та (5029 та)	2600 та (20003 байт)
2	Мустазод	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	4 та (28 байт)
3	Мухаммас	3 та (57,5 байт)	3 та (52,5 байт)	2 та (30 байт)	2 та (37,5 байт)	10 та (177,5 байт)
4	Мусаддас	1 та (27 байт)	1 та (27 байт)	2 та (42 байт)	1 та (21 байт)	5 та (117 байт)
5	Мусамман				1 та (28 байт)	1 та (28 байт)
6	Таржиъбанд	1 та (100 байт)	1 та (103 байт)	1 та (56 байт)	1 та (110 байт)	4 та (369 байт)
7	Таркиббанд		1 та (56 байт)			1 та (56 байт)
8	Маснавий	1 та (148 байт)				1 та (148 байт)
9	Қасида			1 та (91 байт)		1 та (91 байт)
10	Соқийнома				1 та (458 байт)	1 та (458 байт)
11	Қитъа	50 та (138 байт)	50 та (126 байт)	60 та (127 байт)	50 та (112 байт)	210 та (503 байт)
12	Рубой	133 та (266 байт)				133 та (266 байт)
13	Муаммо		52 та (54 байт)			52 та (54 байт)
14	Луға			10 та (40 байт)		10 та (40 байт)
15	Туюқ			13 та (26 байт)		13 та (26 байт)
16	Фард				86 та (86 байт)	86 та (86 байт)
	Жами	840 та (5718,5 б.)	759 та (5423,5 б.)	740 та (5420 б.)	793 та (5888,5 б.)	3132 та (22450,5 б.)

Девон поэтикасининг яна бир жиҳатини кўрсатадиган омил – лирик куллиётдаги ҳар бир девон ички тузилишининг гоят мустаҳкам эканлиги ҳар бир девондаги шеърлар адади, қофия, радиф каби масалаларда ҳам кўринади.

“Х.” девонларининг қатъий принцип асосида тузилганлиги ғазалларнинг

жойлаштирилиши тартибида ҳам яққол намоён бўлади. Ҳар бир девонга 650 тадан ғазал киритилган. Улар алифбо тартибида жойлаштирилган. Девон тузиш аъъанасига кўра, ғазаллар қофия бўлиб келадиган сўзининг сўнгги ҳарфига қараб араб алифбоси тартибида жойлаштирилади. Масалан: дастлаб а – “алиф” б-н тугайдиган туркум

ғазаллар, сўнг б – “бе” б-н тугайдиган туркум ғазаллар келади. Навоий шу тартибда 31 та ҳарф б-н тугайдиган ҳофия сўзларга асосланган ғазалларни ҳар бир девонига бир хил – тенг миқдорда киритган. Жумладан, ҳар бир девонда “алиф” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 39 тадан, жами – 136 та; “бе” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 27 тадан, жами – 108 та; “пе” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 тадан, жами – 8 та; “те” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 20 тадан, жами – 80 та; “се” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 3 тадан, жами – 12 та; “жим” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 тадан, жами – 16 та; “чим” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 5 тадан, жами – 20 та; “хе” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 6 тадан, жами – 24 та; “хе” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 7 тадан, жами – 28 та; “дол” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 15 тадан, жами – 60 та; “зол” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 3 тадан, жами – 12 та; “ре” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 67 тадан, жами – 268 та; “зе” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 24 тадан, жами – 96 та; “син” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 19 тадан, жами – 76 та; “шин” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 29 тадан, жами – 116 та; “сод” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 5 тадан, жами – 20 та; “зод” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 тадан, жами – 16 та; “(те)то” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 тадан, жами – 16 та; “(зе)зо” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 тадан, жами – 16 та; “айн” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 7 тадан, жами – 28 та; “ғайн” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 8 тадан, жами – 36 та; “фе (фо)” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 6 тадан, жами – 24 та; “қоф” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 13 тадан, жами – 52 та; “қоф” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 42 тадан, жами – 168 та; “лом” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 29 тадан, жами – 116 та; “мим” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 45 тадан, жами – 180 та; “нун” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 68 тадан, жами – 272 та; “вов” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 15 тадан, жами – 60 та;

“хе” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 52 тадан, жами – 208 та; “ломалиф (ло)” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 тадан, жами – 8 та; “ёй” ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 76 тадан, жами – 304 та. Кўрсатиб ўтилган туркумларнинг ҳар бири бошланганида муаллиф уларга сарлавҳа қўяди. Сарлавҳалар тўрт девонда ҳам бир хил бошланади, фақат сўнгги сўзда фарқ бор – у девоннинг биринчи сўзини ифодалайди. Мас.: “Алиф” ҳарфининг офатларининг ибтидоси “Ғаройиб”дин”, “Алиф” ҳарфининг офатларининг ибтидоси “Наводир”дин”, “Алиф” ҳарфининг офатларининг ибтидоси “Бадоеъ”дин” ҳамда “Алиф” ҳарфининг офатларининг ибтидоси “Фавойид”дин” каби.

Девонларда ғазалларнинг, умуман, шеърларнинг бундай тақсимланиши шартли эканлигини навоийшунос олимлар М. Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, А.Ҳайитметов ҳамда Ё.Исҳоқов таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича, Навоий ўз шеърларини девонларга тақсимлаганда уларнинг ҳақиқий хронологиясига эмас, балки ҳар бир шеърнинг руҳи, услубига кўпроқ эътибор қаратган. Шунинг учун ҳам ёшлик даврида битган шеърларининг баъзилари кейинги девонларда, қарилик чоғида ёзган шеърлари аввалги уч девонга кириб қолганлигини учратиш мумкин. Турли даврда ёзган ғазаллари сони бир-биридан фарқ қилган бўлиши табиий. Навоийнинг илк лирикасини ўрганган олим Ё.Исҳоқов илк девондаги 434 та шеър “Х.”даги “Ғаройиб ус-сиғар” (156 та), “Бадоеъ ул-васат”(132 та), “Фавойид ул-кибар” (146 та) каби учта девонига киритилганлигини аниқлаган бўлса, Ҳамид Сулаймон “Х.” девонларидаги шеърларнинг нисбий хронологиясини белгилаб чиққан.

“Х.” – девон тузиш санъатининг энг юксак намунаси. Шоир девон тузиш анъанасига, асосан, риоя қилди. Навоийнинг ўзи “Бадоеъ ул-бидоъ” девони дебوحасида айтган фикрларига ундан қарийб 30 йиллар кейин тузган девонларида ҳам амал қилган. Жумладан, Навоий 28 та махсус араб ҳарфлари асосида эмас, балки туркий тилдаги ҳарфлардан ҳам фойдаланган ҳолда девон мураттаб қилди.

Девонларда ҳар бир ҳарф б-н боғлиқ сарлавҳа остидаги ғазаллар кўп ҳолатларда ҳамд ёки наът б-н бошланади. Бу ҳол девон таркибидаги ҳар бир туркум ғазалларга мустақиллик руҳини бағишлайди. “Х.”да қирқдан ортиқ ҳамд ва қирққа яқин наът ғазаллар мавжуд. Шоир ҳамд ғазалларда Аллоҳни мадҳ этиб, улуглаб, таъриф-тавсиф қилар экан, унинг азалий ва абдийлигини, дунёдаги жамики нарсалардан, тирикликдан-да устунлигини, кудрати, лутфи, меҳри, қаҳри, жабри каби сифатларини олам деб аталмиш макондаги жилваси воситасида бадий ифодалашга муяссар бўлади. Бунинг натижасида ҳамд ғазалларнинг ўзига хос образ-тимсоллари, рамзлари ва бадий тасвир воситалари – муайян услубий-бадий хусусиятлари вужудга келган.

Наът ва меърож мавзусидаги ғазаллар мавзу йўналишига мувофиқ ўзининг тимсол ва рамзлари, бадий-тасвир воситалари, аниқроғи, ўзига хос услубий-бадий хусусиятларига эгаки, шу жиҳати боис уларни ҳар қандай девон таркибидан осон ажратиб олиш мумкин. Расулulloҳга муҳаббат ва бу муҳаббатнинг оташи, шиддати ушбу туркум ғазаллар яралишига бош сабабдир. Шоир бу ишқ олови ҳақида шундай дейди:

Ўт ичра тушса бўлур нисбати

самандардек.

Кишики, ишқинг утига ўзин

қилиб мансуб.

Навоий ғазалларида у зотнинг сиймоси хусну малоҳатда бекиёс, хулқу атворда ибрат сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам шоир наът ғазалларда у зотни таъриф-тавсиф қилар экан, қиёсини ойдан, қуёшдан излайди, унинг ошиқларини, шу жумладан ўзини *вафодор ит*, *хору хас*, *зарра*, *ғубор* қабилар б-н тенг куради. Буларнинг барчаси, бир томондан, шоирнинг руҳий-маънавий оламини, иккинчи томондан, бадий маҳоратини ўрганишга имкон беради.

Расулulloҳга муҳаббатнинг яна бир кўриниши Меърож мўъжизалари б-н боғлиқ ғазалларда эътиборни тортади. Бутун орзу-истаги, умрининг мазмунини Аллоҳ васлига эришиш деб билган сўфий учун Меърож жуда катта руҳий-маънавий озик,

қувватдир. Айнан шу сабабли ҳам Навоийнинг меърож ғазалларида сўфиёна руҳнинг устунлигини англаш мумкин. Бу туркум ғазаллар мазмунини Меърож воқеалари ҳамда шоирнинг у б-н боғлиқ тасаввур ва кечинмалари ташкил этади. Уларда, айниқса, *қоинот*, *тунги само* тасвири муҳим ўрин тутаети, зеро меърож мўъжизалари тун, қоинот ва унинг жисмлари б-н чамбарчас боғлиқ. Самовий ташбеҳларни, бир томондан, Меърож кечасининг улуглиги, иккинчи томондан шоирнинг Расулulloҳга муҳаббати б-н изоҳлаш мумкин.

Пайғамбаримиз васф этилган ғазалларда, хусусан, меърож ғазалларида Расули акрамнинг сурат ва сийратлари, муҳим сифатларини ифодалар экан, шоир у зотнинг сиймосини мукамаллик намунаси сифатида эътироф этади. Кўплаб рамз ва ишоралардан фойдаланади, у зотнинг ҳаёт тарзига мансуб воқеа-ҳодисаларга мурожаат қилади, уларга мувофиқ *ташбеҳ*, *тазод*, *ташхис* ва бошқа санъатларни жуда ўринли қўллайди. Навоий назарида ҳам набий, ҳам валий, ҳам пайғамбарлар хотами – Расулulloҳ сиймоси комил инсон тимсолини ифодалашда жуда муҳим ва беқиёс воситадир.

Навоий лирик асарларда ҳам ўзининг ахлоқий-таълимий, фалсафий фикрларини – ирфоний қарашларини ифодалашга эришган истеъдод соҳибидир. Бу жиҳатни шоирнинг ўзи девонларидаги шеърларида ҳам таъкидлайди. Жумладан:

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофий

гар истасанг бордур.

Навоий боғи назми

шаккарестонида ул гулканд.

– деб ёзади шоир. Навоий туркий тилдаги (ўзбек тилидаги) ғазални ўзигача мавжуд анъаналардан фойдаланган ҳолда юқори босқичга олиб чиқди. Бой тажрибага эга бўлган форсий тилдаги ғазалчиликнинг катта ютуқларини ўрганиб, унинг энг яхши жиҳатларини туркий шеърят тараққиётига хизмат қилиши учун янги имкониётларни топди. Шоир “Ғазалда уч киши таърийдир ул навъ” деб бошланадиган бир китъасида форсий шеърятда шаклланган ғазал навълари – турлари ҳақида Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомий номлари б-н боғлаб

фикр юритади. Ўз шеърларининг пайдо бўлишида бу ижодкорлар кўрсатган таъсирни алоҳида эътироф этади. Ҳазалларидаги ирфоний-маърифий, ишқий ва риндона мавзулар бадиий талқинининг илдизларига ишора қилади. Девондаги ғазалларида ишқий мавзунинг устунлигига ишора қилган шоир бир ўринда шундай деб ёзган эди:

Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз

айлай деган,

Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг

девонни ҳифз.

Куллиётдаги шеърларнинг муайян қисмини орифона ғазаллар ташкил қилади. Шоирнинг барча шеърларида, у хоҳ ҳамд, хоҳ наът ғазаллар бўлсин, хоҳ ошиқона ёхуд риндона ғазаллар бўлсин – ҳар бирида ирфоний маъно-мазмун мужассам. Орифона ғазалларда илгари сурилган масалалар кўлами жуда кенг. Булар: дунёнинг моҳиятини, яъни унинг ўткинчилиги, беқийматлигини англаш, унга берилиб, алданиб қолмаслик; нафсни енгиш, нафс итини ўлдириш шижоати; ўзликни англаш, уша анланган ўзликдан халос бўлиш, шу орқали мақсадга етиш; жаҳолатни енгиш, гафлат уйқусидан уйғониш; фақрлик, муҳтожлик йўлига кириш ва уни афзал билиш; Тангри сирларини (гайб илмини) сақлай олиш; фано мақомини эгаллаш; шоҳу гадони тенг билиш; моҳиятан гадонинг шоҳдан устунлиги, яъни ҳодисаларнинг моҳиятан тенглигини англаб етиш; пири ҳароботий, майхона, май каби тимсолларнинг мақсадга етишишда муҳим восита эканлиги ва буларнинг барчаси кўнгилни поклаш – Ҳақ жилваси учун кўзгу тайёрлаш – улар хилма-хил кўринса-да, бироқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Уларни боғлаб турувчи восита эса, комиллик масаласидир.

Орифона ғазаллардаги асосий тимсол – ориф. У шоирнинг энг балад фикрлари, юксак ғояларни ифодалаш воситаси. Орифона ғазаллар ўз мавзуси, услуби, тимсоллари ва ҳатто қўлланилган бадиий санъатлари б-н ажралиб туради. *Фано, ўзлик, нафс, бақо, ориф* ва шу каби бошқа тимсол ва тушунчалар ушбу туркум ғазалларда муҳим урин эгаллаш б-н бирга, уларни тушунишда “очқич” вазифасини ҳам ўтайди.

Орифона ғазалларда ифодаланган муҳим

мавзулардан яна бирини дунёнинг фонийлиги, бебақолиги, ҳеч нарсага арзимаслиги ҳақидаги фалсафий-сўфиёна фикрлар ташкил этади. Шоирнинг айрим ғазаллари бошдан-охиригача айнан шу масалага бағишланган. Айниқса, Ҳақни таниган, билган, илоҳий маърифатни мукаммал эгаллаган зот – ориф тилидан бу масаланинг ифода этилиши шоир фикрларининг ишончли чиқишини таъминлайди. Жумладан, қуйидаги ғазалда орифнинг ўз истагани – ёрига етишиши учун нималарга амал қилиши, қандай яшаши лозимлигини шоир панднома йўли б-н тушунтириб беради:

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру

бебунёд бил,

Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани

барбод бил.

Ирфоний мазмун ифодасида *май* тимсоли ҳам муайян аҳамият касб этган. *Май* барча ғазалларда, айниқса, риндона ғазалларда энг муҳим тимсоллардан ҳисобланади. Навоий *май* тимсоли ва у б-н боғлиқ *қадах, мугбача, майхона* сингари мафҳумлардан, айниқса, зуҳд ва риёни, инчунун, моҳият ва ҳодисани бадиий талқин этишда маҳорат б-н фойдаланади. Шоир бир ғазалида: “*Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади, Ким, мени зуҳду риё аҳлига мардуд айлади*”, деб ёзган эди. Майдан баҳраманд бўлган кишининг қалбидан зуҳд ва риёдан ажралиш, узоқлашиш ҳолати юз бераётганлиги таъкидланган бу байтига қалбига илоҳий нур, неъмат кирган инсон зуҳддан ҳам, риёдан ҳам воз кечади, деган мазмун сингдирилган. Моҳият ҳақида ўйлаётган бундай шахс учун ҳодиса (масалан, зуҳд) ўз аҳамиятини йўқотади. Майнинг бу вазифаси сўфийлик ад-тида, шуниингдек, Навоий ғазалларида ҳам жуда аниқ белгилаб қўйилган, жумладан:

Май халос этти риёни

порсолиғдин мени,

Шукрим, кутқарди зуҳду

худнамолиғдин мени.

“Х.” узоқ йиллар давомида шакллангилди. Шоирнинг барча шеърларини жиддий қайта кўриб чиқиши, девонларга мувофиқ тарзда тақсимлаши, етмаган ўринларни тўлдириши учун анча йиллар керак бўлди. Шоирнинг ўзи аввалги девонлари

“Бадоеъ ул-бидоъ” ва “Наводир ун-нихоъ”-га кирган айрим ғазалларини қайта куриб, таҳрир қилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Мас., “Бадоеъ ул-бидоъ” девонидаги “*Табиат комидин рухунгни кут қарким, хуш эрмастур, Қафас қайди аро булбулга бўлмақ мубтало асру*” байтидаги “табиат коми” бирикмасини шоир “Ғаройиб ус-сиғар” девонига “табиат чоҳи” деб ўринли таҳрир б-н киритган. Вундай таҳрирларни бошқа девонларга киритган шеърларида ҳам учратиш мумкин.

Шоирнинг бу лирик куллиёти ўзи номлаганидек, маънолар хазинаси эканлиги шубҳасиз. Лирик шеърларнинг, шу жумладан, ишқий мавзу доирасида шаклланиб, камол топган ғазалнинг моҳиятида фалсафий мазмун касб этиши, ижтимоий масалаларнинг лирик кечинмаларга уйғун тарада ифода топиши нафақат Навоий ижодидаги, балки туркий ғазалнависликда жуда катта адабий ҳодиса эди. Шеърларидаги мавзу ранг-баранглиги, завқ-шавқнинг баландлиги ҳақида Навоийнинг ўзи:

*Эй Навоий олтину, шингарфу
зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил,
сориг, яшил,*

деб ёзади бир ғазали мақтаъсида.

“Х.” туркий тилнинг бадиий имкониётларини фақат ғазал мисолида эмас, балки бошқа – Навоийгача туркий тилдаги ҳақиқий намунаси Лутфий ижодида учрайдиган рубоий, бу ад-тда жуда кам қулланилган қитъа, фақат туркий тилга хос бўлган туюқ каби жанрлар воситасида ҳам намоён қилди. Шоирнинг қитъа ва рубоийлари ҳам ҳамд ва наътлар б-н бошланади. Лирик қомус сифатида мазкур турнинг яна кўп жанрларини ўз ичига олган бу куллиётдаги ҳар бир девондан биттадан ўрин эгаллаган тўртта мустаазод эса мавзулар бўйича тақсимланган. Биринчи девонга ирфоний-тасаввуфий мазмунни ифодалаган мустаазод, кейинги девонларга ишқий ва риндона мазмундаги мустаазодлар киритилган. Девонлардаги мухаммасларнинг учтаси малик ул-калом Лутфийга, қолганлари шоирнинг ўз ғазалларига битилган тахмислардир. Мусаддас жанридаги шеърлари мисолида Навоий Лутфий, Ҳусай-

ний каби шоирлар ғазалларига қайта умр бағишлади. Жумладан, шоирнинг бешта мусаддасидан иккитаси Лутфийга, биттасига Ҳусайний ғазалига боғланган. Қолган икки мусаддасдан бири ўз ғазалига тасдис, иккинчиси – шоирнинг ўз табъида яратилган мусаддасидир. Навоий ўзигача туркий тилда учрамайдиган жанр – мусамманга ҳам мурожаат қилди. Ҳар бир банди саккиз мисрадан иборат етти бандлик, жами эллик олти мисрадан иборат бу мусамман “Фавоийд ул-кибар” девонига киритилган. Девонларининг ҳар биридан ўрин олган тўртта таржиъбандда кўпроқ шоирнинг фалсафий-маърифий қарашлари ақс этган. Бу таржиъбандларнинг ишқий мавзуда битилган қисмида ҳам ҳижрон изтироблари орқали дунёни таниган ошиқнинг маърифати ақс этган. “Наводир уш-шабоб”дан ўрин олган ягона таркиббанд Сайид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишланган марсиядир. Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида Навоий кўп асарларида маълумот беради. Жумладан, шоир маснавий йўлида битган “Сайид Ҳасан Ардашерга шеърин мактуб”ини “Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритган. Бу инсон ҳақида махсус “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” манокитбини ҳам ёзади. Мазкур марсия характеридаги таркиббанд шоирнинг Сайид Ҳасан Ардашер ҳақидаги фикр-қарашларини умумлаштиради.

Шарқ шеърляти, хусусан, форсий ва туркий шеърлятда май ва соқий мавзуси алоҳида ўрин тутади. Навоийгача бўлган шеърлятда соқийга мурожаат муайян асар таркибида, кўпинча, унинг яқунловчи байтларида ифода этилган, қали мустақил жанр сифатида шаклланмаган эди. Навоий ғазалларида, дostonлари бобларининг сўнги байтларида соқийга мурожаат орқали ўз фикрларини умумлаштиришга, ирфоний худоса-фикрларни айтишга имкон топган. Айни пайтда, туркий ад-тга соқийнома жанри ҳам Навоий ижоди б-н бирга кириб келди. “Фавоийд ул-кибар” девонидаги кичик дostonга қиёслаш мумкин бўлган соқийнома Навоий яшаган даврдаги тарихий шахслар, давр муаммолари, энг аввало, Навоий шахси б-н боғлиқ бўлган масалаларни ўзида ақс эттирганлиги б-н ҳам аҳамиятлидир.

Шоир ўз девонларида муаммо, чистон, фард каби жанрларни ҳам назардан четда қолдирмаган; уларнинг энг юксак намуналарини яратишга муваффақ бўлган.

“Х.” девон тузиш тарихидаги ўзига хос ҳодиса. Навоий лирик меросининг ҳақиқий кўзгусигина эмас, балки ўзбек мумтоз шеъриятининг барча фазилатларини ўзида мужассамлаштирган поэтик қомусдир.

Ас.: Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Нашрга тайёрл. Ҳ.Сулаймон. 4 жилдлик. Т., 1959-1960. 1-4-ж.; Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Нашрга тайёрл. О.Давлатов. 4 жилдлик. Т., 2011. 1-4-ж., Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1988-1990. 3-6-ж.; Алишер Навоий. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 1-4-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.; Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. Т., 1991; Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. Т., 2001.

Дисс.: Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий лирикасининг матншунослик тадқиқоти: ф.ф.д. Т., 1955 – 1961; Бафоев Б. Алишер Навоий лирикасида қўшма отлар (“Хазойин ул-маоний” материаллари асосида): ф.ф.н. Т., 1968; Раҳимова Г.Қ. Алишер Навоий шеъриятида шоир ҳасби ҳолининг бадиий талқини (“Хазойин ул-маоний” асосида): ф.ф.н. Т., 1999.

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ” АСАРИ ҚҮЛЁЗМАЛАРИ. Тўрт девондан иборат мазкур мажмуа қўлёзмалари кўчирилиш миқдори бўйича Навоий асарлари ичида биринчи ўринда туради. Бунга деярли ҳар бир ўзбек мумтоз ад-ти вакилининг асрлар давомида Навоий шеърларига татаббуъ, тазмин, мухаммаслар битгани ҳамда ҳар бир ўзбек адиби Навоийни ўзига устоз деб билгани сабаб бўлган. Бундан ташқари, бутун бошли шеърят марказлари – сарой адабий муҳитида Навоий асарларига туркий ад-тнинг энг юксак намунаси сифатида қаралган. Қўқон хони, Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган Умархон (1810–1822) бошчилигидаги 19-аср боши Қўқон адабий муҳити ва Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган Хива ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) бошчилигидаги 20-аср боши Хива адабий муҳити ана шулар жумласидандир. Умархон саройида 1234 х.қ./1820 м

“Муҳаббатнома” номли мажмуа тузилади ва усмонлилар султони Султон Маҳмуд II (1808–1839)га совға сифатида юборилади. “Муҳаббатнома” туркий шоирлар Навоий, Амирий, Лутфий ва Фузулий девонларидан таркиб топган. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти “Муҳаббатнома”га тўлалигича киритилган. Шеърый тўпламининг дипломатик қада сифатида танланиши ва унинг таркибига ҳажман салмоқли “Хазойин ул-маоний” куллиётининг киритилиши унинг ўша давр муҳити учун ўзига хос аҳамият ва нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади. Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822–1842) буйруғи билан 1254 х.қ./1838–39 м.й. Қўқонда олти ой ичида бир хил ҳажм ва таркибда Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девони 300 нусхада кўчирилади.

Мазкур асар қўлёзмалари бир неча қуришига эга. Уларни қуйидагича системалаштириш мумкин:

I. “Хазойин ул-маоний”нинг тўрт девони тўлиқ берилган қўлёзмалар намуналари:

1) “Хазойин ул-маоний”. Санкт-Петербургда сақланаётган нусха (РМК, инв. рақами – 55), 904 х.қ./1498–99 м.й. кўчирилган. 254 varaқ.

2) “Хазойин ул-маоний”. Душанбеда сақланаётган нусха (Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, инв. рақами – 1990), 905 х.қ./1499–1500 м.й. кўчирилган, 254 varaқ.

3) “Хазойин ул-маоний”. Истанбулдаги Тўпқопи-Реван кутубхонасида сақланаётган нусха (инв. рақами 807). 932 х.қ./1525–26 м.й. Хаттот Нишотий кўчирган, 515 varaқ.

4) “Хазойин ул-маоний”. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 9766). Бухорода 1070 х.қ./1659–60 м.й. китобат қилинган, 547 varaқ.

5) “Хазойин ул-маоний”. “Муҳаббатнома” тўплами таркибида. Истанбулда сақланади (Истанбул, ИУК, инв. рақами – 5452), 1234 х.қ./1818–19 м.й. кўчирилган. Асар 116–3566 varaқларда келтирилган.

II. “Хазойин ул-маоний”нинг яхлитлаштирилган қўлёзмалари. Бундай қўлёзмаларда “Хазойин ул-маоний” куллиётини ташкил этган тўрт девон Навоийнинг ўзи

тартиб берганидек алоҳида-алоҳида эмас, балки умумлаштирилган шаклга келтирилиб тақдим этилган. Тўрт девон таркибидаги барча шеърӣ жанрлар умумий қилиб, алифбо тартибида, яхлит бир девон кўринишида кўчирилган. Уларнинг баъзиларида ғазаллар қайси девондан (“Ғаройиб”дан, “Наводир”дан, “Бадоеъ”дан, “Фавойид”дан) олинганлиги кўрсатилиб, ҳарфлар бўйича тартиб берилган. Баъзи намуналари:

1) “Хазойин ул-маоний”. Тошкент. ТошДШИ ШҚМ, 3-фонди, инв. рақами – 448. Котиби Абдулкарим. Ҳажми 551 varaқ.

2) “Хазойин ул-маоний”. Тошкент. ТошДШИ ШҚМ, 3-фонди, инв. рақами – 1064. 1252 х.қ./1836–37 м.й. кўчирилган. Ҳажми 498 varaқ.

3) “Хазойин ул-маоний”. Тошкент. ТошДШИ ШҚМ, 3-фонди, инв. рақами – 2677/1. Ҳажми 394 varaқ.

III. “Хазойин ул-маоний” куллиётини ташкил этган тўрт девон – “Ғаройиб ус-сигар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат” ҳамда “Фавойид ул-кибар”нинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қилиб кўчирилган қўләзмалар ҳам мавжуд. Ҳажман катта “Хазойин ул-маоний”га эмас, балки ундаги айрим девонларга бўлган эҳтиёжнинг маҳсулидир.

IV. Терма девон – “Хазойин ул-маоний” куллиётидан танлаб олиниб тузилган қўләзма девон. “Терма девон”лар Навоӣ шеърӣяти мухлислари томонидан тузилган, ўзларига ёки ўша давр китобхонларига маъқул ва мос шеърлардан иборат бўлган. Йирик терма девонларга 1000–1500 ғазал киритилган. М.Ҳакимовнинг фикрича, “Терма девон”ларда, асосан, 400–600 ғазал ва бошқа кичик жанрдаги шеърлар берилган. “Терма девон”ларнинг аксарияти “Ғаройиб ус-сигар”нинг биринчи ғазали “Ашрақат мин акси...” б-н бошланади. Навоӣ “Терма девон”лари кенг миқёсда ва нусхада тарқалган бўлиб, улар “Хазойин ул-маоний”га нисбатан уч-тўрт марта кўп кўчирилган. “Терма девон”лар Навоӣ асарлари қўләзмалари ичида энг кўп кўчирилган, деб айтиш мумкин. “Хазойин ул-маоний”нинг ҳажман катталиги китобхонлар учун нисбатан кичикроқ “Терма девон”лар тартиб бериш эҳтиёжини юзага келтирган.

Шу боис улар кенг тарқалган. “Терма девон”ларнинг кўп нусхада кўчирилганлиги ҳар бир давр ўқувчиси ўзи учун маъқул бўлган шеърларни танлаб кўчиргани ва мутолаа қилганлигини кўрсатади. Навоӣ “Терма девон”лари асосан 16–19 асрлар давомида кўчирилган. Уларнинг энг катта қисми 19-асрга тўғри келади. “Терма девон”дан айрим намуналар:

1) Терма девон. ТошДШИ ШҚМ, 3-фонд, инв. рақами – 98, 935 х.қ. 15 шaъбон/1529 м.й. 24 апрелда кўчирилган. Котиби Пир Муҳаммад ибн Шайх Тоҳир Табризий.

2) Терма девон. ТошДШИ ШҚМ, 3-фонд, инв. рақами – 533/1, 972 й. 12 рамазон/1565 й. 13 апрелда кўчирилган.

3) Терма девон. ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 7204, 1218 х.қ./1803–04 м.й. кўчирилган.

4) Терма девон. ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 7194, 1234 х.қ./1818–19 м.й. Мулла Абдулкарим ибн Дўстум мерган кўчирган.

5) Терма девон. ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 5726/2, 1291 х.қ./1874–75 м.й. Мулла Муҳаммад Шералибек Шаҳрисабзий кўчирган.

V. “Ғазалиёт” – Навоӣ ғазалларидан иборат девоннинг шартли номланиши. Бундай девонлар “Хазойин ул-маоний” ичидан танлаб олинган ғазаллардан таркиб топган. Навоӣ “Ғазалиёт” девони қўләзмалари кўп тарқалмаган. Улардан баъзи намуналар:

1) “Ғазалиёт” (ТошДШИ ШҚМ, 3-фонди, инв. рақами – 1853). 1254 х.қ. жумод ус-соний/1838 м.й. август-сентябрда кўчирилган. Котиби Азимжон. Қўләзма Муҳаммад Ҳайдар фармони б-н кўчирилган. Таркибида 994 та ғазал мавжуд. Қўләзма ҳажми 283 varaқ.

2) “Ғазалиёт” (ТошДШИ ШҚМ, 3-фонди, инв. рақами – 2692), таркибида 881 та ғазал бор, ҳажми – 222 varaқ.

Булардан ташқари, фақат “Хазойин ул-маоний”даги ғазаллардан таркиб топган ёки “Хазойин ул-маоний”даги шеърларнинг айримлари киритилган баъзлар ҳам кўп учрайди.

“Хазойин ул-маоний”нинг Ҳ.Сулаймонов тузган илмий-танқидий матни учун йигирма қўләзма асос қилиб олинган:

1) Санкт-Петербург шаҳри нусхаси (РМК, инв. рақами – 55). 904 ҳ.қ./1498–99 м.й. кўчирилган. Бу қўлёзма илмий-танқидий матн учун асос сифатида олинган. “Хазойин ул-маоний”нинг қуйидаги қўлёзмалари эса матндаги тафовутли ўринларни кўрсатиш мақсадида истифода этилган.

2. Душанбе шаҳри нусхаси (Тожикистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари фонди, инв. рақами – 1990). 905 ҳ.қ./1499–1500 м.й. кўчирилган.

3. Санкт-Петербург шаҳридаги яна бир нусха (РМК, инв. рақами – Дорг 558) Навоий асарлари мажмуаси таркибида бўлиб, уни 1001–1004 ҳ.қ./1593–96 й. Назарали Фоизий кўчирган.

4. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 1486).

5. Тошкентда сақланаётган яна бир нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 1315).

6. Тошкентда сақланаётган яна бир нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 752). 1251 ҳ.қ./1835–36 м.й. кўчирилган.

7. “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг Париж нусхаси. Бу нусха ҳам танқидий матн учун истифода этилган (Франция Миллий кутубхонаси, инв. рақами – 746) бўлиб, 885 ҳ.қ./1480–1481 м.й. кўчирилган.

8. Султонали Машҳадий 870 ҳ.қ./1465–66 м.й. кўчирган Санкт-Петербург шаҳрида сақланаётган қўлёзма (РМК, инв. рақами – Дорг 564) “Илк девон” қўлёзмаси.

9. Тошкентда (ТошДШИ ШҚМ, инв. рақами – 1995) сақланаётган “Наводир унихоя” нусхаси. Уни Султон Али Машҳадий Ҳиротда кўчирган.

10. Навоий ғазалларидан ташкил топган девон (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 790). Султонали Машҳадий томонидан 898 ҳ.қ./1492–93 м.й. Ҳиротда кўчирилган.

11. Нью-Йоркда сақланаётган нусха (Метрополитен музейи, инв. рақами – 21). Султонали Машҳадий томонидан 905 ҳ.қ./1499–1500 м.й. кўчирилган.

12. Тошкентда сақланаётган Навоий шеърларидан иборат яна бир тўплам (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 3984). Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган.

Тилга олинган юқоридаги ўн икки қўлёзмадан ташқари, “Хазойин ул-маоний”нинг матнини қайта текшириш учун яна саккиз қўлёзмаси жалб қилинган:

13. Лондон шаҳрида жойлашган Британия музейида 401 рақами билан сақланаётган қўлёзма. У 887 ҳ.қ./1482–1483 м.й. китобат қилинган.

14. Боку шаҳридаги Озарбайжон Республикаси Қўлёзмалар фондида 3010 рақами билан сақланаётган нусха. 889 ҳ.қ./1484 м.й. кўчирилган.

15. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 84). 891 ҳ.қ./1486 м.й. кўчирилган.

16. Париж шаҳрида жойлашган Франция Миллий кутубхонасида 108 – инв. рақами билан сақланаётган қўлёзма нусха. 930–933 ҳ.қ./1523–1527 м.й. кўчирилган.

17. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 677).

18. Бурхонпур нусхаси. Ҳиндистонда кўчирилган бўлиб, Собир Абдулла хусусий кутубхонасида сақланади. 1120 ҳ.қ./1708–1709 м.й. кўчирилган.

19. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 1709). 1254 ҳ.қ./1838–39 м.й. китобат қилинган.

20. Оксфорд нусхаси (Англиянинг Оксфорд университети кутубхонаси, инвентар рақами – 283).

915 ҳ.қ./1509–1510 м.й. кўчирилган.

ХАЛАФ БИН АЛИ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Басрадан яшаган. Яҳё бин Муъоз Розий суҳбатида бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХАЛИЛ (ар. – дўст) – Иброҳим алайҳис-саломнинг лақаби. Х.нинг ўтга кириши, ўт унинг учун гулистонга айланиши, меҳмондўстлиги ва ҳақсеварлиги каби ҳолат ва фазилатлар Навоий шеърлятида турли ранг ва оҳангларда қўлланилган:

Жамолинг партавидин

шамъ ўти гар гулистон эрмас,

Недин парвона ўт ичра

ўзин солур Халилосо.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 2-ғазал)

ХАЛИЛ СУЛТОН (1384–1411) – Мовароуннаҳр ҳукмдори (1405–09). *Амир Темур*нинг набираси, Мироншоҳнинг ўгли. Сароймулкхоним (Вибихоним) тарбиясида вояга етган. 15 ёшли Х.С. Темурнинг Ҳиндистон юришида (1399–1400) қатнашиб, ўзининг ҳарбий салоҳияти б-н улуг бобосининг рағбатини қозонган ва Соҳибқирон уни 1402 й. да Туркистон ҳукмрони қилиб тайинлайди. Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юришида қатнашиб, катта жасорат кўрсатган. Х.С. қуйи табақадан чиққан Шодимулкка уйланганлиги учун Амир Темурнинг газабига учрайди, бир оз вақт ўтгач, Соҳибқирон уни кечиради. Соҳибқироннинг Хитойга қилган юришида Х.С. қўшиннинг ўнг қаноти бошлиғи этиб тайинланади. 1405 й.да Амир Темур вафот этгач, Мовароуннаҳр тахтини эгаллайди. Узига қарши бош кўтарган амирлар (Худойдод, Аллоҳдод, Шайх Нуриддин ва б.)га қарши тинимсиз курашлар олиб боради. Давлат хазинасини беҳуда сарфлаб, ҳокимиятни бошқаришда хотинининг сўзларига риоя қилади. Бу ҳолат бошқа темурийларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлади. Хуросон ҳукмдори *Шохрух Мирзо* катта қўшин б-н Мовароуннаҳрға юриш қилиб, Самарқандни эгаллайди ва Х.С.га Рай шаҳри берилади. Х.С. умрининг қолган қисмини Райда ўтказди ва шу ерда вафот этади. Х.С.нинг саройида олиму фозиллар, санъаткор ва шоирлар ижод қилган, ўзи ҳам шеърят б-н шуғулланган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг еттинчи мажлисида Халил Султонга алоҳида мақола бағишлайди ва унинг соҳиби девон бўлганини, мажлисида шоиру фозиллар жам бўлганини қайд этади. Котибий, Хожа Исмат Бухорий каби замонда шоирлари Халил Султонга бағишлаб газал ва қасидалар битганлар.

“ХАЛОСИЯ” ХОНАҚОҲИ – Алишер Навоий қурган бинои хайрлардан бири. Ҳиротнинг Марғаний мавзесида, Инжил аригининг бўйидаги “Ихлосия” мадрасаси қаршисида бунёд этилган. “Х.”да Амир Жамолиддин Атоуллоҳ Асилий, Амир Садриддин Иброҳим Машҳадий, Хожа Имоиддин Абдулазиз Абҳарий каби

олимлар дарс беришган. Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида “Х.” таърифиди шундай сўзлар битилган: “Ҳар куни ушбу файзли маконда мингдан ортиқ қашшоқ ва мискииларга овқат улашиб, уларни лаззатли таомлар билан тўйдирдилар. Бундан ташқари ҳар йили икки мингга яқин пўстин, чакмон, кўйлак, иштон, латта дўппи ва оёқ кийим муҳтож кишиларга улашилади”.

ХАММОР – май сотувчи, майхона эгаси. Тас. тилида пири комил, муршид, солиқларни маърифат майидан сармаст қилувчи маъ-ий раҳнамо маъносида қўлланилади.

Мунча дарду ғуссадин махлас

топар ер истасанг,

Эй Навоий, билки,

ул ер кулбаи хаммордур.

(“Фавоийд ул-кибар”, 180-ғазал)

“ХАМСА” – Алишер Навоийнинг беш дostonдан иборат асари, Навоий ижоди, умуман, туркий шеърятнинг юксак чўққиси. Туркий тилда татаббуъ йўлида битилган бу асар 1483–1485 й.ларда яратилган.

Узоқ тарихга эга бўлган хамсачилик мураккаб тараккиёт йўлини босиб ўтди. Хамсанавислик озарбайжон шоири Низомий Ганжавийдан (1141–1209) бошланган. Низомий “Хамса”си фақат бир халқнинг ад-тида эмас, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ад-тида янги саҳифа очди. Хамсанависликнинг барқарор анъанага, Низомий “Хамса”сининг ўлмас обидага айланишида эса ундан сўнг яратилган Хусрав Деҳлавий (1253–1325) “Хамса”сининг ўрни муҳим. Айнан Хусрав Деҳлавий ижоди б-н хамсанавислик анъанага айланди. Кейинроқ, Навоий замониди Абдурахмон Жомий (1414–1492) “Хамса”си ҳам шуҳрат қозонди. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Насойим ул-муҳаббат” асарларидаги маълумотларга кўра, мавлоно Ашраф (ваф. 1460) ҳам “Хамса” ёзган ва уни яқунлашга муваффақ бўлган.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Алишер Навоий ўз “Х.”си дostonларининг ёзилиш тарихини эслаб, Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор”идан таъсирланиб, “Ҳайрат ул-аброр”ни, Деҳлавийнинг “Ширин ва

Хусрав"идан илҳомланиб "Фарҳод ва Ширин"ни, Хожу Кирмоний "Гавҳарнома"си таъсирида "Лайли ва Мажнун"ни, Ашрафнинг "Ҳафт пайкар"идан таъсилрианиб "Сабъаи сайёр"ни ва Жомийнинг "Хирадномаи Искандарий" достонига татаббуъ тарзида "Садди Искандарий"ни ёзганлигини эътироф этади. Шоирнинг бундай ёндашуви албатта висбий, бироқ унинг ўзи ёдга олган бу ижодкорлар асарларини жиддий мутолаа қилиб ўргангани ҳақиқат. "Хамса" достонларининг кириш, хотима бобларида, баъзан лирик чекинш тарзида бу борада айтган фикрлари бунга асос бўлади.

Низомий Ганжавий "Панж ганж"ни "Махзан ул-асрор" (Сирлар хазинаси), "Хусрав ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Ҳафт пайкар", "Искандарнома" ("Шарафнома" ва "Иқболнома" деб аталган икки қисмдан иборат) достонлари ташкил этади. Ушбу достонларни шоир 1170 й.и ёзишни бошлаган ва Навоийнинг эътироф этишича, йигирма саккиз йил давомида ёзиб, тахминан 1198 й. якунлаган. Низомий узоқ йиллар давомида ёзган бу достонларнинг "Хамса" номи б-н шўҳрат топишида Амир Хусрав Деҳлавийнинг хизмати катта. Хусрав Деҳлавий Низомийнинг ҳар бир достонига татаббуъ – жавоб битди. Унинг "Хамса"си қисқа муддатда – 1299–1301 й.лари ёзиб тугатилди. Алишер Навоий ўз "Хамса"сини яратаркан, бу масалада Хусрав Деҳлавий йўлидан борганлигини таъкидлайди. Ашраф Марогий (Дарвеш Ашраф Хиёбоний номи б-н ҳам танилган) 1434–1440 й.лари "Хамса"га татаббуъ тарзида "Минҳож ул-аброр", "Ширин ва Хусрав", "Лайли ва Мажнун", "Ҳафт пайкар" (баъзи манбаларда "Ҳафт авранг") ва "Зафарнома" достонларини ёзган. Ўз эпик асарларини "Ҳафт авранг" номи остида бириктирган Жомий ҳам "Хамса" пайравида достонлар битди. Охирги достони – "Хирадномаи Искандарий"да шоир ўз достонларини "Панж ганж" деб атайди. Демак, бунда Жомий "Силсилат уз-заҳаб", "Саломон ва Абсол", "Тухфат ул-аҳрор", "Субҳат ул-аброр", "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун", "Хирадномаи Искандарий" деб номланган достонларидан (охирги) бештасини назарда тутган.

Хамсачилик тарихида "Хамса"нинг бир ёки бир нечта достонига татаббуъ битган шоирлар ҳам оз эмас. Булар ҳақида Алишер Навоийнинг ўзи ҳам "Мажолис ун-нафоис" асарида маълумот беради. Навоийгача яратилган "Хамса"ларнинг барчаси форсий тилда ёзилган эди. Шоир "Хамса"га жавоб ёзишга уриниб, уни эплай олмаганлар ҳақида "Ҳайрат ул-аброр" достонига: *Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас, / Сарву гул ўтрусига келтурди хас,* – деган эди.

Алишер Навоий бешлиги 1483–1485 й.ларда ёзилган. "Х.", хусусан, эпик асар яратиш истаги шоирнинг катта орзуси эди. Сайид Ҳасан Ардашерга битган шеърий мактуби – машҳур маснавийда шундай мисралар битилган:

*Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,
Ки гар келса Рустам жавобин берур.
Рақам қилди фархунда "Шоҳнома"
Ки синди жавобиди ҳар хоме...
Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча Ҳақ лутфидин қувватим.
Ки ҳар неча нутқ улса қохилсарой,
Витгаймен ўттиз йилин ўттиз ой.*

"Х." битиш ҳақида сўз кетганда, Фирдавсийнинг ёдга олиниши, бу – эпик шеърий аъъанасининг Фирдавсийдан бошланганлигига ишорадир. Аниқроғи, "Х." қаҳрамонлари муайян қисмининг адабий илдиэлари Фирдавсий "Шоҳнома"сига бориб туташади. "Ҳайрат ул-аброр" достони ҳикоятларидаги айрим образлар, жумладан, Нуширавони одил, Баҳром, Искандар, "Фарҳод ва Ширин" достонигаги Хусрав, Фарҳод, "Сабъаи сайёр"даги Баҳром, "Садди Искандарий" достонигаги Искандар образлари дастлаб ёзма адабий манба – "Шоҳнома"да учрайди. Шу боис, Навоий "Хамса" ёзиш ҳақида сўз юритганда, биринчи навбатда, Фирдавсийни тилга олади. Сайид Ҳасан Ардашерга битган шеърий мактубида бундай асар ёзишга рағбатим пайдо бўлса, Худо менга қувват беради, Фирдавсий ўттиз йилда ёзганини мен ўттиз ойда ёзиб тугатаман, деган фикрини баён қилади, яъни ўзида катта эпик асар яратишга қобилият борлигини ҳис қилади. Бироқ "Х."ни ёзишни бошлар экан, бу йўлнинг машаққатларини ҳар доим ҳис қилиб ту-

ради. Биринчи дoston – “Хайрат ул-аброр” басмаласини шоир “*Йўл ёмону яхшисидин ема ғам. Бисмиллоҳ дегилу, қўйғил қадам*” каби мисралар б-н яқунлайди (қар.: “*Хайрат ул-аброр*”). Бу кайфият шоирда ўзига бўлган ишончни ҳосил қилади, у ўз сафларининг руҳоний мададига таянади, бу ҳақда яна дostonларида ёзади:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,

Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум.

Мана шундай машаққатли йўл бошида турган шоирни “Хамса” яратишга ундаган сабабни “Хамса”нинг ҳар бир дostonидан топиш мумкин. “Фарҳод ва Ширин”да: *Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ*, деган шоир “Сабъаи сайёр” дostonи хотимасида: *Дегонимни улусқа марғуб эт, Ёзгонимни кунгулга маҳбуб эт, Халққа зеби торак айла они, Ўқуғонга муборак айла они*, – деб ёзади. Шоир ҳар бир дostonининг кириш бобларида “Х.”нинг яратилиш тарихи ва сабаблари б-н боғлиқ фикрларни ифодалашга имкон топади.

Аввало, “Х.” шоир ички эҳтиёжи, адабий эстетик идеалини ифодалашнинг мукамал шакли. “Х.” дostonларининг ҳар бирида муайян фикр-қарашлар ўз ифодасини топган. Анъанавий мавзуларда дostonлар битган шоир бу мавзуларни катта ижтимоий-фалсафий, маърифий, ахлоқий-таълимий ва адабий-эстетик қарашларини ифодалаш учун қолип – гўзал либос қилиб танлади. Буни “Лайли ва Мажнун” дostonида шундай ифодалайди:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона,

Мақсудум эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди руҳ майли,

Афсона эди анинг туфайли.

Лекин чу рақамга келди мазмун,

Афсона анга либоси мавзун.

Хамсачилик анъанасини туркий тилда давом эттиришни истаган шоир бошқа мақсадни ҳам кўзлаган эди. Бу мақсад “Садди Искандарий” дostonида айтган қуйидаги фикрларда ойдинлашади: *Вале қонёғ улмай ушоқ ишга ҳеч, Димоғимда эрди улуг печ-печ*. Гарчи шоир лирик жанрларни, жумладан, ғазалнинг маъно доирасини кенгайтирган, унга ижтимоий, фалсафий мазмунни сингдира олган моҳир ғазалнавис

бўлса-да, жуда катта ва мураккаб бўлган ижтимоий-фалсафий масалаларни қамраб олиш ва уларни кенг кўламда ёритишга бу жанрнинг торлик қилишини чуқур ҳис этган. Шу боис, байтда таъкидлаганидек, ушоқ шеърда (кичик асарда) айтишга имкони бўлмаган фикрларини дostonларида – маснавийда айтишга муваффақ бўлди. Маснавийнинг бадиий тасвирдаги кенг имкониятлари ҳақида Навоий “Сабъаи сайёр” дostonида махсус тўхтайди: *Лекин ул барчадин дағи хуби, Бордурур маснавийнинг услуби... Маснавийким, бурун дедим они, Сўзда келди васеъ майдони*. Эпик асар, хусусан, “Х.”нинг имкониятлари чексизлиги замон ва замон аҳли, инсон ва унинг бутун муаммолари ҳақидаги фикр-қарашларини ифодалашда қўл келган.

“Хайрат ул-аброр” дostonининг муқаддимасидаги сўз васфига бағишланган 15-бобида шоир ўз шеърларига тақлид қилган кимсалар ҳақида гапириб, ҳеч ким тақлид қила олмайдиган бир асар яратиш орзусида эканлигини айтади ва бу асарни мустаҳкам қалъа устига қурилган катта бинога қиёслайди. “Х.”га қўл уришнинг яна бир сабаби – ҳеч ким тақлид қила олмайдиган асар яратиш эди.

Навоийгача яратилган хамса – бешликлар форсий тилда битилган. Навоий ижодини бошлаган даврда туркий ад-тнинг муайян принциплари Лутфий, Атойи, Саккокий ва бошқа шоирлар ижодида шаклланиб, барқарорлаша бошлаган давр эди. Аниқроғи, туркий китобхонлар пайдо бўлганди. Навоий бу китобхонларнинг туркий тилда битилган асарларни ўқишга эҳтиёжини ҳам эътироф этади: *Мен туркча бошлабон ҳикоят, Қилдим бу фасонани ҳикоят, Ким шухрати жаҳонга тўлғай, Турк элига доғи баҳра бўлғай*. Шоир яшаган даврда туркий тилга нисбатан беллисанд муносабатларни рад этган шоир амалда бу тилнинг улуғлигини кўрсатиш – хамсадек катта асарни мазкур тилда ёзиш мумкинлигини исботлаш учун “Х.”ни яратди.

Алишер Навоий ўз бешлигининг оригинал асар бўлишига интилди. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” дostonида бу ҳақда: *Ани назм этки тарҳи тоза бўлғай, Улусқа майли беандоза бўлғай. Йўқ эрса назм*

қилгонни халойик, Мукаррар айламак сендин не лойик, – деган шоир ҳамсачилик анъаналарини – мавзу, вазн, образлар системаси умумийлиги ва бошқа хусусиятларни сақлаб қолгани ҳолда янги асар яратди.

Ҳамсанавислик анъанаси, унинг талабларига кўра, яратилаётган ҳар бир дoston аввалги шу мавзудаги дostonларга мавзуси, образлар системаси, вазни каби жиҳатлари б-н мувофиқ келиши керак. Айни пайтда, дoston оригиналлик касб этиши, янги асар кийёфасида намоён бўлиши лозим. Шу боис ҳам анъанавийлик доирасидан чиқиб кетмаган ҳолда янги асар яратишдек мушкул иш Навоий зиммасида турарди. “Ҳамса” дostonларидаги бу жиҳатларни, жумладан, “Фарҳод ва Ширин” дostonида кузатиш мумкин. Агар Навоий салафлари “Ҳамса”нинг иккинчи дostonини “Ҳусрав ва Ширин” муҳаббати васфига бағишлаган бўлсалар, Навоий бу мавзуни “Фарҳод ва Ширин” муҳаббати ҳақида ёзиш б-н очиб берди. Навоий дostonида салафлари қўллаган сюжет линияси бузилмаган. Дostonда Ҳусрав ҳам, Ширин ҳам, Шопур, Шеруя ва бошқа қаҳрамонлар ҳам учрайди. Шоир бу асар орқали ижтимоий ва ирфоний қарашларини ифодалашни бош мақсад қилиб олган эди. Фарҳод тимсолида замон шаҳзодаларига ўрнак бўладиган, айни пайтда, мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишққа эришган ошиқни яратишга эришдики, бу Навоийнинг ушбу дostonда, умуман, ҳамсачиликдаги катта янгилиги эди. Бундай ўзига хосликни шоир “Ҳамса”сининг барча дostonларида кузатиш мумкин.

Шоир “Ҳамса”сининг биринчи дostonи – “Ҳайрат ул-аброр” анъанага мувофиқ ахлоқий, таълимий, фалсафий масалаларга бағишланган, асоси – мақолат ва ҳикоятлардан ташкил топган, сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи мақшуф (рукнлари ва тақтиъи: муфтайлун муфтайлун фоилун – V V – | – V V – | – V –) вазнида, ишқий саргузашт дoston “Фарҳод ва Ширин” ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаулун V – – | V – – | V – –) вазнида, “Лайли ва Мажнун” ишқий дostonи ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусад-

даси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъувлу мафоилун фаулун – – V | V – V – | V – –) вазнида, “Сабъаи сайёр” дostonи хафиф баҳрининг хафифи мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун мафоилун фаилун – V – – | V – V – | V V –) вазнида, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларини мукаммал акс эттирган “Садди Искандарий” дostonи мутақориб баҳрининг мутақориб мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фаулун фаулун фаулун фаул V – – | V – – | V – – | V –) вазнида ёзилган.

“Ҳамса” дostonларининг ҳар бири алоҳида композицион структурага эга бўлганидек, “Ҳамса”нинг ўзи ҳам мустақкам композицион қурилишга эга. Навоий “Ҳамса”си – мукаммал адабий борлик, муайян системага солинган фикрларнинг изчил бадий ифодаси. “Ҳайрат ул-аброр” 63 боб, 3988 байтдан; “Фарҳод ва Ширин” дostonи 54 боб, 5782 байтдан; “Лайли ва Мажнун” 38 боб, 3623 байтдан; “Сабъаи сайёр” дostonи 38 боб, 5002 байтдан; “Садди Искандарий” дostonи 89 боб, 7215 байтдан, бутун “Ҳамса” – 25 минг 610 байтдан иборат.

Ҳар бир дoston бобларига, илк бобларни истисно қилганда (бу боблар сарлавҳаланмаган), сажъ усулида битилган сарлавҳалар берилган. Бу сарлавҳаларда бобда баён қилинажак воқеалар ва фикрлар қисқача ифода этилади. Дostonларнинг барчаси анъанавий ҳамд б-н бошланади (“Ҳайрат ул-аброр” ва “Фарҳод ва Ширин” дostonларида ҳамд мавзусига икки боб ажратилган). Ҳамдлардан сўнг муножотлар, Расулulloҳ васфи, меърож таъриф-тавсифи келади. Бу анъанавий боблар ҳар бир дostonнинг мавзусига уйғун. Боблар аввал-бошданок китобхонни асар мазмун-моҳиятига йўналтиради. Шу боис ҳам “Х.” дostonларидаги ҳамд ва наътларда такрор фикрлар учрамайди. Мас., шоир “Лайли ва Мажнун” дostonининг ҳамдида Ҳаққа мурожаат этиб: “Эй ҳар сорики қилиб тажаллий, Маъҳар улуб анга жаҳонда Лайли”, деб ёзадики, бунда ҳам дунёнинг Ҳақ жилваси боис, ишқ туфайли яратилганлиги ҳамда дostonдаги Лайли тимсолининг ирфоний мазмунини англаш мумкин бўлади. Бундай ишоралар бошқа дostonларнинг ҳамд ёки наътларида ҳам

учрайди. Достонларнинг ҳар бирида са-
лафлар – Низомий ва Деҳлавий ҳамда Аб-
дурахмон Жомий мадҳлари, Ҳусайн Бойқа-
ро ва унинг аҳли оиласи мадҳи, сўз таъ-
рифидаги боблар киритилган. Буни, мас.,
биргина Жомий мадҳи мисолида кўриш
мумкин. Абдурахмон Жомийга “Ҳайрат
ул-аброр” достонида 65 байт, “Фарҳод ва
Ширин”да 34 байт, “Лайли ва Мажнун”да
40 байт, “Сабъаи сайёр”да 41 байт, “Сад-
ди Искандарий” достонида 44 байт – жами
икки юз йигирма байт ажратилган. Агар
ҳар бир достондаги бу мадҳлар жамланса,
кичик бир асар ҳажмига ва мазмунига эга
булади. Бу мадҳларда Жомийнинг сурату
сийрати бенуксон тасвирланган, айниқса,
у зот ботиний оламини мукамал тасаввур
этишга, асарлари ва адабий маҳорати ҳақи-
да кенг маълумот олишга имкон яратилган.

“Ҳайрат ул-аброр” достони “Хамса” учун
дастурий вазифони ўтайди. Бу достон мақо-
латларида имон, ислом, шоҳлар, риёкор
шайхлар, карам-саховат, адаб, умуман,
инсоннинг жамиятда тўғри ва пок яша-
ши учун зарур бўлган масалалар ҳақида
баҳс юритилса, ҳикоятлар уларни бади-
ий талқин этади. Бироқ Навоий айтишни
истаган улўғ фикрларни, унинг орзулари-
ни биргина “Ҳайрат ул-аброр”даги мазкур
талқинларда ифодалашнинг ўзи камлик
қилади. Шу боис шоир ўзининг кейинги
достонларида мана шу биринчи достонда
уртага ташлаган фикрлари – муаммоларни
кенгайтириб бадиий талқин этиб боради.

“Х.” достонларида жуда кўп муаммолар
кўтарилган. Уларда диний ва дунёвий маса-
лалар бир бутун – бир-бирига боғлиқ ҳолда
талқин этилади. Бу “Х.”нинг бош масаласи
бўлган инсоннинг дунёвий ва руҳоний асос-
га эга эканлигини англатишга интилиш
б-н боғлиқ. Зеро, “Ҳайрат ул-аброр” досто-
нидаги биринчи мақолатнинг илк мисра-
лари инсоннинг инсонлик моҳиятини ан-
глатишга қаратилган. Инсоннинг биринчи
белгиси имон эканлиги ҳақида сўз бошла-
ган шоир, айтиш мумкинки, бутун “Х.”ни
инсон таҳлилига бағишлаган. Шу нуқтаи
назардан, “Х.” достонларида кўтарилган
масалаларни адолатли ҳукмдор, мукамал
жамият, комил инсон ва ишқ тушунча-ма-
салалари атрофида бирлаштириш мумкин.

Улар “Х.” достонларидаги муштаракликни
ҳам белгилайди. Қолган кўплаб масалалар
шу тўрт йирик масала ичида ҳал этилади,
булар – меҳр-мурувват, садоқат, ҳиммат,
саховат, дўстлик, илм олиш, ҳунар ўр-
ганиш, ўзгаларга ғамхўрлик қилиш ва
ҳоказо. “Х.”нинг барча достонларида уму-
ий ғоя ва муайян мақсаднинг назарда ту-
тилгани сезилиб туради. “Х.”нинг ёзилиши
ва яқунланишида ҳам муайян боғлиқликни
кўрамиз. Навоий бешлигининг илк достони
дастлабки саҳифаларида бу йўл машаққат-
ларини тасаввур этган бўлса, сўнгги дос-
тоннинг яқунловчи саҳифаларида “Х.”ни
муваффақиятли яқунлаб, салафлари като-
рига қўшилганлигига ишора қилади.

“Х.” – Навоий бадиий-ирфоний қарашла-
рининг чўққиси. Унда шоирнинг комил ин-
сон, мукамал жамият, адолатли ҳукмдор
ҳақидаги қарашлари тўлақонли акс этган.

Алишер Навоий “Х.”ни яқунлаб, пири
Абдурахмон Жомийга тақдим этади. Жо-
мий китобни кўриб чиқаётган пайтда Наво-
ий хаёл оламига киради. Бу оламда у ўзи-
ни Фирдавсий, Унсурий, Санойий, Хоқоний,
Анварий, Саъдий, Низомий, Деҳлавий,
Жомий ва бошқа шоирлар даврасида кўра-
ди. Шайх Низомий унинг “Хамса”сини
таърифлаб:

*... Сипеҳр эл ичра айлаб нодир сени,
Жаҳон назми таврида қодир сени.
Ҳазон таврида чунки қилдинг хиром,
Суз аҳлига сўз дерни қилдинг харом.
Тутуб эрди назминг жаҳон кишварин,
Жаҳон кишварин йукки, жон кишварин.
Бу дам маснавийғаким айлаб шитоб,
Тўка бошладинг хомадин дурри ноб.
Ажаб иш бу ишда санга берди даст,
Ки эл назмига берди назминг шикаст –
Ки қилдинг сўз ичра татаббуғ манга,
Не кетарда эттинг тазарру манга, –*
дейди.

Ас.: Алишер Навоий. Хамса. Намрга тайёрл.:
П. Шамсиев. Т., 1960; Т., 2011. Алишер Наво-
ий. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1991–1993. 7–11-ж.;
Алишер Навоий. ТАТ. 10 жилдлик. 6–8-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик.
Т., 1977, 2-ж.; Алишер Навоий “Хамса”си:
(тадқиқотлар). Т., 1986; Аҳмедов Т. “Хам-
са” қаҳрамонларининг характер жозибаси. Т.,
1986; Валихўжаев Б. “Хамса” тақмили // Али-
шер Навоий “Хамса”си. Т., 1986; Валихўжаев

Б. Алишер Навоий “Хамса”си ва унинг Шарқ халқлари адабиёти тараққиётида туган мавқеи // Алишер Навоий “Хамса”сини ўрганиш масалалари. Самарқанд, 1987; *Ҳамидова М.* “Хамса” мавжлари. Т., 1986; *Ғанихўжаева Н.* “Хамса” ҳикоятлари. Т., 1986; *Абдуғафуров А.* Буюк бешлик сабоқлари: мақолалар. Т., 1995; *Юсупова Д.Р.* Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғулиги. Т., 2011; Алишер Навоий “Хамса”си ва унинг Шарқ адабиёти тараққиётидаги улкан мавқеи / Самарқанд, 2015.

Дисс.: Ғанихўжаева Н. Алишер Навоий – ҳикоянавис (“Хамса” материаллари асосида): ф.ф.н. Т., 1967; *П.Шамсиев.* Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: ф.ф.д. Т., 1969; *Раҳимов Ж.* Алишер Навоий “Хамса”сида ҳасби ҳол жанри: ф.ф.н. Т., 1991; *Солиҳова Х.* Уйғур дostonчилиги ва насри тараққиётида Алишер Навоий “Хамса”сининг урни: ф.ф.н. Т., 1995; *Эркинов А.* Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV–XX аср манбалари: ф.ф.д. Т., 1998; *Ғаффоров Н.Н.* Алишер Навоий “Хамса”сида сўфийлар тимсоли: ф.ф.н. Т., 1999.

“ХАМСА” ҚҮЛЁЗМАЛАРИ. Навоий “Хамса”си қўлёзмалари ёзиб тугалланишидан кўп ўтмай, кўчирила бошланган. У асрлар давомида қайта-қайта кўчирилган. Биргина Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузурдаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондининг ўзида Навоий “Хамса”сининг XV–XX аср бошларда кўчирилган 200 га яқин қўлёзмаси сақланади. Уларнинг 100 дан ортигида “Хамса” тўлалигича кўчирилган. Қолганларида фақат айрим дostonлар жой олган. Навоий “Хамса”си қўлёзмаларининг тарқалиши ва миқдорини ўрганиш унинг Ўрта Осиё интеллектуал ҳаётида ўзига хос ўрин туганлигини намоён этади.

Навоий “Хамса”си қўлёзмаларининг тўлалигича беш дoston киритилган нусхаларидан ташқари, тўртта, учта, баъзан иккита дoston киритилган қўлёзмалари ҳам мавжуд. Ҳатто битта дostonни ўз ичига олган қўлёзмалар ҳам учрайди.

Навоий “Хамса”сига кирган аксарият дostonларнинг илмий-танқидий матнини 1950–70 й.да П.Шамсиев араб ёзувида тузган. Улар қуйидагилардан иборат:

– Алишер Навоий. “Хамса”: Ҳайрат ул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи Порсо Шамсиев. Тошкент: Фан, 1970.

– Алишер Навоий. “Хамса”: “Фарҳод ва Ширин”. Танқидий матн. Тайёрловчи Порсо Шамсиев. Редактор Ҳоди Зарипов. Тошкент: Фан, 1963.

– Алишер Навоий. “Хамса”: “Сабъан сайёр”. Тўртинчи дoston. Тайёрловчи Порсо Шамсиев. Редактор Ҳоди Зарипов. Тошкент: Фан, 1956.

Навоий “Хамса”си қўлёзмалари ичида матн ва китобат санъатининг ноёб нусхалари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми Навоийнинг ҳаёлигида кўчирилган. Улар қаторига қуйидаги қўлёзмаларни киритиш мумкин:

1) Навоий “Хамса”сининг Ҳиротда Абдулжамил Котиб кўчирган нусхаси. Бу “Хамса”нинг дастлабки қўлёзма нусхаси (Тошкент, ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 5018. Ҳажми 325 varaқ, ўлчови 190x275 мм). Навоий “Хамса”ни 1483 йилда ёзишга киришиб, 1485 йилнинг бошларида якунлайди. Фанда Абдулжамил Котиб “Хамса”нинг ёзилган қисмларини дастхат-мусаввададан оққа пешма-пеш кўчириб борган, деган қараш мавжуд. Абдулжамил Котиб кўчирган қўлёзмада “Хамса”нинг биринчи дostonи “Ҳайрат ул-аброр” охирига китобат таърихи қилиб 889 й.нинг рабиъ ус-соний (милодий 1484 й.нинг апрель-май) ойи кўрсатилган. Кейинги дostonларга ҳам 889 ҳ.қ./1484 м.й. таърих қилиб қўйилган. Бешинчи дoston “Садди Искандарий” 890 ҳ.қ./1485 м.й.да кўчирилган. Демак, Абдулжамил Котиб Алишер Навоий билан баб-баравар ишлаб, “Хамса”ни кетма-кет оққа кўчириб борган. Мазкур қўлёзма навоийшуносликда “Хамса”нинг тўнғич нусхаси, Абдулжамил нусхаси деб юритилади.

2) “Хамса”, 890 ҳ.қ./1485–1486 м.й. Англиянинг Оксфорд шаҳрида жойлашган Бодлеян кутубхонасида сақланадиган нусха (Инв. рақами – Elliot, 287, 408, 317, 339, Ms turk. 3). Ўлчови 190x270 мм.

3) “Хамса”нинг Султонали Машҳадий 898 ҳ.қ./1492–93 м.й. кўчирган нусхаси (Виндзор қироллик кутубхонаси, инв. рақами – Ms, 65). Ўлчови 240x355 мм.

4) “Хамса”нинг Султонали Машҳадий 898 ҳ.қ./1492–93 м.й. кўчирган қўлёзмаси. Қўлёзма расоми – Мавлоно Ёрий, саҳҳоф –

Султонали Марвий. У Санкт-Петербургда РМКда Дорн 560 рақами остида сақланади. Ўлчови 170x245 мм. Ҳажми 325 varaқ.

5) “Хамса”нинг Султонали Машҳадий 900 ҳ.к./1494–95 м.й. Ҳиротда кўчирган нусхаси (Истанбул, Тупқопи-Реван кутубхонаси, инв. рақами – 810), ҳажми 275 varaқ.

6) Санкт-Петербургда сақланадиган Шоҳрухияда кўчирилган нусха (РМК, инв. рақами – Дорн 559). 928 ҳ.к./1521–22 м.й. кўчирилган.

7) “Хамса”нинг Қўқонда 1240 ҳ.к./1824–25 м.й. кўчирилган нусхаси. Котиби – Мулла Рўзи Котиб, расом – Муҳаммад Косоний (ТошДШИ ШҚМ, 3-фонд, инв. рақами – 23), ўлчови 180x305 мм.

«Хамса» қўлэмаларининг аксарияти 18–19-асрларда уч хонлик ҳудудида кўчирилган. Қўлэмаларнинг миқдорига кўра Бухоро амирлиги дастлабки ўринда, ундан сўнг Қўқон ҳамда Хива хонлиги туради. Шуниси қизиқки, Қўқон ва Хива хонлигида ўзбек тилидаги ад-т, Бухоро амирлиги адабий муҳитида эса форс тили етакчилик қилган. Демак, “Хамса”нинг кўпроқ кўчирилиши воситасида ўзбек тилидаги ад-т бўшлиғи муайян даражада тўлдирилган. Шарқий Туркистонда ҳам мазкур асарнинг ўндан ортиқ нусхаси учрайди. Бундай маълумотлар эътиборга молик бўлиб, бу асарнинг тарқалиш географияси янада кенгайганлигидан дарак беради.

“Хамса”нинг кўчирилиши б-н боғлиқ жараёнда парадоксал бир ҳолат мавжуд: унинг нусхалари ичида таркибида бешта ёки фақат битта дoston берилган қўлэмалар нисбатан кўп. “Хамса” таркибидаги дostonларнинг алоҳида – битта ҳолда кўчирилганлари ичида “Ҳайрат ул-аброр” дostonи етакчилик қилади.

«Хамса”нинг Бухоро қўлэмалари 1580 й.дан бошлаб учрайди. Бухоро хонлигида “Хамса”, айниқса, Амир Ҳайдар (1800–1825) ва Амир Насрулло (1826–1860) ҳукмронлиги даврида кўп кўчирилган. Минтақалар бўйича қарайдиган бўлсак, “Хамса” Бухоро ва унинг атрофида 20 дан ортиқ, Шаҳрисабзда 7 марта кўчирилган. Бухоро хонлигида “Хамса”нинг катта қисми, асосан, шу икки ҳудудда кўчирилган.

Муайян жойдаги адабий эҳтиёжлар ҳам асар қўлэмаларининг вужудга келишига сабаб бўлади. Мас., 1821–1876 й. мобайнида Шаҳрисабзда “Хамса” 7 марта кўчирилган. Бунда айниқса, Ёр Муҳаммад Шаҳрисабзий (5 нусха) ва Муҳаммад Юнусхожа ибн Бобожонхожа Шаҳрисабзий каби котибларнинг (2 нусха) хизматлари катта. Бунинг, албатта, ўзига хос этник ва маданий асослари бор: “Сабъаи сайёр”даги учинчи ҳикоят бевосита Шаҳрисабз б-н боғланган. Унда Саъднинг Мисрдан Шаҳрисабзга келиши б-н боғлиқ саргузаштлар тасвирланган. Мазкур ҳикоят “Хамса” бу ерда кўпроқ кўчирилишига сабаб бўлган.

Навоий “Хамса”сининг Бухоро хонлигида кўчирилишига муайян шахслар ҳам сабабчи бўлишган. Шаҳрисабз додхоси (кейинчалик рус армияси генерали) Жўрабек (1840–1906) “Хамса”ни кўчиришни Муҳаммад Юнусхожа Шаҳрисабзийга топширган. Генерал Жўрабекнинг қўлэмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлган. Жўрабек йиққан китоблар ичида “Хамса”нинг яна бир нусхаси бор (1858 й. 10 августда Самарқанда Анҳор туманидаги Димишки Нуъмонда кўчирилган). Афтидан, Жўрабек “Хамса”га катта эҳтиром б-н қараган.

“Хамса” қўлэмаларининг бирига “Ҳайрат ул-аброр”дан аввал ўша даврда кўчирилган катта хат ёпиштирилган (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв № 1316, 1887–1890 й. кўч., котиби Мирзо Исмоилбек). Хат Бухоро ҳукмдори Абулфайзхон (1711–1747) тилидан Нодиршоҳ Афшорга (1736–1747) ёзилган бўлиб, сўнгги Аштархоний ва Бухорони забт этган Эрон ҳукмдори ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиришда ўзига хос манба вазифасини ўтайди. Мазкур хат жавоб йўсинида ёзилган бўлиб, қуйидагича хабарга эга:

1) Абулфайзхон ўз ҳомийсига Муҳаммад Раҳимхонни (1747–1758) отаси Муҳаммад Ҳакимбий (1740–1743) ўрнига оталиқ вазифасига тайинлаганлиги тўғрисида маълумот беради. Хат муаллифи Хонзодни ўз олдига саройга юборишини сўрайди;

2) Хожа Калонхожа Улфатнинг 12000 нодиний миқдордаги мулки ўғирлангани юзасидан олиб борилган текшириш натижалари ҳақида ҳисобот берилган;

3) Муҳаммад Аминхожанинг Бухородан у ҳамда ҳасан ва салур уругига мансуб бир неча юз оилани Эронга, Қоровул аҳолисини эса Амударёнинг нариги томонига мажбуран олиб кетганлиги тўғрисидаги арзи айтилган. Хатда Нодиршоҳга нисбатан тобеият ва вафодорлик яққол акс этган.

Бу қўлёзмага бадий жиҳатдан зур безак берилган бўлиб, Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885–1910) даврида кўчирилган. “Хамса” қўлёзмасига мана шу хатни ёпиштирган шахс Навоий асарини ҳам эътиборга молик, ҳам хатни сақлаш учун ишончли жой, деб ҳисоблаган. Шунингдек, бу факт “Хамса”нинг Бухоро хонлиги маданий муҳитида муҳим ўрин тутганлигини намоян этади.

“Хамса”нинг Бухоро қўлёзмалари котиблари хусусида ҳам гапириш жоиз. Бухоро хонлигидаги хаттотларнинг салкам ярми “Хамса”ни кўчиришда иштирок этган. Бунда айниқса, Шаҳрисабз хаттотлари ўз эрудициялари б-н яққол ажралиб туради. Масалан, Шаҳрисабзлик хаттот Ёр Муҳаммад Шаҳрисабзий 1814–1834 й. мобайнида “Хамса”ни 5 марта қўлёзма ҳолатда кўчирган. Агар “Хамса” 50 000 мисрадан ортиқроқ эканлиги ҳисобга олинса, у китобат жараёнида 250 000 мисрадан ортиқ шеърӣ матни кўчирган. Ҳаммаси бўлиб, Бухоро котиблари Навоий “Хамса”си учун тахминан 2 000 000 га яқин мисра матн кўчирганлар. Бунинг қарийб еттидан бир қисми фақат хаттот Ёр Муҳаммад Шаҳрисабзийга, қолган еттидан олти қисми Бухоро хонлигининг бошқа хаттотларига тегишли бўлиб чиқади. Бу рақамлар хаттот Ёр Муҳаммад Шаҳрисабзийнинг ўз умрининг асосий қисмини “Хамса”ни кўчиришга сарфлаганлигига яққол далил.

Ёр Муҳаммад Шаҳрисабзий кўчирган нусхалардан бирида (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами 13242) китоб эгаси муқова ичига қуйидаги мазмундаги матни ёзган: “1294 йили жумод ус-соний ойининг ўнинчи куни, шанбада мен Алишер Навоий “Хамса”сини Шамсиддинбойвачча Ашур Муҳаммад ўглидан ... тиллага сотиб олдим. Бунда тоғам Эшон Шукруллохожа воситачилик қилди. Мулло Охунд Ибодуллахожа, Мулла Шариф ясовулбоши ва

Оламиён Мирза Аюблар ҳам бор эдилар”. Қўлёзманинг қиймати кўрсатилган рақамлар учуриб ташланган. Аммо бир китобни сотиб олишда тўрт гувоҳнинг иштирок этиши унинг қимматбаҳолигини кўрсатади. Демак, бу хаттот кўчирган қўлёзмалар ўша давр маданий муҳитида юқори баҳоланган. Буни мазкур нусханинг 40 йил ўтгандан кейин (1294 ҳ.қ./1877м.) ҳам сотилгани яққол исботлайди.

“Хамса” асари илмий-танқидий матнини П.Шамсиев қуйидаги қўлёзмаларга суянган ҳолда тузган:

1. Абдулжамил Котиб кўчирган қўлёзма нусха (Тошкент, ТошДШИ ШҚМ, инв. рақами – 5018). Мазкур нусхани котиб 1485 й. Ҳиротда кўчирган. Навоий “Хамса”ни 1485 й. ёзиб тугаллаганлигини ҳисобга олсак, бу қўлёзма Навоий назорати остида кўчирилган ва “Хамса”нинг биринчи қўлёзмаси саналади. У илмий-танқидий матни тузишда таянч нусха вазифасини ўтаган.

2. Султонали Мапҳадий 898/1492–93 й. кўчирган қўлёзма нусха. Санкт-Петербургда сақланади (РМК, инв. рақами – Дорн 560). Қўлёзма расмони – Мавлоно Ёрий, саҳхоф – Султонали Марвий.

3. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 7554).

4. Санкт-Петербургда сақланаётган Навоий асарлари мажмуаси таркибидаги нусха (РМК, инв. рақами – 55). У 904 ҳ.қ./1498–99 м.й. кўчирилган.

5. Санкт-Петербургда сақланаётган нусха “Хамса”даги “Садди Искандарий”дан бошқа тўрт достони жамланган қўлёзма нусха (РМК, инв. рақами – 559)

6. Қозонда сақланаётган нусха (Қозон давлат университетининг илмий кутубхонаси, инв. рақами –15334).

“ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙЙИРИН” (“Беш ҳайрат”) – Алишер Навоийнинг манокӣб ҳолат жанрида яратилган асари. Форс-тожик ад-тининг йирик вакили, Навоийнинг устози ва пири, ижод соҳасидаги ҳаммаслаги ва дўсти Абдурахмон Жомий хотирасига бағишлаб 899 ҳ.қ./1494 м.й.да ёзилган. Асар Аллоҳга ҳамд ва Пайғамбарга наът мазмунида ёзилган тарона рубойлар б-н бошланади. Шундан

сўнг Навоий Абдурахмон Жомийга татриф бериб, уни “тариқат элининг муктадо ва имоми, шариф хайлининг мужтаҳид ва шайх ул-исломи” деб атади ва устозининг мотамига таскин сифатида ўзи ва Жомий орасида ўтган “ҳолотдин бир неча варақ нигориш” қилмоқчилигини айтади. Айнан шу ўринда ёзишга ниятланган асарининг мундарижасини ҳам келтириб, уни беш қисм – муқаддима, уч мақолат ва хотимадан иборат қилиб тартиб беришини таъкидлайди.

Муқаддимада Навоий Абдурахмон Жомийнинг насл-насаби, болалиги, билим олиши ва ҳаёт йўли ҳақида тўхталади. Унга кўра, Жомий ҳижрий 817, милодий 1414 й.да Жом шаҳрида туғилган. Дастлаб Жом вилоятида, кейинчалик Ҳиротдаги “Низомия” мадрасасида таҳсил олган. Навоий Жомийнинг насаби ҳақида ҳам маълумот бериб, унинг келиб чиқишини Шайбон номли қабиланинг маликларидан Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбонийга боғлайди. Навоийнинг хабар беришича, Ҳурмуз бани Шайбон қабиласининг ҳукмдори бўлган, Бағдодда ҳукмронлик қилган ва халифа Умар (р.а.) замонида мусулмон бўлиш шарафига эришган. Жомийнинг отаси ҳам, бобоси ҳам зуҳду тақвода машҳур бўлиб, шайх ул-ислом Аҳмад Жомий ватанида муқим бўлганлар. Навоий ушбу фикрнинг исботи сифатида Жомийнинг қуйидаги китъасини келтиради:

Маевлидам Жому рашҳаи қаламам,

Журғаи жоми шайх ул-исломист.

Лоҷарам дар жаридои ашғор

Ба ду мағни тахаллусам Жомист.

(Мазмуни: Туғилган жойим Жом ва қаламим томчиси шайх ул-ислом (Аҳмад Жомий) жомидан бир қатрадир. Бинобарин, шеърлар дафтариди ҳар икки маънода тахаллусим Жомийдир). Шоир бу ўринда икки жиҳатга – ҳам Аҳмад Жомий таълимотининг унга таъсирига, ҳам у сиймонинг Жом вилоятида таваллуд топганига ишора қилмоқда.

Навоий муқаддимада Абдурахмон Жомийнинг болалиги ҳақида ҳикоя қилиш асносида қизиқ бир воқеани келтиради. Бир куни замонасининг пири муршидлари-

дан ҳисобланмиш Фахриддин Луристоний Жом вилоятига – Абдурахмон Жомий отасининг уйига келади. Уша пайтларда тўртбеш ёшлар атрофида бўлган Абдурахмон жуда сезгирлик б-н улуғ муршиднинг ҳаракатларини кузатади ва шайх бармоқлари б-н “Умар” ва “Али” сўзаларини ҳавога ёвса, илғаб олиб, ўқиб беради. Буни кўрган Фахриддин Луристоний боладаги зийракликни кўриб, ҳайратга тушади. Навоий бу маълумот Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарида Луристоний б-н боғлиқ фаслда ҳам келтирилганлигини таъкидлаб ўтади. Навоий Жомийнинг ҳаёт йўли б-н боғлиқ маълумотларни келтириб, устозининг Шоҳрух Мирзодан Абусаид давригача Ҳирот шаҳрида яшаганлигини, гоят камтарона ҳаёт кечирганлиги ва ўзи ҳамда мулозимлари орасида ейиш, ичиш, кийинишда тафовут йўқлигидан унинг зийратига узоқ-яқиндан келган кишилар Жомийни кўрганларида ҳатто мутлақо таний олмасликларини айтади. Жомий умрининг охирларида авлиё Саъдиддин Кошғарий мазори қошида маскан тутади.

Асарнинг иккинчи қисми “Аввалги мақолат” деб аталиб, Алишер Навоий ва Жомий орасида бўлиб ўтган қизиқ ва ибратли воқеалар, сўхбатлар хусусидаги маълумотларни ўз ичига олади. Мазкур қисмда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий иштирокидаги ўн тўрт воқеа келтирилган. Уларнинг барчаси турли вақт ва ҳолатларда рўй берган бўлса-да, устоз ва шогирдининг, балки икки дўстнинг меҳру муҳаббати, садоқати, ҳамфикрлиги ҳақидаги хулосаларни беради. Мас., Навоий келтирган воқеалардан бирида шайх Абдуллоҳ котибнинг Алишер Навоийга Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” китобини кўчириб келтирганлиги қаламга олинади. Котиб китобни ташлаб кетгач, мажлисда ўтирган Алишер Навоий бир варақлаб кўриш баҳонасида икки қисмдан иборат йирик асарни бир ўтиришда ўқиб тугатиб қўяди. Эртаси куни Абдуллоҳ котиб ширдан китобни қайтаришини ёки ҳақини тўлашини сўрайди. Шунда атрофдагилар унга Алишер Навоий китобни қўлига олиб, бир зарб б-н ўқиб тугатганлигини айтадилар. Ҳайратга тушган котиб: “Кеча китоб-

ни ҳазрати Махдуми Нуран – Абдурахмон Жомийга ҳам элиб эдим, ул зот ҳам худди шу тарзда уни хатм қилиб эдилар”, дейди.

Шунингдек, ушбу мақолатда яна бир қизиқ воқеа келтирилади. Унга кўра, мажлисда *Удий* тахаллусли санъаткор *Хожа Ҳасан Дехлавий*нинг бир ғазалини куйлайди. Ғазалнинг:

*Мисоли қатри борон сиршики
ман ҳам дурр шуд,
Чунин асар диҳад, алҳақ,
тулуу чун ту Суҳайле*

(Мазмуни: Менинг ёмғир томчиси каби кўзёшларим инжуга айланди, алҳақ, сенинг Суҳайл юлдузидай чиқишинг шундай таъсир қилди) байтига келганда мажлис аҳли мисрадаги “дурр шуд” (инжу бўлди) сўзининг ўрнига “хун шуд” (қон бўлди) деб айтиш тўғрироқ, чунки кўзёшнинг қонга ўхшатилиши бадий таъсирчанликни оширади, дейдилар. Бу фикрни мажлис аҳлининг барчаси маъқуллайди. Йиғилганлар Навоидан ҳам фикр сўрайдилар. Шоир ғазалдаги ифоданинг ўзи тўғри, уни ўзгартиришга ҳожат йўқ, деб жавоб беради. Мажлис аҳли бир овоздан Навоийга қарши чиқади. Шунда Навоий мен ёлғиз ўзим бун исобтлаб беролмайман, агар рози бўлсанглар, келинглар, бир кишини ҳакам қиламиз, у тўғри фикрни айтсин, гаров ўйнаймиз, дейди. Ҳамма рози бўлади ва ғазалнинг юқоридаги байти Абдурахмон Жомийга юборилиб, байтдаги “дур” ёки “хун” (“қон”) сўзларининг қайси бири маъқул эканлиги сўралади. Шунда Жомий:

*Сухан дурр асту тааллуқ
ба ғўши шах дорад –*

“Сўз – дур, шоҳнинг қулоғига тегишли” мазмунидаги бир мисрани битиб юборади. Давра аҳли жавобнинг нозик ва қисқалигидан, Навоий ва Жомий шу қадар ҳамфикр эканлигидан ҳайратга тушади. Бу воқеа бутун Ҳиротга тарқалиб, мажлисларда узок вақт айтиб юрилади.

Яна бир воқеада қурилишга ишлатиш учун олиб кетишаётган сарв дарахти б-н боғлиқ ҳолат тилга олинган. Боғбоннинг аравада сарв дарахтини ортиб, “Жаҳоноро” боғининг қурилишига олиб кетаётганини кўрган Жомий ундан “Бунча кўп ёғоч

олиб кетяпсан, кесилмаган сарв қолдими, бунинг адади нечта?” деб мутойиба оҳангида сўрайди. Боғбон: “Санаганмиз, адади бир юз тўртта” деб жавоб беради. Жомийнинг “қизиқ миқдор экан-ку” деган гапига Навоий “Муносиб ададир, чунки “қад” сўзининг адади ҳам шунга тенгдир”, дейди. Бу б-н Навоий сарвнинг ёр қаддига ўхшатилишига ишора қилиб, “қад” сўзи абжад ҳисобида 104 рақамини ҳосил қилишини таъкидлайди. Жомий Навоийнинг бу қадар тез жавоби ва заковатига таҳсин айтади.

Асарнинг иккинчи мақолатидан Алишер Навоий б-н Абдурахмон Жомийнинг бир-бирига ёзган мактублари ўрин олган. Бу мактубларнинг айримлари Жомий куллиятига, баъзилари эса Навоийнинг “Муншаот”и таркибига киритилган. Мақолада Жомийнинг Навоийга йўллаган 15 мактуби ва уларга битилган жавоблар ҳамда Навоийнинг Жомийга ёзган 15 номаси ва ундан келган жавоб мактублари келтирилган. Ушбу мактубларни мазмун-мақсадига қараб шартли равишда уч турга бўлиб тасниф қилиш мумкин:

1) икки меҳрибон дўст, устоз ва шогирднинг бир-бири б-н хабарлашиш мақсадида битган мактублари;

2) бадий ижодга алоқадор мактублар;

3) ижтимоий-сиёсий воқеалар б-н боғлиқ хатлар (С.Ғаниева).

Ушбу мактубларда икки буюк шахснинг инсоний дўстлиги, учрашув иштиёқи, соғинч-изтироби ўз аксини топган. Шунингдек, уларда бадий ижоднинг муҳим масалалари б-н боғлиқ қимматли фикрлар ҳам баён этилган. Шундай масалалардан бири Алишер Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидасининг ёзилиш тарихидир. Мақолатда ёзилишича, бир куни Алишер Навоий ва Жомий суҳбатлашиб ўтирганларида Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” қасидаси хусусида сўз кетади. Сўз асносида Навоий Хусрав Дехлавийнинг “*Агар афлок ҳаводиси ва рўзигор навоийибдин менинг борча назим замона саҳифасидан маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, менга басдир, невчунким, ҳар киши ани ўқиса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эрқандур*” мазмунидаги фахриясини эслайди. Жомий унга жаво-

бан ҳеч нима демайди. Орадан бир оз вақт ўтиб, Навоийнинг подшоҳ б-н бирга Марвга бориши зарур бўлиб қолади. Навоий Жомий ҳузурига келиб, ундан сафарга ижозат сўрайди. Жомий фотиҳа берганидан сўнг қўйнидан бир қоғоз чиқариб, Навоийга беради. Бу унинг Деҳлавий қасидасига татабуъ тарзида ёзилган “Лужжат ул-асрор” қасидаси эди. Навоий қасидани ўқиб, гоят таъсирланганлигидан йўлда унга татабуъ тарзида “Тухфат ул-афкор”нинг матлаъсини битади ва агар Жомийга маъқул келса, уни давом эттиришга ижозат сўраб, мактуб юборади. Жомийга матлаъ маъқул келиб, Навоийни уни яқунлашга илҳомлантиради.

“Учинчи мақолат” Жомий яратган асарлар таърифига бағишланган бўлиб, мазкур фаслни жомийшуносликнинг пойдевори деб айтиш мумкин. Мақолат аввалида Жомийнинг 38 асари номи келтирилган. Муаллиф улардан баъзилари ўзининг таклиф ва ташаббуси б-н битилганлигини айтиб ўтади. Хусусан, тас. шайхлари ҳақидаги “Нафаҳот ул-унс”, муаммо жанрига бағишланган бир нечта рисола, мусиқа илмига доир “Рисолаи мусиқий” асари, *Фахриддин Ироқий*нинг “Ламаъот” асарига битилган шарҳ шулар жумласидандир. Шунингдек, ушбу қисмда Абдурахмон Жомий асарлари, хусусан, “Субҳат ул-аброр”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Хирадномаи Искандарий”даги Навоий шахсияти б-н боғлиқ фикрлар, унга бағишланган асарлар, шу б-н бир қаторда Алишер Навоий қаламига мансуб асарларда Жомий ҳақидаги фикрлардан парчалар келтирилган.

“Хотима”да Навоий устози Жомий ҳузурда ўқиган асарлари рўйхатини келтиради. Бу асарларнинг баъзилари Абдурахмон Жомий қаламига мансуб бўлса (“Рисолаи қофия”, “Рисолаи муаммо”нинг иккинчи дафтари, “Рисолаи аруз”, “Лавоёҳ” (“Порлоқликлар”), “Лавомёъ” (“Равшанликлар”), “Шарҳи рубоёёт”, “Нафаҳот ул-унс” (“Дўстлик таровати”), “Ашиъат ул-ламаъот” (“Порлоқ шуълалар”), “Шавоҳид ун-нубувват” (“Пайғамбарлик шохидлари”), “Ҳафт авранг”), қолганлари Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия”, *Фахриддин Ироқий*нинг “Ламаъот”, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг

фақр ва фано хусусидаги рисолалари, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” асари ва б. Шунингдек, хотимада Жомийнинг хасталиги, вафоти, дафн маросими тафсилотлари ҳам келтирилади. Абдурахмон Жомий вафотидан бир йил ўтиб Навоий устози қабри устига катта мақбара қурдиради, Султон Хусайн Бойқаро иштирокида катта маросим ўтказиб, унда Жомий вафотига бағишлаб ёзган таърих ва марсиясини ўша даврнинг машҳур нотиғи Мавлоно Хусайн Боиз Кошифий ўқиб эшиттиради. Мазкур марсия “Девони Фоний”дан ўрин олган.

“Х.” асари Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Абдурахмон Жомийга бағишланган ёднома бўлиш б-н бирга ўзида икки буюк ижодкор ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим маълумотларни акс эттирган қимматли манба ҳамдир.

Ас.: *Алишер Навоий*. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1999, 15-ж.; *Алишер Навоий*. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 5-ж.; *Алишер Навоий*. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин (танқидий матн). Нашрга тайёрл.: О.Алимов, 2015.

Ад.: *Ўзбек адабиёти тарихи*. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

«ҲАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙЙИРИН» ҚҮЛЁЗМАЛАРИ. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” қўлёзмалари жаҳон қўлёзма фондларида учрайди.

Унинг танқидий матнини 2015 йил Озод Алимов нашрга тайёрлаган ва сўзбоши б-н нашр қилган (*Алишер Навоий*. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин: танқидий матн. Тошкент, 2015). “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда қуйидаги беш қўлёзмага суянилган:

1. Парижда сақланаётган куллиёт таркибидаги нусха (Франция Миллий кутубхонасидаги куллиёт таркибида: *Suppl. ture. 316-317*). Уни хаттот Али Ҳижроний 933/1526-27 й. Ҳиротда кўчирган. Асар 16 варақдан иборат бўлиб, қўлёзманинг 2866-3016 варақларида келтирилган.

2. Истанбулда сақланаётган нусха (Сулаймония кутубхонаси, Фотиҳ фондида 4056-тартиб рақами остида сақланади). Асар 14 варақдан иборат бўлиб, қўлёзманинг 6596-7036 варақларидан ўрин олган.

3. Санкт-Петербург ш. нухаси (РМК, инв. рақами – Доп 558) Навоий асарлари мажмуаси таркибидан жой олган бўлиб, уни 1001–1004 ҳ.қ./1593–96 м.й.да Назарали Фоизий кўчирган. Асар 28 варақдан иборат. У қўлёзманинг 6956-7096 варақларидан ўрин олган.

4. Тошкент нухаси (ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида 9-тартиб рақами остида сақланаётган қўлёзма). Қўлёзма мажмуа кўринишида бўлиб, асар унинг 406-846 варақлари (жами 45 варақ)дан ўрин олган.

5. Яна бир Тошкент нухаси (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 2242). 1029/1619-20 й. кўчирилган, 87 варақ.

ХАРАҚОНИЙ, Абулҳасан Али ибн Аҳмад (10-аср 2-ярми, Қумис – 1034) – “Навоий ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Чўпонлик ва деҳқончилик б-н машғул бўлган. Ўз даврининг комил пирларидан бўлган Шайх Абулаббос Қассоб қўлида тарбияланган. Таҳсилни ниҳоясига етказиб, иршод олганидан сўнг бир умр тас. б-н шуғулланган. Ўз илми, иқтидори, хулқи, эзгу ишлари б-н йигитлигидаёқ эл оғзига тушган Х. қўплаб муридлар тарбиялаб етиштирган. Абусаид Абулхайр, Абу Али ибн Сино, Носир Хусрав, ҳатто Султон Маҳмуд Ғазнавий уни зиёрат қилиб, файзли суҳбатидан баҳраманд бўлишган. Абусаид Абулхайр унинг хонақоҳида олти ой қолиб кетиб: “Мен оддий гишт эдим, Харақонга боргач, гавҳар бўлиб қайтдим”, деб лутф этади. Шайхулислом Абдуллоҳ Ансорий бир неча йил унинг хизматида бўлган.

Манбаларда Х.нинг Боязид Бистомий руҳидан тарбия топгани айтилади. Харақондаги улуглар мазорини зиёрат қилишга келган Боязид Бистомий: “Бу ердан буюк бир зотнинг ҳиди келяпти, унинг номи Али, кунyasi Абулҳасан бўлади”, деб Х.нинг туғилишини 170 й. бурун башорат қилган экан. Ўз навбатида, Х. йигитлигида 12 йил давомида Боязиднинг мазорини зиёрат қилиб, Аллоҳдан унинг руҳи поки воситасида мадад қилишини сўрайди.

Х.нинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар, ҳикматли сўзлари ва шеърларидан

намуналар шайхнинг шоғирдлари томонидан тартиб берилган “Нур ул-улум” (“Илмлар нури”) китобида жамланган. Навоий “Навоий ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХАРОБОТ – ўрта асрларда ислом мамлакатларидаги ғайридинларнинг майхонаси. Манбаларга кўра, бу майхоналар шаҳардан ташқарида ёки ғайридинлар яшайдиган маҳалла ва гузарлардаги ярим вайроналарда жойлашгани сабабли, Х. деб аталган. Х. “хуробод” (оташпарастилар ибодатхонаси) маъносида ҳам талқин қилинади. Ирфоний ад-тда Х. башарий сифатларнинг хароб бўлиши ва маърифат майи таъсиридаги беҳудлик, ўзликдан кечиш макони, жисмоний вужуднинг фано бўлиши ва руҳоний вужуднинг бақоси, муршиди комилнинг кўнгли, пирнинг суҳбати, ёмон хислатларнинг яхши хислатларга табдил бўлиши маъносида қўлланилган. Х. баъзи манбаларда ваҳдат майидан сармаст солиқнинг висолга етиш мақоми деб ҳам талқин қилинган.

Гар харобот ичра мумкинду

сумурмак бир қадах,

Хизр агар ўлтурса борман

чашмайи ҳайвон сари.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 629-ғазал)

ХАРОБОТИЙ – сокини майхона, ошиқринднинг сифати. Лоҳижий талқини бўйича, Х. – қаноат ва факр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқлардан ноқланиб, зоҳир оламидаги боғлиқликлардан халос бўлган ҳамда илоҳий сифатлар б-н безанган, дунё ва унинг ишларидан воз кечган, ўзини тупроққа тенг билган хоксор ва камтарин ошиқнинг сифатидир. Шунингдек, Х. деганда, такаббурилик, шуҳратпарастлик, манманликдан дарак берувчи амаллар, урф-одат ва расм-русумлардан воз кечиб, ихтиёрини илоҳий ихтиёрга мувофиқ айлаган киши ҳам тушунилган.

Эй, ҳуш ул ринди хароботийки,

маст ўлғон замон

Даҳрга ҳукмин суруб,

гардунга истиғно қилиб.

(“Вадоеъ ул-васат”, 54-ғазал)

ХАРРОЗ, Абу Саид Аҳмад бин Исо (ваф. 899) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Этикдўзлик касби орқали кун кечиргани учун “Харроз” (этикдўз) куняси б-н машҳур бўлган. “Қамар ус-сўфия” (сўфийларнинг орифи) ва “Султон ул-орифин” (орифлар султони) деб ҳам улуғланган. Ўзини Жунайд Бағдодийнинг муриди деб ҳисобласа-да, Ансорийнинг талқини бўйича, тариқат ва мақомда Жунайддан улуг ва унга устоз бўлган. Бағдод шахридан. Илм талабида Мисрга сафар қилиб, Маккаи мукаррамада улуглар қабри ёнида мужовир бўлган. *Муҳаммад бин Мансур Тусий* ҳамда *Абу Ҳотам Аттордан* тас.дан сабоқ олган. Зуннун Мисрий, Сарий Сақатий, Абу Убайд Бусрий, Бишр Ҳофий, Амр бин Усмон Маккий, Абулаб-фос Динаварий, Абубакр Саққок, Музаф-фур Кирмоншоҳий, Абуладён, Абу Ҳамза Хуросоний суҳбагидан бахраманд бўлган. Тас.да биринчи булиб, *фано* ва *бақо* назариясини илгари сурган. “Ас-сидқ” ва “Китоб ас-сир” китобларида ҳадис ва тас. масалалари ҳақида баҳс юритган. “Айнул-жамъ” ҳақидаги қарашлари нақшбандия тариқатидаги “хилват дар анжуман” таълимоти б-н ҳамоҳанг. Самоъ мажлисида важд ҳолида вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

ХАРРОТ АСҚАЛОНИЙ, Абу Яъқуб – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фаластиндаги Асқалон ш.да турилган. *Шайх Абулҳусайн Нурий*нинг муриди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХАТ – 1) чизик, из:

*Шарора хатлари соғинма дуди оҳим аро
Ки, йиртибон юзини кийди*

мотамимга қаро

(“*Наводир уш-шабоб*”, 35-ғазал)

2) ёзув, хат:

*Ҳақирға ўз муборак хатлари била би-
тилган девонни июянт қилдилар*

(“*Ҳамсат ул-мутаҳаййирин*”)

3) янги чиққан мўйлаб:

Хатда рухсоринг су эркинми

ёшунган сабада,

Йўкса кўзгудурки, қолмиш

ҳар тараф зангор аро.

(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 22-ғазал)

4) тасаввуфий тимсол. X. – руҳлар оламининг аёнлашуви, буюклик ва азамат оламини (моддий оламидан юқори бўлган руҳлар олами), илоҳий жамолнинг маъҳари, касрат оламидаги ваҳдатнинг намоён бўлиши, борлик асрори ва моҳияти, руҳият оламининг моддий оламдаги кўриниши маъноларида талқин қилинган.

Лабинг хат зоҳир этти,

Хизр умри берсалар, ўлғум.

Хусусанким, Хизрга ҳамдам

ўлғай оби ҳайвонинг.

(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 359-ғазал)

Навоий асарларида X. б-н боғлиқ қуйидаги ибораларга дуч келамиз: X. олмоқ – ваъдалашмоқ, тилхат олмоқ; X. сизмоқ – хат ёзмоқ; X. сурмак – чизмоқ, ўчирмоқ; X. чиқармоқ – ҳукм чиқармоқ; X.и амони – омонлик хати, қутулиш хати. X. бар X. – сатрма-сатр; X.и истимолат – чақирик хати, ўз томонига мойил этиш учун юборилган чақирув қоғози; X.и мавҳум – хаёлий чизик; X.и мушқин – маж.: қоп-қора мийик; X.и муҳит – ўраб олинган, айланма чизик; X.и нажот – қутулиш, озодлик хати; X.и озодлик – солиқ ва бошқа тўловлардан озод бўлганлигини билдирувчи хат; X.и паргор – паргор чизиги, айлана; X.и роз – сирли, махфий ёзув; X.и савод – маж.: қора мийик; X.и фармон – ҳукмронлик доираси; X.и губор – ёзув санъатининг бир тури; остига X.тортмоқ – ўчирмоқ; X.чиқармоқ – маж.: муртнинг ўсиши; X.и нуроний – нур чизиклари.

“Бадоеъ ул-васат”нинг 281-ғазалида “X.” сўзи радиф вазифасини бажарган.

ХАТЛИЙ, Абулфазл Муҳаммад бин Ҳасан – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, Тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларининг билимдони. Ҳусрийнинг муриди, Абу Амр Қазвиний ва Абулҳасан Солбехнинг яқин дўсти. Али бин Усмон Ҳужвирийнинг пири. Хилват ва узлатда яшаб, машҳурликдан қочган. Ҳужвирийнинг гувоҳлик беришича, олтмиш йилга яқин Луком тоғида ибодатда умр кечирган. Тарикатда саҳв

наз-яси тарафдори бўлиб, зикри хафийни самоъ ва зикри жаҳриядан афзал деб ҳисоблаган. Қабз ва баст, унс ва ҳайбат ҳақидаги фикрлари кўп тас-ий манбада тилга олинади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХАФИФ (ар. енгил) – туркий ва форсий шеърятда фаол қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Рукнлари икки томондан *сабаби хафиф* б-н ўралганлиги ва енгил оҳангга эга бўлганлиги учун шундай аталган. Х. баҳри махсус аслий руkningа эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилотун*(- V - -), *мустафъилун* (- - V -), *фоилотун*(- V - -) бўлиб, туркий шеърятда Х.нинг фақат *мусаддас* руқнли вазнларидан фойдаланилган. Х. баҳрига хос муҳим хусусиятлардан бири кўп вазнлилик бўлиб, биринчи

руқн *фоилотун*(- V - -) ёки *фаилотун*(V V - -) ва учинчи руқн *фаилун* (VV-), *фаилон* (VV~), *фаълун* (- -), *фаълон* (- ~) тарзида бир шеърый асарда ўзаро алмашиниб қўлланаверади ва бу ҳолат бир шеърнинг 8 вазнда ёзилиш имконига эга бўлишини таъминлайди. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да рисоланинг баҳрларга доир қисмида Х.нинг бешта вазнини, “Доираи мужтамиа”ни изоҳлаш қисмида бир вазнини (жами 6 вазн) келтириб ўтади. “Хазойин ул-маоний” куллиётинда Х.нинг 5 вазни истифода этилган бўлиб, ушбу вазнлардан иккитаси: Хафифи мусаддаси махбуни маҳзүф ва Хафифи мусаддаси махбуни мақсур вазнлари номи “Мезон ул-авзон”да келтирилмаган.

Алишер Навоий шеърятинда қўлланилган ва “Мезон ул-авзон”да келтирилган хафиф баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Руқнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисоллар
1	Хафифи мусаддаси махбун	фоилотун мафоилун файлотун, - V - - / V - V - / VV - -	Фурқати неш сончти юрокимга, Ашк конин оқизди бу этокимга. (“Мезон ул-авзон”)
2	Хафифи мусаддаси махбуни маҳзүф	фоилотун мафоилун файлун, - V - - / V - V - / VV -	Келмай ул қотили замона манга, Бўлди ҳажр ўлгали баҳона манга. (“Наводир уш-шабоб”, 13-ғазал)
3	Хафифи мусаддаси махбуни мақсур	фоилотун мафоилун файлон, - V - - / V - V - / VV -	Ҳар нечаким санга жафода русух, Мен жафокашгадур вафода русух. (“Бадоеъ ул-васат”, 112-ғазал)
4	Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ	фоилотун мафоилун фаълун, - V - - / V - V - / - -	Лаб уза хатти анбар олуди Оташин лаълининг эрур дуди. (“Фавоийд ул-кибар”, 602-ғазал) Эй юзунгдин бўлуб кўзум равшан, Дурру лаъл айлабон ани маҳзан. (“Мезон ул-авзон”)
5	Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббаъ	фоилотун мафоилун фаълон, - V - - / V - V - / - -	Факр аҳлига подшо муҳтож, Ўйлаким шоҳга гадо муҳтож. (“Ғаройиб ус-сиғар”, 100-ғазал) Сани ул дамки кўрдум, эй гулчехр, Тушти кўнглумга оразингдин меҳр. (“Мезон ул-авзон”)
6	Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ	фоилотун мафоилун фаълун, VV - - / V - V - / - -	Калимоти ғариб дер носих, Хирад аҳлига ҳашадур возих. (“Мезон ул-авзон”)
7	Хафифи мусаддаси махбуни мушаъас	фоилотун мафоилун мафъувлун, - V - - / V - V - / - - -	Келди дилдору мен кадаҳ ичгумдур, Зухду номусу нангдин кечгумдур. (“Мезон ул-авзон”)
8	Хафифи мусаддаси солим	фоилотун мустафъилун фоилотун, - V - - / - - V - / - V - -	Қайда эрдинг, эй маҳашим, шарҳ қилгил. Ўлгум эрди бир лаҳза гар келмасанг, бил. (“Мезон ул-авзон”)

Шунингдек, ушбу баҳр Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида қўлланилган асосий шеърӣй ўлчовлардан бири ҳисобланади. Х. баҳрига хос кўп-вазнилиқ хусусияти дostonдаги воқеалар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, бир ҳикоятдан бошқасига ўтиш пайтлари, сюжет чизиқларининг ўзгаришида ниҳоятда қўл келган. Дostonдан олинган қуйидаги парчада Х. баҳрига хос 8 вазнининг барчаси қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Наргис ул нур бирла очти басар, (1)

Адам уйқусидин кўзинда асар... (2)

Гулга чун берди тоб хусну жамол, (3)

Анга булбулни қилди шефта ҳол, (4)

Анга ҳар неча обу тоб ортиб, (5)

Мунга ишқиди изтироб ортиб.

Бу фиғондин солиб чу рустохез, (6)

Айлабон ул жамоли ўтин тез.

Ул қилиб жилва бу булбул шайдо, (7)

Ишқ бўлди жаҳон аро пайдо.

Кулин айлаб фано ели маъдум (8)

Ким, асар андин ўлмайин маълум.

(“Сабъаи сайёр”)

ХАФАҚОН (ар.) – қон босимининг ортиши сабабли юракнинг тез ё секин уриши касаллиги, гипертония. Ўрта аср тиббиётда иссон танасидаги тўрт хилт – савдо, саффо, балғам ё қоннинг таркибидаги бузилишлар туфайли Х. касаллиги пайдо бўлади, деб билишган. Х.га чалинган киши ҳушидан кетиб қолиши, муайян вақтда ўзини бошқаролмаслиги мумкин. “Лайли ва Мажнун” дostonида Ибни Салом Х. касалига чалинганига қарамасдан, ичкиликка ружу қўйгани тасвирланган.

Таъби хафақондин эрди маълум,

Кўп булса эди қадаҳқа машғул

(“Лайли ва Мажнун”, 31-боб)

ХИЗР, Хизир – ислом дини келишидан олдин ўтган пайғамбарлардан бири. Қуръони Каримда Хизр ёки Хидир деб аталувчи пайғамбар номи зикр этилмайди. Тафсириларда “мажмаъ ул-баҳрайн” – икки денгиз қўшиладиган жойни излаб юрган Мусо (а.) ва унинг хизматкорига ҳамроҳлик қилган зот (“Қаҳф” сурасининг 59–81 оятлари) Х. номига боғлаб талқин қилинади.

“Қисаси Рабгузий”да нақд қилиниши-

ча, Х. “яшил” деган маънони англатади. Х.нинг асл исми ал-Ясаъ бўлиб, қаерда ўтирса, ўша жойдан майса униб чиқар эмиш. Шу сабабли, у Х. номи б-н машҳур бўлган. Х. қуруқликда адашганларни тўғри йўлга солувчи раҳнамодир.

Фирдавсий “Шоҳнома”си ва Низомийнинг “Искандарнома”сида келтирилишича, Х. Искандар б-н ҳаёт сувини қидириб, зулмат мамлакатига етиб келишибди. Хизр бир йўлдан, Искандар иккинчи йўлдан кетибди. Х. ҳаёт суви булоғини тошиб, ичибди, Искандар эса тополмабди.

Х. образининг генезиси ва тарихий эволюцияси ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Брокгауз ва Ёфроннинг қомусида қайд қилинишича, Х. – қадимги Эрон диний эпосининг мифик образларидан бири. У одамларни яхшиликка ундайди, эзгу ишларга ҳомийлик қилади. Шу боис, денгизчилар уни кемачиларнинг пири деб ҳисоблайдилар. Одамларни ёвузликдан ҳимоя қилиб, ҳамisha шайтоний кучларга қарши курашувчи Х. образи эроний мифология маҳсулидир.

В.В. Бартольднинг фикрича, Х. тимсолида турли халқлар фольклорининг эзгу кучлар хусусидаги мифологик тасаввурлари ўз ифодасини топган. Х. образининг айрим талқинлари Гилгамеш тўғрисидаги Бобил асотирларига бориб тақалади. Худди шу фикрни тасдиқлаган Ж. Вибби ҳам Х.га сиғиниш табиат кучларини муқаддаслаштириш б-н боғлиқ қадимий мифологик тасаввурлар асосида юзага келган, деб ҳисоблайди.

Х. образининг генезисини ёритишда ислом мифологиясининг характерини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу образ исломдан аввалги даврларга хос эътиқод ва қарашлар, барҳаёт табиатни тимсоллаштириш, аждодлар руҳининг абадийлиги, ҳомий кучлар мадади, шунингдек, оламдаги борлиқнинг тирикчилигини таъминловчи ҳаёт суви тўғрисидаги мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан. Аммо тўлақонли образ сифатида ислом мифологияси бадийий анъаналари заминидида шаклланган.

Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Х.ни пайғамбарлар қаторида келтиради. Бу асардаги Х. ва Мусо (а.) ўрта-

сида бўлган воқеаларнинг тасвири “Қаҳф” сурасида тилга олинган ҳодисаларга мувофиқ келади: Х. дарёнинг нариги соҳилига етгандан кейин, қайиқни тешиб қўяди; ўйнаб юрган бир болани ўлдиради. Антокия шаҳрида бир бузуқ деворни қайтадан қуради. Мусо (а.) бу ғайриодатий амалларга уч марта эътироз билдиргандан кейин Х. Мусо (а.)ни тарк этади ва ажралишдан олдин уч ишнинг ҳикмати Мусога баён этади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Навоий Х.ни яна шундай сифатлайди: “*Ва баъзи дебдурларким, Ҳақ таоло Хизр (а.)га илми ладунни насиб қилди...*” Шунингдек, Хожа Муҳаммад Порсонинг Х. Сабзавор шаҳрида яшаётгани, шофей мазҳабида эканлиги ҳақидаги маълумоти ҳам қайд этади.

“Фарҳод ва Ширин” достонида Х. Фарҳодга Сукрот тоғи тилсимини очишда раҳнамолик қилади. Х. тилидан берилган нақлга кўра, Х.га Искандар б-н зулмот мамлакатига бориб, у ерда ҳаёт бўлгидан сув ичиш насиб этган. “Садди Искандарий”да эса, бу мотив учрамайди, балки Арасту Х.га қиёсланади:

Арасту била-уқ Валинос эди,

Ки бу Хизр эди, бу бир Илёс эди...

“Насойим ул-муҳаббат”да айтилишича, Муҳаммад бин Али Ҳақим Тирмизий, Зиндапил Аҳмад Жомий, Шайх Шаҳобиддин Сухравардий, Муҳйиддин ибн ал-Арабий, Саъдий Шерозий каби тас.нинг 20 дан ортиқ намояндаси Х. б-н суҳбатлашган. Х. лирик асарларда халоскор пайғамбарга нисбатан, мангулик ва абадийлик тимсоли, илоҳий маърифатдан баҳраманд киши, пири комил сифатида кўпроқ кўзга ташланади. “Бадоеъ ул-васат” девонининг 103-ғазалида Х. Масих сўзи б-н биргаликда рафид вазифасини бажарган:

Эй, хату жонбахш

лаълингдин нишон Хизру Масих,

Балки бу икки уётидин

ниҳон Хизру Масих,

ХИЛВАТ – 1) холи, кимсасиз жой:

Тун қоронгу, қулба хилват,

ҳажрдин кўнглум тўла,

Тош уруб кўксумга

то бор эрди имкон йўғладим.

(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 405-ғазал)

2) тасаввуфий истилоҳ. Дунёвий боғла-нишлардан ҳосил бўладиган маъ-ий тўсиқлардан ўтиш ва кўнглини илоҳий маърифат йўлида собитқадам этмоқ учун ёлғизликни ихтиёр этиб, пирнинг раҳнамолигида ибодат ва риёзат б-н шугулланиш. Х. тутишдан асосий мақсад – бешта ташқи сезгидан ҳосил бўладиган фикр-туйғуларни назоратга олиш ҳамда ички сезгиларни қувватлантириб, вужуддаги барча ҳис-ҳаракатларни қалб софлиги ва нафс тазкиясига сафарбар этишдир. Ният тўғрилиги ва сурункали ибодатдан ташқари, Х.га чекинишнинг етти шarti бор. Булар: доимо таҳоратда юрмоқ, Х. давомида сурункали нафл рўзаси тутмоқ, кам емоқ, кам ухламоқ, кам сўзламоқ (зикр ва дуодан ўзга сўзларни тилга олмасликка ҳаракат қилмоқ), хотирни тўғри тутиб, беҳуда хаёлларга чалғимаслик ҳамда ибодатни адо этишда зоҳир ва ботинни ибодат амалларига қоим тутмоқ. Х. тутиш муриднинг руҳий ҳолати ва маъ-ий эҳтиёжига қараб пир томонидан белгиланган. Х.нинг муддати кўпинча қирқ кун бўлиб, буни “чилла ўтириш” деб ҳам атайдилар.

Х. тутиш барча тариқатлар учун умумий ҳукм эмас. Мас., яссавия тариқатида Х. тутиш руҳий мужоҳада шартларидан бўлса, нақшбандийлар “Х. дар анжуман” (анжуманда хилват) – зоҳиран халқ, ботинан Ҳақ таоло б-н бўлмоқликни тарғиб этишган.




Десанг хилватим анжуман бўлмасун,

Керак анжуман ичра хилват санга.

(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 7-қитъа)

Навоий асарларида Х. сўзи негизда ясалган яна қуйидаги сўзларни учратамиз: хилватгаҳ/хилватгоҳ – кишилардан чекиниб, ёлғизликда яшайдиган жой; чиллахона; хилватгузин – Х.ни ихтиёр этган кимса; хилватнишин – Х.да ўтирувчи; хилватсаро/хилватсарой – танҳоликда яшайдиган жой, хилватхона.

ХИРҚА – сўфийларнинг ямоқ, парча ё қуроқдан тикилган махсус кийими. Х. кийишнинг ўз шarti ва одоби мавжуд. Х. асосан икки хил бўлган: муридлик Х.си ва табаррук Х.лар. Муридлик Х.си тариқат йўлига кирган солиқнинг талаб ва тавба мақомидаги руҳий ҳолати илоҳий иноятга



Алишер Навоий лирикасига
 ишлаган миниатюралар.
 Мусаввир
 Шомамуд
 Муҳаммаджонов.



1



2



3

1. Алишер Навоий
ва Хусайн Бойқаро.
2. Навоий ва Беҳзод.
3. Камалиддин Беҳзод.
Мусаввир
Темур Сяъдуллаев.

Алишер Навоий «Хамса»сига ишланган деворий асарлар. Мусаввир Темур Саъдуллаев.




Мусаввир С. Абдуллаевнинг Алишер Навоий асарларига ишлаган расмлари.




Атшар Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг лирика зали деворига ишланган асарлардан намуналар. Мусаввир Чингиз Ахмаров.






Алишер Навоийнинг ёшлиги.



Мусаввир.




Ховдамир.



Алишер Навоий
асарларига
ишланган
миниатюралар.
Мунаввир
М.М. Собиров.



"Лайли ва Мажнун".
Мусаввир О.Қозоқов.



Мусаввир Б.Ходжиметов.



"Ширин дугоналари даърасида"
Мусаввир Баҳодир Бобоназаров.



“Илохий шўом”.



“Куш тили”



“Тавба”.



“Лисон ут-гайр”.

мушарраф бўлганининг муждаси сифатида пир томонидан кийдирилади. Бу Х. солиқнинг пир томонидан муридликка қабул қилингани, мурид нафс б-н ўзи уртасидаги кураш риёзатида пирнинг ҳокимлиги ва раҳнамолигини қабул қилганининг ифодаси бўлган. Табаррук Х. эса машҳур шайхлар томонидан тас.да муайян даражага етишган, бошқа пирга қўл берган орифлар б-н бир қаторда тариқат аҳлининг чин мухлислари, тақво ва парҳезкорликда кун кечирадиган, аммо расмий равишда сулук б-н машғул бўлмаган кишиларга ҳам берилган. Х.и иродатни фақат битта шайхдан олиш мумкин. Х.и табаррукни эса бир неча шайхдан олишга ижозат берилган. Жумладан, Шайх Али Лоло 124 шайхдан хирқа кийган, вафоти чоғида 114 таси ёнида бўлган.

Баъзи манбаларда бунга яна Х.и валоятни ҳам қўшимча қиладилар. Пир бирор муридида валийлик аломатларини мушоҳада қилса, мустақил тарзда иршод ва раҳнамоликка ижозат тариқасида унга Х.и валоят берган. Бундай Х.лар, айниқса, Шайх Нажмиддин Кубро томонидан кўп берилгани учун унга “шайхи валийтарош” деб ном қўйишган.

Манбаларда Х. кийиш тарихи турли шахслар, жумладан, Иброҳим алайҳиссалом, Муҳаммад Расулуллоҳ, Абу Бакр Сиддиқ, Али ибн Абу Толибга бориб тақалиши қайд қилинган. Шайх Саъидиддин Фарғоний мурид ва пир уртасидаги муносабатни уч аслда бўлишини санаб ўтган: биринчиси, Х. воситасида, иккинчиси, зикр талқини б-н, учинчиси, хизмат, суҳбат ва эҳтиромини жойига қўйиш б-н.

Х. муайян тариқат аҳли орасида бир-бирига мерос бўлиб ўтган. Шайхлик силсиласини муайян қилишда Х. алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Шайх Шамсиддин Муҳаммад Кусуъий Жомий ҳақида маълумот бериб, унинг Х.си шайх Абу Саид Абулхайрдан мерос бўлиб ўтгани, унинг ёқасида Муҳаммад Пайгамбар (с.а.в.)нинг кийимларидан бир парча ямоқ мавжудлигини қайд этган.

Навий шеърлятида Х. сўзи ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноларда кенг қўлланилиб, образ даражасига кўтарилган.

*Ҳар қатра ашким
қонидин хирқамни айлаб доғ-доғ,
Жисмида ҳар ердин
нишон бир доғи ҳижрон айладин.
("Бадоеъ ул-васат", 361-ғазал)*

ХИРҚАПУШ – сўфийлар жандасини кийиб юрадиган кимса. Навоий асарларида асосан салбий оҳангда – риёкор сўфийлар ва шайхларга нисбатан қўлланилади:

*Эй бўлубон санъат ила хирқапуш,
Шому саҳар зикр ила солиб хурӯш.
Хирқа уза баҳяки ҳар ён чекиб,
Зухду риё вуслаларидин тикиб
("Ҳайрат ул-аброр", 4-мақолат)*

ХОЖА – 1) сардор, бошлиқ. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг силсиласи аъзоларининг унвони:

*Хожаи олий сифоти аржуманд,
Шаҳ Баҳоулҳақ вад-дин Нақибанд.
("Лисон ул-тайр", 153-боб)*

2) эга, хўжайин, соҳиб; ҳурматли, қадрли. Навоий “Сабъаи сайёр” дostonида Дилоромнинг соҳиби бўлган Чинлик савдогарни, ҳалаблик савдогар Ахийни, Зайд захҳобни, мисрлик савдогар бўлган Саъднинг отасини, Муқбилни шу ном б-н атайди.

*Хожа ғавғодин айлаб ўзни халос,
Тутти шахзода бирла мажлиси хос.
("Сабъаи сайёр", 20-боб)*

3) Маж.: кўнгил. “Ҳайрат ул-аброр” дostonида Навоий ташхис санъатидан фойдаланган ҳолда кўнгилни шундай атайди. Дostonда Х. бунёд этилгач, малаклар, малакут ва вужуд оламларини кўради ва беҳад ҳайратланади. Ҳайратлар натижасида фано ва бақо даражаларини босиб ўтиб, Қодир мутлаққа ҳалифалик мақомига эришади. “Сабъаи сайёр” муқаддимасида ҳам бу анъана давом этади.

*Кўз очибон хожа адам шомидин,
Жон топибон тонг ели пайғомидин.
("Ҳайрат ул-аброр", 18-боб)*

ХОЖА АБУ АҲМАД АБДОЛ ЧИШТИЙ (ваф. 966) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, чистия тариқатининг асосчиси. Ҳиротнинг жануби-шарқида жойлашган Чист мавзеида туғил-

ган. Шайх Абу Исҳоқ Шомийнинг муриди. Имом Ҳасан бин Али ибн Абу Толиб авлодидан. Бир тоғда йигирма ёшида қирқта абдол б-н учрашиб, уларнинг ҳузурда тавба мақомига эришган ва умрининг охиригача тас. йўлида собитқадам бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА АБДУЛЛОҲ ИМОМИЙ ИС-ФАҲОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хожа Алоуддин Аторнинг муриди. Ўз рисолаларида нақшбандийлик тариқатининг алоия тоифасида таважжуҳ қилиш шартлари ҳақида фикр юритган. Унинг талқини бўйича, Таййиба калимасидаги “ло илоҳа” сўзини айтган солиқ барча мавжудотнинг ўз асли – Ягона Мабдаъ (Аллоҳ)га қайтган ҳолини англаш, “иллаллоҳ” сўзини айтганида эса Аллоҳнинг сифатларини борлиқда мушоҳада этиш қобилиятига эга бўлмоққа интилиши керак. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА АБДУЛЛОҲ САДР (ваф. 1516, Ҳирот) – шоир, олим, мунший, муסיқашунос, бастакор ва созанда, *Хожа Муҳаммад Марворид*нинг ўғли. “Баёний” тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Ҳусайн Бойқаро салтанатида муҳрдор, вазир ва парвоначи (қабулгоҳ масъули) лавозимларида ишлаган. “Хусрав ва Ширин” достони ва “Мунис ул-аҳбоб” (“Дўстлар муниси”) номли рубоийлар мажмуаси, “Тарассул” номли ҳукмронларнинг фармонлар, фатҳнома, давлат мактублари, шахсларнинг хатлари (масалан, Хожа Аҳрор, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро) жамланган тўплами маълум ва машҳур бўлган. Навоий унинг номини “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олиб, муסיқа ва хаттоғлик илмида беназир эканлигини айтади ва қонун муסיқий асбобини ҳеч ким у каби чала олмаслигини таъкидлайди. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти ва “Довуд” исмига битилган муаммоси келтирилган:

*То дил даҳону турраи он дилнавоз ёфт,
Хўрд оби зиндагони умри дароз ёфт.*

(Мазмуни: Кўнгиш ул дилнавознинг оғзи ва гузал кокилини топиб, тириклик сувини ичди-ю, узун умрга эришди).

ХОЖА АБДУРАҲМОН ГАҲВОРАГАР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф намояндаси. “Нафаҳот ул-унс”да берилишича, Хуросонда вабо касаллиги тарқалганида, Мавлоно Разиюддин Али Моёний ва Шайх Ҳофиз Умар Абардихий биргаликда Исжил деган жойга бориб, Шайх Муҳаммад Холид қабри устида хатми Қуръон қилмоқчи бўлишади. Мажзублардан бўлмиш Х.А.Г. ҳам Исжилда бўлиб, улар б-н бирга хатмда қатнашади. Тиловат чоғида ганиргани учун Мавлоно Разиюддин унга танбех беради. Уч киши – Қуръон ҳофизи, шариат нешвоси ва мажзуб дарвеш баракоти туфайли бу ўлкадан вабо чекинади. Навоий бунга қўшимча қилиб, қуйидаги ҳолатни Хожа Ҳофиз Борийдан эшитганини келтиради: “Хожа буюк сўз бунёд қилгондин сўнгра Мавлоно ҳай урубдур. Хожа андин сўнгра Мавлононинг қулогига сўз айтибдурки, Мавлоно йиғлабдур ва кўп ниёзмандлиқлар қилибдур. Мавлонодин махсус муридлари ул кайфиятни таҳқиқ қилгондин сўнгра мундоқ дебдурларки, йигитлигимдаки, таҳсилга машғул эрдим ва фақр тариқи сулуки дойим кўнглумга ўтар эрди ва орзум бор эрди. Бир кеча воқеъада кўрдумки, икки киши мени ётқурдилар ва кўксумни ёрдилар ва кўнглумни чиқариб, бириси офтоба била сув куйди ва бириси кўнглумни юди ва яна кўксумга солдилар ва буткардилар. Мен ул воқеъа кўргали таҳсил ишин барҳам уруб фақр тариқи сулукини ихтиёр қилдим. Бу замонки, мен Хожага буюк сўз айтқон жиҳатидин густохона ҳай урдум, оғзин қулогимга келтуруб дедики, мунча йил бурунроқ фалон таърихдаки сен таҳсилга машғул эрдинг, воқеъада Хизр била менким сени ётқурдуқ ва кўксунгни ёрдуқ ва кўнглунгни чиқариб, биримиз су қўюб, биримиз юб, яна кўксунгни буткардуқ. Ва ул иш санга боис ул бўлдики, фақр йўли сулукига машғул бўлдунг, ул ҳақгузорлиғдурки, ҳоло бизга ҳай урарсен. Ул замон йиғламоғим боиси бу эрди. Муридлар барча қулоқ тутуб, Хожага ўзга ақида қилдилар. Ва Хожанинг қабри

Мапшҳад вилоятида Гурмакон деган кентда-
дур, валлоҳу таоло аълам”.

ХОЖА АБУ ИСХОҚ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир, *Хожа Муайяд Меҳнанинг* ўгли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг толиби илм ва яхши назмий таъби борлиги, лекин бир оз такаббур ва бадхўй (ёмон хулқли) йигит бўлганлигини айтади. “Мажолис ун-нафоис”да унинг бир киши вафоти муносабати б-н айтган марсиясидан қуйидаги байти келтирилган:

Кашид аз дасти мо

сахрои Ховар домани гулро,

Ба сахрои қиёмат дасти

мову домани сахро.

(Мазмуни: Ховар сахроси бизнинг қўлимизни гулнинг этагидан тортиб олди. Энди қиёмат сахросигача бизнинг қўлимиз сахронинг этагида бўлади).

ХОЖА АБУ НАСР МЕҲНА (15-аср) – ҳиротлик шайхзодалардан, *Хожа Муайяд Меҳнанинг* ўгли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий Меҳна шайхзодаларига хос одат – ўваро низо келиб чиққанда икки тараф бир-бирига ўк, қилич ва найза отиб урушиши унга ҳам хос эканлигини таъкидлайди ва сўнгги пайтларда унинг тўғри йўлга кирганлиги ҳақидаги хабарларга умид б-н қарайди. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Намонад сабру тоқат

оташи ғам чун шавад тезам,

Аз он чун шуғла биншинам даме,

сад бор бархезам.

(Мазмуни: Ғам ўти тезланса, сабру тоқатим қолмайди; бу ўт алангасида бир нафас ўтирсам, юз марта ўрнимдан тураман).

ХОЖА АБУ САИД (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган меҳналик шоир, *Шайх Абусаид Абулхайрнинг* авлоди, *Хожа Муайяд Девонанинг* ўгли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг номурод киши экани, ўз шеърини ўқиганда таъсирланиб, йиғлаб юбориши, атрофдагилар уни тинч-

лантиришга қийналишлари ҳақида ёзиб, “Мажолис ун-нафоис”да қуйидаги байтини келтирган:

Ба тавба доданам, эй шайх,

изтироб макун.

Маро, барои ризои Худо, азоб макун.

(Мазмуни: Эй шайх, мени тавба қилдириб, ўзингни изтиробга солма. Худо розилиги учун менга азоб берма).

ХОЖА АБУ ТОҲИР (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Хожа Абдуллоҳ Меҳнанинг* ўгли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг латиф назмий таъби борлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Ончи шабҳо бар дилам

зон жаъди пурхам мерасад,

Бар гирифтборони занжири

бало кам мерасад.

(Мазмуни: Кечалари ул жингалак зулф хаёли юрагимни шунчалик кийноққа солдики, (ҳатто) бало занжири гирифтборлари ҳам бундай қолга тушмайди).

ХОЖА АБУБАКР ЖОМ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Ўша давр подшоҳига ўз эҳтиёжини Ҳақ таолодан ўзгага арз этмаслик ҳаётининг маслагига айланганлигини каромат воситасида аён этган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА АВҲАД МУСТАВФӢЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган сабзаворлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий замондошлари уни “Қадуд” деб аташи, ўз даврининг яғонаси экани, кўп илм, хусусан, илми ғариба ва фалакиётда шухрат қозонгани, Навоий унинг суҳбатига боргани, девон тартиб бергани, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб қасида битгани ҳақида маълумот бериб, ушбу қасиданинг бир байтини келтиради:

Шод бош, эй дилки,

бар мо сояи раҳмат фиканд,

Офтоби осмони салтанат

Султон Ҳусайн.

(Таржимаси: Эй кўнги, шод бўл, подшоҳлик осмонининг қуёши – Султон Ҳусайн бизга меҳрибонлик соясини солди.)

ХОЖА АЛИ БИН ҲАСАН КИРМОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Аму*нинг муриди. Пиру муршиди Шайх Аму оламдан ўтмагунича ҳеч кимни муридликка қабул қилмаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ (ваф. 1316/1321, Кўҳна Урганч) – тариқат пири, авлиё. “Силсилаи шариф”да ун учинчи ҳалқанинг пири муршиди. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг муриди. Хожаи Азизон номи б-н машҳур бўлган. Тўқувчилик қилиб кун кўргани учун Бухоро аҳли уни Хожаи Нассож (тўқувчи Хожа Али) деб атаган. Касби тўқувчи бўлгани учун ҳам “Иймон нима?” деб сўраганларида: “Узмоқ ва уламоқ”, деб жавоб берган экан, яъни бу дунёдан узилмоқ ва Ҳаққа уланмоқ. Унинг доверуғи Рум (Туркия)гача бориб, Мавлоно Жалолоддин Румий бир байтида агарда ҳол илми қол илмидан афзал бўлмаганида бухороликлар Хожа Нассожга эргашармидлар, деб улуғлайди:

Гарна илми ҳол фавқ

қол буди, кай шуди

Банда агёни Бухоро Хожаи Нассожро.

Хоразмда бир муддат яшаб, хонақоҳ очган, мурид тарбиялаб, бу ҳудудда хожагон тариқатининг ёйилишига сабабчи бўлган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд “Биз Ҳазрати Азизоннинг фарзандимиз” деб, ўзини унинг вориси, издоши ҳисоблаб, муридлари б-н суҳбатларда ҳамиша Хожа Алининг ҳикмат ва кароматларидан гапириб юрган. У яна: “Ҳазрат Азизондан икки хил зикр бизга мерос бўлиб қолди: бири – зикри жаҳрия (баланд овоз чиқариб зикр қилиш), иккинчиси – зикри хуфия (овоз чиқармай зикр қилиш). Хуфия зикр кучли ва афзал бўлгани учун биз уни қабул қилдик”, деган.

Х.А.Р.нинг: “Агар ер юзида Хожа Абдулқолиқ Фиждувоний фарзандларидан бири бўлганида Мансур дорга осилмас

эди”, деган гапи машҳур. Чунки хожагон-нақшбандия тариқати Қуръон ва суннатга асосланган бўлиб, унинг таълимоти б-н қуролланган сўфий хатарли мақомлардан эсон-омон ўтар, бинобарин, машҳур сўфий Мансур Ҳаллоҷ ҳам дорга осилмас эди.

Х.А.Р.нинг бизгача “Маноқибн Хожа Али Азизон Ромитаний” асари етиб келган. Унда тас. аҳлининг ахлоқ-одоби, хожагон тариқати қонун-қоидалари б-н боғлиқ қарашлар, панд-насиҳатлар жамланган, Хожагон тариқатининг 10 шарти баён қилинган. “Рисолаи Ҳазрати Азизон” номли кичик ҳажмли асар ҳам унга нисбат берилди. Унинг “Маҳбуб ул-орифин” (“Орифлар маҳбуби”) деган китоби ҳам бўлган.

Х.А.Р.нинг 130 йил умр кўргани ривоят қилинади.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да унга алоҳида фасл бағишлайди ва унинг Хожа Маҳмуд халифаларидан бўлиб, силсилада лақаби Ҳазрат азизон эканлигини айтади. “Ва аларға олия мақомот ва зоҳир каромат кўп эркандур”, деб таърифлайди.

ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (ваф.18.04.1400 – Чағониён (ҳоз. Денов) – “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тасаввуф намояндаси. Дастлабки таълимни мадрасада олиб, талабалик давридаёқ тариқат йўлига кириб, юксак натижаларга эришади. Баҳоуддин Нақшбанд уни ўзига кувё қилиб, айрим муридлар тарбиясини унга ҳавола қилган ҳамда силсила омонатини унга васият қилиб қолдирган. Х.А.А. муридларидан Мавлоно Яъқуб Чархий, Низомиддин Хомуш, ўзининг ўғли Хожа Ҳасан Аттор нақшбандийликнинг йирик шайхлари бўлиб етишганлар. Х.А.А. бир муддат Хоразмда ҳам нақшбандийлик тариқатини ёйиш б-н шуғулланган. Пири вафотидан кейин Чағониён (ҳоз. Денов) га бориб, ўша ерда дафн этилган. Хожа Муҳаммад Порсо “Қудсия” китобида Х.А.А.нинг ҳикматлари ва хотираларини алоҳида бобда келтирган.

Навоий “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни “Насойим ул-муҳаббат”га қискартириб киритган.

ХОЖА АЛОУДДИН ГИЖДУВОНЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тасаввуф намояндаси. Дастлаб Мир Сайид Кулолнинг шогирди – Амири Калон Вошийга мурид тушиб, кейинчалик Баҳоуддин Нақшбандга кўл беради ва Нақшбанднинг вафотига қадар хизматида бўлади. Кейинчалик пирининг васиятига мувофиқ, Хожа Муҳаммад Порсо унга тариқатда раҳнамолик қилади. Хожа Аҳрор Валий Бухорода Х.А.Ф. суҳбатидан баҳраманд бўлган. Узоқ умр кўриб, Бухорода 90 ёшида вафот этган. Навоий “Нафаҳот ул-унс”дан “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх 6-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ХОЖА АФЗАЛ Муҳаммад Кирмоний (ваф. 1504, декабр, Ҳирот) – Султон Ҳусайн Бойқаронинг вазири, шоир. Аждодлари давлат арбоби бўлган сулолада вояга етган. Отаси Зиёуддин Муҳаммад Ҳиротнинг обрӯли кишилардан бўлган. Х.А. ёшлигида Самарқандга бориб, Султон Абусаид Мирзо (ҳук. 1450-1468)нинг вазири Хожа Бурҳониддин Абдулмажидга куёв, унинг воситасида ёшлигидаёқ муставфий девонининг бошлиғи бўлади.

Султон Абусаид қатл этилганидан кейин Х.А. Хуросонга қайтиб, Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаронинг хизматида қиради. 1486 й. вазирлик мансабига кўтарилади.

Х.А. ва Низомулмулк вазирлик девонини бирга бошқарган пайтларида тил бириктириб, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг бош вазирлик мансабидан олинишига эришадилар. Маждиддин Муҳаммад Навоийнинг сиёсий рақибларидан бўлиб, Навоий Астарободга жўнатилгандан кейин (1487 й.) у яна ўз нуфуз ва лавозимини тиклашга эришади. Х.А. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ижозати б-н Астарободга – Навоийнинг молиявий ишлар бўйича масъул ходими сифатида жўнайди. Навоий ва Х.А.лар сиймосида икки кучли рақибнинг бирлашишини истамаган Маждиддин Муҳаммад Султон Ҳусайн Бойқаро орқали Х.А.ни Ҳиротга чакиртириб олмоқчи бўлади. Х.А. Навоийнинг маслаҳати б-н Ироққа – Оққуюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб ҳузурига боради. Султон Яъқуб Х.А.ни яхши қабул қилиб, вазирлик

мансабини таклиф этади, ammo Х.А. ҳаж сафари раҳбарлиги (амир ул-ҳож)ни ундан илтимос қилади ва шу тариқа ҳажга бориб келади. Бир муддат Озарбайжонда давлат ишларидан фориғ яшаб, 1498 й. май ойида Ҳиротга қайтиб келиб, ишдан бўшатилган Маждиддин Муҳаммаднинг ўрнига бош вазирлик мансабига ўтиради ва умри охиригача улуг девонни бошқаради. Х.А. Ҳиротда вафот этган. Гозургоҳда, Хожа Абдуллоҳ Ансорий мақбараси ёнида ўзи қурган мадрасанинг саҳнида дафн этилган. “Мажолис ун-нафоис”да Х.А.нинг қуйидаги байти келтирилган:

*То ҳар шараре дона шавад кишти
жаҳонро,*

Барбод диҳад оташи дил хирмани жонро.
(Мазмуни: Учқунлари дунё экинзорини уруғдек қоплаб олгунча, кўнгил оташи жоним хирмонини кўкка совириб туради).

ХОЖА АҲМАД МАВДУД БИН ЮСУФ ЧИШТИЙ (1113–1181) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Отаси Хожа Мавдуд Чиштийдан кейин тариқат шайхи бўлган. Тушида Муҳаммад алайҳиссаломни кўрганидан сўнг, учта дўсти б-н ҳаж сафарига бориб, олти ой расулуллоҳ раъзасида хизмат қилган. Бағдодда Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Бағдод халифасидан кўп иззат-эҳтиром кўрган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА АҲМАД МУСТАВФИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Араб тилидан хабардор бўлган. Навоий у б-н учрашиб, кўп илтифот ва дуои хайрлар топганини мамнуният б-н қайд этади. Шейрий девони ҳам бор. Сабзаворда дафн этилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу ориф б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА АҲМАД ҲАММОД САРАХСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Али бин Усмон Ҳужвирийнинг дўсти. Навоий “Насойим

ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА БАҲОУДДИН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи, яссавийлик тариқатининг намояндаси Исмоил отанинг набира-си. Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида яссавийлик тариқатининг ёйилишига ҳисса қўшган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА БОЯЗИД – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи, яссавийлик тариқатининг намояндаси. Амир Темур унинг зиёратига борганида кароматини кўриб, мурид тушган ва лангар ясаб, кўп ерларни вақф қилиб берган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА ДЕҲДОР, Хожа Ҳофиз Ғиёсиддин Деҳдор (15-аср, Ҳирот) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Абдурахмон Жомий ва Навоийнинг яқин суҳбатдоши. Султон Ҳусайн Бойқаро саройида надим сифатида ўзига хос мавқега эга бўлган. Мирхонд “Равзаат ус-сафо”да “Фаросат ва закийлик камолоти” бобида унга “асрининг тенги йўқ сўзамоли ва латифагўйлари сардори ҳамда ҳамisha ҳазиломуз сўзлар ва хурсандчиликни кўзгатувчи мутойиботлар сайқали билан подшоҳнинг ҳумоюн хотири ойнасидан хафалик зангунни кетказувчи” эди, деб юксак баҳо беради. Дарвеш Али Балхда Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтарганида ўртага тушиб, низони барта-раф этгани, Дарвеш Алини Ҳусайн Бойқаро ҳузурига олиб келиб афв тилатиргани ҳам унинг султон саройи наздидаги мавқеи ва ҳурматидан яққол далолат беради.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”да келтирилган лавҳалардан маълум бўлишича, Х.Д. Жомий б-н Навоий ўртасида воситачилик қилиб турган, яъни Навоий ўз уйида ё саройида бўладиган зиёфатлардан насиба илинса, устозига шу одам орқали юборар, у бўлса йўлда егуликлардан аввал ўзи мириқиб еб олар, пул-молдан ҳам уриб қолар,

яна Жомий б-н ҳам қўшилиб ейишар экан. Жомий шунга ишора қилиб, унга бағишлаб қатор ҳажвий рубоий ва қитъалар битган. Мас.,

*Эй Хожа, маро ба лутфи худ парварди,
З-овардани пушти дунба фарбеҳ карди.
Биншастияю дунбаро ба рағбат хўрди,
Бурди ба шикам ончи ба пушт оварди.*

(Мазмуни: “Эй Хожа, мени хизматинг б-н хурсанд қилдинг – орқангда думба орқалаб келдинг, лекин унинг ҳаммасини ўзинг иштақа б-н единг. Шу тариқа орқангда олиб келган нарсангни қорнингга солиб олиб кетдинг”).

Агарда Навоий пул бериб юборса, қадам ҳақи олиб қолар, лекин самимий ва сод-далигидан ўзи олиб қолганини яширмай “Мир 500 (ёки 1000) танга бериб юбордилар”, деб тўғриси айтиб қўяр, Жомий ҳазиллашиб: “Менга олиб келганингни бо-шингдан сочаман”, деса, “Менга йўлда олиб қолганим ҳам етади”, дер экан.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да унинг яна бир хусусияти – надимлик юзасидан Султон мажлисида муқаллидлик қилиб, кўпчиликнинг табиатини ўхшатишини айтиб ўтади.

ХОЖА ИМОД ЛОРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тижорат б-н шуғулланиши, Низомийнинг “Лайли ва Мажнун”ига татабуъ боғлагани ва анча муваффақиятга эришганлиги ҳақида маълумот беради. “Мажолис ун-нафоис”да унинг Навоий томонидан “яхши” деб баҳоланган куйидаги матлаъси келтирилган:

Бурд сўи лаб забону шўъла

зад бар жони ман,

Кард зоҳир ламъае аз

оташи пинҳони ман.

(Мазмуни: Лабиға тил олиб бориб, жонимга аланга урди; яширин ўгимдан шуъла зоҳир қилди).

ХОЖА ИМОД ХАЛАЖ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дастлаб Султон Шамсиддин Илтутмиш (ҳук. й. 1211–1236)нинг мулозими

бўлган. Сўнг тавба мақомига етишиб, уттиз йил сурункали риёзат ва ибодат туфайли олий мақомларга эришган. Дуоси барақотидан турли касалликлар шифо топган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ, **Хожа Фахриддин Исматуллоҳ бинни Маъсуд Исмат Бухорий** (1365/1375 – Бухоро 1436) – мутасаввиф шоир ва валиюллоҳ. Хожалар авлодидан. Отаси савдогарлик б-н шугулланган, Бухоронинг фозил кишиларидан бўлган. Х.И.Б. бошланғич маълумотни отасидан олган, Бухоро мадрасаларида ўқиган. Ўз даврининг асосий билимларини эгаллаб, замонасининг етук олими ва шоири бўлиб етишган. Унинг доврўғини эшитган Халил Султон Самарқандга – ўз саройига даъват этади. У шаҳзодага доимий ҳамсуҳбат, шеърятда устоз эди. Самарқанд адабий муҳитида катта мавқега эга бўлиб, ҳатто таниқли шоирлар ҳам ундан маслаҳат олиб туришган. Лекин ҳасадгўйлар шаҳзода ва шоир орасини ҳам бузганлар. У бир муддат Мирзо Улуғбек хизматида ҳам бўлган. Ислоҳ дини йўлидаги хизматлари учун Фахриддин (диннинг фахри) деб улуғланган. Шеър илми, аруз ва иншода тенгсиз бўлган. Исмат ва Носирий таҳаллуслари б-н ижод қилган шеърлари Шарқ мамлакатларида шўҳрат топган. Давлатшоҳ Самарқандий бу ҳақда: “**Хожа Исматнинг ошиқона ғазаллари, орифона сўзлари Шоҳрух султон замонида шу қадар зўр шўҳрат топдики, халқ бошқа шоирлар шеърларини қўлга олмай қуйди**”, деб ёзади.

Х.И.Б.дан бизгача 8000 байтдан иборат девон ва 1035 байтли “Иброҳим Адҳам” достони етиб келган. Жумладан, икки девони нусхаси (инв. № 805, 1435) ва қасидалар тўплами (инв. № 2529/III) ТошДШИ ШҚМ фондида сақланади. Девони қасида, ғазал, мухаммас, таркиббанд, қитъа, рубоий, маснавий, муаммо, марсия, ҳажвия каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олади. Шоир шеърларида тас-ий руҳ устувор. Ахлоқ-одоб мавзуидаги, табиат манзаралари гўзал ва бетакрор тасвирланган шеърлари ҳам бор. Абдурахмон Жомий унинг

кўпроқ Амир Хусрав Деҳлавийга татаббуъ битганлигини таъкидлайди. 1405–1409 й.ларда Самарқандда ҳукмронлик қилган Амир Темурнинг невараси, Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон ва Мирзо Улуғбекка бағишлаб қасида ёзган.

Х.И.Б. Абу Абдулло Рўдакий ва Носир Бухорийдан кейин Бухорода сўз қадрини, шеър шўҳратини қайтадан юксак даражаларга кўтарди. Мирзо Улуғбек даврида Шайх Аҳмад ибн Худойод Тарозий ёзган илми бадеъга бағишланган илк туркий асар – “Фунун ул-балоға” (“Етуклик илмлари”)да шеърларидан бир неча иқтибос келтирилганлиги, Навоий томонидан ижоди юксак баҳолангани унинг маҳоратли ва машҳур шоир бўлганлигини курсатади.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг биринчи мажлисида Х.И.Б.га ҳам ўрип ажратиб, шундай ёзади: “*Мовароуннаҳр бу зургзодаларидандур. Зоҳир илмин такмил қилғондур. Ғоят хуштабълиғидин ўзин шеърға мансуб қилиб, девони машҳур бўлди. Ва Халил Султон отиға яхши қасидалари бор*”.

ХОЖА КАЛОН БАЗЗОЗ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Ҳирот шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Анжум машумур он чи

дар ин гунбази хазрост,

К-аз баҳри тамошои

руҳат дидаи ҳаврост.

(Мазмуни: Бу яшил гунбазда кўринганларни юлдуз деб ўйлама, (улар) юзинг томошасига маҳлиё бўлган ҳурларнинг кўзларидир).

ХОЖА КАМОЛИДДИН ҲУСАЙН (15-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир, *Хожа Низомулмулкнинг* ўғли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг отаси шон-шўҳрат ва мансаб жиҳатидан вазир Низомулмулкдан қолишмаслигини айтиб, Х.К.Ҳусайннинг “нома” хатини яхши битиши, мусиқа илмидан хабардорлиги ва яхши таъбага эга эканлиги ҳақида маълум-

мот беради. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Гарчи дар жаннат насими

Хулду оби Кавсар аст,

Хонаи хамморро обу ҳавои дигар аст.

(Мазмуни: Агарчи жаннатда ёқимли шабада ва кавсар суви бўлса-да, майфуруш уйининг об-ҳавоси бошқачадир).

ХОЖА МАВДУД ЧИШТИЙ (1042–1133) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Етти ёшида Қуръони Каримни таржима ва тафсири б-н тўлик ёд олган. Отаси Хожа Юсуф бин Муҳаммад бин Самъон вафотидан кейин 26 ёшида чишти тарикатининг шайхи бўлган. Шайх Аҳмад Жомий б-н учрашиб, ул зотнинг кўрсатмаси б-н Балх ва Бухорога сафар қилиб, тўрт йил илм урганган. Чиштга қайтиб келиб, Рукниддин Масъуд Шоҳ Санжон каби муридларни тарбиялаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХОЖА МАНСУР (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган журжонлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг котиблар авлодидан экани, авлодида у каби етук инсон йўқлиги ва ниҳоятда яхши назмий таъби борлигини таъкидлайди. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Пардаи лола тичи дидаму

оғушта ба хун,

Ёдам омад ки маро рафта

дил аз парда бурун.

(Мазмуни: Қон (ранги)га бўялган лола пардасини холи кўриб, юрагим пардасидан чиқиб кетибди, деб ўйлабман).

ХОЖА МАСЪУД ҚУМИЙ, Рукниддин Масъуд Туркман Қумий (ваф. 1488, Ҳирот) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Таҳсилни туғилган шаҳрида камолга етказди. Шоирликда довруг қозонган. Ҳиротга келиб Жомий б-н Навоий бошлиқ адабий муҳитга қўшилади. Султон Ҳусайн Войқаро унга ўз салтанати тарихини назмга солишни буюради. Адабий мероси 12 минг

байтдан иборат. “Юсуф ва Зулайхо”, “Шамс ва Қамар” дostonлари, “Тиг ва қалам” мунозараси машҳур. 5 минг байтдан зиёд турли жанрдаги шеърларни ўз ичига олган девони халқ ичида шухрат қозонган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да унинг Қум шаҳрининг улуғларидан экани, ўзи б-н ҳамсухбат бўлганлигини қайд этади. Ижодига юксак баҳо бериб, маснавийлари пухта, газаллари раво, гўзал шеър ва байтлари кўп дейди ва қуйидаги байтини келтиради:

Бе ту чун дар гиръя хобам мебарад,

Хоб мебинам, ки обам мебарад.

(Мазмуни: Сенсиз йиғлай-йиғлай уйқуга кетсам, тушимда сув оқизиб кетаётганини кўраман).

ХОЖА МАҲМУД (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган сабзаворлик шоир ва хаттот, *Бобо Али Хушмардон*нинг набираси. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг салоҳиятли йигит эканлиги, хаттотлик санъатида моҳирлиги, бир “даржий” (бирор мақсад ва масала юзасидан рисола, нома каби асар) битганлиги ва унда олти асл қалам ҳамда уларда ёзиладиган ҳуснихат ҳақида назм йўли б-н маълумот берганлиги хусусида айтади ва асарининг сўнгги байтидаги бир таърихни “Мажолис ун-нафоис”да келтиради:

Чун усули шаш қалам кардам рақам,

Ғашт тарихаш “усули шаш қалам”.

(Мазмуни: Олти хил шакл б-н ёзганлигимдан, унинг таърихи ҳам “усули шаш қалам” бўлди). Бунда таърих моддаси “усули шаш қалам” ибораси бўлиб, абжад қоида-сига биноан 897 (1491–92) й. келиб чиқади. Демак, ушбу даржийнинг яратилган йили милодий 1491–1492 й.ларга тўғри келади.

ХОЖА МАҲМУД МЎЙДЎЗ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф намояндаси. Ҳиндистондаги мажзуб солиқлардан. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу дарвеш б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА МАҲМУД ФАРАНХУДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши.

Узоқ йиллар темурийлар саройида вазир лавозимида ишлаган. Етмиш ёшида ўз ихтиёри б-н истеъфога чиқиб, ўн йил фақат ибодат б-н машғул бўлади. Саксон ёшида ҳаж сафарига боради. Саксон олти ёшида вафот этиб, ўзи ясаган дахмада дафн этилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу ориф б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА МУАЙЯД ДЕВОНА (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг ақли бир оз паришонроқ, лекин назми равонлигини, салтанатга даъво қилганлиги учун ўлдирилган, кумиш учун ҳатто суяклари ҳам тозилмаганлигини ёзади. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

*Ҷашм дорем аз он шамъи саодат партав
Ки, жаҳонро биди ҳад*

равшани аз сари нав.

(Мазмуни: Саодат шуълалари ул шамдан жаҳон янгитдан равшан бўлди, деб умид қиламиз). Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарида келтирилишича, бу байт Абу Саид б-н Ҳусайн Вайқаро ўртасидаги ўзаро низо-лар пайтида ёзилган. Байт маъносини Абу Саидга етказганларида, подшоҳ шоирни пинҳона қатл этишни буюрган. Навоийнинг юқоридаги сўзлари Хондамир берган маълумотига мувофиқ келади.

ХОЖА МУАЙЯД МЕҲНА (15-аср) – форс шоири ва тасаввуф намояндаси, Шайх *Абусаид Абулхайр*нинг набираси. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлиси ва “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинади. Навоий унинг ўз даврининг барча зоҳирий илмини эгаллагани, кўп йиллар бобоси қабри қошида шайх ул-исломлик қилгани, ваъз мажлисларида сўзлари таъсирли ва самовъдаги ҳаракатлари кўнгилларни эритувчи эканлигини таъкидлайди. Ўз даврининг султонлари ва мўътабар кишилари Х.М.М.га юксак таъзиму эҳтиромда бўлганлар. Навоий Хожанинг ўз ҳаққига ҳам кўп хайр-дуо қилганлигини алоҳида эслайди. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Аз маҳи рӯи ту ойнаи жон сохтаанд,

В-андар ойна жонро нигарон сохтаанд.

(Мазмуни: Сенинг ой юзингдан жон ойнаси ясаганлар ва у ойнага жонни телмур-тириб қўйганлар).

ХОЖА МУЗАФФАР БИН АҲМАД БИН ХАМДОН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Аҳмад. Дастлаб катта амалдор бўлиб, сўнг дарвешликни ихтиёр этган. Фано ва бақо бобида гўзал ҳикматлар соҳиби. Замондоши Шайх *Абусаид Абулхайр* унга катта бақо берган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХОЖА МУСАЙЯВ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир ва вазир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг вазир лавозимида ишлаганида элга кўп зулм етказгани, ниҳоят ўлим топғач, халқ унинг зулмидан халос бўлганлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Гузашт умру зи гафлат

ман он чунон мастам

Ки ҳеч тавба накардам ки,

боз нашкастам.

(Мазмуни: Умр ўтди, гафлатдан шундайин мастманки, не чоғлик тавба қилмайин, уни яна синдирдим).

ХОЖА МУСО (15–16-аср) – хуросонлик сохта шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг ўзини шоир ҳисоблаб, халойиқ ичида шеър ўқиши, аслида эса шоирларга пул бериб шеър ёздариши ҳақида маълумот беради. “Мажолис ун-нафоис”да унинг ана шундай байтларидан бири келтирилган:

Жоми шаробро сари риндон ҳубоб шуд,

Бисъёр сарки дар сари жоми шароб шуд.

(Мазмуни: Шароб қадаҳида риндларнинг боши ҳубоб бўлди. Кўп бошлар эса қадаҳ бошида шароб бўлди).

ХОЖА МУҲАММАД БИН АБУ АҲМАД ЧИШТИЙ (ваф. 1020) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Йигирма тўрт ёшида отасидан сўнг

чиштиё тарикатининг шайхи бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХОЖА МУҲАММАД МАЪШУҚ ТУСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мажзуб солиқлардан. Шайх Абусаид Абулхайрнинг замондоши. Тус шаҳрида яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО, Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Бухорий (1348–1419, Мадина) – нақшбандийлик тарикатининг йирик намояндаси, суфий, илоҳиёт олими, файласуф. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муриди. Ўзининг “Рисолаи қудсия” китоби муқаддимасида ёзишча, унинг аждодлари Хофизиддин Кабир Бухорийга бориб тақалади. “Раशाҳот”да келтирилишича, унга “Порсо” лақабини Хожа Баҳоуддин Нақшбанд берган. Х.М.П. нақшбанди асиласида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Алоуддин Аттордан кейин учинчи йирик шахс ҳисобланиб, унинг асарлари нақшбандийлик тарикатининг моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан асослашда мўтабар манба ҳисобланади. Х.М.П.нинг нуфузи теурий ҳукмдорлар олдида бениҳоя юксак бўлган. Жумладан, Мирзо Улугбек Самарқандда 1430 й. Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Жазарий б-н Х.М.П. ўртасида илмий мунозара уюштиради. Х.М.П. ушбу баҳсда голиб чиқиб, Мирзо Улугбек иноятига сазовор бўлади. Х.М.П. гарчи Халил Султон мулк ҳудудида яшаса-да, лекин Шохрух Мирзо б-н яқин алоқада бўлиб, у б-н ўзаро мактуб ёзишган. Бу Халил Султонга хуш келмай, Х.М.П.ни ўз мулкидан ихрож этишга буйруқ беради. Кўп ўтмай, Шохрух Мирзо йирик қўшин б-н Халил Султонга қарши юриш қилади. Халил Султон ушбу жангда ҳалок бўлади. Х.М.П. икки марта – биринчисида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мулозаматида, иккинчисида умрининг охирида ҳаж сафарига чиққан. Сўнгги ҳаж сафарига соғлиги ёмонлашиб, ҳаж амалини тўлиқ бажо келтирганидан кейин Мадинада вафот

этади. Х.М.П. расулulloҳ (с.а.в.)нинг амаллари Аббос ибни Абдулмуталлиб (р.а.) қабри ёнида дафн этилган.

Х.М.П.дан жуда катта илмий мерос қолган: 1. “Одоб ус-солиқин” (тарикат йўлидаги солиқлар одоби); 2. “Ал-арбаъуна ҳадисан” (Қирқ ҳадис); 3. “Анфоси қудсия” (26 мактуб); 4. “Анис ут-толибин” (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзларининг шарҳи); 5. “Таҳқиқот” (ирфон, ахлоқ ва сулук одоби ҳақида); 6. “Тафсир” (Қуръони Каримнинг “Фотиҳа”, “Мулк”, “Нубо”, “Ёсин” ва бир нечта кичик сураларининг тафсири); 7. “Рисола дар зикри 72 фирқаи ислом” (Исломнинг 72 фирқаси ҳақида рисола); 8. “Рисола фий тариқи зикри ҳафий” (Зикри ҳафий ҳақида рисола); 9. “Рисола дар боби қасидаи Ибн Фориз” (Ибн Фориз қасидасининг шарҳи); 10. Шарҳи “Фусус ул-ҳикам” (Ибн Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” асарининг шарҳи); 11. “Фасл ул-хитоб” (шариат ва тариатнинг муштарак ақидалари бўйича китоб); 12. “Ал-фусул ус-ситта” (ҳадис илми бўйича); 13. “Рисолаи қудсия” (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзларининг шарҳи); 14. “Маслак ул-орифия” (нақшбандийлик тарикатининг манокими); 15. “Маносики ҳаж” (Ҳаж одоби ҳақида рисола) ана шулар жумласидандир. Х.М.П. Хожа Аҳрор Валий, Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Алоуддин Ғиждувоний каби нақшбандийлик тарикатининг йирик намояндаларига муршидлик қилган. “Насойим ул-муҳаббат”да Х.М.П.га алоҳида боб ажратилган. Унда Навоий Х.М.П.нинг таржимаи ҳолини қисқача бериб, ҳикматли сўзлари ва кароматларидан намуналар келтиради. Шунингдек, “Лисон ут-тайр”даги инсоф ҳақидаги бобда Х.М.П. ва унинг ўғли Хожа Абу Наср Порсо ўртасида ҳаж мавсумида бўлиб ўтган воқеани инсофли бўлишнинг гўзал намунаси сифатида тилга олади. Айни шу ҳикоят “Ҳайрат ул-аброр”нинг 20-мақолатида Бадиуззамонга насихат тариқасида ҳам келтирилиб, ота ва ўғил ўртасидаги муносабат қандай бўлиши кераклиги кўрсатилган.

ХОЖА ОРИФ РЕВГАРИЙ (тахм.1165 – Бухоро – 1237) – “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тасаввуф намояндаси. Хожагон тарикатига оид манбаларда

“Моҳитобон”, “Пешвойи орифон”, “Қутб ул-авлиё” ва “Валийлар йўлбошчиси” сифатида тилга олинади. Силсила омонатини Хожа Абдулхалиқ Гиждувонийдан олган. “Орифнома” асарининг муаллифи. Зикри жаҳрияга аҳамият берган. Навоий “Нафаҳот ул-унс”дан “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

“ХОТИМАТ УЛ-ҲАЁТ” (“Ҳаётнинг сўнгги манзили”) – Абдурахмон Жомийнинг учинчи девони. 1491 й.да тузилган ушбу девонга Жомий ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган шеърлари киритилган. Девон шеърӣ басмала, наът мавзусидаги икки қитъа, 9 қасида, 1 таркиббанд, 8 маснавий, 1804 газал, 4 мураббаъ, 1 баҳри тавил, 40 қитъа, 45 рубоӣ, 2 муаммо, 1 фард (жами 2253 байт)дан иборат. Навоий “Х.”ни “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида – Жомий асарлари рӯйхатида келтиради.

ХОЖА ПИР АҲМАД НАҚҚОШ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Наққошлик касби б-н кун кечирган. Хожа Тоқ қабристонида дафн этилган. Навоий ушбу фасл охирида шундай ёзади: “бу фақир борасида хайр дуоси кўп қилур эрди. Умид улки мустажаб бўлмиш бўлғай!”

ХОЖА РОҲАТ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Маломатийлик тариқатининг намояндаси. Қози Камолиддин Жалфарийнинг пири. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА РУКНИДДИН МЕҲНА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Хожа Муайяд Меҳна оламдан ўтганидан кейин аждоди Шайх Абусайд Абулхайр қабри бошида шайхулисломлик қилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА СУЛТОН МУҲАММАД (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шо-

раҳтлик шоир ва хаттот. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг хушсуҳбат ва ёқимли нутққа эга киши экани, яхши назмий таъби борлиги, авваллари сочи камлигидан кўп хафа бўлгани, кейинчалик бу ҳолга кўникиб, мажлисларда ҳатто бош яланг ўтирадиган бўлиб қолгани ҳақида айтади. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ба дандон уқдаи зулфи

туру хоҳам ки бикшоям,

Аз ин савдо шудам

девонаву занжир мехоям.

(Мазмуни: Сочинг тугунларини тишим б-н ечишни исгайман, бироқ бу савдодан девона бўлиб, занжир чайнайман).

ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР, Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шошӣ (1404, Тошкент – 1490, Самарқанд) – ўрта осиелик мутафаккир, шайх, нақшбандийлик тариқати раҳнамоларидан. Халқ орасида Хожа Аҳрор Валий номи б-н машҳур. Отаси Хожа Маҳмуд нақшбандиянинг хожাগон сулукида бўлган, тижорат ва зироат б-н шуғулланган. Шайх Хованди Таҳур она томонидан унинг бобосидир. Х.А.нинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. Тас.га муҳаббат руҳида тарбия топган Х.У.А. умри давомида Мовароуннаҳрда Хожа Алоуддин Гиждувонӣ, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср Порсо, Мавлоно Низомиддин Хомуш, Хуросонда Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофӣ, Мавлоно Муҳаммад Асад, Мавлоно Саъдиддин Кошгарийлар б-н суҳбатдош бўлган. Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Яъқуб Чархий қўлидан иршод хирқасини кийган.

Нақшбандийлик тариқатининг пешвоси сифатида темурий шаҳзодалар ва қўшни мамлакат ҳукмдорлари орасида катта нуфузга эга бўлган Х.У.А. деҳқончилик ва тижорат б-н шуғулланган. Даромадининг кўп қисмини аҳоли тўлаши лозим бўлган солиқларни тўлашга, диний ишларга, маданий қурилишларни амалга оширишга сарфлаган. Жамиятда тутган юксак мавқеидан фойдаланиб, тахт учун курашган

шаҳзодалар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли б-н баргараф қилган.

Х.У.А.нинг “Фақарот ул-орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”) “Волидия” (“Отага бағишлов”), “Хавроийя” (Абу-саид Абулхайрнинг “Хавроия” рисоласига шарҳ) номли уч рисоласи ҳамда ўз замондошларига йўллаган айрим мактублари бизгача етиб келган.

“Хайрат ул-аброр”нинг 21-бобида Навоий Х.У.А.ни Ваҳоуддин Нақшбанднинг барҳақ халифаси (маънавий вориси) сифатида таърифлаб, деҳқончилик ва тижорат б-н шуғулланганлигига қарамасдан, дунёдан кўнглини буткул узган, сулук аҳлининг пешвоси, давр султонларининг султони, ҳақ сўзини шоҳу дарвешга бирдек етказишни ўзига бурч деб билган офоқ муршиди, замон яғонаси деб таърифлаб, унинг ҳимматидан умидворлигини қуйидагича ифода этган:

*Ҳимматидин бизни ҳам этсун Худой,
Факр йўлида ғани, имонга бой.*

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Х.У.А.нинг “Волидия” рисоласи бўйича Жомий ҳузурида таълим олгани, Кичик Мирзо Навоийнинг “Тухфат ул-афкор”даги бир байтини Х.У.А.га юбориб, ундан таҳсин ва олқишлар олгани ҳақида маълумот беради.

“Сирож ул-муслимин”нинг муқаддима-сида берилишича, Х.У.А.нинг Навоий ҳақида билдирган бир фикри ушбу асарнинг яралишига сабаб бўлган.

“Насойим ул-муҳаббат”да берилишича, Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарини ёзиш жараёнида ҳаёт қайдида бўлган авлиёлардан фақат Х.У.А.ни тазкирага киритиб, унинг маъ-ий олами ва тариқат аҳли ўртасидаги мартабасига юксак баҳо берган. Тазкирада Х.У.А.нинг устозлари ва суҳбатдошларидан ташқари, унинг қўлидан хирқа кийиб, муршидлик даражасига етган Мавлоно Қосим, Мавлоно Хожа Али, Мавлоно Мир Хусайн, Мавлоно Мир Муҳаммад, Мир Абдулаввал, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мавлоно Хусайн Турк ҳақида ҳам маълумот берилган. Шунингдек, Мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Алоуддин Гиждувоний, Мавлоно Низомиддин Хомуш, Шайх Илёс, Қосим Анвор ҳақидаги фасллар Х.У.А.нинг нақллари асосида яратилган.

ХОЖА ХАЙРЧА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дастлаб қул бўлган, хўжайини ундаги турли қароматларни кўриб, озод этган. Хат-саводи бўлмаса-да “Фотиҳа” сурасини ўқиб, дам солиб беморларни тузатган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХОЖА ХАЛИЛ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Исмоил отанинг авлодидан. Яссавийлик тариқатида нақблик мақомига эришган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХОЖА ХОВАНД (15-аср) – самарқандлик форс шоири, хожа *Фазлуллоҳ Абуллайсий*нинг ўғли. Номи “Мажолис унафоис”нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг донишманд ва хуштаб йигит эканлигини айтиб, “таъби ҳам назм сори, ҳам ҳазл сори мойил”лигини таъкидлайди ва қуйидаги воқеани келтиради: *Абулбарака* исмли қози Ҳиротга келган пайтида *Дарвеш Хусайн* б-н ораларида низо чиқади. Шу сабабли Абулбарака Дарвеш Хусайн қоронғуда Пири Сесадоланинг қabri устига олиб бориб, уни булғатади. Х.Х. бу воқеани эпитиб, қуйидаги байтни битади:

Он жавонмаргеки,

ў бар Пири Сесадола рид,

Пир агар гардад,

нагардам ҳеч пиреро мурид.

(Мазмуни: Ул жувонмарг Пири Сесадола устини булғатди, агар шу одам пир бўлиб қолгудек бўлса, мен ҳеч бир пирга мурид бўлмайман).

ХОЖА ХУРД (15-аср) – самарқандлик қози, мударрис ва шоир. Номи “Мажолис унафоис”нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Самарқанд тахтининг машҳур қозиси ва “Мирзо Улуғбек” мадрасасининг мударриси эканлиги, фазлу камол ва донишмандликда тенгсиз бўлганлигини таъкидлайди. Х.Х. яхши таъбга эга шоир ҳам бўлиб, муаммо ва таърих жанрида

ижод қилган. У Бобо Худойдод деган авлиё суфийнинг вафоти муносабати б-н “мажзуби солик” деган жумла асосида таърих битган. Абжад ҳисобига кўра “мажзуби солик” жумласидан 862 (1457–58) й. келиб чиқади. Шунингдек, Х.Х. Алишер Навоийнинг “Вақфия” асари яратилган йилига бағишлаб ҳам таърих битган бўлиб, унинг таърих моддаси сифатида “вақфи Алишер” жумласи олинган. Ундан абжад ҳисобида “Вақфия” ёзилган 886 (1481–1482 й.) келиб чиқади. “Мажолис ун-нафоис”да Х.Х.нинг “Малик” исмига битилган муаммоси келтирилган.

ХОЖА ШАМСИДДИН МУҲАММАД МАРВОРИД (ваф. 1478–79, Ҳирот) – давлат ва дин арбоби. Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”да ёзишича, асли кирмонлик бўлиб, Мирзо Жаҳоншоҳ Туркман салтанати даврида Ҳиротга келган. Абу Саид даврида муҳрдор бўлган. Самарқандда ҳам бир муддат яшаган. Кейинчалик Хожа Абдуллоҳ Ансорий қабрини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бошқарган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да уни Хожа Абдуллоҳ Садрнинг отаси сифатида тилга олади.

ХОЖА ШАМСИДДИН МУҲАММАД КЎСУИЙ ЖОМИЙ, (ваф. 1459) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Аҳмад Жомий авлодидан. Аҳмад Жомийга Шайх Абу Саид Абулхайр кийдирган табаррук хирка унга мерос қолган. Шайх Зайниддин Хавофийга ўхшаб зикри жаҳрия тарафдорларидан бири бўлган. Шайх Баҳоуддин Умар, Саъиддин Қошғарий, Боязид Пуроний б-н доимий мулоқот қилиб турган. Тавҳид масаласини ваҳдат ул-вужуд наз-яси бўйича талқин қилиб, унинг сунний ақидаларга мос эканлигини исботлаган. Навоий ўспиричилигида бу зот б-н учрашгани ва ундан кўп илтифот кўрганини қайд этади. Унинг вафоти таърихи “чархи дун” сўзига мос тушган. Қабри Ҳиротнинг жомеъ масжиди яқинида бўлиб, устида муҳташам мақбара қурилган.

ХОЖА ЮСУФ БИН МУҲАММАД БИН САМЪОН (985–1067) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Чиштия тариқатининг шайхи Хожа Муҳам-

мад бин Абу Аҳмаднинг жиани. Тоғасининг вафотидан кейин чиштия тариқатининг муршиди бўлган. Абдуллоҳ Ансорий б-н учрашган. Умрининг охирида Хожа Ҳожи Маккийнинг қабри ёнида чиллахона қуриб, хилват ва узлатда ҳаёт кечирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-уис”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА ЮСУФ БУРҲОН (15-аср, Жом) – мусиқашунос, тариқат пири. Таниқли ориф ва шоир Аҳмад Жомий авлодидан. Тас. да юксак мақом соҳиби бўлиш б-н бирга, шеър ва мусиқа илмини ҳам яхши билган, ўзи шеър ёзиб, мусиқа басталаган. Навоий мусиқадан илк сабоқни тоғаси Муҳаммад Али Ғарибийдан олганидан сўнг Х.Ю.Б.дан унинг нозик сир-асрорларини ўрганади. Шунинг учун ҳам “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида у ҳақда маълумот берар экан, “фақир мусикий фанида анинг шогирди-мен”, деб ёзади.

Х.Ю.Б., Навоийнинг ёзишича, “фақру фано тариқида сулук қилур эрди” ҳамда хилват ва танҳолик маслагини қаттиқ тутар эди. Тариқат аҳлининг пешвоси бўлган. “Кўпроқ ўз шеърига мусикий боғлар эрди. “Исфаҳон” амалини бу байтига боғлабтур-ким:

*Расид мавсуми шодио айшу тараб,
Агар гадо ба муроди диле расад чи ажаб?*

(Мазмуни: Шодлигу айшу ишрат мавсуми келди – гадо ҳам ўз дили мақсадига етишса, не ажаб?)

Навоий Х.Ю.Б.дан нафақат мусиқа, балки тариқат илмини ҳам ўрганган, ўз газалларига мусиқа басталаш ва тасаввуфона оҳанг бағишлашни ўзлаштирган.

ХОЖА ЮСУФ МЕҲНА (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, Хожа Рукниддиннинг ўгли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг толиби илм, солиҳ ва хуштабъ йигит эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

*Дили зорам ки, жо дар
зулфи он номехрибон дорад,
Гар аз савдо парешонҳол
бошад, жои он дорад.*

(Мазмуни: Зор дилим номехрибон гўзалнинг зулфидан жой олди; агар ишқ савдосидан паришонҳол бўлса, у ҳам ўринлидир).

ХОЖА ЯХЁ (15 аср) – хуросонлик форсийнавис шоир, Хожа Абдуллоҳнинг укаси, Хожа Муҳаммад Марвориднинг ўгли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши таъбга эга эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъси ва “Доий” исмига битилган муаммосини келтиради:

*Ба ин шукрона, эй ҳамдам ки,
меғди сухан бо у,
Чи бошад гар бигўи
шаммае аз ҳоли ман бо ў.*

(Мазмуни: Эй ҳамдам, ул дилбар б-н сўзлашувинг шукронасига менинг ҳолимдан ҳам оз-моз айтиб берсанг нима қилади?).

ХОЖА ЯХЁ БИН АММОР ШАЙБОНИЙ (ваф. 1012) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Шайх Аму, Қози Абу Амр Бистомий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Ҳиротда тас-нинг ёйилиши ҳамда мазҳаб поклиги йўлида катта хизмат қилган. *Хожа Абдуллоҳ Ансорий*нинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХОЖА ҚУТБИДДИН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Шайх Абу Саид Абулхайр*нинг авлодидан. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг ниҳоятда солиҳ ва тақводорлигини, Шайхга муносиб феъл-атворга эга эканлигини таъкидлайди. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

*Мудате шуд к-он пари
пайкар намеояд ба чашм,
Сохт манзил дар дилу
дигар намеояд ба чашм.*

(Мазмуни: Анча вақт бўлдики, ул пари пайкар кўзга кўринмаяпти, дилимда жойлашиб олди-да, энди кўзга кўринмаяпти).

ХОЖА ҚУТБИДДИН АҲМАД (15 аср) – хуросонлик форс шоири, *Зинда Фил*

*Аҳмад Жом*нинг авлоди. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг фариштасифат киши эканлигини айтиб, *Зинда Фил Аҳмад Жомга* тақлид қилиб, қуш асраши ҳақида маълумот беради. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

*Сабо, биёр ғубори раҳи сувори маро
Ки, тутий бувад он чашми ашкбори маро.*
(Мазмуни: Эй сабо, менинг отлиқ гўзалим йули гардидан келтир; бу ёш тўкувчи кўзим учун тўтиедир).

ХОЖА ҚУТБИДДИН ЯХЁ НИШОПУРИЙ (ваф. 1340) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулфазл. Асли Жомдан бўлиб, Нишопурда тугилган. Рукниддин Алоуддавла Симноий, Шайх Сафиуддин Ардабили, Шайх Шарафидин Даргузиний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Етти марта ҳаж қилган. Ўз даврининг абдоларидан. Ҳиротнинг Фирузобод дарвозасининг ташқарисидаги қабристонда дафн этилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОЖА ҲАСАН ХИЗРШОҲ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг яхши назмий таъби борлиги, хушсуҳбат шоирлиги, настаълиқ хатини ҳиротлик хатот мавлоно Жаббар услубида яхши битиши, “Лайли ва Мажнун” достонига жавобан “Зайд ва Зайнаб” достонини ёзгани, Абулқосим Бобур вафот этган йил (1457)да Машҳадда хасталаниб қолгани, Навоий унга ғамхўрлик қилгани ва Хожа сиҳат топгани ҳақида маълумот беради. Қабри Астаробод жомеъ масжиди ёнида. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

*Солят ҳар жо ки, афтад
бар замин гул бар дамад,
Не гули танҳоки,
сар то сар гулу шақкар дамад.*

(Мазмуни: Қаерга соянг тушса, ўша жойдан гул униб чиқади, ёлғиз гул эмас, бошдан-оёқ гулу шақкар униб чиқади).

ХОЖА ҲУСАЙН КИРАНГИЙ (15-аср) – абивардлик шоир ва давлат арбоби. *Хожа Абу Наср Меҳнанинг* холавачаси. Отаси *Хожа Қанбар Хуросонда* давлат арбоби бўлган. Х.Ҳ.К. саройда узоқ йил хизмат қилиб, подшоҳ унга кўп иноят кўрсатган. Хондамирнинг “*Ҳабиб ус-сияр*”да ёзишича, Х.Ҳ.К. садр лавозимида фаолият юритганида, уни турли нарсаларни ўзлаштиришда айблаб, подшоҳга ёмон кўрсатишади. Шундан сўнг у истеъфога чиқади ва қолган умрини тинч-осойишталикда ўтказди. Хондамир “*Мақорим ул-ахлоқ*”да Х.Ҳ.К. б-н боғлиқ баъзи ҳикоят ва мутойибаларни келтиради. Алишер Навоий унинг номини “*Мажолис ун-нафоис*”нинг туртинчи мажлисида тилга олиб, Х.Ҳ.К.нинг пок ва диёнатли киши экани, кўп йиллар давомида юқори мансаблардан бири бўлган садрлик лавозимида ишлагани, факат тўғри гапни сўзлаши оқибатида уни подшоҳнинг кўзига ёмон кўрсатиб қўйишганини айтади ва куйидаги матлаъсини келтиради:

*Ҳеч оҳе жуз ба ёдат бар намеояд зи дил,
Ҳеч нақше жуз хаёлат*

дар намеояд ба чашм.

(Мазмуни: Сенинг ёдингдан бошқа ҳеч бир оҳ юракдан чиқмайди. Сенинг хаёлингдан бошқа ҳеч бир сурат кўзга кўринмайди). Х.Ҳ.К. Ҳирот Ҳомеъ масжидининг қибла тарафида дафн қилинган.

ХОЖУ КИРМОНИЙ, Абулато Камолиддин Маҳмуд ибн Али ибн Маҳмуд (1270, Кирмон – 1354, Шероз) – форс-тожик шоири. Отаси Али бин Маҳмуд Кирмон шаҳрининг обрў-эътиборли кишиларидан бўлган. Ёшлиги она шаҳрида ўтиб, унда шеър ва ад-тга қавас жуда эрта уйғонган. Тил, ад-т, фал., мантик, илоҳиёт, нўжум, тарих, тас. каби ўз даврининг барча асосий илмларини пухта ўзлаштирган. Хожу таҳаллуси б-н шеърлар ёзиб, Хожу Кирмоний деган ном б-н шуҳрат қозонган. Кўнглига сайру саёҳат ишқи тушиб, аввал Шерозга йўл олади. Камолот касб этиш мақсадида шаҳар уламо ва фузалоларига яқинлашади. Кейин Қозирунга кўчиб ўтиб, машҳур тариқат пири Шайх Аминиддин Муҳаммад Қозирунийга қўл беради. Қўли қисқалигига қарамай, Шом, Байт ул-муқаддас, Ҳижоз, Ироқ, Бағдод,

Журун (Хурмуз ва Аббос бандари яқинидаги вилоят), Исфаҳон ва Ҳамадон ш.ларига саёҳат қилиб, қийналиб яшайди. Шу тариқа 19 йиллик мусофирликдан сўнг 1338–1339 й.ларда тугилган юртига қайтади. Х.К.дан бизгача қасида, ғазал, қитъа, рубоий, таркиббанд, мустазод каби жанрдаги шеърларни ўз ичига олган муқаммал девон ва 6 маснавий (достон) етиб келган. Девони “Саноъ ул-камол” ва “Бадоеъ ул-жамол” деб икки қисмга ажратилган. 932 та ғазали алоҳида китоб ҳолида Кирмонда нашр этилган. Маснавийларидан Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”си таъсирида ёзилган “Сомнома” вазир Абулфатҳ Маждуддин Маҳмудга бағишланган. “Ҳамса”си таркибидаги “Хумой ва Хумокон” достони Абусаид Ваҳодирга аталган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, бу достонда сўздан маҳорат б-н фойдаланган. “Тул ва Наврўз” – Низомийнинг “Хусрав ва Шири”ига назира, “Равзат ул-анвор” – “Маҳзан ул-асрор” таврида, “Камолнома” – ирфоний мазмунда битилган. “Тавҳарнома”да амир Муборизиддин Муҳаммад ва унинг вазири Ваҳоуддин ибн Изуддин Юсуф хонадони васф этилган. “Мафотиҳ ул-қулуб” (“Қалблар очкичи”) – амир Муборизиддинга бағишланган манзума. “Рисолат ул-бодия” (“Сахро рисолати”) – Каъба сафари ҳақида. “Саъб ул-масоний”да қилич ва қалам мунозараси насрда битилган. Ижодда гарчи Саъдийга эргашган бўлса-да, шеърини янги мазмун, оҳорли ташбеҳлар, тас-ий талкинлар б-н бойитиб, ўзига хос услуб яратган. Ҳофиз Шерозий Х.К.ни ғазалда ўзига устоз деб билган. Навоий “Муҳокамаат ул-луғатайн”да “Лайли ва Мажнун” достонини Хожу Кирмоний “Тавҳарнома”си йўлида ёзганини эътироф этади. Қабри Шерозда, муқаддас зиёратгоҳлардан.

ХОЛ – инсонда тана аъзоси, тери устида тугма пайдо бўладиган доғ ёки бўртма. Аёллар ўз латофати ва гўзаллигини янада ёрқинроқ намойиш этиш учун ясама Х. ҳам қўядилар. Бадий ад-тга гўзаллик ва нафосатни билдирувчи образ. Тас.да Х. дейилганда, ақл-идрокдан ожиз бўлган касрат (кўплик, Олам)нинг асл маншаъи ва йигиндиси бўлмиш ҳақиқий ваҳдат нуктаси англашилади. Х. – тоат-ибодат нурла-

рини тўсиб турувчи гуноҳкорлик зулмати ёки Мутлақ Зотнинг ваҳдати маъносида ҳам қўлланилади. Лоҳижий Х. нуқтасини вужуд доирасининг марказий нуқтаси, деб таърифлаган. Маҳбубнинг сафоли юзи назорасидан солиқнинг кўнгли нурга тўлиб, висол ва шодлик ҳисси қамраб олади. Кўнгилда Х.нинг акси тушгач, айрилиқ ва фироқ зулмати кўнгили кўзгусини қорайтиради. Х., асосан, қабз, буъд, ҳузун каби ҳол талқинларида қўлланилади. Қора Х. дейилганда, ғайб олами назарда тutilган.

ЕТКУРУР ЖОНИМГА ОФАТЛАР

узори узра хол,

Рост андоҳсим,

карорий суға тушкай кавкабим.

(“Наводир уш-шабоб”, 414-ғазал)

ХОЛИЙ НИШОПУРИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Сараҳс шаҳрида яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОНАҚОХ, Хонақоҳ – дарвешлар ва фақирларнинг макони. Х. (хонагоҳ)нинг луғавий маъноси “овқатланадиган жой” бўлиб, дастлаб ёлғиз ва камбағал мусофирларга мўлжалланган хайрия меҳмонхоналарга нисбатан қўлланилган. Мақризийнинг “Ал-Хитат ул-Мақризийя” асари ҳамда “Худуд ул-олам”да бу сўз айни шу маънода келтирилган. Кейинчалик, тас. кенг ёйилган даврларда Х. сайёҳ дарвеш ва муқим сўфийларнинг манзили сифатида фаолият кўрсата бошлайди. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишча, сўфийларнинг илк Х.и Абу Хошим Сўфий учун насроний амир томонидан қурилган. Х.да муайян тариқатнинг маъ-ий пешвоси бўлган шайхлар раҳбарлик қилган ва у ерда вақф пуллари, мухлис ҳамда муридларнинг назр-ниёзлари ҳисобидан кун кечиришган. Х.да зоҳидлар, обидлар ва сўфийларнинг сурункали ибодат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Навоийнинг бевосита раҳбарлиги ва шахсий маблағлари ҳисобидан 12 та Х. бунёд этилган. Уларнинг айримлари ҳақида “Насойим ул-муҳаббат”да

ишоралар мавжуд. Х. сўзи Навоий асарларида ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўлланилган. Сохта шайхлар, риекор дарвешлар, жоҳил сўфийларнинг макони бўлган Х. – рие ва ёлғон, алдов ва найранг дўкони сифатида қаттиқ танқид қилинган бўлса, поклик ва тақво мазҳари бўлмиш ҳақиқий дарвешларни ўзида жам этган Х.лар зиё ва маърифат тарқатадиган манзил сифатида тараннум этилган.

Виз фано тупроғи бўлдук

дайр аро, эй аҳли зуҳд,

Хонақоҳ сахнида сиз

бахси тақаддум айлангиз.

(“Бадоеъ ул-васат”, 217-ғазал)

ХОНДАМИР, Гийёсиддин Муҳаммад бин Хожа Ҳумомиддин бин Хожа Жалолиддин Муҳаммад бин Бурҳониддин Муҳаммад Шерозий (1476, Ҳирот – 1534, Деҳли) – машҳур тарихчи. Отаси Ҳумомиддин Муҳаммад ўз даврининг ўқимишли, фозил кишиси бўлиб, Султон Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуд Мирзонинг вазири, онаси эса йирик тарихчи олим Мирхонднинг қизи бўлган. У тарих, ад-т ва иншони мукаммал эгаллаб, замонасининг фозил кишилари қаторидан жой олган. Тарихга қизиққанидан бобосига шогирд тушиб, унинг ишларини давом эттиради – “Равзат ус-сафо”нинг охириги жилдини ниҳоясига етказди ва ўзи ҳам донгдор тарихчи бўлиб етишди. Ёшлигидан ўтқир зеҳни ва кенг билими туфайли Навоий эътирофига сазовор бўлиб, унинг кутубхонасига мудирлик қилган. Навоий уни муттасил камолог касб этишга рағбатлантириб, моддий ва маъ-ий жиҳатдан ҳамма қўллаб-қувватлаб турган. Ҳомийси вафотидан кейин бир муддат Балхда Бадиуззамон Мирзо саройида хизмат қилади. Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг Бадиуззамон Мирзо б-н Ҳиротга қайтиб, 1510 й.гача шу ерда яшайди. 1514 й. Шимолий Афғонистондаги Пушт қишлоғига келиб, адабий-тарихий йўналишдаги ижод б-н шуғулланади. Бадиуззамоннинг ўғли Муҳаммад Замон хизматида бўлади. 1528 й. Ҳиндистонга – Бобур Мирзо ҳузурига боради. Бобур ҳам, унинг ўғли Ҳумоюн ҳам бу нуқтадон тарихчига нисбатан яхши муносабатда бўлишган, ижод қилиш

учун барча шароитни яратиб беришган. Х. уларнинг бир неча юришларида иштирок этган. “Хумоюннома” асари учун Хумоюн унга “Амир ул-муаррихин” унвонини берган. У Хумоюн б-н бирга навбатдаги ҳарбий юришдан қайтиб келаётганида йўлда вафот этади ва васиятига кўра Деҳлидаги машҳур қабристонга – буюк шоир Хусрав Деҳлавий ёнига дафн этилади.

Х. сермахсул олим бўлиб, 13 та асар ёзган. Бизгача улардан 8 таси етиб келган. Улар “Маосир ул-мулук” (“Подшоҳларнинг замондошлари”), “Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр” (“Хайрли кишилар аҳволи хабарларининг хулосаси”), “Макорим ул-ахлоқ” (“Яхши хулқлар”), “Дастур ул-вузаро” (“Вазирлар учун қўлланма”), “Номаи номий” (“Атоқли номалар”), “Иншои Ғиёсий” (“Ғиёсий асарлари”), “Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар” (“Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дуст”), “Хумоюннома” деб номланган. Яна 5 та асарининг номи маълум бўлса-да, (“Осор ул-мулук ва-л-анбиё”, “Ахбор ул-ахёр”, “Мунтахаби тарихи Вассоф”, “Жавоҳир ул-ахбор”, “Ғаройиб ул-асрор”), лекин ўзи топилмаган. “Хулосат ул-ахбор” ва “Макорим ул-ахлоқ” асарларини бевосита ҳомийси ва устози Навоийга бағишлаб ёзган. Шунинг учун ҳам у Навоийнинг таржимаи ҳолини ёзган илк биограф ҳисобланади. Гарчи Х. Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини йилмайил, рақамлар асосида ёритмаса-да, лекин унинг инсон ва ижодкор сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, иш ва ижод тартиби, одамлар б-н муносабати, маҳорати, устоз ва шогирдлари, нозик зарофат ва ҳазиллари, амалдорлик фаолияти ва раиятга хизматлари, эҳсонлари ва хайрия бинолари ва бошқалар хусусида ўзи кўрган ва эшитган воқеалар, аниқ далиллар асосида буюк зот сифатидаги бетакрор кифасини яққол гавдалантиради.

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”да маълумот беришича, “салоҳиятли йигит”, “тарих фанида маҳорати бор” Х. бадийий ижод б-н ҳам шуғулланган, шеърлар ёзган. Бизгача унинг алоҳида шеърлар тўплами етиб келмаган бўлса-да, лекин тарихий асарлари орасида келтирилган рубоий, қитъа, муаммо ва фардлари, маснавийла-

ридан парчалар ва байтлари унинг истеъдодли шоир бўлганлигидан далолат беради. “Мажолис ун-нафоис”да унинг “Нақий” исмига битилган муаммоси келтирилган.

ХОНЧАВОДИЙ, Абу Наср бин Аби Жаъфар бин Аби Исҳоқ Ҳиравий (990–1107) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Қирмон шаҳридан. Ҳиротда фақиҳлик қилган. Уч юз пиру муршид б-н ҳамсуҳбат бўлган. Хизр (а.л.)ни кўрган. Байтулмақаддас, Макка ва Мадина ш.да узоқ муддат мужовирлик қилган. Умри охирида Ҳиротга келиб, ўша ерда вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОР I – 1) тикан, гул тикани; мажозан ошиқнинг жисми ва кўнгли:

Ғунча кулгусига, эй булбул,

кўнгул гар бермасанг,

Бағринга ҳар гул сою

юз хор бўлғайму эди.

(“Фавоид ул-кибар”, 621-ғазал)

2) дард, алам:

Даҳр боғи аро кўп истамагил

айшу тараб

Ким, гули шугълайи ғам, ғунчасидур

хори тааб.

(“Наводир уш-шабоб”, 40-ғазал)

ХОР II – хор, безътибор, камситилган, эзилган, хорланган:

Кўйида ким пойбўси бирла

иззат истаса,

Бордур анда айламак туфроғдек

ўзин хор шарт.

(“Наводир уш-шабоб”, 281-ғазал)

– у безътибор – эътибордан четда қолган, нописанд бўлган:

“Курдики, бир заифа қизиға насиҳат қалиб, айтадурки, эй фарзанд, ҳуснунгни элга кўп кўргузмагилки, хору безътибор бўлур.”

(“Насойим ул-муҳаббат”)

– у дажам – хароб, ғамгин:

Чектилар бутхонага хору дажам,

Маст қилди сажда бут оллида ҳам.

(“Лисон ут-тайр”)

- у забун – нотавон:

*Бу шуқр учун гаҳе, эй шўх,
бер назрки, Худой
Сени азизу шариф этти,*

*бизни хору забун.
("Фаройиб ус-сиғар", 476-ғазал)*

- у залил – хор ва тубан:

*Чунки супургу йиғар инак далил,
Ётмоқ эшик кейнида хору залил.
("Ҳайрат ул-аброр")*

- у зор – мағлуб бўлмоқ, эзилмоқ:

*Агарчи қилди мени хору зор
кўнглуму бас,
Валек айлади кўнглумни хору зор кўзум.
("Фаройиб ус-сиғар", 434-ғазал)*

- айла-// қил – пастга урмоқ, камситмоқ:
Эй Навоий чун қари бўлдуңг ибодат

*кунжи тут,
Элга хор айлаб ўзингни бўлмағингдур
чун йигит.
("Наводир уш-шабоб", 80-ғазал)*

- забун қил – таҳқирламоқ, мағлуб қилмоқ:

*Ва отанг авлодидин баъзи анга интиқом
туздилар ва хору забун қилиб жафолар
кўргуздилар.*

("Маҳбуб ул-қулуб")

"ХОТИМАТ УЛ-ҲАЁТ" ("Ҳаётнинг сўнги манзили") – Абдурахмон Жомийнинг учинчи девони. 1491 й.да тузилган ушбу девонга Жомий ҳаётининг сўнги йилларида ёзган шеърлари киритилган. Девон шеърий басмала, наът мавзусидаги икки қитъа, 9 қасида, 1 таркиббанд, 8 маснавий, 1804 ғазал, 4 мураббаъ, 1 баҳри тавил, 40 қитъа, 45 рубоий, 2 муаммо, 1 фард (жами 2253 байт)дан иборат. Навоий "Х."ни "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида – Жомий асарлари рўйхатида келтиради.

ХОҚОН – 1) подшо, ҳукмрон; хонлар қони:

*Минг бандаси хоқон била қайсар янглиғ,
Юз чоқари Дорову Сикандар янглиғ.
("Фаройиб ус-сиғар", Дебоча).*

2) Фарҳоднинг отаси, Чин мамлақати хоқони. Оқил ва доно ҳукмдор, меҳрибон ота, бироқ ишқи илоҳийни – Фарҳоднинг дардини тушунмайдиган дунё ахлидан бири.

*Чу Хоқоннинг бу эрди муддаоси,
Ижобат қурбини топиб дуоси.
("Фарҳод ва Ширин", 12-боб)*

3) хоқони Чин, "Садди Искандарий" достони қаҳрамони, табдиркор ва оқил ҳукмрон. Навойдан олдин ёзилган "Искандарнома"ларда, хусусан Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларида ҳам оқил ва фаросатли ҳукмрон, ўз тадбири б-н калқини Искандар истибодидан сақлаб қолган табдиркор подшо сифатида тасвирланган.

*Менинг бирла Дорони Хоқони Чин
Баробар тутар – бу ғалатдур яқин.
("Садди Искандарий", 47-боб)*

ХОҚОН СЎФИЙ (ваф. 891–892) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абу Абдуллоҳ. Бағдодда яшаган. Жаъфар Ҳаззо уни каромат соҳиби деб атаган. *Ибн Қассоб Розийнинг* устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаёти ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХОҚОНИЙ, Афзалуддин Бадил бин Нажибиддин Али Ширвоний (1120, Ширвон – 1198, Табриз) – зуллисонайн шоир. Кўп маъноли шеърлари учун "Ҳассон ул-Ажам" лақаби б-н машҳур бўлган. 25 ёшигача табиб ва файласуф амакиси Кофиюддин Умар қўлида тарбия топиб, сўнг шоир Абулғало Ганжавий ҳузурида адабий илмдан таълим олади. Ижодининг дастлабки босқичида "Ҳақойиқий" тахаллуси б-н шеър ёзади. Абулғало Ганжавий орқали Шервоншоҳлар сулоласи вакили Манучеҳр Хоқон б-н танишгач, унинг тавсияси б-н "Хоқоний" тахаллусини олади. Бир муддат саройда хизмат қилади. Лекин у ердаги муҳит, макр-хасад, фитна-фужурларга дош бера олмай, ҳаж сафарига отланади. Қайтгач "Тухфат ул-Ироқайн" ("Икки Ироқ тухфаси") маснавийсини ёзади. Саройни тарк этган шоирни Шабирон зиндонга ташланади. У Рум (Византия) шаҳзодаси Андроник Комнонга қасида б-н мурожаат қилиб, унинг кўмагида зиндондан халос бўлади. Зиндонда шоирнинг машҳур "Ҳабсиёт" манзумаси яратилади. Умри охирида узлатга чекиниб, Табриз шаҳрида вафот этади. Х. девони 17

минг байтдан иборат. Ундан форс тилидаги 220 қасида, 330 ғазал, 300 рубойи, 230 қитъа ва 450 та арабча шеър ўрин олган. Х. шеърятни ўзидан кейинги давр шоирларига сезиларли таъсир кўрсатган. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да Х.ни мажоз тариқида қалам тебратган шоирлар қаторида санаб ўтади. “Садди Искандарий” достони хотимасида уни кўплаб сўз санъаткорлари даврасида тасвирлайди. “Муҳокамат ул-луғатайн”да қасида устози сифатида тилга олади, “халлоқи маъноий” – “маънолар ижодкори” деб улуғлайди. “Ситтаи зарурия” туркумига кирувчи “Минҳож ун-нажот” ва “Насим ул-хулд” қасидалари Х.га татаббуъ тарзида ёзилган. “Насойим ул-муҳаббат”да Х.га бағишланган алоҳида фасл бор.

ХУДОЙҚУЛИ ШАЙХ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Пири Абулҳасан Ишқийнинг вафотидан кейин Хоразмда ишқия тариқатини давом эттирган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

“ХУЛОСАТ УЛ-АХБОР” – Ғиёсиддин Хондамирнинг умумий тарих фанига оид ёзган асари. Тўлиқ номи – “Хулосат ул-ахбор фий баён ал-ақвол ал-ахёр” (“Яхши кишиларнинг ҳаёти тўғрисида қисқача маълумотлар”). “Х.”нинг муқаддимасида муаллиф шундай ёзади: “Амир Алишер Навоий 904 йилда (1498–1499) ўз кутубхонасини менинг ихтиёримга топширди. Олти ойлик ўқиб-ўрганиш ва изланишлардан сўнг ушбу китобни ул Ҳазратга тақдиматдим”. “Х.” бир муқаддима ҳамда пайгамбарлар, подшоҳлар, илм-фан, ад-т ва сиёсат арбобларининг ҳаётини ёритувчи ўн мақоладан иборат. Китобнинг қўлёзма нусхалари Калькутта, Кобул, Тошкент ва Истанбулда сақланади. “Х.” француз ва инглиз тилларига таржима ва нашр қилинган.

ХУЛҚ – кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл-атвор; инсоннинг маъ-ий қиёфаси ва фаолиятига хос бўлган ахлоқий тушунча. Х. – эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда на-

моён бўлиш шакли. Инсонлар Х.ига қараб, яхши ёки ёмонга бўлинади. Лекин бу хислатлар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Х. шахс ҳаёт тарзининг ўзига хослигини, унинг фаолиятида ахлоқий қадрият тамойиллари нечоғли ўзлаштирилгани, одоб меъёрлари қай тарзда амалий аҳамият касб этганини ва, аксинча, одоб-ахлоққа зид бўлган хислатлар мавжудлигини кўрсатиб туради. Шахс маъ-ий-руҳий кечинмалари айни вақтда унинг Х.и орқали амалий аҳамият касб этиб, ўзига хос бўлган фаолият меъёрларини шакллантиради.

Яхши Х.лар инсонда пок сийрат, яхши одатлар, ақл, имон ва тавҳид туфайли намоён бўлади. Ёмон Х.лар эса маънавийтсизлик, ёмон табиат, ножўя хатти-ҳаракатларга одатланиш, ёвузликка мойил эътиқодсизлик сабабли юзага келади.

Абдураззоқ Қошониё талқини бўйича, Х.нинг уч даражаси бор:

Биринчиси, одабийлик мақомидан огоҳ бўлиш ва инсонийлик ўз моҳиятига кўра нималарга боғлиқ эканлигини аниқлаш. Бу огоҳликдан уч ўзак хислат – тўғрисузлик ва ишончлилик, одамларни яхши кўра билиш ҳамда одамларнинг огирини енгил қилишга шай туриш фазилатлари шаклланади.

Иккинчиси, Худо олдида ўз Х.ини тузатмоқ. Вунда ҳар бир иш фақат Ҳақ таоло лутфи ва иноятдан содир бўлиши, амалга ошган эзгу ишларнинг амалга ошгани учун Ҳақ таолога нисбатан ризо ва шукроналик туйғуларининг устувор бўлиши тушунилади.

Учинчиси, ўз Х.ини камолга етказиш орқали башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар б-н безанмоқ, фаолиятда ўзига ва Х.ига қараб эмас, Ҳақ таолонинг сифатлари ва гўзал исмлари тазоҳирига қараб иш тутмоқ.

Тас.нинг асосий мақсадларидан бири – яхши Х.лар б-н зийнатланиш, ёмон хислатларга қарши курашиб, гўзал ахлоқий фазилатларни эгаллаб боришдир. Зеро, ад-т ҳам айнан руҳий тарбия ва эзгу ахлоқни тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Навоий наздида, ҳар бир инсоннинг

ўз Х.ини мукаммаллаштириб, ўз фаолиятини доимий тарзда назорат қилиб бориши инсонийликнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

*Сен ўз хулқунгни тузгил,
бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди
ҳаргиз бўлмади фарзанд.
("Ғаройиб ус-сиғар", 115-ғазал)*

ХУМ – шароб ёки сирка сақланадиган, сополдан ясалган оғзи торроқ катта идиш; оғзи маҳкам беркитилган кўза. Тас. тилида тариқат солиқининг дастлабки мақомлардаги аҳволи, шунингдек, сир мартабаси ва руҳий латифлик маънолари тушунилади. Илоҳий маърифат манбаи бўлмиш пири комилнинг мажлиси ҳам баъзида Х.га ўхшатилади.

*Гар дурдии хум бўлсун агар соф пиёла,
Ичсум, чу азалдин
манга бу бўлди ҳавола
("Наводир уш-шабоб", 525-ғазал)*

ХУМОР/ХУММОР – одатланиш туфайли бирор нарсага бўлган чанқоқлик, муштоқлик, зўр истак. Тас. тилида руҳият оламидаги висолдан кейин башарият оламига қайтиш, ҳайрат оламида саргардон ошиқнинг ҳолати, илоҳий маърифатга чанқоқ солиқнинг сифати тушунилади:

*Ҳашр субҳигача маст ўлғум
гар этсам бир саҳар,
Бодаи лағлинг била дафғи хумор,
эй муғбача
("Наводир уш-шабоб", 524-ғазал)*

ХУМХОНА – май идишлари сақланадиган жой; майхона. Ирфоний истилоҳ сифатида кўнгилда зоҳир оламининг тажаллий топиши, қалбида ишқ туғён уриб турган солиқ, моддий олам маъноларини англатади.

*Айбим этманг бош кўтармайду
дебон хумхонадин,
Қилмайинму сажда, топсам
бу сифат меҳроблар?
("Ғаройиб ус-сиғар", 173-ғазал)*

ХУСРАВ, Хусрав Парвез – сосоний подшо Анушервоннинг набираси. 590 й.да

тахтга чиқиб, 628 й.да ўз ўғли Шеруянинг буйруғи б-н қатл этилган. Х. ҳақида тарихий ва адабий манбаларда қимматли маълумотлар келтирилади. Х., унинг гўзал хотини Ширин, рақиби Фарҳод, қотил ўғли Шеруя ҳақидаги ярим афсонавий маълумотлар фольклор, кейинчалик ёзма ад-та анъаналаридан мустаҳкам ўрин олган.

Х., Ширин ва Фарҳод учлиги, хусусан, Х. ва Ширин саргузашти ҳақида турли-туман афсона ва ривоятлар, вужудга келган.

Ёзма ад-тда биринчи бўлиб Абулқосим Фирдавсий Х. ва Ширин ҳақида дoston ёзган. Унда Х.нинг шаҳзодалиқ пайтидаёқ Ширин б-н яқин муносабатда бўлгани, лекин тахтга эришгач, маълум муддат у б-н алоқани узгани, бундан хафа бўлган Ширин Х.нинг йўлига чиқиб, ўртадаги муҳаббатни эсига солгани ҳақида ҳикоя қилинади. Шириннинг сўзларидан таъсирланган Х. уни расман шоҳ ҳарамига юборади. Х. Шириннинг нисбатан паст табақадан бўлгани учун малика деб тан олмаган муъбад (донишманд)ларга муносиб жавоб қайтарганидан сўнг сарой аъёнлари уни малика сифатида тан олади.

Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" дostonидан кейин мазкур мавзу ва образлар ҳамсачилиқ анъанасидан мустаҳкам ўрин олди. Хусрав ва Ширин ёки Фарҳод ва Ширин ҳақида ҳамсанавислардан ташқари бошқа шоирлар ҳам кўп асар ёзганлар.

Дастлабки афсона ва ривоятларда Х. ва Ширин, уларнинг севгиси, Х.нинг Ширинга уйланиши, саройнинг бу никоҳга муносабати, Х.нинг ўлдирилиши каби эпизодлар ҳикоя қилинса, кейинчалик Фарҳод ва Бесутун, қаср ва ариқ, от Шабдиз, қўшиқчи Бахлабанд (Борбад), Марям ва Шириннинг рашк-рақобати каби воқеалар, эпизодлар қўшилди. Буларнинг барчасини бош қаҳрамон Х. бир-бирига боғлаб турувчи восита бўлган.

Х. ҳақидаги манбаларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда "тарих" ва "афсона" ёндош ва қоришиқ ҳолда келади. Бу хусусият "Тарихи мулуки Ажам" асаридagi Х.га доир маълумотларга ҳам тааллуқли. Навоий тарихий маълумотларга асосланиб, Х.нинг отаси Ҳурмуз б-н қариндош ворис

Бахроми Чубина уртасидаги мухалифат, Хурмузнинг кўр қилиниши ва Х. Парвезнинг тахтга чиқишини баён этади. Навоийнинг фикрича, Х. Парвез Арман юртига чақиртирилади. Бу ҳолат Ширин ва Меҳинбонунинг афсона ва ривоятлардан арманистонлик сифатида урин олиши, афсона ва ривоятдаги маълумотларнинг “расмий” тарих китоблари таркибига сингиб бориши оқибати бўлиши мумкин (мазкур ўзгаришлар, албатта, “Тарихи мулки Ажам”га қадар содир бўлган).

Бахроми Чубина фаслида Навоий Х. Парвез устига Баҳромнинг қўшин тортгани, жангда Х.нинг мағлуб бўла бошлагани, отасига мурожаат этиб, унинг маслаҳати б-н Румга бориб, Қайсардан мадад олгани, Баҳромнинг енгилиб, Ҳокон хизматига боргани ва у ерда заҳарланиб ўлдирилгани баён этилади.

Х. фаслидаги яна бир тафсилот Х.нинг Марямга уйланиши б-н боғлиқ воқеа бўлиб, бу Сурия аноним хроникалари ва Х. ҳақидаги кўп ривоят ҳамда ёзма ад-т намуналаридан ҳам ўрин олган. “*Чун Парвез Румга етти, Қайсар анга камоҳи ҳолин билиб, яхши дилжўйлиқ қилиб, Марям отлиғ қизини анга никоҳ қилди ва қалин мадад бериб узотти...*”

(“Тарихи мулки Ажам”)

Шундан сўнг Навоий Х.нинг шон-шавкати ва доврўғи ҳақида ҳикоя қилади: “ва мукнат ва шавкати бир етга еттиким, андин бурунғи салотинга муяссар бўлмайдур эрди. Ва баъзи муаррихлар анга муяссар бўлгон нималарни ҳайрат тариқи б-н тездод қилибдурдар...” Булар жавоҳир б-н зийнатланган, тўрт поясига фалак, юлдузлар ва етти иклим тасвирланган Тоқдис деб номланган олтин тахт, ҳар бири чумчуқ тухуми катталигидаги жавоҳирлар б-н зийнатланган улкан гилам, Шабдиз номли машҳур от (у ўлгандан кейин Х. қояга унинг суратини солдириб шу б-н овунар экан); Борбад отлиғ “замонининг яғонаси бўлган муғанний, Шопур исмли тенги йўқ наққош, Бузург Умид деган аллома вазир, яна минг фил, ўн саккиз минг от, ўн икки минг “туркий” деб номланган оқ туя, неча минг соҳибжамол канизак ва

ҳ.к.дан иборат. Бу таъриф ва тавсиф Х.нинг шон-шавкати, мол-дунёси элу юртда дoston бўлиб, ҳақиқат б-н муболага уйғунлашиб кетганини кўрсатади. Шабдиз ва Борбад эса Хусрав ҳақидаги кўп афсона ва ривоятларда асосий қаҳрамонлар сифатида иштирок этади.

Х. ва Ширин ёки Фарҳод ва Шириннинг ёзма манбалардан ташқари халқ оғзаки ижоди шаклидаги кисса, афсона ва ривоятларнинг турли-туман вариантлари ҳам бўлган. Навоий ҳам ёзма манбалар, ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари б-н яхши таниш бўлган. Вунга унинг лирикасидаги айрим сатрлар ҳам яққол далил бўлади:

Ҳийла ожизлиқдин

айлар ошиқ, англа, эй кўнгул,

Ким забунроқ ишқ аро

Фарҳоддин Парвез эрур.

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Х.ни бош қаҳрамон сифатида танламаганининг юқоридаги икки сабабидан ташқари унинг ҳам тожу тахт, ҳам ишққа бирдай даъво қилиши эди. Навоийнинг фикрича, шоҳлик ва ошиқликни тенг қўйиб бўлмайди. Шунинг учун Навоий тахтдан воз кечган шахзода Фарҳодни ҳақиқий ишқ соҳиби, достоннинг бош қаҳрамони сифатида танлайди, Х. Парвез эса дунё аҳли ва авом ишқи соҳиби сифатида тасвирланади.

Достоннинг бошидан охиригача Х. салбий феъл-атворга эга қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Х. гарчи подшоҳ бўлса-да, Ширин унга мойиллик билдирмайди, Меҳинбону эса у б-н фақат сиёсат учун муроаса қилади, ҳатто ўғли Шеруя ҳам ундан безиб, қатл этиш даражасигача этади. У Ширинга фақат яхшироқ, тахтга муносиб фарзандни дунёга келтириш учун уйланмоқчи бўлади.

Шаҳе эрдикӣ дерлар они Хусрав,

Мутии амри гардуни сабукрав.

(“Фарҳод ва Ширин”)

“ХУСРАВ ВА ШИРИН” – Низомий Ганжавийнинг “Панж ганж”и таркибидаги иккинчи дoston. Салжуқийлар ҳукмдори Тўғрул II (1174–1194) нинг топшириғи

6-н 1180–81 й.ларда ёзилган. Ҳажми манбаларда 6139 байтдан 6500 байтгача деб кўрсатилади. Достоннинг асосини Мадойин шаҳзодаси Хусрав Парвиз б-н Бардаъ маликаси Ширин ўртасидаги мураккаб севги саргузаштлари ташкил этади. “Х.” анъанавий муқаддимадан сўнг Мадойин ҳукмдори Хурмуз хонадониди Хусрав Парвизнинг туғилиши туфайли уюштирилган шодиёна тасвири б-н бошланади. Бола тарбиясига алоҳида эътибор б-н қарайдилар: у фавқулудда куч ва ғайрат, ақл-идрок эгаси бўлиб улғаяди. Лекин шу б-н бирга унинг табиатида енгилтаклик, беқарорлик ҳам мавжуд эди. Бир куни Хусрав Шопур исмли рассомдан Бардаъ ҳукмдори Меҳинбонунинг гўзалликда тенгсиз жияни Ширин ҳақида ҳикоя эшитади ва унга ошиқ бўлиб қолади. Хусрав Шопурни Бардаъга совчиликка юборади. Шопур Ширинга Хусравнинг суратини кўрсатади ва Ширин Мадойинга Хусравнинг ҳузурига келади. Лекин бу пайтда Хусрав ва унинг отаси ўртасида низо чиқиб, Хусрав мамлакатдан қочиб кетган эди. Ширин ва Хусрав учраша олмайдилар. Ширин Мадойинда узок қолиб кетади ва унга шаҳардан ташқарига, тошлоқдан иборат ерга қаср қуриб берадилар. Ширин шу ерда яшай бошлайди. Мадойин ҳукмдори Хурмуз вафот этгач, Хусрав тахтга ўтиради, лекин саркарда Баҳром Чубиннинг қаршилигига дош беролмай, Рум қайсарининг ҳузурига мадад истаб боради. У ердан қайсарнинг қизи Марямга уйланиб қайтади ва Мадойин тахтини қайтадан эгаллаб, салтанат ишларига шўнғиб кетади. Ширин Хусравнинг ҳажрида изтироб чекади ва Меҳинбону ҳузурига боради. Меҳинбону бу пайтда ўлим тўшагида эди. У Ширинга Бардаъ ҳукмронлигини топширади. Ширин мамлакатни бир ворисига топшириб, Мадойинга келади ва ўзининг тошлоқ қасрида яшай бошлайди. Ёшлигидан сут ичиб ўрганган Ширин бу ерда сут йўқлигидан қийналади. Шунинг учун унга яйловдан қасрга қадар сут ариғи қазириш ва бу ишда Фарҳод исмли уста муҳандис йигитнинг ёрдамидан фойдаланиш тўғрисида маслаҳат берадилар. Фарҳод сут ариғини қазишга киришади ва

Ширинни кўриб унга ошиқ бўлиб қолади. Буни эшитган Хусрав ҳийла б-н Фарҳодни ҳалок қилади. Бу орада Марям ҳам вафот этади. Хусравга исфаҳонлик Шакарнинг гўзаллиги ҳақида хабар келтирадилар ва Хусрав Шакарга уйланади. Лекин у Ширинни унута олмайди, Ширинни Мадойинга келтиришларини буюради. Хусравнинг Марямдан туғилган ўғли Шеруя Ширинни кўриб, отасини ўлдиради. Ширин ҳам Хусрав мақбараси ичига кириб, ўзини ҳалок қилади. Достон замона ҳукмдори Тўғрулшоҳнинг Низомийни ҳузурига чорлагани ва уни тақдирлаганига доир боб б-н хотима топади. “Х.” ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси маҳзүф ёки мақсур* вазни (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаувлун ёки мафойил V- - - / V- - - / V- - ёки V- ~) да ёзилган.

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг салафларга бағишланган 6-боби ҳамда достон режасини тузиш б-н боғлиқ 9-бобида Низомийнинг “Х.” достони ҳақида маълумот беради.

“ХУСРАВИА” МАДРАСАСИ – Алишер Навоий қурган бинои хайрлардан бири. Марв шаҳрида бино этилган ушбу мадрасанинг пойдеворини Султон Ҳусайн Вайқаронинг жияни – Кичик Мирзо номи б-н машҳур бўлган шаҳзода Мирзо Муҳаммад Султон қўйган. Кичик Мирзонинг бемаҳал ўлими сабабли ушбу мадрасанинг қурилиши чала қолган. Навоийнинг раҳбарлиги ва ҳиммати туфайли ушбу мадраса 1477 й. қуриб битказилиб, Кичик Мирзо хотира-сига “Х.” деб аталган. Шунингдек, “Хусравия” сўзининг ўзи абجد ҳисобида ушбу мадрасанинг қурилган йили (1477)ни ҳам билдиради.

ХУФФОШ – кўршапалак. Х. Навоий асарларида кенг қўлланилган образлардан бири. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да келтирилишича, Х. – Исо Масих мўъжизаси туфайли вужудга келган мавжудотдир: *“Ва сойир муъжизотидин бири хуффошдурким, болчиғдин ул хайғат била ясаб, нафасин анга сурди. Ва ул нафасдин руҳ топиб учти ва эмдигача бор”*.

Кўршаналак кундузи учмай, кечаси парвоз этиши ҳамда қоронғу жойларда маскан тутмоғи, Қуёш нурига тоқати йўқлиги, кўзи кўрмаса ҳам ҳавода бемалол учиши каби сифатлари мажоз йўсинида таъбир қилиниб, барчага ойдин бўлган ҳақиқатларни англашга ожиз, қалб кўзи ҳали очилмаган, жаҳолат зулмати ичра

қолган кўнгили соҳибларига нисбатан қўлланилган. Шунингдек, Илоҳ зотини англашда ожиз қолган огоҳдил орифлар ҳам баъзи ҳолатларда Х.га ўхшатилади:

Келди ёру бўлмас оллинда

муяссар фошлиғ.

Ул қуёштин топтук

охир мансаби хуффошлиғ.

(“Бадоеъ ул-васат”, 296-газал)



ЧАВГОН – учи эгри қилиб йўнилган махсус таёқ; шу таёқ ва гўй – махсус копток б-н отда ўйналадиган жамоавий спорт ўйини. Қад. Шарқда Ч. кўчманчи қабилаларнинг ўйини сифатида пайдо бўлган. Кейинроқ отлик аскарларнинг машғулотига айланган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лугот ит-турк”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Қайковуснинг “Қобуснома” асарларида Ч. ўйини ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ҳоз. даврда Ч. ўйинига асосланган “поло” ўйини омалашган.

Асадий Тусийнинг (11-аср) “Гўй ва Ч.” асарида Ч. ишқ мазҳари сифатида қўлланилган. Тас-ий ад-тда Ч. – маъшуканинг итоби ва ғзаби, Ёри азалнинг мутлақ ихтиёр ва ирода соҳиби эканлиги, қисматдаги илоҳий қаҳр каби маъноларни ифодалайди.

*Рашқдин кўп музтариброкдур
кўнгул ул гўйдин
Ким, кесиб бошимни
ул шўх урса чавгон ҳар тараф
("Ғаройиб ус-сиғар", 306-ғазал)*

ЧАЙҚАЛМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма олтинчиси. *Бир неча марта қимирла маъносидаги бу феъл асли чай ўзагидан такрор маъносини ифодаловчи – қа кўшимчаси б-н ҳосил қилинган: чай + қа / чайқа.* Бу феъл Навоий асарларида турли маъно нозикликларини ифодалашга хизмат қилган.

1) чайқалмоқ:

*Бас тўлодур жоминг, эй соқий,
илик титратмаким,
Мен ичай андинки,
тўққунгдур ани гар чайқалур.
("Наводир уш-шабоб", 137-ғазал)*

2) тўлқинланмоқ:

*Ким ул ҳолатдаким чайқалди дарё,
Сипоҳи мавжидин қўзғалди дарё.
("Фарҳод ва Ширин")*

3) титрамоқ, ларзага келмоқ:

*Фалак бирла ер сабасар чайқалиб,
Дема чайқалиб, барчаси қўзғалиб.
("Садди Искандарий", 76-боб)*

ЧАЛАБИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Табриз хаттотлик мактаби намояндаси. У Навоий асарларидан китобат қилган бир қўлёзма тўплам РМҚнинг Шарқ бўлимида ТНС 56-рақам остида сақланади. Қўлёзма таркибига “Арбаъин”, “Бадоеъ ул-бидоя” дебочаси, “Терма девон” ва “Вақфия” кирган. Ҳажми 225 варақ. Котиб “Чалабий” деб имзо чеккан ва 934 х.қ./1527–28 й.и Табриз шаҳрида кўчириб тугатганини қайд этган. “Терма девон” таркибида 6 та расм бор. Ч. кўчирган бу қўлёзма Табриз хаттотлик мактабининг энг юксак намуналаридан бири ҳисобланади.

ЧАЛИПО – хоч, салиб; христианлик динига мансубликни билдирувчи белги. Тас. тилида моддий олам рамзи ҳисобланади.

*Куфр дайри ичра маъво айлайин,
Азми зуннору чалипо айлайин
("Лисон ут-тайр", 78-боб)*

ЧАНГ I – гард, губор, тўзон:

Уйлаким марғулалар

кўргузди ул меҳроб уза,

Тўтиёдур хирмани гул

узра урган чанг хат.

(“Наводир уш-шабоб”, 282-ғазал)

ЧАНГ II – панжа, кафт, чангал:

Зоғеки чўқуб оқизди қон кўнглумдин,

Тирноғ ила узди нотавон кўнглумдин.

Азвосида кўр асар дамим дудидин,

Минжор ила чангида нишон кўнглумдин.

(“Ғаройиб ус-сигар”, 101-рубой)

ЧАНГ III – қутисимон трапеция ёки ёй шаклидаги, сим торлар тортилган, тирнама ёки қўш чўп б-н уриб чалинадиган жарангдор чолғу асбоби. Самоъ мажлисларида Ч. асбобидан кўп фойдаланилганлиги сабабли Навоий шеърларида “Ч. пири” тимсоли кенг қўлланилган. Қад. нужум илмида мусиқа аҳлининг ҳомийси – Зухра сайёраси қулида Ч. б-н тасвирланади. Тас. тилида кўнгилининг малакут оламига таважжуҳи ва ғайбдан келадиган нидо, илҳом ва файз маъносида тушунилади.

Соқий, хароби жоми хароботи ишқмен,

Тутқил қадах, муғанний,

этиб соз чангу даф.

(“Бадоеъ ул-васат”, 303-ғазал)

ЧАҒОНА (ф.) – мусиқа чолғуси. Манбаларда кўрсатилишича, Ч. Юнонистонда ихтиро этилган қадимий уд мусиқа чолғусининг бир тури бўлиб, “Сафоил” мусиқа чолғусининг қад. номи бўлиши ҳам мумкин.

“Эшитдимки, ул хароботийлар чангу чағона била ўқур”.

(“Насойим ул-муҳаббат”)

ЧЕКРИМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтинчиси. Манбаларда ушбу сўзнинг олдинга сурмоқ ҳамда *уйқуси қочмоқ, уйқусизликка йўликмоқ* каби маъноларни аңглатиши айtilган, бироқ бу феъл Навоий асарларида қўлланмаган. Ушбу феъл омонимлик хусусиятига эга деб тахмин қилиш мумкин. Чунки Навоий санаган, форс тили орқали ифодалаш имкони бўлмаган юзта феълнинг тартиби та-

содифий бўлмай, улар, аксарият ҳолларда, синонимик қатор қоидасига риоя этилган ҳолда тартибланган ва бу Навоийга туркий тилнинг нозик ҳамда бой ички имкониятларини кўрсатиш имконини берган. *Чекримак* сўзининг олдинга сурмоқ маъноси бу феълдан олдин келган *ўнглаймоқ* сўзининг касал ҳолдан соғайишга қараб йўналмоқ маъносига яқин бўлса; *чекримак*нинг *уйқуси қочмоқ, уйқусизликка йўликмоқ* маънолари ўзидан кейин келган *дўмсаймоқ* феълнинг *тўмсаймоқ*, қовоғини солмоқ маънолари б-н уйғун.

ЧЕХРА – одамнинг юзи, сиймоси. Маъжозий маънода инсоннинг кўрку жамоли, илоҳий тажаллий маъжари маъноларида қўлланилади. Навоий асарларида Ч. сўзи иштирокида ясалган қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: *гулчеҳра* – кизил юзли, гўзал; *моҳчеҳр* – ойдек гўзал юзли; *чеҳракушой* – юз кўрсатувчи; *кўзгучеҳралик* – кўзгудек тиниқ юзли; *чеҳрасой* – юзига суртувчи, мискин ошиқ; *чеҳраолой* – юзни булғайдиган; *чеҳрафарсой* – юзга доғ солувчи.

Тийғ ила душвор айлабсен

Навоий қатлини,

Чехрадин бурқажни олғилким,

басе осон эрур.

(“Бадоеъ ул-васат”, 154-ғазал)

ЧИГИЛ – қабила ҳамда Туркистондаги қадимий шаҳарнинг номи. Эраклари ботирлик ва аёллари гўзаллиги б-н машҳур бўлган. Навоий “Садди Искандарий”да Искандар Ч.ни дипломатик йўл б-н ўз тасарруфига олгани ҳақида қуйидаги байтни келтиради:

Чигил бирла Яғмодин айлаб убур,

Нечукким, чамандин сабову дабур.

Лирик асарларда Ч. – гўзаллар диёри сифатида васф қилинган:

Вах, не тун эрди буким,

келгай деб ул шамъи Чигил,

Шомдин то субҳ

тортармен саросар интизор.

(“Ғавойид ул-кибар”, 157-ғазал)

ЧИДАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъ-

кидлаган юзта феълнинг саксон тўққизинчиси. *Бардош бермоқ, сабр қилмоқ, таҳаммул қилмоқ* сингари маъноларни англатган бу феъл қад. туркий тилда ҳам шу мазмунда қўлланган ва унли товушлари бироз қаттиқроқ талаффуз қилинган.

Эйки бир ой ишқидин

ошуфтасен, васл истасанг,

Ҳар жафо қилса чида,

ҳар навъ бедод этса тўз.

(“Фавоид ул-кибар”, 210-газал)

ЧИКАНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон олтинчиси. Мазкур феъл *қадам* феъли б-н синоним, аммо манбаларда бу феълнинг *янчмоқ, ясамоқ, тепмоқ* каби маъноларни англатиши ҳам айtilган.

ЧИНГА (ўзб.) – туркий қавмларда келини кутиб олиш вақтида айtilадиган никоқ маросими қўшиғи. Халқ мусиқа ижодининг “ёр-ёр” ёки “ўлан”ига тўғри келадиган фольклор намунаси.

“Яна “чинга” дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кучирур туйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур”.

(“Мезон ул-авзон”)

Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,

Наво чекки, хай-хай уланг, жон уланг!

(“Садди Искандарий”)

ЧИЧАРКАМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш иккинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида қўлланмаган. Манбаларда *қовурмоқ, мақтанмоқ, гурурланмоқ* маъноларида келиши таъкидланади.

ЧУПРУТМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш еттинчиси. Мазкур феъл юзта феъл таркибидаги бир қатор феъллар сингари Навоий асарларида қўлланган эмас, аммо манбаларда *олдидан тўлаб қўймоқ* тарзида изоҳланган.





ШАБАХИЙ, Абубакр Муҳаммад бин Жаъфар Шабахий (ваф. 981 й.дан олдин) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абу Усмон Ҳирий суҳбатида бўлган. Нишопурдаги жавонмардлик тариқатининг намояндаси. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАББУЙИ МАРВАЗИЙ, Абу Али Муҳаммад бин Муҳаммад бин Умар – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. “Саҳиҳи Бухорий”ни тўлиқ ёд билган. *Абулаббос Сайёрий*нинг муриди. Шайх Абусаид Абулхайр ва Абу Али Даққоқ суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ШАБДЕЗ, Шабдиз – қора тусли от. Хусрав Парвизнинг учқур оти. Навоий шеърлятида от, Хусравнинг оти, шунингдек, иборалар таркибида қора ранг маъносида мажоз этилган.

*Кеча Шабдезин айлаб тангбаста,
Янги ойдин қилиб сатлига даста.*

(“*Фарҳод ва Ширин*”, 2-боб)

ШАБУСТАРИЙ, Шайх Саъиддин Маҳмуд бин Аминиддин Абдулкарим бин Яҳё (1289 – Табриз яқинидаги Шабустар қишлоғи – 1321) – шоир, ориф, тасаввуф назариятчиси. Ўз даврининг асосий илмларини эгаллаган. Эрон, Хуросон, Миср, Шом, Ҳижоз каби Шарқнинг йирик шаҳарлари-

га саёҳат қилиб, машҳур уламо ва машоихлар суҳбатиغا етишган. Сафар чоғида Қирмонда оила қуриб, фарзандлар кўради. Фарзандларининг ҳам барчаси машҳур кишилар бўлиб етишади. Жумладан, бир ўгли шоир бўлиб, отасининг “Тулшани роз” асарига шарҳ ҳам битган.

Ш. умрининг охирида туғилган қишлоғи Шабустарга қайтиб, 1321 й. 33 ёшида вафот этади ва васиятига кўра устози Шайх Баҳоуддин Яъқуб Табризий ёнига дафн қилинади. Ш.нинг “Тулшани роз”, “Саодатнома”, “Ҳаққул-яқин” (“Шубҳадан холи ҳақиқат”), “Шоҳиднома”, “Миръот ул-муҳаққиқин” (“Ҳақиқат аҳлининг кўзгуси”) каби асарлари бор. Улардан “Тулшани роз” жуда машҳур бўлиб, кейинроқ бу асарга 18 дан ортиқ шарҳлар битилган. “Насойим ул-муҳаббат”да Ш. ҳақида алоҳида фасл мавжуд (яна қар.: “*Тулшани роз*”).

ШАВҚ – кучли ҳавас, майл, интилиш; интиёқ; шундай қизиқиш ва интилиш туфайли юзага келган руҳий ҳолат. Тас. да Ш. – ҳолнинг муайян босқичи бўлиб, Маҳбуб жамолининг муҳиб ботинида юз кўрсатишига муштоқликни билдиради. Ш. пайдо бўлишининг асосий шарт ҳақиқий муҳаббатнинг мавжудлигидир. Абу Усмон Ҳирий айтганидек, муҳаббатсиз Ш. бўлмас, негаки Ш. муҳаббат мевасидир. Ҳақ таолони севган кишиларгина Унинг дийдорига муштоқ бўладилар. Ш. муҳаббатнинг даражасига қараб, икки хил бўлади: Ҳақ таоло сифатлари муҳибларининг Ш.и ҳамда Ҳақ таоло Зоти муҳибларининг Ш.и. Куччилик толиблар Аллоҳнинг раҳмати ва карамига

муштоқдирлар, булар Ҳақ таолонинг жамолий сифатлари муҳибларидирлар. Баъзилар эса Аллоҳнинг ўзига толибдирлар ва уларнинг Ш.и ҳам Унинг ўзига нисбатангина пайдо бўлади. Ш. кучайиб боргани сайин сабр камаяди. Шундай ақида ҳам борки, Ш. талаб пайтида содир бўладиган ҳолдир. Висол ҳосил бўлгач, Ш. йўқолади. Аммо кўпчилик сўфийларнинг фикрига кўра, талаб ва ҳижрон пайтидаги муштоқликдан кўра, висол пайтидаги Ш. минг чандон кучли. Негаки, дийдор Ш. ва муҳаббатнинг янада зўрайишига олиб келади.

Навоий шеърятисида Ш. ва унинг негизидан ясалган иштиёқ, муштоқ, муштоқлик сўзлари юқоридаги таъриф ва талқинларнинг бадиий ифодасига хизмат қилган.

*Гарчи ҳар дамким соғинсам, шавқидин
жоним чиқар,
Истамон жонимни гофил бир дам онинг
ёдидин.
("Наводир уш-шабоб", 458-ғазал)*

ШАЙБОН БИН АЛИ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дуоסי мустажоб бўлган мисрлик авлиё. Кўп шайхларга муршид бўлган. Кўнгилни хато ва ғафлатдан, нафси ҳою ҳавасдан, тилни ёлғондан поклашни тажриднинг асосий шарти деб билган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙБОНИЙ, Муҳаммад бин ал-Ҳасан бин Абдуллоҳ бин Товус бин Ҳурмуз (ваф. 805, Дамашқ) – қози, факих ва муҳаддис. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг аждоди. Халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) даврида исломни қабул қилган. Ш. Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг устозларидан бири бўлган. Шофейй ҳам ундан ҳадис ривоят қилган. Навоий “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомийнинг аждодлари ҳақида сўзлаганда у киши нисбатининг Ш.га етиб боришини кайд этган.

ШАЙДО – муҳаббатдан девона бўлган, ҳаддан ташқари гирифтор ошиқ, кучли ғалаён солувчи ишқ соҳибининг сифати. Кўнгил ҳамда жазба соҳибларига ҳам Ш.лик сифати қўлланилади.

Ишқ нобуд этти бизни

волаю шайдо қилиб,

Қатл учун ҳар лаҳза

муҳлик боисе пайдо қилиб.

("Бадоеъ ул-васат", 53-ғазал)

ШАЙХ АБДУЛЛОҲ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг мажнунтабиат киши экани, баъзан шеърлар ёзиб туриши, оиласидаги барча – хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, хуш назмий таъбага эгаллигини таъкидлаб, “Мажолис ун-нафоис”да қуйидаги байтини келтиради:

Мани мискин ба сари

кўи ту ҳарчанд давидам,

Ғайри оҳю сирिशке

зи дилу дида надидам.

(Мазмуни: Мен бечора кўчанг бошида ҳарчанд тентираб юрсам-да, кўнгил оҳи ва кўз ёшидан бошқа ҳеч нарса кўрмадим).

ШАЙХ АБДУЛЛОҲ БАЛЁНИЙ (ваф. 1282) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Лақаби – Авҳадуддин. Шайх Абу Али Даққоқ авлодидан. Саъдий Шерозий, Рўзбехон Бақдий, Нажибуддин Али Бузғуш б-н ҳамсуҳбат бўлган. Ирфоний шеърлар ҳам ёзган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБДУЛЛОҲ БАРНИШОВОДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хожа Исҳоқ Шаҳиднинг муриди. Ўз хонақоҳида муридларнинг руҳий тарбияси б-н шуғулланган. Ўша давр подшоҳи ҳам унга эътиқод ва эҳтиром кўрсатган. Зикр талқинига кўп аҳамият берган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБДУЛЛОҲ ҒАРЖИСТОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳирот яқинидаги Ғаржистон вилоятида туғилган. *Рукниддин Алоуддавла Симноний*нинг муриди. Маънавий раҳнамолик даражасига етганидан

кейин пирининг ижозати б-н Тус шахрига бориб, у ерда *Бобо Махмуд Тусий*, Дарвеш Хинду Илс, Мавлоно Разиуддин Али Моёний, *Ахий Али Қутлуқшоҳи* тарбиялаган. Уша давр подшоҳи б-н урушга бориб, ҳалок бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ АБДУЛЛОҲ БОКУ, Али бин Муҳаммад бин Абдуллоҳ (ваф. 1050) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Айбук Нажжор, Абу Абдуллоҳ Рудборий, Абдуллоҳ Ансорий, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Имом Қушайрий, Абусаид Абулхайр суҳбатидан баҳраманд бўлган. Ҳаж сафарини адо қилиб, бир муддат Шерозда яшаганидан сўнг Нишопур яқинидаги бир горда умр кечирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ АБДУЛЛОҲ ДОСТОНИЙ, Муҳаммад бин Али (985–1036) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Лақаби – Шайх ул-машойих. Шайх Воязид Бистомийнинг авлодидан. Шайх Абулҳасан Харақонийнинг муриди. “Қашф ул-маҳжуб”да унинг дуоסי баракотидан Бистомдан чигиртка офати даф бўлгани ҳақида ҳикоят келтирилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД БИН ИБРОҲИМ ҚУРАШИЙ ҲОШИМИЙ (ваф. 1203) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳақиқий олим одамларнинг кўнглидагини билгувчи ҳамда уларнинг иши оқибатидан хабардор қилгувчи кишидир, деган ақидада бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ АБДУЛЛОҲ САВМАЪИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Эроннинг Гилон ш.да яшаган. Ғавсулаъзам Муҳйиддин Абдулқодир

Жилийнинг бобоси. Бир вақтнинг ўзида икки жойда хозир бўлиш кароматини воҳир этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ АБДУЛЛОҲ ТОҚИЙ, Муҳаммад бин Фаъл (ваф. 1026) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Сейистон яқинидаги Тоқ кўрғонда туғилган. Мусо бин Имрон Жийрафтийнинг погирди. Ҳанбалийлик мазҳаби бўйича Хожа Абдуллоҳ Ансорийга фикҳдан таълим берган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ АЛИ ДАҚҚОҚ, Ҳасан бин Муҳаммад Даққоқ (ваф. 1015, Нишопур) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Абулқосим Насрободий*нинг муриди. Али бин Бундор Суфий Сайрафий, Шайх Сайдалоний, Абу Али Шаббуий Марвазий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Муриди ва куёви – Шайх Абулқосим Қушайрий унинг мақолотини тўплаб, китоб ҳолига келтирган. Самоъ ва зикри жаҳриядан кўра, муроқаб ва зикри хайийни афзал деб ҳисоблаган. Ўзини дунё ақлидан узоқ тугиш ва ҳукмдорлар саройига бормаслик, қаноат ва узлатда яшаш тарзини тарғиб қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ АЛИ ФОРМАДИЙ, Фаъл бин Муҳаммад (1016–1084) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дастлабки таълимни она юрти – Тусда олади, сўнг таҳсилни Нишопурга бориб Сарожон мадрасасида давом эттиради. Шайх Абусаид Абулхайр б-н ҳамсуҳбат бўлган. Абулқосим Қушайрийдан зикр одоби ва мавъизани, Шайх Абулқосим Куррагоний ва Шайх Абулҳасан Харақонийдан тас. илмини ўрганган. Куррагоний уни куёв қилиб, иршод ва вазъ ижозасини берган. Муҳаммад Ғаззолий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Абулҳасан Бустийнинг устози. Ҳаққўй

ва фасоҳатли воиз бўлганлиги учун “Лисон ул-вақт” лақаби б-н машҳур бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ АМР САРИФИНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хизр б-н суҳбатлашган. Силсила омонатини Шайх Абдулқодир Жилийдан олган. Абдулғани бин Нуктанинг пири. Жомий ушбу шайх ҳақидаги бобда Абдулқодир Жилийнинг қароматлари хусусида батафсил сўз юритган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ ЗАР БУЗЖОНИЙ (10-аср) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопур яқинидаги Бузжон (ҳоз. Турбати Жом) қишлоғида туғилган. Арабий ва форсий шеърлар ҳам ёзган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ ЗУРЪА АРДАВИЛИЙ, Абдулваҳҳоб бин Муҳаммад бин Айноб (ваф. 1025) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шерозда яшаган. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийнинг кўп сафарларида ҳамроҳлик қилган. Умри охирида баъзи сўфийлар б-н ихтилофда бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ ЗУРЪА РОЗИЙ, Аҳмад бин Муҳаммад – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абубакр Шиблийнинг шогирди. Ҳазил-мутойибага ўч бўлган. Дин софлиги учун курашган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ ИСҲОҚ ШОМИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Валиларнинг абдоллар тоифасига мансуб бўлган. Чиштига тариқатининг асосчиси Хожа Абу Ҳомид Абдол Чиштиининг

пири. Ироқнинг Аккад ш.да вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ МАДЯН МАҒРИБИЙ, Шуъайб бин Ҳасан (ваф. 1194) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Яманнинг улуг шайхларидан бири бўлган. Муҳйиддин ибн Арабийнинг устози. Ибн Арабий “Футуҳот ул-Маккия” ва “Фусус ул-ҳикмат” асарларида устози айтган ҳикмат ва маънолардан кўп иқтибос келтирган. Араб тилида шеър ҳам ёзган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУ МАНСУР ГОЗУР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Аму, Шайх Аҳмад Нажжор Астарободий, Абу Наср Саррож суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ НАСР ҚАВБОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Амр Аккоф, Абу Амр Нужайд, Абу Абдуллоҳ Монак суҳбатидан баҳраманд бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ САЛАМА БОВАРДИЙ, Абулқосим Бишр бин Муҳаммад бин Абдуллоҳ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Рудборий, Аббос Шоир Румий, Абу Амр Нужайд, Абу Яъқуб Наҳражурий суҳбатига мушарраф бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг пирларидан бири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУ ТОҲИР КУРД – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Аҳмад Жомий у б-н доимий мулоқотда бўлган. Манбаларда Хизр алай-хиссалом б-н учрашгани ва ундан сабоқ ол-

гани айтилади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУАЛИ СИЁХ (ваф. 1033) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абулаббос Қассоб ва Шайх Аҳмад Наср б-н бир даврда яшаган. Абуали Даққоннинг поғирди. Деҳқончилик б-н шуғулланган. Ўттиз йил бошқаларга билдирмаган ҳолда сурункали тарада рўза тутган. Марвда умр кечирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУБАКР БИН АБДУЛЛОҲ ТУСИЙ НАССОЖ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абулқосим Куррагонийнинг муриди. Абулқосим Динаварий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Хожа Аҳмад Ғаззолийнинг устози. Шайх Абусаид Абулхайр ўз хирқасининг нисбатида унинг исмини ҳам зикр этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУБАКР ТУСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Жамна дарёси бўйида хонақоҳ қурдирган. Сув устида намоз ўқий олиш кароматига эга бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”да ушбу шайх ҳақидаги маълумот *Шайх Маликёр Парронга* бағишланган фаслда умумий ҳолатда келтирилган. Бу фасл тазкирага Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ АБУЛАББОС ДАМАНҲУРИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Қоҳира ва Искандария ўртасидаги Даманҳур шаҳрида яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУЛАББОС МЎРАЗАН БАҒДОДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Касби тошойна ва мис идишларни қолаган зангни кетказиш бўлгани ҳамда солиқларнинг қалб кўзгу-

сини турли нафсоний истаклардан поклаб сайқал бергани учун “Мўразан” лақабини олган. “Насойим ул-муҳаббат”да унинг тилдан келтирилган ҳикмат Мансур Ҳалложга ҳам нисбат берилади.

ШАЙХ АБУЛАББОС ШАҚҶОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопур яқинидаги Шаққон қишлоғида туғилган. Али бин Усмон Ҳужвирийнинг устози. Абу Саид Абулхайр б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУЛАББОС ҚАССОБ ОМУЛИЙ, Аҳмад бин Муҳаммад бин Абдулкарим – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хизр (а.) б-н гойибона суҳбатлашган. Шайх Абу Саид Абулхайр унинг қўлидан хирқа кийган. Шайх Аҳмад Наср, Шайх Абуали Сиёх, Шайх Абулҳасан Харақоний, Шайх Аму б-н суҳбатлашиш шарафига мушарраф бўлган. Абу Али Заргарнинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қискартириб киритган.

ШАЙХ АБУЛЛАЙС ФУШАНЖИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳирот яқинидаги Пўшанг (ҳоз. Ғўриён)да туғилиб, Ҳиротнинг Хиёбон мавзеида вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қискартириб киритган.

ШАЙХ АБУЛМАКОРИМ РУКНУДДИН АЛОУДДАВЛА СИМНОНИЙ (1213–1336) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Отаси Шарафиддин Муҳаммад Биёбонакий Бағдод ва Ироқ ўлкаси ҳокими, амакиси Амир Аргун Элхонийга вазир, тоғаси шаҳар қозиси бўлган. Ўзи ҳам 15 ёшида Амир Аргун хизматига кириб, “Алоуддавла” лақаби б-н тақдирланган. Амир Аргун ва Султон Аҳмад ўртасида бўлган жангга (1284) унга илоҳий жазба етиб, сипоҳийликни тарк этган ва тас. га юз тутган. 1288 й. ҳаж фарзини адо эт-

ган. Бағдодда Шайх Нуриддин Абдурахмон Исфаройиний Касиркийга мурид тушиб, бир муддат Шунизия маскидида чилла утирган. Уч йилдан сунг пиридан иршодга ижозат олиб, Симнонга қайтган ва Саккокия хонақоҳида руҳий тарбия б-н машғул бўлган. Аллома Қутбиддин Шерозий, Тожиддин Алишоҳ Табризий, Шайх Ҳасан Булғорий б-н яқин алоқада бўлган. Умри давомида 270 марта чилла утирганига қарамай, 300 дан ортиқ асар ёзган. Хуросон ва Ҳиндистонда кубравийлик тариқатининг ёйилишида катта ҳисса қўшган. Шайх Нажмиддин Муҳаммад Эдконий, Ахий Али Деҳистоний, Абулбаракот Али Дўсти Симноний, Шайх Абдуллоҳ Фаржистоний, Шоҳ Али Фароҳий, Шайх Ваҳоуддин Умар каби муридларни тарбиялаган. Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг муҳолифи сифатида Шайх Камолиддин Абдураззоқ Коший б-н мактуб орқали мунозара қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУЛФАЗЛ ҲАСАН САРАХСИЙ, Муҳаммад бин Ҳасан – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Наср Саррожнинг муриди. Шайх Абу Саид Абулхайрнинг пири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУЛҚОСИМ БИШР ЁСИН (ваф. 991) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абу Саид Абулхайрнинг биринчи устози. Ирфоний рубоийларни муридларга илк марта зикр ўрнида талқин қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУЛҚОСИМ КУРРАГОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тус шаҳри яқинидаги Куррагон ш.да туғилган. Ўз даврининг йирик машойихларидан бири бўлган. Хирқани Абу Усмон Мағрибий қўлидан олган. Шайх Абу Али Формадий ва Абубакр Нассож Тусийнинг пири. Шайх Абу Саид Абулхайр

б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУЛҒАЙС ЖАМИЛЯМАНИЙ (ваф. 1253) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дастлаб қароқчилик б-н шуғулланган. Илоҳий жазба туфайли тавба мақомига етишиб, Шайх ибн Афлаҳ Яманий қошида тариқат бўйича таълим олган. Кейинчалик Шайх Кабир Али Аҳдал ҳузурда тариқат амалларини мукаммал этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АБУЛҲАСАН БИШР СИЖЗИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, муҳаддис. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийнинг муриди. Шайх Абулҳусайн Сирвоний Сағир, Абулҳусайн Ҷаҳзам, Абу Амр Нуҷайд, Абубакр Турсусий, Ҳусрий, Абулҳусайн Нурий, Абу Зуръа Табарий суҳбатига мушарраф бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг устозларидан бири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУЛҲАСАН ВУСТИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абулҳасан Формадийнинг муриди. Шайх Ҳасан Саккок Симноний ва Муҳаммад бин Ҳаммавия Жувайнийнинг пири. Айнулқуззот Ҳамадонийнинг “Тамҳидот”идан иқтибос қилинган рубоийси тас. аҳли орасида жуда машҳур бўлиб, унда қора нур – илоҳий зот тажаллийси ҳақида сўз боради. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АБУЛҲАСАН ИШҚИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Хоразмда туғилган. Ишқий тариқатининг шайхи Бозид Ишқийнинг муриди. Маҳмуд Шайхзоданинг отаси ва пири. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ АБУЛҲАСАН МАҒРИБИЙ ШОЗИЛИЙ, Али бин Абдуллоҳ (ваф. 1256) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Марокашдаги Шозила қишлоғида туғилиб, Мисрдаги Искандария ш.да яшаган. Имом Ҳасан бин Алининг авлодидан. Шайх Абулаббос Мурсийнинг пири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АЛИ КҮРДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мажзуб девоналардан. Дамашқ аҳли унинг ҳукмларини қул ўз хўжайинининг амрини бажаргандек бажарган экан. Шаҳобиддин Сухравардий Дамашққа келганида у б-н мулоқот қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АЛОУДДИН ХОРАЗМИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Имом Ёфийийнинг гувоҳлик беришича, бир таҳорат б-н ўн икки кун намоз ўқиб, ўн беш йил ёнини ерга қўймаган экан. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”даги Имом Ёфийийнинг “Равз ур-раёҳин” асари асосида ёзилган ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ШАЙХ АММОР ЁСИР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абуннажиб Сухравардийнинг муриди. Шайх *Нажмиддин Куброний*нинг устозларидан бири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АМУ, Аҳмад бин Муҳаммад бин Ҳамза Суфий (960–1050) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исмоил. Абулаббос Ниҳовандий унга Шайх Аму (улуғ шайх) деб лақаб қўйган. Абу Абдуллоҳ Аҳмад бин Абдураҳмон Наср Молиний, Абулаббос Нисоий, Абубакр Фарроъ, Абубакр Сусий, Муҳаммад Табароний, Абубакр Муфид, Абулхайр Ҳабаший, Абулҳусайн Сирвоний

Сағир, Абдуллоҳ Дуний, Шайх Имрон Сулсий, Боб Фарғоний, Абулҳасан Жаҳзам, Муҳаммад Сохарий, Абу Усома, Абулҳасан Саркий, Абулаббос Қассоб, Абулфараж Тарсусий суҳбатига мушарраф бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорий тас. одобини ундан ўрганган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АҲМАД ЖУВОЛГАР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фарғона водийсидан. Маккада узоқ йиллар мужовир бўлиб яшаган. Шайх Муҳаммад Сохарий, Абулҳусайн Саркий, шайх Аму суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АҲМАД КУФОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Амунинг муриди. Пири б-н сафарларда бирга бўлиб, қўлаб машойхларнинг суҳбатига муяссар бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорий б-н бир даврда яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АҲМАД НАЖЖОР АСТАРОБОДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дурадгорлик б-н шуғулланганлиги учун “Нажжор” нисбасини олган. Абубакр Шиблий, Муртаъиш, Шайх Аҳмад Чистий, Шайх Абу Мансур Гозур суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АҲМАД НАСР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абулаббос Қассоб, Ҳусрий ва Макка машойихлари б-н мулоқот қилган. Тавҳид бобида бир нотўғри сўз айтгани учун бир йил риёзат чеккан, сўнг шайхлар илтифотига сазовор бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АҲМАД ЧИШТИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Маломатийлик тариқатининг йирик намоядаси. Хожа Абдуллоҳ Ансорий б-н бир даврда яшаган. Уч марта ҳаж сафарига чиқиб, кўнглида риё борлигини сезгани учун йўлдан қайтган. Ансорий унинг укаси Хожа Муҳаммад Исмоилни ҳам каромат соҳибларидан бири, деб таърифлаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ АҲМАД ҲАРРОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Жазаирдаги қадимий Ҳаррон ш.да туғилган. Шайх Абулҳасан Муътамир, Ҳусрий ва Жаҳм Раққийдан ҳикоятлар келтирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ АҲМАД ҲОЖИ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Ҳусрий ва Аҳмад Тазарий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг устозларидан бири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ БАРАКА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Айнулқуззот Ҳамадоний б-н бир даврда яшаган. Хат-саводи бўлмаса-да, Қуръон тафсири ва ҳол илмида ўз даврининг пешқадами бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ БАҚО БИН БАТТУ (ваф. 1164) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Али Ҳайтий, Шайх Абуннажиб Сухравардий, Шайх Жогир, Шайх Қазиб ул-бон Мавсилий, Шайх Абусуъуд суҳбагидан баҳраманд бўлган. Пири Шайх Абдулқодир Жилийдан кўп кароматлар ривоят қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ БУЗҒУШ ШЕРОЗИЙ, Нажибуддин Али ибни Барғаш Шерозий (ваф. 1280, Шероз) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи.

Шомдан Шерозга келиб яшаб қолган бой савдогарнинг ўгли бўлиб, исми – Али, лақаби – Нажибуддин. Бадавлат оиладан бўлишига қарамай, фақирона турмуш тарзини одат қилиб, жундан тикилган чакмон кийган ва оддийгина еб-ичган. Шайх Иброҳимнинг тавсияси б-н Шайх Шаҳобиддин Сухравардий хизматига боради ва унинг қўлидан хирқа кияди. Шайхнинг ижозати б-н Шерозга қайтиб, хонақоҳ очади ва мурид тарбияси б-н машғул бўлади. Ҳоли ва кароматлари халқ орасида машҳур. Сухравардийга эргашиб ёзган гўзал шеърлари, етук рисолалари бор.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ БАҲЉЛУБЕК (15-аср) – давлат арбоби, шоир, табиб. Навоийнинг ота бир, она бошқа акаси. Бир муддат Хоразмда ҳокимлик қилган. Истеъфога чиққач, Навоийнинг хўжалик ишларини бошқарган. Дарवेश Али каби у ҳам табобатга қизиққан. Таъби наъми ҳам бўлиб, муаммолар ёзиб турган. Лекин бадий ижод б-н жиддий шуғулланмаган.

Ш.Б.нинг Амир Камолиддин Султон Ҳусайн деган ўғли, унинг Мир Иброҳим деган фарзанди бўлиб, иккаласи ҳам шеър ёзган. Навоий Мир Иброҳимни фарзанд қилиб олиб, ўзи тарбиялаган.

ШАЙХ БАҲОУДДИН ВАЛАД, Муҳаммад бин Ҳусайн бин Аҳмад ал-Хатибий ал-Бакрий (ваф. 1231) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. “Султон ул-уламо” лақаби б-н машҳур бўлган. Жалолиддин Румийнинг отаси. Ота томонидан Абубакр Сиддик, она томонидан Хоразмшоҳлар авлодидан. Шайх Нажмиддин Куброний муриди. Мўғуллар истилосидан олдинроқ Хоразмни тарк этиб, ҳаж сафарига борган. Сафарда Шайх Шаҳобиддин Сухравардий, Аттор Ниспопурий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Рум (ҳоз. Туркия)га бориб, тўрт йил Арвинжон, етти йил Лоран

дада яшаб, умри охирида Кўнеда умргузаронлик қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ БАҲОУДДИН ЗАКАРИЁ МУЛТОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мултон шаҳри (ҳоз. Покистоннинг Панжоб вилояти)да туғилган. Сухравардийлик тариқатининг Ҳиндистонда ёйилишида ҳисса қўшган. Шайх Фаҳриддин Ироқий ва Шайх Ҳусайнийнинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ БАҲОУДДИН УМАР (ваф. 1453) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Муҳаммад Шоҳ Фароҳийнинг жияни ва муриди, кубравийлик тариқатининг йirik намояндаси. Мавлоно Саъиддин Кошғарийнинг гувоҳлик беришича, ҳаж сафарига рўзадор ҳолида чиққанида йўлда касал бўлиб қолади. Ғайб эраклари унинг зиёратига келганидан кейин тўзалиб, рўзани бузишига ҳожат қолмайди. Ҳирот ижтимоий ҳаётига катта таъсир ўтказган. Подшоҳ Абулқосим Бобур унинг жанозасида шахсан қатнашиб, Ҳиротнинг Ийдгоҳ масжиди пимолида катта зиёратгоҳ қурдиради. Жомий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ БУКАЙР ДАРРОЖ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абулҳусайн Даррожнинг укаси. Зухд ва тақвода акасида улугроқ бўлган. Бағдодда яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ БУРҲОНИДДИН СОҒАРЧИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Каттақурғон туманидаги Соғарж қишлоғида туғилган. Ўз даврининг машҳур шайхи ҳисобланган. Самарқанднинг Чокардиёза қабристонига дафн этилган. Навоий Самарқандда бўлган пайтида унинг қабрини

зиёрат қилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ЁСИН МАҒРИБИЙ ҲАЖЖОМ УЛ-АСВАД – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Имом Нававий (ваф. 1278)нинг муриди. Қон олиш ва сартарошлик касби б-н шугулланган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ЖАМОЛ НАВҚОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Машҳад яқинидаги Навқон кенгада туғилган. Ҳаж сафарига борганида Бағдодда йўл озиғини ишлаб топиш учун мардикорлик б-н шугулланган. Намоз пайти ундан қаромат зоҳир бўлгач, уй эгаси унга мурид тушиб, бирга ҳажга борган. Навқонга қайтиб, сулук ва муридлар тарбияси б-н шугулланган. Қабри Дастхарди Хушангур деган қишлоқда. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ЖАМОЛИДДИН АҲМАД ЖУРФОНИЙ (ваф. 1271) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Разииддин Лолонинг муриди. Исфаройин яқинидаги Журфон (ҳоз. Эроннинг Банужирд вилояти) қишлоғида туғилган. Зикрга алоҳида аҳамият берган. Саъиддин Ҳумувий б-н бўлган мунозарада ғолиб чиққан. Рукниддин Алоуддавла Симноий унинг мақомини ўз даврининг ғавси бўлган Абулҳасан Харақонийга тенглаштирган. Шайх Нуриддин Абдурахмон Исфаройиний Касирқийнинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ЖАМОЛИДДИН ЛУР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Илоҳий жазба етишиб, тавҳид сиррини кашф этган мажзуб солиқлардан. Кўп шатҳ айтгани учун Шероз фақиҳлари унинг қатл этилишига фатво беради. Бироқ Нажибиддин Али Бузғуш ва Мавлоно Муниддин мажзуб кишининг бундай жазола-

ниши раво эмаслиги ҳақида фатво бергани учун подшоҳ Абубакр Отабек Саъд Зангий унинг қатли ҳақидаги фармонни бекор қилади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ЖОГИР, Муҳаммад бин Рустам Курдий (ваф. 1194) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳаёт бин Қайс Ҳарронийнинг муриди. Абуннажиб Суҳравардий, Қазибул-бон Мавсилиий, Абусуъуд, Абдулқодир Жилиий, Шайх Бақо бин Батту суҳбатидан баҳраманд бўлган. Ироқнинг Сомарра ш. яқинидаги мавзелардан бирида яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган

ШАЙХ ЗИЁРАТГОҲИЙ, Нуриддин Абдурахмон Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фароҳда туғилган. Болалигидаёқ отаси уни ўзининг муриди Мавлоно Калон тарбиясига топширади. Балобат ёшига етгач, эски мадрасада зоҳирий илмларни ўрганади.

Ш.З.нинг авлод-аждодлари икки юз йил давомида Ҳиротнинг Зиёратгоҳ қасабасида имом-хатиблик қилиб келганлар. У ҳам ота-боблари ишини давом эттирган. Уни “Жомеи жадид” (Янги жоме)даги вазифасидан олиб ташлаганларида таниқли шайх Муҳаммад Табодгоний Амир Шайх Аҳмад (Сухайлий)га махсус мактуб ёзиб, Ш.З.ни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Унинг олим ва фозил, тақводор ва солиҳ киши, зоҳид ва обидлар сараси, икки ҳарам ҳожиси эканлигини таъкидлаб, бу ишдан Навоийни хабардор этиши ва унинг сазой-ҳаракати б-н ҳақ жойида қарор топишини сўрайди. Навоий “Соқийнома”да:

Яна бир дарду гамим огоҳи,

Ҳамдамим, ёру Зиёратгоҳий, –

деб ёзганидан Ш.З.нинг Навоийга яқин бўлганини кўрсатади. Сайид Ҳасан Арлашер ҳам уни зиёрат қилиб турган. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Қаноат зикрида”га бағишланган 4-бобида келтирилган ҳикоятга кўра, Ш.З. қаноат йўлини тутиб, одамларнинг назр ва ҳадяси, шоху амалдорлар-

нинг инъом-эҳсонларини қабул этмаган. Ўз ҳовли-жойида деҳқончилик ва боғбончилик б-н шуғулланиб, тақво, тоат-ибодатни қанда қилмаган. Ҳирот шоху амалдорлари, шайху уламолар унинг зиёратига бориб, остонасини ўпар, ҳалол меҳнат б-н етиштирган нон ёки дастурхонидан бирор неъмат қўлларига тушса, кўзларига суртиб, қўйинларига солиб, табаррук деб аҳли аёлларига олиб келганлар.

ШАЙХ ЗИЁУДДИН АБУННАЖИБ СУҲРАВАРДИЙ (1097–1168) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ўн икки насаб б-н биринчи халифа Абубакр Сиддиқ авлодларидан. Ёшликда Бағдодга бориб, шофейлик фикҳини Асъад Меҳнайдан ўрганган. Бир муддат Бағдоддаги “Низомия” мадрасасида мударислик қилган. Сўнг тас. йўлига кириб, Шайх Аҳмад Ғаззолийга мурид тушган. Узлат ва мужоҳада даврида мешкоблик б-н кун кечирган. Шайх Аҳмад Жогир, Шайх Қазиб ул-бон Мавсилиий, Жамолидин Абдусаммад Занжоний, Абдулқодир Гилоний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Байтулмақаддас зиёрати учун Шомга сафар қилган, аммо солиб уруши сабабли нияти амалга ошмай қолган. Дамашқда бир муддат яшаб, сўнг Бағдодга қайтган ва ўша ерда вафот этган. Араб тилида тас. асослари ва солиқларнинг одоби бўйича “*Адаб ул-муриддин*” номли асар ёзган. Шайх Рўзбеҳон Кабир Мисрий, Шайх Исмоил Қасрий, Шайх Қутбиддин Авҳадий ҳамда Шайх Шаҳобиддин Суҳравардийнинг пири. У асос солган тариқатни кейинчалик жиъни ва шогирди Шаҳобиддин Суҳравардий ривожлантириб, тас. тарихида “суҳравардия” номи б-н машҳур бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ЗИЁУДДИН РУМИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. *Рижол ул-ғайб* дийдорига мушарраф бўлган зотлардан. Қабри Деҳлида, Султон Муҳаммадшоҳ бин Туғлотшоҳнинг ёнида. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ИБРОХИМ МАЖЗУБ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нажибиддин Али Бузғушнинг тушини тўғри таъбир қилиб, унга раҳнамолик қилган мажзуб солиқлардан. Каромат ва ажойиб ҳолат соҳиби бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ ИЗЗИДДИН МАҲМУД КОШИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Нуриддин Абдусаммад Натанзийнинг муриди. Шаҳобиддин Сухравардийнинг “*Авориф ул-маориф*” асарини форс тилига таржима қилган. Ибн Фориэнинг “Тоия қасидаси”га шарҳ ёзиб, ундаги тас-ий истилоҳларга изоҳ берган. Ирфоний шеърлар ҳам ёзган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ ИЛЁС – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Навоий вилоятининг Нурота туманида яшаган. Хожа Аҳрор Валийнинг замондоши ва мусоҳиби. Силсила омовати Боязид Бистомийга бориб тақалади. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ИМРОН СУЛСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Меҳмонсиз овқат емаслик одати бўлгани учун “Абуззифён” (Меҳмондўст) лақаби б-н машҳур бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ИСМОИЛ НАСРОБОДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абулқосим Насрободийнинг тўнғич ўгли. Хожа Абдуллоҳ Ансорий суҳбатига эришган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ИСМОИЛ ҚАСРИЙ (ваф. 1210) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган

тасаввуф шайхи. Шайх Нажмиддин Кубро унинг қўлидан иродат хирқасини кийган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ИСО ҲАТТОР ЯМАНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”даги Имом Ёфзийнинг “Равз ур-раёҳин” асари асосида ёзилган ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ШАЙХ КАМОЛИДДИН АБДУРАЗЗОҚ КОШИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Нуриддин Абдусаммад Натанзийнинг муриди, суҳравардия тариқатининг йирик намояндаси. “Истилоҳот ус-сўфия”, “Фусус ул-ҳикам” ва “Манозил ас-сойирия” китобларига ёзган шарҳлари унинг ваҳдат ул-вужуд таълимотининг йирик назариётчиси эканлигини кўрсатади. Рукниддин Алоуддавла Симноний б-н ваҳдат ул-вужуд масаласи бўйича мунозара олиб борган. “Нафаҳот ул-унс”да Кошийнинг мактуби ва Симнонийнинг унга берган жавоби келтирилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ ЛУҚМОН САРАХСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фаридиддин Аттор “Мантик ут-тайр” дostonида унинг дастлаб кўп тоат ва риёзат чеккани, жазба етганидан сўнг Ҳақ таоло томонидан ибодат қилишдан озод бўлгани ҳақида ҳикоят келтирган. Шайх Абулфазл Ҳасан, Абусаид Абулхайр суҳбатига мушарраф бўлган. “Уқалойи мажонин” (Ҳақ йўлидаги девоналарнинг энг оқили) лақабини олган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ МАЛИКЁР ПАРРОН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Жамна дарёси бўйидаги хонақоҳда истиқомат қилган. Сув устида намоз ўқий олиш кароматига эга бўлган.

Шайх Абубакр Паррон б-н доимий мулоқотда бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”да ушбу шайх ҳақидаги маълумот *Шайх Абу-бакр Тусий*га бағишланган фаслда умумий ҳолатда келтирилган. Бу шайх б-н боғлиқ маълумотлар тазкирага Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ МАҲМУД БИҲОРИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Саховат ва очиққўлиги, дуоסי мустажоб бўлиши б-н машҳур бўлган. Килуқуҳарида дафн этилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ МАҲМУД МИТҲАРАДЎЗ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Ўз давридаги *абдол*ларнинг пешвоси. Деҳли шаҳридаги “Қирқ абдол” номи б-н машҳур бўлган қадамжода дафн этилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ МУАЙЯДИДДИН ЖАНДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ваҳдат ул-вужуд мактабининг йирик намояндаси. Шайх Садриддин Қунавийнинг шогирди. Ибн Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” ва “Мавоқиъ ун-нужум” асарларига шарҳ ёзган. “Фусус ул-ҳикам”га ёзган шарҳи кейинги шарҳлар учун энг муҳим ва мўтабар манба сифатида хизмат қилган. Араб тилида шеърлар, жумладан, Ибн Форизнинг “Тоия” қасидасига назира ёзган. Ироқий “Ламаъот”ида унинг шеърларидан икки байт намуна келтирилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ МУЖИР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Қози Сяъднинг пири. Мажзуб солиқлардан. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ МУСО САДРОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф

шайхи. Қуръони Каримни кунига етмиш марта хатм қилиш кароматига эга бўлган. Шайх Шаҳобиддин Сухравардий ёшлик пайтида унинг суҳбатига мушарраф бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ МУФАРРИЖ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мисрнинг Саъид кентига туғилган. Ҳабаш қулларидан бўлиб, илоҳий жазбадан кейин ундан кўп каромат ва фавқулодда ҳолат зоҳир бўлган. Буни кўриб хўжайини уни қулликдан озод қилган. Бир вақтнинг ўзида бир неча жойда пайдо бўлиш кароматига эга бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ МУҲАММАД АВДУРАҲМОН ТАФСУНАЖИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бағдод яқинидаги Тафсунаж кишлоғида яшаган. *Шайх Абдулқодир Жилий*нинг муриди. Шайх Абулҳасан Али бин Аҳмаддан Жилий ҳақида билганидан сўнг унга иродат изҳор этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ МУҲАММАД АБУ ҲАФС КУРАТИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг пирларидан бири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ МУҲАММАД ҚАССОБ ОМУЛИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Домғон шаҳрида яшаган. Шайх Абулаббос Қассобнинг шогирди. Зикр аҳлидан бўлган. Ансорий унга “Домғон руҳи” деб таъриф берган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ МУҲАММАД СОХАРИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган та-

саввуф шайхи. Самарқанднинг Соғарж кентида туғилган. Маккада узоқ йиллар мужовир бўлган. Абулхусайн Саркий, Шайх Аму ва бошқа машойихлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ МУҲАММАД СУҒИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Ишқия тариқатининг йирик вакиллари Худойкули Шайх ва Илс Шайх суҳбатига мушарраф бўлган. Хизр (а.) б-н ғойибона суҳбат қилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ МУҲАММАД ШОҲ ФАРОҲИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шоҳ Али Фароҳийнинг муриди, кубравийлик тариқати намояндаси. Шариат ва тариқат илмининг билимдонни. Ҳаж амалини бажаришга кетаётганида Кирмон яқинидаги Манужон ш.да вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ МУҲАММАД ЯМАНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Шаҳобиддин Суҳравардийнинг муриди. Нажибиддин Али Бузғушдан Қуръони Карим бўйича таълим олган. Яманда тас. тариқатини ёйишга хисса қўшган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ МУҲИДДИН АБДУЛҚОДИР ЖИЛИЙ (1077–1166) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Имом Ҳасан бин Али авлодидан. Она томондан Шайх Абу Абдуллоҳ Савмаъийнинг набираси. Эроннинг Гилон шаҳрида туғилган. Ун саккиз ёшида илм олиш учун Бағдодга келади. Абу Закариё Табризий, Абулвафо ибн Уқайл, Ҳаммод Даббос, Қози Абусаид Муборак Махзумийдан араб тили ва ад-ти, фикҳ ва тас.дан таълим олган. Шофеий ва ханбалий мазҳаби бўйича фатво берувчи

мухтаҳид фақиҳ даражасига етган. Қози Абусаид Муборак Али Махзумий Хизр (а.)нинг кўрсатмаси б-н унга хирқа берган. Қирқ ёшидан Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг дастурига мувофиқ ваъз ва иршод қилишни бошлаган. “Ал-фатҳ ур-раббоний”, “Ҳизб башоир ул-хайрот”, “Явоқит ул-хайр”, “Фузот ур-раббония”, “Футуҳ ул-ғайб” каби асарларнинг муаллифи. Форсий газаллар девони ҳам унга нисбат берилади. “Ғавсул аъзам” (“Энг буюк ғавс”) лақаби б-н машҳур бўлган. Угли Шайх Сайфиддин Абдулвахоб, Шайх Абдулҳасан Али бин Аҳмад, Шайх Абу Амр Сарифиний, Шайх Бақо бин Багту, Муҳиддин Авоний ибн ул-Қоиднинг тариқатдаги пири. Кейинчалик унинг номи б-н боғлиқ бўлган “қоидрия” тариқатига асос солинган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ МУҲИДДИН АЛИ ЧИШТИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиндистондаги чистия тариқатининг йирик намояндаси. Шайх Фаридиддин Шакарғанжнинг муриди. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ МҶМИН ШЕРОЗИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Онанинг кўнгил шодлиги ва ризосини эллик марта қилинган ҳаж савобидан афзал, деб билган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ НАЖИБИДДИН МУТАВАККИЛ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Тажрид ва таваккул б-н кун кечиргани учун “Мутаваккил” (таваккул соҳиби) лақаби б-н машҳур бўлган. Қабри Деҳли шаҳридаги Пил дарвозаси ёнида. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ НАЖМ (15 аср) – совалик форсийнавис шоир, *Қози Исонинг* кариндоши. Султон Яъқуб хизматида бўлган. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”даги олтинчи

мажлисида маълумот беришича, “Султон Яъқуб қошида андин махсусроқ ва но-йиброқ киши” бўлмаган. Ш.Н. мискин ва фақир кишиларга ёрдам кўрсатган, халойиқ орасида яхши ишлари б-н шуҳрат қозонган. У б-н Навоий орасида ғойибона меҳр ва мактублар орқали муносабатлар боғланиб турган, ҳатто Ш.Н. Навоий б-н ака-ука тутинган. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилади:

Ба шухи меҳурад хуни

дили ман чашми хунхоре,

Балои фитнажӯе, офати жоне,

ситамкоре.

(Мазмуни: Бир қонхўр кўз шухлик б-н юрагим қонини ичади, ул фитна қўзғатувчи жон офати ва ситамкор экан).

ШАЙХ НАЖМИДДИН АБДУЛЛОҲ БИН МУҲАММАД ИСФАҲОНИЙ (ваф. 1321)

– “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абулаббос Мурсийнинг муриди. Пири вафотидан кейин узоқ йил Маккада мужовир бўлган. Ўз даврининг абдолларидан бири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ НАЖМИДДИН МУҲАММАД ЭДКОНИЙ (1298–1376) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи.

Рукниддин Алоуддавла Симнонийнинг муриди. Кубравийлик тариқатининг намояндаси. Исфаройинда вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ НАЖМИДДИН РОЗИЙ (1177, Рай–1256, Бағдод) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи.

Бошланғич таълимни ўз она юртида олган. Ҳаж сафаридан кейин Миср ва Шомга бориб, у ерда Шайх Мажиддин Бағдодий суҳбатига муяссар бўлади. Шайх Нажмиддин Кубронинг ижозати б-н Шайх Мажиддин уни ўз тарбиясига олади. Устози қатл этилганидан кейин туғилган юртига қайтиб кетади. Муғул истилоси даврида Ҳамдон, Ардабил, Румга сафар қилади. Диёрбакр орқали Малата шаҳрига бориб, у ерда

Шайх Сухравардий суҳбатидан баҳраманд бўлади. Сухравардийнинг тавсияси б-н “Мирсод ул-ибод” китобини Алоуддин Кайқубод Салжуқий (ҳук. 1219–1236)га тақдим этади. Кўнёда Жалолиддин Румий ва Садриддин Қунавий, Бағдодда Авҳаиддин Кирмоний б-н мулоқот қилади. Умрининг охирида Бағдодга бориб, уш ерда вафот этган. Шунизия масжиди ёнида, Сарий Сақатий ва Жунайд Бағдодий мақбарасининг кираверишида дафн этилган. Форс тилида “Ишқ ва ақл”, “Рисолат ат-туюр”, “Мирсод ул-ибод”, араб тилида “Рисолат ул-ошиқ илал-маъшук”, “Манорот ус-соирийн”, “Баҳрул ҳақойиқ” (“Фотиҳа” сурасининг тафсири”) каби асарларни ёзган. Шеърӣй девони ҳам бор. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ НУРИДДИН АБДУРАҲМОН ИСФАРОЙИНИЙ КАСИРҚИЙ (туғ. 1242)

– “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Исфаройин ш. яқинидаги Касирқа қишлоғида туғилган. Ўз даврида энг пешқадам шайх саналган. Имом Ғаззолий, Рукниддин Алоуддавла Симнонийнинг эътирофига сазовор бўлган. Шайх Жамоллиддин Аҳмад Журфонийнинг муриди. Бағдодда вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ НУРИДДИН АБДУРАҲМОН МИСРИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи.

Дастлаб мисрлик шайхлар ҳузурида сулук қилган, аммо сулукдаги камолоти Шайх Нуриддин Абдусамад Натанзийнинг силсиласида бўлган Шайх Жамоллиддин Куроний тарбияти ва иршоди туфайли амалга ошган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ НУРИДДИН АБДУСАМАД НАТАНСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи.

Ҳам шаррият, ҳам тас. илмини чуқур эгаллаган. Нажибиддин Али Бузғушга мурид бўлган. Иззиддин Маҳмуд Қоший ва Камоллиддин

Абдураззоқ Кошийнинг пири. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ НУРИДДИН МУҲАММАД – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Навоий б-н бир даврда яшаган. Шайх Баҳоуддин Умарнинг ўғли. Сулук силласини отасидан кейин давом эттирган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ОЗАРИЙ ТУСИЙ, Шайх Жалолиддин Али Ҳамза ибн Малик Ҳошимий Байхақий Исфароиний Марвазий (1380 – Исфаройин – 1462) – форс-тожик шоири. Бир муддат Тусда яшаганлиги учун Тусий тахаллуси б-н шухрат қозонган. Ёшлигида шеър ушбу шоирлик б-н шуғулланиб, Шоҳрух Мирзо саройининг малик уш-шуароси бўлган ва унга бағишлаб қасидалар ёзган. Шайх Муҳиддин Физолий шу ерда Тусийга шогирд тушиб, унинг ҳузурда ҳадис ва ҳикмат ўрганган. У б-н бирга ҳаж сафарига чиқиб, қайтишда Ҳалабда Шоҳ Неъматуллоҳ Валий муридлари қалқасига қўшилади ва иккинчи марта Каъба зиёратига боради. Бир йил Маккада яшаб, Каъба тарихи ва уни зиёрат этиш тартиблари ҳақида “Саъй ас-сафо” (“Покликка интилиш”) асарини ёзади. Ўттиз авлиё б-н учрашиб, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлади. Маккадан Ҳижоз йўли б-н Ҳиндистонга бориб, Дакан ҳукмдори Аҳмад шоҳ Валий Баҳманий саройида катта эътибор қозонади ва бу сулола тарихига бағишланган “Баҳманнома” маснавийсини ёзади. Ҳинд ҳукмдори унга бунинг учун бир лак (эллик минг дирҳам) инъом этади. Бунинг миннатдорчилиги учун шоҳ оёғига бош уришини талаб қилганларида у бу инъомдан воз кечади. Кейин ватанига қайтиб, Бойсунгур Мирзо саройида хизмат қилади. 1436 й.дан хилватга чекиниб, бутун бойлигини илм толибларига бўлиб беради. У ўз даврининг забардаст шоирларидан бўлиб, қасида ва ғазалларни ўз ичига олган девони 30 мингга яқин байтдан иборат. “Баҳманнома” достони ҳамда

“Имомия”, “Самарот” (“Натижалар”), “Жавохир ул-асрор” (“Сирлар жавоҳири”), “Мафотих ул-асрор” (“Сирлар калитлари”) каби маснавийлари бор. “Таърихи Каъба”, “Тугрои Ҳумоюн” (“Муборак тугро), “Ғаройиб уд-дунё ва ажойиб ул-атъло” (“Дунё ғаройиботлари ва само ажойиботлари”) асарларини араб тилидан таржима қилган.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида Ш.О.Т.га алоҳида тўхталиб, унинг шеърлари ўз даврида шухрат қозонгани, хусусан, Ҳиндистонда кўп улуг машойихлар хизматига мушарраф бўлгани, ҳинд эли унга мурид ва ихлосманд экани ҳақида маълумот беради. “Мажолис ун-нафоис”да унинг девонидан олинган қуйидаги байти келтирилган:

*Боз шаб шуд, чашми ман
майдони гурия об зад,
Сели ашк омад, шабихун
бар сипоҳи хоб зад.*

(Мазмуни: Яна тун бўлди, кўзим йғи майдонига сув урди, Кўз ёшимнинг сели уйку сипоҳига ҳужум қилди).

ШАЙХ РАЙҲОН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Яманнинг Адаб ш.да яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан Имом Ёфийийнинг “Равз ур-раёҳин” асари асосида ёзилган ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ РАШИД БИДВОЗИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абдуллоҳ Барнишободийнинг муриди. Ўзи туғилган Бидвоз қишлоғида дафн этилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ РАШН АВЛИЁ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Ҳам шарият, ҳам тариқат илмини чуқур эгаллаган. Қабри кейинчалик табаррук зиёратгоҳга айлан-тирилган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ РУЗБЕҲОН КАБИР МИСРИЙ – “Насойим ул-муҳаббат” да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абуннажиб Суҳравардийнинг муриди. Шайх Нажмиддин Кубронинг қайнотаси ва устозларидан бири. Асли Эроннинг Козирунидан бўлиб, Мисрда яшаган. Кўпинча истиғроқ ҳолида бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ САДАҚА БАҒДОДИЙ, Абу Муҳаммад Садақа бин Абулқосим (ваф. 1178) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Абдулқодир Жилийдан* сабоқ олган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ САДРИДДИН МУҲАММАД БИН ИСҲОҚ ҚУНАВИЙ (ваф. 1274) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абулмаолий. Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг йирик намояндаси. Ибн Арабийнинг шогирди ва шориҳи. Шайх Муайядиддин Жандий, Мавлоно Шамсиддин Эгий, Фахриддин Ироқий, Шайх Саъдиддин Фаргонийнинг устози. 45 дан ортиқ асар муаллифи. Ибн Арабийнинг “Фусус ул-ҳикма” асарига ёзган “Нақд ан-нусус” ва “Фукук” номли шарҳлари тас. фалсафасининг муҳим манбаларидан саналади. Насириддин Тусий б-н ўзаро ёзish-малари кейинчалик “Ажвибат ул-масойил” номи б-н шухрат топган. “Мифтоҳ ул-ғайб” асарида комил инсон наз-ясини илгари сурган. “Нафаҳоти илоҳия” китобида ўз маслағи ва судуки тафсилотини ёритишга ҳаракат қилган. Шамс Табризий ва Мавлоно Жалолиддин Румий суҳбатига мушарраф бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ САДРИДДИН РАВОСИЙ (15-аср) – хуросонлик шайх ва форсийнавис шоир. Заъиддин Хавофийнинг халифаси. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида ва “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган. Самарқандда фикҳ ва ҳадис илмлари буйича Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсдан таълим олган.

Навоий уни “зебо ва раъно” шайх сифатида ёдга олиб, суҳбатига мушарраф бўлганлигини фахр б-н тилга олади. Навоийнинг маълумот беришчи, Ш.С.Р. Бадахшон шоҳига Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ал-ҳикма” (“Ҳикмат жавоҳирлари”) асаридан дарс берган, унинг айтган ваъзлари халойиққа жуда “муътабар ва муҳтарам” бўлган, мажлисларида подшоҳ ва сарой мансабдорлари иштирок этган. Ҳиротда саксон ёшида оламдан ўтган ва ўз туғилган вилояти Шағонга дафн этилган. “Мажолис ун-нафоис”да унинг куйидаги байти келтирилган:

Зиҳи аз орадат чашми маро нур,

Ҳамеша аз жамолат чашми бад дур.

(Мазмуни: Эй воҳ, сенинг чеҳрангдан кўзларимга нур келади, жамолингдан ҳамеша ёмон кўз йироқ бўлсин).

ШАЙХ САЙФИДДИН АБДУЛВАҲҲОБ (1128–1197) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Силсила омонатини отаси Шайх Абдулқодир Жилийдан олган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ САНЪОН, Ибн Саққо – “Лисон ут-тайр” дostonи қаҳрамони. Тақводорликда Каъба нозири даражасига етишган, бироқ тарсо (христиан) қизнинг ишқига дучор бўлиб, жамики эътиқодидан айрилган, оқибатда бир муридининг дуоси шарофатидан тавба қилиб, ориф мусулмон даражасига етишган тимсол.

Навоий Ш.С. образига “Лисон ут-тайр” dostonида мурожаат қилиб, унинг ишқий саргузаштини ўзида акс эттирган махсус “Шайх Санъон қиссаси”ни баён қилади. Қисса dostonдаги энг йирик ҳикоят, айни пайтда, мустақил рисола даражасидаги асардир. Қисса “Лисон ут-тайр”нинг асосий қаҳрамони Худҳуд томонидан айтилади ва ҳикоят қушларга шу даражада қаттиқ таъсир қиладики, натижада қушлар Симуруга томон шиддат б-н интиладилар (қар.: *Лисонут тайр*).

Навоий Ш.С.ни “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам тас. шайхларидан бири сифатида тилга олиб, “ишқ ва муҳаббат баҳрининг гавҳари ва шавқу маломат

оташкадасининг самандари” деб баҳолайди ва унинг ишқ ҳамда камолотини билмоқчи бўлганлар Шайх Фаридиддин Атторининг “Мантиқ ут-тайр”ини ўқисинлар, деб маълумот беради. (Бу фикрлар ёзилаётган вақтда ҳали “Лисон ут-тайр” дostonи яратилмаган эди).

Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарида Ш. С. ибн Саққо ҳақида анча тўлиқ маълумот беради. Унинг сувчи фарзанди бўлгани, ёшлигида бир улуғ авлиё – Ғавсининг дуоибадига қолганлиги ҳақида ёзади. Ривоятларда Санъон талабалигида икки дўсти б-н баҳс бойлашиб, замона Ғавсини синамоқ учун унинг ҳузурига боргани, унга нисбатан ҳурматсизлик қилгани учун Ғавсининг дуоибади натижасида, аввал динда балад мартабага эришиши, Рум диёрига бориши ва алал оқибат бошига тушадиган шармандали воқеалар башорат қилинганлиги айтилади.

ШАЙХ САЪД ҲАДДОД – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Яманнинг Адан шаҳридан. Тариқат пири бўлган. Вафотидан кейин унинг башорати б-н ғойибдан бир яшил қуш бозорда заргарлик дўконига эга бўлган, хат-саводи йўқ Жавҳар исмли кишининг бошига қўнади. Жавҳар орадан кўп муддат ўтмай шайх мақомидаги фазилат ва қаромат соҳибига айланади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ САЪДУЛЛОҲ ЗАНГУЛА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиротда яшаган. Унга асосан бадавлат кишилар мурид ва мухлис бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ САЪДИДДИН ФАРҒОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ваҳдат ул-вужуд мактабининг йирик намояндаси. Шайх Садриддин Қунавийнинг шоғирди. Ибн Форизнинг “Тоия” қасидасига “Машорик ул дирорий аз-заҳар фий кашфи ҳақойиқи назм ад-дурар” номи б-н форс тилида, “Мунтаҳал-мадорик” номи б-н араб тилида мукаммал

шарҳ ёзган. “Маноҳиж ул-ибод” асарининг муаллифи. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ СУЛАЙМОН ТУРКМАН МУВАЛЛИҲ (ваф. 1314) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дамашқда яшаган. Ўша давр расмий уламолари ҳам унинг улуғлиги ва донишмандлигини эътироф этганлар. Маломатийлик тариқи б-н ўз ҳолини махфий тутмоққа ҳаракат қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган

ШАЙХ СУЛТОН СЎФИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Ишқия тариқатининг йирик намояндаси Муҳаммад Шайхнинг муриди. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ФАРИДИДДИН ШАКАРГАНЖ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиндистондаги чистия тариқатининг йирик намояндаси. Хожа Қутбиддин Бахтиёр Ўший Кокийнинг муриди. Шайх Шаҳобиддин Сухравардий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Авҳадиддин Кирмоний, Шайх Закариё Мултоний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Шайх Низомиддин Авлиё, Бадриддин Исҳоқ Дехлавий, Шайх Жамолиддин Аҳмад Хатиб каби шайхларни тарбиялаган. Муриди ва куёви Хожа Бадриддин Исҳоқ Дехлавий унинг мавоқибиде “Асрор ул-авлиё” номи б-н китоб ёзган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ФАТҲА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Айнулқуззот Ҳамадоний б-н бир даврда яшаган. Айнулқуззот “Мактубот”ида ундан ҳикмат ва ҳикоятлар келтирган. Ш.Ф. тариқатда қайси солиқнинг мақоми қандай даражагача етишини олдиндан башорат қила олган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ШАМСИДДИН САФИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, тафсир илмининг билимдони. Шайх Нажибиддин Али Бузғушнинг маслакдоши, Шахобиддин Сухравардийнинг муриди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ШОДИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Асли ҳиндистонлик бўлиб, Ҳирот шаҳрининг атрофидаги қишлоқлардан бирида яшаган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ШОҲ БИДВОЗИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Рашид Бидвозийнинг муриди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХ ЯҲЁ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Навоий б-н бир даврда яшаган. Шайх Зайниддин Хавафийнинг ўғли, кубравийлик тариқатининг йирик намояндаси. Навоий Ш.Я. ҳаждан қайтганида у б-н суҳбатлашгани, доимий таважжуҳда бўлгани сабабли камгап эканлигини қайд этади. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ҚУТБИДДИН БАХТИЁР КОКИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ўш шаҳрида туғилиб, Ҳиндистонда яшаган. Чистия тариқатининг йирик намояндаси. Шайх Муиниддин Санжарий қўлидан хирқа кийган. Шайх Фаридиддин Шакарғанжнинг пири. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХ ҲАММОД ДАВБОС (ваф. 1181) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абдулқодир Жилийнинг устозларидан бири. Ғавс мақомига етишган орифлардан. Ҳадис илми ва шо-

фейлик фикҳининг билимдони. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ҲАСАН САККОК СИМНОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абулҳасан Бустиёнинг муриди. Унинг Симнондаги хонақоҳида кейинчалик Алоуддавла Симноний чилла ўтирганлиги ҳақида маълумотлар бор. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАЙХ ҲОФИЗ УМАР АБАРДИҲИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дастлаб Мавлоно Разиюддин Али Моёний, сўнг Шайх Ахий Али Қутлукшоҳ ҳузурини тас.дан таълим олган. Қуръон ҳофизини бўлган. Ҳаж сафарини Нуриддин Абдураҳмон Исфаройиний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАЙХЗОДА АБУЛҲАСАН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Хоразмдаги ишқия тариқатининг йирик намояндаси Илès Шайхнинг ўғли. Ҳаж сафарига борганида касалланиб, Бистомдан қайтган. Ҳиротда Абдураҳмон Жомий б-н учрашиб, Жомий унга ўзининг китоби, жойнамоз ва бир сочиқ туҳфа этган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ШАЙХЗОДА АНСОРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, Шайх Абдулла Девонанинги ўғли. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг болалигидан таҳсил б-н машғуллиги, муаммо айтиш ва ечишда моҳирлигини таъкидлайди. Ш.А.нинг онаси ҳам шоира бўлиб, “Бедилӣ” тахаллуси б-н шеърлар ёзган. “Мажолис ун-нафоис”да Ш.А.нинг “Сод” исмига битилган муаммоси келтирилган.

ШАЙХЗОДА ПУРОНИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва хаттот. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Шайх Абусаид Пурунийга фарзанд экани, икки авлод орқали валийлик унга мерослиги, ўзи ҳам шу ҳолга муносиб киши бўлганини айтади. Ш.П. тез фурсатда хаттотликда шундай илгарилаб кетадики, бошқа хаттотлар ўттиз йилда кўчириб улгурмаган матнларни қисқа вақт ичида ёзиб чиқади. Навоий унинг ҳамон таҳсил б-н машғул эканлигини таъкидлаб, қуйидаги рубоийсини келтиради:

Чун ман ба ғами ту

дар жаҳон фарде нест,

Дил сўхтаи ниёзпарварде нест.

Хоҳам ғаму дарди хешро шарҳ кунам.

Лекин чи кунам ки, ҳеч ҳамдарде нест.

(Мазмуни: Жаҳонда сенинг ғамингда юрган мендек бошқа бир киши йўқ. Юраги куйган, ёлворувчан одам йўқ. Ғам ва дардимни очиб ташлашни истаيمان, бироқ нима қилайки, ҳеч ҳамдари йўқ).

ШАЙХИМ СУҲАЙЛИЙ, Низомиддин Аҳмад Амир Шайхим Суҳайлий (1444 – Ҳирот – 1502) – давлат арбоби ва шоир. Шайх Оварийнинг шогирди бўлиб, 11 ёшидан шеър ёзган ва 12 ёшидан устозининг тақлифи б-н ўзига Суҳайлий (ёруғ юлдуз) тахаллусини олган. Ҳирот ва Самарқандда таҳсилни камолга етказиб, йигирма йилдан зиёд Султон Ҳусайн Бойқаронинг мулозими ва вазири сифатида фаолият кўрсатган. Илму адаб аҳлига ҳомийлик қилган. Жумладан, Ҳусайн Воиз Кошифий “Анвори Суҳайлий” (“Суҳайлий нурлари”) асарини унинг тақлифи ва ҳомийлигида ёзиб тугатади. Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор”да ёзишича: “Олижаноблиги, баланд мартабалилиги, зеҳнининг софлиги, табъининг латифлиги б-н машҳурдир, доимо фасоҳатли байтлар ва балоғат асарлик шеърлар ёзиб туради. Унинг қасидалари, ғазаллари ва девони машҳурдир, маснуот ва макнуноти халқ оғзида мазкурдир. Йигитлигидан то шу кунларгача олиҳазрат амир Алишер б-н унинг уртасида биродарлик ва яқин суҳбатдошлик муносабатлари мавжуд ва амир Алишер доимо унинг марта-

баси юқори бўлиши борасида ғайрат курсатиб келадилар”.

Ш.С. зуллисонайн шоир бўлиб, форсий ва туркий девони мавжуд. Туркий девонининг тақдири номаълум. Форсий девони қасида, ғазал, китъа, рубоий, таркиббанд, таржиъбанд, муставод ва фард жанрлардаги шеърлардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 2500 байтдан зиёд. “Лайли ва Мажнун” дostonи ҳам мавжуд. Амир Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” (“Солиҳ кишилар дарёси”), Абдурахмон Жомийнинг “Лужжат ул-асрор” (“Сирлар дарёси”), Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар туҳфаси”) қасидаларига татаббуъ ёзган.

Навоий у б-н яқин дўст бўлган ва “ёри азиз” деб ардоқлаган. “Девони Фоний”да “Татаббуъи ёри азиз” сарлавҳаси б-н келган 3 ғазал Ш.С. ғазалларига назира тарзида битилган. “Мажолис ун-нафоис”да дўстига юксак баҳо бериб: “Аввалдин охиргача фақир била илтифот ва иттиҳоди кўп учун мундин ортуқ таърифин қилилса, ўзумни таъриф қилгондек бўлурдин қурқуб, ихтисор қилинди” дейди. Тазкирада Навоий Ш.С.нинг “Ийдия” қасидаси ва яна икки форсий ғазали матлаъини намуна сифатида келтиради. Жумладан:

Дил, чу шикастаи, мақуи

ошиқи хастаҳолро,

Санги ситам чи мезани

мурғи шикастаболро?!

(Мазмуни: Ўзи хаста, дили шикаста ошиқни ўлдирма, қаноти синган қушга ситам тошини отиб нима қиласан?).

ШАКЛИЙ, Аббос бин Юсуф – “Насоийм ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулфазл. Бағдод тас. мактабининг илк намояндаларидан. Ш. фаслида келтирилган арабча байтлар баъзи тас. манбаларида Абулҳусайн Нурийга нисбат берилган.

ШАМС ҚАЙС РОЗИЙ, Шамсуддин Муҳаммад ибн Қайс Розий (12-асрнинг охири, Рай – 13-аср биринчи ярми) – машҳур форс-тожик адабиётшуноси. Бошланғич маълумотни она шаҳрида олиб, қисқа муддатда ўз даврининг асосий илмлари, хусусан, аруз ва илми бадийъни мукаммал ўрга-

нади. Таҳсилани камолга етказиш мақсадида 1205 й.да ўша даврнинг илм ва маданият марказларидан бўлган Бухорога келади. 1207 й.и Малик Санжар исёнини бостириш мақсадида Бухорони истило қилган Муҳаммад Хоразмшоҳ олимни ўз саройига даъват этади ва у 1219 й.гача Хоразмда яшайди. Мўғуллар ҳужуми туфайли Хоразмни ташлаб қочган Муҳаммад Хоразмшоҳ б-н бирга Ироққа ҳижрат қилади. 1219–1226 й. унинг ҳаётида сарсон-саргардонлик даври бўлиб, шаҳардан-шаҳарга кўчиб, мўғуллар истилосининг бутун даҳшатини ўз кўзи б-н кўради. Райда икки марта асирга тушиб, кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. 1226 й. Форс отабеги Саъд ибн Занги хизматига киради. Донишманд ва тажрибали Ш.Қ.Р. тез орада обрў-эътибор қозониб, шоҳнинг хос надимлари қаторидан ўрин олади. 1231 й. ҳомийси вафот этгач, ўрнига тахтга Абубакр ибн Саъд ўтиради. Олим бу даврда ҳам баланд мақомда умргузаронлик қилади. Унинг шундан кейинги ҳаёти ҳақида маълумот учрамайди.

“Ал-муъжам фи маъойири ашъори-ил-ажам” (“Ажам шеър ўлчовлари луғати”) китоби унга фавқулудда шуҳрат келтириб, номини абадиятга нақш этди. “Тибён ул-луғат ат-турки ало лисон ул-қанғали” (“Туркий тилнинг қанғали тилидаги муфассал баёни”), “Ал-уюб фи муқаффи ашъор ул-араб” (“Араб қофиясининг айблари”), “Китоб ул-кофия фи-л-арузайн ва-л-кавофи” (“Аруз ва қофия хусусида батафсил маълумот”) каби рисолалар ҳам ёзган бўлиб, улар бизгача етиб келмаган.

“Ал-муъжам” дебоча, икки қисм ва хотимадан иборат. Дебочада ўз таржимаи ҳоли – туғилган жойи, ёшлик йиллари, турли мамлакатларга саёҳатлари, мўғулларнинг Кичик Осиёга ҳужуми ва уларнинг даҳшатли оқибатлари, сарсон-саргардонликлари, Райда икки марта асир тушгани, асарнинг ёзилиш сабаби ва тақдири хусусида фикр юритади. Китобнинг биринчи қисми арузга бағишланган бўлиб, 4 бобни ўз ичига олади: 1-боб – аруз ҳақида маълумот, рукнлар ва уларнинг номланиши, 2-боб – жузлар ва рукнлар асосида вужудга келган вазнлар, 3-боб – аруздаги ўзгартиришлар – зиҳофлар, 4-боб – эски ва

янги баҳрлар таҳлилига бағишланган. Иккинчи қисм қофия ва бадий санъатлардан иборат бўлиб, 1-боб – шеър ва қофия табиати, 2-боб – қофия унсурлари ва уларнинг номланиши, 3-боб – қофия унсурларининг қўлланиши ва номланиши, 4-боб – қофиянинг қўлланиш доиралари ва қофия турларининг таснифи, 5-боб – қофия қусурлари, 6-боб – бадий санъатлар ҳақида. Хотима қисмида шеър ва шоирлик хусусидаги муҳим кузатишларини баён этиб, бадий жиҳатдан саёз шеърлар ва истеъдодсиз шоирларни танқид қилади.

“Ал-муъжам” ад-тшунослик ҳақидаги қадимий ва мукаммал асар бўлиб, шеър наз-яси ва шоирлик шартлари, шоир ва мунаққид муносабати хусусидаги муҳим манба ҳисобланади. Ўз давридаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ва адабий жараён тўғрисида ҳам батафсил маълумот беради. Мўғуллар истилосига қадар ижод қилган форсийзабон шоирлар ҳақида сўз юритиб, улар ижодидан намуналар келтиради. Мавжуд 19 баҳрга илова қилиб, янги ижод қилинган 21 баҳр ҳақида маълумот беради. Салафлари бадий санъатларни умумий йўсинда уч-тўрт саҳифада тушунтирган бўлсалар, у ҳар бир санъатни алоҳида ва батафсил баён этиб, мисоллар келтиради.

“Ал-муъжам” ўзидан кейин яратилган бадий илмга оид барча асарга таъсир кўрсатган. Мумтоз ва замонавий ад-тшуносларнинг барчаси Ш.Қ.Р.ни ўзларига устоз деб биладилар. Навоий ҳам “Мезон ул-авзон” асарида уни аруз фанидаги устози сифатида улуғлайди.

ШАМСУН ОБИД – пайгамбар Исо (а.) ва Муҳаммад (с.а.в.) расулulloҳ даври оралиғида яшаган араб миллатига мансуб обиднинг номи. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да берилишича, минг ой сурункали рўза тутиб, кечаси б-н ибодат қилган. Мушриклар бир неча марта Ш.О.га қасд қилганлар, ammo мақсадга ета олмаганлар. Хотинининг ҳийласи б-н уни банд қилиб, подшоҳ ҳузурига олиб келадилар. Ш.О.нинг дуоси б-н бир қуш уни банддан халос этади. Подшоҳ ва унинг аъёнлари қулаб тушган тўрт устун тагига қолиб, ҳалок бўладилар. Ш.О. асирликдан қутулиб, хотинига талоқ беради:

*Улдурур Обиди алал-итлоқ,
Ки жаҳоннинг ажузин этти талоқ.*

ШАМШОД – шамшоддошлар оиласига мансуб доимий яшил дарахт ва буталар туркуми. Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиёда, Ўрта ер денгиз атрофида, Ҳиндистон, Сокорта ва Мадагаскар ороллари ҳамда Африкада Ш.нинг қирқдан ортиқ (баъзи маълумотларга қараганда етмиш) тури тарқалган. Гуллари майда, тўпгулга йиғилган, хушбўй. Эрта кўкламда гуллайди. Барглари юмалоқ ва қалин. Фарбий Закавказье ва Тамишда ҳам ўсади. Ўзбекистонда эса ўстирилади. Жуда секин ўсади. 300–400 ёшли дарахтнинг бўйи 20 метрдан ошмайди.

Мумтоз ад-т, хусусан, Навоий асарларида Ш. луғавий маъносидан ташқари, ёрнинг хуш қомати тимсолида ҳам кенг қўлланилган.

*Эй орази насрин, сочи сунбул,
қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда
ишим нолаву фарёд.
("Ғаройиб ус-сиғар", 118-ғазал)*

ШАМЪ – мум, қуюқлашган ёгдан ўртасига пилик қўйиб ясалган таёқчасимон чирок, шам. Мумтоз ад-тда кенг қўлланилган тимсолардан бири. Ш. – маҳбубанинг тимсоли, нур ва гўзаллик, ёруғлик ва муҳаббат мазҳари. Ш. парвоналарни ўз оловида кўйдириши ва ўзи ҳам ёниб адо бўлиши – Ишқ, Опшқ ва Маъшуқ моҳият эътибори ила бир ҳодиса эканлигининг рамзий ифодасидир. Ирфоний маънода Ш. – солиқнинг қалбини ўртовчи илоҳий нурнинг порлашидир. Шунингдек, Ш. – солиқ қалбини жаҳолат зулматидан қутқариб, йўлини чароғон этадиган маърифат нури маъносида ҳам қўлланилади. Ш.и илоҳий деб, Қуръони Каримни назарда тутадилар. "Нур" сурасининг 35-оятига таянган ҳолда (Аллоҳ – осмонлар ва Ерларнинг нуридир) ирфон аҳли Ш.ни Аллоҳнинг тимсоли маъносида ҳам қўллаганлар.

*Ул қуёш ишқида ўртанма
бединг, ваҳжи, киши
Шамъдин қуйма, дебон,
бермади парвонаға панд.
("Ғавоийд ул-кибар", 116-ғазал)*

ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ (тахм. 14-аср охири – Язд шаҳри яқинидаги Тафт мавзеи – 1454) – машҳур тарихчи, ад-тшунос ва шоир. Отаси Шайх Ҳожи ўз даврининг йирик олими, тас. аҳли б-н ҳамфикр бўлган. Ш.А.Я. ҳам отасига ўхшаб сўфийларни ўзига яқин тутган. 1435 й.гача Шерозда – Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон саройида хизмат қилган. 1429 й. Шоҳрух уни саройга даъват этиб, Улугбекка мураббий қилиб тайинлаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Манбаларда унинг Самарқандга – Мирзо Улугбек ҳузурига борганлиги тўғрисида ҳам сўз боради. Иброҳим Султон вафотидан кейин Шоҳрухнинг невараси, Султония, Қазвин, Рай ва Қумни ўз ичига олган вилоят ҳокими Мирзо Султон Муҳаммад саройига таклиф этилади. У Шоҳрухнинг касаллигидан фойдаланиб, атрофдагиларининг қутқуси б-н 1445–1446 й.да исён кўтаради, Ҳамадон ва Исфаҳонни эгаллайди, Шерозни қамал қилади. Шоҳрух бу исённи бостириб, гуноҳкорларни жазолайди. Улар орасида Ш.А.Я. ҳам бор эди. Шаҳзода Абдуллатиф унинг гуноҳини сўраб олиб, ўзини Ҳиротга жўнатади. Ҳиротда у Жомий б-н учрашиб, Тафтга қайтади. Умрининг охиригача бир хонақоҳда яшаб, шу ерда дафн этилади.

Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг 14 ва 15-аср бошларидаги тарихидан баҳс юритувчи "Зафарнома" асари унга фавқулодда шухрат келтирди ва унинг номини забардаст тарихчи сифатида тарих саҳифаларига нақшлади. (Қар: "Зафарнома").

Ш.А.Я. илми нужум, шеърият ва тас. га оид ҳам қатор асарлар ёзган. "Ҳулали мутарраз дар муаммо ва луғаз" ("Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли либос"), ушбу асарнинг қисқартирилган нусхаси бўлмиш "Мунтахаби Ҳулал", "Мавотин ё манозир дар муаммо" ("Муаммо фанида турар жой ва манзаралар"), "Кунх уз-зод дар илми вақфи аъдод" ("Ададлар мувофиқлиги илмида ҳақиқат чўққиси"), "Ал-китоб фи илми устурлоб" ("Устурлоб илмига оид китоб"), "Девони Шараф Яздий" ("Шараф Яздий девони"), "Ҳақойиқ ат-таҳлил" ("Таҳлил ҳақиқатлари"), "Шарҳи Қасидаи бурда" ("Қасидаи бурда шарҳи"), "Шарҳи

“Асмоуллоҳ” (“Аллоҳнинг исмлари” шарҳи), “Тухфат ул-фақир ва ҳадият ул-ҳақир” (“Фақирнинг туҳфасию ҳақирнинг ҳадяси”), “Муншаот” (“Мактублар мажмуаси”), Амир Темур тарихига бағишланган номсиз шеърӣ асар ана шулар жумласидандир.

Шоҳрух вафотидан кейин бошланган тож-тахт талашлари даврида Хуросондан қочиб, Ироққа кетаётган Навоӣ оиласи Тафтда Ш.А.Я. б-н учрашади. Машҳур тарихчи ёш Алишер б-н савол-жавоб қилиб, зеҳнига тан беради ва унинг ҳаққига дуо қилади.

Кейинчалик Навоӣ “Мажолис унафоис”нинг иккинчи мажлисида унга алоҳида фасл бағишлаб, бу учрашув тафсилотларини баён қилади, машҳур асарлари ҳақида фикр юритади ва фазлу камолоти ҳақида, жумладан, шундай дейди: “Мавлононинг соҳибкамоллиғи олам аҳли қошида мусалламдур”. Мисол тариқасида табъи назмидан бир форсий матлаъ ҳам келтиради.

“Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида эса шайху валийлар қаторида зикр этиб, “допишманд ва соҳибкамол киши” экани, “ўз замонасида адили ва назирӣ йўқ”лиги, тас.да “Хожа Соӣнуддин Турк шоғирди” экани, “Соӣр усулида ва тас.нинг ҳам илмида отин аълам” тутишлари, “Тафтда хонақоҳи, шоғирди ва муридлари” борлиги ҳақида маълумот беради. “Хулал” асарининг муқаддимасида тас. аҳлининг истилоҳларини рамъу имо б-н шундай битганки, уларни фақат суфийларнинг энг етуқларигина тушунишлари мумкин, деб ёзади. “Зафарнома”, “Қасидаи бурда” шарҳи ва “Асмоуллоҳ” шарҳи” асарлари машҳурлиги, инчунин “Хулал”, “Мунозара” ва “Мунтахаб” асарлари борлигини қайд этади.

ШАРИФ ҲАМЗА УҚАЙЛИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хизр (а.) б-н ғойибона суҳбатлашган валийлардан. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг пиру муридларидан бири. Пири Форсий, Абдулмалик Искоф, Абулқосим Ҳаннона, Ҳасан Табарий, Ориф Айёр каби валий дӯстлари бўлган. Навоӣ “Насойим

ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШАРОБ – маст қилувчи ичимликларнинг умумий номи; май, бода. Ш. ўз моҳиятига кўра Ш.и суварӣ – спиртлий ичимлик ва Ш.и маъ-ий – ишқӣ илоҳӣй ва маърифат маъноларида қўлланилган. Ўта тақводор ва покдомон бўлган Навоӣ ўз даврининг айшу ишратга мойил, майхўр кишиларини қаҳру ғазаб б-н танқид остига олиб, маст қилувчи ичимликни барча ёмонликлар ва қабоҳатнинг онаси деб атаган. “Ҳайрат ул-аброр” достонида бадмастларнинг масхарали ҳажвий қиёфасини яратиб, шармандақ шармисор этган. Навоӣ асарларида Ш. – илоҳӣй ишқ ва маърифат, дониш иштиқининг авжи киёми, Ёр мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ ва илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзӣй ифодаси сифатида ҳам қўлланилган.

Абдураҳмон Жомӣй “Лавомеъ” асарида Ш. ва ишқнинг ўхшаш жиҳатларидан қуйидагиларни баён этган: 1) Ш. ўзининг аслий ўрни бўлмиш хум ичидан ўзганинг таъсирисиз ўзидан ўзи қайнаб, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилганидек, ошиқлар кўнглидаги яширин ишқ ҳам ғалаён қилиб зуҳур этишга интилади; 2) Ш. ўз зоти ҳақида муайян бир шаклга эга эмас, қайси идишга тушса, шу идишнинг ички шаклини олади. Худди шунингдек, ишқ аслан мутлақ бўлиб, унинг зуҳури муҳаббат аҳлининг қобилияти ва истеъдодига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишқнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгли жомига боғлиқдир; 3) майнинг ҳам, ишқнинг ҳам сирояти ялли жараёндан иборатдир. Май кишининг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек, ишқ ҳам ошиқнинг қону жонига кириб, унинг бутун вужудини қамраб олади; 4) май ўзининг ичкусини, ишқ севгучини марду саҳӣй қилиб қўяди; 5) май ҳам, ишқ ҳам кишига мардлик ва ботирлик бағишлайди; 6) май ҳам, ишқ ҳам киши бошидан кибру ҳавони учиради ва ниёзу тавозега туширади; 7) май ҳам, ишқ ҳам сирни фош қилади. Ҳақиқату маърифат сирларини ишқ юзага чиқаради; 8) май ҳам, ишқ ҳам кишини беҳуш

килади. Аммо ишқ беҳушлиги сезгирлик ва огоҳликнинг энг олий мартабасидир; 9) майпараст май ичгани сари яна кўпроқ ичгиси келади, ишқпараст ҳам ишқ дардига янада кўпроқ мубтало бўла бошлайди; 10) май ҳам, ишқ ҳам номусу ҳаё пардасини кўтаради.

Ишқ май деб аталса, биринчидан, унга кўпчиликнинг диққати тортилади, иккинчидан, май б-н ишқ орасидаги ташқи ўхшашлик б-н ички зиддият фақат лаззатта-лабларгагина равшан бўлиб, мутлақ лаззат ҳақиқий ишқда намоён бўлади.

ШАЪРОНИЙ, Абубакр – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Зоҳидлик ва таркидунёчиликда беназир шайх саналган. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий суҳбатига мушарраф бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айна киритган.

“ШАРҲИ БАЙТАЙНИ МАСНАВИЙ” – Абдураҳмон Жомийнинг адабий-ирфоний шарҳномаси. Рисолада Жалололдин Румийнинг “Маснавийи маънавий”сидан дастлабки икки байтга шарҳ берилган. Тарихий манбаларда “Рисолаи ноия”, “Шарҳи ду байти “Маснавий” номлари б-н ҳам тилга олинган. Насрий ва назмий матндан таркиб топган асар форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, арабча ибора ва гаплардан ҳам фойдаланилган. Рисола “Маснавий” вазнида, жами 116 байтдан иборат бўлиб, унда шууноти зотия, ҳуруфи олиёт, ғайби аввал, ғайби соний, таайюни аввал, таайюни соний, аъёни собита, комил инсон, канзи махфий каби илмий-ирфоний ва фалсафий атамалар ҳам қўлланилган.

Рисоланинг нусхалари ТошДШИ ШҚМда 1331 (571 а–574 а, ҳошияда) ва 5639 (137 б–142 а) рақам остида сақланмоқда. Ушбу асар “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатига киритилган.

“ШАРҲИ МАВОҚИЪ УН-НУЖУМ” – Муайядиддин Жандийнинг асари. Ибн Арабийнинг икки қисмдан иборат “Мавоқиъ ун-нужум ва матолиъу аҳиллатил-асрорил-

улум” асарига ёзилган шарҳ. Навоий ушбу асар номини “Насойим ул-муҳаббат”га Шайх Муайядиддин Жандий ҳақидаги бобда киритган.

“ШАРҲИ РУБОИЁТ” – Абдураҳмон Жомийнинг асари. Жомий унда ваҳдат ул-вужуднинг асосий масалалари талқинига бағишланган 46 рубоийсининг фалсафий моҳиятини насрий шаклда очиб берган. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ушбу рисолани Жомий асарлари рўйхатига киритган.

“ШАРҲИ ФУСУС УЛ-ҲИКАМ” – Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-ирфоний шарҳномаси. 1491 й. араб тилида ёзилган. Ибн Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” асарига нақшбандийлик тариқати таълимотига асосан ёзилган шарҳ. Навоий уни “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатига киритган.

“ШАРҲИ ҚАСИДАИ ТОИЯ” – Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-ирфоний шарҳномаси. Унда Ибн Форизнинг 750 байтдан иборат “Қасидаи тоия” асарининг дастлабки 76 байти таржима ва талқин этилган. Жомий Ибн Форизнинг арабча байтларини рубоий шаклида таржима қилиб, фалсафий-ирфоний шарҳ берган. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ушбу рисолани Жомий асарлари рўйхатига киритган.

“ШАРҲИ ҲАДИС” – Абдураҳмон Жомийнинг диний-ирфоний шарҳномаси. Ушбу рисола Лақит ибн ал-Мунтафиқ Аби Разин ал-Уқайлий ривоят қилган оламнинг яралиши ҳақидаги ҳадисга ваҳдат ул-вужуд аҳлининг онтологик қарашлари асосида ёзилган шарҳдан иборат. Мазкур асар “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида ғалат тарзда – “Ибн Заррин ул-Уқайлий ҳадисига шарҳ битилган рисола” номи б-н келтирилган.

ШАТҲ (ар. – ҳаракат; тўлиб-топиш) – сўфийларнинг вайд ва беҳудлик ҳолатида

ўз ҳолининг васфи ва важдининг шиддати-га оид айтган сўзлари. Ш. атамаси фақат тас.да қўлланилиб, сиртдан қараганда нотўғри, таъвил қилганда эса маъно касб этадиган сўз саналади. Сўфийларнинг Ш.га йўл қўйганлари икки хил бўлади: 1) зикр ҳолатига фарқ бўлиб, ўзини билмай қолган-да Ш.га йўл қўйиб, ҳушёр қолга қайтганда ўзини оқловчи сўзларни айтиш; 2) ҳушёр ҳолатида ҳам Ш.ни давом эттириш. Баъзи сўфийлар (Рўзбеҳон Бақлий, Айнулқузот Ҳамадоний) Ш. шарҳига бағишланган махсус китоблар ёзганлар. Шунингдек, “Нафаҳот ул-унс”, “Насойим ул-муҳаббат” тазкираларида ҳам айрим сўфийларнинг айтган Ш.лари таъвил қилинган.

ШАЪВОНА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Ироқи Ажамнинг Убулла кентида яшаган. Ваъз ва самоъ мажлисларида зоҳид ҳамда обидлар б-н бирга қатнашган. Фузайл Йеъ б-н ҳамсуҳбат бўлган.

ШАҚИҚ БАЛХИЙ, Абу Али ибн Иброҳим (ваф. 810, Кўлоб) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абу Наср. Дастлабки таълимни тутилган юртида олиб, сўнг Қози Абу Юсуф хузурида фикҳ илмини ўзлаштиради. Абу Ҳошим Заҳлий ва Анасдан ҳадис илмини ўрганеди. Умрининг йигирма йилини Қуръони Карим тафсирига бағишлайди. Дастлаб муътазиллий бўлган. Тавба мақомига эришгач, Каъбатуллоҳ зиёратига яёв борган. Тас.да Иброҳим Адҳам ва Боязид Бистомийнинг мусоҳиби, Ҳотим Асамнинг устози бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАҚҚОҚ, Абубақр Муҳаммад бин Абдуллоҳ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абусайд Харрознинг* муриди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШАҲАНШОҲ (ф. – шоҳлар шоҳи) – ҳукмдорларга нисбатан ишлатиладиган фахрий лақаб. “Тарихи мулуки Ажам”да

келтирилишича, бу лақаб илк марта атиги тўрт ой ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ Баҳром Ш.га нисбатан қўлланилган. Алишер Навоий “Ҳамса”сида Ш. сўзи Ҳусайн Бойқаро, Фарҳоднинг отаси, Баҳром ва Искандарга нисбатан қўлланилган. Навоий Ш.нинг Ш.и деганда Аллоҳ таолони назарда тутган.

Қаю шоҳим, довари тахтгир,

Не довар, шаҳаншоҳи гардунсарир.

Бори шоҳларнинг сарафроси ул.

Шаҳи шарғойин Абулғози ул.

(“Садди Искандарий”, 9-боб)

ШАҲИД – 1) Ҳақ дин йўлидаги урушда ҳалок бўлган киши:

“Урё ул ҳарбда шаҳид бўлди”

(“Тарихи анбиё ва ҳукамо”)

2) муҳаббат йўлида жонини фидо қилган ошиқ сифати. Маъшуқи илоҳийнинг тажаллийсида маъв бўлган солиқ. Юсуф Розийнинг айтишича, кимки ошиқ бўлатуриб, ўз ишқини пинҳон тутса ва шу йўлда қурбон бўлса, Ш.лик мақомига эришади. Баъзи тас-ий манбаларда бу ҳикмат ҳадис сирасига киритилган.

Гул юзунг шавқида тиғи

ишқ ила бўлсам шаҳид,

Бўлғусидур ҳурлар гулгунаси

қонлиғ кафан

(“Наводир уш-шабоб”, 502-ғазал)

ШАҲОБИДДИН СУҲРАВАРДИЙ, Абу-ҳафс Умар ибн Муҳаммад Бақрий Суҳравардий (1153, Занжон – 1191, Ҳалаб) – тасаввуф олими. Имом Ёфийий томонидан “ўз даврининг яғонаси, нурлар матлаъи, сирлар манбаи, тариқат раҳбари, ҳақиқат таржимони, зоҳирий ва ботиний илмларда барча улуг шайхларнинг устози, орифлар йўлбошчиси, солиқлар таянчи, раббоний олим” деб таърифланган Ш.С.нинг тас.даги устози – амакиси Шайх Абунажиб Суҳравардийдир. Ўз илмини камолга етказиш мақсадида Эроннинг кўплаб шаҳарлари, Шом ва Анатолияга сафар қилади. Исфаҳонда Абу Али ибн Сино меросини ўрганишга киришади. Фаҳриддин Розий б-н учрашади. Шайх Абдулқодир Гилоний б-н мулоқот қилгани, Хизр б-н суҳбат тутгани нақл қилинади. Ҳалаб ҳукмдори Ма-

лик Зоҳир уни ўз саройига таклиф этади. Билим доирасининг кенглиги, ҳақиқатпарастлиги, баҳсу мунозараларда ҳамиша голиб чиқиши туфайли уламолар ҳасадини кўзага, улар ифоси б-н кўфрда айбланиб, зиндонга ташланади ва ўша ерда ўлдирилади.

Қисқа умрида 50 та китоб ёзишга улгурган. Араб тилидаги “Талвийёт” (“Тушунтириш”), “Муқоамат” (“Юзма-юз”), “Муғораҳот” (“Мунозаралар”), “Ҳикмат ал-шариф” (“Муқаддас ҳикматлар”) каби салмоқли китобларида тас. масалалари талқин қилинади. “Партавнома” (“Нурнома”), “Бўстон ул-қулуб” (“Қалблар бўстони”), “Ҳаёкил ал-нур” (“Нур тажассуми”), “Фи эътикод ал-ҳукамо” (“Ҳакимлар эътиқоди”), “Ал-ламаъот” (“Шуълалар”) каби араб ва форс тилидаги рисоалари ҳам маърифат ва ҳақиқатдан баҳс этади. “Рисола фи меърож” (“Меърож ҳақидаги рисола”), “Сафири Симург” (“Симург элчиси”), “Рўзе бо жамоати сўфиён” (“Сўфийлар жамоаси орасида бир кун”), “Рисолаи фи ҳолати туфулият” (“Ёшлик ҳолати ҳақида рисола”), “Лугати Маврон” (“Маврон лугати”), “Ал-ғариба вал-ғарибият” (“Ажойиб ва ажойиботлар ҳақида”), “Овози пари Жаброил” (“Жаброил қанотининг овози”) каби асарларида эса ҳикоят ва ривоятлар, рамзий тимсоллар орқали тас.нинг кўплаб талаб-қоидалари бадиий усулда талқин қилинади. Бундан ташқари, у Қуръон ва ҳадисга, кўплаб диний-тасаввуфий асарларга шарҳлар, дуо ва муножотномалар ёзган.

Ишроқ – (“порлаш”) ҳақидаги таълимотнинг асосчиси бўлганлиги учун уни Шайх ул-ишроқ деб ҳам аташган. Сухравардийнинг фалсафий қарашларига зардуштийлик кучли таъсир этган. У борлиққа хилма-хил тезликдаги ранглар мажмуи сифатида қараган, уларни, “Авесто” қаҳрамонларининг номи б-н атаган. Ш.С. ўзига хос қоришиқ таълимот яратди, бу таълимотда зардуштийлик белгилари б-н бирга, тас.га оид қарашлар кўшилиб кетган эди. У асос солган суҳравардия тариқати кейинги асрларда ҳам машҳур бўлган. Унинг “Авориф ал-маориф” (“Маърифат туҳфалари”) китоби тас. аҳли учун ахлоқ ва амалиётдан муҳим қўлланма вазифасини ўтаган.

ШАҲОВИЙ, Маҳмуд Ибн Исоқ – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. 16-аср Бухоро хаттотлик мактабининг намояндalarидан. Ш. асли ҳиротлик бўлиб, таниқли хаттот *Мирали Ҳиравий*нинг шогирдидир. Шайбоний Убайдуллахон Ш.ни Ҳиротдан бир гуруҳ ҳунарманд ва олимлар б-н бирга Бухорога олиб келади. Хатни нозик ва чиройли битгани учун Ш.га “Анбарин зарринқалам” унвони берилган. Бу хаттот Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарини 996 х.қ./1588 й.да Бухорода китобат қилган. Ушбу қўлёзма ТошДШИ ШҚМ 429-рақам остида сақланади (жами 85 варақ). Котиб қўлёзма сўнгида “Маҳмуд анбарин зарринқалам” деб имзо қўйган.

ШАҲРИРОД – сосонийлар даврида Эронда ҳукмронлик қилган подшоҳ. Ҳокимият тепасига давлат тўнтариши йўли б-н келган Ш.га кўп аъёнлар бўйсунмайди. Алалоқибат у Масруҳ Хуросоний томонидан ўлдирилади. Ўрнига Хусрав Парвизнинг кизи Турондухтни подшоҳликка кўтарилди. Манбалар, жумладан, “Садди Искандарий”да Ш.нинг сосонийлар сулоласига мансублиги курсатилмаган.

*Чу ғасб айлади Шаҳрирод мулк,
Анинг нангидин булди барбод мулк.
Ҳазосин анинг фарз билди сипеҳр,
Ўз ўрнига бу ишни қилди қалди сипеҳр.
 (“Тарихи мулуки Ажам”)*

ШЕР – 1) “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги “Ростлик таърифидаким... “деб номланган ўнинчи мақолотга илова қилинган ҳикоят қаҳрамони. Ростлик ва шижоат, мардлик ва тўғрилиқ рамзи.

*Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Ваҳшат аро кўк асидидек далер.
 (“Ҳайрат ул-аброр”)*

2) Навоий лирикасида ҳам Ш. шижоат рамзи бўлиб, ит, мўр (чумоли), тулки каби образлар б-н қаршилантирилган қолда қўланилади.

*Итингики шер забундур анга,
топа олман,
Десам кўрай ани бошимдин
ўзга дастовез.
 (“Ғаройиб ус-сиғар”)*

3) Шарқ тақвимиға асосан осмондаги бешинчи бурж. Навоий меърожномаларида қуйланади. Асад – арслон:

*Шер йўлидин тутубон гўшае,
Сунбула рахшига бўлуб тўшае.*

(“*Хайрат ул-аброр*”)

ШЕРАМ (15 аср) – хуросонлик зуллисонайн шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг “солим нафслиқ ва салим табълиқ” йигит эканлигини айтиб, қуйидаги туркий байтини келтиради:

*Ёридин ҳар ким тушар
айру паришонлиғ чекар,
Васл қадрин билмаган
мендек пушаймонлиғ чекар.*

Шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги форсий байти ҳам келтирилган:

*Машав, носих, ба кўи
ақлу дониш раҳнамун моро
Надорем ихтиёре то чи
фармояд жунун моро.*

(Мазмуни: Эй носих, ақлу дониш қўйида бизга раҳнамо бўлма. Ихтиёримиз ўзимизда эмас, жунун қай томонга йўлласа, ўша томонга кетаверамиз).

ШЕРУЯ – “Хамса” қахрамонларидан бири, Хусрав Парвезнинг ўғли ва қотили. Ш.нинг Хусравни ўлдириш сабаблари достонларда турли шаклда кўрсатилган. Жумладан, Фирдавсий “Шохнома”сида лашкарбошилар фитнасига қўшилишга мажбур бўлиб, отасига тиг кўтарган бўлса, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”ида тожу тахтни эгаллаш мақсадида ва Ширинни отасидан рашк қилиб, уни ўз қўли б-н ўлдиради.

Навоийда Ш. Хусравга розилик бермаган Ширинни тасодифан кўриб қолади ва уни ўзига она бўлишидан кўрқиб, отасига қасд қилади. “Шохнома”да унинг қукмронлиги етти ой, Низомий достонидан олти ой бўлганлиги қайд этилади.

Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да у ҳақда қуйидагиларни ёзган: *Шеруя отасини ўлтургандин сўнгра, подшоҳлиқ тахтига ўлтурди...*

Аммо мужмали будурким, Хусравнинг голяти тажаммули ва жоҳидин, ул навъки

юқори теъдод қилилди, димоғида ғурур ва феълди футур бўлуб эрди ва сиёсат ва ғазаби элга ҳаддин ошиб эрди. Ул жумладин бири буким, мунажжимлар анга деб эрдиларким, сенинг заволинг ўз авлодингнинг илғида бўлғусидур...

Отасини ўлтургандин сўнгра анинг ҳам жисмига азим ранж тори бўлуб, етти ойдин сўнгра ҳаёт вадиатин ажал муқозийсига топшурди. Мулк ҳирсидин ўн етти ого-унисини доғи ўлтурди...”

(“*Тарихи мулуки Ажам*”)

Навоий “Фарҳод ва Ширин” муқаддима-сида ажални Ш. га ўхшатади.

*Бўлуб Шеруя ул маънидин огоҳ,
Тава ҳўмдинки, сургай кина ногоҳ.*

ШИБЛИЙ, **Абубақр Жаъфар бин Юнус** (861–945) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, фақиҳ, воиз ва муҳаддис. Имом Моликнинг “Муватто” ҳадислар тўпламини ёд олган. Калом илмида Ҳорис Муҳосибийнинг издошларида. Аждодлари Усрушана (ҳоз. Ўратепан) вилоятидан бўлиб, отаси халифанинг укаси Ал-Муваккилниг ҳожиби лавозимида хизмат қилган. Ш. ҳам дастлаб Дамованд вилоятининг ҳоқими бўлиб, қирқ ёшида Хайр Нассож мажлисида тавба мақомига эришиб, сўнг Жунайд Вағдодий ҳузурда тасдан сабоқ олади. Абубақр Сайдалоний, Абубақр Тоҳир Абҳарий, Абубақр Фарроъ, Абулқосим Насрободий, Абулҳусайн Самъун, Жаъфар Ҳаззо, Абу Абдуллоҳ Монак, Абулҳусайн Сирвоний Сағир, Абулҳусайн Марваррудий, Шайх Абулаббос Қассоб, Хусайн бин Муҳаммад Мусо Суллабий, Абусаҳл Суълукий, Шайх Аҳмад Наҷжор Астарободий, Муҳаммад Бин Абдуллоҳ Гозурий Ҳиравий, Абу Вадуллоҳ Аббодоний, Тоҳир Мақдсий, Абу Яъқуб Майдоний сўхбатидан баҳраманд бўлган. Абубақр Тамастоний, Абулҳусайн Ҳусрий, Шайх Абу Зуръа Розий ва Абдулазиз Тамимийнинг устози. Ирфоний шеърлар ҳам айтган. Абулғало ал-Мааррий унинг шеърларига юксак баҳо берган. Тас. тарихида ҳол соҳиби сифатида из қолдирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШИФАЛДАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ олтинчиси. Манбаларда бу феълнинг *қаттиқ уринмоқ, шақилламоқ, эзмаланмоқ* каби маъноларни англатиши айtilган, аммо Навоий асарларида айнан шу шаклдаги сўз учрамади.

ШИРИН – “Хусрав ва Ширин”, “Фарҳод ва Ширин” туркумидаги асарларнинг бош қаҳрамони, Навоий достонидаги Фарҳоднинг вафодор маъшуқаси. Арман маликаси Меҳинбонунинг жияни.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Ш. Хусрав Парвезнинг энг суюкли хотини бўлган. Арман қизи ёки оромийлардан бўлган Ш.нинг аслзода эмас, аксинча паст табақа вакили бўлганлиги учун Хусравга номуносиб ҳисоблаганлар. Шу боис бу муҳаббат, унинг б-н ҳодисалар, сарой фитналари ва ҳоказолар бу сеvgи қиссасининг афсона ва ривоятларга айланишига сабаб бўлган.

Ш.нинг мифологик илдизи “Авесто”даги тўкин-сочинлик ва сувга ҳомийлик қиладиган маъбуда Ардвисура Анаҳитага бориб тақалади. “Хусрав Парвезнинг хотини Ш. номи ҳам тарих асарларида фақат Ш. тарзида эмас, балки Сира шаклида ҳам учрайди. Бу Ардвисура Ш. шаклига эга бўлгунга қадар Сура, Сира деб аталиб борилган дейишга асос беради” (С.Эркинов). Вунинг сабабларидан бири Ш. бутун тарих давомида сув тарафдори, сув қаҳрамони сифатида намоён бўлишидир.

Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да Хусрав Парвез ҳақида сўз юритганда, Ш.га алоҳида ўрин ва эътибор беради: “Ва Шириндек махбуби бор эрдиким, оламда анингдек ҳусну латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди...”

Тарихий манбалар, афсона ва ривоятлар Хусрав ва Ш. ҳақидаги асарлар яратилишига замин бўлган. Ёзма ад-тда биринчи бўлиб, Абулқосим Фирдавсий ўз “Шоҳнома”сида Хусрав ва Ш. қиссасини баён қилади. Унда Ш. шаҳзода Хусрав Парвезнинг маъшуқаси бўлган Эрон қизи сифатида тасвирланади. Хусрав тахтга ўтиргандан кейин унга эътибор бермай қўяди. Ширин бир кун унинг қаршисига чиқиб, буни арз этганда, Хусрав уни расман шоҳ қарамига

йўллади. Бунга эронлик амалдорлар қаршилиқ кўрсатадилар. Бироқ Хусрав уларни сўз ўйини б-н маҳв этади ва улар Ш.ни малика сифатида қабул қилишга мажбур бўладилар. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”ида Ш. образи бош қаҳрамон мақомига кўтарилади ва шу тариқа мазкур мавзудаги барча достонларда асосий қаҳрамон бўлиб қолади.

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Ш. образини тубдан қайта ишлайди. У энди Хусравнинг йўлида интизор бўлган, уни деб юртидан кечган “содда” маъшуқа эмас, рашк йўлида Хусравнинг биринчи аёли Марямга заҳар берувчи қотил ҳам эмас. Навоий бу воқеалардан юзлаб фарсах нари кетиб, ўз хаёлидаги идеал маъшуқани Ш. образида мужассамлаштиради. Навоийнинг Ш.и жуда олийжаноб қиз. У Фарҳоднинг самимий муҳаббатини қадрлайди ва унга ўзи ҳам ошиқ бўлади. Ш. Фарҳоднинг кимлигини билмагани ҳолда унга кўнгул қўяр экан, подшоҳ Хусравни оддий тоштарош ҳунарманддан баланд қўймайди. Фарҳоднинг вафотини эшитиб, қаттиқ қайғуради, Хусрав ва унинг падаркуш фарзанди Шеруяга хотин бўлганидан Фарҳодга содиқлигича қалок бўлишни афзал кўради.

Н.Комиловнинг ёзишича, Ш. Навоий достонида Яратганнинг мазҳари сифатида намоён бўлади. Унинг пок сурати ва сийрати Ҳақ зотида фано бўлган покиза Фарҳодни ўзига буткул шайдо, ишқига гирифтор этган эди.

*Куруб Ширинни ҳайрат лол қилди,
Таажжуб бир йўли беҳол қилди.*

Навоий лирикасида ҳам Ш. образи фаол қўлланилган образлар қаторига киради. У Фарҳоднинг маъшуқаси, ҳусн маликаси сифатида таърифланади, кўп қолларда Фарҳод ва Лайли образлари б-н параллел равишда қўлланилади.

*Лаъли шавқидинки ғам тоғин
қозарсен, эй кўнгул,
Не бало Ширин ҳаваслик нотавон
Фарҳодсен.
 (“Фаройиб ус-сиғар”, 483-ғазал)*

“ШИРИН ВА ХУСРАВ” – Хусрав Деҳлавий “Хамса”сидаги иккинчи достон. 1299 й.да ёзилган. 4124 байтдан иборат. Дос-

тон анъанавий муқаддима, асосий қисм ва хотима бобдан иборат. “Ш.”нинг асосий қисми сосоний ҳукмдор Хусрав Парвезнинг тахтга ўтириш воқеаси б-н бошланади. У ота тахтга ўтиргач, мамлакатда адолат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратади. Унинг бу сиёсатидан фақат бир вақтлар қўрқмас саркарда сифатида ном қозонган Баҳром Чўбингина норози эди. Баҳром Чўбин Хусравга қарши ҳужум уюштиради ва Хусрав Сосонийлар пойтахти Мадоинни тарк этишга мажбур бўлади. Хусравга рассом Шопур ҳамроҳлик қилади. У шоҳга Арманистон маликаси Шириннинг суратини кўрсатади. Хусрав овда Ширинни учратиб, уни севиб қолади.

Шириннинг ҳам унга бефарқ эмаслиги маълум бўлади. Хусрав ҳарбий ёрдам учун Румга боради ва у ердан Румлик малика Марямга уйланиб қайтади. Хусравнинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб боради ва у ўз салтанатини Антиоҳиягача кенгайтиради. Унинг қудратидан чўчиган Рум қайсарии ўз бойликларини кемага ортиб, Ҳабашистон томонга сузмоқчи бўлади. Лекин бўрон кўтарилиб, бойликлар Хусравнинг мамлақати томонга келиб қолади. Кейинчалик бу ҳолат “шамол келтирган ҳазина” (ганж бодовард) кўшиғининг вужудга келишига сабаб бўлади. Бир оз вақт ўтгач, Марям вафот этади. Шоҳ қайғуга ботади ва Ширинни ўз ҳарамига таклиф қилади. Лекин Ширин буни рад этади. Шопур Хусравга гўзал Шакар яшайдиган Исфаҳонга боришни маслаҳат беради. Бир куни Ширин овдан қайтаётган, тош йўнувчи Фарҳод томонидан моҳирлик б-н қазилган ариқни кўриб қолади ва Арманистонда худди шундай ариқ казишни Фарҳоддан илтимос қилади. Сухбат жараёнида Фарҳод Хитой хоқонининг ўғли эканлиги маълум бўлади. Ширинга ошиқ бўлиб қолган Фарҳод ишга киришади. Фарҳоднинг Ширинга муҳаббати Хусравнинг қулоғига етиб боради ва у мусофир қиёфасида Арман юртига йўл олади. Унинг ҳийласи б-н Фарҳодга Шириннинг ўлими ҳақидаги ёлгон хабарни етказдилар ва Фарҳод ҳалок бўлади. Ўз навбатида Ширин канизларидан бирини Шакарни заҳарлаш учун Исфаҳонга юборади ва шу орқали Хусравдан қасос олади. Бир

куни Хусрав ов қилиб юриб, аъёнларидан ажралиб чиқади ва Шириннинг қалъаси томон келади. Икки севишган ярашадилар ва Хусрав Ширинга муҳаббати рамзи сифатида шоҳлик узугини тақдим этади. Кейинги бобларда Хусрав донишмандлар даврасида олам ҳақидаги саволларига жавоб излаган ҳолда тасвирланади. Хусравнинг ўғли Шеруя отасидан норози баъзи амалдорлар б-н тил бириктириб, отасига қарши фитна уюштиради ва Хусрав Шеруя ёллаган қотил томонидан ўлдирилади. Хусравнинг жонсиз танаси устида Ширин ҳам ҳаёт б-н видолашади. Достон дунёнинг фонийлиги ҳақидаги боб б-н якунланади. Достон сюжетидан маълум бўладики, “Ш.”да Низомий достонидан фарқ қиладиган баъзи ўринлар мавжуд: Фарҳод тимсолига кенгроқ ўрин ажратилган, Ширин Низомийда асосий планда тасвирланган бўлса, Деҳлавийда муаллифнинг идеал шахс б-н боглиқ карашлари Шириндан кўра кўпроқ Хусрав тимсолида мужассамлашган, Деҳлавийда Шеруянинг Ширинга ошиқ бўлиш саҳнаси киритилмаган ва б. “Ш.” Низомий достони сингари ҳазаж баҳрининг *ҳазажии мусаддаси маҳзүф* ёки *маҳсур* вази (руқнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаувлун ёки мафойил V - - - / V - - - / V - - ёки V - -) да ёзилган.

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг салафларга бағишланган 6-боби ҳамда достон режасини тузиш б-н боглиқ 9-бобида Деҳлавийнинг “Ш.” достони ҳақида маълумот беради. Шунингдек, “Муҳокамат ул-луғатайн”да ўз асарлари учун асос бўлган манбалар рўйхатини келтириб, Деҳлавий достонини “Фарҳод ва Ширин” учун асос бўлган манбалар қаторида санаб ўтади.

ШИРК – бир неча маъбудга сажда қилиш; кўпхудолик, политеизм. Ансорий Ш.ни иккига ажратган: омма Ш.и ва хослар Ш.и. Омма Ш.и энг катта Ш. бўлиб, якка ва ягона Холиқни кимгадир ё нимагадир қўшиб, эътиқод қилишдир. Хослар Ш.и кичик Ш. ҳисобланиб, имон аҳли томонидан амалда риёга йўл қўйишлик ва ихлосни тарк этмоқдир.

Балодур нафе ширки факр йулида,

хуш ул фоний

*Ки, бир раҳравга жисми
туфроғин гарди широк этмиш.
("Фаройиб ус-сиғар", 247-ғазал)*

ШИС – ислом дини келишидан олдин ўтган пайгамбарлардан бири. Одам Ато (а.)нинг фарзанди. Ш.га Худо томонидан илоҳий дастурлар нозил бўлган. Бутпарастликка қарши курашган ва яккахудоликни тарғиб этган. Тош ва ганчдан Каъба уйини биринчи бўлиб қурган. Пайгамбарлик муддати – қирқ беш йил. Ш. ҳақида Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да маълумот бериб, охирида қуйидаги рубоийни келтиради:

*Гар Шис ва гар Қобил эрур, гар Ҳобил,
Ёшлари агар юз йил эрур, гар минг йил,
Бир неча кун этсалар жаҳонда таътил,
Охир барига ажал буюрур таъжил.*

"ШИФОИЯ" МАДРАСАСИ – Алишер Навоий томонидан қурилган бинои хайрлардан бири. Ҳиротнинг Марганий мавзесида, Инжил ариғининг бўйидаги "Ихлосия" мадрасасининг ғарбий томонида бунёд этилган ушбу мадраса тиббиёт илмига ихтисослашган бўлиб, айни вақтда шифохона вазифасини ҳам бажарган. Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин ботчилигида фаолият олиб борган мударрис ва табиблар ҳамда талаба ва беморларнинг таъминоти Навоий вақф қилган мулк ҳисобидан амалга оширилган.

ШОИР РҮМИЙ, Аббос бин Ҳамза – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунаси – Абулфазл. Абулмузаффар Кирмоншоҳийнинг шогирди. Шом ўлкасининг Рамла ш.да яшаган. Ҳз даврида футувватнинг кўзга кўринган намояндаси бўлган. "Нафаҳот ул-унс" ва "Табакот ус-сўфия"да унинг нисбаси "Румий" эмас, "Аздий" деб берилган.

ШОПУР – "Фарҳод ва Ширин" достонидаги персонаж. Низомий бу образни Хусравнинг қиссахони, Ширин б-н Хусрав муносабатларида воситачи, кўмакчи сифатида талқин қилган. Шунингдек, у Хусравга Шириннинг расмини кўрсатиб, Армания ўлкасига бирга кетади. Уни Фарҳодга та-

ништирган, Ширинга сўт ариғи очиб бериш таклифини берган ҳам Ш. бўлади. Низомийда гарчи Ш. Фарҳод б-н Чин ўлкасидан келган, иккаласи бир устоздан таълим олган, дейилса-да, бироқ у Фарҳодга эмас, Хусравга хизмат қилади.

Ориф Ардабилий ҳам "Фарҳоднома"сида Ш.ни Фарҳодга дўст қилиб тасвирлаган. Ш. устоз Монийдан мусаввирликни ўрганиш учун Чинга келади ва шу ерда Фарҳод б-н дўстлашади. У Фарҳодга биринчи севгилиси Гулистоннинг суратини кўрсатади, Абхазияга бориб, унга уйланиш мақсадида Гулистоннинг олмаси қўйган шартларни бажаришда, хусусан, устознинг боғида қурилган қасрда Фарҳод б-н ҳамкорликда ишлайди. Лекин Ш. бу дostonда ҳам асосий қаҳрамон даражасига кўтарилмайди.

Навоий достонида эса Ш. Фарҳод б-н савдо кemasида тасодифан учрашиб, содиқ дўстга айланган, моҳир наққош ва инсонпарвар шахс сифатида намоён бўлади.

Навоий бу образ орқали мумтоз ад-тда анъанавий Дўст образининг янги талқинини яратади. Унга кўра Дўст ошиқнинг маъшуқа б-н бўладиган вислолига замин тайёрлаши, бу йўлда ҳатто жонини ҳам аямаслиги, у б-н умрининг охиригача бирга бўлиши керак. Ана шундай фазилатлар соҳиби бўлган Ш. Фарҳод б-н Ширинни учраштиришга ҳаракат қилади, у б-н бирга тош қўпориб, заҳмат чекади. Хусрав Фарҳодни банди қилганида, у б-н Ширин ўртасида мактуб ташийди. Ҳатто Фарҳод вафотидан кейин ҳам унинг қабрида мужовир бўлиб қолади.

ШОПУР БИННИ АРДАШЕР – Эронда 241–272 йилларда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Ш. Эронни қудратли империяга айлантиради. 260-й. Рим императори Валерианини асир олиб, оддий одамлар қаторида тўғон қурилишида ишлатгани учун у кейинчалик "Банди қайсар" ("Қайсар тўғони") деб ном олган. Ш.нинг бу галабаси "Нақши Рустам"да акс эттирилган.

Навоий берган маълумотларга кўра, Ш. Рум қайсарига хирож тўлаттириб, галаба б-н ортга қайтган. Ш. замонида Таҳмурас асос солган Нишопур шаҳрини қайта тиклаб, шаҳар режасини шахмат тахтасига

ўхшатиб тузган. Ўшандан кейин Сосонийлар даврида шаҳарларни бирор нарса ёки жонивор шаклига ўхшатиб бино қилиш (масалан, Сусни илон шаклида, Шустарни от шаклида) анъанага айланган. Шунингдек, Жундишопур (Гундишопур) ва Подшопур каби шаҳарлар ҳам Ш. даврида бугёд этилган. Навоий Ш. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам”да маълумот берган. “Садди Искандарий”нинг 14-бобида эса Ш.ни “қордону далер” деб тавсифлайди.

*Чу Шопур бўлди жаҳон хурави,
Адолатда бўлди ато пайрави.*

*Вале охир ул-амр чархи дижам,
Ани ҳам отосидек этти адам.*

(“Тарихи мулуки Ажам”)

ШОПУР БИННИ ШОПУР – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. “Тарихи мулуки Ажам”да келтирилишича, Ш. даврида Форс ва Рум мамлакатлари ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилган. Ҳатто бир муддат Румда Ш.нинг ишончли вакили Шервин қайсарнинг ўгли улгайгунга қадар ҳукмронлик қилган. Ш. бахтсиз ҳодиса (қаттиқ шамол эсиб, чодирнинг устун бошига тушган) туфайли ҳалок бўлган. Ш. атиги беш йил ҳукмронлик қилади. Навоий Ш. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот беради.

*Чу Шопури Шопур тузди бисот,
Жаҳон мулкида зоҳир айлаб нишот.
Сутун бошига отиб, этти забун,
Ани доғи бу гунбади бесутун.*

(“Тарихи мулуки Ажам”)

ШОПУРИ ЗУЛАКТОФ (309–379) – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ – Шопур II. Онаси қорнидалигида отаси Ҳурмузд II вафот этади. Ш.З. балогатга етгунича мамлакатни онаси идора қилади. Ш.З. ҳукмронлиги даврида кўп уруш ва жангу жадал бўлиб ўтган. Араб Ҳассонийлари подшоҳи Тойир б-н жанг қилиб, уни ўлдиради ва галаба қозонишига ёрдам берган қизи Маликани никоҳига олади. Лекин кўп ўтмай отасига вафо қилмаган қиз менга вафо қиладими, деб уни қатл этади. Арабларнинг икки елкасини қилич б-н чопиб,

кўксини ёриб, кўп азоб бергани сабабли у Зулактоф (елкаларни чопиб ташлагувчи) лақабини олади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да шу воқеа б-н боғлиқ бир далил келтирилган: охирзамон пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўша даврдаги улуг аждодларидан бўлган Молик бинни Наср, Ш.З.дан бу азоб ва уқубатларнинг сабабини сўрайди. Ш.З. буни мунажжимлар келажакда араблар ичидан пайғамбар чиқиши ва Эронни забт этиши мумкинлиги ҳақида хабар берганлиги б-н изоҳлайди. Молик бинни Наср мунажжимларга эътимод қилиш нотўғри экани, борди-ю, тўғри бўлса ҳам бундай қилмаслик тўғрироқ бўлиши, акс қолда бу зулм келажакда эронликлар учун қимматга тушиши мумкинлигини айтади. Ш.З. унинг маслаҳатини қабул этиб, қатлни тўхтатади. Навоий бу ҳодисани ислом пайғамбари шарофатидан экани, ҳали у туғилмасидан минг йил бурун бегуноҳ қон тўкилишининг олдини олганини камоли эътиқод б-н қайд қилиб, буни Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Раҳматан лил-оламин”лигининг ёрқин кўриниши сифатида баҳолайди.

Навоий Ш.З.ни Рум қайсари қўлига асир тушиши, тасодиф туфайли қутулиб, яна зафар қучиши ва тахтини эгаллаши, айрим манбаларда Моний ўша даврда буни зуҳур этгани ҳамда Ш.З. томонидан қатл этилгани келтирилганлиги, Қазвин, Шодурвон, Фируз Шопур, Сейистондаги баъзи мавзелар, Ҳиндустондаги бир нечта шаҳар айнан Ш.З. даврида қурилгани ҳақида маълумот беради. Ш.З. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот келтирилган.

*Чу Шопур олиб Қоф то Қофни,
Чи қорур эди беҳад актофни,
Чи қорди ани гардиши мухталиф,
Анингдек, ул эл танидин китиф.*

(“Тарихи мулуки Ажам”)

ШОҲ АЛИ ФАРОҲИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиротнинг жанубидаги Фароҳ вилотида туғилган. *Рукниддин Алоуддава Симноний*нинг муриди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШОҲИ БАДАҲШОН, ШОҲ СУЛТОН МУҲАММАД (ваф. 1467) – шоҳ, шоир. “Ма-жолис ун-нафоис”да маълумот берилишича, бу қадимий хонадон узоқ йил Бадахшонда ҳукмронлик қилган. Абусаид Мирзо уларни тағ-томири б-н йўқотиб, мол-мулкни эгал-лайди. Ш.Б. ва унинг ўғли Ибн Лаълийни қатл эттиради. Ҳиротдаги Шайх Зайниддин мазориди дафн этилган.

Ш.Б. Лаълий таҳаллуси б-н ижод қил-ган истеъдодли шоир бўлиб, девон ҳам тузган. Лекин девони топилмаган. Навоий унинг истеъдодига далил сифатида қуйида-ги байтини келтиради:

Мо ба савдои ту тарки

жону сар хоҳем кард,

Кони жон ҳар дам зи лаълат

пуршакар хоҳем кард.

(Мазмуни: Биз сенинг гамингда жони-мизу бошимизни тарк этишни, жон оғзи-ни ҳар лаҳза лабиндан шакарларга тўлди-ришни хоҳлаймиз).

ШОҲБОЗ – 1) Шоҳ куши, шоҳнинг ов куши, лочин. “Лисон ут-тайр” достони-да Ҳудҳуд қушларни Симург сари йўлга тарғиб қилиб, туққизинчи ўринда мурожат этган қуш. Достонда бошқа тилга олин-майди.

Ҳаббазо, эй Шоҳбози шоҳваш,

Ҳайъатинг ҳам хуш, жамолинг

доғи хуш.

(“Лисон ут-тайр”)

2) мажозан олий мартабали, олийҳиммат:

“Олий ҳиммат шоҳбозедур баланд пар-воз ва беҳиммат сичқон сайёде юрутачи тоз”.

(“Маҳбуб ул-қулуб”)

ШОҲРУҲ МИРЗО (1377.20.08, Самар-қанд – 1447.19.03, Рай) – Темурийлар су-лоласининг йирик вакили, Хуросон ҳукм-дори. Ёшлигидан отаси бошчилигидаги ҳарбий юришларда қатнашиб, ўзининг сар-кардалик маҳоратини кўрсатган. Амир Те-мур 1391–92-й.да мўғуллар босқини даври-да бутунлай хароб бўлган Баноқат ш. ўрни-га янги шаҳар барпо этиб, ўгли шарафига Шоҳруҳия деб ном қўяди. 1396 й. Амир Те-мур Ш.М.га Хуросон ўлкасини суюрғол қи-лади. Отаси вафотидан сўнг (1405 й., март

ойи) Ш.М. Хуросон ҳукмдори сифатида ўз номидан хутба ўқитиб, расман тахтга ўти-ради. Ш.М.нинг кейинги фаолияти Тему-рийлар давлатида вужудга келган тарқоқ-ликни бартараф этиб, ягона марказлашган давлатни қайта тиклаш б-н боғлиқ. Бунинг учун у Мовароуннаҳр, Форс, Озарбайжонга юришлар қилиб, ғалаба қозонди. Натижада Ш.ҳукмронлиги даврида шарқда Мўғулис-тондан тортиб ғарбда Миср ва Рум ерлари-гача, жанубда Ҳиндистоннинг марказий қисмидан бошлаб шимолдан то Дашти Қип-чоқ ерларигача бўлган ҳудуд унинг салта-нати таркибига кирган. Ш.М. даврида бун-ёдкорлик фаолияти учун катта имконият-лар юзага келди. У мўғуллар даврида хароб бўлган Ҳирот (1405), Балх (1407) ш.ларини қайта тиклашга фармон чиқарган, Марв ш.ни қайта барпо этиш учун Мурғоб дарё-сидан ариқ қазириб, сув келтирган. Ҳи-рот, Самарқанд, Бухоро, Машҳад, Шероз ва б. шаҳарларда илм-фан кенг ривож топ-ди. Тарих, тас., ҳаттолик борасида йирик ишлар амалга оширилди. Кўплаб мадрасалар, боғлар, работ ва куприқлар бунёд этилди.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асари-да Амир Темур ва Ш.М. даврдан туркийгўй шоирлар пайдо була бошлагани ва бу анъа-на уларнинг ворислари замониди ҳам давом этганини ёзади. “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисида Ш.М.га алоҳида фасл ажратиб, у ҳам отаси каби гарчи шеър ёзма-ган бўлса-да, лекин шеърини таъби борлиги ва зукко киши эканлигини Абулқосим Бо-бурдан эшитган қуйидаги воқеа мисолида кўрсатади: Хожа Қивомиддин меъмор бир иморат қурилиши бўйича Ш.М.га эътироз билдириб, бир йилча подшоҳ назаридан қо-лади. Ўз мавқеини қайта тиклаш мақсадида бир тақвим тузиб, Ш.М.га тақдим қилгани-да, Ш.М. унга қараб, Саъдий Шерозийнинг қуйидаги байтини ўқийди:

Ту кори заминро наку сохти,

Ки бо осмон низ пардохти?

(Мазмуни: Сен Ердаги ишларни чиройли битказганмидинки, энди осмон ишларига аралашяпсан?)

ШОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ, Сайид Нуриддин ибн Мир Абдуллоҳ Қирмоний

(1329 – Ҳалаб – 1431, Кирмон) – форс-тожик шоири, тасаввуфдаги неъматуллоҳия тариқати асосчиси. Сайид ва Неъматуллоҳ тахаллуси б-н ижод қилган, Ш.Н.В. номи б-н машҳур бўлган. Болалигида оиласи б-н Кирмон шаҳрига келиб, шу ерда балогат илми, калом, фикҳ, ҳикматни ўрганади, 1353 й. ҳаж зиёратига бориб, 7 йил Маккада яшаб қолади. Кейин Балх, Марв, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Язд, Табриз, Миср, Мадина, Қарбало, Шероз ва б. шаҳарларга сەъҳат қилиб, тас. таълимотини ўрганиш ва тарғиб қилиш б-н шуғулланади ҳамда халқ орасида катта шуҳрат қозонади. У тас.га оид араб ва форс тилларида 100 дан ортиқ рисола ёзган. Ундан бигача ғазал, қасида, таржеъбанд, маснавий, қитъа, рубоий, дубайтӣ, фард жанридаги шеърларни ўз ичига олган салмоқли девон етиб келган. Валий шоир ижодида илоҳий ишқ тараннуми устувор бўлиб, асарларида, асосан, тас. ҳақиқатлари талқин этилади.

Ш.Н.В.ни темурийлардан Шохрух Мирзо ва Искандар Султон, Ҳиндистондаги Дакан вилояти ҳокими Аҳмадшоҳ I Баҳманий каби ҳукмдорлар фаол қўллаб-қувватлаб туришган. Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида ёзади: *“Замоннинг салотини, хусусан, Ҳиндустон мулкининг маликлари анга муриду мухлис эрмишлар. Ва тухфа ва назри бениҳоят ул мулкдин Кирмонга – Мир хизматиға юборурлар эрмиш. Мир назмға дағи машғул булур эрмишлар. Ва девонлари дағи бор”*.

ШОҲ ШУЖОЪ КИРМОНИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шохлар авлодидан чиққан дарвеш. *Абу Ҳафс Ҳаддод*нинг муриди ва дўсти. Абу Туроб Нахшабӣ, Абу Абдуллоҳ Зироъ Бусрий, Абу Убайд Бусрий суҳбатидан баҳраманд бўлган. *Абу Усмон Ҳирий*нинг устози. Яхё бин Маъоз “Мурод ул-муридин” номли китобида унинг бойликини дарвешликдан афзал деб талқин қилганига қарши чиқиб, фақр ва дарвешликнинг бойликдан афзаллиги ҳақида “Миръот ул-ҳукамо” номли китоб ёзган. Ўзи суфий бўлгани б-н ҳамиша сипоҳийлар каби қабтан кийиб юрган. Эллик марта ҳаж қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”-

га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ШОҲ ҚУЛИ УЙҒУР (15-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг болаликдан таҳсил олишга мойил эканлиги, лекин ота-онасининг ортиқча эркалашлари туфайли кўп қобилияти зоеъ кетганлигини, ҳозирда қотиблик б-н машғуллигини таъкидлайди. “Мажолис ун-нафоис”да унинг “Маҳвий” исмига битилган муаммоси келтирилган.

ШОҲ ҒАРИБ МИРЗО (15-аср, Ҳирот) – зуллисонайн шоир, темурий шаҳзодалардан бири, *Ҳусайн Бойқаро* ва *Ҳадичабегим*нинг ўғли. Ғарибий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Бобурнинг ёзишича, Ш.Ғ.М. жисмоний нуқсонга эга (букри) бўлган. Лекин шунга қарамай, юксак шеърӣ иқтидор ва салоҳият соҳиби бўлган. Ҳусайн Бойқаро унинг ақли ва тафаккурига катта ишонч б-н қараган: Ҳиротдан бирор ёққа отланса, ҳукмронликни Ш.Ғ.М.га қолдирган. Ш.Ғ.М. ҳаётдан эрта кўз юмган, ундан бирор зурриёд қолмаган. Фаҳрий Ҳиротийнинг ёзишича, ҳиротлик бир шоир “Ғарибий” тахаллусини олганда Ҳусайн Бойқаро ўғлининг хогири учун унинг тахаллусини “Мажлисӣ”га ўзгартирган экан. Ш.Ғ.М. зуллисонайн шоир бўлиб, унинг форсча ва ўзбекча шеърларидан иборат девонининг қўлёзма нусхаси Гамбург миллий кутубхонасида сақланади (инв. №15). Ундан Ш.Ғ.М.нинг форсийда битилган 37 ғазал, 1 қитъа ва 1 муҳаммаси ва туркий тилда ёзилган 76 ғазал ва 4 муҳаммаси ўрин олган. Алишер Навоий Ш.Ғ.М.га алоҳида эҳтиром б-н қараб, “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисида унга махсус мақола бағишлайди, унинг шўх таъб, қобилиятли ва юксак зеҳнли эканлигини таъкидлаб, туркий ва форсийда битган бир неча ғазаларининг матлаъларини келтиради. “Фарҳод ва Ширин” дostonининг 53-бобини Ш.Ғ.М.га бағишлаб, унда шаҳзоданинг яхши фазилатларини, илм-фан, маърифатга ташналигини таърифлайди ва мамлакат ҳамда халқ тақдирига алоқадор шахс

сифатида диний билимларни (фикҳ, ҳадис ва тафсири), ҳикматни, айниқса, тарихни ўрганишни насихат қилади. Шунингдек, Навоий Ш.Ф.М. вафот этганда, ҳар банди 6 байтдан иборат 5 бандли (60 мисраъ) таркиббанд-марсия ҳам ёзиб, унда марҳумнинг камтар ва ширинсўз инсон, адолатли ва лутф марҳаматли шахзода, заковатли шоир бўлганини таъкидлайди.

ШОҲБАЙТ (ф.+ар. – асосий байт) – шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан мукаммал, қасида ёки газалнинг асосий моҳияти, етакчи ғоясини ўзида муҷассам этган байт. Ё. Исҳоқов талқинига кўра, Ш. қасида ёки газалда ўзининг салмоқли маъноси, жозибали ёркин услуби б-н бошқа барча байтлардан ажралиб туради. Ана шундай байт матлаъ сифатида *хусни матлаъ* ва мақтаъ шаклида келганда эса *хусни мақтаъ* деб юритилади.

Газал биносининг пойдевори матлаъ бўлгани учун шоирлар матлаъга катта масъулият б-н ёндашиб, унинг гўзал ва баркамол чиқишига интилганлар. Айтиш мумкинки, матлаъдан қаноат ҳосил қилмай туриб газал ёзишга киришмаганлар. Шунинг учун ҳам асосан матлаълар Ш. даражасига кўтарилган. Таъкираларда кўпинча шоирларнинг маҳорати мезони сифатида матлаъларнинг келтирилиши бежиз эмас.

Ад-тқи сўздан мўъжиза яратиши санъати деб билган Навоий ҳар бир асари устида заргарона тер тўққан, ҳар бир сўзни шеър узуги кўзига гавҳардай маҳорат б-н қўндирган. Шунинг учун “Хазойин ул-маоний” девонлари туркумидан жой олган 2600 газал матлаъсининг ҳаммасини Ш. даражасида, дейиш мумкин. М.:

Ер оғиз очмасқа дардим

сўргали топтим сабаб,

Кўп чучуқликтин

ёпишмишлар магар ул икки лаб.

Бу байт *хусни таълил* санъатининг бетакрор намунаси. Бу санъат воситасида келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмаса-да, у ўзининг бадиий гўзаллиги б-н кишида завқ уйғотади, эътиборни тортади. Чунончи, келтирилган байтда маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўра-маслигига лабларининг азбаройи ширинли-

гидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки “гўзал ёлғон”, лекин ушбу ташбеҳ ўзининг бадиий гўзаллиги, нозиклиги, оҳорлилиги б-н ўқувчини ҳайратга солади.

Ш. фақат матлаъда эмас, бадиий баркамол газалларнинг хоҳлаган жойида келиши мумкин.

Ш. шеърни шеър қилиб турган, уни ёзишдан асосий мақсад ҳисобланган энг гўзал, энг теран, энг етук байти бўлибгина қолмай, айни пайтда шоир маҳоратининг ўзига хос намойиши, истеъдод кудратини белгиловчи ўзига хос мезон ҳамдир.

ШОҲИЙ САБЗАВОРИЙ, Амир Оқмалик ибн Малик Жамолиддин Ферузқуҳий, (1385, Сабзавор – 1453, Астаробод) – шоир, хаттоғ, наққош, мусиқачи. Ш.нинг аждодлари мўғул истилочиларига қарши халқ ҳаракати – сарбадорларнинг етакчилари бўлганлар. Бир муддат Войсунгур Мирзо саройида хизмат қилган. Умри охирида саройни тарк этиб, Сабзаворга қайтади ва деҳқончилик б-н шуғулланади. Навоий Мир Шоҳий б-н учрашмаган. Сабзаворда бўлган пайтларида Ш.ни Абулқосим Бобур Қушки Гулафшонни пардозлаш учун Астарободга таклиф этган. Лекин ораларида ёзишмалар бўлиб турган. Ш. вафот этгач, Астарободдан Сабзаворга келтирилиб дафн этилган.

“Мажолис ун-нафоис”да Ш. ижодига юксак баҳо берилиб, унинг ижодидан икки байт келтирилган. “Девони Фоний”да Ш.нинг битта газалига татаббуъ ёзилган. “Маҳбуб ул-қулуб”даги таснифида Ш.ни мажоз тариқида қалам тебратган шоирлар жумласига киритган.

ШУАЙБ – пайғамбарлардан бири. Ширинсўзлилиги ва воизлик бобида беназирлиги сабабли “Хатийбуллоҳ” факрий лақаби б-н ҳам аталади. Қуръони Каримда Ш. исми 9 марта тилга олинган. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да келтирилишича, Ш. Шам ўлкаси яқинидаги Мадян аҳолисига пайғамбар қилиб юборилади. Мадян аҳли унга бўйсунмагач, Аллоҳ таоло уларга олов ва иссиқлик балосини юборади. Ш. (а.) ва унга эргашган солиҳ зотларгина бу балодан омон қоладилар. Мусо пайғамбар (а.)

Ҳаққа этиш ҳамда пайғамбарлик даражасига эришишдан олдин бир неча йил Ш. (а.) ҳузурида чўпонлик қилиб, у кишининг қизларига уйланади. Ш. (а.) Навоий шеъриятида асосан раҳнамо пир тимсолида қўлланилган.

Ростлиғ иршоиди бу йўлда

қилур толибга пир,

Рост ул янглиғки,

Мусога асо берди Шуайб.

(“Наводир уш-шабоб”, 51-ғазал)

ШУКАЙР, Абубакр – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Саҳл Суълукийнинг қариндоши. Дарвешларни эҳтиром қилмайдиганларнинг уйига бормасликни одат қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ШУКР – берилган неъматдан миннатдор бўлиш, мамнуният, шукроналик ва қониқиш туйғуси; ахлоқ илмининг асосий тушунчаларидан бири. Ш. икки қисмдан иборат: 1) берилган неъматнинг ҳаёт учун нақадар керакли эканлигини қалбан ҳис этиш ва у ҳақида илм ҳосил қилиш; 2) берилган неъматнинг шукронасини бажо келтириб, бу неъматни яхши йўлда сарф этиш.

“Ҳайрат ул-аброр”да Ш. – инсонийликнинг уч муҳим шартларидан бири сифатида талқин қилинган:

Бас ани инсон атағил берё,

Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё.

Бошқа бир байтда эса Ш. одамларга кўпроқ манфаат етказиш ҳамда беминнат саховат кўрсатиш сифатида талқин қилинади:

Шукр недур – нафъ фузун айламак,

Базл камандини узун айламак.

Навоий жамиятнинг барча табақалари, айниқса, ҳукмдорлар табиатида шукрона-

лик туйғуси устувор бўлишини тараққиёт ва барқарорлик қафолати, деб билади. Унинг ақидасига кўра, Ш. қилишга ўрганган ҳукмдор ҳамisha халқининг манфаатини кўалаб иш қилади, босқинчилик, худбинлик, манманлик, очкувалик каби ёмон хислатлардан ўзини пок тутишга маъ-ий куч топа олади. Ш. – бу кишининг маъ-ий бойлиги бўлиб, инсонни покликка чорлайди, муҳтожликдан узоқда бўлишини таъминлайди. Шукроналик б-н яшайдиган кишининг руҳи озод, эркин бўлади. Ҳар қандай муҳитда ҳам руҳи ҳурликда бўлиб, шикаст топмайди. Ш.нинг муқобили – куфрон (ношукурлик) бўлиб, бу хислат инсонни тўғри йўлдан адаштиради. Шу сабабли, моддий ва маъ-ий неъматларнинг шукронаси ушбу неъматларнинг янада кўпайиши қафолати бўлиб, саодат манзилларига етакзувчи муҳим омиллардан бири саналади.

Ҳар не Ҳақ амридурур шукр ила

қилким, қилмоқ

Бандадин яхши эмас хўжа иши

кўнгранибон.

(“Наводир уш-шабоб”, 452-ғазал)

ШУНҚОР, Сунғур – “Лисон ут-тайр”даги қуш образи. Ўзини подшоҳ атаб, шоҳга эҳтиёжи йўқлигини айтади. Худхуд уни танқид қилиб, Бўйра шоҳи ҳақидаги ҳикоятни айтиб беради ва бу б-н “сен зоҳирда ўзингни шоҳ деб ўйлаяпсан, асли подшоҳлик фақат Симурғга хос”, деган ғояни ифодалайди.

Навоий бунинг воситасида тахт ва мансабга ружу қўйган шахслар ҳамда амалларастлик иллатини фош қилади:

Деди Сунғур: – “К-эй улуска роҳбар,

Амринга тобеъ келиб огоҳлар.

Манга Ҳақ бир рутба зоҳир айламиш,

Ким бори қушларга қодир айламиш.

(“Лисон ут-тайр”)



ЭГАРМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн биринчиси. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра *эгирди – гради, қуршади, айлантирди* маъноларини англатган. Навоий асарлари учун тузилган луғатларда ҳам шу маънолар кўрсатилган: *айлантириш, ўгириш, айланмоқ, давр урмоқ, таъқиб этмоқ*. Э. феъли “Муҳокамат ул-луғатайн”дан ташқари “Вақфия” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” дostonида ҳам қўлланилган.

*Эгармакта йўқ чархи даввордек,
Ки бир нуқта даврида паргордек.*

(“Вақфия”, 4)

ЭРАМ – Нуҳ алайҳиссаломнинг набираси, Сомнинг ўғли. Ўзининг баҳайбатлиги б-н ном чиқарган Од ва Самуд қабиласи, шунингдек, Худ пайғамбар (а.)нинг аждоди. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам”да Э. исми тилга олинган.

ЭРИКМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн тўққизинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида *хаёлга чўймоқ* маъносидан қўлланган.

*Бир кун эриқиб маҳи муаддаб,
Тушти бошига ҳавои мактаб.*

(“Лайли ва Мажнун”, 8-боб)

“ЭЪЛОМ УТ-ТАҚИЙ” – Шаҳобиддин Сухравардийнинг асари. Тўлиқ номи “Эълум ул-ҳудо ва ақийдату арбоб ат-тақий” (“Ҳидоят йўлини билдириш ва тақво арбобларининг эътиқоди китоби”). Ўн фаслдан

иборат ушбу китоб араб тилида ёзилган. Унда калом илмининг асосий ақидалари ҳақида фикр юритилган. Китобга Макка шаҳрида тартиб берилган. Асар номи “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилган.

ЭЪНОТ (ар. – машаққатга қўймоқ) – қофиянинг жарангдорлигини таъминлаш мақсадида ундан олдин такрорланадиган товушларни келтиришга асосланган лафзий санъат. Бунда шоир қофиядан олдин такрорланиши шарт бўлмаган товушларни қўллайди.

Кўнгулма тиг урғач,

оҳимдин хувайдо бўлди дуд.

Шуъланинг устига

чун қўйдинг су – пайдо бўлди дуд.

Бу ерда равий “о” бўлса, унинг олдида “д”, ҳатто “й” товуши такрорланишти ва ўзига хос жарангдорликни ҳосил қилапти. Ҳолбуки, ушбу сўзларга ғазалнинг кейинги байтларида *соро, ошкоро, сумансо, хазро, зулматосо, чархпаймо, ваҳшатафзо* сўзлари ҳам қофия қилинган, лекин улар “хувайдо – пайдо” каби жарангламайди.

Ғариблиғда, деманким,

ғаму малолати бор –

Ки, сендин айру

кўнгулнинг ғариб ҳолати бор.

Байтда қофия бўлиб келган “малолат” ва “ҳолат” сўзларидаги “т” харфи равий, “л” esa Э.дир. Э. илтизом деб ҳам юритилади. Илтизом бир нарсани ўз зиммасига олиш демақдир. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг Рашидиддин Ватвот тилидан келтиришича, “шоир сўзни безаш учун вожиб бўлмаган ва сўз онсиз ҳам дуруст тўлиқ бўлган, бир

нарсани такаллуф қилур андоққим, сажъ охирида ёки байт охирида равий ёки ридф ҳарфларидин бурун бир ҳарфни илтизом қилурларким, агар муни қилмасалар ҳам зиёни йўқтур”.

Алишер Навоий имкони топилганда Э.ли қофиялардан маҳорат б-н фойдаланади, лекин ҳамиша ҳам бунга ҳаракат қилмайди. Шоир асарларида Э.сиз қофияларнинг кўнлиги шундан далолат беради.

ЭҲРОМ (ар. – чегараланиш, ибодат ҳолатига ўтиш) – мусулмонларнинг ҳаж ва умра пайтидаги махсус кийиниши. Э. ҳажни дили б-н ният қилиш, ҳаромдан муҳофазаланиш демақдир. Э.даги киши ёмон сўз айтиш, аёли б-н яқинлик қилиш, гуноҳ ишларга қўл уриш, бир-бири б-н уришиб-тортишишдан сақланиши лозим. Шунингдек, айрим мубоҳ амаллардан ҳам чекинади – қуруқ ердаги ҳайвонни ўлдирмайди, тикилган либос киймайди, ялангоёқ юради, юзини, бошини бирор нарса б-н тўсмайди, хушбўй нарса суртмайди, тирноқ, соч, мўйларини олмайди. Агар бу қоидалардан бирортасини бузса, ҳайвон сўйиб ёки садақа қилиб каффорат гўлайди. Э. 2 бўлак (изор ва ридо)дан иборат бўлиб, бири б-н чап елка, иккинчиси б-н белдан паст ўраллади. Э. ҳаж ибодатини белгиланган тартибда, мукаммал бажаргандан сўнг ечилади.

Шоҳ Неъматуллоҳ Валий Э.ҳақида шундай ёзади: “Зоҳир Э.ининг шартлари маълумдир. Аммо ботин Э.и нафсоний сифатларнинг тажриди, ёмон хислатлардан тафрийд, ботинни ёмон хулқлардан тозалаш ҳамда кўнгил уйини ғазаб ва шаҳват нопоқликларидан поклаш орқали ҳосил бўлади”. Навоийнинг лирик асарлари ҳамда “Хайрат ул-аброр”нинг иккинчи мақолатида кўнгил Э.и ҳақида сўз борганида айни шу мақомни назарда тутган.

Эй Навоий, йуқ ҳарам

эҳромда эмди қусур,

Ким, кўнгулга ғайрнинг

ёдини таҳрим айладинг

(“Фавоийд ул-кибар”, 349-ғазал)

ЭҲСОН–1) яхшилик қилмоқ ва бир нарсани яхши сақламоқ. Ахлоқ илмининг асосий тушунчаларидан бири. Абу Амр Нужайднинг ақидасига кўра, Э. хислатини тарбиялаш Э. қилишдан-да улуғроқ ишдир. Навоийнинг асарларида Э. б-н боғлиқ қўйидаги ибораларга дуч келамиз: Э. ёмгури – кўп яхшиликлар; руқъайи Э. – лутф ва марҳамат б-н ёзилган мактуб; Э. илиги – яхшиликка одатланган қўл; зайли Э. – яхшилик одати; гули Э. – яхшилик гули; майи Э. – яхшилик шароби, Ҳақ Э.и – Худо берган неъмат; абри Э. – булутдек кўнгилларни яшнатувчи яхшилик; кафи Э. – саховатли қўл; дарёи Э. – барчага бир хил манфаат етказувчи зот. Навоий барча асарида Э.ни инсонийликнинг муҳим шартларидан бири сифатида тавсифлайди, айникса, бу хислатнинг ҳукмдорларда бўлишини орзу қилади. “Назм ул-жавоҳир”да Э. ҳақида бешта рубоий ёзиб, унинг турли кирраларини очиб берган. “Маҳбуб ул-қулуб”да Э.ни барча яхши хислатларнинг боши ва ўзаги деб, шундай таъриф беради: “Эҳсон сифати саодати абад бил, фитна ва офат яъжужу дафъига садд бил. Инсоният боғининг диллисандроқ аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур. Жамъи писандида сифот ва мустаҳсан ҳолот эҳсонга тобеъдур ва анинг зимнида мудариж ва воқеъдур; ул барча яхшиликларга жомеъ ва бари яхшиликлар, фил ҳақиқат, анга рожеъ”. (“Маҳбуб ул-қулуб”, учинчи фасл.)

2) хайр-садақа, бировга беминнат моддий ёрдам кўрсатиш:

Қилурға зулм ишқ аҳлини

айлар жамъ ул золим,

Нечуким, шоҳ эҳсон

қилғали йиғқай ғабдоларни

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 641-ғазал)



ЮВШАЪ ИБН НУН – “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да тилга олинган пайғамбар. Мусо қавмидаги ўн икки қавм раҳбарларидан бири. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да берилишича, Мусо пайғамбар Хизр (а.)ни кидириб, йўлга тушганда унга сафардош бўлган. Мусо (а.) вафотидан кейин Шом аҳлини имонга даъват этиш учун қўшин тортади. Ари шаҳридаги мустаҳкам қўрғоннинг бир томони Ю.нинг дуоси туфайли ерга яқсон бўлади. Ю.ўлжаларни ўтда ёқишга буюради. Ю.нинг буйруғига қулоқ солмаганлар ҳам ана шу ўтда ёниб кетади. Балқо шаҳрини қамал қилганда Балъами Боъур Исми Аъзамни ўқиганида Ю.нинг қўшини чекинади. Ю.дуо қилгач, Балъами Боъур хаёлидан Исми Аъзам кўтарилади ва бир кеча-кундуз қатлиом содир бўлади. Ю.нинг мўъжизаларидан бири – халқ ўз вақтида ибодат қилиш учун Қуёшни орқага қайтарган.

Юз йигирма ёшида вафот этган:

Ювшаъки, солиб куйфр

аҳли кунглига харош,

Мусо динида эл била қилди маош.

Ҳар неча Қуёшда айлади муъжиза фош,

Охир қаро ерга кирди андоқки қуёш.

(“Тарихи анбиё ва ҳукамо”)

ЮГНАКИЙ, Адиб Аҳмад (12-аср охири, Самарқанд, Югнак қишлоғи – 13-аср 1-ярми) – туркий адабиётнинг забардаст намояндаси, мутафаккир. Таржимаи ҳоли ҳақида деярли маълумот йўқ. Визгача “Ҳибаъ ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар туҳфаси”) номли асари етиб келган. Унинг охирида Адиб Аҳмад, деб ёзилган. Асарнинг бир

нусхасидан теурий амалдорлардан Арслонхожа Тархон илова қилган 10 байтлик маснавийда Ю. ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. Ундан маълум бўлишича, Адиб Аҳмад Югнак деган сўлим ва баҳаво жойда туғилган. Отасининг исми Маҳмуд Югнакий бўлган. “Ҳибаъ ул-ҳақойиқ” китоби одоб-ахлоқдан иборат. Кошғарий насрда ёзган бу китобни шоир нуктадонлик б-н назм риштасига терган. “Қутадғу билиг”дан бир-икки аср кейин ёзилган бу асар ўзбек мумтоз ад-тининг ноёб дурдонаси саналади. Алишпер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Ю.га алоҳида ўрин ажратиб, ҳам шахси, ҳам ижоди хусусида юксак фикрларни билдирган. Бу эса унинг ҳам забардаст сўз устаси, ҳам машҳур тас. намояндаси бўлганлигидан яққол далолат беради.

Ю. туғилган жой б-н боғлиқ масала олимлар ўртасида кўп тортишувга сабаб булган. Чунки Югнак деган жой Самарқанд, Фарғона ва Туркистонда ҳам бор. Бироқ кўпчилик уни Самарқанд атрофидаги Югнакда туғилган деган фикрни олдинга суришмоқда. Қолаверса, кейинги тадқиқотлар ҳам бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлапти. Чунончи, 12-асрда яшаган машҳур муаррих Абдулқарим ас-Самъоний “Ал-Ансоб” (“Насабнома”) китобида шундай ёзади: “Бу нисба (тахаллус) “Югнак”дан ва бу (жой) Самарқанд қишлоқларидан. Бу нисба б-н Абуҳомид Аҳмад ибн Абу Аҳмад ал-Юғанакий машҳурдирлар”.

Ю. тугма кўр бўлган, лекин Навоий таъбири б-н айтганда, ниҳоятда зийрак ва закийлиги б-н ажралиб турган: “Ҳақ

субҳонаҳу ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқандур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур... Ва анинг тили турк алфози била мавоизу насойиҳқа гўё эрмиш. Хейли элнинг муқтадоси эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмагу нукталари шоъедур. Назм тариқи била айтур эрмиш, анинг фавоидидиндур.

Улуғлар не берса, емасан дема,

Илик сун, оғиз ур, емасанг ема!

Ва ҳам анингдурким:

Сўнакка иликдур, эранга билик,

Биликсиз эран – ул сўнаксиз илик”.

Шоир “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарини ёзиб тугатганидан сўнг ҳукмдор Дод Сипоҳсолорбекка тақдим этади.

“Ҳибат ул-ҳақойиқ” 14 боб, 512 мисрадан иборат. Достоннинг биринчи боби Аллоҳга ҳамд, иккинчи боби Муҳаммад алайҳиссалом наъти ва чорёрлар таърифига, учинчи боби Дод Сипоҳсолорбек мадҳига бағишланган. Тўртинчи бобда китобнинг ёзилиш сабаблари баён қилинган. Тўрт муқаддима бобдан сўнг асосий қисмга ўтилади. Бешинчи боб – маърифатнинг фойдасию жаҳолатнинг зарари, олтинчи боб – тил одоби, еттинчи боб – дунёнинг ўткинчилиги, саккизинчи боб – сахийлик ва бахиллик, тўққизинчи ва ўнинчи боблар эса турли масалаларга бағишланган бўлиб, ўн биринчи боб хотимадан иборат. (Асарнинг 885 ҳ.қ./1480 й. Истанбулда Абдураззоқ Бахши қўчирган нусхаси 11 бобдан иборат – уч боб ё тушиб қолган, ё бошқаларига қўшилиб кетган).

А.Ю. ўзини шоир эмас, балки адаб муаллими деб ҳисоблаган. Ўзига хос ахлоқ китоби бўлган бу асарга Қуръони Карим ва ҳадиси шариф маънолари сингдирилган. У ислом дини ахлоқини ташвиқ қилиш, комил инсонни тарбиялаб етиштириш мақсадида ёзилган. Асарнинг панд-насиҳат асосига қурилгани шундан. Кўпчилик байт ва бандларнинг ҳикмат каби жаранглаши шоирнинг шеърий салоҳияти чиндан ҳам баян бўлганлигидан далолат беради. Ахлоқий, маърифий ва фалсафий мазмундаги бу ҳикматлар асрлар оша етиб келди ва яна кўп муддат келгуси авлодлар маъий эҳтиёжларига хизмат қилиши шубҳасиз.

ЮНУС ИБН МАТТО – мурсал пайғамбар. Фахрий лақаби – Ҳут (Балиқ) соҳиби. Суй элини яккахудоликка даъват этади, аммо қавм уни ёлғончига чиқаради. Бундан газабланган Ю. қавмини қаргайди, ўзи ва оиласи б-н илоҳий офат келганида қавм тополмасин, деб яширинади. Суй қавмига ўт ёғадиган булут офати юборилади. Қавм Ю.ни тополмаганидан кейин ўзлари бирлашиб, сидқидилдан тавба-тазарру қилади. Қавмнинг тавбаси қабул бўлади. Бу воқеадан кейин Ю. кемада сафарга чиқади. Катта бир балиқ кемага таҳдид қилади. Кема аҳли бу балодан қутулиш учун бир кишини қурбон қилмоқчи бўлиб, уч марта қуръа ташлайди. Қуръа уччаласида ҳам Ю. чекига тушади. Ю. йўқса илоҳий ғазабга гирифтор бўлишини билиб, ўзини балиқ оғзига ташлайди. Аллоҳ Ю.ни балиқ курсоғида тирик асрайди. Ю. балиқ ичида қирқ кеча-кундуз тавба-тазарру ва ибодат б-н машғул бўлади. Аллоҳ Ю.нинг тавбасини қабул қилиб, уни уч – кема, сув ва балиқ курсоғи қоронғулигидан қутқаради. Қирқ кеча-кундуздан кейин ўз ҳолига келиб, қавмини ҳидоятга даъват этиш шарафига муяссар бўлади. Қавм бу сафар унга эргашади. Қабри – Қуфада.

Юнуски нубувват кўзини ёрутти,

Такзиб ила қавм кўнглини ўрготти.

Болиғ ичида агарчи маскан тутти,

Ҳам охир ани ажал болиғи ютти.

(“Тарихи анбиё ва ҳукамо”)

ЮСУФ – пайғамбарлардан бири. Канъонлик Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғли. Қуръонда Юсуф пайғамбар (а.)нинг қиссаси энг гўзал қисса дея таърифланган ҳамда “Юсуф” сураси тўлиқ унга бағишланган. Юсуф (а.)нинг беқиёс ҳусни, отаси Яъқуб (а.)нинг унга бўлган чексиз муҳаббати, биродарларини Юсуф (а.)га нисбатан ғайирлиги ва уни ҳасад туфайли қудуққа ташлангани, арзимас чақа эвазига Миср карвонига қул қилиб сотиб юборилгани, Юсуф (а.) ва Миср Азизининг хотини – Зулайхо ўртасидаги можаролар, туҳмат б-н зиндонга тушиши, тушларни тўғри таъбир қилиш мўъжизаси, ҳаёти охирида сабри туфайли Мисрда азиз бўлганлиги, Юсуф (а.)ни қутиб кўзлари оқарган Яъқуб (а.)нинг Юсуф-

нинг кўйлаги хидидан кўзлари ёришиб кетгани каби воқеа ва ҳодисалар Навоий учун битмас-туганмас илҳом ва ижод манбаи бўлган. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Навоий Юсуф (а.) қиссасини қисқача келтириб, сўзининг бошида бу қиссани ўзбек тилида назм шаклида баён этиш режаси борлигини қайд қилиб ўтган. Лирик асарларида ҳам Юсуф (а.) тимсоли энг кўп талмиҳ қилинган образлардан саналади.

Зарраи меҳри жамолинг Юсуф

Топибон олам элин зор этти.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 639-ғазал)

ЮСУФ ВИН ХУСАЙН РОЗИЙ (ваф. 916–917) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абу Яъқуб. Абдуллоҳ Ҳозирнинг жияни, Зуннун Мисрийнинг шогирди. Рай ва Ироқи Ажамдаги сўфийларнинг имоми ва пешвоси бўлган. Маломатийлик тариқатининг намояндаси. Абу Туроб Нахшабий, Яхё Маъвоз Розий, Абу Саид Харроз, Иброҳим Хаввос каби 120дан ортиқ шайхлар б-н суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган. *Жунайд Бағдодий* б-н ўзаро мактуб ёзишган. *Абу Собит Розий*нинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да *Жомий* тазкирасидаги маълумотларни қисман келтириб, унга ўзи Шайх Муҳаммад Табодгонийдан эшитган ҳикоятни қўшган.

ЮСУФ ШАЙХ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Садр отанинг авлодларидан. Бир юз йигирма йилдан ортиқ умр кўрган. Соф тоғида маскан тутиб, ўша ерда вафот этган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ (1048, Ҳамадон – 1141, Бомиён) – йирик тариқат пири, тасаввуф олими. Ҳамадон агрофидаги қиш-

лоқлардан бирида косиб оиласида туғилган. Навоийнинг ёзишича, “имом, олим, орифи Раббоний, гузал ҳоллари, кўп эҳсонлари, юксак каромот ва мақомотлари бор” бўлган Абуляъқуб Юсуф Ҳамадоний Бағдодга бориб, Абу Исҳоқ Шерозийдан таҳсил олади. Бағдод, Исфажон ва Самарқандда кўп уламолардан ҳадис, тас. сирларини эса Абу Али Формадий, Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симнонийдан урганган. Бағдоддаги Низомия мадрасасида дарс беради. Бир неча йил Марвда қолиб, халққа ваъз айтаган. Абдулқодир Гилоний (Ғавс ул-аъзам), Имом Ғаззолий, Ҳамидуддин Мултоний каби ўз даврининг етук шайху муршидлари б-н мулоқотда бўлган. 30 марта ҳаж қилгани нақл қилинади. Вукорода узок муддат яшаб, муридлар тарбияси б-н машғул бўлган. Кейинчалик хожাগон-нақшбандия тариқатининг асосий шиорларига айланган “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” қоидаларини ишлаб чиққан. Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний каби забардаст шогирдлари мусулмон оламида машҳур. Ю. Ҳ.нинг истеъдоди ва мақоми қанчалик улуг бўлганлигини 17 муриди комил авлиё даражасига етгани, Шарқ халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган яссавия ва хожাগон-нақшбандия тариқатининг асосчилари бевосита унинг муридлари эканлигидан ҳам билса бўлади.

Хиротдан Марвга қайтаётганда Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида вафот этган. Хоки кейинчалик Марвга кўчирилиб, муридлари қайта дафн этган.

“Рутбат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт мезони”), “Кашф”, “Рисола дар одоби тариқат” (“Тариқат одоби ҳақида рисола”), “Рисола дар ахлоқ ва муножот” (“Ахлоқ ва муножот ҳақида рисола”), “Рисола фи аннал кавна мусаххарун лил инсон” (“Дунёнинг инсонни таслим қилиши ҳақида рисола”) каби асарлар ёзган.

ЯДА ТОШИ – ёмғир чақириш учун қўлланиладиган сеҳрли тош; туркий қавмларнинг тотеми. Қурғоқчилик бўлган пайтларда сеҳрли дуоларни билган ядачи **Я.т.** устига бирор жонлиқ қонини оқизиб, махсус дуолар ёрдамида ёмғир чақирган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Амир Темурнинг машҳур “Лой жанги”да маглубиятга учраганига Илёсхўжанинг ядачиси **Я.т.** ёрдамида кучли жала ёғдиришининг сабаб қилиб кўрсатилиши туркийлар орасида исломдан аввал мавжуд бўлган бу одат ўрта асрларда ҳам ўз таъсир кучини йўқотмаганлигини билдиради.

Навоийнинг лирик асарларида **Я.т.** бадий образ даражасига кўтарилган бўлиб, ошиқнинг кўзидан қон ёши оқиувчи ёрнинг тош қалбига ўхшатилади:

Яда тошига қон етгач ёгин

ёғқондек, эй соқий,

Ёғар ёмғурдек ашқим чун

бўлур лаълинг шароболуд.

(“Фаройиб ус-сиғар”, 117-ғазал)

ЯДАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон тўртинчиси. Манбаларда изоҳланишича, Навоий асарларида қўлланилмаган бу феъл *чарчамоқ, ҳормоқ; эгилмоқ, букчаймоқ ҳолсизланмоқ, кучдан қолмоқ* каби маъноларни англатади.

ЯЗД – Хуросондаги қадимий шаҳарлардан бири. Ҳоз. Эроннинг марказий қисмида жойлашган. Мил.дан аввалги 4–3 асрларда асос солинган. Ўрта асрларда **Я.** шаҳрида,

айниқса, ипакчилик ва тўқимачилик кенг ривожланган. **Я.** шаҳри дастлаб Сосонийлар давлати таркибида, сўнг Араб халифалиги, Тоҳирийлар, Саффорийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар давлати тасарруфида бўлган. Мўғул истилосидан сўнг **Я.** дастлаб маҳаллий амирларнинг пойтахти, сўнг Музаффарийлар сулоласининг пойтахти (1313–1393)га айланган. Темурийлар давлати таркибида **Я.** савдо марказларидан бири сифатида ўз мавқеини ва аҳамиятини сақлаб қолган.

Я. Алишер Навоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган шаҳарлардан ҳисобланади. “Мақорим ул-ахлоқ”да келтирилишича, Навоийнинг илк болалик хотиралари **Я.** шаҳри билан боғлиқ. Шохрух вафотидан сўнг замон нотинч бўлган пайтда Алишернинг отаси оиласи б-н Ҳиротдан кўчиб кетишга мажбур бўлади. Йўлда, **Я.** чўлида (ҳоз. Дашти қавир) Алишер қарвондан қолиб кетиб, нотаниш бир киши воситасида яна етиб олади. Навоийнинг **Я.** шаҳрида машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий б-н учрашиб, унинг илтифоти ва дуосига сазовор бўлганини “Насойим ул-муҳаббат”да қайд қилиб ўтади. Лирик асарларида **Я.** ҳунармандлари тиккан гардияздий рўмоли мажозий маҳбубанинг жамолини тавсифлашда қўлланилган:

Эрулуру бошига жонлар, ваҳки,

ҳар жон риштаси

Ҷирмашиптур гардияздий

меъжари ҳар ториға.

(“Фаройиб ус-сиғар”, 534-ғазал)

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАҲРОМ I – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Баҳром Гурнинг отаси. Тарихда золим ва подон подшоҳ сифатида ном қозонган Я. йигирма йил подшоҳлик қилган. Уни Тус вилоятидаги Чашмай сабз туманида от тепиб ўлдиради. Навоий Я.га Сосонийлар сулоласининг энг золим ҳукмдори сифатида баҳо берган.

*Мақон тутти чун тахт уза Яздижирд,
Таадди-ю зулм айлади элга вурд.*

Неча кун сақолиғаким, кулди чарх,

Ажал илқидин барчасин юлди чарх.

(“Тарихи мулуки Ажам”)

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАҲРОМ II – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Адолат ва муросои мадора б-н сиёсат юргизгани, табиатан юмшоқ феъл бўлганлиги сабаблиги “Я.и Нарм” факрий лақаби б-н машҳур бўлган. Навоий ўзи истифода этган манбаларда Я.нинг ҳукмронлик даври турлича қайд қилинганлигини айтиб, хулосани ўқувчи ҳукмига ҳавола этади.

Яна Яздижирд ибни Баҳром эди,

Ки оламга адлидин ором эди.

Агар ҳўйи юмшоғ эди гар ирик,

Фалак қўйи мади дағи они тирик.

(“Тарихи мулуки Ажам”)

ЯЗДИЖИРД БИННИ ЯЗДИЖИРД – Эронда ҳукмронлик қилган сосонийлар сулоласининг сўнгги намояндаси – Яздижирд II. “Шахриёр” факрий лақаби б-н машҳур бўлган. 632–651 й.ларда подшоҳлик қилган. Унинг даврида араблар Эронни фатҳ этишга киришади. Биринчи уруш Қодисияда бўлиб, унда Эрон лашкарбошиси Рустам Фаррухзод ҳалок бўлади. Иккинчи уруш 642 й.да Наҳованд яқинида бўлиб, форслар бу гал ҳам мағлубиятга учрайди. Я. Исфаҳон, кейин Кирмон ва Марвга қочиб бир тегирмончи қўлида ҳалок бўлади.

Агар Яздижирд ўлсун ар Шахриёр,

Вагар Баҳман ўлсун, гар Исфандиёр.

Ки қўйди вужуд уйига чун кадам,

Яна анга бўлмоқ керактур адам.

(“Тарихи мулуки Ажам”)

ЯЗДОНЁР УРМАВИЙ, Абубакр Хусайн бин Али бин Яздонёр – “Насойим ул-

муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фарбий Озарбайжоннинг Урма шаҳрида туғилган. Янги тариқат асосчиси. Унинг тариқатини Шиблий ва бошқа айрим шайхлар инкор этган. У суқр аҳли ва уларнинг шатҳиётига эътироз билдирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб кiritган.

ЯЛДО ТУНИ – йилнинг энг узун кечаси. Қуёш Жадий буржида қарор топган кун (21–22 декабр)га тўғри келади. Я.т.дан бошлаб, кунлар узайиб, кечалар қисқариб боради. Навоий шеърлятида бу тушунча ёрнинг зулфи ва ошиқнинг ҳижрон кечаси узунлигини ифодалашда қўлланилган:

Зағф аро сунбулли гар зулфунг дедим,

тонг йўқки, бор

Хастаға жавзо тунн ялдо тунн

янгилг тавил.

(“Бадоеъ ул-васат”, 371-ғазал)

ЯЛОШ БИННИ ФИРУЗ – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Беш йил ҳукмронлик қилган Я. даврида ҳукуматни асосан отаси давридан буён вазиралик қилиб келаётган Сухро бошқарган. Ироқда Ялошобод деган шаҳарга асос солган. Навоий Я. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот келтирган.

Ялош ибни Фирўз офоқ аро

Не беш йилки, беш кун эди кадхудо.

Валекин ани доғи бу гандалир

Ажал хайли илқига қилди асир.

ЯРАҚОН – сариқ касаллиги, гепатит. Ўрта асрлар тиббиётида икки нав Я. ҳақида маълумот берилган: 1) Я. асфар – баданда сафро кўплигидан ҳосил бўладиган касаллик; 2) Я.и асвад – қон таркибида сафро кўпайганидан пайдо бўладиган касаллик. Навоий қитъаларининг бирида умри охирида Я. б-н касаллангани ҳақида маълумот берган:

Ярақон бўлдимү деҳқони қазо,

Зағфарон экти ёшим ориғига.

Ул пари қилди кўзум сори ватан,

Бокманг, аҳбоб, кўзум сориғига.

(“Фавоийд ул-кибар”, 10-қитъа)

ЯШҚАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ саккизинчиси. Манбаларда бу феълнинг *кўрқатмоқ, кўймоқ, ястамоқ* каби маъноларни англатиши айtilган, бироқ Навоий асарларида айнан шундай шаклдаги феъл қўлланилмаган.

ЯЪЖУЖ, ЯЪЖУЖ ВА МАЪЖУЖ – фитна ва фасод уяси бўлган асотирий қавмлар номи. “Садди Искандарий”да келтирилишича, афт-ангори даҳшатли махлуққа ўхшаб кетадиган бу қавм тинч аҳолига кўп азият етказди. Искандар Чин халқининг илтимоси б-н катта бир тўсиқ қуриб, шу тариқа инсониятни бу сон-саноксиз қавмнинг зулмидан қиёматгача омон қолдиради.

*Ғаму андуҳ яъжужига ҳар девори саддедур,
Фано майхонасидек*

*топмадуқ дор-ул-амон ҳаргиз.
 (“Ғаройиб ус-сиғар”, 209-ғазал)*

ЯЪҚУБ – пайғамбарлардан бири. Иброҳим Халилulloҳ (а.)нинг ўғли Исҳоқ пайғамбар (а.)нинг фарзанди. Я. (а.)нинг исми кўпинча ўғли Юсуф (а.)нинг бошидан ўтган можаролар б-н боғлиқ ҳолда келади. Манбаларда келтирилишича, ўн икки фарзанднинг отаси бўлган Я. (а.) Юсуф (а.)га бошқача эътибор қаратган. Юсуфнинг акалари ҳасад қилиб, уни Миср қарвонига арзимас баҳога сотиб юборади ва қонли кўйлагини отасига кўрсатиб, “Юсуфни бўри еб кетди”, дея ёлғон гапиришади. Я. (а.) уларга ишонмай, гўзал сабр қилишдан ўзга чора тополмайди. Юсуф (а.) фиरोқида уйига (бу уй кейинчалик “байт ул-аҳзон” – ғамхона номи б-н машҳур бўлади) кириб, кечаю-кундуз кўз ёши тўкиши оқибатида кўзлари оқариб кўрмай қолади. Юсуф (а.) узоқ йиллар ўтиб Мисрдан ўз кўйлагини тириклиги нишонаси сифатида отасига юборади. Жигарбанди кўйлагининг хидидан Я. (а.)нинг кўзлари яна кўра бошлайди. Я. (а.) Навоий шеъриятида кўпинча ўз Ёридан айрилган Ошиқ тимсоли сифатида қўлланилади.

Не ажаб очилса кўр

ўлган кузум Яъқубдек

Ким, насими субҳ

берди моҳи Канъондин хабар.

(“Наводир уш-шабоб”, 175-ғазал)

ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ, Мавлово Яъқуб бин Усмон бин Муҳаммад Ғазнавий Чархий (тахм. 1363, Ғазна – 1447, Душанбе) – “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тасаввуф намояндаси. Ғазна ш. яқинидаги Чарх кишлоғида дунёга келган. Илм талабида Ҳирот, Миср ва Бухорога сафар қилиб, шариат илмларини чуқур ўзлаштирган. Ваҳоуддин Нақшбанд суҳбатига етишиб, у зотнинг ишорати б-н Хожа Алоуддин Атторга мурид тушган. Кейинчалик ўзи ҳам нақшбандийлик тариқатининг пири сифатида Хожа Аҳроп Валий, Мирсайид Шариф Журжоний каби шайх ва донишмандларга устозлик қилган. “Рисолаи қудсия” (“Қудсий ҳадислар ҳақида рисола”), “Рисолаи абдолия” (“Абдоллар ҳақида рисола”), “Рисола дар манокӣб ва ақоид” (“Манокӣб ва ақоид (калом илми) ҳақида рисола”), “Шарҳи асмоуллоҳ” (“Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи”), “Рисола дар илми фароиз” (“Мерос тақсими ҳақида рисола”), “Рисолаи унсия” (“Дўстлик ҳақида рисола”), “Найнома” (“Маснавий икки байтининг шарҳи”), “Тафсири Чархий” каби асарларнинг муаллифи. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”даги ушбу шайх билан боғлиқ бобни айнан киритган.

ЯЪҚУБХОН ОҚҚУЮНЛИ ТУРКМАН, Яъқуб бин Амир Ҳасанбек бин Али бин Қаро Усмон (ваф. 1518) – давлат арбоби, шоир. “Тухфаи Сомий”да маълумот берилишича, унинг аждодлари Ўғузхонга нисбат берилади. Эронга қўшин тортиб келганда Диёрбакрда яшаб қолганлар. Бу сулоладан илк бор Ҳасанбек ҳукмдорлик тахтига чиққан, кейин унинг ўғли Халилбек, олти ойдан сўнг эса кичик укаси Яъқуббек Диёрбакр ҳокими бўлган. Кейин Озарбайжонни забт этган. Эроннинг қатор шаҳарларини эгаллаб, хонлик тахтига муқим ўтирган. Ироқ ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилган бу маърифатпарвар шоҳ илму адаб аҳлига ҳомийлик қилиб, ўзи ҳам шеърлар ёзган. *Фахрий Ҳиротий у раҳнамолик қилган* адабий муҳитга мансуб 40 та шоир ҳақида маълумот беради. Абдурахмон Жомий ҳаж сафаридан қайтишда Табризда у б-н кўришиб, мулоқотда бўлган ҳамда “Сало-

мон ва Абсол” достонини унга бағишлаган. Алишер Навоий уни шеърят билимдони, истеъдодли шоир ва маърифатпарвар ҳукмдор сифатида эътироф этган. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида “Туркман салотинида авингдек писандида зотлиг ва ҳамида сифотлиг йиғит оз бўлмай. Дарвешсифат ва фонийваш эрди”, деб ёзади.

Алишер Навоий бошқа шоирлар ҳақида фикр юритганда улар б-н боғлиқ ҳолда Яъқуб Султон номини ҳам тез-тез тилга олади. Жумладан, Камолиддин Ҳусайн Ироққа борганида Яъқуб уни ҳурмат-эҳтиром б-н кутиб олиб, Биёбонг деган ҳар йили юз минг олтинга яқин даромад келтирадиган жойни суюрғол қилиб беради. Лекин бу дарвештабиат инсон унинг баҳридан ўтиб, Хуросонга қайтиб келади. Ҳусайн Абивардийнинг бир байтини танқид қилишганида ҳакамлик қилиш учун Султон Яъқубга юборади. Қози Исони у шу “мартабада таъзим ва тарбият қилдиким, ҳеч подшоҳ аҳли алоқадин ҳеч кишини онча тарбият қилганини тарихларда кўрулмайдур”. Ёки унинг қошида Шайх Нажмдан “махсусроқ ва вайиброқ киши йўқ эрди”. Бу далиллар, бир томондан, Султон Яъқубнинг ижод аҳлини ҳамиша қўллаб-қувватлаганини кўрсатса, иккинчи томондан, ўзи ҳам ад-тнн теран тушунганидан гувоҳлик беради.

ЯҚИН I (ўзб.) – оралиғи унча узок бўлмаган масофа, вақт, муносабат, воқеа. Узокнинг зидди:

*Недин билман юзум сарғарди
мухриқ ишқ тобидин,
Юзи ўтқа яқинроқ бўлган
элининг чунки рангиндур.
 (“Ғаройиб ус-сиғар”, 166-ғазал)*

ЯҚИН II (ар.) – шубҳа ва гумондан холи, аниқ ва очиқ-ойдин ақида. Ирфон аҳли Я.ни турли маъноларда талқин қиладилар: 1) ҳар қандай шубҳа ва гумонни бартараф этиш орқали ғайб оламнинг асрорини тасдиқ ва тадқиқ этиш; 2) кашф ва шухуд; 3) қалб кўзининг очилиши; 4) ҳақиқат нурининг зоҳир бўлиши; 5) ғайб оламнинг мушоҳадаси, қалб мукошафаси, сирлар мулоҳазаси ва ҳ.к. Бу таърифлар бир-бирини

инкор этувчи бўлмай, балки моҳиятан бир-бирини тулдиради. Жунайд Бағдодий Я.ни шак-шубҳанинг орадан кўтарилиши, деган бўлса, Зуннун Мисрий кўз билан кўрган нарсани – илм, қалб билан кўрган нарсани Я. деб айтган. Насриддин Тусий “Тақосур” сурасининг 6-оятини ва “Воқитъа” сурасининг 94-оятига таяниб, Я.нинг 3 даражаси – илм ул-яқин (шубҳа ва гумондан холи бўлган ақида ҳақида билим ҳосил қилиш), айн ул-яқин (шубҳадан холи ақида соҳиби бўлиш) ва ҳаққ ул-яқин (шубҳадан холи ақиданинг моҳиятига етиш) борлигини таъкидлайди. Тусий Я.нинг ушбу даражаларини оловни кўриш, тафтини ҳис этиш ҳамда шу оловда ёниб, оловга айланиш мисоли б-н изоҳлайди.

Навоий шеърятини Я. сўзи кўпинча ҳам ўзбекча, ҳам арабча маъноларини ифода этиб, тажнис санъатини ҳосил қилган. Ирфоний байт ва шеърларда Я.нинг истилоҳий маъноси ҳам англашилади.

*Етишқай бегумон айн-ул-яқин
асрориға ҳар ким
Аёғинг туйфроғидин кўзларига
тўтиё чекса.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 562-ғазал)

ЯҲЁ – “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да тилга олинган пайғамбар. Марям бинти Имроннинг ҳам ота, ҳам она томондан қариндоши. Закариё пайғамбарнинг ўғли. Навоий берган маълумотга кўра, Я. ўша давр подшоҳи томонидан унинг шариятга тўғри келмайдиган никоҳ ҳақидаги фармонига қарши чиққани учун қатл этилади. Бунинг жазоси сифатида Эрон подшоҳи Хурвис Байтулмақадасни забт этиб, яҳудийларни қатлиом қилади.

*Айлаб Закариё била Яҳёни қабул,
Қилди икисини олам аҳлиға расул.
Не қилдилар эркин бу ато бирла ўғул,
Ким элга яна аларни қилди мақтул.
 (“Тарихи анбиё ва ҳукамо”)*

ЯҲЁ БИН МУЪОЗ РОЗИЙ (ваф. 872, Нишопур)– “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Закариё. Воиз сифатида ҳам машҳур бўлган. Таркидунёчилик ва дарвешликни танқид қилиб, бой бўлиш дарвешликдан афзал

эканлиги ҳақида китоб ёзган. Бу китобни Шох Шужоъ Кирмоний танқид қилган. Халаф бин Али унинг суҳбатидан бахраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЯХЁ СЕБАК (14-аср охири – Нишопур, 1448) – шоир, арузшунос олим ва хаттот. Туффоҳий, Фаттоҳий, Хуморий, Асрорий каби таҳаллуслар б-н ҳам ижод қилган. Самарқандга билим олиш учун келиб, бир муддат шу ерда яшаган. Мирзо Улугбек б-н яқин дўст бўлган. Насрда ёзилган “Ҳусн ва Дил” достонини шеърга солган. Бундан ташқари, бир неча “Даҳнома”, “Таъбири хоб” рисоласи, “Дастур ул-ушшоқ” манзумаси, насрда бадий санъатлар қўлланишига оид “Рисолат фил-иншоот ал-маснуъот”, матолар ва кийимлар турлари ҳақидаги “Албиса” рисоласи унинг қаламига мансуб. Кейинчалик туғилган шаҳрига қайтиб, ўша ерда вафот этган.

Навоий Я.С.нинг шоғирди Дарвеш Мансурдан аруз илми бўйича таҳсил олгани учун ўзини восита б-н Яхё Себакнинг шоғирдимиан, деб лутф этган. “Мажолис ун-нафоис”да унинг Асрорий ва Фаттоҳий таҳаллуслари б-н ёзган шеърларидан намуна келтириб, айниқса, насрдаги истеъдодига юксак баҳо беради. Навоийнинг фикрича, Я.С.нинг истеъдодига яраша шуҳрат ва эътибор топмаганлигига асосий сабаб – табиатан дарвешликка мойил ва тортинчоқлиги бўлган.

ЯХЁ ШЕРОЗИЙ, Абулаббос Аҳмад – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийнинг устози. Жунайд Бағдодий, Рувайм, Саҳл бин Абдуллоҳ суҳбатига мушарраф бўлган. Тас.да суқрни афзал деб билган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.





ЎЗБЕКЛАР – 1) халқ, миллат. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилади. Умумий сони 31 млн.дан зиёд бўлиб, Ўрта Осиёдаги энг кўп сонли халқ ҳисобланади. Туркий тиллар гуруҳига мансуб ўзбек тилида сўзлашади. Диндорлари – ҳанафий мазҳабидаги сунний мусулмонлар.

Ў. алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб, Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари – Мовароуннаҳрда, Хоразмда, Еттисувда, қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган. Ўзбек халқининг асосини ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтроқ яшаб, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик б-н шугулланиб келган маҳаллий сугдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, ярим ўтроқ қанглилар, кўчманчи саклар ва массагетлар каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Жанубий Сибирь, Олтой, Волга ва Урал дарёси бўйларидан турли даврларда Мовароуннаҳрға кириб келган этник компонентлар ҳам Ў. этногенезида иштирок этганлиги тарихдан маълум.

Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижасида Амударё ва Сирдарё оралигида жез давридаёқ юқорида номлари зикр этилган қабила ва элатларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви содир бўлганлиги ва ассимиляция жараёни натижасида антик даврга келиб, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон таркиб топганлиги ҳамда ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланган. Мил. ав. 3-асрда Сирдарёнинг ўрта оқими-

да туркий ва сугдийлар иттифоқи асосида Қанг давлати ташкил топган. Қанг давлати даврида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалардаги халқларнинг иқтисодий-сиёсий ва этномаданий алоқаларининг тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, ўзига хос уйғунлашган маданият шаклланди. Антрополог олимларнинг таъкидлашларича, айнан шу даврларга келиб, Ўрта Осиё икки дарё оралиги антропологик типи (қиёфаси) тўлиқ шаклланган. Ў. этногенезида қатнашган навбатдаги этник компонентлар қушонлар ҳамда милодий 4–5-асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жунғориядан, Шарқий Туркистондан силжиган хиёнийлар, кидарийлар ва эфталийлардир. Шунингдек, Ў. этногенезига фаол таъсир ўтказган туркий этник компонентлар асосан Турк хоқонлиги (6–8-асрлар) даврида Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси) ва Хоразмга келиб жойлашиб, маълум бир тарихий давр мобайнида, бу этник компонентнинг аксарият қисми ўтроқлашди. Турк хоқонлиги даврида кириб келган туркий компонентлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник-маданий муносабатларнинг ривожини ҳудуддаги этник жараёнлар тараққиётига катта таъсир ўтказди. Ушбу туркий қатлам маданий ютуқларининг маҳаллий маданий-хўжалик анъаналари б-н жадал уйғунлашуви юз берди. Бу давр туркий-сугдий симбиознинг ҳал қилувчи босқичларидан бири бўлган.

Ўрта Осиёга ислом динини ёйиш жараёнида араблар ва бошқа халқларнинг кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга катта таъсир этмаган. Бу даврда аҳоли этник таркибида маълум бир ўзгаришлар бўлган бўлса-да, Мовароуннаҳрдаги ўтроқ ва яримўтроқ туркийзабон аҳоли, сугдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз ҳудудларида қолиб, араблар (7-8-асрлар) ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Умуман олганда, 9-асрдан бошлаб Мовароуннаҳр минтақасида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга кела бошлади. Ўз навбатида, сугдийлар ва б. маҳаллий этносларда ҳам туркийлашиш жараёни жадаллашган. Бу даврда Сирдарёнинг шимолида, Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлган. Табиийки, бу кучли этник қатлам асосининг аксарият кўпчилигини ўтроқлашган турғун туркий этнослар ташкил қилган.

Қорахонийлар даврида (11-12-асрлар) Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши муносабати б-н ўзбек халқи этногенезининг якуний босқичи бошланди. Фарбий Қорахонийлар давлати доирасида ҳоз. Ў.га хос туркий этнос қарор топди ва мазкур даврда ўзбек халқига хос элатни белгиловчи ҳудуд, тил, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, этник ўзликни англаш, этноснинг уюшқоқлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча шу каби бошқа этник аломатлар шаклланди. Бу даврда Ў.нинг умум элат тили қарор топди. Мовароуннаҳр ва унга туташган минтақаларда яшовчи туркийзабон аҳоли: қарлук, чигил, яғмо, тухси, халач, аргин, ўғуз, қипчоқ, уз, қангли сингари уруғлар ўзларини бир халқ сифатида англай бошлаганлар. Умуман олганда, 11-12-асрнинг биринчи ярмида Ў. халқ сифатида шаклланди.

Чингизхон истилоси даврида (13-аср) мўғул кўшинлари таркибида кўп сонли туркий этнослар ҳам кириб келди. 15-асрга қадар эса ушбу этносларнинг деярли кўп қисмида маҳаллий аҳоли б-н аралашув жараёни содир бўлди ва улар шаклланди ўзбек элатининг кейинги тараққиётида маълум даражада из қолдирдилар.

Чигатой улуси тилининг ривожланиши ҳамда кейинчалик Амир Темур ва темурийлар даврида юз берган юксак иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида Мовароуннаҳрда адабий тил такомиллашиб. бу тил илмий адабиётларда “туркий” ёки “чигатой турк” тили деб номланган. Айниқса, тараққий этган ўзбек адабий тили Алишер Навоий даврида энг юқори босқичга кўтарилди. Аммо халқнинг жонли тили кўп диалектли бўлиб, адабий тил шаклланишида учта асосий шева – қарлук, қипчоқ ва ўғуз диалектлари асос бўлган. Шаклланди ўзбек элатининг Амир Темур ва темурийлар давридаги этник тарихи ва этномаданий тараққиётига барлос, жалойир, қавчин, арлот, қипчоқ каби этник гуруҳлар ҳам фаол таъсир кўрсатган.

Ў. этник тарихида 15-аср охири – 16-асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Ўрта Осиёга манғит, кўнғирот, найман, уйғур, сарой, қатагон, қушчи, дўрмон, кенағас, қирқ, юз, минг, бахрин ва б. Дашти Қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келди. Натижада Мовароуннаҳр аҳолисининг этник қиёфасида уларнинг аломатлари фаоллашган. Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳр ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар “ўзбек” номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар-да, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шаклланди ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий қатлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар “ўзбек” номини беришган ва бу ном Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган.

Темурийлар салтанати ўрнида дастлаб 16-аср бошларида Бухоро ва Хива хонликлари, 18-аср бошларидан Қўқон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона

тарихий маконда яшаган халқлар сиёсий жиҳатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб қолган бўлса-да, бу ҳолат ўзбек элати бирлигига жиддий путур етказмаган. Сиёсий чегаралар бўлишига қарамасдан 3 давлат таркибидаги аҳоли ўзаро доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Тарихий манбаларда келтирилган 92 ўзбек уруғи нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудига тарқалган. 92 ўзбек уруғи таркибига мўғуллар истилосидан олдин, истило ҳамда шайбонийлар даврида келган этник гуруҳлар ҳам киради. Шунингдек, Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келаётган чигил, яғмо, усун, тухси, халач ва б. туркий этник гуруҳлар ҳам 92 ўзбек элати таркибига кирган.

Ўрта Осиё халқларининг 19-асрнинг иккинчи ярми – 20-аср бошларидаги тарихий тақдири ва тараққиёт босқичлари чор Россиясининг мустамлакачилиги даври б-н боғлиқ. Кейинчалик минтақада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши б-н Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, 5 миллий республика ташкил этилди. Шу б-н шаклланган элатлар тараққий этаётган тарихий макон сунъий равишда бўлиб юборилди. Минтақа халқларининг ассимиляция, консолидация жараёнларига жиддий таъсир ўтказилиши, кейинчалик “совет халқи” номи ягона этник бирликни яратиш ҳақидаги наз-яни амалга ошириши борасида олиб борилган сиёсат ҳам Ў.нинг миллий-этник қиёфасига, менталитетига раҳна сола олмади.

Ўзбек халқининг ривожланиш жараёни Ўзбекистон мустақилликка эришган сандан бошлаб янги мазмун касб этди. Тарихий томирларидан куч олган ўзбек миллий маданияти, тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи ўзига хос уйғониш ва янгилашниш палласига қадам қўйди.

2) туркий қавмлардан бири. Ўзбек этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (Г.Вамбери, Г.Ховорс, М.П. Пельо) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли “ўзбек”, яъни “ўз-ўзига бек” деб атаган десалар, бошқа-

лар (П.П.Иванов, А.Ю.Якубовский, Хилда Хукхэм) “ўзбек” этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (14-а.) номи б-н боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (В.В.Григорьев, А.А.Семёнов ва Б. Аҳмедовлар) ўзбек номи Оқ Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларига тааллуқли бўлган деган фикрни билдирадilar.

Навоийнинг асарларида бу қавм “ўзбак” шаклида берилиб, турмуш тарзи, кийиниш маданияти ва феъл-атвори б-н бошқа туркий қавмлардан деярли фарқ қилмайдиган кўчманчи қабила эканлиги нозик ишоралар орқали кўрсатилган:

*Шоҳу – тожу хилъатиким,
мен тамошо қилғали
Ўзбагим бошида қалпоқ,
эгнида ширдоғи бас.
("Ғаройиб ус-сигар", 240-ғазал)*

Бу байтда Навоий Ў.га хос бўлган миллий кийимлар – қалпоқ ва ширдоғ (қаймоқранг жунли тўн)ни муҳаббат б-н тасвирлаб, бу орқали миллийлик ва ҳашаматга ўч бўлмаслик ғоясини илғари сурган бўлса, кўйидаги байтда кўчманчи қабилаларнинг асосий ичимлиги – қимизни саҳройи қавмлар одоби бўйича тақдим қиладиган ўзбек қизини тавсифлаган:

*Ҳалол она сутидекдур гар
ўзбагим тутса,
Тобуқ қилиб юкунуб тўстағон
ичинда қимиз.
("Наводир уш-шабоб", 218-ғазал)*

“Садди Искандарий” дostonида Эрон подшоҳи Доро Искандарга қарши кўшин тўплаганда Самарқанддан Чин мамлакатигача бўлган ҳудуддан мўғуллар, қалмоқлар б-н бирга Ў.дан бўлган юз минг жангчи қўшинининг ўнг томонида саф тортгани ҳақида маълумот беради. Бундан англашиладики, Ў. қавми фақат Дашти Қипчоқда эмас, балки Ўрта Осиёнинг катта қисмида ҳам қадимдан яшаб келган:

*Боронғор анга хайли Маширқ замин,
Самарқанддин токи сарҳадди Чин.
Яна юз минг ўзбак мўғул бирла зам,
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам.
("Садди Искандарий", 27-боб)*

ЎЗЛИК – инсоннинг нафс ва дунё б-н боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Ҳақ йўлдан чалғитади. Ў.ни маҳв этиб, фоний бўлиш, таъбир жоиз бўлса, Алишер Навоий ғазалиётининг ўқ илдизини ташкил этади. Кўнгил то дунёвий муҳаббатдан мосуво бўлмай туриб, унга илоҳий ишқ ташриф буюрмаслиги учун ҳам шоир ғазалларидан бирида “Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим”, дейди.

Ў. моҳияти, унинг маъно кирралари талқини, унга етиш йўллари б-н боғлиқ фикру мулоҳазалар Алишер Навоий ижодида кенг ёритилади. Мас., Мажнуннинг Лайли муҳаббатига мағлуб бўлиб, дашту биёбонга чиқиб кетиши ҳақидаги фасл ноҳясида ёзади:

*Эй қайди замона бирла хурсанд,
Бўлгон сенга ўзлукунг огир банд.*

*Ўзлукдин ўзунгни айла озод,
То дашти фанога киргасен шод.*

“Ўзлукдин қутулмоқ суубатида ва анонийят тарки шиддатида” деб номланган қитъасида шоир ўдан қутулиш осон эмас, бунинг учун пир, истеъдод ва тавфиқ (Ҳақ мадади) лозимлигини таъкидлайди:

*Эй кўнгул, тан тахтасин
бу қағри йўқ гирдобдин,
Истасанг соҳилга чекмак,
билки, бу осон эмас.*

*Пиру истеъдоду тавфиқ
ўлмас булмас бу иш,
Кимдурурким, бағри
бу ҳасратдин онинг қон эмас.*

Н. Комилов нақшбандия тариқатининг асоси ҳисобланган зикри хуфияни шарҳлар экан, унинг Ў. б-н боғлиқ жиҳатлари хусусида қуйидагича ёзади:

“Баҳоуддин Нақшбанд таълим берадиларки, солиқ ҳамиша ўз ботиний аҳволининг таҳқиқи пайдан бўлсин, назорат ва ҳифзу ҳисобни текшириб туришни қанда қилмасин”.

ЎНГДАЙМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг бешинчиси. Бу сўз аслида *йўналмоқ*, маъносини ифодаласа-да, унинг *тузалмоқ*, *соғаймоқ*, *унғалмоқ* маъносини ифодаловчи *ўнғалмоқ* шакли ҳам

мавжуд. Мас., *унғал* (ижобий, яхши ҳолатга қайт) сўзи қад. туркий тилда *тузук бул*, *яхши томонга ўзгар* (йўнал) маъносини англатган *онг*-феълдан *ўзлик* маъносини ифодаловчи *-(а.)л қўшимчасини қўшиб* ҳосил қилинган, кейинчалик ўзбек тилида *нг* ундоши *нг* ундошларига алмашган.

ЎРДАК – “Лисон ут-тайр”даги қуш образи. У сохта кароматгўй сўфий тимсоли ёки руҳнинг ўз илму ҳунарларига мағрурлиги қиёфасида гавдаланган.

*Ўрдак оғоз этти: “К-эй фархунда зот,
Сув била бўлмиш манга қойим ҳаёт.*

*Ондин ойру музтарибмен қайғудин,
Ўйлаким тушкай йирок болиғ су(в)дин.
 (“Лисон ут-тайр”)*

ЎРТАНМАК – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш тўртинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида *қуймоқ*, *ёнмоқ*, *азобга солмоқ*, *жабр қилмоқ* маъноларида қўлланган.

*..ғалаба ўтун йиғиб, ўт солдиларким,
Иброҳим алайҳиссаломни ул ўтқа солиб
ўртагайллар”.*

(“Тарихи анбиё ва ҳукамо”)

ЎСАНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўққизинчиси. Бу феъл Навоий асарларида *безмоқ*, *зерикмоқ*, *пушаймон бўлмоқ*, *лоқайд бўлмоқ* каби маъноларда тез-тез учраб туради.

*“ – Эр кишиким кўп ясанғай, хирад аҳли
анинг ақлидин ўсанғай.”*

(“Маҳбуб ул-қулуб”.)

ЎСМА (ВЎСМА) – қошга қўйиладиган табиий гиёҳ. Навоий асарларида маъшуканинг қошларини яшилтоб қора (ложувард) рангта кiritиши б-н бирга ошиқ қалбдаги ишқни янада кучайтирадиган пардоз воситаси.

*Вўсмаси қавси кузах, ғозаси гулгун
шафақ,
Зулфу юзи туну кун, кўрки, не
макжорадур.*

(“Фавоийд ул-кибар”, 146-ғазал)

УХРАНМАК – Алишер Навоий “Муҳо-
камат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъ-
кидлаган юзта феълнинг ўн иккинчиси. Бу
феъл *сесканмоқ, ўзини қаҳрамон олмоқ,*

саркашлик қилмоқ, кишнамоқ каби маъно-
ларни англатган, бироқ у Навоий асарлари-
да қўлланилмаган.





ҚАВЗ (ар. – сиқилмоқ) – ирфоний тушунча; кўнгилда нафсоний ва башарий хислатларнинг илоҳий нур тажаллийсига тўсиқ бўлаётганининг мушоҳадасидан ҳосил бўладиган андуҳ ва сиқилиш ҳолати. Орифлардаги Ҳақ таоло йўлида хавф холини кечганидан кейинги руҳий ҳолат. *Баст*нинг муқобили. Қушайрий талқинида, хавф ва рижо – сайру сулукнинг ибтидосида бўлган муридларга, Қ. ва баст – тариқатда маълум мақом-мартабани эгаллаган орифларга, фано ва бақо – восилларга хосдир. Қ. – Аллоҳ таолонинг неъматидир, тухфаси бўлиб, бу ҳолга риёзат ва жаҳд б-н эришиш имконсиздир. Қошоний Қ.ни хослар ишқига мубтало бўлган кишиларнинг ҳоли, деб таърифлайди.

ҚАВО – олди очик, пахтадан тайёрланган устки кийим. Уларни асосан сарой аҳли ва сипоҳийлар кийган. Айрим тас. намояндалари (жумладан, Фатҳ Шахраф) ҳам Қ. кийиб юрган. “Насойим ул-муҳаббат”да Қ.нинг туркий шакли – қабтан сўзи ҳам келтирилади.

ҚАБАҚ ҲЙИНИ – ўрта асрларда қарбий тайёргарлик учун ўтказиладиган махсус Ҳйин. Бир ҳода учига нишон ўрнатиб, белгиланган масофадан от устида туриб ёки пиёда ҳолатда нишонни аниқ мўлжалга олиш унинг асосий шартидир бўлган. Ким узокроқ масофадан туриб, шамол таъсиридан тебраниб турган нишонни беҳато мўлжалга олса, ғолиб ҳисобланган. Қ.ў. Навоий асарларида тимсол даражасига кўтарилган бўлиб, қабақ (нишон) – ошиқ-

нинг кўнгли, ўқлар эса – маҳбубанинг назари ва жафолари маъносидан кенг қўлланилган. “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 43-ғазали Қ.ў.нинг тасвирига бағишланган:

*Чобукеким, ҳар тараф майдон
аро айлар шитоб,
Барқи ломигдур саманди, гарди
андоқким саҳоб.*

*Ўқи рашиқидин эрур кўксум
аро кўнглум қуши,
Ул кабутарким, қабақ
ичинда қилгай изтироб...*

*Ногаҳон отқайму деб
бир ўк қабақ шакли била
Боши устига келур
майдонда ҳар кун офтоб.*

*Ул қуёштин бошқа ким
отқай қабақ, ваҳ кўрмадук
Ахтари саъдеки, ҳар дам
зоҳир этқай бир шиҳоб...*

*Кимки саркашрак, ҳаводис
ўқиға кўпрак ҳадаф,
Ушбу ҳолатни қабақ
аҳволидин қилғил ҳисоб.*

*Эй Навоий, чун ўқи ҳар
дам фалак майли қилур,
Сен оти гардига қонег
бўлқи, бордурсен туроб.*

ҚАБОҒ/ҚАБОҚ – кўз билан қош оралиғи, ковоқ:

“Ва хубларнинг кўз ва қошлари орасинки,

қабог дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоати хуб таърифида мундоқ дейилибдурким,
б а й т:

*Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор”.
 (“Муҳокамат ул-луғатайн”)*

ҚАВТАН, ҚАВТОН – пўстинга ўхшаш устки кийим. “Насойим ул-муҳаббат”да берилишича, айрим тас. шайхлари (жумладан, Шох Шужоъ Кирмоний) хирқа ўрнида Қ. кийиб юрган.

*“Ва ул қавтан била юрур эрди, андоқки баъзи машойих хирқа била ва баъзи гилем била ва баъзи тайласон била.”
 (“Насойим ул-муҳаббат”)*

ҚАВВОЛ – самоъ мажлисларида куй-қўшиқ айтувчи киши. Рўзбеҳон Бақлийнинг фикрича, Қ. чиройли юзли ва хушовоз бўлмоғи керак. Айрим сўфийлар чиройли Қ. қўшиғидан бахраманд бўлиш фақат камолга етган орифларгагина мумкин, деб ҳисоблайдилар.

ҚАДАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон бешинчиси. *Бириктир, санч, эк* каби маъноларга эга бўлган бу феъл қад. туркий тилда ҳам шу мазмунда қўлланган, аммо *қата* тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик эски ўзбек тилида икки унли ораллиғидаги жарангсиз *т* ундоши жарангли *д* ундошига алмашган. Ушбу феъл Навоий асарларида ҳам юқоридаги қадамоқ, тақамоқ маъносида қўлланган. *Тиш қадамоқ бирикмаси эса ўпмоқ, бўса олмоқ, тишлаб олмоқ* каби маъноларни ифодалаш учун анча кенг қўлланган.

*Тиш қадабмен лаълинг
узмасмен андин бу тамаъ,
Анбури хижрон била
бир-бир сугурсалар тишим.
 (“Ғаройиб ус-сиғар”, 417-ғазал)*

ҚАДИМИЙ (15-аср) – мусиқашунос ва форс шоири. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олин-

ган. Навоий унинг ногора мусиқа асбобини чалишда моҳирлиги, ёқимли таъби назмга эга эканлигини айтиб, икки байтини келтириб ўтади. Улардан қуйидагиси Навоий томонидан “яхшироқ вокеъ бўлуптур” деб баҳоланган:

*Оҳ аз он соатки, ногаҳ
дар раҳе пеш оядам,
Муддате бояд ки, то дил
бар қарор ояд маро.*

(Мазмуни: Тусатдан (унга) тўқнаш келган соатимдан дод! Энди қайтадан дилим жойига келиши учун бир қанча муддат керак бўлади).

ҚАДР КЕЧАСИ, Лайлат ул-қадр – илом таълимоти бўйича муборак кечалардан бири. Қ.к.нинг муборак ва муқаддаслиги “Қадр” сурасида унинг минг ойдан афзаллиги, унда Қуръони Карим нозил бўла бошлаганлиги, бу кечада Аллоҳ таоло амри б-н фаришталар ва Жабройил (а.) ерга тушиши бапорат қилингани б-н изоҳланади. Қ.к. “Духон” сурасида (3-оят) муборак кеча деб сифатланган.

Қ.к. Рамазон ойининг 19-,21-,23-кечалари деб тахмин қилинади. Ибн Аббос Қ.к. Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечасига тўғри келади, дейди. “Табарий тафсири”да Қ.к. “фаришталар ҳайити” деб номланган. Азизиддин Насафий “Комил инсон китоби”да Қ.к.ни жабарут олами, деб талкин қилади. Абу Толиб Маккий орифнинг кечаси бажарадиган ибодатларини Қ.к.га қиёслаб, орифлар учун ҳар кеча Қ.к.дир, деб айтади.

Навоий шеъриятида Қ.к. муборак ва муқаддас кеча сифатида асосан диний ва ирфоний маъноларни ифода этишга хизмат қилган.

*Хатингга қадр шони
ўхшағай бу шарт бирла ким,
Тажалли юзидин ул
шом аросинда саҳар бўлғай.
 (“Наводир ун-ниҳоя”, 794-ғазал)*

ҚАЗИБ УЛ-БОН МАВСИЛИЙ, Абу Али Умар бин Муҳаммад Курдий Мавсилиий (ваф. 1175) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Турли қиёфада пайдо бўлиш қаромати бўлгани учун

“Қазиб ул-бон” (“Мажнунтол”) фахрий лақаби б-н машхур бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҚАЗО – 1) қозилик қилиш, икки киши ўртасидаги мунозарада ҳакамлик қилиш. Дорул-қазо – қозихона:

*“...Вазирга бу хабар етишди, деди:
– Қўюнг, бизга мақсуд ул эрдик, халқ билгайларки, бизинг мулкда андоқ киши борким, шарқдин фарбгача мулк қазосин анга берсалар, ул қабул қилмас эрмиш”.*

(“Насойим ул-муҳаббат”, 260-фасл)

2) фикҳий истилоҳ. Ўз вақтида адо этилмаган фарз ибодатлар (фарз намозлар, рамазон рўзаси)ни кейинчалик бажо келтириш мажбурияти:

*Қилай минг саждаи шукр, улки умрум
саждада ўтти,
Топа олсам қошинг меҳробда борин*

қазо қилмоқ.

(“Фавойид ул-кибар”, 314-ғазал)

3) ислomий ақида асосларидан бири. Қ. – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билиши; қисмат.

*Носихо, оши клиғимни
манъ қилдинг, билмадинг*

*Ким, насихат бирла дафъ
ўлмас қазо бўлган бало.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 29-ғазал)

ҚАЛАМ – 1) хат ёзиш, расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган чизмачилик қуроли; қилк, хома. Навоий даврида хаттотлар сиёҳ б-н ёзиладиган қамиш Қ.лардан фойдаланишган.

Ислom тамаддунида Қ.нинг турли талқинлари бор. Манбаларда келтирилишича, ислom пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) га дастлабки нозил бўлган оятларда Аллоҳ инсонни Қ.га ўргатганлиги шарафланган (“Алақ” сураси, 4-оят). Шунингдек, Қуръони Каримнинг 68-сураси “Қ.”деб номланиб, унда Аллоҳ Қ. б-н қасам ичади. Манбаларга кўра, Қ. Аллоҳ таоло малакут оламида яратган илк мавжудотлардандир. Қ. Лавҳи маҳфузда Аллоҳ таоло томонидан белги-ланган тақдирлар ёзадиган нузли хилкат-

дир. Ваъзи тафсирларда Қ.ни хат ва китобат маъносида қўллаганлар. Ибн Халдунга кўра, давлатчиликнинг асоси қилич (давлат ҳарбий қудратининг рамзи) ва Қ. (давлатнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва маданий салоҳиятининг тимсоли)дан иборат бўлиб, Қ. – қиличдан устун туради.

Навоий шеъриятида Қ. бир неча маънода қўлланилган. Ҳамд ва муножот оҳангидаги байтларда Қ. илоҳий мазмун-моҳият қасб этиб, ўзгармас илоҳий тақдирнинг котиби сифатида тавсифланади:

Тийр илигида не қалам, не рақам,

Балки рақам ояти “жафғал-қалам”.

(“Ҳайрат ул-аброр”)

Наътларда Қ. умуман хат-савод маъносида қўлланилиб, уммий – хат-саводи бўлмаган ислom пайғамбари аслида ҳақиқий илм соҳиби эканлиги шарафланади:

Ўлмади илгинги чу нолон қалам,

Мотамий айлабтур они бу алам.

(“Ҳайрат ул-аброр”)

Лирик асарларда Қ. ўзининг лугавий маъносида ҳам қўлланилиб, образ дуражасига кўтарилган:

Сири ишқингни дей олман,

ёза ҳам олманким,

Тили икки қаламу

кўнгли қора келди давом.

(“Наводир уш-шабоб”, 73-ғазал)

“Ҳайрат ул-аброр”нинг 12-мақолати Қ. ва Қ. аҳлининг таърифига бағишланган бўлиб, унда Қ.ни қайси мақсадга ишлатганига қараб, Қ. аҳли мардуд ва мақбул гуруҳларига таснифланган. Шунингдек, Навоий шеъриятида Қ. б-н боғлиқ қўйидаги ибораларга дуч келамиз: Қ. қилмоқ – кесмоқ, Қ. йўнмоқ – маж.: ёзишга киришмоқ; Қ. сурулмақ – бекор қилинмоқ, ўчирилмоқ; Қ.рав – бир подшоҳнинг ҳукмига тобе мамлакатнинг ҳудуди; Қ.-бақалам – батамом, тугал; Қ.зан – ёзувчи, мирза, котиб ва ҳ.к.

ҚАЛБ – 1) жонли мавжудотларнинг бадан аъзоси; 2) юракка оид бўлган раббоний латифлик; 3) руҳ ва нафс ораллигидаги мунаввар илоҳий жавҳар.

Ҳикмат аҳли нафси мужарради нотиқа деб тан олган нарса аҳлуллоҳ олдида Қ. деб аталади. Қ. Жон ва Рухнинг ўртасидаги мустақил жавҳардир. Ансорий айтади:

маърифат нури ва аҳадият зотини орифлар кўнглидан излашарким, уларнинг дили маърифат уммони ва муҳаббат конидир.

Лоҳижий талқини бўйича, Қ. — Аллоҳнинг ердаги қадаҳларидир, энг севимли Қ. Унинг наздида софрок, покizarоқ ва нозикроқ бўлганидир.

ҚАЛЛОШ — 1) камбағал, ҳеч вақоси йўқ кимса, фақир:

*Баҳодур нақди дин, эй дайр пири,
Карам қил майки, борбиз асру қаллош.
("Фавойид ул-кибар", 260-ғазал)*

2) найрангбоз, ҳийлагар: *Эй сабо, ушшоқ нақди
жонларин еткур йиғиб,
Қайда топсанг ул
муқомиршеваи қаллошни.*

("Наводир уш-шабоб", 599-ғазал)

3) дунёдан буткул воз кечиб, кўнгли амри б-н ҳаёт кечирадиган фонийсифат дарвеш:

*Асра сийминг, эй ганий,
май берки йўқ туфроқча,
Берса олам нақдини
дайри фано қаллошига.
("Ғаройиб ус-сигар", 567-ғазал)*

ҚАЛОНИСИЙ, Абу Аҳмад Мусъаб бин Аҳмад Бағдодий (ваф. 902–903) — “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф

шайхи. Марв шаҳридан. Жунайд Бағдодий, Рувайм ва Самун Муҳиб Қаззобнинг яқин дўсти. Арақчин тикиш б-н шуғулланганлиги учун “Қалонисий” (қалонис — арақчин) нисбасини олган. Имом Ёфиъийнинг “Тарих”ига кўра, 903 й. ҳаж қилади ва қайтишда бемор бўлиб, Бағдод яқинида оламдан ўтади.

ҚАРИБ (ар. — яқин) — фақат форсий шеъриятда қўлланилган аруз баҳрларидан бирининг номи. Аруз илмининг ихтироси Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшуноси Юсуф Арузий Нишопурий томонидан кашф қилинган. Рукнларининг таркиби жиҳатидан *музориғ* ва *ҳазаж* баҳрларига яқин бўлганлиги учун шундай аталган. Қ. баҳри махсус аслий рункга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мафойилун* (V — — —), *мафойилун* (V — — —), *фоилотун* (— V — —) бўлиб, шеъриятда Қ.нинг фақат *мусаддас* руқнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ижодидида қўлланилмаган. “Мезон ул-авзон”да рисоланинг баҳрлар қисмида Қ.нинг уч вазни, “Доираи мужтама”нинг изоҳлашиш қисмида эса яна бир вазни (жами 4 вазн) келтириб ўтилган.

“Мезон ул-авзон”да келтирилган Қ. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Руқнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Қариби мусаддаси макфуф	мафойилу мафойилу фоилон, V — — V / V — — V / — V —	Жамолингта таҳайюрга қолди кўз, Бу маънида улус ичра тушти сўз.
2	Қариби мусаддаси ахраби макфуф	мафъувлу мафойилу фоилотун, — — V / V — — V / — V — —	Ишқингда кунгул ичра нолалардур, Юа узра ёшим қони долалардур.
3	Қариби мусаддаси ахраби маҳзуф	мафъувлу мафойилун фоилун, — — V / V — — — / — V —	Кел бизга вафо бирла, эй пари, Бу телбани фуркатдин кил бари.
4	Қариби мусаддаси солим	мафойилун мафойилун фоилотун, V — — — / V — — — / — V — —	Жамолингдин қуёш асру бор уётлиғ, Сочингга банда бог ичра сунбул отлиғ.

ҚАРОФИЙ, Абулхусайн Али бин Усмон бин Наср (883–990) — “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тас. сирларини Абулхайр Тайнотий ва Абулқа-

сан Сойиг Динаварийдан ўрганган. Абу Сулаймон Нилий, Абубакр Дукқий, Абу Яъқуб Наҳражурий суҳбатидан бахраманд бўлган. Беназир фаросат ва кароматлари

б-н шухрат топган. Ансорий уни ўнта энг улуг шайх қаторида зикр этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҚАРЧИГАЙ – “Лисон ут-тайр”даги қуш образи. Қ. “Мантиқ ут-тайр” дostonида қушлар қаторида санаб ўтилган, лекин алоҳида тилга олинмаган. Навоий унга алоҳида ўрин ажратиб, Қ. ов қуши экани, шикорда асосан шоҳлар б-н бирга юришидан мағрурланишини тасвирлайди. С.Олимпнинг фикрига кўра, Худхуд ов қуши бўлмиш Қ.ни гурур йўлида пастликда, жаҳолат ва ғафлат босганликда айблаб, аслида шоҳга ҳам, овчига ҳам кул эканлигини таъкидлайди.

*Қорчиғой қилди аён гуфторини,
Кургузуб чангол ила минқорини:*

*“Ким, манга қушлар киби эрмас ҳисоб,
Ким бaсе қушларга мен молик рикоб.*

(“Лисон ут-тайр”)

ҚАСИДА (ар. – мақсад, ният) – бирор тарихий шахс ёки воқеага бағишлаб ёзиладиган қатта ҳажмли шеър тури. Қ. ҳажман 12 байтдан бир неча юз байтгача бўлиши мумкин. Ҳазал сингари *а-а, б-а, в-а, г-а...*, айрим ҳолларда маснавий сингари қофияланади. Қ. тузилишига кўра 2 хил бўлади:

1. *Қ.и том* (тўлиқ Қ.) – бунда Қ. тўрт қисмдан таркиб топади:

а) насиб – лирик кириш (табиат тасвири);

б) гурезгоҳ – насиб б-н мадҳни боғловчи, 4–5 байтдан ташкил толувчи қисм;

в) мадҳ – асосий қисм;

г) қасд – мамдуҳ (мадҳ этилаётган шахс) га ният ва истаклар билдирилган қисм.

2. *Қ.и муҷаррада* (чала Қ.) – бундай Қ.ларда фақат мадҳ келтирилади.

Қ.лар мавзусига кўра васф, мадҳ, ҳажв, марсия, муножот ва фалсафий каби турларга бўлинади. Туркий ад-тдаги илк Қ. “Девону луғотит-турк”да “*қўнуғ*” шаклида учрайди. Қ.лар мавзуси (ғарибия, шиквоия, мадҳия, ҳажвия), қофияси (“роия”, “мия”, “тоия”), байтлар миқдори (“алфия” (1000 байт)), радифи (“лола”, “наргис”)га қараб номланиши мумкин. Баъзи шоирлар-

нинг ўзлари Қ.ларга махсус ном (сарлавҳа) қўйганлар.

Алишер Навоий ижодида Қ. жанри алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг туркий тилда яратилган битта ва форсий тилда ёзилган 10 та Қ.си бор. “Хазойин ул-маоний” куллиётига кирган туркий Қ. “Хилолия” деб аталиб, учинчи девон “Бадоеъ ул-васат”дан ўрин олган. Қ. тузилишига кўра тўлиқ, мавзусига кўра эса мадҳ Қ. ҳисобланади. Ҳажман 91 байтдан иборат. Қ. замона ҳукмдори султон Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига ўтириши муносабати б-н 1469 й.нинг рамазон ойида ёзилган. (яна қар.: “Хилолия”).

Шоирнинг форсий тилдаги Қ.лари “Девони Фоний”дан ўрин олган. Улар икки туркумни: “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурат”) ва “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) Қ.лар мажмуасини ўз ичига олади. “Ситтаи зарурия” олти Қ. дан иборат бўлиб, Алишер Навоий уларнинг мавзуси ҳақида “Муҳокамат ул-луғатайн”да шундай ёзади: “*Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва мавъизотдур ва аҳли тас. ва ҳақиқат тили била мағрифат*”. Мазкур мажмуа 1497 й.да тартиб берилган бўлиб, уни тузишга Навоийни аввал устози Жомий, унинг вафотидан сўнг эса Султон Ҳусайн Бойқаро илҳомлантирган. Бу ҳақда мажмуага ёзилган дебочада маълумот келтириб ўтилади.

Мажмуадаги биринчи Қ. “Рух ул-қудс” (“Муқаддас рух”) деб аталиб, 132 байтни ўз ичига олади. Қ.нинг ёзилган санаси матн таркибида таърих йўли б-н ҳижрий 895, милодий 1491 й. деб кўрсатиб ўтилган. Қ.да илоҳий тавҳид; оламнинг ягоналиги, ягона абадий ва азалий борлик, Яратгanning қудрат ва азимати, заррадан коинотгача унинг измида эканлиги мадҳ этилади. (яна қар.: “*Рух ул-қудс*”).

Мажмуадаги иккинчи Қ. ҳажман 106 байт бўлиб, “Айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмаси”) деб аталади. Қ.нинг яратилган йили номаълум. “Айн ул-ҳаёт” олам сарвари, пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак меърожлари, уларнинг дийдорларига барча сайёралар, ойу қуёш, аршу курси, фаришталар мунтазир эканлиги, Пайгамбаримизнинг Парвардигор б-н мулоқотлари

тасвирига бағишланган. (яна қар.: “*Айн ул ҳаёт*”).

Учинчи Қ. “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар совғаси”) деб номланиб, ҳажман 99 байтни ўз ичига олади. Шоирнинг “Ситгаи зарурия” дебочасидаги ишоралари ва Қ. матнидаги таърихдан мазкур Қ.нинг барча Қ.лардан олдин, яъни 1476 й.да яратилганлиги маълум бўлади. Қ.нинг яратилиш тарихи ҳақида “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да батафсил маълумот келтирилган. (яна қар.: “*Тухфат ул-афкор*”).

Мажмуадаги тўртинчи Қ. “Қут ул-қулуб” (“Қалблар қуввати”) деб аталади. Қ. ҳажман 120 байтдан иборат бўлиб, 12-аср форс-тожик ад-тининг йирик намояндаларидан бири Авҳадиддин Анварий (1105–1187) Қ.сига татаббуъ тарзида яратилган. Унда дунёнинг бебақо ва бевафолиги, фалакнинг золим эканлиги айтилиб, инсонларнинг ана шу ўткинчи, фоний дунёга меҳр қўймай, охират кунини ўйлашлари, руҳий маъ-ий юксалишга эътибор қаратишлари зарурлиги уқтирилади. (яна қар.: “*Қут ул-қулуб*”).

Бешинчи Қ. “Минҳож ун-нажот” (“Нажот йўли”) 138 байтдан иборат. Сарлавҳада келтирилган номлардан маълум бўладики, у икки форсигўй адиб – Анварий ва озарбайжон шоири Хоқоний Шервоний (1120–1199) Қ.ларига татаббуъ тарзида яратилган. Қ.да Инсон ва Шайтон муносабатлари, яхшилик ва ёмонлик тасвирлари берилди, жаннатдан бадарга бўлган Одам Ато фарзандлари ва бани башарнинг комил инсонга хос бўлмаган ноҳуш ва номуносиб ахлоқий белгилари танқид қилинади. (яна қар.: “*Минҳож ун-нажот*”).

Мажмуанинг сўнги Қ.си “Насим ул-хулд” (“Жаннат шамоли”) Хоқоний Шервоний, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий Қ.ларига татаббуъ тарзида вужудга келган бўлиб, 129 байни ўз ичига олади. Қ.да инсон покланиши ва комилликка эришиши учун нималар қилиши лозимлиги, тариқат одоби ва усуллари, муршид ва мурид муносабатлари, Ҳақ йўлига кирган солиқ олдига қўйиладиган талаблар бирма-бир баён этилади. Бошқача қилиб айтганда, Навоийнинг нақшбандия тариқати, тас. ҳақидаги қарашлари яхлит

бир тизимда ифодалаб берилди. Шу маънода Қ.ни нақшбандия тариқатининг ўзига хос дастури, шеърӣ баённомаси деб айтиш мумкин. (яна қар.: “*Насим ул-хулд*”).

“Девони Фоний”дан ўрин олган иккинчи Қ.лар мажмуаси “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) деб аталади. Қ. 4 қисмдан иборат бўлиб, йил фасллариининг гўзал манзараси тасвирига бағишланган. Шоир табиатни тасвирлаш орқали асл мақсадига эришади: замона султони Ҳусайн Бойқарони мадҳ этади. Навоий ҳар бир фасл ва ундаги тасвир усуллариини эътиборга олган ҳолда уларда турли вазнларни қўллайди (яна қар.: “*Фусули арбаа*”).

ҚАСРИЙ, Абулқосим – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодий ва Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Ансорий таъкирасида бу шайх Абубақр Қасрий номи б-н келган, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий эса унинг исмини Абулқосим деб берган. Бу – бир шахсининг икки қунасини англатиши ёки биттаси нотўғри берилган бўлиши мумкин. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ҚАССОР, Абдуллоҳ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий у б-н мулоқот қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ҚАТИЪИЙ, Абубақр Аҳмад бин Жаъфар бин Ҳамдон (ваф. 978) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган бағдодлик тасаввуф шайхи, имом ва муҳаддис. Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган. Ҳадис илмини Имом Аҳмад Ҳанбалдан ўрганган. Жунайд Бағдодий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҚАТРОН – дев; “Сабъаи сайёр” дostonида Саъд ҳақидаги 3-ҳикоят қаҳрамони. Ҳикоятда Саъд ошиқ бўлган малика қурғонининг иккинчи қаватида турувчи баҳай-

бат дев. Жоҳиллик ва ёвузлик рамзи. Саъд устози Пайлақус берган муҳра-мунчоқ ёрдамида уни енгади. Умуман, дев образи мифологияда ҳам, халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларида, жумладан, эртақларда ҳам, асосан, салбий қаҳрамон сифатида талқин этилади.

*Бурноғи банд аро топиб қурғон,
Девсон зангию оти Қатрон.*

(“Сабъаи сайёр”)

ҚАҚНУС – афсонавий қуш. Тумшугида жуда кўп тешик бўлиб, ундан чиққан овозлардан гўё мусиқа тўқилар эмиш. Юнон мифологиясида *Феникс* деб аталган бу қуш бургутсимон ва ранги қизил-тилласимон, олов рангда тасаввур қилинган. Айтишларича, умрининг охирида у турли хушбўй ўтинлар воситасида ўзи ва уйчасини ёндирармиш ва унинг қулидан янги Қ. пайдо бўлармиш. Мисрликларнинг тасаввурига кўра, у ўтларнинг хушбўй ҳидидан ўлади, сўнг қуёшда ёниб кетиб, унинг танасидан Қ. боласи чиқади.

Феникснинг Шарқ ад-тига Қ. шаклида ўзлаштирилиши б-н бирга бир қатор мотивлар ҳам қўшилди. Натижада ушбу образнинг таъсирчанлиги, бадий қуввати ортди. “Ажойиб ул-махлуқот” асарида ёзилишича: “Қ.нинг жуфти, фарзанди бўлмас эмиш. Тумшугидаги беҳисоб тешиклардан сеҳрли оҳанглар янграр экан. Ниҳоят, тумшугидаги тешиклардан ва қанотидан ўт чиқиб, ўтинга тушар ва ўзи ҳам қулга айланармиш. Қулдан эса тухум ва бу тухумдан ёш Қ. пайдо бўлар экан. Қуй ва арғанун (орган) мусиқа асбоби унинг овозига тақлидан кашф этилган эмиш”.

Ҳайдар Хоразмий “Махзан ул-асрор” дostonида ўзининг ушбу асарни ёзишдаги ҳолатини Қ.нинг ўтда ёнишига қиёс қилади.

Қ. образидан Навоий дастлаб ғазаллари ҳамда “Фарҳод ва Ширин” дostonида фойдаланган.

*Номам элтур қуш агар
мазмунин айтиб қилса шарҳ,
Сочқай ўт қақнус киби
минг чок ўлуб мин қор анга.
(“Фавоийд ул-кибар”, 10-ғазал)*

*Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб лаҳидин онинг қақнус озор.*

*Агар қақнус чекиб юз нола жонсўз,
Анга минг нола ўқи борча дилдуз.*

(“Фарҳод ва Ширин”, 6-боб)

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”да тасвирлашчи, Қ. умр бўйи хас-хашақ йиғади ва умрининг охирида шундай нола чекадики, натижада хас-хашақ йиғилган уясига ўт тушиб, уя б-н унинг соҳиби Қ. ҳам ёниб кетади. Аттор бу анъанавий образдан умрнинг фонийлиги ҳақидаги хулосани асослаш учун фойдаланади.

Навоий эса бу ҳикоятни “Лисон ут-тайр”да ҳам деярли айнан келтирар экан, уни *Фисоғурс* (Пифагор)нинг Қ. наволарини эшитгани ва унга асосланиб, мусиқа фанига асос солганлиги ҳақидаги мотив б-н бойитади. Қақнуснинг ҳаёти, ўтин йиғиши, ноласи сабабли агрофга ўт кетиши айнан берилиб, унинг ўтидан артофдаги кўнгулларга ўт туташishi ҳақидаги фикр кучайтирилади, лекин хулоса мутлақо ўзгача маъно касб этади. Яъни:

*Шайх гўё келди ул аввали тайр,
Ким наво ичра қилиб умрида сайр...*

Навоий бу сатрлар орқали маъ-ий устози Атторни Қ.га қиёслайди. Навоий салафининг санъати, маҳоратига мос образни унинг ўз асаридан топади ва унга янги маъно юклаб, анъанавий образдан буткул янги хулоса чиқаради. Навоий айнан шу ўринда ўзини Қ.нинг қулидан пайдо бўладиган қақнус боласига ўхшатади, бу ташбеҳ воситасида ҳам Атторга бўлган эҳтиромини, ҳам унга муносиб издош эканлигини изҳор этади.

*Бу таносибқа назар солса киши,
Кўп анга ўхшош топар қақнус иши.*

(“Лисон ут-тайр”, 174-боб)

ҚАҲАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмишинчиси. Мазкур феъл Навоийнинг бошқа асарларида қўлланмаган бўлса-да, манбаларда унинг изоҳи мавжуд: *томоққа бирор нарса тиқилиб қолмоқ, туюлмоқ, қуришмоқ, муҳосара қилмоқ.*

ҚИЗИЛ – ранг номи. Туркий халқлар учун муқаддас саналган. Навқиронлик, хукмронлик, хурсандчилик рамзи. “Қутадғу билик” асарида бу ранг ёшлик, хотиржамлик, шодмонлик, гўзаллик, соғломлик маъноларини англатади.

Шайх Нажмиддин Кубро “Усули ашара” китобида ўлимни бир неча турга бўлиб, улардан биринчисини мавти аҳмар – қирмизи ўлим деб атайди. Шайхнинг фикрича, бу ўлим “нафсининг хоҳиш ва истакларига қарши туриш” б-н изоҳланади.

Замонавий руҳшуносликда кўтаринки кайфият, ўзига кучли жазб этувчи, шу б-н бирга, умидбахшлик ва муҳаббат ранги. Бироқ ҳаддан зиёд бу рангга майл қилиш кишининг ақлдан озаётганини билдирар экан. Одам аурасидан қизил ранг таралса, бу унинг кучли ирода ва шижоат эгаси эканлигидан далолат беради. Бироқ бу рангдаги жўшқинлик жанговарлик б-н ҳам омукта бўлгани учун руҳшунослар бу рангни болалар б-н бўладиган мулоқотларда тавсия этишмайди.

Навоий шеъриятида Қ. маъшукнинг туни (мутлақ хукмронлик)ни ва айни пайтда, ошиқнинг ҳижронда тўккан кўз ёшлари (хоксорлик ва ожизу ниёзмандлик)нинг рангини ифодалайди.

Куруди чеккали қондин

кўзум ниқоб қизил,

Бале, ёгинсиз ўлур чун

бўлур саҳоб қизил.

(“Наводир уш-шабоб”, 376-ғазал)

Шоир ижодида кўйланган шароби ноб (асл шароб), гулоб (гулдан тайёрланган қизил рангли ичимлик, гул шарбати) ва ёрнинг лаби (лаъл, ёқут) ҳам шу рангда бўлади. Гулгун, синжоби, қирмизи каби синонимлари ҳам ишлатилади.

Лабинг ёқути ичра

қатра-қатра термудур, ёхуд

Тушубтур дона-дона

инжу икки лаъли ноб ичра.

(“Бадоеъ ул-васат”, 539-ғазал)

“Фарҳод ва Ширин”да Хоқон Фарҳодга атаб қурдирган тўрт қасрнинг биринчиси гулгун (қизил) рангда бўлиб, дostonда у навқиронлик ва баҳор фасли рамзида ифодаланган.

“Сабъаи сайёр”да қизил рангли сай-

ёра – Миррих (Баҳром) ҳомийлик қилган сешанба кечаси – гулгун қасрда шу ранг хукмронлик қилади. Унда Деҳлидан келган сайёҳ томонидан Масъуд ва Жуна ҳақидаги ҳикоят айтиб берилади. Ҳикоятда *қизил рангли шароб* асосий деталь бўлиб хизмат қилади.

Майда соқий магар қилиб эди ҳал,

Дардисар дафъига қизил сандал.

(“Сабъаи сайёр”)

ҚИЗҒАНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма тўққизинчиси. *Бир нарсани кимгадир беришдан олгиниш, рашк қилмоқ* маъносини англатган мазкур феъл қадимги туркий тилда асли *ниманидир бирор нарса орасида куч б-н сиқ* маъносини англатувчи *қис*-феълига *кучайтириш* маъносини ифодаловчи *-ға* қўшимчасини ва *ўзлик* маъносини ифодаловчи *-н* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик *с* ундоши *ғ* ундошининг таъсирида *з* ундошига айланган. Бундай фонетик жараёни Девонда келган *қисғанді* феъли мисолида ҳам кўриш мумкин: *эр таварін қисғанді* – одам молини харж қилишдан қизғонди. Маҳмуд Кошғарий яна *қисді* феъли ҳақида ҳам маълумот бериб, бу *сўз ҳар нарсани бирор нарса қисшига* нисбатан қўлланган дейди: *қанур эриг азаған қисді* – эшик одам оёгини қисди; Мазкур *сўз* Навоий асарлари учун тузилган луғатларда ҳам шу мазмунда изоҳланган.

Узорингни очарға қимсанурмен,

Вале эл кўрмагига қизғанурмен.

(“Муҳокамат ул-луғатайн”)

ҚИЙМАНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма бешинчиси. Мазкур феъл *ийманмоқ, уялмоқ, ўта орзуламоқ, жуда хоҳламоқ* сингари маъноларни англатади. Қ. феъли Навоийнинг бошқа асарларида айнан шу шаклда учрамайди.

ҚИЙНАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма учинчиси. Бу феъл эски ўзбек тилида қад. туркий

тилдаги жазо, қийноқ маъносини англаган қийын сўздан –а қўшимчаси б-н ясалган; қўшимча қўшилгандан сўнг иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қуйган: қийын + а / қийына / қыйна. Ушбу феъл қийнамоқ, азобга солмоқ маъноларини ифодалаган.

КИКЗАНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксонинчиси. У қайсарлик қилмоқ, азобланмоқ, хафа булмоқ каби маъноларни англаган. Қ. феъли Навоийнинг бошқа асарларида қўлланилмаган.

КИЛИМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттиз тўққизинчиси. Бу феъл хуркмоқ, куркмоқ, чўчимоқ, қилмоқ, бажармоқ каби маъноларни англаган. Маҳмуд Кошғарий ўзи тузган луғатда айни шу кўринишдаги сўз ҳақида маълумот бермаган бўлса-да, мазкур сўз б-н ўзакдош бўлган қилди феъли хусусида тўхталиб ўтган. Бирор фаолиятни амалга ошириш маъносини англаувчи бу сўз қадимги туркий тилда ҳам шунга яқин яна бир неча маънони англаган. Бу феъл асли қыл тарзида талаффуз қилинган.

КИЛИЧ АТО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Қилич яшаш касби б-н шугулланганлиги учун ушбу лақаб б-н машҳур бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

КИМИРДАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттизинчиси. Ушбу феъл эски ўзбек тилида кичик ҳажмдаги силкинишни билдирувчи қымыр тақлид сўздан феъл ясовчи –ла қўшимчасининг –да шакли б-н ясалган ва кейинчалик бу сўз таркибидаги унлилар ўзининг қаттиқлик белгисини йўқотган: қымыр + ла / қымырла / кимирда. Манбаларда ҳам бу сўзнинг шу каби маъноларни билдириши қайд этилган: қимирламоқ, ҳаракатга келмоқ.

ҚИНГАЙМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ бешинчиси. Бу феъл титрамоқ, қалтирамоқ, саркашлик қилмоқ маъноларини англайди. Туркий тилда қўлланувчи феъллар ҳақидаги манбаларда айнан шундай шаклдаги феъл учрамади. Аммо “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да қингай феъли хусусида маълумотлар мавжуд. Унга кўра, қингай феъли қийшайган ҳолат маъносини англаган қың феълидан –(ы)р сифатдош қўшимчаси б-н ҳосил қилинган; бу сўз асли қыңай (қингай) тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик ң ундоши нғ ундошларига алмашган: қын + ай / қынай // қингай.

ҚИСТАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма иккинчиси. Бу феъл эски ўзбек тилида қыс- феълнинг сикикка ол маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи –ла қўшимчасининг –та шаклини қўшиб ҳосил қилинган: қыс + та (-ла) / қыста. Навоий таъкидлаган бу сўз шоширмоқ, тезлатмоқ, қистамоқ, мажбур қилмоқ маъноларини ифодалаган.

ҚИТЪА (ар. – парча, бўлак, қисм) – икки байтдан бир неча байтгача ҳажмда бўлган, жуфт мисралари қофияланиб, тоқ мисралари очик қолувчи (ба, ва, га ...) лирик жанр. Қ., асосан, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқодоб б-н боғлиқ мавзуларда яратилган. Шунингдек, Қ. насрий асарларда маълум бир масала ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга яқин сифатида “қиссадан ҳисса” тарзида келтирилган. Мумтоз ад-тшуносликда Қ. ҳақидаги илк қарашлар Шайх Аҳмад Тарзийнинг “Фунун ул-балоғ” асарида келтирилган бўлиб, муаллиф бу жанрга қуйдагича таъриф беради:

“Қитъа улдурким, аввалги мисрагинда қофия булмас. Ва ақалли икки байт бўлур. Ва мунинг ҳам аксари муқаррар эмас. Ҳар неча ким қофия тобсалар айтурлар”.

Туркий ад-тда Қ.нинг илк намуналари Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида учрайди.

Қ. жанрининг ривожланишида Алишер Навоий ижодининг алоҳида ўрни бор. Шо-

ирнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётида 210 (“Ғаройиб ус-сигар”, “Наводир уш-шабоб” ва “Фавойид ул-кибар”да 50 тадан, “Бадоеъ ул-васат”да 60), “Девони Фоний”да 64, “Арбаин”да 40 ва б. насрий асарлари таркибида яна ўнлаб Қ.лар мавжуд. Навоий ўз Қ.ларининг ғоявий-бадий хусусиятлари ва эстетик қиммати ҳақида шундай ёзади:

*Мундоқ муқаттаотким,
мен йиғмишам, эрур
Ҳар бир ҳадиқан хирад
айлар учун фароғ.
Мажмуин уйла кишваре
англаки, сатҳини,
Ҳикмат сүйидин айламишам
қитъа-қитъа боғ.
(“Фавойид ул-кибар”, 31-қитъа)*

Алишер Навоий Қ.ларини мавзусига кўра шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) умумий масалалар, яъни ижтимоий ҳаёт масалалари, фалсафий-ахлоқий мазмундаги Қ.лар:

*Қулоғда асра гаронмоя сўзнию фикр эт
Ки, дурсиз ўлса,
не бўлғусидур садаф холи.
Сўзунгни дағи кўнгул
ичра асрағилким, ҳайф
Ким, уйла дуржни
ғуҳардин эткасен холи.
Бу дуржу икки садафни
тўла дур этканга,
Зихи улувви гуҳар, балки гавҳари олий.*

2) муайян давр воқеа-ҳодисалари ҳамда у ёки бу гуруҳ вакиллари фаолияти ҳақидаги Қ.лар:

*Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин они кўпармоқ керак.
Юзин номасидек қора айлабон,
Қаламдек бошин дағи ёрмоқ керак.*

Алишер Навоийнинг туркий Қ.ларида уларнинг ғоясини ифодаловчи сарлавҳалар қўйилган. Мас., юқоридаги қитъа матни хато кучирувчи котиблар ҳақида бўлиб, унинг сарлавҳаси қуйидагича:

“Ғалат битир котиб бобида қалам сурмагу қорасининг ғалатин юзига келтурмак”.

Мумтоз шеършунослик мезонларига

кўра, Қ.да тахаллус қўлланилиши шарт бўлмаган. Лекин Навоийнинг айрим Қ.ларида, хусусан, қажми 7 байт ва ундан ортиқ бўлган Қ.ларда шоир тахаллуси келтирилган. Масалан, “Ғаройиб ус-сигар”дан 7 рақами остида ўрин олган ва “Қаноат нақшнинг ифшосию нақшбандия тариқининг адоси” деб сарлавҳа қўйилган Қ. 11 байтдан иборат бўлиб, унинг сўнгги байтида қуйидагича тахаллус келтирилган:

*Бу оҳанг ила бўлғасен нақибанд,
Навоий, агар етса навбат санга.
Навоий Қ.ларида тахаллус биринчи байтда келтирилганлигини ҳам кузатиш мумкин:
Эй Навоий, олам аҳлида
тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур,
анга бўлғай шараф.
Сен агар тарки тамаъ қилсанг,
улуғ ишдур буқим,
Олам аҳли барча бўлғай
бир тараф, сен бир тараф.
(“Бадоеъ ул-васат”, 43-қитъа)*

Қ.лар баъзан *аа, бб, вв* тарзида ҳам қофияланиши мумкин. “Хазойин ул-маоний”га киритилган 210 Қ.дан 6 таси айнан шу тарзда қофияланган. (“Ғаройиб ус-сигар”даги 41-Қ; “Бадоеъ ул-васат”даги 3-, 18-, 52-Қ.лар, “Фавойид ул-кибар”даги 42-, 44-Қ.лар). Адабиётшуносликда уларни қитъадан кўра маснавий деб аташ тўғрироқ деган фикр билдирилган (Ё.Исҳоқов).

“Бадоеъ ул-васат”даги 18-қитъанинг қофияланиши қуйидагича:

*Бийик ҳимматлик элга арзи ҳол эт, а
Замири нурнош элдин савол эт. а
Ки бор абри баҳори гавҳарафшон, б
Чоқан ҳам олам аҳлига зарафшон. б*

ҚИЧИҒЛАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон иккинчиси. *Қитиғламоқ, кўз қисмоқ* маъноларини англатган мазкур феъл қад. туркий тилда ҳам шундай маънони англатган: **ол мэнї қічілади** – у мени қитиғлади. *Қичиғла* феълнинг асоси қычы, кейинчалик бу асосга *қичик, қитик* каби маънони англатувчи от ясовчи – *ғ* қўшимчаси қўшилган ва қичиғ (аслида, *қичик*) оти ясалган. Бу сўз тарки-

бидаги –ла қўшимчаси эса қайта-қайта қитиқла, яъни такрор маъносини ифодалаган.

*Кўз қўйди тобони узра йиғлаб,
Уйғотғали кирпики кичиғлаб.*

(“Лайли ва Мажнун”)

ҚОБА ҚАВСАЙН (ар.) – қуръоний ибора. Тафсирларда “Нажм” сурасининг 7–9-оятлари мазмунини ислом пайғамбари (с.а.в.) нинг мўъжизаларидан бири – Меърож ҳодисасига боғлиқ ҳолда талқин қилишади. Айвиқса, Қ.қ. ибораси турлича талқин ва тафсир қилинган. Қ.қ. тафсир ва луғатларда асосан “икки камон оралиғи”, ҳадисларга таянган ҳолда икки зироъ ё ундан-да яқинроқ масофа маъносида шарҳланган. Пайғамбар Меърож кечасида осмонларга юксалиб, Аллоҳга шу қадар яқинлашдики, улар ўртасидаги масофа икки камон оралиғи ёки ундан ҳам камроқни ташкил қиларди. Бу масофа юзма-юз туриб, бевосита сўзлашиш имконини беришини англатади. Айрим тафсирларда бу ибора Пайғамбар ва Жаброил (а.) ўртасидаги масофани англатиши қайд қилинган. “Тафсири Табарий”да Қ.қ. ибораси қадимда араблар орасида маъмул бўлган бир одатга боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Унга кўра, араблар ўз қуролларининг афзааллигини билдириш учун камонлари ҳамда шерикларининг камонларини бирваракайига ушлаб, ўқ отардилар ва шу тариқа кимнинг камони узоқроқ ва аниқроқ ўқ отишини аниқлаб олардилар. Бу талқинда оятнинг маъноси қуйидагича бўлади: (Пайғамбар Меърож кечасида Аллоҳга) бир қўлда ушлаб турилган икки камондан ҳам яқинроқ бўлди. Шунингдек, бу ибора мажозий маънода икки қош оралиғи деган мазмунда ҳам келиб, юқоридаги талқинга мос ҳолатда Пайғамбаримизнинг Меърож тунида Аллоҳга икки қош орасидек яқин масофада бўлганликларини англатади.

Орифлар наздида Қ.қ. илоҳий қурбат, имкон ал-вужуднинг вожиб ул-вужудда фано бўлиш мақоми, нузул ва уруж, мабдаъ ва маод, фозилият ва қобилиятнинг бирлашуви маъноларини англатади. Навоий асарларида Қ.қ. асосан икки ҳолатда иқтибос қилинади: насрий асарларнинг

наът қисмларида, меърожнома газалларда ҳамда дostonлардаги меърож ҳодисасига бағишланган бобларда Қуръондаги маънони ифода қилиб, шу орқали инсониятнинг энг яхшиси Аллоҳ олдида барча мавжуддан яқинроқ эканлигини, бундай юксак шараф ва мукааррамлик фақат инсонга берилганлигини баланд пардаларда тараннум этган. Орифона газал ва байтларда эса, Қ.қ. ибораси сўфиёна талқинда берилган.

*Навоий нетар қоба қавсайн, агар
Топла олса қошинг киби икки ё.*

(“Фавоийд ул-кибар”, 6-газал)

ҚОЗИ ИСО (15-аср) – совалик форсийнавис шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни Султон Яъқуб шу даражада тарбия қилдики, ҳеч подшо бирор кишини бу тариқа эъзозлаб, тарбияламаган эди, ўзи савдойи табиат ва такаббур киши эди, деб ёзади. Муҳаммад Қазвиний Навоий сўзларига илова қилиб, “Қози Исо Султон Яъқубхонни ҳамisha адолатга ундар эди. Адолат б-н кўпчиликнинг қалбида ҳурмат иморатини қурган эди”, деб ёзади ва Султон Яъқубнинг ҳамширасини (сутдош синглисини) яхши кўриб қолгани, Султон уларнинг қовушиши йўлида урингани, лекин жоҳиллиги устун келиб, бу ишдан қайтганини ҳам баён этади. Қ.И. шеър ёзишга шундай машғул бўлар эканки, бир кунда ўн ва ундан ортиқ газал ёзар экан. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ҳар кас бағашти

гулшану гулзори хештан,

Мову дили чу ғунча

гирифтори хештан.

(Мазмуни: Ҳар ким гулшан ва гулзор гашти б-н машғул, биз ва ғунчадек дилимиз ўз гирифторлигимиз б-н оворамиз). Муҳаммад Қазвиний унинг шеърятидан яна 6 байт келтиради.

ҚОЗҒАНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон биринчиси. *Қўлга киритмоқ, эришмоқ, топмоқ* маъноларини англатган ушбу феъл “Девону луғотит турк”да ҳам учрайди. *Қозғанмоқ* феъли

қад. туркий тилда *ковлаб топ* маъносини англатган *қаз* феълнинг манбаларда акс этмаган *қўлга кир* маъносидан *кучайтириш* маъносини ифодаловчи –*га қўшимчаси* б-н ҳосил қилинган шаклига *ўзлик* маъносини ифодаловчи –*н қўшимчасини қўшиб* ҳосил қилинган.

*Берди найсон ёмғурига ул шараф,
Ким гуҳар қозғанди базмидин садаф.
(“Лисон ут-тайр”, 3-боб)*

ҚОЗИ МУҲАММАД ИМОМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг “мутадаийин (диёнатли) ва хуштабъ киши” экани, кўп йиллар Хуросонда бош қози мансабида фаолият юритгани, баъзан назм б-н ҳам шуғулланишини, шеърлари Ҳирот шаҳрида эл орасида кенг тарқалганлигини таъкидлайди. Қабри Ҳиротдаги Имом Қузот қабристонида. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги матлаъси келтирилган:

*Гуфтамаш гул-гул баромад
ранги руҳсорат зи мул,
Гунҷаи ў дар табассум шуд ки,
аз гулҳо чи гул.*

(Мазмуни: “Гул, гул” дедим, май ичди руҳсоринг ранги намоён бўлди, унинг гунҷаси табассум қилди-ю, у гул олдида бошқа гуллар ҳеч бўлиб қолди.)

ҚОЗИ РАИС – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Фиқҳ ва тасаввуф илмларининг билимдони бўлган. Адолатли қози ва кароматли шайх сифатида шуҳрат топган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҚОЗИ ШАРАФИДДИН БУҲАЙРО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Қабри Деҳлидаги Султон ҳавзи қошида. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҚОЗИ ШАФИИДДИН БУҲАЙРО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Қози

Шарафиддин Буҳайронинг укаси. Қабри Деҳлидаги Султон ҳавзи қошида. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҚОЗИ ҲАМИДИДДИН НОГУРИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. *Шайх Баҳроуддин Закариё Мултоний*нинг муриди. Шайх Авҳадиддин Кирмоний, Шайх Қутбиддин Бахтиёр Кокий суҳбагидан баҳраманд бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҚОМАТ – киши танасининг ташқи шакли; қад, буй-баст. Лирик асарларда ошиқ Қ.и тавсифида бечоралик, синиқлик, афтодалик белгилари қўлланилса, Ёрнинг Қ.и тасвирида мавзунлик, гўзаллик, мислсизлик тушунчаларини ифодаловчи образли сўзлардан фойдаланилади. Ёр Қ.и кўчма маънода тавҳид оламининг тимсоли, илоҳият оламининг аёнлашуви, солиқ кўнглининг улвий оламга таважжуҳи маъноларида қўлланилади. Қ.нинг алифдек тиклиги Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ишора.

“Наводир уш-шабоб”нинг 84-ғазали ҳамда “Бадоеъ ул-васат”нинг 640-ғазалида Қ. сўзи радиф ўрнида келган бўлиб, Қ. образи воситасида турли талқин ва тасвир ифодалаган.

*Қоматингга ҳар замон
юз жилва, эй зебо ниҳол,
Нотавон кўнглумга
ҳар бир жилвасидин ўзга ҳол.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 385-ғазал)*

ҚОНУН (ар.) – 1) тартиб, қоида, кўрсатма. Кўплиги – қавонин. Усул, расм, низом маъноларида ҳам қўлланилади:

*Бийик мақомига улқим тилар
сабот, керак
Ки эгриликни қўюб, тузлук
айласа қонун.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 18-қитъа)*

2) бармоқларга ангушвонага ухшаш восита (нохун) тақиб ёки мизроб билан тирнаб чалинадиган қад. торли мусиқа чолғу-

си, қўбуз ёки дуторнинг турдоши. Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Кавказ халқларида машхур, яққанавоз ҳамда миллий ансамбл таркибида ўрин олган. 1980 й.нинг ўртала-рида Ўзбекистонда тикланган.

“Хожа Абдуллоҳ Садр... ва қонунни маъ-лум эмаским, ҳаргиз киши андоқ чалмиш бўлмай”.

(“Мажолис ун-нафоис”)

ҚОРАЛАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳо-камат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъ-кидлаган юзта феълнинг эллик учинчиси. Ҳоз. ўзбек адабий тилида фаол қўлланувчи ушбу феъл қуйидаги маъноларни ифода-лайди:

1. *Қора тус бермоқ, қора тусга кирит-моқ, қора ранг б-н бўймоқ;*

2. *Кўчма: айблаб, ёмонлаб гапирмоқ; ёмон, зарарли томонларини кўрсатиб сў-ламоқ ёки ёзмоқ;*

3. *Кўздан қочирмай, қорасига қараб, қорасини олиб юрмоқ.* Бу феъл асли қад. туркий тилда мавжуд бўлган **қара** тарзида талаффуз этилган сифатга *асосдан англа-шилган ранг ёки тусга киритиш* маъно-сини ифодаловчи –ла феъл ясовчи қўшим-часининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган. Мазкур феъл, аслида, *қора рангга киритиш* маъносини англатса-да, бадий асарларда аксарият ҳолларда *айблаш, норизолик, маломат қилиш* маъноларида қўлланган.

ҚОРАН – “Фарҳод ва Ширин” достони-даги Фарҳодга тош йўнишни ўргатган тош-йўнар уста. Фарҳод Қ.нинг тўрт қаср қурилишидаги санъатига қойил қолиб, унинг теша ва тошга пардоз берувчи метини нима сабабдан ҳеч бир зарар кўрмай тошларни осонликча йўниб, ўйиб гул ва нақшлар со-лаётганини сўрайди. Уста ҳамма гап улар-ни ясаш жараёнида сув беришга боғлиқ эканлигини, лекин у бу сирни ҳеч кимга ошқор қилмаслигини айтади. Фарҳод катта иштиёқ ва завқ б-н Қ. санъатини кузатиб туриб ўрганиб олади ҳамда ўзи унинг ёни-да астойдил ишга тушиб кетади. Фарҳод Қ.нинг бу ҳунари ёрдамида Арманияда тош-ларни сарёғдай кесиш, икки юз тошйўнар уста уч йилда уддалаган ишни бир кунда эплайди.

*Қилиб хоро сафи бирла масоф ул,
Лақабда Қорани хорошикоф ул.*

(“Фарҳод ва Ширин”)

ҚОРУН – Мусо пайғамбар (а.) замонида яшаган бадавлат шахс. Қ. исми Қуръони Ка-римда 4 марта (“Қасас” – 76; 79, “Анкабут” – 39, “Муъминун” – 24) тилга олинган. “Та-рихи анбиё ва ҳукамо”га кўра, Бани Исроил қавмининг донишмандларидан ҳамда Мусо (а.)нинг амакиваччаси бўлган Қ. хушсурат бўлганлиги сабабли “мунаввар” (нурли зот) фахрий лақаби б-н машхур бўлган. Мусо (а.) унга кўп илм, жумладан *кимё* илмини ўрга-тади. Вақти келиб, ҳазиналари калитининг ўзи қирқ хачирга юк бўладиган бойлик эгаси бўлгач, Мусо (а.) талаб қилган зақот-ни беришдан бош тортади ва унга сеҳргар ҳамда зинокор деб туҳмат қилади. Мусо (а.) нинг қарғиши туфайли Ер Қ. ва унинг бой-лигини ютиб юборади.

Қ. мумтоз ад-тда кераксиз беҳисоб бой-лик ва очқўзлик тимсоли сифатида қўлла-налади.

Подшоҳеким қаноат

махзанин истар, эрур

Бир гадодекким,

хаёли ганжи Қорун сориदур.

(“Фавоийд ул-қибар”, 184-ғазал)

ҚОСИМ АЛИ ЧЕХРАКУШО (15-аср 2-ярми – 16-аср 1-ярми) – мусаввир, хат-тот. Беҳзоднинг шогирди. Навоий кутубхо-насида мусаввирликдан таҳсил олиб, унинг тарбияси ва раҳнамолигида замонасининг етук мусаввири, нақш устаси даражасига кўтарилган. 1510 й. Шох Исмоил Сафа-вий Ҳиротни босиб олгач, Сейистонга ке-тиб, мударрислик қилади. 1522 й. Беҳзод Табризда шох кутубхонасининг китобдори этиб тайинлангач, Қосим Али ҳам унинг ҳузурига боради.

У 1480–1485 й.ларда Алишер Навоий-нинг шахзода Чучук Мирзо б-н тикка туриб суҳбатлашаётган ҳолатдаги суратини чиз-ган. Унда шоирнинг 40–45 ёшлардаги сий-моси акс эттирилган. Ҳассага суяниб турган бўлса-да, қаддини тик тутиб турибди. Боши-да дид б-н ўралган салла. Ёқасиз оқ қўйлак устидан узун кўк камзул, унинг устидан жигарранг чакмон ёки қабо кийган.

Суратнинг устки қисмига “Сурати дилпазир Мирзо Чучук бо Амир бешибху назир Низомиддин Алишер”, пастига эса “Амали ал-факир Али” деб ёзиб қўйилган. Сурат Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тупқопу музейида сақланади. У “Гулистон” журналида эълон қилинган.

ҚОСИМ АНВОР, Муиниддин Али Саид Қосим Анвор Табризий (1355, Табриз – 1433, Жом) – Темурийлар давридаги тасаввуфнинг йирик намояндаси, шоир. Олдин Шайх Садриддин Ардабилиий, сўнг Садриддин Али Яманийга мурид тушиб, иршод ижозатини олганидан сўнг Хуросонга келиб, тариқат тарғиботига машғул бўлади. Замоннинг ҳукмрон доирасига интилмагани сабабли тез шуҳрат топади, шу б-н бирга, уни Шохрух Мирзо ва шахзода Бойсуғур Мирзога ёмонлайдиганлар кўпаяди. Темурийлар даврида бузгунчи фирқа ҳисобланган ҳуруфийлик тариқатининг намояндаси Аҳмад Лур 1426 й. Шохрух Мирзога суиқасд қилади. Аҳмад Лурнинг чўнтагидан Қ.А. хонақоҳидаги бир ҳужранинг калити топилади. Қ.А.ни ушбу суиқасддан хабардор бўлган, деган гумони б-н Ҳирот шаҳрини тарк этишга мажбур қиладилар. Қ.А. Самарқандга келиб, Мирзо Улугбек саройида яхши иззат-ҳурмат топади. Бу ерда Хожа Аҳрор Валий б-н ҳам яқин алоқада бўлиб, бир-бирларининг суҳбатларидан баҳраманд бўладилар. Араб ва форс тилларидан ташқари, юнон ва туркий тилни ҳам билганлиги ва уларда шеърлар ёзганлиги нақл қилинади. Навойнинг маълумот беришича, унинг тариқатдаги мақоми шеърятдаги даражасидан баланд бўлган. Умрининг охирида Жом вилоятига келиб, ўша ерда вафот этган. Аҳмад Жомий мазори яқинидаги боғда дафн этилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, Навоий Қ.А.нинг қабри бошида йирик мақбара қурдирган. Қ.А.нинг Эронда Саид Нафисий томонидан чоп этилган куллиёти шайх-шоирнинг ғазал, таржеъбанд, марсия, қитъа, рубоий, маснавий жанрларидаги шеърлари, “Амир Темурни кўриш воқеаси баёни” манзумаси, “Сад мақом дар истилоҳоти сўфия” (“Тасаввуф истилоҳларидаги юз мақом”), “Анис ул-о-

рифийн” (“Орифлар дўсти”) маснавийлари, “Рисолаи саволу жавоб” (“Савол ва жавоб рисоласи”), “Рисолаи дар баёни илм” (“Илм баёни ҳақида рисола”) рисолалари ва туркий муаммоларини ўз ичига олади.

“Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлиси Қ.А. ҳақидаги фасл б-н бошланади. Унда берилишича, Алишер ўқиган ва ёд олган илк шеърлар ҳам Қ.А. каламига мансуб қўйидаги матлаъ эди:

*Риндему ошиқему жаҳонсузу жома чок,
Бо давлати гами ту зи
фикри жаҳон чи бок.*

(Маъноси: Риндмиз, ошиқмиз, оламга ўт қўувчи бенаволармиз,

Сенинг ғаминг давлатидан олам фикридан йироқмиз).

Жомийнинг эътирофига кўра, Қ.А. тўғри йўлдаги йирик шайх бўлган, лекин унинг номи б-н алоқадор тариқат аҳли залолат ва бузгунчилик б-н шугулланган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан Қ.А. б-н боғлиқ маълумотларни қисқартириб киритган.

ҚОСИМ ҲАРВИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тажарруд бобида беназир бўлган. Бишр Ҳофийнинг суҳбатдоши. Мол-дунёси бўлмаса-да, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҚОФ – афсонавий тоғ номи. Қад. тасаввурларга кўра, Қ. Ерни қамраб олувчи тоғ силсиласи бўлиб, қоялари осмонга туташган. Қуръони Каримдаги 50-суранинг номи ҳам шу тоғқа боғлаб тушунтирилган. Айрим тафсирларда Қ. – Ернинг сокинлигини таъминловчи козик, деб шарҳланган. Қ. тоғи *Симург*, *Анжӯ* каби афсонавий қушларнинг манзили, дунёнинг оқирги нуктасидир.

Тас. аҳли Қ.ни дилнинг ватани, жон қушининг манзили, Мутлақ ҳақиқат ва маърифатнинг мақоми, фанодан кейинги бақо мақоми, деб талқин қилишган. Аммо Қ. тоғига етишмоқ машаққат ва риёзатсиз амалга ошмайди. “Лисон ут-тайр”даги

талқинга кўра, солиқ Қ. тоғига етмоқ учун етти водийдан ўтмоғи шарт.

*Эр эсанг Қофи бақоға азм қил,
Авжида бир шоҳ васли истагил.*

(“Лисон ут-тайр”)

ҚОФИЯ (ар.) – мисра охиридаги сўзларнинг оҳангдошлиғи. Мисралар охиридаги қўшимча, сўз ва сўз қўшилмаларининг ўзaro оҳангдош бўлиб келиши. Қ. шеърнинг мусиқийлиги, оҳангдорлиги ва таъсирчанлигини кучайтиради, унинг ёд олинишини осонлаштиради.

Қ. мумтоз шеършуносликда вази каби шеъринг ритми вужудга келтирувчи асосий унсур бўлиб, унинг байт сўнгида қўлланилиши зарурий талаблардан бири бўлган. Шоирнинг бадиий маҳорати шеърда қўлланилган Қ.нинг ғоялар моҳияти, тимсоллар оламини очишдаги аҳамияти, унинг учун танланган сўзнинг маъно кўлами ва оҳангдорлиги б-н ҳам белгиланган. Шарқ мусулмон ад-тшунослигида Қ. ҳақидаги назарий қарашлар махсус фан – илми қофияда ўз ифодасини топган.

Қ.нинг таркибий қисмини 9 та асосий ва 6 та қўшимча ҳарфлар ташкил қиладди. Қ.нинг зарур шартларидан бири унда албатта *равий* ҳарфининг бўлишидир. Қ. ҳарфларидан қолганларининг жойлашиш тартиби равий ҳарфига боғлиқ бўлиб, ундан олдин қайд, ридф, таъсис ва даҳл ҳарфлари, ундан кейин эса васл, хуруж, мазид ва ноира ҳарфлари келиши мумкин. Шунингдек, Қ.нинг таркибий қисмига кирадиган Қ.ҳарфлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қисқа унли товушни ифодаловчи ҳарфлар: “а”, “и” ва “у” ёрдамида вужудга келади. Ушбу Қ. ҳарфларининг сони олгита: рас, ишбоъ, ҳазв, тавжих, мажро, нафоз. Улар Қ.нинг қўшимча таркибий қисми бўлиб, Қ.да учраши ҳам, учрамаслиги ҳам мумкин.

Қ. равий ҳарфи б-н тугалланса, *муқайяд* Қ. деб, равийдан кейин ҳам давом этса, *мутлақ* Қ. деб аталади. Ушбу Қ.лар тuzилишига кўра яна тўртта катта гуруҳга ажратилади:

- 1) *Мужаррад* Қ.
- 2) *Мурдаф* (ридфли) Қ.
- 3) *Муқайяд* (қайдли) Қ.
- 4) *Муассас* (таъсисли) Қ.

Ушбу Қ. гуруҳлари ўз ичида яна бир қанча турларга ажратилади. Қ. турлари юқорида саналган Қ. ҳарфларининг иштироки орқали белгиланади. Шу маънода назарий жиҳатдан Қ.нинг 55 га яқин тури мавжуд. М. Акбарованинг тадқиқотида кўра, туркий шеърятда Қ.нинг 25 тури кенг қўлланилган бўлиб, шундан 23 таси Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётида истифода этилган.

ҚОФИЯ УНСУРЛАРИ – қофиядош сўзларда оҳангдорликни вужудга келтирувчи асосий ҳарф ва белгилар. Улар ёзувда ифодаланишига кўра икки турга бўлинади: 1) қофия ҳарфлари; 2) қофия ҳаракатлари. Қофия ҳарфлари мумтоз поэтикага доир манбаларда “ҳуруфи қофия” номи б-н келади. Улар қофиянинг қайси қисмида қўлланилишига қараб икки гуруҳга ажратилади: а) ўзак таркибида келадиган ҳарфлар. Уларнинг сони 5 та бўлиб, қуйидагилардир:

1. **Равий** (ар. – юкни туяга боғлайдиган арқон) – қофиядош сўзлар ўзаги ё негизи сўнгида айнан такрорланиб келувчи чўзиқ унли ёки ундош ҳарф. Мумтоз поэтикага доир манбаларда қофиянинг асосини ташкил қилувчи ва такрорланиши шарт бўлган ҳарф сифатида тилга олинади. Мумтоз қофия талабига кўра, қофиядош сўзлар ўзаги охирида келган қисқа унли равий бўла олмайди, бундай қолларда ундан олдин турган ундош ҳарф равий ҳисобланади. Мас., Алишер Навоийнинг:

Шамъдек қомату

юз шамъи ила жонона,

Қилди ўртарга кўнгуллар

қушини парвона. –

деб бошланувчи ғазалида қофиядош сўзлар (жонона – парвона) охиридаги қисқа “а” унлиси эмас, балки ундан олдин турган “н” ундоши равийдир.

2. **Таъсис** (ар. – асослаш) – равий ҳарфидан олдин бир ҳаракатли ундош жойлашгач, шу ундошдан олдин келадиган чўзиқ “о” унлиси. Мумтоз поэтика талабига кўра, фақат “о” унлиси таъсис вазифасини бажариши мумкин. Масалан, “мойил – ҳамойил”даги “о” унлиси таъсис ҳисобланади. Таъсис қатнашган қофия тури *муассас қофия* деб юритилади.

3. Дахил (ар. – орага кирувчи) – таъсисдан кейин келувчи биринчи ундош ҳарф. Дахил кўп ҳолларда такрорланади, баъзан эса такрорланмасдан, икки турли кил ундош дахил бўлиши мумкин. Мас., “тожир – мусофир”да “ж” ва “ф” ундошлари дахилдир (ҳар.: *муассас қофия*).

4. Ридф (ар. – мингашиш, изма-из эргашиш) – равий ҳарфидан олдин келувчи чўзиқ унли ҳарф. Мумтоз поэтикага доир манбаларда унинг икки тури келтирилади:

1) *ридфи аслий* (асосий ридф) ёки *ридфи муфрад* (якка ридф) – равийдан олдин келувчи чўзиқ унли ҳарф. Мас., “жон – райхон”да “о” унлиси ридфи аслийдир.

2) *ридфи зойид* (орттирма ридф) – ридфи аслий ва равий орасида такрорланиб келувчи ундош ҳарф. Мас., “рост – ворост”да “с” ундоши ридфи зойид ҳисобланади.

Ридф қатнашган қофия тури *мурдаф қофия* деб юритилади.

5. Қайд (ар. – боғланган.) – катор ундош б-н тутаган сузларда равийдан олдин, қисқа унлидан кейин келиб такрорланувчи ундош ҳарф. Масалан, “аржуманд – писанд” қофияларида “н” ундоши қайддир. Қайд қатнашган қофия тури *муқайяд* (*қайдли*) *қофия* деб юритилади.

б) қўшимча таркибида қўлланиладиган ҳарфлар:

1. Васл (ар.) – улавиш. Равийдан кейин келувчи чўзиқ унли ёки ундош ҳарф. Мас., “шиддати – фурқати” қофияларида “т”дан кейин келувчи чўзиқ “у” унлиси васлдир. Васл қатнашган қофия тузилишига кўра *мутлақ қофия* ҳисобланади.

2. Хуруж (ар. – ташқари чиқиш) – васлдан кейин келувчи чўзиқ унли ёки ундош ҳарфдир. Мас., “замондин – ондин” қофияларида биринчи турган “н” равий бўлса, ундан кейин келган “д” ундоши – васл, қофия сўнгида турган “н” эса хуруждир. Хуруж қатнашган қофия тузилишига кўра *мутлақ қофия* ҳисобланади.

3. Мазид (ар. – орттирилган) – хуруждан кейин келувчи чўзиқ унли ёки ундош ҳарфдир. Масалан, “ҳамдамлари – хуррамлари” қофияларида “р” ҳарфи хуруж, ундан кейин келган чўзиқ “и” унлиси мазиддир.

4. Нойира (ар. – четга олиш) – мазиддан кейин келувчи чўзиқ унли ёки ундош ҳарф.

ҚОШ –1) қовоқ тепасидаги ёйсимон тукли қатлам. Маҳбуба гузаллигининг бир жузуй:

*Гўйиё бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош
Ким, кўяр бир-бириси*

бир-бирининг оллида бош.

(“Наводир уш-шабоб”, 253-ғазал)

2) 3-шаҳс эғалик ва макон келишиклари шаклида (қошида, қошига, қошидин) макон муносабатларини билдирувчи кўмакчи вазифасида келиб, олд, ҳузур маъноларини ифода этади:

Аҳволима Фарҳод ила

Мажнунга таажжуб,

Ишқ этти хирад аҳли

қошида мени расво.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 35-ғазал)

3) тасаввуфда Илоҳ Зотининг асрорини пинҳон тутиб, вужуд оламига жамол ва камол бағишловчи илоҳий сифатлар. Икки қош – Аллоҳнинг жалолий ва жамолий сифатларининг рамзи, пайвасталиги эса ушбу сифатлар бир-бирини тўлдириб, мукаммаллаштириши ҳамда ўз моҳиятига кўра ягона Зотнинг Ўзигагина тегишли эканлигига ишорадир.

Сажда қилмоқ не тафовут

Қабъа ёҳуд бут қаким,

Қоши меҳроби, қайн қилсам

сужуд, ўтрудоадур.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 196-ғазал)

ҚУБОД БИННИ ФИРУЗ – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Анушервон Одилнинг отаси. “Тарихи мулуки Ажам”да берилишича, маздак кийликни қабул этгани учун бир мuddат тахтдан четлаштирилади. Ҳаётида (эфталитлар) подшоҳининг ҳарбий мадади б-н яна тахтни эгаллайди. Яман подшоҳи Шумур зул-жиноҳ б-н урушда сулҳ тузиб, Туркистонга ўз мамлакати ҳудудидан ўтиш учун йўл беради. Рум (Византия) подшоҳи б-н бўлган урушда ғалаба қозонади. Козирун (Форса), Хулвон (Ироқда), Чоқут (Мавсилда), Авжон ва Шаҳриёри Мониини бино этган. Қ. 63–64 й. ҳукмронлик қилган. Қ. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот келтирилган.

*Кубод улди чун мулк уза кахрамон,
Халойикка андин эди бахрамон.
Анга доғи чарх этти охир инод,
Будур иш Кубод улса гар Кайкубод.*

(“Тарихи мулуки Ажам”)

ҚУВОРМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг биринчиси. Ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланувчи *қуерамоқ* феълнинг эски ўзбек тилидаги шакли, *қуримоқ*, *сўлмоқ* каби луғавий маъноларни англатади: Маҳмуд Кошғарий “Девони луғати турк”да *қурушды* сўзи хусусида тухталиб, мазкур сўз бирор нарсага нисбатан *бутунлай ҳамма ери қуриди* маъносида ишлатилишини айтган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да кўрсатилишича, *қурушды* сўзи *қуры* феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи *-ш* қўшимчасини қўшиш орқали ясалган. Бу сўз ўз маъносида ўсимлик ва шу каби табиат ашёларининг кўкаришдан тўхташи, танасидаги намликнинг йўқола боришига нисбатан айтилади. Кўчма маънода инсон руҳий ҳолати ва қалбида дардмандлик ёки фикрсизликнинг кучайиб боришига нисбатан айтилади.

ҚУДСИЙ (14–15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни “ширингўй” шоир сифатида тилга олади ва оғзидаги хасталик туфайли ушбу байтни битганлигини айтади:

*Бо вужуди чунин даҳан ки, марост,
Шеър гўямки, об аз ӯ бичакад.*

(Мазмуни: Менда шундай оғиз бўлишига қарамай, шундай шеър айтayки, ундан сув чакиллаб турсин).

Шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти ҳам келтирилган:

*Эйки, манғам мекуни
аз дидани он гулғузор,
Ҳолати дилро намедони,
маро маъзур дор.*

(Мазмуни: Эй гулғузolini кўришни менга манъ этувчи, дил ҳолатини билмайсан, мени кечиргил).

ҚУЁШ – қуёш системасининг марказий қисми; Ерга энг яқин жойлашган, иссиқлик ва ёруғлик манбаи бўлган сайёра.

Қ. кўпинча олий маъбуднинг дастлабки рамзи сифатида намоён бўлади ва у б-н уйғунлаштирилади. Қад. Мисрда Қ. маъбуди Ра маъбудларнинг “раҳбар илоҳи” ҳисобланган.

Зардуштийлик динида Қ. маъбуди – Митранинг ҳамма нарсани кўрадиган кўзи адолатни мужассамлаштиради. У ҳамма нарсани кўради ва билади – бу эса Қ. маъбудининг энг муҳим ҳислатларидан биридир.

Ислом дини таъсирида Қ.нинг бундай “илоҳий хусусиятлари” қамайган бўлса-да, ислом давридаги ёзма ёдгорликларда уларнинг унсурлари сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Мас., “Қутадғу билиг”да тўрт асосий қахрамондан дастлабкисининг исми Кунтуғди бўлиб, у подшо, шу б-н бирга адолат рамзи. Бу Қ.нинг доимо нур таратиб турувчи, ҳамма нарсдан огоҳ ва айни пайтда адолатдай дунёда устуворлик касб этганлигидан келиб чиққан ҳисобланади.

Навоий асарларида Қ. сермаҳсул образлардан бири ҳисобланиб, шоир лирикасида у ой образи б-н гоҳи таносуб, гоҳи тазод санъатларини юзага келтирган ҳолда ишлатилади. Баъзида Тангри ва банда, ошиқ ва маъшук орасидаги муносабатни ифодалаш учун зарра образи б-н тазод санъатини ифодалаган ҳолда қўлланилган.

*Буду нобудум агар
тенг бўлди жонон оллида,*

*Зарра йўқу бори
тенгдур меҳри рахшон оллида.
 (“Наводир уш-шабоб”)*

Меърожномаларда тўртинчи иқлим ва пайшанба кuni ҳомийси шоҳи анжум (юлдузлар подшоси).

*Қуёшқа чун суруб гардунхиромин,
Уётдин ер қуйи айлаб мақомин.*

(“Фарҳод ва Ширин”)

“Сабъаи сайёр” достонида у иккинчи иқлим ва якшанба кuni ҳомийси сифатида талқин этилган.

*Чунки якшанба урди меҳр алам,
Кийди зарбафт ҳулла кўк торам.*

(“Сабъаи сайёр”)

ҚУМРИ – сайроқи қуш номи. Мумтоз ад-тда, хусусан Алишер Навоий шеърятда сарвнинг опиғи бўлган сайроқи қуш сифатида тасвирланади.

Сарву гул ҳусн ичра

йўқ ул сарви гулруҳсорча.

Уйлаким, қумрию булбул

нолада мен зорча.

(“Фавоид ул-кибар”)

Навоий “Лисон ут-тайр”да ушбу тимсолга янги маъно юклаб, уни боғ-бўстонни севувчи, ундан бир дақиқа ҳам айрилмайдиган қуш – ўз уйига меҳр қўйган ва ундан нарини кўролмайдиган киши ёки руҳияти дунё “ялтир-юлтир”ларига асир бўлиб, ундан ажралишни тасаввур қила олмайдиган киши тимсолида талқин қилади. Худхуд унинг хонанишилигини танқид қилгани ҳолда, Ҳақ йўлига киришни тарғиб қилади.

Деди Қумриким: – “Аё фархундарой.

Фафлату гумроҳларга раҳнамоӣ.

Мен қушедурмен чамандин чиқмагон,

Дашту водий сайридин ториқмагон.

(“Лисон ут-тайр”)

ҚУРБ (ар. – яқинлик) – илоҳий сифатлар ила безаниш; ориф кўнглининг мусалфа бўлиши ва илоҳий муҳаббат хазинасига айланганлиги, Илоҳга яқинлашиш. Абу Наср Саррож, Қ. аҳлининг уч даражаси бор дейди: 1) мутақарриблар – булар ўз тоат-ибодатлари туфайли Ҳаққа яқинлик ҳосил қилганлар; 2) мутаҳаққиқлар – бу тоифа нимага назар солса, унга ўзларидан кўра Ҳақни яқинроқ деб биладилар; 3) мубтадийлар – бошловчилик мақомидан ўтиб, фано босқичига етишганлар ва улар хотирдан Қ. ҳам фаромуш бўлади. Мустамлий Бухорий Қ.ни масофавий яқинлик б-н эмас, балки кўнгли яқинлиги б-н изоҳлаш лозимлигини таъкидлайди. Шайх Абу Саид Абулхайр Қ. ҳақида қуйидагича фикр юритади: “Қ. уч ҳолатда юз беради: масофа туфайли ҳосил бўладиган Қ. – бу хом хаёлдир, илм ва қудрат туфайли ҳосил бўладиган Қ. – бу вожибдир, фаал ва раҳмлилик туфайли ҳосил бўладиган Қ. – бу эса жоиздир”. Жунайд Бағдодийнинг айтишича, Аллоҳнинг бандага бўлган яқинлиги банд кўнглининг Аллоҳга бўлган қурбати каби-

дир. Шайх Абдуллоҳ Тустарийнинг фикрича, Қ.нинг энг асосий шарти – *жаёдир*.

Навоий шеърятда Қ. сўзи ҳам лугавий маъносида, ҳам тас-ий истилоҳ сифатида кенг қўлланилган.

ҚУРБАНЖ – “Насоийм ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Муҳаммад бин Абдуллоҳ Гозур Ҳиравийнинг замондоши. Навоий “Насоийм ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҚУРУҚШАМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг иккинчиси. Бу феълнинг *қурушмоқ* шакли ҳам мавжуд бўлиб, *қовжирамоқ*, *қурушмоқ* ёки *қуриб қутинқираб кетмоқ* маъносини англатади. Ўрни *қувормоқ* феъли бирор нарсанинг *қуриш*, *ўзидаги намликни йўқота бориш* жараёнини ёки *яқинда қуриб бўлганлик* маъносини англатади, *қуруқшамоқ* феъли *қуриб бўлган нарсанинг янада қуриши*, *қуриб қаттиқлашиши*, *қуришининг қуришини* англатади.

ҚУРЪОН (ар. – ўқимоқ, қироат қилмоқ; жамлаш) – мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Уламолар Қ.ни қуйидагича таърифлашади: “Қ. – Аллоҳ таолонинг Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган, ожиз қолдирувчи қаломидир”. Қ. сураларининг сони 114, оятлари сони 6200 дан ортиқ эканлигига иттифоқ қилинган. Оятлар адади хусусида юзга келган ихтилоф баъзи оятларни қўшиш ёки олиш б-н эмас, айрим оятларга баъзилар битта оят деб қараган бўлса, бошқаси иккига бўлиб, иккита оят деб қараганидан келиб чиққан. Энг қисқа сура “Кавсар” сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура “Бақара” сураси бўлиб, 286 оятдан иборат. Қ. суралари 2 қисмга бўлинади: 1) ҳижратдан аввал тушган суралар – “Макка суралари” (Маккада нозил бўлган); 2) ҳижратдан кейин тушган суралар – “Мадина суралари” (Мадинада нозил бўлган).

Муҳаммад (с.а.в.) Қ. оятларини фариштадан эшитиб, ёдлаб олар эдилар. Кейин бош-

қа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёдлаб олишган. Шу б-н бирга, ёзишни биладиган одамлар, жумладан, Абу Вақр Сиддик, Умар Форук, Усмон Зиннурайн, Али Муртазо, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб ва б.лар ўзларига муяссар бўлган хурмонинг пўстлогига, япалоқ тошларга, катта суякларга, терига, қоғозга ва шунга ўхшаш нарсаларга Қ.ни ёзиб боришган. Пайғамбар (с.а.в.) уларга янги тушган оят қайси сурадан экани ва қаерда туриши лозимлигини кўрсатиб берганлар. Шундай қилиб, 23 йил давомида Қ. фаришта орқали нозил бўлган. Пайғамбар (а.) ва саҳобалар уни ёдлашган, ёзишни биладиганлар эса ёзиб олишган.

Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлик вақтларида, яна ваҳий тушиб қолар деган умидда, Қ. жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. У кишининг вафотларидан Абувақр Сиддик (р.а.) Зайб бин Собит бошчилигидаги саҳобалардан бир гуруҳини Қ.ни тўплаб, китоб ҳолига келтириш буюрилади. Бу шарафли иш Усмон бин Аффон (р.а.) даврида ниҳоясига етказилди.

Қ. ягона бўлган Аллоҳнинг Ўзига эътиқод қилувчи халқлар ҳаётида ва тарихида асосий ўрин тутган китобдир. Бу китоб мазкур халқларнинг илм-маърифат, ад-т, турмуш тарзи, қонун-қоидалари, урф-одатлари, дунёқараши ва б. нарса-ҳодисаларга беқиёс таъсир кўрсатган.

Алишер Навоий дунёқараши шаклланишида Қ. муҳим ўрин тутган. “Мажолис ун-нафоис”да Навоий олти ёшида Қ.ни “Таборақ” сурасигача ўқигани ҳақида маълумот мавжуд. “Назм ул-жавоҳир”нинг муқаддимасида эса, “кўпрак авқотим Каломуллоҳ иштиғоли ва анинг тафосири қийлу қоли била ўтар эрди”, деб ёзади. Узлуксиз таълим ва тиловат, табиийки, Навоийнинг ижодида ҳам ўз таъсири ва аксини топган. Қ. оятларининг матни ва мазмуни Навоий асарларида қуйидаги тасниф бўйича қўлланилганини кузатиш мумкин:

– оятларнинг матнини айнан келтириш (иқтибос санъати);

– оятларнинг матнидан қисман келтириш (иқтибос санъати);

– оятларнинг матнини шеърнинг вазн ва қофия талабига мослаштириш (ақд санъати);

– оятларнинг мазмунини бериш (таржима санъати);

– ишора, тазод, ташбеҳ каби маъий санъатларни қўллаш орқали оятлар мазмунини бадиий матнга сингдириш;

– Қуръонда зикри кетган пайғамбарлар, ҳакимлар ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаётига ишора қилиш (талмеҳ санъати);

– қуръоний ҳукмларни далил сифатида келтириш (тамсил санъати).

Навоий Қ.и Карим оятларидаги мангу гоъларни, энг аввало, ўзликни англаш учун асосий дастуруламал эканлигини уқтириб, ислом дини – башариятни саодат манзилларига етказувчи муқаддас таълимот, инсонларни маърифат ва бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, тинчлик ва инсонпарварликка даъват этадиган, кишининг имон-эътиқодини мустаҳкамлаб, руҳият оламини поклайдиган дин эканлигини турли бадиий усул ва воситаларни қўллаш орқали асарларида бот-бот таъкидлаган. Асосан ахлоқий мазмундаги насрий ҳикмат ҳамда байтларда ояти карималарга мурожаат қилган Навоий рубоийларидан бирида Қ. кироатини икки дунё саодати ва қалб шифосига сабаб эканлигини қуйидагича баён этган:

*Қуръонки эрур муждаи жони ўқумоқ,
Йўқ, йўқси, ҳаёти жовидони ўқумоқ
Бил кўнглунга истасанг шифони*

ўқумоқ

*Ким, келди кўнгул шифоси они ўқумоқ.
("Назм ул-жавоҳир", 120-рубоий)*

ҚУТВИДДИН ҲАЙДАР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Туркистон подшоҳининг ўғли. Унга ёшлигида жаба тегиб Хожа Аҳмад Яссавийга мурид тушади. Яссавий уни Хуросон ўлкасида тас.ни ёйишга жўнатади. Эроннинг Турбат ва Зова вилоятида яшаб, ўша ерда вафот этган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҚУТВИЙ (15-аср) – ҳам туркий, ҳам форсийда баравар ижод қилган зуллисонайн шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий уни *Султон Масъуд Мирзо* мулозимла-

ридан бири бўлгани, шўх табъга эга шоир эканлигини айтиб, туркий байтини келтиради:

Ғунча гар нисбат қилур

ўзига дилдор оғзини,

Эй сабо ели, тўла

қон айла зинҳор оғзини.

“ҚУТ УЛ-ҚУЛУБ” (“Қалблар қуввати”) – *“Ситтаи зарурия”* қасидалар туркумига кирувчи туртинчи қасида. 120 байтдан иборат. Мазмунига кўра фалсафий қасида ҳисобланади. “Қ.” 12-аср форс-тожик ад-тивнинг йирик намояндalarидан бири Авҳадиддин *Анварий* қасидасига татаббуъ тарзида яратилган. Унда дунёнинг бебақо ва бевафолиги, фалакнинг золим эканлиги айтилиб, инсонларнинг ана шу ўткинчи, фоний дунёга меҳр қўймай, охират кунини ўйлашлари, руҳий-маъ-ий юксалишга эътибор қаратишлари зарурлиги ўқтирилади. Қасидани шартли равишда икки қатта қисмга ажратиб мумкин. Биринчи қисмда бу оламнинг бевафолиги ва фалакнинг золимлиги б-н боғлиқ фикрлар келтирилади (55 байт). Қасида қуйидаги байт б-н бошланади:

Жаҳонки, марҳалаи

танги шохроҳи фаност,

Дар ў мажһў и қомат,

ки роҳи шоҳу гадост.

(Мазмуни: Жаҳонким, фанонинг бепоён йўлининг тор бир йўлакчасидир.

Унда абадий яшамокни ўйламаким, бу – шоҳу гадонинг (ўтар-кетар) йўлидир). Навоийнинг ёзишича, бу дунё ўткинчи, уни ташлаб кетиш ота-боболардан мерос, минг йил умр кўрилса-да, у бир лаҳзадай ўтиб кетади. Бу оламда бир осойиш – роҳат йўқ, яшашнинг ўзи қийин, устига устак яна фалак ҳам инсон бошига жабру зулм етказлади. Бу фикрлар баёни б-н шоир бир неча мақсадни кўзлайди. Биринчидан, Навоий дунёга ҳаддан зиёд муҳаббат қўйишни, чин инсоний моҳиятни унутиб қўйишга олиб борадиган қусурларнинг илдизини очиб бермоқчи. Иккинчидан, бу ўринда қафо ва қадар масаласи ҳам бор, яъни инсон ҳам, у тугилиб ўсган макон ҳам, бутун борлиқ Аллоҳ ҳукмида, унинг иродаси б-н ҳаракатда, инсон буни англаши керак. Учинчидан,

бу олам доимий ҳаракатда экан, инсон ҳам доимий фаолиятда бўлиши керак, меҳнат, интилиш ҳаёт қонуни – Аллоҳ белгилаган тақдир қонунидир. Қасидада шу тариха ҳаракат ва фаолият б-н боғлиқ фикрлар баён қилинар экан, инсон умрини турғи яшаб ўтиши учун шариат аҳкомларига риоя қилиши керак. Қасиданинг иккинчи қисми ана шу фикр баёнига бағишланган. Унда келтирилишича, Аллоҳнинг ягоналигига иймон келтириш ҳар бир мусулмоннинг биринчи вазифасидир. Шундан сўнг У яратган фаришталар, юборган осмоний китоблар, пайгамбарлар, қиёмат куни, тақдири азалга ишониш, ислом динининг беш рукнига амал қилиб яшаш муслим учун фарздир. Шоирнинг ўқтиришича, инсон руҳи учун энг керакли озуқа тақводир. Навоий қасидада ушбу ахлоққа риоя қилмаган риёкор кишиларни ҳам тилга олиб, уларни қаттиқ ҳажв остига олади, нафратини баён қилади (85–102-байтлар). “Қ.” сўнггида Навоий Аллоҳга муножот қилиб, ундан мағфират тилайди ва қасиданинг “Қут ул-қулуб” деб номланиш сабабини айтиб (тақво, шариат аҳкомини адо этиб, дунё фонийлигини англаб, боқий дунёга пок қайтиш – қалбларнинг қуввати), ўз таҳаллусини келтиради. “Қ.” *Анварий* қасидасида қўлланилган *муҗтасси мусаммани махбуни мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: мафоилун фаилотун мафоилун фаилон V – V – / V V – – / V – V – / V V –) вазнида яратилган. Унда асосан *каломий жомий* санъатидан фойдаланилган.

ҚУШАЙРИЙ, Абулқосим Абдулкарим бин Ҳавозин (ваф. 1072 м.) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тафсир илмида тасаввуфий-ирфоний мазмундаги “Латойиф ул-ишорот фил-Қуръон” китоби ҳамда тас. наз-яси бўйича “Рисолаи Қушайрия” асарининг муаллифи. Абу Али Даққоқнинг муриди ва куёви, Абу Али Формадийнинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҚЎБУЗ – ўтмишда чертиб чалинадиган тўрт торли мусиқа чолғуси, рубобнинг бир

тури. Ҳоз. даврда косаси чўмичга ўхшаш, усти очиқ ёки тери билан қопланган қилли торли мусиқа чолғусига нисбатан қўлланилади. Асосан Марказий Осиёда кенг тарқалган.

*Ҳажрдин ўлди Навоий,
соқиб, тут жоми май,*

*Эй муганний, сен наво
оҳангида қўпса қўбуз.*

(“Фавойид ул-кибар”, 205-ғазал)

ҚУРҚУТ АТО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Унинг қароматлари ва ҳикматлари туркий халқлар орасида жуда

машҳур бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҚУЗҒАЛМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма тўртинчиси. Мазкур феъл *тинчсизланмоқ, ҳаракат қилмоқ; қўзғалон кўтармоқ* маъноларини ифодалайди. Навоий асарларида ҳам тез-тез учраб турувчи ушбу феъл юқоридаги маъноларда қўлланган:

Сипоҳда пайдо бўлиб қўзғалиш,

Сипоҳ қўзғалур чун шаҳга тушти иш.

(“Садди Искандарий”)





ҒАЗАЛ (ар. – ошиқона сўз, ишқ изҳор қилиш, аёлларни мадҳ этиш) – Шарқ мумтоз шеърлятида кенг тарқалган лирик жанр. Ғ. 3 байтдан 19 байтгача ҳажмда бўлиб, *а-а, б-а, в-а, г-а...* тарзида қофияланади. Туркий ад-тда 5–10 байтли Ғ. кўп учрайди.

Адабиётшуносликда Ғ. жанри ҳақида илк маълумот Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида (13-аср) келтирилган. Ғ.нинг биринчи байти *матлаъ* ёки *мабдаъ*, охири байти эса *мақтаъ* деб аталади ва аксар ҳолларда мақтаъда шоир тахаллуси қўлланилади. Баъзан тахаллус мақтаъдан олдинги байтда қўлланилиши ҳам мумкин.

Адабиётшуносликда Ғ.нинг бир неча турлари фарқланади:

1) Оддий ёки одатий Ғ. (қофияланиши: *а-а, б-а, в-а, г-а...*)

2) Ғ.и ҳусни матлаъ (қофияланиши: *а-а, а-а, б-а, в-а...*)

3) Ғ.и қитъа (қофияланиши: *б-а, в-а, г-а...*)

4) Ғ.и мусажжаъ (иккинчи байтдан бошлаб ички қофия қўлланиладиган)

5) Ғ.и муламмаъ (мисралари икки ва ундан ортиқ тилда битиладиган)

6) Ғ.и мувашшаҳ (байт ёки мисраларининг бош ҳарфларидан муайян исм ёки сўз келиб чиқадиган)

7) Ғ.и мушоира (икки ёки ундан ортиқ шоирнинг бадиҳа йўли б-н Ғ. айтишига асосланган)

8) Ғ.и зулқофиятайн (зулқофиятайн санъати – икки қофиялилика асосланган)

9) Ғ.и зебоқия (қофияланиши: *а-а, а-а, а-а, а-а...*)

Композицион жиҳатдан Ғ. *пароканда* (маълум бир сюжет асосига қурилмаган, ҳар бир байт ўзича мустақил) ва *воқеабанд* (якпора ёки мусалсал – муайян сюжетга эга бўлган, матлаъда бошланган мавзу ғазал сўнгигача ривожланиб борувчи) турга бўлинади.

Ғ.нинг дастлабки намуналари 8–9-асрда араб ад-тида пайдо бўлган. Форс-тожик ад-тида илк Ғ. ёзган шоир сифатида Абу Абдулло Рўдакий (858–941) тилга олинади. Туркий ад-тда эса дастлабки Ғ. Носириддин Рабғузийнинг “Қисси Рабғузий” асарида (1409–1410) учрайди. Ғ.нинг эпик поэзия таркибида учраши илк бор Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сидан (1353–1354) бошланади.

Ғ. жанрининг ривожланиши ва тараққиётида Алишер Навоийнинг ҳиссаси тенгсиз. Унинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётида 2600 та Ғ.мавжуд бўлиб, ҳар бир девонга тенг тарзда (650 тадан) жойлаштирилган.

Шоир ўзининг илк расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя”га ёзган дебوحасида девон тартиб бериш масалаларига тўхталиш асносида Ғ. б-н боғлиқ қонун-қоидаларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтади. Хусусан, девонни Ғ.жанри б-н бошлаш, Ғ.ни 28 ҳарф эмас, балки 32 ҳарф (چ – чим, ج – же, گ – гоф ва ل – лом-алифни ҳам қўшган ҳолда) б-н тугаллаш, девонга даставвал Аллоҳга ҳамд ёки Пайғамбарга наът мавзусидаги Ғ.ларни жойлаштириш, Ғ.ларга маърифат ва мавъиза мавзуларига доир байтларни киритиш, Ғ. матлаъсида келтирилган фикрни мақтаъгача ривожлантириб бориш каби масалалар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий Ғ.лари, асосан, 7 байтдан 13 байтгача бўлиб, бу ҳақда шоирнинг ўзи “Бадоеъ ул-васат” девонига киритилган қитъасида маълумот беради. “Ҳазойин

ул-маоний” куллийтидаги Ғ.лар ҳажмини проф. Ҳамид Сулаймонов тузган қуйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин:

Байтлар сони	“Ғаройиб ус-сигар” девонида	“Наводир уш-шабоб” девонида	“Бадоеъ ул-васат” девонида	“Фавойид ул-кибар” девонида	Ҳаммаси
5	2	–	–	–	2
6	1	3	1	–	5
7	434	446	437	430	1747
8	30	8	8	12	58
9	163	162	187	183	695
10	8	7	1	3	19
11	11	23	14	20	69
12	–	–	1	–	1
13	1	1	1	2	5
	650	650	650	650	2600

Алишер Навоий ўзининг қитъаларидан бирида Ғ.даги устозлари сифатида форс-тожик шоирлари Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Ҳофиз Шерозийни келтириб ўтади.

Алишер Навоий газалиётини мавзусига кўра шартли равишда қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ҳамд Ғ.

*Зиҳи зуҳури жамолинг кўёш киби пайдо,
Юзунг кўёшига зарроти*

кавн ўлуб шайдо.

(“Наводир уш-шабоб”, 1-ғазал)

2. Наът Ғ.

*Эй, нубувват хайлиға хотам бани
Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур
хотам аро.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 6-ғазал)

3. Ошиқона ёки ишқий мавзудаги Ғ.

*Тун оқиом бўлдию
келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам
куяр парвонадек жоним.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 403-ғазал)

4. Орифона ёки тасаввуфий-фалсафий мавзудаги Ғ.

*Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға
хос,
Яна не суд керак узлугунгдин этса халос.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 271-ғазал)

5. Ахлоқий-таълимий мавзудаги Ғ.

*Сен уз хулқунени тузгил,
бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди
ҳаргиз бўлмади фарзанд.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 115-ғазал)

6. Ижтимоий мавзудаги Ғ.

*Топмадим аҳли замон ичра
бир андоқ ҳамдаме
Ким, замон осибидин
бир-бирга айтишсоқ ғаме.*

(“Наводир уш-шабоб”, 576-ғазал)

7. Риндона Ғ.

*Соқиб, тут бодаким,
бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буқим, ҳар неча
тутсанг лаболаб силқорай.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 588-ғазал)

8. Табиат тасвири акс этган Ғ.

*Булут ҳайвон зулоли
бирла тиргузди ҳаво жонин,
Севунмак ашкидин шодоб
қилди сабза мужгонин.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 440-ғазал)

9. Ҳажвий мавзудаги Ғ.

*Ул шайхки, минбар уза
афсунға берур тул,
Шайтондур ўзи,
мажлиснинг аҳли сурук ғул.*

(“Фавойид ул-кибар”, 377-ғазал)

Бундай тасниф шартли бўлиб, баъзан Алишер Навоийнинг ишқий мавзудаги

Ғ.лари таркибида (кўпинча мақтадан олдинги байтда) ижтимоий масалалар б-н боғлиқ байтлар, табиат тасвири акс этган Ғ.ларида ёр тасвири ва ҳ.к. мазмунидаги байтларни ҳам кузатиш мумкин.

Алишер Навоийнинг форсий тилдаги Ғ.лари “Девони Фоний” таркибидан ўрин олган бўлиб, уларнинг сони 500 дан ортади (қўлёзмаларда ғазаллар миқдори турлича келтирилади). Девондаги ғазаллар яратилиш хусусиятларига *қўра мухтароғ*, *татаббуғ* ва *тавр* каби турларга ажратилган.

ҒАЗЗОЛИЙ, Аҳмад (11-аср 2-ярми, Тус – 518 ҳ.қ./1124, Қазвин) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абубакр Нассожнинг муриди, Имом Ғаззолийнинг укаси, “Савонех” (“Ҳодисалар”) китоби ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган. Фахриддин Ироқий “Ламаъот” (“Шуълалар”) асарини унинг таъсирида яратган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҒАЗЗОЛИЙ, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Тусий (1058 – Тус – 1111) – илоҳиёт олими, тасаввуф назариётчиси, файласуф, фақиҳ. Туғилган шаҳрида таълим олиб, кейин Нишопурда ашъарий мактаби уламоси Жувайний қўлида таҳсил олган. Бағдоддаги “Низомия” мадрасаси мударрисси сифатида катта шухрат қозонган. Ҳаж қилиш ниятида Бағдодни тарк этиб, 1096–1106 й.ларда Шарқнинг Шом, Байт ул-муқаддас, Искандария шаҳарларида бўлган. Дамашқ ва Тусда яшаган. Низомулмулкнинг ўгли Фахрулмулк таклифига қўра яна 1106–1110 й.ларда Низомия мадрасасида мударрислик қилади. Умрининг охирида Тус яқинидаги туғилган қишлоғи Ғаззолага қайтиб, шу ерда қонақоҳ ташкил этади. Навоий таъбири б-н айтганда, “халқдин хилват ихтиёр қилди ва муфид китоблар тасниф қилди”.

Асосий асарлари: “Ихёу улум ид-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”), “Кимёи саодат” (“Саодат кимёси”), “Мақосид ул-фалсафа” (“Фалсафа мақсадлари”), “Таҳофут ул-фалосифа” (“Файласуфларни

рад этиш”), “Насихат ул-мулук” (“Ҳукмдорларга насихат”).

Ғ. ўз асарларида ислом илоҳиёти тизimini ишлаб чиқиб, уни фалсафий жиҳатдан асослашга интиланган, шариат ва тас.ни ўзаро қўшиб талқин этган. Чунончи “Ихёу улум ид-дин” асарида тас. ва шариатни муросага келтириб, бир-бирига чамбарчас боғлайди. Шундан сўнг тариқатга кирувчилар учун шариатга риоя этиш қатъий қонунга айланади. Ғ. фанони тасдиқласа-да, Мансур Ҳаллож олға сурган ҳулул, яъни сўфийнинг Аллоҳга қўшилиб, сингиб кетишини рад этади. Ғ. фикрича, фано Аллоҳга руҳан яқинлашиш, холос. У Аристотелнинг Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби Шарқдаги издошлари б-н оламнинг яратилганлиги, коинот абадийлиги, руҳнинг ўлмаслиги муаммолари, сабабият наз-си ва ҳ.к. бўйича баҳс юритган. Ислом тафаккури ва ўрта аср Европа фал.сига катта таъсир кўрсатган.

Қуръонни мукаммал шарҳлаб, ислом қоидаларини илмий асослаб бергани учун замондошлари томонидан “Ҳужжат ул-ислом” (“Ислом далили”) деб улуғланган.

ҒАЗОИРИЙ, Али бин Абдулҳамид – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Валийларнинг абдоллар тоифасига мансуб бўлган. Кулолчилик б-н шугулланган. Сарий Сақатий б-н учрашган. Қирқ марта пиёда ҳаж қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҒАЙБАТ – тасаввуфий-ирфоний тушунча. Кўнгилда Ҳақ таолодан ўзга мавжудотнинг ҳаёли ва фикри буткул ғойиб бўлиши, нафснинг ҳаловатига сабаб бўладиган омиллардан буткул узилиш. *Ҳузур*нинг муқобили. Ғ. ҳолида нафсоний ҳаловатлар мавжуд бўлгани б-н солиқ уларга эътибор қаратмайди ва уларни йўқ деб билади ва шу орқали илоҳий жамол мушоҳадасига эришади. “Мисбоҳ ул-ҳидоя”да Ғ.нинг икки тури ҳақида сўз боради: биринчиси, тариқатнинг ибтидосида бўлганларнинг Ғ.и бўлиб, бу ҳол туйғу ва сезимлар, фикр-хаёлнинг орадан кўтарилиши б-н изоҳланади.

Иккинчи Ғ. мутаваасситлар (тариқатдаги мақом ва ҳолларнинг ярмини эгаллаган кишилар)нинг Ғ.и бўлиб, унда Ҳақ таоло мушоҳадаси ғалабаси туфайли солиқ уз вужудидан ғойиб бўлади.

"Сунгги мутабаррак мазорда қиблага мутаважжих дитурди ва ул таважжухда ғайбате воқеъ бўлди".

("Насойим ул-муҳаббат", 450-фасл)

ҒАЙБ ЭРАНЛАРИ – валийларнинг бир тоифаси. Уларни рижоли ғайб, рижодуллоҳ, мардони Худо деб ҳам атаганлар. Ғ.э. қирк кишидан иборат бўлиб, мурид тарбияламаганлар. Улар дунёнинг турли гушаларида яшаб, бир вақтда муайян жойда тўпланиш қаромати соҳиби бўлганлар. "Насойим ул-муҳаббат"да шайх Зиёуддин Румийнинг Ғ.э. б-н учрашгани воқеаси келтирилган.

"Намоздин фориг бўлгондин сунгра ул қирк ғайб эранлари бирин-бирин анинг била дастбӯс қилиб дедиларки, марҳабо, эй ғайб эранлари толиби!"

("Насойим ул-муҳаббат")

ҒАЙЛОН САМАРҚАНДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодийнинг шогирди. Маърифат бобида кўп сўзлар айтган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҒАЙЛОН МУВАСВИС – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. "Ғайлон ал-мажнун" (Ғайлон-девона) номи б-н ҳам машҳур бўлган. Ироқнинг машҳур дарвешларидан. Узлат ва хилват ихтиёр этиб, бировдан нарса қабул этмаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҒАНЖУ ДАЛОЛ – нозу ишва, қарашма, қилиқ. "Шарҳи Гулшани роз"да берилишича, Мутлақ гузалликнинг жилвасидан ошиқ кўнглида ҳосил бўладиган изтироб, шавқ ва ишқнинг ҳаддан ошиб, ихтиёр қўлдан кетиши тушунилади. Бу изтироб суқр ва беҳудлик ҳоли даражасида бўлмаса ҳам, муайян бир ҳолатда кўнглида юз бера-

диган ихтиёрсизлик ва ишқ ғалабасининг ифодаси сифатида вужудга келади.

Булбулу қумри чекиб

лаҳну наво ўзга наво,

Кургузадур сарву гул ганжу

далол ўзгача.

("Фавойид ул-қибар", 548-ғазал)

ҒАРИБ – 1) мусофир, бошқа жойдан келган, кимсасиз. Пайғамбарлар ва валийларни Ғ.лар деб ҳам атайдилар, негаки улар асл Ватанлари – Ҳақ таоло ҳузури томон қилаётган сафарларида дунё аҳли орасида ўзларини бегона ва кимсасиз ҳис этадилар. Дунё аҳли учун орифларнинг турмуш тарзи ва қарашлари ғалати (ғарибнинг бошқа маъноси ғалати, қизиқдир) кўрингани каби, улар ҳам дунё аҳли б-н унсият ҳосил этмайдилар. Мусофир кишининг бегона юртда Худодан ўзга таъягоҳи бўлмагани каби, орифнинг ҳам бу дунёда Худодан ўзга наноҳи йўқ.

Ўзбек ад-тшуноси С. Фаниева илмий жамоатчиликка "Навоий дастхати" номи б-н тақдим қилган "Наводир ун-ниҳоя" девонида Навоийнинг муҳрида қуйидаги ҳадис (Кун фид-дунё кааннака ғарибун ав обирусабил (Бу дунёда ғариб ёки йўловчидек бўл) нақшлангани айтилади. Навоий ушбу ҳадисни қитъаларининг бирида қуйидагича шарҳлаган:

Деди ҳазрати муҳфизи коинот,

Ангаким эди ҳузник ўқситгучи.

Ки, дунёда бўлғил нечүкким, ғариб

Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи.

("Фавойид ул-қибар", 48-қитъа)

2) ғалати, ажойиб, қизиқ, камёб, нодир. *Эй Навоий, бу ғариб ишларки,*

таклиф айладинг,

Бизгадур бисёр мушқил

гар санга осон эрур.

("Фавойид ул-қибар", 165-ғазал)

ҒАРИБИЙ, Муҳаммад Али (ваф. 1469) – сипоҳий, зуллисонайн шоир, мусиқачи. Навоийнинг кичик тоғаси. "Мажолис ун-нафоис"да маълумот беришича, у хушсуҳбат, хушхулқ, хуштабъ ва дардманд (яъни юрагида дарди бор) йигит бўлган. Мусиқа илмини яхши билган. Навоий мусиқа илми

бўйича илк сабоқни шу тоғсидан олган. У хатотликда ҳам моҳир бўлган. Ана шундай алоҳида фазилатлари туфайли Ҳусайн Бойқаро унга бошқаларга нисбатан кўпроқ иноят кўрсатган. Султоннинг тожу тахт учун олиб борган курашларида акаси Саид Кобулий б-н бирга бўлган.

Навоий “Мажолиси ун-нафоис”да унинг ҳар икки тилдаги ижодидан намуна келтиради. Туркий байти:

Дарди ҳолимдин агар гофил,

агар огоҳ эсанг,

Ҳеч ғамим йўқ сен менга

гар дилбару дилхоҳ эсанг.

Форсий матлаъ:

Чашми бемори ту ҳардам

нотавонам мекунад,

Лағли жонбахши ту, жоно,

қасди жонам мекунад.

(Мазмуни: Сенинг бемор (яъни ҳумор) кўзинг мени ҳар лаҳза заифу беқарор қилади, жон бахш этувчи лабинг эса жонимга қасд қилади).

Ҳусайн Бойқаронинг хизматини тарқатиб, Самарқандга борганида акасининг қотили томонидан ўлдирилади.

“ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР” (“Болалик ажойиботлари”) – “Ҳазойин ул-маоний” лирик куллиёти таркибига кирган биринчи девон. Дебоча б-н бошланган. (қар.: “*Ҳазойин ул-маоний*”). Дебочада “Ҳазойин ул-маоний” девонлари, уларнинг яратилиши б-н боғлиқ маълумотлар, шоирнинг ижод жараёнига оид айрим мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Унда “Ғ.” девонининг бевосита ўзига алоқадор маълумотлар ҳам мавжуд. Жумладан, шоир бу девонининг номланиши ҳақида шундай ёзади: “...аввалги девонниким, туфулият баҳори ғунчасининг ажиб гуллари ва сиғар гулзорининг боғчасининг ғариб чечаклари била оросга бўлуб эрди, “Ғаройиб ус-сиғар” дейилди”. Шоирнинг ўзи таъкидлаётганидек, бу девон шоирнинг болалик баҳори даврида ёзилган ғаройиб шеърлар б-н безалгани боис “Болалик ажойиботлари” деб ном берилди. Девонга киритилган асарлар “туфулият авони” – болалик даврида битилган шеърлардир: “...етти-секкиз ёшдин йигирма ёшқача ченаса бўлғайким, умр фу-

сулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфаву гулзоридур, анинг мадҳида “Ғаройиб ус-сиғар” била сарф қилдим”. Дебочадаги маълумотга кўра, “Ғ.”га етти-саккиздан йигирма ёшгача бўлган давр ичида битилган шеърлар киритилган. Девонларга шеърлар тақсимланишининг нисбий эканлиги инobatга олинса, “Ғ.” девонига шоир ҳаётининг кейинги даврларида яратилган шеърлар ҳам кирганлиги ойдинлашади.

Девонга “Ҳазойин ул-маоний”да истифода этилган лирик турнинг ўн олти жанридан саккиз жанрига мансуб 840 шеър киритилган. Улар: 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржиъбанд, 1 маснавий, 50 китъа ва 133 рубоийдан иборат.

“Ғ.” девонидаги шеърларнинг асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Ғазал – девондаги етакчи жанр. Алишер Навоий туркий адабиётда ғазал жанрини ҳар жиҳатдан юксак мақомга олиб чиқди. Унинг мавзу кўламини кенгайттирди, ифода усулига, бадииятига алоҳида эътибор берди.

Агар Навоийгача бўлган даврда туркӣй шоирлар, асосан, ишқий мавзуда ғазаллар битган бўлсалар, Навоий ғазаллари маърифий ва ижтимоий-фалсафий мазмун касб этди. Унинг ғазалларида ирфоний, ижтимоий-фалсафий мазмун лирик қаҳрамон изтиробларига уйғунлаштирилиб, айни пайтда, ундаги лирик пафосга заҳа етказмасдан ифода этилган. Шоир, айниқса, ғазалнинг ифода усулига жиддий эътибор берди. Девонларидан унғача бўлган даврда яратилганидек пароканда ғазаллар эмас, балки якпора, баъзан воқеабанд ғазаллар ўрин эгаллади. Бу масала хусусида шоирнинг ўзи “Бадоеъ ул-бидоя” девони дебочасида шундай ёзади: “Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мактагача сурат ҳайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай: *Ҳар ерда баҳор ўлса, чаман бўлса керак, Ҳар ерда чаман – гулу суман бўлса керак...*”. Демак, бир ғазалда муайян мавзунинг мантиқий изчилликда ва тугал ифода топиши Навоий ғазалларига хос хусусиятдир. Бу туркий ғазалнависликнинг юксалиши, айни пайтда, катта адабий ҳодиса эди.

Алишер Навоий ғазалларини ғоявий-бадий хусусиятларига асосан таснифлаб тадқиқ этиш орқали шоир дунёқарашини, адабий-эстетик принциплари, бадий маҳорати ҳамда туркий шеърятда бу жанрнинг тадрижий тараққиётини чуқурроқ ўрганиш йўллари очилади. Навоийшунос олимлар шоир ғазалларини таснифлашда шоирнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги бир қитъасига таянадилар. “*Ғазалда уч киши тавриду ул навъ Ким, андин яхши йуқ назм эхтимоли*”, деб бошланувчи қитъасида шоир Хусрав Деҳлавийнинг ошиқона, Ҳофиз Шерозийнинг риндона ва Абдураҳмон Жомийнинг орифона ғазалларидан руҳланганини эътироф этади. Ошиқона, риндона, орифона мазмундаги ғазалларини салафлари номи б-н боғлар экан, шоир Хусрав Деҳлавийни “соҳири хинд”, Ҳофизни “ринди Шероз” ва Жомийни “қудси асарлик орифи Жом”, яъни Жомнинг пок нафасли орифи, деб атайди. Бунда ўз устозлари анъаналарини давом эттирганга ишора бор. Шунга асосан Навоий ғазалларини ошиқона ғазаллар, риндона ғазаллар ва орифона ғазалларга ажратиб ўрганиш анъанаси вужудга келди (А.Ҳайитметов). Бу таснифда ғазал турлари шоирнинг қитъасида номлари зикр этилган ғазалнавислар номи б-н боғлиқ ҳолда тартибланган. Навоий уларни яшаган даврлари асосида кетма-кетликда келтирган эди. Кейинроқ шоир ғазаллари девонлардаги ўрни, тартибланиши, маъно салмоғи ва бошқа хусусиятларига боғлиқ ҳолда орифона, ошиқона ва риндона ғазаллар тарзида тасниф этилди (А.Абдуқодиоров). Шоир девонларидаги ирфоний мазмун устувор бўлган ҳамд ва наът ғазаллар ўзининг алоҳида ғоявий-бадий хусусиятига эга бўлганлиги боис, уларни ҳамд ғазаллар, наът ғазаллар, орифона ғазаллар, ошиқона ғазаллар, риндона ғазалларга ажратиб гуруҳлаш мумкин.

“F.” девонини шоир барча асарлари сингари Шарқда мавжуд анъанага мувофиқ ҳамд б-н бошлайди, наътлар б-н давом эттиради. Ҳамд ғазаллар тавҳид ва муножотларга бўлинса, наътларда Расулulloҳ васфи ва меърож бадий талқин этилган.

Девонда ҳамд ва муножот йўлида битилган ўнга яқин ғазал (1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 132-, 242-, 575- ва бошқа ғазаллар) мавжуд. Наът ғазалларнинг адади эса ўндан ортиқ (6-, 7-, 40-, 89-, 94-, 101-, 114-, 309-, 322-, 339-, 521- ва бошқа ғазаллар). Бу ғазалларда, асосан, шоирнинг диний-сўфиёна қарашлари ўз ифодасини топган.

Ҳамд ва муножот ғазалларга Аллоҳ, олам ва одам, уларнинг муносабатлари, таносуби ҳақидаги диний-сўфиёна билимлар, қарашлар ва тасаввурларнинг маъзи сингдирилган, Навоий ўзининг ислом ва тас.га уйғун фалсафий қарашларини шу ғазалларида умумлаштиради. Мавзуси, ифода усули, образлари ва, ҳатто, бадий санъатлари нуқтаи назаридан олиб қаралганда, Навоий ҳамд ва наътларида Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав ва Абдураҳмон Жомий сингари шоирлар анъанаси давом эттирилгани кузатилади, бироқ Навоий ҳамду наътлари шоир “мен”и, дарду изтиробларининг жуда чуқур ва ҳасратли ифодаси боис ўз таъсирини кучайтиради, кўнгилга чуқур кириб боради.

«F.” девони “*Ашрақат мин акси шамсил кағси анвор ул-худо...*” матлаъли ғазал б-н бошланади. Шоир диний-сўфиёна қарашларини бадий-фалсафий теран умумлаштирган, илоҳий муҳаббат, илоҳий соғинч туйғусини мукаммал акс эттирган бу ғазалда илоҳиётга оид фикр-қарашлар *май, соқий, жом* каби бадий тимсол ва тушунчалар ёрдамида мажоз йўли орқали ифодаланган. Бу ғазал навоийшуносликда “Ҳазойин ул-маоний” куллиётини очувчи – Фотиҳа ғазал деб баҳоланган (А. Рустамов). Ғазал куллиётдаги ҳамд, орифона, ошиқона ва риндона ғазалларни ўрганишда муҳим очкичдир. Ғазалдаги *ёр, қуёш, май, жом* каби тимсол ва тушунчалар моҳияти ғазалнинг ўзидаёқ ойдинлашиб улгурган. Жумладан, ғазалда зоҳидга мурожаат усули орқали шоирнинг ўзи назарда тутаётган май мазмун-моҳияти ҳақида фикрлари шоир шеърларидаги май тимсолига, умуман, бошқа тимсолларга ҳам муносабатни узгартиради:

*Сен гумон қилгондин ўзга жому май
мавжуд эрур,
Билмайин нафӣ этма бу майхона аҳлин
зоҳидо. (1-ғазал)*

Ҳамд газалларнинг катта қисми Яратганнинг мадҳи тажалли наз-яси (ваҳдат ул-вужуд) гоёлари, яъни мавжуд олам, ундаги ашёларнинг жами Ҳақнинг зуҳури, деган мазмунни ўзида мужассамлаштирган, жумладан:

Зиҳи камол ила кавнайн

нақшига нақшош

Мукаввинот вужудин вужудунг

айлаб фош.

(242-газал)

Байтда икки оламини мукаммалликда яратган Аллоҳга мурожаат этаётган шоир яратилган нарсалар(вужудлар)да яратганнинг вужуди (мавжудлик маъносида) акс этаётганини эътироф этади. Сўзнинг шаклий томонлари б-н боғлиқ *иштиқоқ* (нақшига, наққош ёки кавнайн, мукавванот), *такрир* (вужудин, вужудунг) каби санъатлар қўлланилганки, бу ҳамд газалларда ифодаланаётган мазмуннинг кўпроқ яратувчи ва яратилмиш нарсаларга тегишлилиги – борлиқ Ҳақ жилвасининг намоёиши эканлиги каби маъноларни ифодалаш б-н боғлиқ. Шу боис ҳамдларда *иштиқоқ* санъати кенг ва ўринли қўлланган.

“F.” девонидаги наът газаллар анъанавий мавзу сифатида эътироф этилса-да, аслида, уларда ҳар бир мўмин-мусулмон киши учун комиллик ибрати – пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт тарзига оид лавҳалар, унга юборилган мўъжизалар, хусусан, меърож тавсифи чексиз муҳаббат б-н ифодаланган. Бу туркум газаллар мазмуни шоирнинг Аллоҳ, олам ва одам ҳақидаги, коинотнинг сарвари Расулulloҳ ҳақидаги диний-суфийна билимлари, қарашлари ва тасаввурлари б-н уйғунлашиб кетган. Бирок шеър бадий тафаккур маҳсули бўлганлиги боис, шоир наът газалларда, бир томондан, пайгамбар (с.а.в.)нинг ҳаёти, унинг пайгамбарлик фаолияти б-н боғлиқ воқеа-ҳодисалардан кабардор этса, иккинчи томондан ва, асосан, у зотга бўлган муносабат – адоқсиз меҳр-муҳаббат, унинг шафоатига муяссар бўлиш истагида ёнган юрак эврилишларини бадий ифодалайди. Бу туркум газалларни яратиш шоирга нечоғли ички хотиржамлик, руҳий қувват бахш этганини Навоий бошқа девонидаги газалда шундай изоҳлаган эди:

*Навоий, набий наътдин жамъ қилгил,
Паришон эса хотири ҳарзагардинг.*

(“Фавоийд ул-кибар”. 338-газал)

Васф наът газалларда у зотнинг ҳусни, ибратга лойиқ хулқи, фазилатлари, ҳадислари ҳамда бошқа сифатлари тавсиф этилади. Меърож мавзусидаги газаллар эса Муҳаммад (с.а.в.)га юборилган мўъжизалардан бири – меърож воқеаси тавсифига, унинг бадий талқинига бағишланган. Баъзан мана шу икки хил мазмуннинг бир газалда ифода этилганини ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, шоирнинг ошиқона газаллари таркибида Расулulloҳ (с.а.в.) ёр тимсолида васф этилган газаллар ҳам мавжуд.

“Ғаройиб ус-сигар” девонидаги шеърларнинг муайян қисмини орифона газаллар ташкил қилади. Шоирнинг барча шеърларида, у хоҳ ҳамд, хоҳ наът газаллар бўлсин хоҳ ошиқона ёхуд риндона газаллар бўлсин – ҳар бирида ирфоний маъно-мазмун мужассам. Улар ўзликни, одамни, оламини, ва албатта, Аллоҳни таниш ва англаш йўлидаги изланишлар самарасидир. Дунёни мукаммал идрок этиш, зотни сифатда, моҳиятни ҳодисада кўра олиш, ўзликни англаш каби масалалар орифона газалларнинг бош гоёси ва асосий мазмунини ташкил этади. Алишер Навоийнинг ўзи “Бадоеъ ул-бидоъ” девони дебوحасида шундай ёзган эди: “Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир газал топилмағай ва бир газал бўлгайким, анда маъвизатангиз бир байт бўлмағай, мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай...”

Навоий орифона газалларининг бир қисми ҳаёт фалсафаси б-н боғланган бўлса, яъни ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва насихатомуз фикрларга асосланса, иккинчи туркум орифона газал ва байтлар ўзида суфийна маъно-мазмунни мужассамлаштирган. Тас. фалсафаси б-н йўғрилган орифона газалларда ҳаёт фалсафаси ифодалангани каби ҳикматомуз газалларда ҳам суфийлик масалаларига оид байтларни учратиш мумкин. Дунёни билиш, моҳиятни англашга интилиш, Ҳаққа – моҳиятга етишиш учун ҳаракат, нафсни енгиш каби масалаларни, ва энг муҳими, шу сифатларни ўзида жам-

лаган комил инсон ва комиллик сингари Навоий ижодининг маъини ташкил этган мавзулар орифона газалларда ирфоний мазмун – ҳикмат ва фалсафа ҳамда сўфиёна тимсоллар воситасида ифода этилган. Орифона газалларда қўлланилган бадийий санъат ва тасвир воситаларининг қисман чегараланганлигини, улар кўпроқ фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш мақсадида қўлланилганини кузатамиз.

Навоийнинг газалнависликдаги яна бир ютуғи ишқий мавзудаги газалларига ҳам ирфоний мазмунни сингдира олганида. Зеро, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, барча газалларида маърифат мужассам.

“Ҳазойин ул-маоний”даги тўртта мустазоднинг бири “Ғ.”дан ўрин олган. Халқ шеърияти заминида юзага келган бу жанр ҳақида Навоий “Мезон ул-авзон” асарида туркий халқлар шеъриятига хос шеърый шакллардан эканлиги ва махсус вазнда битилиши ва узига хос тузилишга эга эканлигини таъкидлаган.

*Эй хуснунга зарроти жаҳон ичра
тажалли, мазҳар санга ашб,
Сен лутф била кавну макон ичида
мавли, олам санга мавло-*

байти б-н бошланувчи мустазодда Навоийнинг ирфоний фикрлари ифодаланган. Келтирилган илк байтда Ҳақ ва дунёни тажаллий наз-ясига асосан идрок этиши, оламдаги барча нарсалар унинг ҳусни – гузаллиги учун мазҳар эканлиги, дунёда у зот мавло – соҳиб бўлса, олам унга – қул мазмуни мужассамлашган. Баланд пафос б-н бошланган мустазоднинг жозибали оҳангида шоир бу жаҳондаги ҳар бир заррани у зотнинг тажаллийси деб билгани борлиқ, ундаги ўз аҳволи, умуман, тириклик ва бошқа масалалар хусусида сўз юритади. Хусайн Бойқаро томонидан узига кўрсатилаётган эътиборни алоҳида эътироф этади.

Мустазод ҳам газал каби мавзу кўлами кенг бўлган жанр. “Ҳазойин ул-маоний”даги тўртта мустазоднинг мазмуни бир-биридан фарқ қилади. Шоир девонлардаги жанрларни қўллашда муайян тартибга риоя қилганидек, шеърларни мазмун-мавзуси асосида тақдим этишда муайян изчилликни сақлаб қолади. Шу боис биринчи девон “Ғаройиб ус-сигар”га ҳамд мазмунидаги мус-

тазодни киритади. Ушбу мустазод мазкур жанр учун барқарорлашган ҳазаж баҳрининг қазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуфи мустазод вазнида ёзилган.

“Ғаройиб ус-сигар” девонига киритилган уч мухаммаснинг *Ҳалқаи зулфунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами...* деб бошланувчи олти банддан иборат биринчиси Лутфийга тахмисдир. Қолган икки мухаммасни шоир ўз газалларига тахмис боғлаб битган. Тўққиз банддан иборат биринчи мухаммас: *Оҳим тарки муҳаббат қилди жонон оқибат...* деб бошланса, етти банддан иборат кейинги мухаммас: *Ишқ ўтидин жисми зори нотавоним ўртадин...* мисраси б-н бошланади.

Девондан ўрин олган ягона – тўққиз банддан иборат *Субҳидам махмурлиқтин тортибон дарди саре,* деб бошланувчи мусаддасини шоир ўз газалини тасдис қилиш асносида яратган.

Навоийнинг ушбу мухаммас ва мусаддасларига хос умумий хусусият – шоир уларда мухаммас ёки мусаддасга асос бўлган газалда айtilган фикрни тадрижий ривожлантиради, мавзунини кенгайтиради, образларни бойитади, хуллас, бир газал асносида айтиб улгурмаган, бир газалга сингдирилмаган фикрларни қўламдор ва салмоқли ифодалашга муваффақ бўлади.

Бу девонга “Ҳазойин ул-маоний”даги тўртта таржиъбанднинг бири киритилган. Асар мутақориб баҳрида (руқнлари ва тақтеъи: мутақориб мусаммани максур – фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаувл, яъни: V – | V – – | V –) ёзилган. Мазкур жанрнинг туркий тилдаги дастлабки мукаммал намунаси Алишер Навоий номи б-н боғлиқ. Ҳар банди ўн байтдан ташкил топган, *Харобот аро кирдим ошуфтаҳол, Май истарга илгимда синған сафол* байти б-н якунланувчи, фалсафий мазмундаги ўн бандлик (жами – 100 байт) шеърда шоир олам ва одам, тирикликнинг мазмун-моҳияти б-н алоқадор фикр-мулоҳазаларини таржиъбанд жанри талаблари доирасида ифодаланган. Шоир – лирик қаҳрамон ўзи истаётган ҳақиқат йўлида туғилган саволларига ҳеч кимнинг жавобидан қаноат ҳосил қилмайди. Шу боис *Назар айла бу корғаҳ ваъзиға, Ки ортар тамошосида ҳайратим,* деб ёзар-

кан, қуёш у ёқда турсин, бир зарранинг моҳиятини англашга ҳам фикрати етмаётганини, ўзига суҳбатдош бўлган шайх ҳам, донишманд ҳақим ҳам унинг саволларига жавоб беролмаганидан: *Менинг бошимга бас қотиқ тушти иш, Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим*, дея афсус-надомат қилади. Таржиъбанд шоирнинг узини англаш йўлидаги изтиробларидир. Асар шоирнинг йигитлик даврида яратилганки, бу пайт у нафақат ижодий изланиш, балки ўз-ўзини англаш йўлида тинимсиз фаолиятда эди.

Бошдан-охир май ва унга алоқадор рамзий тимсоҳ ва тушунчалар орқали суфиёна оҳангда ифодаланган фикрлар шоирнинг дунё ва унинг моҳияти, ирфон ҳақидаги ўйлари, кўнглидаги дил рози эди. Таржиъбанднинг такрорланувчи байтидаги *синган сафол* лирик қаҳрамон – Навоийнинг синик кўнгли бўлса, *май* – у истаётган ҳақиқат эди.

“Ғ.”даги шеърлар Алишер Навоийнинг жанрлардан фойдаланиш имкониятлари қанчалар баланд бўлганлигини намойиш қилади. Жумладан, шоир лирик асарда кам қўлланиладиган маснавий шаклига ҳам мурожаат қилган. Девондаги маснавий “Хазойин ул-маоний”да ягона саналган, 148 байтдан иборат мутақориб баҳридаги (рукнлари ва тақтеъи: мутақориб мусаммани мақсур – фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаул, яъни: V – – | V – – | V – – | V –) Сайид Ҳасан Ардашерга битилган мактубдир. Композицион жиҳатдан жуда пухта бу маснавий анъанавий кириш боблари –ҳамд, наът, мактуб қаратилган шахс васфи ҳамда ҳасби ҳол воситасида шоирнинг ижтимоий ҳаёт воқеалари тасвирига изчил ва тадрижий равишда ўтиши, ўз биографияси ҳамда давр воқелигига алоқадор маълумотларни реалистик тарзда ифода этилишини таъминлаган.

Табиатан лирик характерда бўлган бу асар нома жанрига яқин. Унда Навоийнинг шахсан Сайид Ҳасан Ардашерга қарата айтган фикрлари бадий ифода этилган. Маснавийнинг ёзилиши Навоийнинг Хурсондан чиқиб кетиш пайтига тўғри келади (яна қар.: “*Маснавий*”).

Девонга “Хазойин ул-маоний” куллиётидаги 210 қитъадан 50 таси киритилган.

Навоийга қадар туркий шеърятда бу жанрнинг намуналари жуда оз учрайди. Навоий қитъалари ушбу жанр тараққиёти ва юксалишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Бу жанрнинг гоявий-бадий имкониятлари шоирнинг ижтимоий ҳаёт масалалари, фалсафий, ахлоқий-таълимий муаммоларни ёритишга бағишланган. Уларнинг мазмунини инсонни ўйлантирадиган, тафаккур қилишга ундайдиган, уни шахс сифатида камол топишига кўмак берадиган ўткир фикрлар, панд-насиҳатлар ташкил этади. Навоий қитъалари ҳам девонда худди газал ва рубоийлари қаби муайян туркумда тартибланган. Унда дастлаб “Тенгри зоти ҳақиқати” хусусида, яъни ҳамд-қитъа берилса, ундан сўнг анъанага кўра “Расули аъзам шаънида...” наът-қитъа келади. Фано, ўзликдан воз кечиш, қаноат, таваккул қаби масалаларга мурожаат камол касб этишга ундовчи қитъалар б-н давом эттирилади. Қитъалар ўз табиатига кўра дидактик йўналишда бўлганлиги боис уларда айтилаётган фикр – мақсад кўпинча иккинчи шахсга ёки ўзига, кўнгилга мурожаат қилиш тарзида ифодалангани. Мас.:

*Эй кўнгул, тан тахтасин бу қаъри
йўқ гирдобдин
Истасанг соҳилга чекмак, билки,
бу осон эмас.
Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса
бўлмас бу иш,
Кимдурурким, баъри бу ҳасратдин
онинг қон эмас.*

Девондаги бошқа лирик шеърлардан фарқли равишда қитъаларнинг ҳар бири сарлавҳаланган. Бу сарлавҳалар “Хамса” дostonлари бобларидаги қаби ичкарида айтилаётган фикрларга ишора қилади ва уларни тўлдиреди. Жумладан, зикр этилган қитъа “Ўзлукдин қутулмоқ суубатида ва аноният тарки шиддатида” деб номланган.

Қитъалар асосан *ба, ва, га* тарзида қофияланган бўлса, баъзан истисно тариқасида *бб, вв* (41-қитъа) тарзида қофияланганлари ҳам учрайди.

Девондаги қитъаларда кўпроқ умуминсоний муаммолар, ижтимоий ҳаётий масалаларни фалсафий-ахлоқий позициядан туриб талқин этилган ҳамда муайян давр

воқеа-ҳодисалари ёки ижтимоий табақа ва гуруҳ вакиллари фаолиятига берилган баҳо ва хулосавий фикрлар бадиий ифода-ланган.

“Ғ.” девонида рубоийлар алоҳида ўрин тутати. Навоийгача туркий ад-тда рубоийнинг илк намуналари кўпроқ тўртликлар курунишида (махсус рубоий вазнида эмас) яратилган бўлса, шоир туркий тилдаги ана шу халқ оғзаки ижоди ва ёзма ад-т ҳамда форс рубоийнавислари тажрибаларига таяниб, мукамал рубоийлар яратди. Шоир девон дебочасида ўз фикрларини асослаш, хулосалаш ёки кенгроқ кўламда тақдим этиш учун рубоийлар келтирган. Бир дебочанинг ўзида шоир 30 та рубоийдан фойдаланган. Девонга эса жами 133 та рубоий муайян туркум ҳолида киритилган. “Хазойин ул-маоний” таркибидаги барча рубоий ана шу девондан ўрин олган. Рубоийлар ҳам газаллар сингари араб алифбоси тартибида жойлаштирилган. Тартибланган рубоийлар мазмунида ҳам муайян изчиллик кузатилади. Дастлаб ҳамд рубоийлар, кейин муножот руҳидаги, ундан сўнг наът мазмунидаги рубоийлар келади.

Навоий рубоийларининг мавзу кўлами ниҳоятда кенг. Улар ишқий, ижтимоий, шоир ҳаётига алоқадор бўлган ҳижрон мавзуси ва бошқалардан иборат. Бироқ рубоий жанри талабларидан келиб чиқилса, рубоий қайси мавзуда бўлишидан қатъи назар, аввало, у фалсафий моҳиятга эга бўлиши зарур. Шу маънода Навоий рубоийларида жамият ҳаётидаги муҳим масалалар бадиий-фалсафий талқин этилади. Рубоийларнинг муайян қисмида шоир ўз ҳаётидаги конкрет воқеаларга мурожаат қилади. Бироқ шоир воқеликнинг ўзини эмас, балки шу конкрет воқелик б-н боғлиқ ҳолда ўзининг умумлашма фикрларини – тирикликка, олам ва одамга, жамиятга муносабатини бадиий образ ва хилма-хил деталлар ёрдамида бадиий акс эттиради. Шоирнинг 1465 й.гача бўлган даврда ёзилган (бу рубоий “Илк девон”да учрайди) ўз шарҳи ҳолидек янграйдиган мана бу рубоийсида (77-рубоий) ҳам фалсафий мазмун устувор:

*Йўқ даҳрда бир бесарусомон мендек,
Ўз ҳолига саргаштаву ҳайрон мендек.*

*Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алохону аломон мендек.*

Алишер Навоий рубоий жанрининг мавзу доирасини кенгайтирди, маърифий мазмун б-н бойитди, фалсафий моҳиятини кучайтирди – ҳаётий масала ва муаммоларга боғлаб ҳаётга яқинлаштирди, газал каби фаол жанр даражасига олиб чиқди.

“Ғ.” девони нафақат Алишер Навоийнинг девон тартиблашдаги маҳоратини кўрсатадиган манба, балки туркий шеърятда девон тузишнинг гўзал намунаси эканлиги б-н ҳам қатта аҳамиятга эга.

ҒАФЛАТ – ҳушёрликни бутунлай қўлдан бой бермоқ, лоқайдлик. Кўчма маънода нарсалар моҳиятини англаб етмаслик, нодонлик маъноларида қўлланилади. Ҳақдан гофил бўлмақлик куфр, Ҳақ йўлида ўзликдан кечиб, ўз ҳолидан гофил бўлиш эса тавҳиддир. Ғ. барча ёмонлик ва жаҳолатнинг боши ҳисобланади. Ғ. уч хил бўлади: Сиддиқлар Ғ.и – зикрдан бир лаҳза гофил қолмоқ; орифлар Ғ.и – маърифат ва билиш йўлидан чекинмоқ; гофиллар Ғ.и – дунёвий ишларга ўралашиб, Ҳақни эсдан чиқармоқ.

Ҳисоб айлама умрунгниким,

неча ўтмиш

Ки, умр ғафлат ила ўтса,

не ҳисобдадур.

(“Бадоеъ ул-васат”, 188-газал)

ҒИЁСИДДИН КИЧКИНА, Ғиёсиддин Муҳаммад (15-аср) – Алишер Навоийнинг отаси. Ғ.К. ҳаёти ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар жуда оз. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”сида келтирилишича, Ғ.К. Чигатоӣ улусининг машҳур кишиси ва улуғларидан бўлиб, Султон Абулқосим Бобур даврида йирик давлат арбоби, подшоҳнинг яқин кишиси ва маслаҳатчисига айланган. Ғ.К.нинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида яқдил фикр мавжуд эмас. Бир гуруҳ олимлар Ғ.К.ни теурийлар салтанатининг амалдорларидан, деб ҳисобласалар, иккинчи гуруҳ олимлар “Тарихи Рашидий”га асосланиб, уйғур бахшиларидан, деб ҳисоблайди. Кейинги тадқиқотлар биринчи қараш

ҳақиқатга анча яқин эканлигини кўрсатмоқда (Ш.Сирожиiddинов).

Навоий ўз асарларида (“Дебоча”, “Вақфия”, “Муншаот”) отаси Темурийлар хонадонининг яқин кишиси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. “Мажолис ун-нафоис”да келтирилишича, Навоий болалиги пайтида Ф.К. Султон Абулқосим Бобур томонидан Сабааворга ҳоким этиб тайинланган. Навоий отасини илм ва ирфон аҳлига муҳаббатли киши сифатида таърифлайди. Айниқса, Сайид Қосим Анворга мухлис ва мурид бўлиб, унинг таъсирида фарзанди – Алишер болалигидаёқ бу ориф шоирнинг ғазалларини ёд олганлиги маълум. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Бобо Кўкий исмли мажзуб дарвеш ҳақидаги фаслини отасидан эшитган нақд асосида ёзган.

ҒИЖДУВОНИЙ, Абдулҳолик (1103 – Ғиждувон – 1179) – тариқат пири, ҳожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси, мутасаввиф шоир. Бошланғич таълими Ғиждувонда олиб, 9 ёшидаёқ Қуръони Каримни ёд билган, 10 ёшидан бошлаб дарвешларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этган. Кейин таҳсилни Бухоро шаҳрининг машҳур мадрасаларида давом эттиради. Бу ерда у Имом Садриддин деган замонасининг етук алломасидан тафсири илмини мукаммал ўрганган. Бир куни у устозидан хуфия зикр (яширин зикр, дил зикри) ҳақида сўрайди. Устози бу илоҳий илм бўлиб, уни Худонинг ўзи хоҳлаган бандасига ўргатишини айтади. Бу сўхбатдан бир неча муддат ўтгач, Хизр алайҳиссалом келиб, Ғ.га хуфия зикрдан таълим беради ва уни фарзандликка қабул қилади.

Ғ. 22 ёшида Бухорога келган ўша даврнинг донгдор шайхи Хожа Юсуф Ҳамадоний б-н учрашиб, унга шогирд тушади. Хожаи Хизр унинг сабоқ пири бўлса, Хожа Юсуф сўхбат ва хирқа пирига айланади. Юсуф Ҳамадоний Хуросонга қайтиб кетганига қадар у буюк зотнинг хизмат-мулозматида бўлиб, ҳожагон тариқатининг усулларини мукаммал эгаллайди (ҳожагон тариқатини гарчанд Ғ. асослаган бўлса-да, унинг илк уруғлари Хожа Юсуф томонидан ташланган) ва кўп ўтмай ўзи ҳам йирик тас. олимга айланади.

Ғ.нинг тас. тарихидаги буюк хизмати янги бир тариқатга асос солгани б-нгина белгиланмайди. Ҳожагон тариқати воситасида у, умуман, тариқатни Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) суннатида мувофиқлаштирди, уни турли бидъат ва ботил қарашлардан тозалади. Шариатга амал қилиш, ундан чекинмасликни асосий қоидага айлантирди. Таркидунёчилик, хилватни рад этиб, жамоат б-н бирга бўлишни шарт қилиб қўйди. Аллоҳ муҳаббати деб дунёдан кечмасликка даъват қилди. Луқма ҳалоллиги – ҳар ким ўз меҳнати б-н кун кўриши зарурлигини тариқатнинг асосий талаби қилиб белгиларди. Бу тариқат тақво деб ҳаддан ошишни маъқулламайди. Ахлоқ масаласи қатъий қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси тас. тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ваҳоддин Нақшбандга нисбат бериб машҳур бўлган “Дил ба ёру даст ба кор!” – “Кўнглинг ёрдаю кўлинг ишда бўлсин!” шиори ҳам гоյ сифатида дастлаб Ғ. томонидан илгари сурилган. Ғ. руҳидан тарбия топган ва нақшбандия силсиласига асос солган Хожа Ваҳоддин Нақшбанд бу шиорни ўз тариқатининг асосий қоидаси қилиб олган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да: “Аларнинг равиши тариқатда хужжатдур. Барча форуқ (Ҳақ ва ботил ўртасидаги фарқни ажратувчи) мақбулидурлар. Ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо (с.а.в.) шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво муҳолафатида қадам урубдурлар...”, деб ёзади.

Ҳожалар аҳлининг ҳожаси Ғ. қабри Ғиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади. Ғ. тас. оламида кўплаб машҳур шогирдлар тарбиялаб етиштирган. Унинг вафотидан кейин ҳожагон тариқати Хожа Ориф Ревгарий (Моҳитобон), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Вобойи Самосий, Хожа Сайид Мир Қудол Бухорий, Хожа Ваҳоддин Нақшбанд каби ўз замонасининг донгдор шайхлари томонидан давом эттирилган ва кенг шухрат қозонган.

Ғ. ўз таълимотини ваъзалари орқали тарғиб қилиш б-н кифояланмай, бир қатор рисолалар ҳам ёзган. “Одоби тариқат” (“Тариқат одоби”), “Рисолаи соҳибия” (“Дўстлик рисоласи”), “Аз гуфтори Хожа Абдул-

холиқ Гиждувоний” (“Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг баъзи сўзлари”), “Рисолаи шайх уш-шуюх Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний” (“Шайхлар шайхи Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний”) асарлари шулар жумласидандир.

ҒОРАТИ ҒУР – тарихий воқеага асосланган поэтик образ. “Чаҳор мақола”да берилишича, Ғурийлар сулоласининг вакили Ғиёсиддин Муҳаммад (хук.й. 1162–1203) Ғазнавийлар давлатининг пойтахти – Ғазна шаҳрини босиб олгач, Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ворислари бунёд этган барча биноларни хароб этгани учун “Жаҳонсўз” лақабини олган. Бошқа босқинчилардан фарқли равишда, Ғиёсиддин Жаҳонсўз Ғазнавийлар даврида ижод қилган шоирлар ижодини катта эъзоз-эҳтиром б-н сақлаб, аҳоли тақдим қилган ноёб асарларни қиммат нархда сотиб олган.

Бу ҳодиса кейинчалик ад-тда фаол қўлланиладиган талмеҳга айланиб, моддий дунё ҳою-қавасларини ўз ўтида куйдириб, руҳият оламини ғилу ғашдан поклайдиган Ишқ лашкарининг ҳужумига нисбатан қўлланилган.

Агарчи моҳвашим рустойи ойиндур,

Валек шаҳру вилоятқа солди ғорати Ғур.
(“*Фавойид ул-кибар*”, 140-ғазал)

ҒОФИЛ – беҳабар, гафлатда қолган. Тас. тилида ҳақиқат сирридан беҳабар бўла туриб, ўзини огоҳ ва Ҳаққа етишган, деб ҳисоблайдиган, ориф бўлмаган кишига нисбатан қўлланилади.

Бир нафас умрға бўлмас

мутааҳҳид бўлмок,

Эй Навоий, не бало

гофил эрур аҳли гурур.

(“*Наводир уш-шабоб*”, 142-ғазал)

ҒУБОР – 1) чанг, тўзондан ҳавода сақланган ё нарса устида унган майда зарралар; гард:

Ғам елидин, ё Раб,

ул гулга ғуборе бўлмасун,

Балки онсиз даҳр боғида

ба ҳоре бўлмасун.

(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 477-ғазал)

2) араб алифбосидаги етти ёзувнинг бир

тури. Рикӯъ ва насхнинг синтезидан ҳосил бўлган. Жуда ингичка ёзилгани, кўп ўқилиши кўзни чарчатиши сабабли Ғ. номини беришган. Ўрта асрларда кабутарлар орқали жўнатиладиган мактублар Ғ. ёзувида ёзилганлиги сабабли уни “учар ёзув” ҳам дейишади.

Мумтоз ад-тда ёрнинг энди майса урган мийғи Ғ.га ўхшатилади.

Хатти ғуборин демаким,

бўлғуси ул юз монети,

Тун пардаси ой нуриға

не навъ сотир бўлғуси.

(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 427-ғазал)

ҒУЛ – чўлу биёбонларда учраши мумкин бўлган баҳайбат махлуқ, дев. Ғ.ни ёзув руҳ, ярми одам, ярми от қиёфасида бўлган махлуқ (кентавр) маъносида ҳам талқин қиладилар. “Ажойиб ул-махлуқот”да берилишича, шайтоний кучлар осмонда фаришталарга етказиладиган амрларни ўғринча эшитмоқчи бўлганларида шиҳоб – учар юлдузлар уларни уриб, ерга туширади. Баъзилари дарёга тушиб, тимсоҳга, ерга тушганлари Ғ.га айланиб, одамларга зарар етказадилар. Ғ. мажозий маънода Шайтон, ёмонликка ундовчи нафс, ваҳший одамлар, ёлгончи ва фирибгар кимсаларнинг тимсолидир.

Водийи ҳижронда агёриға

ёр ўлдум, не тонг

Ғар бўлур ғули биёбоний

била девона дўст.

(“*Ғаройиб ус-сиғар*”, 87-ғазал)

ҒУЛОМ ХАЛИЛ, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Боҳилий (ваф. 889) – диний уламо. “Ал-инқитоъ илаллоҳ”, “Ал-дуо”, “Китоб ас-салот вал-мавоъиз” китобларининг муаллифи. Ўзини тас. аҳлидан ҳисобласа-да, Жунайд, Абулҳусайн Нурий, Самнун Муҳибнинг йўлини инкор этган. Илоҳий муҳаббат ҳақидаги қарашларни исломга хилоф тушунча деб билган. Бағдод халифаси Муътамад биллоҳ (870–892) ни шариат қонуллари бўйича сўфийларга жазо беришга тарғиб этган. “Нафаҳот ул-унс”да берилишича, умри охирида тилдан қолиб, ўз қилмишларидан тавба қилган ва бутун мол-дунёсини сўфийларга бермоқчи

бўлган, аммо бирор сўфий унинг назри-ни қабул этмаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Али бин Ҳамза Исфажоний ҳақидаги фаслда Ғ.Х.ни тас.ни буткул инкор этувчиларнинг оқибатига мисол қилиб келтирган.

ҒУНЧА – 1. Очилмаган гул, гулғунча.
*Қилиптурс гули оташин ғунчаси,
Кўнгулни уқуш сўзи ҳижрон манга.
 (“Наводир уш-шабоб”)*

2. Илоҳий гўзалликнинг қамолга етмаган ёки пинҳон (сақланадиган) тажаллийси, ошиқ кўнглига юборилган илоҳий асрор.

*Гул киби соч хурдаким,
ел йиртибон торож этар
Ғунчаким, ўз нақдини
оғзида пинҳон айламиш.
 (“Ғаройиб ус-сиғар”)*

3. Ёрнинг қизил ва ёпиқ, ошиққа такаллуф қилмайдиган лаби қизил ёқут, лаъл б-н бирга қизил гул (атиргул) ғунчасига қиёсланади.

*Гулзори жамолидаки пайдо эмас оғзи,
Ул навъ гул очилдики,
бир ғунча топилмас.
 (“Наводир уш-шабоб”)*

4. Ошиқнинг ишқ захми, ҳажр ва Ёр жабридан таҳ-батаҳ (қават-қават) қонга тўлган кўнгли.

*Очилур кўнглум саманди сайридин,
Ғунча янглиғким сабодин очилур.*

ҒУРБАТ – ғариблик, мусофирлик. Сул-лабий Ғ.ни орифлар жонининг дунёвий кишанларга бандлиги, деб таърифлаган. “Манозил ус-соирин” шарҳида берилиши-ча, Ғ.нинг уч даражаси бор: биринчиси, Ва-тайдан узоқ бўлишлик, мусофирлик. Бун-дай Ғ. барчага хос бўлиб, Ансорийга кўра, мусофирликда кимсасиз ҳолда ўлим шар-батини тотган киши шаҳидлик мақомига эришади. Ғ.нинг иккинчи даражаси – ҳол Ғ.и бўлиб, бу Ғ. – диёнатсиз ва дунёпараст одамлар орасида яшашга маҳкум солиқ ки-шиларга нисбатан қўлланилади. Бу тоифа-нинг кадри ва мартабасини дунё аҳли бил-маганлари ҳамда уларнинг ўзи ҳам дунё ва дунё аҳлига рағбат кўрсатмаганликлари туфайли ҳол Ғ.и ҳосил бўлур. Учинчи дара-жа – ҳиммат Ғ.идир. Ҳиммат Ғ.и – ирфон аҳлига хос ҳолатдир. Яъни ориф сайру су-лук давомида тараққий этиб шундай юксак руҳий-маъ-ий мақомга эришадиким, кашф ва мужоҳада орқали ҳосил бўлган билими ва ҳолати оддий одамлар учун тушунар-сиз бўлади. Унинг мақоми ҳам, илми ҳам, сўзлари ҳам ғариб бўлиб қолади. Ансорий “Абу Али Даққоққа чув сўз олий бўлди, мажлиси халойиқдин холий бўлди”, дега-нида ана шу ҳиммат Ғ.ни назарда тутган.

*Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтун кафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.
 (“Ғаройиб ус-сиғар”, 55-рубой)*





ХАБАШИЙ, Абулхайр Иқбол (ваф. 993) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фахрий лақаби – Товус ул-Харамайн. Шайх Аму, Шайх Аббос ва Абулхусайн Саркий сўхбатидан бахраманд бўлган. Олтмиш йилдан ортиқ Макка ва Мадина шаҳарларида яшаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ХАБИБ (ар.) – дўст, севикли киши. Охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатлари. “Сунани Термизий”даги саҳиҳ ҳадисга кўра, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу сифатлари билан жамийки пайғамбарлардан мумтоз бўлганлар. Ҳ. – Аллоҳ таолонинг ўз бандасига бўлган муҳаббатининг ифодаси ҳисобланади. Навоий шеъриятида Ҳ.сўзи ҳам умумий маънода, ҳам хос маънода қўлланилган.

“Ҳо”и муҳаббат санга-ўқтур насиб,

Ким сени Ҳақ деди ўзига: “Ҳабиб!”

(“Ҳайрат ул-аброр”, 1-наът)

ХАБИБ АЖАМИЙ (ваф. 738, Басра) – тасаввуф пешволаридан бири. Кунyasi – Абу Муҳаммад. Араб тилини билмаганлиги учун “Ажамий” лақаби б-н машҳур бўлган. Дастлаб судхўрлик қилган. Тавба қилганидан кейин Ҳасан Басрийга шогирд тушиб, расмий билимлар ҳамда тасдан сабоқ олган. Молик Динор унинг шогирди бўлган. Накшбандийлик ва кубравийлик тариқатларининг силсиласида Ҳ.А. ҳам ўрин олган. “Насойим ул-муҳаббат”га Ҳ.А. б-н боғ-

лиқ фасл Аторнинг “Тазкират ул-авлиё” тазкираси асосида Навоий томонидан қўшилган.

ҲАДИС (ар.) – 1) сўз, хабар, янгилик, ҳикоят:

Лағли ҳадисида демангким

сифат айла кирпигин,

Оғзила чунки санчилур

неш бу ангубин аро.

(“Наводир уш-шабоб”, 21-ғазал)

2) Исломи пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Исломи динида Ҳ. Қуръондан кейин иккинчи ишончли манба ҳисобланади. Ҳ. 2 қисмдан иборат: матн ва иснод. Ҳ. 2 турга бўлинади: 1) Ҳ.и қудсий (маъноси Аллоҳ таолоники, айтилиши пайғамбар томонидан бўлган Ҳ.лар); 2) Ҳ.и набавий.

Ҳ.лар эътиборга олиниши жиҳатидан яна 3 қисмга бўлинади: 1) саҳиҳ; 2) ҳасан; 3) заиф.

Қуръони Каримда барча ҳукуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарада баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад (с.а.в.) ўз Ҳ.ларини айтди. Бу Ҳ.ларни Пайғамбарнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қилишган. У зотнинг ҳаётлик чоғларида Қуръони Каримга Ҳ.ларни аралаштириб юборишларидан қўрқиб, саҳобаларни Ҳ.ларни ёзишдан қайтарар эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) вафотларидан сўнг Ҳ.ларни нақл қилиш одат тусига киради. Шу муносабат б-н бир гуруҳ

мусулмонлар Пайгамбаримиз (с. в.) Ҳ.ларига бегона сўз аралашиб қолишидан ва Ҳ. нақл қилувчи саҳобалар вафот этишлари б-н Ҳ. зое бўлишидан қўриқиб, уни ёзма шаклда тўплай бошлашади. Ислом оламида энг обрўли ҳисобланган Ҳ. тўпламлари қуйидагилар ҳисобланади: 1) “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” ёки қисқача “Саҳиҳи Бухорий”; 2) “Саҳиҳи Муслим”, 3) “Сунани Термизий”; 4) “Сунани Абу Довуд”; 5) “Сунани Насойй”; 6) “Сунани Ибн Можа”. Шунингдек, Ибн Ҳанбал муснади ҳам катта шўҳрат қозонган (яна қар.: *“Сихоҳи ситта”*).

Ад-т сўз санъати бўлганлиги боис Қуръон ва Ҳ. маъноларини шеърда сингдириш ҳам турли бадий санъат ва баён воситалари орқали амалга оширилади. Бу хулоса илк бор мумтоз араб ад-тшуноси Абдуллоҳ ибн ал-Муътазнинг “Китоб ул-балоға” асарида қайд қилинган. Умуман олганда, мумтоз ад-тшуносликка оид барча манбаларда шу мавзуга алоҳида фасл ёки боб ажратилган. Алишер Навоий ҳам Ҳ.ларнинг маъно-мазмуни ва матндан турли маъ-ий санъат ва баён воситалари ёрдамида ўз шеърини зийнатлаган. Бу усул ва воситаларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) Ҳ. матнини айнан, тўлиқ келтириш (иктибос санъати); 2) Ҳ. матндан муайян қисмини иктибос қилиш (иктибос санъати); 3) Ҳ. матнини жузъий ўзгартишлар орқали шеърнинг вазн ва қофиясига мослаштириш (ақд санъати); 4) Ислом тарихига оид бирор Ҳ.га муносабат билдириш орқали шеърнинг бадий-эмоционаллик хусусиятини кучайтириш (талмеҳ санъати); 5) Ҳ.ни шеърый таржима қилиш; 6) Далил сифатида келтирилган Ҳ. мазмунини эркин таржима қилиш; 7) Тазод, ташбеҳ, ишора санъатлари ёрдамида ҳадис маъносига мос тушадиган ғояларни баён этиш; 8) Ҳ. маъноси асосида мустақил сюжет яратиш.

Навоий тас. аҳли орасида машҳур бўлган, ammo Ҳ. илмининг энг муътабар манбалари – “Сихоҳи ситта”да учрамайдиган Ҳ.лардан ҳам кенг фойдаланган. Негаки, мазҳаб соҳиблари фатвосига кўра, ақоид ва фикҳий масалаларда фақат саҳиҳ ва

ҳасан Ҳ.ларгагина таяниб иш тутиш шарт бўлган. Ахлоқий масалаларни шарҳлашда эса саҳиҳ бўлмаган Ҳ.лардан ҳам фойдаланишга ижозат берилган. Бундан ташқари, Навоий ишонган ақидага кўра, дунё яралишининг асосини “ҳақиқати Муҳаммадия” ёки “нури Муҳаммадия” ташкил этади. Инсоннинг маъ-ий оламини бойитувчи ҳар қандай ҳикмат, ҳар қандай эзгу ғоя “нубувват мишқоти”дан файз ва зиё олганлиги, охирзамон пайгамбари одам боласи билиши мумкин бўлган барча ҳақиқатлардан хабардор бўлганлигига чин кўнгилдан ишонган Навоий Ҳ.нинг қайси муътабар ровий айтганига эмас, балки ундаги мақсад-муддаога кўпроқ эътибор берган.

“Таройиб ус-сиғар”нинг 89-газали ҳамда “Бадоеъ ул-васат”нинг 91-газалида Ҳ. сўзи радиф вазифасини бажариб, унда ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маънолари ифодаланган.

Яна ҳам ҳадиседурур бу саҳиҳ,

Ки айлабдур они баёни фасиҳ:

“Қолур куфр аро қолса обод мулк,

Бўлур зулм, азар бўлса, барбод мулк”.

(“Садди Искандарий”, 20-боб)

“ҲАДИҚА”, “Ҳадиқат ул-ҳақиқа ва шариад ул-тариқа” – Санойй Ғазнавийнинг ирфоний маснавийси. Хафифи махбуни мақсур вазнида ёзилган. Ҳажман 11809 байтдан иборат. Унинг ўн бобида ҳикоят ва тамсиллар ёрдамида ҳамд, наът, ақл, илм, ҳикмат ва ишқнинг ирфоний талқинлари берилган. Форс ад-тида ирфоний дostonна-вислик анъанасига асос бўлган ушбу асар кейинчалик Низомийнинг “Махзан ул-асрор”и, Ҳоқоний Шервонийнинг “Тухфат ул-Ироқайн”ига катта таъсир кўрсатган. Китоб 525 х.қ. (1181 м.) й. ёзиб тугалланган. Навоий ушбу асар ҳақида “Насойим ул-муҳаббат”да маълумот беради.

ҲАЁ – ножўя, номаъқул хатти-ҳаракатдан тийилиш ҳисси, уят, шармни аңлатувчи тушунча. Ҳ. ҳисси аслида “ор”, “андиша”, “уят”, “ибо” каби маъ-ий фазилатлар б-н яқин. Айниқса, инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширган ахлоқийликка зид ноқулай ва

зиятга тушиши, ўнғайсизланиши, мулзам бўлиши уят ҳиссида ҳам намоён бўлади. Лекин бу ҳолатлар уятда ижтимоийлик касб этгани сабабли, улар хатти-ҳаракат содир қилингандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобига айланади. Ҳ. да эса мазкур ҳолатлар соф маъ-ий табиатга эга ва вақт доирасида чекланган бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдагина юзага чиқади.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг олтинчи мақолатида Ҳ. тушунчасига кенг таъриф берилган. Унга кўра, Ҳ. ва одоблилик инсонни халқ орасида шарафли қиладиган муҳим омиллардан ҳисобланади:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,

Лек шараф келди ҳаёву адаб.

“Назм ул-жавоҳир”да эса имон мукамал бўлиши учун ҳар бир кишида Ҳ., вафо ва саховатпешалик хислатлари бўлиши шартлигини уқтиради:

Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,

Аввалғисини анинг ҳаё фаҳм айла,

Иккинчисини дағи вафо фаҳм айла,

Учунчини билмасанг, саҳо фаҳм айла.

Навоий талқинида, Ҳ. инсонийликнинг ўзак хислатларидан бўлиб, маъ-ий камолотга етишмоқ Ҳ.сиз амалга ошмайди. Ҳ. ўз навбатида икки қисм – халқ олдидаги Ҳ. ва Ҳақ таоло ҳузурдаги Ҳ.дан иборат. Ҳ. – иззат ва муҳаббатни пайдо қилади. Ҳ.ли киши доимий тарзда ўз хатти-ҳаракатини назоратга олиб, ахлоқ қоидаларига зид ҳолатларнинг олдини олади, виқор, тамкин ва улугворлик б-н инсоний шаън ва қадр-қимматини ерга урмайди, тамаъ, риё ва ёлгонга йўл бермайди. Ҳ. ва вафо муштарак хислатлар бўлиб, Ҳ.сиз киши бевафо ва, аксинча, вафосиз киши беҳаё кимсага айланиб қолади: “*Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд... Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар масканданим, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ – имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ, андин умид кўзин ёрутса бўлмас...*

Комиллар – аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё”.

(“Маҳбуб ул-қулуб”)

ҲАЁТ БИН ҚАЙС ҲАРРОНИЙ (ваф. 1185) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Жогир*нинг пири. Абулқусайн Фурайсийнинг гувоҳлик беришича, машойихдан тўрт киши – Маъруф Кархий, Шайх Абдулқодир Жилий, Шайх Уқайлий Манбижий ва Шайх Ҳаёт Ҳарроний ўз қабрларига тасарруф этадилар, яъни таважжух қилган кишига тирик ҳолатда кўринадилар. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-увс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАЗАЖ (ар. – ёқимли овоз; хушоҳанг куй) – мумтоз шеърятда кенг қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Ундаги бир *ватади мажмуъ* (V-) дан сўнг икки *сабаби хафиф* (– –)нинг келиши ушбу ўлчовда ёзилган шеърларнинг ёқимли оҳанг касб этишига олиб келганлиги учун шундай аталган. Шунингдек, қадимда араблар хуш овоз б-н севиб ўқийдиган шеърларнинг асосан ушбу баҳрда битилганлиги ҳам бундай номланишга сабаб қилиб кўрсатилади. Ҳ. баҳри *мафойилун* (V – – –) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Асосан *мусамман* ва *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукнли вазнларни ўз ичига олади. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да Ҳ.нинг ўн битта мусамман рукнли вазнларини, ўн та мусаддас рукнли вазнларини ва битта мураббаъ рукнли (жами 22 та) вазнларини санаб ўтади. “Хазойин ул-маоний” куллиётида Ҳ.нинг жами 21 вазни истифода этилган. Куллиётдаги 3132 шеърдан 669 таси Ҳ. баҳрида яратилган бўлиб, шулардан 441 таси ғазал жанрига мансуб шеърлардир. Ушбу баҳр вазнлари “Хамса” таркибидаги икки дoston: “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” dostonларида ҳам истифода этилган.

Навоийнинг “Мезон ул-авзон” рисоласида Ҳ.ни ҳосил қилувчи *мафойилун* аслининг қуйидаги фуруъ (тармоқ)лари келтирилган:

Т/р	Рукилар	Чизмаси	Аталиши
1	Мафоилун	V - V -	Мақбуз
2	Мафъувлун	- - -	Ахрам
3	Мафъувлу	- - V	Ахраб
4	Фоилун	- V -	Аштар
5	Мафойилу	V - - - V	Макфуф
6	Мафойилон	V - - -	Мусаббаг
7	Мафойил	V - -	Мақсур
8	Фаувлун	V - -	Маҳзуф
9	Фаал	V -	Ажабб
10	Фаувл	V -	Ахтам
11	Фаъ	-	Абтар
12	Фоъ	-	Азалл

Алишер Навоий шеърятда қўлланилган ва “Мезон ул-авзон”да келтирилган жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукилари ва тақъи	Келтирилган мисол
1	Ҳазажи мусаммани солим	мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун, V- - - / V- - - / V- - - / V- - -	<i>Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо, Не жонимдин асар зоҳир, не кўнгулдин нишон пайдо. (“Фавойид ул-кибар”, 34-газал) Зиҳи мулкунининг ўн секиз мингидин бир келиб олам, Бу олам ичра бир уйлук қулунг Ҳавво б-н Одам. (“Мезон ул-авзон”)</i>
2	Ҳазажи мусаммани мусаббаг	мафойилун мафойилун мафойилон, V- - - / V- - - / V- - - / V- - -	<i>Ғадои фақр ила сўз айта олмас подшо густох, Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох. (“Ғаройиб ус-сиғар”, 107-газал) Майи лаълингга гўёким, ҳаёти жон эрур мамзуж - Ки, ул эрмас, зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж. (“Мезон ул-авзон”)</i>
3	Ҳазажи мусаммани маҳзуф	мафойилун фаувлун мафойилун фаувлун, V- - - / V- - - / V- - - / V- - -	<i>Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин, Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин. (“Мезон ул-авзон”)</i>
4	Ҳазажи мусаммани ахраб	мафъувлу мафойилун мафъувлу мафойилун, - - V / V- - - / - - V / V- - -	<i>Шух икки гизолингни ноз уйқусидин уйғат, То уйқулари кетсун, гулзор ичда уйғат. (“Наводир уш-шабоб”, 75-газал) То кўз била кўнгулмни ул ғамза мақом этмиш, Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш. (“Мезон ул-авзон”)</i>
5	Ҳазажи мусаммани макфуфи максур	мафойилу мафойилу мафойилу мафойил, V- - - V / V- - - / V / V- - - V / V- - -	<i>Зиҳи қадду юзунг кўрса уётлиг парию хур, Десам сароу гул эрмас, бу муҳикмен доғи маъзур. (“Мезон ул-авзон”)</i>
6	Ҳазажи мусаммани макфуфи маҳзуф	мафойилу фаувлун мафойилу фаувлун, V- - V / V- - / V- - V / V- - -	<i>Кўзунгдек қони наргис, юзунгдек қони гулшан? Энгингдек қони насрин, қадингдек қони савсан? (“Мезон ул-авзон”)</i>
7	Ҳазажи мусаммани максур	мафойилун мафойилун мафойилун мафойил, V- - - / V- - - / V- - - / V- - -	<i>Жамолинга неча боксам эрур хуснинг фузунрок, Хаёлинга неча тушсам бўлур фикрим узунрок. (“Мезон ул-авзон”)</i>
8	Ҳазажи мусаммани ахраби макфуф	мафъувлу мафойилу мафойилу мафойилун, - - V / V- - - / V / V- - - V / V- - -	<i>Ортар манга ҳайрат гар онинг хуснига кўз солсам, Ўртар мани ғайрат гар ўтар чоғда боқиб юлсам. (“Мезон ул-авзон”)</i>

9	Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф	мафъувлу мафъийлу мафъийлу фаувлун, -- V / V-- V / V-- V / V--	Ёр бордию кўнгулмда анинг нози қўлиптир, Андоқки қўлогим тула овози қўлиптир. (“Наводир уш-шабоб”, 187-ғазал) Ишқ ичра қани мен киби зеру забар бўлгон? Ҳар кимки йўқ андин батар бўлгон. (“Мезон ул-авзон”)
10	Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи максур	мафъувлу мафъийлу мафъийлу мафойил, -- V / V-- V / V-- V / V--	Ул турки хитонинг эрур андоқ кўзи қиймоч Ким, ноздин бўлмас демак оллиндаки, кўз оч. (“Наводир уш-шабоб”, 100-ғазал) Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод, Булул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд. (“Мезон ул-авзон”)
11	Ҳазажи мусаммани аштари маҳзуф	фоилун фаувлун фоилун фаувлун, -V- / V-- - / -V- / V--	Эй хатинг муанбар, вэй қадинг санубар, Раҳм қилки, бўлдум фурқатингдин абтар. (“Мезон ул-авзон”)
12	Ҳазажи мусаддаси солим	мафойилун мафойилун мафойилун, V- - - / V- - - / V- - -	Зиҳи руҳсоринг олида қуёш тира, Қуёшдин йўқси ондин эл кўзи хира. (“Мезон ул-авзон”)
13	Ҳазажи мусаддаси маҳзуф	мафойилун мафойилун фаувлун, V- - - / V- - - / V- - -	Фироқинг дўзахи ичра вужудум Бўлубтур ўт, нафаслар анда дудум. (“Фавойид ул-кибар”, 400-ғазал) Фироқинг тигидин юз пора жоним, Не жоним, балки жисми нотавоним. (“Фарҳод ва Ширин”) Ики кўз манзилинг, эй моҳи маҳмил, Кўнгулга азм қил манзил-баманзил. (“Мезон ул-авзон”)
14	Ҳазажи мусаддаси максур	мафойилун мафойилун мафойил, V- - - / V- - - / V- - -	Чекар ун кўнгулм урсанг тийғи бедод, Не тонг, су қўйғач этмак шуғла фарёд. (“Фаройиб ус-сиғар”, 122-ғазал) Жаҳонда қолмади ул етмаган илм, Билиб таҳқиқани касб этмаган илм. (“Фарҳод ва Ширин”) Унутмоғилки, то ҳажр этди бедод, Мани бир нома бирла қилмадинг ёд. (“Мезон ул-авзон”)
15	Ҳазажи мусаддаси ахраби макбуз	мафъувлу мафойилун мафойилун, -- V / V-- - - / V-- - -	Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг, Юз ваяҳ ула бўлди гул харидоринг. (“Мезон ул-авзон”)
16	Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи солим	мафъувлу мафойилу мафойилун, -- V / V-- - V / V-- - -	Эй хусни жаҳон ичра бало солгон, Қатл этгали халқ узра сало солгон. (“Мезон ул-авзон”)
17	Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф	мафъувлу мафойилу фаувлун, -- V / V-- - V / V-- - -	Гар қад будур, эй сарви суманбар, Тўби санга бир банди чокар. (“Мезон ул-авзон”)

18	Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф	мафъувлу мафоилун фаулун, -- V / V- V - /V--	Кўзунг не бало қаро бўлубтур, Ким жонга қаро бало бўлубтур. (“Ғаройиб ус-сиғар”, 161-газал) Маҳваш қалибон назора ногах, Бўлмоққа анинг ўтидин огах. (“Лайли ва Мажнун”) Сансиз манга умру жон керакмас, Ҳажринг аро хону мон керакмас. (“Мезон ул-авзон”)
19	Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур	мафъувлу мафоилун мафойил, -- V / V- V - /V--	Бошдинки қадам қалиб дурур меҳр, Истаб сени бўлди зағфарон чехр. (“Лайли ва Мажнун”) Эй лаъли лабинг учун фидо жон, Қолмиш ул ики лабинг аро жон. (“Мезон ул-авзон”)
20	Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф	мафъувлун фоилун фаулун, --- /- V - /V--	Жонин Мажнун сўзида берди, Ҳаргиз Лайли дегил йўқ эрди... (“Лайли ва Мажнун”) Рухсоринг гул киби очилмиш, Ашким ҳам жоладек сочилмиш. (“Мезон ул-авзон”)
21	Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари солим	мафъувлун фоилун мафойилун, --- /- V - /V---	Келгилким, ҳажр аро ҳазиндурман, Ишқингдин ғамга ҳамнишиндурман. (“Мезон ул-авзон”)
22	Ҳазажи мураббаъи солим	мафойилун мафойилун, V- - /V- - -	Санга ул турраи хинду, Манга солмиш қаро қайгу. (“Мезон ул-авзон”)

ҲАЗРАМИЙ, Абу Абдуллоҳ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Муртаъиш б-н ҳамсуҳбат бўлган. Тас. тушунчаларини Қуръон оятлари б-н далиллашда моҳир бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаёти ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАЙБАТ – улуғлик ва азамат соҳиби олдида пайдо бўладиган қўрқувни англатадиган тушунча. Тас.да – солиқнинг қалбида Аллоҳ таолонинг жалоллий сифатларидан бирининг тажаллий этишидан ҳосил бўладиган ҳол. Ҳ. – қабздан устун ва қабзнинг ғалабасидан сўнг юзланадиган руҳий-қалбий ҳолатдир. Ҳ. ва унс муштарак ва бир-бирига боғлиқ тушунчалар бўлиб, солиқ унс ҳолида тараб, сурур ва шодлик туйғуларини чекса, Ҳ. ҳолида хавф, қўрқув, хушуъ ва хузуъни қалбан ҳис этади.

Навоий асарларида Ҳ. сўзи ҳам луғавий маънода, ҳам истилоҳ сифатида қўлланилган.

“Ҳишомга ваҳшате ва ҳайбате этиштиким, бир йил намоздин қолди ва эл ани такфир қилурлар эрди” (“Насойим ул-муҳаббат”).

ҲАЙДАР САБУҲИЙ (15-аср ўрталари – Ҳирот – 1498) – шоир. Алишер Навоийнинг энг катта жиъни, тоғаси Мир Саид Кобулийнинг ўғли. Абусаид Мирзо тожу тахт учун курашда Ҳусайн Бойқаро тарафида туриб урушгани сабабли отасини қатл эттиргач, унинг тарбияси б-н Навоий шуғулланади. У буюк шоирга фарзанд мақомида бўлган. Сабухий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида берилган маълумотга кўра, у нозик шоирона қалбга эга бўлиб, камолот касб этиш учун сўфиёна риёзат босқичларини босиб ўтган. Ёшлигидан то балогатга етгунча илм олиш б-н машғул бўлган, шеър ёзиш ва муаммо айтишда алоҳида истеъдоди борлигини намойиш қилган. Сипоҳийликда ҳам ўзини кўрсатиб, хусусан, ўқ отиш ва қилич чопишда моҳир бўлган.

Лекин бир оз девонатабиат эканлиги сабабли халқ орасида “Ҳайдари телба” номи б-н танилган. Навоий уни кўпинча ёнида олиб юрган. Астарободда ҳам шоирнинг хос мулозимларидан бўлган. У жиянини давлатни бошқариш ишларига тайёрлаб, ҳатто унга Астаробод ҳокимлигини топшириш ниятида бўлганлиги ҳақида айтилади. Алишер Навоий уни баъзи расмий топшириқлар б-н Ҳиротга юборганида, бир даврада Навоийга суиқасд қилингани, ошпаз унга захар қўшилган таом бермоқчи бўлгани, бундан хабар топган шоир ғазабга миниб, Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтармоқчи эканлигини айтади. Бу гап Ҳиротда овоза бўлиб кетади. Ҳусайн Бойқаро дарҳол Навоийга мактуб йўллаб, бу ишдан мутлақо хабари йўқлигини маълум қилади. Шу воқеадан кейин Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтишига руҳсат беради. Навоий ўз жавобига бу гапни рад этади ва жиянининг хатосини кечиршини илтимос қилади (“Муншаот”, 52-мактуб). Ҳусайн Бойқаро гарчи кечирганлигини айтиб, дўстини хотиржам қилса-да, ўз хонадони шаънига қилинган бу тўхматни унутмайди. Ҳ.С. барча хизматлардан четлатилади. У Бадахшонга кетиб, бир неча йил ўша ерда хизмат қилади. 1498 й.да Бадахшондан Ҳиротга элчи бўлиб келганида Ҳусайн Бойқаро уни қатл эттиради. Фарзанд қаторида тарбиялаб вояга етказгани сабабли унинг ўлими шоирга катта мусибат етказилади. Севикли жияни ва шогирди жасадини уйига олиб келиб, тантана б-н дафн этиш воситасида ўзининг бу воқеага нисбатан кескин норозилигини билдиради.

Ҳ.С. шеърларининг тақдири маълум эмас. “Мажолис ун-нафоис”да Навоий унинг қуйидаги байтини мисол тариқасида келтиради:

*Май аст лаъли ту ё шаҳди ноб;
аз ин ду кадом аст?*

*Хай аст бар рухи ту ё гулоб;
аз ин ду кадом аст?*

(Мазмуни: Лаъли лабин майми ё тоза асалми – бу иккисидан қайси бири? Юзингдаги терми ё гулобми: бу иккисидан қайси бири?)

ҲАЙРАТ (ар.) – 1) ҳайрон қолиш, донг қотиш, таажжубга тушиш; 2) иккиланиш,

шубҳаланиш, бирор нарсага ақли етмаслик. Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, Ҳ. таҳаммул, тафаккур ва қузурланиш асносида орифлар кўнглида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама юритишдан четга тортган ойдинликдир.

Ҳ. Навоий шеъриятида кенг истифода этилган истилоҳлардан бўлиб, шоир фалсафий қарашларининг ифодаси сифатида кўпроқ мажозий маънода қўлланади. Яъни шоир Ҳ. ҳақида гапирар экан, Аллоҳ ва олам моҳиятини англаб етишга ақлининг ожизлиги, кўнглини баъзида шубҳа-иккиланиш, ташвиш-тараддуд чулғаб олганлигини изҳор этади.

Шоир Ҳ. сўзини ҳайронлик, шубҳа, ожизлик маъносида, асосан, коргаҳ (дунё, олам) истилоҳи б-н боғлиқ ҳолда қўллайди. Мас.:

*Синехр гунбади ичра
нетиб қадаҳ ичмай*

*Ки, бўлди мужиби ҳайрат
бу корхона манга.*

(“Фавоийд ул-кибар”, 15-ғазал)

(Яъни: Бу кўк гунбази ичра нега май ичмайки, бу корхона, яъни олам менинг ҳайратланишимнинг сабаби бўлиб турибди).

Шунингдек, Навоий ижодида Ҳ. кўнглида намоён бўлган тажаллий туфайли солиқнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етишини ҳам англатади. У фанофиллоҳга кўтарилиш учун восита бўладиган мақомлардан бири ҳамдир. Мас.:

*Кунгулу кўз муштоқу
йўлуқсанг, чиройингдин*

*Ани беҳудлуг этиб бахрасиз,
аммо муни ҳайрат.*

(“Фавоийд ул-кибар”, 76-ғазал)

“ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) – Алишер Навоий “Хамса”си таркибига кирган биринчи достон 1483 й.да ёзилган. У ўзида буюк мутафаккирнинг фалсафий, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий қарашларини мужасамлаштирган асар. Ҳажман 63 боб, 3988 байтдан иборат. “Ҳ.” мазкур туркумдаги достонларга татаббуъ тарзида битилгани боис, унинг мавзу йўналиши, композицион қурилиши ва вазни хамсанависликдаги

аввалги дostonларга мувофиқлаштирилган. Шоир анъанани сақлаш, уни давом эттириш б-н бирга ўз дostonига муҳим фалсафий, ижтимоий-маърифий, ахлоқий-таълимий ва адабий-эстетик қарашларига оид фикрларини, долзарб ғояларни асос қилиб олди. Дostonнинг ёзилганлиги ҳақида шоир сўнги бобда шундай маълумот беради: *Нуктаи таърихики, аҳсан эди, Секизу секиз юзу сексан эди.*

Дostonда борлиқ, инсон, дунё, тириклик, тақдир ва тадбир; жамият ва шахс; замон ва ахлоқ каби кўплаб масалалар фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий аспектларда талқин этилган. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг Аллоҳ, олам ва одам ҳақидаги қарашларини ўзида умумлаштиради.

Моҳиятан дoston дидактик характерга эга. Ундаги мақолатларда шоир фикрларининг иккинчи шахсга “билки..”, “эй...” каби мурожаат шаклларида бошланиши унинг панд-насихат йўлида битилганини кўрсатадиган бир жиҳатидир. “Х.” мураккаб композицион структурага эга. Унинг таркибидаги алоҳида мақолат ва ҳикоятларнинг умумий композицион қурилиш б-н изчил боғланганлиги мазкур дostonда алоҳида-алоҳида олиб қаралган масалаларнинг бири-бирига боғланиб, тадрижий равишда такомиллашиб боришини таъминлаган.

63 бобдан иборат бу дostonнинг 21 боби муқаддима, 20 боби мақолат ва 20 боби ҳар бир мақолат мазмун-моҳиятини очиш учун баъдий илова-талқин – 20 ҳикоятдан иборат.

Дostonнинг муқаддимавий боблари унинг учдан бир қисмини ташкил этади. Бу ҳолат уларнинг фақат бу дoston учун эмас, балки бутун “Хамса”га кириш эканлиги б-н изоҳланади. Чунки уларда кўпроқ “Хамса”нинг яратилишига алоқадор фикрлар ифодаланган.

Дostonнинг илк боби “Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим” калимаси б-н бошланади. “Хамса”нинг барча дostonларига хос сажъ йўлида битилган сарлавҳалар “Х.”нинг ҳам ҳар бир боби учун характерлидир. Бешлик таркибидаги бошқа дostonлар сингари илк бобга сарлавҳа қўйилмаган.

“Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим” кали-

маси б-н бошланган биринчи бобда шоир илоҳ оламга – Арши муалло – ваҳдат маҳзанига олиб борадиган йўл ҳақида сўзлар экан, қабул қилинганлар ва рад этилганлар гуруҳи – аҳли қабул ва аҳли рад хайлини қаламга олади. Бу икки гуруҳнинг руҳий аҳволи мана шу “Бисмиллоҳир раҳмонир-раҳим” калимасини ҳарф санъати ёрдамида шарҳлаш орқали тасвирланади. Калиманинг биринчи талқинида кўркув, ҳадиксираш, ожизлик туйғуларининг устунлиги сезилса, иккинчи талқинда илоҳий мададни туйиш ва ишонч ҳиссининг кучайганлиги аниқ кўринади. Фикрларнинг бу тарзда ривож топиши, албатта, “Хамса” ёзишни бошлаган Навоийни бу ниятидан айро тарзда фикрлашига имкон бермаган, аниқроғи, катта иш олдида турган шоир ўз аъмолининг қабул қилиниши ёки рад этилишини ҳам назарда тутган. (Яъни шоир “Хамса” ёзиш амалга ошармикан – деган ўйдан ҳам йироқ эмас эди). Бунга айнаи шу боб сўнгидаги қуйидаги байтлар ҳам асос бўлади: *Истабон, эй хаста Навоий, наво, Буйла сафарга қилур эрсанг ҳаво. Йўл ёмону яхшисидин ема ғам, Бисмиллоҳ дегилу қўйғил қадам.*

Демак, “Х.”нинг илк бобидан бошлаб “Хамса”га ишора бор. Буни “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги биринчи – “Ашрақат мин...” деб бошланувчи ғазалда ҳам ҳамд хусусиятлари б-н бирга девондаги ғазаллар мазмуни ва образлар моҳиятига алоқадор фикрлар ифодаланганигига қиёслаш мумкин.

Дostonнинг иккинчи боби Яратганнинг ҳамдига бағишланган. Бобда шоир бу оламни яратган Холиқнинг осмон ва қуёшдан тортиб ҳар бир заррани, бутун ўсимликлар ва ҳайвонот оламини, кишилиқ жамиятини бир-бирига боғлаб ҳаракатлантириб туришини чексиз ҳайрат б-н тасвирлайди. Дostonнинг 3–6-боблари (тўрт боб) муножотларни ўз ичига олади Ушбу бобларда Навоийнинг фалсафий, аниқроғи, диний-тасаввуфий қарашлари ўз ифодасини топган. Дунёнинг пайдо бўлиши, илоҳий қудрат, бақо ва фаю, инсон, моҳият ва ҳодиса каби кўплаб масалалар ҳақидаги Навоийнинг фикр-қарашлари муножотларда очиқ ифодаланади. Жумладан, Аллоҳнинг азалий ва

абайлиги, бошда ҳам, охирда ҳам яккаю ягона зот ўзи экандиги ҳақидаги исломий қарашлари: *Не бўлиб аввалда бидоят санга Не келиб охирда ниҳоят санга. Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг, Борчага холик, борчага айн ўзунг тарзида акс этса, кейинги байтларда оламнинг яралиши ҳақидаги суфиёна қарашлар ўз ифодасини топган: Жилва хуснунга чу йўк эрди ҳад, Кўзгу керак бўлди анга беадад. Очти бу гулшанники рангин эрур Ҳар гул анга ойинаи чин эрур. Жилваи хусн ўлғали зоҳир анга, Бўлди бу мирғот мазохир анга.*

Навоийнинг дунёни, умуман, мавжудликни диний-суфиёна асосда идрок этиши, уни ваҳдат ул-вужудга боғлаб талқин этишида янада очиқроқ намоён бўлади. Айни пайтда, шоир инсоннинг улуғлигини, унинг бутун борлиқ кўрки эканлигини, оламнинг яралишидан мақсад инсон эканлигини жуда муҳим масала қилиб кўрсатади: *Мунча гаройибки мисол айладинг, Борчани мирғоти жамол айладинг. Ганжинг аро нақд фаровон эди, Лек боридин ғараз инсон эди.* Ҳайрат ул-аброр”даги шу каби фикрлар дostonнинг инсон ҳақидаги, инсонни талқин этишга бағишланган асар эканлигига ҳам ишора қилади.

Агар ҳамдлар ганҳид ва муножот мазмунини ифодаласа, наътлар Расулulloҳни васф этиш ва меърожни улуглашга бағишланган. “Х.” дostonида бешта наът (7–11-боблар) бор. Ушбу наътларнинг дастлабки тўрттаси васф наътлари бўлса, бешинчи наът меърож ҳақида. Бу дostonда Расулulloҳни комил инсон деб талқин этган Навоий, у зотнинг инсоният тақдирдаги ўрнини – бу дostonнинг яратилишидан мақсад Расулulloҳдек комил инсон эканлигини таъкидлайди, у зотни алоҳида меҳр-муҳаббат б-н мадҳ этади. Меърож тасвири ҳам Ҳақ жамолига етишишни истаган, унга интиланган ошиқ-соликда сарвари коинотнинг уружига ҳавас уйғотади. Расулulloҳ, унинг оиласига бўлган муҳаббат, у зотдан куч ва мадад олиши ҳақида шоир бир ўринда шундай ёзган эди: *Булмағай эрди муяссар “Хамса”, яъни “Панж ганж” Қилмағай эрди мадад ҳолимга беш оли або. “Х.”*даги ҳамд ва наътлар Алишер

Навоий диний-суфиёна қарашларини акс эттирган муҳим манбадир.

“Х.”нинг ўн иккинчи боби улуғ салафлар – Низомий ва Деҳлавий мадҳига бағишланган. Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарига “Х.” дostonининг Низомий “Махзан ул-асрор”ига татаббуъ эканлигини таъкидлаб: “... *Аввалким, “Ҳайрат ул-аброр” боғида табғим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи “Махзан ул-асрор”идин бошимга дурлар сочибдур*”, – деб ёзган эди.

Хайли фасоҳат бошининг афсари, – деб бошлайди шоир Низомий мадҳини. “Фасоҳат”ни сўзнинг очиқ, равшан, равон, ёқимли, қоидага мувофиқ бўлиши, услубнинг чиройлилиги, – деб, “афсар”ни эса “тож, жиға” маъноларида тушунсак, Навоий ўз устозига шоирларнинг тождори, подшоси, деган баҳони бермоқда. Кейинги байтда эса: *Ваҳри балағат аро дурри самин*, – деган қиёс б-н Низомийни балағат (бадий ифода, гўзал ва мазмунли ифода) денгизидаги қимматбаҳо дур – тенги йўк шоир эканлиги эътироф этилган.

Ўз мадҳида шоир Низомий сўзидаги ҳарфлар абжад ҳисобида 1001 сонига тенг келишини таъкидлаб: *Ушбу адад бирла оти гавҳари, Ҳақнинг ўлуб минг бир оти мазҳари*, – деб ёзади. Айниқса, Низомий “Хамса”си баҳоланганда, Навоий ўта ноёб қиёсларга мурожаат қилади: *Фикрати мизони бўлуб хамсасанж, «Хамса» дема, балки дегил панж ганж. Каффаи мезон анга афлок ўлуб, Ботмони тоши кураи хок ўлуб. Тортса юз қарн хирад хозини, Чекмағай онинг кўпидин озини.* Демак, Низомий “Хамса”си – беш хазинанинг қимматини ўлчаш учун осмонни тарозу палласи, ер куррасини эса ботмон тош қилиб олиш керак, – дейди шоир. – Агар ақл хазиначиси юз аср тортса ҳам, унинг бир қисмини тортиб улгуради, холос. Низомий бешлиги яратилган даврдан Навоий замонигача қарийб уч аср ўтган бўлса-да, жуда кам одам “Хамса” яратишга муваффақ бўлди. Шу боис Навоий: *Кўп киши қалди татаббуъ ҳавас, Сарву гул ўтрусига келтурди хас*, – деб ёзади. Татаббуъни ёзишни уддалаган бир инсон – Хусрав Деҳлавий ҳам шу бобда мадҳ этилиб, унинг исмидаги “хусрав” сўзининг подшо маъносини билдириши

Деҳлавийнинг сўз подшоши сифатида ҳинд мулкини обод қилганлиги, унинг ҳар бир дostonи Ҳиндистоннинг бир ўлкасига тенг эканлиги б-н изоҳланади:

Назми саводи аро ҳар дoston,

Ўйлаки, бир кишвари Ҳиндустон.

Навоийни ҳамшиша қўллаган, унга мадаҳкор бўлган яна бир ҳамсанавис – Абдурахмон Жомийга шоир ўз дostonидан махсус боб (13-боб) ажратган. Жомий наздида Навоий бетакрор истеъдод соҳиби, халқпарвар улуғ инсон, иқтидорли мурид ва шогирд бўлса, Навоий учун Жомий бир идеал – комиллик тимсоли эди. Шу сабабли Алишер Навоий деярли ҳар бир асарида Жомий ҳақида бирор сўз айтишни истайди, унинг васфини адоғига етказолмайди. “Х.” дostonида Жомий мадҳини “васфга сизмас ва таърифга рост келмас...”, – деб бошлаган Навоий Жомийни ҳар жиҳатдан мукамал, мақоми юксак, қудратли бир сиймо деб тасаввур этарди: *Қайси жаҳон олами кубро дегил, Қудрати Аллоҳу таоло дегил.*

Абдурахмон Жомий Навоий учун идеал – комиллик тимсоли. Мадаҳлар ана шу мезонда битилган.

Не камолот аро ниҳоят анга,

Не маротибда ҳадду ғоят анга.

То камол аҳлидин мақол ўлгай,

Одами зийнати камол ўлгай.

Эътиборлиси, Алишер Навоий маъна шу бобда форсий тилдаги каби туркий тилда ҳам “Хамса” яратилиши кераклигини, форсийзабон эл каби туркийлар ҳам бундай китобдан баҳраманд бўлиши кераклигини таъкидлайди. Бу истагининг амалга ошишида Низомий, Деҳлавий ва Жомийнинг мададини истайди:

Ботин ила қилмаса ул икки рад,

Зоҳир ила бу бири қилса мадад.

Менки талаб йўлида қўйдум қадам,

Бордур умидимки, чу тутсам қалам.

Йулдаса, бу йўлда Низомий йулум,

Қулдаса, Хусрав била Жомий қўлум.

Шуниси муҳимки, Жомий мадҳини би-таётган Навоий ўзининг “Хамса” ёза олиш қудратига ишонади. Бунга Жомийнинг шоирга билдирган ишончи ҳам сабаб бўлса ажаб эмас.

“Хамса”нинг ҳар бир дostonига сўз таъ-

рифига бағишланган махсус боблар кири-тилган. Шоир уларда сўзнинг қудрати ҳақи-да, сўзнинг адабий-эстетик қиммати ҳақи-да фикр юритади. Айрим дostonларда сўз мадҳи шоирнинг ҳамсанавис салафлари тав-сифига уйғунлашиб кетган. “Х.” дostonида эса икки (14–15-боб)да сўзга таъриф берила-ди. Шоир сўзни тавсиф этар экан, назмнинг қиммати, сўздаги маъно, унинг шаклга му-вофиқлиги, шакл ва мазмун масаласи, умум-ман, ижод ҳақидаги масалаларга эътибор қаратади. Булар шоирнинг адабий-эстетик қарашлари ҳақида муайян тасаввур уйғота-ди. Жумладан, “Х.”да сўз қудрати ҳақида гапириб:

Бўлмаса эъжоз мақомида назм,

Бўлмас эди Тенгри каломида назм,

– деган шоир назм ва насрни қиёслаб таъриф бераркан, биринчисининг афзал жиҳатларини таъкидлайди. Бироқ назм учун ҳам, наср учун ҳам сурат ва маъно – шакл ва мазмун уйғунлиги муҳимлигини таъкидлайди: *Назмда ҳам асл анга маъни дурур, Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.* Шоир назм – шеърга хос бўлган хусусият-лар, жумладан, назмда бадиийликни таъ-минлайдиган, бадиий тасвир учун хизмат қиладиган муҳим восита – муболаға (реал воқеликдан чекиниш)га эътиборни қаратиб, *Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд Ай-лар анинг назмини доно писанд,* деб ёзар экан, назм – шеър моҳиятини тушунтириб, бир бўшлиқни тўлдиради. Маъно ва унинг қолипи ҳақида фикрларини асослаш орқа-ли ўз даври адабий муҳитига хос иллатлар-дан бири – тақлидчиликни қаттиқ қора-лайди. (Қар.: “Хамса”). Шоирнинг “Хамса” ёзиш сабабларидан бири шу бобда ўз ифо-дасини топган, яъни кичик шеърларига тақлид қилавериш, жонидан тўйдирган тақ-лидчилардан фақат “Хамса”дек улкан асар ёзиб халос бўлиш мумкинлигини айтаркан, у яратган бешликка ҳеч ким тақлид қила олмаслигига умид билдиради.

Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағиш-ланган кейинги 16-боб – анъанавий мадҳ-ни ўз ичига олади. Бу туркум мадаҳлар “Хамса”нинг барча дostonларида учрайди. Шоирнинг бу мадҳ бобда айтаётган фикр-лари асарнинг умумий мазмунига ҳам уй-ғунлашган. Дostonнинг кириш бобида Рус-

таму Жамшидларга қиёсланган “Хонлару шаҳлар шаҳи Султон Ҳусайн” айна пайтда адолатпеша, раиятпарвар ҳукмдор сифатида гавдаланган. Ҳусайн Бойқаро сиймоси кўп жиҳатдан Навоий идеалидаги ҳукмдорга яқин эди. Бу ҳукмдорнинг карам-саховат эгаси, адл соҳиби эканлиги ҳақидаги тавсифлар “Ҳайрат ул-аброр”нинг мақолат ва ҳикоятлари мазмунига ҳам уйғунлашиб кетган.

Кўнгил таърифидаги бобда эса инсоннинг мукаммал хилқат эканлигини, ҳамisha ўз маншаъсига интилишини, “ройиҳаи жаннати аъло”лигини таъкидлаган, унинг кўнгил ҳақидаги таърифларга махсус боблар ажратиб, диний-сўфиёна қарашларини ифодалашга яхши имкон топган шоир: *Казбаки, оламнинг ўлуб қибласи, Қадри йўқ андоқки кўнгил казбаси Ким, бу халойиққа эрур саждагоҳ, Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ*, – дер экан, кўнгилни Ҳақнинг жамоли зухур этадиган маскан, деб тushунтиради. Достоннинг уч (18-, 19-, 20-) боби кўнгилнинг ҳайратлари тасвирига бағишланган. Биринчи ҳайрат кўнгилнинг мулк оламини томоша қилган вақти, иккинчи ҳайрат эса унинг малакут оламига парвози вақти, учинчи ҳайрат инсон танаси оламига нузул қилган чоғидаги кечирганлари б-н боғлиқ. Кўнгил ҳайратлари яратилган оламларнинг мукаммаллиги, унинг инсон томонидан идрок этилиши ва инсон қадри қаби масалаларга туташадикки, булар кейинги – 21-бобда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мадҳларида давом этади.

“Ҳ.” бугун “Ҳамса”нинг дастурий достони, кўп жиҳатдан Алишер Навоий дунёқарашини ўзида акс эттирган асар эканлиги Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги фикрларнинг кириш бобида келтирилганлиги ва шоирнинг бу тариқатга муносабати ва

дахлдорлигида ҳам кўринади. Марказий Осиё халқлари маданияти ва ад-ти ривожига катта таъсир кўрсатган нақшбандийликнинг Навоий ижодидаги ўрни жуда муҳим. Жумладан, шоир ўз китъаларидан бирида ушбу тариқатнинг: хилват дар анжуман; сафар дар ватан; назар дар қадам; ҳуш дар дам қаби умдалари моҳиятини тushунтирса, “Ҳамса” достонларида нақшбандийликка уйғун фикрлар тез-тез учрайди. “Насойимул-муҳаббат”даги махсус фикрада эса Баҳоуддин Нақшбанд тариқати, унинг тартиб ва одоблари ҳақидаги маълумотлар берилган. Демак, мазкур тариқатнинг бир вакили сифатида унинг талабларини асарлари мазмунига сингдириб, уларга неқбинлик руҳини бахш этган Навоий бу тариқатга хос бўлган масалаларга “Ҳ.”нинг мазкур бобида айтилганидек махсус таъриф беради, жумладан: *Турфа буким нақшга кўз солмайин, Жонида жуз нақши бақо қолмайин*. Бақо – Ҳақ йўлидаги солиқнинг (бу ўринда муршид ҳам) холу мақоми тасвирланган бобнинг Хожа Аҳрор вали таърифи б-н боғлиқ мисраларида Нақшбанд халафига оид маълумотлар бадий ифодалангани, ўша даврда бу тариқатга элнинг – шоҳу гадонинг муносабати, мазкур тариқатнинг бардавомлиги ойдинлашиб боради. Шоир ўз фикрларини: *Ҳимматидин бизни ҳам этсун худой Фақр йўлида гани, имонга бой*, – деб тугатаркан, шу йўлга мойиллигини изҳор қилади.

Достоннинг 22-бобидан асосий қисм бошланади. Достон асосий қисмидаги боблар – мақолатларнинг барчаси, уларга илова қилинган ҳикоятлар ҳам бир-бири б-н изчил боғланган, мазмунан бири иккинчисини давом эттиради, тўлдиради, ривожлантиради. Достондаги мақолатлар бағишланган мавзу ва ҳикоятлар номларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Мақолат номи	Ҳикоят
1.	Иймон шарҳида	Шайх Боязид Бистомий ва унинг муриди ҳақидаги ҳикоят
2.	Ислоҳ бобида	Иброҳим Адҳам ва Робия Адавия ҳақидаги ҳикоят
3.	Салотин (султонлар) зикрида	Шоҳ Ғозий ҳикояти

4.	Хирка кийган риёкор шайхлар хусусида	Абдуллоҳ Ансорий ҳақидаги ҳикоят
5.	Карам (хайру эҳсон) васфида	Ҳотами Тойи ҳикояти
6.	Адаблилик тўғрисида	Нуширавон ва наргис ҳақидаги ҳикоят
7.	Қаноат бобида	Қаноатли ва қаноатсиз икки дўст ҳақидаги ҳикоят
8.	Вафо бобида	Икки вафоли ёр ҳикояти
9.	Ишқ ўти таърифида	Шайх Ирокий ҳақидаги ҳикоят
10.	Ростлик таърифида	Шер б-н Дурроҷ ҳикояти
11.	Илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабадиллиги ҳақида	Имом Розий ва Хоразмшоҳ ҳақидаги ҳикоят
12.	Қалам ва қалам аҳллари ҳақида	Еқут ҳақидаги ҳикоят
13.	Булутдек фойда келтирувчи одамлар ҳақида	Айюб ва уғри ҳақидаги ҳикоят
14.	Осмон тузилишидан шикоят	Искандар ҳақидаги ҳикоят
15.	Жаҳолат майининг қуйқасини ичадиганлар ҳақида	Исроилий ринд ҳақидаги ҳикоят
16.	Хунасасифат олифталар ҳақида	Абдуллоҳ Муборак ҳақидаги ҳикоят
17.	Баҳор йигитлигининг софлиги ҳақида	Зайнулобиддин ва унинг ўғли ҳақидаги ҳикоят
18.	Фалак ғамхонаси ҳақида	Гузал малика ва унинг ошиғи ҳақидаги ҳикоят
19.	Хуросоннинг мисли йўқ вилояти баёнида	Баҳром ва бог ҳақидаги ҳикоят
20.	Мақсаднинг ўталгани ҳақида	Ҳожа Муҳаммад Порсо ҳақидаги ҳикоят

“Ҳ.” инсон ҳақидаги, унинг инсонлик моҳиятини англаш мақсадида битилган достон. Шоир унда инсонни бутун мукамаллиги б-н тасвирлашга эришган. Бунинг учун дин ва дунё, боқийлик ва фонийлик, тириклик ва адам, инсон ва дунё, жамият ва шахс, салтанат ва фуқаро каби масалалар доирасидаги фикрларни фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ва эстетик қарашлар нуқтаи назаридан талқин этган.

Дастлабки мақола имон ҳақида. Шоир инсонни шундай шарҳлайди: *Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур, Билки, нишони анга имон эрур.* Инсоннинг инсонийлик белгисини имонда деб билган шоир бутун достон давомида инсон б-н боғлиқ масалаларни тақдим этишга киришади. Имоннинг талаблари ҳақида, аниқроғи, имон эгаси бўлган инсон ҳақида сўзлаб, чинакам инсонда сабр, шукр ва ҳаё бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Имоннинг олти шарти: Ҳақнинг биру борлигига имон келтириш; фаришталарга ишониш; илоҳий китобларга ишониш; пайғамбарларга ишониш; қиёмат

қунига ишониш; тақдири азалга ишониш-ни шарҳлаб тушунтиради. Бу мақолатдаги фикрлардан ҳамда унга илова қилинган ҳикоятдан имон б-н яшашнинг муҳимлиги идрок этилади. Имоннинг моҳияти бадиий талқин этилган илова-ҳикоятда ориф инсон – Шайх Боязиднинг бу дунёда ҳақиқий инсонлар йўқолиб кетаётганидан надомат чекиб, ғамгин қолиши ва муридига ўзини ҳам бу масалада сарсон-саргардонлар қаторида санашини баён қилар экан, Навоий ўз аҳволига ҳам назар ташлайди:

Соқий, улубмен майи имон кетур,

Жисмима имон майдин жон кетур.

Ҳар бир ҳикоят сўнгида келадиган бу каби соқийга мурожаат мақолат ва ҳикоятлардаги умумийлик ва бир-бирига боғланганликни очик курсатади. Чиндан ҳам бир мақолат (ҳикоят ҳам) иккинчисига узвий боғлиқ. Жумладан, имон бобидаги биринчи мақолатдан кейин ислом ҳақидаги мақолат келади. Унда дастлаб исломнинг муборак беш аркони ҳақида сўз боради, булар: тавҳид (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига

имон келтириш, Расулulloҳнинг пайгамбар эканига имон келтириш); намозни адо қилиш; закот фарзи; рӯза тутиш; ҳажга бориш. Исломнинг ушбу арконларини амалга ошириш ҳақидаги шоирнинг бу фикрлари фақат динни тарғиб этиш, таркидунечиликка даъват эмас, балки инсонни тўғри, ҳалол ва пок яшашга ундаш ва ўргатиш ҳамдир. Аввалги мақолатда имон инсонликнинг биринчи белгиси дейилган бўлса, бу мақолатда исломнинг муайян жамятда яшаётган инсоннинг ўз инсонлик моҳиятини асраб яшашига ўргатадиган жиҳатлари хусусида сўз боради. Айниқса, мақолатга илова қилинган ҳикоят – Робия ва Иброҳим Адҳам мисолида зоҳирбинликдан йироқ бўлиш, ибодатда ниёзманд бўлмоқлик муҳим эканлиги, намоз ва бошқа арконларни риёга айлантирмаслик зарурлиги таъкидланади. Шоир бу масалада ўзига мурожаат қилиб ҳикоятни: *Бокма Навоий, яна ноз аҳлига, Арзи ниёз айла ниёз аҳлига*, – деб якунлайди. Мазкур мақолат ва ҳикоят Навоий сўфиёна қарашларини идрок этишга кўмак беради. Чунки бу ўринда мақсадни англатмоқчи бўлган шоир масалани ибодат ва муҳаббатни (Иброҳим Адҳам ва Робия тимсолида) бир-бирига қарама-қарши кўйиб тушунтиради.

Учинчи мақолат мазмуни аввалгиларини давом эттиради. Унда инсоннинг ёлғиз – жамятдан айро яшай олмаслиги – унинг ҳаёти атрофдагиларга, аввало, салтанат эгасига боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган. Айниқса, шоир яшаган даврда шоҳнинг ҳукми, ҳар бир аъмоли халқининг, фуқаронинг тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Шу боис, Навоий инсон ҳақида сўзлар экан, шоҳликка жиддий масала деб ёндашади. Байтларида Сулаймон ва Жамшид каби афсонавий ҳукмдорларни қиёс учун танлаб олади. Мана шу мақолатда, айниқса, бутун дoston мақолатларида қўлланилган *иншо* санъатининг амр ва наҳй усули Навоийнинг замондошларига, аниқроғи, ҳукмдор шоҳ ва шаҳзодаларга мурожаати, танбеҳи ва ўғитидек жаранглашига имкон беради. Асарнинг ижтимоий қиммати ҳам янада ортади. Дostonдаги ташбеҳли тафаккур орқали айтилаётган даъватлар шоҳни уйғотади, эл-юрт ҳақида

уйлашга, адолатли бўлишга ундайди. Навоийнинг мақсади ҳам шу эди. Бу ҳолат шоҳ Ғозий ҳикоятда ўз бадий талқинини топган. Навоийнинг бу ҳикоятдан, умуман, дostonдан мақсади – комил инсон, мукамал жамят ва адолатли ҳукмдор ҳақидаги орзулари эди.

Дoston мақолатларининг бир-бирига узвий боғлиқлигини, академик Ойбек таъбири б-н айтганда, “поэтик предмет бўлган – фикр”нинг изчиллигини кейинги – тўртинчи боб мисолида ҳам кўриш мумкин. Навоий мазкур бобни “Риёи хирқапушлар..”, яъни “Хирқа кийган риёкор шайхлар”га бағишлайди. Шоирнинг шайхларга ижобий муносабати кўп асарларида ўз аксини топган. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат”да у етти юз етмишта шайхнинг авлиёлик сифатлари, башорат ва қароматлари ҳақида сўзлайди. Бироқ бу мақолатда Навоий сохта шайхларга бўлган нафратини намойиш этади. Мақолатларида реалистик тасвир устун бўлган бу дostonда шоир ўз давридаги баъзи иллатларга эътибор қаратар экан, кўп масалаларни оддий халқ манфаатидан келиб чиқиб таҳлил этади ва уларга баҳо беради, идеал излайди. Оммабop (публицистик) жанрларга яқин бўлган мақолатларда ҳақиқий воқеликдан узоқлашмаслик талаб этилади. Шу боис шоир ушбу мақолатдаги фикрларига қарама-қарши бўлган идеал шайх ҳақидаги қарашларини бадий талқин – ҳикоятга кўчиради. Унда Хожа Абдуллоҳ Ансорий ҳақида сўз кетади. Ансорий баҳонасида Навоийнинг ўзи шундай хулосага келади: *Ёр юзи ёди б-н шод ўлай, Дузах ила равадин озод ўлай*.

Бу хулосада сўфийнинг мақсади ифода-ланган. Яъни унинг учун дўзах ҳам, жаннат ҳам керак эмас, Унинг мақсади – ҳақиқий ёр (Аллоҳ)нинг жамоли. Ансорий сўзларини давом эттириб, Навоий келтирган ушбу хулоса-байт, аслида, сўфийнинг орзуси. Айтиш мумкинки, Навоий шайхликни комил инсон даражаларидан бири сифатида қадрлайди. Унинг хирқа кийган риёкорларни, зоҳирбинларни танқид қилишининг сабаби шу. Бошқа асарларида ҳам бу мавзуга кўп мурожаат қилиши, жумладан, “Маҳбуб ул-

қулуб” асарида ҳам “Риёи шайхлар зикрида” деб номланган махсус бобнинг ажратилиши Навоийнинг айнан рибкор шайхларга муносабатини кўрсатади.

“Х.”нинг кейинги бир неча бобида (5-10-боблар) шоир инсон эгаллаши зарур бўлган муҳим сифатлар – карам-саховат, адаб, қаноат, вафо, ишқ йўли, ростлик ҳақида сўз юритади. Бу мақолатлар ва уларга илова қилинган бадий талқинлар – “Ҳотами тоғи”, “Нуширавон ва наргис”, “Қаноатли ва тамаъгир”, “Икки вафоли ёр”, “Шер билан Дуррож” каби ҳикоятларда инсондаги энг улуг сифатлар васф этилиб, ҳаёт ҳақиқатига яқин, ибратомуз воқеалар бадий ҳақиқатга айлантирилган. Шоир ҳар бир мақолада ушбу масалаларнинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб боради, шахс камолоти учун, жамиятдаги кишилар учун зарур бўлган сифатларни кенг қўламда тасвирлайди.

Ишқ таърифига бағишланган тўққизинчи мақолатда ишқнинг мукамал таърифи келтирилиб, унинг моҳиятига назар ташланган. *Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун*, деган шоир ишқни имонга боғлаб талқин этади. Шайх Шиблюю шайх Зуннун Мисрий кабиларнинг ишқи, чин ошиқлик қисмати орқали тириклик мазмун-моҳиятини англаштишга, тушунтиришга йўл топади. Ишқ ҳақидаги бу мақолат “фано кўйида боқий” бўлган Шайх Ироқийнинг ишқи ҳақидаги ҳикоят б-н ниҳоясига етаркан, соқийдан шоир жон суви – тириклик сувидек пок сув (май), аслида эса, энг пок ишқ насиб этишини сўрайди. Мазкур мақолатдаги фикрлар “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларида кенг планда бадий талқин этилган.

Дostonдаги илм ҳақидаги мақолат бир қарашда зоҳирий маънода илм олишга ундайди. Унда илм олувчи – толиби илмнинг аҳволи, бошидан кечирадиган машаққатлари тасвирлангандек. Ушбу мақолатда ҳам бошқа мақолатлардаги каби *тазодни* қўллаган шоир чинакам илм эгаси – олим ва жоҳилни бир-бирига қарама-қарши қўяди, айниқса, илмини ўзининг мақсади йўлида сарфлаган киши фақат ўзига эмас, халқига ҳам зиён келтиришини таъкидлайди: *Илм-*

ни ким воситаи жоҳ этар, Ўзини халқни гумроҳ этар.

Ушбу байтда қўлланилган қаршилантириш усули илова-талқин – ҳикоятда ҳам қўлланилганки, шоир Имом Фахр Розий б-н Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳаммомдаги суҳбати орқали фонийлик ва боқийлик, оламда инсон эгаллаган илму амалининг ҳикмати ҳақида ўйлашга ундайди, эгалланган илмга амал қилиш кераклигини таъкидлайди: *Илм, Навоий, санга мақсуд бил, Эмдики илм ўлди, амал айлагил.*

Ўн иккинчи бобдан бошлаб шоир эътиборни жамиятдаги муайян тоифалар тавсифига қаратади, булар – қалам аҳли (12-мақолат), булутдек фойда келтирувчилар (13-мақолат), жаҳл майининг дурдкашлари (15-мақолат), ўзига бино қўйган худнамолардир (16-мақолат). Навоий қайси масалада сўз юритмасин, инсон ахлоқи, унинг жамиятга келтириши мумкин бўлган фойдаси ва зиёни ҳақида ўйлайди. Кўп ўринларда уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, китобхонга моҳиятни англаши учун йўл очади. Қалам аҳли ҳақидаги бобда ҳам шундай. Дастлабки кириш бобида бўлганидек, бу ўринда ҳам аҳли рад ва аҳли қабул гуруҳлари хусусида сўзлаб, аввал хиёнат қилувчилар, кейин иккинчи тоифа – мақсад манъилига тўғри интилаётганлар ҳақида сўз боради. Қалам баҳонасида “Қаломи фасих” – Қуръони Карим, “Ҳадиси саҳих”, “Тафсирлар”, “Тазкират ул-авлиё”, “Қиссаи анбиё”лар яратилганини шукроналик б-н эслайди, “Иҳё” (Ҳаззолий асари), “Футуҳот” (Ибн Арабий асари), “Ғимё” (Ҳаззолий асари), “Нафаҳот” (Жомий асари), “Шавоҳид” (Жомий асари), “Ҳақойиқ” (Санойи асари) каби асарларнинг ёзилиши кўнгилга файз олиб келишини таъкидлайди. Бундай асарларни хатосиз кўчириш, чиройли хат б-н ёзиш орқали қалбни шодликка тўлдирадиган қалам эгалари ҳақида сўзлаб, уларни икки тоифага ажратади ва бир-бирига қарама-қарши қўяди. Бобда таъриф ва тавсиф этилган қаламдан мурод – маърифатдир.

Дostonдаги саҳоб – булутдек фойда етказувчилар ҳақидаги мақолат ўзгалар ташвиши б-н яшайдиган инсонлар васфида.

Мазкур боб Навоийнинг шу бобгача айтган фикрларига маълум даражада яқун ясагандек. Шоир бунда яхшилик ва ёмонликни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Инсонни ҳаётининг мазмунини тўғри идрок этишга ундайди: *Одами эрсанг, демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами*. Айниқса, бу мақолатга илова қилинган “Марҳаматли Аюбнинг безори ўғри эгрилигини тuzатгани ҳақидаги ҳикоят” мазмуни нафақат одамийлик ҳақида, балки унда Навоийнинг ҳар доим ҳам очиқ ифодалайвермаган футувват ҳақидаги ўйларига, бу таълимотда илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг.

Достонда айтилаётган фикрларнинг боблараро уйғунлиги, тадрижий тақомили 14-, 17-, 18-, 19-, 20-мақолатларда яна ҳам очикроқ кўринади. Ушбу боблар Навоий фалсафий қарашларини ўзида акс эттиради. Улар дунёни тўғри идрок этишга, унинг мазмун-моҳиятини мукамал тушунишига кўмак беради.

Жумладан, “Афлок ҳайъати шикоят-ти...” деб бошланувчи 14-бобда фалсафий мушоҳадага даъват сезилади. Шоир умрнинг ўткинчилиги, дунёнинг бебақолиги, на шоҳу ва на гадонинг унда абадий қололмаслиги ҳақидаги ибратомуз мақолатда айтилган фикрларини етти иқлими эгаллаб, бу дунёдан очиқ қўл б-н кетган Искандар ҳақидаги ҳикоят ёрдамида асослайди. Мазкур бобда, умуман, достонда шоир ҳикоят жанрининг Шарқда кенг тарқалган машҳур ҳикоматомуз шаклидан ўринли фойдаланади. Шу ўринда “Х.”нинг “Хамса”дostonларига дастур эканлиги яна бир бор асосланади. Искандар ҳақидаги ушбу ҳикоятни Навоий “Хамса”си бешинчи достони – “Садди Искандарий”нинг тарҳи деб баҳолаш ҳам мумкин. Катта достоннинг фалсафий моҳиятини Навоий биргина ҳикоятда ифодалашга муваффақ бўлган.

Инсон умри мазмунини фалакдан шикоят қилиш йўли б-н тушунтирган шоир ана шу умрни муносиб яшаб ўтиш хусусида 17-мақолатда фикр юритаркан, табиат тасвиридан фойдаланади. Шоир ижодида инсон умрини табиатдаги ўзгаришларга уйғунлаштириш, шу жумладан, йил фаслларига қиёслаш анъанаси мавжуд. Ўн ёшгача бўлган давр, йигирма, ўттиз, қирк, эл-

лик..., худлас, инсон умрининг юз ёшгача бўлган даври шу бобда шарҳланади. Масалан: *Қилмади элликда тараққий киши, Олтмишу борча таназзул иши*, – дейди шоир. Инсон умрининг ҳар бир даврини тавсиф этганидан сўнг шоир шундай хулосага келади: *Умр эрур тақвию тоат учун, Тенгри буюрганга итоат учун*. Мақолатдан сўнг келган Зайнулобидиннинг кичик қизи ҳақидаги ҳикоятни шоир шундай яқунлайди: *Қўйди Навоий йигитликда сужуд*,

Чун қариди эмди надомат не суд?

Фалак ғамхонасидан шикоят (18-мақолат) ҳам Навоийнинг олам ва одам ҳақидаги, тирикликнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрларини янада ривожлантиради. Дунё бевафо. Кимки бу дунё ишлари учун ғам емаса, дунёдаги шод инсон ўша. Чунки бу жаҳон боғи вафосиздурур. Унда умр гули бақосиздурур, – дейди шоир. Бироқ умрнинг бақосизлиги, дунёнинг бевафолити инсоннинг ўз умрини муносиб яшаб ўтиш ҳақидаги ҳақиқатдан чалғитмаслиги керак. Умр деган неъмат борлигига шукр қилиш, уни муносиб яшаш – ўзгаларга яхшилик қилиш учун сарфлаш тўғрилигини таъкидлайди. “Ҳақ азиз айлаган умрни сен хор айлама”, – дейди шоир, – унинг шукридан ўзгани қилма. Кимки ниятига эришмоқчи бўлса, шукр йўлини тутсин...”. Ушбу мақолатга “Чин марғзорининг мушқин низолининг шер шикорлиги...” сўзлар б-н бошланган сарлавҳа остидаги ҳикоят – ишқ азоб-уқубатларига шукр қилиб, ниятига етишган ошиқ ҳикояси илова қилинади.

“Х.” достонининг 19- мақолати Хуросон мулкидаги мисли йўқ вилоят – Ҳирот тавсифида. Навоий ватани Ҳиротнинг мақомини шундай тасаввур этади: *Хуросон бадандур, Ҳирий жон анга, Ҳирий жон, Хуросон бадандур анга*. Шоир Ҳиротни Мисру Самарқанддан ҳам устун қўяди. Бундай юксак мақом унинг адолатли ҳукмдорига боғлиқлигини таъкидлаб, Баҳром ҳақидаги илова-ҳикоятда шоҳнинг ўз халқи ҳаётидан огоҳ бўлиши кераклигига алоҳида эътибор қаратади. “Ҳайрат ул-аброр” достони ҳикоятларида ҳукмдорларга алоҳида ўрин ажратилган. Булар – Шоҳ Ғозий, Нуширавони одил, Муҳаммад Хоразмшоҳ, Искан-

дар, Баҳром шоҳ. Уларнинг ҳар бирида шоир шоҳликка дахлдор адолат, ҳаё – адаб, донишмандлик, илмга эътибор, халқининг аҳволдан хабардор бўлиш каби муайян бир масалани кўтаради.

Сўнги мақолат сарлавҳасида шоир мақсаднинг ўталганлиги ҳақида ёзар экан, ўз асарини фойдали дур-инжуларга тўла кемага қиёслайди, ўз табъи дарёсидан соҳилга энг олдин келган бу инжулари энг қимматлилари экани (“Х.”нинг биринчи дoston эканлиги) ва унинг салтанат боғчасининг олдинги гули (Хусайн Бойқаронинг катта фарзанди) ва халифалик чаманининг (шаҳзода сифатида) қад кўтарган сарви бўлмиш султон Бадиуззамон Мирзо баҳодир оёғи остига нисор қилингани, токи бу насихатлар унинг дилида ўрнашиб қолиши ва бу жавҳарларини қулоғига осииши ҳақида ёзади. Мазкур бобдан англашиладики, Навоий ўз достонда айтмоқчи бўлган фикрларини баён қилишга эришди – мақсадига етди. Бобда Султон Бадиуззамон баҳодирга талай насихатлар берилади:

*Шаҳга сўзумдин бор эса эътибор,
Гар санга ҳам панд десам ери бор.
Бил муниким, умр вафосиздурур,
Давлат ила жоҳ бақосиздурур.*

Шоир Бадиуззамон Мирзога ҳам дунёнинг моҳиятда қандай эканлигини англатиш истагида мурожаат қилади. Адолат ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди. Отаси б-н муроса қилишга қазиради. Бу насихатларидан шоир масалага реал ҳаётий воқеликдан келиб чиққан ҳолда жон куйдириб ёндашади. Тарихдан Хусайн Бойқаро ва Бадиуззамон Мирзо муносабатлари маълум. Бу муносабатлар Навоий асарларида ҳам ўз ифодасини топган. “Ҳайрат ул-аброр”дан ташқари, “Муншаот” асарига ҳам Навоийнинг Бадиуззамон Мирзога насихат тарзида битган мактублари киритилган.

20-мақолат сўнгидаги куйидаги байтлар фақат Бадиуззамонга эмас, барча шаҳзодаларга, ҳатто тўғри яшашни истаган ҳар бир инсонга ўғит бўлади: *Зода муриду отани пир бил, Ҳар ишида ҳукмига таъсир бил. Бўлма бу пир олида тақсирлик, Истар эсанг давлат ила пирлик.*

Боб сарлавҳасида фақат мақолатнинг эмас, балки умуман бу дostonнинг Бадиуз-

замон баҳодирга ҳам бағишланганлигига ишора бор. Албатта, бу дostonдаги ҳикмату ўғитларни Навоий кўпроқ шаҳзодаларга қаратган. Шу боис унда сиёсий ўткирлик сақланиб қолган. Хожа Муҳаммад Порсо ва унинг ўғли Хожа Абу Наср ҳаётини ҳаж зиёратига кечган бир воқеа ёрдамида тасвирга олган шоир Хусайн Бойқаро ва Бадиуззамон Мирзо ўртасидаги, умуман, Хусайн Бойқаро ва бошқа ўғиллари ўртасидаги муносабатларни ҳикоятда келтирган Хожа Муҳаммад Порсо ва унинг ўғли ўртасидаги муносабатлардек бўлишини жуда истайди.

Дoston баҳона шоир ўзи ҳақида, ўз ижоди ҳақида сўз юритади. Асарнинг “...*чеҳра чурук сомони узра пешона арақин оқизмоқ била каҳил этиб, юз оҳу сўз била сувамоқнинг охири...*” сарлавҳаси б-н бошланган 62-бобда Навоий машаққатлар ичида кечган ижод йўли, дostonни ёзаётганида ўзининг ишонч ва ишончсизлик орасидаги курашлари, андишалари ва журъати ҳақида ёзади. Бадийий ва илмий ижоднинг шоир кундалик ҳаётидаги ўрни, турмуш ташвишларидан ортиб ёзишга уриниши, ўз аҳволи, жамиятдаги кишилар б-н хизмат доирасидаги муносабатлар, қуллас, шоир шахси, ижод психологиясига оид маълумотлар шу бобда ўз ифодасини топган. Бобга илова қилинган “Оёғи тойиб йиқилган қул...” ҳикояси Навоийнинг 62-бобда ўзи ҳақида айтган фикрларига уйғун. Ушбу ҳикоятда оёғи тойиб йиқилаётган қул қўлидаги овқатни шоҳнинг бошига тўкиб юборади. Улимдан бошқа жазони кутмаган одамлар қулнинг шоҳ томонидан афв этилганидан ҳайратланадилар. Чунки шоҳнинг назарида қул уятдан ўлиб бўлган эди. Навоий ўзини шу қулга, Ҳақни эса шоҳга қиёслайди. Бу “Х.” аввалида (илк бобда) айтганидек, фикрларининг рад этилиши ёхуд қабул қилинишига ишора ҳам эди. Дostonда Аллоҳ – олам – одамнинг бир бутунликда, уйғунликда ўрганилганлигига, бадийий талқин этилганлигига ишора ҳам бор. Шоир асарнинг номланишини ҳам у зотга боғлайди: *Ҳайрати аброр кўруб зотини, “Ҳайрат ул-аброр” дедим отини.*

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonи инсонни бутун мукамалли-

ги, Аллоҳ ва олам ўртасидаги бир мўъжи-за хилқат эканлигини фалсафий-бадиий талқин этишга бағишланган асар эканлиги б-н алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ас.: Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Илмий-танқидий матн // Туз.: П. Шамсиев. Т., 1970; Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1991, 7-ж; Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 6-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.; Қаюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини. Т., 1985; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. Т., 2005.

Дисс.: Хидирназаров С. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони: достонда типология ва поэтик архитектура масаласи: ф.ф.н. Т., 1990; Муҳиддинов М.Қ. “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси (“Хамса”ларнинг биринчи достонлари асосида): ф.ф.д. 1995.

“ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ҚЎЛЁЗМАЛАРИ.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг алоҳида кўчирилган қўлёзмалари нисбатан кам учрайди. У асосан “Хамса”даги бошқа достонлар б-н бирга кўчирилган.

Достоннинг илмий-танқидий матнини Порсо Шамсиев тузган ва 1970 й. эски ўзбек ёзувида нашр қилган (Шамсиев П. Алишер Навоий. Хамса: “Ҳайрат ул-аброр”. Илмий-танқидий матн. Тузувчи П.Шамсиев. Тошкент, 1970). Уни тузишда олим қуйидаги олти қўлёзмага суянган:

1. Абдулжамил Котиб кўчирган қўлёзма нусха (Тошкент, ТошДШИ ШҚМ, инв. рақами – 5018). Мазкур нусхани котиб 1485 й. Ҳиротда кўчирган. Навоий “Хамса”ни 1485 й. ёзиб тугаллаганлигини ҳисобга олсак, бу қўлёзма Навоий назорати остида кўчирилган ва “Хамса”нинг биринчи қўлёзмаси саналади.

2. Султонали Машҳадий 898/1492–93 й. кўчирган қўлёзма нусха. Санкт-Петербургда сақланади (РМК, инв. рақами – Дорн 560). Қўлёзма рассоми – Мавлоно Ёрий, саҳхоф – Султонали Марвий.

3. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 7554).

4. Санкт-Петербургда сақланаётган Навоий асарлари мажмуаси таркибидаги нус-

ха (РМК, инв. рақами – 55). 904/1498–99 й. кўчирилган.

5. Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзма нусха. “Хамса”даги “Садди Искандарий”дан бошқа тўрт дostonни жамлаган (РМК, инв. рақами – 559).

6. Қозонда сақланаётган нусха (Қозон Давлат университетининг илмий кутубхонаси, инв. рақами – 15334).

ҲАКИМ АТО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Сулаймон Боқирғонийнинг лақаби. Хожа Аҳмад Ясавийнинг муриди. “Насойим ул-муҳаббат”да ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан кўшилган бўлиб, унинг ижодидан қуйидаги ҳикмат келтирилган:

Тику турғон бутадур,

Боргонларни ютадур.

Боргонлар келмас бўлди,

Магар манзил андадур.

ҲАКИМ САНОЙИ, Абулмажд Маждуд бинни Одам Санойи Ғазнавий (ваф. 1140/1150, Ғазна) – форс-тожик шоири ва мутафаккири. Нажмиддин Кубронинг муриди Шайх Разииддин Лолонинг отаси б-н амакивачча бўлган. Бошланғич таълимни туғилган шаҳрида олиб, кейин билимини Балх, Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида камолга етказган.

Ҳ.С.нинг шеърлар девони, “Корномаи Балх” (“Балх воқеаси”), “Ҳадиқат ул-ҳақиқа” (“Ҳақиқат боғи”), “Тариқ ул-тахқиқ” (“Таҳқиқ йўли”), “Сайр ул-ибод” (“Бандалар сайри”), “Корнома” (“Воқеанома”), “Ишқнома”, “Ақлнома”, “Ғарибнома”, “Афвнома” каби дoston ва манзумалари машҳур. Тас. таълимоти ғояларини баён этган, сўфиёна истилоҳ-тимсоллар асосида яратилган “Ҳадиқат ул-ҳақиқа” дostonи Шарқда кенг тарқалган (қар.: “Ҳадиқат ул-ҳақиқа”). “Сайр ул-ибод” асариди сўфиёна-фалсафий маънолар шеърӣ тилда образли талқин этилиб, кўплаб масал ва ҳикоятлар орқали тас. таълимотининг асосий ғоя ва тушунчалари берилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Ҳ.С. ҳақида шундай ёзди: “*Суфия тариқининг шуаросининг кубаросидиндур ва машоих анинг назмларидин*

истиш ҳодға ўз расойилидин келтурубдурлар ва “Ҳади қат ул-ҳақиқа” китоби анинг шеърида азвоқу мавождиға ва тавҳид арбоби маърифати адосида қамолиға қатъий далилдур. Хожа Юсуф Ҳамадоний муридларидандур”. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да Ҳ.С.ни “ҳақиқат асрорига мажоз тариқин” омухта қилган шоирлар гуруҳига киритади. Қабри Ғазна шаҳрида.

ҲАКИМАИ ДИМИШҚИЯ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Робиаи Шомиянинг устози. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАКИМИЙ, Абулҳасан – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодий ва Сарий Сақатий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Тас.нинг асосий шарты – тақво ва ҳалол лўқма, деб билган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАЛЛОЖ, Ҳусайн Мансур (858, Байзо – 922. 03. 26, Бағдод) – “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абулғайс. Шероз яқинидаги Байзо ш.да ҳаллож (пахта тозаловчи) оиласида туғилганлиги учун “Ҳаллож” лақаби б-н шуҳрат топган. Болалигида Ҳ.нинг оиласи Воситга кўчиб ўтади. Ҳ. бу шаҳарда замоннинг зарур билимларини ўзлаштириб, кейинчалик Бағдодга илм таҳсилига боради. Дастлаб Саҳл Тустарий ва Ҳасан Басрийдан тас. сирларини ўрганади. Амр бин Усмон Маккий қўлидан иршод хирқасини кийиб, Шайх Абу Яъқуб Ақғаъ қизига уйланади ва ундан тўрт фарзанд кўради. 26 ёшида биринчи марта ҳаж амалини адо этиб, Аҳвозга қайтиб келади ва 5 йил давомида Аҳвоз, Басра ва Толиқон ш.ларида таълим ва иршод б-н машғул бўлади. Иккинчи марта ҳаж амалини адо этганидан сўнг (888 й.), Кашмир ҳамда Шарқий Туркистоннинг Турфон ш.ларига сафар қилади. Ҳ. бу даврда катта шуҳрат қозониб, 903 й. учинчи марта 400 муриди б-н ҳаж сафарига чиқади. Ҳаждан сўнг

Бағдодга келиб яшай бошлайди. Ҳ. “Айн ул-жамъ” ва “Тавосин ал-азал” китобларининг муаллифи бўлиб, тариқатда суқр наз-ясининг тарафдори бўлган. Унинг илоҳий муҳаббат ва Ҳаққа восил бўлиш ҳақидаги оташин сўзлари ва шатҳлари омма орасида кенг тарқалиб кетади. Кўп ўтмай, тилшунос олимлар Сайрафий ва Насавий Басрийлар гувоҳлиги б-н “Аналҳақ” дегани учун зиндонга ташланади. Ҳ. тўққиз йил зиндонда ётади. Унинг қатлига Абу Умар Ҳомидий Моликий ҳамда ҳанбалиймаъзаб Абулҳусайн Ушноний бошчилигидаги 84 уламо фатво берадилар. Фақат Шайх Абулаббос ибн Ато, Абулқосим Насрободий, Абубакр Шиблий, Шайх Абулаббос Сурайжлар бу фатвога қарши чиққанлар. Уламолар ва тариқат аҳли ўртасидаги зиддият кучайиб, ҳатто Шайх Абулаббос ибн Ато Ҳ.ни ҳимоя қилгани учун қатл этилади. Бағдоднинг марказий майдонида Ҳ. дорга осилиб, кейин жасади ёқиб юборилади ва кули Дажлага сочиб ташланади.

“Насойим ул-муҳаббат”нинг муқаддима-сида валийлар бажариши шарт бўлган амаллардан бири – шариат аҳкомига сўзсиз риоя қилиш ва қўшимча ибодатлар риёзатини тортишга Ҳ.нинг ҳар куни беш маҳал намоздан ташқари минг рақаат нафл намози ўқиганини мисол келтиради. Шунингдек, Абдулмалик Искоф, Иброҳим бин Фотик, Форис бин Исо Бағдодий каби Ҳ.нинг шогирдлари ҳақида ҳам маълумот беради. Ҳ.га бағишланган бобда унинг қатлига устози Амр бин Усмон Маккийнинг қарғишини сабаб қилиб кўрсатган. “Лисон ут-тайр”нинг тавҳид водийси таърифидаги бобда Ҳ.нинг “Аналҳақ” дейилиши ҳали ҳақиқий тавҳид моҳиятига етмагани туфайли бўлган, деган гоъни илгари суриб, шу тариқа нақшбандийликнинг суқр ва саҳв ҳақидаги қарашларини ифодалаган.

ҲАЛЛОЖ ИСФАҲОНИЙ, Али бин Ҳамза – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Муҳаммад бин Юсуф Баннонинг* шогирди. Ҳаж сафаридан қайтаётганида Басрада устозининг вафотини эшитиб, Исфаҳонга қайтмасликни ният қилган. Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий руҳи-

дан тарбият топган увайсий шайхлардан ҳисобланади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАМАДОНИЙ, Абубакр – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дарвешликка куйидагича таъриф берган: “Эл нимасига тамаъ қилмамак, агар нима бошингга келса манъ қилмамак, ҳар не жамъ қилмамак”. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАМД (ар. – мадҳ, мактов, васф) – Аллоҳни мадҳ этишга бағишланган асар, шеърӣ ва насрий асарлар бошланмасида келтирилган Аллоҳ васфи. Мусулмон Шарқидаги адабий анъанага кўра, мумтоз ад-тдаги ҳар бир йирик асар Аллоҳ Ҳ.и б-н бошланган. Девонларда бу ҳолат мустақил шеърлар тарзида, дostonларда алоҳида боблар, насрий асарларда муқаддиманинг бошланш қисми тарзида ифодаланган. Алишер Навоий ижодида Ҳ. мавзусидаги ғазаллар тавҳид ва муножотларга бўлинади. Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасида девонни Ҳ. мавзусидаги ғазал б-н бошладан ташқари, девондаги ҳар бир ҳарф туркумини Ҳ. (баъзан наът ёки ибратомуз) ғазал б-н бошладан зарурлигини таъкидлайди ва “Хазойин ул-маоний” куллиётдаги ҳар бир девонда шу мезонга амал қилади. Девонларнинг ҳар биридаги дастлабки ғазаллар Ҳ. мавзусида бўлиш б-н бирга, ҳарфлар туркуми ҳам Ҳ. ғазаллар б-н бошланган. Бундан ташқари, девонлар таркибидаги қитъа, рубоӣй ва фардларнинг дастлабкилари ҳам Ҳ. мазмунини ўзида акс эттиради. “Ҳамса” таркибидаги барча дostonлар, “Лисон ут-тайр” дostonи ҳам Ҳ. боблари б-н бошланади.

*Эй сипосинг демакда эл тили лол,
Элга тил сендин ўлди тилга мақол.
Сендин инсонга тору пуди жасад,
Жасад ичра кўнгул, кўнгулда хирад.
 (“Сабъаи сайёр”)*

ҲАМДУЛЛОҲ МУСТАВФИЙ (ваф. 1349, Қазвин) – машҳур тарихчи ва географ. Асли араблардан бўлиб, ўз насабининг Ҳур

бин Язид Риёҳийга туташини таъкидлаган. Қазвин шаҳрида яшаган. Рашидиддин Фазлудлоҳнинг шогирди. “Тарихи гузида” (1330), “Зафарнома” (“Шоҳнома” вазнида, 1335), “Нузҳат ул-қулуб” (1340) каби асарларининг муаллифи.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки Аҷам” асарларини ёзишда Ҳ.М.нинг “Тарихи гузида” асаридан манба сифатида фойдаланган.

ҲАМДУН ҚАССОР (ваф. 885, Нишопур) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, олим ва фақих. Куняси – Абу Солиҳ. Нишопурда маломатийлик тариқатига асос солган. Унинг мақомини Саҳл Тустарий ва Жунайд Бағдодий жуда юксак баҳолаган. Тариқатда Сарий Сақатийнинг йўлида бўлган. Абулҳусайн Борусийнинг муриди. Салм бин Ҳасан Борусий, Абу Туроб Нахшабий, Али Насрободий, Абу Али Сақатий б-н мулоқот қилган. *Абдуллоҳ бин Манозил*нинг пири. Қабри Нишопур шаҳридаги Ҳайра қабристониди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ҲАМЗА БИН АБДУЛЛОҲ АЛАВИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулқосим. *Али ибн Абу Толиб*нинг авлодидан. *Абулхайр Тайнотий*нинг шогирди. Бир неча йил таваккул б-н биёбон сафарига чиққан. Сафар чоғида ўзи б-н меш олиб юрмаган ва бир лаҳза ҳам зикрдан фориғ бўлмаган экан. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ҲАММОД ҚУРАШИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Амр. Бағдоднинг улуғ машоихларидан. Жунайд Бағдодий унинг зиёратига бориб турган. Қаноат ва парҳезкорлиги б-н машҳур бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАММОМ – чўмилиш, ювиниш ва покланиш учун қурилган махсус бино. Ҳ.нинг тарихи ҳақида турли фикрлар

мавжуд. “Тарихи мудуки Ажам”да илк Ҳ. Жампид замонида бунёд этилгани айтилса, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”га кўра, илк ҳаммом Сулаймон пайғамбар (а.) замонида қурилгани ҳақида маълумот берилади. Урта асрларда Шарқ мамлакатларидаги Ҳ.лар ечиниш хонаси, ҳордиқ чиқариладиган катта (ёғоч устунли) хона, унинг атрофида ювиниладиган хоналардан иборат бўлиб, улар катта ва кичик гумбаазлар б-н ёпилган. Гишт, тош териб ишланган ҳовузча (бак) ларда иссиқ ва қайноқ сувлар, хоналар остидан юбориладиган иссиқ ҳаво б-н иситилган. Оқава сувлар учун ариқчалар қазилган, деворлар ганч б-н сувалган.

Навоийнинг ҳиммати б-н Ҳирот ш.ида кўплаб Ҳ.лар қурилган бўлиб, уларнинг рўйхати Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида қуйидаги тартибда берилган: “Шифоия” мадрасаси ёнида қурилган Ҳ., Зиёратгоҳ Ҳ.и, Дарайи зангий Ҳ.и, Тувучи Ҳ.и, Чилдухтарон ҳаммоми, Тарноб Ҳ.и, Панждеҳ Ҳ.и, Файзобод Ҳ.и, Саъдобод Ҳ.и.

“Лайли ва Мажнун” дostonида Султон Ҳусайн Бойқаро васфига бағишланган бобда шoҳнинг адолатпешалиги ва раиятга хайрихоҳлиги нишоналардан бири сифатида мусофирлар ва шаҳар аҳолиси учун қурилган Ҳ.ларнинг кўплигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. “Ҳайрат ул-аброр” дostonининг илм таърифидаги мақолатдан кейин келган ҳикоятда маҳшаргоҳни Ҳ.га ўхшатиб, инсон зоҳир оламининг асбобидан ўзи б-н ҳеч нарса олиб кетолмаслигини, илм-маърифат эса инсоннинг доимий ҳамроҳи эканлигини ушбу ажойиб ташбеҳ орқали ифодалашга эришган:

*Ким сангаким ҳашр сузи ком эрур,
Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.*

*Анда гадо шах била яксон бўлуб,
Шoҳу гадо борчаси урэн бўлуб.*

*Жoҳу жалол аҳли санингдек бори,
Ичқарию бору йўқи ташқори.*

*Илму амал аҳли менингдек тамом,
Ҳарне йиғиб ҳамраҳ этиб вассалом.
(“Ҳайрат ул-аброр”, 43-боб)*

ҲАРИМИЙ ҚАЛАНДАР (15-аср) – туркий тилда ижод қилган самарқандлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг толиби илм бўлганлигини таъкидлаб, қуйидаги байтини келтиради:

Неча йиғлай шамъдек

ҳажрингда, ёрим, кечалар,

Оҳким, куйдирди доғи

интизорим кечалар.

Ҳ.Қ. Самарқандда вафот этган.

ҲАСАН АЛИ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Дўст Муҳаммад*нинг қариндошларидан. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг *Дўст Муҳаммад* каби шеър ва муаммони яхши айтиши ҳақида маълумот бериб, “Фаридун” исмига битилган муаммоси ва қуйидаги байтини келтиради:

Мани бедил нахоҳам

соя бошад ҳамнишин ўро,

Биё, эй шoми ҳажру.

гум кун аз рўи замин ўро.

(Мазмуни: Мен дилсиз (бечора) ҳатто соянинг ҳам унинг ёнида бўлишини истамай. Эй ҳажр кечаси, кел ва уни ер юзидан йўқот).

ҲАСАН АЛИ ЖАЛОЙИР (15–16-аср) – Алишер Навоийнинг қариндоши. Абдулмуминхоннинг “Томм ут-таворих” (“Мукамал тарихий воқеалар тўплами”) асарида маълумот берилишича, Навоий вафот этганида у энг яқин кишилари қаторида жанозага бош-қош бўлган. Абулқосим Бобур хизматида беклик мартабасига кўтарилган. Ёдгор Муҳаммад Мирзо эшигида амир ул-умаро ва соҳибихтиёр бўлиб, ундан улуг киши бўлмаган. Ҳ.А.Ж.нинг икки ўғли, бир қизи бўлиб, учаласи ҳам таъби назм соҳиби бўлган. Мир Ҳусайн Жалойир Туфайлий, Муҳаммад Али Жалойир Нисорий тахаллуси б-н ижод қилган. Навоийнинг укаси Дарвеш Алига тушган қизи Офоқбегим ҳам форсийда гўзал шеърлар ёзган.

ҲАСАН БИН АЛИ МУСУҲИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абу Али. Бағдод

тас. мактабининг йирик намояндаси. Сарий Сақатийнинг шогирди. Жунайд Бағдодий ва Абу Ҳамза Исфаҳонийни унинг шогирдлари деб ҳисоблашади. Жунайд унс мақомини шарҳлашда унинг сўзларини далил сифатида келтирган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ҲАСАН БИН ҲАММАВИЯ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Унинг кароматини муриди Абу Жаъфар Ҳаррор Истахрий баён этган. Ибн Зайдон бу кароматга шубҳа б-н қараган. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий унинг нақлини ғайбат ва ҳузур тушунчаларига боғлаб шарҳлаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲАСАН ДЕҲЛАВИЙ (1253 – Деҳли – 1337) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Давлатободадаги форсийзабон ад-нинг етук намояндаси. Деҳли яқинидаги Бадоюн шаҳарчасида тугилган, кейинроқ Деҳлига кўчиб ўтган. Исми – Ҳасан, факрий лақаби – Нажмиддин. Лекин “Фаройид ул-фавойид” (“Сара ҳикматлар”) ва “Фавойид ул-фуод” (“Дил фойдалари”) асари дебочасида ўзини Ҳасан Алои Сажзий деб атаган. Таъкиранависларнинг маълумот беришича, Ало (ёки Алоуддин) отасининг исми бўлиб, Сажзий (ёки Сижзий) нисбаси аждодларининг сейистонлик эканини билдиради.

1280–1285 й.ларда Хусрав Деҳлавий б-н бирга Мултон ҳукмдори Султон Муҳаммад хизматида бўлган. Икки дўст мўғуллар б-н урушда уларга тутқун бўлиб, икки йилдан сўнг бир тасодиф б-н халос бўлгани ҳақида ривоятлар бор. 1286–1316 й.ларда Султон Алоуддин Хилжий лашкарида хизмат қилган. Султонга бағишлаб қасидалар ёзган. 1327 й. Муҳаммад Туғлуқ Фиёсиддин пойтахтни Давлатободга кўчиргач, Ҳ.Д. ҳам унга кўчиб ўтади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, шеъриятда Амир Хусравга издошлик қилган ширинкалом шоир бўлиб, тас. руҳи ва саҳли мумтанеъ (осону мумкин эмас) услу-

бидаги равон ва кўнгилга яқин шеърлари бор. Амир Хусрав сингари бор мол-мулки, кўнгли ва истеъдодини пири Низомиддин Авлиё қадамига нисор этиб, факр тариқида мардона сулук қилган.

Ҳ.Д.дан бир мукамал девон, “Фаройид ул-фавойид” асари ҳамда Муҳаммад Султон вафотига бағишланган марсия этиб келган. Шоир девони асосан қасида, ғазал, қитъа, рубоийлардан иборат. Ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида ёзилган 606 байтдан иборат “Ишқнома” достони ҳам Ҳ.Д.га нисбат берилади. Ғазаллари 800 атрофида. Абдурахмон Жомийнинг эътироф этишича, ғазалда гўзал услуб эгаси бўлган.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида унга алоҳида боб бағишлаб, Ҳ.Д.нинг Шайх Низомиддин Авлиёга котиб ва мурид бўлганлигини, хуш ахлоқ эгаси эканлигини, “Фаройид ул-фавойид” асари Ҳиндда сулук аҳли учун дастур ул-амал вазифасини ўтаганлигини айтади ва унинг “мапурс” (сўрама) радифли рубоийсини келтиради. “Садди Искандарий” хотимасида Навоий устози Жомий ҳузурда тахайюл оламига ғарк бўлган чоғида уни айнан Ҳ.Д. шоирлар даврасига олиб борганлиги ҳақида айтиб ўтади. “Девони Фоний”дан Ҳ.Д. ғазалларига битилган икки татаббуъ ҳам ўрин олган.

ҲАФСА БИНТИ СИРИН (заф. 720) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. “Туш таъбири” китобининг муаллифи – Муҳаммад Сирирнинг қариндоши. Зоҳидлик б-н тақвода обид ва зоҳидларга намуна бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

“ҲАФТ АВРАНГ” I (“Етти юлдуз”) – Абдурахмон Жомийнинг етти дostonдан иборат мажмуаси. Умумий ҳисобда уч ярим йилда ёзиб тугалланган етти дostonни Жомий яхлит тўплам ҳолига киритиб, қисқа насрий муқаддимасида бу мажмуани осмоннинг шимолий томонида кўринадиган “Банот ун-наъш” (“Етти юлдуз”)га ўхшатиб, “Ҳ.” деб номлаганини қайд қилади. “Ҳ.” ўз тузилишига кўра, қуйидаги дostonлардан иборат: 1) уч дафтардан иборат “Силсилат

уз-заҳаб” дostonи (6200 байт); 2) “Саломон ва Абсол” дostonи (1110 байт); 3) “Маҳзан ул-асор” дostonига жавоб тариқасига ёзилган “Тухфат ул-аҳрор” дostonи (1707 байт); 4) “Субҳат ул-аброр” дostonи (2870 байт); 5) “Юсуф ва Зулайхо” дostonи (4000 байт); 6) Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавийнинг дostonларига татаббуъ қилинган “Лайли ва Мажнун” дostonи (3860 байт); 7) Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома”си ва Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ойнаи Искандарий” дostonларига жавоб тариқасида ёзилган “Хирадномаи Искандарий” дostonи (2315 байт). Ушбу етти дostonнинг дастлабки икки маснавийси мустақил тарзда ёзилган бўлиб, охириги беш дoston “Хамса” дostonларига жавоб тариқасига ёзилган. Жомий ҳамсанавислик анъанасига ижодий ёндашиб, учта дostonдагина салафлари изидан борган. Еттига дostonнинг учтаси “Силсилат уз-заҳаб”, “Тухфат ул-аҳрор” ва “Субҳат ул-аброр” ахлокий-дидактик мавзуда ёзилган бўлиб, қолган тўрт дoston маълум сюжетлар асосида яратилган. Олдинги “Хамса”лардан фарқли уларок, Жомий Хусрав ва Ширин ҳамда Баҳром Гўр сюжетлари ўрнига янги сюжетлар – Саломон ва Абсол ҳамда Юсуф ва Зулайхо киссалари асосида ҳамсанавислик анъанасига янгилик киритган. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да “Х.”ни Жомий асарлари рўйхатида келтирган.

“ҲАФТ АВРАНГ” II – Ашраф Марогий “Хамса”си таркибига кирган тўртинчи дoston. 1440 й.да Низомий “Панж ганж”ига пайравлик тарзида ёзилган. Дostonда асосий қисм воқеалари сосоний ҳукмдор Яздигирд хонадонига Баҳромнинг туғилиши ва Яманга Нўъмон ҳузурига тарбияланиш учун юборилганлиги тасвири б-н бошланади. Нўъмон Баҳром учун тешалиқда Хаварнақ қасрини қуриб беради. Кейинги бобда Яздигирднинг золимлиги ва унинг ўлимидан сўнг Баҳромнинг тахтга ўтириши тасвирланади. Баҳром одил подшо бўлиб етишади. У етти рангда етти қаср қуради ва етти иқлим шоҳларига мактуб ёзиб, уларнинг қизларига уйланиш ниятида эканлигини айтади. Шоҳлар катта тўю томоша б-н

қизларини Баҳромга узатадилар. Баҳром юртда осойишталикка катта эътибор қаратади, мамлакатда адолат ўрнатади. Баҳром шанба куни овга чиқади ва икки аждарни енгади. Унинг ботирлиги ҳақидаги хабар бутун мамлакатга тарқалади. Овдан қайтган Баҳром қасрларда бирин-кетин ҳикоялар тинглайди, шу тариқа дoston таркибига етти ҳикоя киритилган. Баҳром қора қасрда қора ранг б-н боғлиқ Ҳиндистон маликзадаси ва унинг дўсти ҳақидаги ҳикоятни, яқшанба куни олтинранг қасрда Солим ва Салим исми икки дўст ҳақидаги ҳикоятни, душанба куни занғори қасрда мисрлик тақводор ва унинг Шаҳзода исми ўғли ҳақидаги ҳикоятни, сешанба куни лаъл қасрда хитойлик ҳоким ва унинг Навжаҳон исми хизматкори ҳақидаги ҳикоятни, чоршанба куни мовий қасрда Фарғона гўзалидан мисрлик подшоҳ ва унинг овнараст ўғли ҳақидаги ҳикоятни, пайшанба куни сандал қасрда уч мусофир йигит ва уларнинг кекса ҳамроҳи ҳақидаги ҳикоятни ва жума куни оқ қасрда эронлик Хожа исми олим ва унинг гўзал хотини ҳақидаги ҳикоятни тинглайди. Дostonда Баҳромнинг канизак б-н овга чиқиши ва умуман унинг опшиқ бўлиши б-н боғлиқ саҳна йўқ. Ашраф опшиқ подшоҳ эмас, балки одил подшоҳ тимсолини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди (С.Ҳасанов). Дoston сўнгида Баҳром ов қилиб юриб, кийик ортидан горга кириб кетади ва қайтиб чиқмайди. Мулозимлари уни горда қанча қидирмасинлар, топа олмайдилар. Дoston унинг муваффақиятли яқунлангани учун Аллоҳга ҳамду сано айтиш ва яратилган йилини кўрсатиш (844 х.қ./1440 м.) б-н яқунланади. “Х.” Низомий дostonи сингари аруз тизимининг хафиф баҳрида яратилган. Алишер Навоий Навоий “Сабъаи сайёр” дostonининг салафларга бағишланган б-бобида, Ашрафнинг шу мавзудаги дostonи ҳақида маълумот беради. Шунингдек, “Муҳокамат ул-луғатайн”да ўз асарлари учун асос бўлган манбалар рўйхатини келтирар экан, “Сабъаи сайёр” дostonига асос бўлган асар сифатида Ашрафнинг ушбу дostonини “Ҳафг пайкар” номи б-н тилга олади.

“ҲАФТ ПАЙКАР” I (“Етти гўзал”) – Низомий Ганжавий “Панж ганж”нинг тўртинчи достони. 1197 й.да давр ҳукмдори Алоуддин Кўрпа Арслон (1174–1207) тошшириги 6-н ёзилган, ҳажман 4600 байтдан иборат. Манбаларда “Баҳромнома” деб ҳам юритилади. Достон Баҳром Гўр номи 6-н машҳур сосоний ҳукмдор Баҳром V (421–438)нинг саргузаштларини ўз ичига олади. “Ҳ.” анъанавий муқаддима, асосий қисм ва хотимадан иборат. Асосий қисм Баҳром саргузаштларини ўз ичига олувчи қолипловчи ҳикоя ва етти малика томонидан айтилган етти қиссадан ташкил топган. Достонда тасвирланишича, Баҳром сосоний шоҳ Яздигирднинг ягона вориси. Яздигирд ўғлини муносиб тарбиялаш учун Ямандаги вассали Нуъмон қўлига топширади. Баҳром ёшлигидан қулон овига ўч бўлиб ўсади. Шунга кўра у Баҳром Гўр (қулончи) лақабини олади. Яздигирд вафот этгач, Баҳром тахтга ўтиради ва мамлакатни адолат 6-н бошқара бошлайди. Бир куни Баҳром Фитна исмли санъаткор канизини 6-н овга чиқади ва Фитнанинг даъвати 6-н қулон овлашда маҳорат кўрсатиб, ундан мақтов кутади, лекин Фитна бу ҳолат муттасил машқ қилиш натижаси эканлигини айтиш 6-н чекланади. Баҳром газабланиб, ўз саркардасига Фитнани ўлдиришни буюради. Лекин Фитна тадбир ишлатиб, омон қолади ва ўзидаги жами зеб-зийнатларни сотиб, саркарда мадади 6-н кўшк қурдиради. Янги туғилган бузоқни ҳар куни бир неча пиллапоё кўшк устига олиб чиқиб, машқ қилдиради. Бир куни тасодиф 6-н кўшк ёнидан ўтиб кетаётган Баҳромга ўз санъатини кўрсатиб, лол қолдиради. Баҳром хатосини англаб етади ва Фитнадан узр сўраб, унга уйланади. Достонда Баҳром саргузашти давомида маликалар қиссалари келтирилади ва қиссахонлик тугагач, Баҳром саргузашти яна давом этаверади.

Яманда уста Симнор томонидан қурилган Хаварнақ қасрида Баҳромнинг еттита шоҳ қизлари даврасида ўтиргани тасвирланган бўлиб, Баҳром бу тасвирни кўриб ҳайратланади ва орадан йиллар ўтгач, бу қасрни ҳаётнинг ўзида ҳам кўришни ниёт қилади. Турли мамлакатлардан маликаларни ўз никоҳига олиб, уларга алоҳида қаср-

лар қурдиради ва шанба кунидан бошлаб жума кунигача ҳафта давомида кечалари улардан қисса тинглайди. Қолипловчи ҳикоя таркибида шу тариха еттита қисса пайдо бўлади. Баҳром шанба куни Фурак исмли Кашмир маликасидан қора либос кийган шоҳ ҳақидаги ҳикоятни, якшанба куни турк маликаси Яғмоноздан Ироқлик канизақфуруш подшоҳ ва унинг гўзал канизини ҳақидаги ҳикоятни, душанба куни зангори қасрда Нозпарини исмли маликадан диёнатли Бинур ва мақтанчоқ Малиҳа ҳақидаги ҳикоятни, славян подшосининг қизи Насринишдан славян подшосининг қизи ва унинг ошиқлари ҳақидаги ҳикоятни, чоршанба куни бешинчи иқлим шоҳининг қизи Озарион айтиб берган мисрлик Моҳин исмли савдогарнинг бошидан кечирган саргузаштлари 6-н боғлиқ ҳикоятни, пайшанба куни сандал қасрда Чин маликаси Хумойдан Хайр ва Шарр ҳақидаги ҳикоятни ва ниҳоят жума куни Баҳром эрон маликаси Дурустийдан олим ва ошиқ йигит ҳақидаги ҳикоятни тинглайди. Бу орада Баҳромнинг айш-ишратга берилгани ва давлат ишларини унутиб қўйганидан фойдаланган Рост Равшан исмли вазири бош саркарда 6-н тил бириктириб, халққа зулм ўтказди, хазинани талаб, мамлакатни вайрона ҳолга келтиради. Баҳром бу ҳақда билгач, вазирни халқ олдида қатл эттиради, мамлакатни тиклайди ва адолат ўрнатади, Рост Равшан қамаган маҳбусларни озод қилади. Достонда етти қиссадан сўнг ноҳақ қамалган етти маҳбус ҳикояси ҳам келтирилган. Воқеалар сўнггида Баҳром овга чиқиб, бир кийикнинг орқасидан гўрга кириб кетади ва қайтиб чиқмайди. Мулозимлари уни излаб гўрга кирганларида: “Орқангизга қайтиб кетаверинг, шоҳларингиз қайтиб чиқмайди, у иш 6-н банд” деган овоз эшитилади. Достон шоҳ Алоуддин Кўрпа Арслон мадҳи 6-н якунланади. “Ҳ.” аруз тизимининг ҳафиф баҳрида яратилган. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони Низомий достонига татаббуъ сифатида ёзилган. Навоий ўз достонининг салафларга бағишланган 6-бобида, шунингдек, салафлар достонларига мулоҳаза билдирилган 8-бобда “Ҳ.”ни тилга олган.

ҲАФТ ПАЙКАР II – Ашраф Мароғий “Хамса”сидаги тўртинчи дostonнинг Алишер Навоий томонидан “Муҳокамат ул-луғатайн”да келтирилган номи (қ.: *Ҳафт авранг II*).

“ҲАШТ БЕҲИШТ” (“Саккиз жаннат”) – Хусрав Деҳлавий “Хамса”сидаги тўртинчи дoston. 1302 й.да ёзилган, ҳажман 3352 байтни ўз ичига олади. Дoston Низомийнинг “Ҳафт пайкар” асарига татабуъ тарзида яратилган бўлиб, анъанавий муқаддима б-н бошланади. Дostonнинг муқаддимаси етти боб, яқунловчи қисми эса бир бобдан иборат бўлиб, умумий боблар сони саккизта, бу бевосита асар номи б-н боғлиқлик касб этади. Деҳлавийнинг борлиқни англаш ҳақидаги асосий ғоялари ана шу саккиз бобда ўз аксини топган. Асосий қисмининг дастлабки бобларида Баҳромнинг тахтга ўтириши, овни севиши ва Дилоромнинг тарихи б-н боғлиқ воқеалар тасвирланади. Кейинги бобларда машҳур ов можароси келтирилади: Дилоромнинг талабига кўра Баҳром кийиклардан бирининг шохини ўқ б-н отиб, иккинчи кийикка ўрнатади ва Дилоромдан мақтов кутади. Лекин Дилором бундан ҳам яхшироқ маҳорат кўрсатиш мумкинлигини айтгач, Баҳром ғазабланиб қизнинг бир ўзини жазирама саҳрода қолдириб кетади. Дилоромни бир дарвеш ўзига қиз қилиб олади ва уни уқитиб, ўз даврининг турли билим ва ҳунарларини ўргатади, айниқса мусиқа ва санъаткорликда тенгсиз қилиб тарбиялайди. Беназир мусиқачи ва санъаткор ҳақидаги хабар Баҳромнинг қулоғига етиб боради ва у Дилоромни сотиб олиш учун қизнинг олдига келади. Дилором юзини яширган ҳолда санъатини намойиш қилади. Баҳром унинг маҳоратидан ҳайратланади, лекин бунини сездирмайди. Шунда Дилором унга бўлиб ўтган воқеани эслатади. Баҳром Дилоромни таниб, уни ўз саройига олиб кетади. Баҳром Дилоромга етишгач, яна айш-ишратга берилиб кетади ва салтанат ишларини унутади. Яман шоҳи Нуъмон ҳаддан ташқари овга берилиб кетган Баҳромни пойтахтга қайтариш учун уста бинокор Шидга етти рангда қаср қуришни буюради. Етти қасрга етти иқлим шохининг қизларини жойлаштирадидлар. Баҳром ҳаф-

танинг етти кунда ушбу қасрлардан бирига кириб, маликалардан хикоя тинглайди. Дostonда келтирилган ушбу ҳикояларнинг сюжети учун қадимги ҳинд адабиёти ёдгорликлари асос вазифасини ўтаган. Баҳром шанба кун қора қасрда Сарандиб шоҳи ва унинг уч оқил ўғли б-н боғлиқ ҳикоятни, якшанба кун олтинранг қасрда уста Ҳасан заргар ҳақидаги ҳикоятни, душанба кун яшил қасрда ҳиндистонлик меҳмондўст подшоҳ ва унинг диёнатсиз вазири ҳақидаги ҳикоятни, сешанба кун лаъл қасрда мултонлик шаҳар ҳокими ва қизил либос кийган қиз ҳақидаги ҳикоятни, чоршанба кун румлик савдогар ва унинг қизиққон ўғли ҳақидаги ҳикоятни (бу ҳикоят мазмунан Низомий дostonидаги 1-ҳикоятга ўхшаб кетади), пайшанба кун сандал қасрда яманлик подшо ва унинг туҳматга учраган Ром исмли ўғли ҳақидаги ҳикоятни ва жума кун подшоҳ ва унинг тўрт хотини ҳақидаги ҳикоятни тинглайди. Дostonда етти ҳикоя баёнидан сўнг Баҳромнинг овга чиқиши тасвирланган. Баҳром ов вақтида кийикни қувиб кетаётганида қудуққа тушиб, ғойиб бўлади. Мулозимлари уни қанча кидирсалар-да, топа олмайдилар. Дostonдан келиб чиқадиган хулосага кўра, Баҳром номуносиб шоҳ бўлганлиги учун нафсининг қурбонига айланиб, ҳалокатга юз тутади. “Х.” Низомий дostonи сингари аруз тизимининг хафиф баҳрида яратилган. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” дostonининг салафларга бағишланган 6-бобида, шунингдек ўзигача ушбу мавзуда яратилган дostonларга мулоҳаза билдирилган 8-бобда “Х.”ни тилга олган.

ҲИДОЯТ ҚУШЛАРИ – мажозан: солиқнинг қалбига тўғри йўлга бошлаш нурини солувчи фаришталар.

Ёшингни дона, бағрингни

су қалқим, тутти фақр аҳли

Ҳидоят қушларин бу

донаву су бирла ром айлаб.

(“Ғаройиб ус-сигар”, 59-ғазал)

ҲИЖОБ (ар.) – парда, тўсик. Толибнинг мақсадга етиш йўлида учрайдиган тўсиқлар. Ҳужвирий Ҳ. икки хил булади дейди: биринчиси райний Ҳ. бўлиб, бундай

Ҳ. ўртадан кўтарилмайди. Иккинчиси – гайний Ҳ. эса саъй-ҳаракат ва илоҳий иноят туфайли орадан кўтарилиши мумкин. Райний Ҳ. – ўз зотига кўра Ҳақ таолога етишмоққа тўсиқ бўладиган нарсалардан иборат бўлиб, дунёдан имонсиз ўтиш тақдир қилинган кимсаларга нисбатан қўлланилади. Гайний Ҳ. эса ботин олами имон нуридан баҳраманд, аммо айрим ношойиста ҳислатлар ва ёмон одатлари туфайли Ҳаққа етишмоққа имкон тополмаётган одамларда учрайди. Мустамлий Вухорий эса Ҳ. тўрт хил бўлади дейди: дунё, нафс, халқ ва шайтон. Дунё – охираат Ҳ.и, халқ – тоат-ибодатнинг Ҳ.и, нафс – Ҳақ таолонинг Ҳ.и, шайтон – диннинг Ҳ.идир. Бу тўрт Ҳ. орадан кўтарилмагунча, маърифат нури кўнгилда намоён бўлмайди. Нажмиддин Розий умумий тарзда Ҳақ таоло дийдорига тўсиқ бўладиган барча нарсаларни Ҳ. деб ҳисоблайди.

“Насойим ул-муҳаббат”да берилишича, Абубакр Тамастоний нафсни Ҳаққа етишмоқ йўлидаги энг улуг Ҳ. деб ҳисоблаган. Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Абдурахмон Розий дунё деганда, банда ва Тангри таоло ўртасида Ҳ. бўладиган нарсаларни тушунишни, бу Ҳ.ни маърифатгина орадан кўтариши мумкинлигини таъкидлаган. Абулҳасан Харақоний Ҳақ таоло зотидан ўзга барча нарсаларни Ҳ. деб билган.

Ўзлугининг ҳижобидин

кимки ўзин халос этар.

Ўзга кайнки солса кўз,

мумкин эмас ҳижоб анга.

ҲИЖРОНИЙ АЛИ (15–16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик намояндаси. Хондамир Ҳ.А.ни Навоий кутубхонасида ишлаган атоқли хаттотлар қаторида тилга олади ва унга “*Мавлоно Ҳижроний машҳур настаълиқ ёзувчилар жумласидандир, баъзан шеър ёзиш ҳам хотирига келиб туради*” деб баҳо беради. Ҳ.А. кўчирган ва ҳозирча фанда маълум бўлган яккаю-ягона қўлёзма Навоий қўлلىётидир. Бу қўлёзма Париждаги Франция Миллий кутубхонасида Suppl. turc. 316 ва 317 рақамлари остида сақланади. Котиб қўлلىётни 1526–27 й. Ҳиротда кўчириб тугаллаган. Қўлёзмада-

ги асарлар сўнггида котиб ўз исмини “Али Ҳижроний” шаклида тўлиқ қайд этади. Қўлلىёт қўлёзмаси Парижга бориб тушгач, ундан фойдаланиш қулай бўлсин учун икки жилдга ажратиб чарм муқова қилинган ва алоҳида-алоҳида инв. рақами қўйилган. Ҳар икки жилд 876 варақдан иборат бўлиб, унинг улчови 272x386 ммдан иборат. Қўлёзма таркибига Навоийнинг 26 асари, “Ҳамса” дostonларига ишланган олти тара расм киритилган. Қўлلىёт хати, жадваллари, бадиий безаклари жиҳатидан нафис китобат санъатининг ноҳир намунасидир. Бу қўлلىётнинг тўлиқ фотонусхаси ТошДШИ ШҚМ 3-фондига олинган.

ҲИЗҚИЛ – пайгамбар. Ил (баъзи манбаларда – Дорон) шаҳрининг аҳолисини тавҳидга даъват этган, аммо қавм унинг даъватини қабул қилмаган. Қавмдагилар тоун (ўлат, эпидемия)га мубтало бўлгач, балодан қутулмоқ учун шаҳарни тарк этишди. Йўлда улар осмондан келган ҳайбатли кичқирикдан ҳалок бўлиб, очик ҳавода чириб кетадилар. Ҳ. қавмининг бу аҳволини кўриб, уларни қайта тирилтириш учун Ҳақ таолога ёлвориб дуо қилади. Дуоси қабул бўлиб, қавм қайта тирилади. Шундан кейин қам қавми унга буткул итоат қилмайди. Бу қолдан ранжиган Ҳ. қавмини тарк этиб, Бобулга боради ва ўша ерда вафот этади.

Ҳ. ҳақида “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да маълумот берилган.

Ҳизқил эрди расули покиза сифот,

Мурсал дедилар нубувватин

барча сиқот.

Ўлганлар азарчи дамидин топти ҳаёт,

Ўлмақтин ўзига булмади лек нажот.

ҲИЛОЛИЙ, Мавлоно Бадриддин (15-аср 70-й.лари, Астаробод – 1529, Ҳирот) – шоир, Ҳирот адабий муҳитининг йирик намояндаси. Астарободнинг туркий чигатой(ўзбек)ларидан бўлиб, форс-тожик тилида ижод қилган. Дастлабки таълимни она юртида олиб, 1491 й. Ҳиротга келади ва умрининг охиригача шу ерда фаолият юритади. Чуқур билими ва ноёб истеъдоди туфайли Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий назарига тушади. Уларнинг ҳомийлигида илму ижод б-н шугулланади. Даст-

лаб Ҳилолий (ҳилол – янги ой) таҳаллуси б-н ижод қилади, кейинчалик унинг шеърӣ салоҳияти юксаклигини кўрган Навоӣ унга Бадрий (бадр – тўлин ой) таҳаллусини таклиф қилади. Шундан кейин у ҳар икки таҳаллусда ҳам ижод қилиб, Бадриддин Ҳилолий номи б-н машҳур бўлади.

“Бобурнома”да келтирилишича, Ҳ. кучли хотира соҳиби бўлиб, Низомий ва Амир Хусрав “Хамса”ларини деярли тўлиқ ёд билган. Асосан ғазал жанрида ижод қилган. 1521 й. тузган девонидан 360 ғазал, 32 рубоӣй, 8 қитъа, Котибийнинг “Шутур-ҳужра” қасидасига ёзган назираси, “Шамъ ва фонус” чистони жой олган. Шунингдек, “Шоҳ ва Дарвеш”, “Сифот ул-ошиқин” (1508), “Лайли ва Мажнун” (1522) дostonлари ҳамда қофия илмига оид бир илмий-назарӣ рисола ҳам Ҳ.нинг қаламига мансуб. 1529 й. Убайдуллаҳон фармони б-н Ҳиротнинг Чорусида қатл этилган.

“Мажолис ун-нафоис”да Ҳ.нинг ижодиға юкори баҳо берилиб, қуйидаги байти мисол келтирилган:

*Чунон аз по фиканд имрӯзам
он рафтору қомат ҳам,
Ки фардо барнаҳезам,
балки фардои қиёмат ҳам.*

(Мазмуни: Ул келишган қомату чиройли юриш мени шунчалик оёқдан қолдирдики, эрта уёқда турсин, қиёмат тонгигача ўрнимдан туролмасам керак).

“ҲИЛОЛИЯ” – Алишер Навоӣнинг туркий тилда яратилган қасидаси. “Ҳазойин ул-маоний”нинг “Бадоеъ ул-васат” девонидан ўрин олган. 91 байтдан иборат. Султон Ҳусайн Бойқароға бағишлаб ёзилган бўлиб, тузилишига кўра тўлиқ, мавзусига кўра мадҳ қасида ҳисобланади. Қасида 1469 й.нинг 14-апрелида рамазон ҳайити куни ёзиб тугалланган ва Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши муносабати б-н ўтказилган маросимда шоҳга тақдим этилган. Қасиданинг “Ҳ.” деб аталишига сабаб, шоир Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтиришини янги чиққан ой – ҳилолга қиёс қилади.

Қасиданинг каттагина, яъни учдан икки қисми кириш – насиб ва гуризгоҳдан ташкил топган. “Ҳ.” қуйидаги байт б-н бошланади:

*Чун ниҳон қилди турунжи
меҳр раҳшон талғатин,
Ошкор этти фалак бир
тавқи ғабғаб ҳайғатин.*

Қасидадаги насиб ва гуризгоҳ муайян сюжет асосига қурилган. Унга кўра, шоир ойдin оқномлардан бирида осмонға сайр қилиб, у ерда етти қават фалакда жойлашган сайёралар – Ой, Уторуд, Зухра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зухални учратади. Уларнинг ҳар бири шоҳнинг тахтга ўтириш маросимиға ҳозирлик кўраётган эдилар. Навоӣй котиблар ҳомийси Уторуд ҳузурига борганда, Уторуд унга Ҳусайн Бойқаро мадҳиға бағишланган шеърини ўқиб беради. Унинг матлаъси қуйидагича эди:

*Эй, сенинг қошинг қилиб
зоҳир янги ой хижлатин,
В-эй, юзунг шарманда айлаб
ийди акбар талғатин.*

Ушбу матлаъни эшитган шоирнинг рашқи келиб, ўзининг таъби қувватини кўрсатиб қуйиш мақсадида ушбу матлаъни ўқийди:

*К-эй қошингнинг рашқи
айлаб ҳам янги ой қоматин,
Ийди руҳсоринг қилиб
нобуд байрам зийнатин.*

Уторудни хижолатда қолдирган шоир уйға келиб, шоҳ маросимиға тайёргарлик кўраётган ва уни кутиб ўтирган ёрини учратади. Ёриға ўзи ва Уторуд ёзган шеърларнинг матлаъсини ўқиб беради. Шеърӣ мусобақадан четда қолишни истамаган гузал ҳам қоғоз ва қалам олиб, қуйидаги байтни ёзади:

*К-эй, юзунг зоҳир қилиб
байрам сабоҳи сафватин,
Анда қошинг айлабон
пайдо янги ой ҳайғатин.*

Шоир ҳар учала байтни Ҳусайн Бойқаро ҳукмиға ҳавола қилганда, шоҳ уларни маъқуллайди ва ўзи ҳам ушбу матлаъларға жавоб ёзади:

*К-эй, ҳилолинг майли
айлаб тоқ кўнғлум тоқатин,
Жон бериб, ёд айлагач
ийди висолинг жаннатин.*

Шу б-н насиб ва гуризгоҳ тугаб, қасиданинг асосий қисми – мадҳ бошланади. Мадҳда Ҳусайн Бойқаро “шоҳларнинг шоҳи” деб таърифланиб, Навоӣй ўзи орау қилган сурати шоҳу сийрати дарвеш ҳум-

дорни Хусайн Бойқаро сиймосида кўришни истайди. Унинг адолати, саховати, таъби назми, жанглардаги шижоатини баланд пардаларда тасвирлайди; ташбих, истиора, талмих, муболаға санъатлари воситасида шоҳ тимсолининг бетақрор намунасини яратади. Қасиданинг сўнгги тўрт байти қасд (хотима)ни ўз ичига олиб, унда шоир Хусайн Бойқарога ният билдиради: унга саодатли ва узоқ умр тилайди, янги ой ва ҳайит байрами унинг икки қуллуқ қилувчиси бўлишига умид билдиради. Қасида жанрга хос *аа-ба-ва...* тарзидаги қофияланиш тизимига эга, лекин баъзи ўринлар, хусусан Уторуд, шоир, маъшуқа ва Хусайн Бойқаро тилидан матлаълари келтирилган байтлар *аа* шаклида қофияланган, бу жиҳат бевосита Навоийнинг қасида жанрига киритган янгилигидир.

“Х.” қасидаси Салмон Соважийнинг янги ой таърифида ёзилган қасидалари услубида ва Заҳир Форёбийнинг шу номдаги қасидаси таъсирида ёзилган бўлиб, унда рамал баҳрининг рамали мусаммани маъзуф (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун, - V - - / - V - - / - V - - / - V -*) ваъзи қўлланилган.

ҲИМСИЙ, Абулхайр (ваф. 922) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Суриядаги Ҳимс ш.да туғилган. Бир неча марта таваккул қадами б-н ҳаж зиёратига борган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲИРОТ – Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган шаҳар ва вилоятнинг номи; Алишер Навоий туғилган шаҳар. Мил.ав. 5-асрда бу ерда Артакан (баъзи манбаларда Арийя) шаҳри мавжуд бўлган. Македониялик Александр замонидан бошлаб, Ҳ. минтақанинг муҳим шаҳарларидан бирига айланган. Мўғуллар истилосидан сўнг (1221) буткул вайронага айланган шаҳар 1236 й.дан бошлаб қайта тикланади. 13-14-асрда Ҳ. Қурдлар давлатининг таркибида бўлади. Марв ва Балх шаҳарлари вайронага айланганлиги сабабли, Ҳ. йирик савдо маркази сифатида фаолият юрита бошлайди. Амир Темур

Ҳиротни фатҳ этганидан сўнг (1381) бу шаҳар Хуросоннинг энг йирик маркази, Шохрух Мирзо замонидан бошлаб, Хуросондаги Темурийларнинг пойтахти сифатида ривожланади.

Ҳ.нинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти Султон Хусайн Бойқаро даврига тўғри келади. Бобурнинг гувоҳлик беришича, бу даврда Ҳ.даги ҳар бир киши ўз соҳаси бўйича ихтиролар қилиш ва ҳунарини камолга етказиш ҳаракатида бўлган. Навоийнинг бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли бунёд этилган масжид ва мадрасалар, работ ва ҳаммомлар, шифохона ва хонақоҳлар, мақбара ва зиёратгоҳлар, ҳовуз ва боғлар Ҳ.нинг кўркига кўрк бағишлаган.

Навоий Ҳ. шаҳри тақдирига боғлиқ ҳарбий-сиёсий жараёнларда ҳам фаол қатнашган. Хондамирда келтирилишича, Султон Хусайн Бойқаро Ёдгор Муҳаммад Мирзодан Ҳиротни қайтариб олиш учун қилган ҳарбий гадбирда (1470), Боғи Зоғонда Ёдгор Мирзони қўлга олишда бевосита Навоийнинг ўзи қатнашган. Султон Хусайн Бойқаро Балхга юриш (1472) қилган пайтда Ҳ.да Мирзо Абулхайр исён кўтаради. Навоий ушбу исённи бостириб, подшоҳ келгунига қадар Мирзо Абулхайрни Ихтиёриддин қалъасидаги зиндонда сақлайди. 1500 й. Султон Хусайн Бойқаронинг Астрободга, ўғли Муҳаммад Хусайн Мирзо исёнини бостириш учун кетганидан фойдаланмоқчи бўлган Бадиуззамон ва Зуннун Арғун бошчилигидаги бир гуруҳ беклар Ҳ.га ҳужум қиладилар. Навоий бу даврда расман истеъфода бўлганига қарамай, шаҳар ҳокими Муҳаммад Валибек б-н бирга Ҳ.ни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради ҳамда султон келгунча шаҳарни ҳужумдан сақлайди. Шунингдек, ўша йили Ҳ. шаҳри аҳолисига солинган 100 минг динор қўшимча солиқни ўз ҳисобидан тўлаб, халқнинг олқиши ва раҳматига сазовор бўлган.

Ҳ. “Хазойин ул-маоний”нинг 4 девонида, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Вақфия”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларида турли муносабатлар б-н тилга олинади. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асирида Ҳ.нинг барпо бўлиш тарихи Искандарга боғлаб талқин қилинади. “Садди

Искандарий”да Искандарнинг жаҳонгирлиги адолат ва оқилона сиёсат туфайли амалга ошгани, Искандар эгалланган юртларга бошқинчи сифатида эмас, балки ободончиликни кўзлаган ҳукмдор сифатида қадам қўйгани, жаҳонгирлиги давомида кўплаб шаҳарлар, жумладан, Ҳ. шаҳрини бунёд этганини қайд этади:

*Хуросон ҳавосида топқач ҳаёт,
Ясаб анда шахре нечукким Ҳирот.
("Садди Искандарий", 23-боб)*

“Ҳайрат ул-аброр”нинг 19-мақолатида Навоий Хуросонни Ер юзининг кўкси, Ҳ.ни эса Ернинг юраги деб таърифлайди ҳамда Ҳ.даги ободончилик, маъмурлик, фаровонлик ва тараққиётни муҳаббат б-н тасвирлайди:

*Анга жаҳон кўкси келибдур сифот,
Анда кўнгул хиттаи поки Ҳирот.
("Ҳайрат ул-аброр", 53-боб)*

ХИРҚАТ—1) куйиш, ёниш:

*Доғи ишқинг уйладурким
хирқатин ўксуткали,
Ёқса бўлғай устига анинг
начукким жарҳам ўт.
("Бадоеъ ул-васат", 82-ғазал)*

2) куйдириш, ёндириш:

*Биров англағай ҳажр ўти хирқатин
Ким, ул чекмиш ўлғай биров фурқатин.
("Садди Искандарий", 65-боб)*

3) маж.: иситма, таб:

*Ҳар табъки зоти ўлса маҳрур,
Оз хирқат этар танини ранжур.
("Лайли ва Мажнун", 11-боб)*

4) иссиқлик, тафт:

*Дебон эл "Водийи Ҳамим" отин,
Хирқати айлаб они исботин.
("Сабъаи сайёр", 25-боб)*

5) тас-ий истилоҳ. Орифлар талқини бўйича, Ҳ. икки навдир: Нур Ҳ.и ва нор (олов) Ҳ.и. Нур Ҳ.ига дучор бўлган киши зиё таратувчи шамъга айланади. Нор Ҳ.и эса солиқнинг қалбидаги ёмон ва башарий хислатларни ёндириб, кул қилади. Ҳ.— фано йўлига кирган солиқнинг ҳолидан нишондир.

*Шуъла шарҳин тил била қилмас киши,
Куймагунча хирқатин билмас киши.
Ул бир иш таҳқиқидин топти хабар,
Ким бўлуб кул қолмади ондин асар.
("Лисон ут-тайр", 164-боб)*

ҲИШОМ БИН АВДОН – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий ва Ибн Саъдон Муҳаддис б-н мулоқот қилган. Гайбат ва ҳузур мақомига етишган шайхлардан. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲОЖИ АБУЛҲАСАН (15-аср) – зул-лисонайн шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг даставвал илм ўргангани, кейинчалик яхши назмий таъбага эга эканлиги учун шеърият б-н шугулланганлигини айтиб, “Мажолис ун-нафоис”да “Боязид” исмига форсий тилда ёзилган муаммоси ва куйидаги туркий байтини келтиради:

*Келибтур ул гулу бир
хафта туруб борадур,
Бу ўт кўнгулга тушуб
жонни куйдуруб борадур.*

ҲОЖИ КАРИМИДДИН НИМГЎР – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Маломатийлик тариқатининг намояндаси. Қабри бошқаларникидан фарқли ўлароқ текис бўлишини истаб дуо қилганлиги учун ҳамиша ярми бузуқ ҳолатда кўринган. Шу сабабли “Нимгўр” (қабри бузуқ) лақаби б-н машҳур бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҲОЖИ МУҲАММАД ТАБРИЗИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хатотлардан бири. 1530–31 й.да “Лисон ут-тайр”ни Шерозда кўчирган. Бу қўлёзма Англиянинг Оксфорд университетидagi Бодлеян кутубхонасида Оч 195-рақами остида сақланади.

ҲОЖИ ШАЙХ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Юсуф Шайхнинг ўғли. Туркий қавмга мансуб арлот ва тархон улусларининг шайхи. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҲОЖИБ (ар.) – пардадор, беркитувчи. Мумтоз шеър унсурларидан бири. Шеърий мисраларда қофиядан олдин айнан такрорланиб келувчи сўз ёки сўзлар қўшилмаси. Ҳ. қўлланган шеър маъжуб деб аталади. Мумтоз поэтикага доир манбаларда Ҳ.нинг бир маънода қўлланилиши зарурий шартлардан ҳисобланган.

Алишер Навоий ижодида Ҳ. кўпроқ “Ҳамса” таркибидаги дostonларда қўлланилган. Масалан, “Лайли ва Мажнун” дostonидан олинган

Чек айнима ишқ тўтиёсин,

Ур қалбима ишқ кимиёсин! –

байтида “ишқ” сўзи ҳожиб бўлиб келган.

ҲОЛ – ирфоний тушунча. Ҳ. – Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нузул бўладиган ва унинг руҳини такомилга етказадиган файзнинг даражаси. Ҳ. бир лаҳзалик, ўткинчи ва доимий бўлиши мумкин. Доимий Ҳ. – Ҳ.нинг юксак даражаси.

Айрим орифларнинг ақидасига кўра, мақомот даражаларини бир-бир эгаллаб, муваффақиятга эришган солиқ Ҳ. мартабасига етади ва тасаввур-тахайюлда илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбни завқ шавқ камраб олади. У шундай бир ҳолатга кўтариладики, бутун аъзоси Аллоҳ дейдиган, ҳар нафаси буюк Тангрининг борлигидан хабар берадиган бўлади. Бошқа бир талқинга кўра, Ҳ. мартабаси мақомотдан кейин келадиган руҳий хусусият бўлмасдан, балки мақомларни кетма-кет эгаллаш жараёнида юз беради. Мақом қатъий амалий назорат босқичи, ажзу изтиробнинг чуқурлашиб, кучайиб боришини англатса, Ҳ. – руҳий тараққиётнинг натижа-ҳосиласини билдиради; солиқда ўзга ҳолатнинг, ўзга руҳий кайфиятнинг юзланишидан хабар бериб туради. Ҳ. – ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чакмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. Ҳ. ўзи б-н бирга қувонч, сурур, тараб, завқ ёки аксинча маҳзунлик, ториқиш, соғинч кайфиятини юзага келтиради. Ўрни қисқа муддатли руҳланиш, порлаш қувонч ва сурурга сабаб бўлса, порлаш ўтиб кетгандан кейин маҳзунлик пайдо бўлади. Ҳ.да ортга қайтиш йўқ, узгариш фақат олдинга қараб со-

дир бўлади. Ҳ. руҳият б-н боғлиқ бўлгани учун у тас.да махсус илм – илми Ҳ. орқали ўрганилган.

Ҳ.ни сазъ-ҳаракат, таълим-таҳсил б-н қўлга киритиб бўлмайди, чунки Ҳ. – атоий Худодир, ғайбдан келган тухфа-неъматдир. Мақомга эса таълим-таҳсил, жидду жаҳд б-н эришса бўлади.

Ҳ.нинг тасниф-таърифга келтирилган босқичлари мавжуд. Улар: 1) Қурб; 2) Муҳаббат; 3) Шавқ; 4) Унс; 5) Мужоҳида; 6) Мушоҳида; 7) Муқошифа. Бу мартаба-манзилларнинг кетма-кетлик тартиби шартли, негаки бу ҳолатлар солиқда навбатма-навбат юз бериши ҳам, ёинки бирданга бир неча ҳислат соҳибига айланиши ҳам мумкин. Тарихат мақомотлари ва Ҳ. мартабалари орасидаги алоқалар ҳам худди шундай шартлилиқ касб этади. Айрим манбаларда хавф, рижо каби мақомлар ҳам Ҳ.нинг мартабаси сифатида кўрсатилган.

Жунайид дебдурки, илмнинг важду ҳолга голиб бўлиши важду ҳолнинг илмга голиб бўлишидан яхшироқдур.

(“Насойим ул-муҳаббат”, 80-фасл)

“ҲОЛОТИ ПАҲЛАВОН МУҲАММАД”

– Алишер Навоийнинг манокиб ҳолат жанрида яратилган асари. Йирик олим, санъат ва маданият арбоби, Навоийнинг дустии, ота мақомидаги инсон Паҳлавон Муҳаммадга бағишлаб ёзилган. Асарда Паҳлавон Муҳаммаднинг эзгу амаллари, барчага бирдек ёқимли феъл-атвори, кучли иқтидори ва салоҳияти ҳақида сўз боради.

Асар фалакнинг бевафолиги, дунёнинг ўткинчилиги ҳақидаги рубоий б-н бошланади. Навоий Паҳлавон Муҳаммад ҳақида сўз бошлар экан, унинг таърифида бетакрор сўз ўйинларидан фойдаланади, “жаҳон” ва “паҳлавон” сўзларини турли шакл ва кўрнишларда қўллаб, ажойиб ташбеҳлар яратади: “жаҳондаги паҳлавонларнинг паҳлавони жаҳони ва паҳлавонлиг жаҳонининг жаҳон паҳлавони...” Навоий паҳлавонлик унга насаб орқали ўтганлиги, тоғаси Паҳлавон Абусаид ўз даврининг беназир паҳлавони бўлганлиги ва Паҳлавон Муҳаммад кўраш тушишни шу тоғасидан ўрганганлиги ҳақида маълумот беради, унинг жисмоний жиҳатдан забардаст ва кучли бўлиш б-н

бирга илму ҳунарда, фан соҳасининг турли тармоқларида кучли билимга эга бўлганлигини таъкидлайди; мусиқа, тиббиёт, шеърят, қофия, аруз, бадиий санъатлар, илми нужум (астрономия), фикҳда ўз замонасининг нодир кишии эканлигини айтиб ўтади. Айниқса, Паҳлавон Муҳаммад мусиқа борасида жуда иқтидорли бўлиб, бир неча ғазалларга куй боғлаган эди. Масалан, унинг Устод Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафойи Самарқандий, Хожа Юсуф Андижоний каби моҳир созанда ва бастакорларнинг асарлари йўлида яратган куйлари тингловчилар томонидан илиқ кутиб олинган, ҳатто унинг созандалик маҳорати юксакроқ ҳамда овози ғоят ёқимли бўлганлиги учун улардан кўпроқ шуҳрат тутган. Айниқса, Паҳлавон Муҳаммаднинг Мир Бузург Термизийга бағишланган ва Мавлоно Тўғий шеъри б-н айтиладиган “Чаҳоргоҳ” куйи бутун Хуросонда, ҳатто Самарқанд ва Ироқда ҳам бағоят машҳур бўлиб, уни куйламаган бирор ҳофиз бўлмаган.

Паҳлавон Муҳаммад муаммо илми борасида ҳам тенгсиз бўлиб, “Қуштигир” тахаллуси б-н бир қанча муаммолар яратган. Навоий унинг Ҳофиз Шерозий девонидан муаммо йўли б-н “Али”, “Амин” ва “Тақий” исмига чиқарган байтларини келтиради. “Ҳ.”да Паҳлавон Муҳаммаднинг Навоийга жавоб тариқасида юборган икки рубойийси келтирилганки, Навоий ғоят камтарлик юзасидан ўз номини атамай, бу рубойилар Паҳлавоннинг “баъзи ёронларига” юборилган эди, деб ёзади. Улардан бири Навоий Астарободда эканлигида ёзилган:

Гар жон ажалам зи тани ношод барад,

Ҳошо ки маро меҳри ту аз ёд барад.

Хоҳам ки шавам хок маро бод барад,

Бошад ки ба сўи Астаробод барад.

(Мазмуни: агар ажал ношод танимдан жонни олса ҳам, асло меҳрингни менинг ёдимдан ола олмайди. Хоҳлайманки, тупроқ бўлсаму уни шамол олиб кетса, шундай бўлсаки, уни Астаробод томонга элтса).

Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг яхши қитъалари ҳам борлигини айтиб, улардан бирининг ёзилиш тарихини ҳам келтиради. Унга кўра, Паҳлавон Муҳаммад “Султоний” ариғи ёқасида бир кўркам лангар

(йўловчилар кўниб ўтадиган жой) қурдиради. Бир куни султон Ҳусайн Бойқаро ордан қайтишда лангарда дам олмоқчи бўлади, лекин Паҳлавон Муҳаммад ўша дамда бошқа жойда бўлади ва подшоҳни кутиб ололмайди. Шунда султондан узр сўраб, куйидаги қитъани ёзади:

Такъяи моро шараф бизгаишт

аз чархи барин,

По ба рў афканда соя сояи парвардигор,

Гарчи гардун атласи

худ кард пойандози шоҳ,

Кош ман мебудаме

то жони худ карди нисор.

(Парвардигорнинг сояси такъямга ўз соясини солиб, унинг шарафини баланд осмондан ҳам юксалтириб юборди. Гарчи осмон ўз атласини шоҳга пояндоз қилган бўлса-да, қошки ўзим бор бўлсайдим, жонимни нисор қилардим).

Шунингдек, асарда Паҳлавон Муҳаммаднинг бир маснавийси тарихи ҳам келтирилган бўлиб, унга кўра Паҳлавоннинг ёшлиқдан тарбиялаган ва фарзанди мақомида кадрлаган бир шогирди уни кексайган чоғида ташлаб кетади. Паҳлавон бу ҳолдан қаттиқ ранжийди, лекин ҳеч кимга билдирмайди. Навоий “ҳеч навъ махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурун бўлғай”, деб ёзар экан, Паҳлавон Муҳаммаднинг уни энг яқин сирдоши ва маҳрами сифатида кадрлаганидан фарҳангади. Паҳлавон Муҳаммад ўз изтиробларини маснавий шаклида қоғозга туширади ва Навоийга ўқиб беради.

Паҳлавон Муҳаммад ғоят қушахлоқ инсон бўлиб, уни Ҳиротдаги барча ижтимоий табақа кишилари ва барча дин вакиллари яхши кўриб, ҳурмат қилганлар: “Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳлуллоҳдин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди”. Паҳлавоннинг саҳийлиги, тантилиги ва меҳмондўстлиги шу даражада эдики, унинг уйи кеча-кундуз одамлар б-н тўла, турли таомлар, ноз-неъматлар ҳамиша тайёр, кибор аҳлидан то фақир мусофиргача бу неъматлардан баҳраманд эди. Айниқса, мусофирларга йўл харажатлари, либослар, от-уловларига арпа ва сомонгача берилар эди.

Паҳлавон Муҳаммад султон ва подшоҳ-зодалар ҳузурида ҳам юксак мавқега эга бўлиб, Ҳусайн Бойқаронинг бирор мажлиси унинг иштирокисиз ўтмаган. Навоий уни “содоту машойих ва уламою фуқаронинг маҳбуб ул-қулуби эрди” деб таърифлар экан, халойиқ ва сарой аҳли учун Паҳлавоннинг суҳбати наврӯз ва байрам каби суюкли эди, деб ёзади.

Навоий Паҳлавон Муҳаммад б-н боғлиқ хотираларини эслаш асносида Абу Саид Мирзо даврида Машҳадда бўлган қизикарли воқеани келтиради. Мафосил (бод, ревматизм) б-н оғриган ёш Алишер Навоийни табиб Мавлоно Абдуссалом Шерозий муолажа қилиб, даволаш усули сифатида уқалашни тавсия қилади. Паҳлавон Муҳаммад ҳам уша пайтда Машҳадда эди. У табибликдан яхши хабардор бўлганлиги учун Навоийга меҳрибонлик кўрсатиб, бу ишни ўзи бажаришини айтади ва суҳбат орасида ёш шоирдан туркий ижодкорларнинг қайси бирини кўпроқ маъқул кўришини сўрайди. Навоий аввалига барча шоирларни ҳурмат қилишини айтади. Лекин Паҳлавон Муҳаммад улар орасида тафовут бор, тақаллуфни қўйиб, ўзингга энг маъқулини айт, деб туриб олгач, Навоий: “Лутфий бу қавмнинг устоди”, дея жавоб беради. Шунда Паҳлавон Муҳаммад нега Сайид Насимийни эсга олмаганлигини сўрайди. Алишер Навоий Лутфийнинг мажоз йусинида шеър айтишини, Насимийнинг шеърлари эса ҳақиқат тариқида битилганлигини айтади. Шунда Паҳлавон Муҳаммад Насимийнинг шеър-ияти зоҳиран мажоз, маъно жиҳатидан эса ҳақиқат йусинидадир дейди ва шу куни Навоий томонидан тонгда ёзилиб, қали қеч кимга кўрсатилмаган ғазални ёддан ўқийди ва мақъадаги “Навоий” таҳаллуси ўрнига “Насимий”ни қўяди:

Гар Навоий сиймбарлар

васлин истаб курса ранж,

Йўк ажаб, невчунки,

хом этган тамағ ранжур эрур.

Навоий бу ҳолдан ҳайратга тушади. Ғазал ёзилган қоғозини текшириб кўради, қоғоз ўз жойида турган эди. Эртаси тонгда Паҳлавон Муҳаммад уч-тўрт кишини етаклаб келиб, бу ғазални ўн икки йил бурун Абулқосим Бобур мажлисида “тинглаб, ёд

олганини” исботлаш учун уларни гувоҳ қилади. Улар ҳам бу ғазални ўша мажлисдан эшитганмиз, деб ғазални ёддан айтиб берадилар. Навоийнинг ҳайрати янада ортади... Кейинчалик маълум бўладики, Паҳлавон Муҳаммад шу куни ёш шоирнинг либосларини кучоқлаётиб, янги ғазални олиб ёд олади ва яна жойига қўяди. Сўнг эса юқорида кўриб ўтилган ҳолатни уюштиради.

Навоий ва Паҳлавон Муҳаммад қирк йил давомида дўсту ҳамсуҳбат бўлганлар: “Қирк йилга яқин бу фақир била мусоҳиби жоний, маҳрами рози пинҳоний эрди”. Навоийнинг ёзишича, ким агар у зотнинг ўзига бўлган муносабатини ўз ҳолича мулоҳаза қилиб кўрса, ундан яқинроқ ва мулойимроқ дўсти ва суҳбатдоши йўқлигига ишонч ҳосил қилади.

Асар сўнггида Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг вафот этганини чуқур алам ва гам б-н тасвирлайди: Бир куни Паҳлавон Муҳаммаднинг тўсатдан аҳволи оғирлашиб қолади, шогирдларидан бири бу хабарни Навоийга етказди. Навоий ўз ҳузурида бўлган мавлоно Абдулхай ва Мавлоно Нуриддинни дарҳол унинг ёнига жўнатади, лекин фурсат ўтган, Паҳлавон бандаликни бажо келтирган эди. Паҳлавон Муҳаммад Султон Ҳусайн Бойқаро унинг учун атаб махсус қурдирган Неъматободдаги даҳмага дафн этилади. Шоҳнинг ўзи катта маросим ўтказди. Шоир унинг хотирасига бағишлаб ёзган таъриҳида Паҳлавоннинг вафоти саваси “баъди Маҳдуми ба як сол” (“Маҳдумдан бир йил кейин”) таърих моддаси б-н аниқланишини айтади. Чунки Паҳлавон Муҳаммад маҳдуми нуран – Абдурахмон Жомийдан бир йил ўтиб, бу фоний дунёни тарк этган эди. Абжад ҳисобида бу ҳижрий 899, милодий 1493 й.ни билдиради. Асар Паҳлавон Муҳаммад руҳига дуо тарзида ёзилган тарона рубоий б-н якунланади.

Алишер Навоийнинг “Ҳ.” рисоласи меуар-биографик жанрнинг бетакрор намунаси бўлиш б-н бирга 15-асрдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёт ҳақида хабар берувчи, шунингдек шоирнинг замондошлари, унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир муҳим маълумотларни ўзида акс эттирувчи муҳим манба сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Ас.: Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1999, 15-ж; Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 10-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

“ҲОЛОТИ САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР” – Алишер Навоийнинг маноқиб ҳолот жанрида яратилган асари. Шоирнинг устози ва дўсти, ота мақомидаги инсони Сайид Ҳасан Ардашерга бағишлаб, унинг вафотидан икки йил кейин – 1490-91 й.ларда ёзилган. Алишер Навоий Сайид Ҳасан Ардашер б-н биринчи марта 14-15 ёшларида танишган. Шоирнинг бу зотга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром б-н қараганлигини йигитлик даврида унга бағишлаб шеърый мактуб – маснавий битганлиги, унинг номини “Мажolis ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларига киритганлиги, “Ҳазойин ул-маоний”даги таркиббанд-марсияни буюк зот вафотига бағишлаганлиги, “Соқийнома”да унинг номини алоҳида эслаб ўтганлиги ҳам яққол намён қилади.

Асар Навоийнинг насими қудс (поклик шабадаси)га бу дунёни тарк этган дўстлар қабристонига бориб, ер ўпиб, ундан салом етказишини сўраб қилган илтижоси б-н бошланади. Ушбу мурожаат тарона рубоий шаклида ифодаланган. Навоий дастлаб Сайид Ҳасан Ардашернинг отаси ҳақида маълумот бериб, унинг Шохрух ўгли Войсунғур мирзо саройида қушчилик касби б-н шуғулланганлигини, кейинчалик меҳнат ва маҳорати туфайли қушбеги лавозимигача кўтарилганлигини айтади. Сайид Ҳасан Ардашернинг ўзи ҳам отаси сингари Войсунғур Мирзо хизматида бўлиб, кичик ёшдан ўз табъи ва билими б-н атрофдагилар эътиборини қозонади. Навоий унинг сарф (морфология), наҳв (синтаксис), луғат, араб тили, мантиқ, калом (эътиқод илми), фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), ҳадис, тафсир (Қуръон оятлари шарҳи), муаммо ва таърих илми, нужум илми (астрономия), адвор (муסיқа назарияси) соҳаларида мукамал билимга эга бўлса-да, ғоят камтарлик ва одоб юзасидан мажлисларда сукут сақлаб ўтиришини

чуқур ҳурмат б-н қайд этади. Войсунғур Мирзо унинг феъл-саҳиясини ниҳоятда қадрлаган ва ҳатто ўз ўғилларига ибрат қилиб кўрсатган: “На бўлғай сенинг афъол ва хисолинг ҳам фалонийга ўхшаса эрди”. Сайид Ҳасан саройда ҳарбий амалдор лавозимида бўлган, аммо бу лавозимга рағбат кўрсатмаган. Войсунғур мирзонинг ўғиллари: Алоуддавла Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо ва Абулқосим Бобур Мирзо ҳам ўз ҳукмронликлари даврида Сайид Ҳасанни хизматларига таклиф этадилар, аммо у рози бўлмайди. Таклифлар ҳаддан ошгач, Сайид Ҳасан ўзини “лавандлик ва опшиқнешаликка” уриб, ринди майхўрлар мажлисига қатнайдиغان бўлиб қолади. Унинг табиати ва пок қалби мирзозодаларга шу қадар хуш келганки, улар ортиқча такаллуф ва мулозаматларсиз Сайид Ҳасан Ардашер б-н мусоҳиб бўлишни ўзларига шараф билганлар.

Навоийнинг маълумот беришича, у Сайид Ҳасан Ардашер б-н Султон Иброҳим ҳукмронлиги даврида, 1455-56 й.ларда танишади. Сайид Ҳасан Ардашернинг гўзал хулқи ва феъл-атвори шоирни шу қадар ўзига мафтун этадики, дўстини бир кун кўрмаса, “сабру тоқати қолмайдиган” бўлади.

Сайид Ҳасан Ардашер туркигўй шоирлардан Лутфий ва Муқимий шеърларини, форсигўй иждоқорлардан Хожа Ҳофиз Шерозий “Девон”ини, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарларини севиб мутолаа қилган, ҳатто улардаги аксар байтларни ёд билган. Шунингдек, Муҳаммад Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асари ва Азизиддин Насафий рисоалари ҳам Сайид Ҳасан Ардашернинг сеvimли асарларидан бўлган. “Ҳ.”да келтирилишича, Сайид Ҳасан Навоийни “фақр тариқи” – дарवेशлик сулукига даъват қилган, шеър ёзишга илҳомлантириб турган. Шоирнинг аксар шеърларини ёд олиб, мажлисларда ўқиб юрган. Айниқса, Навоийнинг қуйидаги байтларини тақрорлаб юришни хуш кўрган:

Фурқатингдин зағфарон

узра тўкармен лолалар,

Лолалар эрмаски, бағримдин

эрур парғолалар..

*Лабинг кўргач илигим
тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, тутмай
болни бармоқ ялайдурмен...*

Навоий бу зотни “риндлар шоҳи” деб атар экан, унинг саховат, шифақат, лутфу тавозе, одоб, ҳилм (юмшоқ табиатлилиқ), таҳаммул (сабрлилиқ), дунёга бефарқлик каби бошқа ҳамма риндларга ҳам насиб этавермайдиган кўплаб нодир фазилатлар эгаси бўлганлигини таъкидлайди ва буни бир неча воқеалар мисолида исботлаб беради. Масалан, бир куни бир мажлисда қатнашувчилардан бири:

“Лаъл санг асту деги сангин санг,

Лек андар миён тафовут ҳост”, – деган байтни ўқийди (Мазмуни: тош қозон ҳам тош, лаъл ҳам тош, лекин улар ўртасида тафовут бор). Шунда Сайид Ҳасан ушбу байтни шундай шарҳлайди: “Тош қозон б-н лаъл – иккаласи ҳам тош, аммо орада тафовут бор, яъни тош қозон одамларга нафъ келтиради, лаълдан эса халққа фақат зарар келади”. Навоийнинг ёзишича, бу суҳбат кечаётган пайтда, “Султон Абу Саид Мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳҳусида (кўрқитишда) муболагалар қилиб, анвоий изо ва зарар етказиб эрди. Ва бу байтни ўқугон мажлисда ҳам тош қозонда ош пишур эрди”.

Ҳукмдорлардан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Сайид Ҳасан Ардашерни жуда чуқур ҳурмат қилиб, унинг саройда бирор мансабни эгаллашини хоҳлаган ва подшоҳона эҳтиром ҳамда дарвешона муомала б-н унинг кўнглини олишга эришган. Сайид Ҳасан ниҳоят подшо амрига кўниб, мусташорлик, яъни сарой маслаҳатчиси лавозимини қабул қилади. У ушбу лавозимда қойим бўлган пайтида халқ ҳам, подшоҳ ҳам унинг тадбири ва ишларидан рози бўлганлар: ...”андоқ судук воқеъ бўлдиким, подшоҳ шокир ва сойир халойиқ ва раоё аларнинг зикри хайрига зокир бўлдилар ва подшо хилватида анису маҳрам ва анжуманда рафиғу ҳамдам эдилар”. Подшоҳ Сайид Ҳасан Ардашерни бош вазир лавозимига тайин қилмоқчи бўлганда, амалдорликни хуш кўрмаган Сайид Ҳасан розилик бермайди ва шоҳнинг раъйини қайтармаслик учунгина лашкарда оддий навкар бў-

либ икки йил хизмат қилади. Султон тез орада Сайид Ҳасан Ардашерга зулм қилатганлигини англайди ва хизматдан озод қилади. Шу куни подшоҳ ҳам, Сайид Ҳасан Ардашер ҳам йиглаб хайрлашадилар. Ҳусайн Бойқаро ўз фарзандларига Сайид Ҳасан Ардашерни ҳамиша ўрнат қилиб кўрсатган.

Сайид Ҳасан Ардашер сарой хизматидан кетгач, Ҳиротнинг машҳур шайхи Мавлоно Муҳаммад Табодгоний ҳузурига боради ва унга мурид тушиб, ўзини тоат-ибодатга, тариқат сулуқини адо этишга бағишлайди. Пирининг раҳбарлигида бир неча марта чилла ўтириб, руҳий-маънавий камолот касб этади. Навоий Сайид Ҳасан Ардашернинг ҳолидан хабар олиш учун хонақоҳга бориб турган. Шоирнинг ёзишича, бир борганида, Сайид Ҳасан “аввалги арбаин”да, яъни биринчи чилла ўтиришида бўлган. Шайх Табодгонийдан устозининг аҳволини сўраганида Табодгоний: халал берманг, “бу кун бир мақомдадурларки, солиқ аввалги арбаинда ул мақомга етса, дарде анинг оллига келурким, агар буқои муфрит (кучли йиғи) юзланса, ишининг гуфторига далолат килур, аларга бу ҳол юзланибдур ва бағоят умидворлиғларедур”, деб жавоб беради. Навоий устозини хилватдан туриб кузатади: Сайид Ҳасан Ардашернинг кўзларидан дувдуд ёш оқар эди. Навоий қаттиқ таъсирланади ва кўзда ёш б-н ортга қайтади.

“Х.”да Сайид Ҳасан Ардашернинг пок эътиқоди, Ҳаққа муҳаббати, Аллоҳнинг тақдирига ҳамиша рози эканлиги таъкидланар экан, яна бир мисол келтирилади. Унга кўра, Сайид Ҳасан Ардашернинг Сайид Муҳаммад исмли ўн тўрт ёшли яккаю ягона ўгли вафот этганида ҳамма ғаму қайғуга тушганида бу зот “Аллоҳнинг иродаси”, дея сабр б-н мусибатни енғади, ҳатто бошқалар, хусусан, уни фарзандидек улғайтирган Навоийга таскин ҳам беради.

Сайид Ҳасан Ардашер ҳажга боришни ният қилар эди, лекин кўп монёъликлар бўлиб бу ниятига эришолмайди. Шунда Самарқандга бориб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатидан баҳраманд бўлади. У ерда бир неча кун бўлиб, яна Ҳиротга қайтиб келади ва ҳижрий 894, милодий 1488/89 й.да етмиш уч ёшида вафот этади. Навоий бу пайт-

да давлат юмушлари б-н Ҳиротдан ташқарида эди. Хабарни эшитиб чуқур қайғуга ботади. Қайтиб келгач, Ҳирот шимолидаги тоғ этагида дўсти ва устози ҳисобланмиш бу зотнинг қabri устига сағана қурдиради. Кейинчалик Сайид Ҳасан Ардашерга дўст ва биродар бўлган бошқа инсонларининг хоклари ҳам бу ерга келтирилиб, шу ерга дафн этилади. Эл орасида бу жой “Азизлар ҳазираси” – “Азиз зотлар хилхонаси” деб ном олади.

Навоий асар якунида Сайид Ҳасан Ардашернинг вафоти санасига бағишланган таърих илова қилади, унга кўра бу сана (894) “Жаннати покаш макон бод” (“Мақони пок жаннатда бўлсин”) жумласида номён бўлади:

Сари хайли фано Сайид Ҳасан рафт,

Ки жои ӯ биҳишти жовидон бод.

Паи он покрав жустанд таърих,

Бигуфтам: “Жаннати покаш макон бод”.

(Мазмуни: Фано оламининг етакчиси Сайид Ҳасан кетди. Унинг жойи мангу жаннат бўлсин! У покиза зот вафотига таърих қидирдилар. Мен “пок жаннат макони бўлғай!” деб таърих туширдим).

“Х.” асари 15-аср мемуар адабиётининг юксак намунаси бўлиш б-н бирга ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёти ҳақида хабар берувчи муҳим манба сифатида ҳам гоят қимматлидир.

Ас.: Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1999, 15-ж; Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 10-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

ҲОМ – Нуҳ пайғамбарнинг ўғли. Фахрий лақаби – Абул-Ҳинд. Ривоятга кўра, отасининг устидан кулиб, қарғишга қолгани учун юзи қора бўлган. Тўққизта – Ҳинд, Синд, Нуба, Канъон, Куш, Қибт, Барбар, Зих, Ҳабаш исмли ўғиллари бўлган. Булардан кўп элат ва қавмлар пайдо бўлиб, бир-бирини тушунмайдиган 18 та тилга асос соладилар. Бухтуннаср ва Намруд Ҳ.нинг Куш исмли ўғлининг авлодларидан бўлган. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Ҳ. ҳақида тарихий манбалардаги

маълумотлар ихтилофли эканлигини таасуф б-н қайд этган. “Муҳокамат ул-луғат-тайн”да ҳинд тили Ҳ. авлодларининг тили эканлиги ҳақида маълумот берган.

ҲОРИС БИН АСАД МУҲОСИВИЙ (782, Басра – 857, Бағдод) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абу Абдуллоҳ. Асли Басра шаҳридан бўлиб, Бағдодда ҳадис ва калом илмидан дарс берган. Расмий уламоларнинг зиндиқлик тухматига учраб, бир муддат Куфа шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлган. Умри охирида Бағдодга келиб, хилватда кун кечирган. Шариат илмлари ва тас. ҳақиқатларини мувофиқлаштирган уламолардан. “Муҳосибия” тариқатининг асосчиси. “Ат-Таваҳхум”, “Бадъун мин инобати илаллоҳ”, “Ар-Риоя ли ҳуқуқиллоҳи ва қиёмун биҳо” каби 17 асари маълум. Унинг фикрлари кейинги аср орифлари, айниқса, Имом Ғаззолий дунёкарашига кучли таъсир кўрсатган. Тас.да саҳв тарафдорларидан бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ҲОРИСИЙ МАККИЙ, Абу Толиб Муҳаммад бин Атийя (ваф. 996) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. “Қут ул-қулуб” китобининг муаллифи. Саҳл бин Абдуллоҳ Марвазийнинг тариқатида бўлган. Шайх Абулҳасан Муҳаммад бин Абу Абдуллоҳ Аҳмад бин Солим Марвазийнинг шогирди. Маккада туғилиб, умрининг охирида Басра ва Бағдодда бўлган. Бағдодда вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲОТАМ, Ҳотами Тоий – саховат ва очикқўллиги б-н машҳур бўлган киши. Тулиқ исми – Хотам бин Абдуллоҳ бин Саъд Тоий. Арабларнинг Тай қабиласидан бўлиб, исломдан олдинги даврда яшаган. Муҳаммад алайҳиссалом Той шарофати б-н унинг авлодини эъвозлашни буюрган. Шарқ шеърлятида Ҳ. номи б-н ҳикоят ва ривоятлар кенг қўлланилган, қисса

ва дostonлар, ҳатто “Ҳотамнома” китоби яратилган.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг карам ва сахийлик ҳақидаги 5-мақолатида Ҳ. ҳақида бир ҳикоят келтиради. Ҳикоятда Ҳ. каби кишиларнинг саховати ва мурувватига кўра тикиб ўтиришдан кўра ўз касби орқасидан кун кўришни афзал билган кишилар ҳиммат бобида Ҳ.дан устун, деган го я илгари сурилади. Навоий Ҳусайн Вайқарони саховат бобида Ҳ.га ўхшатган.

Иллик кирса журук нон,

маош учун чекма

Нашот неъматининг

миннатини Ҳотамдин.

(“Фавоид ул-кибар, 14-қитъа) ”

ҲОТАМ АСАММ (ваф. 851) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунyasi – Абу Абдурахмон. Балхда яшаган. Шақиқ Балхий, Аҳмад Хизравайх, Абу Туроб Нахшабийга устозлик қилган. Термиз яқинидаги Вошжирд шаҳрида 851 й.и вафот этган. Тас.да тўрт ўлим – мавти абяз (оқ ўлим – халқ азиятига сабр қилиш орқали қалбнинг оқ рангга кириши), мавти асвад (қора ўлим – нафсга қарши курашишда нафс гуссага ботиб, қора ранг касб этиши), мавти аҳмар (қизил ўлим – нафсоний хислатлар ўлим топиши сабабли қон рангига кириши), мавти азхар (яшил ўлим – ботин олами хирқа рангидек яшнаши ва илоҳий сифатлар б-н безаниши) ҳақидаги наз-яни илгари сурган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ҲОТИФИЙ, Абдуллоҳ (1454, Жом – 1521) – форс-тожик шоири. Абдурахмон Жомийнинг жияни. Бошланғич таълимни ўзи туғилиб ўсган Жом вилояти Харжард шаҳарчасида олган. Кейин Ҳиротга келиб, Жомий ва Навоий ёрдамида таҳсилни камолга етказган. Ёшлигида истеъдодига ниҳоятда маҳлиё бўлиб, ўзича ҳатто Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларини ҳам менсимаган. Мен фақат Жомийни тан оламан, дер экан. Навоий унинг Жомий асарларини писанд қилишига ҳам шубҳа билдиради. Кейинчалик у Жомий ва

Навоий таъсирида ўзидаги кибру гурурни енгиб, хоксорлик йўлини тутди.

“Хамса” жавобида “Лайли ва Мажнун”, “Ширин ва Хусрав”, “Ҳафт манзар” (“Етти манзара”), “Темурнома”, (“Зафарнома”) ва “Шарафнома” дostonларини ёзган. Дастлабки икки дostonини Навоий номига бағишлаган. Бу ҳақда Бобур шундай дейди: “Абдулло Маснавийгўй “Хамса” муқобаласида маснавийлар айтибтур. “Ҳафт пайкар” муқобаласида айтқон маснавийига “Ҳафт манзар” от кўюбтур. “Искандарнома” муқобаласида “Темурнома” айтибтур. Бу маснавийлардин “Лайли ва Мажнун” машҳурроқтур. Агарчи латофати шухрати-ча йўқтур”. Шарафиддин Роқимий Ҳ. ижоди, хусусан, “Лайли ва Мажнун” дostonига юксак баҳо берган.

Кичик лирик жанрларда ҳам қалам тебратиб, жумладан, ғазал ва рубоийлар ёзган. Ҳ. “Лайли ва Мажнун” дostonининг “Мир Алишер таърифида” деб номланган фаслида Навоийни араб шоири Ҳассон, буюк форс-тожик санъаткорлари Фирдавсий ва Хусрав Деҳлавийларга қиёслаган.

“Ширин ва Хусрав” дostonи муқаддима-сида ҳам Алишер Навоийнинг юксак инсоний фазилатларини улуғлаган. Буюк қудратини Хизр алайҳиссаломга, саховатини Ҳотами Тойга, қаламининг кучини Моний қалами ва Рустами дoston шамширига менгзаган ҳамда ўзининг шундай улуғ инсон б-н замондош ва унга шоғирд эканлигидан фахр-ифтихор туйғуларини изҳор қилган.

ҲОФИЗ АЛИ ЖОМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик адиб ва тасаввуф намояндаси. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг тас. илмида ўз замонасининг “соҳиб камоли”, кироат илмида барча қорилар унинг шоғирди эканликларидан фахрланишларини, ўзи ҳам бу зотдан сабоқ олишга мушарраф бўлганлигини таъкидлайди. Ҳ.Ф.А. *Фариддин Атторнинг* қуйидаги байтига шарҳ битган:

Эй рўй дар кашада ба бозор омада,

Халқе ба-дин тилсим гирифтор омада.

(Мазмуни: Сен юзингни беркитиб бозорга келдинг; халқни бу тилсимга гирифтор

қилдинг). Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ушбу шарҳдан намуна келтирган.

ҲОФИЗ ЖАЛОЛИДДИН МАҲМУД (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир, хаттот ва шайх. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг “Ихлосия” хонақоҳида шайх, “Қудсия” жомеъ масжидида имом ва хатиб, меҳробхон ҳофиз эканлиги, шеърят ва муаммо илми б-н машғуллиги, хаттотликдан ҳам хабардорлиги ҳақида маълумот бериб, буларнинг барчасига “Ихлосия” мадрасасига келгандан кейин тез орада эришганлигини айтиб ўтади. “Мажолис ун-нафоис”да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Масиҳ агар шунавад

як такаллум аз даҳанаш,

Дигар зи шарм набошад

мажоли дам заданаш.

(Мазмуни: Масиҳ агар унинг оғзидан бир оғиз сўз эшитса, уялганидан бошқа дам уришга мажоли ҳам қолмайди).

ҲОФИЗ ЁРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий уни хушсуҳбат ва ширинкаломлиги, қироат илмини яхши билиши, кўп вақтини тиловат б-н ўтказиши, ўзининг Ҳ.Ё. б-н кўп ҳамсуҳбат бўлганлиги ҳақида маълумот беради. “Мажолис ун-нафоис”да унинг инсоф мавзусидаги қуйидаги байти келтирилган:

Гарам бар сар ҳазор

ояд бало, шоистаи онам

Ки, ҳастам бадтарин

аз халқу худро нек медонам.

(Мазмуни: Агар бошимга минглаб бало келса ҳам шунга лойиқман. Халқнинг энг ёмониману, лекин ўзимни яхши деб ҳисоблайман). Ҳ.Ё. Ихлосия мадрасасида вафот этган ва Сафо кўчасидаги қабристонга қўйилган.

ҲОФИЗ МУҲАММАД СУЛТОНШОҲ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир, хаттот ва ҳофиз. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг ҳофиз ва хаттот-

ликдан ташқари тариқат йўлидаги солиқ эканлигини, яхши назмий таъби борлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Шакли ҳилоли абрўят

аз чашми тар нарафт,

Моҳи зи айни баҳр,

бале, сўи бар нарафт.

(Мазмуни: Ҳилол шаклидаги қошларинг намли кўзлардан нари кетмади. Тўғри, балиқ ҳам ҳеч қачон дарёдан қуруқликка чиқмайди).

ҲОФИЗ ШАРБАТИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий уни Хуросоннинг таниқли кишиларидан бири сифатида санаб, хушмуомала, камтар ва юксак ҳулқли киши, хушовозликда замонасининг яғонаси эканлигини айтади. Ҳ.Ш. *Абу Саид Мирзо* Ироқда инқирозга учраганида Маккага бориб, ўша ерда муқим бўлиб қолади. Навоий унинг ёқимли таъбга эга эканлигини айтиб, *Абулқосим Бобур* даврида рўй берган бир воқеани келтиради: бир куни Абулқосим Бобур май ичиб Хиёбонда юрган пайтида шаҳар муфғиси Мавлонзодаи Абҳарий ҳам сархуш ҳолатда унга ҳамроҳлик қилиб келаётган бўлади. Абҳарий Ҳ.Ш.ни кўриб қолиб, қўлида май тўла қадаҳ тутиб бир байт ўқишни буюради. Шунда Ҳ.Ш. қадаҳ тутиб, қуйидаги байтни ўқийди:

Дар даври подшоҳи атобахшу журмпуш.

Ҳофиз қаробакаш шуду муфти пиёлануш.

(Мазмуни: Мурувватли ва гуноҳ ишлари ёпиб кетувчи подшоҳ даврида Ҳофиз соки-ю, муфғий майхўр бўлди). Бу байтни эшитган Абулқосим Бобур Ҳ.Ш. шарафига кўп таҳсин айтади. “Мажолис ун-нафоис”да унинг “Оллоёр” исмига битилган муаммоси ҳам келтирилган.

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ, Хожа Шамсиддин Муҳаммад (1325 – Шероз – 1388) – форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси. Исми Муҳаммад, лақаби Шамсиддин, Ҳофиз – тахаллусидир. Қуръони Каримни тўлиқ ёдлаб, 14 хил қироат билан айтиши сабабли шу тахаллусни танлаган. Имомулҳарамайн Жувайнийдан араб

тили грамматикаси, “Кашшоф” тафсири, ҳадис илмларини, Қози Издуддин Ийжий олдида фикҳ, мантик, адабий илмларни ўзлаштирди. Ҳ.Ш. яшаган даврда Форс ўлкаси нотинч бўлишига қарамай, шоир бир умр ўз она шаҳрида яшаб, фақат бир марта (13-асрнинг 70-й.лари) Язд шаҳрига сафар қилган. Замон ҳукмдорларига мадҳида қасида ва газаллар битган бўлса-да, мадҳияларида сўз қудрати ва шоир қадри шоҳона инъом ва совғалардан устун эканлигини маҳорат б-н таъкидлаб ўтган. Унинг вафотидан 35 йил ўтиб, шогирди Муҳаммад Гуландом лирик меросини жамлаб, девон тузган. Бу девон 495 (айрим нашрларда 575та) газал, “Оҳуйи ваҳший” маснавийси, “Соқийнома”, 4 қасида, 34 қитъа, 41 рубойидан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 4650 байтдан ортиқ шеърӣй меросни жамлаган. Ҳ.Ш. Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирига ҳошия ёзган, аммо бу асар бизгача етиб келмаган. ТошДШИ ШҚМда Амир Хусрав Деҳлавийнинг Ҳ.Ш. кучирган учта достони сақланади.

Жомийнинг гувоҳлик беришича, Ҳ.Ш. нинг газаллари “эъжоз чегарасига яқин” туради. Ҳ.Ш. бирор тариқатга расман кирмаган бўлса-да, ўз газалларида тас-ий маънолар, қуръоний ҳикматлар ва фалсафӣй ҳулосаларни шоирона таъби ва истеъдоди б-н омухта қилиб, мажоз тариқида айни ҳақиқатни айта олган, “лисонулғайб” (ғайб оламнинг таржумони) деган шарафли лақабга сазовор шоир ва мутафаккир ҳисобланади. Шу сабабли, Сайид Қосим Анвор унинг девонини “Форсий Қуръон” дея таъриф бериб, муридлари ва шогирдларига мунтазам унинг газалларини ўқитган.

Навоӣй Ҳ.Ш.ни газалнависликда ўзига устоз деб билган. “Девони Фонӣй”да 231 та газал Ҳ.Ш.нинг газаллари таъсирида (211 та татабуъ, 20 та таврида) ёзилган. “Насоӣм ул-муҳаббат” асарида Ҳ.Ш. валиӣй шоирлар қаторида келтирилган. “Маҳбуб ул-қулуб”да Ҳ.Ш.ни ҳақиқат асрорини мажоз тариқида баён этган шоирлар сирасига киритади. “Муҳокамат ул-луғатайн”да Ҳ.Ш.га “ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафроси Хожа Ҳофиз Шерозӣй” деб таъриф берган. Ҳ.Ш. газалларининг асосӣй тимсоли ринд бўлганлиги боис, Навоӣй бир

неча жойда уни “Ринди Шероз” номи б-н ҳам эслаб, унинг руҳидан мадад истаган:

*Янаки нутқ илаю руҳ ила етурди анга
Фуюзи орифи Жомию ринди Шерозӣй.*

(“Наводир уш-шабоб”, 650-газал)

ҲОФИЗИ САЪД (15-асрнинг биринчи арми) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Қосим Анворнинг муриди. Ҳ.С.нинг номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида Қосим Анвор ва *Мир Маҳдумдан* сўнг тилга олинади. Алишер Навоӣй унинг бетакаллуф ва шўхтабъ киши экани, Ҳирот шаҳрининг майпарааст ва танбал йигитлари б-н улфат тутингани оқибатида номуносиб хулқ-атвор пайдо қилганлиги учун Қосим Анвор уни хонақоҳдан ҳайдаб, ҳужрасини бузишга буюргани ҳақида маълумот беради. Ҳ.С.нинг ушбу муносабат б-н айтган газали матлаъси “Мажолис ун-нафоис”да келтирилган:

Маро дар олами ринди

ба расвои алам карди,

Дилам бурдию жонам

надими сад надам карди

(Мазмуни: Мени риндлик оламида расволикнинг нишонаси қилдинг, дилимни олиб, жонимни юз надоматга қўйдинг).

ҲОШИМИЙ, Абу Яъқуб – “Насоӣм ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Зуннун Мисрий б-н ҳамсуҳбат бўлган. “Насоӣм ул-муҳаббат”да Ҳ. ҳақидаги фаслда Ансорийнинг фикрлари қисқартиб берилган.

ҲОШИМИЙ, Абулхусайн – “Насоӣм ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Футувват намояндаси. Жунайд Бағдодӣй б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоӣй “Насоӣм ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲОШИМИЙ СУЪДИЙ – “Насоӣм ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Самарқанднинг Суъд ҳудудидан, Абу-бакр Варроқнинг шогирди бўлган. Устозининг вафотига қадар ёнида юрган. Навоӣй “Насоӣм ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ХУБ (ар.) – муҳаббат, дўст тутмок. Ҳаддидан ошган Ҳ.ни ишқ деб атайдилар. Ҳ. сўзи Навоий шеърларида Ҳақ таоло ва унинг Ҳабиби – Муҳаммад алайҳиссаломга nisбатан қўлланилган. Оли Ҳ. – Ҳақ йўлидаги ошиқлар маъносини англатади.

Икки оламда, Навоий,

сурхрулуғ истасанг,

Ҳам наби, ҳам оли

ҳуббига дуруст эт интисоб.

(“Фавоид ул-кибар”, 41-ғазал)

ХУББИ ХОЖА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Хоразмда яшаган. Навоий у ҳақда шундай ёзади: “*Анинг авсофи турк ва ўзбек халойиқи орасида андин кўпрак ва машхурроқдирки, шарҳға эҳтиёжи бўлмағай. Йигитликда ўтуббур. Йигитлар сарвари Хубби Хожа дерлар*”. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ХУД – Од қавми пайгамбари. Сом ибн Нуҳнинг авлоди. Қуръони Каримда “Худ” сураси бор. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да берилишича, Худ эллик йил бутпараст бўлган Од қавмини имонга даъват этади. Яширин тарзда имон келтирган санокчи одамлардан ўзга ҳеч ким унинг даъватига кулоқ солмайди. Ҳ. Од қавмини қарғайди. Дуоси мустажоб бўлиб, етти йил қурғоқчилик ва қаҳатчилик офати содир бўлади. Од қавми Маккада қурбонлик қилиб, Худодан ёмғир сўраганида осмонда қора булут пайдо бўлиб, қаттиқ шамол эсади ва Од қавмининг кофирларини ҳалок қилади.

Навоий Ҳамдуллох Муставфийнинг “Тарихи гузида” асарига таяниб, Ҳ.ни 150 йил умр кўрган деб таъкидлайди.

ХУДХУД – “Лисон ут-тайр”даги йўлбошчи қуш, ўттиз қушни Симуруғ даргоҳига бошловчи асосий тимсол.

Сарбасар қушлар алоло қилдилар,

Худхуд атрофинда ғавво қилдилар.

(“Лисон ут-тайр”)

Ушбу тимсолнинг келиб чиқиши Қуръони Каримнинг “Намл” сураси б-н боғланади. Унда Сулаймон пайгамбарнинг Худхуд б-н танишиши ва уни Сабаъ маликасига элчиликка юбориши баён этилган. Шу бо-

бу тимсол форс-тожик ва туркий ад-тда зеҳнли, идрокли қуш сифатида ифодаланади. Ҳ. тимсоли илк бор Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига марказий қаҳрамон сифатида олиб кирилган. Аттордан кейин бу образга Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сининг 1-китобида Сулаймон (а.)нинг Ҳ. б-н танишуви акс эттирилган ҳикоятда мурожаат қилади. Унда Ҳ. оқил ва имонли зот сифатида акс этган.

Ҳ. тимсоли туркий ад-тда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, Носириддин Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё” китобидаги Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом бобида Ҳ.нинг Сулаймон алайҳиссалом б-н мунозараси келтирилган. Қисса Қуръони Карим оятларига асосланган бўлса-да, кўпгина қўшимча деталлар б-н бойитилган. Бунинг натижасида Ҳ. образи ақлли, тадбиркор ва имонли, бироқ анчагина саркаш тимсол сифатида юзага чиққан.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги Ҳ. қушлар мажлисида жой таллашиб, келишимовчиликка борганлари саҳнасида кириб келади. Навоий бошқа салафлари каби Ҳ.нинг улуглигини Сулаймон пайгамбар ва Сабо мамлакати б-н боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Воқеалар ривожига Навоий талқинидаги Ҳ. Аттор Ҳ.и каби қушларни Симуруғ сари сафарга даъват этади. Йул оғирликларига чидолмай, қайтмоқчи бўлган қушлар узрини тинглаб, қаволларига жавоб бериш асносида уларни янгитдан сафарга руҳлантиради. Уларни Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру фано водийлари оша саёҳат қилдиран экан, руҳан чиниқтириб, Симуруғ васли учун восилликка тайёрлайди.

Ҳ. ҳар бир қуш б-н алоҳида равишда суҳбат қураган экан, у б-н Симуруғни боғлаб турган риштадан гап бошлайди ва ана ўша ришта туфайли унинг Симуруғга боғлиқлигини, Симуруғ висолига қараб интилиши даркорлигини тарғиб қилади.

Навоий Қуръони Каримдан илҳомланган салафлари Аттор, Рабғузий, Румий талқинидаги Ҳ. образининг анъанавий асосларини сақлаб қолган ҳолда уни ўзига хос ва ҳаётий талқинлар б-н бойитди. Бу даставвал Ҳ. тимсолнинг шахсиятида намоён бўлади. Яъни у доно, закий ва аслзода (Сулаймоннинг эл-

чиси) бўлганига қарамасдан анча камтарин ва камсуқум. Аттор талқинидаги Ҳ. ўзини-ўзи таърифлаб, Сулаймонга маҳрам бўлганлигини, унинг олдида иззати балад эканлигини таъкидлайди, натижада Ҳақ асроридан хабардорлигини айтади. Навоий эса “Лисон ут-тайр”да бу таърифни бошқа қушлар тилидан беради (16-боб).

Навоий талқинидаги Ҳ. дoston қаҳрамонлари бўлмиш солиқ қушларнинг инжиқлик б-н берган саволларига ҳам, ўзларини тақабурлик б-н таъриф-тавсиф қилишларига ҳам чидайди. Сиполик б-н жавоб қайтаради. Атторнинг Худҳудидан фарқли равишда сомеларига қаттиқ гапирмайди. Дунёвий ва диний билимлари етарли бўлса ҳам, уни ноўрин намоён қилмайди, фақат берилган саволларгагина жавоб беради. Шунда ҳам дostonда унинг донишмандлиги етарлича намоён бўлади. Бу фазилат, яъни камтаринлик комил инсон ахлоқининг муҳим сифатларидан бири бўлиб Навоий уни Ҳ. тимсолида намоён этади.

Навоий талқинида Ҳ. юксак ирфоний мушоҳадаларни содда ҳаётий мисоллар, воқеалар орқали тушунтириб беради, у ҳар бир қушнинг ўз даражасига қараб сўзлайди. Аттор ўз дostonида асар сюжетини ҳеч бир воқеасиз қушларни таърифлаш б-н бошлайди. Уларни Ҳақ сари сафарга даъват этади. Навоий эса қушларни таърифлаш вазифасини Худҳудга юклайдики, бу дostonнинг мантиқий кучини ва ушбу тимсолнинг асардаги бадиий-эстетик қувватини оширишга сабаб бўлади. Аттор талқинидаги Ҳ. ҳеч бир сўроқсиз, ўз-ўзидан Симурғни таърифлайди ва у қушларга подшоҳ бўлишга аришини, фақат унинг ёнига бориш кераклигини айтиб, қушларни ана шу йўлга тарғиб қилади. Симурғнинг Чин мамлакатидан жилва қилиши воқеасини сўзлаб беради. Навоий талқинидаги Ҳ. эса Симурғ таърифини ҳам қушлар савол бергандан сўнг айтади ва бу ҳолатга муаллифнинг ўзи ҳам алоҳида урғу бериб, боб сарлавҳасига чиқаради. Аттор дostonидаги воқеалар еттинчи водийга келганда Ҳ.нинг вазифаси тугайди. Шундан сўнг қушлар дostonда раҳнамосиз ҳаракат қилишади. Бироқ Навоий талқинидаги Ҳ. ўзи эргаштирган қушларни энг охириги лаҳзада, яъни улар

фано водийсида ноумидликка тушганларида ҳам қўллаб-қувватлайди. Умидлантиради. Мана шу умид қувватида қушлар мақсадга эришадилар. Бу Ҳ.нинг комил инсон, балки Ҳаққа етган муршид эканлигини ҳам англатади. Навоий “Қушлар фано навмидлигида Худҳуднинг иршодидан қувват ҳосил бўлгани” бўлимида уларнинг висолга эришганликларини таърифлар экан,

Ҳам аларда бор эди мардоналик,

Ҳодии комилда ҳам фарзоналик,

деб Ҳ.ни комил йўлбошчи сифатида баҳолайди.

Яна бир ўзига хослик шундан иборатки,
ҳамиша, ҳатто жамоавийликни ёқлайдиган нақшбандийлик тариқатида ҳам Ҳаққа етиб бориш йўли жамоавий эмас, индивидуал йўлдир. Демак, дostonдаги қушлар – кишилар, солиқлар тимсоли эканлигини инкор этмаган ҳолда, бошқа маънода бир кишининг турли хулқ-атворлари тимсолида гавдаланган бўлиши ҳам мумкин. Бу ўринда Ҳ. ўз-ўзини тарбиялаётган нафс (нафси лаввома) ёки Раббисини таниётган руҳ тимсоли ҳам дейиш мумкин.

Шунингдек, Навоий ўзининг худбинлик ва зоҳирга бино қўйиш, хилватнишинлик ва узлатнишинликка муносабат, молу мулкка, амал-мартаба ва куч-қудратга бино қўйишнинг зарари, зеб-зийнатга ўчлик ва шаҳватпарастликдан нафратланиш, беҳунарлик ва беғайратликни қоралаш ва бошқа бир қатор ижтимоий фикрларини, ишқ олдида шоҳу гадо баробарлиги, нафс ва шайтоннинг солиқка муносабати, етти водий таърифи, фақру фано ва бақо ҳамда инсон ва унинг камолотига оид фалсафий фикрларини, ваҳдат ул-вужуд ва тажаллий назарияларига доир дурдона ирфоний мулоҳазаларини дostonда Ҳ. тилидан ифода этади. Демак, Ҳ. образининг яна бир ўзига хос жиҳати – уни муаллиф дostonдаги биринчи рақамли тимсол даражасига олиб чиққан.

Навоий лирикасида Ҳ. ҳам комил, ҳам огоҳ шахс маъносиде қўлланилган:

Тожварлар оқ уйида

сокин ўлса, аҳли ишк

Уйладурким булбулу

худҳудга булғай бир кафас.

(“Наводир уш-шабоб”, 223-ғазал)

ХУЗН (ар) – қайғу, ғам, тушқунлик, маҳзунлик. Бирор нохуш ҳолатнинг вужудга келиши ёки яхши дамларнинг ўтиб кетганлигидан кўнгилда ҳосил бўладиган тушқун кайфият. Ҳ.нинг уч даражаси бор: 1) омма Ҳ.и – ўтган даврнинг бесамар ўтгани ва яхши дамлар қайтиб келмаслигини англашдан ҳосил бўладиган кайфият; 2) солиқлар Ҳ.и – дунёвий ва нафсоний кишанлардан халос бўлмаганидан тушқунлик ҳолатига тушишлик; 3) орифлар Ҳ.и – ўзи истаган ва ихтиёр этган йўл Ҳақ таоло ихтиёри б-н мувофиқ келиш-келмаслигини билмаганидан ҳосил бўладиган руҳий ҳолат.

Эй Навоий, ҳузн ила

ўткар қарилиғ меҳнатин,

Чун йиғитлик борди

айшу ишрат айёми била.

(“Наводир уш-шабоб”, 548-ғазал)

ХУЗУР – тасаввуфий-ирфоний тушунча. Солиқнинг ридан холи ва бардавом зикр туфайли ўзини қалбан Худонинг олдида ҳис этиши. *Ғайбат*нинг муқобили. Абу Наср Саррож Ҳ.га шундай таъриф беради: Ҳ. – қалбнинг яқин (шак-шубҳадан холи илм)нинг сафоси б-н ўзидан ғойиб бўлиб, Ҳақ таоло олдида ҳозир бўлишидир. Абулқосим Қушайрийнинг фикрича, Ҳ. Ҳақ олдида ҳозир бўлиш воситасида содир бўлади. Қачонки солиқ халқдан ғойиб бўлса, Ҳақда ҳозир бўлади. Ҳ. доимий зикр туфайли кўнгилда халқ ёди буткул кўтарилиб, бутун вужуди Ҳақ ёди б-н машғул бўлиш ҳолидир.

Туз кўнгулга басару

нутқи пароканда не бок,

Тилу кўз ғайбатидан

ғойиб эмас аҳли ҳузур.

(“Наводир уш-шабоб”, 142-ғазал)

ХУМО, ҳумой – “Лисон ут-тайр”даги қуш образи. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида давлат қуши, бахт қуши каби маъноларни англатади. Хусусан, халқ достонларида мамлакат подшоси вафот этгач, тахт вориси бўлмаган пайтларда учириладиган афсонавий қуш сифатида талқин қилинади. Унга кўра, қуш муносиб тахт эгасини ғойибона тарзда тавлаб, унинг бошига қўнади.

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”да Ҳ.нинг афсонавий хусусияти ҳақида ўзига хос фикр билдириб, асосий эътиборни Ҳ. ҳақидаги ривоятга қаратади. Чунки Ҳ.нинг бахт қуши эканлиги-ю, унинг подшоларни тахтга чиқишига сабаб бўлиши фақат бир афсона бўлиб, шу пайтгача ҳеч бир тарихий асарда ҳеч қайси подшо бошига Ҳ.нинг сояси тушганлиги учун подшо бўлиб қолгани ҳақида маълумот йўқ. Ҳуджуд худди мана шу содда мантиққа асосланиб, “Лисон ут-тайр”да “Мен давлат қушиман”, деб даъво қилган Ҳ.нинг даъвоси ёлғонлигини исботлайди ва шундай бўлган тақдирда ҳам бундан унга ҳеч қандай фойда йўқлигини айтилади.

Ҳ. тимсоллига Навоий лирикасида ҳам кўп марта мурожаат қилинган:

Бир ҳумоюн қуш кеча

садқанг бўлур, эй муғбача,

Қоф ан қосимудур ё дайр хуффошимудур?

(“Вадоеъ ул-васат”, 173-ғазал)

ХУМОЙ – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган каёний малика. Баҳманнинг қизи. Баҳман зардуштийлик дини бўйича уни ўз никоҳига олиб, ундан тугилажак фарзандни вадиҳд этиб васият қилган. Бола тугилгач, Ҳ. боласини бир сандиққа солиб, дарёга оқизиб юборади. Сандиқ бир ювғучининг қўлига тушиб, болани сувдан топгани учун Дороб (маъноси – дарёдан топилган) деб исм қўяди ва ўз фарзандидай тарбиялайди. Бола тугилиб, унда шаҳзодаларга хос жангарилик, илм-фанга ташналик, кўркамлик, одоблилик хислатлари зоҳир бўла бошлайди. Валоғат ёшига етгач, ўзининг аслида ювғучининг боласи эмаслигини билган Дороб Рум жангига кетаётган қўшинга аскар бўлиб ёлланади. Ҳ. жангда кўп қаҳрамонликлар кўрсатган Доробни кўриш иштиёқида бўлади. Доробни кўргач, унда оналик меҳри жўш уради. Асли насабини сўраб, унинг ўз боласи эканлигини билгач, шохликни Доробга топширади. Ўттиз икки йил ҳукмронлик қилган Ҳ. даврида Самарра (Журбодқон) шаҳри ва Истахрдаги Ҳазорсутун минораси бунёд этилади.

Яна бир неча кун Ҳумой олди мулк,

Эранлар бориб илчига қолди мулк.

*Туганди анинг мулку даврони ҳам,
Фалак золи қатъ айлади они ҳам.*

ХУР — жаннат аҳлининг хизматида бўладиган гўзал аёллар. “Шарҳи гулшани роз” да берилишича, Ҳ. — яхши хислатлар, пок кўнгил соҳиби бўлган, ҳусни хулқ б-н зийнатланган инсоннинг тимсолидир. Навоий шеърлятида бу сўз ҳам аслий, ҳам мажозий маъноларида кенг қўлланилган.

*Даврида юз кавокиби саҳарий,
Жилва айлаб нечукки ҳуру пари
("Сабъаи сайёр", 25-боб)*

ХУРМУЗ БИННИ АНУШЕРВОН — Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Сиёсатда ҳаддан ортиқ қаттиққўл бўлганлиги сабабли мамлакатда беқарорлик юз беради. Унинг даврида Эронга Византия императори, Арабистондан Аббос ал-Аҳвал, Мағрибдан Умар ал-Азрак ва Туркистондан Чин хоқони тўрт томондан ҳужум қилади. Вазир Вузуржмехрнинг маслаҳатига кўра, рум, араб ва мағриб ҳукмдорлари б-н тинчлик битими тузиб, Баҳром Чубинани лашкарбоши қилиб Чин хоқонига қарши урушга юборади. Баҳром урушда ғалаба қозониб, Ҳ.га катта ўлжа юборади. Ҳ. иғво ва фитналарга учиб, Баҳром Чубинани камситади. Бундан аччиғланган Баҳром Чубина Ҳ.нинг ўғли Хусрав Парвизни унинг ўрнига шоҳ деб эълон қилади. Хусрав Парвиз отасининг газабидан кўрқиб, Арманистонга қочади. Баҳром Чубина Ҳ.ни урушда енгади, Хусрав Парвизнинг тоғалари унинг кузига мил тортиб, тахтдан четлаштирилади. Ҳ. 12 й.га яқин подшоҳлик қилган. Ҳ. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот келтирилган.

*Яна Ҳурмуз ўлди чу кишвархидев,
Сиёсатлари солди элга гирев.
Анга доғи элдин етиб интиқом,
Адам кишвари сори қилди хиром.*

ХУРМУЗ БИННИ НАРСИ — Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. “Тарихи мулуки Ажам”да берилган маълумотларга кўра, дастлаб худписанд ва тақаббур бўлган Ҳ. бир донишманднинг насиҳатидан кейин ўзгариб, адолатпеша шоҳга айлана-

ди. Ўғли бўлмаганлиги сабабли ҳомиладор аёлининг қорнига тожни қўйиб, васият қилади. Ҳ. салтанатининг муддати етти ёки тўққиз йил бўлган. Ҳ. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот келтирилган.

*Чу Ҳурмузга тушти бу даҳри дани,
Неча вақт ҳам қилди мағрур ани.
Валекин ажал айлагач турктоз,
Не қолди гурур ул замон, не ниёз.*

ХУРМУЗ БИННИ ШОПУР — Эронда ҳукмронлик қилган сосоний ҳукмдор. Тарихий манбаларда “Ҳурмузи ақтаъ” (“Қўли кесик Ҳурмуз”) номи б-н ҳам аталган. Отаси Шопур бинни Ардашер уни Хуросонга ҳоким этиб тайинлагач, катта қўшин тузиб, ўлкани обод қила бошлайди. Иғвогарлар уни давлат тўнтаришига тайёргарлик кўраётганликда айблаб, Шопурга ёмон кўрсата бошлайдилар. Шопур уни ўз ҳузурига чақирганида, отасининг нияти ёмонлигини билган Ҳ. бир қўлини кесади. Ўша давр одати бўйича, жисмоний нуқсони бор киши подшоҳ бўлмаган. Шопур ўғлининг нияти холис эканлиги билгач, иғвогарларга қаттиқ жазо беради ва Ҳ.ни валиаҳд этиб тайинлайди. Ҳ. Моний ва унинг издошларига қарши қаттиқ кураш олиб борган. Хуросондаги Ромхурмуз ва Вагдод яқинидаги Дастгир шаҳарлари Ҳ. замонида бунёд этилган. Ҳ. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот келтирилган.

*Чу Ҳурмузни бахт этти маснаднишин,
Адолат била тузди олам ишин.
Агарчи қўлин қисқа қилди биллик,
Фалак қилмади қисқа андин илик.*

ХУРМУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД — Эронда ҳукмдорлик қилган сосоний подшоҳ. “Тарихи мулуки Ажам”га кўра, отаси ўз ўрнига Яздижирд Ҳ.ни валиаҳд қилган, ammo акаси Фируз Эфгалитлар подшоҳининг ҳарбий мадади б-н Ҳ.ни урушда енгади, қатл этади. Шу сабабли, баъзи манбаларда Ҳ. исми Сосонийлар сулоласи таркибида учрамайди.

ХУСАЙН БИН МУҲАММАД БИН МУСО СУЛЛАМИЙ — “Насойим ул-муҳаббат”да

тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Манозил, Абу Али Сақафий ва Абубакр Шиблий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО, Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро, Ҳусайний (1438 – Ҳирот – 1506) – теурий ҳукмдор, Хуросон султони, шоир. Ҳиротнинг шарқи-шимолидаги Давлатхона саройида дунёга келган. Отаси Ғиёсиддин Мансур теурий Умаршайх Мирзонинг невараси бўлган, онаси Ферузабегим эса ота томондан Амир Теурунинг катта қизи Оғобегим, она томонидан Мироншоҳга бориб боғланади. Икки томондан ҳам теурийларга мансуб бўлганлиги учун Бобур Ҳ.Б.ни “карим ут-тарафайн” деган эди.

7 ёшида отадан етим қолган Ҳ.Б. 14 ёшигача илм таҳсили б-н машғул бўлади. 1452 й.да Абулқосим Бобур хизматига киради ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга шўнғиб кетади. 1454 й.да унинг Самарқандга – Абусаид Мирзога қарши юришида қатнашади. Абулқосим Бобур енгилгач, сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтади. Ҳ.Б. эса онасининг тавсияси б-н Абусаид Мирзо саройида қолади. Кўп ўтмай, қамоққа олинган Ҳ.Б.ни онаси Ферузабегим қутқариб, Ҳиротга олиб келади. Абулқосим Бобур вафот этгач, Марв ҳукмдори Санжар Мирзо хизматига киради ва унинг қизи Века Султонбегимга уйланади. Санжар Мирзо ўрнига Ҳ.Б.ни қўйиб, Машҳадга юриш қилади. Бу орада Марвда Ҳ.Б.га қарши фитна уюштирилиб, у овга чиққанида, шаҳар дарвозалари беркитиб олинади ва Ҳ.Б. 1457 й. қишни Марв б-н Хива оралигидаги биёбонда ўтказади. 1458 й.да 300 кишилиқ қўшин б-н Санжар Мирзонинг яқинларидан Бобо Ҳасан қўшинини енгиб, Нисо вилояти, сўнг Астарободни эгаллайди. 1459 й.да Ҳ.Б. ҳузурига Абдуразвоқ Самарқандий элчи бўлиб келади. 1460 й.да вазият тақозоси б-н Астарободни ташлаб чиқишга мажбур бўлади. Аммо 1461 й.да шаҳарни қайтариб олади. Шу йил ёз охирларида Ҳиротга юриш қилади. Лекин Абусаидга бас келолмай орқага чекинади, тез орада Астарободдан ҳам маҳрум бўла-

ди. Амударё орқали Хоразмга ўтиб, Вазир шаҳрига – Мустафоҳон ҳузурига элчи юбориб, ўзбек хонини Абусаидга қарши биргаликда курашишга даъват этади. Лекин элчи келгунча, унинг оғаси Пир Вудог б-н келишиб, унга синглиси Бадиъулжамолбегимни хотинликка беради, иккаласи Мустафоҳон устига юриш қилишади, лекин Вазир шаҳрини ололмай, у б-н битим туздилар. Кейин Ҳ.Б. Адоққа бориб, 1461 й. охирларигача ўша ерда қолади. Адоқ Абусаид б-н курашда унга таянч вазифасини бажариб, шу ерда туриб Астробод, Гургон ва Эроннинг бошқа ноҳияларига ҳужумлар уюштириб туради, мағлубиятга учраганида шу ердан паноҳ топади. Мустафоҳон зулмига қарши кўтарилган исёндан фойдаланиб, аввал Вазирни, 1462 й.да Урганч ва Хивани қўлга киритади. Лекин орадан бир йил ўтмай, Абусаид уни Хоразмдан чиқариб юборади. 1462–63-й.ларда Нисо атрофида пайдо бўлади. 1463–64-й.ларда Урганч, Хива, Ҳазорасп, Тирсакни қўлга киритади. Шу орада куч тўплаб, яна Хуросонга ҳужум қилади. Аммо Абусаид қўшинлари Хивани эгаллайди, Ҳ.Б. уни қайтариб олади. 1467 й.да яна Урганчни эгаллайди. Шу йили у ўзбеклар хони Абулхайрхондан ёрдам сўраб, Дашти Қипчоққа боради. Хон ёрдам ваъда қилади, лекин хасталаниб қолганлиги туфайли бу ваъда амалга ошмайди. 1469 й. мартагача Хоразм ва Бухоро ўртасида сарсон-саргардон юрган Ҳ.Б. Абусаид вафот этгач, Ҳиротни эгаллаб, Самарқанддан мактабдоши ва дўсти Алишер Навоийни махсус ёрлиқ б-н чақириб олади ва муҳрдорлик вазифасига тайинлайди. Алишер Навоий дўстини тахтга чиқиши б-н қутлаб, унга “Ҳилолия” қасидасини тақдим этади. 1469–70-й.ларда Шоҳрухнинг авлодларидан Ёдгор Муҳаммад Мирзо б-н Абусаид Мирзонинг ўгли Султон Маҳмуд Мирзо тахт даъвогарлари сифатида майдонга чиқади. Ёдгор Мирзонинг тарафдорлари, хусусан, аммаси Поянда Султонбегим Ҳирот ичкарасида зимдан иш олиб борадилар. 1470 й. июлида Ҳ.Б. ўз қўшинлари б-н душманга қарши жангга кетганидан фойдаланиб, пойтахтда сотқин бек ва амалдорлар Ёдгор Мирзо номига хутба ўқитадилар. Алишер Навоийнинг ёрдами б-н Ҳ.Б. бир

ой ичида Ёдгор Мирзони қўлга олиб, тахтни қайта эгаллайди ва умрининг охиригача (жами 38 йил) ҳукмдорлик қилади. Унинг салтанатига Хоразм, Сейистон, Қандаҳор, Балх, Фазнадан Домғонгача бўлган ерлар кирган. Юрак хасталигидан вафот этган Ҳ.Б. ўзи қурдирган мадраса ичидаги мақбарага дафн этилади. Ҳозирги кунда мақбара вайрон бўлган, қабр ва унинг устига ўрнатилган “Санги ҳафт қалам” сақланиб қолган.

Ҳ.Б. темурийлар орасида энг шижоатли ва маърифатли, шариатга қатъий амал қилган ҳукмдор бўлган. “Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлигларга топшуруб, дорулқазога йиборди”, – деб ёзади бу ҳақда Бобур. Ўзаро низолар, темурий шаҳзодалар ўртасидаги шиддатли курашлар силсиласида тобланган, тажриба орттирган довурак саркарда, етук истеъдод соҳиби Ҳ.Б. Хуросонда ҳокимиятни эгаллагач, мамлакатда тинчлик, осойишталикни қарор топтириш, ички ҳудудий низолар, зиддиятларни бартараф этиш ва марказий ҳокимиятни мустақамлашга катта эътибор қаратди. У ўлкада маданий-маърифий ва ободончилик ишларини ривожлантиришга алоҳида рағбат кўрсатди: иқтисодий ҳаёт юксалиб, халқ фаровонлиги ошади, савдо-соғиқ ривожланади, юзлаб карвонсаройлар, работ, кўприк, мактаб, мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, табобатхона, етимхона, сув ҳавзалари қурилади, каналлар қазилади, боғлар барпо этилади; номларини абадийлаштириш мақсадида шохнинг бошқа амир-амалдорлари, ҳатто маликалар ҳам ўз номларидан масжид, мадраса, турли хайрия бинолари қуришга киришиб кетдилар.

Ҳ.Б. даврида Ҳирот Шарқнинг фан, маданият, ҳунармандчилик ривожланган йирик марказига айланди: истеъдод соҳиблари турли мамлакатлардан Ҳиротга паноҳ излаб келганлар. Ўша даврда Ҳирот каби турли ўлка вакиллари тўпланган шаҳар бўлмаган. Натижада, тил, ад-т, тарих, тасвирий санъат, табобат, ҳандаса, мусиқа, қоғоз ишлаб чиқариш, томоша санъати ва б. соҳалар ривожланган. Ҳирот, Машҳад, Марв, Нишопур сингари шаҳарларда кўплаб ноёб обидалар барпо этилган. Маҳал-

лий ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар Хуросондан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Ҳ.Б., Алишер Навоий ва Жомий кўплаб истеъдодларни кашф этиб, уларни моддий ва маъ-ий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар. Алишер Навоий сарой девонини бошқарган йилларда Султон Ҳусайн Бойқаро махсус фармон б-н туркий тилни давлатнинг асос тили сифатида белгиланган ҳамда туркий тилда ижод қилишни кенг тарғиб қилган. Усмонли султони Сулаймон Қонуний вазири Аҳмад Поншонинг Навоийнинг 33 ғазалига назира ёзиши, Боязид Султоннинг Ҳусайн Бойқаро илтимоси б-н шоир Беҳиштийни (ваф. 1511) афв этиши, Усмонли таъкираларида “олим ва уламонинг паноҳи, Ажам Хусрави” дея таъриф этилиши, унинг нафақат Хуросон, балки Ўрта Осиё ва Усмонли давлатларида ҳам таъсир кучига эга давлат арбоби эканлигини кўрсатади. Ҳ. Б. даврида биргина Ҳирот атрофида мингдан ортик шоир бўлганлиги таъкираларда айтиб ўтилади. Абдурахмон Жомий, Лутфий, Алишер Навоий, Камолiddин Биноий, Зайниддин Восифий, Мирхонд, Хондамир, Бадриддин Ҳилолий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Камолiddин Беҳзод, Шайхим Суҳайлий, Мирак Наққош, Қосим Али Чеҳракушо, Шоҳқули каби ўз даврининг забардаст шоир, олим, муаррих, мусиқачи, хаттот, наққошлари худди шу даврда етишиб чиққанлар ва кизгин ижодий фаолият б-н шуғулланганлар.

Бобурнинг “Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга тегурғай”, – деб таърифлаши бежиз эмас.

Ҳ.Б.нинг ўзи ҳам бадий ижод б-н шуғулланиб, Ҳусайний таҳаллуси б-н шеърлар ёзган, шеърият мажлислари ташкил этиб, шоирларга раҳнамолик қилган. Ундан бизгача шеърлар девони ва Алишер Навоийга бағишланган “Рисола” асари етиб келган. “Рисола” асари 1945 й.да турк олими Исмоил Ҳикмат томонидан топилиб, илмий муомалага киритилган.

Шоҳ-шоирнинг ҳозиргача 202 ғазал, Навоий ғазалига боғланган 3 мухаммас, 6 рубой, шунингдек, форс-тожикча 2 ғазал, 1 рубой ва бир неча байтлари маълум. Ғазалларнинг аксарияти рамал баҳрида. Мазкур шеърлар Ҳ.Б.нинг таъби баланд, диди нозик шоир бўлганлигини кўрсатади. Унинг ғазаллари нозик ва теран маънолар, оҳорли ва қутилмаган ташбеҳлар, бадий санъатларга бойлиги, шаклан гўзал, услубан раvon, инсоний туйғу-кечинмаларнинг ҳассос ва самимий ифодаланганлиги, тилининг содда ва тушунарлилиги, мусиқийлиги ва жарангдорлиги б-н ажралиб туради. Турк олимлари Ҳ. Б. нинг форсий тилда яратилган “Мажолис ул-ушшоқ” асари ҳам борлигини қайд этиб ўтишган бўлса-да, бу асар ва унинг нусхалари ҳақида ҳозирча аниқ маълумот мавжуд эмас.

Алишер Навоий ўз асарларида Ҳ.Б.ни “шоҳи ғозий”, “султони соҳибқирон” сифатлари б-н улуғлайди, унинг ғазалларига таҳми ва тасдис боғлайди, баъзи шеърларига татаббуълар битади. “Ҳамса” таркибидаги дostonларнинг ҳар бирида унга алоҳида боб бағишлаб, “Ҳайрат ул-аброр”да уни шижоат ва фазлу камолда Рустам ва Жамшидга, “Фарҳод ва Ширин”да ғазот майдонидagi Али ибн Абу Толибга, шариат ривожидa Пайғамбар (с.а.в.)га, “Лайли ва Мажнун”да фикҳ илми билимдони Абу Ҳанифага, “Сабъаи сайёр”да адолат бобида Анушервонга, “Садди Искандарий”да шоҳлик мақоми жиҳатидан Искандарга ўхшатади. Алишер Навоийнинг деярли барча насрий асарлари ҳам Султон Ҳ.Б. номига бағишлаб ёзилган бўлиб, Навоий уларнинг ёзилишида замона ҳукмдорининг ҳомийлиги ва раббатини алоҳида таъкидлаб ўтади. “Тарихи мулуки Ажам” асарининг хотимасида Ҳ.Б. салтанати тарихи ҳақида ёзиш нияти борлигини айтиб ўтади:

*Валодат кунидан тутуб то рақам,
Борин шарҳ ила айлагаймен рақам.*

Навоий “Мажолис ун-нафоис тазкирасининг 8-мажлисини тўлалигича Ҳ.Б. ижодига бағишлаб, девонидagi 164 ғазалининг матлаъини келтиради ва у қўллаган бадий тимсоллар, шеърый санъатлар, нозик маъно ва оҳорли ташбеҳлар хусусида фикр юритади. Жумладан, уни “хуб ашъори ва

марғуб абёти бағоят кўптур” деб, матлаларини “бу матлаъ ғариб адо топибдур”, “ажаб ўтлуқ матлаъ тушубтурким”, радифи “бағоят ширин ва дилпазир ва рангин воқеъ бўлубтур”, “бу матлаъдек оз воқеъ бўлубтурким”, “бу матлаъ сўзнок воқеъ бўлубтурким”, “бу матлаъ яғона ва бағоят ошиқона воқеъ бўлубтур” каби сифатлар б-н таърифлайди.

*Тазкирада Ҳусайн Войқаронинг
Ҳажринг ўти жисми зорим қилди кул,
эй ёр, бил,
Ғар бино қилсанг мазорим тарҳин ул
кул бирла қил –*

матлаъли ғазалига ўз даврида кўплаб назиралар ёзилганлиги, аммо ҳеч бири Султон Ҳ. Б. ғазаличалик машҳур бўлмаганлиги айтилади. Ҳ. Б. назира ёзиш санъатида ҳам уста бўлганлигини Мавлоно Яқинийнинг бир шеърига икки назира боғлаганидан билиш мумкин. Алишер Навоий унинг:

*Эй висолинг хаста кўнглум марҳами,
ороми жон,
Ўлмадим ҳижрон элидин мен қатик
жонлиғ ямон –*

матлаъсини Мавлоно тирик бўлганда, мазкур шеър ўз ғазалидан яхшироқ эканлигини инкор этмас, ҳатто бу баҳр ва қофиядаги назираларнинг иккаласи бир-биридан яхши эканлигини тасдиқлар эди, дейди.

Тазкиранинг “Хилват” деб аталган хотима қисмида Ҳ.Б.нинг дақиқ услуби ва нуктадонлиги ҳақида маълумот берувчи икки воқеа келтирилган. Улардан бирида Навоий бир куни мавлоно Лутфийдан Хусрав Деҳлавийнинг ҳиндча шеърларидан бирида балчиққа тойиб йиқилаётган ёрнинг ёмғир риштасини ушлаб, туриб кетганлиги ҳақидаги лавҳани эшитиб, Деҳлавийнинг нафис тахайюлига офарин айтганлиги, бу ҳақда Ҳ.Б.га айтганида, у ёмғир томчилари юқоридан пастга тушганлиги учун маҳбубанинг уларга осилиб, ўрnidан туриб кетиши мантиқсизлик деб эътироз билдирганлиги ва қуйидаги байтни ўқиганлигини айтади:

*Заъфдин кулбамда кўпмоқ истасам
айлар мадад,
Анкабуте ришта оскон бўлса
ҳар деворға.*

Шундан сўнг Навоий Ҳ.В.нинг закийлигига таҳсинлар айтиб, ўз нуқсонини англаб етади ва шохнинг ҳаққига дуолар ўқийди. Иккинчи воқеага кўра, ҳисорлик ёш шоир Қабулий янги ёзган газалини Навоийга ўқиб берганида, Навоий унинг иккинчи байтига ўзгартириш киритиб,

*Сарв мойил бўлдиким, ўнгай аёғинг
туфроғин,
Йўқса ҳар соат сабо таҳриқидин
ҳам бўлмади* –

тарзида тузатиб беради. Маскур газал Ҳ.В.нинг эътиборига ҳавола қилинганида, у иккинчи байтнинг Алишер Навоий қаламига мансублигини дарҳол пайқайди. Бу ҳолдан атрофдагилар ҳайратга тушадилар.

Ҳ.В.нинг 14 ўғил, 11 қиз фарзанди бўлган. Вадиъуззамон Мирзо, Шохғариб Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Иброҳим Ҳусайн Мирзо каби ўғиллари бадиий ижод б-н ҳам шуғулланганлар. Улардан Шох Ғариб Мирзо Ғарибий таҳаллуси б-н шеърлар битиб, девон ҳам тартиб берган. Ҳ.В. вафотидан сўнг Хуросон давлати заифлашиб, Ҳирот шайбонийлар томонидан забт этилган.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ, Камолиддин Ҳусайн Воиз ибни Али (1420, Сабзавор – 1505, Ҳирот) – олим ва адиб. Сабзаворнинг Байҳақ деган жойида туғилган. Бошланғич таълимни она юртида олиб, илмини Машҳадда такомилга етказган. Диний илмлар, тарих, ад-т, ахлоқ, ҳисоб, нужум, кимё фанида тенгсиз бўлган. Байҳақ, Сабзавор, Машҳад ва Ҳиротда воизлик қилиб шуҳрат қозонган. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг яқинларидан бўлган. Турли мавзуларда 40 га яқин асар ёзган. Улар орасида, айниқса, “Тафсири Ҳусайний” (1492–1494), “Маҳзан ул-иншо” (“Иншо ҳазинаси”, 1492), “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ил-ашғор” (“Шеър санъатлари ҳақида ажойиб фикрлар”, 1489), “Ҳотамнома” (1480), “Футувватнома”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Анвори Сухайлий” (“Сухайлий нурлари”) асарлари машҳур. Жалолиддин Румийнинг

“Маснавийи маънавий” асарига шарҳ ёзиб, кўплаб тас-ий масалаларни шарҳлаган. “Вод ул-мусофирин” (“Тариқат йўловчиларининг йўл озиқлари”) маснавийсида ҳам қатор суфиёна тимсол-тушунчаларга изоҳ берган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”-нинг тўртинчи мажлисида Ҳ.В.К.га алоҳида боб ажратиб, унинг донишманд киши, серқирра истеъдод соҳиби ва сермаҳсул ижодкор экани, у эгаллай олмаган фан оз, хусусан, ваъз, иншо ва илми нужумда тенги йўқ деб маълумот беради.

ҲУСАЙН ШАЙХ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Яссавийлик тариқатининг йирик вакили бўлган Исмоил атонинг ўғли. Илмига қатъий амал қилиши ва юмшоқ феъли б-н халқнинг сеvimли кишисига айланган. “Насойим ул-муҳаббат”га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

ҲУСАЙНИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир, *Паҳлавон Муҳаммад* ва *Паҳлавон Дарвеш Муҳаммад*нинг укаси. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг муаммо айтиши ҳақида маълумот бериб, “Мажд” исмига битилган муаммосини келтиради.

“Алишер Навоийнинг илк лирикаси” – адабиётшунос Ёқубжон Исоқовнинг монографияси. Унда Навоийнинг илк лирикаси кенг ва атрофлича таҳлил қилинади, шоир илк лирикасининг эволюцияси кўрсатилади. Мулоҳазалар “Алишер Навоийнинг ўз даври лирик традицияларига муносабати”, “Навоий илк лирикасининг асосий мотивлари”, “Навоий илк лирикасининг баъзи бир поэтик хусусиятлари”, “Илк лирика эволюциясига доир” каби тўрт бўлимда батафсил баён қилинган. Бу борада ўтган аср навоийшунослиги эришган биринчи ва жиддий муваффақият М.Шайхзоданинг 1948 й. ҳимоя қилинган “Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида” номли номзодлик иши эди. М.Шайхзода мазкур тадқиқотига гарчи “Ғаройиб ус-сигар” девонини асос қилиб олган бўлса-да, умуман, Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида фикр юритади ва шоирнинг лирик қаҳрамонига хос барча хусусиятни мураккабликлари б-н очиб беришга ҳаракат қилади. Навоий лирикасини тадқиқ этиш кейинги даврларда анча ривожланди. Навоий лирикасини ўрганиш соҳасидаги ишлар, асосан, икки йўналишда олиб борилди: 1) текстологик характердаги тадқиқотлар; 2) назарий характердаги ишлар. Бу борада Х.Сулаймонов, Ойбек, М.Шайхзода, А.Ҳайитметов эълон қилган ишларни эслаш kifоя. Мазкур тадқиқотларга хос умумий хусусият шуки, уларда Навоий лирикаси ҳақида кенг миқёсда фикр юритилади. Навоий лирикасининг етук даври илмий тадқиқ қилинади. Ё.Исоқов эса Навоий лирикаси эволюциясини илмий тадқиқ қилиш, унинг балогат босқичига кўтаришга қадар босиб ўтган мураккаб ижодий йўлини кузатиш, шоир ижодининг ҳар бир босқичини махсус ўрганиш, унинг специфик хусусиятларини аниқлаш, босқичлар орасидаги умумий боғланишларни тадқиқ этишни мақсад қилган ва ўз фикру мушоҳадаларини Навоийнинг илк лирикаси асосида баён этади. Мазкур тадқиқотда шоир илк лирикасининг ўзига хос хусусиятлари, гоъвий йўналиши ва поэтик хосликларини ўрганиш б-н бирга, давр лирик аъъаналарига муносабати ҳамда шоир услубидаги сўнгги ўзгариш

ва ривожланишнинг баъзи томонларини ҳам аниқлашни мақсад қилади. Китоб “Фан” нашриётида 1965 й. чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ ВА УНИНГ САЛАФЛАРИ” – адабиётшунос Эргашали Шодиевнинг асари. Навоийнинг форс-тожик ад-тига муносабати юзасидан олиб борилган тадқиқот ишларининг бир қисми, 1964 й.да нашр этилган “Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир” номли китобнинг мантиқий давоми. Рисолада Навоийнинг Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий ва Мавлоно Котибий сингари машҳур салафларига муносабати ўрганилган. Албатта, Навоийнинг салафлари фақат юқоридагилардан иборат эмас, форс-тожик ва туркий халқлар ад-тининг бир қатор улкан вакиллари меросини чуқур урганиш, уларнинг асарларига ижодий-танқидий ёндашиш ва ўз устида тинмай ишлаши орқали Навоий ўз замонида юксак даражага кўтарилди. Унинг барча салафларига муносабатини алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш долзарб, машаққатли иш. Бундан ташқари, шоирнинг баъзи салафларига бўлган муносабатига оид (масалак, Низомий, Лutfий ва бошқалар) тадқиқотлар мавжуд. Шу каби сабабларга кўра муаллиф Навоийнинг юқоридаги уч машҳур салафларига муносабатини қисман ёритиш б-н чекланган. “Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоий” қисмида “Шоҳнома” ва унинг Навоий эпик меросига таъсири, Навоийнинг Фирдавсий ва унинг “Шоҳнома”си ҳақидаги қайдлари, устози ва ижодига муносабати урганилган. “Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий” қисмида эса Ҳофиз шеърини анъаналарининг Навоий ижодидаги ривож, Ҳофизнинг Навоийга таъсири ва Навоийнинг салафига муносабати ёритилган. “Мавлоно Котибий ва Алишер Навоий” қисмида Навоийнинг Котибий ижодига муносабати тадқиқ этилган. Муаллифнинг қайд этишича, Навоий камтарлик қилиб, ўзидан олдин яшаб ижод этган барча салафларини ўзига устоз, ўзини эса уларга шогирд деб билган. Аслида, Навоий ўз даврида барча салафларидан ўзиб кета олган эди. Китоб 1967 й. Хўжандда нашр этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ” – адабиётшунос Суйима Ғаниеванинг шу номдаги китоби. Унда Навоийнинг сермашаққат ҳаёт йўли, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, бадий ва илмий ижоди оммабоп услубда баён этилади. Олим Шарафиддиновнинг “Алишер Навоий”, И.Султоннинг “Навоийнинг қалб дафтари” тадқиқотлари каби Навоийнинг биографияси ва асарларининг яратилиш тарихи, уларнинг мазмун кўлами ҳақидаги изланишлар натижасидир. Китобнинг биринчи қисмида Навоийнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти, иккинчи қисмида Навоий лирикаси, учинчи қисмида Навоий дostonлари, тўртинчи қисмида Навоийнинг насрий асарлари ҳақидаги тадқиқ ва таҳлиллар ўрин олган. Мазкур тадқиқот бошқа шу характердаги ишлардан Навоий асарларига кўпроқ эътибор қаратгани б-н фарқланади. “Навоий лирикаси” қисмида “Хазойин ул-маоний” таркибига кирган лирик асарларнинг жанр хусусиятлари, мавзу доираси ва гоъларининг муайян жиҳатлари таҳлил этилади. “Навоий дostonлари” қисмида “Ҳамса” таркибига кирган дostonларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзбек ад-ти тарихида тутган ўрни ўрганилган. “Навоий насрий асарлари” қисмида Навоийнинг насрий асарлари ҳақидаги қарашлар акс этган. Китоб 1968 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙИЙ ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР” – адабиётшунос Муҳаммад Шариповнинг китоби. Навоийнинг қардош халқлар ад-тига таъсири, бу минтакаларда Навоий ижодининг ўрганилиши масалаларига бағишланган. Унда асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб, янгича маъно касб этиб келаётган қардош халқларимизнинг адабий ва маданий алоқаларига доир айрим масалалар Навоийнинг Ўрта Осиё, Озарбайжон, Арманистон, Доғистон, Қозоғистон ва Украина халқлари ад-тига курсатган таъсири мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, Навоий бошлаб берган дўстона алоқаларни давом эттирган қалам аҳллари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, ўзбек ад-ти б-н туркий тилда сўзлашувчи халқлар ад-тлари ўртасидаги алоқаларнинг баъзи масалаларини ёритишга эътибор қаратилган. Масалан, китобнинг биринчи бобида (“Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабий алоқалари”), Навоийнинг қозоқ ад-тига таъсири ёритилган бўлса, иккинчи бобда (“Навоий ва Озарбайжон адабиёти”) ўзбек халқи б-н қардош озарбайжон халқи ўртасидаги маданий-адабий алоқалар ҳақида сўз боради. Шунингдек, ўша даврда қардош республикаларда ўтказилган адабий

кечалар, ҳафталиклар натижасида уларнинг энг яхши бадиий асарлари бошқа халқлар тилига таржима қилинаётгани, халқлар бир-бирларининг ад-тларидан баҳраманд бўлаётгани маълумотлар асосида ёритилган. Китоб “Фан” нашриётида 1968 й. чоп этилган.

“ГЕНИАЛ ШОИР ВА МУТАФАККИР” – адабиётшунос Натан Маллаевнинг Навоий таваллудининг 525 йиллигига бағишланган рисоласи. Унда Навоий яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мухтасар маълумот берилади. Шоир лирикаси, “Хамса” ва бошқа асарларининг муҳим хусусиятлари, Навоийнинг жаҳон ад-ти тараққиётида тугган ўрни ёритилади. Кўп асрлик ўзбек классик адабиёти тараққиётида Навоийнинг ижодий фаолияти муҳим ўринга эга. У ўзигача бўлган ўзбек адабиёти тараққиётини янги поғонага кўтарди, ўзидан кейинги сўз санъаткорлари ижодида устоз сифатида из қолдирди, шу б-н бирга Навоий ўзбек классик ад-тини жаҳон миқёсига олиб чиқди. Рисолада юқоридаги масалалар шоир яшаган тарихий-ижтимоий давр, Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, шоирлик, олимлик салоҳиятини таҳлил қилиш орқали ёритилган. Рисола сўнгига “Навоий ҳаёти ва фаолиятининг муҳим савалари”, “Навоий асарларининг рўйхати”, “Алишер Навоий ҳақида яратилган илмий ва илмий-оммабоп асарлар”, “Алишер Навоий номи б-н аталган муҳим жойлар рўйхати” илова қилинган. Китоб 1968 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ” – мақолалар тўплами. Шоир таваллудининг 525 йиллик юбилейига бағишланган тўпلامда асосий эътибор Навоий ижодига унинг салафлари, замондошлари таъсири ҳамда Навоийнинг ўзидан кейинги ёзувчи, шоирларга таъсири мавзуларига қаратилган. Тўпلامдан В.Зоҳидовнинг “Навоий дунёқарашининг асосий манбалари”, И.Султоновнинг “Навоий ва замонамиз”, Ҳ.Ёқубовнинг “Навоий ва ўзбек адабиёти”, А.Мирзоевнинг “Фоний ва Ҳофиз”, А.Ҳайитметовнинг “Навоий ва Ҳасан Деҳлавий”, В.Абдуллаевнинг “Навоий ва Самарқанд шоирлари”, Ё.Исҳоқовнинг “Навоий ва Хусрав Деҳлавий”, С.Ғаниевнинг “Навоий ва Ҳусайн Бойқаро”, Б.Валихўжаевнинг “Алишер Навоий ва Шайхим Сухайлий”, М.Хайруллаевнинг “Навоий дунёқарашининг гоявий манбаларини ўрганиш ҳақида”, А.Абдуғафуровнинг “Ҳажвиётда новаторлик ва маҳорат”, С.Эркиновнинг “Шарқ адабиётида Фарҳод образининг эволюциясига доир”, Ш.Шукуровнинг “Навоийнинг “Тўхфат ул-афкор” қасидаси ва унинг адабий традиция б-н боғлиқлиги тўғрисида”, А.Рустамовнинг “Навоий тилининг фонетик хусусиятлари”, Л.Қаюмовнинг “Навоий ва Ҳамза”, П.Шамсиевнинг “Навоий асарларининг янги топилган қўлёмалари”, Р.Орзибековнинг “Форе-тожик адабиётида Навоийга издошлик тарихидан” каби илмий-назарий муаммолар ёритилган тадқиқот-мақолалари ўрин олган. Юқоридаги мақолаларда Навоий ва адабий таъсир масалалари жуда мураккаб ҳодиса эканлиги, уни ўрганишнинг турли ва мураккаб жиҳатлари мавжудлиги кўрсатиб берилган. С. Ғаниева, А. Абдуғафуров тўплаган ва масъул муҳаррирлик қилган тўпلام 1968 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ХАЛҚ ҲИКОЯТЛАРИ НАВОИЙ ИЖОДИДА” – М. Собировнинг рисоласи. Навоий ижодининг халқона асослари тадқиқига бағишланган. Навоий асарларида халқ оғзаки ижодининг хилма-хил жанрга мансуб намуналари кўп учрайди. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида халқ мақолларига кенг ўрин берилган бўлса, “Хамса”да кўплаб халқ афсона ва ҳикоятларига дуч келиш мумкин. Шоирнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш борасидаги маҳорати асар мақсадини очишда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ўринлар ҳам мавжуд. Бу масалада “Ҳайрат ул-аброр” ва “Садди Искандарий” таркибидаги ҳикоя, масал ҳамда мақолларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя. М. Собиров рисолада, асосан, Навоий “Хамса”си таркибига кирувчи “Ҳайрат ул-аброр” ва “Садди Искандарий” дostonларидаги ҳикоятларни таҳлил этган. Навоий дostonидаги ҳикоя ва масалларнинг Шарқ адабий асарларидаги бадиий манбаларини баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилган. Рисола 1968 й. “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган.

“ДОНО АЛИШЕР” – фольклоршунослар М.Муродов, З. Ҳусайнова, Т. Мирзаевлар томонидан Навоий ҳақидаги халқ афсоналари жамланган китоб. Халқ орасида Навоий ҳақида тарқалган 19 афсона ва ривоят киритилган. Китобнинг “Изоҳлар” қисмида мазкур афсоналарнинг айтиувчиси

ва ёзиб олувчиси махсус қайд қилинган. Алоҳида тўплам ҳолида биринчи марта нашр этилган бу афсона-новеллалар халқ оммасининг ўз шоирга бўлган ҳурмати, садоқати ва меҳр-муҳаббатининг рамзи сифатида найдо бўлган. Халқ Навоий сиймосида ўз орзу-истакларини амалга оширувчи, оғир кунларда мададкор, узоғини яқин, мушкулени осон қилувчи кўмакдош ва ғамхўрни кўради. Навоий бефаросат ва зolim подшоларни, риёкор шайх ва муллаларни, хасис ва ярамас савдогарларни фoш этади, ўзининг зийраклиги ва донишмандлиги б-н уларни лол қолдиради. Ҳамма вақт ва ҳамма жойда камбағал, бева-бечораларни қўллаб-қувватлайди. Албатта мазкур афсоналарда Навоийнинг реал биографияси тасвирланмайди. Халқ афсоналарида ҳаракат қилувчи Навоий биз билган ҳақиқий шоир ва мутафаккир Навоийдан фарқ қилади. Афсоналарда шоир шахсига оид тарихий ҳақиқатлар ўрнини кўпроқ оғзаки ижодга хос фантазия, тўқима ва муболага эгаллайди. Халқ ўз оғзаки ижоди анъаналаридан келиб чиқиб, шоирга нисбатан гоят баландпарвоз сифатлар, ўхшатишлар ва муболағалар қўллаб-қувватлайди. Баъзан ҳазилкаш ва қувноқ кифоада тасаввур этилади. Китоб “Ёш гвардия” нашриётида 1968 й. чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ” – Назира Мирзаева ва Замира Полвоноваларнинг Навоий ижоди хусусида тузган биобиблиографияси. Кўрсаткич жами 7 бўлимдан иборат: 1. Навоий асарлари нашри (танланган асарлари ва алоҳида нашрлари, дostonлари, лирика, илмий ва тарихий асарлари); 2. Танқидий-биографик материаллар; 3. Навоий юбилейлари; 4. Навоий образи бадий адабиётда ва санъатда; 5. Навоий асарлари ҳақида (дostonлари, лирикаси, илмий ва тарихий асарлари, Навоий асарларини саҳналаштириш, асарларининг нашри ҳақида); 6. Навоий меросини ўрганиш; 7. Библиографик манбалар. Шунингдек, қўлланма сўнгига исмлар кўрсаткичи ҳам илова қилинган. Кўрсаткич Навоий таваллудининг 525 йиллик юбилейига бағишланган, унда шоирнинг 1917 йилдан 1966 йилгача нашр қилинган асарлари, танқидий-биографик материаллар ҳамда Навоий образини аке эттирувчи бадий адабиёт ва санъат асарлари ҳақида қисқача маълумотлар тўпланган. Қўлланмага Навоий асарлари ҳақидаги материаллар ва шоир меросини ўрганишга доир адабиётлар рўйхати киритилган. Мазкур биобиблиографик кўрсаткичга хос муҳим хусусият шундан иборатки, унда фақат Навоий асарлари ва улар ҳақида келтирилган манбаларнинг библиографик кўрсаткичлари келтирилган, манбалар тавсифи берилмаган. Биобиблиография Гафур Гулом номидаги Бадий адабиёт нашриётида 1968 й. чоп этилган.

“НАВОИЙНИНГ ҚАЛБ ДАФТАРИ” – адабиётшунос Иззат Султоннинг асари. Тўлиқ номи – “Навоийнинг қалб дафтари – Буюк шоирнинг ҳаёти б-н ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида”. 1969 й. ёзилган. Асарда Навоий ҳаёти янгича нуқтаи назар – шоирнинг уз асарларидаги иқдорларини замондошлари талқинига таққослаган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаллиф Навоий замондошлари Султон Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”, Бобурнинг “Бобурнома”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” ва “Мақорим ул-ахлоқ”, Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоъ”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн” ва бошқа асарларда Навоий ҳаёти ва ижодига боғлиқ далиллар ёрдамида мураккаб тарихий даврда яшаган буюк шоир қалбига назар ташлайди. Асар муқаддимасида қайд қилинишича, китобда “Хазойин ул-маоний” девонида Навоийнинг ўзи даврлаштирган мезонларга риоя қилинган: 1) ёшлик даври (етти ёшдан йигирма ёшгача); 2) йигитлик даври (йигирма ёшдан ўттиз беш ёшгача); 3) ўрта ёш даври (ўттиз беш ёшдан қирқ беш ёшгача); 4) кексалик даври (қирқ беш ёшдан умрининг охиригача). Биринчи боб “Умр фусулининг навбаҳори” деб номланиб, унда Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги тарихий вазият, Алишер вояга етган муҳит, дастлабки таълим ва устозлар, Самарқанддаги таҳсил жараёни, ижоднинг дастлабки босқичи ва эътирофи, Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган мактуби каби тарихий воқеалар изчил тасвирланган. Иккинчи бобда Самарқанддаги ижодий жараён, Султон Абусаид ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги можаролар, Навоийнинг темурийлар сиёсий ҳаётидаги роли ва ўрни, Ҳиротнинг Навоий ва Ҳусайн Бойқаро давридаги мавқеи ҳақида маълумот берилган. Учинчи боб – “Фусулнинг хазони, тириклик боғининг баргрезининг нишони”да Навоийнинг бунёдкорлик ишлари, янги адабий муҳитнинг шаклланиши,

буюк “Хамса”нинг яратилиш тарихига назар солинган. Тўртинчи боб “Умр фусулининг киши” бобида Навоий умрининг сўнгги йилларидаги фаолияти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Илова қисмида фойдаланилган асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида қисқа маълумот келтирилган. Китоб рус ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Сўнгги нашри 2010 й. Фафур Фулом номидаги НМИУда chop этилган.

“ҚАДИМГИ ОБИДАЛАР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ТИЛИ” – тилшунос Эргаш Фозиловнинг китоби. Унда Навоийгача бўлган туркий халқларнинг тарихий обидалари ҳақида маълумот берилади ва Навоий асарлари тилининг фонетик, морфологик жиҳатлари таҳлил этилади. Китобда туркий халқларнинг адабий тили қадимги даврларда ҳам бўлганми ва у қайси манбаларда қайд этилган, бу манбалар бизга қадар етиб келганми, улар ҳозирги туркий тилларнинг қайси бирини ўзида кўпроқ акс эттирган ҳамда уларнинг 15-аср ўзбек адабий тилининг асосчиси Навоий асарлари тилига муносабати каби масалалар тадқиқ этилган. Унда туркий халқларнинг қадимий обидалари ва Навоий қаламига мансуб 36 асар ҳақида қисқача маълумот ҳам келтирилган. Навоий асарларининг фонетик ва морфологик хусусиятлари алоҳида таҳлил этилган. Монография “Фан” нашриётида 1969 й. нашр этилган.

“НАВОИЙ ВА ЁШ ТОЖИК АДИБЛАРИ” – адабиётшунос Эргашали Шодиевнинг тадқиқоти. Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир илмий изланишларнинг бир қисми. У 1964 й.да нашр этилган “Навоийнинг тожик адабиётига муносабати масаласига доир” ва 1967 й.да нашр этилган “Алишер Навоий ва унинг салафлари” номли рисоаларнинг мантиқий давоми. Унда Навоийнинг ўз давридаги ёш тожик адибларига муносабати, уларнинг ижодий камолоти йўлида кўрсатган меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги туғрисида мухтасар фикр юритилган. Навоий яшаган ва ижод этган даврда Хирот энг йирик маданий марказларидан бирига айланган эди. Мамлакатнинг турли ўлкаларидан олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар бу ерга келиб, Навоий раҳбарлиги ва ғамхўрлиги туфайли самарали ижод этиб, халқимиз маданий тараққиётида катта хисса қўшганлар. Булар орасида Мирхонд ва Хондамир каби тарихчилар, Абдужамил ва Султонали Мапҳадий каби хаттотлар, Беҳзод сингари рассомлар, кўплаб санъаткорлар ва шоирлар бор эди. Муаллиф аниқлик ва мухтасарликни таъминлаш мақсадида “Навоий ва Осафий”, “Навоий ва Восифий”, “Навоий ва Биноий”, “Навоий ва Ҳотифий” каби тўрт қисмда Навоийнинг тўрт форс-тожик шоири б-н адабий-ижодий муносабатлари, уларнинг ижодий камолотида курсатган хизматлари ўрганилган. Рисола Хўжанда 1969 й. нашр этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИ” – адабиётшунос Тошпўлат Аҳмедовнинг тадқиқоти. Монография кириш ва уч қисмдан иборат бўлиб, Лайли ва Мажнун ҳақидаги қиссаларнинг вужудга келиши, Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалиши, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий “Хамса”сининг учинчи достони “Лайли ва Мажнун”нинг гоъвий-бадий таҳлили масалаларига бағишланган. I бобда Навоийга қадар “Лайли ва Мажнун” ҳақида туркий тилда яратилган дostonлар, араб манбаларидаги ривоятлар ва форс-тожик тилида ижод қилинган асарлар, хусусан, салафларининг шу мавзудаги дostonлари таҳлил этилган. II бобда Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони сюжети ва мавзуси шу номдаги бошқа асарлар б-н қиёсий йўсинда тадқиқ қилинади. III бобда дoston қаҳрамонлари ва персонажлари ўрганилган. IV боб эса дostonнинг бадий-поэтик хусусиятлари тадқиқига доир бўлиб, унда дostonнинг шеърӣй вази, фойдаланилган шеърӣй санъатлар ва қофияси ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинади. Китоб 1970 й. “Фан” нашриётида chop этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАРИ КАТАЛОГИ” – матншунослар Қ. Муниров ҳамда А. Носировнинг китоби. Унга Навоийнинг фақат ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган, 150 га яқин хаттот кўчирган 450 дан зиёд қўлёзма ва босма асарлари рўйхати ҳамда 2 та илова киритилган. Муаллифларнинг қайд этишича,

Навоийнинг қўлёзма асарлари Тошкентда ЎзФАнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, Навоий номидаги Ўзбек давлат Адабиёт музейида, Ленинградда Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида, Осиё халқлари институтининг Ленинград бўлимида, Озарбайжон Фанлар академиясининг Республика қўлёзмалари фондида, Тожикистон Фанлар академияси ҳузуридаги Шарқшунослик ва ёзма ёдгорликлар бўлимида, Грузия Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида, Туркменистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ҳамда кўпгина университет кутубхоналари ва адабиёт музейларида сақланмоқда. Навоийнинг қўлёзма асарлари Лондон, Оксфорд, Кембриж, Берлин, Мюнхен, Париж, Рим, Упсала, Нью-Йорк, Филадельфия, Рим-Ватикан, Истанбул, Техрон, Урумчи, Дублин, Кобул каби хорижий мамлакатлар шаҳарларининг қўлёзмалар сақланадиган катиналаридан ҳам ўрин олган. Каталог 1970 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ДАҲОСИ” – адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг китоби. Тўпلامга Навоий ҳаёти ва бой ижодий меросининг ўрганилмаган ёки кам ўрганилган жиҳатлари ҳақидаги мақолалар жамланган. Навоий даҳоси туғма истеъдоди, ёшликдаги қобилияти, ўқиб-изланишлари, яратган асарлари, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ободончилик соҳасида кўрсатган хизматлари, ўзбек тили ривожига ва мавқеи учун олиб борган курашлари орқали очиб беришга ҳаракат қилинган. Мақолаларда мақсад тақозоси б-н шоирнинг халқлар дўстлиги ҳақидаги қарашлари, “Ҳамса” қаҳрамонларидан кўрада тутган муддаоси, йигитлик манаумалари, “Тарихи мулуки Аҷам”, “Маҷолис ун-нафоис” асарлари, Навоийнинг поэтик маҳорати, Навоий ва табиий фанлар, Навоийнинг текстологик тадқиқотлари, Навоий ижодида таҳрир каби кўплаб масалаларга оид мулоҳазалар ўртага ташланади. Китоб 1970 й. Фафур Фулом номидаги Бадиий адабиёт нашриётида чоп этилган.

“УЛУҒ ШОИР ИЖОДИНИНГ ҚАЛБИ” – адабиётшунос Воҳид Зоҳидовнинг китоби. Ун бир қисмдан иборат: 1) “Шарқ феодал жамиятининг баъзи хусусиятлари ва Навоий”. Муаллифнинг қайд этишича, Навоийнинг дунёвий аҳамиятга эга тарихий хизмати шундан иборатки, у ўзининг издошлари б-н бирга узоқ асрлар мобайнида Шарқнинг, жумладан, Ўрта Осиёнинг ўта аянчли ҳолда қолишига сабаб бўлган кўп омилларга қарши кураш олиб борди. 2) “Навоий даври лавҳалари”. Бу қисмда Навоий яшаган тарихий давр, темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва воқеаларида унинг иштироки ҳамда таъсири каби масалалар ҳақида сўз боради. 3) “Навоий ҳаёти саҳифалари”. Унда шоирнинг болалик йиллари, ижтимоий ҳаётдаги фаолияти, Ҳусайн Бойқаро саройида халқ фаровонлиги йўлида қилган ишлари таҳлил этилган. 4) “Маънавий замин”. Ушбу қисмда Навоий ижоди ва унинг илғор дунёқараши узоқ асрлар мобайнида тўпланган Шарқ ҳамда бошқа халқлар маданияти (масалан, Юнон) таъсирини ўзида мужассамлаштирган маданий бойлик заминида майдонга келганлиги, мукаммаллашгани, унинг қонуний давоми эканлиги хусусида сўз боради. 5) “Меҳри мунир”, “Зеби торақ” деб номланган қисмда, асосан, Навоий ўз асарларини ёзишда қандай принципларга асослангани қобилидаги саволга атрофлича жавоб беришга ҳаракат қилинган. 6) “Инсон – хилқат тожи, маҳбуб” қисмида Навоийнинг севги ва маҳбуб масаласига муносабати, шоирнинг бу борадаги қарашлари ва шоир севгиси объекти ҳақида қизиқ мулоҳазалар ўртага ташланади. 7) “Шоир ва дин”. Маъқур қисмда Навоийнинг динга муносабати таҳлил этилади, муайян ҳулосаларга келинади. 8) “Ҳаёт гули афзал”. Бунда пантеизм ҳақидаги мулоҳазалар акс этган. 9) “Навоий ва тасаввуф”. Муаллиф ушбу ўринда Навоийнинг тас.га висбатан мураккаб ва қоришиқ бўлган муносабатини ўрганган. Муаллифнинг фикрича, тас. тарихан уч оқимга бўлинади: 1. Экстазчи, таркидунёчи сўфийлар оқими. 2. Эклектик оқим. 3. Таркидунёчилик ва риёзатнинг зарурлигини инкор этган оқим. Олим Навоий ижодининг тас. таълимоти б-н боғлиқ жиҳатларини ўрганиб, шоир асарларидаги баъзи таркидунёчилик ва шунга ўхшаш ҳолатлар унчалик аҳамиятга эга бўлмай, балки эпизодик характерга эга, деган ҳулосага келади. 10) “Тафаккур қудрати”да буюк шоирнинг гносеологик қарашлари таҳлил этилиб, олимнинг фикрича, Навоий билиш назарияси масаласида дин ва мистик тас.га қараганда бошқача йўл

тутган. 11) “Давр ифшоси” қисмида Навоийнинг давлат, подшоҳ, ҳокимият ва унинг раҳбарлари б-н омма ўртасидаги муносабат, ўша даврдаги жамият табақаларига нисбатан қараплари ва ватанпарварлиги ҳақида сўз боради. Китоб сўнгида Воҳид Зоҳидовнинг буюк шоирга бугунги кун авлоди тилидан йўллаган мактуби ҳам илова қилинган. Китоб 1970 й. “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ “ФАРҲОД ВА ШИРИН”И ВА УНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ” – адабиётшунос Содир Эркиновнинг китоби. Бунга қадар “Фарҳод ва Ширин”, “Хусрав ва Ширин”, умуман, “Хамса” анъанасини ўрганишга оид жуда кўп тадқиқотлар мавжуд бўлган, лекин Фарҳод образи қатнашган асарларнинг тарихи ва шу силсилада Фарҳод қиссасининг Навоийга хос талқини масаласи маъқур тадқиқотга қадар махсус ўрганилган эмас. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonи Шарқда машҳур бўлган “Хамса” анъанаси асосида яратилган. Уни форс-тожик, озарбайжон, уйғур ва турк ад-тларида мавжуд бўлган шу типдаги сюжетли асарлар б-н қиёсий ўрганиш, бир жиҳатдан, адибнинг маъқур мавзуни ёритишдаги маҳоратини намоён этса, бошқа жиҳатдан, ад-тлар ўртасида қадимдан давом этиб келаётган ўзаро алоқаларни, минтақаларда адабий жараённинг тадрижий тақомилини ҳам бирмунча кенгроқ тасаввур қилиш имконини беради. Монографияда юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Навоий анъаналарининг кейинги давр ад-тига таъсири масаласи ҳам тадқиқ этилган. Шарқ адабиётида бу мавзу Навоийгача яратилган “Хусрав ва Ширин”, “Фарҳоднома” номлари б-н машҳур бўлган асарларда ҳам қаламга олинган. “Фарҳод ва Ширин” тарихини чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш, унинг энг қадимги манбаларини белгилаш, Фарҳод номи б-н боғланган асарларни, улардан ҳар бирининг ўзига хос ютуқлари, фазилатларини тўғри тушуниш ва баҳолаш, ўрта аср Шарқ ад-тида Фарҳод қиссасининг пайдо бўлиши ва гоят мураккаб эволюциясини белгилашга ёрдам берган. Монография 1971 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ – ОЛИМ ВА МУРАББИЙ” – Назар Ражабовнинг ўқув қўлланмаси. Унда Навоийнинг улуг сиймо сифатидаги фазилатлари, ёш шоир ва олимларга кўрсатган ёрдами, маърифат ва маданият жабҳасидаги хизматлари, илм-фан тараққиётидаги улкан ишлари, айниқса, ўзбек адабий тили ва унинг ўзбек халқ шеваларига муносабати каби қатор масалалар ҳақида сўз боради. Педагогик фаолият жараёнида Навоий шахсининг олимлик ва мураббийлик қирраларини ўқувчи-талабаларга тушунарли бўлишига эришиш мақсадида шоир асарларидаги мисолларга мурожаат қилинган, маъқур тажриба китобга педагогларга намуна сифатида киритилган. Қўлланма 1971 й. Самарқандда нашр этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ” – тилшунос Х. Дониёровнинг китоби. Монографияда Навоийнинг ўзбек адабий тилини шакллантиришдаги хизматлари, лингвистик фаолияти ва асарлари тили тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Унда, асосан, Навоий тилининг диалектал асослари, таркибий қисми, ҳозирги тилимиздаги илдишлари ва алоқаси, унинг ҳозирги ўзбек адабий тили ва етакчи ўзбек шеваларига муносабати каби масалаларнинг муайян жиҳати тадқиқ этилган. Алишер Навоий тилининг вокализм(унлилар)и, унинг ҳозирги айрим шева ва жонли халқ тилига муносабати махсус текширилган. Китоб 1972 й. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙШУНОСЛАР ЖАСОРАТИ” – фольклоршунос Малик Муродовнинг рисоласи. Улуг Ватан уруши йилларида, қамал ҳолатида ленинградлик навоийшунослар кўрсатган жасорат ҳақида мароқ б-н сўзланган. Унда 1941 й. собиқ СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Навоийнинг 500 йиллик юбилейига атаб чақирилган махсус илмий кенгаш тафсилотлари ва бундай саъй-ҳаракатларнинг ўша давр сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ва кенгаш натижаси ўлароқ юзага келиши лозим бўлган китобнинг тақдири, тузилиши ва таркиби ҳақида сўз боради. Эрмитажда ўзбек ад-тининг атоқли вакили Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига бағиш-

лаб ўтказилган тантаналарнинг тафсилотлари, катта сиёсий ва илмий аҳамиятга молик бу воқеа ҳақида академик И.А.Орбели ҳамда Е.Э.Вертельс асарларида айрим қайдлар учрайди, холос. Китобда Давлат Эрмидажада икки кун давом этган йиғилиш, у ерда ўқилган илмий маърузаларнинг мавзуи, таржимонларнинг чиқиши, шунингдек, рассом М.Н.Мохнинг яратган чинни буюмлари, Навоий ғазаллари, дostonларига бағишланган безаклари, “Алишер Навоий. 1441–1941” тўпламини нашрга тайёрлаш мақсадида Эрмидажда чақирилган мажлис, унинг қарори, мазкур тўпламнинг мундарижаси, Шаркшунослик институтида ўтказилган илмий кенгаш материаллари ҳақида маълумот берилади. Рисола 1972 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ АСАРЛАРИ ЛУҒАТИ” – матбуотшуослар Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовлар тайёрлаган лугат. 60-йилларда Фафур Фулом нашриётида чоп этилган Навоийнинг ўн беш томлик асарлари учун тайёрланган. Классик ад-тга эга бўлган ҳар қандай халқда бундай лугатга катта эҳтиёж сезилади. Бунга “Пушкин тили лугати”, “Шчедрин тили лугати” ва “Абай тили лугати”ни мисол қилиш мумкин. “Пушкин тили лугати”ни тузиш масаласи 1899 й. Пушкин таваллудига 100 йил тўлиши муносабати б-н кун тартибига қўйилган ва турли йилларда турли ишчи гуруҳлар муайян ишларни амалга оширган. “Навоий асарлари лугати” юқоридаги лугатлардан фарқ қилар, муайян ўзига хосликларга эга эди. Биринчидан, Навоий асарларига лугатлар турли ҳажм ва вариантларда ўз ва ундан кейинги даврларда тузила бошланган. Масалан, форс тилидаги “Бадоеъ ул-лугат”, “Лугати Навоий” шоирнинг ҳаётлигидаёқ яратилган бўлса, “Ал луготу ало лисонин Навоий”, “Санглоҳ”, “Абушқа”, “Луготит чигатоий ва турки усмоний” каби лугатлар кейинги асрларда тузилган. Мазкур лугатларнинг баъзиларига Навоийдан бошқа ижодкорлар асарларидан ҳам парча ва сўзлар киритилган бўлса-да, сўзлар, асосан, Навоий асарларидан олингани учун бўлса керак, Навоийга нисбат берилган. 19-асрда Парижда француз ориенталисти Повет де Куртайлининг “Dictionary turk oriental” лугати нашр этилган эди. Бу лугатда Навоий сўзларига француз тилида изоҳ берилган ва Навоий асарларидан мисоллар келтирилган. 1941 й. Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш муносабати б-н бир қатор ишлар амалга оширилиши жараёнида классик адибларимиз, хусусан, Навоий асарлари учун изоҳли лугат тузиш кун тартибидagi энг муҳим масала экани аён бўлди. 1939 й. Москвада Навоий юбилейига ҳозирлик кўриш ишларига бағишланган илмий сессия ўтказилади. Мазкур сессия қарорига асосан Навоий асарлари юзасидан 4 жилдли изоҳли лугат тузиш зарурлиги айtilган ва бу иш Ўзбекистон ФА А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юклатилган. Шундан сўнг Тил ва адабиёт институтида Навоий асарлари юзасидан мукамал лугат тузиш учун махсус гуруҳ тузилади. Унга А.К.Боровков, Мирза Абдулло Вокий, Садриддин Айний, С.Иброҳимов, Зокир Ҳабибий, М. Исҳоқов, А.Азизов, Набижон Чустий, А.Муталлибов, С.Муталлибов, Содик Мирзаев ва бир неча котиблар аъзо бўлади. Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг ушбу жамоа тарқатиб юборилиб, иш тўхтаб қолади. Мазкур жамоа Навоий асарларининг “Чиҳил ҳадис”, “Назм ул-жавохир” ва “Девони Фоний”дан бошқа ҳамма асарларини кўздан кечириб, танлаб олиш йўли б-н 200.000га яқин сўз ва улар ишлатилган парчаларни карточкаларга кўчириб, “Навоий лугати” картотекасини яратади. Шу картотека асосида “Навоий тили лугати”нинг 70 босма табоқ ҳажмида 1-жилди тузилиб, босмага тайёрланади. Аммо уруш туфайли босилмай қолиб кетади. Урушдан сўнг бундай лугатларни икки вариантда тузиш маъқул топилган: 1. Кўплаб нашр этилаётган Навоий ва унинг замондошлари асарлари мазмунини чуқурроқ тушуниш учун ҳозирги навоийхонларга ёрдам тариқасида “Қисқача Навоий лугати”; 2. Навоий тили бойликларини ўрганиш учун унинг барча асаридаги сўзларни ёппасига жамлаб кўп жилдлик мукамал лугат яратиш. Ҳар икки лугатни тузиш ишига ф.ф.н., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби П.Шамсиев ва С.Иброҳимов жалб этилади. Биринчи тип лугат 1953 й. “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат” номи остида нашр этилади. Навоий ва бошқа классикларнинг асарлари кейинги йилларда кўп ададларда чоп этила бошлангани натижасида классиклар тили бўлган эҳтиёж тобора ортиб боради. Мазкур лугат мана шу эҳтиёж сабабли юзага келган. Лугат юқорида зикр этилган “Қисқача лугат”дан бир қанча жиҳатлари б-н фарқ қилади. Масалан, бу

лугатнинг сўз ва иборалари “Қисқача лугат”дан анча кўп бўлиб, бош сўзлар 12 500га яқин, иборалар сони эса 8000дан ортиқ. Лугат 1972 й. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ” – адабиётшунос Натан Маллаевнинг асари. Тадқиқотда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ёзма ад-ти б-н халқ поэтик ижоди алоқалари, ёзма ад-т б-н фольклорнинг ўзаро муносабатига оид типологик ҳодисаларни ёритиш, муайян қонуниятларни ўрганишда Навоий ижодига муҳим мавба сифатида ёндашилади. Тадқиқотда сўз санъаткорларининг фольклордан ижодий фойдаланиши ёзма адабиётнинг тараққий этишига, шу б-н бирга, халқ оғзаки ижодининг сақланиб қолиши ва янгича умр кўришига хизмат қилиши, ўз навбатида, ёзма ад-т ҳам халқ оғзаки ижодининг равнақи ва такомилга фаол таъсир этиши оғзаки ижод б-н ёзма ад-тнинг ўзаро муносабати ва бир-бирига таъсирини белгилайди, деган қараш устувор. Шунингдек, Алишер Навоий ижодиётида фольклор анъаналари, Навоий ва мифология, “Хамса” образлари ва ёзма адабиётдаги фольклор анъаналари ҳамда ҳикоятларнинг фольклор б-н боғлиқлиги, Навоий достонларининг халқ вариантлари, ёзма ад-т ва халқ оғзаки ижодида Навоий образи каби долзарб ва қизиқарли масалалар анча батафсил ёритилган. Китоб 1974 й. Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“ҲАЁТБАХШ ЧАШМА” – адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг асари. Китобда гарчи кўпроқ Навоий ижодиётига оид фикр-мулоҳазалар ифодаланган бўлса-да, лекин “Алпомиш”, Хожа Ҳофиз Шерозий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Абдуллахон Ғолиб каби ижодкор асарларининг қисқача тавсифи ва адабий таҳлил тарихи, 15-аср ад-тига оид манбалар ҳамда қадимги туркий шеърият тўғрисида умумназарий қарашлар ҳам мавжуд. Муаллиф китобнинг “Алишер Навоийнинг ижодий методи” қисмида Навоий ижодида романтик тасвир етакчи эканини қайд этади. “Навоийнинг сарбадорларга муносабати” деб номланган қисмида эса сарбадорлар мафқурасининг Навоий ижодига таъсири масаласи Навоийнинг Мир Шоҳий б-н бўлган муносабати ҳамда сарбадорларнинг маишхур шоири Ибн Ямин Фарюмадий (1286 – 1368) ижоди б-н Навоий ижодини таққослаш оркали кўрсатиб беришга ҳаракат қилинади. “Навоий ҳақида янги маълумотлар” қисмида эса Бухорода ҳукмронлик қилган Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминхон яратган “Том ул-таворих” (“Тарихлар тугали”) асарида Навоий ҳаёти ва ижодига оид бошқа манбаларда учрамайдиган фактларга эътибор қаратилади. Бу борада, айниқса, Навоий ёзган энг сўнгги шеър ҳақидаги маълумотлар диққатга молик. Китоб 1974 й. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ” – адабиётшунос Азия Қаюмовнинг китоби. Шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги лавҳаларни ўзида жамлаган. Дастлаб 1976 й. “Ёш гвардия” нашриётида чоп этилган. Мазкур нашр аввал тилга олинмаган, ўзбек навоийшунослиги эришган кейинги натижаларни ҳам қамраб олган. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин баҳодирнинг табиатини кўрсатувчи лавҳалар, Навоийнинг Сабзавор ш-да олган таҳсилга доир маълумотлар, Навоийнинг ҳомийси ва тарбиячиси, Хуросон подшоси Абулқосим Бобур Мирзо тўғрисидаги лавҳалар шулар жумласидандир. Ва яна китобга ўша даврнинг таниқли ижодкорларидан бири Хожа Ҳасан Хиаршоҳ б-н Навоий ўртасида бўлиб ўтган мулоқотлар ҳақидаги боб ҳам киритилган. Муаллиф ўз рисоласини фақат Навоий ҳаётига доир маълумотлар эмас, “Вақфия”, “Назм ул-жавоҳир”, “Сирож ул-муслимин”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” каби асарлар ҳақидаги илмий ва бадиий лавҳалар б-н ҳам бойитган. Тўлдирилган ва қайта ишланган ушбу нашр 1991 й. “Камалак” нашриётида чоп этилган.

“АСРЛАР ОША МУШОИРА” – адабиётшунос Содир Эркиннинг асари. Фарҳод ҳақидаги асарлар образлари ва сюжети генезиси юзасидан олиб борган узоқ йиллик изланишлари натижаси сифатида юзага келган. Шарқда қадимдан мавжуд ва узоқ тарихий такомилга эга “Фарҳод ва Ширин” қиссасига Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Ориф Ардабили, Алишер Навоий сингари кўплаб мумтоз сўз усталари мурожаат этганлар. Уларнинг мазкур қисса асосида халқ қарашлари ва гуманистик адабиёт анъаналарини давом эттириб, ривожлантириб яратган асарлари

Шарқ дostonчилиги такомилига, миллатлар ва ад-тлар ўртасидаги алоқалар тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. “Хамса” таркибидаги дostonлар орасида “Хусрав ва Ширин” ёхуд “Фарҳод ва Ширин” тарихий илдиаларига асосан Шарқдаги энг қадимий қиссалар сирасига киради. Мазкур рисолада Фарҳод, Хусрав, Ширин каби қаҳрамонлар ва улар туғрисидаги қиссаларнинг дастлаб қайси халқ ўртасида шаклланганлиги, адабий ҳодиса сифатида танилиши масалалари, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек, форс, араб, озарбайжон, ҳинд, уйғур халқлари ўртасидаги яқин муносабатлар натижасида қиссанинг бу ҳудудларда кенг тарқалганлиги, сўз усталари томонидан қайта-қайта қаламга олинганлиги, “Хусрав ва Ширин” ёхуд “Фарҳод ва Ширин” қиссалари шу тариқа ўзларининг асл илдиаларидан узоқлашиб, янги эпизодлар, янги талқинлар б-н бойиб боргани, яратилиш даври, шароити, муаллифнинг гоявий ниятига мувофиқ ўзига хос жихатлар касб эта борганлиги каби кўплаб долзарб масалалар тадқиқ этилган. “Асрлар оша мушоира” китоби 1977 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АСРЛАР ЭЪТИРОФИ ВА ТАЪЗИМИ” – адабиётшунос Натан Маллаевнинг рисоласи. Навоий фаолияти ва меросини ўрганиш тарихига бағишланган. Унда навоийшуносликнинг тараққиёт босқичлари, айниқса, 20-аср навоийшунослигига кенг ўрин берилган. Улуг сўз санъаткорлари асарларини тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш фаннинг махсус соҳасига айланиб қолган бир пайтда гомершунослик, шекспиршунослик, пушкиншунослик каби соҳалар қаторидан навоийшунослик ҳам муқим ўрин эгаллагани, Навоий фаолияти ва меросини ўрганиш узоқ ва мураккаб тарихга эга эканлиги, бу тарих 15-асрнинг ўзидан, Навоий замондошларининг асарларидан бошланиши, беш асрга яқин давр ичида мураккаб тараққиёт босқичларини босиб ўтганлиги кўздан кечирилади. Адабиётшунос Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш манбалари ҳақида сўз юритиб, бунда замондош ижодкорлар асарлари ва халқ оғваки ижоди муқим манба эканлигини, қолаверса, конкрет тарихий асарлар – Абдулмўминхоннинг “Том ут-таворих”, Лутф Алибек Озарийнинг “Оташкада”, Сом Мирзонинг “Тухфайи Сомий”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Мажмаъ ул-фусаҳо”, Мирзо Ҳайдар Дўғлатнинг “Тарихи Рашидий” каби асарларини алоҳида таъкидлайди. Рисолада, шунингдек, Навоийнинг ўтмишда, Шарқда, Европа ва Россияда, совет даврида ўрганилиши каби масалаларга қисқача тавсиф берилади ва ҳар бир масала доирасида навоийшуносликка доир асарлар қайд этилади. Муаллиф таъкидлаганидек, бу борадаги ишлар ҳали янада ривожлантирилиши керак. Рисола 1978 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ТАНЛАНГАН ИЛМИЙ АСАРЛАР” – адиб ва олим Садриддин Айнийнинг айрим илмий тадқиқотлари жамланган китоб. Ад-т тарихининг қатор масалалари б-н жиддий шуғулланган Айний Шарқнинг Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Камол Хўжандий, Алишер Навоий, Бедил мерослари устида тадқиқотлар олиб бориб, салмоқли натижаларга эришган. Садриддин Айнийнинг форс-тожик ва ўзбек ад-ти тарихига доир тадқиқотлари натижаларининг бир қисми унинг ўзбек тилида нашр этилган 8 томлик танланган асарларининг охириги жилдидан ўрин олган. Мазкур “Танланган илмий асарлар”га Шарқ ад-тининг Ибн Сино, Саъдий, Навоий ҳақидаги асарлари таржимаси тожик тилидаги асл нусхаси б-н киёслаб чиқилган, М. Горький, Бедил ҳақидаги мақолалари эса ўзбек тилига таржима қилиниб, биринчи марта эълон қилинган, Аҳмад Дониш, Максим Горький туғрисидаги хотира – қайдлари киритилган. Айний мақола ва монографик характердаги мазкур асарларда, бир томондан, бой фактик материалга асосланган ҳолда ҳар бир ижодкорнинг илмий биографиясини яратса, иккинчи томондан, улар ижодининг маданият тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилган. Китоб “Фан” нашриётида 1978 й. нашр этилган.

ОЙБЕК. “МУКАММАЛ АСАРЛАР ТўПЛАМИ” (XIII жилд.) – ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўгли Ойбекнинг Навоий ижодига оид изланишлари жамланган китоби. Унда “Навоийнинг таржиман холи”, “Хамса”нинг асосий қаҳрамонлари”, “Навоийнинг дунёқараши масаласига доир”, “Навоий ҳақида”, “Алишер Навоий”, “Навоий” романини қандай ёздим” сингари тадқиқот-мақолалари, шунингдек “Навоий ҳақидаги илмий ишларга тайёргарлик” (1-, 2-дафтарлар) номли тадқиқотлари

киритилган. Ойбек мазкур тадқиқотларида, асосан, Навоийнинг ҳаёти ва лирикасига оид қарашларини ўртага ташлайди ва ишончли далиллар б-н асослашга ҳаракат қилади. Мазкур тўпلام 1979 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТЕКСТИ УСТИДА ИШЛАШ” – матншунос Т.Зоировнинг рисоласи. Рисола мактаб ёшидаги болаларга арув вазида, мураккаб услубда ёзилган турли жанрдаги классик поэзия намуналарини тушунтириш ва таҳлил қилиш масаласига бағишланган. Муаллиф классик меросни ўқитишда изоҳ ва шарҳларга асосий восита сифатида қарайди, бу борадаги ишлар тарихига қисқача тўхталиб, Навоий яшаган даврдаёқ Султон Ҳусайн топшириги б-н Толеъ Имоний “Бадойиъ ул-луғат” номли луғат тузиб, Навоий асарларини изоҳлаб бергани, шунингдек, “Абушқа” луғати, Маҳдихоннинг “Санглоҳ”и, Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний” каби қатор асарлар мавжудлиги ҳақида маълумот беради. Мавжуд ад-т дарслиги ва хрестоматиялардаги (ўтган асрдаги) Навоий асарлари ва улардан олинган адабий парчаларнинг муайян қисми ўқитувчиларга ёрдам ва намуна тариқасида насрий баёнга айлантирилган, луғатлари тузилган ва Алишер Навоий асарлари матни устида ишлашнинг бир неча йўллари педагогларга тавсия йўсинида тақдим этилган. “Алишер Навоий асарлари тексти устида ишлаш” китоби “Ўқитувчи” нашриётида 1979 й. чоп этилган.

“НАВОИЙНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ” – адабиётшунос Алибек Рустамовнинг шу номдаги асари. Рисолада ҳақиқий шоир ва ёзувчининг асари ҳам гоъвий, тарбиявий ва маърифий, ҳам бадиий аҳамиятга эга бўлиши кераклиги, Алишер Навоий асарларининг жаҳоншумул аҳамияти ва барҳаётлигининг сабаби ҳам унинг ижтимоий аҳамиятга эга юксак фикрларни олий бадиий шаклда бера олганлиги илмий-назарий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилган. Олим ижодкорнинг бадиий маҳорати ва ижодий муваффақиятини тўлиқ англаш учун унинг эстетик принципларини аниқлаш, бунинг учун эса санъаткорнинг борлиқ, жумладан, инсон ҳақидаги фикрларининг фалсафий асосларини белгилаш йўлидан боради ҳамда рисолаи пунга мувофиқ тартиблайди: 1. Навоийнинг фалсафий ақидалари. 2. Навоийнинг бадиий воситалари. 3. Навоийнинг қофия ва сажълари. 4. Навоийнинг вазнлари. 5. Бадиий етуклик асослари. Биринчи бўлим Навоийнинг фалсафий ақидаларини китоб мавзуи учун зарур бўлган масалалар нуқтаи назаридан қисқача баён қилишга бағишланган. Бунда “Хамса” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларда учрайдиган вужуд, адам, бақо, фано, боқий, фоний, мумкин, макон, замон, аввалият, зухур, ваҳдат, мазҳар каби фалсафий тушунчалар мисоллар асосида таҳлил қилинади ва Навоийнинг фалсафий ақидалари бир қадар белгилаб олинади. Иккинчи бўлимда бадиий асар поэтик жиҳати б-н илмий ва тарбиявий асарлардан фарқланиши, илмий ҳақиқат инсоннинг маънавий олами ва амалига ақли орқали, шеър эса кучли завқ-ҳаяжоннинг натижаси сифатида кишининг руҳий оламига таъсир қилиши бадиий воситалар мисолида атрофлича ёритиб берилади. Лафздошлик (қофия)дан тортиб тажнис, ийҳом, тавзиъ, илтифот, тасбиғ каби шеърий санъатларнинг моҳияти ва қўлланиш ўрни тадқиқ этилади. Учинчи бўлимда Навоий ўз ижодида қўллаган қофия ва сажъларнинг ўзига хос хусусиятлари характерланса, тўртинчи бўлимда классик поэзияда вазн, ундан тўғри фойдаланиш, вазн туфайли лексик ёки грамматик нуқсонларга йўл қўймаслик шоирдан катта маҳорат ва сўз бойлигига эга бўлишни талаб қилиши нуқтаи назаридан Навоий асарларида қўллаган вазнларнинг махсус хусусиятлари текширилган. Бешинчи бўлимда воқелик адабий асарнинг бадиий жиҳатдан етуклигининг биринчи асоси сифатида кўрсатилади. Бадиийликнинг сунъий гўзаллик эканлиги, лекин сунъий гўзаллик ҳам етук даражага етиш учун табиий гўзалликка мос хоссаларга эга бўлиши кераклиги ва айни шу хоссалар бадиий етукликнинг иккиламчи асосини ташкил қилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади. Шоирнинг асл маҳорати табиат санъаткори сингари турлаш ва бирлаштиришда намоён бўлиши, турлаш ва бирлаштиришни ижод жараёнида баробар амалга ошириш мисоллар асосида тадқиқ этилади. Китоб 1979 й. Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ” – адабиётшунос М. Ҳакимовнинг Навоий лирикасига доир тадқиқоти. Рисолада Навоийнинг халқ оғзаки ижоди борасидаги илмий-назарий қарашлари, Навоий лирикасининг етакчи жанри бўлган ғазалга халқ оғзаки ижо-

дининг таъсири ҳамда Навоий лирикасида халқ афоризмларининг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Навоий, шубҳасиз, халқ оғзаки ижодиётидан илҳомланади. Шундай экан, 15-асрда ўзбек халқ оғзаки ижодининг аҳволи ва тараққиёти қай даражада эди, Навоий фойдаланган фольклор манбалар нималардан иборат, деган саволлар туғилиши табиий. Тадқиқотда шу ва шунга ўхшаш саволларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қилинган. Асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, яшаб келаётган халқ оғзаки ижоди намуналарининг бир қисми ёки айримлари ўша даврдаги ёзма манбалар орқали сақланиб қолган. Бу борада “Равзат ус-сафо”, “Бадоеъ ул-вақоеъ”, “Бобурнома” каби тарихий-адабий ёдномалар катта аҳамиятга молик. Хусусан, фольклорнинг турли намуналари б-н танишишда Алишер Навоий асарларининг ўзи ҳам ноёб манбадир. Шу боис Навоий тадқиқот жараёнида шоир ижодий меросига ўша давр фольклори ҳақида маълумот берувчи муҳим манба сифатида қараш ниҳоятда муҳим. Н. Маллаев 1974 йилда мазкур масала бўйича барча кузатишларини жамлаб “Алишер Навоий ва халқ ижодиёти” монографиясини чоп эттирган эди. Унда, асосан, Навоий дostonларининг фольклор манбаларини аниқлаш ва ўрганиш асосида шоир бадиий маҳоратини очиб бериш ҳамда Навоий асарларининг Ўрта Осиё халқлари фольклорига кўрсатган чуқур таъсирини ёритиш мақсад қилиб қўйилган. М. Ҳакимов Навоий ва фольклор масаласи юзасидан шу вақтгача қилинган илмий ишларда, асосан, “Хамса” дostonларига суянилгани учун ўз тадқиқотида бу борада ҳали ўрганилмаган шоирнинг лирик куллиёти – “Ҳазойин ул-масний”га халқ оғзаки ижодининг таъсирини ёритишни асосий объект қилиб олади. Китоб “Фан” нашриётида 1979 й. чоп этилган.

“ТАБАРРУК ИЗЛАР ИЗИДАН” – адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг китоби. Ундан олимнинг Афғонистонда сафарда бўлиб, Навоийнинг ҳаёти ва ижодига алоқадор зиёратгоҳлар ҳамда ёзма манбалар б-н танишиши натижасида юзага келган хулосалари, тўплаган материаллари ва сафар хотиралари турли хил мақолалар кўринишида ўрин олган. Бундан ташқари, китоб сўнги-га Навоийнинг муаллиф таржима қилган машҳур “Тухфат ул-афкор” қасидасининг қисқартирилган шакли ҳам илова қилинган. Унда улўғ шоирнинг поэтик услубига доир, “Хамса” ва давр, афғон диёри ва бугунги Ҳирот, Навоийнинг форсий мактублари, Навоий ва тиббиёт, Жомий поэтик ижодининг эстетик принциплари ҳақида, Хусрав Деҳлавий ва ўзбек ад-ти, Алишер Навоий ва Ҳасан Деҳлавий каби ўнга яқин мавзуларда сўз боради, манбаларда учрамайдиган, кўпчиликка нотаниш ҳамда қизиқарли маълумотлар, олимнинг навоийшуносликка оид янги тадқиқотлари асосий ўрин эгаллайди. Китоб Адабиёт ва санъат нашриётида 1979 й. нашр этилган.

“ЗАМОН НАФАСИ ВА ОБРАЗ” – адабиётшунос Ўткир Шокировнинг рисоласи. Навоий ҳақида ўзбек ад-ти ва санъатининг кўп жанрида яратилган катта-кичик бадиий асарлар муаллифга шоир сиймосининг бадиий ижодиётда акс эттирилиши тўғрисида махсус китоб ёзишга тўртки бўлган. Китоб муқаддима, уч боб ва хотимадан иборат. “Нааму тароналарда” деб номланган биринчи бобда шоир ҳақидаги назмий асарлар, иккинчи бобда насрий асарлар, учинчи бобда сахна асарлари таҳлил қилинади. Ад-т ва санъатда Навоий тўғрисида яратилган асарларнинг ниҳоятда кўп ва хилма-хиллиги туфайли тадқиқот учун уларнинг энг йирик ва салмоқдилари асос қилиб олинган. Шоир ҳақида ўзбек ад-ти ва санъатининг турли жанрларида яратилган асарларда тарихий ўтмишни ҳаққоний акс эттириш б-н бирга давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошиш ҳам етакчи ўринда турган. Муаллиф ўтган асрда яратилган Навоий ҳақидаги асарларни адабиётшуносликнинг тарихийлик ва замонавийлик концепциялари аспектида тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Рисола Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1980 й. чоп этилган.

“НАВОИЙ ИЖОДИЁТИНИНГ ХАЛҚЧИЛ НЕГИЗИ” – адабиётшунос Натан Маллаевнинг қўлданмаси. Мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юрлари талабалари учун нашр қилинган мазкур китобда Навоий ижодиётининг халқчил негизини ёритиш вазифаси қўйилган. Унда инсон, халқ ва халқлар дўстлиги, халқчиллик ва унинг меъёри, Навоийнинг ижтимоий идеали, ҳаёт лавҳалари, этнография ва халқ анъаналари, Навоий ва халқ санъати ҳамда Навоий ва халқ поэтик ижоди масалалари ҳақида баҳс юритилади. Ад-т ўқитувчиси Навоий ҳаёти ва ижодини ўргатар экан, шоир

ижодиётининг ҳаётийлиги ва халқчил негизини чуқурроқ ёритиши ҳамда лавҳа ва деталларга жиддий эътибор қаратиши керак. Шу б-н бирга, Навоий асарлари матнини ўрганишда ўқувчиларни ҳаёт лавҳаларига доир парчаларни мустақил равишда аниқлаш ва тавсифлашга, этнография, халқнинг урф-одати ва анъаналарига доир материалларни, халқ поэтик ижоди намуналарини тўплаш ва шарҳлашга ўргатиш лозим. Навоий асарларини матний жиҳатдан ўрганишни асосий дарс машгулотларидан ташқари факультатив ёки тўғарақларда амалга ошириш мумкин. Натан Маллаев ушбу қўлланмада Навоий ижодининг халқчил негизини педагогик фаолият жараёнида қандай ўргатиш мумкинлигини кўрсатиб берган. Шунингдек, ўқувчилар учун бу йўлда дастлабки қадам бўлсин деб китобга “Ҳазойин ул-маоний” куллиётидан 50 ғазал илова қилинган ва ушбу ғазалларни атрофлича мутолаа қилиш орқали уларнинг ғоявий-бадий хусусиятларини тадқиқ этиш, маърузалар ёзиш, илмий ахборотлар тайёрлаш тавсия қилинган. Умуман айтганда, рисолада китобхонларнинг Навоий ижодининг халқчил негизи ҳақидаги билим ва тасаввурларини тулдириш, синф ва аудиторияларда Навоий меросининг халқона жиҳатларини ўрганишга эътиборни кучайтириш мақсад қилинган. Китоб “Ўқитувчи” нашриётида 1980 й. чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “САБЪАТ АБХҲУР” ЛУҒАТИ” – адабиётшунос Ботирбек Ҳасановнинг китоби. Мазкур китоб нисбатан янги топилган ва Навоийга нисбат берилган “Сабъат абхур” (“Етти денгиз”) лугатининг лексикографик таҳлиliga бағишланган. Унда араб лексикографиясининг қисқача тарихи, лугатнинг ҳақиқий муаллифи ва унинг араб лексикографиясида тутган урнига оид масалалар ёритилган. Ўтган асрнинг 60–70 йилларида Навоийнинг араб тилида ҳам ижод қилгани ҳақида матбуотда бир қатор мақолалар чоп этилади (Арасли Ҳ. Навоий меросини ўрганиш тарихидан. “Ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш масалалари”, 1960. 3-сон, 3–8 бетлар; Абдурахмонов Ф. Туркияда навоийшунослик. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1966. 6-сон, Ҳасанов С. “Сабъат абхур” лугатининг муаллифи ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1968. 3-сон, 86–87 бетлар.) Мазкур рисола “Сабъат абхур” асарининг Навоий қаламига мансуб эканлигини исботлаш ва илмий муомалага олиб кириш учун жиддий уриниш эди. Қолаверса, бу лугат ҳам классик араб тилининг изоҳли лугати бўлгани, ҳам Шарқ адабиёти намояндalarининг ижоди ҳақида муҳим манба экани, ҳам араб филологиясининг ривожланган соҳаси – лугатнавислик тажрибаларини ўрганиш учун аҳамиятлидир. Китобнинг лугат ҳақида яратилган бошқа тадқиқотлардан фарқи шундаки, унда асосий эътибор лугатни тадқиқ этишга қаратилган. Тадқиқот хулосаларига асосланиб айтиш мумкинки, Навоийнинг лугат учун ёзган “хутба”си ва лугатнинг тузилиш принциплари “Сабъат абхур” шоирнинг араб тили лексикасини узоқ йиллар давомида машқ қилиши ва ўрганиши жараёнида вужудга келганлигини яққол исботлайди. Китоб 1981 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙ ИЖОДИ – ИЛҲОМ МАНБАИ” – адабиётшунос Ботурхон Валихўжаевнинг асари. Рисолада узбек ва тожик адабиёти ҳамда адабиётшунослигининг атоқли намояндаси Садрриддин Айнийнинг улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодини ўрганишдаги фаолияти ва хизмати ҳақида сўз боради. Муаллифнинг хулосасига кўра, Садрриддин Айний – Навоий адабий меросининг таржимони, шарҳловчиси ва фаол тарғиботчиси. Навоийнинг бадий баркамол асарларига кизиқиш унинг ҳаётлик чоғидан бошланган. Шоир замондошларининг асарларида ўртага ташланган ва самимиятга йўғрилган фикру мулоҳазалари навоийшунослик дебчасини бошлаб берган. Кейинчалик навоийшуносларнинг катта авлоди етишиб чиқди. Агар 30–40 йилларда Навоий меросини ўрганиш б-н С.Айний, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Фитрат, О.Шарафиддинов, А.Саъдий, В.Зоҳидов, И.Султон, В.Абдуллаев, Ф.Каримов сингари унлаб адиб ва адабиётшунослар шугулланган бўлса, ундан кейинги йилларда бу рўйхат ҳам сон, ҳам сифат нуқтаи назардан ўзгарди. А.Мирзоев, Ҳ.Орасли, В.Қориев, П.Шамсиев, Ж.Зариф, М.Шайхзода, Ҳ.Сулаймон, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Маллаев, С.Ғаниева, Э.Шодиев, С.Эркинов, Э.Рустамов, А.Рустамов каби навоийшунослар етишиб чиқди. Навоийшуносликнинг такомилли шу соҳанинг шаклланиши ва равнақига ўз ҳиссасини қўшган заҳматкўшлар хизматини белгилаш ва тарғиб қилишни тақозо этади. Адабиётшунослигимизда шу йўналишда вужудга келётган айрим ишларни зўр қониқиш б-н қайд этиш зарур. Мазкур рисола ҳам ана шу йўналишдаги янги бир уринишдир.

Унда ўтган аср навоийшунослигининг кашшофларидан бири бўлган Садриддин Айнийнинг Навоий адабий меросига доир тадқиқотлари юзасидан баҳс юритилади. Китоб 1981 й.да “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ” – мақолалар тўплами. Навоий таваллудининг 540 йиллик юбилейига бағишланган СамДУ навоийшунос олимларининг илмий ишларидан иборат. Унда жами 12 мақола мавжуд. Жумладан, В.Абдуллаев “Навоий ва бир даврнинг икки шоири” мақоласида Мухаммад Раҳимхон (Феруз) фармони б-н (ҳижрий 1324, милодий 1906 йилда) Хивада чоп этилган “Хафт шуаро” (“Етти шоир”) китобига киритилган Муродий, Фаррух, Султоний, Содик, Саъдий, Баёний ва Оқил тахаллуслари б-н ижод қилган қаламкашлар мероси, дастлаб, Навоийга издошлик нуқтаи назаридан умумий тавсифлайди. Фаррух ҳамда Баёний ижодини мумтоз ад-т услубидаги анъаналар, чунончи, Навоийга издошлик масаласи доирасида маҳсус ўрганади, бу икки шоирнинг ижоддаги ўзига хос йўли ва маҳорати баҳоланади. С.Мирзаев “Навоийшуносликнинг Самарқанддаги ривожини” номли мақоласида Самарқандда яратилган Навоий ижодига оид дис-я, монография, рисола ва илмий мақолалар ҳақида обзор характеридаги маълумотларни жамлайди. Муаллиф Самарқанд навоийшуносларининг дастлабки вакили сифатида С.Айнийни эътироф этади ва бу соҳанинг ривожланишида В.Абдуллаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, самарқандлик навоийшунослар қаторида Б.Валихўжаев, С.Нарзуллаева, Х.Дониёров, Н.Ражабов, Ш.Шукуров, О.Жўраев, Ҳ.Қудратиллаев, Ш.Шарипов, У.Санакулов, Р.Ораиббеков каби олимларни ҳам санаб ўтади. Б.Валихўжаев “Алишер Навоий “Хамса”сининг қўлёзма нусхалари” мақоласида СамДУ асосий кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари фондида сақланган Навоий “Хамса”си нусхаларини тавсифлаб, мавжуд нашрлар б-н қиёсий таҳлил қилади. Қолган мақолаларда Навоийнинг 18–19-асрлар қиссачилиги ва кейинги давр ижодкорларига таъсири масалалари, асарларининг лингвистик жиҳатлари ўрганилган. Тўпلام 1981 й. Самарқандда чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ПРОЗАИК АСАРЛАРИ” – адабиётшунос Суйима Ғаниеванинг рисоласи. Унда Навоий ижодининг салмоқли қисмини ташкил этган прозаик асарларининг ғоявий ва бадиий хусусиятлари таҳлил қилинади. Навоийнинг насрий асарлари Хуросон ва Мовароуннаҳрда яратилган форс ва қадимги ўзбек тилидаги турли жанр ва мавзудаги насрий асарлар заминидан дунёга келган, лекин Навоий насрий асарлари б-н, бир томондан, форс-тожик адабиётидаги бу жанр илғор анъаналарини янги талқин этиб, равнақ топтирган бўлса, иккинчидан, ўзбек тилида насрнинг назмга нисбатан бир мунча суст ривожланганини, наср имкониятлари назмга нисбатан анчайин кенглигини чуқур англаган ҳолда ўзбек ад-тини ўн бешга яқин насрий асарлар б-н бойитгани айтилади. Навоий ўз насрий асарларини яратар экан, ўзига хос бўлган ва ўз давридаги насрнинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириб, ўз она тилида улардаги илғор анъаналарни янада ривожлантирганига эътибор қаратади. Навоий барча насрий асарларини (“Вақфия” (1481–1482)ни истисно қилганда) умрининг сўнгги ўн йилида яратган. Олима уларнинг умумий манзарасини қуйидагича белгилайди: 1. Биографик-мемуар характеридаги насрий асарлар – “Ҳолоти Саййид Ҳасан”, “Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”. 2. Илмий-филологик характердаги насрий асарлар – “Мажолис ул-нафоис”, “Муҳокамат ул-лугатайн”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи муфрадат”. 3. Тарих, тасаввуф ва дин тарихига оид насрий асарлар – “Тарихи мулуки Ажам”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Вақфия”. 4. Иншо санъати – эпистоляр проза намунаси – “Муншаот”. 5. Ижтимоий-сиёсий ва дидактик характердаги насрий асар – “Маҳбуб ул-қулуб”. Рисолада таҳлил мана шундай гуруҳлаштириш асосида олиб борилган ва ҳар бир насрий асарнинг илмий-маърифий қиммати ҳам ўз даври, ҳам бугунги кун нуқтаи назаридан кўрсатиб берилган. Китоб “Ўзбекистон” нашриётида 1981 й. чоп этилган.

“ЎЗБЕК КЛАССИК АДАБИЁТИДА АЛИШЕР НАВОЙИ АНЪАНАЛАРИ” – тўплам ўзбек классик адабиёти ва халқ оғзаки ижодидаги бадиий маҳорат масалаларига бағишланган. ТошДУ адабиётшунос олимларининг ўз даври фольклоршунослиги ва адабиётшунослигининг энг долзарб

масалалари ҳақидаги кузатишларини жамлаган. Унда **Ғ.Каримовнинг** “Ўзбек адабиётида фалсафий лирика ёки “риндлар поэзияси”, **А.Ҳожиаҳмедовнинг** “Навоий эпик услубининг баъзи хусусиятлари”, **С.Назруллаеванинг** “Лайли ва Мажнун” дostonларида портрет яратиш маҳорати”, **Ш.Юсуповнинг** “Фурқат шеърӣ мактуби изидан”, **Л.Маҳсумованинг** “Адабий ҳамкорлигимизнинг унутилмас саҳифалари”, **О. Мадаевнинг** “Ўзбек халқ дostonларининг структурал таҳлилига доир”, **Ш.Ғайзуллаеванинг** “Алпомиш” дostonида мажоз” каби ўндан ортиқ долзарб мавзулардаги илмий тадқиқотлари жамланган, адабиётшунослигимизнинг муҳим масалалари таҳлилга тортилган ва муайян даражада ечими ҳам кўрсатиб ўтилган. Илмий мақолалар тўплами 1982 й. чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИГА ИШЛАНГАН РАСМЛАР” – **Ҳ.Сулаймон** ва **Ғ.Сулаймонованинг** Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари хусусидаги тадқиқоти. Муаллифлар хулосасига кўра, Яқин ва Ўрта Шарқда бадиий ва илмий асарлар 19-асрнинг охиригача қадар ҳаттотлар томонидан кўчирилиб, қўлдан-қўлга ўтиб келган. Араб Испаниясида ўз вақтида хатни ёғочга ўйиб кўпайтириш усули ҳам бўлган, аммо у кенг ривож топмаган. Ўрта асрда Шарқ қўлёзма асарлари нафақат инсон тафаккури, минг йиллар давомида аждодлар яратган маъ-й бойлик дурдоналари хазинаси, балки ягона тарбия ва билим бериш воситаси ҳам эди. Шу боис яқин-яқингача қўлёзма китобларни кўчиришга катта аҳамият берилган. Миниатюралар шоир дostonлари “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр” ва лирик шеърлар тўплами – “Девон”лари мазмун-моҳиятига мувофиқ ишланган. Навоийнинг асарларидаги қаҳрамонлари миниатюраларнинг ҳам асосий образларидир. Миниатюраларнинг кўтаринки, ҳаётӣ ва қувноқ образлари Навоий гоҳларига монанд. Миниатюралар ишланган кўпгина саҳифаларда мавжуд бўлган асар парчалари б-н расмларнинг мазмунан мувофиқлиги ҳаттот ва мусаввир ҳамкорликда ижод этганидан далолат беради. Расмларга тегишли аниқ композициянинг матн б-н ҳамоҳанглиги миниатюраларнинг бутун асар, қўлёзма б-н боғлиқлигини таъминлайди. Маълумки, Навоий “Ҳамса”си таркибидаги дostonлар Низомий ва Хусрав Дехлавийнинг анъанавий сюжетлари асосида яратилган. Бу тасвирий санъатда ҳам қанон тусини олган умумий мазмунни юзага келтирган. Шарқ поэзиясининг уч буюк вакили дostonларининг мазмунан яқинлиги мавзу ва композицион жиҳатдан ўхшаш миниатюралар яратилишига олиб келган (“Тоғда ариқ қазиётган Фарҳод”, “Чўмилаётган Ширин”, “Баҳром етти қасрда”, “Искандар ва жон бераётган Доро”, “Шоҳ ва донишманд ҳаммомда” ва б.). Булардан ташқари, умуман, Шарқ миниатюрасида анъанага айланиб қолган жанр, ов, чавгон ўйини, қабоқ ўйини, қанон отиш, базм, зиёфат, мушоира каби расмлар борки, улар жуда кенг тарқалган. Ушбу альбомда Навоий асарларига 15–16 ва 19-асрларда ишланган ажойиб шамс, лавҳа, унвон, колофон, бадиий безакли саҳифа ва мўъжаз расмларнинг Ҳамид Сулаймон ва Ғозила Сулаймонова машаққат б-н тўплаган, ўша давр миниатюрасини ёрқин акс эттирувчи энг характерли намуналари жамланган. Китоб 1982 й. “Ған” нашриётида чоп этилган.

“МАКТАБДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ” – **А.Ҳасанова** ҳамда **А.Зуннуновнинг** услубий қўлланмаси. Муаллифлар рисоласида Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда унинг бевосита ижтимоий-сиёсий, эстетик қарашларини ҳам ўрганиш, дарсида ўқувчиларга “Ҳамса”нинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт талаблари асосида вужудга келгани, унда давр учун муҳим аҳамиятга эга ахлоқӣ-таълимий масалалар қўйилганини тушунтириш, бунинг учун, аввало, ўқитувчи зарур адабий, илмий манбалар б-н таниш бўлиши, Навоийнинг таржимаи ҳолини унинг ўз асарлари ва замондошлари асарларидаги қизиқарли маълумотлар, лавҳалар асосида тушунтириш, шунингдек, мактабда Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда синхронологик жадваллар, шоир портрети, асарларига ишланган миниатюралар ва техник воситалардан ҳам фойдаланиш каби қатор масалалар тўғрисида ад-т ўқитувчиларига аниқ йўналиш ва кўрсатмалар берилади. Масалан, ўша давр IV–VII синфлар дастурида кўрсатилган Навоий асарларини ўрганиш доирасида “Садди Искандарий”дан олинган ва тартли номланган “Ёлғончи” ва “Шер б-н Дурроҷ” масаллари ўқитувчи учун намуна сифатида таҳлил этилади. Ўқитувчилар учун ёзилган мазкур услубий қўлланма 1983 й. “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ПОЭТИКАСИ” – адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқовнинг тадқиқоти. Навоийнинг бой лирик мероси поэтикасини тадқиқ этишга бағишланган. Китобда лирика поэтикасининг икки муҳим жиҳати – жанрлар поэтикаси ҳамда бадиий тасвир поэтикасига хос етакчи тенденциялар атрофлича таҳлил қилинади. Шунга мурофӣқ, тадқиқот икки бобга ажратилган: “Алишер Навоий ва лирик жанрлар поэтикаси” деб номланган I бобда ўзбек поэзияси тарихида лирик жанрлар ривожининг янги ва юқори босқичга кўтарилиши, бевосита, Навоий ижодиёти б-н боғлиқлиги, бунда шоир, аввало, туркий тилдаги адабиётнинг мавжуд тажрибаларига, қолаверса, форс-тожик поэзиясининг бой анъаналарига суяниб иш кўрганлиги, лекин бой адабий анъаналар, юксак поэзия намуналари Навоий учун фақат идеал бир модел эмас, балки ижодий мусобақа ва мунозара объекти бўлганлиги таҳлил қилинади. Шунингдек, ҳар бир жанр узининг тарихий тараққиёти натижасида шаклланган қонуниятларига эга бўлиб, ўзига хос поэтик структураси б-н ажралиб туриши, ҳар бир жанрнинг ўз тасвир объекти – “материали” бўлиши, газалдаги мазмунни рубоийда ифодалаб бўлмаслиги, қасиданинг мазмунини қитъа ёки бошқа бирор жанр доирасида тасаввур қилиш қийин эканлиги конкрет далиллар б-н илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилади. “Поэтик тасвирнинг баъзи усул ва воситалари” деб номланган II бобда Навоий лирикасининг асосий фазилатларидан бири бўлган, шеърнинг туб моҳиятини ташкил этган мазмуннинг ўзига хос шаклда тасвирлаш усули стилистик-композицион воситалар асосида таҳлил этилади. Олим Навоий лирикасида қўлланилган асосий бадиий санъатларни шеъринг матн доирасидаги функцияси б-н боғлиқ ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда ўн гуруҳга ажратади: 1. Истиоравий-рамзий тасвир усуллари; 2. Қиёсий-ассоциатив усуллар; 3. Фикрни далиллаш йўллари; 4. Эмоционал-муболағали тасвир усуллари; 5. Синтактик-стилистик усуллар; 6. Сўзнинг ички ва ташқи шакли б-н боғлиқ санъатлар ҳамда тугал матн (мисра, байт) б-н алоқадор стилистик усуллар; 7. Контраст санъати; 8. Мураккаб санъатлар; 9. Стилистик мутаносиблик; 10. Қофия б-н алоқадор санъатлар. Таъкидлаш керакки, муаллифнинг бадиий санъатларни юқоридагича тасниф қилиши уларни Навоий лирикасига татбиқ этиш мақсади тақозоси б-н юзага келган. Бобда ушбу шартли гуруҳлаш асосида Навоий лирикасининг поэтик жиҳатлари тадқиқ этилган. Монография 1983 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИ” – тилшунос Баҳром Бафоевнинг шу номдаги монографияси. Олим дастлаб, 1968 й. “Алишер Навоий лирикасида қўшма отлар” (“Хазойин ул-маоний” куллиёти асосида) мавзусида номзодлик диссертациясини еклаган. Мазкур монография эса муаллифнинг 1989 йил “Алишер Навоий асарлари лексикаси” мавзусида ёқлаган докторлик диссертациясига қадар олиб борган изланишлари натижасида юзага келган. Тадқиқот икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда Навоийнинг эски ўзбек адабий тилига муносабати, шоирнинг туркий тилдаги асарлари лексикасининг статистикаси, Навоий асарларида киши исмлари, Навоий асарларида географик номлар каби бир қатор масалалар тадқиқ этилган. Иккинчи бобда эса Навоийнинг сўзлар кўпмаънолигидан фойдаланиш маҳорати, полисемия ва синонимия, Навоий ижодида шаклдош сузларнинг ўрни, Навоийнинг синонимлар қўллаш маҳорати, антоним ва антитезаларнинг шоир ижодида тутган ўрни ва аҳамияти, Навоийнинг сўзлар кўпмаънолиги ва зидмаънолигидан фойдаланиш маҳорати, Навоий асарларида учровчи форс-тожик ва арабий сўзларнинг мавзу гуруҳлари каби кўплаб масалалар таҳлил этилиб, муайян хулосаларга келинган. Жумладан, олимнинг таъкидлашича, Навоий асарларида 26035 та сўз қўлланган, бунда географик номлар ва киши исмлари ҳам ҳисобга киритилган. Шоир асарларида учровчи сўзлар манба жиҳатидан бир хил бўлмай, эски ўзбек тили лексикасидан ташқари, турли тиллар лексикаси ҳам катта қатламни ташкил этади. Бунда: 1) араб тили лексикаси бошқа тиллардан ўзлаштирилган лексикага нисбатан кўп бўлиб, “соф” арабча сўзлар 7973 та (умумий лексиканинг 30.62 фоизи). Арабий сўзларнинг энг кўпи “м” ҳарфи б-н бошланувчи сўзлар бўлиб, улар 1794 тани ташкил этади; 2) “Соф” форс-тожикча сўзлар 5489 тани (умумий лексиканинг 21.08 фоизи) ташкил этади. 3) Навоий асарларидаги 35 фоиз сўзлар эски ўзбекча умумтуркий сўзлардан иборат. Шунингдек, Навоий ижодида 13 ҳиндча (умумий лексиканинг 0.05 фоизи), 31 юнонча сўзлар (умумий лексиканинг 0.12 5 фоизи) учрайди. Навоий асарларидаги лексика статистикасига доир тадқиқотда бундай хулосалар талайгина. Китоб 1983 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ АСАРЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ТАВСИФИ” – шарқшунос Муҳаммадҷон Ҳакимовнинг китоби. Асарда ЎзФА Қўлёзмалар институти (ҳоз. ТошДШИ ШҚМ Ҳамид Сулаймон бўлими)да сақланувчи Навоий асарларининг қўлёзмаларини ўрганиш ва манбашунослик аспектидаги таҳлиliga бағишланган. Унда Навоий асарларининг турли котиблар томонидан кўчирилган 254 қўлёзмасининг тавсифлари берилган. Китоб мундарижаси сўзбоши, қўлёзмалар тавсифи ва кўрсаткичлар (асарлар номи, котиблар ва саҳхофлар исми, кўчирилиш тарихи, хаттотлик ва китобат санъати жиҳатидан аҳамиятли қўлёзмалар кўрсаткичи, инв. рақамининг тавсиф рақамига мувофиқлиги ва ҳ.к.) ва ҳулосадан иборат. Навоий асарларидан таркиб топган 4 куллиёт ва бошқа асарларнинг алоҳида қўлёзмалари таркиби, кўчирилиш тарихи, безатилиши ҳақида ҳам маълумот мавжуд. Шунингдек, Навоий ҳаётлиги пайтида кўчирилган “Бадоеъ ул-бидоя” (1486) ҳамда 16-асрнинг биринчи ярмида китобат қилинган терма девонлар, “Хамса” ва “Мажолис ун-нафоис”, миниатюралари ва безакли-нақшли қўлёзмалар ҳақида ҳам қизиқарли ва янги фактлар берилган. Тавсифлардаги қўлёзмалар ичида 16–18-асрга оид манбалар бўлса-да, катта қисми 19-асрда кўчирилгани ойдинлашади. Китоб 1983 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ” – тилшунос Эргаш Фозилов раҳбарлиги остида тузилган луғат. Тўрт жилддан иборат бўлиб, I ва II жилд 1983 й.да, III жилд 1984 й.да, IV жилд эса 1985 й.да нашр этилган. Луғат ҳақидаги батафсил маълумот I жилд сўзбошисидан ифодаланган. Маъқур луғатга Навоий асарларидаги сўзларнинг барчасини киритиш назарда тутилган. Луғат Навоийнинг туркий асарлари матни бўйича ҳозирги замон лексикографияси ва тарихий-филологик таҳлил асосида тузилган, унда имкон қадар сўзларнинг мукамал изоҳини беришга ҳаракат қилинган. Луғатни тузувчилар Навоий асарларининг танқидий ва оммавий нашрларидан ташқари, унинг бадиий ва илмий қўлёзма асарларидан ҳам фойдаланишган. Луғат 15-аср ўзбек адабий тили нормасини акс эттиради. Бундан ташқари, луғат арабча, форсча сўзлар семантикаси эволюциясини ҳамда ўзлашма сўзлар тарихини аниқлашда муҳим манбадир. У ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг тарихий лексикология ва лексикография бўлимида тайёрланган ва шу бўлимда мавжуд бўлган картотека луғат учун базавий асос вазифасини бажарган. Луғатга Навоий асарларида истеъмолда бўлган сўз, фразеологик иборалар ва турғун бирикмалар киритилган, барча сўз туркумларига оид туб, ясама, қўшма сўзлар, шунингдек форс-тожик, араб ва бошқа тилларга доир ўзлашмалар изоҳланган. Луғатга форсча ва арабча шеърлардаги сўзлар изоҳи киритилмаган, лекин уларнинг шарҳлари иловада берилган. Навоий асарларидаги ҳар бир сўз (муस्ताқил, ёрдамчи сўз, юклама, ундов сўзлар) луғатда алоҳида бош сўз – мақола тарзида берилган. Бош сўзлар алифбо тартибда жойлаштирилган. Отларда келишик, эгалик, кичрайтириш, арқалаш, кўплик аффикслари, феълларда шахс-сон, замон, майл, сифатдош, равишдош қўшимчалари сўзнинг грамматик шакллари сифатида талкин қилинган. Равишдош ва сифатдошлардан фақат бошқа сўз туркуми вазифасида қўлланганлари луғатга киритилган ва шарҳланган. Бир сўзнинг турли фонетик вариантлари бир сўз мақоласи доирасида берилган. Навоий асарларидаги ҳар бир сўз маъносини қисқа, лўнда ва аниқ изоҳ б-н ифода этишга ҳаракат қилинган. Сўзларнинг муस्ताқил маънолари бир-биридан араб рақамлари б-н ажратилган, ҳар бир маънога тааллуқли нозикликлар айрим ўринларда ажратилмай, мисоллар келтириш б-н кифояланган. Луғатда тарихий принципга амал қилиниб, сўзларнинг тарихий-тадрижий тарада юзага келган маънолари очиб беришга ҳаракат қилинган. Сўз маъноларини жойлаштиришда уларнинг бир-бирига яқинлиги, ўзаро ички муносабатлари асос қилиб олинган. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатини тузиш жараёнида сўзларнинг маъноларини изоҳлашда контекст, сўзнинг ҳозирги тилдаги лексик, грамматик эквиваленти назарда тутилган. Сўз маънолари қўлланиш доирасини аниқлашда қўлёзма манбалар, бир қатор тадқиқотлар ва луғатларга таянилган. “Бадоеъ ул-луғат”, “Абушқа”, “Луғати туркий”, “Луғат атрокия”, “Шарқий туркий луғат”, “Хамса бо ҳалли луғат”, “Луғати амир Навоий”, “Дар баёни луғати Навоий”, “Ҳалли луғати чигатойи Хамсаи Навоий”, “Ҳалли луғати Хамсаи Навоий”, “Ҳалли луғати чигатойи”, “Нисоби Навоий”, “Мунтахаб ул-луғат” ва “Девону луғотит-турк” каби қадимий манбалар шулар жумласидандир. Луғат “Фан” нашриётида чоп этилган.

“Навоий тилининг грамматик хусусиятлари” – тилшунос олимлар Фани Абдурахмонов ва Алибек Рустамовларнинг шу номдаги тадқиқоти. Унда шоир асарлари тилининг фонетикаси ва грамматикасига оид илмий ва амалий жиҳатдан муҳим бўлган масалалар Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари асосида ёритилган. Китобда таъкидланишича, ўзбек адабий тилининг ривожига 15-асрнинг иккинчи ярми жуда муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда Навоий ўз ижоди б-н ўзбек ад-тини юқори поғонага кўтариш б-н бирга, ўзбек тили тараққиётига ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Навоий яратган асарлар ҳам моҳият, ҳам бадиий жиҳатдан юксак савияда бўлгани боис тез машҳур бўлди ва ўша даврдаёқ илм аҳлининг, жумладан, тилшуносларнинг диққатини жалб қилди. Натижада Навоий асарлари асосида ёзилган грамматика ва кўплаб луғатлар вужудга келди. Санъат ва тафаккур нуқтаи назаридан Навоий бутун дунё маданиятига ўз хиссасини қўшган бўлса, тил нуқтаи назаридан туркий халқлар маданиятига улкан хазина тақдим этди. Шунинг учун Навоий тили ҳозирги кунда ҳам жаҳон тилшуносларининг илмий тадқиқотларига мавзу бўлиб келмоқда. Аммо мазкур тадқиқотга қадар Ўзбекистонда Навоий асарлари тилининг грамматикаси бирламчи манбалар асосида текширилмаган, алоҳида китоб ҳолида чоп этилмаган эди. Муаллифлар ушбу бўшлиқни назарда тутиб, китобда Навоий тилининг грамматик хусусиятларини қисқача баён қилишни мақсад қилишган. Навоий асарлари тилини текширишда шоир асарларининг танқидий матни ва Абдулжамил котиб кўчирган қўлёзма нусхалардан фойдаланилган. 15-аср ўзбек адабий тилининг унлилар системаси ҳозирги замон ўзбек адабий тилидан бир қадар фарқ қилгани учун Навоий асарлари матнини ҳозирги графикамизда ифодалаш учун алифбомиздаги (кирилл алифбоси) унли товушларни билдирувчи ҳарфлар етарли эмас. Шу сабабли муаллифлар тадқиқот давомида келтирилган мисолларни транскрипция қилишда қўшимча махсус белгилардан фойдаланишган. 15-аср ўзбек адабий тилининг консонантизми фонологик жиҳатдан ҳозирги замон ўзбек тили ундошлар тизимидан фарқ қилмагани учун мавжуд алифбодан фойдаланилган. Китоб сўнгида муаллифларнинг Навоий асарлари тили борасидаги 12 муҳим хулосаси ҳам баён қилинган. Асар 1984 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари – адабиётшунос Раҳим Воҳидовнинг рисоласи. Навоий асарлари ўз давридаёқ халқ орасида кенг ёйилган, шоир асарларининг айримлари форс-тожик тилига таржима қилинган. Мазкур рисолада Навоий қаламига мансуб “Мажолис ун-нафоис” таъкирасининг форс-тожик тилидаги икки таржимаси, уларнинг фазилятлари, халқлар ўртасидаги адабий алоқаларни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақида сўз боради. “Мажолис ун-нафоис” таъкираси 15-аср ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ҳаётини ҳар томонлама тадқиқ этишда қимматли манба саналади. Шу боис бу асар ўша даврдаёқ кенг шуҳрат қозонди, мумтоз қалам соҳибига катта обрў келтирди. Таъкира фақат ўзбек ад-ти тарихи ҳақида маълумот бериб қолмай, умуман, Шарқ бадиий тафаккури тарихига оид маълумотлар мажмуаси сифатида ҳам эътиборга сазовор. “Мажолис ун-нафоис” нафақат туркий, балки форс-тожик ад-ти учун ҳам катта аҳамиятга молик асар эди. Мана шу зарурат туфайли таъкира Навоий вафотидан 20–22 йил ўтиб, форс-тожик тилига таржима қилинган. Унинг таржимаси бир вақтнинг ўзиде икки маданий марказда икки таржимон воситасида амалга оширилган: таъкирани Ҳиротда 1521–1522 й. орасида шоир ва фозил Фаҳрий Ҳиротий, Қазвинда 1522–1523 й. да Ҳақимшоҳ Қазвиний таржима қилган. Фаҳрий Ҳиротий ва Ҳақимшоҳ Қазвиний таржималаридан ярим аср ўтгач, Шоҳ Али бин Абдул Али “Мажолис ун-нафоис”ни учинчи марта форсийга таржима қилган. В. Валихўжаевнинг 1982 й. “Адабий мерос” журналида чоп этилган “Алишер Навоийнинг Ҳиндистондаги анъаналарига доир” мақоласида таъкидланишича, “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи таржимаси ҳам мавжуд. Мазкур ишни Ҳиндистонда Абулбоки Шариф Разавий амалдор Карнотакнинг буйруғига мувофиқ бажарган. Разавий таржимасининг мадрасада сақланаётгани ҳақида маълумотлар бор. Мазкур рисолада Навоий таъкирасининг дастлабки икки таржимаси тадқиқ этилади ва мутаржимлар маҳоратига баҳо берилди. Асар 1984 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“Ғазал нафосати” – адабиётшунос Амонилла Валихоновнинг китоби. Унда Алишер Навоий шахси, Навоий ва Жомий ўртасидаги дўстлик ришталари, шунингдек, шеъриятимизнинг хил-

ма-хил жанр ва поэтикасига доир қизиқарли талқинлар мавжуд. Китоб “Навоий – аллома”, “Навоий ва Жомий”, “Навоий ва мусиқа”, “Навоий газалларида гул”, “Мушоира”, “Муҳаммасчилик ҳақида” каби олти бўлимдан иборат. Мисол учун “Навоий – аллома” деб номланган биринчи бўлим 12 қисмдан ташкил топган бўлиб, унда Навоий даврининг илмий муҳити, шоирнинг ёшлик йилларида олган таъсили ва унинг дунёқарашига замона фозилларининг таъсири, бадиий асарлари таркибида келувчи илмий ҳақиқатлар, Навоийнинг фалсафий қарашлари ва мутафаккирлиги, жуғрофия фанига оид фикрлари, асарларида табиатнинг турли-туман кўринишлари, наботот ва ҳайвонот олами тасвири, илмий фантастикага оид қарашлари, фалакиёт (астрономия)га муносабати, риёзиёт бобидаги билимдонлиги, илмий фаолияти, физика ва химия соҳасидаги қарашлари қизиқарли таҳлил қилинган. “Навоий ва Жомий” деб номланган иккинчи қисмда икки улуг сиймонинг бадиий ижоддаги ҳамовозлиги, илмий камолотдаги ҳамкорлиги, ижтимоий ҳаётдаги ҳамфикрлиги, икки адиб дунёқарашларидаги ҳаммасляклик масалалари имкон қадар таҳлил этилган. Китоб 1985 й. Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“ШАРҚ АДАБИЁТИДА ФАРҲОД ҚИССАСИ” – адабиётшунос Содир Эркиновнинг Фарҳод билан боғлиқ қиссаларнинг Шарқдаги тарихий илдизлари тадқиқига бағишланган иккинчи рисоласи. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида қадим Шарқ ад-тида узок тарихга эга бўлган Фарҳод афсоналари, Низомий Ганжавий (1141–1209) ва Хусрав Деҳлавий (1253–1325) каби Шарқ ад-тининг мумтоз сўз санъаткорлари яратган “Хусрав ва Ширин” достонлари анъаналарини давом эттириш б-н бирга, мазкур сайёр сюжетни бойитди, уни янги юзя ва образларга эга мустақил асар сифатида қайта яратди. Бу масала ҳақида, аввало, Навоийнинг ўзи асари муқаддимасида тўхталиб ўтган. Навоий достонини шу мавзудаги бошқа асарлар б-н солиштириб айтиш мумкинки, бу асар сюжет асосида яратилган асарлар тарихида янги босқич бўлган. Мазкур ҳақиқатни тасдиқлаш учун Шарқ ад-тидаги Фарҳод қиссалари тарихини кузатиш, бу асарлар ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш, уларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган такрорланмас жиҳатларни тадқиқ этиш лозим. Рисола айни шу масалага бағишланган, унда Фарҳод Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Урта Шарқ адабиётида жуда қадимий ва чуқур илдиз отган образ сифатида кўплаб афсоналар, достонларнинг яратилишига асос бўлганлиги, Фарҳод қиссасининг маншалари, унинг кўпгина асарлар қаҳрамони сифатида шаклланиши, бу жараёнда Навоий каламига мансуб “Фарҳод ва Ширин” достонининг ўрни, кейинги давр ад-тига ижобий таъсири ҳақида сўз боради. Рисола 1985 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ИЖОДИДА ФИРДАВСИЙ АНЪАНАСИ” – адабиётшунос Ҳамиджон Ҳомидовнинг мўъжаз рисоласи. Жаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан бири Абулқосим Фирдавсий ижоди ўзидан кейинги даврларда кўплаб форсий ва туркий халқлар шоирлари учун илҳом манбаи бўлиб келган. Жумладан, Навоий ҳам ўз асарларида унинг анъаналаридан ижодий фойдаланиб, бадиий маҳоратини намойиш этган. Рисолада Навоийнинг новаторлиги ҳақида сўз боради. Муаллифнинг таъкидлашича, “Шоҳнома”нинг кенг тарқалгани, адабиёт аҳли назарига тушгани ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётида ҳам сезиларли из қолдирган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонидан тортиб Фурқатнинг “Суворов” маснавийсигача “Шоҳнома” таъсири, анъанасини кўрамуз, шоир ва ёзувчиларнинг Фирдавсий даҳосидан файз топганликларининг гувоҳи бўламуз. Бу, айниқса, Навоий ижодида яққол намоён бўлиши мазкур ишда асослаб беришга ҳаракат қилинган. Китобча 1985 й. “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МУАММО ЖАНРИ” – адабиётшунос Л. Зоҳидовнинг тадқиқоти. Рисолада ўзбек ва форс-тожик адабиётида муаммо жанрининг тутган ўрни ва тарихи, жанр тараққиётига Навоий қўшган ҳисса ва улус хусусида фикр юритилади, шоир муаммолари муайян даражада таҳлил қилинади. Кириш ва дастлабки бобда 15-аср ад-тида муаммо жанрининг тараққиёти, тутган ўрни, муаммо жанри наъ-ясига оид Шарафиддин Али Яздийнинг “Хулалар мутаррай дар фанни муаммо ва луғаз”, Абдурахмон Жомийнинг “Хулят ул-хулал” (иккинчи номи “Рисолаи муаммои кабир”), “Рисолаи муаммои сағир”, “Рисолаи муаммои мутаваассит” ва “Рисо-

лаи муаммои манзум” асарлари, Алишер Навоийнинг “Муфрадот” илмий рисоласи тавсифланади. Шунингдек, муаммога яқин турувчи таърих, лугъ ва чистон каби жанрларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, Навоий қаламига мансуб кўплаб муаммолар таҳлил этилади, уни ечиш қонун-қоидалари кўрсатилади. Л. Зоҳидовнинг мазкур китоби 1986 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИ” – илмий тадқиқотлар тўплами. Алишер Навоий “Хамса”си яратилганлигининг 500 йиллиги муносабати б-н навоийшунослар жамоаси томонидан тузилган. Унда Иззат Султоннинг “Жаҳон адабиётининг нодир обидаси”, А. Абдуғафуровнинг “Хамса”нинг ижтимоий моҳияти”, А. Ҳайитметовнинг “Навоий эстетикасининг юксак босқичи”, С. Ғаниевнинг “Нафис характерлар талқини”, Ё. Исҳоқовнинг “Хамса”да бадиий психологизм типлари”, Б. Валихўжаевнинг “Хамса” такмили”, Э. Шодиёевнинг “Хамса” ва форс-тожик адабиёти”, Н. Ғанихўжаевнинг “Хамса”даги айрим ҳикоятлар ҳақида”, И. Ҳаққуловнинг “Хамса” бадииятига доир”, С. Эркиновнинг “Хамса” анъаналари” номли тадқиқотлари жой олган. Уларда мутафаккир дostonларидagi қарашлар, хусусан, эстетик идеал муаммоси, ижтимоийлик моҳияти, инсонпарварлик ва халқчиллик каби етакчи масалалар, “Хамса” бадииятининг айрим қирралари – образ ва характер яратиш маҳорати, бадиий психологизм типлари, баъзи поэтик санъатлар тадқиқ этилади. Шунингдек, “Хамса” анъаналарининг кейинги даврлар ўзбек ад-тидаги ривож таҳлил қилинади. Тўпلامни филология фанлари номзоди Тамила Ғафуржонова нашрга тайёрлаган. Тўпلام 1986 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ХАМСА” ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ХАРАКТЕР ЖОЗИВАСИ” – адабиётшунос Тошпўлат Аҳмедовнинг рисоласи. Навоий “Хамса”сининг 500 йиллиги муносабати б-н нашрга тайёрланган. Унда Навоийнинг қалб қўри б-н яратилган қаҳрамонлари – Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли, Меҳинбону ҳамда бошқа эда қоларли образларни яратишдаги маҳорати, бадиий жилолар, характер талқинлари ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф ўз фикрларини қуйидаги тўрт бўлимда ифодалаган:

1. Юрак қўри б-н яратилган идеал образлар.
2. Намунавий ҳукмдорлар образи.
3. “Ҳам сурати, ҳам сийрати” гўзал аёллар образи.
4. Кичик, аммо ёрқин образлар.

Китобда “Хамса” қаҳрамонлари ижтимоий планда, реализм методи асосида талқин қилинади. Мазкур рисола 1986 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ХАМСА” МАВЖЛАРИ” – адабиётшунос Мавжуда Ҳамидованинг рисоласи. Навоий “Хамса”си таркибидаги беш дoston илмий-оммабop усулда таҳлил қилинган. Муаллиф хамсанавислик анъанаси, Навоийнинг бу борадаги хизматлари ва ўрни, “Хамса” таркибидаги беш дostonнинг ғоялари, образлари ҳақида обзор характеридаги таҳлилларини баён қилган. Рисола 1986 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ХАМСА” ҲИКОЯТЛАРИ – адабиётшунос Назира Ғанихўжаеванинг рисоласи. Навоий “Хамса”си таркибидаги ҳикоятлар таҳлиliga бағишланган. Навоий ижодида салмоқли ўринга эга бўлган ҳикоятларнинг аксари “Хамса” дostonлари таркибида учрайди. Муаллиф мазкур рисолада “Хамса” таркибида келувчи ҳикоятларнинг яратилиш тарихи, ғоявий-бадиий хусусиятлари, сони ва ҳажмига кўра таҳлил этиб, муҳим назарий хулосаларни ўртага ташлайди. Шунга мувофиқ рисолада ҳикоя, унинг тарихи, тадрижий тараққиёти каби назарий масалалар ҳамда Навоий ҳикоятларида меҳнат ва маърифат, адолат, севги каби етакчи мавзулар ҳам ўрганилган. Китоб 1986 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ – ПЕЙЗАЖ УСТАСИ” – адабиётшунос Афтондил Эркиновнинг мўъжаз рисоласи. Навоий ижодига бағишланган. Муаллифнинг таъкидлашича, ўз асарларида инсонни борлиқдаги

энг мўътабар зот сифатида улуглаган Навоий инсониятни ўраб турган, унга хиёнат қилаётган табиат ва унинг сирли олами тасвирига алоҳида эътибор қаратган, ижодида муайян мақсадда фойдаланган. Шу жиҳатдан шоирнинг пейзаж яратиш маҳоратини ўрганиш муҳим ҳулосалар чиқаришда ёрдам беради. Рисолада шоир маҳоратининг шу қирраси “Хамса” таркибидаги “Садди Искандарий” достони асосида таҳлил этилган. Навоийнинг табиатга қараши, асарларида тасвирланган табиат тасвирини ўрганиш сержозиба маҳоратининг айрим томонларини ёритишга имкон беради. Бадиий асарда пейзажнинг фалсафий-ижтимоий функцияси, табиат оламининг ҳар томонлама таҳлили сўз санъаткорининг маҳорати б-н боғлиқ муҳим масаладир. Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги пейзаж яратиш маҳорати табиат оламининг чуқур таҳлили б-н боғлиқ бўлиб, бу ҳол асарнинг умумий мундарижасида муҳим ўрин тутди. Масалан, достонда қиш тасвири, баҳор манзараси, нигор ўрмони тасвири, денгиз сафари каби махсус бобларнинг мавжудлиги ҳам шоир ижодида пейзаж қандай ўрин тутганлигини, ҳам маҳоратини намоян қилади. Рисола 1988 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЧКИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИКНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА” – адабиётшунос Уммат Тўйчиевнинг рисоласи. Унга кўра, Навоийнинг ичкилик ва ичкиликбозликнинг зарари ҳақидаги қарашларини ўрганиш ҳар қандай давр учун ҳам қизиқarli ва фойдали. Рисолада бу мавзудаги Навоийгача бўлган адабий анъаналар, мутафаккирнинг 15-аср ижтимоий-сиёсий муҳитида ичкиликбозликка қарши олиб борган кураши, шоирнинг ичкилик ва унинг оғир оқибатлари, ичкилик ва унга лирик қаҳрамон муносабатини бадиий идрок этиш, майни реал-метафорик (мажозий) ҳодиса сифатида, адабий-анъанавий ва тас. фалсафаси асосида тупуниши ҳақидаги мулоҳазалар акс этган. Муаллиф эътиборни кўпроқ майнинг ижтимоий-реал мазмуни ва унинг жамиятга таъсири масаласига қаратади ва ўз мулоҳазаларини “Шу соҳада Алишер Навоийгача бўлган анъаналар”, “15-аср ижтимоий-сиёсий муҳитида ичкилик ва унга Навоийнинг муносабати”, “Дин, ичкилик ва Навоий”, “Навоий ичкилик ҳақида”, “Навоий ичкиликбозлик ва унинг оқибатлари ҳақида”, “Навоийнинг лирик қаҳрамони ва ичкилик”, “Ичкилик мавзуси ва бадиий ифода” номли етти бўлимда баён қилади. Китоб 1989 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ТАРИХИЙ ШАҲС ТАЛҚИНИ” – адабиётшунос Нурилла Аҳмедовнинг монографияси. Маазкур монография муаллифнинг 1994 й. ҳимоя қилинган “Ўзбек адабиётида Алишер Навоий сиймосини талқин этиш муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида бажарган илмий изланишлари натижаси сифатида юзага келган. Монографияда Навоий образининг яратилиши, тарихий илдиэлари, унинг халқ оғзаки ижодидаги ўзига хос талқини ҳамда тарихийлик принциплари, халқ поэтик тафаккурининг буюк шоир образини яратишдаги бетакрорлиги ва халқнинг бу образ орқали кўзлаган эстетик идеали каби масалалар баҳоли қудрат тадқиқ қилинади. Шунингдек, тожик, туркман ва бошқа қардош халқлар классик шеъриятида яратилган Навоий образи қиёсий ўрганилган. Ўзбек ад-тида яратилган Навоий образининг турли жанр ва шакллар табиати б-н ўзаро мантикий алоқадорликда ранг-баранг бадиий талқин қилиниши, тарихийлик ва бадиий тўқима, шоир шахси ва замонавийлик, бу борадаги хилма-хил поэтик изланишлар, ютуқ ва камчиликлар имкон қадар ёритилган. Китоб 1989 й. Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ФОРС-ТОЖИК АДИБЛАРИ” – адабиётшунос Эргашали Шодиевнинг қўлланмаси. Ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари тарихига бағишланган. Қўлланмада фикрлар, асосан, тўрт йўналишда ифодаланган. Биринчи йўналишда Навоийгача бўлган даврдаги икки халқ ўртасидаги адабий алоқалар ҳақида сўз боради. Унда Рудакийдан бошлаб Фирдавсий, Хайём, Ҳофиз, Манучехрий Домғоний ва Атоий, Лутфий, Гадоий, Юсуф Амирий, Яқиний, Сайфи Сароий, Паҳлавон Маҳмуд каби ижодкорларнинг туркий ва форс-тожик адабий алоқаларига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади. Иккинчи йўналишда Навоийнинг ўз салафларига муносабати, Фирдавсий ва Навоий, Саъдий ва Навоий, Ҳофиз ва Навоий каби ўзаро ижодий таъсир масалалари тўғрисида фикр юритилади. Учинчи йўналиш Алишер Навоийнинг замондошларига муносабати тадқиқига бағишланган бўлиб, унда Навоий ва Жомий, Навоий ва Камолiddин Осафий, Навоий

ва Зайниддин Восифий, Навоий ва Биноий, Навоий ва Абдулло Ҳотифий ўртасидаги ижодий ва ҳаётий алоқалар тилга олинади. Сўнгги тўртинчи йўналиш эса Навоийнинг кейинги аср шоирларига кўрсатган ижодий таъсири ва бунинг самаралари, мумтоз зуллисонайвлик анъанасига бағишланган. Навоий ёшлик чоғлариданоқ форс-тожик ад-ти вакиллари асарларини мутолаа қилган, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Қосим Анвор, Камол Хўжандий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Котибий, Абдурахмон Жомий сингари адиблар асарларидан баҳраманд бўлган, ўз навбатида, форс-тожик ад-ти тараққиётига ҳам баракали ҳисса қўшган. Буни шоирнинг “Девони Фоний” ва бошқа асарларида ўзи зикр этиб ўтганидек кўплаб форсигўй ижодкорларга кўрсатган амалий ва ижодий ёрдами ҳам яққол тасдиқлайди. Қулланма 1989 й. “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган.

“ЖАВОҲИР ХАЗИНАЛАРИ” – адабиётшунос Вотирибек Ҳасановнинг шу номдаги китоби. Навоий асарлари учун тузилган қўлёзма лугатлар ҳақидаги тадқиқотлари жамланган. Рисолада Навоий асарлари учун тузилган лугатларнинг ўзига хослиги, уларнинг яратилиш тарихи, шоир ижодини тадқиқ этиш жараёнидаги аҳамияти хусусида сўз боради. Навоий ижод этган юксак бадиий ва гоъвий асарлар ўзбек классик ад-ти тараққиётига улкан ҳисса қўшиши б-н бирга, эски ўзбек тилининг ҳам араб ва форс тиллари каби бой имкониятларга эга эканлигини яққол намойиш этди. Навоий ва ўзбек классик ад-тининг Хайдар Хоразмий, Лутфий каби бир қатор намояндалари ҳам Шарқ маданий марказларида машҳур бўла бошладилар. Бу ижодкорлар асарларининг кенг таркала бориши билан, айниқса, Эронда эски ўзбек тилини ўрганишга аҳтиёж орта бошлади. Натжидада 15-асрдаёқ Навоий асарларидаги эски ўзбек лексикаси форс тилига ағдарилган лугатлар пайдо бўлди. Бундай қизиқиш кейинги асрларда ҳам сўнмаган, шоир ижодий бўстонида кириш истагида бўлганлар сони ортиши баробарида лугатлар ва уларнинг ҳажми ҳам кўпайиб борган. Таъкидлаш керак, Навоий асарларидаги эски ўзбек тили лексикаси қатламининг кўп қисми янгиланиш жараёнидан ўтиб бўлган. Шунинг учун Эрон олимларининг Навоий асарларига тузган лугатлари ўзбек ёзувчиси, шоири ва оддий китобхони учун ҳозирги кунда ҳам жуда зарур. Муаллиф мазкур заруратни ҳисобга олган ҳолда монографияда тўрт лугат: “Бадоеъ ул-лугот”, “Абушқа”, “Санглоҳ” ва “Лугати атрокия” ҳақида батафсил маълумот берган. Навоий асарлари учун тузилган қўлёзма лугатларни ҳам қиёсий ўрганиб, уларнинг ўзаро муносабатини аниқлаган. Китоб 1989 й. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“ЗАНЖИРВАНД ШЕР ҚОШИДА” – адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг китоби. Навоий ижоди таҳлилига бағишланган. Тузилишига кўра тўрт асосий қисмдан иборат. Дастлабки уч қисмда олимнинг таҳлиллари, тўртинчи қисмда эса мавжуд мақолаларга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳи келтирилган. Бизнингча, китоб таркибидаги таҳлил ҳамда шарҳларнинг турли-туман мавзуларда эканлиги учун уларни номма-ном кўздан кечириш китоб ҳақида яхши тасаввур беради. “Бошви фидо айла...” деб номланган I бобда қуйидаги мақолалар жамланган: 1. “Табиат – гўзаллик ва ҳурлик қучоғи”; 2. “Тилга эътибор – элга эътибор”; 3. “Тарих – хотира чироғи”; 4. “Қора ранг – муборақ ранг”; 5. “Туфроқ бўлгил...”; 6. “Бошви фидо айла...”; 7. “Билим – эътиқод нури”; 8. “Ёшлик – умр кўклами”; 9. “Саховат – тан, ҳиммат – жон”; 10. “Ишқ – ҳақиқат, ишқ – тириклик”. II боб “Нодонлик – ёвузлик” деб номланган ва унга жами 9 та: 1. “Вафосизда ҳаё йўқ...”; 2. “Нодонлик – ёвузлик”; 3. “Хатони англамоқ – халос бўлмоқ”; 4. “Зулм ўзаунга фисқдур...”; 5. “Нафсни енгмоқ – мардлик ва шижоат”; 6. “Тама – тўнғич ‘ўғил’”; 7. “Ичкилик – афсус суви”; 8. “Ҳасад – ҳазарли бедорлик”; 9. “Чумолидан чумолиларгача” каби катта-кичик мақолалар киритилган. III боб эса “Барчадин шарафлиси – комил инсон” деб номланган бўлиб, унда: 1. “Чин демас эрсанг...”; 2. “Танқид – виждон ҳамласи”; 3. “Бераҳмдурур оламу...”; 4. “Фано ва фанолик нима?”; 5. “Дўст – бу ҳам эрк”; 6. “Ит – рафиқ, ит – рақиб”; 7. “Хаёл гўзали – ҳаёт гўзали”; 8. “О, шоир қисмати...”; 9. “Шеър – ишқ, шеър – армон”; 10. “Эл нетиб топгай мениким...”; 11. “Қачон халқ бўласан...?”; 12. “Барчадан шарафлиси – комил инсон”; 13. “Ватан – ягона кенглик” каби турли мавау ва мазмундаги мақолалар жамланган. Китобга олимнинг жами 32 мақоласи киритилган.

Уларнинг барчаси турли мавзу ва мазмунда бўлиб, буюк шоир ижодини англашнинг ўзига хос бир намунасидир. “Алишер Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ва ҳис этиш демакдир. Шундай экан, Навоийни, умуман, мумтоз ад-тқи билиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам қарз, ҳам фара. Шу маънода истеъдодли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг қилган меҳнати таҳсинга сазовор. Бу китоб Алишер Навоий ижодини ўрганиш орқали ёшлар кўнглида шеъриятдан завқланиш ҳиссини уйғотиш баробарида уларни она табиат сирларига яқинлаштиради, тарихий ривоят ва ҳикоятлар б-н таништиради, она Ватанга муҳаббат, ўтмишига ҳурмат, улуғ аجدодлар олдида масъуллик ҳиссини тарбиялайди, яхши инсоний фазилатларга ўргатади”, деб ёзади Эркин Воҳидов китоб сўзбошида. Китоб 1989 й. “Юлдузча” нашриётида чоп этилган.

“РОМАН О БАХРАМЕ” (“БАҲРОМНОМА”) – адабиётшунос Саидбек Ҳасанов монографияси. Алишер Навоийнинг “Саъбаи сайёр” достони тадқиқига бағишланган. Кириш, уч боб ва хулосадан иборат. Биринчи бобда навоийшуносликда достоннинг ўрганилиши тарихи, унга алоқадор тадқиқотлар таҳлил қилинган. Иккинчи бобда Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий достонлари б-н қиёсланган, фарқли ва муштарак ўринларига эътибор қаратилган. Навоий достонигача бўлган Баҳром образининг тадрижи ва Навоий асаригадаги такомиллиги урғу берилган. Учинчи бобда достондаги ҳикоятлар, уларнинг мазмуни, образлар олами таҳлил этилган. Асардаги “етти” рақами б-н боғлиқ жиҳатлар, ранглар символикаси батафсил тадқиқ этилган. Монография 1989 й. Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“КАМОЛ ЭТ КАСБИКИМ” – адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг Навоий қитъалари таҳлил этилган асари. Рисолада Навоийнинг 115 қитъаси шарҳланган. “Ҳазойин ул-маоний” таркибига жами 210 та қитъа киритилган, уларнинг 200 га яқини икки, уч ва тўрт байтли. Олим Навоий қитъаларининг ярмидан кўпроғига бағишланган таҳлилларини ушбу рисолада жамлаган. Қитъада ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий-таълимий масалалар, ҳаётий қарашлар, давр ва замонга муносабат акс этиши, шунингдек, бу жанрда мадҳия, марсия, таърих ва чистонлар битилгани, иккинчи бир жиҳатдан Навоий шеъриятида бир шоир ва бир бутун халқ яшаши, яхлит миллатнинг маъ-й ривожини, улкан бир даврнинг руҳий манзаралари ўзининг мукаммал ифодасини топганлиги, шоир қалбидан тўкилган шеърий сўзлар авлодлар руҳида Ҳақиқат, Адолат, Диёнат ва Келажак бўлиб яшаши 115 қитъа шарҳи орқали асослаб берилади. Қитъа Шарқ халқлари адабиётининг энг кўҳна шеърий жанрларидан ҳисобланади. Бу жанрда туркий шеъриятнинг Насимий, Лutfий, Навоий, Фузулий, Оғаҳий каби улуғ санъаткорлари, форс-тожик ад-тининг Ибн Ямин, Носир Хусрав, Санойи, Фаридиддин Аттор сингари намояндалари ҳам самарали ижод этган. Қитъанинг пайдо бўлиш тарихи ва поэтик хусусиятлари узоқ асрлардан буён олимлар диққатини жалб этиб келган. Абдурахим ибни Аҳмади Сур, Б.Сирус, Заҳрои Хонлари (Киё), Муаллим Ножий; ўзбек олимларидан А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Р.Орзибеков, Ё.Исҳоқов ва бошқа олимларнинг бу борадаги тадқиқотларини тилга олиш мумкин. Китоб 1990 й. “Чўлпон” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ МАКТУБЛАРИДА” — шарқшунос олимлар А. Ўринбоев ва М.Ҳасанов қаламига мансуб рисола (1990). Унда Навоийга йўлланган мактублар ва улар ўрин олган манбалар таҳлил этилган. Мактублар тадқиқи асосида унинг одил, бунёдкор, халқпарвар давлат арбоби, илм-фан, маданият ва адабиёт ҳомийси, маълумлар ҳимоячиси сифатидаги улуғвор сиймосининг айрим қирралари ёритилади.

Бухоролик машҳур адиб ва муаррих Садр Зиёнинг шахсий кутубхонасида бўлган ЎзФА Шарқшунослик институтига топширилган “Мажмуаи мурасалот” (“Навоий альбоми”) тўплами 16 муаллиф томонидан йўлланган 594 мактубни ўз ичига олади. Уларнинг кўпи Навоийга, қолганлари Ҳусайн Вайқаро, Жомий ва бошқаларга юборилган. Муаллифлар “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилган Навоийнинг Хожа Аҳрорнинг мактубларини тўплагани ҳақидаги маълумотидан келиб чиқиб, уни Навоий тузган деган фикрни илгари сурадilar. Чунки ундан Хожа Аҳрор қаламига

мансуб 128 мактуб ҳам ўрин олган. Шу боис у “Навсий альбоми” номи б-н аталиб келинмоқда. Тўплам 1490 й.дан кейин тузилган.

1490 й.дан олдин тузилган “Муншаоти Жомий” (“Жомий мактублари”)даги 33 мактуб давлат арбобларига йўлланган. Уларнинг кўпи Навоийга ёзилган. Мактублардан 10 таси “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ҳам келтирилган.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайрат”) – Навоийнинг 1494 йил устози Абдурахим Жомий хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёзган асари. Ундан Жомийнинг ўзига ёзган 17 хати ўрин олган.

Навоий ҳомийлигида яшаб, ижод қилган шоир, давлат арбоби, машпоқ ва хаттот Абдулло Марвориднинг “Муншаоти Марвориди” (“Марворид мактублари”) ҳам муҳим аҳамиятга эга: ундан Навоийнинг Ширвонга — Фаррухшоҳга, Хожа Шамсиддин ва бошқаларга ёзган мактублари, шунингдек, Жомийнинг Навоий б-н ёзишмалари урин олган. Тўпламга Хусайн Бойқаронинг дўсти Навоийнинг ҳажга бориши учун берган ижозатномаси, Навоийнинг 1487 й. Астарободга ҳоким этиб тайинлавиши муносабати б-н Султоннинг оққуюнлилар ҳукмдори Яъқуббекка ёзган мактуби ҳам киритилган (кейинги икки ҳужжат рисолага илова қилинган).

Номи, тузувчиси ва тузилган йили номаълум “Мажмуъаи руқъаот ва муншаот” (“Рухлар ва иншолар мажмуаси”)да Дарвешалининг исёни муносабати б-н Хусайн Бойқаронинг Навоий номига чиқарган иншоси келтирилган. Унда укасининг Султонга қарши ҳаракати туфайли Навоийга нисбатан бирор ножўя ҳаракатга йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Эронлик олим Абдулҳусайн Навоий тўплаган “Аснод ва мукотиби тарихийи Эрон аз Темур то шоҳ Исмоил” (“Темурдан то шоҳ Исмоилгача бўлган Эроннинг тарихий ҳужжатлари ва хатлари”) тўпламида Бойқаронинг ҳаж муносабати б-н Навоийга ёзган хати, Навоийнинг жавоби ва Навоийнинг Шервон шоҳи Фаррухга йўллаган мактуби берилган.

Муаллифлар манбалар ҳақида маълумот бериб бўлгач, Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад ибн Аминуддин, Мир Абдулалли Нишопурий, Мавлоно Хужа Али, Мавлоно Қосим, Муҳаммад Табодқоний, Хожа Муҳаммад Яҳё, Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Абдулмаликнинг Навоийга ёзган мактубларини таҳлил қилмаганлар. Мактублар таҳлили Навоийнинг ҳамманинг ҳождати тушадиган ва ҳамманинг ҳождатини битирадиган тенгсиз ҳождатбарор инсон, каттаю кичик ишонадиган ва суянадиган зот бўлганлигини яққол намоён этади.

“АБАДИЯТ ФАРЗАНДЛАРИ” – адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг китоби. 1991 й. Алишер Навоий таваллудига 550 йил тўлиши муносабати б-н тайёрланган ушбу рисолада муаллиф мутафаккир шоир яратган жозиб сўз олами сирларини кашф этишни мақсад қилган, буюк мутафаккир инсон бадиий сабоқлари замондош ва издош қаламкашларнинг ижодий юксакликка кўтарилишига нечоғлик самарали таъсир кўрсатганлиги теран ва асосли мулоҳазалар орқали очиқ берилган. Рисолага 14 мақола жамланган бўлиб, биринчи мақола “Не назмки ўтлуг кўнгилдин чиқордим” деб номланади ва унда шоирнинг қитъа ва рубоийлари таҳлил этилади. “Тил ва эрк” (1989 й. ёзилган) номли иккинчи мақолада Навоийнинг тилшунос эканлиги асослаб берилган. Учинчи мақола “Хамса” бадииятига доир” деб номланган бўлиб, унда адабиётшунос тафаккур баҳри, фикр ва туйғу қомуси бўлган “Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” достони таҳлил этилади. “Жунун маърифати” – тўртинчи мақола номи, унда “Лайли ва Мажнун” достони моҳияти, унинг ирфоний талқини ҳақида сўз боради. “Ҳикмат – маъно гавҳари” номли бешинчи мақолада Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тасаввуфий моҳияти ҳақида мушоҳада юритилади. “Мавлоно Гадоий” олтинчи мақола бўлиб, унда, асосан, Гадоий шеърини таҳлил қилинади. “Олимнинг бадиий олами” мақоласида эса шайхурраис Ибн Сино шеърини ва насрий асарлари хусусида сўз боради. Саккизинчи мақолада Юнус Эмро шеърини таҳлил этилган бўлиб, у “Ишқинг олди мандин мани...” деб номланган. Унда “Анъана – умидбахш йўл” деб номланган тўққизинчи мақола Ҳайдар Хоразмий ва Бобур лирикасига бағишланган. Ўнинчи мақола “Халқ дарди – қалб дарди” деб номланган, унда Аваз шеърининг кам ўрганилган жиҳатларига эътибор қаратилган. “Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор” деб номланган ўн биринчи мақолада Чўлпон ҳаёти, ижоди таҳлил этилган. “Ҳинд виждони” деб номланган ўн иккинчи мақолада Робиндранат

Тагорнинг ҳаёт йўли, ижодининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида сўз боради. “Ватан ичра яна бир ватан” номли ўн учинчи суҳбат-мақолада Ўзбекистон халқ шоири АОрипов б-н Навоий ижоди тўғрисида бўлган суҳбат берилган. Ва нихоят “Қани, шеър, сўйла абадиятдан...” номли ўн тўртинчи мақола таниқли шоир Рауф Парфи б-н Ойбекнинг шоирлик маҳорати ҳақидаги суҳбатдан иборат. Китоб 1990 й. “Ёш гвардия” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАГИ АСАРЛАРИ” – адабиётшунос Эргаш-али Шодиевнинг рисоласи. Фонийнинг форсий мероси тадқиқига бағишланган. Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки форс-тожик тилида ҳам самарали ижод қилган. Унинг форс-тожик тилида яратган асарлари ҳам бадиий баркамоллиги, ўзига хос хусусиятлари б-н ўз асри адабиётда алоҳида ўрин тутди. Рисолада шоирнинг форс-тожик тилидаги асарлари таҳлил этилган. Навоийнинг форс-тожик тилида яратган асарлари бир ерга тўпланса, ҳажман анча бой мерос мавжудлиги аён бўлади. Шоирнинг “Девони Фоний”, “Ситтаи зарурия”, “Фусули арбаа”, “Рисолаи муфрадот”, “Муншаоти форсий” асарларига кейинги йилларда топилган қасидалари, газаллари, турли илмий, бадиий, тарихий асарлари таркибида келган китъа, рубоий, муаммо ва маснавийлари ҳам киритилса, шоирнинг форс-тожик тилидаги асарларининг ҳажми янада аниқроқ бўлади. Рисолада Навоийнинг “Девони Фоний”, “Ситтаи зарурия”, “Фусули арбаа”, “Рисолаи муфрадот”, “Муншаоти форсий”, “Рисолаи тир андохтак” каби форсий асарларининг ҳар бири шу асар номи б-н аталувчи алоҳида бир бўлимда таҳлил этилган ва китоб сўнгига Тожикистонда Навоийни ўрганиш бўйича библиография ҳам илова қилинган. Китоб 1990 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ФАСОХАТ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ” – адабиётшунос Ботирхон Акрамнинг асари. Рисола мундарижасининг тувилиши оригинал бўлиб, ундан қузланган асосий мақсад – ҳазрат Навоий байтларининг ҳали тадқиқ қилинмаган ўзига хос жиҳатларини тадқиқ ва шарҳ этишдан иборат. Китобда ноёб шоҳбайтлари мазмуни, сўз санъаткорининг бир-биридан жозиб тимсол-образлари, уларнинг нафис ва мўъжиза маъно қирралари, ғаройиб бадиий-маътиқий, мусиқий-тасвирий жилолари, терма байтларнинг мавзу-ғоялар миқёси, фалсафий моҳияти, руҳий теравликлари, санъат ва бадиияти сирлари чуқур тадқиқ қилинади. Улуғ ва беназир ижодкор шахси, унинг лирикада жилланиши, инсон, унинг тақдири, дувёвий-мажовий ва илоҳий ишқ муаммолари ўзига хос талқин этилади. Мумтоз тазкирачиликдаги анъанага мувофиқ муаллиф рисолада сайланма шеърини сатрлар – шоҳбайтлар шарҳини сўз тартиби ва тарихига кўра 21 махсус мақолатга ажратган. Китоб 1991 й. “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ МЕРОСИНING ХОРИЖИЙ ЭЛЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ” – адабиётшунос Абдуваҳур Абдуазизовнинг шу номдаги рисоласи. Ушбу ихчам рисоладаги мавжуд фикр-мулоҳазалар икки қисмда баён қилинади: биринчи қисм – Навоий ижодий меросига бағишланган Ғарб олимлари (асосан АҚШ, қисман Франция, Канада) тадқиқотлари ҳақида, иккинчи қисм – Шарқ халқлари (Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон)да мавжуд бўлган Навоий асарлари ҳақидаги муайян тадқиқот ва китоблар, таржималар тўғрисида маълумот берилди. Мазкур рисолаи Навоий ижодининг дунё миқёсида ўрганилганлиги ва тадқиқ қилинаётганлигини кўрсатувчи кичик бир кузгу, деб аташ мумкин. Бу борадаги ишлар янада тўлдирилиши ва кенгроқ миқёсда олиб борилиши бугунги кун адабиётшунослари зиммасидаги муҳим вазифадир. Рисола 1991 й. нашр этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ АСАРЛАРИНИ КЎЧИРГАН ХАТТОТЛАР” – матншунос М. Ҳакимовнинг китоби. Муаллиф Ўзбекистон ва қисман хориждаги Навоий асарлари қўлёзмаларини ўрганиш воситасида 300 дан ортиқ хаттотнинг номини аниқлашга муваффақ бўлган. Ҳар бир қўлёзма котиблар томонидан қандай савияда кўчирилганидан қатъий назар, Навоий мероси саналади ва айни пайтда, Навоий мероси битилган ҳар бир қўлёзма ўша давр, мамлакат ёки ўлка китобат иши ва санъатининг маҳсули сифатида баҳоланади. Рисолада 15-асрнинг иккинчи ярмидан 20-аср бошларига қадар Навоий асарларини китобат қилган хаттотлар, улар кўчирган асарлар ҳақида тўла маълумот берилган. Маълумотлар муаллифнинг узок йиллар давомида Навоий асарлари қўлёзмалари

устида олиб борган тадқиқотлари асосида тўпланган. Хаттотлар исм-шарифининг тўлиқ берилиши уларнинг яна бошқа асарларни кўчирганликларини аниқлашда ҳам катта ёрдам беради. Китобда берилишича, Навоий асарларини илк бор китобат қилиш Ҳирот хаттотлик мактабига тааллуқли. Маъкур хаттотлик мактабининг вакиллари, 15-асрнинг иккинчи ярми ва 16-аср бошларида Навоий асарларини кўчирган олти хаттот – Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Али ибн Нур, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон ва Дарвеш Муҳаммад Тоқий номи уларнинг қўлёзмалари орқали бизгача етиб келган. Улар орасида Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб ва Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган қўлёзмалар Навоий асарларининг биринчи нусхалари саналади. Алишер Навоийнинг улкан адабий-илмий мероси 15-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилидаги адабий, тарихий манбалар котиблар томонидан жуда кам кўчирилган бўлса, 15-аср ўрталаридан бошлаб нафақат айрим котиблар, балки хаттотлик мактаблари пайдо бўлиб, уларнинг намояндалари Навоий асарларини кўчириш б-н машғул бўлдилар. 15-асрдан 20-аср бошларига қадар ўзбек тилида китобат қилинган манбаларнинг қарийб ярмини Навоий асарларининг нусхалари ташкил этади. Шу боис ўзбек китобат иши, хаттотлик, бадий қўлёзма ва миниатюра санъатининг сўнгги беш асрлик тараққиёти – мактаблар, услублар, намояндалар фаолиятини ўрганишда Навоий асарларининг қўлёзмалари етакчи, айрим ҳолларда ҳал қилувчи манба вазифасини ўтаган. Китоб 1991 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“СЎЗ САНЪАТИНИНГ ГУЛТОЖИ” – адабиётшунос Натан Маллаевнинг китоби. Алишер Навоий ижоди бўйича бир қатор тадқиқотлар муаллифи бўлган Натан Маллаев маъкур китобда “Хамса” ҳақида кенг мушоҳада юритади. Шоир ижодининг халқчиллик фазилатлари, дoston яратиш маҳорати каби қатор масалалар бoрасида асосли қарашларни ўртага ташлаган. Китоб тўлиғича “Хамса” таркибидаги беш дoston – “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи Сайёр” ва “Садди Искандарий” таҳлилига бағишланган. Адабиётшунос Навоий “Хамса”сининг композицион жиҳати, образлар олами, поэтик хусусиятлари, бошқа ижодкорларнинг шу йўналишдаги дostonларидан фарқли хусусиятлари, воқеалар ривожини, гоёлари ва Шарқ мумтоз адабиётидаги ўрни каби жиҳатларини батафсил тадқиқ этади. Таҳлиллар орқали Навоий дунёқарашининг манбалари, шоир яшаган ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва тарихий шароит тўғрисида муайян хулосаларга келинган. Бундай илмий хулосаларга келишда адабиётшунос фақат “Хамса” таркибидаги дostonларга эмас, Навоийнинг лирик ва насрий, диний-тасаввуфий, тарихий асарларига ҳам таянган. Китоб 1991 й. Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“ИККИ ОЛАМ ЁҒДУСИ” – адабиётшунос Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг асари. Маъкур рисолада Шарқнинг икки буюк мутафаккир шоири Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийнинг ижодий оламида мавжуд бўлган айрим муштарақ томонлар, фикр ва образлардаги ҳамоҳанг қирралар таҳлил қилинади. Алишер Навоий ва Хусрав Деҳлавийнинг бадий асарлари мазмун, маънолар силсиласи ва умумий руҳи б-н ўзаро ҳамоҳанг бўлганидек, уларнинг ад-т, санъат, ижод ва ижодкорлар ҳақида билдирган қарашларида ҳам муайян яқинликлар бор. Бу икки буюк зотнинг эстетик фикрлари ўз даврининг адабий-танқидий қиёфасини ифодалайди ва шу б-н бирга ўзаро фикрий боғланиш жараёни, эстетик қарашлар ривожини давомийлигини ҳам акс эттиради. Навоий Хусрав Деҳлавий ижодининг қайси жиҳатларини қабул қилгани ва бу Навоийнинг асарларида қандай намоён бўлгани, Навоий образлари, гоёлар олами ва услуби б-н Хусрав Деҳлавий ижодиёти орасидаги мавжуд алоқалар, қолаверса, Навоийнинг Хусрав ижодига танқидий муносабати ҳали етарли ўрганилмаган. Рисолада шу каби масалаларга қисқача тўхтаб ўтилган, ва асосан, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” ва Хусрав Деҳлавийнинг “Матлаъ ул-анвор” номли дostonлари қиёсланиб, уларда инсон шахсига бўлган қарашлар, гуманистик гоёлар ўхшашлиги кўздан кечирилган. Китоб 1991 й. Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙНИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ОЛАМИ” – адабиётшунос Ҳасан Қудратуллаевнинг асари. Унда буюк шоир ва мутафаккир Навоийнинг поэтик ижод ҳақидаги мулоҳазалари, шакл ва

мазмун, бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифаси борасида илгари сурган эстетик қарашлари атрофлича тадқиқ ва таҳлил қилинган. Китобда берилишича, Навоийнинг бадиият, гўзалликка муносабати, нафосат сирларини законат б-н ифодалаган пурмаъно фикрлари ўлмас меросининг ажралмас қисмидир. Хусусан, Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари бадиий асарларида, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Насойим ул-муҳаббат” каби илмий асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Навоий биринчи ўзбек адабиётшунос олими, муаррих, тазкиранавис ҳамдир. У ад-т ва санъатнинг туб назарий асосларини таҳлил қилиб, замондошларини қизиқтирган муаммоларга жавоб қидиради, ад-тнинг ижтимоий вазифасини энг муҳим масалалардан бири сифатида таъкидлайди. Бадиий маҳорат масаласи Навоий қарашларида асосий ўринни эгалласа-да, Навоийнинг эстетик олами кенг ва ранг-баранг. Унда анъанавий жанрлар, бадиий санъатлар, вазн ва қофия хусусида қизикарли, ибратомуз фикрлар талай. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўзбек ва рус олимлари ҳам ўрганган. Бироқ шоирнинг эстетик олами бадиий ижоди каби чексиз ва бепеёндыр. Биз унинг гўзаллик, ижод жараёни, илҳом ва нафосат ҳақидаги қарашларини кўздан кечирганимизда ҳали қатор масалалар ёритилмаганлиги, улуг мутафаккирнинг салоҳият ва тафаккур қудратини белгилаб берувчи хизматлари етарли баҳо олмаганлигини кўрамиз. Мазкур рисолада шу ва шунга яқин масалалар хусусида сўз юритилади. Китоб 1991 й. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп этилган.

“НАВОИЙ БАРҲАЁТ” – адабиётшунос Раҳим Воҳидовнинг ўтган аср навоийшунослиги тарихига оид рисоласи. Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилеи муносабати б-н тайёрланган. Унда Навоийнинг таржимаи ҳоли, айниқса, шоир ҳаётининг Мапшад ва Самарқанддаги даври, Абуллайсийлар хонадони б-н яқинлашиши сабаблари, Абдурахмон Жомий б-н илк учрашуви, улкан алломанинг дастхатига доир илмий мақолалар таҳлил этилади. Бундан ташқари, Навоий ва форс-тожик ад-ти, “Хамса” ва хамсачилик анъанаси мавзусидаги баъзи тадқиқотларга ҳам эътибор қаратилган. Муаллифнинг ушбу рисоласини Н. Маллаевнинг “Асрлар эътирофи ва таъзими”, М. Муродовнинг “Навоийшунослар жасорати” сингари китоблари қаторига қўшиш мумкин. Олим ушбу китобда ўз олдига ўтган аср навоийшунослигини тўла ёритиш вазифасини қўймаган ва муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, навоийшунослик тарихидан айрим лавҳаларни ёритишга жазм қилган. Унга Ҳамид Олимжоннинг Навоий ижодига доир ишлари, Б. Валихўжаевнинг китоб ва мақолалари асос қилиб олинган. Мухтасар айтганда, рисола муаллифи ўз олдига икки муддаони қўйган, биринчидан, навоийшунослик тарихини ўрганишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, иккинчидан, улуг бобокалон шоир тўйига кичик бир туҳфа ҳозирлаш. Китоб 1991 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ГУМАНИЗМ АЛИШЕРА НАВОИ” (“Алишер Навоий гуманизми”) – ўзбек фалсафашунос олими Малик Ориповнинг асари. Мазкур китоб Алишер Навоийнинг гуманистик қарашлари тадқиқига бағишланган бўлиб, унда инсон камолоти, жамият тақомили, инсоннинг бахтга эришиш йўллари ва усуллари билан боғлиқ масалалар қаламга олинган. Монография муаллифнинг асар ҳақидаги фикрларини мужассамлаштирган кириш қисми, бир неча бўлимлардан ташкил топган асосий қисм ва Алишер Навоий асарларидан олинган парчалар ва ҳикматли сўзлардан тузилган иловани ўз ичига олади. Китобнинг асосий қисми Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, ўрта асрлар ва Шарқ ренессанси масалалари, Навоий гуманизмининг гоъвий-назарий мақбалари, Навоий дунёқараши билан боғлиқ масалалар, Навоийнинг инсон ҳақидаги концепцияси, шоирнинг ахлоқий қарашлари, ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва руҳнинг Ҳаққа етишиши, Навоийнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги орзулари б-н боғлиқ масалалар тадқиқига бағишланган. Китоб “Ўзбекистон” нашриётида 1991 й. нашр қилинган.

“НАВОИЙ ВА ТИББИЁТ” – Асадулло Қодировнинг Навоийнинг тиббиёт соҳасидаги фаолияти ва хизматларига бағишланган рисоласи. Унда берилишича, Навоий бадиий ад-тдан ташқари, фалсафа, мантиқ, риёзиёт, тарих ва бошқа фанлар ривожига ҳам ҳисса қўшган, тиббиёт б-н қизиққан. Чунки ўрта аср доминимандларининг деярли барчаси бошқа фанлар қатори тиб илмига оид китобларни ҳам ўқиб-ўрганган. Масалан, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий ва бошқалар тиб

илмини синчиклаб урганган ва бу соҳага оид асарлар ёзган. Берунийнинг фармокологияга оид, Фобрийнинг эса назарий ва амалий тиббиётга доир асарлари мавжуд. Навоий ҳам ўз даври анъанасига мувофиқ тиб илмидан бохабар бўлган. Навоийнинг тибга оид қандай китоблар ўқигани маълум эмас. Аммо шоирнинг табиблар ва тиббиёт ҳақида айтган фикрлари ва ўткир афоризмларидан аниқлаш мумкинки, у бу соҳани яхши билган. Навоийнинг мазкур соҳа моҳиятини чуқур англаганини унинг “Шифоия” номли шифохона қурдиргани ва ўз даврида талабаларга шу соҳада илм олишлари учун барча шароитни яратишга уринганидан ҳам билиш мумкин. Муаллиф, шунингдек, Навоий замонида яшаган ва Ҳиротнинг турли шифохоналарида ишлаб, талабаларга тиб илмидан дарс берган Мавлоно Муҳаммад Муъин, Мавлоно Қутбиддин Олим, Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад, Мавлоно Муҳаммад, Мавлоно Абдулҳай Туний каби йирик табиблар ҳақида ҳам маълумотлар келтирган ва Навоий қурдирган касалхона фаолияти мисолида унинг тиб илми ва тиббиёт соҳасига қўшган ҳиссасини ёритишга ҳаракат қилган. Рисола 1991 й. Ибн Сино номидаги нашриётда чоп этилган.

“НАВОИЙ ДАВРИ ТАБОБАТИ” – шарқшунос олимлар Маҳмуд Ҳасаний ва Сурайё Каримованинг Навоий даври табобатига бағишланган рисоласи. Унда 15-аср ҳамда 16-аср бошларида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда яшаган табиблар ва уларнинг тиббий асарлари ҳақида маълумотлар, Навоий даври табобати, Навоийнинг табобат фани ривожига қўшган ҳиссаси, тиббий ҳикматлари ва у яшаган даврдаги ҳозик табибларнинг асарларидан намуналар берилган. Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида у яшаган даврдан бизга қадар жуда кўп илмий китоб ва рисоалар чоп этилган. Буларнинг барчасини, албатта, бир рисолага жамлаш мушкул. Шу боис муаллифлар рисолада фақат Навоий даври табобати, Навоийнинг табобат фанига муносабати каби киббатан кам ўрганилган жиҳатларга эътибор қаратишган. Рисолада шоир томонидан ўз замонида барпо этилган шифохона (“Дорупшифо”) ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган, жумладан, “Дорупшифо” табиблари – Ғиёсиддин Муҳаммад, Дарвеш Али, Низомиддин Абулҳай, Муҳаммад Табиб, Абулҳай Туний, Муҳаммад Муъин, Қутбиддин Олим каби унга яқин табиблар тўғрисида маълумот берилган. Рисола сўнггида Навоийнинг тиббий ҳикматларига шарҳлар берилган. Шунингдек, Юсуфий ал-Ҳаравийнинг “Рисолаи Жомий ул-фавоийд” китобидан, Муҳаммад ал-Ҳаравийнинг “Маофий ул-ҳаёт” ҳамда Ҳаким Кирмонийнинг “Баҳр ул-хавос” китобидан баъзи қисмлар таржима қилиниб илова қилинган. Китоб 1991 й. Ибн Сино номидаги нашриётда чоп этилган.

“ҒАЗАЛ ГУЛШАНИ” – адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг ихчам рисоласи. Навоий лирик асарлари таҳлилига бағишланган. Ушбу рисола адабий суҳбат, таҳлил-мушоҳада шаклида ёзилган бўлиб, унда буюк ўзбек шоири Навоий ғазаллари таҳлил қилинган. Шоир ғазалиётининг гоъвий олами нақадар кенг бўлса, бадий таркиби ҳам шу қадар жозибали ва ранглидир. Навоий ғазалларида татбиқ қилинган поэтик образ ва санъатлар ижод аҳли учун ҳамиша маҳорат намунаси бўлиб қолаверади. Рисолада ана шу долзарб масалаларнинг муҳим жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, Навоий лирик ижоди юксалишига таъсир ўтказган устозлари – Мавлоно Гадоий ва Саккокий сингари шоирларнинг шеърини ҳақида ҳам фикр юритилган. Рисолага ҳаммаси бўлиб ўнта, яъни И.Ҳаққуловнинг “Гоъвийлик ва маҳорат чўққиси” мавзусида А.Ҳайитметов б-н, “Соҳир нафас шоир” мавзусида Н. Комилов б-н, “Ғазал – ишқ фани” мавзусида Т.Аҳмедов б-н, “Ҳеч қайда мунунгдек яна ашъор топилмас” сарлавҳаси остида С.Ғаниева б-н, “Туркигўй Ҳофиз” мавзусида Ф.Сулаймонова б-н, “Танжинаи коинотга гавҳардурур ишқ” мавзусида А.Ҳайитметов б-н, “Мақсад на эди жаҳона келдинг...” сарлавҳаси остида М.Қодирова б-н, “Ҳасби ҳоледур бу обид айғани” сарлавҳаси остида Ё.Исҳоқов б-н, “Шеър – қалб нури” мавзусида М.Мирзааҳмедова б-н, “Ғурбат лирикаси” мавзусида Д.Раҳматова б-н қилган суҳбат-мушоҳада ва лирик баҳслари жамланган. Рисола 1991 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙНИНГ ЕТТИ ТУҲФАСИ” – адабиётшунос Саидбек Ҳасановнинг монографияси. Унда Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий, Навоий, қисман Ашраф Мароғий Баҳромномаларининг сюжети, композицион тузилиши, Баҳром Гўр образининг эволюцион жараёни, дostonларга кирган ҳикоятларнинг генезиси, ҳар бир ижодкорнинг бадий маҳорати, дostonлардаги умумий

лик, ўзига хослик, гоъвийлик ва бадиият, анъана ва узаро таъсир масалалари таҳлил қилинади. Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган Баҳром Гур ҳақидаги афсоналар, халқ ривоятлари ва турли тарихий ёзма манбалар ҳақида атрофлича маълумот берилади. Шунингдек, ушбу мавзунинг Шарқ халқлари, қисман Ғарбда кенг тарқалганлигининг сабаблари баён этилади, Баҳром Гур ҳақидаги дostonлар генетик ривожланишининг сабаблари кўрсатилиб, ҳар бир ижодкорнинг адабиёт тарихида тутган ўрни белгиланади. Низомийнинг “Ҳафт пайкар”, Хусрав Дехлавийнинг “Ҳашт бихишт” ва Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonларини комплекс ҳолда, ижодкорнинг тарихий, ижтимоий ва эстетик қарашларидан келиб чиқиб қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Монографияда адабиётшуносликнинг ана шундай йирик масалалари имкон даражасида ҳал қилинган. Монография 1991 й. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙ САБОҒИ” – Навоий ижодида бағишланган тўплам. Унда Қашқадарё вилояти зиёлилари, педагогика институти профессор-ўқитувчилари томонидан Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-методик анжуман материаллари жамланган. Уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда Навоийнинг ижтимоий-маърифий қарашлари, унинг ад-т ва мусиқа, тилшунослик, маданиятшунослик борасидаги қарашлари таҳлил қилинган. Иккинчи қисмда донишманд алломанинг адабий меросидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш тажрибалари, самарали йўллари, усуллари ҳақидаги мақолалар, ахборотлар жой олган. Навоий меросида мавжуд бўлган педагогик қарашлар ва уларнинг бадиият б-н уйғунлиги, таълим-тарбиянинг мазмуни ва методларини шакллантириш имкониятлари умумлаштирилган. Учинчи қисм шоир меросини ўрганиш борасида ўша даврга нисбатан янги соҳа бўлиб, бўлғуси ўқитувчиларни Навоий меросидан фойдаланишга тайёрлаш масалаларини қамраб олган. Тўплам 1992 й. Қарши шаҳрида чоп этилган.

“ИШҚ, ОШИҚ ВА МАЪШУҚ” – адабиётшунос Султонмурод Олимнинг рисоласи. Унинг мундарижаси қуйидаги масалалардан таркиб топган: I. Ёр йўлида фано ва фонийлик. 1. Қуръонни Қуръон шарҳлайди. 2. Навоийшунослигимизнинг эски ва янги босқичлари. 3. Фоний ким? 4. Навоий хато қилдимикан? 5. Тасаввуфни ўрганишга юз йил керак. 6. Фано мақомми ёки ҳол? 7. “Юз рисола”нинг бири. 8. Раҳбар муносиб бўлсин. 9. Боғи фано. 10. Фано – охирги водий. 11. “Ситора ва моҳи хосса” хосияти. 12. “Суз – ўзга, маъни – ўзгадур”. 13. Фонийнинг “кулли муроди”. II. Ишқий дoston: 1. Ишқ. 2. Навоийнинг маъшуқаси ким эди? 3. Илм ҳам – ишқ! 4. Эркак ошиқ-маъшуқлар. III. Қақнус. 1. Тўтию булбулдан ҳам зўр қуш. 2. Аттор – ота, Фоний – ўғил. 3. Увайсий ҳам увайсиймиди? 4. Рухлар ҳам келадими? 5. Қақнус – ўтда ёнмас қуш эмас. Тадқиқотда Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonи мазмуни б-н боғлиқ масалалар атрофлича тадқиқ ва талқин этилган. Олим дostonни тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан ўрганган ва янгича қарашларини ўртага ташлайди. Ишқнинг илмий, фалсафий ва бадиий талқинига оид фикру мулоҳазаларни ўқувчиларга ҳавола этади. Рисола 1992 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙНИНГ ИККИ ДУРДОНАСИ” – адабиётшунос Раҳим Воҳидовнинг рисоласи. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ва “Мажолис ун-нафоис” асарлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан иборат. Китобда, дастлаб, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг мундарижаси, Жомий ва Навоийнинг инсоний ҳамда ижодий муносабатлари, шу нодир бадиий асарнинг тожик тилидаги таржималари хусусида фикр юритилади. Иккинчи қисмда эса “Мажолис ун-нафоис” таҳлил этилади. Мазкур дурдонанинг туркий ва форсий тилда калам тебратган ижодкорлар маънавий меросини ўрганишдаги аҳамиятига эътибор қаратилади. Китоб 1992 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ҚОФИЯ” – Мияссар Акбарованинг Навоий лирикасида қулданилган қофияларни ўрганишга бағишланган рисоласи. Муаллиф классик қофия назарияси талабларига амал қилган ҳолда кузатишлар олиб борган ва Навоий ижоди, хусусан, унинг лирикасида оид “илми қофия” қоидаларининг шоир шеърларига татбиқ қилиниши масаласини тадқиқ

қилган. Рисоладан мақсад ўзбек классик поэзиясининг бадиий қурилиш қоидаларини умумшарқ адабий тараққиёти жараёнида кузатиш орқали қофиянинг улуғ шоиримиз лирикасига қандай таъбиқ қилинганлигини аниқлашдир. Рисола 1993 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ АДАБИЙ МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ” – мақолалар тўплами. Бир гуруҳ адабиётшуносларнинг Навоий ижоди б-н боғлиқ турли масалалар тадқиқига бағишланган ўн уч мақоласи жамланган. Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати б-н тайёрланган маъруза тўплам шоирнинг адабий анъаналардан фойдаланиш, янги сюжетларни ад-тга олиб кириш ва мавжудларини қайта ишлаш, умрбоқий қаҳрамон образларини яратиш, уларнинг ички оламини очиб, ғазалчилик ва сўз қўллашдаги маҳоратини кашф этишга бағишланган илмий мақолалардан ташкил топган. Унда “Алишер Навоий ижоди манбалари ҳақида” (А.Ҳайитметов), “Навоий лирикасида сабабият” (Ё.Исҳоқов), “Мисралар жозибаси” (А.Абдуғафуров), “Ғазалда ғоя ва бадиий маҳорат мутаносиблиги” (Н.Жумаев), “Саъбаи сайёр”нинг бадииятига доир” (С.Ҳасанов), “Табиат тасвири ва шоир маҳорати” (Ф.Набиев), “Алишер Навоий ва Хусрав Деҳлавийнинг ҳикоянависликдаги маҳоратига доир” (Б.Муртазоев), “Арбаин ҳадис” ва унинг таржималари” (Б.Валихўжаев), “Мажоллис ун-нафоис” ва зуллисонайлик анъаналари” (Р.Воҳидов), “Навоийнинг дидактик қарашлари манбаларига доир” (А.Ҳабибуллаев), “Озарбайжон адабиётида Навоий анъаналари” (Ж.Нагиева), “Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуф оҳанглари” (С.Ғаниева, Ҳ.Неъматов), “Навоийнинг сўз қўллашдаги маҳоратининг яна бир қирраси” (Б.Бафоев) каби турли мавзудаги тадқиқотлар жамланган. Мақолалар тўплами 1993 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙ АСАРЛАРИ УЧУН ҚИСҚАЧА ЛУҒАТ” – адабиётшунос Ботирбек Ҳасановнинг Навоий асарлари учун тузган қисқача луғати. Луғатга шоир асарларида энг кўп учрайдиган ва ҳозирги замон ўқувчиси учун тушунилиши қийин бўлган сўзлар киритилган. Луғатнинг 1976 й. ҳамда 1983–1985 й.да чоп этилган “Навоий асарлари луғати”дан фарқи, аввало, ундан ўрин олган сўзларнинг деярли ярми олдинги нашрларга киритилмаган, иккинчидан айрим сўзларнинг янги маънолари биринчи марта қайд қилинган. Луғат, асосан, арабча ва форсча сўзларнинг изоҳига бағишланган. Муаллиф уни тузишда Навоий ҳаётлиги пайтидан бошлаб то 19-аср охирига қадар пайдо бўлган нодир қадим қўлёзма луғатлар, жумладан, Ҳаравийнинг “Бадоеъ ул-луғот” (15-аср), “Абушқа” (16-аср), Маҳдийхоннинг “Санглоҳ” (18-аср) ва Фатҳали Қожорнинг “Луғати атроқия” (19-аср) каби луғатларига асосланган. Китоб 1993 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙ ХОНЛИК СУҲБАТЛАРИ” – адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг китоби. Унда Навоий ҳаёти ва ижодининг янги қирралари, адабий маҳорати ва эстетик қарашлари б-н танишиш мумкин. Шунингдек Навоий адабий ва илмий меросининг қатор назарий масалалари таҳлил қилинган. Китобнинг яна бир муҳим фазилати шуки, унда улуғ шоир ижодининг халқпарварлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик моҳияти, умуминсоний қадриятлар б-н боғлиқ жиҳатлари чуқур таҳлил этилади. Муаллиф китобга Навоий ижодининг турли масалалари ва қирраларига оид фикр-мулоҳазаларини мақолалар кўринишида жамлагани учун уни “Навоийхонлик суҳбатлари” деб номлаган. Унда хилма-хил мавзулар, жумладан, Навоий ижодида умуминсоний қадриятлар, юксак фазилатлар соҳиби бўлган шоир шахсияти, Садриддин Айнийнинг навоийшунослик фаолияти, шоирнинг сўнгги режа, сўнгги қуни ва шеъри, сарбадорларга муносабати, ижодий методи, услуби, лирикаси, шеърий маҳорати, форсий мактублари, “Ҳамса”нинг яратилиш жараёни, шоир эстетикасининг гултожи, Навоий ва Аланқуво афсонаси, дostonларидagi шартли тасвир, Истиғно водийси – орзу водийси каби кўплаб мавзу ва масалалар таҳлил этилган. Китоб 1993 й. “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖОД ОЛАМИ” – адабиётшунос Раҳим Воҳидовнинг рисоласи. Навоий адабий фаолиятининг шаклланиш жараёни, замондошларига муносабати, издошларига таъсири каби масалалар талқинига бағишланган. Ҳар бир масалага тегишли бўлган бир неча ижодкор

адабий таърибаси ўзаро алоқа ва таъсир йўналишида тадқиқ этилади. Биринчи қисмда Навоийнинг форс-тожик ад-ти вакиллари – Унсурий, Хоқоний Шервоний, Насириддин Тусий, Шайх Саъдий, Хожа Хофиз Шерозий ижодига муносабати ўрганилган бўлса, иккинчи қисмида Навоий замондошлари – Ҳусайн Бойқаро, Амир Шайхим Сухайлий, Восифий ҳақида сўз юритилади. Сўнгги учинчи қисм Навоийнинг издошларига таъсири масаласига бағишланган. Китоб 1994 й. “Бухоро” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА УЙҒУР АДАБИЁТИ” – адабиётшунос Ҳанифа Солиҳованинг тадқиқоти. Мазкур тўпلامдан Шарқий Туркистонда Навоий меросига бўлган қизиқиш, эътибор натижасида юзага келган асарлар, жумладан, “Садди Искандарий” дostonи насрий баёнига бағишланган тадқиқотлар ўрин олган. Рисолада, асосан, уч масала: Мулла Сиддиқ Ёркандий тайёрлаган “Садди Искандарий” дostonининг насрий баёни, Навоий шеъриятида Шарқий Туркистон ҳамда ҳоким Зухриддинбекнинг раиятпарварлиги ва шоирлик таъби тўғрисида сўз юритилади. Рисола 1994 й. Андижонда нашр этилган.

“НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЙЛИК” – адабиётшунос Абдусалом Абдуқодировнинг рисоласи. Унда, асосан, нақшбандийлик шажараси, қоидалари, одоби, Навоийнинг нақшбандийликни қабул қилиши, бу борада амалга оширган ишлари ҳамда яратган асарлари таҳлил этилган. Навоий ва нақшбандийлик масаласи ниҳоятда кенг масала ҳисобланиб, кўплаб илмий ишларга мавзу ва манба бўла олади. Мазкур рисола ҳам ана шу йўлдаги саъй-ҳаракат натижасида юзага келган. Муаллиф рисолаи ёзишда Э. Шодиев, М. Ҳазратқулов, К. Олимов, Т. Ғофуржонова, О. Бўриев, Б. Березиков ва бошқаларнинг тадқиқотларига ҳам таянган. Таъкидлаш керакки, рисола қамраб олган манбалар чегараланган. Унда асосан, хожагон – нақшбандийлик силсиласи шажараси, унинг ғоявий асослари, Навоийнинг нақшбандийликни қабул қилиши ва Жомийдан тасаввуф бўйича сабоқ олиши, Навоий асарларида хожагон – нақшбандийлик қоидалари ва тариқат одоби талқини каби масалалар ҳақида сўз боради. Китоб 1994 й. Хўжандда нашр этилган.

“НАВОИЙ ВА ТАСАВВУФ” – адабиётшунос Абдусалом Абдуқодировнинг рисоласи. Навоий асарларининг тасаввуфий жиҳатлари тадқиқига бағишланган. Унда муридлик ва муршидлик, зуҳд, важд ва вужудийон, сўфийлик ва шариат арқони, тариқат ва унинг мақомоти, тариқат аҳволи, илм ул-яқин, айн ул-яқин, ҳақ ул-яқин, фано ва бақо, ҳақиқат, шунингдек, силсилалар ҳақида сўз боради, тас-ий тушунчалар Навоий асарлари мисолида тадқиқ этилади. Рисолада тас.га доир тадқиқотларга суянилган ҳолда улуғ шоирнинг сўфийликка муносабати масаласига доир баъзи кузатишлар ўртага ташланади. Унда, асосан, Навоий ижодида ўз инъикосини топган сўфийликдаги муридлик ва муршидлик, зуҳд, важд, вужудийон, шариат рунқларига сўфийлар муносабати, тариқатнинг маком ва ҳоли, ҳақиқат, фано, бақо каби назарий тушунчалар, шунингдек туркий халқлар орасида кенг тарқалган айрим тас. силсилалари ва бошқа бир қатор масалалар ҳақида фикр билдирилган. Муаллиф тўғри қайд этганидек, Навоий тас.нинг омма учун юксак амалий аҳамиятга эга эканлигини чуқур идрок этган. Шунинг учун ҳам унинг аксар асарларида тасаввуфнинг илғор, инсонпарвар масалалари ҳар тарафлама ёритилган, улар кишиларни тарбиялашда, жамиятда пок яшаш ва уни тараққий эттиришда беқиёс вазифаларни бажаради. Шу маънода Навоий асарларининг тас. таълимоти б-н боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этиш ҳар қандай даврда ҳам долзарб бўлиб қолавериши масаласига тадқиқотда алоҳида эътибор қаратилади. Китоб 1994 й. Хўжандда чоп этилган.

“БУЮК БЕШЛИК САБОҚЛАРИ” – адабиётшунос Абдурашид Абдуғафуровнинг мақолалари тўплами. У гарчи турли мақолалардан ташкил топган бўлса-да, мазмунан умумий бутунликка эга. Китоб таркибидаги “Буюк бешлик сабоқлари” номли тадқиқот-мақолада Навоий “Ҳамса”сининг яратилиш тарихи, Навоий шахсиятининг юксалиш жараёни у яшаган ижтимоий-сиёсий ҳаёт б-н ўзаро мувофиқликда таҳлил этилган, 52 минг мисрадан зиёд бадий обиданинг, асосан, ижтимо-

ий моҳияти ёритилган. Китобдан дарслик-хрестоматия ва матбуот саҳифаларида эълон қилинган Навоий асарларини “қайта ёзиш” ишларига танқидий йўсинда ёндашилган мақолалар ҳам ўрин олган. Шоирнинг лирикаси ҳақидаги тадқиқотларда Навоий газаллари ва “Ҳазойин ул-маоний”даги лирик асарлари таҳлил этилади. Бундан ташқари, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси ва “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” маноқибии ҳам таҳлилга тортилган. Ижодий таъсир ва издошлик масаласи доирасида “Навоий ва Ҳусайний”, “Навоий ва Бобур”, “Навоий ва Машраб”, “Навоий ва Фурқат” каби адабий ва ижодий муқоясалар тажрибаси китобнинг илмий салмоғини оширган. Юқоридаги барча таҳлиллардан кўзланган асосий мақсад – навоийхонларни имкон қадар Навоийнинг бой ижод оламига олиб киришдан иборат. Китоб 1995 й. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

“УЙҒУР ДОСТОНЧИЛИГИ ВА НАСРИ ТАРАҚҚИЁТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИНГ ЎРНИ” – адабиётшунос Ҳанифа Солиҳованинг монографияси. Уйғур ад-тида “Ҳамса” аъналарининг пайдо бўлиши ва такомиллашиб бориши, унинг асосида уйғур достончилиги ва насри тараққиёти масалалари ҳақида сўз боради. “Ҳамса” достонлари асосидаги насрий баёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилади. Олима мавзу юзасидан барча фикрларини “Навоий ижоди – туркий тиллардаги адабиётнинг янги босқичи”, “Навоий ва Шарқий Туркистон”, “Уйғур адабиётида “Ҳамса” мавзуларининг ишланиши тарихидан”, “Уйғур насри тараққиётида “Ҳамса” достонлари асосидаги насрий баёнларнинг ўрни” каби тўрт булимда баён қилган. Китобда берилишича, Навоий “Ҳамса”си асарлар давомида уйғур маданий-адабий ҳаётига сингиб борган. “Ҳамса”, бир томондан, уйғур ад-тида унинг мавзулари, сюжети ва образлари асосидаги янги асарларнинг пайдо бўлишига восита бўлган бўлса, иккинчи томондан, “Ҳамса” достонларининг уйғур адиблари амалга оширган насрий баёнлари воситасида уйғур насри ниҳоятда бойиди ва ад-тнинг муҳим жанрлардан бири сифатида ривожланди. Тадқиқотда Навоий “Ҳамса”си уйғур достончилиги рағнақига қанчалик ҳисса қўшган бўлса, унинг насрий баёни ҳам уйғур насри тараққиётига шунча таъсир кўрсатганлиги таҳлиллар асосида асослаб берилган. Китоб 1995 йил “Фан” нашриётида чоп этилган.

“МЕРОС ВА ИХЛОС” – Баҳромбек Абдужалил ўглининг мўъжаз китоби. Алишер Навоий ва Мирзо Улўбек ҳаёти ва ижодига бағишланган. Китобнинг “Даҳога таъзим” деб номланган биринчи қисмида Навоий ижоди борасида сўз борса, иккинчи қисмда ўзбек мумтоз адабиётида Улўбек тимсоли ўрганилган. Муаллиф ўз китобчасида Навоий ижодининг навоийшуносликда кам ўрганилган жиҳатларига эътибор қаратади. Жумладан, унда Навоий даҳосининг ўзига хос жиҳатлари, Навоий фахриялари, Навоий ва 20-аср ад-ти, Навоий ва Андижон каби мавзулар тадқиқ қилинади. Китоб 1995 й. Андижонда нашр этилган.

“НАВОИЙ САТИРАСИ” – адабиётшунос Абдурашид Абдуғафуровнинг шу номдаги асари. Мазкур китобда 15-аср ўзбек сатираси, унинг мавзу камрови ва жанрлари, Навоийнинг сатирага, ҳажв-ўй шоирлар ижодига муносабати масалалари кенг ёритилган, “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидаги сатирик ўринлар таҳлил этилган. Китоб муаллифнинг бу борадаги илмий ишининг биринчи қисми бўлиб, тадқиқотда 15-асрда сатиранинг аҳволи, мавзу доираси ва ўрганилганлик даражаси, Навоийнинг сатира вазифаси ва аҳамиятини тушуниши, сатиранинг хусусиятлари, қулги ва унинг турлари, реал шахслар, конкрет воқеа-ҳодисалар ва сатира; “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидаги замондош шахсларга берилган сатирик тавсифлар; бадий ва илмий-мемуар руҳда ёзилган асарлардаги сатирада ўзаро боғлиқлик ва фарқлар каби масалалар тадқиқ этилган. Китоб 1996 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА УНИНГ САЛАФЛАРИ ИЖОДИДА ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД ТАЛҚИНИ” – адабиётшунос Абдусалом Абдуқодировнинг рисоласи. Амир Алишер Навоий ва унинг араб, форс-тожик, ўзбек салафлари ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқини тадқиқига бағишланган. Тадқиқотчи Навоий ижодида акс этган ваҳдат ул-вужуд талқинини кенгроқ таҳлил этишни ўз ол-

дига асосий мақсад қилиб қўйган. Ана шу мақсадда ваҳдат ул-вужуд таълимоти моҳияти, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; Навоийнинг араб, форс-тожик, ўзбек сўфий ва мутасаввуф салафлари ҳамда замондошлари ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқини, ваҳдат ул-вужуд таълимотининг нақшбандийлик силсиласидаги ўрни; Навоийнинг ваҳдат ул-вужуд таълимотига муносабати ва асарларидаги талқини, ваҳдат манзиллари: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг Навоий ижодидаги ифодаси сингари масалаларни атрофлича тадқиқ этган. Рисоладаги масалаларни тадқиқ этишда Қуръон, ҳадис, бошқа диний-фалсафий китоблар, суфий ва мутасаввуфларнинг тас. наъ-ясига доир қарашлари, Навоий ва Абдурахмон Жомий асарлари, Е.Бертельс, И.Султон, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, А.Рустамов, Н.Комилов, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов, С.Ғаниева, А.Книп, С.Олимов каби олимларнинг тас. масалалари, нақшбандийлик силсилалари, Навоий ижоди борасидаги тадқиқотларига таянилган. Китоб 1996 й. Хўжандда Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриётида чоп этилган.

“НАҚШБАНД ВА НАВОИЙ” – адабиётшунос Султонмурод Олимовнинг шу номдаги китоби. Унинг асосий мазмуни “Комиллар комили”, “Яссавия ва нақшбандия”, “Қитъаларга сингган қатқат гоълар”, “Лисон ут-тайр”да нақшбандия”, “Сафар дар ватан”, “Қўл ва кўнгил” каби булимларда акс этган. Муаллиф юқоридаги 6 қисмда Баҳоуддин Нақшбанд ва Алишер Навоийни ўзаро боғлаб турувчи ришталар хусусида сўз юритади. Шу тариқа ҳаёт б-н фал., фал. б-н тас., тас. б-н ад-т, ад-т б-н гоъ, гоъ б-н сўзнинг чамбарчас алоқасини тадқиқ этади. Мазкур китобнинг шу типдаги асарлардан асосий фарқи шуки, ундан Нақшбанд ва Навоийнинг башарият шуури хазинасига ҳисса бўлиб қўшилган дурдона фикру гоълардан бугунги кун учун ҳам керак бўлган жиҳатларини топиш мумкин. Олим рисолада Навоийдан бир аср илгари – 1318–1389 й.да яшаб ўтган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, нақшбандия тариқати хусусиятларини ўрганиш Навоий асарлари моҳиятини тушунишга ёрдам беришини таъкидлаган ҳолда, Алишер Навоий ижодиётини нақшбандия тариқати гоълари б-н узвий алоқадорликда тадқиқ этади. Китоб 1996 й. “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ” – адабиётшунос Саида Нарзуллаеванинг Навоий ижодига доир китоби. Китоб Алишер Навоийнинг ижодий биографиясига бағишланган бўлиб, унда адабий ва тарихий манбалардан фойдаланиш асосида шоирнинг ҳаёти ва сермахсул ижоди атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган. Мазкур тадқиқот Е.Э. Бертельснинг “Навоий”, Садриддин Айнийнинг “Алишер Навоий”, Олим Шарафиддиновнинг “Алишер Навоий” асарлари асосида ёзилган. Шу б-н бирга муаллифнинг педагогик фаолияти давомида орттирган тажрибалари ҳам ишга сингдириб қоборилган. “Алишер Навоийнинг ижодий биографиясидан” деб номланган биринчи боб “Навоий Самарқандда”, “Навоий Ҳиротда”, “Навоий эл хизматида”, “Навоий Астарободда” каби қисмлардан иборат. “Навоий лирикаси” деб номланган иккинчи боб “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳазойин ул-маоний”нинг тематикаси ва гоъвий мазмуни”, “Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари”, “Навоий лирикасининг бадий хусусиятлари” қисмларидан ташкил топган. “Навоий ҳамсанавис” деб номланган учинчи боб “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Исқандарий” қисмларидан таркиб топган. Сунгги тўртинчи боб “Навоийнинг кейинги асарлари” деб номланган бўлиб, унда “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарлари алоҳида қисмларда таҳлил этилади. Китоб 1996 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ПАНДНОМАСИ” – адабиётшунос Алимудла Ҳабибуллаевнинг китоби. Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари тадқиқига бағишланган. Монографияда “Маҳбуб ул-қулуб”нинг бекиёс ўғитлари-ю, такрор билмас жозибаси ислом минтақа маданиятидаги панднома анъанаси мезонларига кўра қиёсий йўналишда таҳлил қилинади ҳамда туркий ва форсий адабий алоқаларнинг панднома борасидаги қонуниятлари очиқ берилади. Бу асарни атрофлича ўрганиш Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашлари эволюциясини, бадий маҳоратининг ўзига хос томонларини ва ниҳоят,

ад-тга ахлоқий мавзуни сингдиришга улкан хизматларини кўрсатиб беришга ёрдам беради. Тадқиқот ана шундай жиҳатларни ўзида акс эттиргани б-н қимматлидир. Китоб 1996 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ЧЎЛПОН ВА НАВОИЙ” – адабиётшунос Ҳомил Ёқубовнинг адабий издошлик масаласига доир рисоласи. Китобда Чўлпон шеъриятида Навоийга хос анъаналар масаласи ўрганилган. Муаллиф кўпроқ Навоий ва Чўлпон лирикасидаги кўнгил образига эътибор қаратган. Китобча шартли равишда икки қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисмида Навоий ижодий анъаналарида кўнгил образи, инсонпарварлик, адолат, уйғониш даври ва марказлашган давлат ҳимояси каби масалалар таҳлил қилинса, иккинчи қисмда Чўлпон шеъриятида мустамлакачиликка қарши руҳий исён ва миллий истиқлол масаласи тадқиқ этилади. Китоб сўнгида муаллиф Навоий темурийларнинг марказлашган давлати ҳимоячиси, Чўлпон эса 20-аср бошида шу анъанани ижодий давом эттирган ва миллий мустақилликка эришиш учун курашган шоир, деган хулосага келинади. Рисола 1997 й. “Шарқ” нашриётида чоп этилган.

“ЛУҚМАЙИ ҲАЛОЛ” – адабиётшунос Султонмурод Олимнинг китоби. Навоий ижоди б-н боғлиқ қизиқарли ижтимоий-публицистик фикр-мулоҳазалар жамланган. Унда китоб номига мувофиқ луқмайи ҳалол нима, фақат жисмоний баркамоллик эмас, инсоннинг руҳий-маънавий камолотга эришуви ҳам нима истеъмол қилганига боғлиқми, кам овқат ейишнинг хосияти нимада, қонни бузмай, ирсиятимизни пок сақлаш учун оғиз сути – палланинг нечоғли аҳамияти бор, ўтмишда ҳам очлик эълон қилиш каби одатлар мавжудмиди, оқ сут берган онани рози қилиш ҳаж ўрнига ўтадимми, гўдакни эмизган аёл ҳам унга она бўладими, ота-ўғил муносабатлари қандай бўлиши керак, авлиёликнинг сири нимада каби бир қарашда бир-бирига мутлақо вобаста бўлмаган мунозарали масалалар миллий-маънавий қомусимиз даражасига кўтарилган Навоий асарларига боғлаб таҳлил қилинади. Муаллиф бу орқали китобхонларни мураккаб илмий масалалар гирдобига эмас, балки навоийшунослик б-н боғлиқ қизиқарли гуруннга чорлайди. Китоб 1997 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ҲАҚИҚАТИ – адабиётшунос Шарафиддин Шариповнинг шу номдаги монографияси. Муайян сўз санъаткорининг ижоди ҳақида тўлиқ илмий тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, унинг ҳар бир асарини махсус ўрганиш талаб этилади. Мазкур тадқиқот ўз даврида ана шу мақсаддаги жиддий уринишлардан бири эди. Ш. Шарипов дастлаб бу мавзудаги тадқиқотини 1978 й. “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари” номи номзадлик дис-яси сифатида химоя қилган ва 1982 й. “Фан” нашриётида айни шу ном остида монография ҳолида нашр эттирган. Китобнинг мазкур нашрига муҳаррирлик қилган И. Ҳаққулов олдинги нашрларда мавжуд бўлган замон мафкураси акс этган ўринларни қайта таҳрир қилган ва айрим ўринларни қисқартирган. Монографияда, асосан, қуйидаги масалаларга эътибор қаратилган: 1. “Лисон ут-тайр” типидagi асарлар генезисини аниқлаш; 2. “Лисон ут-тайр” достонининг жанр хусусиятлари, ғоявий мазмуни ва образлар системасини тадқиқ этиш; 3. Достон таркибидаги ҳикояларни ғоявий-тематик жиҳатдан таҳлил этиш; уларнинг шоир ҳикоянавислигида тутган мавқеини ёритиш; 4. Достоннинг бадий-поэтик хусусиятларини ўрганиш. Тадқиқотчи шу каби масалаларни таҳлил қилиш орқали “Лисон ут-тайр” достонининг Навоий эпик ижоди, ва умуман, ўзбек мумтоз ад-ти тарихида тутган ўрнини белгилашни мақсад қилган. Китоб 1998 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“ЛУҒАТИ АТРОКИЯ” – АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ УЧУН ТУЗИЛГАН НОЁБ ҚЎЛЁЗМА ЛУҒАТ – тилшунос Ш. Жонбоевнинг рисоласи. Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатларнинг энг нодирларидан – “Луғати атрокия”га бағишлаган. Унда мазкур луғат шу йўналишдаги луғатлар, хусусан, “Санглоҳ” б-н қиёсланган ва “Луғати атрокия”нинг бошқа луғатлар ўртасидаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Муаллиф эски ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқ қилиш соҳасидаги кўп асрлик тадқиқотларни умумий тарада тавсифлайди. Бундай тадқиқотлар, асосан, қўлёз-

ма луғатлар шаклида сақланиб қолганлиги алоҳида қайд этилади. Рисолада “Луғати атрокия”нинг Навоий асарлари асосида тузилган луғатлар орасида тутган ўрни баҳоланган ва “Бадоеъ ал-луғат”, “Абушқа” ва “Санглох” луғатлари б-н фақат лексик нуқтаи назардан қиёсланган. Шунингдек, Навоий асарларига тузилган тўрт қўлёзма луғатдаги барча сўзаларни йиғиб, “Йиғма сўзлар очкичи” тузиш, унинг тузиш тамойилини ишлаб чиқиш, “Йиғма сўзлар очкичи”нинг Навоий, ўзбек тилининг изоҳли, тарихий ва бошқа тур луғатлар тузишдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш мақсад қилинган. Олимнинг илмий-назарий фикрлари луғатдаги мақолаларнинг тузилиши, луғатда талаффуз ва имло қайдларининг функцияси, “Луғати атрокия”да ундоларнинг берилиши, этимологик қайдлар, сўз маъноларини очиш усуллари, ҳаволалар ҳамда шавоҳидларнинг қўлланишига оид масалалар доирасида янада аниқроқ англашилади. Тадқиқотда кўпроқ қиёс усулидан фойдаланилган. Буни рисола бўлимларининг “Луғати атрокия” ва “Бадоеъ ул-луғат”, “Луғати атрокия” ва “Абушқа”, “Луғати атрокия” ва “Санглох” деб номлангани ҳам яққол кўрсатади. Рисола 1999 й. нашр этилган.

“НАВОИЙ ВА САҲНА САНЪАТИ” – санъатшунос Муҳсин Қодировнинг китоби. Унда Алишер Навоий давридаги томоша санъати, шоир дostonларининг саҳна талқинлари, саҳнада шоир тимсолининг яратилиши ҳақида сўз боради. Рисола икки қатта бўлимдан иборат. Биринчи бўлим “Алишер Навоий давридаги ўйин ва томошалар” деб номланган бўлиб, унда ўйин, томоша ва томошагоҳлар, кулгу, масхаралар, таклид ва унинг намояндalари, зарофат, қовурчок ўйини, қиссаҳон, воиз, шувбадабоз, афсунгар ва турли байрамлар қайд этилади. Иккинчи бўлим “Саҳнавий Навоийнома” деб номланган бўлиб, унда “Фарход ва Ширин”нинг саҳна талқинлари, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”ни саҳналаштириш борасидаги ишлар, “Садди Искандарий”нинг илк талқини, саҳнада Навоий сиймоси ва ижроси хусусида фикр юритилади. Алишер Навоий ва саҳна санъати мавзуи навоийшуносликнинг анъанавий халқ томошалари ва ҳозирги замон театр санъати б-н боғлиқ узига хос тармоғидир. Бу ҳали нисбатан янги йўналиш бўлиб, рисола шу соҳадаги дастлабки қадамлардан биридир. Китоб 2000 й. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ НАСРИ НАФОСАТИ” – адабиётшунос Суйима Ганиеванинг китоби. Навоийнинг турли асарлари ҳақидаги мақолалар жамланган. “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис” ва унинг тарихи, форсий таржималари, “Мажолис ун-нафоис” таъсирида ёзилган тазкиралар, Навоий тазкирасининг форсий таржималари каби мавзулардаги тадқиқотлар китобнинг бир қисмини ташкил этади. Кейинги қисмда “Муҳокамат ул-луғатайн” ҳамда шоир манокиблари: “Хамсат ул-мутахаййирин”, “Холоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Холоти Паҳлавон Муҳаммад” ҳақидаги тадқиқотлар жамланган. Бундан ташқари, “Муяппаот”, “Вақфия”, “Муножот” асарлари ва Навоий насрида назмнинг ўрни, Навоий насрида муаллиф қиёфаси, Навоийнинг армонлари мавзуларидаги тадқиқотлар ҳам мавжуд. Китоб 2000 й. нашр этилган.

“НАВОИЙГА АРМУҒОН” – Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Ўзбек адабиёти” кафедраси ташаббуси ва саъй-ҳаракати б-н нашр этиладиган анъанавий мажмуа. 60–70 йилларда университетда Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймонов, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Шарифа Абдуллаева сингари атоқли навоийшунослар талабаларга сабоқ бериш б-н бирга, Навоий ижодини тадқиқ этиш б-н ҳам жиддий шуғулланганлар. Натижада, Шайхзоданинг “Ғазал мулкининг султони”, Н.Маллаевнинг “Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири”, “Навоий ва халқ оғзаки ижоди” номли рисолалари, Ҳ.Ҳомидийнинг Навоийнинг форсий шеъриятига доир, Ш.Абдуллаеванинг Навоий ижодида хотин-қизлар образига оид тадқиқотлари юзага келди. Профессор Н.Маллаев ҳамда доцент Л.Ҳалилов Навоийнинг 15 жилдлик ўзбекча ва 10 жилдлик русча нашрларини тайёрлашда фаол иштирок этишган. “Навоийга армуғон” номли тўплам илк бор 1968 йил мааскур университет олимлари тадқиқотларининг бир қисми сифатида нашр этилган. Унда таниқли навоийшунослар ўз тадқиқотлари б-н иштирок этишган. “Навоийга армуғон”нинг иккинчи тўпламида А.Ҳайитметов, Н.Комилов, Ғ.Мусина, С.Аширбоев, Б.Тўхлиев, Б.Акрамов сингари атоқли олимлар ҳамда К.Муллаҳўжаева, И.Йўлдошев, З.Машарипова, И.Азимов, С.Раҳимова каби

кейинги авлод вакилларининг тадқиқотлари ўрин олган. Мажмуадан жой олган аксарият мақолалар Навоий ижодининг кам ўрганилган жиҳатлари тадқиқотга бағишланган. Мазкур тўпламдаги қуватишлар, қарашлар даҳо санъаткор меросини янада теранроқ англаш ва мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда катта аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун бўлса керак, 2003 й. “Навоийга армуғон”нинг учинчи китоби, 2004 й. тўртинчи китоби, 2006 й. бешинчи китоби ҳам нашр этилди. Мамлакатимизнинг етакчи навоийшунослари кейинги мажмуаларда ҳам ўзларининг сара тадқиқотлари б-н иштирок этиб, хайрли анъана бардавомлигини таъминлаб келишмоқда.

“НАВОЙНИНГ ИЖОД ОЛАМИ” – Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси томонидан тайёрланган мақолалар тўплами. Навоий ижодиётига бағишланган тадқиқотлардан таркиб топган. Мақолаларда Навоий адабий меросининг деярли ўрганилмаган ёки мустақиллик давригача ўрганиш имкони бўлмаган муаммолари ёритилган. Тўплам асосан икки йўналиш – поэтика масалалари ўрганилган мақолалар ҳамда Навоий асарларининг маъно-моҳияти, айниқса, тас. таълимоти б-н бевосита алоқадор қирралари таҳлил қилинган тадқиқотлардан иборат. Мажмуадаги мақолалар навоийшунослик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганини, тадқиқот тармоқлари янада кенгаётганини кўрсатади. Нодир Рамазонов ҳамда Эргаш Очиллов нашрга тайёрлаган мазкур тўплам 2001 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДА КАСБ-ХУНАР МАДҲИ” – адабиётшунос Боқижон Тўхлиевнинг рисоласи. Навоий ижодининг таълимий ва тарбиявий жиҳатлари таҳлил этилган. У Навоий ҳаёти ва ижоди, адибнинг касб-хунари ҳақидаги ахлоқий, таълимий қарашларининг бадиий ифодаси талқинларига бағишланган бўлиб, академик лицейлар, касб-хунари коллежи талабалари, адабиёт фани ўқитувчилари учун мўлжалланган. Қўлланмада Навоий ижодидagi айрим касблар тавсифи, ақл ва меҳнат тараннуми, илм-хунари, ота-онани қадрлаш каби масалалар қамраб олинган. Шунингдек, китобда Навоий ҳикматларидан намуналар, лугат ва изоҳлар ҳам мавжуд бўлиб, 2001 й. нашр этилган.

“НАВОЙНИНГ ҲАМД ВА НАЪТ ҒАЗАЛЛАРИ” – адабиётшунос Зиёда Ғаффорованинг рисоласи. Навоий ўз девонларига 2600 ғазал киритган. Улар мазмун-моҳиятига кўра бетакрор. Ўтган аср навоийшунослигида қилинган кўп тадқиқотларда Навоий ғазаллари опикона, орифона ва риндона сингари туркумларга ажратилган. Шўро замонида Навоийнинг ҳамд ғазаллари тадқиқот доирасидан четда қолган эди. Ҳолбуки, шоир девонларидаги деярли ҳар бир ҳарф туркуми ё ҳамд, ё наът ғазал б-н бошланади. Ҳамд нима-ю наът нима, нега шоир уларни бошқа турдаги барча ғазаллардан олдин жойлаштирган, ҳамд ва наътларнинг қандай ўзига хосликлари мавжуд? Мазкур рисолада шу ва шунга ўхшаш саволларга қисқа ва лўнда жавоб олиш мумкин. Рисолада Навоийнинг ҳамд ва наът ғазалларидан намуналар келтирилган. Рисола 2001 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“МУНОЖОТНОМА” – адабиётшунос Абдулла Аъзамовнинг китоби. Навоийнинг “Муножот” асари шарҳланган. Унда “Муножот”нинг ўзига хос вазни ва қофиясига эътибор қаратилган, сўзларга атрофлича, анчайин эркин талқин қилинган лугат ҳамда шарҳлар, изоҳлар ва айрим қўшимча маълумотлар келтирилган. Навоий асарини мустақил ўқиш қулай бўлиши учун лугат ва шарҳлар ўқувчига қулайлик тугдириш мақсадида “Муножот”га тегишли бандлар б-н ёнма-ён жойлаштирилган. Рисола 2001 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“ҒАҚР НУРИ ПОРЛАГАН ҚАЛБ” – адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг асари. Навоийнинг “Ситтаи зарурия” номи б-н жамланган олти форсий қасидаси тадқиқотга бағишланган. Навоийнинг ҳар бир асари бадиий мўъжиза, маънавий хазина. Жумладан, шоирнинг Фоний тахаллуси б-н форс тилида ёзилган қасидалари ҳам комил инсон орауси ва қайғуси тасвири, тас. гоёлари б-н суғорилган. Аммо “Ситтаи зарурия” қасидалари мазкур тадқиқот яратилгунга қадар деярли ўрганилмаган. Муаллифнинг ушбу рисоласи ўқувчини Навоий ижодининг номаълум қирралари б-н ошно этади, шоир қалбида порлаган нажиб фикр ва туйғулар талқинидан баҳраманд қилади. Рисо-

лада олимнинг “Ситтаи зарурия” таркибидаги олти қасида: “Рух ул-қудс” (“Муқаддас рух”), “Айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмаси”), “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”), “Қут ул-қулуб” (“Қалблар қуввати”), “Минҳож ун-нажот” (“Нажот йўли”) ва “Насим ул-хулд” (“Жаннат шабадаси”) ҳақидаги қарашлари акс этган. “Ситтаи зарурия” қасидалар туркуми мисолида Алишер Навоийнинг форс-тожик тилида ҳам улуг асар яратишга қодирлиги, маҳорати, қасида жанри, сўфиёна бадиий сўз хазинасини бойитиш йўлида қилган хизматлари ёритилган. Рисола сўнгига “Насим ул хулд” қасидасининг форсча матни ва насрий таржимаси илова қилинган. Китоб 2001 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“АМИР АЛИШЕР НАВОИЙ” – адабиётшунос Абдусалом Абдуқодировнинг қўлланмаси. Мактаб ўқувчилари ва олийгоҳларнинг филология факультети талабалари учун ёзилган қўлланмада Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича муқаммал маълумот бериш мақсад қилинмаган. Балки улуг шоир ҳаёти ва ижоди бўйича мавжуд билимларни кенгайтириш кўзда тутилган. Муаллиф қўлланмани ёзишда Навоийнинг замондошлари, ундан кейин яшаган адиб-адабиётшунослар ва мустақилликдан кейин шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида нашр этилган тадқиқотлар, шунингдек сўнгги даврларда навоийшуносликда эришилган ютуқларга таянган. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни ёритишда асосий эътибор шоирнинг ўз асарларига қаратилган, улардан асосий манба сифатида фойдаланган. Қўлланмада Навоий ҳаётига доир бир неча муҳим жиҳатлар камраб олинган. Навоийнинг фазилатлари, ота-бобо, ака-ука, тоға-жиян ва бошқа қариндошлари, устозлари, дўстлари, шогирдлари, муршиди, сиёсий фаолияти, ободончиликка оид ишлари, шеър ва дostonлари, илмий, тарихий, диний, тасаввуфий, тарихий-мемуар асарлари, мактублари, ёзмоқчи бўлган асарлари, Навоийга бағишланган асарлар, шоир дастхати, олган унвон, мукофот ва дуолар, расмлари, башоратлари ва навоийшунослик б-н боғлиқ бошқа масалалар шулар жумласидандир. Китоб 2003 й. “Нури маърифат” нашриётида чоп этилган.

“АНҶОНИ МАҲРАМ ҚИЛДИНГИЗ” – шоир ва таржимон Носир Муҳаммаднинг рисоласи. Навоий асарлари мутолааси жараёнида туғилган фикру мулоҳазалари, ўзига хос хулосалари ўрин олган. Рисоладан муаллифнинг Навоий ижодининг сўфиёна моҳияти, ранг рамзлари, уларда учровчи афсонавий қушлар борасидаги қарашлари, “Насойим ул-муҳаббат”дан тўпланган пурмаъно ҳикматлар ва “Девони Фоний”дан қилинган таржималари ўрин олган. Таржимон рисолада Навоий асарларини ўқиш жараёнида қийинчилик туғдириши мумкин бўлган сўз, ибора, тушунча ва атамаларнинг тарихий илдизлари ҳақида ҳам сўз юритади. Оммабоп усулда ёзилган ва кенг китобхонларга мўлжалланган мазкур китоб 2004 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“ХИЗР ЧАШМАСИ” – адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг китоби. Навоий ижодининг тас. фалсафаси б-н боғлиқ жиҳатлари теран ва янгича талқин қилинган. Тадқиқотда Навоий эътиқодининг жанҳари – тас. ғоялари ва инсон қалби, шоҳ ва гадо ҳикмати, инсоннинг маънавий камолоти, кўнгил ва ғайб олами, ахлоқий покланиш ва илоҳ ишқи сирри хусусида фикр юритилади, ардоқли, нажиб тўйгуларнинг абадияти ва бугунги ҳаётимизга таъсири ҳақида сўз боради. Китоб “Ўз вужудингга тафаккур айлағил” (муқаддима ўрнида), “Қалбларнинг севгани”, “Ишқ кимёси”, “Фақр – комил инсон сифати”, “Тафаккур ва нафосат хазинаси”, “Оби ҳаёт” (хотима ўрнида) каби бўлимлардан иборат. Рисолада Навоий ижодига ўтган асрда бўлган турли ёндашувлар, Навоий ва замон, тас. ва бадиий ижод муносабатлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Алишер Навоий “Ҳамса”си таркибидаги дostonлар (“Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий”) тас-ий нуқтаи назардан талқин этилади. Китобга Навоийнинг “Насим ул-хулд” қасидаси матни ва насрий таржимаси илова қилинган. Китоб 2005 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“КОМИЛ ИНСОН – АДАБИЁТ ИДЕАЛИ” – адабиётшунос Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг китоби. “Муқаддима”, “Анбиёлар ва авлиёлар”, “Инсон талқинида анъанавийлик ва ижодий ўзига хослик” ҳамда “Хулоса” қисмларидан иборат. Монографияда Шарқ мумтоз шеъриятида катта

ўрин тутган тўрт буюк хамсанавис ижодкор – Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий “Хамса”ларининг илк дostonлари қиёсий таҳлил қилинган. Қиёс ва таҳлиллар дostonларнинг барча гоъвий-бадий жиҳатларини қамраб олишга эмас, балки “Хайрат ул-аброр”, “Маъван ул-асрор”, “Матлаъ ул-анвор” ва “Тухфат ул-аҳрор” дostonларида комил инсон талқини ва тасвирида ҳар бир шоирга хос хусусий, умумий ва муштарак томонларини ёритиш, шу орқали улуг мутафаккир адибларимизнинг ислomий-тасаввуфий карашлари, ахлоқий-маънавий фикрлари, ҳозирги кунимиз учун ҳам ардоқли бўлган ўлмас гоъларини китобхонга етказиш мақсад қилинган. Китоб 2005 й. “Маънавият” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ АРУЗИ НАФОСАТИ” – арузшунос Анвар Ҳожиаҳмедовнинг шу номдаги китоби. Ўзбек арузининг шаклланиши ва таракқиёти ҳам бевосита Навоий номи б-н боғлиқ. Унинг бу бо-радаги хизматлари адабиётшунослигимизда ҳали тўла тадқиқ этилмаган. Монография шоирнинг аруз илми назарияси ва амалиёти камолотига кўшган ҳиссасини ёритишга бағишланган. Унда Навоий шеъриятининг оҳанг жилолари, шоирнинг ад-тимизни янги ва жарангдор баҳр ҳамда вазнлар б-н бойитиш борасидаги фаолияти, салафлари ижодидаги аруз такомилга кўрсатган кучли таъсири ҳақидаги илмий мулоҳазалар баён этилган. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад – ижодкорнинг ранг-баранг мавзуларни қаламга олиши носитасида хилма-хил ижтимоий-ахлоқий гоъларни мужассамлаштириш, безавол лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқин ва сержило қиёфа-ларини гавдалантиришда аруз тизимига хос жозибадор ўлчовлардан санъаткорона фойдаланиш маҳоратини атрофлича ўрганиш ва унинг маърифий аҳамиятини кўрсатишдир. Бунинг учун арузшунос олим Навоий лирик ва эпик шеъриятининг вазн хусусиятларини чуқур тадқиқ этади, шоир фойдаланган барча улчовни аниқлайди ва шу асосда ҳар қайси баҳр ва вазннинг Навоий арузида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини белгилайди, буюк шоирнинг вазн танлаш тамойилини ишлаб чиқади. Вазннинг шоир гоъвий-бадий нияти, гоъ ва тимсол б-н уйғунлиги, мумтоз анъ-ана, жанр, мусиқа ва бошқа омилларнинг вазнга кўрсатган таъсири белгиланади, кўпвазнлилик табиати ва унинг шеърий асар ритми – оҳангининг ранг-баранглигини таъминлашдаги аҳамияти, вазн, кофия ва радиф ўртасидаги муносабат таҳлил қилинади. Муаллиф тадқиқотда Навоийнинг аруздаги кашфиёти, ўзбек арузини шакллантириш ва камол топтириш борасидаги хизматлари-га алоҳида эътибор қаратган. Ўз мулоҳазаларини “Алишер Навоий ва ўзбек арузи ривожини” (I), “Навоий шеъриятининг вазн хусусиятлари” (II) бўлимлари ҳамда Алишер Навоий шеъриятининг баҳр ҳамда вазн кўрсаткичларидан иборат уч иловасида батафсил баён этган. Китоб 2006 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ШОҲБАЙТЛАРИ” – адабиётшунос Ботирхон Акрамовнинг китоби. Рисола “Навоий ижодхонаси ҳақида суҳбат” туркуми (2 та суҳбат), “Илоҳий миръот – тажаллиётнинг “Алишерий” тимсоллари”, “Илоҳий калимот тимсоллари” ва “Навоий шохбайтлари” каби қисмлардан иборат. Адабиётшунос кўпроқ Навоий ижодининг кайҳоний-илоҳий моҳияти, шоир назмида қўлланилган тас-нинг мотлуб ва марғуб истилоҳлари, уларнинг матнда зухур этиш тартиби ва усуллари борасида мулоҳаза юритади ҳамда ўз фикрларини бадий-оммабоп таразда баён қилади. Шарк шеъриятининг хуштаъб ва закий билимдонлари – тазкиранависе шоиру алломалар махсус шеърий иккилик – тер-маларни шохбайтлар деб юритишган. Фақат солим заковат, носик ва нуктадон фаросат соҳиблари идрок эта оладиган бундай байтлар Навоий ижодида жуда кўп учрайди. Мазкур рисолада Навоий-нинг ана шундай сара 20 байти ҳам бадий, ҳам маъмунига кўра илмий-назарий таҳлил этилган. Бундай таҳлиллар ёшлар ва мутахассисларга Навоий газалларининг маъзини чақиш, бадий ету-клик даражаси, ахлоқий-тарбиявий моҳиятини англашда ёрдам беради. Рисола 2007 й. “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган.

“НУРЛИ ҚАЛЪЛАР ГУЛШАНИ” – адабиётшунос Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг монография-си. Унда Баҳром Гур сюжети асос бўлган асарлар батафсил таҳлил этилади, тимсолнинг такомилла-шиб бориши жараёнига назар ташланади, эҳтиросли, жувунвор қиссалар – “Баҳром ва Дилором”,

“Баҳром ва Гуландом” сирлари таҳлил ва талқинларда очиб берилган. Маълумки, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари мумтоз ад-тида кўплаб “кезиб юрувчи” сайёр сюжетлар, бир қанча дoston, ривоят, эртак, ҳикоят ва афсоналарнинг яратилишига асос бўлган фабулалар мавжуд. Бундай ҳол Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари ҳаётидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий яқинлик, асрлар давомида ўзаро узвий алоқада яшаганлик туфайли вужудга келган. Ад-тдаги бу анъана муайян қоидага айланиб, бир неча асрлар мобайнида давом этиб келди. Бунинг самараси ўлароқ араб, форс-тожик, ўзбек, усмонли турк, озарбайжон, курд, грузин, арман, урду, ҳинд, яҳудий тилларида “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Вомиқ ва Уаро”, “Саломон ва Абсол”, “Искандарнома” номлари б-н машҳур бўлган турли талқин ва вариантларга эга ўнлаб дostonлар, қиссалар пайдо бўлган. Ҳар бир адиб бу сюжетларни қайта ишлашга киришар экан, у орқали ўз халқи ҳаётини тасвирлашга интилан, воқеаларни миллий заминга кўчирган, шу боис бу асарларнинг барчаси бир қанча умумий хусусиятларга эга. Айниқса, сюжет чизиғидаги яқинлик, муштарак нуқталар сақланиб қолган. Шарқ ад-тида ана шундай кезиб юрувчи сюжетлар орасида, айниқса, Баҳром Гўр сюжети б-н боғлиқ дoston ва қиссалар алоҳида ўрин эгаллайди. Баҳром ҳақидаги афсона ва ривоятлар милoddан олдинги даврларда ҳам халқлар орасида машҳур бўлган, бу сюжет асосида бадиий асар яратиш қадим замонлардан тортиб то 20-асрга қадар кенг тарқалди. Тадқиқотдан кўзланган бош мақсад – Баҳром Гўр б-н боғлиқ ўзбек тилидаги асарларни урганиш ва тадқиқ этишдан иборат. Китоб “Фан” нашриётида 2007 й. чоп этилган.

“НАВОИЙГА ҚАЙТИШ” (1) – адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг мақолалари жамланган китоб. Муаллиф мақола номини китоб номи даражасига олиб чиқиш воситасида навоийшуносликнинг Навоий ижоди моҳиятига янада яқинлашатиганини, ҳақиқат нуқтаи назаридан асл ўзанига қайтаётганини аниқлашни мақсад қилган. Китоб таркибидаги барча тадқиқот-мақолаларда Навоий ижодининг ҳанузгача англаб улгурилмаган ёки аниқлаштирилмаган лозим бўлган жиҳатларига эътибор қаратилган. Китоб Навоий шеъриятининг баъзи долзарб масалаларига бағишланган мақолалар ва шеър шарҳларидан иборат бўлиб, иккита катта қисмга ажратилган: 1) Навоийни англаш машаққатлари; 2) Шарҳ ва таҳлил. Дастлабки қисмда сарлавҳага мувофиқ кўпроқ Навоийни англаш жараёнида машаққат ва қийинчиликларга сабаб бўладиган муҳим ва қизиқарли назарий, маърифий масалалар ҳажман сиқик, мазмунан чуқур мақолалар воситасида тадқиқ этилади. “Навоийга қайтиш”, “Тасаввуф ва Навоий шеъриятига доир”, “Мансур Ҳаллоҷ ва Алишер Навоий”, “Маъруф ва Ориф”, “Яна қора ранг талқини ҳақида” каби мақолалар шулар жумласидандир. Иккинчи қисмда шоирнинг ғазал, қитъа, рубоий каби жанрлардаги асарлари таҳлил этилган бўлиб, 13 ғазал, 3 рубоий ва 6 қитъа шарҳидан иборат. Таҳлилларда Навоий асарларини уқиган киши истаса-истамаса ҳақиқат мушоҳадасига эҳтиёж сезиши, олам ҳодисотларини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан чуқур билишга интилиши ва табиий равишда комиллик сирларини кашф этиши мумкинлигини ижтимоий-фалсафий ҳамда тас. таълимоти нуқтаи назаридан асослаб берилади. Китоб 2007 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДА ЗООНИМЛАР” – тилшунос Ботир Зариповнинг Алишер Навоий асарлари тилида зоонимлар ва уларнинг бадиий санъатларни ҳосил қилишдаги иштироки мавзусида олиб борган изланишлари натижаси ўлароқ юзага келган монография. Тадқиқотда Навоий асарларидаги бадиий санъатларда қўлланилган зоонимларнинг лисоний-услубий хусусиятлари ва бадиий матн поэтик қурилишидаги вазибалари биринчи марта махсус ўрганилган. Шунингдек, зоонимларнинг шоир бадиий маҳоратини очиб беришдаги ўзига хос поэтик ўрни кенг кўламда ёритилган, Навоий асарларида қўлланилган зоонимлар тўпланган ва таҳлил қилинган. Тадқиқотчи Навоий асарларида учрайдиган лафзий ва маънавий санъатларда ишлатилган зоонимларнинг лисоний хусусиятларини кўрсатиш ва шоирнинг сўз қўллаш маҳоратини тўплаган материаллари асосида асослашни мақсад қилган. Зоонимларнинг бадиий санъатлар тизимидаги лисоний хусусиятларини аниқлаш мақсадида Навоий асарларидаги барча зоонимларни картографик усулда тўпланган ва таснифланган. Лафзий ва маънавий санъатлар таркибида қўлланилган

зоонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ этилиб, уларнинг бир ва ундан ортиқ шеърий санъатлар ҳосил қилишда иштирок этишининг назарий асослари аниқланган. Китоб 2007 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДАГИ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЛЕКСИКА ТАДҚИҚИ” – тилшунос Ш. Эгамованинг Навоий асарлари лексикаси тадқиқига бағишланган монографияси. Кириш қисмида берилишича, ўзбек тили бир неча юз йиллик шаклланиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтган бўлиб, унинг тарихи қадимги туркий тил даврига (7–10-асрлар) бориб тақалади. Турк-рун ёзувида битилган Ўрхун-Энасой битиклари, санскрит, сўғд, хитой тилларидан ўтирилган таржима асарлар Турк хоқонлиги даврида ажлодлар яшаган кенг ҳудуддаги лисоний вазият, адабий тил ва жонли сўзлашув тили хусусида муайян маълумот олиш имконини яратади. Ушбу монографияда, асосан, Навоий асарлари тилида қўлланилган қадимги ва эски туркий тилга оид туб (ўз) сўзлар лингвостатистик, структур-фонетик ва функционал-семантик аспектларда урганилган. Маълумки, ҳар қандай тилнинг мавқеи, қиммати шу тилга тааллуқли birlikларнинг адади, истеъмол доираси, ўзаро алоқага кириша олиш имкониятлари б-н ўлчанади. Бу жиҳатдан ўзбек мумтоз адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий асарларида мавжуд бўлган соф туркий қатламнинг асосини ташкил этувчи қадимги ва эски туркий тилга тегишли тахминан 1400 га яқин сўзнинг лингвостатистик, структур-фонетик ва функционал-семантик тадқиқи гоятда аҳамиятли. Муаллифнинг таъкидлашича, Навоий асарларида у ёки бу даражада ишлатилган қадимги туркий тил лексикасининг морфологик-стилистик таҳлили уларнинг деярли барча сўз туркумларини қамраб олганлигини кўрсатади. Бироқ лексик birlikларнинг муайян сўз туркумига доирлиги сон жиҳатидан кескин фарқланади. Чунончи, тахминан 1400 га яқин лексик birlikнинг 25,1 фоизини от, 24 фоизини феъл категориясига оид сўзлар ташкил этган бўлса, қолган улунчи сифат, сон, равиш, олмош ва ёрдамчи сўз туркумларига оид сўзлардан иборат бўлган. Навоий асарлари тилида қўлланилган қадимги туркий лексиканинг салмоқли қисми нафақат эски ўзбек адабий тили, балки, ҳоз. давр ўзбек адабий тилида ҳам фаол ишлатилаётган лексик birlikлар ҳисобланади. Китоб 2008 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ – ЁШЛАРГА” – адабиётшунос Султонмурод Олимнинг рисоласи. “Ёшлар йили” Давлат дастури асосида тайёрланган. Унда олим Навоий асарларининг ёшларга алоқадор жиҳатлари, бугунги кун учун аҳамияти ҳақида сўз юритади. Навоийнинг ҳаёт, ватан, замон, кўнгил, иймон, сабр, қаноат, ҳаё, фақр, вафо, садоқат, яхшилик, сўз, бода, ёшлик ва қарлик, илм ва тажриба борасидаги қарашларининг ёшлар ва бугунги кун учун аҳамияти ёритилган. Рисола сўнгида Навоийнинг шеърий ва насрий ҳикматлари илова қилинган бўлиб, 2008 й. “ABU MATBUOT – KONSALT” нашриётида чоп этилган.

“САМОВОТ – ИШҚ МАЗҲАРИ” – адабиётшунос Ҳусниддин Эшонқуловнинг тадқиқоти. Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-нихоя” девонлари тадқиқига бағишланган. Унда Навоийнинг юкоридаги икки девони таркибидаги газаллар таҳлилга тортилган. Муаллиф улуг шоир газалларида бадий талқини топган ишқ мавзусини тасниф этаркан, инсон камолотининг таянч омили сифатида унинг маънавий-руҳий покланиш жараёнига таъсири масаласига алоҳида урғу беради. Илоҳий-ирфоний сарчашмаларга таяниб, самовотнинг ишқ мазҳари эканлигини далиллашга интилади. Исломиий-маърифий ад-т намояндаларининг асарларида учрайдиган самовий жисмлар номларининг тимсол ва рамзийлик хусусиятларини чуқур англаш ижодкорнинг бадий маҳорати ҳамда шеърда илгари сурган ғоясини теран тадқиқ этиш учун ниҳоятда муҳимдир. Самовий жисмлар Навоий шеърлятида кўп ҳолларда “ёр” ва “ошиқ” тупунча ва сифатлари тарзида қўлланилади. Улар шоир лирикасидаги фаол образлар саналади. Инсон самога нигоҳини қадаши б-н ўз жисми қафасига руҳини киритган Аллоҳдан мадад, иноят кутади, бадий ижод аҳлининг эса самовий тимсолларга фаол мурожаатида ҳам ана ўша илоҳий ҳақиқат назарда тутилади. Муаллиф ўз мушоҳадаларини бадий йўсинда номланган етти фаслда жамлаган. Уларда самовотга оид қадимий қарашлар ва бадий тафаккур уйғунлиги, Қуръоний ғояларнинг бадий ад-тдаги ифодаси ҳамда

шоир лирикасида учровчи самовий образ ва тушунчаларнинг батафсил тадқиқи акс этган. Китоб 2008 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ВА БОБУР” – адабиёт муҳиблари Б. Жалилов, С. Мирзаева, Ҷ. Сойибжоноваларнинг рисоласи. Навоий ва Бобур ҳаёти, ижод йўлларидаги муштарак ва ўзига хос жиҳатлар истиқлол ғоялари асосида ўрганилган. Унда Навоий ҳамда Бобурнинг ҳаёти ва ижодидаги муштарак жиҳатлар б-н бирга ўзига хос томонлари ҳам таҳлил этилган. Шунингдек, “Бобурнома”да учрайдиган Навоий ҳақидаги маълумот ва қайдларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Рисола 2008 й. “Istiqlof” нашриётида чоп этилган.

“АСАРЛАР” I – адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг бутун фаолияти давомида Навоий ижодига оид амалга оширган тадқиқотлари тўплами ва қайта нашри. Муаллифнинг “Асарлар”и 2008 йилдан бошлаб ўн жилда нашр қилинган бўлиб, дастлабки тўрт жилда Навоий ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар жамланган. “Асарлар”нинг дастлабки жилди икки китобдан иборат бўлиб, уларда Навоий “Хамса”сига доир тадқиқотлар жамланган. Чунончи, биринчи китобга “Ҳайрат ул-аброр” талқини” ва “Фарҳод ва Ширин” сирлари” каби тадқиқотлар киритилган бўлса, иккинчи китобдан “Лайли ва Мажнун”, “Етти савоҳатчи” ҳамда “Садди Искандарий” сингари тадқиқотлар ўрин олган. Шу тариқа “Асарлар”нинг I жилди тўлиғича Навоий “Хамса”си таркибидаги беш дostonга бағишланган махсус беш тадқиқотни ўзида жамлаган. Таъкидлаш лозимки, “Асарлар” таркибига кирган барча тадқиқотлар мазкур нашрдан илгари алоҳида ҳолда чоп этилган. Муаллиф “Ҳайрат ул-аброр” талқини” қисмида Шарқда мавжуд ҳамсанавислик анъанаси ва унинг атоқли намояндалари хусусида сўз юритади ва 25 615 байтдан иборат бўлган Навоий “Хамса”сининг оламшумул аҳамияти тўғрисида фикрларини баён қилган. Сўнг дostonнинг муқаддимаси, устозлар мадҳи, сўз ва кўнгил, мақолотлар, султонлар зикрига бағишланган боблар, риёи хирқапўшлар, зулмпеша амалдорлар тўғрисидаги Навоий фикрлари илмий-оммабоп йўсинда таҳлил этилади. “Фарҳод ва Ширин” сирлари”да эса қалам ва каламкашлар, изтироб ва илқом, ишқий ёзишмалар, дostonда Ширин образининг тутган ўрни каби масалалар адабиётшуноснинг ўзига хос қарашлари б-н қизиқарли тарзда изоҳланган ва таҳлил этилган. “Асарлар” (I жилд) 2008 й. “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида чоп этилган.

“АСАРЛАР” II – адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг Навоий ижодига оид амалга оширган тадқиқотлари тўплами ва қайта нашри. “Асарлар”нинг II жилдидан “Навоийнинг “Қуш тили” дostonи”, “Гўзалликларнинг бошланиши” ҳамда “Нодирликларнинг тугалланиши” каби тадқиқотлар ўрин олган. “Навоийнинг “Қуш тили” дostonи” номли тадқиқотда “Лисон ут-тайр”нинг фалсафий-ирфоний моҳиятидан тортиб композицион тузилиши ва образларига қадар тадқиқ этилган. Бунда қушлар босиб ўтган етти водийнинг васфи ва баёнига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, водийларнинг моҳиятан Симуругга етишиш йўлидаги вазифаси ва Симуругнинг мазмуни ҳамда бевосита Навоийнинг мазкур дostonда Фоний таҳаллусини қўллаши дostonнинг умумий мазмуни б-н боғланган ҳолда ўзига хос талқин қилинган. “Гўзалликларнинг бошланиши” деб номланган иккинчи қисмда эса муаллифнинг “Бадоеъ ул-бидоъ” девони ҳақидаги мулоҳазалари жамланган бўлиб, унда, асосан, девон таркибига кирувчи ғазаллар мазмуни хусусида сўз боради. Бунда олим Навоий ғазалларида кўп учрайдиган ёр хусну жамоли ва фазлу камоли, қосид ва нома, ёр либоси, ошиқ – лирик қаҳрамон, орифона шеърлар, шоҳ ва шоир (Ҳусайн Байқаро ҳақида) каби муҳим ва қизиқарли мавзуларда фикр юритади. “Нодирликларнинг тугалланиши” номли учинчи қисмда эса “Наводир ун-ниҳоя” таркибига кирувчи ғазаллар асосида лирик қаҳрамон ва воқеълик, Шоҳ Ғозий тавсифи, носихлар ва шайхлар ҳақида, ишқ ва ошиқлик, бадий тил хусусиятлари каби масалалар хусусида баҳс юритилади. Муаллиф Навоий ижодини Навоий асарлари орқали тушунтириш ва изоҳлаш йўлидан боради. Асарлар (II жилд) 2008 й. “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида чоп этилган.

“Навоийнинг шеърий дурдонаси” – адабиётшунос Маърифат Ражабованинг рисоласи. Унда “Назм ул-жавоҳир” асарининг тарихий-адабий манбалари қиёсий таҳлил этилади. Муқадди-ма, уч фасл ва хулосадан иборат. Биринчи фаслда “Назм ул-жавоҳир”нинг яратилиши, маънавий асослари, таркиби ва тузилиши; Али ибн Абу Толибнинг ҳикматлари жамланган “Навр ул-лаолий” асари, унинг ўрганилиши ва туркий ад-тга таъсири каби масалалар ўрганилган. Иккинчи фаслда Ҳазрат Алининг илоҳий-ирфоний ҳикматлари исломнинг таянч манбаларига асосланганлиги, уларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келганлиги, Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир”и эса Ҳазрат Али ҳикматларининг янги тарихий шароит ғоялари б-н бойитилган, сайқал топган узвий да-воми эканлигини асослашга ҳаракат қилинган. Навоий рубойларининг мазмун-моҳияти, уларда акс этган маъ-ий камолот масалалари ўрганилган. Учинчи фаслда эса рубойларда ифодаланган ахлоқий ғоялар, мазкур жанрнинг поэтик имкониятлари ва мазмун мутаносиблиги, шоирнинг маҳорати каби масалалар тадқиқ қилинган. Китоб 2008 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“Навоий асарларида сўз ва ибораларнинг матний асослари” – матншунос Манзар Абдулхайровнинг китоби. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, диний қадриятларга, ота-боболаримизнинг маънавий меросига муносабат узгарди. Илгари мумтоз асарларда Худо, пай-гамбар сўзлари атай тушириб қолдирилган бўлса, мустақилликдан сўнг уларни эмин-эркин ёзиш ва ўқиш имконига эга бўлинди. Бу, айниқса, Алишер Навоий асарларини янада чуқурроқ ва му-камалроқ англашга ёрдам беради. Шоир асарларининг тўла нашр қилиниши унинг лугатини ҳам тўла ҳолда тайёрлашни тақозо этди. М. Абдулхайров Навоийнинг 20 жилдлик асарларидаги сўз ва ибораларни “Алишер Навоийнинг тўрт жилдлик изоҳли лугати”га қиёслаб чиққан. Натижада На-воий асарларидаги 5 мингдан ортиқ сўз ва иборалар изоҳли лугатга кирмай қолганлиги аниқланиб, монографик планда тадқиқ этилган. Шоир асарларидан янги аниқланган сўз ва иборалар тексто-логик жиҳатдан чуқур ўрганилган. Албатта, шоир асарлари, уларнинг тил хусусиятлари ҳақида кўп-лаб илмий тадқиқотлар ёзилган, ўнлаб лугатлар тузилган. Бу жараён 20-асрда ҳам изчил да-вом этди. Бироқ уша лугатларга кирмай қолган тушунилиши қийин сўزلарни аниқлаш, уларнинг маъно хусусиятларини белгилаш, матн ичидаги ўрнини кўрсатиш каби бир қатор масалалар хали ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Монография манбашунослик буйича қилинган ишларни мазмунан тўлдиришга, бу соҳада янги изланишлар олиб боришга туртки бўлиб хизмат қилади. Китоб 2009 й. “Tafakkur bo‘stoni” нашриётида чоп этилган.

“Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи” – адабиётшунос Насиба Бозорова-нинг монографияси. Унда кўнгилнинг бадиий образ сифатида шаклланиш тарихи ва тасаввуф шеъ-риясида тутган ўрни, туркигўй шоирлар ижодидаги қиймати ва Навоийнинг бу борадаги ютуқлари тадқиқ этилган. Китоб уч бобдан иборат. Биринчи боб “Кўнгил образининг тарихий илдилари ва тадрижий такомил”, иккинчи боб “Бадоеъ ул-бидоя”да кўнгил образи: ҳол, ҳақиқат ва талқин”, учинчи боб эса “Кўнгил образи ва тасвир маҳорати” деб номланган. Оддий сўзнинг поэтик образ сифатида шаклланиши, маълум ғоявий-бадиий вазифа бажариши ва янгича мазмунда талқин эти-лиши унинг ўзига хос тарихи ва тадрижи мавжудлигини кўрсатади. Шу маънода, китобда дастлаб кўнгил образининг туркий шеъриятдаги тарихий илдилари ва тадрижий такомилга эътибор қа-ратилган. Сўз санъатининг замини бўлган халқ оғзаки ижодидаёқ кенг қўлланилган кўнгил сўзи-нинг илк битиктошлар, ёзма ёдгорликлар ва туркий панднома адабиётида образ сифатида қўлла-нилгани таҳлиллар асосида очиб берилган. Шунингдек, китобда Қуръони карим ва ҳадиси шариф асосида кўнгилнинг бадиий ад-тда, айниқса, тас. шеъриятда илоҳий маскан, сирлар хазинаси сифатида талқин этилиши, мутасаввифларнинг кўнгил хусусидаги қарашлари, кўнгилнинг инсон маънавий-руҳий оламидаги ўрни, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний каби мутасаввиф шо-ирларнинг кўнгил образини қўллаш тажрибалари хусусида чуқур мулоҳаза юритилган. Моногра-фияда Навоийнинг илк расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя” воситасида кўнгил образининг тасвир ва талқин даражаси белгиланган, ғоя, образ ва ифода уйғунлиги илмий нуқтаи назардан ёритилган. Китоб 2009 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ТАСАВВУФ” – адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг асари. Мазкур китоб, дастлаб, алоҳида – биринчиси 1996 й.да “Комил инсон ахлоқи”, иккинчиси 1999 й. “Тавҳид асрори” номлари б-н нашр этилган. Кейинчалик бу икки китоб бирлаштирилиб, яхлит ҳолда “Тасаввуф” номи б-н қайта нашр этилган. Истиқлол шарофати б-н миллий маънавиятимиз, айниқса ўзбек мумтоз адабиёти мазмун-моҳиятига чуқур сингиб кетган тас. таълимоти кенг қуламда ва ҳолисона ўрганила бошланди. Тас.га доир кўпгина манбалар тадқиқ этилди, нашр қилинди. Кубравия, яссавия, нақшбандия тариқатларининг шаклланиш жараёни, тарихий роли, бугунги маънавиятимиз учун аҳамияти ўрганилмоқда. Хусусан, тас.нинг инсонпарварлик ғоялари б-н уйғунлашиб кетгани, бу эса жаҳоншумул шеърий асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлгани, тас. ғоялари умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми эканлиги олимларимиз томонидан кенг қўламда ўрганилмоқда, тадқиқотлар воситасида асослаб берилмоқда. Олимнинг мазкур китоби ҳам ана шундай характердаги тадқиқотларни жамлаган бўлиб, унда тас. таълимотига оид муҳим атамалар – тас.ий тимсоллардан тортиб тариқат, шариат, ҳол, каромат, футувват, уруж, ирфон, комил инсон, тавҳид, фано, мақомот каби тас. таълимоти моҳиятини акс эттирувчи асосий назарий масалалар, концепциялар, ғоялар, ахлоқий қоида ва атворлар бадиий ижод, хусусан, Навоий асарлари мисолида батафсил ёритилган. Китобда Навоийнинг ўнга яқин лирик асарлари ва “Хамса”си таркибидаги баъзи дostonларнинг илк тас.ий талқинлари ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, Нажмиддин Кубро, Сайид Ҳасан Ардашер, Мирзо Бедил, Машраб, Султон Сайид Аҳмад Валий каби ориф ва шоирларнинг дунёқараши, тасаввуфга бўлган муносабати илмий асосда тадқиқ этилган. Китоб 2009 й. “Movarounnahr” – “O‘zbekiston” нашриётида чоп этилган.

“АСАРЛАР” III – адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг бутун фаолияти давомида амалга оширган Навоий ижодига оид тадқиқотлари тўплами ва қайта нашри. “Асарлар”нинг III жилдидан “Хамса” сарлавҳалари”, “Ўрта ёш гўзалликлари” ва “Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўллари” номли тадқиқотлар ўрин олган. “Хамса” сарлавҳалари қисмида бешлик таркибидаги ҳар бир дoston сарлавҳасига хос алоҳида ва етакчи хусусиятлар текширилган бўлиб, унда сарлавҳаларнинг бадиий функцияси ҳамда “Хамса” умумий композициясида тутган ўрни махсус ўрганилган. “Ўрта ёш гўзалликлари” қисмида, асосан, “Бадоеъ ул-васат” девони таркибидаги газаллар таҳлил этилган. “Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўллари” номли қисмда эса, дастлаб, Навоий ҳаёти ҳақидаги қайдлар, хусусан, “Ҳилолия” қасидаси ва “Хамса”нинг ёзилиши, Навоий давридаги ижодий муҳит, Навоий ва Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Ҳусайн Бойқаро каби мавзулар орқали Навоийнинг ҳаёт йўли ёритилган. Шунингдек, шоир ижодий мероси – шеърий асарлари, лирикасидаги ижтимоий-сиёсий ғоялар, жанр хусусиятлари, девонлар, дебочалар, “Девони Фоний”, қасидалар, “Муфрадот”, “Арбаин”, “Назм ул-жавоҳир”, “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Муножот”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муншаот”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби асарлари хусусида олимнинг турли йилларда яратган тадқиқотлари жамланган. “Асарлар” (III жилд) 2009 й. “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида чоп этилган.

“АСАРЛАР” IV – адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг бутун фаолияти давомида амалга оширган Навоий ижодига оид тадқиқотлари тўплами ва қайта нашри. “Асарлар”нинг IV жилдидан “Насойим ул-муҳаббат”, “Вақфия”, “Муножот”, “Сирож ул-муслимин”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” каби асарларга бағишланган тадқиқотлар, Навоий ҳаёти ва ижоди б-н боғлиқ муҳим тарихий сана ва воқеалар, шоир умрининг яқини борасидаги қайдлар ҳамда “Фаво-йид ул-кибар” девонига оид тадқиқотлар жамланган. Мазкур жилднинг муайян қисми илгарироқ “Нодир саҳифалар” (Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари хусусида) номи б-н алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. IV жилддан ўрин олган тадқиқотлар кетма-кетлигидан А. Қаюмов томонидан Навоий асарларининг деярли барчаси ўрганилгани, ўз навбатида, олим тадқиқотларида ҳам Навоийнинг ижодий эволюцияси, ҳам ўзига хос тадқиқотчилик тадрижи акс этган. “Асарлар” (IV жилд) 2009 й. “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙНИНГ АРМОНЛАРИ” – Умид Бекмуҳаммад эсселаридан таркиб топган китоб. Тўпламда Навоий ҳаёти, асосан, шахс сифатидаги муайян жиҳатларига алоҳида ёндашишга ҳара-

кат қилинган. Унда мутафаккирнинг ижтимоий фаолияти, мулкдорлиги, оилавий аҳволи, умуман айтганда, шоир яшаган муҳит, шарт-шароитга эътибор қаратилган. Бундан ташқари, ўша давр, Навоий замондошлари ва адабий муҳит тўғрисидаги мақолалар ҳам киритилган. Муаллиф маъмур маълумотларни тўплашда Навоийнинг ўз асарлари, Хондамир, Мирхонд, Восифий, М. Никитский (“Амир Низомиддин Алишер”. СПб, 1856), В. Бартольд (“Мир Алишер ва унинг сиёсий ҳаёти”. М, 1928), Е. Бертельс (“Навоий”. М-Л, 1948), Садриддин Айний (“Алишер Навоий”. Тошкент, 1948) каби олимларнинг асарларидан ва профессор Поён Рағиновнинг тадқиқотларидан фойдаланган. Китоб 2011 й. “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙГА ҚАЙТИШ” (2) – адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг шу номдаги иккинчи китоби. Ундан буюк мутафаккир ҳаёти, асарларининг ёзилиш тарихи б-н боғлиқ янги факт ва таҳлиллар, улуг шоир ижодини тадқиқ этиш йўлидаги методологик ёндашувлар ақс этган мақолалар, ғазал, рубоий, китъалар талқини ва навоийхонлик суҳбатлари ўрин олган. Китоб уч қисмдан иборат: 1. Моҳият ва англаш зиёси. 2. Шарҳ ва талқинлар. 3. Адабий суҳбатлар. “Моҳият ва англаш зиёси” деб номланган қисмда “Бадий матн ва таҳлил муаммолари”, “Шеърый матн ва обраа маънодорлиги”, “Навоий шеърыйида сўзнинг образга айланиш асослари”, “Навоийнинг ваҳдат тушунчаси ва пантеизм”, “Тамалсиз талқин ғалатдир”, “Шеър тарихи ва ҳақиқат уйғунлиги”, “Навоий шеърыйида фано талқинлари” ва “Алишернинг туғилган куни” каби матбуотда эълон қилинган 16 мақола ўрин олган. “Шарҳ ва талқинлар” деб номланган қисмда эса Алишер Навоийнинг бир қатор лирик жанрдаги асарлари, жумладан, “Парим бўлса учиб қочсам...”, “Қаро кўзум келу...”, “Ё рабки, фано баъмида...” каби жами 10 та талқин – шарҳ ақс этган мақолалар жамланган. “Адабий суҳбатлар” деб номланган сўнгги қисмига эса олимнинг “Ишонч”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият” газетаси мухбирларининг ад-т ва Навоий ижодига доир саволларига жавоблари киритилган. Китоб 2011 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“ЯНА НАВОЙНИ ҲҚИБ” – адабиётшунос Муҳаммаджон Маҳмуднинг Навоий ижодига доир китоби. Навоий асарларида кўп учровчи ёр образи талқинлари борасидаги қарашлар китобда асосий ўринни эгаллайди. Рисолада Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг янги давлат ва жамият қуришдаги хизматлари, мустақиллик арафаси ва истиқлол йилларида юзага келган тадқиқотларда Навоий лирикаси ва лиро-эпик ижодидаги ёр тимсоли рамзан Аллоҳни англатиши, ишқ деганда Навоий бир жинс вақилининг иккинчи жинс вақилига муҳаббатидан бошқа маъноларни ҳам назарда тутгани устувор аҳамият касб этиши ҳақидаги мулоҳазалар ўртага ташланади. Рисолада Навоий ижодидаги ёр тимсоли, аввало, дўст, биродар, яқин киши сифатида, шунингдек, шоир асарларида айнан қайси тарихий шахслар кўзда тутилгани махсус тадқиқ этишга ҳаракат қилинган. Китоб 2011 йил Фафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙ: МАНБАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК, ТЕКСТОЛОГИК ТАҲЛИЛИ” – адабиётшунос Шўҳрат Сирожиддиновнинг Навоий биографиясига оид монографияси. Китоб анъанавий қолипларга ижодий ёндашилган тузилишга эга. Асосий боблардаги кузатишлар мақсад ва вазифадан келиб чиққан ҳолда икки йўналишда олиб борилган. Маълумотлар, улар жой олган асарларнинг жанрий хусусиятларига кўра эмас, балки Навоий таржимаи ҳолининг асосий жиҳатлари атрофида гуруҳлаштирилган ҳолда қиёсий-типологик, текстологик таҳлил қилинади. Бу услуб Навоийнинг маълум таржимаи ҳолини ташкил этган асл маълумотларнинг 20-асргача бўлган даврий кўринишлари, ўзгарув даражасини аниқлаб олиш имконини яратган. Иккинчи йўналишда эса маълумот муаллифларининг Навоий шахсиятига ёндашуви масаласини ўрганиш учун улар томонидан берилган маълумотларнинг руҳияти ва йўналишига эътибор қаратилган. Тадқиқотнинг бош мақсади – 15-аср иккинчи ярми – 16-аср бошларида яратилган манбалардаги Алишер Навоийга оид маълумотларнинг асл ҳолатини ўрганиш, уларни қиёсий-типологик, текстологик таҳлилдан ўтказиш ва 20-асргача яратилган манбалардаги маълумотларнинг дастлабкиларидан тафовут қилиш даражасини аниқлаш, Навоий библиографиясини тиклаш йўлида янги манба ва маълумотларни илмий таомилга киритишдан иборат. Монографияда Навоий ҳаёти ва фаолияти ёритилган илк

манбаларни хронологик тартибда ўрганиб чиқиш, улардаги маълумотларнинг асл ҳолатини тадқиқ этиш, манбаларни жанрий хусусиятларига кўра гуруҳлаштириб, улардаги маълумотларни тасниф этиш ва мавжуд маълумотларнинг белгилари асосида Навоий таржимаи ҳолининг асосий жиҳатларини аниқлаш, асосий жиҳатлар атрофида ҳосил қилинган типологик умумлашмалар негизда илк маълумотларни қиёсий таҳлилдан ўтказиш, Навоий давридан 20-асргача яратилган ёзма манбаларда улуғ мутафаккир ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларнинг ўзгариш даражасини аниқлаш, асл маълумотларни ўтмиш давр бадиий тўқималари ва тарихий чалкашликлардан тозалаш, шўро даври навоийшунослигида тўғри ёритилган талқинларни тафсилотлар б-н бойитиш ва нотўғри изоҳланган маълумотларга муносабат билдириш, Навоий ҳаёти б-н боғлиқ бугунги кунга қадар эътибордан четда қолиб келаётган маълумотларни ёритиш каби масалалар тадқиқ этилган. Биринчи боб маълумотларнинг ўзaro қиёсий таҳлили ва уларнинг 20-асргача бўлган даврда яратилган манбаларда учраш тарзи, содир бўлган ўзгарув даражасини аниқлашга бағишланган. Иккинчи бобда Навоийнинг сарой хизматлари даври тафсилотлари кўздан кечирилади. Учинчи бобда Навоий ва унинг замондошлари ўртасидаги муносабатлар очиб берилди. Хусусан, Мажиддин Муҳаммад, Низомулмулк, Султон Хусайн Бойқаро б-н Навоий муносабатларининг айрим ноаниқ жиҳатларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган. Иловаларда 15-аср иккинчи ярми – 16-аср биринчи ярмида яратилган Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир илк маълумотларни берувчи қўлёзма манбалар ва маълумотлар таснифи ҳамда тавсифи келтирилади. Китоб 2011 й. “Академнашр” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙ ВА УСМОНЛИ ШЕЪРИЯТИ” – туркиялик навоийшунос Юсуф Четиндоғнинг Навоийга эргашиб Онадўлида ёзилган назиралар тадқиқ этилган монографияси. “Навоий тили”да ва “Навоий услуби”да асарлар ёзиш бу минтақада 15–16-асрларда анъанага айланган эди. Навоийга эргашиб ва унинг санъаткорлигидан илҳомланиб олтимишдан зиёд ижодкорлар назиралар ёзганлар. Китобда ана шу шеърлар тадқиқ ва таҳлил этилган. Назира ва назиранавислик нима, Онадўли шоирларига Навоий қандай ва қай тарзда таъсир ўтказган, қайси шоирлар қандай ижодий аҳтиёжлар б-н Навоийга назира, татаббуъ ёки тахмислар ёзишган, Аҳмад Пошо томонидан бирданига Навоийнинг 33 газалига назира боғланишининг сабаби каби масалаларга тадқиқотда ечим изланган. Усмонли ад-ти ва маданиятига Навоийнинг таъсири масаласини Ф.Кўпрули, Н.Тарлан, М.Човушўғли, К.Эраслан, Ф.Сартқоя, М.Эсон, Ж.Қурназ каби бир қанча олимлар тадқиқ этган. Юсуф Четиндоғ Навоийнинг Онадўли ад-тига таъсирини махсус ўрганишга киришиб, “Алишер Навоийнинг гарбий туркий тилдаги девон адабиётига таъсири” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Унинг бутун олимлик фаолияти Навоий шахсияти, ижодиёти, 15–16-аср усмонли шоирлари ижодига таъсири ва самараларини тарихий, илмий, адабий манбалар асосида ёритишга қаратилган. Юсуф Четиндоғнинг бу китоби Н.Ҳасан, Р.Рўзмонова томонидан таржима қилиниб, 2011 й. “Muharrir” нашриётида чоп этилган.

“ДИЛКУШО ТАКРОРЛАР ВА РУҲАФЗО АШЪОРЛАР” – адабиётшунос Азиз Қажомовнинг Навоий ижоди таҳлил этилган китоби. Мураккаб структурали жанрлар таҳлилидан иборат бўлган мазкур китобнинг биринчи бўлимига “Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар” деб сарлавҳа қўйилган. Навоийнинг Султон Хусайнга бағишланган шеърлари тўғрисидаги иккинчи бўлим эса “Султон мадҳияси ва даврон тарбияси” деб номланган. Олимнинг фикрича, Навоий бу шеърларда фақат султонни мадҳ этиш б-н чекланиб қолмай, балки унга одоб доирасида турли фойдали йўл-йўриқларни кўрсатиб ўтган. Китобнинг учинчи қисми “Наам ул-жавоҳир” таҳлилига бағишланган. “Навоийхонлик алифбоси” деб номланган тўртинчи қисмдан муаллифнинг “Ҳилолия”, “Илк девон”, “Бадоеъ ул-бидоя”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарлари таҳлили ва Абулқосим Бобур Мирзо, Султон Хусайн, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад б-н Навоий муносабатлари ҳақидаги қайдлари ўрин олган. Бешинчи қисмда “Хазойин ул-маоний”, “Лисон ут-тайр” ва “Арбаъин”га доир мулоҳазалар ўртага ташланади. Олтинчи қисмда эса Навоийнинг ўнга яқин насрий асарлари таҳлил этилади. Сўнгги қисм Навоийнинг форс-тожик тилида ёзган асарлари хусусида.

Азиз Қаюмов унда “Муфрадот”, “Девони Фоний”, “Хукамо зикри” асарлари ҳамда Германиянинг Лейпцигдаги университет кутубхонасида сақланаётган № 1046/68 инв. рақамли “Сабъаи сайёр” достонининг бир қисми ёзилган қўлёзма ва унинг лотин тилига таржимаси ҳақида маълумот беради. Китоб сўнгига ана шу қўлёзмадан намуналар илова қилинган. Китоб 2011 й. “Шарқ” нашриётида чоп этилган.

“ЎЗБЕК НАСРИДА ИНШО” – ўзбек адабиётшуноси Қодиржон Эргашевнинг асари. Тулиқ номи – “Ўзбек насрида иншо (Навоий “Муншаот”и мисолида). Монография иншо санъатининг тарихи, ривожланиш йўли ва ўзига хослиги масалаларини ёритишга, Алишер Навоий мактубларини тадқиқ қилиш ҳамда улар мисолида мазкур наср турининг ўзбек ад-тидаги ўрни ва хусусиятларини, буюк адибнинг иншодаги маҳоратини кўрсатиб беришга бағишланган. Монография уч бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи боби “Шарқ насрида иншо санъати” деб аталади. Унда иншо санъати илк даврларда рисола жанрининг бир кўриниши сифатида мавжуд бўлганлиги, кейинчалик эса унинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар юзага келиб, иншо алоҳида наср тури сифатида шаклланганлиги ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, иншо наср тури сифатида шаклланиб бўлгандан сўнг ҳам бу тушунчага уч хил қараш (кенг маънода – фармонлар, ёрлиқлар ва бошқа давлат ҳужжатлари; унча кенг бўлмаган маънода – расмий ва хусусий ёзишмалар, мактубларнинг барча турлари; тор маънода – мактубларнинг иншо санъати талабларига риоя қилиб ёзилган мактублар) мавжуд бўлиб келганлиги таъкидланади. Иккинчи боб “Муншаот”даги мактублар таснифи, мазмуни, ижтимоий ва шахсий мотивлар, давр этикетининг акс этиши” деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. Унинг “Мурофия йўсинида ёзилган иншолар” деб номланган биринчи фаслида ўрта аср кишилари орасидаги хусусий ёзишмалар уч турга бўлингани, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва ёзилиш йўсинига эга бўлгани айтилиб, улар орасида энг кўп тарқалгани мурофия йўсинида ёзилган иншолар эканлиги ҳақида маълумот берилади. Бундай иншолар муаллифдан мавқеи, обрў-эътибори баланд бўлган кишига йўлланади. Мазкур иншо тури Навоий “Муншаот”ида ҳам салмоқли ўринни эгаллаб, улар султон ва шахзодаларга йўлланган мактублардир. Монографияда асардаги шу йўсинда ёзилган мактублар таҳлил доирасига тортилган. Бобнинг иккинчи фасли “Муросала ва риқоъ йўсинида ёзилган иншолар” деб аталади. Унда келтирилишича, даражаси муаллиф билан тенг кишига ёзилган хатлар муросала, жамиятдаги ўрни, амали, насаби жиҳатидан муаллифдан қуйи турувчи шахсга юборилган мактублар эса риқоъ деб аталган. Монографияда уларнинг ҳар бир турига мисоллар келтирилган. Учинчи бобда Алишер Навоийнинг иншо санъатидаги маҳорати мактубларда қўлланган бадиий тасвир воситалари ва санъатлар ёрдамида очиб берилган. Китоб “Мухаррир” нашриётида 2011 й. нашр қилинган.

“АЛИШЕР НАВОЙИ ҒАЗАЛИЁТИДА РАНГ СИМВОЛИКАСИ” – адабиётшунос Сирдарё Ўтанованинг монографияси. Олима тадқиқотда Навоий ғазалларидаги рангларнинг маъно миқёслари, унга алоқадор рамзий образ ва тимсолларни тадқиқ этиш, ранг символикасининг лирик образ ва қаҳрамон психологик ҳолатини тасвирлашдаги ўрнини белгилашни мақсад қилган. Шунингдек, ранг тарихи, халқ оғзаки ижодида қўлланилган ранг рамзалари, буларнинг ёзма ад-тга кириб келиши ва туркийгўй шоирларнинг ранглардан фойдаланиш маҳорати каби масалалар ҳам атрофлича тадқиқ қилинган. Навоий ғазалиётидаги ранг символикасининг бадиий хусусиятларини ўрганиш – шоирнинг образ яратишда рамзалардан фойдаланиш маҳоратининг назарий қонуниятларини белгилаш имкониятини беради. Лирик қаҳрамон ҳолати, мақсад-муддаоси, орзу-армонлари кўп ҳолларда ранглар воситасида ифодаланади. Либос ва ранг уйғунлигидаги тасвир эса шеъринг матн мазмун-моҳиятининг кўпқирралиги, рамзий мазмундорлигига хизмат қилади. Монографияда тас. назариясининг рангга доир образлар такомиллиги кўрсатган таъсири масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Китоб 2011 й. “ТАҒАККУР” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ” – адабиётшунос Эргаш Очилловнинг рисоласи. Навоий ҳаёти ва ижоди, шоир яшаган тарихий давр ҳақидаги қайдлар жамланган. Рисолада Навоийнинг ибратли ҳаёти,

серкирра фаолияти, унинг давлат арбоби ва маънавият ҳомийси, адолатли амалдор ва саховатли инсон сиймосида амалга оширган хайрли ишлари, бой ва ранг-баранг адабий-илмий мероси, ижодининг асосий йўналишлари, жанрий таркиби ва мавзу доираси, ўлмас гоё ва қарашлари, асарларининг бадиий баркамоллиги сирлари ва шоирлик маҳоратининг айрим қирралари тўғрисида илмий-оммабоп усулда ҳикоя қилинади. Рисола 2011 й.да “ABU MATBUOT – KONSALT” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙЙ” – академик Азиз Қажомовнинг Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги рисо-ласи. Унда Навоийнинг шоир сифатида шаклланиши, инсоний фазилатлари, устозлари б-н муносабатлари ўрта аср манбалари асосида ёритилган. Адибнинг болалик, ёшлик даврлари, “Девони Фониий”, Абдурахмон Жомий б-н бўлган муносабатлари, “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Арбаин”, “Назм ул-жавоҳир”, “Мажолис ун-нафоис”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби асарларида ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар ва шоир ҳаётига доир қайдлар таҳлилга тортилади. Рисола 2011 й. “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган.

“БИР ҚОВУЧ ДУР” – адабиётшунос Эргаш Очиловнинг Навоий ижодига оид мақолалари тўплами. Муқаддима ва турли газаллар, байтларнинг илмий-оммабоп шарҳларидан ташкил топган. Муқаддимада берилишича, сўз санъатининг ўзига қадар эришган барча ютуқларини мужассамлаштирган Навоий шеърини маъмуна теран ва ранг-баранг бўлиб, услубий мураккаблик, бир байт доирасида бир неча бадиий санъатларнинг уйғунлашиб келиши, қадимги туркий, арабий, форсий сўз ва ибораларнинг кўп қўлланиши, уларнинг кўпмаънолилиги, Қуръон ва ҳадислардан олинган иқтибослар, пайғамбарлар, валийлар, машхур тарихий шахслар, қаҳрамонлар ва улар б-н боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг у ёки бу муносабат б-н тилга олиниши каби ҳолатлар шоир ижодини ўқиб-ўрганишнинг мушкуллигидан далолат беради. Навоийни тушуниш Шарқ фалсафаси, маданияти, адабиёти, мумтоз сўз санъатининг ижодий методи, образлар олами, ўзига хос рамау ташбеҳлари, аруз вазни, араб ёзуви, эски ўзбек тилини билиш, форс ва араб тилларидан маълум даражада хабардор бўлишни талаб қилади. Бу борадаги мушкулликларни бартараф этиш учун Навоийни халққа яқинлаштириш, унинг асарларини осон тушунтириш йўллари излаш, насрий баёнлар, шарҳлар, тадқиқотлар яратиш ишлари янада кенгроқ йўлга қўйиш лозим. Албатта, бу борада анча-мунча ишлар қилинган, Навоийнинг кўплаб газалларига шарҳлар ёзилмоқда. Ана шу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган мазкур тўпلام Навоийнинг бир қатор газаллари ва пурмаъно байтлари шарҳини ўз ичига олган. Ушбу шарҳлардан асосий мақсад – Навоийнинг маъмуна теран, услубан мураккаб, бир неча маъно қатламига эга, диний ва тасаввуфий тимсолу истилоҳларга бой байту газаллари моҳиятини ҳозирги ўқувчига имкон қадар осон, кенг ва чуқур етказиб бериш, уни буюк сўз санъаткорининг образлари оламига олиб кириш, ижодкор асарларини тушуниш сирларини англашга қўмаклашишдан иборат. Китоб 2011 й. “O‘zbekiston” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙЙ “ХАМСА”СИДА МАЗМУН ВА РИТМНИНГ БАДИЙ УЙҒУНЛИГИ – адабиётшунос Дилнавоз Юсуповнинг Навоий “Хамса”си тадқиқ этилган монографияси. Олима унда, асосан, вазни шеърини ритмни вужудга келтирувчи бош омил сифатида ўрганиш ҳамда эпик поэзия, хусусан, “Хамса” дostonлари мавзуларининг вазн б-н муносабати масаласини тадқиқ этишни мақсад қилган. Бундан ташқари, тадқиқотда ритмик вариацияларга эга бўлган хафифи мусаддаси маҳбун маҳзүф ва ҳазажи мусаддаси ахраби маҳбузи маҳзүф ваанларининг Навоий “Хамса”си дostonларидаги ўрнини кўрсатиш ва ритмик вариацияларнинг дostonлар сюжети тизимидаги воқеалар ривожини, қаҳрамонлар руҳий ҳолатига мос тарзда ўзгариши сабаблари, Навоий “Хамса”си таркибига кирган дostonлардаги радиф, кофия ва маъмуна уйғунлиги ҳам ўрганилган. Аруз вазинининг фақат квантитатив (чўзиқ ва қисқа бўгинлар алмашинувида асосланувчи) эмас, балки квалитативлик (урғуга асосланувчи) хусусиятига ҳам эга система эканлигини руқн урғуларининг жойлашиш ўрнига кўра асослаш, урғунинг ритмни вужудга келтириш борасидаги аҳамиятини кўрсатиш, вазн ва урғу муносабатини таҳлил этиш, Навоий “Хамса”сида ритмик урғу ва

мазмун мутаносиблигини ўрганиш каби муҳим масалалар ҳам таҳлилга тортилган. Монография 2011 й. “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИНING ОЛАМШУМУЛ АҲАМИЯТИ” – Алишер Навоийнинг 570 йиллигига бағишланган халқаро илмий-назарий анжуман (2011 й. 28–29 сентябрь) материаллари. Тўплам уч қисмдан иборат. Биринчи қисм (“Навоийнинг адабий мероси”)да Навоий ижодининг оламшумул аҳамияти, Навоий ва қардош ад-тлар, мустақиллик даври навоийшунослик вазифалари, Навоий ижодида комил инсон концепцияси каби масалаларга бағишланган тезислар ўрин олган. Иккинчи қисм (“Навоийнинг илмий мероси”)да “Мажолис ун-нафоис” ва “Девони Фоний”нинг таржималари ва нашрлари, Фоний девонидаги қитъаларнинг маърифий моҳияти, Навоий ва мулкдорлик маънавияти каби масалалар ёритилган. Учинчи қисм (“Тилшунослик ва санъат”)да Навоийнинг жаҳон тилшунослигидаги мавқеи, Навоий ва театр, Навоий асарларининг тили тадқиқига бағишланган материаллар ўрин олган. Тўплам 2011 й. “Ўзбекистон” НМИУда чоп этилган.

“ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА НАВОИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ” – мақолалар тўплами. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган шу номдаги илмий-амалий анжуман материаллари жамланган. Китоб уч қисмдан иборат: биринчи қисм “Навоий ҳаёти ва ижоди – намуна мактаби” деб номланган бўлиб, унда Навоий ва ёшлар тарбияси масалалари қамраб олишга ҳаракат қилинган. Иккинчи қисм “Навоий анъаналари ва ижодий ўзига хослик” деб номланган бўлиб, унда шоир ижодининг ёшлар учун муҳим бўлган жиҳатлари тадқиқ этилган. Учинчи қисм “Адабий таълим муаммолари” деб номланган бўлиб, унда адабий асарлар ва уларга хос хусусиятларнинг таълим-тарбия жараёнида қўллаш б-н боғлиқ муаммо ва ечимлар тўғрисида сўз боради. Тўплам 2011 й. нашр этилган.

“ШЕЪРИЯТ ВА САБАБИЯТ” – адабиётшунослар Нодира Афоқова ва Маърифат Ражабзодаларнинг Навоий ижоди тадқиқ этилган рисоласи. Унда Алишер Навоий ижодида фалсафий ҳодисаларнинг бадиий акс этиши масаласи ўрганилган. Янги давр адабиётшунослигида бадиийликнинг белгилари сифатида махсус ўрганиладиган бир қатор категориялар, хусусан, сабабият – детерминизм категорияси Алишер Навоий лирик мероси асосида кўздан кечирилади. Бу орқали шоир бадиий маҳорати ва новаторлигининг янги жиҳатларини кашф этиш, шоир ижодий тажрибаларини аниқлаш, пировардида инсониятнинг бадиий тафаккури учун хос бўлган умумий қонуниятларни очиш мақсад қилинган. Мазкур тадқиқот Ё. Исоқов бошлаган детерменизмга оид тадқиқотларнинг мантиқий давомидир. Китоб 2012 й. “Akademnashr” нашриётида чоп этилган.

“МАЪНОЛАР ОЛАМИГА САФАР” – адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг Навоий ғазаллари шарҳига бағишланган китоби. Китобда Навоийнинг 50 ғазали шарҳланган. Унда мумтоз шорхлик анъанасига амал қилинган, яъни аввал асар тилидаги бугунги китобхонга тушунилиши қийин сўзлар луғати, сўнгра байтларнинг насрий баёни берилган, шундан сўнг ғазалнинг умумий мазмун-маъноси, бадиий хусусиятлари таҳлил қилинган. Бу ҳам анча қулай, ҳам амалий аҳамияти кўпроқ бўлган усул. Кириш қисмида берилишича, мураккаб адабий ва илмий-ирфоний асарларни шарҳлаш бизда қадимий анъана. Ибн Сино, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Хўжа Ҳофиз, Мирзо Бедил асарлари турли даврларда шарҳ этилган. Баъзан алоҳида асарлар, баъзан бутун девон ёхуд асарлар маъно-мазмуни, ибора ва истилоҳлари тушунтирилган. Бу, биринчидан, машҳур асарларнинг гоё ва маъноларини кенг ўқувчига соддароқ тарзда тақдим этишга кўмаклашса, иккинчидан, унинг воситасида янги асарларнинг яратилиши, улмас инсоний туйғулар, тафаккур ва ақлий-ижодий кашфиётларнинг ривожига сабаб бўлган. Жумладан, Навоий асарлари ҳам асарлар давомида турли даража ва тилларда изоҳлаб, шарҳлаб келинган. Бу унинг ўлмас гоёларидан кенг омман баҳраманд этган, завқланишига кўмаклашган, таълим-тарбиясида муҳим рол ўйнаган. Бадиий асар, жумладан, ғазални шарҳлашнинг ўз талаблари бор. Аввало, шарҳ ҳамма вақт ўша асарни англаш учун ёрдамчи восита: у ҳеч қачон асар ўрнини боса олмайди. Шарҳ том маънодаги адабий

танқид ёхуд тадқиқот ҳам эмас, гарчи унда тадқиқий ва интерпретацион хусусиятлар бўлса ҳам. Шарҳнинг бош мақсади, таъкидланганидек, асарнинг (жумладан, ғазалнинг) қийин иборалари, кўп маъноли мураккаб ўринларини соддароқ қилиб тушунтиришдир. Шундай бўлгач, қадимги шарҳларда кўпроқ истилоҳлар, тасаввуфий-ирфоний ибораларнинг маъзини чақишга эътибор қилинган. Бунда, дастлаб, сўзларнинг луғавий маъноси, сўнгра тамсил (образ) сифатидаги роли, кейин шу асосда шаклланган маъно жиҳолари, оригинал бадий нафосати, ифодавийлик жозибаси ҳақида гапирилган.

Китобнинг “Илова” қисмидан олимнинг “Аҳли камол корхонасининг комили” (Аҳлий Шерозийнинг Навоий ҳақидаги форсий қасидаси хусусида), “Ажрим қилувчи кўзгу”, “Одил подшоҳ ҳақида беш ташбеҳ”, “Адолат – давлат пойдорлигининг асоси”, “Ўстоз ва ёш истеъдод” каби мақолалари ҳам ўрин олган. Китоб 2012 й. “Tamaddun” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ ЁДГА ОЛГАН АСАРЛАР” – адабиётшунос Суйима Ғаниевнинг асари. Китобда Навоий асарларида зикр этилган 281 асар ҳақида қисқача маълумот алифбо тартибида берилган. Асарлар Навоийнинг қайси асарида зикр этилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Китоб Тошкент Давлат шарқшунослик институтида чоп этилган.

“НАВО ТОПТИ НАВОИЙ” – адабиётшунос Суйима Ғаниевнинг асари. Китобда Алишер Навоийнинг насрий асарлари – “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Вақфия”, “Муншаот”, “Мувожот” ҳақида янги далиллар б-н бойитилган ҳолда умумий маълумот берилган. Шунингдек, “Хамса” сарлавҳалари – наср намунаси, “Алишер Навоий насрида назмнинг ўрни”, “Алишер Навоий насрида муаллиф қиёфаси” мақолаларида Навоий ижодида наср ва назмнинг ўзаро муштарақ ва боғлиқ жиҳатлари, наср ва муаллиф шахси каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган. Китоб “Алишер Навоийнинг армони” номли мақола б-н тугалланиб, унда Навоийнинг ҳаж сафарига боролмай қолгани сабаблари тарихий манбалар асосида ёритиб берилган. Китоб 2012 й. “MUMTOZ SO‘Z” нашриётида чоп этилган.

“НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АЛИШЕРА НАВОИ” (“Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг айрим жиҳатлари”) – адабиётшунос Қодиржон Эргашевнинг рисоласи. Навоийнинг давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги айрим қирралари тадқиқ этилган. “Муншаот” мактублари ҳамда тарихий манбалар асосида Навоийнинг 15-аср Хуросон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги тутган ўрни, Навоийнинг Бобобек ва Мавлоно Бадриддин каби фан оламида номи унчалик машҳур бўлмаган айрим замондошлари ҳақида маълумот берилган. Рисола 2012 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙ НАЗМИЁТИ” – адабиётшунос Дилором Салоҳийнинг шу номдаги ўқув қўлланмаси. Олима рисолада ўзбек филологияси факультети бакалавриат таълим йўналишида ўқитиладиган фанларга тузилган янги дастур асосида 15-аср иккинчи ярми ўзбек ад-ти тарихи ҳамда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини ёритишни назарда тутди. Олима Навоий шеърини борасидаги аввалги тадқиқотларни тўлдирувчи, баъзи ўринларда янгича муносабатни талаб этувчи илмий далиллар ва мулоҳазаларни баён этади, қатор масалаларга янгича ёндошади. Ўзбек адабиётшунослигида Навоийнинг ижодий мероси ва бадий маҳоратини ўрганиш борасида кўпгина илмий тадқиқотлар амалга оширилди, бу илмий ютуқлардан республикамиз олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура таълим йўналишларининг босқичларида фойдаланилмоқда. Фанимиз миллий мафкурамиз заминидан ривожланиб бораётган бугунги кунда адабий меросни ўрганишнинг янги мезонлари қарор топди, янги адабий манбалар кашф этилди, янги қараш ва талқинлар юзага чиқа бошлади. Шу боис 20-асрнинг 80-йиллари охирига қадар чоп этилган ва шоир шеърини масалаларини ёритишга бағишланган дарслик ва қўлланмалардаги айрим қарашларни қайта назардан ўтказиш, айрим масалаларга аниқлик киритиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Ўқув қўлланмада Навоий

эпик шеърини тараққиёти тарихини кузатиш, “Хамса” гоъвий-бадий қиммати ҳақида фикр юритиш ва Навоий эпик услубининг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи назарий масалаларга эътибор қаратилган, навоийшуносликнинг бу соҳада қўлга киритган янги илмий натижалари эътиборга олинган. Китоб 2013 й. Самарқандда “Zarafshon” нашриётида чоп этилган.

“ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ТАРИХИ” – адабиётшунос Дилнавоз Юсупованинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг Алишер Навоий даври ёритилган ўқув қўлланмаси. Қўлланма Навоий ҳаёти, шоирнинг ижодий мероси таҳлил этилган мавзулар ҳамда уларни жадвал, чизмаларда акс эттирган икки қисмдан иборат. Муаллиф китобда ад-тимиз тарихининг Навоий даврини ёритишда, асосан, шоир асарларига таянган, ад-т тарихига бағишланган дарсликларда бўлгани каби асосий эътибор шоирнинг лирик мероси ва “Хамса” таҳлилига қаратилган. Навоийнинг бошқа мавзу ва мазмундаги асарлари умумлаштирилган ҳолда муайян мавзулар таркибида берилган. Бунга қадар Навоий ижодига доир қўлаб монография, илмий тадқиқотлар эълон қилинган, турли қўлланма ва дарсликларда Навоий ижодига кенг ўрин ажратилган бўлса-да, Навоий ижоди яхлит қўлланма тарзида тақдим этилмаган эди. Шу маънода қўлланмага адабиётшуносликда юзага келган илк тажриба сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Қўлланмада мустақиллик давридаги Навоий асарлари талқинларида сўфиёна ёндашув, шоир асарларига нисбатан шаклланган турли қарашлар комплекс ҳолда олинган. Навоийнинг лирик мероси, хусусан, форсий шеърини таҳлил этилган, “Хамса” таркибидаги дostonлар муқаддимаси ва хотимаси мавжуд адабий тажрибадан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилган, Навоий ёдномалари, адабиётшунослик, тилшунослик, тарих ва тасаввуфий асарлари ҳолисона ёритилган. Қўлланма 2013 й. “Akademnashr” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ: АЛЬБОМ” – адабиётшунос Боқижон Тўхлиев ва Дилфуза Тўхлиевалар томонидан тайёрланган расмий қўлланма. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган ушбу рангли альбомда Навоийнинг ҳаёти ва ижоди мухтасар кўринишда акс этган. Унда шоир ҳаёти ва ижодига доир муҳим маълумотлар, турли даврларда чизилган суратлари, асарларига ишланган миниатюралар, шоирга замондошлари томонидан берилган баҳолар, барча асарларининг номлари ва ёзилган саналарининг хронологик тартиби, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига доир қайдлар, Навоий лирикасидаги асосий жанрлар ва улардан айрим намуналарнинг таҳлили, шунингдек, таҳлиллари; “Хамса” ҳақида мухтасар маълумотлар, ҳикоятлардан намуналар, ҳамсанавислик анъанаси ва унинг намояндalари, Низомий Ганжавий, Ҳусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижоди, асарларининг номлари, девонлари ва улардан намуналар, Навоий ҳикमतлари ва ҳар бир мумтоз матн учун лугатлар илова қилинган. Мазкур рангли альбом 2013 й. “BAYOZ” нашриётида лотин алифбосида чоп этилган.

“ҲАЗРАТ-И НАВОИЙНИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ” – адабиётшунос Алибек Рустамийнинг шу номдаги китоби. Унда Навоий ижодининг лисоний хусусиятлари, умуман, мумтоз адабий асарлар тилининг баъзи муҳим жиҳатлари таҳлил этилган. Тил ва унинг аҳамияти, тиллардаги қариндошлик ва шаклдошлик, Навоийнинг тилшуносликдаги ўрни, тил ва тилшуносликдаги нуқсонлар, нутқ ва калом, балоғат, маоний илми, одоб ва адиб, матн жумбоқлари каби қатор масалалар шулар жумласидандир. Шартли равишда олиш мумкин булган рисолаининг иккинчи қисмида Ҳазрат шахсияти, мавлуди, номлари, эътиқоди, диёнати, шунингдек, Навоийнинг ислом, иймон, тариқат ҳақидаги қарашлари тадқиқ этилган. “Ҳазрат-и Навоийнинг “маст-и аласти” деб номланган кичик бир бўлимда эса сулук ва унинг мартабалари, маънавий шароб, маст-и аласт каби тасаввуфий тушунча ва атамалар моҳияти ҳақида сўз боради. Китоб 2014 й. “Наврўз” нашриётида чоп этилган.

“МАВЛОНО АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА АМИР АЛИШЕР НАВОИЙ” – адабиётшунос Абдусалом Абдуқодировнинг шу номдаги монографияси. Муқаддима, беш боб, хулоса ва адабиётлар руйхатидан иборат. Тадқиқотда, асосан, тожик ва ўзбек адабий алоқалари, икки адибнинг устоз-шогирдлик, дўстлик муносабатлари, адабий-илмий ҳамкорликлари ҳамда икки халқ ад-ти

тараққийети учун қилган хизматлари қиёсий йўсинда таҳлил этилган. Муқаддимада ўзбек ва тожик адабий алоқалари тарихи хусусида сўз борса, дастлабки бобда Навоийнинг Жомий ҳузурда олган адабий-илмий ва тас-ий сабоқлари ҳамда Навоий ўқиб-ўрганган манбалар: “Лавоёҳ”, “Лавомеъ”, “Шарҳи рубоийёт”, “Ашшиъат ул-ламаъот”, “Нафоҳат ул-унс”, “Шавоҳид ун-нубувват” каби рисо-лалар тўғрисида маълумотлар берилади. Китобда Навоийнинг Жомий ғазалларига боғлаган татаб-буълари ва Жомийнинг Навоий ғазалларига боғлаган татаббуълари ҳам таҳлил этилган. Иккинчи бобда ҳар икки ижодкорнинг “Лайли ва Мажнун” дostonлари, “Садди Искандарий” ва “Хирадно-маи Искандарий” жангномалари, шунингдек “Лужжат ул-асрор” ва “Тухфат ул-афкор” қасидала-ри қиёсий таҳлил этилган. Учинчи бобда Жомий ва Навоий ижодида тавҳид масаласи, “Нафаҳот ул-унс” ва “Насойим ул-муҳаббат” муқаддималари қиёси, Навоийнинг Жомийга йўллаган шеъ-рий мактублари каби мавзулар тадқиқ этилган. Туртинчи бобда икки ижодкор асарларидаги одоб талқини, Жомий ва Навоийнинг суҳбатлари, адабий баҳслар хусусида сўз боради. Сўнгги бобда эса Навоийнинг Жомийга, Жомийнинг Навоийга ва ҳар икки ижодкорга замон аҳли томонидан берилган таъриф ва мадҳлар хусусида сўз боради. Китоб 2014 й. “Нури маърифат” нашриётида чоп этилган.

“НАВОЙДАН ЧУ ТОПҚАЙЛАР НАВОЕ” – Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажиднинг Навоий ижодига бағишланган тадқиқоти. Китоб Навоий ҳазратларининг “Арбаъ-ин”, “Сирож ул-муслимин”, “Муножот” асарларининг янги таржимаси, янги талқини сифатида юзага келган. Ёш тадқиқотчилар ҳозирда мавжуд мўътабар нусхалар асосида ҳар уч асарнинг қиёсий матнини биринчи марта тайёрлашган. Тадқиқотчилар Навоий келтирган ҳадисларга ровий-лари ва санадларини ҳам қўшиб тўлдиришган, матнлардаги айрим фарқли ўринлар ҳамда баъзи ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заифлигини ҳам кўрсатишган. Навоийнинг шеърий жумлалари насрий баёни ҳамда Навоийнинг насрий жумлалари ҳозирги тилга табдил этилган. Қиёсий ва танқидий матн хусусиятларига хос талабларга мувофиқ, нусхалардаги фарқлар матн остида берилган. Бун-дан ташқари, баъзи сўз ва атамаларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари, айрим тас-ий исти-лоҳларнинг изоҳлари матн орасида келтирилган. Ҳадислар, улардаги айрим сўзлар ҳамда фикҳий масалаларни ёритишда қўшимча манбалар истифода этилган. Китоб 2014 й. “Hilol-Nashr” нашриё-тида чоп этилган.

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ОБРАЗЛАРИ: РАМЗ ВА МАЖОЗ ОЛАМИ – адабиётшунос Зухра Мама-далиеванинг “Лисон ут-тайр” тадқиқига бағишланган китоби. Кириш, уч боб, хулоса ва фойда-ланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дастлабки бобда туркий ва форсий халқлар ад-тининг рамзийлик хусусияти, Навоийга қадар бўлган туркий мумтоз ад-тда мавжуд бўлган рамзий образ-лар: “Қутадғу билиг”нинг турт рамзий образи, “Қисаси Рабғузий”даги образлар таҳлил этилган. Иккинчи бобда, “Лисон ут-тайр”нинг рамзий образлари: Худҳуд, Симург ва бошқа қушлар образи ҳақиқат ва мажоз нуқтаи назаридан ўрганилган. “Рамзий образлар ва орифона талқин” деб номлан-ган учинчи бобда етти водий тимсоли, ҳикоятлардаги рамзий образлар, улардан қўзланган мақсад ва тасвир маҳорати уйғун тарзда тадқиқ этилган. Монография 2014 й. “Tamaddun” нашриётида чоп этилган.

“ЎЗУМ СОРИ БОҚМА, СЎЗУМ СОРИ БОҚ” – адабиётшунос Буробия Ражабованинг Навоий ижодига бағишланган рисоласи. Китобда Навоий ўз асарларида талқин қилган устоз-погирдлик муносабатлари, китобхонлик, ижод, илму маърифат, маънавият масалалари ижтимоий фикр ва поэтик талқин мезонида ўрганилган. “Насойим ул-муҳаббат”да Амир Темур сиймоси, Навоий ижо-дида устоз-погирдлик муносабатлари талқини, Али Яздий Навоий наздида, Навоий ва ҳуқуқий тарбия, Навоий ва “Занд” китоби ҳақида, ислом маданияти ва Алишер Навоий (“Ҳайрат ул-аброр” мисолида), шоирнинг муҳрдорлик фаолияти, Абай ва Навоий каби мавзу ва масалалар шулар жум-ласидан бўлиб, улар рисолаининг асосий мазмунини ташкил этади. Китоб 2015 й. “Турон замин зиё” нашриётида чоп этилган.

“МАЖОЗИЙ МУҲАББАТ ҲАҚИҚАТЛАРИ” – адабиётшунос Бобомурод Эралининг Навоий

асарларига ёзган янгича шарҳлари жамланган рисола. У икки бобдан иборат: 1. Навоийга юзла-ниб. Бу бобда Навоий асарларининг маънавий замини, асослари, ўзи тилга олган мўътабар манба-лар ҳақида сўз бориб, бир неча рубоий ва қитъалар сўфиёна мазмунда шарҳланган. 2. “Фарҳод ва Ширин” шарҳи. Бунда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Фарҳоднинг ташрифи, тўрт қаср тарҳи, тўрт тимсол каби эпизод ва тимсоллар шарҳланади. Улар аниқлашган моҳият ва Навоий назарда тутган маънолар муаллиф мулоҳазалари асосида ёритишга, изоҳлашга ҳаракат қилинган. Рисола 2015 й. “Akademnashr”да чоп этилган.

“НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ” – адабиётшунос Боқижон Тўхлиев нашрга тайёрлаган китоб. Муқад-дима ва ғазалларнинг насрий баёни, шарҳ ва изоҳлар жамланган асосий қисмдан иборат. Унда “Ға-ройиб ус-сиғар” девонидаги айрим ғазалларнинг насрий баёни, тупунилиши қийин сўзлар луғати ва илмий изоҳлар жамланган. Шарҳ ҳамда талқинларни соҳа мутахассислари амалга оширган. Бунга қадар шоир ғазаллари нашри, тадқиқи ва таҳлиliga оид кўплаб илмий ва оммабоп мақо-лалар, рисола ҳамда китоблар чоп этилган. Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, А.Қаю-мов, И.Ҳаққулов, Н.Жумахўжа, Ё.Исҳоқов, В.Раҳмонов сингари олимлар, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Матназар Абдуҳаким сингари ижодкорларнинг шарҳлари китобхонларга маълум. Китоб мана шу анъананинг мантқиқий давоми сифатида юзага келган. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг дастлабки натижаси сифатида “Навоий ва ёшлар тарбияси”, “Маънолар оламига сафар” сингари китоблар ҳам яратилди. Шунингдек “Навоий ғазаллари. Насрий баён, шарҳ ва изоҳлар” (Тошкент: BAYOZ, 2013) номли китоб нашр этилди. Унда шоирнинг бир қатор ғазаллари таҳлил этилиб, айниқса, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўргани-ладиган ғазалларга кенг ўрин берилган. Маасур китобда эса Н.Комилов, И.Ҳаққулов, В.Раҳ-монов, К.Муллахўжаева, В.Тўхлиев, Д.Юсуповаларнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги айрим ғазалларга тайёрлаган насрий баёни, илмий шарҳ ҳамда изоҳлари жамланган. “Навоий ғазаллари” шу туркумдаги биринчи китоб бўлиб, 2015 й. “BAYOZ” нашриётида чоп этилган.

“ТАСАВВУФ ҲИКМАТЛАРИ” – адабиётшунос Боқижон Тўхлиевнинг Навоий ижодининг ир-фоний жиҳатлари тадқиқига бағишланган китоби. Рисола икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Навоийнинг тасаввуф таълимотига оид илмий-маърифий асари бўлган “Насойим ул-муҳаб-бат” ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинади. Иккинчи қисмда эса маасур тазкирадан саралаб олинган ҳамда “Яхши ва ёмон хислатлар”, “Нафс ва кўнгил тарбияси”, “Маърифатнинг ҳақиқати”, “Очлик – зоҳидлар таоми, зикр – орифлар таоми”, “Вақт кимиёдур” каби мавзулар остида жамлан-ган ҳикматлардан намуналар берилган. Рисола 2015 й. “BAYOZ” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ” – адабиётшунос Боқижон Тўхлиевнинг шу номдаги монографияси. Муқаддима, беш қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унда Навоийнинг таълим ва тарбияга оид қарашлари муаллифнинг тарихий, илмий, ада-бий-бадиий асарлари асосида таҳлил этилган. Биринчи қисмда Навоий педагогик қарашларининг ўрганилиши ва унинг тавсифи баён қилинади. Иккинчи қисмда шоир шахсиятининг таълим жа-раёнида муҳим омил эканлиги ўз ва замондош ижодкорлар асарлари асосида ёритилган. Учинчи қисмда мутафаккирнинг адаб борасидаги мулоҳазалар ва уларнинг тарбия жараёнида тутган ўрни ҳақида сўз боради. Тўртинчи қисмда Навоийнинг иқтидор ва қобилият, уларнинг турлари, уларни шакллантириш усуллари тўғрисидаги фикрлари таҳлил этилади. Бешинчи қисмда эса “Маҳбуб ул-қулуб” асари ижодкор дидактик қарашларининг умумлашмаси сифатида олиниб, унда Навоийнинг педагогик қарашлари тадқиқ этилади. Монография 2015 й. “BAYOZ” нашриётида чоп этилган.

“БАДИЙ УММОН ҚАТРАЛАРИ” – адабиётшунос Боқижон Тўхлиев ва бир қатор навоийшу-нослар томонидан ҳамкорликда ёзилган монография. Кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Биринчи бобда Алишер Навоий ижодининг ёшлар бадиий-эстетик тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган (Боқижон Тўхлиев). Иккинчи бобда “Хамса” дostonлари

поэтикасига доир тадқиқотлар жамланган. Хусусан, “Ҳайрат ул аброр” муқаддимаси тадқиқи (Каромат Муллахўжаева), “Сабъаи сайёр” ва “Лисон ут тайр” дostonларидаги айрим образлар талқини (Зухра Мамадалиева), “Садди Искандарий” дostonи поэтикаси (Илёс Исмоилов) кабилар шулар жамласидандир. Учинчи бобда Фоний қасидаларидаги айрим илмий-маърифий муаммолар (Ҳамиджон Ҳомидий), Навоийнинг ҳикоянавислик маҳорати (Дилфуза Тўхлиева), “Хамса” дostonларида устоз-шогирдлик муносабатлари ифодаси (Озода Тожибоева), Навоий ва нотиклик санъати (Ҳикматхон Аҳмедова), “Мажолис ун-нафоис”да Ҳусайний зикри (Ҳуснигул Жўраева) каби мавзулардаги тадқиқотлар жамланган. Монография 2015 й. “BAYOZ” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИДА РАМЗ ВА ТИМСОЛЛАР” – адабиётшунос Аҳмаджон Қуронбековнинг тадқиқоти. Муқаддима ва ўн олти қисмдан иборат. Бу кичик қисмларга ҳос умумий хусусият шуки, Навоий дostonларида ишлатилган айрим тил бирликлари ёки образларнинг ҳар бир қўлланиш ўрни ва ҳар бир байтдаги маъно эврилишларини ўрганиш ва бу орқали ижодкор кўзда тутган маъноларни англаш намунасини кўрсатиш мақсад қилинган. Масалан, биринчи қисмда “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги ишқ рамзий тушунчасининг шу туйғу мансуб бўлган шахслар ва уларнинг номлари, феъл-атвори, ташқи қиёфаси, маънавий ва ахлоқий хусусиятлари б-н боғлиқ мажозий ифодалари ва шoirнинг мазкур тушунча ифодасидаги ихтиролари таҳлил қилинади. Қолган қисмларда ҳам шунга мувофиқ “Ҳайрат ул-аброр”да инсон концепти, илм концепти; “Фарҳод ва Ширин”да Ширин тимсоли, эл тимсоли; “Лайли ва Мажнун”да дарду ғам лексик-семантик гуруҳи, дил сўзи; “Сабъаи сайёр”да кўнгул, ақл ва май сўзларининг қўлланиш хусусиятлари, миқдори ва Навоий дostonларида англаган маъно вазикликлари таҳлил этилган. Муаллифнинг ушбу тадқиқотлари 2012–2015 й. давомида нашр этилган Алишер Навоий “Хамса”сининг конкурданс луғатлари асосида амалга оширилган. Монография 2015 й. Тошкентда чоп этилган.

“ХАМСА” ТАЛҚИНЛАРИДА ДАВР РУҲИ” – адабиётшунос Озода Тожибоеванинг монографияси. Муқаддима, асосий қисм ва хулосалардан иборат. Асосий қисмда тошкентлик ношир Мир Махдум ибн Шоҳноус томонидан тайёрланган “Хамса” таркибига кирувчи тўрт дostonнинг насрий баёни қиёсий-типологияк йўналишда тадқиқ этилган. Шунингдек, 20-аср бошларидаги адабий муҳит, халқ китоблари йўналишидаги насрий баёнларга бўлган эҳтиёж ва насрийлаштиришдаги ўзига хосликлар, муаллиф ва баёнчи услуби каби масалаларга эътибор қаратилган. Китоб 2015 й. “Tamaddun” нашриётида чоп этилган.

“АЛИШЕР НАВОЙ “ХАМСА”СИ КОНКОРДАНСИ” – шарқшунос олимлар А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров, Ҳ.Турдиеваларнинг монографик тадқиқоти. Ҳар бир дostonнинг конкурданси муқаддима, конкурданс ва дoston матни каби уч қисмдан иборат. “Конкорданс” лотинча сўз бўлиб, луғавий маъноси мувофиқлаштириш, уйғунлаштиришдир. Атама сифатида сўз, морфема, сўз бирикмаси ёки фразеологизм каби birlikларнинг маълум ҳажмдаги матн ёки бирор шoir, ёзувчининг шеърий ва насрий асарлари асосида тузилган сўзелиги йиғиндиси, birlikларнинг неча марта учраши (қўлланиш частотаси) ҳамда асарнинг қайси ўринларида келишини англатади. Шунга кўра конкурдансининг сўз шакллари конкурданси, содда ва қўшма феъллар конкурданси, фраземалар конкурданси, эркин сўз бирикмалар конкурданси, морфемалар конкурданси каби турлари фарқланади. Таҷрибадан маълумки, аксарият Ғарб ва Шарқ классиклари яратган асарларнинг илмий-танқидий матни тайёрланиб, уларнинг конкурданси тузилган. Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз, Гёте, Пушкинларнинг асарлари учун тузилган конкурдансларни бунга мисол қилиш мумкин. Аммо яқин-яқингача ҳам Алишер Навоий конкурданси тузилмаган эди, мазкур тадқиқот бу борада илк таҷриба бўлди. Муаллифлар гуруҳи, дастлаб, Навоий дostonларининг ишончли манбаларга таянган, илмий-танқидий, фонетик ва грамматик хусусиятлари аниқ принципларга асосланган тўлиқ матнини шакллантиришган ва матнни халқаро лотин ёзуви асосидаги транскрипция тизимига ўтказишган, сўнгра матннинг тўла сўзелигини конкурданс шаклида қайд этишган.

Масалан, “Хайрат ул-аброр” конкордансини тузишда 1971 й. Порсо Шамсиев томонидан амалга оширилган дostonнинг араб алифбоси асосидаги илмий-танкидий матни, 1991 й. эълон қилинган Навоий асарлари 20 жилддигининг 7-жилди ва дostonнинг аруз вази асосида қайта текширилган матнига таянилган. “Хайрат ул-аброр”нинг лотин алифбосидаги транскрипция тизими жами 55 та транскрипцион белгига асосланган ва бу белгиларга оид барча тушунтиришлар тадқиқотнинг муқаддима қисмида батафсил баён қилинган.

Конкордансларда сўз чегаралари ҳам муайян қоидаларга кўра белгиланган, унга кўра мустақил сўз туркумларининг ҳар бир морфологик шакли алоҳида-алоҳида қайд қилинган. Қўшма сўзлар (феълдан бошқа), ясама сўзлар, жуфт ва такрорий сўзлар ҳам алоҳида сўз-шакл сифатида келтирилган. Кўмакчи, боғловчи, ундов сўз ва юкламаларнинг ҳар бири барча вариантларда алоҳида сўз-шакл сифатида қайд этилади. Қўшма феълларнинг эса от қисми алоҳида, феъл қисми алоҳида қайд этилган. Яхлит арабий иборалар, оят ва хадисга оид иктибослар бир сўз-шакл сифатида қайд этилган. Дostonда учровчи арабий ва форсий сўзлар классик туркий тил орфоэпияси қонуниятларига мувофиқ қайд этилган. Шунингдек, барча сўзларнинг вазнга мувофиқ ўқилиши ҳам алоҳида сўз-шакл сифатида қайд этилган. Мазкур принциплар “Хамса” дostonлари учун тузилган барча конкорданслар учун умумийдир. Конкордансларни яратиш орқали Навоий асарларининг тил хусусиятлари, бадиий жиҳатлари, ижтимоий-фалсафий қарашлари, маънавий-маърифий қиммати, услубшunosликка доир масалаларни ўрганиш, шунингдек, Навоий асарлари сўз бойлигининг мукамал сўзлигини тузиш ва бу орқали Навоий асарлари тилининг мукамал изоҳли луғатини тузиш, энциклопедия яратиш каби мақсадлар назарда тутилган. 2012–2015 й. давомида муаллифлар томонидан Навоий “Хамса”сининг дастлабки тўрт дostonи конкорданси нашр этилди. 2016 й.да “Садди Искандарий” дostonи конкордансини нашр этиш режалаштирилган.

“НАВОИЙ ИЖОДИДА ФАҚР ТАЛҚИНИ ВА ФАҚИР ОБРАЗИ” – адабиётшunos Нодир Рамазоновнинг Навоий ижоди тадқиқига бағишланган тадқиқоти. Монография кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. “XIII–XIV асрларга оид тасаввуфий манбалар ҳамда Навоий салафлари ижоди ва замонавий адабиётшunosликда фақр талқини” деб номланган дастлабки бобнинг биринчи қисмида 13–14-асрларга оид тасаввуфий манбалар, хусусан, “Кашф ул-маҳжуб”, “Ал-лумаъ”, “Шарҳи таъарруф”, “Мисбоҳ ул-ҳидоя ва мифтоҳ ул-ҳидоя” каби асарлардаги, шунингдек, 20-аср ўзбек адабиётшunosлигида мавжуд бўлган фақр ва фақир талқинига доир қарашлар ўрганилган. Иккинчи қисмда эса Навоийга қадар форсий ва туркий тилларда ижод қилган шоирлар – Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Аттор, Румий, Деҳлавий, Жомий, Ясавий, Хоразмий, Лутфий, Атоий, Саккокий асарларидаги фақир образи тадқиқ этилган. Иккинчи бобда фақир образининг шоир лирикасида тутган бадиий-эстетик мавқеи ҳар бир девон мисолида ижодкорнинг ижодий эволюцияси б-н мувофиқ текширишга ҳаракат қилинган, бундан ташқари, фақир образининг подшо, дунё ва зоҳид каби бошқа образлар б-н лирикадаги муносабати ҳам ўрганилган. Учинчи бобда эса “Хамса” қахрамонлари ва фақр, “Лисон ут-тайр”да фақр маслаги ва фақир образи каби мавзуларга оид мулоҳазалар баён қилинган. Монография 2015 й. “Фан” нашриётида чоп этилган.

“НАВОИЙШUNOSЛИҚКА КИРИШ” – адабиётшunos Муҳаммаджон Имомназаровнинг Навоий ижоди тадқиқ этилган монографияси. Китоб муаллифнинг ўттиз йиллик изланишларини жамлаган бўлиб, муқаддима, турли даврларда яратилган тадқиқотларни жамлаган уч қисм, хулоса ҳамда муаллифнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид чоп этган ишлари рўйхатидан иборат. Биринчи қисмда, 2010–2015 й. давомида амалга оширилган тадқиқотлар жамланган бўлиб, унда Навоий асарлари матни, улар учун тузилган луғатлар, хамсанавислар дostonларини қиёсий ўрганиш, Навоий ижодида тавҳид ғояси, Навоий ва тас., Навоий ва хамсачилик анъаналари, Навоий ва форс мумтоз ад-ти, Навоий ижоди ва бир қатор форс-тожик адиблари: Анварий, Аттор, Ҳофиз, Жомийлар ижодидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар қиёси, Навоийнинг татаббуънавислик маҳорати каби мавзу ва масалалар тадқиқ этилган. Иккинчи қисмда, мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида амалга оширилган тадқиқотлар жамланган. Унда, асосан, минтақа (темурийлар даври)

маданиятида туркий шеъриятнинг ривожланиши, Навоий ижодининг такомил босқичлари, “Лисон ут-тайр” ва Ризоий Пайвандийнинг туркий тилда ёзилган 395 саҳифали “Мантиқ ут-тайр” номли асарларининг қиёсий таҳлили каби масалалар ёритилган. Учинчи қисмда эса мустақилликка қадар амалга оширилган тадқиқотлар жамланган. Бунда ҳақиқат ва мажоз, Фаридиддин Аттор ижоди, Фарҳоднинг Юнонга сафари, Симурғ машаққати, “Лисон ут-тайр”, навоийшунослик ва жаҳон маданияти, Алишер Навоийнинг ижтимоий табақалар тўғрисидаги қарашлари, Вертельс – навоийшунос каби мавзуларда баҳс юритилади. Китоб сўнгига муаллифнинг турли йилларда газета ва журналларда чоп этилган Навоий ҳаёти ва ижодига оид ишларининг библиографияси илова қилинган бўлиб, 2015 й. Тошкентда чоп этилган.



АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА ДОИР ДИССЕРТАЦИЯЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ*

“АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА САМАРҚАНДДАГИ АДАБИЙ ФАОЛИЯТИ” – ўзбек адабиётшуноси Воҳид Абдуллаевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1941). Дис-яда Алишер Навоийнинг Самарқандда турт йил яшаганлиги, Самарқанд ва Мовароуннахрнинг қатор шоирлари ва олимлари б-н ижодий алоқада бўлганлиги, у ердан олган таассуротлари кейинги бутун ижодига самарали таъсир кўрсатиб, гўзал шеърлари ва достонларига материал сифатида хизмат қилганлиги илмий далиллар асосида исботлаб берилган.

Алишер Навоийнинг Самарқандга қандай сабаблар б-н келганлиги, ундаги ҳаёти, иқтисодий аҳволи қабилар ҳақида тарихий-адабий манбаларда гарчи аниқ маълумотлар учрамаса-да, лекин қилма-қил характердаги воқеалар ва фактлар, турли даврлар ва муаллифлар асарларидаги маълумотлар қиёсий таҳлил қилинган, улар орасидаги алоқадорлик аниқланган.

Бу борада, айниқса, “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги илм толибиларининг аҳволи ҳақидаги мақолат “Маҳбуб ул-қулуб”да шоирнинг ўз ёшлиги ва Самарқанддаги ҳаёти чоғидаги маълумот хулосаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Академик В.В.Бартольд ва бошқа шарқшунослар бу даврда Самарқандда илм, фан ва маданият инқирозга юз тутган, Ҳиротда эса, аксинча, ривожланган, деган фикрни илгари суришган. В.Абдуллаев ўз тадқиқотида асосида 15-асрнинг 50–60 йилларида Самарқандда маданий-адабий ҳаёт анча жонлангани, аксинча Ҳирот Абусаид Мирзо даврида зиддиятлар ўчоғига айланиб қолгани, шу боис, айниқса, илм-адабиёт намояндalари Ҳиротдан чиқиб кетишга интилганини исботлаб берган.

Дис-яда Самарқанднинг ўша даврда фан ва адабиёт тарихида тутган ўрни, Самарқанд илмий ва адабий мактаби анъаналари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Хулосада тадқиқот мавзуси бўйича олинган натижалар умумлаштирилган.

“НАВОИЙНИНГ “МЕЗОН УЛ-АВЗОН” ВА УНИНГ КРИТИК ТЕКСТИ” – ўзбек адабиётшуноси Изаат Султоновнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1947). Мазкур илмий тадқиқот ўзбек адабиётшунослиги, матншунослиги ва манбашунослигидаги энг муҳим тадқиқотлардан бўлиб, аниқ принциплари ва асосланган хулосалари, мантиқий изчиллиги б-н алоҳида ажралиб туради. У шунингдек, навоийшуносликдаги жиддий ютуқлардан биридир.

* Тавсифномани тузишда навоийшуносликда давр инъикосини аниқроқ тасаввур қилиш учун хронологик тартибдан фойдаланилди. Иловада, асосан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ЎзФА Фундаментал кутубхонаси фондида сақланаётган диссертациялар ҳақида маълумот бериш мақсад қилиб олинди.

Тузувчилар — Д.Юсупова, А.Маликов.

Ишнинг тузилиш таркиби, фикрларнинг баён тартиби бугунги кун мезонларидан фарқланади: бу ҳолат мақсур ишнинг ўзбек тили илмий-академик услуби борасидаги дастлабки тажрибалардан экани б-н ҳам бевосита боғлиқдир.

Дис-я жами уч йирик бўлимдан иборат. Биринчи бўлим “Мезон ул-авзон” ва уни ўрганишнинг аҳамияти” деб номланган. Олим, дастлаб, Навоийнинг ушбу асари илмий жиҳатдан ҳали ўрганилмагани ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Мезон ул-авзон” – ҳали навоийшуносликнинг қўли тегмаган асардир”.

Шундан сўнг асарнинг яратилиш тарихи – сабаби, шароити ҳақидаги масала қўйилган. Олим асар фақат аруз назариясини ўзбек тилида оммалаштириш учун ёзилган қўлланма, деган фикрни кескин рад этади. Навоий арузни ўз замонасининг энг пешқадам олимларидан ўргангани, шоирнинг ўзи “Мажолис ун-нафоис” асарида бу борада устози Дарвеш Мансур эканини таъкидлаган.

И. Султонов “Мезон ул-авзон”нинг кириш қисмида тилга олинган Шамс Қайс, Насир Тусий ҳамда Жомий ёзган асарлар Навоий учун асосий манба вазифасини ўтаган, шунингдек, шоир Халил ибн Аҳмаднинг ҳам илмий қарашларидан хабардор бўлган деган фикрни илгари сурган. Олим “Мезон ул-авзон”ни Алишер Навоийнинг аруз ҳақидаги билимларини умумлаштирган, системага солган асар сифатида баҳолаб бўлмаслиги, балки “аруз проблемаларининг бир мунча янги талқинини бериш ва арузни бойитиш мақсадида ёзилган асар”, деб ҳисоблаш лозимлигини айтган.

И. Султоновнинг фикрича, Навоий арузни турли қўшимчалар ва янгиликлар б-н бойитиш, мукаммаллаштириш учун икки йўлдан борган:

1) араб ва форс арузининг ўзига тузатиш ва қўшимчалар киргизиш;

2) ўзбек поэзияси ва фольклорининг бир неча юз йиллик тажрибаларини биринчи марта текшириб, умумлаштириб, арузга мослаштириб, шу орқали арузни бойитиш.

Навоий арузни мукаммаллаштирмоқчи эди, деган фикрини олим “Мезон ул-авзон”дан келтирган иқтибослар б-н исботлашга ҳаракат қилган. Сўнг бевосита асарнинг таркибий қисмлари ҳақида тўхталиб ўтилган, “Мезон ул-авзон” асаридаги руки, асллар, баҳрлар, доиралар, тақтиълар ҳақидаги таърифлар келтирилган, таҳлил қилинган. Диссертант Навоий ўз асарида тўққизта янги вазни қайд этган деб ҳисоблаган ва қўйидаги номларни келтириб, ҳар бири учун асардан кўчирмалар келтирган: 1) рамали махбун; 2) туюғ; 3) қўшиқ; 4) номи келтирилмаган (тушиб қолгани сабаби аниқланмаган) вазн, қўшиқнинг бир вазни бўлиб, султонга гоъят маъқул эди; 5) чанги; 6) муҳаббатнома; 7) мустазод; 8) арзуводи; 9) туркий.

Олим бу фикрларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида яна бир далил келтириб ўтган. Тадқиқотчи Навоий халқ оғзаки ижоди метрикасига ҳам махсус тўхталгани ҳақида таъкидлаб, шундай ёзади: “Биринчидан, Навоий туркий халқларда аруздан бошқа яна мустақил поэтик вазн, метрик форма борлигини бир неча мартаба қайд этади, иккинчидан, бу вазнда ёзилган (ёки айтилган) шеърларнинг бадиий томонига жуда баланд баҳо беради ва фольклор б-н аруз орасида маълум алоқа, бир-бирига таъсир борлигини кўрсатади (фольклордаги айрим вазиларни олиб арузнинг маълум вазилари б-н таққослаши ва уларнинг бир-бирига мос эканини аниқлаши)”.

Тадқиқотчи ўз фикрларини умумлаштириб, Навоий “Мезон ул-авзон” асарини яратишида арузнинг араб ва форс поэзиясига оид қисмига қўшимчалар киритиш, ўзбек поэзияси ва фольклорининг бир неча асрлик тажрибаларини илмий равишда умумлаштиришни дастлабки сабаблардан бири сифатида кўрсатган.

Дис-яда Хуросон адабий доираларида аруз ҳақида, айниқса, ўзбек тилида, яъни эски туркий тилда мукаммал ва омманий асарга катта эҳтиёж туғилгани асарнинг ёзилишига сабаб бўлган иккинчи асосий ҳолат сифатида кўрсатилган. Тадқиқотчининг фикрича, Навоий яшаган даврда аруз етакчи вазн бўлишига қарамасдан уни тушунадиган ва баҳрларни ажрата биладиган кишилар кўп бўлмаган. Бунинг исботи учун “Мезон ул-авзон”да келтирилган қўйидаги воқеага эътибор қаратилган: Хусайн Бойқаро Хусрав Дехлавийнинг ўн саккиз минг байтдан иборат шеърларини йиғдириб, девон туздирди, аммо метрик жиҳатдан бой булган Дехлавий шеърлари вазнини тайинлашда қийналган султон ҳар бир шеър устига унинг вазнини қўйиш ҳақида буйруқ беради.

Шунингдек, дис-яда Бобур Мирзонинг “Мезон ул-авзон” ҳақидаги танқидий фикрларига

нисбатан нуқтаи назарлар ўртасидаги фарққа ҳам эътибор қаратилган. Бобурнинг аруз назарияси ҳақидаги асари дис-я ёзилган даврда топилмагани сабабли олим Навоий ва Бобурнинг аруз ҳақидаги қарашларини қиёслашга имкони мавжуд эмаслигини айтиб ўтган.

“Мезон ул-авзон”нинг ёзилиш тарихи б-н боғлиқ таҳлилий фикрлардан сўнг олим асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш муаммосига тўхталган. Шу боис дис-янинг иккинчи бўлими “Мезон ул-авзон”нинг танқидий матни устида ишлашнинг асосий принциплари” деб номланган. Унда дастлаб “Мезон ул-авзон”нинг маълум бўлган уч қўлёмасига тавсиф берилган. У (“Л-1”, “Л-2” ҳамда “Т”) қўлёмалар ичидан “Л-1” таянч манба сифатида қабул қилингани айтилади. Улардаги 607 нуқта изоҳлангани ҳақида айтилиб, ўртадаги фарқлар беш гуруҳга бўлиб таснифланган: 1) имловий фарқлар; 2) таянч қўлёзма текстини аниқлаш; 3) айрим сўз ва жумлалар фарқи; 4) ёрдамчи қўлёзмаларда тушиб қолган сўзлар; 5) таянч қўлёзмага қўшимчалар.

Диссертант фарқларни беришда қўллаган ишораларини шарҳлаб ўтгач, таянч қўлёзмага тузатиш киритиш принципларини баён қилади. Олим даставвал арузга доир қўлёзмалар б-н ишлашда дуч келинадиган қийинчиликларни эслатиб ўтади, ихтиёридаги уч қўлёзма ўртасидаги фарқларнинг тўғриси аниқлаш учун икки усулни танлаб олганини маълум қилади: 1) фарқнинг контекстдаги ўрнини аниқлаш усули; 2) тақтиъ усули.

Дис-яда ушбу икки усул батафсил шарҳланган, етарли далиллар келтирилган.

Тадқиқотнинг учинчи бўлимида “Мезон ул-авзон”нинг танқидий матни ва унинг характеристикасига оид икки қўшимча берилган. Олим танқидий матни тақдим қилгач, илмий текширувлар тугагач, “Мезон ул-авзон”нинг тўртинчи қўлёмаси топилгани ва ундан ҳам қисман фойдаланганини айтиб, қўйидаги икки масалани ўртага қўйган: 1) тўғри ёки нотўғри экани аниқланмаган фарқларнинг салмоғи қанча? 2) таянч қўлёзма қанчалик тўғри танланган?

Ишда ушбу икки саволга ҳам атрофлича жавоб берилган ҳамда “Мезон ул-авзон”да учрайдиган шахс номлари ва фойдаланилган адабиёт рўйхати келтирилган.

“АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ “МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИ ҲАҚИДА” (О “МУҲАКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” АЛИШЕРА НАВАИ) – ўзбек навоийшуноси Олим Усмоновнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1947, рус тилида). Мазкур дис-я замонавий ўзбек навоийшунослигининг дастлабки тадқиқотларидан бири сифатида ҳамда Алишер Навоийнинг тилшуносликка оид асари ҳақида нисбатан тўлиқ изланиш экани б-н алоҳида аҳамиятга эга. Дис-я жами етти боб, адабиётлар рўйхати ва кўрсаткичлардан иборат.

Биринчи боб “Навоий “Муҳокаमत ул-луғатайн” асари урганилиши тарихидан” деб номланган бўлиб, унда мазкур асарнинг урганилиши б-н боғлиқ муҳим маълумотлар келтирилган ҳамда атрофлича таҳлил қилинган. Олим Навоийнинг мазкур асарига биринчи бор Европада илмий филологик жиҳатдан мурожаат қилинганини таъкидлайди ва француз шарқшунослари Э.Картмер, М.Веленнинг бу асар б-н боғлиқ тадқиқотлари ҳақида тўхталиб, Г.Вамбери, Н.И.Ильминский, В.В.Бартольднинг “Муҳокаमत ул-луғатайн” ҳақидаги фикрларидан иқтибослар келтиради. Шунингдек, мазкур рисоланинг 19-асрда Туркия ҳамда Қримда турк ва татар тилларига таржима қилиниб чоп этилгани, И.Гаспринский, А.Жовид, Н.Осимнинг бу борадаги қарашларига ҳам эътибор қаратилган.

Асарнинг Ташкент, Ашхобод нашрлари, А.К.Боровков томонидан лотин алифбосига, П.Шамсиев томонидан замонавий ўзбек тилига таъдил қилингани б-н алоқадор маълумотлар мавжуд. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, диссертант ўз ишида ўрганилаётган масалага давр руҳи ва талабларидан, собиқ Шуро раёлари позициясидан келиб чиқиб муносабатда бўлган. Аммо тақдим қилинган аниқ илмий далиллар ва таҳлиллар кўп ҳолларда ишнинг умумий қийматида дахл қилмаган.

Ишнинг иккинчи боби “Темурийлар даври Хуросон ва Ўрта Осиёдаги адабий анъаналар ҳақида” деб номланиб, унда темурийлар ҳукмронлиги давридаги адабий анъаналарнинг шаклланиши, илдиалари ва ривожланиши б-н боғлиқ муаммолар таҳлил этилган. Тадқиқотчи ўз ишида “Девону луготит турк”, “Қисаси Рабъуззай”, “Қиссаи Юсуф”, “Муҳаббатнома” асарларининг адабий анъанага бўлган таъсирини белгилашга ҳаракат қилган.

“Темурийлар даври ҳамда Алишер Навоийнинг она тили ва адабиёти учун кураши” деб аталган

учинчи бобда темурийлар давридаги сиёсий ва ижтимоий вазият таҳлил қилинган, унинг туркий тил тараққиёти ва қўлланишига ўтказган таъсири масаласи ўрганилган. Шу даврда араб, форс ва мўғул тилларининг асосий тил сифатида қўлланилгани, туркий тил қўйи табақа вакиллари тили даражасида қолиб кетгани, шундай вазиятда Алишер Навоий туркий тилнинг ҳимоячиси улароқ тарих саҳнасига кўтарилгани “Муҳокамат ул-луғатайн”дан келтирилган парчалар асосида исботлаб берилган.

“Навоий рисоласида тил ва тафаккур муаммоси” деб номланган тўртинчи бобда бевосита асарнинг ўзига хос хусусиятлари матн б-н биргаликда янада кенгроқ таҳлил қилинган. Унда тадқиқотчи шоирнинг тил ва тафаккур масаласига анча терең ёндашиб, бу икки тушунчани аниқ фарқлаб бергани улкан ютуқ сифатида баҳоланган.

Бешинчи боб “Навоий эски ўзбек тилининг услуб имкониятлари ва луғавий бойлиги ҳақида” деб номланган бўлиб, унда туркий тил сўз бойлиги хусусида Навоийнинг қарашлари ўз асарларидан олинган иқтибослар ёрдамида кўрсатиб асосланади. Хусусан, форсий тилда муқобили бўлмаган юзта феъл ҳамда фақат туркий халқлар ҳаётига доир хусусиятларни ифодалайдиган турли сўз туркумларига мансуб сўзлар таҳлил этилади.

Сўнгги олтинчи боб “Эски ўзбек тилида сўз ясалиши ва грамматик мослашув” деб номланган бўлиб, унда Навоийнинг мазкур асари асосида туркий тилдаги сўз ясалиши хусусиятлари тадқиқ қилинади. Олим “Муҳокамат ул-луғатайн”да келтирилган ясама сўзлар, уларнинг ясалиш усуллари аниқ мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилган.

Адабиётлар рўйхатидан сўнг “Муҳокамат ул-луғатайн”даги сўзлар кўрсаткичи илова қилинган.

“НАВОЙЙ АРУЗИ” – ўзбек адабиётшуноси Содик Мирзаевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1948). Мазкур илмий тадқиқот Алишер Навоий ижодининг вазн хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда буюк мутафаккирнинг “Мезон ул-авзон” асаридаги аруз қонун-қоидалари б-н боғлиқ қарашларини ўрганиш ҳамда “Хазойин ул-маоний” куллиётида қўлланилган баҳрлар ва вазнларни тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот иши учун Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида 89-инв. рақами, Шарқшунослик институтида 1208, 3441-инв. рақамлари остида сақланаётган ҳамда мазкур фондда мавжуд “Чор девон” нусхаси ва яна 27 нусха асос қилиб олинган. Тадқиқот икки йирик қисмдан иборат бўлиб, унинг “Навоий арузи” деб аталган биринчи қисмида олимнинг Навоий арузига доир кузатишлари келтирилган. Иккинчи қисм эса “Навоий лирикасига вазн кўрсаткичи” деб номланиб, унда шоир лирикасида қўлланилган барча жанрларнинг вазн кўрсаткичлари алоҳида жадваллар асосида кўрсатиб берилган. Ишнинг биринчи қисми 11 бўлимни ўз ичига олади. “Навоийгача арузнинг ривожланиш босқичлари” деб номланган биринчи бўлимда араб ва форсий арузнинг келиб чиқиш тарихи, туркий ад-тга кириб келиш омиллари ва Алишер Навоийгача туркий шеърятда истифода этилиши б-н боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилган. Тадқиқотнинг иккинчи бўлими “Аруз фонетикаси” деб аталиб, унда аруз назариясининг қонун-қоидалари, тилшунослик б-н боғлиқ жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Тадқиқотнинг “Баҳрлар”, “Солим баҳрлар”, “Зиҳофлар ва тармоқ руқилар”, “Ҳосил қилинган баҳрлар” (3–6-бўлимлар) деб номланган бўлимларида Алишер Навоийнинг “Чор девон” (“Хазойин ул-маоний”) таркибидаги девонлар ва дostonларида қўлланилган баҳрлар, уларнинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Муаллиф Навоий шеърятини ва “Мезон ул-авзон”ни ўрганиш натижасида “Мезон ул-авзон”да 19 баҳр, 163 вазн, шоир шеърятини эса 12 баҳр, 80 га яқин вазн қўлланилганлигини аниқлаган. “Доиралар” деб номланган навбатдаги бўлимда аруз доираларининг аруз назариясидаги ўрни, Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида келтирилган доиралар ва уларнинг тузилиши б-н боғлиқ маълумотларга тўхталиб ўтилади. Тадқиқотнинг тўққизинчи бўлими “Навоийда назм шакллари” деб номланиб, ушбу бўлимда Навоий шеърятинида қўлланилган лирик жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу лирик жанрларнинг “Мезон ул-авзон”да Навоий келтирган шеърый шакллар б-н муносабати масаласи тадқиқ қилинган. Ишнинг “Навоий асарида янги ва мусикийда қўлланилган баҳрлар” деб аталган ўнинчи бўлимида ўн олти руқил мутақориб мақбузи аслам ва рамали махбун вазнларида туркий шеър битилмаганлиги

учун Навоий “Мезон ул-авзон”га ушбу вазнларни киритиб, уларга туркий мисоллар келтиргани таъкидланади. Шунингдек, Навоийнинг ўша давр мусиқасида мавжуд 7 вазннинг аруз вазнларига мос келишини ўз асарида мисоллар орқали асослаб берганига ҳам эътибор қаратилади. Диссертант тадқиқотнинг “Баҳрларнинг ёқимли бўлиш сирлари”га бағишланган сўнгги бўлимида “мавзун шеърларнинг энг лавзатлиси зиёф кирмаганидир” деган хулосага келади ва бунда солим рукнли баҳрларнинг ёқимли оҳангга эга бўлишини назарда тутди. Хулосада иш бўйича олинган натижалар умумлаштирилган. Ишнинг “Навоий лирикасига вазн кўрсаткичи” деб номланган иккинчи қисми 147 бетни ўз ичига олувчи иловалардан иборат бўлиб, унда адабиётшунослиқда биринчи марта Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётига кирувчи тўрт девоннинг ҳар биридаги лирик жанрнинг вазн хусусиятлари ўрганилган. Ушбу кўрсаткичлар кейинчалик “Хазойин ул-маоний”нинг акад. нашри (1959–1960) учун асос қилиб олинди. Илмий раҳбар – академик Е.Э.Бертельс.

“Навоий ижоди ўзбек мумтоз адабиёти ривожигадаги юксак босқич сифатида” (творчество Навоий как высший этап в развитии узбекской классической литературы) – адабиётшунос Абдурахмон Саъдийнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1949). Дис-яда Алишер Навоийнинг ўзбек мумтоз ад-ти ва адабий тилининг ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш, Навоий гуманизми, эстетик қарашларини салафлар ижоди б-н қиёслаш, шоир лирикаси, хусусан, газалларини таҳлил қилиш, “Хамса” асосий қаҳрамонларига тавсиф бериш, Навоийнинг кейинги давр ўзбек ва қардош халқлар адабиётига таъсири б-н боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш мақсад қилиб олинган. Тадқиқот уч йирик қисмдан ташкил топган бўлиб, кириш қисмининг ўзи яна икки бўлимга ажратилади. Биринчи бўлимда Навоий яшаган давр тавсифи ва шоир ҳаётига доир муҳим маълумотлар келтирилади, иккинчи бўлимда Навоий фалсафий дунёқараши ва муътазилия таълимоти б-н боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилади, акад. В.Бартольднинг “Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт” асарига муносабат билдирилиб, танқидий фикрлар билдирилади. Тадқиқотнинг иккинчи қисми тўрт бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида Алишер Навоийнинг ўзбек ад-ти ва адабий тилининг асосчиси эканлигига урғу қаратилади, бунда Навоийгача ижод қилган туркий шоирлар – Саккокий, Атоий, Лутфий ижодига ҳам қисман тўхталиб ўтилади. Иккинчи боб Навоий ижодидаги прогрессив ғоялар талқинига бағишланган. Бунда муаллиф Навоий дунёқарашининг шаклланишида халқ кўрагонлари ва ўша даврда Ҳиротда ҳукмрон мафкура даражасига кўтарилган Ибн Халдун таълимотининг таъсири бўлган деб ҳисоблайди. Шунингдек, муаллифнинг фикрича, шайхлар ва дин амалдорларини қоралаш Навоийнинг динга муносабатини кўрсатувчи омиллардан биридир. Учинчи боб Алишер Навоий лирикаси таҳлилга бағишланган. Бунда муаллиф Навоий лирикаси ҳали тўлиқ ва жиддий ўрганилмаганлигини таъкидлаб, Навоий шеърлари хронологиясини аниқлаш ниҳоятда мушкул вазифа эканлигини эътироф этади. Диссертант бу ўринда Навоий шеърларининг яратилиш даврини аниқлашда Навоийнинг ўз сўзларига таяниш керак, деган мулоҳазани билдиради ва “Хазойин ул-маоний”га кирувчи шеърлар тартибининг нисбийлигини инобатга олмасдан, девонлардаги шеърлар ўз номланишига мос ҳолда жойлаштирилган, хусусан, “Фавоид ул-кибар”даги шеърлар шоир 45–57 ёш бўлганида ёзилган, деган хулосага келади. Иккинчи қисмнинг сўнгги боби “Хамса” дostonлари қаҳрамонларига бағишланган. Бунда муаллиф дostonлардаги бош қаҳрамонларга синфийлик нуқтаи назаридан баҳо беришга интилади, Фарҳодни “халқ учун курашчи”, Дилоромни “халқ фарзанди” деб таърифлар экан, дostonлардаги канизаклар тимсолида куллар синфининг ўз-ўзини англаши ривожланмаганлигини танқид қилади. Тадқиқотнинг учинчи қисми Алишер Навоий ижодининг кейинги давр ўзбек ва татар ад-тига таъсири масалаларига бағишланган. Бунда муаллиф Навоий лирикаси ва эпик поэзиясининг ўзидан кейинги шоирлар ижодига кўрсатган улкан таъсирини катта ва бой материал орқали асослашга ҳаракат қилган. Тадқиқот сўнгида иш юзасидан олинган натижалар умумлаштирилади.

“Алишер Навоий “Сабъаи Сайёр” дostonининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида” – ўзбек матншуноси ва адабиётшуноси Порсоҳон

Шамсиевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1952). Ишнинг кириш қисмида ўз даври талабидан келиб чиққан олим собиқ Шўро ҳукумати голяри, улар талаб қилган жиҳатларни айтиб, рақамланган дастлабки бўлимда шоир асарларининг ҳамма қўлёзмаларидаги матнлар ҳам ишончли эмаслиги, котибларнинг хатоси ва бошқа сабаблар б-н турли ўзгартиришлар киритилгани, шоир асарининг аслиятга яқин илмий-танқидий матнини яратиш кун тартибидаги муҳим масала экани, мазкур дис-я шу йўлдаги уриниш бўлиб, “Сабъаи сайёр” дostonининг илмий-танқидий матни тузиб чиқилгани маълум қилинган.

Кейинги бўлимда Навоий асарларининг ўша давр доирасида тузиб чиқилган илмий-танқидий матнлари рўйхати келтирилиб, уларнинг ҳар бирига қисқача тавсиф берилган. Жумладан, О.Усмон томонидан тузилган “Муҳокамат ул-луғатайн”, А.Н.Кононов томонидан тузилган “Маҳбуб ул-қулуб”, И.Султон тайёрлаган “Мезон ул-авзон”, С.Муталлибов томонидан тузилган “Ҳайрат ул-аброр” ва “Лайли ва Мажнун” асарларининг илмий-танқидий матнларига олим аниқ ва ҳолис муносабат билдирган. П.Шамсиев мазкур илмий-танқидий матнларнинг ютуқ ва камчиликларини ишончли тарзда кўрсатган.

Навбатдаги бўлимда олим Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида 5018-рақам б-н сақланаётган, 1940 й.да Ибодилла Обидов реставрация қилган “Хамса” қўлёзмасини “Сабъаи сайёр” илмий-танқидий матнини тузиш учун асос қилиб олган ва қўлёзманинг ҳолати, кўриниши ҳақида батафсил тавсиф ва маълумот берган. Олим “Хамса”нинг ёзилган вақти ва сарфланган муддатни Навоийнинг байтларига таянган ҳолда аниқлаб чиққан. Диссертант таҳлиллар натижасида Абдулжамил котиб “Хамса”ни қачон ва қанча вақт ичида кўчирганига эътибор қаратиб, аниқлик киритган. Олим ўрганишлари натижасида Абдулжамил котиб кўчирган “Хамса” нусхаси шоир ҳаётлигидаги дастлабки ёки биринчи нусха деган хулосага келган. Абдулжамил котиб ва унинг таржимаи ҳоли, фаслиятига боғлиқ маълумотлар тарихий манбалар асосида ўрганилган ва муҳим хулосалар тақдим қилинган. Унга кўра Абдулжамил котиб ўз даврининг етук олими бўлиб, мадрасада дарс берган, Навоий “Хамса”сидаги дostonларни пайдар-пай кўчириб борган, хаттотлик борасида катта маҳоратга эга бўлган.

Диссертант Абдулжамил котиб ҳақидаги маълумотларни тақдим қилгач, бевосита “Қиблат ул-кутуб” (“Котиблар қибласи”) унвони соҳиби бўлган Султонали Машҳадий тўғрисида ҳам маълумот беради. Бу бежиз эмас. Чунки “Сабъаи сайёр” дostonинг илмий-танқидий матнини тузиш учун Султонали Машҳадий кўчирган, ўша пайтда Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин Халқ кутубхонасида 13560-рақам остида сақланган “Хамса” нусхасидан фойдаланилган эди.

Олим Султонали Машҳадий ҳақидаги далилларни тўплаб, таҳлил қилиб, умумий маълумотларни тақдим этгач, унинг томонидан 1492–1493 й.да кўчирилган нусхани “С нусха” деб атади.

Сўнг илмий-танқидий матн тузиш учун асос бўлган учинчи асосий нусха сифатида 16-асрда кўчирилган деб келинаётган, номи кўрсатиб ўтилган маркада 7554-рақам б-н сақланаётган “Хамса” нусхаси ҳақида тавсиф беради ва уни “М нусха” деб атади.

Олим Алишер Навоий “Хамса”сининг Тошкентда 75, Ленинградда эса 17 нусхаси маълум эканини таъкидлаган. Шунингдек, унинг бошқа нусхалари сақланиш ҳолати ва сифати ҳақида ҳам тавсиф берилган. Баъзи нусхаларнинг мутлақо яроқсиз экани, ичидаги кўп байтлар ўзгартирилгани Навоий дунёкарашини сунъий равишда саёлаштиришга уриниш, деб баҳоланган. Олимнинг бундай муносабатини ўша давр сийёсатининг мақсули сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Шунингдек, олим 19-аср охири 20-аср бошларида тошбосма усулида чоп этилган “Хамса”нинг учта нусхасини ҳам тадқиқ этиб, уларга алоҳида тавсиф берган ва камчиликларини аниқ ва равшан кўрсатган. “Сабъаи сайёр” дostonи илмий-танқидий матнини тузиш учун асос қилиб олинган уч нусхада учрайдиган жамики фарқлар икки гуруҳ: асосий ва муҳим орфографик фарқларга ажратилган. Ҳар бир фарққа атрофлича изоҳ берилган, “Сабъаи сайёр”нинг илмий-танқидий матнида бу тузатишлар қай тарзда аке этгани айтиб ўтилган.

Дис-янинг асосий қисми якунлангач, олим тўрт иловада ўзи фойдаланган асосий ва ёрдамчи нусхалар ўртасидаги фарқларни жадвал кўринишида тақдим этган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ” – ўзбек адабиётшуноси Абдуқодир Ҳайитметовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1954). Дис-яда Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари буюк мутафаккир асарларида акс этган фикрлар асосида ёритиб берилган. Ишнинг кириш қисмида танланган мавзу, унинг аҳамияти ва тадқиқот методлари ҳақида сўз боради. Олим ўз илмий ишида масалага собиқ Совет тузуми ғояларини акс эттирувчи метод асосида ёндошилганини алоҳида қайд этган. Бу, албатта, ўша давр талаби эканини холис таъкидлаш жоиз.

“Ўзбекистонда XV асрнинг иккинчи ярмигача ва Навоий яшаган даврдаги адабий танқидчилик ҳақида” деб номланган дастлабки бобда олим, аввало, адабий-танқидий фикрларнинг ўша даврда намоён бўлиш шакли ҳақида фикр юритган. Унга кўра адабий танқид бу даврда оғзаки шаклда ва таъкирачилик кўринишида мавжуд бўлган, қолаверса, кўлөзма матнларни солиштиришда ҳам муайян тасаввурлар шаклланган. Олим ана шундай қилип асосида фикр юритиб, турли манбаларга мурожаат қилган ва ўз хулосаларини баён қилган.

Ишнинг иккинчи боби “Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўз ичига олган асосий асарлари” деб номланиб, олим улар рўйхатига “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳамса”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, қисман “Мезон ул-авзон”, “Махбуб ул-қулуб” ва “Чор девон”ни киритган. Уларда учрайдиган адабий-танқидий қарашлар умумлаштирилган ва хулосалар чиқарилган.

“Навоий ўз буюк салафлари ҳақида” деб номланган учинчи бобда шоир ижодида муҳим ўрин тутган ва яхши намуна вазифасини ўтаган буюк шоирлар ҳамда Навоийнинг улар ижодига бўлган муносабатини ўрганиш асосида намоён бўлган адабий-танқидий қарашлари аниқланган.

Дис-янинг “Навоий ўз замондошлари ҳақида” деб номланган тўртинчи бобида шоирнинг замондош шоирларга берган баҳолари, баҳолашда танлаган мезонлари таҳлил қилинган. Ишнинг хулоса қисмида илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, жумладан, шундай фикрлар билдирилган: “Навоий адабий танқидчилигида илгари сурилган биринчи энг муҳим масала адабиётнинг ижтимоий роли, адабиётнинг халқчиллиги масаласи бўлиб, Навоий бунинг учун изчил равишда курашди.

Навоий ўз даврида адабий ижодда адабий традицияларнинг роли, аҳамиятини чуқур тушунган киши эди. У ўзигача бўлган адабиётдаги традицияларни пухта эгалламай туриб, новатор бўлиш, янгилик яратиш мумкин эмаслигини чуқур ҳис қилар эди ва ўзи шунга амал қилди”.

Шунингдек, олим Навоийнинг шакл ва мазмун, жанрлар масаласи ҳамда шоир маҳорати б-н боғлиқ фикрларини ҳам умумлаштириб тақдим қилган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДАГИ ГУМАНИСТИК ФИКРЛАРИГА ДОИР” – ўзбек адабиётшуноси Шарифа Абдуллаеванинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1954). Дис-яда Алишер Навоийнинг “Ҳамса” таркибига кирувчи дostonлари қаҳрамонлари таҳлили асосида шоирнинг хотин-қизлар ҳақидаги қарашлари тадқиқ этилган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, аҳамияти ва тадқиқот методлари ҳақида сўз юритилади.

Тадқиқотчи “Алишер Навоийнинг она ҳақидаги баъзи фикрлари” деб номланган бўлимда Навоийнинг шу борадаги қарашларини “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” дostonларидаги боп қаҳрамонларнинг онасига бўлган меҳр-муҳаббати ва эҳтироми ифодаси мисолида таҳлил қилишга интилан.

“Жасоратли қизлар образи” бўлимида эса “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Ширин ва унинг қанзаклари жасорати таъсиф этилган.

“Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асарида Лайли ва Дилором образлари” деб номланган бобда ўша давр талабидан келиб чиққан ҳолда икки образ қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотчи хулосада Навоий даврида хотин-қизларнинг ооздлиги чекланганлиги, аммо шоирнинг шу ҳолда ҳам бу борада ўз замонаси шоирларидан кўп жиҳатдан устун эканлигини таъкидлайди. Ишда собиқ Шўро ғоялари устуворлик қилган ва фикрлар исботи учун асосан рус ёзувчилари ҳамда фольклор манбаларига мурожаат қилинган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИНИНГ МАТНШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТИ” (“ТЕКСТОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЛИРИКИ АЛИШЕРА НАВОИИ”) – ўзбек матншунос олими Ҳамид Сулаймоновнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёган уч жилддан иборат диссертацияси (1955 – 1961, рус тилида).

Дис-янинг биринчи жилди икки қисми ўз ичига олиб, “Ўзбекча девонлар” ва “Девони Фоний” деб номланган йирик бўлимлардан иборат. Шунингдек, биринчи жилддан хулоса, манбалар – Навоий девонлари қўлёзмалари рўйхати, Навоийнинг чоп этилган девонлари, Навоий ижоди б-н боғлиқ дис-ялар, илмий адабиётлар рўйхати, Алишер Навоий қўлёзма девонларининг каталоглари ҳам ўрин олган.

Дис-янинг кириш қисми тўрт фаслдан иборат. Дастлабки фаслда Навоий меросини ўрганиш б-н боғлиқ масалалар юзасидан баҳс юритилган. Олим ўз дис-яси ёзилгунга қадар бўлган охириги 15 йилда Навоий ижоди б-н боғлиқ 19 дис-я ёқланганини, шундан икkitаси докторлик иши эканлигини, бу эса, ўз навбатида навоийшуносликдаги янги йўналишга асос бўлганини таъкидлайди. Ҳ. Сулаймонов Навоийнинг ижодий мероси ҳақида гапириб, ундан 120 минг мисрадан зиёд шеърий асар қолганини маълум қилади. Олим Навоий асарларининг академик нашрини амалга ошириш учун бутун дунё қўлёзма фондларида сақланаётган Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларини ўрганиш зарур деб ҳисоблаган. Навоий асарлари қўлёзмаларини ўрганиш жараёнида котибларнинг ўзига хос жиҳатларини тилга олиб, унда учрайдиган уч ҳолат саналган.

Киришнинг иккинчи қисмида шоир асарларининг автограф нусхаси ҳақида сўз юритилган. Жумладан, унда шоир асарларининг дастхати билагача етиб келмагани, шоир шеърлари ўз даврида катта шухрат қозонгани, ҳатто шоҳ Ҳусайн Бойқаро Навоий асарларининг мухлиси ва муҳаррири бўлганига эътибор қаратилган.

Олим Навоий асарлари автограф нусхаларининг сақланмаганлигига сабаб шоир ёган варақларини котибга кўчиртиргач, эҳтимол таҳрир қилгани, эски нусхага эса қоралама сифатида қараб сақлаб қолишга қизикмаган бўлиши мумкин деган тахминни илгари сурган.

Кейинги фаслда матншунослик тадқиқотларининг умумий таҳлили ҳақида сўз юритилиб, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Ҳамса”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Меъон ул-авзон”, “Вақфия”нинг илмий-танқидий матялари, уларнинг тайёрланиши ва бу жараёнда йўл қўйилган хатолар таҳлил қилинган.

Киришнинг тўртинчи фаслида Навоий лирикасининг турли йилларда амалга оширилган нашрлари ҳақида хулосалар, “Ҳазойин ул-маоний” девонининг таркибий тузилиши, ғазалларнинг радифи, қофияланиши, шеърий жанрларнинг жойлашиш ўрни ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

“Навоий девонларининг шўро ва хорижий фондларда сақланаётган қўлёзмалари ҳақида” деб номланган биринчи бобда қуйидаги масалалар ўрганилган:

- Навоийнинг дунёга машҳур девонлари;
- Навоий девонларининг мамлакатимиз фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари;
- Навоий девонларининг хориж мамлакатлари фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари;
- Ҳиротдан топилган ва уша пайтда номаълум бўлган “Бадоеъ ул-бидоя” ҳамда Тошкентда сақланаётган ягона “Наводир ун-нихоя” девонлари қўлёзмалари ҳақида;
- Навоий девонларининг босма нашрлари.

Мазкур бобда Навоий қўлёзмалари хусусида муҳим маълумотлар берилган. Масалан, биргина Тошкентнинг ўзида Навоий девонларининг 125, Ленинград фондида 40, Тожикистон фондида 20, Тбилиси фондида 9, умумий ҳисобда, собиқ Совет иттифоқидаги фондларда 230 қўлёзмаси мавжудлиги кўрсатилган. Шунингдек, Европа фондларида – Лондондаги Британия музейида, Кембриж университети кутубонасида, Берлин, Париж, Мюнхен, Рим ва Нью-Йорк, Истанбул, Пекин, Дублин каби шаҳарлардаги фондларда Навоий девонларининг жами 86 қўлёзма нусхаси сақланиши айtilган. Ҳ. Сулаймонов ҳар бир девоннинг қайси даврга мансублигини ҳам кўрсатиб ўтган. Олим кейинги ўринларда “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг Париж (№ 746), Лондон (№ 401), Боку (№ 3010), Тошкент (№ 84) қўлёзма нусхаларидаги жанрлар сони, уларнинг жойлашган саҳифаларини қиёслаб, махсус жадвал тузган. “Наводир ун-нихоя” девонидagi ғазаллар эса қай тарзда “Ҳазойин ул-маоний” девонидан ўрин олгани ҳам жадвал оркали маълум қилинган.

Илмий тадқиқотнинг иккинчи боби “Қўлёзмаларни ўрганишнинг қиёсий методи асосида Навоий девонлари редакциясини классификация қилиш муаммолари” деб номланган бўлиб, унда қуйидаги масалалар юзасидан баҳс юритилган:

- муаммонинг келиб чиқиш тарихи;
- қўлёзмаларни қиёсий ўрганиш методи ҳақида, Навоийнинг тўрт девони редакцияси тавсифи ва характеристикаси;

- “Хазойин ул-маоний” девони архитектоникаси;

- “Хазойин ул-маоний” қўлёзмаларини муаллиф редакцияси асосида аниқ шаклга келтириш.

Олим ўзи белгилаб олган масалалар юзасидан аниқ ва изчил тадқиқот олиб бориб, ишончли хулосаларни тақдим этган.

“Навоийнинг ўзбекча шеърларини хронологик даврлаштириш усули” деб номланган учинчи қисмда ушбу муаммоларга атрофлича тўхталган:

- муаммонинг келиб чиқиши;

- муаллифнинг хронологик даврлаштириши ва унинг шартлилиги;

- шеърларнинг ҳақиқий хронологияси ва уларнинг ёзилиш даври;

- “Хазойин ул-маоний” шеърларининг нисбий хронологияси.

Мааскур бобда олим Навоий девонларидаги шеърларнинг ёзилиш даврига эътибор қаратган. Турли қўлёзмаларни қиёслаган, “Хазойин ул-маоний” девонидаги шеърларнинг жойлашиш ўрнини ўрганган ва шоир бу ишни аниқ тарх асосида амалга оширганини исботлаб берган.

Дис-янинг тўртинчи боби “Қўлёзмаларнинг матний тадқиқотини амалга ошириш ва унинг характеристикаси” деб аталган бўлиб, унда олим ушбу масалаларни асосий иш сифатида белгилаб олган:

- кўплаб қўлёзмаларга эътибор қаратишнинг зарурияти;

- қўлёзмаларнинг фотонусхалари устида ишлаш;

- муайян қўлёзмаларнинг тавсифи;

- қўлёзмалар шажараси.

Олим ҳар бир белгиланган масала юзасидан чуқур ва батафсил иланишлар олиб бориб, уларнинг аниқ ва асосланган натижаларини кўрсатган, девонлардаги шеърлар матнини ўзаро қиёслаб, ишончли матн борасидаги қарапларини баён қилган.

“Матн танқиди” деб номланган бешинчи бобда илмий танқидий матн тузишнинг принциплари, чалкашликларни баратараф қилиш системаси, “Хазойин ул-маоний” девони нашрининг маълумот бериш аппарати масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг иккинчи йирик қисми – “Девони Фоний” девони қўлёзмаларини ўрганишга бағишланган. Мааскур бобда “Девони Фоний”даги шеърлар матни, ушбу девоннинг етти қўлёзмасини ўзаро қиёсий ўрганиб, Муҳаммад Муҳсин Фоний Капмирий девони ҳақида батафсил сўз юритилган. Шунингдек, замондош олимларнинг девон қўлёзмалари устида олиб борган иланишлари таҳлил этилган, девоннинг таркибий тузилиши ҳақида муҳим маълумотлар берилган, аниқ илмий қарашлар илгари сурилган.

Илмий тадқиқотнинг “Библиография” бўлими жуда катта ҳажмга эга. Олим давр талабига кўра тузум юзасини ақс эттирган адабиётларнинг ярим саҳифали рўйхатидан сўнг Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги девонлари қўлёзмаларининг 232 нусхаси, уларнинг сақланиш манзили ва каталогдаги рақамларини берган. Навоий девонларининг нашрлари, форсий девони қўлёзмалари ҳақидаги маълумотдан сўнг навоийшуносликка доир 18 та дис-я номма-ном саналган. Шунингдек, Навоий ижоди ҳақида маълумот берувчи рисоалар, китоблар, Навоий асарлари учун тузилган луғатлар номи ҳам келтирилган. Булимнинг охириги қисмида Навоий девонларининг Ўзбекистонда сақланаётган қўлёзмалари каталоги, турли қўлёзма нусхаларидан олинган фотонусхалар илова қилинган.

Х.Сулаймоновнинг дис-яси иккинчи қисмида Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибидаги барча шеърларнинг матлаъ ва мақъаси, шеърларнинг ҳажми, дастлабки мўътабар қўлёзмаларда жойлашган ўрни жадвал шаклида ҳавола қилинган.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МАЖОЛИС УН-НАФОИС” АСАРИ” (III ва IV мажлисларнинг адабий-тарихий таҳлили ва танқидий матни) (“МАДЖАЛИС-УН-НАФАИС” АЛИШЕРА НАВОЙ (литературно-исторический анализ и критический текст III и IV маджлисов) – ўзбек адабиётшуноси Суйима Ганиеванинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1956, рус тилида). Мазкур илмий тадқиқот Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг матний тадқиқига бағишланган бўлиб, унда 3- ва 4-мажлисларнинг адабий-тарихий таҳлили ва танқидий матнини яратиш бош мақсад қилиб олинган. Дис-я кириш, беш бобни ўз ичига олувчи икки бўлим, хулоса ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи бўлими уч бобни ўз ичига олади. Унинг “Алишер Навоий ва унинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси” деб номланган биринчи бобида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг умумий тавсифи берилиб, ижодкор асарлари орасида “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг ўзига хос ўрни, тазкиранинг таркибий тузилиши ва мундарижаси ҳақида маълумот келтирилган. Бобда тазкира таркибига кирувчи ҳар бир мажлисга умумий тавсиф ҳам бериб ўтилган. Бўлимнинг иккинчи боби “Тазкиранинг яратилиш ва тарқалиш тарихи” деб аталади. Унда “Мажолис ун-нафоис”нинг яратилиш санаси ва тарқалиш тарихи ҳақида маълумот келтирилади. Ишда икки қадимий қўлёзма нусха (шартли равишда “А” ва “Б”) асосида мажлисларга киритилган шоирлар миқдори қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган ва Навоийнинг асар устида олиб борган таҳрирлари б-н боғлиқ масалалар ўрганилган. Учинчи бўлим “Тазкирадаги III ва IV мажлисларнинг тарихий-адабий тавсифи”га бағишланган. Унда мазкур мажлисларга киритилган шоирларнинг тазкира яратилаётган вақтда ҳаёт эканларига алоҳида эътибор қаратилади. Бобда Сухайлий, Маҳвий, Зулолий, Машрабий, Вафой, Ҳаримий, Ҳабибий каби шоирларнинг иқтидори, яхши шеърини таъбага эга эканлиги таъкидлангани ҳолда Жалолиддин Маҳмуд, Вали Қаландар, Қобилий, Анисий ва б. ҳақида Навоийнинг танқидий фикр билдирганлиги айтиб ўтилади.

Дис-янинг иккинчи бўлими икки бобни ўз ичига олади. Биринчи боб “Мажолис ун-нафоис”нинг қўлёзмалари ва танқидий матни тавсифига доир бўлиб, унда тазкиранинг қуйидаги 5 қўлёзма нусхаси ҳақида фикр юритилади:

1) “А” нусха – Санкт-Петербург давлат университетининг шарқшунослик факультетиде 618 инв. рақами остида сақланаётган, 16-аср ўрталарида кўчирилган нусха.

2) “Б” нусха – ТошДШИ ШҚМда 6098 ва 6099 инв. рақамлари остида сақланаётган, икки альбомдан иборат, котиби номаълум нусха.

3) “В” нусха – ТошДШИ ШҚМда 9394 инв. рақами остида сақланаётган, 16-аср охирида кўчирилган нусха, котиби Муҳаммад Солиҳ.

4) “Г” нусха – ТошДШИ ШҚМда 4280 инв. рақами остида сақланаётган, 1842–1843 й.да кўчирилган нусха.

5) “Д” нусха – ТошДШИ ШҚМда 7745 инв. рақами остида сақланаётган, 1902–1903 й.да кўчирилган нусха, Рожий исми котиб томонидан кўчирилган.

Тадқиқотда келтирилишича, танқидий матни тайёрлашда яна ТошДШИ ШҚМда 8389, 5289, 5537 инв. рақами остида, Санкт-Петербургда 810 инв. рақами остида сақланаётган нусхалар ва бошқа тошбосма нусхалардан ҳам фойдаланилган.

Бўлимнинг иккинчи боби “III ва IV мажлисларнинг танқидий-матни ва таржимаси” деб номланиб, унда тазкирадаги икки мажлиснинг танқидий матни учун асос қилиб олинган нусхалар ва улар б-н ишлаш тамойиллари ҳақида фикр юритилган. Бобда айтилишича, ушбу мажлислар учун “Мажолис ун-нафоис”нинг нисбатан қадимий ва тўлиқ ҳисобланган “А” нусхаси асос қилиб олинган, ўрни билан қолган нусхаларга ҳам мурожаат қилинган.

Иловаларда “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи редакциясида киритилган қўшимчалар, матн ва таржима учун шахслар ва адабий асарлар кўрсаткичлари, тазкиранинг қўлёзма нусхалари рўйхати келтирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Болдырев А.Н.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЛК ЛИРИКАСИ” – ўзбек адабиётшуноси Ёқубжон Исоқовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1963). Дис-яда Алишер Навоийнинг илк лирикаси дастлабки шеърлари, мухлислари томонидан тузилган “Илк девон”и асосида тадқиқ этилган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, аҳамияти, Навоий ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

“Алишер Навоийнинг ўз даври лирик традицияларига муносабати” деб номланган дастлабки бобда Навоий улғайган даврдаги адабий анъаналар ва шоирнинг мазкур анъаналарга бўлган мустақил қарашлари тадқиқ қилинган. Диссертантнинг фикрича, Навоий Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомийни ўзига устоз деб санайди ва ўз навбатида бу шоирларнинг ҳар бири маълум бир жиҳатлари б-н Навоий шеърлятига кучли таъсир кўрсатган. Навоий ёшлигидаёқ туркий шоирлар ижоди б-н қизиққан, уларнинг асарларини қидириб топишга ва ўрганишга ҳаракат қилган. Масалан, Навоий Самарқандга боргунига қадар Саккокий ижоди б-н етарли даражада таниш бўлмаган, Самарқандда топган материаллари эса уни қониқтирмаган, шу сабабли Саккокийни ўртача даражадаги шоир деб баҳолаган. Тадқиқотчи илмий ишнинг мазкур қисмида Навоий ижодини форс ва туркий шоирлар асарлари б-н мисоллар асосида қиёслаб, шоирга хос анъана ва новаторликни аниқ-равшан кўрсатиб берган.

Олим ўз изланишлари натижасида қуйидаги хулосаларни баён қилган: 1) Навоий ўз ижодида форс ва туркий адабиёт традицияларига чуқур эҳтиром кўрсатган ва суянган; 2) ўзидан олдин ўтган буюк шоирларга ҳурмат б-н муносабатда бўлиб, уларнинг ижодий анъаналарини ривожлантирган; 3) Навоий ўзбек дунёвий лирикаси тажрибаларини Атойи, Саккокий ва Лутфий каби шоирлардан қабул қилган ва ўзлаштирган; 4) Навоийнинг лирик анъаналарга бўлган муносабати бир неча босқичларда намоён бўлади, масалан, шоир дастлаб уларга эргашиб татаббуълар ёзган ва кейинчалик мустақил шаклда шеърлар яратган; 5) Навоийнинг ёшлик давридаги шеърлариданоқ аниқ бир шахснинг индивидуал ҳиссиётлари ва борлиққа бўлган аниқ муносабати акс этиб туради.

Дис-янинг иккинчи бобидаги биринчи бўлим “Навоий лирикасининг ғоявий мотивлари”ни тадқиқ этишга бағишланган. Унда олим шоир ижодида учрайдиган тасаввуфий ғояларни, рамз ва мажозларни чуқур таҳлил қилган. Шунингдек, Навоийнинг ўзи белгилаб олган девон тузиш б-н боғлиқ мезонларни атрофлича ўрганиб, шоир лирикасидаги ғоявий мотивларни аниқ белгилашга эришган.

“Навоий илк лирикасининг баъзи бир поэтик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бўлимда шоир шеърларида қўлланилган бадий санъатлар таҳлил қилинган. Олим шоир ғазалларига хос бўлган тадрижийлик услубини аниқлаган ва аниқ ғазаллар мисолида фикрини исботлаб берган. Аҳамиятли жиҳати, Навоий ғазалларига хос бўлган масалани аниқ қўйиш, унга хос бўлган жиҳатларни ёритиш ва ечимни беришдан иборат бўлган структурани кўрсатган. Шунингдек, шоир ижодида кенг қўлланилган тазод, ташбих, иғроқ, тажохули ориф, таносуб, саҳли мумтанеъ, тарсеъ, талозум, ихом, ирсол ул-масал каби бадий санъатларнинг қўлланиши ва уларнинг мазмун б-н алоқадорлиги таҳлил қилинган.

Бўлимнинг учинчи боби “Илк лирика эволюциясига доир” деб номланган бўлиб, унда дастлаб шоир асарлари қўлёзмасининг вариантлари ва уларнинг аҳамияти б-н боғлиқ фикрлар келтирилган. Олим бу б-н шоир шеърларининг девондан девонга кўчиши жарёнида юз берган ўзгаришларни тадқиқ қилиб, Алишер Навоий лирикаси эволюциясида юз берган ўзгаришларни ўрганиб чиққан.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Х.Сулаймонов.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ФОРС-ТОЖИК АДАБИЁТИГА МУНОСАБАТИ МАСАЛАСИГА ДОИР” – ўзбек адабиётшуноси Эргашали Шодиевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1964). Дис-яда форс-тожик адiblари ижоди ва унга Алишер Навоийнинг муносабати масаласи тадқиқ этилган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида масаланинг ёритилиш тарихи, манбалар тавсифи ҳақида маълумот берилади. Тадқиқотнинг биринчи боби “Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир” деб номланиб, унда Алишер Навоийнинг форс-тожик адiblарига муносабати унинг насрий ва шеърий асарларида келтирилган фикрлари асосида баён қилинади. Ушбу бобда шоирнинг болалик даврида илк ёдлаган шеъри муаллифи Қосим Анвор, Машҳадда танишган кекса шоир Камол Турбатий, “Мажолис ун-нафоис”да тилга олинган Мир Шоҳий, Хожа Аҳмад Муставфий, Яхё Себак, Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий каби форс шоирлари ҳақидаги фикрлари келтирилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби биринчи фасли “Навоийнинг ўз салафларига муносабати масаласига доир” деб номланади. Ушбу фаслда Навоийнинг шоир сифатида шаклланиши ва танилишида фортожик салафлари ижодининг ўрни бекиёс эканлиги шоирнинг улар ҳақидаги фикрлари асосида тадқиқ қилинган. “Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоий” деб номланган фаслда Фирдавсий ижодининг Алишер Навоий ижодига таъсири масаласи ўрганилган. Навоий ушбу салафини “Мажолис ун-нафоис”да “малик ул-калом” деб атагани, номини “Муҳокамат ул-дугатайн”да, “Хамса” хотимасида, “Маснавий” (“Фаройиб ус-сиғар”)да тилга олгани, “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий”да “Шоҳнома” қаҳрамонларининг номлари келтирилганлиги таъкидланади. Бобнинг “Навоий ва Ҳофиз” деб номланган фаслида Ҳофиз Шерозийнинг Навоий ижодига таъсири масаласи ўрганилган. Навоий “Муҳокамат ул-дугатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарларида Ҳофиз номини эҳтиром б-н тилга олгани, уни газал жанридаги устозларидан бири сифатида эътироф этгани, “Девони Фоний”даги газалларнинг катта қисми Ҳофиз газалларига татабуъ тарзида вужудга келганлиги айтиб ўтилади. Биринчи бобнинг сўнгги фасли “Навоий ва Котибий” деб номланиб, унда Алишер Навоийнинг Мавлоно Котибий ижодига муносабати шоир асарлари асосида таҳлил этилади. Тадқиқотнинг учинчи боби “Алишер Навоий ва унинг ёш замондошлари” деб номланган. Унда Навоийнинг Камолиддин Осафий ва Зайниддин Восифий ижодига муносабати “Мажолис ун-нафоис” асари ва “Бадоеъ ул-вақоеъ”даги воқеалар асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳар бир бобдан кейин ҳам хулосалар келтирилган бўлиб, улар дис-я сўнгида умумлаштирилган. Илмий раҳбар – ф.ф.н. А.Ҳайитметов.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИ – ўзбек адабиётшуноси Тошпўлат Аҳмедовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1965). Ишнинг кириш қисмида дис-янинг моҳияти, мазмуни, “Лайли ва Мажнун” достони матни ва талқини юзасидан илгари суриладиган фикрлар, йўл қўйилган илмий-фактик хатолар, ишнинг умумий мундарижаси ҳақида сўз юритилган.

Биринчи боб “Лайли ва Мажнун ҳақида Навоийга қадар яратилган дostonлар тўғрисида баъзи маълумотлар” деб номланган бўлиб, унда араб манбаларидаги ривоятлар ва уларнинг тарихига доир фактлар келтирилган. Олим араб манбаларида учрайдиган Мажнун ҳақидаги ривоят ва ҳикоятларни тўплаган, уларнинг сюжетларини қиёслаган, шарқшунос ва адабиётшуносларнинг бу борадаги фикрларини ўрганган.

Дис-янинг иккинчи боби “Низомий Ганжавийнинг “Лайли ва Мажнун” достони тўғрисида” бўлиб, унда Мажнун ҳақидаги қиссалар сюжети қиёсан ўрганилган. Низомий унга яхлит ва тизимли тус бериб, дostonга айлантиргани б-н боғлиқ фикрлар берилган. Асар яратилиши ҳақида Низомий дostonидаги маълумот келтирилади. Унга кура, Шервон шоҳи Ахсатан ибн Манучеҳр Низомийга Мажнун ҳақида дoston ёзишни буюради. Аввалига рози бўлмаган шоир ўғли Муҳаммаднинг илтимос ва қистови б-н ишга киришади, зерикарли кўринган мавзу кейинчалик шоирни қизиқтириб қолади ва дoston устида иш юришиб кетган. Дoston тўрт ойда ёзиб тугалланади, аммо Низомий кўшимча ишлар бўлмаганида уни икки ҳафтада ҳам ёзиш мумкин эди, дейди. Диссертант Низомий дostonи сюжетини баён қилар экан, шоир қайси ўринларда ибн Қутайбанинг “Китоб уш-шеър”, Абу Бакр ал-Волибийнинг “Девони Мажнун”, Абул Фароҳ ал-Исфажонийнинг “Қўшиқлар китоби”га мурожаат қилгани ҳамда шоирнинг ўзи ижод қилган лавҳаларни кўрсатиб берган. Шунингдек, боб сўнгида Низомийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonига кўплаб назиралар битилгани, аммо улар оммалашмагани – қўлёзма ҳолида қолиб кетгани айтилган. Бобнинг учинчи бўлими “Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Мажнуну Лайло”си ҳақида бўлиб, Хусрав Деҳлавий Низомий дostonларига муносиб жавоб айтолган шоир экани алоҳида таъкидланиб, “Мажнуну Лайло” дostonи Низомий асари б-н қиёсий тадқиқ қилинган.

“Алишер Навоийгача туркий тилда яратилган “Лайли ва Мажнун” асарлари тўғрисида” деб номланган учинчи бўлимда Навоийдан олдин Гулшаҳрий, Ошиқ Пошо ва Шоҳидий ҳам шу мавзуда дoston ёзгани, лекин улар Низомий ва Деҳлавийнинг “Лайли ва Мажнун”лари б-н тенглаша олмаслиги айтилган. Жумладан, Гулшаҳрийнинг 1313 й.да ёзилган “Мантиқ ут-тайр” дostonидан Мажнун ва Лайлига бағишланган 79 байтли боб ўрин олган. Тадқиқотчи унинг мазмунини ҳам

баён қилган. Бундан ташқари, айнан Мажнун ва Лайли севгисига бағишланган Ошиқ Пошонинг “Ғарибнома” ҳамда Шохидийнинг “Гулшани ушшоқ” достони ҳам таҳлил қилинади, уларнинг ғояси, сюжети ва бадиияти ҳақида қисқача маълумот берилади.

Бобнинг “Хожу Қирмонийнинг “Гавҳарномаси” ва унга Алишер Навоийнинг муносабати тўғрисида” деб номланган бешинчи бўлими шоирнинг “Муҳокамат ул-дугатайн”да ўзи берган маълумот асосида юзага келган. Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини айнан Хожу Қирмонийнинг “Гавҳарномаси”дан таъсирланиб ёзгани ҳақида маълумот беради. Диссертант “Гавҳарнома”нинг ёзилиши, нусхалари ҳақида гапириб, унда яхлит сюжет мавжуд эмаслиги, ҳатто мустақил ғазаллар ҳам ўрин олгани Навоий унинг бадиияти ва илмий маълумотларга бойлиги учун қизиқиб мутолаа қилган ва таъсирланган бўлиши керак деб хулоса чиқаради.

Дис-янинг иккинчи боби “Навоий достонининг яратилиш тарихи, сюжет ва ғоявий тематик хусусиятлари” деб номланган. Унда асарнинг ёзилиш тарихи, сюжети ғоявий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Дис-янинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги қаҳрамонлари ва персонажлар образи” деб номланган учинчи бобида достондаги ҳар бир образ алоҳида ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Хусусан, Мажнун, Лайли, Навфал, Зайд, чўпон бола, Мажнуннинг отаси, салбий образлар ва бошқа иккинчи даражи образлар таҳлил объектига айланган.

Тўртинчи бобда достоннинг бадиий-поэтик хусусиятлари ўрганилган, қўлланган бадиий санъатларга эътибор қаратилган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.н. А.Ҳайитметов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА СИНОНИМЛАР МАСАЛАСИ (XV асрда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган “Наводир ун-ниҳоя” девонининг уникал қўлёзмаси асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Марям Раҳматуллаеванинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1965). Тадқиқот кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида тилшунослик нуқтаи назаридан синонимия ҳодисаси, унинг юзага келиши ва бадиий асарларда синоним сўзлардан фойдаланиш ҳақида сўз юритилиб, ишнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар берилган. “Алишер Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девони” деб номланган дастлабки бобда шоир девонлари, хусусан, номи қайд этилган девон, унинг яратилиши ва қўлёзмаси ҳақида атрофлича маълумот берилиб, танлаб олинган уникал қўлёзманинг ўзига хос жиҳатлари алоҳида шарҳланган.

“Синонимлар ва уларнинг ўзбек классик адабиётидаги роли” деб аталган дастлабки фаслда синонимлар ҳақидаги турли қарашлар, таърифлар ва синонимларнинг турлари ҳақида сўз боради. Келтирилган фикрлар ҳар томонлама исботланган, ўзбек мумтоз адабиётида синонимларни қўллаш б-н боғлиқ тажрибалар ўрганилган.

“Алишер Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девонида синонимларнинг ишлатилиши” деб номланган иккинчи бобда шоир ғазалларида қўлланилган синоним сўзлар атрофлича ўрганилган, уларнинг қўлланиш сабаблари ҳамда асар бадииятида тутган ўрни шаҳланган. Жумлалан, диссертант лирик маъшукани ифодаловчи қатор синоним сўзлар ва уларнинг қўлланиш ўринларига батафсил тўхталган. Шунингдек, шоир қўллаган бадиий санъатлар ҳам таҳлилга тортилган бўлиб, уларнинг синоним сўзлар б-н алоқадорлиги аниқланган.

Лирик маъшукани тасвирловчи синонимлар ҳақидаги фаслда лирик қаҳрамон ўз ёрини таъриф этишда фойдаланган синоним сўзларга эътибор қаратилган. Жумладан, маъшуканинг юзини тасвирлашда юз, чеҳра, ораз каби бир неча синонимдан фойдаланилгани кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, ранг билдирувчи синонимлар, “қадах”, “май” ва “сўз” каби сўзларнинг синонимлари ҳам тадқиқ қилинган. Хулосада илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилган ҳамда адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Ҳ.Сулаймон.

“НАВОИЙНИНГ ИЖОДИЙ МЕТОДИ” – ўзбек адабиётшуноси Абдуқодир Ҳайитметовнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1965). Иш икки

йирик қисм – икки китоб, салкам минг саҳифадан иборат. Ишнинг кириш қисмида олим ўз давридаги талабларга мос равишда масалани собиқ Шўро ғоялари асосида ҳал қилиш лозим эканини уқтиради ва ўша давр ижодий методи ҳақида тўхталади. Ижодий метод муаммоси адабиётшуносликнинг долзарб масаласи экани қайд этилиб, иш учун Навоийнинг ижодий методи масаласи танлангани айtilган ва бу ишнинг дастлабки уриниш эканига урғу берилган. Олим ўз давригача бўлган вақтда Навоий ижодий методи масаласининг очиқ қолгани сабабини Навоий ижодининг ҳам ёзма ад-т, ҳам фольклор, ҳам фалсафий-дидактик ад-т, ҳам қаҳрамонлик дostonлари, ҳам сўфийлик ад-ти б-н бевосита боғлиқлиги б-н изоҳлайди. Бу қадар катта ҳажмдаги ижоднинг аниқ методини аниқлаш табиий равишда мураккаблик туғдириши, Навоий ижодининг назарий принципларини бирдан белгилаш қийинлиги айtilиб, бу борадаги мавжуд мулоҳазалар қайд этилади.

Дастлаб ижодий методнинг давр, ижтимоий-сиёсий муҳит ҳосиласи экани асосли равишда таъкидланган ва Навоий ижоди методини аниқлашда айнан мана шу жиҳатни ҳисобга олмаслик бирёқлама қарашларга олиб келиш мумкинлигига эътибор қаратилган. Олим реализм, романтизм методлари, уларнинг мезонлари ҳақида гапириб, улар шоир ижодида қоришиқ шаклда ҳам учрашини айтган. Навоий ижодини фақат рамалардан иборат ёхуд сўфийлик йўналишидаги ижод деб баҳолашга танқидий муносабат билдириб, унинг реал илдизлари шоир яшаган муҳитга боғлиқлигига алоҳида урғу берган. Олим Навоий ижоди методини қадимги грек, Рим ёки Европа Уйғониш даври адаблари методларига боғлаб таҳлил қилишга ҳам қарши бўлган, аксинча, ўзи 16-асргача бўлган ад-т, адабий муҳит ва тарихий шароит б-н алоқадорликда ўрганиш лозимлигини маълум қилган.

Ишнинг дастлабки қисми “Ўрта аср Шарқ адабиётларининг ижодий методи масаласи” деб номланган. Мазкур йирик қисмда тадқиқотчи адабий ҳодисалар ва адабий метод масаласини ўзи таъкидлаб ўтганидек, тарихий шароит б-н боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга уринган. Бунда 20-аср совет шарқшуносларининг қарашлари асос қилиб олинган. Унга мувофиқ ислом дини тараққиётга ғов ва тусиқ, подшоҳлар, ҳукмрон табақа эса золим ва худбин, ҳақиқий шоирлар эса ўша даврдаги қарашларга бўйсунмаган, айрича фикр айтган ижодкор сифатида талқин қилинган.

Ишнинг “Икки ижодий концепция” деб номланган иккинчи бобида даставвал “Авесто” ва “Девону луғотит турк” ҳақида тўхталиб, Шарқ ад-тига нисбатан қўлланган “рост” ва “ёлғон” тушунчасига эътибор қаратган. Олим бу икки тушунчани ад-тдаги икки йирик концепция деб баҳолайди ва унга нисбатан бўлган турли ёндашув ҳамда муносабатларни таҳлил қилади. Ад-тдаги рост ва ёлғон тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган олим масалани турли манбалар, собиқ Совет даври ғоялари асосида ҳал қилишга интиланган.

“Шарқ Ренессанси масаласи” деб аталган учинчи бобда олим Ўрта Осиёда ўрта асрларда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларнинг хизмати сабабли рўй берган Уйғониш даврини таҳлил қилишга, унинг Навоий даври ва ижодига кўрсатган таъсирини аниқлашга ҳаракат қилган.

Дис-янинг “Реалистик тенденциялар” деб номланган тўртинчи бобида мусулмон Шарқи ад-тидаги реалистик анъаналар, халқ ҳаётини айнан тасвирлаш, машаққат ва қийинчиликлар, муаммо ва камчиликларни қай тарзда ёритиш ҳақида қатор мулоҳазалар юритилган. Тадқиқотчи ўз иши мавзусидан келиб чиқиб қадимги араб, форс ва туркий халқларнинг ад-т намоёндалари асарларидан парчалар келтиради, уларни шарҳлашга ҳамда мавжуд бўлган реалистик тенденциялар шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрнини белгилашга ҳаракат қилган.

Бешинчи “Тасаввуф ва мажоз” деб номланган бобда, олим тасаввуф ҳақидаги қарашларни собиқ Шўро тузуми ғоялари асосида ўрганган ва таҳлил қилган. Унга мувофиқ тасаввуф фақат ислом эмас, балки аввалги динлар б-н ҳам алоқадор бўлиб, кишилик жамияти тарихида кўпроқ реакцион ва маълум маънода прогрессив аҳамиятга эга бўлган ҳаракатдир. Дис-яда тасаввуф ғояларини сўфийлар адабиётда кенг акс эттиргани, бунда Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Насимий, Машраб каби ўнлаб шоирлар катта ўрин тутиши таъкидланган. Аммо бу шоирларнинг ижодида мистик кайфият, жамият ноҳақликларига мавҳумликдан нажот излаш каби қарашлар устувор. Тадқиқотчи ўз фикрлари исботи учун Жирмунский, Бертельс, Энгельс каби ўнлаб совет

шарқшуносларидан иқтибослар келтирган. Олим мазкур омиллар Навоий ижодига қай даражада таъсир кўрсатганини маълум ўринларда асослаб кетишга ҳаракат қилган.

Ишнинг “Шарқ халқлари поэзиясида романтик тасвир масалалари” деб аталган олтинчи бобида романтизм, унинг моҳияти ва Шарқ халқлари шеърлятида қандай шаклда намойён бўлишига эътибор қаратилган. Олим Шарқ ад-тидаги романтизмни Европа адабиётшунослигидаги романтизм қолиплари ва мезонларига таяниб ўрганишга интиланган. Шоирларнинг асарларини Европа ёзувчиларининг роман ва достонларидаги сюжет ва ғояларга қиёсан таҳлил қилиб, романтизм унсурларини аниқлашга зўр берган. Диссертант шу тариқа беш юз саҳифага яқин тадқиқотида муеулмон Шарқдаги ижодий метод масаласини таҳлил қилишга, унинг илдиэларини ўзи айтганидек тарихий шароитларни ҳисобга олиб очиб беришга уринган.

Дис-янинг иккинчи қисми – китоби “Навоий лирикаси” деб номланади. Кириш қисми (“Навоий ва унинг лирикаси”)да шоир ижодий мероси, ундаги шаклий ва мазмуний уйғунлик, бадиий санъаткорлик маҳорати ҳақида сўз юритилиб, Навоий, асосан, ижтимоий муаммолар куйчиси сифатида талқин қилинган. “Навоий лирикасининг тур хусусиятлари” деб аталган биринчи бобда шоир шеърлий меросидаги жанрлар таҳлил қилинган. Ишнинг кейинги бобларида диссертант Навоий ғазалларининг айрим специфик ва мавзу хусусиятлари, асосий қахрамонлар, реалистик тенденциялар тўғрисидаги фикрларини шоир шеърляридан иқтибослар келтириш ва масалага кенгрок ёндашиш воситасида асослашга интиланган.

“Навоийнинг достонлари” деб номланган учинчи йирик қисмда Алишер Навоий достонларидаги орау, мақсад, ғоя, мавзу, сюжет, бадиий тўқима, идеал образлар, тасвир услуби, шартлилик ва анъанавийлик масалалари очиб берилган.

А.Ҳайитметовнинг мазкур илмий тадқиқоти ҳажм жиҳатдан жуда йирик бўлиб, ишнинг мавзу кўлами, кўтарилган масалалар, мурожаат қилинган манбалар географияси кенглиги б-н алоҳида характерланади.

“НАВОИЙ ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ” – ўзбек адабиётшуноси Алибек Рустамовнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган дис-яси (1966). Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг “Муқаддима” қисмида диссертант мазкур тадқиқотнинг мазмуни ва мақсади ҳақида, Навоий асарлари матни б-н боғлиқ муаммолар тўғрисида тўхталган. Ўз фикрини исботлашда Лутфийнинг туюғи ва “Сабъаи сайёр” достони номланишидаги хатоларни мисол сифатида келтирган.

Ишнинг биринчи боби “Навоий тилининг бадиий хусусиятлари” деб номланган. Олим шоир асарларининг жозибаси ва таъсирчанлигини оширишда тилнинг фонетик, морфологик ва синтактик каби бадиий воситаларидан маҳорат б-н фойдаланганини таъкидлаган. Даставвал фонетик воситалар саналган. Унга кўра, Навоий вазн, кофия, зънот, тарсеъ, тажзия, тазмини маздуж, саж ва тавзеъ каби фонетик воситаларни истифода этган. Ҳар бир бадиий восита аниқ мисоллар б-н кўрсатиб берилган. Ундан сўнг шоирнинг “Сабъаи сайёр” асарида фойдаланилган грамматик воситалар ҳақида сўз боради. Иштиқок, акс, таъдил, илтифот ва тақрир каби морфология ва синтаксисга алоқадор бадиий санъатлар номлари саналиб, уларнинг ҳар бири аниқ мисоллар б-н асослаб берилди.

“Сабъаи сайёр”да қўлланилган радиф, ҳожиб, тасбеъ, тасдир, илтизом, таносуб, ийҳом, тажнис, мажоз, истиора, ишора каби бадиий санъатлар тилнинг лексик хусусиятларидан бадиий восита сифатида фойдаланиш деб баҳоланган.

Ишнинг иккинчи боби “Навоий тилининг фонетик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, даставвал Навоий ҳамда ҳозирги давр ўзбек тили фонетикасидаги айрим фарқланишлар таъкидланган. Сўнг Навоий нутқининг жумла, синтагма, такт, бўғин ва товушлар каби фонетик бўлаклари келтирилган. Шунингдек, тилга хос бўлган вокализм ҳодисаси ва унинг Навоий асарларида акс этиши шарҳланган. Бундан ташқари, фақат туркий тилларга хос бўлган сингармонизм ҳодисаси Навоий асарлари асосида тадқиқ қилинган. Ассимиляция, гаплагология, геминация, диссимиляция, метатеза сингари фонетик ҳодисаларнинг Навоий асарларида қай тарзда учрашига ҳам эътибор қаратилган.

Дис-янинг учинчи бобида Навоий тилининг морфологик хусусиятлари ўрганилган. Навоий асарларидаги сўзларнинг муस्ताқил ва ёрдамчи сўз туркумига оид экани айtilган ва шу тасниф асосида тадқиқот олиб борилган. Навоий асарларидаги от сўз туркумига кирувчи сўзлар атоқлилиқ ва турдошлиқ, кишилиқ ва нокишилиқ, ҳолат, кўплиқ, ағалиқ, келишлиқ категориялари ва Навоий тилида учрайдиган жинс категорияси элементлари атрофлича, аниқ мисоллар асосида ўрганиб чиқилган.

Ундан сўнг сифат, сон, феъл, сифатдош, равишдош, феъл майллари, равиш ва ёрдамчи сўзларнинг Навоий асарларда келиш шакллари тадқиқ қилинган. Ҳар бир сўз туркуми, шу туркумга хос жиҳатлар, уларнинг ясалари ва бугунги кундаги ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган.

Сўнгги қисмда хулосалар умумлаштирилган ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган. Илмий маслаҳатчи ф.ф.д., акад. В.В.Решетов.

“АЛИШЕР НАВОЙ – ҲИКОЯНАВИС (“Хамса” материаллари асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Н. Фанихужаеванинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси (1967). Мазкур дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сидаги ҳикоятлар ғоявий ва поэтик жиҳатдан ўрганилган.

Тадқиқотда Навоий ҳикоятчилигини ўрганиш ўша давр ҳикоятчилигини ўрганиш б-н баробар экани, ўзбек наъри Навоийгача ҳам мавжуд бўлганига урғу берилган.

Биринчи боб “Алишер Навоий ҳикоятларининг ғоявий-тематик анализи ва образлари” деб номланиб, унда шоир “Хамса”сидаги ҳикоятлар таҳлил этилиб, уларнинг мавзу-мундарижаси, қаҳрамонлари ўрганилган. Муаллиф бунда ҳикоятларда акс этган уч асосий йўналишни танлаб олган: 1) меҳнат ва илм-маърифат; 2) адолат ва ватанпарварлик; 3) севги. Мазкур уч мавзу ва ғоянинг ҳикоятларда акс этирилганига алоҳида эътибор қаратилган.

“Алишер Навоий ҳикоятларида бадий маҳорат масалалари” деб номланган иккинчи бобда шоир асарлари поэтикаси, қўлланилган бадий санъатлар ва шоир маҳорати ўрганилган.

Хулосада Навоий ҳикоятларига ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт асосий ва биринчи манба бўлгани, шунингдек, шоир халқ оғзаки ижодидан фойдалангани, Навоий ҳикоятларида форс-тожик шоирларининг таъсири, уларда меҳнат ва маърифат бирламчилиги, қолаверса, маърифатпарварлик, адолат, севги мавзуси ҳикоятларнинг марказий ғоясини ташкил қилиши баён қилинган. Бундан ташқари, ҳикоятларда Навоийнинг бадий маҳорати юксак даражада намоён бўлгани поэтик унсурларни таҳлил қилиш воситасида очиб берилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., акад. В.Зоҳидов.

“НАВОЙ” РОМАНИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИЙ ТЎҚИМА – ўзбек адабиётшуноси Ботир Файзиёвнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1968). Дис-я кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Илмий иш ўзбек ад-тида Алишер Навоий образини яратиш ҳамда унга биринчилардан бўлиб қўл урган ёзувчи Ойбекнинг “Навоий” романидаги тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима масаласини ўрганишга бағишланган.

Ишнинг кириш қисмида олим тарихий романчилик, бу борадаги жаҳон ва рус ад-ти тажрибалари, улар устида олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳақида тўхталган. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг тарихий романларига ҳам муносабат билдирилган. “Навоий” романи атрофида бўлган баҳслар ҳақида гапирган, эътирозларга нисбатан ўз позициясини маълум қилган.

Ишнинг биринчи боби “Навоий образини яратишда тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима” деб номланиб, мазкур муаммога боғлиқ равишда Навоий ватанпарварлиги ва инсонпарварлигининг ижтимоий-тарихий асослари ва унинг асардаги ифодаси таҳлил қилинган, Навоий тараққийпарвар давлат арбоби сифатида ўрганилган ва даҳо шоир, улуг мутафаккир эканига эътибор қаратилган. Мазкур жиҳатларнинг романда акс этиши таҳлил этилган.

Иккинчи боб “Романдаги ёндош образлар галереяси” деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. Биринчи фасл “Тарихий шахслар образи” деб аталади. Унда ёзувчининг романдаги ёндош ҳамда тарихий шахслар образини яратишда ҳақиқат ва бадий тўқимага қанчалик эътибор берганига

ахамият қаратилади. Дастлаб тарихий шахслар образи, кейин тўлиқ бадиий образлар тадқиқ қилинган. Иккинчи фасл “Бадиий тўқима образларни яратишда ёзувчининг санъаткорлиги” деб номланиб, унда диссертант романдаги Султонмурод, Арслонқул, Зайниддин, Дилдор, Тўғонбек каби тўқима образлар характерини очиб беришдаги муаллиф маҳорати б-н боғлиқ масалаларни ўрганган.

Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Х.Ёқубов.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ ЛИРИКАСИДА ҚЎШМА ОТЛАР (“Хазойин ул-маоний” материаллари асосида)” – узбек адабиётшуноси Баҳром Бафоевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация (1968). Маъқур ишда Алишер Навоий асарлари ўзбек тили тарихий грамматикасини ўрганишда асосий манбалардан бири экани, шоир лирикасидаги қўшма отлар, отлашган қўшма сифатларнинг миқдори, ясалиши, турлари, қўшма от сонининг ўсиш асослари кўрсатилган. “Хазойин ул-маоний”да таркибий жиҳатдан қўшма бўлган отлар (форс-тожик тилидан ёки ўзбек тили заминидан бошқа тилдан ўзлаштирилган компонентлардан ясалганлигига эътибор қаратилмаган ҳолда) ишнинг фактик материали қилиб олинган.

Дис-я икки қисмдан иборат. Биринчи қисм назарий масалаларга бағишланган: кириш, уч асосий боб, хотима, қўшма отлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

Ишнинг “Алишер Навоийнинг ўзбек тили тараққиётидаги хизматлари” деб номланган биринчи бобида Алишер Навоийнинг эски ўзбек адабий тили шаклланиши ва ривожланишидаги хизматлари, форс-тожик ва эски ўзбек тилининг бир-бирига таъсири масаласи борасида фикр юритилган. Боб сўнгида тил алоқалари ижобий жараён бўлиб, эски ўзбек тилининг ривожланишида форс-тожик тилининг роли салмоқли экани, ўз навбатида эски ўзбек тилининг ҳам форс-тожик тилига сезиларли таъсири борлиги, тиллараро таъсир кўрсатиш фақат бир оиллага эмас, балки бошқа оилаларга мансуб тиллар ўртасида ҳам юз бериши мумкинлиги таъкидланган.

“Қўшма от ҳақида” деб номланган иккинчи бобда қўшма отнинг ўрганилиш тарихи, қўшма от атамаси, қўшма отнинг белгилари, қўшма от ва сўз бирикмаси ҳамда ўзбек тили тарихида қўшма отларни белгилаш принциплари ҳақида фикр юритилган.

Дис-янинг учинчи боби “Қўшма отларнинг ясалиши” деб номланган бўлиб, унда қўшма отнинг ясалиши уч гуруҳ асосида ўрганилган: 1) қўшилган отлар – бу гуруҳдаги қўшма отлар қўшма сўзнинг барча белгиларини ўзида аке эттирган; 2) соддалашган ёки тарихан қўшма бўлган сўзлар. Бунда компонент кўпинча “сўз+ясовчи” шаклида бўлади; 3) қўшма от б-н сўз бирикмаси орасида “тебраниб турувчи” тил birlikлари. Бу ўринда кўп отлар қўшма сўзлардан “ўсиб” чиққани, қўшма отлик белгиларини ола бошлаган сўз бирикмаларининг ясалиш усуллари, турлари ҳам таҳлил қилинган.

Ишда қўшма отларнинг ёзилиши аниқ материаллар асосида текширилган. Ишнинг хотимасида хулосалар берилган. Хулосада қўшма от бирдан ортиқ сўз формасидан иборат тил бирлиги экани, компонентлари ўзаро бутунликда ҳамда маълум сўз ясалиши тури асосида муносабатда бўлиши, компонентларнинг ўрни қатъий, функционал-синтактик жиҳатдан қисмларга ажралмайдиган, морфологик жиҳатдан бир сўз туркумига кирувчи ва семантик-вазифаларига кўра предмет, воқеа-ҳодисани атовчи тил категорияси экани баён қилинган ва унга хос бўлган жиҳатлар умумлаштириб берилган.

Ишнинг иккинчи қисмидан қўшма отларнинг изоҳли этимологик луғати ўрин олган. Луғатда жами 1928 қўшма от изоҳланган. Қўшма отнинг дастлаб кирилл, кейин эски ўзбек алифбосидаги ёзилиши берилган. Ундан сўнг қўшма отнинг Алишер Навоий лирикасидаги маъноси контекст б-н бирга келтирилган. Қўшма от компонентларининг қайси тил материали экани, ўша тилдаги ҳозирги маъноси ҳам кўрсатилган. Ҳар бир сўзликнинг охирида қўшма отнинг тўрт девонда неча марта такрорлангани ва саҳифалари қайд этилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. С.Муталлибов.

“НАВОЙИЙ БАДИЙ ПРОЗАСИНИНГ ЛЕКСИК ВА СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ” – ўзбек тилшуноси Х. Мамадовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган

диссертацияси (1969). Дис-я Навоий тилининг грамматик жиҳати ва поэтик санъатининг айрим масалаларига бағишланган. Унда, асосан Навоийнинг насрий мероси, жумладан, бадий прозаси тилининг лексик-стилистик хусусиятлари ўрганилган. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг А.Н. Кононов нашри асос қилиб олинган.

Иш сўзбоши, кириш, икки асосий боб ва хулосадан иборат. Кириш қисмида Навоий асарлари тилига бағишланган илмий ишлар қисқа шаклда таҳлил қилинган, ўрганиш объекти бўлган “Маҳбуб ул-қулуб” ҳақида умумий фикр юритилган. Асарнинг ўрганилиши, тузилиш таркиби, тилининг мураккаблиги ҳақида атрофлича маълумотлар берилган.

Биринчи боб “Навоий бадий прозасининг лексик таркиби ва баъзи сўзларнинг истеъмол доираси” деб номланган бўлиб, унда Навоий қўллаган сўзларнинг семантик хусусиятлари изоҳланган, Навоийгача бўлган эски ўзбек тили ҳозирги ўзбек тили б-н қиёсланган. Хронологик жиҳатдан ўзбек тили тарихий тараққиётига назар ташланган. Сўзлар асосан, форс-тожик ва араб тилларидан ўзлаштирилганлиги таъкидланган. Тадқиқотчи эски ўзбек тилидаги четдан ўзлашган сўзларнинг аксарияти форс-тожик ҳамда араб тилларига мансублиги нуқтаи назаридан Навоий бадий прозаси лексик таркибини қуйидаги қатламларга бўлиб ўрганган:

1. Асл ўзбек ва умумтуркий сўзлар қатлами.
2. Форс-тожик сўзлари.
3. Арабча сўзлар.
4. Ўзбек, форс-тожик ва араб тили элементларидан тузилган аралаш морфемали сузалар.

Мазкур таснифга мувофиқ дастлаб асар таркибидаги асл ўзбек ва умумтуркий сўзлар аниқланган ва гуруҳланиб, истеъмол доираси белгилаб чиқилган. Уларнинг фонетик ва морфологик белгилари кўрсатиб берилган. Форс-тожик сўзлари ҳам худди шу услубда таҳлил қилинган. “Маҳбуб ул-қулуб”даги форс-тожик сўзлари кундалик турмушда қўлланиладиган буюм номлари ва уй-рўзғорга алоқадор бўлган сўзлар; вақт, жой, масофа ва табиат ҳодисалари номлари; қишлоқ ҳўжалигига оид сўзлар; касб-ҳунар, илм-фан, маданият, ободончилик ва қурилиш б-н алоқадор сўзлар — жами ўн гуруҳга бўлиб ўрганилган. Ушбу сўзларнинг фонетик ва морфологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур бобда “Маҳбуб ул-қулуб”даги арабча сўзлар ҳам алоҳида таҳлил этилиб, таснифланган. Баъзи арабча сўзларнинг бугунги ўзбек тилидаги маъноси Навоий асарларидаги маъноси б-н қиёсий тарзда жадвал шаклида кўрсатиб берилган. Маълумки, фақат араб тилигагина хос бўлган ҳарфлар мавжуд. Диссертант Навоий асарларидаги арабча сўзларни аниқлашда ана шундай ҳарфлар б-н ёзилган сўзларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб, уларнинг рўйхатини, шунингдек, араб тилига хос бўлган баъзи морфологик – грамматик хусусиятларни келтирган.

Ўзбек, форс-тожик ва араб тили элементларидан тузилган аралаш морфемали сўзлар ҳам таҳлил этилиб, улар алоҳида ажралиб турувчи ва умумий жиҳатларига мувофиқ равишда таснифланган ва аниқ мисоллар келтирилган.

“Навоий бадий прозасининг стилистик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобда Навоий бадий прозасининг ўзига хос услуби ва бадий санъатлардан фойдаланиш маҳорати таҳлил этилган. Бу боб ўз ичига тўрт бўлимни олган ва қуйидагича номланган:

1. Сўзнинг маъно хусусиятларидан фойдаланиш. Буяда Алишер Навоийнинг мазкур асарда сўзларнинг асл ва кўчма маъноларини қўллаши, маънодош, зид маъноли сўзлардан фойдаланиши, таносуб, ташбиҳ, сифатлаш, муболага каби бадий санъатларни ишлатиши ва бошқа жиҳатлар б-н боғлиқ маҳорати таҳлил қилинган. Ушбу кўрсатилган ҳолатлар алоҳида кичик бўлимларда ўрганилган, аниқ мисоллар б-н кўрсатиб, тушунтириб берилган.

2. Сўз шаклларида фойдаланиш. Бунда Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ўзакдош сўзлар, илтизом санъати, такрор, вазндош, товушдош, аффиксдош сўзлар, ҳарф шаклларида усталик б-н фойдаланганига эътибор қаратилган.

3. Сажъдан фойдаланиш маҳорати. Бу ўринда Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида сажъ турларидан фойдаланиши таҳлил қилинган. Жумладан, сажънинг мутавози, мутарраф ва мутавозин каби турларининг асарда келиш ўринлари ўрганилган. Илмий аниқликка эришиш учун асарнинг

деҳқонлар ҳақидаги бобида қулланган сажълар сони аниқланган ва улар юқоридаги тартибда гуруҳланиб, таҳлил қилинган. Шунингдек, асар матнида келадиган қофия ва радифларга эътибор берилган.

4. Мураккаб санъат усулларини қўллаш. Бунда “Маҳбуб ул-қулуб” жумлаларида келадиган бадиий санъатлар умумлаштириб, ўрганилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. А.Рустамов.

“НАВОИЙ АСАРЛАРИ МАТНЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ” – ўзбек матншунос ва адабиётшунос олими Порсоҳон Шамсиевнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1969). Мазкур дис-я Навоий асарлари матнларини ўрганиш тарихи ва ривожланиши, йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқлар хусусида бўлиб, навоийшунослик соҳасидаги муҳим тадқиқотлардан саналади.

Дастлабки боб “Навоий асарларининг оммавий нашрлари ва текстология масаласи” деб номланган бўлиб, олим унда Навоий асарларининг ишончли нусхасини яратиш, нашр қилиш ва ўз давригача бўлган тажрибалар ҳақида сўз юритади. Ушбу бобда Навоий асарларининг қуйидаги нашрлари ҳақида маълумот берилган:

- “Маҳбуб ул-қулуб”, 1939 й. лотин алифбосида чоп этилган бўлиб, матн тайёрлаш ва лугат тузиш ишларини Ҳоди Зарипов раҳбарлигида Юнус Латипов амалга оширган. Камчилиги: фойдаланилган қўлёзмалар сони, уларнинг сифати, фарқлари ҳақида асар мазмун- мундарижаси ҳақидаги сўзбошида маълумот берилмаган.

- “Муҳокамат ул-луғатайн”, 1940 й. лотин алифбосида чоп этилган бўлиб, Олим Усмонов ҳамда Порсоҳон Шамсиев нашрга тайёрлаган. Асарнинг бирорта ҳам қўлёзмаси маълум бўлмагани учун (олим тадқиқот қилаётган пайтда ҳам янгилик бўлмаганини айтган) Париж, Истанбул ва Қўқон нашрларидан фойдаланилган, асарнинг ихчам матни берилган, изоҳли кўрсаткич ва қийин сўзлар лугати илова қилинган. Мазкур китобга проф. А.К. Боровков муҳаррирлик қилган.

- “Фарҳод ва Ширин” – 1940 й. Фафур Фулом томонидан тайёрланиб, лотин алифбосида чоп қилинган. Шоир асар матнини тиклашда Шомурод котиб ва Абдуманноф қори босма нусхалари б-н биргаликда урта қўлёзмадан ҳам фойдалангани, уларни солиштирганини ёзиб қолдирган. Мазкур иш Матншунослик комиссияси томонидан ҳам кўриб чиқилган бўлиб, анчагина пухта эканига қарамай, баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас.

- “Лайли ва Мажнун”ни 1941 й. шоир Амин Умарий ва Шариф Ҳусайнзода, Садди Искандарий”ни 1941 й. Юнус Латиф ва Иноят Маҳсумов Шомурод котиб топ босма нусхасидан фойдаланиб нашр қилган. Бироқ бошқа қўлёзмалар кўрилгани ё қўрилмагани ҳақида маълумот берилмаган.

Садриддин Айний ҳам “Хамса”нинг қисқартирилган матнини тайёрлаб чоп қилган. Дostonлардаги кўплаб байтлар тушириб қолдирилган, воқеабандликка – сюжетга зарар етмаслиги учун насрий йўлда қисқача баён берилган, юксак санъат б-н ёзилган, аммо кўзга ташланмайдиган, қийин бўлган ҳамда Навоий шахсий ҳаёти ва замондошлари б-н боғлиқ ўринлар изоҳланган. Тушунилиши қийин сўзлар лугати тузилган, тарихий номлар учун таржимаи ҳол ёзилган. Садриддин Айний бир неча қўлёзмалардан қиёсий фойдаланган бўлса-да, бироқ уларнинг сони ва сифатини аниқ кўрсатмаган.

Бундан ташқари, “Хазойин ул-маоний”дан саралаб олинган шеърлар асосида 1940 й. Уйғун ва Собир Абдулла “Чор девон” деган тўплам тайёрлаб чоп қилган.

Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати б-н ўтказиладиган анжуман Иккинчи жаҳон уруши сабабли қолдирилган. Уруш тугаганидан сўнг уни ўтказиш ҳаракатлари бошланган. Шу муносабат б-н Навоийнинг барча асарларини халққа етказиш учун Навоий асарлари серияси нашрга тайёрланган. Бу тўрт жилддан иборат булиб, дастлабки жилдда шеърлар, иккинчи жилдда “Хамса”, учинчи жилдда “Мажолис ун-нафоис” ва “Муҳокамат ул-луғатайн”, тўртинчи жилдда насрий асарлар ўрин олган. Тадқиқотда мазкур сериядаги ҳар бир китоб ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Порсоҳон Шамсиев 1958–1960 й.да Алишер Навоий “Хамса”сининг мукамал матнини бир китоб ҳолида шакллантириб, чоп қилган. Бунда у уч нусхадан фойдаланганини айтади:

1) Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил котиб нусхаси; 2) хаттотлар қибласи номи б-н машҳур бўлган Султонали Машҳадий нусхаси; 3) 16-асрда номаълум котиб томонидан қўчирилган нусха.

Олим ҳар бир нусхага танқидий қараган, ўзаро солиштирип асносида фарқларини аниқлаган, етишмаётган байтлар қиёс йўли б-н тўлдирилган ва Навоий “Хамса”сининг байтлари саноғи қуйидагича аниқланган:

1. “Ҳайрат ул-аброр” – 3988 байт.
2. “Фарҳод ва Ширин” – 5782 байт.
3. “Лайли ва Мажнун” – 3622 байт.
4. “Сабъаи сайёр” – 5008 байт.
5. “Садди Искандарий” – 7214 байт.

Жами – 25614 байт.

Бундан ташқари 1959–1960 й. давомида проф. Хамид Сулаймонов тўрт китоб шаклида “Ҳазойин ул-маоний”ни тўлиқ чоп қилгани, унинг бир неча қадимий нусхаларидан фойдалангани, нашр давомида бир қанча жиддий техник ва матний хатолари борлигига қарамай, ундан манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги айtilган.

Порсоҳон Шамсиев Навоий асарларининг нашрлари ҳақида маълумот беришда давом этиб, 1948 – 1949 й. да шоир асарлари атиги етти жилдда нотўлиқ шаклда чоп қилинган бўлса, 1963–1968 й. да нашрдан қолиб кетган бошқа асарлари биргаликда 15 жилдга жамланиб, китобхонлар ихтиёрига ҳавола қилингани, мажмуадан Алишер Навоийнинг 25 номдаги асари ўрин олгани, 11 таси ўша даврда замонавий алифбодя илк бора нашр этилгани ҳақида маълумот беради. “Девони Фоний”, “Лисон ут-тайр”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Насойим ул-муҳаббат” ана шулар жумласидандир. Шунингдек, ўзбек матншунослиги меваси ҳисобланган “Бобурнома” ва бошқа мумтоз шоирларимизнинг асарларининг хрестоматия шаклидаги нашрлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Ишнинг иккинчи боби “Навоий асарларининг илмий-танқидий матнини тузиш тажрибалари” деб аталган бўлиб, унда шоир асарларининг танқидий матнини тайёрлаш борасидаги тажрибалар ҳақида фикр юритилган. Мазкур масалага объектив, илмий ҳолислик асосида ёндашилган. Олим бир қанча ишлар қаторида Суйима Ғаниева нашр қилдирган “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матни, ўша даврда навоийшуносликка илк қадам қўяётган Л.Халилов, Ё.Исҳоқов, М.Раҳматуллаева номи ва ишларини тилга олган. А.Н.Қононов (“Маҳбуб ул-қулуб”), М.А.Салъе (“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”) каби хорижий олимларнинг бу борадаги ишларига танқидий муносабат билдирган.

“Навоий “Хамса”си дostonларининг илмий-танқидий матнини тузиш ва унинг прициплари” деб номланган учинчи бобда даставвал Навоий шахсиятининг ноёблиги, даҳо сифатидаги хислатлари, “Хамса дostonлари” тилга олиниб, уларнинг танқидий матнини тайёрлаш жараёни ҳақида сўз юритилади.

Порсоҳон Шамсиев Алишер Навоий ўзи ёзган “Хамса” дostonларини яхлит асар сифатида ҳамisha бир муқова остида бўлишини истаганини, бу анъанага шоир ҳаётлик чоғида ҳам риоя қилганини, шу боис барча қўлёзма ва тошбосма нусхаларда “Хамса” яхлит китоб шаклида учрашини таъкидлайди. “Хамса”нинг танқидий матни устида бошланган иш, унинг бориш жараёни тўғрисида қисқача сўз юритган, ўзбек матншунослигида учраётган нуқсон ва камчиликларга эътибор қаратади.

Ишда “Сабъаи сайёр”нинг илмий-танқидий матни амалга ошгани, “Фарҳод ва Ширин” дostonи илмий танқидий матни б-н алоқадор жараёнлар, уларда муътабар ва қадимий қўлёзмалар б-н бирга ёрдамчи нусхаларга ҳам мурожаат қилингани таҳлил қилинган.

“Садди Искандарий” дostonининг илмий-танқидий матни ҳам тайёр бўлгани, аммо полиграфик муаммолар сабабли уни чоп этиш машаққатли кечгани, “Лайли ва Мажнун” дostonининг ҳам илмий-танқидий матни тузилгач, “Хамса”ни 1959–1960 й.даги каби қайта чоп этиш мумкинлиги, илмий-танқидий матн тайёрлашда асарнинг энг қадимий нусхасига ёндашиш ҳақиқатга мувофиқ бўлиши таъкидланган.

Илмий ишда Навоий “Хамса”сининг қадимий қўлёзмаси котиби Абдулжамил котиб ва Султон

Али таржимаи ҳолига доир маълумотлар ҳам берилган. Қўлёзма матнларни қиёслаш жараёнида улардаги фарқларни белгилаш учун қўлланилган шартли белгилар, қўлёзмаларнинг шартли номланишлари б-н боғлиқ муҳим маълумотлар тақдим этилган. Мазкур докторлик дис-ясида “Садди Искандарий”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва “Мажнун”, “Сабъаи сайёр” дostonларининг илмий-танқидий матнлари илова сифатида берилган.

“АЛИШЕР ФОНИЙ ҚАСИДАЛАРИ” – ўзбек адабиётшуноси Манзура Қодированинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1969). Унда Алишер Навоийнинг “Рух ул-қудс”, “Айн ул-ҳаёт”, “Тухфат ул-афкор”, “Қут ул-қулуб”, “Минҳож ун-нажот”, “Насим ул-хулд” каби Фоний тахаллуси б-н ёзган қасидалари ғоявий-бадиий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Дис-я кириш, уч асосий боб ва хулосадан иборат. Ишнинг кириш қисмида қасида жанрининг келиб чиқиши, таркибий тузилиши, ўзига хос белгилари ва олимларнинг бу ҳақда билдирган фикрлари умумлаштирилиб, таҳлил қилинган.

“Навоийгача бўлган қасидагўйлик (XIV–XV асрлар)” деб номланган биринчи бобда, асли тошкентлик бўлган, кейинчалик Ҳиндистонга бориб, Деҳли султонлигида шўҳрат қозонган Бадр Чочий (ваф. 1335) ва унинг қасидалари, асарларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган, Саккокийнинг қасидачиликдаги маҳорати таҳлил қилинган.

Ишнинг иккинчи боби эса “Қасидаи ҳилолия” деб номланиб, унда Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши муносабати б-н ёзилган қасидаси тадқиқ қилинган. Тадқиқот жараёнида қасиданинг таркибий тузилиши, ғоявий мундарижаси, поэтик хусусиятлари ўрганилган.

Дис-янинг “Навоий қасидалари” деб номланган учинчи бобида “Ситтаи зарурия” номи б-н машҳур бўлган форсий тилдаги олти қасида ўрганиб чиқилган. Навоий мазкур қасидаларни Анварий, Хоқоний, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий каби салафларига татаббуъ тарзида ёзгани, қасидачиликнинг юксак талабларига жавоб бериши, уларда улкан фалсафий маъно-мазмун мужассамлиги чуқур таҳлил қилинган.

“Ситтаи зарурия” таркибидаги илк қасида “Рух ул-қудс” (“Муқаддас рух”) 140 байтдан иборат. Унда Яратган Зот қудрати ҳақида сўз борган. “Айн ул-ҳаёт” қасидасида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) мадҳи, “Тухфат ул-афкор”да дунёнинг ўткинчилиги, ҳаётнинг фонийлиги, “Қут ул-қулуб” қасидаси ислом динига содиқлик, чинакам мусулмон бўлишга, дин амалларини сидқидилдан бажаришга даъват, “Минҳож ун-нажот” қасидасида Ҳусайн Бойқаро, “Насим ул-хулд”да нақшбандийлик ғояларининг акс этгани айtilган. Ўша давр мафкураси таъсирида масалага диссертантнинг нисбатан тор ёндашишга мажбур бўлгани сезилади.

Хулосада натижалар умумлаштирилган, жумладан, шоир қасидаларида бошқа жанр элементларининг ҳам мавжуд экани, уларнинг аниқ структура асосида шакллангани, қасидаларда дунё ва ҳаёт ҳақида фалсафий концепцияларнинг маҳорат б-н акс этирилиши ҳақида сўз борган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Ҳ.Сулаймон.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА САТИРА” – ўзбек адабиётшуноси Абдурашид Абдуғафуровнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1970). Мазкур тадқиқот ўн икки бобни ўзи ичига олган уч қисмдан иборат йирик ҳажмли иш бўлиб, унда Алишер Навоий асарларидаги ҳажвий маҳорат таҳлил қилинган, ўрганилган. Ишнинг кириш қисмида муаллиф “ҳажвийёт” тушунчасига атрофлича таъриф бериб, унинг аҳамиятини белгилашга ҳаракат қилган. Сатиранинг адабий тур экани, бу ҳақда олимларнинг муносабатлари, амалга оширилган илмий ишлари тилга олинган, сатиранинг Алишер Навоий шеъриятида намоён бўлиши, аммо у ҳамон тадқиқ этилмаганига эътибор қаратилган. Ўзбек мумтоз ад-тидаги сатиранинг илдизлари “Девону луготит турк” б-н алоқадор экани таъкидланган ва асардан мисоллар келтирилган.

Дастлабки қисмнинг биринчи боби “Алишер Навоийнинг сатира ва юморга муносабати” деб номланган бўлиб, унда шоирнинг “эстетик, адабий-танқидий қарашлари сингари бадиий ва ижтимоий характердаги асарларида тарқоқ ҳолда учрайдиган, кўпинча у ёки бу масалалар б-н боғлиқ ҳолда баён этилган” сатира ва юмор ҳақидаги фикрлари умумлаштирилган ва хулосалар

чиқарилган. Олим “Мажолис ун-нафоис” ва “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Алишер Навоийнинг “сатира ва юморга бўлган муносабатини акс эттирувчи жуда кўп материаллар мавжуд” эканини таъкидлаган. Навоийга бағишланган “Мақорим ул-ахлоқ” ва “Бадоеъ ул-бидоъ” асарларида шоирнинг ўта зариф ва закий ивсон эканини акс эттирувчи воқеалар таҳлил қилинган. Шоирнинг турли асарларидан парчалар келтирилиб, улар орқали Алишер Навоийнинг сатира ва юморга бўлган муносабати очиб берилган, шунингдек, Навоий наздидаги “ҳазл” ва “ҳажв” тушунчалари ўртасидаги фарқларга эътибор қаратилган.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоирлар номларини тилга олиб, уларга таъриф бераркан, ҳазл ва ҳажв шеърлар ёзишдаги маҳоратини алоҳида таъкидлаган.

Иккинчи боб “Кулгили ҳолат, кулги” деб номланган бўлиб, Алишер Навоий наздида кулгули ҳисобланган ҳолатлар аниқланган. Алишер Навоий учун мунофиқлар, очкўзлар, мақтанчоқлар, такаббурлар, нафсига берилган, ўзида йўқ сифатларни бордек кўрсатадиган ёлгончиларнинг ҳолати ўта кулгулидир. Чунки шоирнинг аччиқ киноя ва кулгу остига олган образлари айнан ана шу ҳолатларда тасвирланган.

Учинчи бобда танқид ва сатира, “кулгисиз” сатира ҳақида гап борган бўлиб, унда Алишер Навоийнинг жамият ҳаётидаги энг салбий жиҳатларни қаттиқ танқид остига олган, кучли ҳажв б-н баён қилинган байтлари таҳлилга тортилган. Мазкур бобда Навоий қаламига мансуб турли рубоийлар ва “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги баъзи боблар ҳажвий тасвирлар мавзуи юзасидан ўрганилган. Шунингдек, шоирнинг “Муншаст” асаридаги мактубларнинг баъзиларида акс этган аччиқ ҳажв ҳам таҳлилга тортилган. Кейинги ўринларда шоир ижодидаги “эопона тил”, сатира ва дидактиканинг ўзаро уйғун келадиган ўринлари ўрганилган.

Ишнинг иккинчи қисмида тадқиқотчи давр, мавзу, адиб, золим ва жоҳил, фосиқ подшоҳларнинг Навоий талқинида намоён бўлишига, рибкор шайхларнинг танқид қилинишига эътибор қаратган.

Дис-янинг учинчи қисмида шоирнинг сатира ва юморда эришган ютуқлари, новаторлигининг намоён бўлиши, Алишер Навоий ва ўзбек адабиётидаги сатира масалалари ўрганилган.

Олим белгиланган режа асосида изчил ва тартибли равишда ўз хулосаларини баён қилган, ҳар бир фикр учун аниқ мисоллар келтирган, қарашларини асослаб берган.

Илмий маслаҳатчи – акад. В.Зоҳидов.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “РИСОЛАИ МУФРАДОТ” АСАРИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ – ўзбек адабиётшуноси Лутфулла Зоҳидовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1970). Дис-яда Навоий даври адабий ҳаётида кенг тарқалган ва маълум аҳамиятга эга бўлган муаммо жанрининг назариясига оид “Рисолаи муфрадот” асари, шунингдек Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллийетига кирган ўзбек тилидаги ва “Девони Фоний”дан ўрин олган форс-тожик тилидаги муаммолари ҳақида маълумот берилган. Шу б-н бирга ишда Алишер Навоийгача ва унинг даврида муаммо жанрида қалам тебратган мумтоз шоирлар ижодига тўхталиб ўтилган, муаммо жанрига яқин турган луғаз ва таърих жанрлари ҳақида ҳам фикр юритилган. Тадқиқот кириш, икки боб, хотима, библиография ҳамда “Рисолаи муфрадот” асарининг танқидий матни, транслитерацияси ва ўзбек тилига таржимаси ҳамда “Наводир уш-шабоб”, “Девони Фоний”, “Рисолаи муфрадот”да келтирилган муаммоларнинг қалли (ечими)ни ўз ичига олувчи иловалардан иборат. Дис-янинг кириш қисмида муаммо жанри ҳақида маълумот берувчи рисола, тазкира, қомусий луғатлар ва мемуар асарларга тўхталиб ўтилади, шунингдек 15-аср адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий ижодида муаммо жанри ҳақида фикр билдирилган илмий асарларнинг қисқача тавсифи келтирилади. Тадқиқотнинг биринчи боби “XV аср адабиётида муаммо жанрининг тараққиёти” деб номланган. Унинг “Муаммо жанрининг тарихи ва муаммо назариясига оид рисолалар” деб аталувчи биринчи фаслида муаммо жанрининг пайдо бўлиш тарихи, мазкур жанр ҳақида яратилган маҳсус рисолалар: Бадиъ Табризийнинг “Иҳё би илми ҳаллал муаммо”, Ш.А. Яздийнинг “Ҳулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғаз”, Абдурахмон Жомийнинг муаммо жанрига доир тўрт рисоласи, Мир Ҳусайн Нишопурий Муаммоийнинг “Рисолаи муаммои Ҳусайний” рисоласи ҳақида маълумот берилади. Бобнинг иккинчи фабли

“Адабиётда таърих ва луғаз жанрлари” деб номланиб, унда муаммо жанрига яқин турувчи таърих ва луғаз жанрлари ҳақида фикр юритилади. Ушбу фаслда келтирилишича, Шарқ адабиётида луғаз муаммодан илгарирок (9-аср) пайдо бўлган, унинг илк намуналари Рудакий ижодида учрайди. Ишда луғаз ва таърих жанрларининг муаммо жанри б-н муносабати: муштарак ва фарқли жиҳатлари ҳақида маълумот берилган, Навоийнинг ушбу жанрларда яратилган шеърларидан айримлари тадқиқ қилинган. Дис-янинг иккинчи боби “Алишер Навоийнинг “Рисолаи муфрадот” асари ва муаммолари” деб номланади. Унинг “Рисолаи муфрадот”га бағишланган биринчи фаслида асарнинг яратилиш тарихи, ёзилиш санаси (1485), таркибий тузилиши, қўлёзмалари ҳақида батафсил фикр юритилади, асарда муаммонинг 3 қисми, 15 амали, 48 услубига доир маълумотлар (жами 121 муаммо) келтирилганлиги таъкидланади. Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Алишер Навоийнинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги муаммолари” деб номланган. Унда Алишер Навоийнинг ўзбек тилида яратган 52 ва форсий тилдаги 373 муаммосининг мавзу қўлами, гоъвий мундарижаси, бадиий хусусиятлари, Навоийнинг муаммо яратишдаги маҳорати масалаларига тўхталиб ўтилган. Бобнинг “Алишер Навоийнинг бадиий асарлари таркибидаги муаммолар” деб номланган учинчи фаслида Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”дан ўрин олган баъзи ғазалларидаги айрим байтларда, радифларга қўйилган сарлавҳаларда, “Тухфат ул-афкор” қасидасида, “Ҳайрат ул-аброр” дostonи сарлавҳалари ва айрим байтларида, “Фарход ва Ширин” dostonида, “Махбуб ул-қулуб” ва “Муншаот”да муаммо унсурларидан фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Ҳамид Сулаймон.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИНИНГ ТИЛИ (Фонетика ва морфология)” – ўзбек тилшуноси У.С.Санақуловнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1971). Мазкур тадқиқотда олим Алишер Навоий “Муҳокаमत ул-луғатайн” асарининг тил хусусиятларини тадқиқ этган. Иш икки йирик қисмни ва библиографияни ўз ичига олган. Дастлабки қисм кириш ва “Муҳокаमत ул-луғатайн”нинг фонетик таҳлилига бағишланган бўлса, иккинчи қисм асарнинг морфологик текширувидан иборатдир.

Киришда тадқиқот муаллифи туркий тил ва унинг учун яратилган турли луғатлар, умуман, луғатшунослик тарихига тўхталиб, “Китоб ал-идрок лил-лисон ал-атроқ”, “Китобу булғат ал-муштоқ фил-луғат вал-кифчоқ”, “Таржумони турки ва араби”, “Ат-тухфат аз-закияти фил-луғатит туркия” ва бошқа асарларнинг номларини санаган. Сўнг шоир таржимаи ҳоли, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихи б-н боғлиқ масалаларга қисқа тўхталгач, Алишер Навоий тилининг ўрганилиш тарихи ҳақида сўз борган. Бу борада яратилган луғатлар – “Бадоеъ ул-луғат”, “Абушқа”, “Луғати Навоий”, “Санглох”, “Мабони ул-луғат” кабиларни санаб, улардаги туркий сўзларни изоҳлашда айнан Алишер Навоий асарлари асос бўлиб хизмат қилгани таъкидланган. Мазкур асарларни замондош тилшунос олимлар, шарқшунослар томонидан ўрганилиши б-н алоқадор маълумотлар ҳам баён қилинган. Асарга нисбатан хорижлик олимларининг қизиқиши катта экани, бир неча марта чоп қилингани таъкидланган. “Муҳокаमत ул-луғатайн”нинг ёзилиши даври ва асарнинг тузилиши ҳақида олим ўз нуқтаи назарини баён қилгач, рисолаининг қуйидаги тузилишга эга эканини кўрсатиб ўтган:

1. Тилнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳақидаги фалсафий карашлар: а) тилнинг жамиятда тутган ўрни ва таъсир кучи; б) тилларнинг ўзаро муносабати;
2. Туркий-ўзбек ва форс-тожик тили лексикасини чоғиштириш: а) синонимлар; б) омонимлар;
3. Тилдаги баъзи морфологик категориялар: а) от ва унинг ясалиши; б) феъл ва унинг ясалиши; в) сифат ва унинг ясалиши.
4. Ўзбек тили ва адабиётини даврлаштириш масаласи.

Хотима: асарнинг ёзилиш мақсади ва муаллифнинг ўқувчидан талаби. Мазкур таснифдан сўнг тадқиқотчи асарда учрайдиган фонетик ҳодисаларни таҳлил қилган.

Дис-янинг “Морфология” қисмида олим асарда учрайдиган барча сўзларни ўз лексик-грамматик белги-хусусиятларига кўра от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл каби мустақил ва кўмакчи,

боғловчи, юклама, ундов, модал каби ёрдамчи сўзларга ажратишни таклиф қилган ва шу асосда барча сўзларнинг морфологик хусусиятларини таҳлилга тортган.

От суя туркумининг семантикаси қисмида унинг 12 тури саналган ва ҳар бирига аниқ мисоллар келтирилган. Жумладан, қариндошлик ва жинс билдирувчи отлар, ҳайвон ва қуш-парранда билдирувчи отлар, от-улов абзаллари ва унинг қисмларини англатувчи отлар, уруш (жанг) соҳасига хос отлар, бош кийим номлари, мансаб-ҳунар билдирувчи отлар, уй ва унинг қисмларини англатувчи отлар, озиқ-овқат, ичимлик номлари, тана аъзолари номлари, астрономия, атмосферик ва географик номлар, атаб қўйилган шахс номлари, тахаллуслар, абстракт тушунчаларни англатувчи отлар. Шунингдек, отнинг жинс, аниқлик ва ноаниқлик, кўплик, эгалик, келишик каби категориялари баён қилинган, отларнинг ясалиши б-н боғлиқ фикрлар илгари сурилган.

Шу тариқа, олмош, сон, сифат, феъл, модал сўзлар, боғловчилар, кўмакчилар, ундовлар ҳам ўрганилган. Тадқиқотчи қўйилган ҳар бир масалага атрофлича, чуқур ёндашган.

Масалан, феълга бағишланган қисм ишда салмоқли ўрин олган. Феълнинг даражалари, майллари, феъл замонлари, уларнинг лексик турлари, феълнинг хосланган шакллари аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил этилган.

Хулосада “Муҳокамат ул-луғатайн”да қўлланган тил фактлари лексик, фонетик, морфологик жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, уларнинг бир қисми қўлланиш жиҳатидан истеъмолдан чиқаётган ёки тамоман архаизмлашган бўлса, бир қисми замонавий ўзбек тилида кенг истеъмолда экани айtilган.

Шунингдек, келтирилган фактларнинг ўрганилиши эски ва ҳозирги ўзбек тили тарихини, тараққиётини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ” – ўзбек тилшуноси Аҳмад Каримовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1973). Дис-яда Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик, стилистик ва поэтик хусусиятларини монографик планда тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш қисми, икки боб, хулоса ва адабиётлар рўйхати ҳамда олти мингга яқин сўздан ташкил топган луғатни ўз ичига олувчи иловадан иборат. Дис-янинг кириш қисмида ўша давр туркологияси ва ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари, Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг аҳамияти, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, мавзунинг ўрганилганлик ҳолати, тадқиқот учун асос бўлган манбалар ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг биринчи боби “Фарход ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари” деб номланади. Бобда асарнинг луғавий таркиби икки қисмга: ўз қатлам ва ўзлашган қатламга ажратиб тасниф қилинади. Ўз қатламга доир бўлимда “Фарход ва Ширин” достонида қўлланилган 12–14-асрларга оид умумтуркий сўзлар (масалан, ўкуш, черик, йармак, авуч, яфрот, йигит, бўала ва б.) ҳамда Навоий даврида ва ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол истеъмолда бўлган сўзлар (бош, балиғ, кема, иш, йўл, пичоқ, тириклик ва б.) ҳақида маълумот келтирилади, улар англатган тушунчасига кўра бир неча маъно гуруҳларига бўлиб таснифланади. Ўзлашган қатламга оид бўлимда “Фарход ва Ширин” достонида қўлланилган араб ва форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари тадқиқ қилинади. Араб тилидан ўзлашган сўзлар диний-мифик атамалар (тилсим, кофир ва б.), сиёсий-маъмурий ва ҳуқуқий атамалар (мулк, давлат, ҳужжат, ҳукм ва б.), ҳарбий атамалар (салоҳ, разм, фатҳ ва б.), илмий-маърифий, адабий атамалар (ҳикмат, риёзиёт, мантиқ, назм, ғазал ва б.), маиший (шамъ, ҳужра, бистар, сандиқ ва б.), савдо-иқтисодий (мол, маҳзан, нақд, дирам ва б.), касб-ҳунарга оид (хозин, сарроф, наққош, атиббо ва б.) ва ҳ.к. гуруҳларга ажратиб таснифланади. Бўлимда форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар ҳам шу тарзда маъно гуруҳларига ажратиб таснифланган. Дис-янинг иккинчи боби “Фарход ва Ширин” достони тилининг стилистик хусусиятлари” деб номланган. Унда “Фарход ва Ширин” достони стилистикаси бир неча бўлимларга бўлиниб, тадқиқ қилинади: 1) кўчма маъноли сўзлар ва уларнинг бадий-стилистик функцияси; 2) предмет ва ходисаларнинг атамаси бўлган кўчма маъноли сўзлар; 3) образли кўчма маъноли сўзлар; 4) индивидуал-стилистик

кўчма маъноли сузлар; 5) омонимлар ва уларнинг стилистик хусусиятлари; 6) синонимлар ва уларнинг стилистик хусусиятлари; 7) антонимлар ва уларнинг стилистик хусусиятлари. Дис-яда ушбу ҳодисаларнинг ҳар бири дostonдан олинган парчалар мисолида далилланган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади.

Илмий раҳбар – ЎзФА мухбир аъзоси, ф.ф.д., проф. Ғ.Абдурахмонов.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИ ВА УНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ” – Ўзбек адабиётшуноси Содир Эркиновнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1974). Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сининг иккинчи достони ҳисобланмиш “Фарҳод ва Ширин” ғоявий ва бадиий жиҳатдан таҳлил қилиниб, достоннинг шу мавзуда яратилган бошқа асарлар б-н қиёсий тадқиқи бош мақсад қилиб олинган. Илмий тадқиқот кириш, асосий қисми ташкил этувчи етти боб, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, тадқиқот объекти ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг биринчи боби “Фарҳод қиссасининг шаклланиши ва Навоийгача бўлган эволюция тарихи” деб аталиб, икки бўлимни ўз ичига олади. Унинг биринчи бўлимида Фарҳод ҳақидаги қиссанинг мифологик ва фантастик манбалар асосида шаклланишига эътибор қаратилади. Унда айтилишича, Фарҳод номи б-н боғлиқ кўплаб афсоналар, ёдгорликлар ва жой номлари сақланиб қолган бўлиб, уларда Фарҳод асосан тоғ қазувчи тимсол (аввал дев, кейин инсон) сифатида гавдалантирилган ва бу кейинчалик адабиётда Фарҳод тимсолининг асосий белгисига айланган. Бобнинг иккинчи бўлимида Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқлари ад-тида Фарҳод тимсолининг тадрижий тараққиёти б-н боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Диссертантнинг фикрича, Фарҳод образи адабий қаҳрамон сифатида 11–12-асрлардан бошлаб бадиий ад-тта кириб келган. Лирик шеърларда ошиқ тимсоли сифатида куйланган бу обраа лиро-эпик асарларда ижтимоий моҳият касб эта бошлаган. Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достонидан бошлаб Фарҳод образи дoston муаллифларининг ижтимоий идеали сифатида акс эттирилади. Тадқиқотнинг иккинчи боби “Фарҳод ва Ширин”да эпик поэзия анъаналари масаласи” деб номланиб, унда Алишер Навоийнинг эпик поэзия анъаналарига муносабати “Фарҳод ва Ширин” достони мисолида очиб берилади. Диссертантнинг таъкидлашича, Навоий дostonда ўзигача бўлган Шарқ маснавийнавислигидаги мавжуд қаҳрамонлик ва романтик дostonларга хос анъаналардан фойдаланган, ўз дostonидаги тимсолларни халқ қаҳрамонларига хос хислатлар б-н зийнатлаган.

Учинчи боб “Фарҳод образи талқинида ҳаётийлик ва фантазия” деб аталади. Унда Фарҳод образи эволюцияси салафлар дostonларидаги шу номли тимсолларни қиёсан ўрганиш орқали кўрсатиб берилган. Навоий, Низомий, Деҳлавий ва Ориф Ардабийий қаҳрамонларини қиёслаш орқали “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Фарҳод тимсолининг дунёвий жиҳатларига эътибор қаратилади, унинг учун инсонларга наф келтириш тирикликнинг асоси эканлиги таъкидланади.

Тўртинчи боб “Фарҳод ва Ширин”да севги ва садоқат фалсафаси” деб номланган. Тадқиқотчининг фикрича, инсоннинг инсонга муҳаббати ва инсоннинг Яратганга муҳаббатини бир-бирига зид қўйиш тўғри эмас, бу икки ҳодиса бир-бирини тақово қилувчи ва бири иккинчисидан ўсиб чиқувчи туйғулардир. Бобда Фарҳод, Ширин ва Хусрав тимсоллари мисолида муҳаббат ва садоқат масалалари тадқиқ қилинган. Дис-янинг “Гуманизмнинг Навоийча инкишофи” деб аталувчи бешинчи бобида Алишер Навоий гуманизмининг ижтимоий-тарихий мотивлари ҳақида сўз боради. Унда айтилишича, ҳар қандай урушлар, улар қайси жамятда ва қандай мақсадда бўлмасин, ижобий баҳоланишга ҳақли эмас. Бу ҳолатни Навоий Хусравнинг Ширин мамлакатига “ишқ дофи”ни уриб, лашкар тортганида Фарҳоднинг муносабати орқали кўрсатиб беради. Дис-яда бу мотивлар дostonдан олинган парчалар орқали далилланган. Тадқиқотнинг олтинчи боби “Навоий маҳоратининг лиро-эпик жилоси” деб аталади. Унда дoston бадииятини ўрганиш орқали Навоийнинг бадиий маҳоратини очиб беришга ҳаракат қилинган. Бобда келтирилишича, дostonдаги ҳар бир тимсол, қўлланилган ҳар бир санъат ва поэтик усул унинг ғоясини очиб беришга хизмат қилган. Дostonда қаҳрамонларнинг монологи, диалоги ва мактублари уларнинг ички дунёсини

акс эттиришга йуналтирилган бўлса, ҳар бир бобнинг бароати истеҳлол санъати қўлланилган байт б-н бошланиши воқеалар ривожининг кейинги тадрижга ишора қилади. Ишда, шунингдек, Навоийнинг портрет яратиш маҳоратига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Дис-янинг сўнгги еттинчи боби “Навоий анъаналарининг Шарқ адабиёти тарихидаги ўрни” деб номланади. Унда келтирилишича, Навоий асарларининг шухрати ўз давридаёқ бутун Шарқ дунёсида кенг ёйилган бўлиб, унинг асарлари 16-асрларда грузин ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинган. Ўзбек ад-тида 18–19-асрларда Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонига жавобан ёзилган достонлар вужудга келган. Салоҳийнинг “Тул ва Булбул”, Очилдимурод Мирийнинг “Мажидиддин ва Фахруннисо” достонларида Навоий достонларида қўлланилган тасвир усуллари ва тамойилларидан фойдаланилган. Шунингдек, бобда “Фарход ва Ширин” достонига ёзилган насрий вариантлар, халқ китоблари, таржималар ва достонлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади. Илмий маслаҳатчи – Оз.ФА акад., ф.ф.д., проф. Ҳ.Арасли.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “САБЪАТ АБХҲУР” АСАРИ” – ўзбек адабиётшуноси Ботирбек Ҳасановнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1974). Дис-яда Алишер Навоийга нисбат берилган “Сабъат абхур” асарини лексикографик жиҳатдан таҳлил қилиш беш мақсад қилиб олинган. Унда араб лексикографиясининг қисқача тарихи, асар муаллифи, асарнинг қўлёзма нусхаси, тузилиши ва манбалари, мазмуни ва характеристикаси б-н боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Илмий тадқиқот кириш, асосий қисми ташкил этувчи тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, масаланинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг биринчи боби “Араб лексикографияси тарихидан” деб номланади. Унда араб тилининг биринчи изоҳли луғатлари “Ал-Борий”, “Қомус” каби луғатдан тортиб, Қуръони карим сўзларига тузилган “Ғариб ал-Қуръон” луғати, уларнинг таркиби, ҳажми ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, бобда эски манбаларда араб тилида яратилган манбалар иккига ажратилиб тасниф қилинганлиги айтилади: 1) товуш эътибори б-н тузилган луғатлар; 2) сўзларнинг маъно эътиборидан тузилган луғатлар. Бобда араб изоҳли луғатлари мактабларга ажратилиб ўрганилганлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилган ва тўртта мактаб ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг иккинчи боби “Сабъат абхур”нинг муаллифи ҳақида” деб аталади. Унда “Сабъат абхур” луғати қўлёзмасининг топилиши ҳақида батафсил маълумот берилган. Тадқиқотда ушбу қўлёзманинг хутба ва хотима қисмида котиб Аҳмад ибн Али Дамашкий Манинийнинг ушбу асар муаллифи мир Алишер Навоий экани ҳақидаги жумласи асосий далил сифатида келтирилган. Шунингдек, олим “Сабъат абхур”нинг олти нусхасини ўрганиб чиққани, шулардан учтасида муаллиф номи зикр этилмагани, иккитасида Навоий, яна бирида эса Маниний муаллиф деб қайд қилинганини аниқлаган. Бобда асарнинг муаллифи б-н боғлиқ баҳсларга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Сабъат абхур”нинг Аё -София қўлёзма нусхаси, асарнинг тузилиш сабаби манбалари” деб номланган. Тадқиқотчи мазкур бобда Навоийнинг араб тилини чуқур билгани б-н боғлиқ асосларни келтирган, асарнинг “Сабъат абхур” – “Етти денгиз” деб аталишига сабаб араб луғатшунослигига мансуб етти китобнинг мазкур асар учун манба бўлганлиги айтилиб, қуйидаги манбалар саналган:

- 1) Жавҳарийнинг “Саҳоҳ” изоҳли луғати;
- 2) Соғонийнинг “Такмила” луғати;
- 3) Замахшарийнинг “Кашшоф” (Қуръон тафсирига оид) асари;
- 4–5) Ибн Ҳожибнинг грамматикага оид “Муфассал” (иккита мукаддима ва шарҳлар);
- 6) “Ғаройиб ул-ҳадис” – ҳадис сўзларига тузилган луғатлар;
- 7) турли муаллифлар, девон, рисола ва бошқа асарларнинг шарҳлари.

Улар шартли равишда “Завойид” номи б-н аталган. Сўнг асар таркибидан баъзи парчалар таржима қилиб келтирилган. Луғат маколалари учун олинган манбалар номи берилган, баъзи арабий сўзларнинг луғавий изоҳлари келтириб ўрганилган.

Ишнинг тўртинчи боби “Сабъат абхур”нинг маъмуни ва характеристикаси” деб номланган бўлиб, унда асарнинг таркибий тузилиши ҳақида сўз борган. Арабий ҳарфларнинг ҳар бири бутун бошли боб сифатида олинган ва уларга келтирилган сўзлар ҳақида олим қисқача тўхталган. Унга кўра, луғат лексикасининг асосий қисмини уч ҳарфли ўзаклар ташкил қилади (6451 луғат мақола). Миқдор жиҳатдан иккинчи ўринни тўрт ҳарфли ўзаклар эгаллайди (2056 та). Учинчи ўринда беш ҳарфли ўзаклар туради (94 луғат мақола). Араб тилига четдан кирган кам истеъмолдаги сўзлар олти (1 луғат мақола) ва етти ҳарфли (2 луғат мақола) сўзлардир. Диссертант хулосасига кўра, Алишер Навоийнинг маъмур асари араб луғатшунослиги ривожланиши сусайган даврда вужудга келганлиги б-н алоҳида аҳамият касб этиб, араб лексикографияси тарихида Жавҳарийнинг “Саҳох” ва Фирузободийнинг “Қомус” луғатлари б-н бир қаторда туради.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Ҳ.Сулаймон.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ТРАДИЦИЯЛАРИ АБДУРАҲИМ НИЗОРИЙ ИЖОДИДА (ЎЗБЕК-УЙҒУР АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИГА ДОИР)” – ўзбек адабиётшуноси Рўзиева Дилбар Муқимовнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1974). Дис-яда ўзбек-уйғур адабий алоқалари Алишер Навоийнинг уйғур шоири Абдураҳим Низорий ижодига таъсири мисолида талқин қилинган. Тадқиқот кириш, икки боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Дис-янинг кириш қисмида уйғур-ўзбек адабий алоқалари, хусусан, Абдураҳим Низорий ижодий меросини ўрганишга доир адабиётлар тавсифи келтирилган.

Дис-янинг биринчи боби “Абдураҳим Низорий ва унинг адабий мероси” деб номланган. Унда уйғур шоири Абдураҳим Низорий ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим маълумотлар келтирилади, адабиётшуносликда илк бор ушбу шоир биографиясини яратишга ҳаракат қилинади. Унга кўра, Абдураҳим Низорий 18-аср охири – 19-аср биринчи ярмида Қошғарда фаолият юритган шоир ва хаттот бўлиб, бир неча асар ва мадрасалар учун қўлланмалар муаллифидир. У мадрасада таҳсил бериш жараёнида Навоий ғазалларидан баъз тартиб берган, Навоий асарлари, хусусан, “Хамса”сини бир неча марта китобат қилган. 1825–1830 й.да Алишер Навоийнинг ижодий меросини тўла ҳолда бир неча нусхада кўчиради. Улардан бири 1970 й.да Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейига келтирилган. Ҳажман 678 саҳифадан иборат ушбу қўлёзма йирик ҳарфлар б-н кўчирилган, ундан Навоийнинг 18 асари ўрин олган. 1841–1845 й.да Низорий Навоий “Хамса”сига ўхшаш асар яратишга уринади ва шу тариқа унинг “Ғариблар ҳикояти” тўплами вужудга келади. Дис-яда ушбу тўпламнинг нусхалари, таркибий тузилиши ва ғоявий маъмуни ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Дис-янинг иккинчи боби “Алишер Навоий меросининг Абдураҳим Низорий ижодига таъсири” деб номланган. Унда “Ғариблар ҳикояти” таркибига кирувчи “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” дostonлари Навоийнинг шу номдаги дostonлари б-н қиёсан тадқиқ қилинади ва шу асосда Низорий ижодига анъанавийлик ва новаторлик масалалари ёритилади. Диссертант Навоий ва Низорий дostonларини қиёсан урганиб, улардаги умумий жиҳатларга тўхталиб ўтади, сюжет ва композицион қурилишдаги ўхшашликларни қайд қилади. Низорий Навоий дostonларининг ғоявий йўналишини асосан сақлаб қолгани ҳолда уларга баъзи ўзгаришлар киритади, кириш ва хотима бобларни қисқартиради, баъзи эпизодларни ташлаб юборади. Дис-яда бу ҳолатлар батафсил таҳлил қилинган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилган.

Дис-я мавзуси бўйича ёш олимлар илмий конференциясида маъруза қилинган, илмий тўплам ва журналларда 5 та мақола эълон қилинган, шунингдек Низорий шеърлари ва дostonларидан иборат тўплам нашр қилинган. Илмий раҳбар – ф.ф.н., доц. У.Маматохунов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ” АСАРИНИНГ ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ – ўзбек матншунос олими Латиф Халиловнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган дис-яси (1975). Ишда Навоийнинг Шарқ тарихшунослиги анъаналари асосида ёзилган “Тарихи мулуки Ажам” ва унинг қўлёзмалари ўрганилган. Тадқиқот кириш, икки асосий

боб, адабиётлар, курсаткичлардан иборат. Ишнинг натижаси дис-яга илова қилинган илмий-танқидий матнда акс этган.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқотнинг мақсади, янгилиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Шунингдек, дис-я ёзилган даврга қадар амалга оширилган илмий тадқиқотлар номлари саналган.

Ишнинг биринчи боби “Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарининг қўлёзма нусхалари” деб номланган бўлиб, дастлаб олим асарнинг ёзилиш даври ва жойига тўхталган. Олим “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки Ажам”ни икки мустақил асарлар деб ҳисоблайди. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”нинг 7, “Тарихи мулуки Ажам”нинг 19 қўлёзма нусхаси маълум эканини айтган. Хусусан, “Тарихи мулуки Ажам” қўлёзма нусхалари Тошкент, Душанбе, Ленинград (ҳоз. Санкт-Петербург), Истанбул, Париж кутубхоналарида сақланишини билдириб, асарнинг Тошкентда сақланаётган 9 нусхасининг кўчирилган вақти, инв. рақамларини келтирган. Бундан ташқари, Ленинградда сақланаётган нусхалар тўғрисида гапириб ўтилгач, уларнинг баъзиларига тавсиф берилган. Хусусан, қўлёзмаларнинг рақами, сақланиш ҳолати, қандай китобат қилингани, қачон ва ким томонидан кўчирилгани баён қилинган.

“Тарихи мулуки Ажам”нинг XVIII – XIX асрларда Европа нашрлари” деб аталган фаслда француз шарқшуноси Катрмернинг “Муҳокамат ул-луғатайн”ни 1841 й.да чоп қилдиргани, “Тарихи мулуки Ажам”нинг усмонли турк тилига 1861 й.даёқ таржима этилгани маълумот берилган. Асарнинг усмонли туркчага ўтирилган варианты аслияти б-н қиёсланган ва таҳлил қилинган.

“Тарихи мулуки Ажам”нинг танқидий матнини тузиш принципи ва текст танқиди” деб аталган фаслда асарнинг маълум 19 қўлёзма нусхаси уч гуруҳга бўлиб таснифланган:

1. “Тарихи мулуки Ажам”нинг 1523–1526 й.ларда Ҳиротда кўчирилган ва айна пайтда Париж миллий кутубхонасида Suppl.turc № 316–317 рақами остида сақланаётган куллиёти таркибидаги нусхаси киритилган. Бу нусханинг хати чиройли, турли хатолардан холи экани, орфографик хусусиятларига кўра илмий-танқидий матн учун таянч нусха сифатида қабул қилинган ва шартли “А” белгиси қўйилган.

2. Иккинчи гуруҳга турли даврларда кўчирилган, энг мўътабар, яхши сақланган ва матни тўлиқ бўлган қўлёзма нусхалари киритилган. Бу гуруҳга киритилган қўлёзмалар: 1) “Тарихи мулуки Ажам”нинг 18-асрда кўчирилган ва академик В.Зоҳидовнинг хусусий кутубхонасида сақланаётган қўлёзма; 2) Абу Райҳон Беруний номидаги ЎзФА шарқшуновлик институтида 185 инвентарь рақами остида сақланаётган 1850 йил кўчирилган нусха; 3) Ленинград Салтиков-Шчедрин номидаги Халқ кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида 558 рақамли 1595–1596 й.да кўчирилган куллиёт таркибидаги “Тарихи мулуки Ажам” нусхаси; 4) Истанбулдаги Тўпқоли музейи Реван кутубхонасида 808 рақам б-н сақланаётган Ҳиротда 1495–1496 й.да кўчирилган қўлёзма.

3. Учинчи гуруҳга эса қолган барча қўлёзмалар киритилган.

Тадқиқотчи “Тарихи мулуки Ажам”нинг илмий-танқидий матнини тузиш жараёни ҳақида гапирар экан, матннинг “А” нусхасини бугунги алифбога кўчириб чиққани ва бошқа нусхалар асосида тўлдириб борилганини айтган. Сўнг матнлар ўртасидаги фарқларни, тўлдирилган қисмларни кўрсатиб ўтган. Танқидий матн аппаратида кўрсатилган ва кўрсатилмаган фарқлар очиб берилган. Шунингдек, танқидий матн тузишда ишлатилган барча шартли белгилар маълум қилинган.

“Тарихи мулуки Ажам”нинг тарихий-адабий қиймати” бобида олим асарни тарих ва ад-т нуқтаи назаридан текшириб, унинг аҳамиятини белгилашга ҳаракат қилган. Дастлаб асарнинг яратилиши сабабларига тўхталган олим “Тарихи мулуки Ажам” ўз даврининг эҳтиёжи ҳосиласи ўлароқ ёзилганини эътироф этган. Яъни Ҳусайн Вайқаро давлатида юз бераётган турли келишмовчиликлар, фитналарнинг оқибати яхши бўлмаслигини шоир ушбу асари орқали аниқроқ акс эттиришни истаган. Навоий Эрон шоҳлари тарихини ёритишда Насириддин Абу Саид Қози Байзавийнинг “Низомут таворих” ҳамда “Тарихи Табарий”, “Тарихи Банокатий”, “Тарихи Гузида”, “Насиҳат ул-мулук”, “Жомеъ ут-таворих” асарларидан фойдалангани матн мазмунига – шоирнинг ўз эътирофига биноан аниқланган.

Дис-яда Алишер Навоий мурожаат қилган асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида мухтасар маълумотлар берилган. Хусусан, Табарий, Ғаззолий, “Тарихи гузида” асари муаллифи Ҳамидулло бинни Абу Бакр Аҳмад ал-Қазвиний кабилар ҳақида тўхталган, Навоий Ғаззолийнинг “Насиҳат

ул-мулук” асари услубидан фойдалангани, хусусан, асарнинг шакли ва шеърларини сақлагани, Ғаззолий келтирган шеърларни араб ва форс тилларидан таржима қилгани б-н боғлиқ маълумотлар аҳамиятлидир.

Иш сўнгида умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илмий кўрсаткич ва “Тарихи мулуки Ажам”нинг илмий-танқидий матни берилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Ҳ.Сулаймонов.

“АЛИШЕР НАВОЙИ: БАДИЙ ИЖОД ВА ЁЗУВЧИ МЕҲНАТИ (Улуғ шоирнинг эстетик қарашларига доир)” – ўзбек адабиётшуноси Ҳасан Қудратуллаевнинг филология фаълари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1975). Иш кириш, уч боб ва хулосадан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида навоийшуносликда амалга оширилган ишлар тилга олинган ва тадқиқотнинг мақсади кўрсатилган. Биринчи боб “Навоий адабиёт вазифалари тўғрисида” бўлиб, унда қўйилган масала муайян тарзда ёритилган.

“Адабиётни инсониятга, даврга хизмат қилдириш учун кураш” деб номланган фаслида масалага атрофлича ёндашишга ҳаракат қилинган. Шоирнинг асарларидаги дидактик нуқталар аниқ иқтибослар асосида кўриб чиқилган, аммо Навоийнинг жамиятдаги шоҳ вазифасининг аҳамияти, диний илмларга бўлган ҳурмати унинг феодал ахлоқ нормаларидан чиқиб кета олмагани б-н боғланган.

“Навоий сўз ҳақида” деб номланган фаслда шоирнинг сўз, ундан фойдаланиш, сўзнинг аҳамияти, сўзни бадиий идрок этиш б-н боғлиқ фикрлари таҳлилга тортилган.

“Навоий хат, хаттотлик, мусиқанинг адабиётга алоқаси ҳақида” деб аталган фаслда Навоий давридаги хаттотлик, китобатчилик санъати, мусиқанинг ривожи ва аҳамияти тўғрисида сўз борган. Хат, хаттотлик, рассомликнинг тараққий топгани, санъат даражасида қабул қилингани Навоий ижодида ўзига хос тарзда акс этгани очиб берилган. Илгари сурилган фикрларни исботлаш учун “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳамсатул мутаҳаййирин”, “Муншаот” асарларида котиблар ва бошқа санъат вакиллари ҳақидаги фикрларга мурожаат қилинган.

Ишнинг иккинчи боби “Алишер Навоий бадиий маҳорат ҳақида” деб номланган бўлиб, унда шоирнинг адабий маҳорат ҳақида турли асарларда турли муносабатлар б-н билдирган фикрлари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Учинчи бобда иккала бобдаги фикрлар умумлаштирилган, мантақан давом этирилган, хулосада эса умумий қарашлар ёритилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. И.Султонов.

“АЛИШЕР НАВОЙИ “ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИНИНГ ГЕНЕЗИСИ, ҒОЯВИЙ-БАДИЙ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ” – ўзбек адабиётшуноси Шарафитдин Шариповнинг филология фаълари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1976, рус тилида). Дис-яда “Лисон ут-тайр” асарининг ёзилиш тарихи, хос жиҳатлари ва бадиияти таҳлил этилган.

Тадқиқот кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида навоийшуносликда амалга оширилган мавзуга алоқадор илмий изланишлар тилга олинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари кўрсатиб берилган, хусусан:

- “Лисон ут-тайр” типидagi асарларнинг генезисини аниқлаш.
- “Лисон ут-тайр” достонининг жанр хусусиятларини, ғоявий мундарижасини ва образлар тизимини тадқиқ қилиш.
- Достон таркибидаги ҳикояларни мавзу ва ғоя жиҳатдан таҳлил қилиш ва шоирнинг ҳикоячиликдаги маҳоратини кўрсатиб бериш.
- “Лисон ут-тайр” достонининг бадиий-поэтик хусусиятларини ўрганиш.
- Юқорида қўйилган масалалар фонида “Лисон ут-тайр” достонининг Алишер Навоий эпик ижодидаги ўрни ва ўзбек мумтоз адабиётидаги мақомини белгилаш.

Дастлабки бобда Шарқ адабиётида “Қуш тили” йўналишидаги асарларнинг шаклланиш тарихи тўғрисида сўз юритилган. Олим ушбу асар генезисини Навоийдан аввалги манбалар – Ибн Сино, Муҳаммад Ғаззолий ва Фаридиддин Аттор асарларидан излайди, айнан қушлар мавзуси, қушлар

воситасида фалсафий фикрларни баён қилиш масаласи уларнинг ижодий фаолиятида ўзига хос ўрин тутганини кўрсатиб берган.

Иккинчи боб “Лисон ут-тайр” достонининг мавзу ҳамда ғоявий мундарижаси ва образлар тизимини тадқиқ қилишга бағишланган. Муаллиф “Лисон ут-тайр” достони Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” достонига нисбатан жавоб тарзида битилгани, унинг мумтоз адабиётимизда муҳим ўрин тутиши ва ўрганишнинг бугунги кундаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган.

Олимнинг айтишича, асар 193 боб, 3598 байтдан иборат. Асар ҳамд, муножот, наът, султonga мадҳ б-н бошланган. Ҳамд ва муножот қисми собиқ Шўро тузуми мафқураси асосида талқин қилинган.

Кейинги бобларда достонда келтирилган ҳикоятлар, асарнинг бадиияти б-н боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Б.Валихўжаев.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ” – ўзбек адабиётшуноси Маллаев Натан Муратовичнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1978). Унда Алишер Навоий ижодида халқ оғзаки ижодининг ақс этиши ва шоир ижодининг халқ оғзаки ижодига кўрсатган таъсири таҳлилга тортилган. Иш кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, олим ҳар бир қўйилган масалага соф адабий воқелик сифатида ёндашган.

Ишнинг кириш қисмида қўйилаётган муаммонинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилиш тарихи, тадқиқотнинг тузилиши, мақсади, манба ва адабиётлар ҳақида тўхталиб ўтилган.

Биринчи боб “Навоий ижодида халқ оғзаки ижодининг ғоявий-эстетик асослари” деб номланган бўлиб, уч йирик фаслдан иборат. Биринчи фаслда Навоий ижодининг халқ ҳаёти ва урф-одатлари б-н ўзаро алоқадорлиги таҳлилга тортилган. Олим дастлаб бу борада амалга оширилган ишлар номларини келтириб, уларга ўз муносабатини билдирган. Давр талаби б-н ҳар бир масалага собиқ Иттифоқ ғоялари асосида ёндашилган. Шундай бўлса-да, тадқиқотчи келтирган далил ва фактлар маълум маънода бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Масалан, халқ оғзаки ижоди намуналари ва шоир ижодининг қиёсан ўрганилиши масаласи бугунги кунда ҳам долзарбдир.

“Навоий Утопияси” деб номланган фаслда олим шоир халқ орау-истаклари Навоий асарларида ақс этганини исботлаш учун “Ҳамса” достонларидаги тасвирлар ақс этган байтларни мисол тариқасида келтирган.

“Ҳаёт картинаси ва унинг халқ ҳаётига боғлиқ асослари” деган фаслда шоир ижодининг турли ўринларида халқ оғзаки ижоди ва халқ ҳаёти б-н яқинлик халқ маиший ҳаёти деталларидан бадиий фойдаланишда куринган деб хулоса қилинган.

Тадқиқотчи Навоий ижодининг халқ урф-одатлари ва анъаналари б-н муносабати таҳлили масаласига формал ёндашган: шоир халқ ҳаётидаги турли урф-одат ва анъаналардан бадиият воситаси сифатида фойдаланган, деб хулоса чиқарган.

“Халқ санъати” деб номланган қисмда эса шоир асарларида ақс этган тасвирлар воситасида халқ театрининг унсурлари изланган, ғазаллардан шундай эпизодларни ақс эттирувчи байтлар, достонлардан парчалар келтирилган.

Дис-яда Алишер Навоий халқ оғзаки ижодининг йирик тадқиқотчиси, чуқур билимдони сифатида таърифланган ва бу масала алоҳида фаслда тадқиқ қилинган. Олим қўйидаги муаммоларни белгилаб олган ва шу доирада изланиш олиб берган:

- халқ поэтикаси ва Навоий ижодининг ўзаро алоқаси;
- Навоий халқ поэтик ижодининг фойдаланувчиси сифатида;
- Навоий халқ оғзаки поэтик ижоди тадқиқотчиси сифатида.

Ишнинг иккинчи боби “Алишер Навоий ва мифология” деб номланган бўлиб, унда шоир ижодида учрайдиган мифологик образ ва тушунчалар халқ оғзаки ижоди б-н боғлиқ тарада таҳлил қилинган. Олим миф ва мифология тушунчасини атрофлича таърифлагач, тарихий асарлар, илмий фаразлар, бадиий ад-т ва диний манбаларни шоир ижодидаги мифларнинг асосий манбаи сифатида кўрсатган. Тадқиқотчи Навоий ижодида яхшилик, ёвузлик, мангулик ва космогоник мифлар бор деб ҳисоблайди.

Н. Маллаевнинг фикрича, Каюмарс, Хушанг, Тахмурад, Жамшид Навоий ижодидаги эзгулик мифларидир. Олим Навоийдан олдинги ва кейинги манбаларда мазкур образларга бўлган муносабатга ҳам эътибор қаратган. Исо Масиҳ (а.)ни мангулик мифи сифатида, девлар, Аҳриман дев, Хусрав ва Яъжуж-Маъжужни ёвузлик мифи, Муштарий, Зухал, Зухро, Баҳром ва Аторудни космогоник мифлар сифатида санаб ўтган.

Учинчи боб “Хамса” қаҳрамонларининг фольклордаги асослари” деб номланган бўлиб, унда “Хамса” дostonлари қаҳрамонларининг халқ оғзаки ижодида акс этиши б-н боғлиқ масалалар ўрганилган. Хусусан, қуйидаги муаммолар қўйилган:

- “Хамса” қаҳрамонларининг халқ оғзаки ижодидаги манбалари ва асосларини ёритиш ва аниқлаш;

- “Хамса” қаҳрамонлари мисолида тарих ва бадиий ад-тнинг ўзаро муносабати, шахсларнинг тарихдан бадиий ад-тга “кўчиб ўтиш” масаласини таҳлил қилиш;

- “Хамса” қаҳрамонларининг эволюцияси, уларнинг халқ оғзаки ижодидаги ўрни ва роли;

- Навоий ва унинг салафлари асарларидаги қаҳрамонларни халқ оғзаки ижоди б-н боғлиқ қўринишда қиёслаш ва ҳ.к.

“Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларидаги бош қаҳрамонлар халқ оғзаки ижоди б-н боғлиқ равишда таҳлил этилган ва қўйилган масалаларга муайян хулосалар берилган.

Кейинги бобларда Навоий асарларида келтирилган ҳикояларнинг халқ оғзаки ижоди б-н алоқадорлиги, тасвирларнинг умумийлиги, Навоий дostonларининг халқ орасидаги вариантлари тадқиқ қилинган.

Н. Маллаевнинг мазкур иши услуб ва илмий ёндашув жиҳатдан пишиқ-муштаҳкам бўлса-да, лекин собиқ Совет тузумидаги мафкурага асослангани унинг чекланиб қолишига сабаб бўлган. Шунга қарамай, мазкур дис-я ўша давр руҳи ва қарашларини акс эттиргани б-н алоҳида аҳамиятга эга.

“ТУРКИЙ ТИЛЛИ АДАБИЁТДА АЛИШЕР НАВОИЙ “МАЖОЛИС УН-НАФОИС” АСАРИ АНЪАНАЛАРИ (СОДИҚБЕК СОДИҚИЙНИНГ “МАЖМАЪ УЛ-ХАВОС” ТАЪКИРАСИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)” (ТРАДИЦИИ “МАДЖАЛИС УН-НАФАИС” АЛИШЕРА НАВОИ В ТЮРКОЯЗЫЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ) – ўзбек адабиётшуноси Қобулова Раъно Васильевнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1979, рус тилида).

Мазкур ишда Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” таъкирасида асос қилиб олинган адабий анъаналарнинг туркий адабиётда давом эттирилиши б-н боғлиқ масалалар Содиқбек Содиқийнинг “Мажмаъ ул-хавос” таъкираси мисолида тадқиқ этилган. Дис-я кириш, икки асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлари ва иловалардан иборат.

Кириш икки қисмдан иборат бўлиб, тадқиқотчи дастлаб Содиқбек Содиқийнинг “Мажмаъ ул-хавос” таъкирасининг ўрганилиш тарихига эътибор қаратган. Мазкур таъкира ҳақида Мақсуд Шайхзода илмий тадқиқот олиб борган. “Мажмаъ ул-хавос” муаллифининг миллати озарбайжон бўлишига қарамасдан, у ўз асарини ўзбек тилида яратган ва Алишер Навоий анъаналарини давом эттирган. Киришнинг иккинчи қисмида Содиқбек Содиқийнинг “Мажмаъ ул-хавос” таъкираси қўлёнамлари ҳақида сўз борган. Асарнинг 9 қўлёзма нусхаси ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг “Содиқбек Содиқийнинг “Мажмаъ ул-хавос” таъкираси ва унинг жанр тараққиётидаги ўрни” деб номланган биринчи бобида асарнинг тузилиши б-н боғлиқ маълумотлар б-н бир қаторда Навоий мактаби анъаналарининг 14–19-асрларда давом эттирилиши, айнан шу жиҳатнинг Содиқбек Содиқийнинг “Мажмаъ ул-хавос” асарида акс этиши, муаллифнинг асарнинг тузилиши ва таркибини шакллантиришдаги принциплари таҳлил қилинган.

Иккинчи боб “Содиқбек Содиқийнинг “Мажмаъ ул-хавос” таъкирасида тилга олинган туркий шоирларнинг ҳаёти ва ижоди” деб номланган. Унда олим “Мажмаъ ул-хавос” материалларининг 16-аср машҳур шоирлари ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги аҳамиятини тадқиқ қилган. Шунингдек, рисолада унча машҳур бўлмаган шоирлар ҳаёти ва ижодининг ёритилишига тўхталиб ўтилган.

Олим “Мажмаъ ул-хавос”нинг ўз давридаги сиёсий аҳамияти тўғрисидаги изланишлари натижасини ҳавола этган.

Ишга “Мажмаъ ул-хавос”да тилга олинган 322 шоирнинг яшган даври, туғилган ва вафот этган жойи, ижод қилган тили, қайси жанр устаси сифатида эътироф этилгани ва қайси жанрдаги асаридан парча берилганини ўзида акс эттирган жадвал илова қилинган.

Хулосада тадқиқот бўйича олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Ҳ.Сулаймонов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ХАЛҚЧИЛЛИК МАСАЛАСИ” (“ПРОБЛЕМА НАРОДНОСТИ ТВОРЧЕСТВА АЛИШЕРА НАВОИ”) – ўзбек адабиётшуноси Маҳмуд Назаровнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1979, рус тилида). Дис-яда Алишер Навоий асарлари, хусусан, “Хамса” таркибига кирувчи дostonлар таҳлили мисолида шоир ижодидаги халқчиллик масалаларини ўрганиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамияти, методлари ва тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Дис-янинг биринчи боби “Алишер Навоий “Хамса”сида халқ ғояларининг ифодаси” деб номланган. Мазкур бобда Алишер Навоий ижодидаги халқчил ғоялар халқ дostonлари ва эртақларидаги орзу-истаклар б-н қанчалик мувофиқ эканига қараб аниқланган.

“Хамса” афсоналари ва ҳикоятларида халқчиллик” деб номланган иккинчи бобда эса “Хамса” таркибида келган ҳикоятлар халқ оғзаки ижоди б-н боғлаб ўрганилган ва оғзаки вариантга қанчалик мос келишига қараб шоир ижодидаги халқчиллик белгилаб берилган.

Хулосада тадқиқот бўйича олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. А.Ҳайитметов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “МАЖОЛИС УН-НАФОИС” АСАРИНИНГ ЛЕКСИКАСИ” (“ЛЕКСИКА “МАДЖАЛИС АН-НАФАИС” АЛИШЕРА НАВОИ”) – ўзбек тилшуноси Исҳоқ Носировнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1980, рус тилида). Мазкур дис-яда Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси лексикаси таҳлил қилинган. Иш кириш, икки асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Тадқиқотчи дис-янинг кириш қисмида умумий масалаларга тўхталиб ўтгач, “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий тилдаги таржимасини таҳлил қилган. “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий тилга уч марта таржима қилингани ҳақида маълумот берган: 1) 1521–1522 йилларда Ҳиротда Фаҳр бинни Султон Муҳаммад Амирий томонидан форсийга ўтирилган бўлиб, Хуросон ҳукмдори Сом Мирзога бағишланган; 2) 1522–1523 й.да Истанбулда Муҳаммад бинни Муборак Қазвиний томонидан форсий тилга таржима қилинган бўлиб, усмонли султонлар Салим I ва Сулаймон I га бағишланган; 3) Нишопурда Динмуҳаммад ҳукмронлиги даврида Шоҳали Абдулали томонидан форсийга ўтирилган, аммо дис-яда таржима қилинган йили кўрсатилмаган.

Дис-яда мазкур таржималарнинг баъзи хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтилган. Киришнинг сўнгги қисмида “Мажолис ун-нафоис”нинг оммавий нашри (1966) ва илмий-танқидий матни (1961) ўзаро қиёсланиб, улар ўртасидаги тафовутлар кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Мажолис ун-нафоис”нинг лексик-семантик таҳлили” деб номланган бўлиб, олим тазкира тилининг ғоят бой экани, унда туркий, форсий ва арабий сўзлар кўп учрашини таъкидлаган ва тазкира лексикасини мазкур уч тилдаги сўзларни алоҳида таҳлил қилиш орқали тадқиқ этишнинг маълум қилган. Тазкирада учрайдиган баъзи сўзларнинг неча марта такрорланишига эътибор қаратган ва Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ушбу сўзларнинг қандай ифода этилганига тўхталиб, уларни қиёсловчи жавдал келтирган. Шунингдек, бугунги замонавий ўзбек тилида истеъмолда бўлган ва тазкирада учрайдиган сўзларни ҳам ёнма-ён тарзда кўрсатиб, улар ўртасидаги орфографик ва фонетик фарқларни очиб берган.

Тазкирадаги туркий сўзлар шу тарзда ўрганилган ва олим от сўз туркумига доир сўзларни мавзу жиҳатдан таснифлаган, хусусан: 1) қариндошлик атамалари; 2) тана аъзолари; 3) этник номлар;

4) ижтимоий-сиёсий лексика; 5) ҳарбий лексика; 6) ўсимлик, ҳайвон ва қушлар номлари; 7) кийим ва унинг қисмлари, ичимлик, емак ва касалликлар номлари; 8) диний лексика; 9) маиший лексика ва ҳ.к.

Шунингдек, тазкирадаги туркий тилдаги ҳаракат, қолат, ҳиссиёт, тафаккур феъллари, ўтимли феъллар таҳлил қилинган. Ҳар бир тасниф гуруҳига мос мисоллар келтирилган, илгари сурилаётган фикр исботланган.

Тазкирада келадиган форсий сўзлар ҳам атрофлича ўрганилиб, улар семантик жиҳатдан ҳаракат, касб-ҳунар, билим ва анъаналарни англатувчи сўзлар каби гуруҳланган. “Мажолис ун-нафоис”даги форсий сўзларнинг бугунги қўлланиши, уларнинг ясалиши ҳақида ҳам тадқиқот олиб борилган.

“Мажолис ун-нафоис”да салмоқли ўрин тутган арабча сўзлар ҳам семантик жиҳатдан гуруҳлангач, ўзгаги арабий, аффикси форсий ёки туркий бўлган сўзларни келтириш орқали тилларнинг ўзаро алоқаси кўрсатиб берилган.

Олим ишнинг кейинги қисмида тазкирадаги сўзларнинг бугунги ўзбек тилида қўлланиш масаласини текширган. Натижада, Навоий тазкирасидаги туркий сўзларнинг баъзилари замонавий ўзбек тилида фонетик, семантик жиҳатдан ўзгаришлар б-н, баъзилари эса ўз аслича қўлланилаётганини маълум қилган.

Ишнинг иккинчи боби “Тазкира лексикасининг услубий хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда “Мажолис ун-нафоис” стилистикаси тадқиқ қилинган. Тазкирада қўлланган сўзлар предметларини номлаши, образ англатиши, омоним, синоним, антоним маъноларга эга экани таҳлил қилинган.

Дис-янинг сўнгида олинган илмий хулосалар умумлаштирилган, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати берилган, илмий кўрсаткич илова қилинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Э.Фозилов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ТАТАББУЪ (Фонийнинг Жомий ғазалларига татаббуълари мисолида)” (“ТРАДИЦИЯ ТАТАББУЪ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ (на примерах татаббуат Фани на газели Джами) – ўзбек адабиётшуноси Шомухамедов Алишер Шоисломовичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1981, рус тилида). Дис-яда Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Абдурахмон Жомий ғазалларига битилган, “Девони Фоний”дан ўрин олган татаббуъларини ғоявий-бадий жиҳатдан ўрганиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш, ўн фаслини ўз ичига олган уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси ва тадқиқ усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти, ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби татаббуънинг адабий ҳодиса сифатидаги тарихий тараққиёти ва луғавий маъноси таҳлилига бағишланган. Бобнинг дастлабки фаслида татаббуъ ҳақидаги ўрта аср адабий манбалари ва замонавий олимларнинг қарашлари ўрганилиб, татаббуънинг Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабий алоқаларининг ривожланишидаги ўрни тадқиқ қилинган. Бобнинг иккинчи фасли татаббуъ ва пародиянинг қиёсий таҳлилига бағишланган. Унда келтирилишича, форс-тожик адабиёти тарихида Сўзаний Самарқандий, Убайд Зоковий, Абу Исҳоқ каби пародия битган кўплаб ижодкорлар етишиб чиққан. Ҳажв мазмунига эга бўлмаган пародиялар татаббуъга яқин турган. Дис-яда Абдурахмон Жомий ва Фоний ғазаллари қиёсланиб, Фонийнинг татаббуъ тарзида яратган ғазаллари мустақил тарзда яратилган шеър бўлиш б-н бирга уларда Жомий ғазалларига издошлик, ундан ижодий таъсирланиш сезилиб туради. Бобнинг учинчи фасли татаббуъ ва адабий (ижодий) таржиманинг ўзига хос ва муштарак жиҳатлари таҳлилига бағишланган. Унда айтилишича, ижодий таржима моҳиятига кўра татаббуъга яқин турса-да, лекин адабий ҳодиса сифатида бу иккиси бошқа-бошқа тушунчалардир, шу сабабли уларни алоҳида ўрганиш талаб қилинади. Тадқиқотнинг кейинги боби “Фоний ва Жомий ғазалларининг қиёсий таҳлили” деб аталиб, унда ғазал жанрининг форс-тожик ва туркий адабиётдаги тадрижий тараққиётига тўхталиб ўтилади, Фоний ва Жомий ғазаллари қиёсланади. Илмий раҳбар – акад. А.Қаюмов.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ “ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ” (“ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЕ И ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЯЗЫКА “ЛИСОН УТ-ТАЙР” АЛИШЕРА НАВОИ) – ўзбек адабиётшуноси Зиёт Ҳамидовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1982, рус тилида).

Мазкур тадқиқотда Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони лингвистик ва поэтик жиҳатдан таҳлил қилинган бўлиб, асарга ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик манбаси сифатида ёндашилган.

Илмий иш кириш, уч асосий боб, хулоса, “Лисон ут-тайр” учун қисқа лугат, сўзлар кўрсаткичи ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгиллиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “Лисон ут-тайр” достонининг статистик ва мавзу-мундарижа характеристикаси” деб номланган бўлиб, унда сарлавҳада кўрсатилган икки масала ҳақида сўз борган. “Лисон ут-тайр” достони лексик-статистик жиҳатдан таҳлил қилинган ва унда қўлланган сўзларнинг мавзуй таснифи амалга оширилган.

Ишнинг иккинчи боби ““Лисон ут-тайр” достонининг лексик-семантик хусусиятлари” деб номланган. Унда дoston таркибида келган полисемия, омонимия, синонимия ва антонимия каби ҳодисалар ўрганилган. Сўзларнинг ушбу шакллари асар мазмуни ва шаклига кўрсатган таъсири таҳлил қилинган.

Учинчи бобда “Лисон ут-тайр” достонида қўлланган поэтик услубнинг лингвоуслубий таҳлили амалга оширилган. Унда асарда кенг ишлатилган бадиий санъатлар – тақрир, тасдир, тасбиғ, тарсиъ, сажъ, ийҳом, мажоз, ивтоқ, тазоднинг қўлланиш ўрни ва асар мазмунини очишда хизмат қилиши ўрганилган. Ҳар бир илгари сурилган фикр учун аниқ мисоллар келтирилган.

Хулосада ишнинг натижаси умумлаштирилган.

Хулосадан сўнг “Лисон ут-тайр” учун қисқа лугат берилган. Достондаги барча сўзларнинг кўрсаткичи келтирилган, мазкур кўрсаткичда сўз, унинг қайси тилга хос экани ва неча марта такрорлангани ақс этган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф., академик Э.Фозилов.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА ИЗОФАЛИ БИРИКМАЛАР” (“ТИПЫ ИЗАФЕТНЫХ ИНСТРУКЦИЙ В ПРОЗАИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ АЛИШЕРА НАВОИ”) – ўзбек тилшуноси Муҳаммад Юсуповнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1984, рус тилида). Дис-яда Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланилган туркий, форсий ва арабий изофаи бирикмаларнинг қўлланилиш даражасини ўрганиш бош мақсад қилиб олиниб, ўрни б-н ушбу изофаларнинг Алишер Навойдан кейинги давр, хусусан, ҳоз. ўзбек адабий тилида истифода этилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, методологик асоси, илмий янгиллиги, манбалари, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, тузилиши ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотнинг биринчи боби “Туркий изофанинг грамматик хусусиятлари” деб номланиб, уч фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Туркий изофа ҳақида умумий маълумотлар ва унинг ўрганилиши” деб аталган биринчи фаслида туркий изофаи бирикмалар ва уларнинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилиб, мазкур масаланинг ўрганилиш тарихига тўхталиб ўтилади. Бобнинг иккинчи фасли “Бўлишли-бўлишсизлик категорияси ва туркий изофа” деб номланган.

Учинчи фасл “Навоий асарларидаги туркий изофаларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб аталиб, унда Алишер Навоий асарлари, хусусан, “Ҳамсат ул-мутахаййирин”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа насрий асарларда учрайдиган бир компонентли изофа, икки компонентли изофа ва унинг турлари, уч компонентли изофа ва изофа занжири (тўрт ва ундан ортиқ компонентлардан таркиб топган изофа) ҳақида маълумот берилиб, уларнинг қўлланилиш турлари бўйича статистикаси

тақдим этилган. Бобнинг тўртинчи фасли “Туркий изофанинг Алишер Навоидан кейинги даврда ривожланиши ва унинг қўшма сўзлар б-н муносабати” деб номланади. Унда туркий изофаларнинг Алишер Навоидан кейинги даврда ўзгаришларга учраб, қўшма сўзларнинг ясалишида ўзига хос ўрин эгаллаганлиги, аморф усулидаги туркий изофаларнинг Навоидан кейинги ўзбек тилида нафақат миқдори, балки семантик кўлами ҳам ортиб борганлиги, бунда рус-интернационал лексик қатлами таъсири этганлиги б-н боғлиқ масалаларга эътибор қаратилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Форсий изофанинг грамматик хусусиятлари” деб номланиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Форсий изофа ҳақида умумий маълумотлар” деб аталган биринчи фаслида форсий изофали бирикмалар ҳақида маълумот берилиб, уларнинг икки турига тўхталиб ўтилади. Уларнинг биринчи тури учун “оби гарм” (иссиқ сув), иккинчи тури учун “кори колхозчи” (колхозчиларнинг меҳнати) ва “кори колхозчиёни пешқадам” (пешқадам колхозчиларнинг меҳнати) каби мисоллар келтирилиб, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтилган. Бобнинг иккинчи фасли “Форсий изофанинг ўрганилиши” деб аталиб, унда мазкур мавзу бўйича излавиш олиб борган Д. Эповдодоев, Ф. Абдуллаев, Л.С. Пейсиков каби олимларнинг мақола ва тадқиқотларига тўхталиб ўтилади. Учинчи фасл “Навоий асарларидаги форсий изофаларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланиб, унда Навоий асарларида қўлланилган икки компонентли изофалар ва изофа занжири ҳақида маълумотлар келтирилади. Изофанинг ушбу турлари Навоий асарларида учровчи “доираи азима”, “девоан хуморийи абтарий” ва б. қўшлаб мисоллар орқали далилланади. Тўртинчи фасл “Ҳозирги ўзбек адабий тилида форсий изофа” деб номланиб, унда форсий изофанинг 20-аср бошлари, хусусан, Ҳ.Ҳ. Ниёзий ва А. Қодирий асарларида қўлланилиши, шунингдек, ҳоз. ўзбек адабий тилидаги ўрни, ўзига хос хусусиятлари б-н боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилган.

Дис.янинг учинчи боби “Арабий изофанинг грамматик хусусиятлари” деб номланиб, беш фаслни ўз ичига олади. Унинг “Арабий изофа ҳақида умумий маълумотлар” деб аталган биринчи фаслида арабий изофанинг таркибий тузилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, туркий ва форсий изофадан фарқли жиҳатлари ҳақида маълумотлар келтирилади, изофанинг ўзига хос жиҳатлари “байтун кабирун” (катта уй), “ҳадиқатун хазрау” (яшил боғ) каби бирикмалар асосида тушунтириб берилади.

Бобнинг иккинчи фасли арабий изофанинг ўрганилишига бағишланган. Унда мазкур мавзу бўйича филология соҳасида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтилади. Учинчи фасл “Навоий асарларидаги арабий изофаларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган.

Тўртинчи фасл “Туркий, форсий ва арабий изофаларнинг қоришиқ ҳолда ишлатилиши” деб аталиб, унда Навоий асарларида уч турдаги изофанинг параллел тарзда қўлланилиш масаласига эътибор қаратилган ва бу ҳол Навоий асарлари тилининг жизибасини оширишга хизмат қилганлиги таъкидланган (“дор ул-фано”, “дори фано”, “фано дори” ва б.). Бобнинг кейинги фасларида арабий изофа шаклидаги атоқли отларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳоз. ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган арабий изофалар ва уларнинг турлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Ф.Абдуллаев.

“АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ “НАВОИЙ АЛЬБОМИ”ДАГИ ДАСТХАТ-МАКТУБЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА” (“ПИСЬМА-АВТОГРАФЫ АБДАРРАХМАНА ДЖАМИ ИЗ “АЛЬБОМА НАВОИ” КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК”) – ўзбек шарқшуноси Асом Ўринбоевнинг тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган дис-яси (1984, рус тилида). Дис-яда 15-аср Марказий Осиё ва Хуросон халқлари маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган “Навоий альбоми” номи б-н машҳур қимматли манбани тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, методологик асоси, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотнинг “Абдурахмон Жомий ва унинг эпистоляр мероси” деб номланган биринчи бобида Жомий яшаган давр, ҳаёти ва ижодига доир муҳим маълумотлар келтириб ўтилган. Унинг эпистоляр

мероси, хусусан, ўз тўплами “Муншаот”, Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари ва бошқа муаллифларнинг тўплamlари таркибидаги жами 337 дастхат-мактуб илмий муомалага киритилган. Дис-янинг иккинчи боби “Навоий альбоми” деб аталиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Альбом тузувчиси” деб номланган дастлабки фаслида бирламчи манбалар ва Алишер Навоий асарларидаги баъзи қайдларга асосланиб, ушбу мажмуа Алишер Навоий даъвати ва топшириғи б-н тузилганлиги аниқланади ва уни “Мажмуан муросалот” деб номлашдан кура “Навоий альбоми” деб аташ мақсадга мувофиқлиги таъкидланади. Шунингдек, мазкур фаслда мажмуанинг тахминий тузилган йили ҳам аниқланиб, унинг 1490–1495 й. оралиғида тартиб берилганлиги айтилади.

Иккинчи фасл “Альбомнинг палеографик тавсифи ва матний тадқиқи” деб номланиб, унда альбомнинг палеографик тавсифи амалга оширилган, альбом таркибидаги тўлиқ мактублар ва парчалар миқдори, уларнинг муаллифлари аниқланган, ЎзФА Шарқшунослик институтида 4245 ва 5136 инв.рақамлари остида сақланаётган қўлёзмаларнинг матний тадқиқи амалга оширилган. Бобнинг “Альбомдан ўрин олган муаллифлар ва улар мактубларининг умумий тавсифи” деб ном олган учинчи фаслида альбомда мактублари келтирилган муаллифларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим маълумотлар келтирилиб, уларнинг аксарияти нақшбандия тариқати намояндалари эканлиги таъкидланган. Шунингдек, мазкур фаслда муаллифларининг мамлакат сиёсий ҳаётидаги роли, ҳукмрон синфлар б-н муносабатлари акс этган баъзи мактубларидан намуналар келтирилган. Бобнинг сўнгги тўртинчи фасли “Навоий альбомининг ўрганилиш тарихи” деб номланади. Унда мазкур мажмуанинг ўрганилиш тарихи ҳақида фикр юритилиб, диссертантнинг 1982 йилда эълон қилинган монографияси (“Абдурахмон Жомийнинг “Навоий альбоми”даги дастхат-мактублари”) яратилгунига қадар ушбу мавзуда жиддийроқ тадқиқот олиб борилмаганлиги таъкидланади.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Абдурахмон Жомийнинг дастхат-мактублари” деб аталиб, икки фаслни ўз ичига олади. Унинг “Альбомдаги Жомий мактублари ҳақида умумий маълумотлар” деб номланган биринчи фаслида Жомий мактубларининг миқдори, муаллиф дастхатининг ўзига хос хусусиятлари, мактуб ёзилган вақт ва шароитнинг Жомий дастхатида акс этиши б-н боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилади. Шунингдек, мазкур фаслда Жомий мактубларининг тахминий ёзилиш саналари ҳам аниқланиб, уларнинг 1469–1490 й.лар оралиғида битилгани таъкидланган. Иккинчи фасл “Абдурахмон Жомий дастхат-мактубларининг мавзулар бўйича таснифи ва унинг адресатлари” деб аталади. Унда Жомий мактублари уларда акс этган масалалар бўйича таснифланиб, мактубларнинг аксарияти бошқа шахсларнинг молиявий, ҳуқуқий, маъмурий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб қилган ўтинчларини қондириш мақсадида расмий илтимос ва ариза мазмунида битилганлиги аниқланган. Жомий мактубларининг адресатлари Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро ва мамлакатнинг диний идора вакиллари бўлганликлари таъкидланган. Тадқиқотнинг тўртинчи боби “Абдурахмон Жомийнинг дастхат-мактублари – тарихий манба сифатида” деб номланиб, унда Жомийнинг мактублари 15-асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида қимматли маълумотларни ўзида акс эттирган манба сифатида тадқиқ этилади. Ушбу маълумотлар Темурийлар давлатининг солиқ тизими, Жомийнинг замонлошлари бўлган тарихий шахслар, Жомий ва Алишер Навоий шахсиятига хос хусусиятлар, уларнинг ижодий алоқалари, ўзаро муносабатига доир эканлиги б-н муҳим аҳамиятга эга. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади. Тадқиқот сўнгида келтирилган иловалар Абдурахмон Жомийнинг дастхат-мактублари таржимаси, Жомий дастхат-мактубларининг шарҳ ва изоҳлари, Жомий мактублари таржимаси кўрсаткичлари, дастхат-мактубларининг матни, Жомий мактублари матни кўрсаткичларига доир маълумотлардан иборат.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАРНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ” (“ПРОБЛЕМЫ ВОССОЗДАНИЯ И ТРАНСФОРМАЦИИ ПОЭТИЧЕСКИХ ФИГУР В ПЕРЕВОДЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИШЕРА НАВОИЙ”) – ўзбек адабиётшуноси Олимов Султонмурод Ҳошимовичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1985). Дис-яда Алишер Навоий асарларининг қардош халқлар, хусусан, тожик, озарбайжон ва рус тилига қилинган таржималарида

бадий санъатларни қайта яратиш ва аслият услубини сақлаш б-н боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, методологик асоси, тадқиқот методи, илмий янгилиги, объекти, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, ишнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотнинг биринчи боби “Лафзий санъатлар (маснавийдаги радифлар) таржимаси” деб номланиб, унда лафзий санъатлар трансформацияси мумтоз шеърнинг муҳим унсурларидан бири бўлиши радиф таржимаси мисолида ўрганилган. Боб уч фаслни ўз ичига олади. Унинг “Радиф ва унинг таржимасини етказиб бериш усуллари” деб номланган биринчи фаслида “Фарҳод ва Ширин” достонининг рус, озарбайжон ва тожик тилларига қилинган таржималари ўзаро қиёсланиб, уларда аслият (5782 байтдан 965 байт радифли)га яқин ҳолатда радифнинг сақлаб қолиниши масаласи ўрганилган. Муаллифнинг аниқлашича, радиф русча таржимада 90,9%, тожикча таржимада 68,8% ва озарбайжон тилига қилинган таржимада 44,8% сақланган. Ваҳоланки, достондаги радифларнинг 75% фоизи туркий сўзлардан иборат эканлиги инobatга олинса, озарбайжон тилида радифларнинг сақланиши юқори кўрсаткич касб этиши керак эди. Бобнинг иккинчи фасли “Такрорий радифлар” деб номланиб, унда радифларнинг такрор ҳолда қўлланиш масаласига эътибор қаратади ва бу ҳолнинг “Фарҳод ва Ширин” достони таржимасидаги ўрни тадқиқ қилинади. Ишда бу ҳолат достоннинг рус тилига Л. Пеньковский қилган таржимаси мисолида ўрганилган. Бобнинг “Радифнинг бошқа санъатлар б-н муносабати” деб номланган сўнгги фаслида аслият ва таржималарда радифнинг радд ус-садр ил-ал ибтидо ва тажнис б-н муносабати ўрганилиб, таржима жараёнида ушбу санъатлар айнан аслиятдаги каби ҳолатда эмас, балки Навоий достонида радиф қўлланмаган байтларни радифли қилиб ва юқорида тилга олинган санъатларни қўшиб таржима қилинганлиги таъкидланади. Ишнинг иккинчи боби “Маънавий санъатлар (истиоралар) таржимаси” деб номланиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Унинг “Истиора ва уни тиклаш усуллари” деб аталган биринчи фаслида истиора санъатининг “Фарҳод ва Ширин” достони таржималаридаги ҳолати ўрганилган. Муаллифнинг аниқлашича, истиора санъати таржималарда: айнан ўша истиорани сақлаб қолиш; бошқа истиорани қўллаш; ташбеҳ орқали; истиорани шарҳлаш (қавсда истиора унсурини кўрсатиш); сифатлаш б-н ўрин алмаштириш ва бошқа усуллар орқали ифодаланган. Иккинчи фаол “Истиоралардан фойдаланишда шоир маҳоратининг қайта акс этиши” деб номланиб, унда “Фарҳод ва Ширин” достонида бош қаҳрамонлар номларини истиора орқали ифодалаш таржималарда қандай акс этганлигига эътибор қаратилиб, достоннинг 100 байтни ўз ичига олувчи 33-боби таҳлил қилинган. Бобнинг учинчи фаслида бошқа бадий санъатлар б-н боғлиқ истиораларнинг таржима жараёнида акс этиши ҳақида сўз боради. Бунда истиора саъатининг таносуб, ташбих, бароати истеҳлол, талмиҳ ва мутобиқа санъатлари б-н уйғунликда қўлланилиши ва бу ҳолатнинг таржималарда ўз ифодасини топишига эътибор қаратилади. Иккинчи бобнинг сўнгги фасли “Шеърый ўлчовлар анъанавийлиги ва истиоралар таржимаси” деб номланади. Унда таъкидланишича, таржимада санъатларнинг тўлақонли акс этиши учун асарни аслиятдаги шеърый ўлчовда таржима қилиш лозим. Шу маънода достоннинг тожик тилига ўз ваэни – ҳазажи мусадаси мақсурда, рус тилига эса классик шеър системаси – беш туроқли ямбда таржима қилиниши таржиманинг муваффақиятини таъминлагани ҳолда озарбайжон тилига бармоқ ваэнида таржима қилинганлиги баъзи ноқисликларни келтириб чиқарган. Дис-янинг учинчи боби “Жанрлар ва бадий санъатлар таржимаси” деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Бадий санъатлар ва газал таржимаси” деб номланган биринчи фаслида ҳар бир жанр таржимаси учун унинг ўзигагина хос усулдан фойдаланиш зарур деган тўхташга келинади ва таржимада бадий санъатларни ифодалашда уларни икки гуруҳга бўлиш мумкинлиги таъкидланади: 1) таржимада акс этиши зарур бўлган бадий санъатлар; 2) таржимада имкон даражасида акс этадиган бадий санъатлар. Бобнинг учинчи фасли “Туюқ таржимаси ва тажниснинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланади. Бунда туюқ жанри таржимасида унинг муҳим компоненти бўлган тажнис санъатини сақлаб қолиш лозимлиги таъкидланади ва бунга аҳамият бермаслик оқибатида вужудга келадиган ноқисликларга тўхтаб ўтилади. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади.

Илмий раҳбар – ф.ф.н., доц. Н. Комилов, илмий маслаҳатчи – ф.ф.д., проф. Ф.Саломов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ (қиёсий аспектда)” (ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ АЛИШЕРА НАВОИ “МАҲБУБ УЛ-КУЛУБ” (в сравнительном аспекте) – ўзбек адабиётшуноси Алимулла Ҳабибуллаевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1986, рус тилида). Дис-яда панднома жанрининг етук намунаси ҳисобланган Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг жанр хусусиятларини монографик планда тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш қисми, уч боб, хулоса ва адабиётлар руйхатидан иборат. Киришда мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқот методи ва методологияси, амалий аҳамияти ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг биринчи боби “Панднома жанри ва “Маҳбуб ул-қулуб” деб аталиб, унда Хуросон ва Мовароуннаҳр адабиётида панднома яратиш анъанасининг мавжудлигига эътибор қаратилади ва ушбу йўналишда яратилган Носир Хусравнинг “Рушнонома”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола”, Саъдийнинг “Тулистон” ва “Бўстон” “Фаридиддин Атторнинг “Панднома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақоийк” асарлари қиёсий аспектда ўрганилади, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг ўзига хос жиҳатларига, Навоийнинг бу борадаги новаторлигига эътибор қаратилади. Ишнинг иккинчи боби “Анъанавийлик ва маҳорат” деб номланган. Бобда “Маҳбуб ул-қулуб”даги анъанавийлик ва маҳорат масалалари дастлаб шоирнинг ижтимоий табақаларга муносабати б-н боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган, бу масалага шоир салафларининг муносабати ҳам қиёсан ўрганилган. Унга кўра, асарнинг биринчи қисмида келтирилган ижтимоий табақаларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиб таснифлаш мумкин:

1) ижобий хислатларга эга шахслар гуруҳи: адолатли беклар, шайх ул-ислом, деҳқонлар; 2) салбий характер эгалари: номуносиб ноиблар, вазирлар, зиндонийлар; 3) ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатларда кўриниши мумкин бўлган табақалар: подшолар, садрлар, ясовуллар, қозилар ва б.; 4) фойдали ижтимоий меҳнатдан йироқ кишилар: фосиқ баҳодирлар, қиссасоз ва қиссахонлар, мунажжимлар, овчилар, риекор шайхлар ва б. Бобда, шунингдек, асарнинг ахлоқий масалаларга бағишланган иккинчи қисмидаги ва панд-ҳикматларга тааллуқли учинчи қисмига доир масалалар ҳам шу йўналишда яратилган бошқа асарлар б-н муқояса қилинади, Навоийнинг бу борадаги маҳорати очиб берилади. Тадқиқотнинг учинчи боби “Маҳбуб ул-қулуб”нинг бадий-услубий хусусиятларига бағишланган. Бобда асарда қўлланилган бадий тасвир воситалари, шеърӣй парчаларнинг панднома моҳиятини очишдаги ўрни ва роли, шоирнинг характер яратиш маҳорати, асарнинг тили ва услуби б-н боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Тадқиқотчининг фикрича, “Маҳбуб ул-қулуб”да ахлоқий фазилатларнинг баёни шоирнинг этик идеали, донишманд шахслар ҳикмати ва шоирнинг ўз шахсияти воситасида ифодаланган. Бобда ушбу ҳолатлар асардан олинган насрий ва шеърӣй парчалар орқали далилланган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. А.Ҳайитметов.

“МУНШАОТ” – АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДАГИ ТАРИХИЙ-АДАБИЙ МАНБА СИФАТИДА” (“МУНШАОТ”-КАК ИСТОРИКО-ЛИТЕРАТУРНЫЙ ИСТОЧНИК В ИЗУЧЕНИИ ЖИЗНИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АЛИШЕРА НАВОИ) – ўзбек адабиётшуноси Юсуф Турсуновнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1986, рус тилида). Дис-яда “Муншаот” асари таркибидаги мактубларнинг Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишдаги аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг кириш қисмида муаммонинг ўрганилиш даражаси, мақсади, илмий янгилиги, тадқиқотнинг тузилиши, методологияси, апробацияси ҳақида сўз боради. Дис-янинг биринчи боби “Муншаот” – тарихий-адабий ёдгорлик” деб номланган бўлиб, икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Муншаот”нинг қўлёзма манбалари” деб аталган биринчи фаслида асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот берилиб, тадқиқотда ЎзФА Қўлёзмалар институтида сақланаётган беш қўлёзма нусха, Ленинград (Санкт-Петербург) Давлат кутубхонасидаги тўрт қўлёзманинг фотокопияси, Туркиядаги Реван кутубхонасида сақланаётган “Навоий қуллийети” таркибидан ўрин олган “Муншаот”нинг қўлёзмасидан фойдаланилганлиги таъкидланган. Ишда

ушбу қўлёмаларнинг ҳар бири алоҳида тавсифланган, муштарак ва фарқли жиҳатлари тадқиқ қилинган. Бобнинг “Муншаот” – тарихий адабий манба” деб номланган иккинчи фаслида асарнинг тарихий адабий ёдгорлик сифатидаги аҳамиятига эътибор қаратилиб, баъзи мактубларнинг ёзилиш тарихи, хат йўлланаётган шахс номи, мэнзили ҳақида маълумот берилади. Хусусан, асардан ўрин олган ўн тўртинчи мактубнинг 1471–1472 й.да яратилгани ва Хусайн Бойқаронинг бир йил тахтда туриб, кейин уни бой бергани муносабати б-н ёзилганлиги аниқланган. Ушбу фаслда, шунингдек, қирқ иккинчи, қирқ учинчи мактубларнинг яратилиш тарихи б-н боғлиқ маълумотлар ҳам келтирилган.

Ишнинг иккинчи боби “Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий фаолиятининг Муншаот”да акс этиши” деб номланади. Унда “Муншаот” таркибидаги қатор мактубларнинг Навоий сиёсий фаолиятини очиб беришдаги ўрнига аҳамият берилади. Хусусан, элдинчи мактубда Ҳирот бош қозисининг вафоти ва янги қози тайинлаш масаласида Навоийнинг подшоҳга маслаҳати акс этган. Яна бир мактуб Алишер Навоийнинг Астарободга ҳоким қилиб тайинланиши муносабати б-н битилган бўлиб, бу ҳақда “Олийнасаб Султон Хусайннинг Амир Алишер Навоийни Астарободга ҳоким қилиб тайинлаш ҳақида” Ёқуббекка ёган мактуби асосида фикр юритилади.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Муншаотнинг бадиий-услубий хусусиятлари” деб номланган. Бобда асарнинг бадиияти ва услубига эътибор қаратилиб, ундаги мактубларнинг Шарк эпистоляр санъатининг юксак намунаси экани таъкидланган. Дис-яда олтинчи, эллик бешинчи, эллик олтинчи, етмиш иккинчи, етмиш учинчи мактублар алоҳида тадқиқ этилиб, уларнинг бадиий ва услубий хусусиятлари очиб берилган. Хулосада мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилган. Илмий раҳбар – ф.ф.н. М.Ҳақимов.

“АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИ (лексик-семантик, статик ва тематик тадқиқот) (“ЛЕКСИКА ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИШЕР НАВОИ (лексико-семантические, статические и тематические исследования)”) – ўзбек тилшуноси Баҳром Бафоевнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1989, рус тилида). Мазкур ишда Алишер Навоий асарлари лексикаси луғавий, маъновий жиҳатдан тадқиқ қилинган, шоир қўллаган сўзлар миқдори аниқланган. Дис-я ишнинг умумий характеристикасини берувчи кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

“Ишнинг умумий характеристикаси” деб номланган дастлабки қисмда тадқиқотчи Навоий лексикаси борасида амалга оширилган излавишлар, монографик тадқиқотларга тўхталган, уларнинг ютуқ ва камчиликларини санаган ва олим сифатидаги муносабатини билдирган. Асосийси, ўз ишининг бошқалардан фарқланувчи жиҳатлари, янгилиги б-н боғлиқ фикрларини берган.

Биринчи боб “Навоий асарлари лексикасининг таркиби” деб номланган. Унда Навоий асарларида қўллаган эски ўзбек тилидаги сўзлар ўрганилган, шоир асарлари лексикаси статик талқинда таҳлил қилинган. “Хамса” лексикаси, “Хамса”да такрорий келадиган сўзлар, неологизмлар, архаизмлар ва Навоийнинг форсий тилга бўлган муносабати ҳар томонлама таҳлилга тортилган.

Ишнинг иккинчи боби Навоий асарлари сўзларининг лексик-семантик гуруҳлари, уларни қўллашда намён бўладиган услубий хосликлар ўрганилган. Тадқиқотчи, аввало, кўпмаъноли сўзларни таҳлил қилган. Навоий асарларидаги сўзларнинг полисемантик хусусиятларини кўрсатиб берган. Шунингдек, синоним, омоним ва антонимларнинг қўлланган ўрни б-н биргаликда миқдор ва такрорийлиги ҳам аниқланган.

Учинчи бобда Навоий асарларида қўлланган сўзлар мазмунига кўра туркумланган ва тавсиф берилган. Тадқиқотчи сўзларнинг келиб чиқиши, қайси тилдан олингани б-н боғлиқ масалаларга ҳам мурожаат қилган. Дис-янинг мазкур бобида олим Навоий асарларидаги сўзларни қуйидаги мавзуларга бўлиб тавсифлаган ва уларнинг араб форс ёки ўзбек тилларига оид эканини кўрсатиб ўтган, шунингдек, Навоий асарларида баъзи сўзларининг уч тилдаги варианты устун шаклида берилган:

- тана аъзоларини билдирувчи сўзлар: аёк, арқа, бағир, бел, билак, бош, бурун, кўкрак, қўл, менг, кобурға, дудок, кокул ва ҳ.к.
- муסיқа ва унга алоқадор бўлган номлар: кўрак, тунбак, қўбуз, ўланг, аёлгучи, даф, кўс, мусиқор, най, навосоз, мақом, нақш, карнай, мохур ва ҳ.к.

- ҳарб ва шунга боғлиқ номлар: кема, содоқ, сўзовул, чаркас, юруш, яроқ, ясоқ, ўпчин, ўрду, ўк, қилич, қалқон, қорбичи, нова ва ҳ.к.
 - турли ўйин номларини билдирувчи сўзлар: байрам, от, ошуғлуғ, тўппи, улог, ўйинчи, дав, пўянда, пил, фусунгар, дуббат, мушаъбид, рамл, қимор, фанлиг ва ҳ.к.
 - тиббиёт б-н боғлиқ сўзлар: ёра, бемор, газак, дардкаш, захмин, ништар, мариэ, қақрафул ва ҳ.к.
 - хат ва ёзув асбоблари б-н боғлиқ сўзлар: турича, нависандалик, варақа, дарс, дафтар, китобат, дол, мунший, мусҳаф, муҳаррир, носих, нусха, раҳл, роқим, руқум, руқъа, сабт ва ҳ.к.
 - меъморчилик ва қурилиш б-н боғлиқ сўзлар: кесак, кирпич, кўпрук, лой, сувамоғ, ёғоч, том, уй, эшик, қўрғон, айвон, зинапоя, қоши, қошона, кунгура, новакаш ва ҳ.к.
- Тадқиқотчи ўз ишида Навоий сўзларини жами 37 гуруҳга бўлиб таснифлаган. Хулосада ишнинг натижалари баён этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ (лирик ва эпик асарлари мисолида)” (ТРАДИЦИИ ФОЛЬКЛОРА В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ (на материале лирических и прозаических произведений) – ўзбек адабиётшуноси Муҳаммаджон Ҳақимовнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1989, рус тилида). Дис-яда Алишер Навоий ижоди, хусусан, лирик, эпик ва илмий асарларининг яратилишида халқ оғзаки ижоди аъъаналарининг таъсири масалалари тадқиқ этилган. Илмий иш кириш, уч асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, манбалари, илмий ва амалий аҳамияти ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Алишер Навоийнинг халқ оғзаки ижодига муносабати” деб номланиб, тўрт фасли ўз ичига олади. Бобнинг “Навоий халқ ижоди ва унинг бадиий адабиётдаги ўрни ҳақида” деб аталган биринчи фаслида Навоийнинг халқ ижодига доир фикрлари унинг “Хамса” таркибига кирувчи дostonлари, “Маҳбуб ул-қулуб” ва “Мажолис ун-нафоис” асарлари асосида келтирилади ва шоирнинг халқ ижодига мансуб асарларни “афсона, дoston, қисса, ривоят, ҳикоят, нақл” каби сўзлар б-н атаганлигига эътибор қаратилади. Бобнинг кейинги фаслида “Мезон ул-авзон” асарида келтирилган 8 та поэтик шаклдан *туюғ, кўшук, чинга, муҳаббатнома, мустазод, орзуворий, туркий* кабиларга тўхталиб ўтилиб, ушбу шаклларнинг халқ оғзаки ижоди б-н муносабати масаласи очиб берилади. Бобнинг бадиий сўз ижрочиларига бағишланган навбатдаги фаслида “Мажолис ун-нафоис” ва “Маҳбуб ул-қулуб”да келтирилган гўянда, йир, дostonсaro, афсонапардоз, ноқил, ровий, навогўй, навҳагар каби бадиий сўз ижрочилари ҳақида маълумот келтирилади. Бобнинг якуновчи тўртинчи фасли халқ санъати ва унинг ижрочилари ҳақида бўлиб, “Мажолис ун-нафоис”даги шоирларнинг аксарияти нуктадон шахслар бўлиб, улар шоир томонидан “зурафо”, “зариф”, “ҳаззол”, “надим” тавсифлари б-н эсланганлиги таъкидланади ва Саид Ғиёс, Мир Бараҳна, Мавлоно Абулвосеъ Мунший, Мавлоно Муҳаммад Бадахший каби шоирлар фаолияти таҳлил қилинади.

Иккинчи боб “Лирикада Алишер Навоийнинг поэтик услуби ва халқ оғзаки ижоди” деб номланиб, унинг дастлабки фаслида Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирган газаллари ва халқ миллий аъъаналари муносабати масаласи очиб берилади. “Мақоллар ва ҳикматли сўзлар”га бағишланган фаслда Навоий ижодида мақол ва ҳикматли сўзлар тамсил, ирсоли масал, ирсоли масал филбайти, ҳусни матлаъ, ҳусни мақтаъ каби бадиий санъатлар воситасида намоён бўлишига эътибор қаратилади. Иккинчи бобнинг навбатдаги фасли халқ ижодининг аъъанавий образларига бағишланган бўлиб, унда Навоий лирикасининг гоъвий-бадиий жиҳатларини очиб беришда фольклор қаҳрамонлари муҳим ўрин тутуши таъкидланади ва бу қаҳрамонлар бир неча гуруҳларга бўлиниб тасниф қилинади: қадимий мифологик, афсонавий ва тарихий қаҳрамонлар; афсонавий шаҳар ва жойлар; “абдиий ҳаёт берувчи” ўсимликлар, мевалар; қуш ва жониворлар. Ишда буларнинг барчасига Навоий лирикасидан мисоллар келтирилади.

Ишнинг учинчи боби “Навоий насрининг фольклор б-н алоқаси” деб номланади. Унда Навоий ўзининг насрий йўлда ёзилган филологик асарларида фольклор тадқиқотчиси сифатида намоён бўлишига эътибор қаратилади. Бобнинг биринчи фасли “Маҳбуб ул-қулуб” ва фольклор муносабатига бағишланиб, унда асарнинг бошидан охиригача ҳикматли сўз ва мақолларга тўла эканлиги таъкидланади ва бунга асар фалсафий-дидактик масалаларга бағишланганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Кейинги фаслларда Навоийнинг мемуар ва тарихий асарларида қўлланилган фольклор унсурлари тадқиқ этилиб, ушбу асарларда қўлланилган мақол, ривоят, афсона каби фольклор жанрларидан фойдаланиш асарлардаги гоёнинг ёрқин ифодаланишига хизмат қилганлиги таъкидланади. Хулосада тадқиқот мавзуси бўйича олинган натижалар умумлаштирилган. Тадқиқот мавзуси бўйича бир монография, икки алоҳида нашр ва 50 дан ортиқ мақолалар эълон қилинган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИГА ҚЎЛЁЗМА ЛУҒАТЛАР ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ” (“ПРИНЦИПЫ СОСТАВЛЕНИЯ РУКОПИСНЫХ СЛОВАРЕЙ К ПРОИЗВЕДЕНИЯМ АЛИШЕРА НАВОИ”) – ўзбек адабиётшуноси Ботирбек Ҳасановнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1989, рус тилида). Мазкур тадқиқот Навоий асарларини ўрганишда ва тушунишда муҳим манба ҳисобланган луғатлар таҳлилига бағишланган.

Дис-янинг биринчи боби “Алишер Навоий асарлари луғати қўлёмаларининг сўзлигини тузиш принциплари (бошланғич босқич)” деб номланган бўлиб, унда Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатларнинг сўзлигини тузиш б-н боғлиқ принциплар ҳақида изланишлар олиб борилган. Дастлаб манбалар рўйхати келтирилган ва Навоий асарлари луғати ҳисобланган “Бадоеъ ул-луғат”, “Абушқа”, “Санглох”, “Маҳдихон луғати”, “Луғоти атрокия” кабиларнинг сўзликлари таркиби ўрганилган, уларнинг тузилиш принципларига доир хулосалар берилган. Боб сўнгида Навоий тили луғатлари қўлёмалари турларининг кўрсаткичлари ҳавола қилинган.

Дис-янинг иккинчи боби “Навоий асарлари луғати қўлёмаларида мақолаларнинг қурилиш принциплари” деб номланган ва унда луғатлар таркибидаги сўзларга ёзилган мақолаларнинг схемаси кўрсатилган. Бундан ташқари, Навоий тили луғатларидаги сўзлар сарлавҳаси, уларга берилган фонетик, орфографик ва грамматик характеристикаси ёритилган. Шунингдек, Навоий тилидаги сўзларнинг этимологияси, бош сўзнинг семантик таҳлиллари амалга оширилган.

Дис-яда Навоий асарлари луғатида келган ҳар бир сўзга Навоий асарларидан келтирилган иқтибослардан намуналар таҳлил қилинган, луғатлар ўзаро қиёсланган, Алишер Навоий асарлари луғати қўлёмалари ўртасидаги изчиллик ўрганилган.

Айниқса, “Абушқа – мустақил луғат” фаслида мазкур луғатнинг ўзига хос жиҳатлари чуқур ўрганилган, асосли хулосалар чиқарилган.

Луғатшунос Маҳдихоннинг ўз салафлари б-н муносабати ва Маҳдихон салафлари бўлган луғатшуносларнинг хатолари ҳақида ҳам мулоҳазалар юритилган. Илгари сурилган ҳар бир фикр керакли иқтибослар ва хулосалар б-н исботлаб берилган. Олим Алишер Навоий асарларини тушуниш ва тушунтиришда мазкур луғатларнинг аҳамиятини кўрсатган.

Хулосада олинган илмий натижалар умумлаштирилган.

“НАВОИЙ ТИЛИДАГИ АРАВИЗМЛАРНИНГ ФОНЕТИК-МОРФОЛОГИК ВА ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ” (“ФОНЕТИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ И ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АРАВИЗМОВ ЯЗЫКА НАВОИ”) – ўзбек тилшуноси Нишоннов Абдулҳай Ҳусанбоевичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган илмий иши (1990, рус тилида). Мазкур дис-яда Алишер Навоий асарларида учрайдиган арабча сўзлар фонетик-морфологик, лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Исломи дини Ўрта Осиёда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кенг ёйилган. Мазкур диний таълимотнинг асосий фундаментал гоёлари акс этган Қуръон ва ҳадис айнан араб тилида бўлгани ҳамда бизнинг ҳудудда араб тили таълимига катта эътибор қаратилгани сабабли йирик олимларнинг турли фан соҳаларига доир асарларининг асосий қисми ушбу тилда ёзилган. Шу сабабли арабизмлар

аски туркий тилнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб кетганлиги табиий хол саналади. Шу боис Навоий асарларидаги сўзларнинг катта қисми арабча сўзалардан иборат. Алишер Навоий асарларидаги мазкур ҳолатни ҳисобга олган тадқиқотчи шоир тилидаги арабизмларни мавзуларга бўлиб таснифлаган.

Маълумки, араб ва туркий тил ўртасида морфологик ва фонетик жиҳатдан катта фарқланишлар мавжуд. Шундай бўлса-да, ҳукмрон вазият ҳосиласи ўлароқ арабча сўзлар туркий тил таркибига сингиб кетган. Тадқиқотчи Навоий тилидаги арабизмларнинг фонетик-морфологик таҳлилини амалга оширишда Ўрта Осиёдаги икки тил ўртасидаги адаптация ҳодисаларни ўрганган.

Хулосада тадқиқот мавзуси бўйича олинган натижалар умумлаштирилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИДАГИ СОДДА ГАПЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ВА МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ” – ўзбек тилшуноси Самихон Аширбоевнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1990).

Дис-яда Алишер Навоийнинг насрий асарлари синтактик, улардаги содда гаплар эса таркиб ва маъно жиҳатдан таҳлил қилинган, таснифланган ва аниқ хулосалар баён қилинган.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқотчи дастлаб синтаксисга доир атамалар ҳақида тўхталган, уларни таҳлил қилган. Тадқиқот объекти бўлган манбалардаги гапларнинг чегарасини аниқлашга доир қарашларини, Алишер Навоий асарларидаги содда гапларнинг мазмунига кўра турларини атрофлича шарҳлаган. Хусусан, Алишер Навоий асарларидаги бир бош бўлаклари гаплар, Алишер Навоий насрий асарлари ва жонли сўлашув тили масалаларига тўхталиб ўтган.

Ишнинг биринчи боби “Гап бўлаклари. Уларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари” деб номланган бўлиб, тадқиқотчи аввало гап бўлаклари ҳақида ўзигача бўлган ёндашув ва таърифларни келтирган. Мазкур бобда тадқиқотчи даставвал эга гап бўлагига алоҳида тухталган. Эганинг умумий жиҳатлари ва таркибий хусусиятларини таҳлил қилган. Шунингдек, гапда ифодаланмаган эганинг ҳолатларини атрофлича ёритган, тегишли мисоллар келтирган. Эга таркибидаги “-ким//ки” юкламаларининг қўлланиши ҳақида ҳам сўз юритиб, бу ҳолат қайси ўринларда юзага келишини кўрсатиб берган.

Алишер Навоий насрий асарларидаги гапларда эганинг уюшиши масаласи ҳам ўрганилган, ёйиқ эга ва унинг таркибидаги аниқловчилар хусусидаги қарашлар ҳам ёритилган.

Маълумки, туркий тилларда кесим гапнинг марказий қисми ҳисобланади. Кесим туркий тилда яратилган насрий асарлар, хусусан, Алишер Навоий асарларида бирламчи маъно касб этадиган бўлакдир. Шу нуқтаи назардан тадқиқотчи ўз дис-ясида кесим масаласига алоҳида тўхталган. Аввало кесимнинг турли таърифи ва у б-н боғлиқ қарашларни баён қилгач, кесимнинг маъно хусусиятларини таҳлил қилган. Сўнг бевосита кесимнинг таркибий хусусиятлари тадқиқ этилган ва кесимнинг уюшиши ўрганиб чиқилган. Кесимнинг турлари саналган ва ёйиқ от кесим таркибидаги аниқловчилар масаласи ҳақида сўз юритилган, Навоий насрий асарларидан олинган парчалар б-н ҳар бир илгари сурилган фикр исботлаб берилган.

Гап таркибида келадиган тўлдирувчи бевосита кесимга алоқадор бўлак ҳисобланиб, иккинчи даражали бўлак сифатида маънони тугал қилувчи ва адабий асарда поэтик ифода ҳосил қилишда бирламчи ўринга эга. Шунингдек, гапдан англашилаётган ҳаракатнинг ҳолати ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қиладиган хол гап бўлаги ҳам ҳар қандай насрий матнда муҳим ўрин тутаети. Тадқиқотчи мазкур икки бўлакни тадқиқ қилган, уларнинг маънавий ва структуравий жиҳатларини очиб берган.

Дис-янинг иккинчи боби “Мураккаблашган содда гаплар” деб аталган бўлиб, унда таркибий жиҳатдан гарчи содда гап шартларига жавоб берса-да, лекин турли синтактик унсурлар иштирокида мураккаблик касб этган гаплар таҳлилга тортилган.

Тадқиқотчи дастлаб кириш сўз ва иборалар б-н мураккаблашган содда гапларга тўхталиб ўтган. Мазкур унсурларнинг гап мураккаблашувидаги иштироки, маънони кучайтириш, қўшимча маъно юклаш ва умумий маънога нисбатан таъсир даражаларига эътибор қаратилган.

Шундан сўнг муаллиф Алишер Навоий асарларида келадиган изоҳ ва киритма иборалар б-н мураккаблашган содда гапларга тўхталган. Изоҳларнинг функцияси ва зарурати таҳлил қилинган. Уларнинг ўрни ва аҳамияти ёритилиб, гапни мураккаблаштиришдаги иштирокига эътибор қаратилган ва бунинг Алишер Навоий ифода услуби б-н боғлиқлиги кўрсатилган.

Туркий тилларда ажратилган бўлақларга тилнинг ўзига хос жиҳати сифатида қаралган. Тадқиқотчи бу жиҳатни эътибордан қочирмай, ажратилган бўлақлар ва илова иборалар б-н мураккаблашган содда гапларни ўрганиб таҳлил қилган.

Алишер Навоий насрий асарларига хос бўлган ҳодиса – кесими “ёйиқ ипорат” шаклидаги от б-н ифодаланган гапларнинг синтактик таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан қўшма гап кўчимидаги содда гаплар деб аталган гаплар ҳам ўрганилган.

Ишнинг якунида илмий тадқиқот натижасида умумий хулосалар тақдим этилган, дис-я ичида келган шартли қисқартмаларнинг изоҳлари берилган. Илмий маслаҳатчи – ф.ф.д., Ш.Шукуров.

“АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ПЕЙЗАЖ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ (“Садди Искандарий” достони мисолида)” – ўзбек адабиётшуноси Эркинوف Афтондил Содирхоновичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1990). Дис-яда “Садди Искандарий” достони асосида Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати очиб берилган. Бунда пейзажнинг ижодкор маҳоратининг бир қирраси сифатидаги ўрни, дoston гоъсининг пейзаж б-н боғлиқ жиҳатлари, шоирнинг қиш ва баҳор тасвирини яратишдаги услуби, бунда тасвир асосига табиатнинг қандай жиҳатлари қўйилганлиги масаласи, бўлимлар манзарасини чизишда образ, бадиий санъат ва қофияларнинг тутган ўрни, экзотик тасвир яратишдаги муаллиф услуби ва маҳорати, пейзаж яратиш жараёнида тасвирнинг макон ва замонига кўра талқини б-н боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Тадқиқот кириш қисми, икки боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш тарихи, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий-методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, манбалари, апробацияси ва нашрлар мундарижаси ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Пейзажнинг гоъя ва образлар мантиқини очишдаги ўрни” деб номланган. Унинг “Пейзаж поэтикасига оид баъзи қайдлар” деб номланган биринчи бўлимида бадиий асарда пейзажнинг роли ҳақида тўхталиниб, унинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинади. Хусусан, пейзажнинг муаллиф дунёқарashi ва гоъялар ифодасидаги иштироки, унинг ижодкор маҳоратининг бир қирраси сифатидаги ўрни б-н боғлиқ масалалар таҳлил қилинади. Бобнинг иккинчи бўлими “Навоий табиатга қарашининг гуманистик асослари” деб номланган бўлиб, унда “Ҳамса” дostonлари мисолида Навоийнинг табиатга бўлган гуманистик муносабати очиб берилган.

Дис-янинг иккинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, “Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати” деб номланган. Унинг “Пейзажнинг дostonдаги гоъялар б-н уйғунлиги” деб номланган биринчи бўлимида “Садди Искандарий” дostonида пейзажнинг ўрни ва дostonдаги асосий гоъяларни очиб беришдаги аҳамияти тадқиқ қилинади. Бунда табиат тасвирининг асар қаҳрамони Искандар б-н боғлиқ жиҳатларига, унинг характерини очишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилади. Бобнинг иккинчи бўлими “Бўлимлар поэтикаси” деб номланган бўлиб, унда қиш ва баҳор тасвири орқали Навоийнинг бадиий маҳорати тадқиқ қилинади. Искандар образидаги қарама-қаршилик, муаллифнинг унга бўлган муносабати қиш ва баҳор бўлимлари талқини ёрдамида маҳорат б-н очиб берилганлиги таъкидланади. Бобнинг “Экзотик тасвирлар” деб номланган навбатдаги бўлимида Ҳиндистондаги Нигор ўрмони ва океан тасвири воситасида муаллифнинг услуби ва маҳорати очиб берилади, асар матнида қўлланилган бадиий санъатлар ва қофия унсурларининг пейзаж яратишдаги аҳамиятига тўхталиб ўтилади. Бобнинг сўнгги бўлими “Дostonдаги пейзажларнинг макон ва замон нуқтаи назаридан талқин этилиши” деб аталган. Ушбу бўлимда дис-яда таҳлил этилган тўрт пейзажнинг икkitаси – экзотик тасвирлар Искандар воқеаси қисмида, қиш ва баҳор манзаралари эса фалсафий-дидактик чекинишлар (назарий қисм)да берилганлигига эътибор қаратилиб, назарий қисмда келтирилган пейзажларнинг “замонсиз” – абадий, ҳамма замонларга тегишлилиги таъкидланади. Хулоса қисмида дис-я юзасидан олинган хулосалар умумлаштирилган.

Дис-я мавзуси бўйича битта рисола ва иккита мақола эълон қилинган.
Илмий раҳбар – ф.ф.д., акад. А.П.Қаюмов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ ВА ҚАХРАМОНЛАРНИНГ РУҲИЙ ОЛАМИ (“Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” дostonлари асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Набиев Файзулла Шаймардановичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1990). Дис-яда Алишер Навоийнинг табиат тасвиридаги маҳорати ва унинг қаҳрамонлар руҳияти б-н боғлиқлиги “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” дostonлари мисолида тадқиқ қилинган. Тадқиқот тавсифий қисм, кириш, икки асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқот икки асосий йўналишда олиб борилган: 1) қаҳрамонлар ва табиат тасвири; 2) табиат тасвири ва бадиий маҳорат масалалари.

Биринчи масала юзасидан дастлаб лирик қаҳрамон ва табиат тасвирининг ўзаро боғлиқлиги очиб берилган ва қаҳрамонлар руҳий оламининг табиат тасвири б-н уйғунлиги илмий асосланган. Иккинчи масалани ҳал қилишда эса олим Алишер Навоий асарларидаги табиат тасвирлари ва рамзий тимсолларни алоҳида тадқиқ этган, тил хусусиятларига ҳам эътибор қаратган. Шундан келиб чиқиб, биринчи боб “Қаҳрамон ва табиат тасвири” деб номланган. Унда Алишер Навоий асарлари қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятлари ва руҳияти табиат б-н боғлиқ равишда қандай очиб берилгани ўрганилган. Тадқиқотчи асардаги ҳар бир тасвир ва бадиий санъатнинг асосий мазмун б-н боғлиқлиги, баърати истиқлол бадиий санъатининг ифодаланишини исботлаш учун бир қанча байтлар келтирган. Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин” дostonининг асосий қисмидан ўрин олган ҳар бир боб сўнгидаги соқийномаларда табиат ҳодисаларига ишора қилиниши, баён этилган воқеликка боғланиши ҳам тасодифий бўлмай, муаллифнинг ғоясини янада аниқроқ ва таъсирчанроқ ифодалашда муҳим рол ўйнаши таъкидланган.

“Лайли ва Мажнун” дostonида табиат тасвирларининг қаҳрамон жунуни, ишқи ва муҳаббатини янада ёрқин ифодалашга хизмат қилиши аниқ мисоллар б-н очиб берилган. Айниқса, оптик ва маъшукнинг қижрондаги ҳиссиётлари, соғинчу изтиробларини ифодалашда табиат тасвиридан маҳорат б-н фойдаланилгани Навоий истеъдодининг ёрқин намунаси эканлигини тадқиқотчи тўғри таъкидлаган.

Иккинчи боб “Шоир маҳорати ва табиат тасвири (поэтик фигуралар асосида)” деб номланган бўлиб, унда Алишер Навоийнинг табиат тасвири ва қаҳрамонлар руҳияти уйғунлигини ифодалашда қўллаган шеърий санъатлари таҳлил қилинган. Тадқиқотчи бадиий санъатлар маънавий ва лафзий каби икки турга бўлинишини таъкидлаган. Тазод, талмеҳ, муболаға, ташбеҳ, тадриж, таносуб, тамсил, тажохули орифона, мутобиқа, мумтанеъ, лутф, лаффу нашр, лозим ва малзум, ийҳом, интоқ, ружуъ, иттифок, истиора, ташхис каби маънавий санъат, тасдир, тарди акс, ҳожиб, иштиқоқ, илтизом, мукаррар, мувозина, тавзий ва тақрир сингари лафзий санъат намуналари мисоллар воситасида келтирилиб, уларнинг қўлланиш даражасига эътибор қаратилган. Олим табиат тасвири жараёнида ташбеҳ, истиора ва таносубнинг бошқа бадиий санъатларга нисбатан фаол қўлланилишини таъкидлаган.

Хулосада олинган натижалар яхлит шаклда ҳавола қилинган.
Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Н.Маллаев.

“АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИ: ДОСТОНДА ТИПОЛОГИЯ ВА ПОЭТИК АРХИТЕКТОНИКА МАСАЛАСИ” – ўзбек адабиётшуноси Салимжон Хидирназаровнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1990). Дис-яда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonи Низомий Ганжавийнинг “Маҳзан ул-асрор”, Хусрав Деҳлавийнинг “Матлаъ ул-анвор” ва Абдурахмон Жомийнинг “Тухфат ул-аҳрор” дostonлари б-н қиёсланиб, унинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. “Ҳайрат ул-аброр”нинг

поэтик архитекtonикаси ҳамда Навоийнинг мақолатларга илова қилинган ҳикоятларидаги поэтик маҳорати очиб берилган. Тадқиқот кириш қисм, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва жадвал-иловалардан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, назарий ва методологик асоси ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг биринчи боби “Ҳайрат ул-аброр” дostonи архитекtonикаси (Анъанавийлик ва ўзига хослик) деб аталади. Унда дастлаб Хуросондаги 15-аср тарихий воқеалари тавсифланиб, туркий тилда “Хамса” яратишга асос бўлган омиллар кўрсатилади, “Махзан ул-асрор”, “Матлаъ ул-анвор”, “Тухфат ул-аҳрор” ва “Ҳайрат ул-аброр” дostonларининг таркибий тузилиши ва композицияси ўзаро қиёсланиб, улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар тадқиқ қилинади, Навоийнинг новаторлиги масаласига диққат қаратилади. Ишнинг “Салафлар дostonларининг “Ҳайрат ул-аброр” дostonи ғоявий мундарижасига таъсири ва унинг оригиналлиги” деб номланган иккинчи бобида “Ҳайрат ул-аброр” дostonи Низомий, Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг шу мавзудаги дostonлари б-н қиёсан ўрганилган. Унда ишнинг ҳажмидан келиб чиқиб ушбу тўрт муаллифнинг, асосан, ижтимоий гуруҳларга муносабати асосан мақолат ва ҳикоятлари таҳлил этилган. Ишнинг сўнгги учинчи боби Алишер Навоийнинг ҳикоят яратишдаги бадиий маҳорати тадқиқига бағишланган бўлиб, унда дostonдаги назарий қисм – мақолатларга илова тарзида келтирилган ҳикоятлар поэтикаси ўрганилган. Одил шоҳлар ҳақидаги мақолатга илова қилинган “Шоҳ Ғозий ҳикояти” (27-боб), “Чин ғўзали ҳақидаги ҳикоят” (57-боб) бадиий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи буйича олинган натижалар умумлаштирилади. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. В.Валихўжаев.

“АЛИШЕР НАВОЙ “САБЪАИ САЙЁР” ДOSTONINING ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ (“ПОЭМА “САБЪАИ САЙЁР” (“СЕМЬ СКИТАЛЬЦЕВ”) АЛИШЕРА НАВОИ В СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКОМ ОСВЕЩЕНИИ”) – ўзбек адабиётшуноси Саидбек Ҳасановнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1990, рус тилида). Дис-яда Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonи улуг ҳамсанавислар Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Ашраф Мароғийнинг Баҳром Гўр саргузаштларига бағишланган дostonлари б-н қиёсан ўрганилган. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий асосланганлиги, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот объекти, илмий ва амалий аҳамияти ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг биринчи боби “Низомийнинг “Ҳафт пайкар”, Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт”, Ашраф Мароғийнинг “Ҳафт авранг” ва Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonларининг сюжет ва композицион хусусиятлари” деб аталиб, унда муаллиф ушбу дostonлардаги сюжет ва композициянинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганади ва Навоий дostonидаги Баҳром Гўр ҳақидаги сюжет шоир яшаган даврдаги муҳим ижтимоий, маъ-ий ва руҳий жараёнларнинг янгича талқини эканлигини таъкидлайди. Низомий, Деҳлавий ва Ашрафдаги киритма ҳикоятлар Баҳром ҳақидаги қисса б-н ўзаро боғланмаган. Навоийда эса қолипловчи воқеа ва еттинчи ҳикоят (Дилором ҳақидаги ҳикоят) орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд ва бу ҳолат дostonнинг композицион яхлитлигини таъминлаган. Дис-янинг “Образлар системаси” деб аталган иккинчи боби уч фаслни ўз ичига олади. Унинг “Баҳром образи” деб аталган биринчи фаслида Баҳром образининг эволюциясига доир масалалар тадқиқ қилинган. Унда Баҳром Гўр образининг халқ оғзаки ижодидан бадиий адабиётга кириб келиши, Фирдавсийдаги Баҳромнинг ўзига хос жиҳатлари, Баҳром тимсолининг Низомий дostonида бош қаҳрамон даражасига кўтарилиши, Хусрав Деҳлавий, Ашраф Мароғий дostonларида Баҳром образининг асарлар номларидан келиб чиқиб тасвирланиши ва Навоий дostonида ошиқлик ва шоҳлик бир шахс тимсолида мавжуд бўла олмаслиги Баҳром образи орқали кўрсатиб берилганлиги таъкидланади. Бобнинг “Дилором образи” деб аталган иккинчи фаслида Баҳромнинг тақдирига бевосита алоқадор бўлган қанзак тимсолининг тадрижий тараққиёти б-н боғлиқ масалалар тадқиқ қилинади. Фирдавсий “Шоҳнома”сида бу образ Озода, Низомийда Фитна, Деҳлавий ва Навоийда Дилором деб номланганлиги айтиб ўтилади ва бу тимсолнинг ҳар бир дostonдаги воқеалар ривожидан тугган ўрнига тўхталиб ўтилади, Навоий дostonидаги Дилором тимсолининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилади. Бобнинг “Ҳикоятлардаги

образлар” деб номланган сўнгги фаслида дostonлардаги ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг қиёсий тавсифи келтирилади. Дostonлардаги ҳикоятлар турли мазмун ва сюжетга эга бўлса-да, уларда табиати ва сажиясига кўра ухшаш қаҳрамонлар талай. Хусусан, “Сабъаи сайёр”даги Муқбил ва Мудбирни “Ҳафт пайкар”даги Хайр ва Шаррга қиёслаш мумкин, Навоий дostonидаги Зайд Заҳоб (2-ҳикоят қаҳрамони) тимсоли эса Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт” дostonидаги Ҳасан тимсолига ўхшаб кетади, ишда улар сажиясидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар ўзаро қиёсланган. Дис-яда, шунингдек, бошқа ҳикоятлардаги образлар ҳам қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилинган. Тадқиқотнинг учинчи боби “Бадий маҳорат масалалари” деб номланиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Рақамлар символикаси” деб аталган биринчи фаслида жаҳон халқларида рақамлар ва улар аңлатган маъно ҳақида фикр юритилади. Унда келтирилишича, Шарқ халқларида “бир” рақами Аллоҳнинг ягоналигига ишора қилса, “икки” рақами, асосан, ер б-н осмонни аңлатган, уч рақами уч нав мавжудот – жонсиз мавжудот, ўсимлик ва ҳайвонотни; “тўрт” рақами тўрт унсурни, “беш” рақами сезиш аъзоларини аңлатган, “олти” рақами эса олти жиҳатга ёки ҳаёт учун муҳим бўлган нафас олиш, еб-ичиш каби заруратларга нисбатан ишлатилган. Дис-яда “етти” рақамининг турли халқларда аңлатган маънолари батафсил изоҳланиб, унинг “Ҳамса”лар ва Навоий ижодидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқотчининг аниқлашича, “етти” рақами “Сабъаи сайёр” дostonида 90 марта ишлатилган.

Иккинчи фасл “Ранглар гармонияси” деб аталиб, унда шоир турли рангларни нафақат реал борлиқ ва қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, балки тимсолларнинг ички дунёсини очиб беришда ҳам маҳорат б-н қўллаганлигига эътибор қаратилган. Унда айтилишича, “Сабъаи сайёр” дostonидаги ранглар гармонияси Баҳром, Дилором ва етти ҳикоят қаҳрамонларининг руҳий дунёсини очишда муҳим тасвирий восита ҳисобланади. Бобнинг “Бадий-ифодавий воситалар” деб номланган учинчи фаслида Низомий, Деҳлавий, Ашраф ва Навоий дostonларидаги гоё ва мазмунни очиб беришга хизмат қилган бадий тасвир воситалари хусусида сўз боради. Улардан тавзиъ (аллитерация), илтизом, иштиқоқ, тажнис ва унинг турларига кенг тўхталиб ўтилади, ушбу санъатлар қўлланган парчалар таҳлил қилинади. Учинчи бобнинг сўнгги фасли “Вазн ва қофия” деб номланиб, унда дostonларда қўлланилган шеърини ўлчов ва қофия масалалари тадқиқ қилинган. Ишда айтилишича, ҳар тўртала дoston ҳафиф баҳрининг мусаддас рукнли вазнларида яратилган бўлиб, ушбу баҳр турли вариацияларга эга. Дис-яда “Сабъаи сайёр” дostonидан олинган 200 байт таҳлил қилиниб, унда ҳафиф баҳрининг етти вариацияси қўлланилганлиги аниқланган. Мазкур фаслда, шунингдек, дostonда қўлланилган қофиялар таркиби ва турлари ҳақида ҳам маълумот келтирилган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади. Илмий маслаҳатчи – ф.ф.д., акад. А.Қаюмов.

“АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ “НАСОЙИМУЛ МУҲАББАТ” АСАРИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИ” (“НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ” АЛИШЕРА НАВОИ И ЕГО НАУЧНО-КРИТИЧЕСКИЙ ТЕКСТ) – ўзбек адабиётшуноси Исмолов Ҳомидхон Исроиловичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1990, рус тилида).

Мазкур ишда Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари матни тадқиқ қилинган, кўлөзма нусхалари ўрганилган, илмий-танқидий матн яратилган. Дис-я умумий икки йirik қисмни ўз ичига олган. Биринчи қисм назарий жиҳатларни таҳлил қилиб, кириш ва уч асосий бобдан иборат. Иккинчи асосий қисмда эса бевосита илмий-танқидий матн берилган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг аҳамияти ва долзарблиги, “Насойим ул-муҳаббат”нинг ўзига хос жиҳатлари б-н боғлиқ масалалар ёритилган. Дастлабки боб “Насойимул муҳаббат”нинг ўрганилиши: тузилиши, манбалари ва Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳатул унс” асари б-н муносабати” деб номланади. Олим, дастлаб “Насойим ул-муҳаббат” асарининг ўрганилиши ҳақида гапириб, амалга оширилган ишлар номини келтирган, уларни қиёслаган ва ўз муносабатини билдирган.

“Насойим ул-муҳаббат”нинг тузилиши ҳақидаги қисмда тадқиқотчи асарнинг шартли бўлимларини белгилаб чиққан: 1. Кириш. 2. Муқаддима. 3. Асосий қисм. 4. Хулоса.

Тадқиқотчи ушбу бўлинишни ўз ёндашувидан келиб чиқиб талқин қилган, ҳар бир қисмда акс этган масалаларга оид таҳлилларини берган.

“Насойимул муҳаббат”нинг манбалари” деб номланган фаслда олим мазкур асар тўрт манбага

асосланганини таъкидлаган: 1. “Нафоҳат ул-унс”. 2. “Таакират ул-авлиё”. 3. Ҳинд авлиёлари. 4. Туркий донишмандлар.

Кейинги қисмда тадқиқотчи “Нафоҳат ул-унс”нинг тузилиши ва таркибини урганган ва “Насойим ул-муҳаббат” б-н солиштирган.

Дис-янинг иккинчи боби “Насойимул муҳаббат”нинг гоъвий-бадий хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда мазкур асарда акс этган инсонпарварлик гоёлари ва рисолада Алишер Навоийнинг маҳоратли носир сифатида намоён бўлиши б-н боғлиқ масалалар ёритилган.

Учинчи бобда бевосита “Насойим ул-муҳаббат”нинг илмий-танқидий матнини тузиш принциплари ҳақида сўз борган. Унда асарнинг маълум бўлган қўлёзма нусхалари тўғрисида маълумотлар берилган, илмий-танқидий матн учун танланган нусхалар тавсифи, хусусиятлари, сақланиш жойи ва рақамлари ҳавола қилинган. Маълум қўлёзмаларнинг ўзаро фарқлари, устун ва нуқсонли жиҳатлари кўрсатилган, илмий-танқидий матн тузиш ёндашувлари ҳақида ахборот берилган.

Иш сўнгида “Насойим ул-муҳаббат”нинг қўлда тайёрланган илмий-танқидий матни ҳавола қилинган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., акад. А.Қаюмов.

“КАТТАҚЎРҒОН ШОИРЛАРИ ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ” (Мирий ва Видоий асарлари мисолида) – ўзбек адабиётшуноси Шухрат Сирожиiddиновнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1991). Дис-яда адабий доиралар, хусусан, Каттақўрғон шоирларининг Алишер Навоий шахсияти ва ижодий меросига муносабатини монографик планда тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш қисми, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, назарий ва методологик асоси ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг биринчи боби “Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий шахсияти ва анъаналарининг акс этиши” деб номланади. Унда Алишер Навоий ўрта аср Шарқ халқлари ҳаётида чуқур из қолдирган буюк мутафаккир сифатида кейинги аср шоирлари ижодида ҳам алоҳида ўрин эгаллаганлиги таъкидланади, хусусан, унинг Каттақўрғон шоирлари ижодига кўрсатган таъсирига эътибор қаратилади. Бобда 19-асрда Каттақўрғон аҳолиси орасида навоийхонлик кенг шухрат қозонгани ва бунинг натижасида Навоий ижодидан чуқур таъсирланган Шавқий, Мирий, Видоий, Вола, Дилафкор, Нодим Зиёвуддиний, Искандар Мадюн, Ноқис ва каби ёш шоирлар етишиб чиққанлиги таъкидланади. Дис-яда ушбу шоирлардан Мирий ва Видоийнинг Навоий ғазаларига битган ўндан ортиқ татаббуъ ва таврлари таҳлил доирасига тортилган. Хусусан, Мирийнинг мумтоз шеър тузилишининг энг мураккаб вазнларидан бири – комили мусаммани солим вазнида яратилган “айладинг” радифли ғазали Навоийнинг шу ўлчов ва радифла яратилган ғазалига тавр услубида яратилганлиги таъкидланган. Тадқиқотнинг иккинчи боби “Алишер Навоий ва Каттақўрғон шоирлари ижодида гоёлар муштараклиги” деб номланган. Бобда диссертант Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари, унинг ижодида тас. таълимотининг асосий йўналишларига эътибор қаратган ва ушбу гоёларнинг каттақўрғонлик шоирлар Мирий ва Видоий ижодида уйғунлик касб этиши б-н боғлиқ масалаларни тадқиқ қилган. Бобда таъкидланишича, Навоий Абдураҳмон Жомийнинг нақшбандиядаги муриди бўлган ва унинг ижодида Ибн Арабий гоёлари, хусусан, ваҳдат ул-вужуд фалсафаси муҳим урин тутади. Инсон Аллоҳнинг исмлари ва сифатларини ўзида акс эттирувчи кўзгу, бу олам эса инсоннинг комилликка интилиши ва Ҳақни таниши учун вужудга келтирилган. Навоий асарлари бош гоёси комил инсон тарбиясига қаратилган. Бобда Каттақўрғон шоирлари, хусусан, Мирий ва Видоий ижодида ҳам айнан шу гоёлар бош мавзу бўлганлиги таъкидланиб, уларнинг девонларидаги ғазаллар таҳлил доирасига тортилади. Мирий ва Видоийнинг мажозий ишқни куйлаш воситасида илоҳий ишқни мақсад қилганлари улар ижодидан келтирилган байтлар асосида далилланади, Навоий қўллаган тимсол ва ташбиҳлар ушбу шоирлар шеъриятида анъанавийлик касб этгани таъкидланади. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Б.Валихўжаев.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ВАҚФИЯ” АСАРИ АДАБИЙ ЁДГОРЛИК СИФАТИДА” (“ВАҚФИЙЕ” АЛИШЕРА НАВОИ КАК ЛИТЕРАТУРНЫЙ ПАМЯТНИК”) – ўзбек адабиётшуноси Шамсимуҳамедов Исроил Усмановичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1991, рус тилида).

Маъкур дис-яда Алишер Навоийнинг “Вақфия” асари адабий ёдгорлик сифатида тадқиқ қилинган, унга бадиият талаблари асосида ёндашилган, Навоий давридаги наср намунаси сифатида баҳоланган.

Иш кириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан ташкари уч асосий бобдан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, янгилиги, ўрганиш методологияси, мақсад ва вазифаси, тузилиши б-н боғлиқ масалалар ёритилган. Шунингдек, “Вақфия” асарининг хусусиятлари, нашрлари, асар устида олиб борилган илмий ишларга тўхталиб ўтилган.

Ишнинг биринчи боби “Вақфия” Алишер Навоийнинг тарихий-биографик асари сифатида” деб номланган бўлиб, унда Навоий даври, ижтимоий ҳаёти, сиёсий қарашлар, уруғ ва қабилалар муносабатига доир жиҳатлар тадқиқ қилинган. Асарга шоир таржимаи ҳоли, шахсий ҳаёти, сиёсий фаолияти ва позицияси тўғрисида маълумот берувчи муҳим манба сифатида қаралган.

“Вақфия” XV аср ўзбек насрининг намунаси” деб номланган иккинчи бобда асарнинг поэтик хусусиятлари таҳлил қилинган. “Вақфия”нинг тили, ифода шакллари, Навоий услубига хос жиҳатлари ўрганилган. Асарнинг 15-аср ўзбек насридаги ўрни кўрсатиб берилган.

Дис-янинг учинчи боби “Вақфия”да келтирилган шеърлар ва шоир ижодида уларнинг ўрни” деб аталган. Унда Алишер Навоий “Вақфия” таркибида турли муносабатлар б-н келтирган шеърлар таҳлил этилган. Маъкур шеърларнинг бадиияти, гоёси, умумий мазмунга алоқадорлиги, Навоий ижодидаги ўрни ёритилган.

Хулосада ишнинг натижалари умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., акад. А.Қаюмов.

“АЛИШЕР НАВОЙЙ “ХАМСА”СИДА ҲАСБИ ҚОЛ ЖАНРИ” – ўзбек адабиётшуноси Жўра Раҳимовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1991). Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сида шоирнинг ўзи таржимаи ҳоли ҳақида берган маълумотлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, тўрт асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “Алишер Навоийгача бўлган давр ўзбек адабиётида ҳасби қол анъанаси” деб номланган. Унда муаллиф Шарқ ад-тидаги ҳасби қол жанрининг келиб чиқиш илдизларини ўрганиб чиққан. Мусулмон Шарқи ад-тидаги ҳасби қол жанри шоирларнинг, асосан, фахрия тарзида ёзган шеърларида учраши, *ҳасби қол* атамасининг турли лугатлардаги лугавий ва истилоҳий маъноларини шарҳлаб, ўз муносабатини билдирган. Достон ёки шеърларнинг фахрия қисмида ҳасби қол кайфияти ва белгиларининг кўриниши Рудакий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Масъуд Саъд Салмон, Умар Хайём, шайх Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий каби шоирлар ижодида мавжудлиги, Навоийдаги ҳасби қол ифодаси ўз-ўзидан шаклланиб қолмагани, шоир таржимаи ҳоли ва унинг ижодга бўлган муносабатини аниқлашда “Хамса” энг ишончли ва муҳим манба эканлиги таъкидланган.

“Хамса” ва Алишер Навоий таржимаи ҳоли” деб номланган иккинчи бобда олим “Хамса”, албатта, шоирнинг таржима ҳолини тўла ифода этолмаслигини, лекин Алишер Навоийнинг ижодий кайфияти, ҳаётидаги муайян воқеалар, замондошлари ва жамиятга бўлган муносабати, ўша давр б-н боғлиқ вазиятларга нисбатан ёндашуви турли хил қолатларда намоён бўлишига урғу берган. Масалан, бунга шоирнинг устози Абдурахмон Жомий, дўсти Ҳусайн Бойқаро, шахзода Бадиуззамон б-н бўлган шахсий муносабатларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Аммо унинг бевосита оилавий шароити б-н боғлиқ маълумотларни “Хамса”дан топишнинг имкони йўқ. Умуман

олганда, “Хамса” шоирнинг аниқ таржимаи ҳолини тиклашда муҳим, аммо ёрдамчи манба бўлиши хулоса қилинган.

Учинчи боб “Хамса” ва Навоийнинг ижодий фаолияти” деб аталган бўлиб, унда Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти бевосита “Хамса” дostonларидан олинган маълумотлар асосида ўрганилган. Масалан, ҳар бир дoston сўнггида келтирилган “Хамса”нинг ёзилиши, унга сарфланган вақт, Алишер Навоийнинг ижодий кайфияти ва асар яратилиши б-н боғлиқ жараёнлар борасида муайян талқинлар илгари сурилган.

Тўртинчи боб “Хамса” ва Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолияти” деб номланган бўлиб, унда Алишер Навоийнинг ижтимоий ҳаёт, сиёсий жараёнлар, илм-маърифат, маданият б-н боғлиқ қарашлари “Хамса” контекстида таҳлил этилган. “Хамса” дostonларида шоирнинг ижтимоий ёки сиёсий ҳаёт б-н боғлиқ фалсафий фикрлари Хусайн Бойқаро, шаҳзодалар ёки ўз укасига нисбатан айтилган гаплари ва қарашлари воситасида аниқ намоён бўлади. Тадқиқотчи ана шу нуқталарни ўрганиб, унга нисбатан ўзининг қарашларини баён этган.

Хулосада олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. А.Ҳайитметов.

“АЛИШЕР НАВОЙЙ “САБЪАИ САЙЁР” ВА ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ “ҲАШТ БЕҲИШТ” ДОСТОНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ – ўзбек адабиётшуноси Муртазоев Бобоназар Хуррамовичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1991). Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сидаги учинчи дoston – “Сабъаи сайёр” ҳамда Хусрав Деҳлавий қаламига мансуб “Ҳашт беҳишт” дostonи ўзаро қиёсий аспектда тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотчи ушбу ишида Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonи мустақил ва оригинал асар эканини қиёсий таҳлил воситасида илмий жиҳатдан асослашни мақсад қилганини баён қилган.

“Алишер Навоий ва Хусрав Деҳлавий” деб номланган дастлабки бобда Алишер Навоийнинг Деҳлавийга муносабати, Деҳлавий ижоди ва шахсиятига Хуросон, Эрон ва Мовароуннаҳрда юқори даражада эҳтиром кўрсатилгани, Хусайн Бойқаро амри б-н Деҳлавийнинг ўн саккиз минг байт шеъри китобат қилингани, унинг қасидаларига Жомий ва Навоийдан ташқари Зоҳидий, Абдулваҳоб ҳамда Мирхонд ҳам жавоб ёзган, Хусрав Деҳлавийнинг урду ва ҳинд тилидаги шеърлари ҳам машҳурлиги, шуҳрати Ҳиндистондан Хуросон ва Мовароуннаҳрга қадар ёйилганидек, Алишер Навоий асарлари ҳам Ҳиндистонда машҳурлиги, “Мажолис ун-нафоис”нинг Ҳиндистон тазкирачилиқ мактабида тутган ўрни, унинг таъсирида Алоуддин Қазвинийнинг “Нафоис ул-маосир” (16-аср), Мир Имомиддиннинг “Ҳазинаи ганжи илоҳий” (17-аср), Шайх Али Ҳошимийнинг “Махзан ул-ғаройиб” (19-аср) тазкиралари яратилгани, бундан ташқари, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни Юсуфбек Човушли (16-аср), “Маҳбуб ул-қулуб”ни Алибахт Азфарий (17–19-асрлар) Шимолий Ҳиндистондаги форсий тилга таржима қилгани келтирилган.

Дис-яда “Девони Фоний”да Хусрав Деҳлавийга татаббуъ тарзида битилган ғазалларга ҳам эътибор қаратилгани, Деҳлавий ва Фоний ғазаллари қиёсий йўл б-н ўрганилгани, уларнинг қофияси, вазни ва мазмуни солиштирилгани, Фоний татаббуъ анъанаси ичида ўзига хос ижодий янгилик яратгани кўрсатиб берилган.

Ишда Алишер Навоийнинг “Хамса” асарида Хусрав Деҳлавийга муносабати алоҳида таҳлилга тортилган: олим бу фикрларни батафсил, ҳар томонлама ўрганиб, унга нисбатан ўз позициясини билдирган. Масалан, “Хамса”даги ҳар бир дostonда Низомий Ганжавий б-н бирга Хусрав Деҳлавийнинг дostonларига ҳам шоир холис ва объектив муносабат билдирган.

Дис-янинг иккинчи боби “Баҳром ва Дилором” деб номланиб, олим Баҳром образининг келиб чиқиши, унинг бадий образ даражасига чиқиши б-н боғлиқ жараёнларга эътибор берган, Баҳром образи иштирокида ёзилган бадий асарлар номлари саналган, уларнинг мазмуни б-н боғлиқ маълумотлар баён қилинган. Масалан, Баҳромнинг сосоний ҳукмдор Варахран V номи б-н

боғлиқлиги ва у отаси Язидгурддан кейин тахтга чиққани, 420–438 й.лар ҳукмронлик қилгани, у ҳақда ярим тарихий, ярим афсонавий маълумотлар дастлаб “Хватайнамак” асарида учраши, бу асар 7-асрда Язидгурд III нинг буйруғи б-н Донишвар томонидан таҳрир қилингани, уни ибн Мукаффаъ (724–759) “Сияр ул-мулук ал-фурс” номи б-н араб тилига ўғиргани, аммо ундан фақат парчалар сақланиб қолгани, шунга қарамай у фурс тарихчилари тартиб берган тарихий рисолалар учун манба вазифасини ўтагани ҳамда Баҳром образи б-н боғлиқ маълумотларни аниқлаштиришда муҳим ўрин тутгани таъкидланган. Муаллиф тарихий манбалар асосида Баҳром образи учун асос бўлган Варахран V нинг фаолияти ҳақида атрофлича маълумотлар келтириб, унинг генезисини асослаб берган. Баҳром образининг кенг миқёсда оммалашishi, суратлар, оғзаки ва ёзма ад-тларда ифодаланиши унинг “Хамса” таркибидаги асарларнинг бош қаҳрамонига айланиб қолишига сабаб бўлгани таъкидланган.

Баҳром мавзусида ёзилган – Низомийнинг “Ҳафт пайкар”, Котибий Нишопурийнинг “Баҳром ва Гуландом”, Ашрафнинг “Ҳафт авранг”, Навоийнинг “Сабъаи сайёр”, Хотифийнинг “Ҳафт манзар”, Христофор Арманийнинг “Сарандиб шоҳининг уч ўғлини зиёрати”, Абдибек Шерозийнинг “Ҳафт ахтар” ва бошқаларнинг кўплаб дostonлари тақлид эмас, аксинча, оригинал адабий ҳодиса бўлгани айтиб ўтилган.

Низомийнинг “Ҳафт пайкар”ида Баҳром тарихининг баён қилиниши, унинг канизак Фитна б-н боғлиқ можарolari ва етти маҳбус – бегуноҳ деҳқон, боғбон, савдогар, мутриб, ҳоким, сарбоз ва зоҳид саргузаштлари келтирилгани ва бу ҳикоятларнинг Баҳром тарихи б-н боғланиши маълум қилинган. Тадқиқотчи масалага ўта чуқур ёндашиб, Баҳром образининг турли давр ва ад-тларда қай шаклда намоён бўлишига, образни тасвирлаш, сюжетни ҳосил қилишда рўй берган ўзгаришларга аниқ тавсиф берган. Сўнг “Ҳашт беҳишт” ва “Сабъаи сайёр” дostonларидаги Баҳром образи таҳлилга тортилган. Дастлаб икки дostonдаги Баҳром образининг характери ўрганилиб, уларнинг ўзаро яқинлиги айтилган, аммо Деҳлавий асаридаги Баҳром канизагини йўқотгач, унинг учун деярли куйинмайди, Навоий дostonидаги Баҳром эса Дилоромни бой бергач, аклини йўқотиб, ҳажр азобини чекади. Шунингдек, иккала дostonда ҳам мавжуд бўлган етти қаср қурилиши сабаблари баён қилинишида икки муаллифнинг ўзгача ёндашувлари, Баҳром фаолияти ва севгисини тасвирлашда икки шоир концепциясидаги катта фарқлар кўрсатиб берилган. Умуман олганда, аниқ мисоллар б-н икки Баҳромнинг ўзига хос ва умумий жиҳатлари очиб берилган, икки дostonдаги Дилором образи таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи Дилором образининг келиб чиқишини қадимги Шарқ афсонлари б-н боғлаган, Иштар, Зуҳра, Венера каби мусиқа ва гўзаллик маъбудлари Дилором образи учун замин вазифасини ўтаганини айтади. Деҳлавий ва Навоий Дилором образи тасвири, ташқи кўринишини қандай услубда бергани таҳлил қилинади, икки шоирнинг Дилором гўзаллигини таърифлашда қўллаган сўзлари, бадиий санъатлари келтирилади, ҳатто бунинг учун қайси бобда сўз юритилиши, неча байт ажратилганига эътибор қаратилган.

Деҳлавий ва Навоий дostonларидаги қолипловчи ҳикоятларнинг тузилиши, мазмуни ҳам тадқиқ қилинган. Бунинг учун тадқиқотда “Сабъаи сайёр” ва “Ҳашт беҳишт” ҳикоятлари” деб номланган махсус боб ажратилган, унда ҳикоятлар атрофлича қиёслаб чиқилган, аниқ хулосалар баён қилинган.

Дис-янинг хулоса қисмида олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Н.Маллаев.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ “НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚОТИ – ўзбек адабиётшуноси Рашидова Маъмура Хайруллаевнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1991). Мазкур дис-я Ҳазрат Али (р.а.)нинг “Назм ул-лаолий” асарининг туркий тилдаги талқини ҳисобланган Алишер Навоий қаламига мансуб “Назм ул-жавоҳир” асарининг матний тадқиқига бағишланган бўлиб, ҳажман икки катта қисмдан иборат. Дастлабки қисмда кириш, икки асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхати берилган бўлса, иккинчи қисм бевосита “Назм ул-жавоҳир” асарининг арабча алифбодоги илмий-танқидий матнidan иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Назм ул-жавоҳир”нинг тарихий-адабий таҳлили” деб номланиб, унда аввало ушбу асар ҳақида эълон қилинган илмий тадқиқот ва мақолаларнинг умумий таҳлили берилган. Ундан сўнг асарнинг яратилиши б-н боғлиқ Алишер Навоийнинг муқаддимадаги фикрлари таҳлил қилинган. “Назм ул-жавоҳир”даги барча рубойининг сони келтирилиб, қофияланишига кўра таснифланган, мазмун-моҳияти, гуяси ҳақида сўз юритилган.

Иккинчи бобда “Назм ул-жавоҳир” асарининг илмий-танқидий матнини тузишда фойдаланилган қўлёзмалар ҳақида маълумот берилган, уларнинг ҳолати таҳлил қилинган. Тадқиқотчи қуйидаги уч қўлёзмадан илмий-танқидий матн тузишда фойдаланганлигини кўрсатиб ўтган: 1) 1496–1499 й.да ҳиротлик машҳур хаттот Муҳаммад Тоқий кўчирган ва, айна пайтда, Истанбулдаги Тупқопи кутубхонаси фондида № 808-инв. рақами остида сақланаётган Алишер Навоийнинг тўлиқ асарлари куллийети қўлёзмаси. Бу асл ва ишончли манбалардан бири бўлиб, “Назм ул-жавоҳир” ушбу куллийет таркибида келтирилган; 2) 15-асрнинг охири – 16-асрнинг бошларида кўчирилган, Х. Сулаймонов номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида № 8-инв. рақами остида сақланаётган, таркибида “Арбаин”, “Назм ул-жавоҳир”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Вақфия” каби рисоалар мавжуд бўлган қўлёзма. Ушбу қўлёзма котиби кўрсатилмаган; 3) Али Ҳижроний 1526–1527 й.да кўчирган, Париж Миллий кутубхонасида № 316–3017-инв. рақами остида сақланаётган, таркибида “Назм ул-жавоҳир” тўртинчи ўринда келтирилган Алишер Навоийнинг тўла асарлари куллийети. Бундан ташқари, олима Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида № 9361-инв. рақами остида сақланаётган, таркибида “Назм ул-жавоҳир” иккинчи ўринда келтирилган қўлёзмадан ҳам ёрдамчи манба сифатида фойдаланганлигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, ушбу қўлёзмаларга алоҳида тавсиф берилган, улар ўртасидаги фарқлар аниқ кўрсатилган, асарнинг оригинал кўринишига яқин нусхасини яратишда қўлланган мезонлар келтирилган.

Хулосада олинган илмий натижалар умумлаштирилган, яхлит шаклда баён этилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., акад. А.Қаюмов.

“БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ” ДЕВОНИ ВА БАДИЙ САНЪАТҚОРЛИК МАСАЛАЛАРИ – ўзбек адабиётшуноси Салахутдинова Дилором Исамутдиновнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1993). Дис-яда Алишер Навоийга хос бўлган бадий маҳорат қирралари “Бадоеъ ул-бидоя” девони, ижтимоий-фалсафий ҳамда бадий-эстетик қарашлари эса ундаги шеърлар асосида ўрганилган, талқин ва тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Бадоеъ ул-бидоя” ва Алишер Навоийнинг девон тузишдаги маҳорати” деб номланиб, унда Алишер Навоий лирикаси ўрганилиш тарихи, “Бадоеъ ул-бидоя” Алишер Навоий тузган биринчи девон сифатида, мазкур девоннинг ўша давргача бўлган девонлар б-н умумий ва фарқли жиҳатлари, ундан ўрин олган шеърларнинг “Хазойин ул-маоний”га жойлаштирилиш ва шоир маҳоратининг тадрижий такомил б-н боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Шоир ижодига нисбатан ижобий муносабат унинг ёшлик чоғидаёқ шаклланиши, замондош ва ундан кейин яшаган шоирлар ижодида Алишер Навоийга чуқур эҳтиром пайдо бўлгани айтилиб, унга исбот тариқасида Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий, Камолиддин Биноий, Абдуллоҳ Ҳотибий, Сейди Али Раис, Абай, Бердақ, Абдулла Тўкай, Қаюм Носирий каби шоирларнинг Алишер Навоий шахси ва ижоди ҳақида билдирган фикрларига мурожаат қилинган. Шоир ижоди, хусусан, лирикасини ўрганиш б-н боғлиқ илмий изланишлар 20-асрнинг бошларидан бошланган. Исмоил Ҳикмат, Саидолим Шарафиддинов, Ойбек, Бертельс, Ходи Зариф, Максуд Шайхзода, Воҳид Абдуллаев, Якубовский, Крачковский, Боровков, Болдирев, кейинги даврда, яъни 20-асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоқов,

Э.Шодиев, Н.Комилов, И.Ҳаққул каби навсийшуносларнинг тадқиқотларида Навоий лирикасини ўрганиш масаласи асосий ўрин тутгани таъкидланган.

Тадқиқотчи ўзи фойдаланган “Бадоеъ ул-бидоя” девони нусхасининг тавсифини, ундан ўрин олган ғазалларнинг аниқ ҳисобини (349) келтирган. Шунингдек, бошқа жанрлар – мустазод, мусаддас, мухаммас, таржиъбанд, рубойи ва фардларнинг ҳам адади саналган. Тадқиқот учун манба сифатида танлаб олган иккинчи девоннинг сақланиши, кўриниши б-н боғлиқ маълумотлар берилиб, унинг котиби ва кўчирилган санаси мавжуд эмаслиги, лекин айрим белгиларига асосланиб, 19-асрда тартиб берилган бўлса керак деб тахмин қилинган. Мазкур девонда “нун” харфи б-н тугайдиган ғазаллардан сўнг соқийнома, рубойи, наът ва мухаммас ҳам ўрин олгани, “алиф” б-н тугайдиган ғазалларнинг мундарижаси келтирилгани айтилган.

Дис-янинг мазкур бобида “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг ўрганилиш ахамияти, уни тузишда шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг таклифи муҳим рол ўйнагани айтилган. Мирхонд, Хондамир, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Исфизорий, Жалолиддин Юсуф каби тарихчиларнинг маълумотларига кўра, девоннинг китобат қилинишида Ҳусайн Бойқаронинг шахсан ўзи бош-қош бўлгани, девон Хурросон ва Мовароуннаҳр адабий ҳаётида улкан воқеага айланганига урғу берилган. Бу факторлар девонни алоҳида ўрганишга эҳтиёж мавжудлигидан далолат бериши асосланган.

Кейинги қисмда “Бадоеъ ул-бидоя”нинг ўзигача тузилган девонлардан фарқли жиҳатларига эътибор қаратилган, девон тузиш анъанасининг туркий шеърятга кириб келиши ва ўрин олиши, дастлабки тузилган девонлар, уларнинг хусусиятлари ҳақида қисқача фикр-мулоҳаза юритилган. Мазкур девоннинг тузилиши вақти б-н боғлиқ қарашлар ўзaro қарама-қарши эканига қарамай, ҳар иккала фикрда ҳам илмий асос мавжудлиги айтилган. Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя”нинг кириш қисмига ёзган сўзбошисиде девон тузиш б-н боғлиқ назарий қарашлар, қатъий тамойиллар илгари сурилгани айтиб ўтилган. Жумладан, шоирнинг пароканда ғазалларга нисбатан салбий муносабати, шеърда, албатта, маърифий руҳ бўлиши, фақат араб алифбосидаги йигирма саккизта эмас, балки яна тўртта туркий товушларни ифодаловчи ундеш ҳарфлар б-н туговчи ғазалларни ҳам девонга киритиш шартлиги девон тузишнинг аниқ принцип ва қонуниятлари сурилган. Тадқиқотчи мазкур девон таркибини мухлислар тузган “Илк девон” б-н муқояса қилган. Олима Навоий девон тузишда Ҳофиз Шерозийга эргашган деган фикрни илгари суриб, уни асослашда фақат шоирнинг ўз эътирофи б-н чекланган.

“Бадоеъ ул-бидоя”даги шеърларнинг “Ҳазойин ул-маоний” девонига киритилиши б-н боғлиқ масалада даставвал мазкур куллийетнинг тузилиш сабаблари ёритилган. Сўнг “Ҳазойин ул-маоний”нинг тўрт – Париж, Лондон, Боку ва Тошкент нусхаларида “Бадоеъ ул-бидоя”даги шеърларнинг жойлашиши ва акс этиши жадвал тарзида берилиб, ғазалларнинг ана шу жараёнда таҳрир қилингани аниқ мисоллар воситасида кўрсатилган. Масалан, айрим ғазаллар “Ҳазойин ул-маоний”га киритилганда қофияларида, байтларнинг жойлашувида рўй берган ўзгаришларга эътибор қаратилиб, мазмун-мундарижаси тадқиқ қилинган.

Иккинчи боб “Бадоеъ ул-бидоя” – Шарқ назмининг санъаткорлик мактаби” деб номлавиб, унда девондан ўрин олган шеърларнинг мавзу ва ғоялари айрим шеър ва ғазалларнинг таржималари ҳақида сўз юритилган. Олима мавзуга терең ёндашиб қўйилган масалаларни таҳлил қилган, таржималарда йўл қўйилган камчиликларни аниқ мисоллар воситасида кўрсатиб берган. Масалан, девондаги илк ғазал “Ашрақат”нинг русча таржимаси келтирилган ва аслият б-н сўзма-сўз солиштирилиб, таржимада шеърнинг мазмуни тўла очиб берилмагани кўрсатилган.

Дис-янинг хулоса қисмида олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Б.Балихужаев.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ КЕКСАЛИК ДАВРИ ЛИРИКАСИ” – ўзбек адабиётшуноси Жўраев Хабибулло Абдусаломовичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1993). Мазкур илмий тадқиқотда Алишер Навоийнинг кексалик даврида ижод қилган лирик шеърлари таҳлилга тортилиб, ғоявий ва бадиий жиҳатдан таҳлил қилинган. Илмий иш кириш, уч асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси,

тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби “Алишер Навоий кексалик давридаги ижтимоий сиёсий муҳит ва адабий жараён” деб номланиб, унда шоир яшаган давр воқеликлари ижодида қай даражада акс этганига эътибор қаратилган. Тадқиқотчи Навоий кексалик ёшида ҳам сермахсул, ҳатто илгариги даврга нисбатан фаол ижод қилганлиги сабабларини таҳлил қилиб, Хусайн Бойқаро давлатининг инқирозга юз тутаётгани, шоирнинг она шаҳри Хиротдан Астарободга юборилгани, энг яқин дўстларидан айрилгани, бунинг натижасида ёлғизликни чуқур ҳис қилгани табиий равишда Навоий ижодига кучли таъсир қилган, деган хулосага келади.

“Алишер Навоий кексалик лирикасининг мавзу ва ғоялари” деб номланган иккинчи бобда шоирнинг бу даврдаги шеърлари қуйидагича тасниф этилади: ошиқона, орифона, риндона (сатирик, дидактик, шарҳи ҳол). Илмий иш муаллифи шоирнинг кексалик йиллари лирикаси моҳиятини ташкил этган бу мавзу ва ғояларда шоирнинг ҳаётий тажрибалари, дард-изтироблари, руҳий кечинмалари акс этганига эътибор қаратган.

Учинчи боб “Навоийнинг кексалик даври лирикасида анъанавий поэтик санъатлар” деб аталиб, унда бу даврда яратилган шеърларида энг кўп учрайдиган бадиий санъатлар ўрганилади, уларнинг шоир ҳаёти, кайфияти, шеър мазмуни б-н боғлиқлиги очиб берилган.

Илмий ишдан келиб чиққан натижалар хулосада акс эттирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. А.Ҳайитметов.

“ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИНИ ТАЛҚИН ЭТИШ МУАММОЛАРИ” – ўзбек адабиётшуноси Нурулла Аҳмедовнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1994). Ишда Алишер Навоий сиймосининг ўзбек адабиётида яратилган асарларда бадиий образ сифатида талқин этилиши б-н боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган. Дис-я кириш, тўрт асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлардан иборат.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Ўрта асрлар Шарқ шеърляти ҳамда адабий тарихий асарларда Навоий образининг талқини” деб номланиб, унда шоир образининг мусулмон Шарқи адабиётида тасвирланиши асосий масала қилиб олинган. Илмий иш муаллифи буюк форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий ўзининг “Юсуф ва Зулайхо” достонида Юсуф образи воситасида Навоий тимсолини талқин этганлигини таъкидлаб, Алишер Навоий адабий образ сифатида тириклик чоғидаёқ намоён бўлганлигини эслатган. Шунингдек, Зайниддин Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида ҳам шоирнинг суврати ва сийрати атрофлича ёритиб берилганлиги таҳлил қилинган.

“Алишер Навоий образи халқ ижодиётида” деб аталган иккинчи бобда шоир ҳақида эл орасида тарқалган ҳикоят, ривоят, афсона ва эртақлар ўрганиб чиқилган. Мазкур манбаларда акс эттирилган хислат ва фазилатларга эътибор қаратилиб, унинг халқ томонидан мукамал шахс, элпарвар давлат арбоби сифатида тасвирланиши алоҳида таъкидланган. Шунингдек, туркий халқлар орасида тарқалган ҳикоятлар, хусусан, туркман фольклорида Навоийнинг оилали шахс сифатида тасвирланиши сабабларига эътибор қаратилган.

Учинчи боб “Ҳозирги ўзбек шеърлятида Навоий образи” деб номланиб, Боту, Ойбек, Зулфия, М.Бобоев, Миртемир, В.Бойқобилов, М.Шайхзода каби шоирларнинг шеър ва достонларидаги Алишер Навоий образи тадқиқ этилган. Унда шоир образини яратишда эришилган муваффақиятлар б-н бирга камчиликларга ҳам эътибор қаратилган. Тадқиқотчи камчиликларнинг бош сабаби сифатида шоир тимсолини собиқ Шўро тузуми ғояларига мослашга уриниш б-н боғлайди. Масалан, Ойбек, С. Абдулла каби ижодкорлар шеърларида шоир шахсини тасвирлашда муайян зидланишлар кўзга ташланиши таъкидланади. Шунингдек, Ҳамза, Ғ.Ғуллом, Чустий, Ҳабибий, Э.Воҳидов каби шоирлар 20-аср ўзбек ғазалчилигига муносиб ҳисса қўшганликлари, уларнинг шеърларида Навоий образига устоз сифатида мурожаат этиш, шоир анъаналарини давом эттиришга интилиш каби

ҳолатлар сезилиши айтиб ўтилади. Шоир Б.Бойқобиловнинг “Шукуҳли карвон” шеърӣй романи таҳлил қилиниб, асарнинг ютуқ ва камчиликлари ўрганиб чиқилган.

Дис-янинг “XX аср ўзбек насрида Алишер Навоӣй образи” деб аталган тўртинчи бобида Ойбекнинг “Алишернинг болалиги” киссаси ҳамда “Навоӣй” романи, М.Осимнинг “Зулмат ичра нур” киссаси асосий объект сифатида таянган. Ушбу насрий асарларда тасвирланган Навоӣй образи атрофлича таҳлил қилиниб, ўзига хос жиҳатлар очиб берилган. Асарларнинг поэтик услуби, бадий хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган, Алишер Навоӣй образини ўзбек адабиётини талқин этиш б-н боғлиқ қарашлар яхлит шаклда ёритиб берилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д. Л.Қаюмов.

“НАВОИЙ АСАРЛАРИ ОНОМАСТИКАСИ” – ўзбек тилшуноси Шарифжон Ёқубовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган дис-яси (1994). Тадқиқотда Алишер Навоӣй асарларида учрайдиган номлар алоҳида объект сифатида ўрганилган. Дис-я кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объект, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

“Алишер Навоӣй асарлари ономастикаси таркиби” деб номланган дастлабки бобда шоир асарларида учрайдиган антропонимлар таҳлилга тортилган. Унда жами 1103 антропоним тадқиқ қилиниб, келтирилган киши номлари реал ва афсонавий шахслар деган гуруҳларга бўлиниб тасниф қилинади. Сўнг Алишер Навоӣй асарларидаги тарихий исмлар, афсонавий, туқима ҳамда тарихий шахслар номларига алоҳида тўхталинади. Мазкур бобда, шунингдек, топонимлар, оронимлар, гидронимлар, астронимлар, этнонимлар, зоонимлар ҳам тадқиқ этилади ва диний истилоҳларни ўз ичига оладиган теонимларга ҳам эътибор қаратилади.

Иккинчи боб “Алишер Навоӣй асарлари ономастикасининг луғавий қатламлари” деб номланиб, шоир асарларидаги номларнинг ўз ва ўрналашма қатламга тегишли эканлиги аниқ фактлар б-н асослаб берилади. Бу ўринда тадқиқотчи томонидан шоир асарларидаги номларнинг соф туркий, арабий ёки форсий эканлиги ҳисобга олинган.

Учинчи боб “Навоӣй асарлари тилидаги атоқли отларнинг лисоний-услубий (лингво-стилистик) хусусиятлари” деб аталиб, номлар услубий вазифаларига кўра уч гуруҳга бўлиниб таҳлил этилади: 1) ҳолис номинатив вазифали номлар; 2) услубий маъно ташувчи номлар; 3) аралаш вазифали номлар. Навоӣй асарларидаги ҳар бир атоқли от ҳисоб-китоб қилиниб, улар қўлланадиган ўринларга ҳаволалар берилган ҳамда санаб ўтилган гуруҳларга хос бўлган атоқли отларнинг семантик таҳлили амалга оширилган. Хулосада тадқиқотдан олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Э.А.Бегматов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “САДДИ ИСКАНДАРИ” ДОСТОНИНИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИ ВА МАТНИЙ ТАДҚИҚИ” – ўзбек адабиётшуноси Ҳамидова Манжуда Шокир қизининг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1994). Дис-я матншунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланиб, унда Алишер Навоӣйнинг “Садди Искандарий” достони матнини аслиятга яқинлаштириш ва танқидий матнини яратиш масаласи тадқиқ қилинган. Дис-я манбашунослик, матншунослик ва филологик аспектда олиб борилган бўлиб, икки катта қисми ўз ичига олади: 1) “Садди Искандарий” достонининг етти қадимий қўлёзмага асосланган 948 саҳифадан иборат илмий-танқидий матни; 2) илмий-танқидий матн тадқиқи. Ишнинг тадқиқот қисми икки бўлимни ўз ичига олган кириш, уч асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

Киришнинг биринчи қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объект, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Иккинчи қисмда эса матншунослик фани ва унинг навоӣйшунослик б-н боғлиқ ҳолдаги долзарб муаммолари ҳақида сўз боради.

Дис-янинг дастлабки боби “Садди Искандарий” достонининг мавжуд қўлёзмалари, илмий-танқидий матн тузишда асос қилиб олинган нусхалар ҳамда мазкур қўлёзмалар шажарасини

тузишга бағишланган бўлиб, уч фаслни ўз ичига олган. Даставвал муаллиф дostonнинг мавжуд қўлёмаларини таснифлайди, илмий-танқидий матн тузишда асос қилиб олган қўлёмалар ҳақида маълумот беради, уларнинг сақланиш манзиллари ва рақамларини кўрсатади, кейинги фаслда эса илмий-танқидий матн тузишда ўзи танлаб олган принципларни ҳавола қилади, истифода этилган қўлёмаларнинг шажараси жадвалини келтиради.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Садди Искандарий” дostonининг матний тадқиқи” деб номланиб, муаллиф ўзи танлаб олган етти қўлёзма матнларини ўрганиб чиқиб, улар ўртасидаги матний тафовутларни гуруҳлаш воситасида кўрсатиб берган. Унга кура мазкур қўлёмалардаги фарқларни гуруҳларга қуйидагича бўлиш мумкин: 1) композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар; 2) имловий хатолар; 3) матннинг бузилишига олиб келган текстологик тафовутлар. Олима мазкур фарқларнинг пайдо бўлиш жараёнларини илмий асосланган ҳолда кўрсатиб берган.

Навбатдаги бобда тадқиқотчи дostonнинг мавжуд қўлёмалари матнини ҳарфма-ҳарф, мисрама-мисра қиёслаб чиққан, Ҳ. Сулаймонов тузган илмий-танқидий матнга мурожаат қилади, наслрларда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни аниқлаган.

Хулосада илмий натижалар яхлит шаклда умумлаштириб берилган.

Илмий маслаҳатчи – ф.ф.д., акад. А.Қаюмов.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ БАДИИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ” (“Садди Искандарий” дostonи асосида) – ўзбек адабиётшуноси Салимов Имом Муртазоевичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1994). Дис-яда Алишер Навоийнинг бадиий образ яратиш маҳорати “Садди Искандарий” дostonидаги бадиий образларни таҳлил қилиш орқали тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Ишнинг кириш қисмида Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonи ва ундаги бадиий образларни тасвирлашда шоирнинг маҳорати б-н боғлиқ фикрлар умумий тарзда берилган.

Дастлабки боб “Тарихий ҳақиқат ва бадиий жило” деб номланиб, аввало, Искандар образининг шоир ижодида ўта муҳим ўрин тутгани б-н боғлиқ қарашлар илгари сурилган. Тадқиқотчи “Ҳазойин ул-маъний” таркибидаги девонларда Искандар номи тилга олинган шеърларни алоҳида қайд этиб, шоир ўзининг кичик жанрдаги шеърлари орқали бўлғуси йирик дostonлари учун замин тайёрлаган, деб хулоса қилган. Масалани изчил ёритишни мақсад қилган тадқиқотчи “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги Искандар образини ҳам таҳлилга тортган. Сўнг “Фарҳод ва Ширин” дostonида Искандар образининг намоён бўлишига эътибор қаратиб, унинг дoston асосий мазмуни б-н алоқадорлиги ва ғоявий юки ҳақида сўз борган. Тадқиқотчи Искандар образи Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий”дан олдинги асарларида тайёр бўлгани, унинг ўзига хос эволюцияси мавжудлигини таъкидлаган. Олим тарихий Искандар – Александр Макелонский б-н боғлиқ фактларга мурожаат қилган, улардан кўчирмалар келтирган ва халқ оғзаки ижодида Искандар образининг намоён бўлишига ҳам эътибор қаратган. Навоийгача бўлган “Хамса”ларда, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида Искандарнинг қай тарада тасвирлангани чуқур таҳлил қилинган, Искандар асос қилиб олинган барча бадиий образлар ўзаро қиёсланган, олимларнинг Искандар образи ҳақида айтган фикрларига аниқ муносабат билдирилган.

Иккинчи боб “Бадиий образ яратиш. Маҳорат. Анъана ва ижодкорлик” деб номланиб, дастлаб “Садди Искандарий” дostonида келган Искандар, Файлақус, Доро, Маллу, Феруз, Ҳинд роий, ҳокон, Арасту, хотин-қизлар, Маҳмуд Ғазнавий каби бадиий образларнинг классификацияси берилган. Тадқиқотчи уларнинг ҳар бирига иложи борича алоҳида тўхталиб, аниқ таҳлилий хулоса беришга ҳаракат қилган.

Шунингдек, “Садди Искандарий” дostonидаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-дидактик қарашлар ва психологик тасвир ҳам ишда илмий текширилган.

Хулосада олинган натижалар яхлит шаклда баён қилинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Б.Валихўжаев.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА УНИНГ САЛАФЛАРИ ИЖОДИДА ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ (“Хамса”ларнинг биринчи дostonлари асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Муҳиддинов Муслихиддин Қутбиддиновичнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1995). Дис-яда мусулмон Шарқида яратилган “Хамса”ларнинг илк дostonларида акс этган инсонга бўлган қарашлар қиёсий аспектда чуқур, ҳар томонлама тадқиқ қилинган.

Тадқиқот кириш, икки қисм, етти боб, тўрт фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг “Комил инсон проблемаси ва набию валийлар сиймоси” деб номланган дастлабки бобида Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодида акс этган инсон талқини масаласига эътибор қаратилган. Олим “Маҳзаан ул-асрор”, “Матлаъ ул-анвор”, “Тухфат ул-аҳрор” ҳамда “Ҳайрат ул-аброр” каби дostonларни ўз иши учун асосий объект сифатида танлаб олар экан, аввало, уларнинг ҳажми, таркибий тузилиши ҳақида тўхталган. Низомий Ганжавий дostonи 58 боб, Хусрав Деҳлавий дostonи 55 боб, Абдураҳмон Жомий дostonи 61 боб, Алишер Навоий дostonи 63 бобдан иборат экани бежиз бўлмай, бу бевосита ижодкорларнинг ғоявий мақсадларини ифодалаш учун хизмат қилган. Шунингдек, дostonларнинг мазмуний мундарижаси, уларда кўтарилган масалалар кетма-кетлиги қиёсий шаклда урганилган ҳамда ўхшаш ва фарқли жиҳатлари яққол намоён бўлган. Хусусан, тўрт дostonнинг барчаси “Бисмиллоҳ” б-н бошлаган бўлиб, олим уларнинг биринчи байтларини келтирган ва таҳлил қилган.

Мазкур дostonларда акс этган инсон б-н боғлиқ қарашларни таҳлил қилиш асосида Қуръони каримда келган инсон б-н боғлиқ оятлар ўрганиб чиқилган. Оятларнинг маънолари таржимаси келтирилган ва ислом динида инсон даражасининг улуг экани таъкидланиб, буни акс эттириш тўрт хамсанавис ижодининг бирламчи жиҳати экани таъкидланган.

“Ҳазрат Пайғамбар тасвири” деб номланган бўлимда тўрт дostonдаги Расулulloҳ (с.а.в.) б-н боғлиқ наът қисмлар қиёсий шаклда ўрганилган, уларнинг қарашлари ўртасидаги умумийлик ва хусусийлик ҳамда бу ҳолатларнинг сабаблари таҳлил қилинган. Дostonларда кўнгил тимсолининг берилиши, валийлар ва сўфийлар сиймосининг акс этиши масаласи ҳам синчковлик б-н тадқиқ этилган. Низомий Ганжавий “Кеча таърифида ва кўнгилни таниш”, “Биринчи хилват кўнгил парваришида”, “Биринчи хилват самараси”, “Иккинчи хилват тунги ишрат ҳақида”, “Иккинчи хилват самараси” деб номланган бобларда кўнгил б-н боғлиқ қарашларни ифода этган. Хусрав Деҳлавий эса “Биринчи хилват бандалик ҳақида”, “Иккинчи хилват сабо ва сабоҳ сифатида”, “Учинчи хилват дил каъбаси ҳарамии зиёрати” деб номлаган бўлса, Алишер Навоий кўнгил ҳақидаги фикрларини уч “ҳайрат” мисолида кўрсатиб берган. Дис-яда буюк шоирларнинг бу борадаги қарашлари байтлар келтириш, уларни шарҳлаш, фарқларни аниқлаш, буларнинг ҳаммаси алоҳида хусусий ҳол экани ифода этилган.

“Инсон талқинида адабий анъана ва ижодий ўзига хослик” деб аталган иккинчи қисмда дostonларда акс этган инсон ахлоқи тасвири, инсон ва ижтимоий муҳит, ҳаёт ва инсон камолоти учун кураш ғоялари тадқиқ қилинган, хусусан, сўз фазилати, муҳаббат, одабийлик таърифи, дostonларда таъриф этилган қаноат масалалари атрофлича ўрганилган.

Дис-яда Амир Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий, шунингдек, уларнинг салафлари ижодида инсон ҳақидаги тушунчалар ислом дини негизида шаклланигани, уларнинг қарашлари деярли барча ўринларда ўзаро мувофиқ келиши, Қуръон оятлари мазмуни уларнинг асарларида акс этиши исботлаб берилган.

Тўртала дostonда ҳам инсон руҳоний оламининг поклиги, юксаклиги асослари очиб берилгани айtilган, комил инсон тас-нинг ҳам, ад-тнинг ҳам идеали эканига урғу қаратилган, дostonларда келган ҳикоятлар қаҳрамонлари, алоҳида эътибор берилган яхши фазилатлар, рад этилган салбий жиҳатлар ҳам аниқ шаклда акс этган. Алишер Навоийнинг анъанага муносабати, ижодий янгиликлари инсон талқинини беришда намоён бўлиши айтиб ўтилган ва унинг дostonида бутун бир одабийлик концепцияси шаклланигани, унинг моҳиятида исломий-тасаввуфий ғоялар ётгани, гуманистик ғояларнинг давр ўтиши б-н бойиб, кучайиб боргани таъкидланган.

Хулосада олинган илмий натижалар умумлаштирилган шаклда яхлит тарзда берилган.

“УЙҒУР ДОСТОНЧИЛИГИ ВА НАСРИ ТАРАҚҚИЁТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИНГ ЎРНИ” – ўзбек адабиётшуноси Ханифа Солиҳованинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1995). Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сининг уйғур достончилиги ва насри тараққиётида тутган ўрни уйғур ижодкорлари қаламига мансуб “Фарҳоднома”, “Муҳаббатнома ва меҳнатком”, “Робия ва Саъдин” каби достонлари б-н муқояса қилиш орқали тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, тўрт асосий боб, олти фасл, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, Алишер Навоий ва уйғур адабиёти ўртасидаги боғланишларни қиёсий шаклда тадқиқ қилган олимларнинг фикрлари келтирилган, уларга муносабат билдирилган.

Ишнинг биринчи боби “Алишер Навоий туркий тиллардаги адабиётнинг муршиди сифатида” деб номланиб, дастлабки фаслда Навоий ижоди туркий тиллардаги ад-тнинг янги босқичини бошлаб берганига эътибор қаратилган. Унда шоир ижодининг салмоғи ва қамрови ҳақида сўз борган. Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Навоий ва Шарқий Туркистон” деб номланган бўлиб, дастлаб Шарқий Туркистоннинг қисқача тарихи ёритилган ва Алишер Навоий асарларида уйғур халқи ва уйғур олимларига бўлган муносабат акс этган нуқталар таҳлилга тортилган. Жумладан, шоир асарларида учрайдиган “Чину Хито”нинг географик жойлашуви Шарқий Туркистон ҳудудларига тўғри келиши алоҳида таъкидланган, шоир асарларининг Кошғар, Ёрқанд, Урумчи ва Ғулжа каби нусхалари мавжудлиги Алишер Навоий ва Шарқий Туркистон халқлари маданиятининг ўзаро алоқадорлигини тасдиқлашига эътибор қаратилган. Шунингдек, тадқиқотчи Алишер Навоий “Хамса”си таъсирида ижод қилган Абдураҳим Низорий, Турди Ғарибий, Хирқатий, Залилий, Мулла Фозил, Мулла Сиддиқ Ёрқандий, Сабурий каби шоирлар номларини зикр этган.

Дис-янинг иккинчи боби “Уйғур адабиётида Хамса” мавзуларининг ишланиш тарихидан” деб номланиб, унда Алишер Навоий “Хамса”си достонлари анъаналарини давом эттирган, уларга жавобия ёзган, уйғур тилига ижодий таржима қилган шоирлар ижоди ҳақида сўз юритилган. Хусусан, уйғур шоири Ломий, Нур Муҳаммад Андалиб, Абдураҳим Низорий, Турди Ғарибийнинг ҳамсанавислик йўлидаги муваффақиятли уринишлари алоҳида таъкидланган.

Дастлабки фаслда Низорийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонига урғу берилган бўлиб, мазкур асарнинг жавобия тарзидаги белгилари мавжудлиги айtilган. Навоий ва Низорийнинг бир хил мавзудаги достонлари сюжет жиҳатидан қиёсланган ва фарқлар, ўхшашликлар кўрсатиб берилган. Низорийнинг сюжет чизиғида ўзи қўшган янгиликлари ва Навоийга эргашган ўринлари аниқланган бўлиб, асосийси, достонларга танланган вазнларда ҳам фарқланиш борлиги айtilган, яъни Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонини ҳазаж баҳрида, Низорий эса мутақориб баҳрида ёзган.

Бобнинг иккинчи фаслида уйғур шоирлари яратган “Лайли ва Мажнун” достонлари ва уларнинг Алишер Навоий б-н боғлиқ нуқталари ҳақида сўз борган. Низорий, Мулла Фозил, Турди Ғарибийнинг “Лайли ва Мажнун” мазусидаги достонлари Навоий достони б-н қиёсланган.

Ишнинг учинчи боби “Навоий сўз санъати маҳорати изидан” деб номланиб, Хирқатийнинг “Муҳаббатнома ва меҳнатком” ҳамда Низорийнинг “Робия ва Саъдин” достонларида Алишер Навоий таъсири қай даражада намоён бўлиши таҳлилга тортилган. Тадқиқотчи синчковлик б-н мазкур шоирлар асарларидаги Навоий маҳоратидан таъсирланган нуқталарни топган ва ўрганган.

Тўртинчи боб “Насрий баён жанр сифатида” деб номланиб, насрий баён тушунчаси атрофлича таҳлил қилинган. Унда Мулла Сиддиқ Ёрқандийнинг насрий баёнига алоҳида тўхталган тадқиқотчи насрий баённинг қатъий қоидалари сифатида назмнинг оҳори, нафосати ва бадиий қувватини сақлаб қолишни, мазмунга путур етказмаган ҳолатда етказиб беришни кўрсатиб ўтган. Шунингдек, насрий баённинг мисрама-мисра ёки умумий тарзда амалга ошириш каби усуллари борлиги қайд этилган. Бу икки усулнинг ижобий ва салбий жиҳатлари назардан қочирилмаган ҳолда Алишер Навоий “Хамса”сини насрийлаштириш уйғур адабиётдаги насрнинг тамал тоши бўлгани ва ижобий ҳодиса сифатида юксак баҳоланиши таъкидланган.

Хулосада олинган илмий натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. С.Эркинов.

“ЎЗБЕК НАСРИДА ИНШО” (Навоний “Муншаот”и мисолида) – ўзбек адабиётшуноси Эргашев Қодир Отаджановичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1996). Дис-яда мусулмон Шарқидаги иншо санъатининг ўзига хос хусусиятлари Алишер Навонийнинг “Муншаот” асари мисолида очиб берилган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Шарқ насрида иншо санъати” деб аталади. Унда иншо санъати илк даврларда рисола жанрининг бир кўриниши сифатида мавжуд бўлганлиги, кейинчалик эса унинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар юзага келиб, иншо алоҳида наср тури сифатида шаклланиб бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, иншо наср тури сифатида шаклланиб бўлгандан сўнг ҳам бу тушунчага уч хил қараш (кенг маънода – фармонлар, ёрлиқлар ва бошқа давлат ҳужжатлари; унча кенг бўлмаган маънода – расмий ва хусусий ёзишмалар, мактубларнинг барча турлари; тор маънода – мактубларнинг иншо санъати талабларига риоя қилиб ёзилган мактублар) мавжуд бўлиб келганлиги таъкидланади. Иккинчи боб “Навоний “Муншаот”идаги мактубларнинг иншо турларига кўра таснифи ва уларга хос хусусиятлари” деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. Унинг “Мурофия йўсинида ёзилган иншолар” деб номланган биринчи фаслида ўрта аср кишилари орасидаги хусусий ёзишмалар уч турга бўлингани, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва ёзилиш йўсинига эга бўлгани айтилиб, улар орасида энг кўп тарқалгани мурофия йўсинида ёзилган иншолар эканлиги ҳақида маълумот берилади. Бундай иншолар муаллифдан мавқеи, обрў-эътибори баланд бўлган кишига йўлланади. Мазкур иншо тури Навоний “Муншаот”ида ҳам салмоқли ўринни эгаллаб, улар султон ва шахзодаларга йўлланган мактублардир. Ишда асардаги шу йўсинда ёзилган 15-, 42-, 48-мактублар таҳлил доирасига тортилган. Бобнинг иккинчи фасли “Муросала ва риқоъ йўсинида ёзилган иншолар” деб аталади. Унда келтирилишича, даражаси муаллиф б-н тенг кишига ёзилган хатлар муросала, жамиятдаги ўрни, амали, насаби жихатидан муаллифдан қўйи турувчи шахсга юборилган мактублар эса риқоъ деб аталган. Ишда уларнинг ҳар бир турига мисоллар келтирилган. Дис-янинг учинчи боби “Мактублардаги бадиий воситалар ва санъатлар” деб аталиб, унда Алишер Навонийнинг иншо санъатидаги маҳорати мактубларда қўлланган бадиий тасвир воситалари ва санъатлар ёрдамида очиб берилган. Муаллифнинг аниқлашича, Навоний иншоларида “салосат”, “жазолат”, “матоват” каби иншо компонентлари б-н бирга бароати истеҳлол, тасҳиф, тазод, ҳусни ибтидо, ҳусни матлаб, тақрир, муболага каби санъатлар фаол қўлланилган. Мазкур санъатлар иншонинг мазмуни, муаллиф нияти б-н узвий боғлиқликда қўлланилган ва муаллифнинг бадиий маҳоратини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади. Илмий раҳбар – ф.ф.н. С.Ғаниева.

“АЛИШЕР НАВОНИЙ ДУНЁҚАРАШИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУАММОСИ” – ўзбек фалсафашуноси Низамов Фазлихон Сафаровичнинг фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1996).

Илмий иш кириш, икки асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “XV асрда умуминсоний қадриятлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари” деб номланган. Унда Навоний яшаган даврнинг маънавий ва сиёсий жараёнлари ўша давр нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шунингдек, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар ва маънавий тарққиёт масаласи ҳамда Навоний дунёқарашидаги умуминсоний қадриятлар тараққиётининг фалсафий ва ғоявий асосларини аниқлашга эътибор қаратилган. Шоир асарларини ўрганиш асносида Навонийнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабати имкон қадар ёритилган.

“Алишер Навоний ижтимоий-фалсафий қарашларида умуминсоний қадриятларнинг шаклланиш

ва ривожланиш муаммоси” деб номланган иккинчи бобда шоир дунёқарашидаги ўзгаришлар тадрижини таҳлил қилиш бош масала сифатида белгиланган. Таҳлиллар орқали мутафаккирнинг диний ва тасаввуфий қадриятларга муносабати ва Навоий асарларида акс этган ижтимоий адолат ҳақидаги ғоялар муайян тарзда ўрганилган.

Бундан ташқари, тадқиқотда шоирнинг жамиятда тинчлик ўрнатиш ва урушларни бартараф қилиш туғрисидаги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш б-н боғлиқ қарашлари ҳам таҳлилга тортилган. Хулоса илмий иш натижалари умумлаштирилган шаклда тақдим қилинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Х.Алиқулов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “МАҲБУБУЛ-ҚУЛУБ” АСАРИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ” – ўзбек адабиётшуноси Хайитов Шавкат Аҳмадовичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1997). Дис-яда Алишер Навоий пандномасидаги ахлоқий масалалар анъана ва ижодкорлик асосида, Шарқ адабиётининг нодир намуналари – “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Қутадғу билиг”, “Қобуснома”, “Тулистон”, “Панднома”, “Саодатнома”, “Даҳ фасл” каби адаб дурдоналари б-н қиёсий таҳлил этилган. “Маҳбуб ул-қулуб”да ахлоқий мавзулар талқинида илоҳиёт ва тас. таянч омил вазифасини адо этгани далилланган. Асарда илоҳиёт ва туркий халқлар бадиий тафаккурида кенг ўрин эгаллаган тасаввуф мақомлари ёритилган.

Тадқиқот кириш қисми, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долазарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби “Маҳбуб ул-қулуб” манбалари” деб номланган. У “Қуръон ва “Маҳбуб ул-қулуб” ҳамда “Маҳбуб ул-қулуб”да Алишер Навоийнинг ҳодисаларга муносабати” деб номланган икки фаслни ўз ичига олган.

Диссертант биринчи бобнинг дастлабки фаслида Навоийнинг Қуръонга муносабати ва ундаги ғоялардан ўз асарларида фойдаланганини тадқиқ қилган. Дис-яда Алишер Навоийнинг ахлоқий-фалсафий, бадиий-ғоявий мақсад ифодасида Қуръоний қисса ва тимсоллардан фойдаланишидаги маҳоратининг ўзига хос қирраларини ўрганишга ҳам кенг ўрин берилган, жумладан, баъзи ихчам танбиҳларда ахлоқий-таълимий масалалар талқин қилинар экан, хотимада қуръоний қисса номи аикр қилинади.

Иккинчи бобнинг биринчи фаслида фасл ва танбиҳлардаги Қуръоний ғоялар ўрганилган. Шунингдек, Алишер Навоий пандномаси манбаларидан бири ҳисобланган қадим туркий шеърят дурдоналари ва халқ оғзаки ижоди ҳам асарга қиёсий тарзда таҳлилга тортилган.

Дис-янинг учинчи боби “Асарнинг ғоявий-бадиий таҳлили” деб номланган бўлиб, қуйидаги фасллардан иборат:

1. “Аллоҳ ва сўнгги пайғамбар вафси”.
2. “Иймон-одамийлик асоси”.
3. “Тасаввуф-ахлоқий камолот тарийқи”.

Дис-яда Аллоҳ ва Расулининг ҳар бир сифатини мадҳ этиш замирида юксак ахлоқий-тарбиявий мақсад ётгани далилланган. Ғоявий-бадиий таҳлил жараёнида Алишер Навоий бадиий маҳорати ва тавсифлаш санъатининг ўзига хос хусусиятлари имкон қадар тадқиқ этилади. “Маҳбуб ул-қулуб”да иймон ва одамийлик тушунчалари ҳаммаша ёнма-ён келгани учун учинчи бобда иймон – одамийлик асоси деган масалага алоҳида тўхталиб ўтилган. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг дис-я ёзилган даврда ҳали нашр қилинмаган қисмлари таҳлилга тортилган ва асарда инсон тақдири учун қайғуриш, уни жамики нуқсонлардан холи кўрмоқ истаги ислом арконлари талқини ва тасвирига бағишланган фасл ва танбиҳларда бош ғоя ҳисобланиши аниқланган. Бобнинг “Маҳбуб ул-қулуб”да тарикат асослари, мақомат манзилларининг шарҳига бағишланган қисмида “Ҳамида афъол ва замима ҳисол хосиятида” сарлавҳалари бобларнинг ғоявий-бадиий таҳлили амалга оширилган. Тадқиқотчи ўзининг изланишлари натижасида “Маҳбуб ул-қулуб” бой илоҳий ва адабий сарчашмалар заминида яратилган бўлса-да, асарнинг асосий манбаи – Алишер Навоий даври ва муҳити деб хулоса қилган.

Шунингдек, пандномада 15-аср иккинчи ярмидаги ҳаёт ва тарихий шароит мағзидан келиб чиқиб сиёсий, фалсафий, ахлоқий масалаларга муносабат билдирилгани ҳақида тўхтамга келинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Р.Ж.Воҳидов.

“АЛИШЕР НАВОЙИ ҒАЗАЛЛАРИДА ҚОФИЯ” – ўзбек адабиётшуноси Мияссар Акбарованинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1997). Дис-яда Алишер Навоий шеъриятида қофиянинг ўрни ва аҳамияти унинг “Хазойин ул-маоний” қудлиётидаги ғазаллари асосида очиб берилган. Бунда Алишер Навоий ғазалиётида қўлланилган мумтоз қофия турлари, уларнинг аруз вази ва бадий санъатлар б-н муносабати, Алишер Навоийнинг қофия қўллашдаги новаторлиги, шоир қўллаган қофияларнинг тузилиши, уларда шакл ва мазмун бирлиги, шоир қўллаган қофияларнинг анъанавийлик касб этиши б-н боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Тадқиқот кириш қисми, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, ишнинг методологик асоси ва методикаси, ўрганилиш даражаси ва илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши ва таркиби ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Шарқ мумтоз адабиётшунослигида қофия назарияси ва қофия турлари” деб номланган бўлиб, унда мумтоз қофия илмининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз боради, қофия назариясига доир форсий ва туркий манбалар атрофлича таҳлил қилинади. Шунингдек, қофиянинг асосини ташкил қилувчи 9 та ҳарф ва 6 та ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг қофияни ташкил қилишдаги ўрнига эътибор қаратилади. Бобнинг иккинчи бўлимида Шарқ мумтоз ад-тида кенг қўлланилган қофия турлари, уларнинг Алишер Навоий ғазалиётидаги ўрни ҳақида фикр юритилади, шоирнинг туркий ғазалларида Шарқ мумтоз адабиётида қўлланилган қофиянинг 25 туридан 23 таси қўлланилганлиги аниқланади, уларга мисоллар келтирилади.

Дис-янинг иккинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, “Алишер Навоий ғазалиётида қофия” деб номланган. Унинг “Мазмун ва қофия” деб номланган биринчи бўлимида қофиянинг асар гоёси ва вазини белгиловчи восита эканлиги шоирнинг “Желмади” ва “Ўйнар” радифли ғазаллари таҳлили орқали асослаб берилган. Бобнинг иккинчи бўлими “Қофия ва радиф” деб номланган бўлиб, унда радиф шеърининг қофия б-н муносабати “Йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай” радифли ғазали воситасида очиб берилган. Бобнинг “Қофия ва вазн” деб номланган навбатдаги бўлимида эса Алишер Навоий ижодида кенг қўлланилган радифли ва мужаррад қофияларнинг аксарияти ҳажаж, рамал ва мужтасс баҳрларида яратилганлигига эътибор қаратилади ва шу орқали вазн қофия б-н узвий боғлиқ, вазннинг муаян турлари қофиянинг ўзига мувофиқ келувчи турларини талаб қилади деган хулосага келинади. Бобнинг “Алишер Навоий ғазалиётида қофиялаш санъати” деб номланган тўртинчи бўлимида шоирнинг зулқофиятайн, зеб қофия, тажнисли қофия, тарсеъ каби бадий санъатлардан фойдаланиш маҳоратига тўхталиб ўтилади. Дис-янинг учинчи боби “Алишер Навоий ғазалиётида қофия” деб аталиб, уч бўлимдан иборат. Унинг биринчи бўлими “Алишер Навоий қўллаган қофия турлари” деб номланган. Унда шоир ғазалиётидаги қофиялар қўлланилиш даражасига кўра уч гуруҳга ажратилган: 1) кенг қўлланилган, анъанавий қофиялар; 2) ўртача мураккаб бўлган қофиялар; 3) камроқ қўлланилган ўта мураккаб қофиялар. Бобнинг “Алишер Навоий ғазалларида қофиянинг грамматик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бўлимида Навоий ғазалларидаги қофиядош сўзларнинг грамматик тузилиши ўрганилган, уларнинг вужудга келишида қўшимчаларнинг ўрнига аҳамият қаратилган. Бобнинг учинчи бўлими “Алишер Навоийнинг қофиялаш маҳорати ва анъаналари” деб сарлавҳаланган. Ушбу бўлимда буюк шоир ғазалларида қўлланилган қофия турлари Гадоий, Лутфий, Машраб, Нодира, Оғаҳий ва Эркин Воҳидов девонларига киритилган ғазаллардаги қофиялар б-н қиёсан ўрганилган. Ишнинг хулоса қисмида дис-я юзасидан олинган хулосалар умумлаштирилган.

Дис-я мавзуси бўйича иккита рисола ва учта мақола эълон қилинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Н.Комилов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИ ТАЛҚИНИНИНГ XV–XX АСР МАНБАЛАРИ” – ўзбек адабиётшуноси Эркинوف Афтондил Содирхоновичнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1998). Дис-яда навоийшуносликнинг 15–20-асрлар оралигидаги тарихи, унинг Навоий ижодига ёндашув принциплари махсус ўрганилган. Илмий тадқиқот кириш, асосий қисми ташкил этувчи беш боб, хулоса, иловалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг муаммолари” деб номланган. Муаллиф Навоий “Хамса”си талқинида икки босқич мавжуд деб ҳисоблайди. Булар:

1. XV асрдан XX аср бошларигача бўлган босқич.
2. XX аср бошларидан бугунгача бўлган босқич.

Бобда мазкур даврлаштириш нисбий бўлиб, Навоий “Хамса”си талқинларидан келиб чиқиб амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланган. Тадқиқотчининг хулоса қилишича, ўзбек классик ад-тидаги бадиий матнлар талқини масаласи бевосита мусулмон Шарқи маданияти ва ад-ти б-н боғлиқ. Шу боис бу жиҳатни Алишер Навоий “Хамса”сининг ўтмишдаги талқинлари масаласини кун тартибига қўйиш ва унинг манбаларини аниқлаб ўрганишда ҳисобга олиш лозим.

Иккинчи боб “Алишер Навоий “Хамса”сида автоинтерпретация муаммоси ва унинг манбалари системаси тадқиқи” деб номланган. Олим Алишер Навоий “Хамса”сини талқин этишдаги дастлабки манба сифатида Навоий – муаллифнинг ўз бешлиги ва унинг дostonларини қандай талқин этиши, ҳамсачилик анъанасига билдирган муносабати масаласига эътибор қилиш керак эканлигига диққат қаратган. Шу йўлда “Хамса” дostonларидаги автоинтерпритацион жиҳатларни алоҳида ўрганиб чиққан.

Учинчи боб “Навоий “Хамса”сининг бадиий, илмий ва тарихий асарлардаги талқини манбалари” деб номланган бўлиб, “Хамса” дostonларининг Навоий замондошлари ва издошлари амалга оширган талқинларига ургу берилган. Чунки Алишер Навоийнинг “Хамса”сига баъзи бадиий асарлардан айрим қайдлар, тазкира ва тарихий асарлар, мемуарларда муайян муносабат билдириб утилган. Тадқиқотчи бу муносабат “Хамса”ни бирор бир даврдаги тушуниш, баҳолаш, унинг адабий муҳитдаги ўрнини белгилаш жиҳатидан аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бадиий, илмий, мемуар ва тарихий асарлардаги Навоий “Хамса”си тўғрисидаги фикр ва қайдлар талқиний манба сифатида аҳамият касб этади.

Тўртинчи боб “Навоий “Хамса”сининг қўлэмалардаги талқини манбалари” деб номланган бўлиб, “Хамса”нинг қўлэзма нусхалари тадқиқ қилинган. Иш муаллифининг тўхталишича, Шарқ маданияти тарихида китоб ва китобат ишларига алоҳида эътибор берилган. Ҳар бир китобат этилган асар ёки асарларни ўз ичига олган қўлэзма алоҳида адабий-маданий аҳамиятга эга. Шу маънода ҳар бир қўлэзма китоб таркибига киритилган асар матнига бўлган муносабат нуқтаи назаридан герменевтика учун ҳам қимматлидир. Муаллиф мазкур бобда “Хамса” қўлэзма нусхаларини атрофлича қиёсан ўрганиб, уларнинг ҳошияларига битилган, қўчирилиш хусусиятларини тавсифлайди ва шу орқали “Хамса”га бўлган турли даврлардаги муносабатларни, талқинларни аниқлайди.

Бешинчи боб “Навоий “Хамса”сининг бадиий талқини манбалари” деб номланиб, “Хамса”ни талқин қилишда ёрдам берадиган бадиий манбаларга тўхталинган. Олим бу манбаларни қуйидагича таснифлайди:

1. Бадиий кириш ва хотималар.
2. Халқ китоблари.
3. Миниатюралар.
4. Таржималар (қисман).

Боб давомида бу манбаларга хос жиҳатлар ва “Хамса”га бўлган ёндашувлар кўрсатиб берилган. Умуман ишда герменевтика ва тафсир, фалсафий герменевтика б-н бадиий матн талқини, яъни адабий герменевтика, автоинтерпретация, автокоммуникатив интерпретация, тарихий-функционал

идрок ва матн талқини, таъсир ва “акс таъсир” диалектикасининг манбаларда ифодаланиши, апперцепция (психологик таъриба, анъана) ва библиопсихология масалалари, шунингдек, юқорида айтилганлар б-н боғлиқ декод, дешифр, деконтекстуализация, диахрония, диалог (маданиятлар дучлашуви), ижодий-генетик ёндашув, ифодавий тугалланмаслик (матн кўп маънолилиги), китобат талқини, маданий-тарихий мактаб, моноинтерпретация, рухий-тарихий мактаб каби матннинг герменевтик талқини б-н боғлиқ ўнлаб атама ва ҳодисалар ёритилган.

Ишнинг хулоса қисмида илмий натижалар, амалий тўхтамлар умумлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи – ф.ф.д. Н.Жомилов.

“Навоий Бадииятини Немисча Таржималарда Қайта Яратиш ва Табдил Этиш” – ўзбек адабиётшуноси Абдуллажонов Акмалхон Аҳмаджоновичнинг филология фанлари номаоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1998). Илмий ишда Алишер Навоий асарларининг немис тилига таржималари атрофлича таҳлил қилинади. Унда асосий ургу немисча таржималарда Навоий асарлари бадииятининг яратилиши ҳамда табдил этилишига қаратилади. Дис-я кириш, уч асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Дастлабки боб “Навоий асарларининг немисча таржималари тарихига бир назар” деб номланиб, уч фаслни ўз ичига олади. “Шоир ижодининг немис диёрига кириб бориши” деб аталган биринчи фаслда Навоий асарларининг немисча таржималари илк бор тадқиқ этилиб, шоир асарларининг немис тилидаги таржималари 400 йиллик тарихга эга эканлиги исботланади ва Европа шарқшуносларининг Навоий ижоди б-н форс шоирлари даражасида таниш эмасликларига эътибор қаратилади. Бобнинг “Таржималар тадрижи” деб номланган иккинчи фаслида шоир асарларининг немис тилига ўгирилиш даври шартли равишда тўрт босқичга бўлинади:

- 1) Навоий асарларининг 16-асрдаги ва ундан кейинги немисча таржималари;
- 2) шоир таваллудининг 500 йиллиги муносабати б-н вужудга келган таржималар;
- 3) 525 йиллик юбилей даврида амалга оширилган таржималар;
- 4) шоир таваллудининг 550 йиллиги муносабати б-н амалга оширилган таржималар.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “Таржима жараёнлари ва асосий тамойиллар” деб номланиб, унда муаллиф шоир асарларининг немисчага ўгирилиш йўлларини беш гуруҳга бўлади:

- 1) Европа тилларидан немисчага таржима;
- 2) бевосита аслиятдан таржима;
- 3) ўзбекчадан русчага қилинган тағламадан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган таржима;
- 4) аслиятдан немисчага қилинган тағлама орқали таржима;
- 5) русча таржимадан таржима.

Иккинчи боб “Таржима ва адабий жанр бадиияти” деб аталиб, унинг “Маснавий таржимасида пейзаж” фаслида пейзаж б-н боғлиқ бадиий санъатларнинг ўзга тилга қандай ўтганлигига алоҳида эътибор берилади. Бобнинг “Ғазал поэтикаси ва таржима” фаслида Навоийнинг сўфиёна ғазаллари немисчада асл мазмунини йўқотиб, дунёвий маъно касб этганлиги таъкидланади. Бу ҳолнинг сабаблари ўрганилади ва асослаб берилади.

Дис-янинг учинчи боби “Таржимада шакл ва мазмун бирлиги” деб аталиб, унинг дастлабки “Муножот таржимасининг ўзига хосликлари” деб номланган фаслида Навоийнинг “Муножот” асаридаги хусусиятларнинг таржималарда қай даражада акс этишига тўхталинади. Асардаги бадиий санъатларнинг немис тилида қай шаклда намоён бўлиши очиб берилади.

Бобнинг “Ҳикматли сўзлар таржимаси” фаслида асосан қофиянинг немис тилида қайта яратилиши ҳақида гап боради. Бунда муаллиф қофиянинг немис тилида қайта яратилишини тўрт ҳолда намоён бўлади деб ҳисоблайди:

- 1) мазмунни сақлаш мақсадида қофиядан воз кечилган;
- 2) немис тилининг ички имкониятларидан фойдаланиб, қофия сақланган;
- 3) сажъли насрий парчалар шеърӣ шаклда қофиялаб ўгирилган;
- 4) ассонанс усулида қофиялаш.

Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади.

Дис-я бўйича Тошкентдаги илмий журналларда ҳамда тўпламларда алоҳида мақолалар эълон қилинган. Илмий раҳбар – ф.ф.н. С.Ҳ.Олимов.

“ТАСАВВУФ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича)” – ўзбек адабиётшуноси Абдусалом Абдуқодировнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1998). Илмий ишда Навоий ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқини кенг қамровда тадқиқ этилган бўлиб, унда мазкур таълимотнинг моҳияти, пайдо бўлиши ва такомил жараёни; Навоийнинг араб, форс-тожик, ўзбек сўфий ва мутасаввиф салафлари ҳамда замондошлари ижодидаги ваҳдат ул-вужуд талқини; таълимотнинг нақшбандлик силсиласидаги ўрни, Навоийнинг ушбу таълимотга муносабати ва асарларидаги бадий талқини, ваҳдат манзиллари: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг Навоий ижодидаги ифодаси; Навоий ижодидаги тавҳидий ишқ тасвири, тас.даги комил инсон масаласи, Навоийнинг бу ҳақдаги қарашлари ва шу каби масалалар таҳлил қилинган. Илмий иш кириш, 5 боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

“Навоийнинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини” деб номланган биринчи бобда Алишер Навоийнинг ваҳдат ул-вужудга доир қарашларига замин бўлган манбалар бевосита шоирнинг уларга бўлган муносабати асосида таҳлил этилади. Унга кўра, Навоий ижодидаги ваҳдат ул-вужудга негиз булган манбаларнинг аввали Қуръон ва ҳадисдир. Ундан сўнг келадиган манбалар силсиласи куйидагилардан иборат: Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Абу Бакр Шиблий, Мансур Ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий ва Навоийга замондош бошқа шоирларнинг қарашлари.

Тадқиқотда шоирнинг салафлари ва замондошлари асарларида акс этган ваҳдат ул-вужуд ҳақидаги қарашларнинг шоир ижодига кўрсатган таъсири қиёсий таҳлил йўли б-н очиқ берилди.

Иккинчи боб “Вужуд бирлиги талқинида Навоий бадий маҳорати” деб аталиб, унда ваҳдоният тушунчасини ифодалашда шоирнинг истеъдоди, бадий маҳоратига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда шоирнинг “Ҳамса”, “Лисон ут-тайр” дostonлари ҳамда ғазалларида акс этган Аллоҳнинг ваҳдоният сифати ифодалари таҳлил этилган.

Учинчи боб “Мажозий ва ҳақиқий ишқ – васл босқичлари” деб аталиб, унда шоир асарларидаги ишқ тасвири моҳияти алоҳида назарда тутилади. Навоийнинг қарашларига бивоан ишқнинг асоси поклик эканлиги, ишқнинг турлари, дostonларда акс этган мажозий ва ҳақиқий ишқ босқичлари ўрганилади.

Тўртинчи боб “Фақр – Навоий ижодида ваҳдат йўли” деб номланиб, унда тасаввуфдаги фақр тушунчасининг шоир ижодидаги талқини таҳлил қилинади. Бобда фақр манзиллари, шоир асарларида унинг акс этиши ҳамда ифода ва тасвирда шоир таъсирланган манбаларга бевосита мурожаат қилинган.

“Комил инсон – барча интилишларнинг якуни” деб номланган бешинчи бобда Навоийнинг ваҳдат ул-вужуд б-н боғлиқ қарашлари замирида унинг комил инсон ҳақидаги идеали акс этганлиги ёритилади. Бу ўринда муаллиф Навоийнинг ахлоқий қарашлари, дostonлардаги образларга сингдирилган комиллик сифатлари ҳамда бевосита шоирнинг назарий асарларидаги аниқ тушунчаларни тадқиқ қилади. Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган.

Дис-я доирасида 4 та монография, 1 та тасаввуф истилоқлари луғати ва 30 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинган. Илмий изланиш натижалари алоҳида мақола ва тезис шаклларида Хужанд ҳамда Тошкент илмий журналларида, конференция тўпламларида, яхлит ҳолдаги монографияларда акс этган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ ҚОФИЯСИДА МАНТИҚ УРҒУСИНИНГ БЕРИЛИШИ” – ўзбек тилшуноси Ҳайитметов Фарҳод Абдуқодировичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1998). Дис-яда Алишер Навоий ғазалларидаги

гап турлари, қофия ургуси хусусиятлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг умумий тавсифида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг кириш қисмида эса олим қофия илмининг шеършуносликдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритган ҳамда дастлабки манба – шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида қофия учун махсус боб ажратилгани ва мазкур рисолада муаллифнинг бу б-н боғлиқ фикрларидан иқтибос келтирган. Сўнг диссертант замондош олимларнинг қофия ҳақидаги қарашлари ҳақида гапириб, уларга ўз муносабатини билдирган. Хусусан, баъзи адабиётшунос олимларнинг қофия ҳамма вақт ўзига мантиқ ургусини олади, деган қарашларига қўшилмаган тадқиқотчи мантиқ ургусининг адабий услуб воситаси эмаслигини қатъий таъкидлаган. У ўз фикрини исботлаш учун шеър мисраси таркиби бир неча гапдан ташкил топса, уларнинг ҳар бири ўз мантиқ ургусига эга бўлиши сабабли қофия мантиқ ургусини олиши ҳақидаги фикрнинг ҳақиқатга унчалик мос эмаслигини маълум қилган. Олим ўз фикрини қувватлаш мақсадида ўзбек тилидаги гапларда мантиқ ургусининг ўрни феъл кесимдан олдинги бўлакда эканини назарга олиб, агар қофия феъл кесим б-н ифода қилинса, унда мантиқ ургуси булмаслигини таъкидлаган. Шунингдек, диссертант гапдаги мантиқ ургуси кесимнинг ифодаланиш шаклига, яъни от ёки феъл кесимлиги б-н боғлиқ эканига эътибор қаратган. Тадқиқотчи ўзи ўртага ташлаган қатор мулоҳазалардан сўнг ишнинг бобларини аниқ кўрсатган ва йўналишни белгилаб олган.

Дис-янинг биринчи боби “Ғазаллардаги от кесимли гапларда мантиқ ургули қофия” деб номланиб, дастлаб от кесимнинг мантиқ ургусини олиши ёки олмаслиги б-н боғлиқ муаммога эътибор берилган. Олим кесим бутун бошли бир гап таркибини ташкил этса, шубҳасиз, мантиқ ургусини олишини ҳисобга олиб, ғазаллар мисрасидаги гапда от кесим қофия вазифасини бажарганида, унга мантиқ ургуси тушишини далиллаган. Тадқиқотчи мантиқ ургусини олишда от кесимнинг феълдан бошқа сўз туркумлари б-н ифодаланишига, от кесимнинг боғламали ёки боғламасиз келишига эътибор қаратган. Шунингдек, диссертант қофияга мантиқ ургуси тушишининг радиф б-н боғлиқ жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ва шеър мисраларидаги юклама, кўмакчи, қўшимчаларнинг мантиқ ургусига таъсири хусусида ўз қарашларини баён қилган.

Ишнинг иккинчи боби “Ғазаллардаги феъл кесимли гапларда мантиқ ургули қофия” деб номланиб, олим дастлаб феъл кесимли гапларда мантиқ ургусининг ўрни ҳақида тўхталган. Тадқиқотчи мазкур боб давомида феъл кесимли гапларнинг хусусияти, мисрада феъл кесимли гап мавжуд бўлса, қофиянинг ифодаланиши ва мантиқ ургусининг тушиш ўринлари ҳақида тушунтириш берган. Ўз фикрларини аниқ мисоллар б-н исботлаган ҳолда талаффузда мантиқ ургусининг намоён бўлишига эътибор қаратган. Мантиқ ургусининг мазмунни намоён қилишдаги иштирокини таъкидлаган. Феъл кесимли гапда мантиқ ургуси асосан воситали ёки воситасиз тўлдирувчига тушишини кўрсатиб берган.

“Ғазаллардаги модаллик ёки мавжудликни билдирувчи кесимли гапларда мантиқ ургуси” деб аталган учинчи бобда тадқиқотчи аввало модаллик ва мавжудликни билдирувчи кесим ҳақида маълумот берган. Шундай кесим иштирокидаги гап мисрада намоён бўлса, қофия ва радифнинг келиши, уларда мантиқ ургусининг намоён бўлиши, талаффузда бўгин ва ҳарфларнинг қай миқдордаги куч б-н айтилишига эътибор қаратган диссертант ўз фикрларини турфа мисоллар б-н далиллаб берган. Бундан ташқари, олим шундай тузилишдаги гапларда мантиқ ургуси тушадиган эга ҳақида ҳам сўзлаб, Алишер Навоий ўз ғазаллари мисрасини таркиб топтирган гапларнинг мантиқ ургуси тушган бўлагини кўпроқ қофияга жойлаштириш учун ҳаракат қилганини аниқ байтлар, ғазаллар мисолида асослаб берган.

Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. М.Миртожиев,

“АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА ОИД XV – XIX АСРЛАРДА ЯРАТИЛГАН ФОРС-ТОЖИК МАНБАЛАРИ (Қиёсий типологик-текстологик таҳлил)” – ўзбек адабиётшуноси Сирожиддинов Шухрат Самариддиновичнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш

учун ёзган диссертацияси (1998). Дис-яда форс-тожик эзма манбаларидаги Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларнинг асл ҳолатини ўрганиш, уларни қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлилдан ўтказиш, Навоий биобиблиографиясини тиклаш йўлида янги манба ва маълумотларни илмий таомилга киритиш бош мақсад сифатида белгиланган. Тадқиқот муқаддима, уч асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг дастлабки боби 15-асрнинг иккинчи ярми – 16-асрнинг биринчи ярмида яратилган Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир форс-тожик манбалари ва улардаги маълумотларни ўрганиб чиқишга, тавсифлашга бағишланган. Олим бу давр форс-тожик манбаларида Алишер Навоийга бўлган муносабатни икки бўлимда очиб беради: 1) Алишер Навоий ҳақидаги хронологик маълумотлар; 2) Алишер Навоийга бағишланган мадҳиялар.

Иккинчи бобда биринчи бобда берилган маълумотлар ўзаро қиёсий типологик-текстологик таҳлил қилинган ва уларнинг 20-асргача бўлган манбаларда учраш шакли, содир бўлган ўзгариш даражаси аниқланган. Олим маълумотларни қиёслаш баробарида улар ўртасидаги умумийликка ва тафовутларга ҳам эътибор қаратган ва шу орқали асл ҳамда тўқима маълумотларни аниқ ажратиш имконига эга бўлган. Бунда манбалар бирламчи ва иккиламчи гуруҳга бўлиниб, шоир таржимаи ҳоли қуйидаги даврий тасниф асосида ўрганилади: 1) ёшлиги; 2) йигитлик даври; 3) саройдаги хизмат даври; 4) хулқ-атвори; 5) ижоди; 6) умрининг охириги йиллари.

Бобнинг икки бўлимида Навоийнинг насл-насаби, ёшлик ва йигитлик йиллари, саройдаги фаолияти ҳақида манбаларга таянган ҳолда маълумотлар берилган. Шу бобда Навоий таржимаи ҳолининг қуйидаги қирралари кўриб чиқилган: 1) саройдаги хизмат даври; 2) хулқ-атвори; 3) мол-мулки ва хайрия амаллари; 4) ижоди; 5) умрининг охириги йиллари; 6) Навоий ҳақидаги нақд ва ривоятлар; 7) таърих-хронограммалар.

Илмий иш муаллифи Алишер Навоийнинг оила қурмаганлиги б-н боғлиқ асосли маълумотларни ўртага ташлаган ва бу масалага нисбатан ўзининг аниқ позициясини баён қилган. Шунингдек, шоирнинг хайрия б-н боғлиқ ишлари ҳам кенг, ҳар томонлама аниқ манбалар асосида очиб берилган.

Дис-яда олим Алишер Навоий ҳақида ёзилган, у ҳақда маълумот берган тазкираларнинг аниқлиги ҳақида асосли таҳлиллари олиб борган, тазкиранависларнинг Алишер Навоий асарлари б-н таниш бўлмай, у б-н шахсан учрашмай отзаки ва ёзма манбаларга суяниб ноаниқ маълумотлар қолдирганликларини ҳам таъкидлаб ўтган ва бу фикрларнинг исботи учун бир қатор манба, қўлёзмаларни ҳавола этган.

Учинчи боб 15-асрнинг иккинчи ярми – 16-асрнинг биринчи ярмида яратилган манбаларда Алишер Навоий ва замондошларининг ўзаро муносабатларини аке эттириш масаласига бағишланган бўлиб, унда шоирнинг жамиятда тутган ўрни, дўстлари, мухолифлари ҳақида гап борган. Муаллиф шоир ҳаёти ва фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган, манбаларда номлари аниқ келтирилган шахслар ҳақида атрофлича маълумот бериб, қарашларини баён этган.

Дис-я якунида тадқиқот хулосалари яхлит тарзда баён этилган бўлиб, Навоий шахсияти талқини асосий талқин ва аралаш талқин даврига ажратилган. Ишнинг бирламчи манбалар асосида амалга оширилганлиги унинг киммати ва аҳамиятини оширган. Хулосада тадқиқот мавзуси юзасидан келтирилган асосий натижалар баён этилган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА СЎФИЙЛАР ТИМСОЛИ” – ўзбек адабиётшуноси Ғаффоров Нодир Насриевичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1999). Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сидаги сўфийлар образи махсус, ҳар томонлама ўрганилган. Илмий тадқиқот кириш, асосий қисмни ташкил этувчи уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Тарихий сиймолар” деб номланиб, унда “Хамса”даги ҳикоятларда тасвирланган реал тарихий шахс ҳисобланган сўфийлар тимсоли ўрганилган. Муаллифнинг маълумот беришича, “Хамса”даги бирор ҳикмат ёки фикрнинг тасдиғи учун мисол тариқасида келтирилган жамики сўфийлар маноқиб, тазкираларда исмлари келтирилган реал шахслардир. “Хамса”даги жами 12 сўфий, яъни тарихий шахслар образ сифатида “Ҳайрат ул-аброр” да намоён бўлади. Олим дostonдаги тарихий сўфийларни қуйидаги гуруҳларга бўлади:

1. Дostonнинг асосий йўналишига боғлиқлик жиҳатидан:

а) асарнинг кириш қисмида тилга олинган сўфийлар – Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий;

б) дostonнинг иллюстратив қисмида, яъни ҳикоятларида тасвирланган сўфийлар – Боязид Вистомий, Иброҳим Адҳам, Робия Адвия, Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Ироқий, Шайх Сухравардий, Абдуллоҳ Муборак, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср Порсо.

2. Тасаввуфдаги мавқеи ва асардаги бош ғояга вобасталиги жиҳатидан:

а) тариқатда ўз сулукига эга шайхлар – Боязид Вистомий (тайфурия), Шайх Сухравардий (сухравардия), Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (нақшбандия);

б) Нақшбандия (Хожагон) сулуки пирлари – Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдурахмон Жомий.

Мазкур бобда дostonларнинг аънавий кириш қисмларидаги сўфийлар, ҳикоятларнинг қаҳрамонлари сифатида келган сўфийлар алоҳида тадқиқ этилган, уларга хос жиҳатлар очиб берилган.

Иккинчи боб “Рамзий тимсоллар” деб номланиб, “Хамса” дostonларида маълум фикр тасдиғи тарзида келган сиймолар таҳлил қилинган. Бобнинг биринчи фаслида муаллиф пайғамбарларнинг сўфийлик фазилатларига тўхтаган ва ўз фикрини Хизр ва Айюб алайҳиссаломлар ҳақидаги ҳикоятларни ва Навоийнинг уларга бўлган ёндашувларини таҳлил қилган. Иккинчи фаслда тарихий тасаввуфий шахсларнинг пир сифатидаги талқини ёритиб берилган. Бу ўринда олим Суқрот сиймосини алоҳида тадқиқ қилган. Унинг характеридаги пирлик хислатларини ўрганиб чиққан.

Бобнинг учинчи фаслида моҳиятан тасаввуфийлашган сиймолар ҳақида гап борган. Бунда тадқиқотчи “Хотам Тоий ва ўтинчи чол”, “Қаноатли жавонмард ва таъмагир жаҳонгашта”, “Искандар ва гадо” ҳикоялари қаҳрамонларини ўрганиб, уларда намоён бўладиган сўфийлик жиҳатларини ёритиб берган.

Учинчи боб “Нақшбандия (Хожагон) шайхлари талқини” деб номланиб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор сиймоси кенг ўрганилган. Унда бу сиймонинг тасвирланишидаги пирлик фазилатлари очилган.

Хулосада илмий натижа ва умумлашмалар яхлитланган шаклда тақдим этилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. А.Ҳайитметов.

“АЛИШЕР НАВОЙ ШЕЪРИЯТИДА ШОИР ҲАСБИ ҲОЛИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ (“Ҳазойин ул-маоний” асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Раҳимова Гулбаҳор Қаршибаевнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1999). Дис-яда Алишер Навоийнинг таржимаи ҳолига аниқлик киритишда аҳамиятли бўлган газаллар “Ҳазойин ул-маоний”дан танлаб олинган ва бошқа девонлари б-н қиёслаган ҳолда тадқиқ қилинган. Илмий тадқиқот кириш, асосий қисми ташкил этувчи икки боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Умуман олганда, дис-я икки муҳим масалани ўз ичига олган:

Биринчи қисм Алишер Навоий ҳаётининг лирик шеърлятида акс этиши. Бу масала дастлабки бобда тадқиқ этилган бўлиб, шоирнинг шахсий ҳаёти, туйғуларини ифода этувчи шеърлар атрофлича ўрганилган. Унга кўра иш муаллифи тўрт жиҳатга алоҳида эътибор қаратган: биринчидан, шоир

девоңларидаги ғазаллар турли ўринларда келган бўлиб, уларни жойлашиш кетма-кетлиги шоир ҳаётининг босқичларини ўзида акс эттирмайди. Олим ана шу босқичларни ички мазмундан келиб чиқиб аниқлашга ҳаракат қилган. Иккинчидан, Навоий девоңларидаги айрим ғазал, рубоий ва китъаларнинг мазмун-мундарижаси, шоирнинг насрий асарларидаги эътирофлари, тарихий манбалардаги далилларга асосланиб, уларнинг яратилиши б-н боғлиқ хулосалар баён қилинган. Бу Навоий лирик меросини илмий даврлаштиришда аҳамиятлидир. Учинчидан, шоирнинг шахсий ҳаёти, хусусан, севгиси б-н боғлиқ ноилмий фикрларга танқидий муносабат позицияси танланган. Туртинчидан, шоирнинг “ғурбат лирикаси”га алоҳида шарҳлар киритилган. Бу турдаги шеърларнинг Самарқанд ва Астаробод б-н боғлиқ гуруҳлари жиддий ўрганилган. Бешинчидан, шоирнинг ҳасби ҳоли б-н боғлиқ шеърларнинг поэтикаси ёритиб берилган.

Дис-янинг асосий иккинчи масаласи шоирнинг давр ва замондошлари ҳақидаги шеърларида ҳасби ҳол маълумотларини берувчи жиҳатлар б-н боғлиқдир. Унга кўра, Навоийнинг Абулқосим Бобур, Абу Саид Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Саид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Сухайлий, Лаълий Бадахшоний ҳақидаги фикрлари, қараш ва муносабатларини ифодалайдиган шеърлар, байтлар алоҳида таҳлил қилинган. Ушбу уринларда билдирилган фикрлар ва берилган маълумотлар, муаллифнинг фикрича, Навоий ҳасби ҳоли б-н боғлиқ масалаларни ечишда муҳим рол ўйнайди.

Хулосада олинган илмий натижалар умумлаштирилган, яхлит ҳолда баён этилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.н. Қ.Тоҳиров.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “ФУСУЛИ АРБАА” ҚАСИДАЛАР ТУРКУМИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ” – ўзбек адабиётшуноси Болтаева Гулчеҳра Шокировнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олим учун ёзган диссертацияси (1999). Ишда Навоийнинг форс тилида ёзган “Фусули арбаа” қасидалар туркуми ўрганиб чиқилган бўлиб, “Фусули арбаа”да илгари сурилган умумбағларий ғоялар мавзуларга ажратилган, қасидалар бадиий қонуниятларга кўра таҳлил қилинган. Алишер Навоийнинг йил фасли манзараларидан асарларида фойдаланиш маҳорати устоз санъаткорларнинг шу йўналишдаги бадиий яратмалари б-н қиёсан таҳлил қилиниб, тегишли илмий хулосаларга келинган. “Фусули арбаа” асари мағзига сингдирилган юксак инсонпарварлик ғояларининг Қуръони карим оятлари б-н уйғунлиги муқоёсавий таҳлиллар жараёнида далилланишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, “Фусули арбаа”нинг жанр хусусиятлари Шарқ халқлари адабиётидаги қасидачилик анъанасига таянилган ҳолда тадқиқ қилинган.

Тадқиқот кириш қисми, саккиз фаслни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “Фусули арбаа” қасидалар туркумининг манбалари” деб номланган бўлиб, тўрт фаслдан иборат. Уларда ҳар бир қасиданинг ғоявий манбалари Қуръони карим ва Шарқ ад-ти б-н боғлиқлиги далиллар асосида кўрсатиб берилган.

Тўрт фаслни ўз ичига олган иккинчи боб “Фусули арбаа” – ноёб бадиий яратма” деб аталиб, унда қасидаларнинг бадиий жиҳатларига эътибор қаратилган.

Хулосада “Фусули арбаа”даги қасидалардан мақсад фақат йилнинг тўрт фасли манзараси эмас, балки уларда инсон моҳияти ҳақида фикрлар илгари сурилгани, ишқ ва ошиқлик, дунё яратилиши б-н боғлиқ фалсафий қарашлар акс эттирилгани ҳақида тўхтамга келинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Р.Воҳидов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА САМОВИЙ ТИМСОЛЛАР (Бадойиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” девоңлари асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Эшонқулов Ҳусниддин Примовичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1999). Дис-яда Алишер Навоий шеърлятида тилга олинган кўёш ва ой каби самовий тимсоллари аниқланган мазмун-маъно тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, етти фасл, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “Мумтоз шеърятда космогоник қарашларнинг ифодаланиши ва уларнинг Алишер Навоий ижодига таъсири” деб номланган бўлиб, дастлаб олим космогоник қарашларнинг тарихий асослари ва уларнинг бадиий тафаккурга таъсири б-н боғлиқ масалаларни ёритган. Тадқиқотчи фалакиёт илми – космогониянинг Шарқ ва Ғарбда шаклланиши, у б-н шугулланган олимлар ҳақида тўхталган, исломгача ва ундан кейинги даврда илгари сурилган қарашларни қисқача баён қилган. Хусусан, туркий халқлар оғзаки ижодиётида самовий тимсолларга жуда кўп ўринларда мурожаат қилингани айtilган ва дoston, эртақлар, қўшиқлардан турли мисоллар келтирилган. Сўнг мумтоз ад-тимиада самовий тимсолларга мурожаат қилган шоирлар ижодидан айрим намуналар келтирилган. Масалан, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърларида акс этган самовий тимсоллар маънолари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Жалолиддин Румий маснавийларида ҳам само ва самовий жисмлар б-н алоқадор тасвирларнинг жуда кўп учрашини таъкидлаган диссертант Қуръони каримда юлдузлар, осмон ва сайёрлар б-н боғлиқ оятлар келган сура номларини санаган. Кейинги ўринларда “Қисаси Рабғузий” ва “Қутадғу билиг”га мурожаат қилган муаллиф уларда учрайдиган самовий тимсоллар ҳақида фикр юритиб, бу бежиз эмаслиги, аниқ гоё, ёрқин маънони англатишга хизмат қилганига эътибор қаратган.

Навбатдаги бўлимда олим 14–15-асрларда ўзбек шеърятда самовий жисмларнинг бадиий тимсол сифатида қўлланиши б-н боғлиқ баъзи жиҳатларга тўхталган. Диссертант Хоразмий, Атоий, Лутфий ижодида самовий жисмларнинг бадиий тимсол сифатида қўлланишига назар ташлаб, бевосита Навоий ижодида бу ҳолатнинг акс этишини таҳлил қилган.

Иккинчи боб “Шеърятда қуёш ва ой тимсолларидан фойдаланишдаги Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати” деб номланиб, дастлабки бўлимда шоир шеърятда қуёш ва ойнинг бадиий тимсол сифатида қўлланилишидаги ўзига хослиги ва маҳорати таҳлилга тортилган. Диссертант даставвал “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-нихоя”даги қайси шеърларда само б-н алоқадор сўз ва тимсолларнинг учраши б-н боғлиқ рақамларни келтирган. Маъқур девонлар таркибидаги ғазалларда қуёш ва ой тимсоллари ифодалаган маъно, қўлланиш ўринлари аниқ мисоллар б-н асослангач, тадқиқотчи ҳамд ва наът ғазалларда келадиган қуёш ва ой тимсолларини, қуёш ва ой тимсолида бошқа пайғамбарлар сиймоларининг тасвирланишини, қуёш ва ой тимсолларининг буржлар тимсолларига боғлаб қўлланганини таҳлил этиш лозим, деган хулосага келган ҳамда кейинги бўлимларда айни шу масалаларга атрофлича тўхталишга ҳаракат қилган.

Шу тариқа белгилаб олинган тартибда изланишлар амалга оширилган ва олим ўз қарашларини байтлар воситасида далиллашга интиланган.

Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Р.Воҳидов.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК БОЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚУВЧИЛАРНИ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ (“Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир”, “Лисон ут-тайр”) – ўзбек педагоги Ҳамроева Хулқар Наимовнанинг педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (1999). Дис-яда Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир” ҳамда “Лисон ут-тайр” асарларида акс этган инсонпарварлик ғоялари б-н ўқувчиларни таништириш, шу орқали уларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш б-н боғлиқ педагогик масалалар тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, беш фасл, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки бобда муаллиф Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари воситасида ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг назарий асослари ҳақида тўхталиб, муаммонинг ҳал қилиниши лозим бўлган нуқталарини кўрсатиб беришга интиланган. Боб бўлимларида таълим масканларида Навоий асарларини ўқитиш ҳолати қай даражада эканига эътибор қаратилган.

Иккинчи бобда муаллиф Навоий асарларини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари қандай булиши б-н боғлиқ масалаларни кўтарган ва бу борадаги метод, тажриба ва синов натижаларини таҳлил қилган.

Олима ўз фикрларини исботлаш учун шоир асарларини ўқитиш б-н боғлиқ амалий таклифларини илгари сурган.

Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – пед.ф.д., проф. С.Файзуллина.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИ НАСРИЙЛАШТИРИШ: АНЪАНА, ТАБДИЛ ВА ТАЛҚИН” – ўзбек адабиётшуноси Хайитов Абдувоҳид Жалиловичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2000). Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сини замонавий ўзбек тилига мослаб насрийлаштириш масаласи, бу борадаги муаммолар таҳлилга тортилган бўлиб, анъана, табдил ва талқиндаги камчиликлар ўрганиб чиқилган. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Хамса” дostonларини насрийлаштириш анъанасининг тадрижий боскичлари” деб номланиб, икки фаслдан таркиб топган. Муаллиф дастлаб таржима тушунчасига тўхталган ва шеърини асарини ўз тилида насрийлаштиришни ҳам таржиманинг бир тури сифатида таърифлаган. Алишер Навоий дostonларини табдил қилиш масаласи 19-асрга бориб тақалиши айтилиб, илк муаллифлар сифатида Умар Боқий, Мулла Сиддиқ Ёрқандий, Маҳзун каби адиблар, уларнинг ишлари ҳамда улар ҳақидаги таҳлиллари келтирилган. Тадқиқотчи мазкур насрий табдилларнинг таркиби, матнини ўрганиб, ўз хулосаларини баён этган. Жараёнда насрийлаштирувчи муаллифлар йўл қўйган хатоликлар, уларнинг ўз таъбларидан келиб чиқиб амалга оширган ўзгартиришларини кўрсатиб берган, илмий жиҳатдан ўз позициясини баён этган. Биринчи бобнинг иккинчи фаслида Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилеи б-н амалга оширилган табдиллар тадқиқ қилиниб, уларга хос жиҳатлар очиб берилган. Олим бу табдилларни Навоий асарлари насрийлаштирилишининг иккинчи боскичи сифатида белгиллаган. Бу даврда амалга оширилган насрий баёнлардаги қисқартиришлар, ўзига хосликлар, уларнинг сабаблари атрофлича таҳлил қилинган.

Илмий ишнинг иккинчи боби “Хамса” дostonларининг энг сўнгги насрий баёнлари” деб номланиб, икки фаслдан иборат. Тадқиқотчи бу даврдаги насрийлаштиришда асосан жуда кўп қисқартиришлар бўлганлигига эътибор қаратган. “Хамса” дostonларидан қисқартиб ташланган боблар сони аниқланган. Муаллиф сарлавҳаларни, байтларни насрийлаштиришда рўй берган ўзгаришларни алоҳида келтириб ўтган. Ҳар бир муаллиф табдилда дoston матнига ўз нуқтаи назари б-н ёндашган, ўз қарашларини илгари сурган. Тадқиқотчи баъзи ўринларда мантиқий бузилишлар ҳам кузатилишини аниқ кўрсатиб, сабабларини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Иш якунида илмий хулосадар умумлаштирилиб, яқлит кўринишда тақдим этилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Н.Жомилов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ПОЭТИК УСЛУБИНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАКОМИЛИ (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Салоҳий Дилором Исомиддин қизининг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2001). Дис-яда Алишер Навоий поэтик услуби, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда тадрижий равишда такомил топиб бориши илмий таҳлил қилинган. Тадқиқот кириш, жами етти бобни ўз ичига олган икки асосий бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки бўлим “Поэтик матн такомил ва тасвир маҳорати” деб номланиб, тўрт бобдан иборат. Маъмур бўлимда поэтик матн такомил бадиий санъат қонунияти нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган бўлиб, барча хулосалар илмий гипотеза сифатида илгари сурилган. “Поэтик матн қиёсий таҳлили ва бадиий талқиннинг услубий асослари хусусида” деб номланган бобда Алишер Навоий ғазаллари матнлари услубини чуқур текширишнинг турли услублари ва поэтик матн талқинини қиёс асосида бериш масалалари ўрганилган ва “Ҳазойин ул-маоний” девонларига шоирнинг аввалги девонларидан қанча ғазал киритилгани ҳамда киритилмай қолгани ҳақидаги маълумотлар ақс этган жадвал берилган. Навбатдаги боб Алишер Навоий ғазалларининг вази хусусида бўлиб, баъзи ғазаллар бир девондан бошқасига киритилганида вазиларида рўй берган ўзгаришлар текширилган.

“Бадиий сўз талқини” деб номланган бобда “Бадоеъ ул-бидоя” девонидан “Наводир ун-нихоя”га, бу девондан “Ҳазойин ул-маоний”га ўтган ғазаллар қиёсий тарзда ўрганилган ва уларнинг 72 тасида ўзаро тафовутлар борлиги аниқланган:

- 1) ғазал таркибидан бир ёки бир неча байт чиқариб олинган;
- 2) ғазал таркибига қўшимча байтлар киритилган;
- 3) ғазалдаги байтлар ўрни алмаштирилган;
- 4) ғазал мақтаъидан олдин келувчи байтларда фарқ бор;
- 5) мақтаъ булмаган ғазалларга мақтаъ қўйилган;
- 6) аввалги девонлардаги икки ғазал таҳрир қилиниб битта ғазалга айлантирилган;
- 7) матлаъ ёки икки байти ухшаш, кейинги байтлари тамоман бошқа бўлган ғазаллар таҳрир қилинган;
- 8) бадиий санъатлар (композиция) юзасидан таҳрир қилинган ғазаллар.

Ушбу фарқлар ғазалларда мавзу-мазмуннинг муайян эпизод ёки бадиий лавҳадаги функционал хусусиятни бўрттириб кўрсатиш учун хизмат қилиши таъкидланган ва матнлардаги композицион-стилистик ўзгаришлар қуйидаги мазмунга эга экани айtilган:

- 1) маълум бир сўз, изофа ёки изофали сўз бирикмасини мамдуҳнинг бирор сифатини аниқроқ ифодалаш учун алмаштириш;
- 2) бирор ташбиҳ ёки истиоравий ташбиҳнинг тасвирланмиш объектнинг янги сифатини юзага чиқарувчи ва уни муболага б-н бўрттирувчи сўз воситасида ўзгартирилиши;
- 3) байтда баъзи сўзларнинг воқеа-ҳодиса ривожининг мантикий изчиллигини таъминлаш мақсадида алмаштирилиши ва ҳ.к.

Шу тариқа дис-янинг навбатдаги бўлимларида Навоий поэтик услуби тадрижий такомил масалалари, Навоий девонларида туркона услуб ва туркий шеър такомил кўринишлари, ижтимоий руҳдаги ғазалларда гоъ-мазмун ва бадиий образ такомил, Алишер Навоий лирик меросини илмий даврлаштириш масаласи ўрганилган. Муаллиф Навоийнинг туркий тилдаги етти девони нусхаларининг чоғиштирма таҳлили асосида “Ҳазойин ул-маоний” куллиётидан илгари тартиб берган девонларидаги ғазаллари ҳам шоир ҳаётининг турли фаслларида тўғри келишини аниқлаган.

Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган. Илмий маслаҳатчи – ф.ф.д. Н.Комилов.

“ШАЙХ САНЪОН ҲАҚИДАГИ ҚИССАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (Фариддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Исомиддин Фарҳоднинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2001). Тадқиқотда мусулмон Шарқда машҳур бўлган Шайх Санъон қиссаси қиёсий аспектда ўрганилиб, Шайх Санъон тимсолининг бадиий ад-тда ақс этиши б-н боғлиқ масалалар таҳлил этилади. Илмий иш кириш, 3 боб, 8 бўлим, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Аттор ва Навоий қиссаларининг асосий концепцияси” деб номланиб, ундаги дастлабки бўлимда Шайх Аттор пайсаяти ва ижодий мероси ҳақида баҳс юритилади.

Шунингдек, Фаридиддин Аттор ижодида тасаввуф мавзусининг ўрни ҳамда шайх Санъон қиссасининг алоҳида жиҳатлари тўғрисида сўз боради. Тадқиқотчи Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий Шайх Санъонни реал шахс деб билишганига эътибор қаратади. Иккинчи бўлимда Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий асарларидаги тас. талқини б-н алоқадор масалалар ёритилади.

Иккинчи боб “Шайх Санъон ҳақидаги қиссалар ва комиллик сифатлари” деб аталиб, биринчи бўлимда Шайх Санъон ишқи тасвири воситасида тас. қай тарада талқин этилгани б-н боғлиқ муаммо очиб берилади. Иккинчи бўлим Шайх Санъон қиссасидаги тушлар талқини б-н боғлиқ бўлиб, унда туш мотивининг дostonларда юзвий мазмун ташишдаги ўрни таҳлил этилади. Учинчи бўлимда Шайх Санъондаги комиллик сифатлари ўрганилади ва шу орқали тас.даги комил инсон қиёфаси назарий жиҳатдан жонлантирилади.

Тўртинчи бўлим бевосита Шайх Санъон қиссасининг Аттор ва Навоий талқини б-н боғлиқ масалаларга бағишланиб, унда икки шоирнинг бир образга бўлган индивидуал муносабати уларнинг гоёлар б-н алоқадор эканлиги асосланади.

Илмий ишнинг учинчи боби “Шайх Санъон қиссасидаги поэтик тасвир ва тасаввуфий истилоҳлар” деб номланиб, унда Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий дostonларидаги икки қиссада қўлланган бадий санъатлар ҳамда тас. терминлари тўғрисида гап боради. Бобнинг биринчи бўлимида Шайх Санъон қиссаларидаги баъзи шеърий санъатлар ёритилса, иккинчи бўлимда бевосита қиссадаги баъзи сўзларнинг луғавий маъноси ва тас-ий изоҳлари б-н боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилади.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Х.С.Қудратуллаев.

“ФОНИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ (Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларига ёзган татаббуълари асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Сотиболдиева Сарвиноз Рўзиёвнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2001). Дис-яда Фоний ғазалларининг бадий хусусиятлари Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларига ёзган татаббуълари асосида таҳлил қилинган. Илмий тадқиқот кириш, асосий қисми ташкил этувчи уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Алишер Навоий ва форс шеърияти” деб номланиб, у икки қисми ўз ичига олган: “Маданиятлар ворисийлиги” ҳамда “Анъана ва ижод. Юксак шеърият мактаби”. Бунда Фоний шеъриятининг илҳом манбаи бўлган муҳит ҳақида сўз борган. Муаллиф дастлабки қисмда форс шеъриятининг ривожланиш, равнақ топиш жараёнини тадқиқ қилган ва шундай хулосаларга келган:

1. Фоний шеърияти Низомий, Хусрав Деҳлавий, Хофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор каби салафлари шеърияти сарчашмаларидан сув ичган ва гуллаб яшнаган.

2. Юқорида саналган номларнинг таъсирини ҳисобга олиш Фоний шеъриятидаги маънавий муаммоларни таҳлил этишда ёрдам беради.

3. Фоний ўзигача бўлган йирик форсий шоирларнинг анъаналарини бойитган ва бу жаҳон шеъриятидаги Фоний – Навоийнинг юксак ўрнини белгилаб беради.

Дис-янинг “Фонийнинг Хусрав Деҳлавийга татаббуълари” деб номланган иккинчи бобида Фоний ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари ҳақида гап борган. Бунда муаллиф Навоийнинг татаббуъларига асос бўлган Хусрав Деҳлавийнинг ҳам ғазалларини поэтик жиҳатдан ўрганиб, уларни татаббуъ ғазаллар б-н қиёслади, шоирнинг ижодий-бадий ютуқ, узига хос жиҳатларини очиб берган.

Учинчи боб “Фоний ғазалларида образлар системаси” деб номланган. Бунда Фоний ғазалларидаги ошиқ, солиқ, мурид, пири муршид тимсоллари тадқиқ этилган. Уларнинг ғазалларда ифодалаган маънолари, кўтарган “бадий юки” таҳлил этилган.

Хулосада илмий натижалар умумлаштирилган, яхлит баён қилинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.н. С.Юлдашева.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА КЕСИМ МАРКАЗЛИ БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРНИНГ ШАКЛИЙ ВА МАЗМУНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ” – ўзбек тилшуноси Иномжон Азимовнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2001). Дис-яда Алишер Навоий насрий асарларидаги кесим марказли бош бўлақларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг умумий тавсифида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилigi, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг кириш қисмида олим бир бош бўлақли гапларнинг ўрганилиши тарихини ёритган, бу борада иш олиб борган тадқиқотчиларнинг изланишларига муносабат билдирган, Алишер Навоий асарларидаги бир бош бўлақли гапларни чегаралаш б-н боғлиқ масалаларни кўтарган ҳамда бир бош бўлақли гаплар ва тўлиқсиз гаплар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб берган.

Дастлабки боб “Кесим марказли бош бўлақли гаплар хусусидаги қарашларга доир” деб номланган бўлиб, муаллиф мазкур бобда бош бўлақли гапларнинг Алишер Навоий асарларида акс этиши ҳамда уларнинг қўшма гап таркибида келишига тўхталган. Дастлаб кесим марказли бир бош бўлақли гапларга қисқача тўхталган олим ўз фикрини Алишер Навоий асарларидан аниқ мисоллар келтириб исботлаган.

Иккинчи боб биринчи бобнинг узвий давоми сифатида “Кесим марказли бир бош бўлақли гапларнинг шакл ва мазмун муносабати” деб номланган ҳамда тадқиқотчи аввало гапнинг ифода мақсадига кўра турларини санаган, тилшуносларнинг бу борадаги икки хил қарашларини келтирган. Уларга нисбатан ўз позициясини баён қилган ва дарак гапларнинг шаклий парадигмаси ҳақида тўхталган. Сўнг Алишер Навоийнинг насрий асарларида келадиган феъл кесимларнинг қандай шаклда намоён бўлишига эътибор қаратган. Шоир асарларидаги гапларнинг аниқлик майлидаги морфологик шакллар б-н келишини ўрганиб, дарак гапларнинг шаклий парадигмаси б-н боғлиқ масалаларга ойдинлик киритган ва бевосита дарак гапларнинг мазмуний парадигмасини ёритган. Бунда у дарак гапларда ифода этиладиган ва ягона хабар семасига бириқадиган тақсим, аталганлик, даъват, мақсад, ҳурмат, эпитилганлик каби йигирма иккита семани санаб чиққан, уларга доир аниқ мисоллар келтирган. Шу тариқа диссертант сўроқ, буйруқ ва истак гапларнинг шаклий ҳамда мазмуний парадигмаларини таҳлил этган.

Дис-янинг учинчи боби “Бир бош бўлақли гапларнинг шакл ва мазмун хусусиятлари” деб номланиб, дастлаб муаллиф қўшма гап ҳақидаги коидалардан тўлиқ кўчирмалар келтирган. Тилшуносликда бу борада турли хил қарашлар ва ёндашувлар борлигини таъкидлаган, ҳам содда, ҳам қўшма гапга киритилиши мумкин бўлган гап шаклларни кўрсатган, уларга ўз муносабатини билдирган ва таркибида бирдан ортиқ кесим қатнашган гапни ҳам қўшма гап сифатида кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган. Қўшма гапнинг ички таснифида уни айна субъектли ва турли субъектли бир бош бўлақли қўшма гаплар каби икки турга бўлиб кўрсатган. Сўнг қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро семантик, грамматик, интонацион алоқалари ва боғланиш усулларига кўра боғланган, эргашган ва боғловчисиз турларининг мавжудлигини таъкидлаган ҳолда Алишер Навоий асарларидаги бир бош бўлақли қўшма гапларни таҳлил этиш тамойилини аниқлаб олган. Бу ўринда тадқиқотчи семантик томонга эътибор қаратилганини маълум қилган ва шу б-н бирга шаклий муносабатлар ҳам кўриб чиқилганини таъкидлаган.

Мазкур бобнинг кейинги бўлимларида олим Алишер Навоий асарларида учрайдиган бир бош бўлақли гапларнинг боғланган, эргашган ва боғловчисиз қўшма гап турларининг семантик ва шаклий муносабат жиҳатларини таҳлил қилган. Бу ўринда тадқиқотчи содда гапларни ўзаро боғловчи воситаларга, улар ифода қилган маъноларга эътибор қаратган, бир бош бўлақли қўшма гапларнинг синтаксиси ва семантикасини ўрганган. Диссертант ўзининг ҳар бир фикрини, илгари сураётган қарашларини Алишер Навоий насрий асарларидан олинган аниқ мисоллар б-н исботлаган.

Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. С.Аширбоев.

“ЗООНИМЛАРНИНГ БАДИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШДАГИ ИШТИРОКИ (Алишер Навоий асарлари асосида)” – ўзбек тилшуноси Зарипов Ботир Пўлатовичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2002). Дис-яда Алишер Навоий асарларида қўлланган зоонимларнинг бадий санъатлар таркибидаги лисоний хоссаларини тадқиқ этиш ва шу асосда шоирнинг сўз қўллаш маҳоратини очиб бериш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш қисми, йигирма фасл, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси ва тадқиқ усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва аҳамияти, манбалари, ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи фаслида Алишер Навоий асарларидаги зоонимларнинг тазод санъатида қўлланилиши таҳлил қилинган. Бунда “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” дostonларида қўлланилган зоонимларни маъно жиҳатдан қарама-қарши қўйиш орқали (аждаҳомўр, сингак-шер, сўнғур-мокиён, уқоб-куйканак, бўри-кийик, пил-пашша ва б.) асар юяси шоир томонидан образли тарада очиб берилганлиги таъкидланади. Дис-янинг иккинчи фаслида тажнис санъатини ҳосил қилишда қўлланилган зоонимларнинг лингвопoэтик асослари ёритилган. Бунда “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр” дostonларидаги тажнис санъати ва унинг турларига оид зоонимлар таҳлилга тортилган. Тадқиқотнинг учинчи фаслида Алишер Навоийнинг қайтариш санъатини яратишда ўзбек тили лексикасининг деярли барча семантик типлари қаторида зоонимлардан ҳам самарали фойдаланганлиги “Фарҳод ва Ширин” ва “Сабъаи сайёр” дostonларидан олинган мисоллар асосида далилланган. Бадий фикрни образли ифодалашга хизмат қилувчи ташбиҳ санъатида фаол иштирок этувчи зоонимлар дис-янинг тўртинчи фаслида тадқиқ қилинган. Бунда “Фарҳол ва Ширин” ҳамда “Маҳбуб ул-қулуб” асарларидан олинган зоонимлардан фойдаланилган. Шу тариқа ишнинг бешинчи фаслида таносуб, олтинчи фаслида ружуъ, еттинчи фаслида тақрир, саккизинчи фаслида тарсий, тўққизинчи фаслида интоқ, ўнинчи фаслида иштиқоқ, ўн биринчи фаслида таъдид, ўн иккинчи фаслида нидо, ўн учинчи фаслида ирсоли масал, ўн тўртинчи фаслида китобат, ўн бешинчи фаслида муболаға, ўн олтинчи фаслида сажъ, ўн еттинчи фаслида тамсил, ўн саккизинчи фаслида истиора, ўн тўққизинчи фаслида ийҳом ва йигирманчи фаслида бир неча санъатларни бир байтда қўллаш б-н боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Б.Бафоев.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА КЎНГИЛ ОБРАЗИ (“Бадоеъ ул-бидоя” асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Бозорова Насиба Пўлотжоновнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2002). Дис-яда Алишер Навоий шеърлятида кўнгил образи аңлатган маънолар “Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида кўрсатилиб, девондаги шеърлар асосида Алишер Навоийнинг руҳоният, борлиқ ва одам ҳақидаги қарашлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “Кўнгил образининг тарихий илдишлари ва тадрижий такомили” деб номланган бўлиб, дастлаб кўнгил сўзи ва у аңлатган луғавий, истилоҳий маънолар ҳақида сўз борган. Луғатларда берилган маънодан сўнг халқ оғзаки ижоди, хусусан, мақоллар, нақллар ҳамда халқ кўшиқларида кўнгилнинг образ сифатида намоён бўлишига эътибор қаратилган. Ундан сўнг Ўрхун битикларида, уйғур матнларида, “Девони луғотит турк”да, “Қутадғу билиг”да кўнгил сўзи аңлатган маъно, унга юкланган зоҳирий ва ботиний юк изоҳланиши баробарида тас-да “кўнгил” аңлатган мазмун ҳам таҳлилга тортилган. Хусусан, имом Ғаззолийнинг кўнгил б-н боғлиқ қарашларидан кўчирма келтирилган ва турк олими Умур Жейлоннинг кўнгил ҳақида санаб ўтган даражаларига муурожаат қилинган.

Бундан ташқари, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Лутфий, Атоий, Саккокий, Гадоий каби шоирлар ижодида кўнгил сўзининг образ даражасига кўтарилгани турли иқтибослар ёрдамида асосланган.

Иккинчи боб “Бадоеъ ул-бидоя”да кўнгил образи: ҳол, ҳақиқат ва талқин” деб номланган бўлиб, муаллиф мавзу ичига киришга ҳаракат қилган. Дастлаб кўнгил б-н боғлиқ баъзи фикрлар баён этилиб, Жомий, Ҳофий Шерозийдан кўнгил сўзи иштирок этган байтлар келтирилган ва “Бадоеъ ул-бидоя”дан ўрин олган “Кўнгул” радифли ўнта ғазал мавжудлиги айtilган. Шунингдек, шоир кўнгил сўзи б-н маънодош бўлган дил, қалб, юрак, хотир каби сўзларни ҳам қўллаганини айтиб, исбот тариқасида байтлар келтирилган. Якуний қисмда Алишер Навоий шеъриятидаги “кўнгил” образи таҳлили бўйича ва ҳулосалар чиқарилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. И.Ҳаққулов.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ҲАМД ҒАЗАЛЛАРИ ВА “РУҲ УЛ-ҚУДС” ҚАСИДАСИНИНГ БАДИИЯТИ” – ўзбек адабиётшуноси Бекова Назора Жўраевнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган дис-яси (2003). Ушбу ишда Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Руҳ ул-қудс” қасидасининг бадиий жиҳатларини очиб бериш бош мақсад қилиб олинган. Иш кириш, асосий уч боб, ҳулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби “Ҳамд ғазаллар ва “Руҳ ул-қудс” қасидасининг ғоявий-адабий манбалари” деб номланган бўлиб, тўрт фаслни ўз ичига олган. Унда Алишер Навоий қаламига мансуб ҳамд мазмунидаги ғазалларнинг манбаларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган.

Иккинчи бобда “Ҳамд ғазалларнинг манбалари, поэтикаси ва тимсоллари” таҳлил қилинган бўлиб, бу ҳам тўрт фаслдан таркиб топган. Унда бу мавзудаги ғазалларни яратишда ўзаро таъсир масаласига алоҳида урғу берилган. Ушбу ғазалларнинг манбалари олимларнинг фикрларига суянилган ҳолда аниқланган.

Учинчи боб “Руҳ ул-қудс” қасидасининг ғоявий-бадиий таҳлили” деб аталиб, у уч фаслни ўз ичига олган. Маасур бобда муаллиф қасидани атрофлича таҳлил қилиш муаммосини илгари сурган. Қасиданинг таркибий қисмларига эътибор қаратган, қўллавирилган поэтик унсурларни санаб кўрсатган.

Ҳулосада ишнинг якуний натижалари умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Р.Воҳидов.

“XV–XVI АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚЎЛЁЗМА КИТОБИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИ (Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари)” – ўзбек тарихчиси Мадраимов Абдумажид Абдураимовичнинг тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2003). Дис-я Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг 15–16-асрлар Марказий Осие китобат тарихида тутган ўрни масалалари тадқиқига бағишланган бўлиб, кириш, уч боб, ҳулоса, қисқартмалар, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг манбалари, назарий ва методологик асослари, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ва ишнинг тузилиши баён этилган. Дис-янинг биринчи боби “15–16-асрлар Марказий Осиеда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт” деб аталади. Унда темурийлар, шайбонийлар, бобурийлар ва сафавийлар даври тарихий жараёни, маданий ҳаёти ҳамда китобат фани тараққиёти ва тарихи ҳақида маълумот берилган. Алишер Навоий асарларида китобат фани ва унинг ижодкорлари ҳаёти ва ижодига катта эътибор берилганлиги махсус ўрганилган.

Ишнинг иккинчи боби “Алишер Навоий дostonлари қўлёзмалари ва уларга ишланган расмлар” деб номланади. Мазкур бобда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли

ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” ва “Лисон ут-тайр” дostonлари, уларнинг 108 нодир қўлёмаси ва уларга ишланган миниатюралар, уларни яратган мусаввирлар ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилган.

Дис-янинг учинчи боби “Алишер Навоий девонлари қўлёмалари ва уларга ишланган расмлар” деб аталади. Унда шоир девонларининг саккиз таҳрири, 105 нодир қўлёмаси, уларни яратган китобат аҳли ҳаёти ва ижоди, қўлёмаларга ишланган 203 расмлардан бир юз бештасининг мавауси шеърлар мазмуни б-н қиёсланиб, таҳлилга тортилган.

Ишнинг хулоса қисмида Алишер Навоий асарлари қўлёмалари 15–16-асрда Марказий Осиёда китобат фани тарихини ўрганишда муҳим манба эканлиги асосланган.

Дис-я мавзуси бўйича еттита алоҳида нашр ва 40 га яқин мақола ва тақрирлар эълон қилинган.

“АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ АСОСИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ (“Хайрат ул-аброр” дostonи мақолатлари мисолида)” – ўзбек педагог олими Абдуманнотов Абдумажид Матаевичнинг педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2004). Дис-яда Алишер Навоий асарларидаги педагогик қарашлар тизимида “Хайрат ул-аброр” дostonи мақолатларининг ўрни ва аҳамияти аниқланган, Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” асарини бошланғич таълим тизимида ўрганишнинг ҳолати таҳлил этилган, ушбу асар асосида бошланғич синф ўқувчилари маънавий тушунчаларини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари ва ўзига хос жихатлари ёритилган.

Тадқиқот кириш қисми, уч асосий боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқотнинг “Алишер Навоий мероси асосида бошланғич синф ўқувчилари маънавий тушунчаларини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари” номли биринчи бобида бошланғич синфларда таълим-тарбия жараёнига ҳозирги даврда қўйиладиган талаблар, бу соҳани такомиллаштириш учун бажарилган ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Алишер Навоий меросидан миллий, тарихий қадрият сифатида ёшлар маънавиятини шакллантиришда фойдаланишнинг самарали йўллари кўрсатилган. Р.Ҳасанов, М.Очилов, М.Қурбонов, В.Беспалько, М.Мухиддинов каби педагог олимларнинг шахс фаолияти, фазилатлари ва сиймосига доир моделлари келтирилган ва қиёсий таҳлил қилинган. “Хайрат ул-аброр” дostonида келтирилган ривоят, павд-насихатлар бошланғич синф ўқувчилари даражасига мос равишда гуруҳланган ҳамда улар ўрганиши мумкин бўлган мақолот ва хикоятлар жадвал таризда қавола қилинган.

Дис-янинг “Бошланғич синфларда “Хайрат ул-аброр” дostonи мақолатларини ўрганишда ўқувчилар маънавий тушунчаларини шакллантиришнинг мазмуни ва йўллари” деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларда шакллантириладиган маънавий-ахлоқий тушунчаларни ҳосил қилишда синф дарс тизимининг, шунингдек, синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг дидактик имкониятлари, шакллари ва мазмуни ёритилган. Мазкур бобда бошланғич синфларда ўқитиладиган “Ўқиш”, “Она тили”, “Хуснихат”, “Одобнома” дарсларининг Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” дostonини ўрганишдаги педагогик имкониятлари таҳлил қилинган.

“Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” дostonи мақолатлари воситасида бошланғич синф ўқувчилари маънавий тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-символ ишларининг натижалари ва самарадорлиги” деб номланган учинчи бобда Алишер Навоий маънавий-маърифий меросини “Хайрат ул-аброр” дostonи мисолида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ўрганишда тарбиявий соатларнинг имкониятлари ёритилган. Мазкур асарни ўрганишнинг таълим ва тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш йўналишлари қуйидагича белгиланган: 1) факультатив соатлар; 2) ўқиш дарсларининг ҳар бир бўлими якунидаги синфдан ташқари ўқиш соатлари; 3) мустақил равишда ўқиш, ўрганиш (дарсларни семинар, суҳбат, савол-жавоб усулида олиб бориш); 4) ноанъанавий дарс турларидан, услубларидан фойдаланиш.

Хулосада олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – пед.ф.д. Р.А.Мавлонова.

“Навоий ва Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган асарларида қўлланган шаръий атамаларнинг лисоний таҳлили” – ўзбек тилшуноси Юлдашев Тобоншар Қодировичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2004). Дис-яда Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асаридаги шаръий атамалар илк марта жамланади ва умумлаштирилади; уларнинг лексик-семантик, генеологик, грамматик жиҳатлари таҳлил этилади ва бу б-н Навоий ва Бобурнинг ўзбек атамашунослигига қўшган ҳиссаси монографик планда ёритиб берилади. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, натижаларининг жорий қилиниши ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Дис-янинг дастлабки боби “Алишер Навоий ва Захириддин Бобур асарларида шаръий атамалар изоҳи” деб номланиб, унда ислом арконларига тегишли бўлган атамалар махсус гуруҳланиб, уларнинг икки ижодкор асарларидаги изоҳланишига тўхталинади. Ишда имон, намоз, закот, рўза ва ҳажга оид атамаларнинг моҳияти ҳамда уларнинг Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги изоҳлари ёритиб берилади.

Иккинчи боб “Шаръий атамалар генеологияси” деб аталиб, Навоий ва Бобур асарларида қўлланган шаръий атамаларнинг келиб чиқиши тўрт гуруҳга бўлиниб тадқиқ этилади:

- 1) туркий атамалар: *Тенгри, сақол, тиз, туш* ва ҳ.к.;
- 2) арабий атамалар: *суннат, сунний, собит, тужжор* ва ҳ.к.;
- 3) форсий атамалар: *пок, худой, маст, гуоҳ, гуног* ва ҳ.к.;
- 4) гибрид атамалар (таркибида икки на ундан ортиқ тилга оид сўз ва қўшимча бўлган термин): *мусофирона намоз, чихил фарз, барҳақ, бенафл* ва ҳ.к.

Мазкур таснифдан сўнг муаллиф шаръий атамаларнинг таркибини ўрганadi ва уларни тузилишига кўра туб ҳамда ясама турларга бўлади. Ясама атамаларни қўшма, мураккаб, жуфт пакларга бўлиб гуруҳлаб, уларнинг ясалиш йўлларига тўхталади ва мисоллар б-н фикрларини ишботлайди.

Учинчи боб “Шаръий атамалар семантикаси” деб аталиб, унда иккала асарда қўлланилган, Аллоҳнинг субутий сифатларини ифодалаган саккиз атама ҳамда иймонга оид йигирмадан ортиқ терминлар семантикаси тадқиқ қилинади. Бундан ташқари, бир неча фикҳий, ақидавий терминлар семантикаси хусусида ҳам сўз боради, улар англатган маънолар атрофлича таҳлил қилинади. Хулосада илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, изчил куринишда акс эттирилган.

Дис-я мавзуси акс этган мақолалар Республикамиздаги бир қатор илмий журнал ҳамда тўпламларда chop этилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., акад. А.Рустамов.

“Алишер Навоий ғазаллари мақтасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши” – ўзбек тилшуноси Умарова Наргиза Рустамовнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2005). Дис-яда Алишер Навоий ғазаллари мақтасида муҳим қонуният – сабаб ва оқибатнинг намоён бўлиши лингвистик аспектда тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, тўрт асосий боб, умумий хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг умумий тавсифида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, муаллиф сабаб ва оқибат категориясининг дунёни англашдаги беқиёс ўрнига, Алишер Навоий объектив оламдаги муносабатлар тасвирида мазкур категориядан унумли фойдаланишга ҳаракат қилганига алоҳида эътибор қаратади.

Дис-янинг кириш қисмида даставвал категория тушунчасига тўхталиб ўтилган бўлиб, сабаб ва оқибат тушунчаларининг назарий жиҳатдан шаклланиш босқичлари ҳақида бир қатор қарашларга мурожаат қилинган. Олима бу ўринда Шарқ ва Ғарб олимларининг турли-туман шаклдаги, аммо моҳиятан бир-бирини тасдиқловчи фикрларини келтириб, уларни тилшунослик б-н боғлайди. У

ўз фикрини қўшма гаплар мисолида исботлайди. Сўнг ўзбек тилшуносларининг Навоий асарлари тили хусусиятларига бағишланган тадқиқотлари ҳақида бир қанча мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг ютуқлари ва тўлдирилиши лозим бўлган жиҳатларига эътибор қаратилган. Тадқиқотчи ўз фикрларини хулосалаб, мазкур дис-яда Алишер Навоий ғазалларининг қўшма гап шаклида намоён бўлган мақтаъларини структур-семантик томонларини тадқиқ этишини маълум қилган.

Ишнинг биринчи боби “Компонентлардан бири сабабни ифодалаган қўшма гапларда сабаб ва оқибат муносабати” деб номланиб, олима унда Алишер Навоий ғазаллари мақтаъсини шакллантирган сабаб эргаш гапли қўшма гапларни грамматик ва мазмуний шаклланишига кўра икки турга ажратиб олган: 1) сабаб эргаш гапли қўшма гапларда сабаб ва оқибат муносабати; 2) сабаб эргаш гапли қўшма гапларга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапларда сабаб ва оқибат муносабати.

Биринчи бобнинг дастлабки фаслида кўрсатилган биринчи масалага мурожаат қилинган бўлиб, аввало сабаб ва оқибат мазмунини юзага чиқарадиган айрим келишиклар, кўмакчи ва равишдоп каби турли синтактик birlikлар ҳақида гап борган. Сўнг тадқиқотчи Алишер Навоий ғазаллари мақтасидаги сабаб эргаш гапларнинг бугунги кундаги шундай гаплардан фарқланишини таъкидлаб, фикри исботи учун қатор далилларни келтирган. Тадқиқотчининг фикрича, Навоий мақтаъларидаги сабаб эргаш гапларни шакллантирган кўплаб ёрдамчи сўзлар бугунги тилимиз истеъмолидан чиқиб кетган. Муаллиф сабаб эргаш гапли қўшма гапни мақтада шакллантирадиган *чу, чун, чунки* каби боғловчиларнинг алмашиб қўлланишига аруз вази талаби сабаб бўлганини тўғри таъкидлаган. Шу тариқа *-ки* ҳамда *-ким* каби эргаштирувчи боғловчиларнинг сабаб эргаш гапдан таркиб топган мақтаъларда кенг қўллангани ҳам айтилиб, фикрлар исботи учун етарли далиллар келтирилган. Дастлабки бобнинг иккинчи фаслида сабаб эргаш гапларга синоним бўла олувчи боғловчисиз қўшма гапларнинг Алишер Навоий ғазаллари мақтасида келиши ва уларда сабаб-оқибат категориясининг намоён бўлиши таҳлил қилинган бўлиб, олима унга “Хазойин ул-маоний” куллиётининг турли девонларидан олган ғазал мақталарини мисол сифатида кўрсатган.

Иккинчи боб “Кесими шарт майлидаги феъллардан ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларда сабаб ва оқибат муносабати” деб аталиб, унда Алишер Навоий ғазалиётига мансуб жуда кўп мақтаъларнинг кесими шарт майлидаги сабаб эргаш гапли қўшма гаплардан таркиб топгани, шу биле улар ўзида сабаб ва оқибат категориясини қай даражада акс эттирганини таҳлил қилишга зарурат борлигига алоҳида урғу берилган. Олим ўз фикрларини илгари сурар экан, мақталарда акс этаётган сабаб ва оқибат муносабатини сабаб эргаш гапли қўшма гап қисмларида прессупозиция ва пропозиция орқали юзага чиқишини исботлайди.

Дис-янинг учинчи боби “Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапларда сабаб ва оқибат муносабати” деб номланган бўлиб, унда дастлаб ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапларда кузатиладиган структур ва семантик ҳолатлар ёритиб берилган. Олима ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапнинг тўрт таркибий компонентини кўрсатгач, Навоий ғазаллари мақтаъсидаги шу турдаги қўшма гапларнинг ўзаро боғланиш ва намоён бўлиш шакллари аниқ мисоллар келтиради. У “Хазойин ул-маоний” девонида ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплардан таркиб топган мақта нисбатан кам – жами олтиш саккизта эканини маълум қилгач, қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайдиган носиталарнинг семантик жиҳатига эътибор қаратган.

“Бош гапи буйруқ мазмунидаги қўшма гапларда сабаб ва оқибат муносабати” деб аталган тўртинчи бобда Навоий ғазаллари мақтаъсининг буйруқ гап шаклида намоён бўлиши ва уларда сабаб-оқибат муносабатининг акс этиши б-н боғлиқ масалалар ўрганилган. Тадқиқотчи мақтаълардаги буйруқ гапларнинг педикациясига эътибор берган, уларнинг мазмун акс эттиришдаги вазифасини ёритган.

Ишнинг хулоса қисмида олинган натижалар яхлит шаклга келтирилган, Алишер Навоий ғазаллари мақтасида сабаб ва оқибат муносабатлари акс этгани шеърнинг гоъвий қатламини очиб беришда ута муҳим ўрин тутиши таъкидланган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. М.Миртожиёв.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА ТАСАВВУФИЙ ТИМСОЛ ВА БАДИИЙ САНЪАТЛАР УЙҒУНЛИГИ (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида)” – ўзбек адабиётшуноси Муллаҳўжаева Каромат

Тошхўжаевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2005). Дис-яда Алишер Навоий ғазалиётидаги тас-ий тимсолларнинг бадиий санъатлар б-н боғлиқлиги, туйғу ва фикр ифодасида уларнинг ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Ишда “Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги ҳамд, наът, орифона, ошиқона ғазалларнинг ғоявий ҳамда бадиий жиҳатлари, улардаги тимсолларнинг сўфиёна мазмуни, акс этаётган маънонинг бадиий тасвир б-н уйғунлиги атрофлича тадқиқ қилинган. Дис-я учун шоирнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг (инв. № 216, 891ҳ.к/1486) Ҳиротда котиб Али бинни Нур томонидан кўчирилган нусхаси ҳамда йигирма томлик мукамал асарлар тўпламининг биринчи жилди (Тошкент, 1987) манба сифатида олинган. Илмий иш кириш, уч асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Ҳамд ва наът ғазалларида маъно, тимсол ва бадиий санъатлар таносуби” деб номланиб, унда Алишер Навоийнинг ҳамд, муножот, наът, меърож мавзудаги ғазалларининг мазмун-моҳияти ҳамда улардаги бадиий санъатларнинг ўзаро муносабат тарзда намоён бўлиши ҳақида гап борган. Мазкур мавзуда “Бадоеъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган 10 та ғазал таҳлилга тортилиб, уларда ислом дини ғоялари ёрқин акс этганлиги ўрганилган. Шеърларнинг мазмуни б-н бирга қўлланилган бадиий санъатлар ҳам чуқур таҳлил қилиниб, тазод, иштиқоқ, тақрир, таносуб каби санъатларга нисбатан кўпроқ мурожаат қилинганлиги аниқланган.

Дис-янинг “Ирфоний маъно-мазмун моҳиятини очишда тимсол ва бадиий санъатларнинг ўрни” деб аталган иккинчи бобида “Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги орифона йўналишда яратилган 7 ғазал таҳлилга тортилган. Дастлаб тимсол масаласига ойдинлик киритилиб, Навоий ғазалларидаги ирфоний маъно қайси санъатлар воситасида ифода этилиши очиб берилган. Масалан, тақрир санъати, иншо санъатининг амр ва наҳий усуллари, истиораний ибора, муболага каби бадиий санъатлар маърифий ғазалларда устуворлик қилиши, бу эса бевосита уларда акс этган ирфоний ғоялар б-н боғлиқлиги исботлаб берилган.

“Навоий ғазалларида табиат тасвири б-н сўфиёна қарашлар ифодасидаги уйғунлик” деб аталган 3-бобда шоирнинг ошиқона ғазаллари моҳиятини ташқил этадиган сўфийлик қарашлари ифодасида табиат тасвирининг тутган ўрнига алоҳида тўхталинган. Тафриъ, ташхис, ташбеҳ, таносуб, талмеҳ каби санъатлар фаол қўлланилган табиат мавзудаги ғазалларда шоирнинг концептуал қарашлари акс этганлигига урғу берилган. Шунингдек, мазкур йўналишдаги шеърларда энг кўп мурожаат қилинган субҳ, меҳр, баҳор, куз, киш, сув, балиқ, ҳубоб, кема каби тимсол ва тушунчалар катта аҳамият касб этиши аниқланган.

Хулосада тадқиқот натижалари умумлаштирилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д. Н.Комилов.

“АЛИШЕР НАВОИЙ “НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР” АСАРИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА БАДИИЯТИ” – ўзбек адабиётшуноси Ражабова Маърифат Бақоевнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2006). Дис-яда “Назм ул-жавоҳир” асарининг яратилиш тарихи, асарни унинг асосий манбаи бўлган “Наср ул-лаолий” б-н қиёсий ўрганиш, хикмат ва рубоийларнинг мавзулар доираси, бадиияти, муаллифнинг бош манбадан фойдаланишдаги маҳорати масалаларини ўрганиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, масаланинг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, манбаи, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ҳамда таркиби ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби ““Назм ул-жавоҳир” ва “Наср ул-лаолий” деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Назм ул-жавоҳир”нинг яратилиш тарихи ва нашрлари” деб номланган биринчи фаслида Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” асарининг яратилишига навоийшуносликдаги мавжуд маълумотлардан ташқари Ҳазрат Али қабрининг топилиши ҳам сабаб бўлгани кўрсатилади. Шунингдек, ушбу фаслда асарнинг илмий-танқидий матни ва “МАТ”нинг 15-жилдидаги рубоийлар матни қиёсан ўрганилиб, таҳлил қилинган. Бобнинг иккинчи фасли “Наср ул-лаолий”нинг

яратилиши, унинг қўлёзма манбалари, мундарижаси” деб номланган бўлиб, унда “Навр ул-лаолий”нинг ЎзФА ШИ хаазинасида мавжуд бўлган қўлёзмалари киёсан ўрганилиб, асарнинг “Назм ул-жавоҳир”га қадар етиб келиш йўллари масаласига ойдинлик киритилган ва ҳикматларнинг илк намуналари “Қаломи амир ал-мўъминин Али” тарзида номлангани, Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (ваф. 868) “Қисқа ҳикматлар”ни ажратиб олиб, сайланма тузгани, Шариф ар-Розий (10-аср) “Алининг сўзлари”ни тўплаб, “Наҳж ул-балоға” номи б-н яхлит ҳолга келтиргани, Рашидиддин Ватвот ал-Жоҳиз асарини аслият, форсча таржима ва шеърый изоҳлар б-н “Сад калима” номи остида янги тўплам тарзида тайёрлагани таъкидланган.

Дис-янинг иккинчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, “Назм ул-жавоҳир”нинг ғоявий-адабий манбалари” деб номланган. Биринчи фасл асарнинг илоҳий-ирфовий, адабий манбалари тадқиқига бағишланиб, унда Алишер Навоийнинг илоҳий-исломий манбаларга мурожаат қилиши б-н боғлиқ масалалар ўрганилган, адибнинг Қуръони карим, пайғамбаримиз ҳадислари ва Ҳазрат Али ҳикматларидан фойдаланиш маҳоратига тўхталиб ўтилган. Бобнинг “Назм ул-жавоҳир” ва бадиий адабиётда ҳадисларга мурожаат” деб номланган иккинчи фаслида “Назм ул-жавоҳир”нинг яратилиши маълум даражада мумтоз ад-тдаги ҳадисларни шеърга солиш, арбаинлар яратиш анъанаси б-н боғлиқлигига эътибор қаратилади ва мумтоз адабий асарларда ҳадисларга мурожаатнинг шакллари таснифланади. Бобнинг учинчи фасли “Адабиётда панд-насиҳат мавзусига мурожаат – қадимий анъана” деб номланган. Унда мумтоз туркий асарлар, хусусан Навоийнинг асарлари араб ва форс-тожик ад-ти анъаналаридан озиқлангани, панд-ҳикматлар даставвал араб шеърыйатида кенг тарқалган ҳикматлар шаклида ифода этилганлиги ҳақида сўз боради.

Дис-янинг учинчи боби ҳам уч фаслдан иборат бўлиб, унинг биринчи фаслида Ҳазрат Али ҳикматлари ва “Назм ул-жавоҳир”даги рубойлар ўзаро муносабатда таҳлил қилинади. Бобнинг иккинчи фасли “Назм ул-жавоҳир”нинг мавзулар оламига бағишланган бўлиб, унда “Назм ул-жавоҳир” таркибидаги рубойларда ислом дини арконлари, шариат қонун-қоидалари б-н бир қаторда ижтимоий-маиший, ахлоқий-маърифий масалалар қамраб олинганлиги таъкидланади, ушбу масалалар аке этган рубойлар таҳлил доирасига тортилади. Бобнинг учинчи фасли “Назм ул-жавоҳир”нинг ғоявий-бадиий хусусиятлари” деб номланган. Унда асар таркибидаги рубойлар бадиияти тадқиқ қилинади, 268 рубойдан 221 таси радифли, 47 таси радифсиз эканлиги аниқланади. Шунингдек, рубойларда кенг қўлланилган бадиий санъатлар ўрганилиб, уларнинг вазн хусусиятларига эътибор қаратилади. Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади. Дис-я бўйича илмий тўплам ва журналларда 9 та мақола эълон қилинган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Р.Воҳидов.

“САБЪАИ САЙЁР” ДОСТОНИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА БАҲРОМ СЮЖЕТИНИНГ ТАЛҚИНИ – ўзбек адабиётшуноси Нарзиқулова Манзура Тўраевнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2006).

Дис-яда Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги Баҳром Гўр образининг генезиси, достоннинг фольклордаги замини, достон қурилиш сюжетидаги поэтик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, икки асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг дастлабки боби “Сабъаи сайёр” достонида мифология” деб аталиб, унда космогоник мифлар, мифологик образлар маъкур достон б-н боғлиқ шаклда тадқиқ этилган. Муаллиф даставвал миф тушунчасига таъриф берган, миф б-н алоқадор изланишлар, фикрларни илгари сурган, уларга ўз нуқтаи назарини баён қилган. Сўнг космогоник миф, унинг фольклорда пайдо бўлиб, халқ оғзаки ижодида кириб келишини алоҳида кўрсатиб берган. Космогоник мифларнинг Алишер Навоий асарлари, хусусан, “Сабъаи сайёр” достонида образ сифатида намоён бўлишига эътибор қаратилган.

Ишнинг иккинчи боби “Сабъаи сайёр” достонида фольклор анъаналари” деб номланган бўлиб, “Сабъаи сайёр” ва фольклор асарлари орасидаги муштараклик таҳил этилган. Халқ орасида тарқалган “Баҳром ва Гуландом” достони “Сабъаи сайёр” б-н қиёсий шаклда ўрганилган, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эътибор қаратилган.

Олима “Сабъаи сайёр” достонидаги 7 рақами бадиий асар қурилмасининг семантик асосини ташкил этувчи поэтик код вазифасини бажаришини етти фалак, етти сайёра, етти кун, етти иқлим, етти йўловчи, етти киз, етти хил ранг каби тушунчалар ёрдамида асослаган. Етти рақамининг мифологик моҳияти, жаҳон халқлари оғзаки ижодида ҳам учраши, хусусан, хинд, туркий халқларда етти рақамга ялоҳида эътибор қаратилгани таъкидланади. “Сабъаи сайёр”да Алишер Навоий қўллаган етти рақами б-н боғлиқ инсорларга изоҳлар берилган. Достондаги бодпо, қаҳнус, хумо, жон қуши каби рамаларни мифологик образ деб қабул қилган олима фикрини шу нуқтаи назардан исботлашга интилган. Шунингдек, Аланқуво, Лот, Уззо, Манот каби тушунчаларнинг ҳам қўлланиши ва уларнинг манбаи ҳақида сўз юритилган.

Дис-янинг учинчи боби “Ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини” деб номланган бўлиб, унда дастлаб романик достонларнинг етакчи гоюлари ҳақида сўз борган. “Баҳром ва Гуландом” достони ва унинг сюжети б-н боғлиқ маълумотлар берилган, қисман поэтик таҳлилга тортилган ҳамда унинг “Сабъаи сайёр” достони б-н боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

Хулосада олинган илмий натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. С.Ҳасанов.

“ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ВАЛИЙЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ (Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида)” – ўзбек фалсафашуноси Исакова Замирахон Рухитдиновнанинг фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2007). Дис-яда Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида набийлик ва валийлик, нубувват ва валоят, сўфийлик ва орифлик, валийлик белгилари ва даражалари, мақомот талқини, маърифат, ҳақиқат, сўфийлик тоифалари ва табақалари, тариқатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, шайхлар ва авлиё аёлларнинг тасаввуфий маслақлари таҳлил ва тадқиқ қилинган. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда уч иловадан иборат.

Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Тасаввуф таълимотида валий инсон муаммосини ўрганишнинг диний-фалсафий жиҳатлари” деб номланиб, унда валийлик ва валоят тушунчаларига берилган таърифлар келтирилиб, тас.да набий ва валий инсон талқинидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар таҳлилга тортилган. Бу борада “Насойим ул-муҳаббат”, “Хатм ул-авлиё” асарларига мурожаат қилинган. Шунингдек, мақомот таърифи б-н боғлиқ қарашлар сўфийлик ва орифлик сифатлари, мезонларини ўрганиш орқали тадқиқ қилинган. Ишда бу ҳолатлар кенг доирадаги манбаларга суянилган ҳолда таҳлил қилинган, мақомотнинг мазмуви, сўфий ва ориф инсоннинг хос хусусиятлари, унинг даражасини ифодаловчи фазилатлари зикр этилган. Қурб, муҳаббат, шавқ, унс, мужоҳада, мушоҳада, муқошафа каби даражалар тасаввуфдаги ҳолга хос экани айtilган, уларнинг ҳар бирига манбаларга таянилган ҳолда тавсиф берилган.

“Валийларнинг оламни билишга доир қарашлари” деб аталган иккинчи бобда оламни билишнинг рационал ва иррационал усуллари, маърифат тушунчасининг диний ва дунёвий талқини, валийликда ҳақиқатни тушувиш масаласи ўрганилган.

Ишнинг учинчи боби “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тариқатлар таснифи ва шайхларнинг диний-ирфоний, ижтимоий-фалсафий қарашлари” деб номланиб, дастлаб тариқатлар ҳақида умумий тўхталиб ўтилган. Сўнг “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган тариқатлар ва уларнинг пешволари ҳақида сўз юритилиб, қассорийлик, нурийлик, ҳакимийлик, харрозийлик, хафифийлик, рифоийлик, чиштиийлик, суҳравардийлик, қодирийлик, мавлавийлик, неъматуллоҳийлик, хожагон, яссавийлик, кубравийлик каби тариқатлар санаб ўтилган, уларнинг тарихи – келиб

чиқиши б-н боғлиқ қисқа маълумотлар берилган. “Насойим ул-муҳаббат” асарида номлари тилга олинган валийлар ҳаётининг ижтимоий атмосферада намоён бўлишига эътибор қаратилган бўлимда сўфийларнинг касб-кори, яшаш тарзи, ижтимоий табақалар б-н бўлган муносабати ўрганилган. Жумладан, Абу Туроб Нахшабий, Абу Бакр Воситий, Жунайд Бағдодий, Абу Абдуллоҳ Мукрий, Қутбиддин Ҳайдар, Хожа Аҳрор Балӣй, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг қарашлари уларнинг ҳаёт йўлига боғлиқ равишда таҳлил этилган.

“Насойим ул-муҳаббат”да исмлари зикр этилган авлиё аёллар ҳақида сўз юритилган бўлимда Робия Адвия, Марям Басрия, Райҳонаи Волиҳа, Шаъвона, Умми Ҳассон, Фотима бинни Мусанно ва бошқаларнинг хусусиятлари умумий шаклда ўрганилган.

Хулосада олинган натижалар умумлаштирилган бўлиб, фойдаланилган адабиётлардан сўнг “Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари бўйича тасаввуф истилоҳлари луғати”, “Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида зикр қилинган сўфийлик тариқат (тоифа)лари”, “Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида зикр қилинган шайх ул-машойхларнинг асарлар рўйхати” деб номланган учта йирик иловалар келтирилган. Уларда мавзунини тўлдирувчи маълумотлар акс этган. Шунингдек, иш мазмунини қисқа шакл – инфографик услубда муажжсам этган чизмалар ҳам берилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Н.Комилов.

“АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДАГИ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЛЕКСИКА ТАДҚИҚИ” (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда) – ўзбек тилшуноси Эгамова Шоҳиста Джалоловнинг филология фанлари номаоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2007). Дис-яда Алишер Навоий асарларида қўлланилган қадимги ва эски туркий тилга тегишли лексика структур-грамматик ҳамда семантик-функционал аспектларда тадқиқ қилинган. Тадқиқот умумий тавсифий қисм, кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг умумий тавсифида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг кириш қисмида қадимги туркий тил, ундан сўнг пайдо бўлган эски туркий тил ҳақидаги қарашлар ҳақида гап боради, Навоий мазкур икки тилдаги лексикадан ўз асарларида унумли фойдалангани таъкидланган, хусусан, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида келтирилган тўқсон тўққизта феълнинг қадимги ва эски туркий тилга хос хусусиятлари жадвал асосида кўрсатиб берилган. Тадқиқотчи ўзигача қилинган илмий ишлардаги хулосаларни бутунича келтирган, уларга маълум маънода ўз муносабатини билдирган.

Дис-янинг биринчи боби “Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий тил лексикасининг лингвостатистик таҳлили” деб номланиб, шоир асарларида қўлланган қадимги туркий тилга хос сўзларнинг сони 1400 ни ташкил этиши маълум қилинган. Уларнинг қайси сўз туркумига мансуб экани айтилган, туб ҳамда ясамалиги, ясалиш хусусиятлари очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқотчи шоир асарларида учрайдиган этнонимларга ҳам эътибор қаратиб, муайян хулосаларини баён қилган.

“Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий тил лексиканинг структур-фонетик таҳлили” деб номланган иккинчи бобда шоир асарларидаги соф туркий сўзларнинг фонетикаси, уларда рўй берган фонетик ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинган. Аҳамиятли жиҳати, диссертант Навоий асарларида учрайдиган туркий тилдаги сўзларнинг кейинги асрлардаги қўлланиш ҳолатига ҳам мурожаат қилган. Ҳар бир сўз таркибида рўй берган фонетик ўзгаришларни аниқ шаклда кўриб чиққан.

Учинчи боб “Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий тил лексиканинг семантик-функционал тадқиқи” деб номланган бўлиб, шоир асарларидаги қадимги туркий тил лексик қатламига тегишли бўлган сўзларнинг семантикаси ўрганиб чиқилган. Тадқиқотчи туркий сўзларни ўрганар экан, уларда рўй берган маъно ўзгаришларини алоҳида таъкидлаган ҳолда лексемаларни функционал-семантик аспектда тўрт гуруҳга бўлган: 1) маъно ўзгаришларига учрамаган лексемалар; 2) маъно кенгайиш ҳодисасига учраган лексемалар; 3) маъно торайиш ҳодисасига учраган лексемалар; 4) маъноси бутунлай ўзгарган лексемалар.

Бобнинг фаслларида мазкур тақсим бўйича лексемалар таҳлил этилган, улар б-н боғлиқ аниқ хулосалар илгари сурилган. Хулосада олинган натижалар яхлит шаклда баён қилинган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Х. Дадабоев.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА РАНГ СИМВОЛИКАСИ” – ўзбек адабиётшуноси Ўтанова Сирдарёхон Ҳакимжоновнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2007). Мазкур ишда Алишер Навоий ғазалларида қўлланган рангларнинг маъно ва моҳияти таҳлил ва тадқиқ қилинган. Иш кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Ранг, унинг тарихи ва бадиий адабиётда ўринлашиши” деб номланган бўлиб, ранг ҳақида тасаввурлар, уларнинг халқ оғзаки ижодида акс этиши, бадиий ад-тга кириб келиши, рамзга айланиши ҳақида сўз юритилган.

Ишнинг иккинчи боби “Ранг ва Алишер Навоий ғазалиёти образлар олами” деб номланган бўлиб, унда Алишер Навоий ғазалларидаги образларнинг ранг б-н алоқадорлиги тўғрисида тадқиқот олиб борилган. Фикрлар шоир ғазалларидан келтирилган мисоллар асосида исботланган.

“Рамзий-мажозий моҳият ва тасвир маҳорати” деб аталган учинчи бобда Алишер Навоий ғазалларида ранг б-н боғлиқ ҳолда ишлатилган поэтик унсурлар, бадиий санъатлар аниқлаб берилган. Бу ҳолатларнинг Навоийгача бўлган даврдаги тадрижий жараёни ҳам эътибордан четда қолмаган.

Хулосада натижалар умумлаштирилган шаклда тақдим этилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. И.Ҳаққулов.

“АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛИ ГАПЛАРНИНГ СИНТАКТИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ” – ўзбек тилшуноси Раҳматов Мардон Меҳмоновичнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2008). Мазкур тадқиқотда Алишер Навоий асарларида келадиган эргаштирувчи боғловчили гапларнинг синтактик-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган. Номзодлик иши кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Ўзбек тили тарихий синтаксиси ва “чун” боғловчисининг ўрганилиши” деб номланиб, унда бевосита туркий тилшунослик таркибида ривожланган ўзбек тарихий синтаксиси ҳақида гап борган. Ўзбек тарихий синтаксисининг ривожланиш босқичлари, бу соҳа ривожига ҳисса қўшган олимлар тилга олинган ва боғловчилар, хусусан, “чун” боғловчисини илмий жиҳатдан ўрганиб чиққан мутахассисларнинг қарашларига муносабат билдирилган. Қўйилган барча масала Алишер Навоийнинг насрий асарларидан олинган иқтибослар мисолида асосланган.

Дис-янинг иккинчи боби “Чун боғловчили предикатив қурилмалар ва уларнинг таркибий хусусиятлари” деб номланиб, унда “предикатив қурилма” тушунчасига аниқлик киритилгач, Алишер Навоий асарларидаги предикатив қурилмалар, уларнинг келиш ўринлари, “чун” боғловчиси б-н ҳосил қилинган гаплар таҳлилга тортилган. Улар аниқланган маъно, жамики гапларга умумий тегишли бўлган таркибий тузилиш ҳақидаги тушунчалар кўрсатиб берилган.

Илмий ишнинг “Чун боғловчили гапларнинг мазмуний хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида семиотик таҳлил асосий ўринда туради. “Чун” боғловчиси б-н боғланган қўшма гапларнинг барчасига хос бўлган умумий мазмуний хусусиятлар тадқиқ қилинган, илгари сурилган фикрлар аниқ мисоллар ёрдамида асослаб берилган.

Ишнинг хулоса қисмида олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. С.Аширбоев.

“АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДА МУНОЖОТ” – ўзбек адабиётшуноси Эркабоева Наргиза Қурбоналиевнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2008). Мазкур илмий тадқиқотда Алишер Навоий ижодида кенг ўрин эгаллайдиган муножотлар алоҳида объект сифатида олиниб таҳлил қилинган, ўзига хос жиҳатлари илмий мезонлар б-н асослаб кўрсатилган. Илмий иш кириш, саккиз фаслни ўз ичига олган уч асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Муножот тарихига бир назар” деб номланиб, унда мусулмон Шарқи адабиётида анъанага айланган муножот мазмунидаги асарларнинг ёзилиши, бу жанрнинг шаклланиши, келиб чиқиш илдилари ҳақида гап боради. Тадқиқотчи мазкур йўналишдаги асарлар бевосита ислом дини гоялари асосида пайдо бўлиб, ривожланганлигига эътибор қаратган.

Иккинчи боб “Навоий муножотининг гоъвий-бадий хусусиятлари” деб номланиб, унда муножотнинг жанр хусусиятларига тўхталиб ўтилган. Алишер Навоий девонларидаги муножот мазмуни аке этган ғазаллар сони аниқланган, уларга хос умумий жиҳатлар санаб ўтилган. Тадқиқотчи, шунингдек, “Хамса” таркибидаги дostonлар ва “Лисонут тайр” дostonининг кириш ва хотима қисмларидаги муножотларни ўз ишнинг объекти сифатида танлаб, улардаги умумий мазмуний ҳамда бадий хусусиятларни ўрганиб чиққан.

Дис-янинг учинчи боби “Муножот” асаридаги шакл ва мазмун уйғунлиги” деб номланиб, унда шоирнинг насрий сажъ услубида ижод қилган “Муножот” асари асосий объект сифатида олинган. Мазкур асарнинг композицияси, гоъси ва асарда қўлланилган бадий санъатлар таҳлил қилинган. Асосий эътибор илгари сурилган фикр ва қўлланган поэтик унсурларнинг ўзаро мутаносиб эканлигига қаратилган. Ишнинг сўнгги қисмларида тадқиқотчи Алишер Навоий ва Абдуллоҳ Ансорийнинг муножотларини мазмун ва шакл жиҳатдан муқоёса қилади.

Хулосада тадқиқотдан олинган натижалар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.н., проф. С.Фаниева.

АЛИШЕР НАВОЙ “ХАМСА”СИДА МАЗМУН ВА РИТМНИНГ БАДИЙ УЙЎУНЛИГИ – ўзбек адабиётшуноси Юсупова Дилнавоз Раҳмоновнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2008). Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”си таркибига кирувчи дostonлар ритмининг мазмун б-н боғлиқлиги масаласини ўрганиш бош мақсад килиб олиниб, ритмик унсурлар – вазн, ритмик вариациялар, қофия, радиф, бадий санъат ва ритмик урғунинг дostonлар мазмунини очишдаги ўрни кўрсатиб берилган. Илмий тадқиқот ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда кириш, 7 фаслни ўз ичига олган уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи бобда вазн шеърий ритми вужудга келтирувчи бош омил сифатида ўрганилиб, эпик поэзия тарихи, хусусан, хамсанависликда вазннинг мазмун б-н боғлиқлиги масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, Алишер Навоийгача туркий эпик поэзияда қўлланилган вазнларнинг дostonлар мавзулари б-н мутаносиблиги даражалари ўрганилган. Дис-янинг биринчи боби “Вазн – шеърий ритмининг асоси сифатида” деб номланган бўлиб, унинг 1-фасли “Эпик поэзия тарихида вазн ва мазмун мутаносиблиги” масаласини ўрганишга бағишланган. Унда Низомий “Хамса”сида қўлланилган вазнларнинг мавзу б-н боғлиқлик даражаси аниқлаб чиқилиб, Низомий дostonларида қўлланилган вазнлар фақат шаклий хусусият касб этмай, кўп жиҳатдан дostonларнинг гоъвий йўналиши ва композицион қурилишига боғлиқлиги таъкидланган. Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Туркий эпик поэзия ва Навоий “Хамса”си: вазн ва мавзу уйғунлиги” деб номланади. Тадқиқотчи Алишер Навоий “Хамса”си дostonларида қўлланилган шеърий ўлчовлар учун Низомий “Хамса”си

вазнлари асос бўлгани, туркий эпик шеърятда Навоийгача қўлланилган вазнлар ҳам муайян даражада таъсир кўрсатгани, шу жиҳатдан Навоийни ҳам хамсачилик анъанасига муносабат билдирган ижодкор, ҳам туркий эпик шеърятнинг давомчиси сифатида ўрганиш мумкин деб хулоса қилган.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “Хамсанависликда анъанавийликдан индивидуалликка ўтишда вазн ва мазмун муносабати” деб номланиб, унда хамсанависликнинг форс адабиётида Деҳлавий ва туркий адабиётда Навоийдан кейин индивидуаллик касб этиши сабаблари ҳамда улардаги вазн ва мазмун муносабати масаласига эътибор қаратилган.

Дис-янинг иккинчи боби “Навоий “Хамса”сида ритмик мувозанат ва мазмун муносабати” деб номланиб, унда ритмик вариациялар ва ритмик воситалар – қофия, радиф ва бадиий санъатнинг дostonлар қаҳрамонлари руҳиятини очишдаги аҳамиятига тўхталиб ўтилган. Иккинчи бобнинг “Қаҳрамонлар руҳиятини очишда ритмик вариацияларнинг ўрни” деб аталган биринчи фаслида *хафифи махбун* ва *ҳазажи аҳраб* вазнларидаги ритмик вариацияларнинг дostonлар мазмуни б-н мутаносиблиги масаласига эътибор қаратилади.

Бобнинг 2-фасли “Ритмик воситалар ва мазмун мутаносиблиги” деб аталади. Муаллифнинг фикрича, ритмни вужудга келтиришда ритмик воситалар – қофия, радиф ва баъзан бадиий санъатлар ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Тадқиқотчи фикрларини турли мисоллар б-н далиллаб қуйидагича хулоса қилади: Навоий дostonларида қўлланилган радиф, қофия, бадиий санъатлар ритмик мувозанатни вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ритмнинг асосий бирлиги ҳисобланувчи ритмик зарбнинг аксарият ҳолларда маъкур унсурлар асосига ҳурилганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида ритмик зарб бадиий асарда ифодаланаётган етакчи фикр ва асосий ғояга урғу бериш хусусияти б-н мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дис-янинг учинчи боби “Ритмик урғу ва мазмун муносабати” деб аталиб, 2 фаслдан иборат. Унда аруз вазни квалитатив система сифатида тақдим этилган, урғунинг ритм яратишдаги аҳамияти, ритмик урғунинг Навоий “Хамса”си дostonлари мазмунини очишдаги ўрни кўрсатилган.

Бобнинг “Ритмик урғу – ритмнинг муҳим унсури сифатида” деб номланган биринчи фаслида аруз вазни квалитатив (урғуга асосланган) система сифатида тақдим қилинади ва арузий матнда лексик урғу (сўз урғуси) эмас, балки ритмик урғу етакчи эканлигига диққат қаратилади. Бобнинг 2-фасли “Навоий “Хамса”сида урғу ва мазмун муштарақлиги” деб номланиб, унда Навоий дostonларидаги мазмуннинг урғу б-н уйғунлиги масаласига эътибор қаратилади. Дис-яда Алишер Навоий “Хамса”сининг ҳар бир дostonида мавжуд бўлган “Муножот”лардаги урғуни таҳлил қилиш орқали дostonларнинг ритм хусусиятлари таҳлил қилинган.

Хулосада боблар юзасидан чиқарилган назарий ва амалий тўхтамлар умумлаштирилган.

Илмий раҳбар – ф.ф.д., акад. Б.Назаров.

“АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ВОҚЕЛИК ВА УНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНЛАРИ” (Ўзига хослик ва анъанавийлик асосида) – ўзбек адабиётшуноси Жўраев Ҳабибулло Абдусаломовичнинг филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2008). Дис-яда Алишер Навоий лирикасида воқелик ва унинг шоир тилидан поэтик талқин этилиши атрофлича ўрганилган. Тадқиқот кириш, тўрт асосий боб таркибига кирувчи ун фасл, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дис-янинг тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки боб “Дунёқараш ва муҳитнинг ижодий жараёнга таъсири” деб номланган бўлиб, унда услуб ва ўзаро ижодий таъсир масалаларига эътибор қаратилган. Услубнинг муҳимлиги, Алишер Навоий услубини ўрганишнинг аҳамияти б-н боғлиқ фикрлар айтилгач, Низомий Арузий Самарқандийнинг услубий бетакдорлик ижодкорнинг индивидуаллиги б-н алоқадорлиги ҳақидаги фикри келтирилган ҳамда тўрт шарт – салим ул-фитрат, азим ул-фикрат, саҳиҳ ут-таъб, дақиқ ун-назар тушунчаларига таъриф берилган. Навоий услубини белгилашда ана шу омилларга суяниш

мумкинлиги таъкидланиб, бу қарашлар шоирнинг барча асарларида ривожлантирилгани айтилган. Шоир асарларида билдирилган ижодкор услуби б-н боғлиқ фикрлар назарий истилоҳлар б-н баён этилган ҳамда ҳар бирига алоҳида шарҳ берилган. Шунингдек, Алишер Навоийнинг ўз услуби ва ижоди ҳақидаги автоинтерпретациялари таҳлилга тортилган, улардан мантиқий хулосалар чиқарилган. Хусусан, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий Алишер Навоий ижодига ижобий таъсир ўтказгани б-н боғлиқ фикрлар шоирнинг ўзи ёзган қитъа асосида далилланган.

“Анъана ва ўзига хослик” деб номланган иккинчи бобда Алишер Навоий ижодидаги новаторлик, анъана ичидан қашриёт қилиш қуввати ҳақида сўз юритилган. Унда ўзига хосликнинг анъанавий бадиий негизлари, Алишер Навоий лирикасида бадиий санъатларнинг қўлланиши, лирик жанрларнинг анъанавий хусусиятлари замирида шоир услубининг оригиналлиги намоён бўлиши таъкидланган.

Учинчи боб “Лирикада ижодкор шахсияти” деб номланган бўлиб, унда Алишер Навоийнинг шоирлик истеъдоди, у танлаган ижодий тамойиллар, туйғу ва ҳиссиётни лирик ифода қилиш маҳорати ҳамда уларнинг омиллари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, шоир лирикасида акс этадиган муаллиф шахсияти ва биографик асосларнинг Алишер Навоий ижоди б-н боғлиқ ҳолда ўрганилиши кўрсатиб берилган.

“Лирик тасвир такомили” деб номланган тўртинчи бобда Алишер Навоий ижодидаги руҳий таҳлил ва индивидуализмнинг ўзаро боғлиқлиги, таҳрир ва тадрижийликнинг алоқалари ёритиб берилган.

Тадқиқотчи илгари сурган ҳар бир фикрини мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилиб, ўз қарашларини баён этган. Хулосада олинган илмий натижалар умумлаштириб берилган.

“НАВОЙНИНГ “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”, ШЕКСПИРНИНГ “РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА” АСАРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИКИ – ўзбек адабиётшуноси Маматқулова Холида Ахтамовнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2009). Дис-яда Алишер Навоий ва Вильям Шекспир қаламига мансуб “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Ромео ва Жульетта” асарларининг муштарак ва ўзига хос томонларини таҳлил этиб, қиёсий ўрганиш бош мақсад қилиб олинган. Тадқиқот кириш қисми, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Дис-янинг биринчи боби “Навоий ва Шекспир даврларида тарихий шароит ва адабий ҳаёт” деб номланади. Унинг “Умумбашарий гуманизм тамойиллари ва типологик ўхшашликлар” деб номланган биринчи фаслида умумжаҳон маданияти, адабиёти ва санъати ривожига ҳисса қўшган Шарқ ва Ғарб маърифий юксалишининг икки йirik вакили – Алишер Навоий ва Вильям Шекспир яшаган давр, макондаги умумий ўхшаш жиҳатларга эътибор қаратилган. Бобнинг иккинчи фасли “Муҳаббат мавзуси – Уйғониш даврининг марказий муаммоларидан бири” деб номланади. Унда Навоий ва Шекспирнинг ишқ ҳақидаги концепциялари таҳлил қилиниб, ҳар иккала асарда қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини йўналтирувчи қуйидаги бешта асосий ҳолат мавжудлигига эътибор қаратилади: 1) илк учрашув; 2) дил изҳори; 3) айрилиқ; 4) истамаган киши б-н никоҳга мажбурлаш; 5) хотима. Дис-яда таъкидланишича, икки ижодкорнинг ишқ концепциясига муносабатлари гоъвий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиб, ҳар икки мутафаккир назарида комилликнинг пойдевори ишқдир. Дис-янинг иккинчи боби “Навоий дostonи ва Шекспир трагедиясининг бадиий тузилиши” деб номланади. Бобнинг биринчи фасли “Лайли ва Мажнун” dostonи ҳамда “Ромео ва Жульетта” трагедиясининг жанр кўлами, композиция хусусиятлари. Анъана ва маҳорат” тарзида номланиб, бу фаслда ҳар икки асарнинг композицион хусусиятлари ва ҳар бир жанр гоъвий моҳиятининг мавзу б-н муштараклиги, воқеликни бадиий ифодалашдаги вазифалар умумийлиги, асардаги мавзу, сюжет ва қаҳрамонлар нисбий ўхшашлиги ҳақида фикр юритилади. Унда айтилишича, Навоий ва Шекспир асарлари структура жиҳатидан муайян муштаракликларга эга бўлиб, бу ҳолат ҳар икки асарнинг бир мавзу, яъни ишқ мавзусида

ёзилганлиги, қаҳрамонлар ва уларни қуршаган персонажлар, ижтимоий-маданий муҳит кўринишларидаги муштаракликлар, қаҳрамонлар сунгги тақдирининг ўхшашлиги ва б.да намён бўлади. Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Ипқий – маиший сюжетда образлар тизимининг қиёси” деб номланган. Бу қисмда иккала асардаги образлар тизими қиёсий таҳлил қилинади. “Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнун “Ромео ва Жульетта”даги Ромео б-н, Лайли Жульетта б-н, иккинчи даражали қаҳрамонлар эса ўзаро қиёсланиб, улар сажиясидаги ухшаш ва фарқли жиҳатларга эътибор қаратилади. Дис-янинг сунгги учинчи боби “Лайли ва Мажнун” достони ҳамда “Ромео ва Жульетта трагедияси поетикаси” деб номланади. Унинг “Навоий ва Шекспир услубининг таъсирчанлиги (нутқ оҳанги, ишора, хатти-ҳаракатлар), яъни инсон ички туйғулари б-н боғлиқ тасвирий ифодалари” тараида номланган биринчи фаслида Навоий ва Шекспир фойдаланган сўз санъати б-н алоқадор жуда кўп усул ҳамда воситалар хусусида фикр юритилади. Бунда ҳар иккала асардаги инсон ташқи қиёфаси, юриш-туриши, ҳаракатлари ва нутқ оҳангининг экспрессивлигига асосий эътибор қаратилиб, ушбу усуллар муаллифлар томонидан олға сурилган гоъни тушуниш, характерларга хос индивидуал хусусиятларни очиб бериш, асарларнинг ўзига хос жиҳатларини курсатишга хизмат қилганлиги таъкидланган. Бобнинг иккинчи фасли “Бадиий тил ва образлилик (муболаға, истиора, ўхшатишлар)” деб номланиб, унда икки йирик сўз санъаткорининг бири-бирига яқин ишқий мавзудаги асарларининг поэтик тил ва образлиликка диққат қаратилади. Ҳар иккала асар матнларидаги портрет яратиш (Лайли ва Жульетта портретлари), руҳий ҳолат тасвири ва бадиий макон талқини б-н боғлиқ ўринларида қўлланилган бадиий санъатлар тадқиқ қилинади, ижодкорларни поэтик санъатларни қўллашларида бирлаштирувчи омил Уйғониш даври вакилларига хос бўлган метафорик услуб деган тўхтамга келинади.

Ишнинг хулоса қисмида мавзу тадқиқи бўйича олинган натижалар умумлаштирилади.

Илмий раҳбар – ф.ф.д. Д.Салоҳий.

“АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ГОЪСИ” – ўзбек фалсафашуноси Пардаева Марҳабо Давлатовнанинг фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2010).

Ушбу илмий тадқиқот Навоий асарларида тасвирланган комил инсон ва унга хос жиҳатларни урганишга бағишланган. Илмий иш кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг урганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби “Алишер Навоий яшаган давр ва унинг муҳим хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда шоирнинг ҳаёти ва у яшаган давр хусусиятлари урганилган. Иккинчи бобда эса Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари таҳлилга тортилган. Унда бу қарашларнинг хос жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, қадимги ва илк ўрта аср ижтимоий-фалсафий тафаккурида комил инсон талқинига эътибор қаратилган, Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларининг маъна ҳисобланган инсонпарварлик масаласи ўрганилган.

Учинчи бобда Алишер Навоийнинг диний-тасаввуфий қарашлари тадқиқ қилинган ва ана шу асосда илгари сурилган комил инсон гоъси ўрганилган. Навоий ўз асарларида тилга олган пайғамбар ва авлиёлар комил инсон тимсоли экани ҳақида хулосалар берилган. Шунингдек, Навоий тасаввур қилган одил подшоҳ ва унга хос комиллик жиҳатлари ёритилган.

Хулосада ишнинг натижалари умумлаштирилган. Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. Ҳ.Алиқулов.

“АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МАЖОЛИС УН-НАФОИС” АСАРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКА” – ўзбек тилшуноси Исақова Зебо Муродовнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2010). Мазкур ишда Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари лексикаси ва ижтимоий-сиёсий тушунчаларни акс эттирган қатлам таҳлилга тортилган.

Илмий иш умумий тавсифий қисм, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Дис-янинг умумий тавсифий қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси,

тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Дастлабки бобда “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг мавзу гуруҳлари таҳлил қилинган. Унда давлат бошқарувида оид лексика, давлатчилик тизими лексикаси, дипломатик лексика, ижтимоий-сиёсий бирлашма шакллари номлари, аҳолининг ижтимоий қатлами лексикаси, ижтимоий-худудий бўлак номлари, турғунлик ва муҳожирликни ифодаловчи лексик бирликлар алоҳида шаклда ўрганилган, ҳар бир гуруҳга доир сўзлар келтирилган.

Иккинчи бобда “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг генеалогик таҳлили амалга оширилган. Унда асар таркибидаги сўзлар ўз қатлам ва ўзлашма қатламга ажратилган. Ўзлашма қатламда эса арабий, форсий лексика ўрганилган.

Учинчи бобда “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг семантик-структур таҳлили келтирилган. Унда аффиксация усули б-н ҳосил бўлган лексик бирликлар, ижтимоий-сиёсий соҳага оид бирикма шаклидаги сўзлар, ижтимоий-сиёсий лексика таркибидаги изофали бирикмаларнинг турғунлашуви тадқиқ қилинган. Ҳар бир бобдан сўнг хулосалар баён қилинган. Боблар якунида ишнинг илмий хулосалари жамланган шаклда берилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан сўнг олтита илова ҳавола қилинган. Иловаларда Навоий асарлари лугатига киритилмаган ҳамда янги маънолари биринчи бобда кайд этилган сўзлар лугати, “Мажолис ун-нафоис”да келган, бугунги кунда истеъмолда бўлган сўзлар б-н шаклан бир хил, маъносида ўзгариш юз берган ижтимоий-сиёсий соҳага оид бириклар, асарда мавжуд бўлган, бугунги кунда маъноси торайган ижтимоий-сиёсий соҳага доир сўзлар, тазкирада келган баъзи сўзларнинг бугунги кундаги шакллари, шунингдек, рисоладаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг мавзу гуруҳи чизма шаклида акс этган.

Илмий раҳбар - ф.ф.д., проф. И.Ж.Юлдашев.

“АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИДАГИ РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ” – ўзбек адабиётшуноси Мамадалиева Зухра Умаралиевнанинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2011). Унда “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар, уларнинг келиб чиқиш тарихи, моҳияти, Алишер Навоийнинг новаторлик маҳорати дастлаб Ибн Синонинг “Тайр қиссаси”, сўнг бевосита Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонлари б-н қиёслаш асосида атрофлича ёритиб, изоҳлаб берилган. Илмий иш кириш, 7 фаслни ўз ичига олган 3 асосий боб, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, ишнинг илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, жорийланиши ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Тасаввуф адабиётидаги рамзий образлар” деб номланган бўлиб, унинг дастлабки фаслида туркий ва форсий халқлар эпик ад-тидаги рамзийлик хусусида сўз боради. Маъмур фаслда рамзийлик илдизлари таҳлил қилиниб, унинг келиб чиқиши Қуръони каримга бориб тақалиши айтилади ва бу фикр муайян оятлар б-н асосланади. Шунингдек, ушбу қисмда рамзий йўналишда яратилган “Тайр қиссаси”, “Ҳайй ибн Яқзон” ҳамда “Саломон ва Ибсол” асарлари таҳлил этилган, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, Абдураҳмон Жомийнинг “Саломон ва Ибсол” асарларидаги тимсоллар замиридаги рамзий мазмун тадқиқ этилган.

